

إمام أبي عبد الله محمد بن إسماعيل البخاري

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ

АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ  
(Ишонарли тўплам)

1 жилд

Арбчадан ЗОКИРЖОН ИСМОИЛ  
таржимаси



## «АЛ — ЖОМИЪ АС — САҲИҲ» БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

Шайх, имом ва ҳофиз (Қуръон ва ҳадисни ёд билувчи) Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғйира ал-Бухорийни Оллоҳ таоло раҳмат қилсин, омин!

### 1-БОБ. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга нечук ваҳий кела бошлагани ҳамда Оллоҳ таолонинг «Биз сенга Нуҳ ва ундан кейинги пайғамбарларга нечук ваҳий юборган эрсак, шундай ваҳий юбордик» деган қавли хусусида

1. عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ ، وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى ، فَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ إِلَى دُنْيَا يُصِيبُهَا ، أَوْ إِلَى امْرَأَةٍ يَنْكِحُهَا ، فَهَاجَرَتْهُ إِلَى مَا هَاجَرَ إِلَيْهِ ) .

*Яҳё ибн Саъид ривоят қиладилар:* «Умар ибн ал-Хаттоб минбарда турганларида: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганман»,— дедилар: «Дарҳақиқат, барча амаллар ниятга яраша бўлғусидир. Кимки ҳижратдан нияти дунё топмоқ эрса, дунёга эришғуси, кимки ҳижратдан нияти хотин олмоқ эрса, хотинга никоҳланғусидир. Демак, не ниятда ҳижрат қилганлиғи эътиборга олинғусидир».

2. عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ الْحَارِثَ بْنَ هِشَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، كَيْفَ يَأْتِيكَ الْوَحْيُ ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَحْيَانًا يَأْتِينِي مِثْلَ صَلْصَلَةِ الْحَرَسِ ، وَهُوَ أَشَدُّهُ عَلَيَّ ، فَيَفْصِمُ عَنِّي وَقَدْ وَعَيْتُ عَنْهُ مَا قَالَ ، وَأَحْيَانًا يَتَمَثَّلُ لِي الْمَلَكُ رَجُلًا فَيُكَلِّمُنِي فَأَعِي مَا يَقُولُ ) .

*Урва ибн Зубайр ривоят қиладилар, у киши эрса, Оиша онамиздан эшитган эрканлар:* «Ҳорис ибн Ҳишом разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулulloҳ, сизга ваҳий нечук келғусидир»,— деб сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менга ваҳий, баъзан қўнғироқ овози янглиғ келғусидир. Кучли ваҳий келганда шундай бўлғай. Шунда мен бутун борлиқни унутғум ва ваҳий сўзларини уқиб олғумдир. Баъзан эса, менга инсон қиёфасидаги фаришта ваҳий келтирғай, мен унинг айтганларини ёдлаб олғайман»,— деб жавоб қилдилар».

قَالَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : وَلَقَدْ رَأَيْتُهُ يُنَزَّلُ عَلَيْهِ الْوَحْيُ فِي الْيَوْمِ الشَّدِيدِ الْبَرْدِ ، فَيَفْصِمُ عَنْهُ وَإِنْ جَبِينَهُ لَيَتَفَصَّدُ عَرَقًا .

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Қаттиқ совуқ кунлардан бирида ул кишига ваҳий келганининг гувоҳи бўлган эрдим. Шунда ул зот бутун борлиқни. унутган ҳолатда бўлиб, пешоналари қаттиқ терлаб кетган эрди»,— деб айтдилар.

3 . عَنْ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ : أَوَّلُ مَا بُدِيََ بِهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْوَحْيِ الرَّؤْيَا الصَّالِحَةُ فِي النَّوْمِ ، فَكَانَ لَا يَرَى رُؤْيَا إِلَّا جَاءَتْ مِثْلَ فَلَقِ الصُّبْحِ ، ثُمَّ حُبِّبَ إِلَيْهِ الْخَلَاءُ ، وَكَانَ يَخْلُو بَعَارِ حِرَاءَ ، فَيَتَحَنَّنُ فِيهِ - وَهُوَ التَّعَبُّدُ - اللَّيَالِي ذَوَاتِ الْعَدَدِ قَبْلَ أَنْ يَنْزِعَ إِلَى أَهْلِهِ ، وَيَتَزَوَّدُ لِذَلِكَ ، ثُمَّ يَرْجِعُ إِلَى خَدِيجَةَ فَيَتَزَوَّدُ لِمِثْلِهَا ، حَتَّى جَاءَهُ الْحَقُّ وَهُوَ فِي غَارِ حِرَاءَ ، فَجَاءَهُ الْمَلَكُ فَقَالَ : اقْرَأْ ، قَالَ ( مَا أَنَا بِقَارِئٍ ) . قَالَ : ( فَأَخَذَنِي فَغَطَّنِي حَتَّى بَلَغَ مِنِّي الْجَهْدَ ، ثُمَّ أَرْسَلَنِي فَقَالَ ، اقْرَأْ ، قُلْتُ ، مَا أَنَا بِقَارِئٍ ، فَأَخَذَنِي فَغَطَّنِي الثَّانِيَةَ حَتَّى بَلَغَ مِنِّي الْجَهْدَ ، ثُمَّ أَرْسَلَنِي فَقَالَ : اقْرَأْ ، فَقُلْتُ : مَا أَنَا بِقَارِئٍ فَأَخَذَنِي فَغَطَّنِي الثَّلَاثَةَ ، ثُمَّ أَرْسَلَنِي فَقَالَ : ﴿ اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ ﴾ اقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ ﴿ فَرَجَعَ بِهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَرْجِفُ فُؤَادَهُ ، فَدَخَلَ عَلَى خَدِيجَةَ بِنْتِ خُوَيْلِدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا فَقَالَ : ( زَمَلُونِي زَمَلُونِي ) . فزَمَلُوهُ حَتَّى ذَهَبَ عَنْهُ الرَّوْعُ ، فَقَالَ لِخَدِيجَةَ وَأَخْبَرَهَا الْخَبَرَ : ( لَقَدْ خَشِيتُ عَلَى نَفْسِي ) فَقَالَتْ خَدِيجَةُ : كَلَا وَاللَّهِ مَا يُخْزِيكَ اللَّهُ أَبَدًا ، إِنَّكَ لَتَصِلُ الرَّحِمَ ، وَتَحْمِلُ الْكَلَّ ، وَتَكْسِبُ الْمَعْدُومَ ، وَتَقْرِي الصَّبِيَّ ، وَتُعِينُ عَلَى نَوَائِبِ الْحَقِّ .

*Урва ибн Зубайр Оиша оиамиздан бундай деб нақл қиладилар:* «Дастлабки ваҳий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга уйқулариди соф туш тарзида нозил бўлган эрди. Кейин, тонг шафағи янглиғ нурдан ўзгаси тушларига кирмай қўйди. Шундан сўнг, Расулulloҳ ёлғизликни хушлайдирган бўлиб қолдилар. Оилаларини тарк этиб, ёлғиз ўзлари Ҳироъ тоғидаги ғорда қаторасига бир неча тун тоат-ибодат қилиб чиқар эрдилар. Шу боисдан ҳам ўзлари бирлан егулик олиб чиқиб кетар эрдилар. Егуликлари тугагач, Хадичанинг ҳузурларига келиб, яна таом олиб тоққа қайтар эрдилар. Ҳақиқатга етушгунларига қадар шундай қилавердилар. Бир куни одатдагидек Ҳироъдаги ғорда ибодат бирлан машғул бўлиб ўлтирганлариди ҳузурларига бир фаришта келиб: «Икраъ (ўқи)!»—деб айтди. «Ўқий олмасмен, дедим,— дейдилар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам,—шу пайт ул мени бўга бошлади, ҳатто мен хириллаб қолдим. Кейин, мени қўйиб юборди-да, яна: «Ўқи!»— деди. Мен: «Ўқий олмасмен»,— деб эрдим, ул мени иккинчи бор бўғишга тутинди, сўнг яна қўйиб юборди-да: «Ўқи!»—деди. Мен эрсам: «Ўқий олмасмен»,— деб жавоб қилдим. Ул учинчи марта бўга бошлади, мен тағин хириллаб қолдим. Кейин, қўйиб юборди-да: «Сени яратган раббингнинг, инсонни алақ (лахта қон)дан яратган парвардигорингнинг исми ила ўқи, ўқи! Раббинг энг саҳоватлидир!»—деди».

فَانطَلَقْتُ بِهِ خَدِيجَةَ حَتَّى أَتَتْ بِهِ وَرَقَةَ بْنَ تَوْفَلٍ بْنِ أَسَدِ بْنِ عَبْدِ الْعُزَّى ابْنَ عَمِّ خَدِيجَةَ ، وَكَانَ امْرَأً قَدْ تَنَصَّرَ فِي الْجَاهِلِيَّةِ ، وَكَانَ يَكْتُبُ الْكِتَابَ الْعِبْرَانِيَّ ، فَيَكْتُبُ مِنَ الْأَنْجِيلِ بِالْعِبْرَانِيَّةِ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكْتُبَ ، وَكَانَ شَيْخًا كَبِيرًا قَدْ عَمِيَ ، فَقَالَتْ لَهُ خَدِيجَةُ : يَا ابْنَ عَمِّ ، اسْمَعْ مِنْ ابْنِ أَخِيكَ ، فَقَالَ لَهُ وَرَقَةُ : يَا ابْنَ أَخِي مَاذَا تَرَى فَأَخْبِرَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَيْرَ مَا رَأَى ، فَقَالَ لَهُ وَرَقَةُ : هَذَا النَّامُوسُ الَّذِي نَزَلَ اللَّهُ عَلَى مُوسَى ، يَا لَيْتَنِي فِيهَا جَدْعٌ ، لَيْتَنِي أَكُونُ حَيًّا إِذْ يُخْرِجُكَ قَوْمُكَ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَوْمُخِرَجِي هُمْ ) ؟ قَالَ : نَعَمْ لَمْ يَأْتِ رَجُلٌ قَطُّ بِمِثْلِ مَا جِئْتُ بِهِ إِلَّا عُودِي ، وَإِنْ يُدْرِكُنِي يَوْمَكَ أَنْصُرَكَ نَصْرًا مُؤَزَّرًا ، ثُمَّ لَمْ يَنْشَبْ وَرَقَةُ أَنْ تُوفِّيَ ، وَفَتَرَ الْوَحْيُ .

Шундан сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўрқувдан аъзойи баданлари титраб-қақшаб Хадича бинти Ҳувайлиднинг ҳузурига келдилар-да: «Мени ўраб (яшириб) қўйинглар, мени ўраб қўйинглар!»—дедилар. Ўлар Жаноб Расулulloҳни қўрқувлари тарқалгунга қадар ўраб қўйишди. Сўнг, Хадичага бўлган воқеани айтиб бердилар-да: «Мен ўзимдан хавотир олдим (яъни. «Менга бирор нарса бўлиб қолмасайди»—деб қўрқдим)»,— дедилар. Хадича разияллоҳу анҳо

бундай дедилар: «Йўқ, мутлақо ундай эмас. Худо ҳаққи, Оллоҳ таоло сизни ҳеч вақт шарманда қилмағай, сиз қариндош-уруғчилик муносабатларини йўлга қўйғайсиз, оғирни енгил қилғайсиз, йўқсилларни тўйдирғайсиз, меҳмон кутғайсиз ва ҳақиқий эзгуликларнинг рўёбга чиқишига саъйу имдод айлағайсиз». Сўнг, Хадича онамиз Жаноб Расулulloҳни ўзларининг амакиваччалари бўлмиш Варақа ибн Навфал ибн Асад ибн Абдулуззо ҳузурига олиб бордилар. Ул киши жоҳилия даврида насроний динини қабул қилган эрдилар. Ибронийча хат-саводлари бўлиб, Инжилдан Оллоҳ таоло истаганча ибронийча матнларни кўчириб ёзар эрдилар. Ўзлари кекса ва кўзлари ожиз эрди. Хадича разияллоҳу анҳо Варақага: «Эй амакимнинг ўғли, биродарингизнинг гапларига қулоқ осингиз!»—дедилар. Варақа: «Эй биродаримнинг ўғли, нималарни кўрдингиз, айтингиз!»—деди. Жаноб Расулulloҳ нимаики кўрган бўлсалар, бирма-бир баён айладилар. Варақа Жаноб Расулulloҳга қарата: «Бу, Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга юборган ўша Ҳазрат Жаброилнинг ўзгинасидир. Кошки эрди, мен ёш бўлсам-у, (ислом) динига даъват қилмоқда иштирок этсам, сизни қавмингиз ўз орасидан қувиб чиқарган вақтда мен ҳаёт бўлсам!»—деб айтди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайратомуз: «Мени қавмим ўз орасидан ҳайдағайми?»—дедилар. Варақа: «Ҳа, шундай. Бу вақтга қадар бирор кимса менга сиз каби хабар келтирмаган эрди, гарчи келтирган эрсада, мен уни қайтариб юборган эрдим. Сизга Оллоҳ таоло муяссар этфуси кунлар мента ҳам насиб этса, сизга амалий мадад берғумдир!» — деди. Лекин, Варақа кўп ўтмай дор ул-бақога риҳлат этди. Жаноб Расулulloҳга бир мунча вақт ваҳий келмай қўйди.

4. عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا وَهُوَ يُحَدِّثُ عَنْ فَتْرَةِ الْوَحْيِ ، فَقَالَ فِي حَدِيثِهِ : (بَيْنَمَا أَنَا أَمْشِي إِذْ سَمِعْتُ صَوْتًا مِنَ السَّمَاءِ ، فَرَفَعْتُ بَصْرِي ، فَإِذَا الْمَلَكُ الَّذِي جَاءَنِي بِحِرَاءِ جَالِسٌ عَلَى كُرْسِيِّ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ ، فَرَعَبْتُ مِنْهُ ، فَرَجَعْتُ فَقُلْتُ: زَمَلُونِي زَمَلُونِي، فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى : ﴿يَا أَيُّهَا الْمُدَّثِّرُ ﴿١﴾ قُمْ فَأَنْذِرْ ﴿٢﴾ وَرَبِّكَ فَكْبِرْ ﴿٣﴾ وَثِيَابِكَ فَطَهِّرْ ﴿٤﴾ وَالرَّجْزَ فَاهْجُرْ ﴿٥﴾ فَحَمِيَ الْوَحْيُ وَتَتَابَعَ .

*Ибн Шихоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладиларки, Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий Жаноб Расулulloҳга ваҳий келган вақт ҳақида бундай деган эрканлар:* «Мен (яъни, Жаноб Расулulloҳ) йўлда кетаётган эрдим, ногаҳон осмондин келаётган бир овоз қулоғимга чалинди. Нигоҳимни юқорига қаратган эрдим, Ҳироъ ғорида ҳузуримга келган ўшал фаришта осмон ила ер оралиғинда курси узра ўлтирибдир. Мен ундан кўрқиб (уйга) «қайтиб келдим-да: «Мени (бир нарса бирлан) ўраб қўйингиз, ўраб қўйингиз!» — дедим. Шу аснода Оллоҳ таоло оят нозил қилди («Эй бурканиб олган банда, ўрнингдан турғил, огаҳ бўлғил...» дан «... азоб» деган сўзига)».

Ўшбу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Юсуф ва Абу Солиҳ ҳам ривоят қилишган. Ҳилол ибн Раддод уни Зухрийдан эшитиб давом эттирган. Юнус ва Маъмар эрса, унинг камчиликларини тўлдиригандир.

5. عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا فِي قَوْلِهِ تَعَالَى : ﴿ لَا تُحْرِكْ بِهِ لِسَانَكَ لِتَعْجَلَ بِهِ ﴾ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعَالِجُ مِنَ التَّنَزِيلِ شِدَّةً ، وَكَانَ مِمَّا يُحْرِكُ شَفْتَيْهِ ، فَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ : فَأَنَا أُحْرِكُهُمَا لَكُمْ كَمَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحْرِكُهُمَا ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى ﴿ لَا تُحْرِكْ بِهِ لِسَانَكَ لِتَعْجَلَ بِهِ إِنَّ عَلَيْنَا جَمْعَهُ وَقُرْآنَهُ ﴾ . قَالَ جَمْعُهُ لَكَ فِي صَدْرِكَ

وَتَقْرَأَهُ : ﴿ فَإِذَا قَرَأْتَهُ فَاتَّبِعْ قُرْآنَهُ ﴾ قَالَ : فَاسْتَمِعْ لَهُ وَأَنْصِتْ : ﴿ ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا بَيَانَهُ ﴾ ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا أَنْ تَقْرَأَهُ ، فَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْدَ ذَلِكَ إِذَا أَتَاهُ جِبْرِيلُ اسْتَمَعَ ، فَإِذَا انْطَلَقَ جِبْرِيلُ قَرَأَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَمَا قَرَأَهُ .

Саъид ибн Жубайр айтадиларки, Ибн Аббос Оллоҳ таолонинг «(Жаброил) Қуръон ўқиганида сен такрорлашга ошиқма!» деган ояти ҳақида бундай деб ривоят қилган эркан: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам нозил бўлган оятнинг мазмунини тезда тушуниб олишга ҳаракат қилардилар. Шу сабабдан лабларини қимирлатар эрдилар». Ибн Аббос яна бундай дедилар: «Мен лабларимни, Жаноб Расулulloҳ лабларини қандай қимирлатган бўлсалар, шундай қимирлатиб кўрсатаяпман». Саъид: «Мен ўз лабларимни Ҳазрат Аббос лабларини қимирлатгандек қимирлатиб кўрсатаяпман»,— деди. Оллоҳ таоло: «(Жаброил) Қуръон ўқиганда сен шошиб такрор қилма! Қуръонни қалбингга ва хотирангга жо қилмоқ, истаган вақтингда уни ўқишга сени қодир этмоқ бизнинг бўйнимиздадир» ва «Агар биз уни (Жаброил қироати орқали) ўқисак, сен унга қулоқ сол!» деган оят нозил қилди. Шундан сўнг, Жаноб Расулulloҳ, агар Жаброил ваҳий келтирса, аввал унга қулоқ солиб, кетганидан кейин эрса, у ўқиганидек такрорлаб ўқир эрдилар».

6 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَحْوَدَ النَّاسِ ، وَكَانَ أَحْوَدُ مَا يَكُونُ فِي رَمَضَانَ حِينَ يَلْقَاهُ جِبْرِيلُ ، وَكَانَ يَلْقَاهُ فِي كُلِّ لَيْلَةٍ مِنْ رَمَضَانَ فَيُدَارِسُهُ الْقُرْآنَ ، فَلَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَحْوَدُ بِالْخَيْرِ مِنَ الرِّيحِ الْمُرْسَلَةِ .

Ибн Аббос бундай деб ривоят қилдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам барча инсонлар ичида энг саховатли зот эрдилар. Рамазонда Ҳазрат Жаброил бирлан учрашганларида саховатлари янада ортар эрди. Ҳазрат Жаброил Жаноб Расулulloҳ бирлан ҳар кеча учрашиб, Қуръонни музокара қилар эрдилар, Ҳазрат Расулulloҳ хайрли ишда кучли шамолдан ҳам тез эдилар».

7 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - أَنَّ أَبَا سُفْيَانَ بْنَ حَرْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، أَخْبَرَهُ : أَنَّ هِرْقَلَ أَرْسَلَ إِلَيْهِ فِي رَكْبٍ مِنْ قُرَيْشٍ ، وَكَانُوا تِجَارًا بِالشَّامِ ، فِي الْمُدَّةِ الَّتِي كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَادًّا فِيهَا أَبَا سُفْيَانَ وَكَفَّارَ قُرَيْشٍ ، فَأَتَوْهُ وَهُمْ بِبَيْلِيَاءَ ، فَدَعَاهُمْ فِي مَجْلِسِهِ ، وَحَوْلَهُ عِظَمَاءُ الرُّومِ ، ثُمَّ دَعَاهُمْ وَدَعَا بِنَرَجُمَانِهِ ، فَقَالَ : أَيُّكُمْ أَقْرَبُ نَسَبًا بِهَذَا الرَّجُلِ الَّذِي يَزْعُمُ أَنَّهُ نَبِيٌّ ؟ فَقَالَ أَبُو سُفْيَانَ : فَقُلْتُ أَنَا أَقْرَبُهُمْ نَسَبًا ، فَقَالَ : أَذْنُوهُ مِنِّي ، وَقَرَّبُوا أَصْحَابَهُ فَاجْعَلُوهُمْ عِنْدَ ظَهْرِهِ ، ثُمَّ قَالَ لِنَرَجُمَانِهِ : قُلْ لَهُمْ إِنِّي سَأَلْتُ هَذَا عَنْ هَذَا الرَّجُلِ ، فَإِنْ كَذَبَنِي فَكَذَّبُوهُ . فَوَاللَّهِ لَوْ لَا الْحَيَاءُ مِنْ أَنْ يَأْتُرُوا عَلَيَّ كَذِبًا لَكَذَبْتُ عَنْهُ . ثُمَّ كَانَ أَوَّلَ مَا سَأَلَنِي عَنْهُ أَنْ قَالَ : كَيْفَ نَسَبُهُ فِيكُمْ ؟ قُلْتُ : هُوَ فِينَا ذُو نَسَبٍ . قَالَ : فَهَلْ قَالَ هَذَا الْقَوْلَ مِنْكُمْ أَحَدٌ قَطُّ قَبْلَهُ ، قُلْتُ : لَا قَالَ : فَهَلْ كَانَ مِنْ آبَائِهِ مِنْ مَلِكٍ ؟ قُلْتُ : لَا قَالَ : فَأَشْرَافُ النَّاسِ يَتَّبِعُونَهُ أَمْ ضَعُفَاؤُهُمْ ؟ فَقُلْتُ : بَلْ ضَعُفَاؤُهُمْ . قَالَ : أَيَزِيدُونَ أَمْ يَنْقُصُونَ ؟ قُلْتُ : بَلْ يَزِيدُونَ . قَالَ فَهَلْ يَرْتَدُّ أَحَدٌ مِنْهُمْ سَخَطَةً لِدِينِهِ بَعْدَ أَنْ يَدْخُلَ فِيهِ ؟ قُلْتُ : لَا . قَالَ : فَهَلْ كُنْتُمْ تَتَّهَمُونَهُ بِالْكَذِبِ قَبْلَ أَنْ يَقُولَ مَا قَالَ قُلْتُ ؟ لَا . قَالَ : فَهَلْ يَغْدُرُ ؟ قُلْتُ : لَا ، وَنَحْنُ مِنْهُ فِي مُدَّةٍ لَا نَدْرِي مَا هُوَ فَاعِلٌ فِيهَا . قَالَ : وَلَمْ تُمَكِّنِي كَلِمَةً أُدْخِلُ فِيهَا شَيْئًا غَيْرَ هَذِهِ الْكَلِمَةِ . قَالَ : فَهَلْ قَاتَلْتُمُوهُ ؟

قُلْتُ : نَعَمْ . قَالَ : فَكَيْفَ كَانَ قِتَالِكُمْ إِيَّاهُ ؟ قُلْتُ : الْحَرْبُ بَيْنَنَا وَبَيْنَهُ سَجَالٌ ، يَبَالُ مِنَّا وَنَبَالُ مِنْهُ ، قَالَ : مَاذَا يَأْمُرُكُمْ ؟ قُلْتُ : يَقُولُ : اعْبُدُوا اللَّهَ وَحْدَهُ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا ، وَاتْرِكُوا مَا يَقُولُ آبَاؤُكُمْ ، وَيَأْمُرُنَا بِالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ وَالصَّدَقِ وَالْعَفَافِ

وَالصَّلَاةَ . فَقَالَ لِلرَّجْمَانِ : قُلْ لَهُ : سَأَلْتُكَ عَنْ نَسَبِهِ فَذَكَرْتَ أَنَّهُ فِيكُمْ ذُو نَسَبٍ ، فَكَذَلِكَ الرُّسُلُ تُبْعَثُ فِي نَسَبٍ قَوْمِهَا . وَسَأَلْتُكَ هَلْ قَالَ أَحَدٌ مِنْكُمْ هَذَا الْقَوْلَ ، فَذَكَرْتَ أَنْ لَا ، فَقُلْتُ لَوْ كَانَ أَحَدٌ قَالَ هَذَا الْقَوْلَ قَبْلَهُ ، لَقُلْتُ رَجُلٌ يَأْتِسِي بِقَوْلِ قَبِيلٍ قَبْلَهُ ، وَسَأَلْتُكَ هَلْ كَانَ مِنْ آبَائِهِ مِنْ مَلِكٍ ، فَذَكَرْتَ أَنْ لَا ، قُلْتُ : فَلَوْ كَانَ مِنْ آبَائِهِ مِنْ مَلِكٍ ، قُلْتُ : رَجُلٌ يَطْلُبُ مُلْكَ أَبِيهِ . وَسَأَلْتُكَ هَلْ كُنْتُمْ تَتَّهَمُونَهُ بِالْكَذِبِ قَبْلَ أَنْ يَقُولَ مَا قَالَ ، فَذَكَرْتَ أَنْ لَا ، فَقَدْ أَعْرَفُ أَنَّهُ لَمْ يَكُنْ لِيَدْرَ الْكَذِبَ عَلَى النَّاسِ وَيَكْذِبَ عَلَى اللَّهِ . وَسَأَلْتُكَ أَشْرَافُ النَّاسِ اتَّبَعُوهُ أَمْ ضَعُفَاؤُهُمْ ، فَذَكَرْتَ أَنَّ ضَعُفَاءَهُمْ اتَّبَعُوهُ ، وَهُمْ أَتْبَاعُ الرُّسُلِ . وَسَأَلْتُكَ أَيَرِيدُونَ أَمْ يَنْقُصُونَ ، فَذَكَرْتَ أَنَّهُمْ يَزِيدُونَ ، وَكَذَلِكَ أَمْرُ الْإِيمَانِ حَتَّى يَتَمَّ . وَسَأَلْتُكَ أَيَرْتَدُّ أَحَدٌ سَخِطَةً لِدِينِهِ بَعْدَ أَنْ يَدْخُلَ فِيهِ ، فَذَكَرْتَ أَنْ لَا ، وَكَذَلِكَ الْإِيمَانُ حِينَ تُخَالِطُ بِشَاشَتِهِ الْقُلُوبَ . وَسَأَلْتُكَ هَلْ يَعْدُرُ ، فَذَكَرْتَ أَنْ لَا ، وَكَذَلِكَ الرُّسُلُ لَا تَعْدُرُ . وَسَأَلْتُكَ بِمَا يَأْمُرُكُمْ ، فَذَكَرْتَ أَنَّهُ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا ، وَيَنْهَأَكُمْ عَنْ عِبَادَةِ الْآوْتَانِ ، وَيَأْمُرُكُمْ بِالصَّلَاةِ وَالصَّدَقِ وَالْعِفَافِ ، فَإِنْ كَانَ مَا تَقُولُ حَقًّا فَسَيَمْلِكُ مَوْضِعَ قَدَمِي هَاتَيْنِ ، وَقَدْ كُنْتُ أَعْلَمُ أَنَّهُ خَارِجٌ ، لَمْ أَكُنْ أَظُنُّ أَنَّهُ مِنْكُمْ ، فَلَوْ أَنِّي أَعْلَمُ أَنِّي أَخْلَصُ إِلَيْهِ ، لَتَحَشَّيْتُ لِقَاءَهُ وَلَوْ كُنْتُ عِنْدَهُ لَعَسَلْتُ عَنْ قَدَمِهِ . ثُمَّ دَعَا بِكِتَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الَّذِي بَعَثَ بِهِ دَحِيَّةَ إِلَى عَظِيمِ بُصْرَى ، فَدَفَعَهُ إِلَى هِرْقَلٍ ، فَقَرَأَهُ ، فَإِذَا فِيهِ : ( بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ، مِنْ مُحَمَّدٍ عَبْدِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى هِرْقَلِ عَظِيمِ الرُّومِ : سَلَامٌ عَلَيَّ مَنْ اتَّبَعَ الْهُدَى ، أَمَّا بَعْدُ فَإِنِّي أَدْعُوكَ بِدِعَايَةِ الْإِسْلَامِ ، أَسْلِمْتَ تَسْلَمَ يُؤْتِكَ اللَّهُ أَجْرَكَ مَرَّتَيْنِ ، فَإِنْ تَوَلَّيْتَ فَإِنَّ عَلَيْكَ إِثْمَ الْإِرْسِيِّينَ ، وَ : ﴿ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَنْ لَا نَعْبُدَ إِلَّا اللَّهَ وَلَا نُشْرِكَ بِهِ شَيْئًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَقُولُوا اشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ ﴾ قَالَ أَبُو سُفْيَانَ : فَلَمَّا قَالَ مَا قَالَ ، وَفَرَغَ مِنْ قِرَاءَةِ الْكِتَابِ ، كَثُرَ عِنْدَهُ الصَّخَبُ وَارْتَفَعَتِ الْأَصْوَاتُ وَأُخْرِجْنَا ، فَقُلْتُ لِأَصْحَابِي حِينَ أُخْرِجْنَا : لَقَدْ أَمَرَ أَمْرٌ ابْنِ أَبِي كَبِشَةَ ، إِنَّهُ يَخَافُهُ مَلِكُ بَنِي الْأَصْفَرِ . فَمَا زِلْتُ مُوقِنًا أَنَّهُ سَيُظْهِرُ حَتَّى أَدْخَلَ اللَّهُ عَلَيَّ الْإِسْلَامَ .

وَكَانَ ابْنُ النَّاطُورِ ، صَاحِبُ إِبِلِيَاءَ وَهَرْقَلٍ ، أَسْقَفًا عَلَى نَصَارَى الشَّامِ ، يُحَدِّثُ أَنَّ هِرْقَلًا حِينَ قَدِمَ إِبِلِيَاءَ ، أَصْبَحَ يَوْمًا حَبِيثَ النَّفْسِ ، فَقَالَ بَعْضُ بَطَارِقَتِهِ : قَدْ اسْتَنْكَرْنَا هَيْتَكَ ، قَالَ ابْنُ النَّاطُورِ : وَكَانَ هِرْقَلٌ حَزَاءً يَنْظُرُ فِي النَّجُومِ ، فَقَالَ لَهُمْ حِينَ سَأَلُوهُ : إِنِّي رَأَيْتُ اللَّيْلَةَ حِينَ نَظَرْتُ فِي النَّجُومِ مَلِكَ الْخِتَانِ قَدْ ظَهَرَ ، فَمَنْ يَخْتَسُّ مِنْ هَذِهِ الْأُمَّةِ ؟ قَالُوا : لَيْسَ يَخْتَسُّ إِلَّا الْيَهُودُ ، فَلَا يُهْمِنُكَ شَأْنُهُمْ ، وَآكُتُبُ إِلَى مَدَائِنِ مُلْكِكَ ، فَيَقْتُلُوا مَنْ فِيهِمْ مِنَ الْيَهُودِ ، فَبَيْنَمَا هُمْ عَلَى أَمْرِهِمْ ، أَتَى هِرْقَلٌ بِرَجُلٍ أَرْسَلَ بِهِ مَلِكُ غَسَّانَ ، يُخْبِرُ عَنْ خَبَرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَمَّا اسْتَخْبَرَهُ هِرْقَلٌ قَالَ : اذْهَبُوا فَانظُرُوا أَمْخَتَنُ هُوَ أَمْ لَا ؟ فَانظُرُوا إِلَيْهِ ، فَحَدَّثُوهُ أَنَّهُ مُخْتَسِنٌ ، وَسَأَلَهُ عَنِ الْعَرَبِ ، فَقَالَ : هُمْ يَخْتَسِنُونَ : فَقَالَ هِرْقَلٌ : هَذَا مُلْكُ هَذِهِ الْأُمَّةِ قَدْ ظَهَرَ . ثُمَّ كَتَبَ هِرْقَلٌ إِلَى صَاحِبِ لَهُ بِرُومِيَّةَ ، وَكَانَ نَظِيرَهُ فِي الْعِلْمِ ، وَسَارَ هِرْقَلٌ إِلَى حِمَصَ ، فَلَمَ يَرِمُ حِمَصَ حَتَّى أَتَاهُ كِتَابٌ مِنْ صَاحِبِهِ يُوَافِقُ رَأْيَ هِرْقَلٍ عَلَى خُرُوجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَأَنَّهُ نَبِيٌّ ، فَأَذِنَ هِرْقَلٌ لِعُظَمَاءِ الرُّومِ فِي دَسْكَرَةِ لَهُ بِحِمَصَ ، ثُمَّ أَمَرَ بِأَبْوَابِهَا فَعُلِّقَتْ ، ثُمَّ أَطْلَعَ فَقَالَ : يَا مَعْشَرَ الرُّومِ ، هَلْ لَكُمْ فِي الْفَلَاحِ وَالرُّشْدِ ، وَأَنْ يَبُتَ مُلْكُكُمْ ، فَتُبَايَعُوا هَذَا النَّبِيَّ ؟ فَحَاصُوا حِيصَةَ حُمْرِ الْوَحْشِ إِلَى الْآبْوَابِ ، فَوَجَدُوهَا قَدْ غُلِقَتْ ، فَلَمَّا رَأَى هِرْقَلٌ نَفَرَتَهُمْ ، وَأَيْسَ مِنَ الْإِيمَانِ ، قَالَ : رُدُّوهُمْ عَلَيَّ ، وَقَالَ : إِنِّي قُلْتُ مَقَالَتِي أَنَا أَخْتَبِرُ بِهَا شِدَّتَكُمْ عَلَى دِينِكُمْ ، فَقَدْ رَأَيْتُ ، فَسَجَدُوا لَهُ وَرَضُوا عَنْهُ ، فَكَانَ ذَلِكَ آخِرَ شَأْنِ هِرْقَلٍ .

*Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд ривоят қиладилар:* «Абу Суфён ибн Ҳарб хабар қиладиларки, Ҳирақл, Қурайш карвони Шомда савдо қилиб турганида, унинг ҳузурига одам юборди. Бу вақт Жаноб Расулulloҳ (Абу Суфён ва ) Қурайш

кофирларини пойлаб турган эрдилар. Улар (Қурайш кофирлари) Илия (Байтулмуқаддас)да эканликларида Ҳирақл ҳузурига бордилар. Ҳирақл уларни ўз мажлисига чақирди, унинг атрофида Рум зодагонлари ўлтирган эрди. Улар билан бирга таржимонни ҳам чорлади-да: «Ўзини пайғамбар деб гумон қилаётган кишига қайси бирингиз насаб жиҳатдан яқинроқдирсиз?» — деди. Абу Суфён: «Мен унга насаб жиҳатдан яқинроқдурмен»—деди. Ҳирақл: «Уни (Абу Суфённи) ва унинг асҳобларини менга яқинроқ олиб келинглр!» — деди. Уларни Ҳирақлнинг елкасига яқин жойга олиб келиб, турғазиб қўйдилар. Ҳирақл таржимонга: «Унга (Абу Суфёнга) айт, мен ўша (пайғамбар) ҳақида сўрамоқчиман, менга ёлғон гапирсалар, унга ёлғон гапирган бўладилар» — деди. Абу Суфён бундай деди: «Оллоҳ ҳақи, агар мендан ёлғон талаб қилишдан ҳаё қилмасалар эрди, шу онда мен ёлғон гапирган бўлур эрдим. У (Ҳирақл) дастлаб мендан Жаноб Расулulloҳнинг орамиздаги насаблари қандай эканлиги ҳақида сўради. Мен: «У бизнинг орамизда баланд насаб эгасидир»,— дедим. Ҳирақл: «Ундан илгари шу қавлни (яъни, пайғамбарликни) сизлардан ҳеч ким айтганмиди?» — деб сўради. Мен: «Йўқ»,— дедим. У: «Унинг ота-боболари ичида подшоҳ бўлганлар борми?»—деди. Мен: «Йўқ»,— дедим. У: «Унга зодагонлар эргашяптими ёки заифларми?»—деди. Мен: «Заифлар эргашяпти»,— дедим. У: «Уларнинг сони кўпайяптими ёки озайяптими?» — деди. Мен: «Кўпайяпти»,— дедим. У: «Унинг динига кирганлардан бирор киши унинг диндан ғазабланиб диндан қайтяптими?»—деди. Мен: «Йўқ»,— дедим. У: «Динга даъват қилмасидан илгари уни ёлғончиликда айблар эдйнгизми?»—деди. Мен: «Йўқ»,— дедим. У: «Хиёнат қилармиди?» — деди. Мен: «Йўқ, бир қанча муддатдан бери унинг қандай ишлар бирлан бандлигини билмаймиз» — деб ҳам эдимки, Ҳирақл гапимни бўлиб: «Унга қарши жанг қилдингизми?» — деди. Мен: «Жанг қилдик»,— дедим. У: «Қандай қилиб жанг қилдингиз?»— деди. Мен: «Ўртача, гоҳ улар бизга, гоҳ биз уларга шикаст етказардик, баъзан улар, баъзан биз, ғалаба қилардик»,— дедим. Ҳирақл; «У сизларни нимага буюради?» — деди. Мен: «Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилишни, унга ширк келтирмасликни, ҳатто оталаримиз ширкка даъват этса, уларга қулоқ солмасликни, намоз ўқишни, ростгўйликни, покиза ва ифбатли. оқибатли, раҳм-шафқатли бўлмоқни буюради»,— дедим, Ҳирақл тилмоч орқали менга бундай деди: «Унинг насабини сўрасам, сен насаби баланд, деб айтдинг, пайғамбарлар айнан шундай бўлади. Сизлардан ҳеч ким бундан илгари мазкур қавл (пайғамбарлик қавли) ила чиққанми, десам, сен: «Йўқ»,— дединг. Ундан илгари ҳам бирор киши шу даъвони қилиб чиққан бўлса, бу одам илгари айтилган қавлга тақлид қияпти, деган бўлур эрдим. Мен сендан: «Унинг ота-боболари ичида подшоҳ бўлганлар борми?» — деб сўрасам, сен: «Йўқ»,— дединг. Агар ота-боболари ичида подшоҳ ўтган бирор киши бўлганида эди, мен: «У ўшанинг мулкини талаб қияпти»,— деган бўлур эрдим: Мен: «Уни динга даъват қилмасдан илгари, ёлғончиликда айблармидингиз?» — деб сўраганимда, сен: «Йўқ»,— дединг. Мен билдимки, у илгари ҳам одамларга ёлғон гапирмаган, бундай одам Оллоҳ ҳақида ёлғон сўзламайди. Мен сендан: «Унга зодагонлар эргашяптими ёки заифларми?» — деганимда, сен: «Заифлар» — деб айтдинг. Пайғамбарларга доимо заифлар эргашган. Мен сендан: «Эргашаётганларнинг сони кўпайяптими ёки озайяптими?» — деб сўрасам, сен: «Улар кўпайяптилар»,— дединг. Иймоннинг иши ҳам шундай баркамол бўлади. Мен сенга: «Унинг динига кирганлар ундан ғазаб қилиб диндан қайтяптими?» — десам, сен: «Йўқ»,— деб айтдинг. Иймон, кўркамлиги дилларга ёқиб қолса, худди шундай доимо баркамол бўлади. Мен сендан: «У хиёнат қиладими?» — деб сўрасам, сен: «Йўқ»,— дединг. Пайғамбарлар хиёнат қилмайди. Кейин, сендан: «У сизларни

нимага буюради?» — деб сўрадим. Сен: «Оллоҳга ибодат қилишга, унга ширк келтирмасликка, бут (санам) ларга сиғинмасликка, намоз ўқишга, ростгўй ва ифбатли бўлишга буюради»,— деб айтдинг. Сенинг айтганларинг рост бўлса, у келиб, мен ҳозир мана шу турган жойни олади. Мен яна пайғамбар чиқишини билар эрдим, лекин сизларнинг орангиздан чиқишидан беҳабар эрдим. Агар унга ихлос қилолсам, у бирлан учрашиш учун машаққат чекишга рози эрдим. Агар унинг ҳузурига борсам, унинг оёқларини ювиб қўйган бўлар эрдим». Кейин, Ҳирақл Диҳъя (саҳоба) орқали Расулulloҳ Бусро бошлиғига бериб юборган хатни олиб келишни амр қилди. Уни Ҳирақлга узатдилар. У хатни ўқиб кўрди, унда «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ — Оллоҳнинг Расулидан Ҳирақл — Рум бошлиғига. Ҳидоят йўлига юрганларни Оллоҳ ҳидоят қилсин! Аммо баъд: сени исломга даъват этаман, исломни қабул қил, тинч бўлурсан. Оллоҳ бунинг учун сенга икки баробар ажр ва савоб берғусидир. Агар ундан юз ўгирсанг, ерисдек (бидъатчидек) гуноҳкор бўлғайсен. Эй аҳли китоблар, ўзаро тенглик калимасини қабул қилайлик, Оллоҳдан бошқага ибодат қилмайлик, унга ширк келтирмайлик, бир-биримизни Оллоҳдан ўзга тангри деб билмайлик (яъни, инсонни Оллоҳ даражасига кўтармайлик), агар юз ўгирсалар, гувоҳ бўлингларки, биз мусулмонмиз». Абу Суфён бундай деди: «Ҳирақл сўзини тугатгач ва Жаноб Расулulloҳнинг номаларини ўқиб бергач, унинг ҳузуридигилар шовқин-сурон кўтаришиб, бизни ташқарига ҳайдаб чиқаришди. Мен ҳамроҳларимга: «Ибн Абу Кабшанинг айтгани рост чиқди, у: «Баний ал-Асфар (румликлар) подшоҳи пайғамбардан кўрқади»,— деб айтганди. Мен исломга кирмасимдан аввал пайғамбар чиқишига ишонар эдим»,— дедим».

Илия ҳокими Ибн ан-Нотур ва Шом христианларининг усқуфи (епископи) Ҳирақл бундай дейишар эрди: «(Хукмдор) Ҳирақл Илияга келганида бадхулқ бўлиб қолди. Унга битриқлари (патриархлари): «Сенинг турқингни ёқтирмаяпмиз»,— дейишди. Ибн ан-Нотур бундай дейди: «Ҳирақл юлдузларга эътиқод қилар ва уларни кузатар эрди. Ундан бу борада сўрашганда, у: «Мен бу кеча юлдузларни кузатганимда хатна подшоҳи зуҳур қилганини кўрдим, бу халқ орасида ҳам хатна қилувчилар пайдо бўлди»,— деди. «Парво қилма, яҳудийлардан бошқалар хатна қилмайди. Шаҳарларга хат ёз, у ерлардаги яҳудийларни ўлдирсинлар, деб маслаҳат беришди. Шу пайт Ғассон подшоҳига Жаноб Расулulloҳ ҳақларида хабар олиб келган кишини Ҳирақл ҳузурига олиб кирдилар. Ҳирақл: «Бориб билинларчи, у хатна қилинганми, йўқми?» — деди. Пайғамбар хатна қилинган экан, деб хабар келтиришди. Араблардан сўраб эрди, улар ҳам буни тасдиқладилар. Шунда Ҳирақл: «Бу ўша, (юлдузларни кузатганимда) зуҳур қилган мана бу ' уммат (яъни араблар)нинг подшоҳи»,— деди. Кейин, Ҳирақл Румиядаги ўзи каби билимдан соҳибига хат ёздида, Хумсга жўнади, у ерга етиб улгурмай соҳибидан жавоб мактуби олди. Унда Ҳирақлнинг пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зуҳурлари ҳақидаги фикри қўллаб-қувватланган ва ул зотнинг ҳақиқий пайғамбар эканликлари айтилган эди.

Ҳирақл Рум зодагонларидан Хумсда қолишга ижозат сўради. Хумснинг дарвозалари ёпилгач, у шаҳар аҳлига: «Эй Рум аҳли, сизлар нажот ва тўғри йўл топмоқчи бўлсангиз, давлатингизнинг устувор бўлишини истасангиз, ўша пайғамбарга эргашинлар!» — деди. Шунда улар ёввойи эшақдек ваҳимага тушиб, ўзларини дарвозалар тамон урдилар, аммо дарвозаларнинг ёпиқлигини кўрдилар. Ҳирақл уларнинг ваҳимага тушганини кўриб, иймон келтиришларидан ноумид бўлдида: «Уларни қайтаринлар!»,— деб амр қилди. Кейин, «Мен сизларнинг ўз динингизга бўлган ихлосингизни синаб кўриш учун шундай деган эдим. Мен бунга амин бўлдим»,—



—деди. Шаҳар аҳли унга сажда қилдилар ва ундан мамнун бўлдилар».

Бу, Ҳирақл билан содир бўлган сўнгги воқеа эди. Мазкур воқеани Солиҳ ибн Кайсон, Юнус ва Маъмар Аз-Зухрийдан нақл қилдилар.

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

### 1-БОБ. ИЙМОН КИТОБИ

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар:* «Ислом 5 далил асосига қурилган. (Исломдан мурод иймон демақдир). Иймон сўзда ҳам, амалда ҳам бўлмоғи керак. Иймон кучайгайдир ва сусайгайдир.

*Далили:* Оллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Иймонларини янада зиёда қилсинлар, деб уларга ҳидоятимизни зиёда қилдик» ва «Оллоҳ таоло ҳидоят топган кишиларнинг ҳидоятини зиёда қилди ва уларга тақво ато этди»,— деб айтган. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳни деб яхши кўриш ва Оллоҳни деб ёмон кўриш иймондандир» деган сўзлари ҳам иймоннинг мустаҳкамланиши ёки сусайишини англатади.

Халифа Умар ибн Абдулазиз Адий ибн Адийга бундай деб ёзган: «Албатта, иймоннинг ҳам ўз фарз ва амаллари, муайян чегаралари, бажарилиши лозим бўлган суннатлари мавжуддир. Демак, кимки буларга тўлиқ амал қилса, иймони мукамал бўлгайдир, кимки етарли риоя қилмаса, иймони суст бўлгайдир. Агар умрим узоқ бўлса, сизларга билиб олишларингиз учун булар ҳақида бирма-бир баён қиларман, башарти вафот этсам, суҳбатингизга муштоқлигим йўқ».

Саҳоба .Маоз: «Кел, биз билан бир оз ўтир, иймон ҳақида суҳбатлашайлик!» — деганлар.

8 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ : شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ ، وَإِقَامِ الصَّلَاةِ ، وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ وَالْحَجِّ ، وَصَوْمِ رَمَضَانَ ) .

*Ибн Умар айтганлар:* «Банда кўнглига келган ҳар бир гуноҳ хавфи бор нарсани тарк этмагунча тақво ҳақиқатига ета олмайди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ислом 5 далилдан иборат»,— деганлар:

- 1) калимаи шаҳодат (айтмоқ);
- 2) намоз ўқимоқ;
- 3) закот бермоқ;
- 4) ҳаж қилмоқ (имкони бўлса);
- 5) Рамазон рўзасини тутмоқ».

### 2-БОБ. ИЙМОН ШАРТЛАРИ

Оллоҳ таоло айтади: «Яхши кишилар, ибодат вақтида юзларини Шарққа ёки Ғарбга қаратган кишилар эмас, балки Оллоҳ таолога, унинг фаришталарига, охират кунига, китобларига, пайғамбарларига ишонган, яхши кўрган мол-мулкни қариндошларига, етим-есирларга, мискину фақирларга, мусофиру тиламчиларга, қулини озод қилишга сарфлаган ҳамда 5 вақт намозни вақтида ўқиган ва закот берган, Оллоҳ билан ўзи ўртасидаги ва бандалар ўртасидаги аҳдига вафо қилган, етишмовчиликларга қаноат қилган ва бошига кулфат тушганда бардош берган кишилардир. Мана шундай сифатга эга бўлганлар динига содиқ одамлар бўлиб, куфр ҳамда ярамас хулқлардан ўзларини эҳтиётлағайдирлар ва ўзларида етук инсоний фазилатларни мужассам қилгайдирлар». Иймоннинг мукамал бўлмоғининг уч

шарти:

— тўғри эътиқодли бўлмоқ;

— кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;

— киши ўз устида ишлагоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чиниқтирмоғи. Кимки буларни тўла ўзлаштиради, иймони мукамал бўлгандир. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иймон тўғрисида сўралганда, юқоридаги ояти каримани ўққан эдилар.

9 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الْإِيمَانُ بَضْعٌ وَسِتُّونَ شُعْبَةً ، وَالْحَيَاءُ شُعْبَةٌ مِنَ الْإِيمَانِ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар:* «Иймон дарахт янглиг 60 дан ортиқ шохга эгадир. Гуноҳ қилмоққа Оллоҳ ва бандалардан уялмақ ўша шохлардан биттасидир».

### 3-боб. Бировга зарари тегмаган киши муслмондир

10 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو ، رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Қўли билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши муслмондир. Оллоҳ таоло манъ этган нарсалардан қайтган киши худо йўлида жиҳод қилган кишидир».

### 4-боб. Ислонда энг афзал амал қайси?

11 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالُوا : يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ الْإِسْلَامِ أَفْضَلُ ؟ قَالَ : ( مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадилар:* «Ё Расулulloҳ, муслмонларнинг афзали қайси кишидир?» «Қўлидан ва тилидан бошқа муслмонлар озор топмаган кишидир»,— деб жавоб бердилар.

### 5-боб. Очларни тўйғазиш ислондандир

12 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَيُّ الْإِسْلَامِ خَيْرٌ ؟ قَالَ : ( تَطْعَمُ الطَّعَامَ ، وَتَقْرَأُ السَّلَامَ عَلَى مَنْ عَرَفْتَ وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ )

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадилар:* «Қайси хислатлар ислонда энг яхшидир?» Айтдилар: «Очларга таом бермоғинг ва таниган ё танимаганга салом бермоғинг».

### 6-боб. Ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмоқлик иймондандир

13 . عَنْ أَنَسٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ ) .

«Ўзингиз яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча ҳеч бирингиз чинакам мўъмин бўла олмайсиз».

### 7-боб. Севишлик иймондандир

15 . قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَالِدِهِ وَوَلَدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Токи мени отангиздан ҳам, болангиздан ҳам, барча одамлардан ҳам яхшироқ кўрмас экансиз, бирортангиз

мўъмин бўла олмайсиз».

### 8-боб. Иймон ҳаловатига эришмоқ

16 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ وَجَدَ حَلَاوَةَ الْإِيمَانِ : أَنْ يَكُونَ اللَّهُ وَرَسُولَهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا ، وَأَنْ يُحِبَّ الْمَرْءَ لَا يُحِبُّهُ إِلَّا لِلَّهِ ، وَأَنْ يَكْرَهُ أَنْ يُعَوِّدَ فِي الْكُفْرِ كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يُعَذَّبَ فِي النَّارِ . )

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Кимда қуйидаги уч хислат бўлса, унга иймон хузур-ҳаловат бахш этгайдир:

- Оллоҳ ва Расулни ҳаммадан кўра яхши кўрмоқ;
- яхши кўрган кишисини фақат Оллоҳни деб (Оллоҳ яхши кўргани учун) яхши кўрмоқ;
- ёмон кўрган кишисини фақат Оллоҳни деб (Оллоҳ ёмон кўргани учун) ёмон кўрмоқ».

### 9-боб. Ансорларни яхши кўриш киши иймонининг мукамаллиги аломатидир

17 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( آيَةُ الْإِيمَانِ حُبُّ الْأَنْصَارِ ، وَآيَةُ النِّفَاقِ بُغْضُ الْأَنْصَارِ . )

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Ансорларни яхши кўрмоқ иймон аломатидир, ёмон кўрмоқ мунофиқлик белгисидир».

### 10-боб. Расулulloҳ насиҳатлари

18 . عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ ، رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، وَكَانَ شَهِدَ بَدْرًا ، وَهُوَ أَحَدُ الثَّقَبَاءِ لَيْلَةَ الْعَقَبَةِ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ وَحَوْلَهُ عَصَابَةٌ مِنْ أَصْحَابِهِ : ( بَايَعُونِي عَلَى أَنْ لَا تُشْرِكُوا بِاللَّهِ شَيْئًا ، وَلَا تَسْرِفُوا ، وَلَا تَزْنُوا ، وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ ، وَلَا تَأْتُوا بِيَهْتَانٍ تَفْتَرُونَهُ بَيْنَ أَيْدِيكُمْ وَأَرْجُلِكُمْ ، وَلَا تَعْصُوا فِي مَعْرُوفٍ ، فَمَنْ وَفَى مِنْكُمْ فَأَجْرُهُ عَلَى اللَّهِ ، وَمَنْ أَصَابَ مِنْ ذَلِكَ شَيْئًا فَعُوقِبَ فِي الدُّنْيَا فَهُوَ كَفَّارَةٌ لَهُ ، وَمَنْ أَصَابَ مِنْ ذَلِكَ شَيْئًا ثُمَّ سَتَرَهُ اللَّهُ فَهُوَ إِلَى اللَّهِ ، إِنْ شَاءَ عَفَا عَنْهُ وَإِنْ شَاءَ عَاقَبَهُ ) . فَبَايَعَنَاهُ عَلَى ذَلِكَ .

*Бир қанча саҳобалар ўртасида Расулulloҳ айтдилар:* «Оллоҳни бир деб билгаймиз, унга ширк келтирмагаймиз, ўғрилик қилмагаймиз, зино қилмагаймиз, фарзандларимизни ўлдирмагаймиз, тухмат қилмагаймиз (зино ва бошқа нарсалар хусусида), шариат амрига итоат қилгаймиз, деб менга сўз берингиз. Кимки ушбу сўзларга вафо қилса, Оллоҳ ярлақайдир, аммо кимки ушбу оғир гуноҳлардан бирортасини қилиб қўйса ва у бу дунёда жазоланса, ўша жазо унга каффоратдир (охиратда қайта жазоланмайди). Кимки шу гуноҳлардан бирортасини қилса-ю, Оллоҳ яширган бўлса, бу ўзига ҳаволадир, хоҳласа кечгайдир, хоҳласа азоблагайдир». Саҳобалар: «Шунга сўз бердик»,— деб айтдилар.

### 11-боб. Фитнадан ҳазар қилмоқ диндандир

19 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ ، رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، أَنَّهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( يُوشِكُ أَنْ يَكُونَ خَيْرَ مَالِ الْمُسْلِمِ غَنَمٌ يَتَّبِعُ بِهَا شَعْفَ الْجِبَالِ وَمَوَاقِعَ الْقَطْرِ ، يَفِرُّ بِدِينِهِ مِنَ الْفِتَنِ . )

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Шундай даврлар келгайдирки, мусулмон ўз динини фитналардан асрамоқ мақсадида тоғу тошларга қўй ҳайдаб чиқиб кетишни афзал кўрса, ажаб эрмас».

**12-боб.**

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Мен ҳаммаларингиздан кўра Оллоҳни яхшироқ билгайман» (Кишининг диёнати, иймони мустаҳкамлангани сари Оллоҳни яхшироқ танийверади).

**13-боб.**

Оллоҳни дил кўзи билан кўрмоқ, танимоқ керак (яъни, иймон калима келтириш билангина бўлмайдир, балки Оллоҳга қалбдан эътиқод қилмоқ лозим). Ояти каримада «(Оллоҳ таоло) оғзингиздан беихтиёр чиқиб кетган қасам учун гуноҳкор қилмайдир, лекин дилингизга тугилган ёмонликларингиз учун гуноҳкор қилгайдир» дейилган.

20 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَمَرَهُمْ مِنْ الْأَعْمَالِ بِمَا يُطِيقُونَ ، قَالُوا : إِنَّا لَسْنَا كَهَيْئَتِكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنَّ اللَّهَ قَدْ غَفَرَ لَكَ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ ، فَيَعْضَبُ حَتَّى يُعْرِفَ الْغَضَبُ فِي وَجْهِهِ ، ثُمَّ يَقُولُ : ( إِنْ أَتَقَاكُمْ وَأَعْلَمَكُمْ بِاللَّهِ أَنَا ) .

*Оиша онамиз айтганлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига қудрати етадиган ишни буюрган эдилар, саҳобалар: «Биз сиз сингари эмасмизку, Оллоҳ сизнинг илгариги ва келгуси гуноҳларингизни кечирган (шунинг учун ҳам бизга кўпроқ иш буюраверинг, биз кўпроқ риёзат чекмоғимиз лозим)»,— дедилар. Расулulloҳнинг ғазаблари келгани юзларидан билинди: «Ораларингизда энг тақволироқ ва Оллоҳни танийдирганроқ киши менман»,— деб жавоб қилдилар.

**14-боб. Қайта кофир бўлмоқни ўтда куймоқни рад қилгандек инкор этмоқ иймондандир**

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Қуйидаги 3 нарса кимда бўлса, у иймондан ҳаловат топгусидир:

- кимки Оллоҳ ва унинг Расулини бошқалардан яхшироқ кўрса;
- яхши кўрган кишисини фақат Оллоҳ яхши кўргани учун яхши кўрса;
- кофирликка қайтишликни худди ўтга тушгандек ёмон кўрса».

**15-боб. Иймон аҳлининг ҳаётларида қилган ишларига кўра бир-бирларидан афзалликлари**

21 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( يَدْخُلُ أَهْلُ الْحِجَّةِ الْحِجَّةَ وَأَهْلُ النَّارِ النَّارَ ، ثُمَّ يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى : أَخْرَجُوا مِنَ النَّارِ مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ حَبَّةٍ مِنْ حَرْدَلٍ مِنْ إِيْمَانٍ . فَيُخْرَجُونَ مِنْهَا قَدْ اسْوَدُّوا ، فَيَلْقَوْنَ فِي نَهْرِ الْحَيَا ، أَوْ الْحَيَاةِ - شَكَّ مَالِكٌ - فَيَنْبُتُونَ كَمَا تَنْبُتُ الْحَبَّةُ فِي جَانِبِ السَّيْلِ ، أَلَمْ تَرَ أَنَّهَا تَخْرُجُ صَفْرَاءَ مُلْتَوِيَةً . )

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам деганлар:* «Аҳли жаннат жаннатга киргайдир, аҳли дўзах дўзахга киргайдир, кейин Оллоҳ таоло малоикаларига: «Қалбида заррача иймони бор одамни дўзахдан чиқарингиз!» — деб айтадир. Улар шундан сўнг, куйиб, қорайиб кетган ҳолда дўзахдан чиқгайдирлар, ҳаёт дарёсида чўмилгайдирлар, . ёмғирдан кейин гиёҳлар унгандек баданлари кўркам бўлғусидир».

22 . عَنْ سَعِيدِ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( بَيْنَا أَنَا نَائِمٌ ، رَأَيْتُ النَّاسَ يُعْرَضُونَ عَلَيَّ وَعَلَيْهِمْ قُمْصٌ ، مِنْهَا مَا يَبْلُغُ الثُّدْيَ ، وَمِنْهَا مَا دُونَ ذَلِكَ ، وَعَرَضَ عَلَيَّ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ وَعَلَيْهِ قَمِيصٌ يَجْرُهُ . ) قَالُوا : فَمَا أَوْلَتْ ذَلِكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ؟ قَالَ : ( : الدِّينَ . )

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Тушимда кўрсам,

одамларнинг кўйлаклари этаги кўкраклари баробарида, баъзи бирлариники эса ундан ҳам калта. Уларнинг ораларида Умар ҳам бор, унинг кўйлаги узун, ҳатто ерда судралиб юрибдир». Саҳобалар сўрадилар: «Нимага йўйдингиз?» «Динга йўйдим»,— дедилар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам.

### 16-боб. Ҳаё иймондандир

23 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ عَلَى رَجُلٍ مِنَ الْأَنْصَارِ ، وَهُوَ يَعْطُ أَخَاهُ فِي الْحَيَاءِ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( دَعَاهُ فَإِنَّ الْحَيَاءَ مِنَ الْإِيمَانِ . )

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам* бйродарига иймондан ўғит бераётган ансорлардан бирининг ёнидан ўта туриб, унга бундай дедилар: «Қўявергил уни, ҳаё иймондандир!»

### 17-боб. Амал қилмоқ иймондандир

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Мушриклар (Оллоҳнинг бирлигини инкор қилувчилар), агар тавба қилиб, иймонга келсалар, намоз ўқисалар ва закот берсалар, уларни тинч қўйингиз!» — деб айтган.

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу хусусда бундай деганлар:* «(Оллоҳ) менга: «Одамлар калимаи шаҳодат айтиб, намоз ўқийдирган, закот берадирган бўлгунларига қадар курашгил!» — деб буюрган. Агар бунга амал қилсалар, молларию жонлари мендан омон қолгайдир. Ухравий ҳисоб-китоби (охират ҳисоб-китоби) Оллоҳнинг ўзига ҳавола, зеро исломда гуноҳ деб ҳисобланган ишларни қилсалар, албатта жазосиз қолмаслар».

### 18-боб. Иймон — ислом амрига амал қилмоқ

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Жаннат — қилган амали солиҳларингиз эвазига берилгандир»,— дейди. Бошқа бир оятда эса: «Раббинг, муқаррарким, барчадан «Ло илоҳа иллаллоҳ»га қандай амал қилганларини сўрамай қўймас»,— дейилади. Яна бир бошқа оятда: «Нажот истаганлар амал қилсинлар!» — дейилган.

*Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадилар:* «Қайси амал афзалдир?» «Оллоҳ ва унинг Расулига ишонмоқ»,— деб жавоб бердилар. «Ундан кейин қайси?» — дедилар. «Оллоҳ йўлида жиҳод қилмоқ»,—деб айтдилар. «Ундан кейинчи?» — деб сўрадилар. «Қабул бўлгувчи ҳаждир»,— деб жавоб қилдилар.

### 19-боб. Исломни ўлимдан қўрққанидан ёки итоаткорлик юзасидан қабул қилган кишининг иймони иймон эмас!

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Бадавийлар: «Иймон келтирдик»,—деб айтурлар, сиз уларга: «Иймон келтирмадингиз, балки таслим бўлдик, деб айтингиз! — денг»,— дейилган. Исломнинг ҳақиқатан қабул қилингани иймон келтирмоқ билан исботлангайдир. Оллоҳ таоло бошқа бир оятида: «Оллоҳ учун мақбул йўл фақат ислом йўлидир», яна бир оятида эса: «Кимки исломдан бошқа йўлни истаса, зинҳор қабул қилинмайдир»,— дейилган.

24 . عَنْ سَعْدِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَعْطَى رَهْطًا وَسَعْدٌ جَالِسٌ ، فَتَرَكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا هُوَ أَعْجَبُهُمْ إِلَيَّ ، فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، مَا لَكَ عَنْ فُلَانٍ ؟ . فَوَاللَّهِ إِنِّي لَأَرَاهُ مُؤْمِنًا ، فَقَالَ : ( أَوْ مُسْلِمًا ) . فَسَكَتُ قَلِيلًا ، ثُمَّ غَلَبَنِي مَا أَعْلَمُ مِنْهُ ، فَعُدْتُ لِمَقَالَتِي فَقُلْتُ : مَا لَكَ عَنْ فُلَانٍ ؟ فَوَاللَّهِ إِنِّي لَأَرَاهُ مُؤْمِنًا ، فَقَالَ : ( أَوْ مُسْلِمًا ) ؟ ثُمَّ غَلَبَنِي مَا أَعْلَمُ مِنْهُ فَعُدْتُ لِمَقَالَتِي ، وَعَادَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، ثُمَّ قَالَ : ( يَا سَعْدُ ، إِنِّي لِأَعْطِي الرَّجُلَ وَغَيْرَهُ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْهُ ، خَشْيَةَ أَنْ يَكْبَهُ اللَّهُ فِي النَّارِ ) .

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам* 5—10 одамга садақа улаша бошладилар. Мен ҳам шу ерда ўтирган эдим. Расулulloҳ бир кишига садақа бермадилар, у эса мен ёқтирган (солиҳ) киши эди. Мен: «Ё Расулulloҳ, фалончига нега бермайсиз? Уни мен мўъмин деб билурман»,— дедим. «Мусулмон деб эмасми?»—дедилар. Озгина жим қолдим, сўнгра у одам ҳақида баъзи бир билган нарсаларимни айтиб, яна сўрадим: «Нега фалончига бермайсиз? Уни мен мўъмин деб билурман». Расулulloҳ дедилар: «Мусулмон деб эмасми?» Бир оз жим туриб, яна сўрадим. Кейин Расулulloҳ айтдилар: «Эй Саъд, у кишига берар эрдим-у, лекин ундан кўра бошқаларга берганим маъқулроқдир, чунки Оллоҳ уларни дўзахга туширишидан қўрқайман».

## 20-боб. Салом бериш ислом амалларидандир

*Саҳоба Аммор айтганлар:* «Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукамал бўлғайдир:

— инсофли ва адолатли бўлмоқ;

— барчага салом бермоқ;

— камбагаллигида ҳам садақа бериб турмоқ. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан бир киши сўради: «Исломда энг яхши хислатлар қайсидир?» Дедилар: «Очларга таом бермоқлик, таниган ва танимаганга салом бермоқлик».

## 21-боб. Эрнинг қадрига етмаслик куфрга яқин нарсадир

25 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أُرَيْتُ النَّارَ فَإِذَا أَكْثَرُ أَهْلِهَا النَّسَاءُ يَكْفُرْنَ ) قِيلَ أَيَكْفُرْنَ بِاللَّهِ ؟ قَالَ : ( يَكْفُرْنَ الْعَشِيرَ وَيَكْفُرْنَ الْإِحْسَانَ لَوْ أَحْسَنْتَ إِلَى إِحْدَاهُنَّ الدَّهْرَ ثُمَّ رَأَتْ مِنْكَ شَيْئًا قَالَتْ مَا رَأَيْتُ مِنْكَ خَيْرًا قَطُّ ) .

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Менга дўзах кўрсатилди, қарасам, ундаги одамларнинг кўпи инкор қилувчи хотинлар экан». Саҳобалар: «Оллоҳни инкор қилганми?»— деб сўрадилар. «Эрнинг яхшилигини инкор қилганлар, эрнинг қадрига етмаганлар. Агар буларнинг биттасига бир умр яхшилик қилсангу, кейин сендан бир кичик ёмонлик кўрса: «Сендан нима кўрдим, ҳеч яхшилик кўрмадим»,— деб айтадир»,— деб жавоб бердилар.

## 22-боб. Гуноҳлар жаҳолат қилмишидир

Гуноҳ қилгувчи киши кофир бўлмайдир, илло ширк келтирган кишигина кофир бўладир.

Расулulloҳ бир гуноҳ қилган кишига: «Сенда жаҳолатдан бор экан»,— деганлар. Оллоҳ ояти каримасида: «Оллоҳ ширкни кечирмайди, қолган ҳамма нарсани, хоҳласа-кечириши мумкин»,— деган,

26 . عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَأَبْتُ رَجُلًا فَعَيَّرْتُهُ بِأُمَّهِ ، فَقَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( يَا أَبَا ذَرٍّ أَعَيَّرْتُهُ بِأُمَّهِ إِنَّكَ أَمْرٌ فِيكَ جَاهِلِيَّةٌ ، إِخْوَانُكُمْ حَوْلُكُمْ ، جَعَلَهُمُ اللَّهُ تَحْتَ أَيْدِيكُمْ ، فَمَنْ كَانَ أَخُوهُ تَحْتَ يَدِهِ ، فَلْيُطْعِمْهُ مِمَّا يَأْكُلُ ، وَلْيَلْبِسْهُ مِمَّا يَلْبَسُ ، وَلَا تُكَلِّفُوهُمْ مَا يَغْلِبُهُمْ ، فَإِنْ كَلَّفْتُمُوهُمْ فَأَعِينُوهُمْ ) .

*Саҳоба Маъруф ривоят қиладилар:* «Рабза деган жойда Абу Зарри ўзи ҳам, қули ҳам чопон кийиб келаётган ҳолатда кўрдим. Нечун бир хил кийиниб олдингизлар? » — деб сўрадим. Абу Зарр: «Мен бир кишини (Билолни), эй қора хотиннинг боласи! — деб ҳақорат қилдим. Расулulloҳ менга: «Эй Абу Зарр, онасини ҳақорат қилибсан, сенда жаҳолатдан бор экан»,— дедилар ва яна: «Биродарларингиз хизматкорингиздир. Оллоҳ таоло уларни сизларнинг

қўлларингизга топшириб қўйибди. Кимники биродари қўлида бўлса, еганидан едирсин, кийганидан кийдирсин. Кучи етмайдиган ишга буюрмангиз, мободо, буюрсангиз, ёнларида ёрдамлашиб ишлангиз»,— деб қўшиб қўйдилар»,— деди».

### **23-боб. Икки гуруҳ мўъминлар бир-бирлари билан уришсалар, ўрталарига тушиб, яраштириб қўйингиз, зеро Оллоҳ уларни ҳам мўъминлар деб атаган**

27 . عَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( إِذَا تَقَى الْمُسْلِمَانِ بَسِيْفَيْهِمَا فَالْقَاتِلُ وَالْمَقْتُولُ فِي النَّارِ ) . فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ هَذَا الْقَاتِلُ ، فَمَا بَالُ الْمَقْتُولِ ؟ قَالَ : ( إِنَّهُ كَانَ حَرِيصًا عَلَى قَتْلِ صَاحِبِهِ ) .

*Саҳоба Аҳнаф ривоятлари:* «Мана бу кишини ҳимоя қилгани йўл олдим, Йўлда Абу Бакр йўлиқди. «Қаёққа кетаяпсан?» — деди. «Мана бу кишига ёрдамлашгани кетяпман»,— дедим. «Қайт, мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганман, агар икки мусулмон қилич ялангочлаб бир-бирига ҳамла қилса, ўлдирган ҳам, ўлган ҳам, дўзахга тушгайдир. «Ё Расулulloҳ, ўлдирганку майлия, ўлган нега тушгайдир?» — деганимда, «У ҳам шеригини ўлдирмоққа жазм қилгандир»,— деб айтганлар»,— деди».

### **24-боб Энг катта зулм**

28 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : لَمَّا نَزَلَتْ : ﴿ الَّذِينَ آمَنُوا وَلَمْ يَلْبِسُوا إِيمَانَهُمْ بِظُلْمٍ ﴾ قَالَ أَصْحَابُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّنَا لَمْ يَظْلَمْ فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ : ﴿ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ ﴾

*Саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд айтадилар:* «Иймонини зулм билан булғамаган мўъминлар охиратда нажот топгайдирлар, улар ҳидоятли кишилардир»,— деган ояти карима нозил бўлганда саҳобалар: «Қайси биримиз ўз жонимизга зулм қилмаганмиз»,— деб қаттиқ эзилишди. Шунда Оллоҳ таоло: «Албатта, ширк энг катта зулмдир»,— деган оятни нозил қилди».

### **25-боб. Мунофиқнинг аломатлари**

29 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ : إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ ، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ ، وَإِذَا أُؤْتِيَ خَانَ ) .

*Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам:* «Мунофиқнинг учта аломати бор: сўзласа, ёлғон сўзлар; ваъда қилса, бажармас; омонатга хиёнат қилур»,— деганлар.

30 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا ، وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنَ النَّفَاقِ حَتَّى يَدْعَهَا ، إِذَا أُؤْتِيَ خَانَ ، وَإِذَا حَدَّثَ كَذَبَ ، وَإِذَا عَاهَدَ غَدَرَ ، وَإِذَا خَاصَمَ فَحَرَ ) .

*Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Қуйидаги тўртта хислат кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлгайдир, кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарк этмагунча мунофиқликдан бир хислати бор экан, дейиладир:

- омонатга хиёнат қилгайдир;
- сўзласа, ёлғон сўзлагайдир;
- шартнома тузса, шартида турмагайдир;
- уришиб қолса, кек сақлагайдир ва ноҳақлик қилгайдир».

**26-боб. Лайлат ул-Қадр кечасида ибодат қилиб чиқмоқ иймондандир**

31 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ يَقُمْ لَيْلَةَ الْقَدْرِ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Кимки Лайлат ул-Қадр кечасининг ҳақлигига ишониб, Оллоҳдан савоб умидида ибодат қилиб чиқса, қилган гуноҳларининг ҳаммаси кечирилғусидир».

**27-боб. Оллоҳ йўлида жиҳод қилиш иймондандир**

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Оллоҳ таоло ўзи йўлида жиҳодга чиққан одамни қадрлаб: «Менга бўлган иймони ва пайғамбарларимга бўлган ишончи тўфайли . жиҳодга чиққан бўлса, уни ажр ёки ўлжалар билан қайтарғумдир, ҳалок бўлса, жаннатимга киргизғумдир»,— дейди»,— деганлар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна бундай деганлар: «Агар умматимни қийин аҳволда қолдиришдан қўрқмасам эрдим, бирорта жангдан қолмаган бўлур эрдим, мен Оллоҳ йўлида жон нисор этиб, кейин тирилсам, яна ўлиб, яна тирилсам ва яна ўлиб ва яна тирилсам ва яна ўлсам, дер эрдим».

**28-боб. Рамазонда кечалари ибодат қилиб чиқмоқлик иймондандир**

32 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَنْ قَامَ رَمَضَانَ ، إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا ، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:* «Кимки Рамазон кечаларини, Оллоҳга иймон келтириб, ундан савоб умид этиб, ибодат билан ўтказғусидир, унинг қилган гуноҳлари мағфират қилинғусидир».

**29-боб. Оллоҳдан савоб умид қилиб, Рамазон рўзасини тутиш иймондандир**

33 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ صَامَ رَمَضَانَ ، إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا ، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Кимки Оллоҳга ишониб, ундан савоб умид қилиб, Рамазон рўзасини тутгайдир, собиқ гуноҳлари кечирилгайдир».

**30-боб. Дини ислом ҳузурбахш диндир**

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Оллоҳ таолога ислом дини энг севимли диндир».

34 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِنَّ الدِّينَ يُسْرٌ وَلَنْ يُشَادَّ الدِّينَ أَحَدٌ إِلَّا غَلِبَهُ ، فَسَدِّدُوا وَقَارِبُوا ، وَأَنْبِشِرُوا ، وَاسْتَعِينُوا بِالْعَدْوَةِ وَالرَّوْحَةِ وَشَيْءٍ مِنَ الدَّلْجَةِ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Дин ўнғайдир, ҳеч ким уни қийинлаштириб юбормағай, мободо, қийинлаштириб юборса, дин уни енгиб қўйғусидир (яъни, амали солиҳларни ҳаддан зиёда зиммасига олиши натижасида уларни эплай олмай, ҳаммасини тарк этишига сабаб бўлғусидир). Демак, амали солиҳларни ўртача бажарингиз, ибодатларни мукамал адо этишга қодир бўлмасангиз, шунга яқинроқ қилингиз. Амали солиҳлардан тегадиган савобдан севинингиз. Бу дунёдан охиратга қилинадиган умр сафаридан эрта тонгдан, кечки пайтдан ва кечанинг баъзи бир қисмидан унумли фойдаланингиз!»



### 31-боб. Намоз ўқимоқ иймондандир

Ояти каримада: «Оллоҳ таоло сизларнинг иймонларингизни, яъни Байт ул-Муқаддас (Қуддус, Иерусалим) га қараб ўқиган намозларингизни зое кетказмағай»,— дейилган.

35 . عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ أَوَّلَ مَا قَدِمَ الْمَدِينَةَ نَزَلَ عَلَى أَجْدَادِهِ - أَوْ قَالَ أَحْوَالِهِ - مِنَ الْأَنْصَارِ ، وَأَنَّهُ صَلَّى قَبْلَ بَيْتِ الْمَقْدِسِ سِتَّةَ عَشَرَ شَهْرًا ، أَوْ سَبْعَةَ عَشَرَ شَهْرًا ، وَكَانَ يُعْجِبُهُ أَنْ تَكُونَ قِبْلَتُهُ قَبْلَ الْبَيْتِ ، وَأَنَّهُ صَلَّى أَوَّلَ صَلَاةٍ صَلَاهَا صَلَاةَ الْعَصْرِ ، وَصَلَّى مَعَهُ قَوْمٌ ، فَخَرَجَ رَجُلٌ مِمَّنْ صَلَّى مَعَهُ ، فَمَرَّ عَلَى أَهْلِ مَسْجِدٍ وَهُمْ رَاكِعُونَ ، فَقَالَ : أَشْهَدُ بِاللَّهِ لَقَدْ صَلَّيْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلَ مَكَّةَ ، فَدَارُوا كَمَا هُمْ قَبْلَ الْبَيْتِ ، وَكَانَتْ الْيَهُودُ قَدْ أَعْجَبَهُمْ إِذْ كَانَ يُصَلِّي قَبْلَ بَيْتِ الْمَقْدِسِ ، وَأَهْلُ الْكِتَابِ فَلَمَّا وَلَّى وَجْهَهُ قَبْلَ الْبَيْتِ ، أَنْكَرُوا ذَلِكَ .

*Саҳоба Барро бундай дейдилар:* «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келибоқ қариндошлариникига тушдилар ва Байт ул-Муқаддасга қараб 16 ёки 17 ой намоз ўқидилар. Аслида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккадаги Хонаи Каъбани қибла қилиб намоз ўқишни яхши кўрардилар. Хонаи Каъбага қараб биринчи ўқиган намозлари аср намози эди. Расулulloҳ билан бирга бир қавм жамоаси ҳам намоз ўқиди. Бирга намоз ўқиганлардан бири бошқа масжидда намоз ўқиётган одамлар ёнидан ўтаётиб, рукуъда турган вақтларида уларга: «Оллоҳга қасам ичиб айтаманким, биз ҳозир Маккаи Мукаррамага қараб намоз ўқидик»,— деди. Шунда улар намозда турган ҳолларича Маккаи Мукаррамага ўгирилиб, намозни ўқиб тугатдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ю салламнинг Байт ул-Муқаддасга қараб намоз ўқиётганлари яҳудий ва насороларга ёқарди, (чунки Байт ул-Муқаддас уларнинг қибласи эди). Аммо Маккаи Мукаррамага Байтуллоҳга қараб намоз ўқиганлари эса уларга ёқмасди».

*Саҳоба Барро яна бундай деганлар:* «Қибла Хонаи Каъбага қараб ўзгартирилмасидан илгари баъзи бир кишилар вафот этиб кетганлар ва баъзи бирлари шаҳид бўлиб, кетганлар. Биз улар тўғрисида нима дейишни билмаймиз, деб турганларида юқоридаги ояти карима нозил бўлди».

### 32-боб. Киши исломга кириб, уни яхшиласа, қилган ёмонликларини Оллоҳ кечиргайдир

36 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( إِذَا أَسْلَمَ الْعَبْدُ فَحَسَنَ إِسْلَامُهُ ، يُكَفِّرُ اللَّهُ عَنْهُ كُلَّ سَيِّئَةٍ كَانَ زَلَفَهَا ، وَكَانَ بَعْدَ ذَلِكَ الْقِصَاصُ : الْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا إِلَى سَبْعِ مِائَةِ ضِعْفٍ ، وَالسَّيِّئَةُ بِمِثْلِهَا إِلَّا أَنْ يَتَحَاوَرَ اللَّهُ عَنْهَا ) .

*Абу Саъид Худрий:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар банда исломга кириб, уни ихлос билан яхшилашни давом этдирса, Оллоҳ таоло унинг ҳамма қилган хатоларини кечиргайдир. Бундан кейинги хатоларигина ҳисоб-китоб қилингайдир. Яхшилик 10 баробардан 700 баробаргача кўпайтириб ёзилур. Ёмонлик битта бўлса, битталигича ёзилур, илло ёзилмасдан Оллоҳ кечириб юбориши ҳам мумкин» — деганлар»,— дейди.

### 33-боб. Оллоҳ таоло энг хушлайдирган тоат-ибодат узоқроқ қилинадирган тоат-ибодатдир

37 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ عَلَيْهَا وَعِنْدَهَا امْرَأَةٌ ، قَالَ : ( مَنْ هَذِهِ ) . قَالَتْ : فَالْتَةُ ، تَذَكَّرُ مِنْ صَلَاتِهَا ، قَالَ : ( مَهْ عَلَيْكُمْ بِمَا تُطِيقُونَ ، فَوَاللَّهِ لَا يَمَلُّ اللَّهُ حَتَّى تَمْلُؤَا ) وَكَانَ أَحَبَّ الدِّينِ إِلَيْهِ مَا دَاوَمَ

عَلَيْهِ صَاحِبُهُ .

*Ҳишом бундай деганлар:* «Оиша онамизнинг ёнларида бир аёл ўтирган эди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бу аёл?» — деб сўрадилар. Оиша онамиз: «Бу фалончи, кўп намоз ўқийдирган аёл»,— деб жавоб бердилар. Расулulloҳ: «Қўйингизлар, амали солиҳлардан қурбингиз етадирганини зиммага олингизлар, Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, сизларга амалларингиз малол келмаса, Оллоҳга савоб бериш малол келмағайдир (яъни, қилаётган тоат-ибодатингиз малол келса, савоби кетур)»,— деб айтдилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам узоқроқ қилинадиган тоат-ибодатни хушлар эдилар.» Ҳақ таоло ояти карималаридан бирида: «Уларнинг ҳидоятини (иймонларини) зиёда қилдик», яна бир ояти каримада: «Мўъминларнинг иймонлари яна ҳам зиёда бўлсин деб», бошқа бир ояти каримада эса: «Бугун сизларга динларингизни мукамал қилиб бердим»,— дейди. Агар динни мукамал қилиб турган бирор нарса тушириб қолдирилса, унда иймон мукамал бўлмағайдир.

38 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( يَخْرُجُ مِنَ النَّارِ مَنْ قَالَ : لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَفِي قَلْبِهِ وَزَنُ شَعِيرَةٍ مِنْ خَيْرٍ ، وَيَخْرُجُ مِنَ النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَفِي قَلْبِهِ وَزَنُ ذَرَّةٍ مِنْ خَيْرٍ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар:* «Кимки юракдан «Ло илоҳа иллаллоҳ» деган эрса ва унинг юрагида буғдой донасича яхшилик (иймон) бор эрса, дўзахдан чиққусидир». Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам деганлар: «Иймон учун яхши жой ато қилинмишдир» (яъни, иймоннинг ўрни дўзахда эмас, жаннатдадир).

39 . عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَجُلًا مِنَ الْيَهُودِ قَالَ لَهُ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ ، آيَةٌ فِي كِتَابِكُمْ تَقْرَعُونَهَا ، لَوْ عَلَيْنَا مَعْشَرَ الْيَهُودِ نَزَلَتْ ، لَأَتَّخَذْنَا ذَلِكَ الْيَوْمَ عِيدًا ، قَالَ : أَيُّ آيَةٍ ؟ قَالَ : ﴿ الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا ﴾ قَالَ عُمَرُ : قَدْ عَرَفْنَا ذَلِكَ الْيَوْمَ ، وَالْمَكَانَ الَّذِي نَزَلَتْ فِيهِ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَهُوَ قَائِمٌ بِعَرَفَةَ يَوْمَ جُمُعَةٍ .

*Умар ибн Хаттобдан:* «Яҳудийлардан бир киши менга: «Эй Амир ал-Мўъминин, Китобингизда бир оят бордир, сизлар уни ўқийсизлар, агар шу оят бизга нозил бўлганда эрди, ўша кунни биз байрам қилиб олур эрдик»,— деди. Мен «Қайси оят?»—деб сўрадим. У: «Бу кун динингизни мукамал қилиб берибдурмен ва неъматларимни (ҳидоят, тавфиқимни) сизларга мўл-кўл қилибдурмен ва сизлар ислом динини қаттиқ тутишингизни ва ислом йўлида яшашларингизни ихтиёр этибдурмен» деган оят»,— деб айтди. «Ҳа, биз ўша ояти карима тушган кунни ва тушган жойни билурмиз. Жумъа куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафотда турганларида нозил бўлгандир»,— дедим» (Ўша ояти карима тушган кун шарафига бизда бир эмас, икки марта байрам қилинур; ҳар жумъа куни ва Қурбон ҳайитида).

### 35-БОБ. ЗАКОТ БЕРИШ ИСЛОМДАНДИР

Ояти каримада: «Аҳли китобларга ёлғиз Оллоҳнинг ўзига ихлос бирлан ибодат қилмоқ ва нотўғри эътиқодларни тарк этиб, ҳақ эътиқодни танлаб, намоз ўқимоқ ва закот бермоқ буюрилган эрди»,— дейилган.

40 . عَنْ طَلْحَةَ بْنِ عُبَيْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ أَهْلِ نَجْدٍ ، ثَائِرَ الرَّأْسِ

يُسْمَعُ دَوِيَّ صَوْتِهِ وَلَا يُفْقَهُ مَا يَقُولُ ، حَتَّى دَنَا ، فَإِذَا هُوَ يَسْأَلُ عَنِ الْإِسْلَامِ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( حَمْسُ صَلَوَاتٍ فِي الْيَوْمِ وَاللَّيْلَةِ ) فَقَالَ : هَلْ عَلَيَّ غَيْرُهَا ؟ قَالَ : ( لَا ، إِلَّا أَنْ تَطَوَّعَ ) . قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( وَصِيَامُ رَمَضَانَ ) . قَالَ : هَلْ عَلَيَّ غَيْرُهُ ؟ قَالَ : ( لَا ، إِلَّا أَنْ تَطَوَّعَ ) . قَالَ : وَذَكَرَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الزَّكَاةَ ، قَالَ : هَلْ عَلَيَّ غَيْرُهَا ؟ قَالَ : ( لَا ، إِلَّا أَنْ تَطَوَّعَ ) . قَالَ : فَأَدْبَرَ الرَّجُلُ وَهُوَ يَقُولُ : وَاللَّهِ لَا أَزِيدُ عَلَيَّ هَذَا وَلَا أَنْقُصُ ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَفْلَحَ إِنْ صَدَقَ ) .

*Талха ибн Убайдуллоҳдан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига Нажд қабиласидан бир киши келди. Сочлари тўзғиган. Унинг ғудурлаган овозини эшитамизу, нима деяётганини тушунмаймиз. Яқин келганда тинглаб қулоқ солсак, ислом асосларини сўраётган экан. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жавобан: «Ислом асосларидан биринчиси — бир кечаю-кундузда 5 вақт намоз ўқимоқликдир», — дедилар. «Шу 5 вақт намоздан ташқари яна зиммага тушадирган вожиб намоз борми?»—деб сўради. «Йўқ, илло ўзинг хоҳлаб нафл ўқишинг мумкин», — деб жавоб бердилар. «Ислом асосларидан иккинчиси — Рамазон рўзасини тутмоқликдир», — дедилар Расулulloҳ. «Рамазондан ташқари ҳам зиммага тушадирган вожиб борми?» — деб сўради. «Йўқ, илло нафл рўза тутишинг мумкин», — дедилар. У киши қайтиб кетаётиб: «Оллоҳга қасам ичурменким, бунга ҳеч нарсани қўшмасман ҳам, бундан ҳеч нарсани камайтирмасман ҳам», — деди. Расулulloҳ айтдилар: «Агар сўзида содиқ эрса, шу одам нажот топғусидир».

### 36-боб. Жанозада қатнашиш иймондандир

41 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ ( مَنْ اتَّبَعَ جَنَازَةَ مُسْلِمٍ إِمَانًا وَاحْتِسَابًا وَكَانَ مَعَهُ حَتَّى يُصَلِّيَ عَلَيْهَا وَيُفْرَغَ مِنْ دَفْنِهَا ، فَإِنَّهُ يَرْجِعُ مِنَ الْأَحْرِ بِقَبْرَاطَيْنِ ، كُلُّ قَبْرَاطٍ مِثْلُ أُحُدٍ ، وَمَنْ صَلَّى عَلَيْهَا ثُمَّ رَجَعَ قَبْلَ أَنْ تُدْفَنَ ، فَإِنَّهُ يَرْجِعُ بِقَبْرَاطٍ ) .

*Жаноб Расулulloҳу саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Кимки бир мусулмон одамнинг жанозасида Оллоҳга ишониб, унинг савоб беришидан умид қилиб қатнашса ва жаноза ўқилиб, маййит дафн қилингунга қадар бирга бўлса, албатта у одам 2 қийрот ажр (савоб) олиб қайтгайдир. Ҳар бир қийрот Уҳуд тоғидекдур. Кимки жанозани ўқиб, маййит дафн қилинмасдан аввал қайтса, у киши 1 қийрот ажр олиб қайтгайдир».

### 37-боб, Мўъмин ўз амалининг ўзи билмагани ҳолда қабата бўлиб қолмоғидан қўрқиши

*Иброҳим ат-Таймий айтгаилар:* «Сўзимни қиладиган амали солиҳимга номувофиқ (зид келадиган) қилиб гапирмадим, мободро, ўзим амал қилмаган нарсани айтсам, ёлғончи ҳисобига кириб қолмоқдан жуда қўрқдим».

*Ибн Али Мулайка айтдилар:* «Расулulloҳнинг 30 дан ортиқ саҳобаларини билур эрдим. Уларнинг ҳар бири амали солиҳига нифоқ аралашмоғидан қўрқур эрди».

*Ҳасан Басрий айтганлар:* «Нифоқ аралашмоғидан фақат мўъмин одам қўрқмишдир, мунофиқ одам қўрқмагандир, мунофиқ одам Оллоҳга тавба қилмасдан, итоатсизликда, сийликда, биродарлари билан уришаверишда давом этмоқнинг гуноҳидан қўрқмагайдир. Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Улар (мунофиқлар) била туриб гуноҳ ишлардан қайтмаслар», — деган.

42 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( سِبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ ، وَقِتَالُهُ كُفْرٌ ) .

*Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Мусулмоннинг

сўкмоғи фосиқлик эрур ва қотиллиги кофирлик эрур».

43 . عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ يُخْبِرُ بَلِيْلَةَ الْقَدْرِ ، فَتَلَاخَى رَجُلَانِ مِنَ الْمُسْلِمِينَ فَقَالَ : إِنِّي خَرَجْتُ لِأُخْبِرَكُمْ بَلِيْلَةَ الْقَدْرِ ، وَإِنَّهُ تَلَاخَى فُلَانٌ وَفُلَانٌ ، فَرُفِعَتْ ، وَعَسَى أَنْ يَكُونَ خَيْرًا لَكُمْ ، التَّمَسُّوْهَا فِي السَّيِّعِ وَالسَّعِ وَالْخَمْسِ .

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Лайлат ул-Қадрнинг қайси кун келишини айтмоқчи бўлиб чиққанларида икки муслмон жанжаллашиб турган экан. Расулulloҳ дебдилар: «Лайлат ул-Қадрнинг хабарини айтмоқчи эрдим, фалончи билан пистончи уришиб турганига кўзим тупшб, ёдимдан кўтарилиб кетибдир. Шоядки, омадингиз келса, Лайлат ул-Қадрни 27-29-25-кечаларда Оллоҳдан сўрангиз!»

**38-боб. Жаброил алайҳиссаломнинг иймон, ислом, эҳсон ва қиёмат вақти тўғрисида Расулulloҳдан сўраганлари ва Расулulloҳнинг жавоблари, «Жаброил алайҳиссалом сизларга динингизни ўргатгани келди, мазкур сўзларнинг барчаси дин демакдир», — деганлари, Абдулқайс қабиласидан келган кишиларга иймонни баён қилганлари**

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Кимки исломдан бошқа диний ихтиёр этмай, тоати қабул қилинмағай», — деган.

44 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَارِزًا يَوْمًا لِلنَّاسِ ، فَأَتَاهُ جَبْرِيلُ فَقَالَ : مَا الْإِيمَانُ ؟ قَالَ : ( الْإِيمَانُ أَنْ تُعْبَدَ اللَّهَ وَلَا تُشْرِكَ بِهِ شَيْئًا ، وَتُقِيمَ الصَّلَاةَ ، وَتُؤَدِّيَ الزَّكَاةَ الْمَفْرُوضَةَ ، وَتَصُومَ رَمَضَانَ ) . قَالَ : مَا الْإِحْسَانُ ؟ قَالَ : ( مَا الْمَسْئُولُ عَنْهَا بِأَعْلَمَ مِنَ السَّائِلِ ، وَسَأْخِبْرُكَ عَنْ أَشْرَاطِهَا : إِذَا وَلَدَتْ الْأُمَّةَ رَبَّهَا ، وَإِذَا تَطَاوَلَ رِعَاةُ الْإِبِلِ الْبُيُوتِ فِي الْبُنْيَانِ ، فِي خَمْسٍ لَا يَعْلَمُهُنَّ إِلَّا اللَّهُ ) . ثُمَّ تَلَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ﴿ إِنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ عِلْمُ السَّاعَةِ ﴾ الْآيَةَ ، ثُمَّ أَدْبَرَ ، فَقَالَ : ( رُدُّوهُ ) . فَلَمْ يَرَوْا شَيْئًا ، فَقَالَ : ( هَذَا جَبْرِيلُ جَاءَ يُعَلِّمُ النَّاسَ دِينَهُمْ ) .

Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўпчилик билаи суҳбатлашиб турган эдилар. Бир киши қошларига келиб, салом бергач: «Иймон надур?» — деб сўради. «Иймон Оллоҳга, унинг малоикаларига, пайғамбарларининг ҳақ эканлигига, Оллоҳни қиёмат кунида кўришга, ўлгандан кейин тирилишга ишонмоғингдур», — дедилар. «Ислом надур?» — деди. «Ислом Оллоҳга (ширк келтирмасдан) ибодат қилмоғинг, беш вақт намоз ўқимоғинг, фарз закотни бермоғинг ва Рамазон рўзасини тутмоғингдур», — деб жавоб қилдилар. «Эҳсон надур?» — деди. «Оллоҳга уни кўриб турганингдек ибодат қилмоғингдир. Агар сен кўрмаётган бўлсанг, у сени кўриб турибдир», — дедилар. «Қиёмат қачондур?» — деб сўради. «Сўралаётган киши сўрагувчидан ортиқ билмайдир, бироқ аломатларини айтиб берай, улар кўйидагичадур: хотинлар ўз эгаларини туғадиган бўлганда (болалар ота-оналарига хўжайин бўлиб, уларнинг дилини оғрита бошлаганда), туябоқар чўпонлар баланд-баланд иморат сола бошлаганда. 5 та ғойибий (сир) нарса бор, уни фақат Оллоҳ билур, улардан биттаси — қиёматнинг қачон бўлмоғидур», — деб ўша мазмундаги ояти каримани ўқидилар. Кейин, ҳалиги киши қайтиб кетди. Расулulloҳ дедилар: «Қайтаринглар ҳалиги кишини (саҳобалар тушунсинлар деб шундай қилдилар)!» Орқасидан чиқиб, топмадилар. Расулulloҳ дедилар: «Бу Жаброилдур, сизларга динингизни ўргатгани келгандир». Имом Бухорий айтадилар: «Расулulloҳ

саллаллоҳу алайҳи ва саллам юқоридаги ҳамма нарсаларни иймондан деб ҳисобладилар».

### 39-боб.

*Византия подшоши Ҳирақл Абу Суфёнга:* «Бу динга киргувчилар кўпаймоқдами, озаймоқдами?» — деб сендан сўрасам, «Кўпаймоқда, иймон ҳам шунақадир, то мукамал бўлгунча кўпаявергайдир», — дединг. «Бу динга кирганлардан бирор киши ёқтирмай чиқиб кетаётирми?» — десам, «Йўқ, иймон хусусида ҳам шундайдир. Иймон нури дилларга киргандан сўнг уни ҳеч ким ёмон кўрмағай» — дединг», деб айтган экан.

### 40-боб. Дин туфайли гуноҳлардан фориғ бўлмоқнинг фазилати

45 . عن الثَّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( الْحَالَالُ بَيْنَ وَالْحَرَامِ بَيْنٌ ، وَبَيْنَهُمَا مُشَبَّهَاتٌ لَا يَعْلَمُهَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ ، فَمَنْ اتَّقَى الْمُسَبَّهَاتِ اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ وَعَرَضِهِ ، وَمَنْ وَقَعَ فِي الشُّبُهَاتِ كَرَاعٍ يَرْعَى حَوْلَ الْحَمَى يُوشِكُ أَنْ يُوَاقِعَهُ ، أَلَا وَإِنَّ لِكُلِّ مَلِكٍ حَمَى ، أَلَا إِنَّ حَمَى اللَّهِ فِي أَرْضِهِ مَحَارِمُهُ ، أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضْغَةً : إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ ، وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ ، أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ ) .

*Расулulloҳ бундай деганлар:* «Ҳалол билан ҳаром бор нарсадир. Аммо иккаласини бир-бирдан фарқлашда ноаниқликлар мавжуд. Одамларнинг кўпи уларни билмаслар (ҳалол ё ҳаром эканини). Шунинг учун кимки шубҳали нарсалардан ўзини тийгайдир, динини камчиликлардан, обрўйини таънадан сақлағайдир ва кимки шубҳали нарсалардан тийилмайдир, у бировнинг экини чеккасида қўй боқаётган чўпонга ўхшайдир. Унинг қўйларни экинга тушириш эҳтимоли бордир. Огоҳ бўлингизким, ҳар бир подшоҳнинг ўз чегараси бордур. Оллоҳнинг ердаги чегараси ҳаром қилинган нарсалардир. Киши баданида бир парча гўшт бор, агар у тузалса, аъзоларнинг барчаси тузалгайдир, агар у бузилса, аъзоларнинг барчаси бузилгайдир. У қалбдир!»

### 41-боб. Ўлжанинг (меҳнатсиз топилган молнинг) бешдан бирини (Байт ул-Молга) беришлик иймондандир

46 . عن عبد الله بن عباس رضي الله عنهما قال : إنَّ وَفَدَ عَبْدَ الْقَيْسِ لَمَّا أَتَوْا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مِنْ الْقَوْمِ ؟ أَوْ مِنَ الْوَفْدِ ؟ ) قَالُوا : رَبِيعَةَ قَالَ : ( مَرَجَبًا بِالْقَوْمِ ، أَوْ بِالْوَفْدِ ، غَيْرَ خَزَايَا وَلَا نَدَامَى ) . فَقَالُوا : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنَّا لَا نَسْتَطِيعُ أَنْ نَأْتِيكَ إِلَّا فِي الشَّهْرِ الْحَرَامِ ، وَبَيْنَنَا وَبَيْنَكَ هَذَا الْحَيُّ مِنْ كُفَّارٍ مُضَرٍّ ، فَمُرْنَا بِأَمْرٍ فَصَلِّ نُخْبِرُ بِهِ مَنْ وَرَاءَنَا ، وَنَدْخُلُ بِهِ الْجَنَّةَ . وَسَأَلُوهُ عَنِ الْأَشْرَبَةِ : فَأَمَرَهُمْ بِأَرْبَعٍ ، وَنَهَاهُمْ عَنْ أَرْبَعٍ ، أَمَرَهُمْ بِالْإِيمَانِ بِاللَّهِ وَحْدَهُ ، قَالَ : ( أَتَدْرُونَ مَا الْإِيمَانُ بِاللَّهِ وَحْدَهُ ؟ ) قَالُوا : اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ ، قَالَ : ( شَهَادَةٌ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ ، وَإِقَامُ الصَّلَاةِ ، وَإِيتَاءُ الزَّكَاةِ ، وَصِيَامُ رَمَضَانَ ، وَأَنْ تُعْطُوا مِنَ الْمَعْنَمِ الْخُمْسَ ) . وَنَهَاهُمْ عَنْ أَرْبَعٍ : عَنِ الْحَتَمِ وَالِدُّبَاءِ وَالتَّقْبِيرِ وَالْمَرْزَفَةِ . وَرَبَّمَا قَالَ : ( الْمُقْبِرِ ) . وَقَالَ : ( احْفَظُوهُنَّ وَأَخْبِرُوا بِهِنَّ مَنْ وَرَاءَكُمْ ) .

*Абу Жамра айтадилар:* «Ибн Аббос билан бирга унинг сўричасида ўтирар эрдим. Менга деди: «Менинг ҳузуримда қолгин, қисман молимдан ҳам бўлиб берай». Хўп, деб у киши ҳузуридида икки ой яшадим (мен форсча билар эрдим, у кишининг форслар билан муомаласида таржимонлик қилиб турдим). Бир хотин киши келиб сўради: «Кўзада қилинган набиз (ширин мусаллас) дан ичсак майлими?» Ибн Аббос уни ичишдан қайтардилар ва дедилар: «Жаноб Расулulloҳ ҳузурларига Абд ул-Қайс қабиласидан бир жамоа келди. Саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу қайси жамоа?» —

деб сўрадилар. Меҳмонлар: «Биз Рабаиа қавмиданмиз»,— деб айтишди. «Хуш келибсизлар, марҳамат, хижолатсиз келаверингиз!»—дедилар Расулulloҳ. «Ё Расулаллоҳ, биз сизнинг олдингизга ражаб ойидагина кела олурмиз (арабларда ражаб ойида қабилалараро уришмоқ манъ қилинган). Сиз билан бизнинг ўртамизда кофирлар қабиласи бордир. Шунинг учун бизга ажрим бир нарса буюрсангиз. Биз бу тўғрида кела олмаганларга ҳам айтсак ва унга амал қилиб, жаннатга кирсак»,— дейишди. Шундан сўнг ичимликлар тўғрисида ҳам сўрашди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга тўрт нарса буюриб ва тўрт нарсдан қайтардилар. Ёлғиз Оллоҳнинг ўзига иймон келтиришни буюриб, бундай дедилар: «Билурмисиз, Оллоҳнинг ёлғиз ўзига қандай иймон келтирилур?» «Ўзингиз айтиб беринг»,— дедилар. Расулulloҳ Калимаи Таййибани айтдилар, сўнг уларга намоз ўқишни, закот беришни, Рамазон рўзасини тутишни, ўлжадан 1/5 қисмини беришни буюрдилар ҳамда ҳинтам, дибоъ, нақир, музафат (ўша даврда мусаллас қилинадиган идишлар номи) дан қайтариб, «Бу сўзларни ёдлаб олингиз, эшитмаганларга етказингиз!»— дедилар.

#### 42-боб. Амаллар ният ва ихлосга қараб қабул қилинишининг баёни

Ҳар кимнинг ниятидаги бўлғайдир. *Имом Бухорий айтадилар:* «Бу сўзга иймон ҳам, таҳорат ҳам, намоз ҳам, закот ҳам, ҳаж ҳам, рўза ҳам, муомалотми, никоҳми, умуман барча ҳукмлар кирур. Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Ҳар бир киши ниятига ва ўзига яраша амал қилғайдир, дегил!»—деган. Кишининг савоб умид этиб, ўз оила аъзоларига сарфлаган нафақаси ҳам садақадир. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Макка фатҳ қилингандан кейин ҳижрат (кўчиш) йўқ, лекин жиҳод қилиб ёки яхши ниятда кўчиш мумкиндир»,— деганлар».

47 . عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّةِ ، وَلِكُلِّ أَمْرٍ مَا نَوَى ، فَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ فَهِيَ هِجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ ، وَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ لِدُنْيَا يُصِيبُهَا ، أَوْ امْرَأَةٍ يَتَزَوَّجُهَا ، فَهِيَ هِجْرَتُهُ إِلَى مَا هَاجَرَ إِلَيْهِ ) .

*Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Амаллар ниятга қараб қабул қилинур, ким қандай ният қилғайдир, шунга эришгусидир. Кимки Оллоҳ ва унинг Расули учун ҳижрат қилган эрса, Оллоҳ ва Расул учун кўчганлик савобини олур. Кимки мол-дунёга эришмоқ ёки бирор хотин олмоқ ниятида ҳижрат қилган эрса, ўша ниятигагина эришмоғи мумкин (аммо савоб бўлмайди)».

48 . عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا أَنْفَقَ الرَّجُلُ عَلَى أَهْلِهِ يَحْتَسِبُهَا فَهُوَ لَهُ صَدَقَةٌ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Агар киши савоб умид этиб, ўз оила аъзоларига мол сарфлағайдир, унга садақа қилган савоби ёзилур»,—деганлар.

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар:* «Оллоҳ йўлида садақа қилсанг, албатта бунинг учун Оллоҳдан ажр олурсен, ҳатто хотинингнинг оғзига солиб қўйган бир лўқма таоминг учун ҳам».

#### 43-боб. Дин насиҳатдир

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Дин Оллоҳ ва унинг Расули, мусулмонларнинг имомлари ва барча мусулмонлар йўлида қилинадиган насиҳатдур»,— деганлар. «Агар Оллоҳ ва унинг Расулини деб насиҳат қилғайлар, яхшилик ҳосил бўлғусидир»,— дейилган оятда.

49 . عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : بَايَعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى إِقَامِ

الصَّلَاةِ ، وَإِيْتَاءِ الزَّكَاةِ ، وَالنُّصْحِ لِكُلِّ مُسْلِمٍ .

*Жарир ибн Абдуллоҳ айтадилар:* «Беш вақт намоз ўқирмен, закот берурмен ва ҳар бир мусулмонга яхшилик қилғаймен, деб Расулуллоҳга байъат (қасам) қилдим.

*Зийёд ибн Абдуллоҳ айтадилар:* «Муғира ибн Шуъба ўлган куни Жарир ибн Абдуллоҳ ўрнидан туриб ҳамду сано айтди, сўнг деди: «Оллоҳнинг ёлғиз ўзидан кўрқинг, Оллоҳнинг шериги йўқдир. Ўлган амирингиз ўрнига янги амир келгунча, оғир, босиқ бўлинг. Марҳум амирингизнинг гуноҳини Оллоҳдан кечирмоғини сўранг, чунки амирингиз ҳам фуқароларининг хатосини кечирмоқни яхши кўрар эрди».

وعنه رضي الله عنه قال : إِنِّي أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قُلْتُ : أَبَايُكَ عَلَى الْإِسْلَامِ ، فَشَرَطَ عَلَيَّ : ( وَالنُّصْحَ لِكُلِّ مُسْلِمٍ ) فَبَايَعْتُهُ عَلَى هَذَا .

Кейин, Жарир сўзда давом этиб деди: «Мен Расулуллоҳ ҳузурларига кириб, сизга яхши мусулмон бўлишга байъат (қасам) қилмоқчиман», — дедим. Расулуллоҳ менга: «Ҳар бир мусулмоннинг фойдасига иш тутғайсен», — деб шарт қўйдилар, мен шунга байъат қилдим. Шу Хонаи Каъба эгасига қасамёд этиб айтурменким, мен барчангизнинг фойдангизга иш тутғаймен».

Жарир сўзининг охирида истиғфор айтиб, минбардан тушди. Оллоҳ таоло номи зикр қилинган ҳамма улуғ зотларни мағфират айласин!»

## ИЛМ КИТОБИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

### 1-боб. Илм фазилати тўғрисида

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Оллоҳ таоло сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва илмни юксалтирганларни бу дунёда ярлақаб, мартабасини улў қилғайдир, охиратда жаннатга кирмоқликни насиб этгусидир, Оллоҳ таоло қилаётган ишларингиздан хабардордир»,— дейилган. Яна бошқа ояти каримада эса: «Ё раббий, илмимни зиёда қилғайсен, деб айт!» — дейилган.

### 2-боб. Сўзга машғул бўлиб турган одамдан илм (билим) сўралганда, унинг сўзни тамомлаб, кейин жавоб бериши тўғрисида

50 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : : بَيْنَمَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَجْلِسٍ يُحَدِّثُ الْقَوْمَ ، حَاءَهُ أَعْرَابِيٌّ فَقَالَ : مَتَى السَّاعَةُ ؟ فَمَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحَدِّثُ ، فَقَالَ بَعْضُ الْقَوْمِ : سَمِعَ مَا قَالَ فَكَّرَهُ مَا قَالَ . وَقَالَ بَعْضُهُمْ : بَلْ لَمْ يَسْمَعْ . حَتَّى إِذَا قَضَى حَدِيثَهُ قَالَ : (أَيْنَ - أَرَاهُ - السَّائِلُ عَنِ السَّاعَةِ ) . قَالَ : هَا أَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ ، قَالَ : (فَإِذَا ضَبَعَتِ الْإِمَانَةَ فَانْتَظِرِ السَّاعَةَ ) . قَالَ : كَيْفَ إِضَاعَتُهَا ؟ قَالَ : ( إِذَا وَسَدَّ الْأَمْرَ إِلَى غَيْرِ أَهْلِهِ فَانْتَظِرِ السَّاعَةَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мажлисида ўз қавмларига сўз сўзлаб турган эдилар. Бир аъробий (бадавий) келиб: «Қиёмат қачон?» — деб сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларида давом этавердилар. Баъзи саҳобалар: «Расулulloҳ унинг сўзини эшитдиларку, лекин ёқтирмадилар шекилли»,— деб ўйладилар. Айримлари эса: «Сўзини эшитмадилар»,— деб ўйладилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларини тугатгач; «Қиёмат тўғрисида сўраган одам қани?»—дедилар. Аъробий: «Мана мен, ё Расулulloҳ!» — деди. «Омонат (ҳалоллик) ўртадан кўтарилганда қиёматни кутаверғил!»—дедилар. «Буни қандай билса бўлур?»—деди аъробий. «Ишинг (қунинг) нопок одамларга қолганда қиёматни кутавер ғил!» — дедилар».

### 3-боб. Бирор илмни (билимни) баланд овоз билан айтмоқнинг мумкинлиги ҳақида

51 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : تَخَلَّفَ عَنَّا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرَةٍ سَافَرْنَاهَا ، فَأَدْرَكَنَا - وَقَدْ أَرْهَقْنَا الصَّلَاةَ - وَنَحْنُ تَتَوَضَّأُ ، فَجَعَلْنَا نَمْسُحُ عَلَى أَرْجُلِنَا ، فَنَادَى بِأَعْلَى صَوْتِهِ : ( وَبِئْسَ لِلْإِنْسَانِ نَارٌ ) . مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا .

*Саҳоба Абдуллоҳ ибн Амр айтадилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир сафар вақтида биздан орқада қолдилар. Аср намози ўқийдиган вақтда бизга етиб олдилар. Биз таҳорат олаётган эдик. Оёқларимизни сув билан артаётганимизда (сувни кам ишлатиш мақсадида) Расулulloҳ баланд овоз билан: «Ўт азобидан оёқ кафтларининг ҳолига вой!» — деб уч марта нидо қилдилар».

### 4-боб. Ҳадис айтган одамни (муҳаддисни) «бизга ҳадис айтди, хабар берди, хабар қилди»,— деган сўзлар билан ифодалаш тўғрисида

Саҳобалар ва тобеунлар (саҳобаларнинг замондошлари) ҳадисларни ривоят қилишда «бизга хабар қилди, айтди, фалончидан эшитиб гапириб берди, эшитдимки», деган сўзлар билан ифодалаганлар. Масалан: Саҳоба Ибн Масъуд ҳадис айтмоқчи бўлсалар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга сўзлаб бердилар» ёки «Расулulloҳдан эшитганман»,— деб гап бошлаганлар ва ҳоказо.



## 5-боб. Имомнинг кишилар илмини синаш учун бирор масалани ўртага ташлаши

52. عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنْ مِنْ الشَّجَرِ شَجْرَةٌ لَا يَسْقُطُ وَرَقُهَا ، وَإِنَّهَا مِثْلُ الْمُسْلِمِ ، فَحَدَّثُونِي مَا هِيَ ) . فَوَقَعَ النَّاسُ فِي شَجَرِ الْبُؤَادِي قَالَ عَبْدُ اللَّهِ : وَوَقَعَ فِي نَفْسِي أَنَّهَا النَّخْلَةُ ، فَاسْتَحْيَيْتُ ، ثُمَّ قَالُوا : حَدِّثْنَا مَا هِيَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ؟ قَالَ : ( هِيَ النَّخْلَةُ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:* «Дарахтлар орасинда бир дарахт бордир, баргини, ташламайдир, у мусулмонга ўхшайдир (яъни, мусулмонлик дарахтининг барги — иймондур). Айтингизчи, бу қайси дарахтдир?» Одамлар ўз қишлоқларидаги барча дарахтларнинг номларини айта кетдилар. Абдуллоҳ ибн Умар айтадилар: «Кўнглимга, бў хурмо дарахти бўлса керак, деган фикр келди (уялиб айтмадим, айтишга уялдим)». Одамлар: «Ўзингиз айтиб беринг, ё Расулulloҳ»,— дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У хурмо дарахтидир»,— дедилар.

## 6-боб. Оллоҳнинг илм тўғрисида нозил қилган каломи

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Ё раббий, илмимни зиёда қилгайсен, деб сўра!»,— дейди.

## 7-боб. Қуръон кироатини муҳаддис кўригидан ўтказиб олиш лозимлиги тўғрисида

Ҳасан Басрий, Суфён ас-Саврий ва Имом Молик: «Бу жоиздир»,— деганлар.

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига Зимом ибн Саълаба деган саҳоба келиб айтди:* «Оллоҳ сизга беш вақт намоз ўқимоқни буюрдими?» «Ҳа»,— дедилар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам. Ушбу сўзни Зимом ўз қавмига бориб, Расулulloҳдан деб ривоят қилди. Одамлар уни Расулulloҳдан деб қабул қилдилар. Баъзи кишилар Қуръон муаллимига ўзлари билган оятларни ўқиб бериб, тасдиқдан ўтгач, фалончидан Қуръон ўргандим, деб унга нисбат берадир (қуйидаги ҳадис бунинг далилидир).

53. عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : بَيْنَمَا نَحْنُ جُلُوسٌ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْمَسْجِدِ ، دَخَلَ رَجُلٌ عَلَى جَمَلٍ ، فَأَنَاحَهُ فِي الْمَسْجِدِ ثُمَّ عَقَلَهُ ، ثُمَّ قَالَ لَهُمْ : أَيُّكُمْ مُحَمَّدٌ ؟ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُتَّكِيٌّ بَيْنَ ظَهْرَانَيْهِمْ ، فَقُلْنَا : هَذَا الرَّجُلُ الْإِيضُ الْمُتَّكِيُّ ، فَقَالَ لَهُ الرَّجُلُ : ابْنَ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ ؟ فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( قَدْ أَجَبْتِكَ ) فَقَالَ الرَّجُلُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : إِنِّي سَأَلْتُكَ فَمَسَدَدٌ عَلَيْكَ فِي الْمَسْأَلَةِ ، فَلَا تَجِدْ عَلَيَّ فِي نَفْسِكَ . فَقَالَ : ( سَلْ عَمَّا بَدَا لَكَ ) . فَقَالَ : أَسَأَلُكَ بِرَبِّكَ وَرَبِّ مَنْ قَبْلَكَ ، أَللَّهُ أَرْسَلَكَ إِلَى النَّاسِ كُلِّهِمْ ؟ فَقَالَ : ( اللَّهُمَّ نَعَمْ ) . قَالَ : أَتَشُدُّكَ بِاللَّهِ ، أَللَّهُ أَمَرَكَ أَنْ تُصَلِيَ الصَّلَوَاتِ الْخَمْسَ فِي الْيَوْمِ وَاللَّيْلَةِ ؟ قَالَ : ( اللَّهُمَّ نَعَمْ ) . قَالَ : أَتَشُدُّكَ بِاللَّهِ ، أَللَّهُ أَمَرَكَ أَنْ تُصُومَ هَذَا الشَّهْرَ مِنَ السَّنَةِ ؟ قَالَ : ( اللَّهُمَّ نَعَمْ ) . قَالَ : أَتَشُدُّكَ بِاللَّهِ ، أَللَّهُ أَمَرَكَ أَنْ تَأْخُذَ هَذِهِ الصَّدَقَةَ مِنْ أَعْيَانِنَا فَتَقْسِمَهَا عَلَيَّ فَقَرَأْنَا ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( اللَّهُمَّ نَعَمْ ) . فَقَالَ الرَّجُلُ : آمَنْتُ بِمَا جِئْتُ بِهِ ، وَأَنَا رَسُولٌ مِنْ وَرَائِي مِنْ قَوْمِي ، وَأَنَا ضِمَامٌ بِنُ ثَعْلَبَةَ ، أَخُو بَنِي سَعْدِ بْنِ بَكْرِ .

*Анас ибн Молик айтдилар:* «Мажлисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ўтирган эрдик. Бир киши туя миниб келди-да, туясини масжидга чўктириб, тушовлади. Кейин деди: «Қайси бирингиз Муҳаммад алайҳиссаломсиз?» Расулulloҳ саҳобалар ўртасида суяниб ўтирган эрдилар. «Мана бу суяниб ўтирган оқ

юзли киши»,— деб кўрсатдик. Расулulloҳга қараб: «Муталлибнинг ўғлимисиз?» — деб сўради. «Ҳа»,— дедилар. Шунда у Расулulloҳга қараб: «Мен сиздан баъзи бир масалаларни жиддий сўрайдирмен, мендан хафа бўлмангиз»,— деди. «Сўрайверинг»,— дедилар Расулulloҳ. «Сизнинг ва сиздан аввалгиларнинг раббини ўртага қўйиб сўрайдирмен, сизни Оллоҳ одамларнинг барчасига пайғамбар қилиб юбордими?» — деб сўради. «Ҳа»,— дедилар Расулulloҳ. «Оллоҳга қасамд этиб сиздан сўрайдирмен, 5 вақт намоз ўқимоғимизни Оллоҳ буюрдими?» — деди. «Ҳа»,— дедилар пайғамбаримиз, «Оллоҳни ўртага қўйиб сўрайдирмен, бойлардан закот олиб, фақирларга бўлиб бермоқни сизга Оллоҳ буюрдими?» — деди, «Ҳа», — дедилар. «Оллоҳни ўртага қўйиб сўрайдирмен, йилда бир ой рўза тутмоқни Оллоҳ буюрдими?» — деб сўради. «Ҳа»,— дедилар. Шундан сўнг у киши деди: «Мен сиз олиб келган нарсаларга иймон келтирдим. Мен ўз қавмим юборган вакилдирмен, исмим Зимом ибн Саълаба, Саъд ибн Бакр қабиласиданмен».

### 8-боб. Қуръон ва ҳадисларни бошқа мамлакатларга тарқатиш жоиблиги тўғрисида

54 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَخْبَرَهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ بَكْتَابَهُ رَجُلًا ، وَأَمَرَهُ أَنْ يَدْفَعَهُ إِلَى عَظِيمِ الْبَحْرَيْنِ ، فَدَفَعَهُ عَظِيمُ الْبَحْرَيْنِ إِلَى كِسْرَى ، فَلَمَّا قَرَأَهُ مَرَّفَهُ ، قَالَ : فَدَعَا عَلَيْهِمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُمَزَّقُوا كُلُّ مُمَزَّقٍ .

55 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَتَبَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - كِتَابًا - أَوْ أَرَادَ أَنْ يَكْتُبَ - فَقِيلَ لَهُ : إِنَّهُمْ لَا يَقْرَءُونَ كِتَابًا إِلَّا مَخْتُمًا ، فَاتَّخَذَ خَاتَمًا مِنْ فِضَّةٍ ، نَفَسَهُ : مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ ، كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى بَيَاضِهِ فِي يَدِهِ .

*Саҳоба Анас айтдилар:* «Усмон разияллоҳу анҳу Мусҳаф (Қуръон)ни кўпайтириб, атрофдаги мамлакатларга юбордилар». Абдуллоҳ ибн Умар, Яҳё ибн Саъид ва Имом Молик: «Шундай қилмоқ жоиз»,— дедилар. Бир неча Ҳижоз уламолари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини мактубга қўшиб, махфий ишлар бошлиғига бердилар ва «Фалон жойга етиб борганиндан кейин ўқирсен»,— дедилар. Тайинланган жойга боргач, у мактубни одамларга ўқиб берди ва уларни пайғамбаримизнинг амрларидан бохабар қилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир хат ёзиб, уни Баҳрайн бошлиғи орқали форс бошлиғига етказмоқни буюрдилар. Форс бошлиғи хатни ўқиб, йиртиб ташлади.

### 9-боб. Даврага келган одамнинг бўш жойга ёки давранинг бир чеккасига бориб ўтирмоғи зарурлиги тўғрисида

56 . عَنْ أَبِي وَاقِدٍ اللَّيْثِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَمَا هُوَ جَالِسٌ فِي الْمَسْجِدِ وَالنَّاسُ مَعَهُ ، إِذْ أَقْبَلَ ثَلَاثَةٌ نَفَرٌ ، فَأَقْبَلَ اثْنَانِ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَذَهَبَ وَاحِدٌ ، قَالَ : فَوَقَفَا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَأَمَّا أَحَدُهُمَا : فَرَأَى فُرْجَةَ فِي الْحَلْقَةِ فَجَلَسَ فِيهَا ، وَأَمَّا الْآخَرُ : فَجَلَسَ خَلْفَهُمْ ، وَأَمَّا الثَّلَاثُ : فَأَذْبَرَ ذَاهِبًا ، فَلَمَّا فَرَغَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( أَلَا أُخْبِرُكُمْ عَنْ الثَّلَاثَةِ ؟ أَمَّا أَحَدُهُمْ فَأَوَى إِلَى اللَّهِ فَأَوَاهُ اللَّهُ ، وَأَمَّا الْآخَرُ فَاسْتَحْيَا فَاسْتَحْيَا اللَّهُ مِنْهُ ، وَأَمَّا الْآخَرُ فَأَعْرَضَ فَأَعْرَضَ اللَّهُ عَنْهُ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мажлисда ўтирган эрдилар. Уч киши кириб келди. Улардан иккитаси Расулulloҳга юзланиб, тўхтаб қолди, биттаси эса, қайтиб кетди. Қолган икки кишидан бири даврадаги бўш ўринни кўриб, ўша ерга бориб ўтирди. Иккинчиси эса, давранинг чеккасига аста келиб ўтирди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзлаб бўлгач, дедилар: «Уч киши тўғрисида сизларга*

хабар айтайми? Биринчиси Оллоҳ Расулининг мажлисидан жой олди. Оллоҳ таоло унга охиратда (Арш соясидан) ўрин бергайдир, иккинчиси эса (қайтиб кетишдан) уялди, Оллоҳ таоло ҳам (уни азоблашдан) уялгайдир. Аммо учинчиси мажлисдан юз ўгирди. Оллоҳ таоло ҳам ундан юз ўгирди».

**10-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Шояд, мендан эшитган одамдан кўра, кейин эшитган одам ёдида тутгувчи роқ бўлса»,— деган сўзлари тўғрисида**

57. عَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : ذَكَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَعَدَ عَلَى بَعِيرِهِ ، وَأَمْسَكَ إِنْسَانٌ بِخَطَامِهِ - أَوْ بِرِمَامِهِ - قَالَ : ( أَيُّ يَوْمٍ هَذَا ) . فَسَكَّنَّا حَتَّى ظَنَّنَّا أَنَّهُ سَيَسْمِيهِ سِوَى اسْمِهِ ، قَالَ : ( أَلَيْسَ يَوْمَ النَّحْرِ ) . قُلْنَا : بَلَى ، قَالَ : ( فَأَيُّ شَهْرٍ هَذَا ) . فَسَكَّنَّا حَتَّى ظَنَّنَّا أَنَّهُ سَيَسْمِيهِ بَعِيرِ اسْمِهِ ، فَقَالَ : ( أَلَيْسَ بِذِي الْحِجَّةِ ) . قُلْنَا : بَلَى ، قَالَ : فَإِنَّ دِمَاءَكُمْ ، وَأَمْوَالَكُمْ ، وَأَعْرَاضَكُمْ ، وَبَيْنَكُمْ حَرَامٌ ، كَحُرْمَةِ يَوْمِكُمْ ، هَذَا فِي شَهْرِكُمْ هَذَا ، فِي بَلَدِكُمْ هَذَا ، لِيُبْلَغَ الشَّاهِدُ الْغَائِبَ ، فَإِنَّ الشَّاهِدَ عَسَى أَنْ يُبْلَغَ مَنْ هُوَ أَوْعَى لَهُ مِنْهُ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам* жиловини бир киши ушлаб турган туя устида ўтирган ҳолда ваъз айтдилар: «Бугун қайси кундир?»—дедилар. Ҳаммамиз жим қолдик ва бугуннинг бошқа номини айтсалар керак, деб ўйладик. «Қурбон ҳайити куни эмасмидир?» — дедилар. «Ҳа, шундай»,— дедик. «Бу ой қайси ойдир?» — деб сўрадилар. Ҳаммамиз жим қолдик. Биз бу ойнинг бошқа исмини айтсалар керак, деб ўйладик. «Зулҳижжа ойи эмасмидир?» — дедилар. «Ҳа, шундай»,— дедик. Расулulloҳ дедилар: «Ўзаро қон тўкишингиз, талон-тарож қилишингиз, обрўйингизни тўкишингиз, худди шу кун ва шу ойда ва шу жойда ёмонлик қилиш қандай ҳаром бўлса, шундай ҳаромдир. Эшитганлар, эшитмаганларга шу хусусда етказсинлар! Чунки шу ерда бор киши ўзидан кўра ҳадисни ёдда сақловчи роқ кишига етказса, ажаб эрмас».

**11-боб. Бир ишни қилишдан ҳам, сўзлашдан ҳам аввал илм даркорлиги тўғрисида**

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Билгил, Оллоҳ яккаю ягонадир»,— деган сўзини ҳам «бил» деган сўз билан бошлаган. Олимлар — пайғамбарларнинг меросхўрлари илмни пайғамбарлардан ўрганишади. «Кимки илм олган бўлса, пайғамбар алайҳиссаломдан тўлиқ мерос олибдир»,— деган ҳадисда ҳам илм олиш кераклиги уқтирилгандир. «Кимки илм истаб қадам қўйса, Оллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилгайдир»,— дейилади бошқа ҳадисда. Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Оллоҳдан унинг олим бандалари ҳақиқатан ҳам кўрққайдирлар»,— дейилган. Иккинчи бир оятда: «Бу сўзларни фақат олимлар тушунгайдир»,— дейилган бўлса, бошқаларида: «Дўзахийлар: «Агар тинглаб, фикр юритганимизда эрди, дўзах аҳлидан бўлмаган бўлур эрдик»,— дейишади», «Билганлар бирлан билмаганлар тенгми?» — дейилган.

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам*: «Кимгаки Оллоҳ таоло яхшилиқни раво кўргайдир, уни дин илмидан баҳраманд қилгайдир, илмга илм олмоқ йўли бирлан эришилгайдир»,— деганлар.

Саҳоба *Абу Зарр*: «Агар қилишни мана бунга (бўйинга) қўйсангизу бўйинимни узиб юбормасингиздан аввал мен Расулulloҳдан эшитган сўзларимдан бирортасини айтиб улгурмоғим мумкинлигини билсам, айтиб олар эрдим»,— деган эканлар.

Ибн Аббос «Куну раббонийна!», яъни «Раббоний бўлингиз!» деган Оллоҳ буйруғини «Ҳалим ва фақиҳ бўлингиз!» деб таржима қилдилар. Имом Бухорий:

«Раббоний дегани одамларни катта илмлардан аввал кичик илмлар билан тарбиялаган кишидир»,— деганлар.

### **12-боб. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг одамларга малол келмасин деб, муайян кунларни илм ва ваъз айтиш учун белгилаб қўйганлари**

58 . عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَخَوَّنَا بِالْمَوْعِظَةِ فِي الْأَيَّامِ ، كَرَاهَةَ السَّامَةِ عَلَيْنَا .

*Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтганлар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бизга малол келмасин деб, ваъз айтмоқ учун маълум кунларни белгилаб қўйган эрдилар.

59 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( يَسِّرُوا وَلَا تُعَسِّرُوا وَبَشِّرُوا وَلَا تُنْفِرُوا ) .

Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Осонлаштирингиз, қийинлаштирмангиз! Хушхабар айтингиз, қизиқтирингиз, нафратлантирмангиз (ўзингиздан бездирмангиз)!» — деганлар».

### **13-боб. Илм ўрганувчилар учун маълум кунларни белгилаган киши тўғрисида**

*Абдуллоҳ ибн Масъуд* одамларга пайшанба куни ваъз айтар эдилар. Бир киши уларга деди: «Эй Абдуллоҳ, ҳар куни ваъз айтишингизни жуда ҳам истардим». Абдуллоҳ дедилар: «Сизларга малол келиб қолишини истамаслигим кунда ваъз айтишдан мени қайтарадир. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бизларга вақти-вақти билан ваъз айтганларидек, мен ҳам сизларга вақти-вақти билан ваъз айтурмен».

### **14-боб. Оллоҳ таоло кимга яхшиликни раво кўргайдир, уни фақиҳ қилғайдир**

60 . عَنْ مُعَاوِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( مَنْ يُرِدْ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ ، وَإِنَّمَا أَنَا قَاسِمٌ وَاللَّهُ يُعْطِي ، وَلَنْ تَزَالَ هَذِهِ الْأُمَّةُ قَائِمَةً عَلَى أَمْرِ اللَّهِ ، لَا يَضُرُّهُمْ مَنْ خَالَفَهُمْ ، حَتَّى يَأْتِيَ أَمْرُ اللَّهِ ) .

*Муовия разияллоҳу анҳу* хутбада туриб ушбу сўзни Расулulloҳдан эшитганман, деб айтдилар: «Оллоҳ таоло кимга яхшиликни раво кўргайдир, уни фақиҳ (дин олими) қилғайдир, қасамёд қилиб айтурменким, Оллоҳ буни менга насиб айлайди. Ислом уммати Ҳақ дини йўлида собит, бўлса, токи Оллоҳ таолонинг ўзи истамас эркан, уларга душманлик қилаётганларнинг зарари тегмағайдир».

### **15-боб. Илмни фаҳмлаш (теран тушуниш)**

61 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كُنَّا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَتَانِي بِجُمَارٍ ، فَقَالَ : ( إِنَّ مِنَ الشَّجَرِ شَجَرَةً مَثَلُهَا كَمَثَلِ الْمُسْلِمِ ) فَأَرَدْتُ أَنْ أَقُولَ : هِيَ النَّخْلَةُ ، فَإِذَا أَنَا أَصْعَرُ الْقَوْمِ ، فَسَكَتُ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( هِيَ النَّخْلَةُ ) .

*Мужоҳид бундай деганлар:* «Ибн Умар билан Мадинага бирга кетдим. Йўлда у Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларидан биттасини айтиб берди. У бундай деди: «Расулulloҳ ёнларида эрдик, хурмо ёғи келтириб қолдилар. Шунда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Дарахтлар орасинда бир дарахт бордир, у мусулмонга ўхшайдир»,— дедилар. Мен: «Хурмо»,— деб айтмоқчи бўлдим, лекин ҳаммадан ёш бўлганим учун индамадим. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва

салламнинг ўзлари: «Бу хурмо дарахтидир»,— деб айтдилар».

### 16-боб. Илму ҳикматни орзу қилмоқ

*Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу бундай деганлар:* «Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг! Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ёшлари улгайганда ҳам илм ўрганганлар.

62 . عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( لَا حَسَدَ إِلَّا فِي اثْنَتَيْنِ : رَجُلٍ آتَاهُ اللَّهُ مَالًا فَسُلِّطَ عَلَىٰ هَلْكَتِهِ فِي الْحَقِّ ، وَرَجُلٍ آتَاهُ اللَّهُ حِكْمَةً فَهُوَ يَقْضِي بِهَا وَيُعَلِّمُهَا ) .

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилмоқ жоиз эрмас, бири — кишига Оллоҳ таоло ҳалол мол-дунё берсаю, уни Ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси — кишига Оллоҳ таоло илму ҳикмат ато этсаю, у шу тўфайли олий мақомга эришиб, ҳукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса»,— деганлар».

### 17-боб. Мусо алайҳиссаломнинг денгиз бўйлаб Хизр алайҳиссалом ҳузурларига борганлари

Мусо алайҳиссаломнинг Хизр алайҳиссалом билан учрашганлари хусусида Оллоҳ таолонинг ояти каримасида бундай дейилган: «Оллоҳ берган илмингиздан менга ўргатмоғингиз учун сизга эргашсам майлими?»

*Ибн Аббос билан ал-Ҳарр ибн Қайс* Мусо алайҳиссалом билан учрашган кишига (яъни, Хизр алайҳиссаломга) қизиқиб қолдилар. Ибн Аббос: «Хизр билан учрашганлар»,— деди. Шу пайт уларнинг ёнидан Убай Ибн Каъб ўтиб қолди. Ибн Аббос уни чақириб: «Биз Ҳарр билан иккимиз Мусо алайҳиссаломга йўлиққан киши тўғрисида тортишиб қолдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу тўғрида эшитганмисиз?»—деди. «Ҳа, эшитганман,— деди Убай,— Мусо алайҳиссалом Баний Исроил қавмларидан бир тўдасининг ичида турган эканлар, бир киши келиб: «Ўзингиздан олимроқ бирор киши борлигини билурмисиз?»»,— деб сўрабди. Мусо алайҳиссалом: «Йўқ»,— деб жавоб берибдилар». Оллоҳ таоло Мусога: «Ҳа, Хизр деган бандам бордир»,— деб ваҳий қилди. Мусо алайҳиссалом Хизр билан учрашмоқ йўлини сўрадилар. Оллоҳ таоло ҳут учрашув аломати бўлажagini билдирди. «Ҳ,ут кўзингдан ғойиб бўлгач, орқанга қайт, Хизр билан учрашгайсен»,—дейилди. Мусо алайҳиссалом денгиз бўйлаб ҳут ортидан кета бошладилар. Бир вақт Мусо алайҳиссаломга ғулумлари: «Қоятош олдига бориб тўхтаганимизда, мени шайтон адаштириб, ҳутни йўқотдим»,— деди. Мусо алайҳиссалом: «Бизга худди шу керак эрди»,— дедилар. Хизрни излаб орқага, қоятош томонга қараб юрдилар. У ерда Хизр алайҳиссаломни топдилар ва Қуръони Каримда Оллоҳ айтиб берган Мусо ва Хизр воқеаси содир бўлди».

### 18-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Илоҳи, бу йигитга Қуръони Каримни ёд олмоқни ва уни (теран) тушунмоқни насиб айлагайсан!»— деб дуо қилганлари

63 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : ضَمَّنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَالَ : ( اللَّهُمَّ عَلِّمَهُ الْكِتَابَ ) .

*Абдуллоҳ ибн Аббос айтганлар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени қучоқлаб туриб: «Илоҳи, бунга Қуръони Каримни ёд олмоқни ва тушунмоқни муяссар айлагайсан!» — деб дуо қилдилар».

### 19-боб. Қай ҳолларда ёш болага танбеҳ бериш тўғри бўлади?

64 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : أُقْبِلْتُ رَاكِبًا عَلَى حِمَارٍ أَتَانِ ، وَأَنَا يَوْمَئِذٍ قَدْ نَاهَزْتُ الْإِحْتِلَامَ ، وَرَسُولُ

اللَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي بِيَمِينِي إِلَى غَيْرِ جِدَارٍ ، فَمَرَرْتُ بَيْنَ يَدَيْ بَعْضِ الصَّفِّ وَأُرْسَلْتُ الْإِثَانَ تَرْتَعُ ، فَدَخَلْتُ فِي الصَّفِّ ، فَلَمْ يُنْكَرْ ذَلِكَ عَلَيَّ .

*Абдуллоҳ ибн Аббос айтганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Минода (Маккада қурбонлик келтириладиган жойда) намоз ўқиб турган эдилар, қибла томон тўсиб қўйилмаган эди. Мен балоғатга етай деб қолган йигитча эдим. Бир урғочи эшак миниб, намоз ўқиётганлар олдидан ўтдим, кейин эшакни ўтлатгани қўйиб юбордимда, намоз ўқидим. Шу қилмишим учун ҳеч ким менга танбех бермади».

65 . عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الرَّبِيعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : عَقَلْتُ مِنَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَجَّةً مَجَّهَا فِي وَجْهِهِ وَأَنَا ابْنُ خَمْسِ سِنِينَ مِنْ دَلْوٍ .

*Саҳоба Маҳмуд ибн Рабиъ айтганлар:* «5 ёшимда Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пақирдан бир хўплам сув олиб, юзимга пуркаб юборганларини эслайман».

## 20-БОБ. Илм олмоқ ниятида сафар қилиш

Бу хусусда Мусо ва Хизр алайҳиссаломлар қиссаси Қуръони Каримда баён қилинган.

## 21-БОБ. Илм ўрганмоқ ва илм ўргатмоқнинг фазилати

66 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَثَلُ مَا بَعَثَنِي اللَّهُ بِهِ مِنَ الْهُدَى وَالْعِلْمِ ، كَمَثَلِ الْغَيْثِ الْكَثِيرِ أَصَابَ أَرْضًا ، فَكَانَ مِنْهَا نَقِيَّةٌ قَبِلَتْ الْمَاءَ فَأَنْبَتَتِ الْكَلَّا وَالْعُشْبَ الْكَثِيرَ ، وَكَانَتْ مِنْهَا أَجَادِبُ أَمْسَكَتِ الْمَاءَ ، فَفَنَعَ اللَّهُ بِهَا النَّاسَ ، فَشَرِبُوا وَسَقَوْا وَزَرَعُوا ، وَأَصَابَتْ مِنْهَا طَائِفَةٌ أُخْرَى ، إِنَّمَا هِيَ قِيعَانٌ لَا تُمْسِكُ مَاءً وَلَا تُنْبِتُ كَلًّا ، فَذَلِكَ مَثَلُ مَنْ فَقَهُ فِي دِينِ اللَّهِ ، وَنَفَعَهُ مَا بَعَثَنِي اللَّهُ بِهِ فَعَلِمَ وَعَلِمَ ، وَمَثَلُ مَنْ لَمْ يَرْفَعْ بِذَلِكَ رَأْسًا ، وَلَمْ يَقْبَلْ هُدَى اللَّهِ الَّذِي أُرْسِلْتُ بِهِ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Оллоҳ таоло менга юборган ҳидоят (Оллоҳ таоло бандаларига кўрсатган тўғри йўл, йўлланма) сингари илм ҳам кўп ёққан ёмғирга ўхшайди. Баъзи ер соф, унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдирадир-да, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстирадир ва баъзи ер қурғоқ, қаттиқ бўлиб, сувни эмасдан ўзида тўплайди, ундан Оллоҳ таоло бандаларини фойдалантирғайди. Одамлар сувдан ичғайдирадир, ҳайвонларини ва зкинларини суғорғайдирадир. Баъзи ер эса текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайди, кўкатни ҳам кўкартирмайди. Буларни қуйидагича муқояса қилиш мумкин: Бир киши Оллоҳ илмини (исломни) теран ўрганадир, теран тушунадир ва ундан манфаатланадир ва Оллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатадир. Аммо ўзи амал қилмайди. Учинчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайди, ўзгаларга ҳам ўргатмайди. Булардан биринчиси мўъмин, иккинчиси фосиқ, учинчиси кофирдир».

## 22-БОБ. Илмга эътиборсизлик ва нодонлик (жаҳолат)нинг авж олиши

67 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنَّ مِنْ أَشْرَاطِ السَّاعَةِ أَنْ يُرْفَعَ الْعِلْمُ وَيُنْبِتَ الْجَهْلُ ، وَيُشْرَبَ الْحَمْرُ ، وَيُظْهَرَ الزُّنَا ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:* «Илмга эътиборсизлик, нодонлик, арақхўрлик ва зинокорликнинг оммавий тус олмоғи қиёмат

аломатларидандир».

68 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : لَأَحَدْتَنكُمْ حَدِيثًا لَا يُحَدِّثُكُمْ أَحَدٌ بَعْدِي ، سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( مِنْ أَشْرَاطِ السَّاعَةِ : أَنْ يَقِلَّ الْعِلْمُ ، وَيَظْهَرَ الْجَهْلُ ، وَيَظْهَرَ الزُّنَا ، وَتَكْثُرَ النِّسَاءُ ، وَيَقِلَّ الرَّجَالُ ، حَتَّى يَكُونَ لِحَمْسِينَ امْرَأَةً الْقَيْمُ الْوَاحِدُ ) .

Ҳазрат Анас разияллоҳу анҳу (охирги саҳоба): «Мен сизларга бир ҳадис айтиб берай. Мендан кейин буни сизга ҳеч ким айтиб бермайдир. Расулulloҳ қуйидагилар қиёмат аломатларидир, деганлар», — дедилар:

- илмнинг сусаймоғи;
- жаҳолатнинг кучаймоғи;
- зинонинг авж олмоғи;
- хотинларнинг кўпаймоғи;
- эркакларнинг озаймоғи. Ҳатто 50 нафар хотинга 1 нафар эркакнинг бошчилик (эрлик) қилмоғи».

### 23-боб. Илм фазилатлари ҳақида

69 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( بَيْنَا أَنَا نَائِمٌ أُتِيتُ بِقَدَحِ لَبَنٍ ، فَشَرِبْتُ حَتَّى إِتَى الرَّيِّ يَخْرُجُ فِي أَظْفَارِي ، ثُمَّ أُعْطِيتُ فَضْلِي عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ ) . قَالُوا : فَمَا أَوْلَتْهُ يَا رَسُولَ اللَّهِ ؟ قَالَ : ( الْعِلْمُ ) .

Расулulloҳ айтганлар: «Тушимда менга бир идишда сут келтирилди, қонгунимча ичдим, ҳатто тирноқларимдан сут чиққанини кўрдим». Саҳобалар сўрадилар: «Ё Расулulloҳ, сутни нимага йўйдингиз?» «Илмга», — дедилар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам.

### 24-боб. Бирор улов миниб ёки бошқа нарса устида туриб фатво айтмоқ

70 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَفَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ بَيْنِي لِلنَّاسِ يَسْأَلُونَهُ ، فَجَاءَهُ رَجُلٌ فَقَالَ : لَمْ أَشْعُرْ فَحَلَقْتُ قَبْلَ أَنْ أُذْبِحَ ، فَقَالَ : ( اذْبَحْ وَلَا حَرَجَ ) ، فَجَاءَ آخَرُ فَقَالَ : لَمْ أَشْعُرْ فَنَحَرْتُ قَبْلَ أَنْ أُرْمِي ، قَالَ : ( ارْمِ وَلَا حَرَجَ ) ، فَمَا سُئِلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ شَيْءٍ قُدِّمَ وَلَا أُخِّرَ إِلَّا قَالَ : ( افْعَلْ وَلَا حَرَجَ ) .

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг саволларига жавоб бермоқ учун Минодаги (қурбонлик қилинадиган жойдаги) Ҳажжат ул-Видоъ олдида келиб тўхтадилар. Бир киши келиб деди: «Ё Расулulloҳ, қурбонлик қилмоқдан олдин билмай сочимни олдириб қўйибмен». Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Энди сўявер, зарари йўқ», — дедилар. Бошқа бир кяши келиб деди: «Шайтонга тош отмасдан аввал билмасдан қурбонлик қилиб қўйибмен». «Энди отавер, зарари йўқ», — дедилар саллаллоҳу алайҳи ва саллам. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг «бундай қилиб қўйибмен, ундай қилиб қўйибмен» деган саволларига жавоб бердилар.

### 25-боб. Фатво сўраган одамга бош ёки қўл билан ишора қилиб жавоб беришнинг мумкинлиги

Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан Ҳажжат ул-Видоъда турганларида сўрадилар: «Шайтонга тош отмасдан аввал қурбонликка аталган қўйимни сўйиб қўйибмен?» Расулulloҳ «зарари йўқ» маъносида қўллари билан ишора қилдилар. Биров сўради: «Қурбонлик қўйни сўймасдан аввал соч

олдирибмен?» Расулulloх «зарари йўқ» деб қўллари биян ишора қилдилар.

71 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( يُبْضُ الْعِلْمُ وَيُظْهَرُ الْجَهْلُ وَالْفَتْنُ وَيَكْثُرُ الْهَرْجُ ) . قِيلَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا الْهَرْجُ ؟ قَالَ : هَكَذَا بِيَدِهِ فَحَرَفَهَا كَأَنَّهُ يَرِيدُ الْقَتْلَ .

Расулulloх: «Илм йўқоладир, нодонлик кучаядир, фитналар содир бўладир, ҳараж кўпаядир»,— дедилар. «Ё Расулаллох, ҳараж надир?»—деб сўрадилар. Расулulloх «Қотиллик» деган маънода қўлларини бўғизлари устидан юргиздилар.

72 . عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَتْ : أَتَيْتُ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا وَهِيَ تُصَلِّي ، فَقُلْتُ : مَا شَأْنُ النَّاسِ ؟ فَأَشَارَتْ إِلَى السَّمَاءِ ، فَإِذَا النَّاسُ قِيَامٌ فَقَالَتْ : سُبْحَانَ اللَّهِ ، قُلْتُ : آيَةٌ ؟ فَأَشَارَتْ بِرَأْسِهَا ، أَي نَعَمْ ، فَقُمْتُ ، حَتَّى عَلَانِي الْعَشِيِّ ، فَجَعَلْتُ أَصْبُ عَلَى رَأْسِي الْمَاءَ ، فَحَمِدَ اللَّهُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنْتَى عَلَيْهِ ، ثُمَّ قَالَ : ( مَا مِنْ شَيْءٍ لَمْ أَكُنْ أَرِيئُهُ إِلَّا رَأَيْتُهُ فِي مَقَامِي هَذَا حَتَّى الْجَنَّةَ وَالنَّارَ فَأُوحِيَ إِلَيَّ أَنْكُمْ تُفْتَنُونَ فِي فُبُورِكُمْ مِثْلَ أَوْ قَرِيبَ - لَا أَدْرِي أَيِّ ذَلِكَ قَالَتْ أَسْمَاءُ - مِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ يُقَالُ : مَا عَلِمَكَ بِهَذَا الرَّجُلِ ؟ فَأَمَّا الْمُؤْمِنُ أَوْ الْمُؤَقِنُ - لَا أَدْرِي بِأَيِّهِمَا قَالَتْ أَسْمَاءُ - فَيَقُولُ : هُوَ مُحَمَّدٌ هُوَ رَسُولُ اللَّهِ جَاءَنَا بِالْبَيِّنَاتِ وَالْهُدَى ، فَأَجْبِنَاهُ وَاتَّبَعْنَاهُ هُوَ مُحَمَّدٌ ثَلَاثًا ، فَيَقَالُ : نَمْ صَالِحًا قَدْ عَلِمْنَا إِنَّ كُنْتَ لَمُوقِنًا بِهِ ، وَأَمَّا الْمُنَافِقُ أَوْ الْمُرْتَابُ - لَا أَدْرِي أَيِّ ذَلِكَ قَالَتْ أَسْمَاءُ - فَيَقُولُ : لَا أَدْرِي سَمِعْتُ النَّاسَ يَقُولُونَ شَيْئًا فَقُلْتُهُ ) .

*Асмо (Абу Бакр қизи) бундай деганлар:* «Оиша синглимни кига бордим. Намоз ўқиётган экан. Одамларга нима бўлди, десам, осмонга ишора қилди (одамлар «Кун тутилди» деб қўрқувдан намоз ўқишаётган экан). «Бу (қиёмат) белгисими?» — дедим. «Ҳа»,— деб бошини қимирлатиб қўйди. Мен ҳам кўзим тиниб кетгунча намоз ўқидим, сўнг (ўзимга келишим учун) бошимга сув қуя бошладим. Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамду сано айтиб дедилар: «Бирорта кўрмаган нарсам қолмади, илло мана шу тик турган жойимда ҳамма нарсани, ҳатто жаннат ва дўзахни ҳам кўрдим. Менга: «Сизлар қабрларингизда Дажжол фитнасидек ёки шунга ўхшаш бир синовдан ўтгайсизлар»,— деган ваҳий келди. Синов вақтида: «Бу кишини танийсанми?» — деб сўралади. Сўроқ қилинаётган одам чин иймонли бўлса, «Бу киши Муҳаммад алайҳиссалом саллаллоҳу алайҳи ва саллам, бизга Оллоҳнинг ҳидоятини олиб келгандир, мўъжизалар кўрсатгандир, биз қабул қилгандирмиз»,— дейди ва яна уч марта «Муҳаммад алайҳиссаломдир»,— деб қайтаради. «Қилган яхшиликларингнинг роҳатини кўриб ухлайверғил, биз чин иймонли эканингни билган эрдик»,— дейилади. Амр сўроқ бергувчи мунофиқ бўлса, «Билмайман, одамлардан нимадир эшитувдим, шуни айтдим-да (яъни, бу киши пайғамбар, деб аниқ айта олмайди)»,— дейди».

## **26-боб. Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Абд ул-Қайс қабиласидан келган меҳмонларга иймон ва илми эҳтиёт қилиш кераклигини айтганлари ва бу тўғрида «келгуси авлодни ҳам хабардор қилингиз!»—деганлари**

*Саҳоба Молик:* «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Борингиз энди, ўйингизга қайтиб, оила аъзоларингизни ҳам ўргатингиз!» —деб бизга айтдилар»,— деган.

Абд ул-Қайс қабиласидан келган меҳмонлар: «Биз ражаб ойидагина кела олурмиз, жаннатга киргизадиган бир амалга буюринг!» — деганларида, Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам 4 нарсага амал қилмоқни ва тўрт нарсани қилмасликни буюрганлари тўғрисидаги ҳадис шу ўринда такроран келтирилгандир.



### 27-боб. Вужудга келган масалани сўраб, билиб олиш учун сафар қилгил ва қайтгач, оила аъзоларига ҳам ўргатиш ҳақида

73 . عَنْ عُقْبَةَ بْنِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ تَزَوَّجَ ابْنَةَ لَأْبِي إِيَّابِ بْنِ عَزْرَبِ فَأَتَتْهُ امْرَأَةٌ فَقَالَتْ : إِنِّي قَدْ أَرْضَعْتُ عُقْبَةَ وَالنَّبِيَّ تَزَوَّجَ بِهَا . فَقَالَ لَهَا عُقْبَةُ : مَا أَعْلَمُ أَنَّكَ أَرْضَعْتَنِي وَلَا أَحْبَبْتَنِي . فَرَكِبَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْمَدِينَةِ فَسَأَلَهُ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( كَيْفَ وَقَدْ قِيلَ ) . فَفَارَقَهَا عُقْبَةُ وَنَكَحَتْ زَوْجًا غَيْرَهُ ) .

*Уқба ибн Ҳарс* разияллоҳу анҳу саҳоба Абу Иҳобнинг қизига уйланди. Шунда бир хотин келиб, Уқбага: «Мен сени ҳам, сен уйланаётган қизни ҳам эмизгандирмен»,— деди. «Мен сизнинг мени эмизганингизни билмасман, менга айтган ҳам эмассиз»,— деди Уқба. Шундан сўнг, Уқба Мадинага, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, бу тўғрида сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қандай хотин қилурсен, разои эмиқдош синглинг деб сенга айтибдирку ахир!?» — дебдилар. Ажратиб қўйдилар, қиз бошқа эрга тегиб кетди.

### 28-боб. Навбат билан илм олмоқ

74 . عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كُنْتُ أَنَا وَجَارٌ لِي مِنَ الْأَنْصَارِ فِي بَنِي أُمَيَّةَ بْنِ زَيْدٍ وَهِيَ مِنْ عَوَالِي الْمَدِينَةِ وَكُنَّا نَتَنَابَوُ التُّرُوقَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَنْزِلُ يَوْمًا وَأَنْزِلُ يَوْمًا ، فَإِذَا نَزَلْتُ جِئْتُهُ بِخَبَرِ ذَلِكَ الْيَوْمِ مِنَ الْوَحْيِ وَغَيْرِهِ ، وَإِذَا نَزَلَ فَعَلَّ مِثْلَ ذَلِكَ فَتَزَلَّ صَاحِبِي الْأَنْصَارِيُّ يَوْمَ تَوْبَتِهِ فَضْرَبَ بَابِي ضَرْبًا شَدِيدًا فَقَالَ : أَتَمَّ هُوَ فَفَزِعْتُ فَخَرَجْتُ إِلَيْهِ فَقَالَ : حَدَّثَ أَمْرٌ عَظِيمٌ ، فَدَخَلْتُ عَلَى حَفْصَةَ فَإِذَا هِيَ تَبْكِي ، فَقُلْتُ : أَطَلَقَنَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَتْ : لَا أَدْرِي ، ثُمَّ دَخَلْتُ عَلَى النَّبِيِّ فَقُلْتُ - وَأَنَا قَائِمٌ - : أَطَلَقْتَ نِسَاءَكَ؟ قَالَ : ( لَا ) . فَقُلْتُ : اللَّهُ أَكْبَرُ .

*Умар Одил айтадилар:* «Мен ва Баний Умаййа қабиласидан бир ансорий қўшним Расулulloҳ ҳузурларига галма-гал қатнар эдик. Бир кун мен борардим, бир кун у борарди. Мен борсам, қайтиб келгач, қўшнимга ўша куни пайғамбаримизга келган ваҳий ва бошқа хабарларни айтиб берар эдим. У борса, қайтиб келгач, менга айтиб берар эди. Бир куни (шу кун қўшнимнинг навбати эди) қўшним эшигимни қаттиқ тақиллатиб, «Умар борми?» — деди. Мен қўрқиб кетдим, шошиб олдига чиқдим. «Жуда қизиқ воқеа содир бўлди— деди у — Мадинага бориб, қизим Ҳафсани кўргани кирдим. Ҳафса йиғлаб ўтирган экан. «Расулulloҳ сизларни талоқ қилдиларми?» — дедим. «Билмайман»,— деди. Расулulloҳ ҳузурларига кирдим, тик туриб: «Хотинларингизни талоқ қилдингизми?» — дедим. Расулulloҳ: «Йўқ»,— дедилар. «Оллоҳу акбар»— дедим (ансорлар ҳақида билмай номақбул гап айтиб қўйгани учун Расулulloҳ хотинларига: «Бир ой алоқа қилмайман»,— деган эдилар).

### 29-боб. Ваъз айтаётган ва илм ўрганаётган кишининг ёқтирмаган нарсани пайқаганда ғазабланиши жоиз эканлиги ҳақида

75 . عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَجُلٌ : يَا رَسُولَ اللَّهِ لَا أَكَادُ أُدْرِكُ الصَّلَاةَ مِمَّا يَطُولُ بِنَا فُلَانٌ . فَمَا رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَوْعِظَةٍ أَشَدَّ غَضَبًا مِنْ يَوْمِنِذِ فَقَالَ : ( أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّكُمْ مُتَفَرِّغُونَ ، فَمَنْ صَلَّى بِالنَّاسِ فَلْيُخَفِّفْ فَإِنَّ فِيهِمُ الْمَرِيضَ وَالضَّعِيفَ وَذَا الْحَاجَةِ ) .

*Абу Масъуд (Ансорий) разияллоҳу анҳу айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир киши: «Ё Расулulloҳ, фалончи намозни чўзиб юборганидан намозимни бузиб қўйишимга оз қолади», — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ваъз айтаётганларидаги шу кунгидан кўра ғазаблироқ ҳолатларини кўрмаганман. Ўшанда дедилар: «Эй одамлар, баъзи бирингиз халқни

бездирмоқдасизлар (қочириб юбормоқдасизлар), энди кимки одамларга имом бўлиб (намоз) ўқийдирган бўлса, енгил қилиб ўқисин, чунки улар ичида касал, заиф ва ҳожатли кишилар бордир».

76 . عَنْ زَيْدِ بْنِ خَالِدِ الْجُهَنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَأَلَهُ رَجُلٌ عَنِ اللَّقْطَةِ ، فَقَالَ : ( اعْرِفْ وَكَأَمَّا ، أَوْ قَالَ : وَعِغَاءَهَا وَعِفَاصَهَا ، ثُمَّ عَرَّفَهَا سَنَةً ثُمَّ اسْتَمْتَعَ بِهَا ، فَإِنْ جَاءَ رَبُّهَا فَأَدَّهَا إِلَيْهِ ) . قَالَ : فَضَالَّةُ الْإِبِلِ ؟ فَعَضِبَ حَتَّى احْمَرَّتْ وَجَنَّتَاهُ ، أَوْ قَالَ : احْمَرَّ وَجْهُهُ ، فَقَالَ : ( مَالِكٌ وَلَهَا ، مَعَهَا سِقَاؤُهَا وَحِدَاؤُهَا تَرُدُّ الْمَاءَ وَتَرْعَى الشَّجَرَ فَذَرَهَا حَتَّى يَلْقَاهَا رَبُّهَا ) . قَالَ : فَضَالَّةُ الْعَنَمِ ؟ قَالَ : ( لَكَ أَوْ لِأَخِيكَ أَوْ لِلذَّنْبِ ) .

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир киши топиб олинган нарса ҳукми тўғрида сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Бир йилгача пул топиб олганингни эълон қилгайсен. Эгаси келса, бергайсен. Агар келмаса, ўзинг фойдаланғил». У киши айтди: «Йўқолган туяничи?» Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шунчалик ғазабландиларки, ҳатто юзлари қизариб кетди: «Туяга тегма, у сувсиз ҳам узоқ юра олур, оёғи бор, сувини топиб ичгайдир, ўтини топиб егайдир, эгаси уни топиб олгунча тегмағил!» Бояги киши деди: «Йўқолган қўйни-чи?» Расулulloҳ дедилар: «У сеники ёким биродарингники ва ёҳуд бўриникидир».

77 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ أَشْيَاءَ كَرِهَهَا فَلَمَّا أَكْثَرَ عَلَيْهِ غَضِبَ ثُمَّ قَالَ : ( سَلُونِي عَمَّا شِئْتُمْ ) . قَالَ رَجُلٌ : مَنْ أَبِي ؟ قَالَ : ( أَبُوكَ حُدَافَةُ ) . فَقَامَ آخِرُ فَقَالَ : مَنْ أَبِي يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ : ( أَبُوكَ سَأَلْتُ مَوْلَى شَيْبَةَ ) . فَلَمَّا رَأَى عُمَرُ مَا فِي وَجْهِهِ قَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا نَتُوبُ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ .

*Абу Мусо дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ёмон кўрган нарсалари тўғрисида эзмаланиб сўрадилар. Савол кўпайиб кетгач, ғазаблари келди ва дедилар: «Оғзингизга келган нарсани сўрайверинглар!» Бир киши деди: «Менинг отам кимдир, ё Расулulloҳ?» «Отанг — Ҳузофадир», — дедилар. Иккинчи бир киши туриб сўради: «Менинг отам-чи?» «Отанг — Салим, озод қул», — дедилар. Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу Расулulloҳнинг юзларидаги ғазабни кўргач: «Биз Оллоҳ аzza, ва жаллага тавба қиламиз (сизни хафа қилиб қўйганимиз учун)», — дедилар».

### 30-боб. Имом ёки муҳаддиснинг ҳузурда тиз чўкиб ўтиришнинг афзаллиги

*Анас ибн Моликдан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (жамоат) олдида чиқдилар (одамлар эзмаланиб савол беравердилар). Абдуллоҳ ибн Ҳузофа туриб: «Менинг отам кимдир?»—деди. «Отанг — Ҳузофадир»,— дедилар. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сўрайверинглар, сўрайверинглар!»—дедилар. Шунда Умар Одил разияллоҳу анҳу тиз чўкиб ўтирдиларда: «Оллоҳни раббимиз деб билдик, исломни динимиз деб тан олдик, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбаримиз деб танидик»,— дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазабларидан тушдилар»

Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Гуноҳи азимлардан биттаси — ёлғондан гувоҳлик бермоқдир»,— деб такрор-такрор айтаверардилар. Ибн Умар бундай деганлар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ топшириқларини сизга етказдимми?» — деб уч карра қайтариб айтдилар.

78 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنَّهُ كَانَ إِذَا تَكَلَّمَ بِكَلِمَةٍ أَعَادَهَا ثَلَاثًا حَتَّى تُفْهِمَ عَنْهُ وَإِذَا أَتَى عَلَى قَوْمٍ فَسَلَّمَ عَلَيْهِمْ سَلَّمَ عَلَيْهِمْ ثَلَاثًا .

*Анас ибн Молик айтадилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор

сўз айтсалар, тушунарли бўлсин учун уч бор қайтарардилар. Салом берсалар, уч марта салом берардилар».

*Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиққанимизда орқада қолдилар. Камози аср вақти эди, биз таҳорат олаётган эдик. Шу пайт етиб келдилар, оёқларимизни сув билан артаётганимизни кўриб, баланд овоз билан: «Ут азобидан оёқ кафтларининг ҳолига вой!» — деб уч бор нидо қилдилар».

79 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ( ثَلَاثَةٌ لَهُمْ أَجْرَانِ : رَجُلٌ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ آمَنَ بِنَبِيِّهِ وَآمَنَ بِمُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَالْعَبْدُ الْمَمْلُوكُ إِذَا أَدَّى حَقَّ اللَّهِ تَعَالَى وَحَقَّ مَوْلَاهُ ، وَرَجُلٌ كَانَتْ عِنْدَهُ أُمَّةٌ يَطُورُهَا فَادَّبَهَا فَأَحْسَنَ تَأْدِيبَهَا ، وَعَلَّمَهَا فَأَحْسَنَ تَعْلِيمَهَا ، ثُمَّ أَعْتَقَهَا فَتَزَوَّجَهَا فَلَهُ أَجْرَانِ ) .

*Абу Бурда отаси Абу Мусодан эшитиб, бундай деган:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Оллоҳ таоло уч кишига икки баробар кўп савоб бергайдир:

— кимки аҳли китоб (ўз муқаддас китобига эга бўлган динлардан бирига эътиқод қилувчилар) бўла туриб, ҳам ўз пайғамбарига, ҳам Расулulloҳга иймон келтирган бўлса;

— қул бўлсаю, Оллоҳ ва хўжайини олдидаги бурчини адо этган бўлса; .

— киши ўз чўрисига яхши одоб-ахлоқ ўргатиб, одобли ва илмли қилса, кейин озод қилиб, унга уйланса».

Омир аш-Шаъбий Солиҳ номли кишига айтди: «Биз сенга бу ҳадисни сендан ҳеч нарса талаб қилмай беряпмиз, арзимаган масалани ҳал қилиш учун ҳам Мадинага туя миниб борилар эди (яъни, азият чекиб)».

### **32-боб. Киши ўз оила аъзолари ва қўл остидагиларга (чўрисига) таълим бермоғининг афзаллига**

(Бу боб юқоридаги ҳадисга тегишли)

#### **33-боб. Имомнинг аёлларга ваъз айтмоғи ва уларга диндан таълим бермоғи (мустаҳаблиги)**

80 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ وَمَعَهُ بِلَالٌ ، فَظَنَّ أَنَّهُ لَمْ يَسْمَعْ النِّسَاءَ فَوَعظَهُنَّ وَأَمَرَهُنَّ بِالصَّدَقَةِ ، فَجَعَلَتِ الْمَرْأَةُ تُلقِي الْقُرْطَ وَالْحَاتِمَ وَبِلَالٌ يَأْخُذُ فِي طَرْفِ نَوْبِهِ .

*Ибн Аббосдан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Билол билан бирга аёллар қошига чиқдилар. Билол: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллар гапини эшитмай қолдилар»,—деб ўйловдилар. Лекин Расулulloҳ аёлларга ваъз айтдилар, сўнг уларни садақа беришга даъват қилдилар. Аёллар сирға ва узукларини ечиб, Билолнинг этагига ташлай бошлади».

#### **34-боб. Ҳадис илмини ўрганишга иштиёқманд бўлишнинг афзаллиги**

81 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَنْ أَسْعَدُ النَّاسَ بِشَفَاعَتِكَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَقَدْ ظَنَنْتُ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ أَنْ لَا يَسْأَلَنِي عَنْ هَذَا الْحَدِيثِ أَحَدٌ أَوْلَ مِنْكَ لِمَا رَأَيْتُ مِنْ حِرْصِكَ عَلَيَّ الْحَدِيثِ ، أَسْعَدُ النَّاسَ بِشَفَاعَتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ خَالِصًا مِنْ قَلْبِهِ أَوْ نَفْسِهِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулulloҳ, қиёмат кунда шафоатингизга лойиқроқ одам кимдир?» —

деб айтишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Абу Ҳурайра, ҳадисга иштиёқмандлигингни кўриб, сендан олдин ҳеч ким бу тўғрида сўрамаса керак, деб ўйловдим. Чин дилдан, ихлос билан «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулulloҳ» деган одам қиёмат кунида шафоатимга муяссар бўлғусидир»,— дедилар».

### 35-боб. Илм қандай йўқоладир? (кишилар дилидан илмнинг кўтарилиб кетиши тўғрисида)

*Умар ибн Абдулазиз Абу Бакр ибн Ҳазмга бундай деб ёзган эди:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган сўзлардан нимаки бўлса, ҳаммасини кўриб чиқиб, ёзиб юборғил, чунки мен уламоларнинг вафотидан сўнг илмнинг йўқ бўлиб кетишидан қўрқаётиман. Фақат Расулulloҳ ҳадислари қабул қилинсин! Уламолар илм ўргатишга, илм тарқатишга киришсинлар, билмаганларга ўргатсинлар, зеро илм сир тутилмас экан, ҳалокатга учрамайди!»

82 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: ( إِنَّ اللَّهَ لَا يَقْبِضُ الْعِلْمَ انْتِزَاعًا يَنْتَزِعُهُ مِنَ الْعِبَادِ ، وَلَكِنْ يَقْبِضُ الْعِلْمَ بِقَبْضِ الْعُلَمَاءِ ، حَتَّى إِذَا لَمْ يُبْقِ عَالِمًا اتَّخَذَ النَّاسُ رُؤْسَاءَ جُهَالًا فَسُئِلُوا فَأَفْتَوْا بِغَيْرِ عِلْمٍ فَضَلُّوا وَأَضَلُّوا ) .

*Абдуллоҳ ибн Амр:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳ таоло илмни бандалардан тортиб олмайди, уни уламоларни маҳв қилиш йўли бирлан тортиб олур. Одамлар бирорта ҳам уламо қолмаганидан динни тушунмайдиганларни ўзларига бошлиқ қилиб олғайлар. Сўнг, улардан сўрагайлар. Улар билмасдан фатво айтурлар. Ўзлари ҳам адашурлар, ўзгаларни ҳам адаштиргайлар» деганларини эшитганман»,—деб айтган.

### 36-боб. Аёлларга илм ўргатмоқ учун алоҳида кун тайинласа бўладими?

83 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَتِ النَّسَاءُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : غَلَبْنَا عَلَيْكَ الرَّجَالَ ، فَاجْعَلْ لَنَا يَوْمًا مِنْ نَفْسِكَ ، فَوَعَدَهُنَّ يَوْمًا لَقِيَهُنَّ فِيهِ فَوَعظَهُنَّ وَأَمَرَهُنَّ فَكَانَ فِيهَا قَالَ لَهُنَّ : ( مَا مِنْكُمْ امْرَأَةٌ تُقَدِّمُ ثَلَاثَةَ مِنْ وَلَدِهَا إِلَّا كَانَ لَهَا حِجَابًا مِنَ النَّارِ ) . فَقَالَتِ امْرَأَةٌ مِنْهُنَّ : وَائْتِنِ ، قَالَ : ( وَائْتِنِ ) . وَفِي رِوَايَةٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : ( لَمْ يُبَلِّغُوا الْحِثَّ ) .

*Абу Саид Худрийдан:* «Аёллар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Эркаклар сиздан ҳар куни илм ўрганишур, бизга ҳам бир кун ажратинг»,— дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кунни тайинлаб, ўша кун келгач, уларга ваъз-насихат айтдилар, баъзи диний ишларни буюрдилар: «Эй хотинлар, орангизда 3 та боласи ўлган бирорта ҳам хотин бўлмаса керак, мободро бўлса, уни ўша болалари парда бўлиб дўзах ўтидан асрағайдир»,— дедилар. Шунда бир хотин: «2 та бўлса-чи?» — деди. Расулulloҳ: «2 та бўлса ҳам (парда бўлғайдир)»,—дедилар (бу гап отага ҳам тааллуқлидир)».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Балоғатга етмаган 3 та фарзандни назарда тутгандирлар»,— деб ривоят қиладилар.

### 37-боб. Эшитганини яхшилаб билиб олмоқ учун қайтадан сўрашнинг жоизлиги

84 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَنْ حُوسِبَ عُذْبَ ) . قَالَتْ عَائِشَةُ : فَقُلْتُ : أَوْ لَيْسَ يَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ : ﴿ فَسَوْفَ يُحَاسِبُ حِسَابًا يَسِيرًا ﴾ . فَقَالَ : ( إِنَّمَا ذَلِكَ الْعَرْضُ وَلَكِنْ مَنْ نُوقِشَ الْحِسَابَ يَهْلِكُ ) .

*Ибн Абу Мулайка разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг жуфти ҳалоллари — Оиша онамиз Расулulloҳдан бир нарсани эшитсалар, яхши тушуниб олиш учун яна қайта сўрар эдилар. (Бир куни) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким охиратда ҳисоб-китоб қилинса, азоб тортғайдир»,— дедилар. Шунда Оиша онамиз: «Оллоҳ таоло ояти каримасида «Кейин ҳисоби ясир (енгил ҳисоб) қилғайдирмиз» деган эмасмиди?» — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу бандаларга бир эслатиб қўймоқдир. Аммо кимки ҳисоб-китобдан баҳс юритғайдир, ҳалокатга учрағайдир»,— дедилар».

### 38-боб. Ҳадис эшитганлар эшитмаганларга етказиши лозимлиги

85 . عَنْ أَبِي شُرَيْحٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعَدَّ مِنْ يَوْمِ الْفَتْحِ يَقُولُ قَوْلًا سَمِعْتُهُ أَذْنًا يَوْمَ وَعَاةٍ قَلْبِي وَأُبْصَرْتُهُ عَيْنَايَ حِينَ تَكَلَّمْتُ بِهِ : حَمِدَ اللَّهُ تَعَالَى وَأَنْتَى عَلَيْهِ ثُمَّ قَالَ : ( إِنَّ مَكَّةَ حَرَّمَهَا اللَّهُ وَلَمْ تُحَرِّمْهَا النَّاسُ ، فَلَا يَحِلُّ لِأَمْرِيءٍ يَوْمَ مِنْ بِلَهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ أَنْ يَسْفِكَ بِهَا دَمًا ، وَلَا يَعْضِدَ بِهَا شَجَرَةً ، فَإِنْ أَحَدٌ تَرَخَّصَ لِقِتَالِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيهَا فَقُولُوا : إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى قَدْ أَذِنَ لِرَسُولِهِ وَلَمْ يَأْذَنْ لَكُمْ ، وَإِنَّمَا أَذِنَ لِي فِيهَا سَاعَةً مِنْ نَهَارٍ ، ثُمَّ عَادَتْ حُرْمَتُهَا الْيَوْمَ كَحُرْمَتِهَا بِالْأَمْسِ ، وَلِيَبْلُغَ الشَّاهِدُ الْغَائِبَ ) .

*Саҳоба Абу Шурайҳдан:* «Абу Шурайҳ Амр ибн Саъидга, у Маккага вакиллар юбораётганда, бундай деди: «Гапиришга изн бер, эй Амр! Макка фатҳ (забт) қилинган куннинг эртасига Расулulloҳ айтган сўзларни сенга айтиб берай, бу сўзларни айтаётганларида икки кўзим кўриб, икки қулоғим эшитиб, қалбим ўз онгига жо қилган. Расулulloҳ Оллоҳга ҳамду сано айтганларидан сўнг, дедилар: «Маккаи Мукаррамани Оллоҳ таоло муқаддас қилгандир, бу ерда одамлар жиноят (гуноҳ) қилган эмаслар, шу боисдан Оллоҳга ва охиратга ишонган кишининг бу ерда қон тўкмоғи ва дарахтларини синдирмоғи гуноҳдир. Агар бирор киши: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга Оллоҳ уруш қилишга изн берганку?!» — деса, унга: «Оллоҳ таоло ўзининг Расулига изн берган, бизга рухсат бермаган»,— деб айтингиз! Оллоҳ менга ҳам бу ерда кундузи бир соатгина уруш қилмоққа изн берди, кейин Макканинг кечаги ҳурмати ўз ўрнига қайтди. Бунини эшитганлар эшитмаганларга етказингиз!» Абу Шурайҳдан «Ўшанда Амр сенга не деди?» — деб сўрашди. «Эй Абу Шурайҳ, мен сендан яхши билурмен. Макка гуноҳкорни қутқармағай, қасосдан қочгани қутултирмағай, ўғрини ҳам жазодан асрамағайдир, деб айтди»,— деди. Амр, Маккада Абдуллоҳ ибн Зубайднинг Язид халифалигини тан олмасдан бош кўтарганини осийлик деб ҳисоблаб, унга қарши қўшин юбормоқчи бўлди».

*Абу Бакр разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни эслаб, Расулulloҳ бундай деганлар деди:* «Ушбу кун ва ой ҳурмати, бир-бирингизнинг мол-мулкингизни таламангиз, қонингиз ва обрўйингизни тўкмангиз. Гапимни эшитганлар эшитмаганларга етказсинлар!»

### 39-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тўғриларида ёлғон гап тўқиган одамнинг гуноҳи тўғрисида

86 . عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( لَا تَكْذِبُوا عَلَيَّ فَإِنَّهُ مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ ) .

*Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг тўғримда ёлғон сўз айтмангиз, кимки айтса, дўзахга тушсин!» деганлар»,— деб айтганлар.

*Абдуллоҳ ибн Зубайр отасига:* «Сиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тўғриларида фалончи ва пистончи каби сўзламаётирсиз»,— дебди. Зубайр: «Аммо

мен ҳақиқатан Расулulloҳдан ажралмагандирман, бирга бўлгандирман, ўзларидан эшитгандирман»,— дебди. «Кимки менинг тўғримда ёлғон сўзласа, дўзах ўтидан ўзига жой тайёрлайверсин!» деганлар»,— дебди Абдуллоҳ.

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу:* «Мен сизларга кўл ҳадис айтиб берардимку, лекин Расулulloҳ айтган бир сўзлари мени шаштимдан қайтарадир, у киши: «Кимки менинг тўғримда ёлғон сўз тўқиса, дўзах ўтидан ўзига жой тайёрлайверсин!» деганлар»,— деб айтганлар.

87 . عَنْ سَلَمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: ( لَا تَكْذِبُوا عَلَيَّ فَإِنَّهُ مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ ) .

*Салама разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким менинг номимдан айтмаганимни айтса, дўзах ўтидан ўзига жой тайёрлайверсин!» деганлар»,— деб айтганлар.

88 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: ( تَسَمَّوْا بِاسْمِي وَلَا تَكْتَبُوا بِكُنْيَتِي، وَمَنْ رَأَى فِي الْمَنَامِ فَقَدْ رَأَى، فَإِنَّ الشَّيْطَانَ لَا يَتَمَثَّلُ فِي صُورَتِي، وَمَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фарзандларингизга исми мени қўйингизлар, Абулқосим деб кунямни қўймангизлар! Қимки мени тушида кўрса, ўзимни кўрибдир, чунки шайтон менинг суратимга кира олмайдир, кимки менинг номимдан ёлғон сўзласа, дўзах ўтидан ўзига жой тайёрлайверсин!» деганлар»,— дейдилар.

#### 40-БОБ. (ДИН) ИЛМИНИ (КИТОБ ҚИЛИБ) ЁЗМОҚ

*Абу Жухайфадан:* «Ҳазрат Али разияллоҳу анҳуга айтдилар: «Сизда Оллоҳнинг Китобидан бошқа китоб бормидур?» Али: «Йўқ, фақат Оллоҳнинг Китоби, мусулмон кишига бериладирган «Фаҳм рисоласи» ва мана бу саҳифадаги нарса бордир»,— дедилар. Абу Жухайфа деди: «Бу тарақдаги недир?» Али дедилар: «Хун ҳукми, асирни озод қилмоқ ва кофир учун мусулмондан қасос олмоқнинг ҳаромлиги (тўғрисида)».

89 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: ( إِنَّ اللَّهَ حَبَسَ عَنِ مَكَّةَ الْفِيلِ أَوْ الْقَتْلِ وَسَلَطَ عَلَيْهِمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالْمُؤْمِنِينَ، أَلَا وَإِنَّهَا لَا تَحِلُّ لِأَحَدٍ قَبْلِي، وَلَا تَحِلُّ لِأَحَدٍ بَعْدِي، أَلَا وَإِنَّهَا حَلَّتْ لِي سَاعَةً مِنْ نَهَارٍ، أَلَا وَإِنَّهَا سَاعَتِي هَذِهِ حَرَامٌ لَا يَخْتَلِي شَوْكُهَا، وَلَا يُعْضَدُ شَجَرُهَا وَلَا تُنْتَقَطُ سَاقَطَتِهَا إِلَّا لِمُنْشَدٍ، فَمَنْ قَتَلَ لَهُ قَتِيلًا فَهُوَ بِخَيْرِ النَّظَرَيْنِ إِمَّا أَنْ يُعَقَلَ وَإِمَّا أَنْ يَقَادَ أَهْلُ الْقَتِيلِ ) . فَجَاءَ رَجُلٌ مِنْ أَهْلِ الْيَمَنِ فَقَالَ: أَكْتُبُ لِي يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَقَالَ: ( اكْتُبُوا لِأَبِي فَلَانَ ) . فَقَالَ رَجُلٌ مِنْ قُرَيْشٍ: إِلَّا الْإِذْحَرَ يَارَسُولَ اللَّهِ فَإِنَّا نَجْعَلُهُ فِي بُيُوتِنَا وَبُورِنَا، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ( إِلَّا الْإِذْحَرَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан:* «Макка фатҳ қилинган йили Хузоа қабиласи Баний Лайс қабиласидай бир кишини ўлдирди (жоҳилия даврида қабиладошларидан бир кишини ўлдиришгани учун қасос олишди). Бу хабар Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга етказилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларига миниб ваъз айтдилар: «Оллоҳ таоло Маккаю Мукаррамадан ўлимни бартараф қилди (ёки фил аскарларини), Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳамда мўъминларнинг қўлини баланд айлаб, уларни мағлуб этди. Огоҳ бўлингиз! Маккада уруш қилмоқ ва ўлдирмоқ мендан аввал ҳам бирор кишига рухсат этилмагандир (ҳалол бўлмагандир) ва мендан кейин ҳам бирор кюлига рухсат қилинмайди (ҳалол бўлмайди). Кундузи бир соатгагина (ҳалол бўлди) изн берилди,

уруш қилмоқ ва ўлдирмоқ шу соатдан эътиборан ҳаромдир (манъ этиладир). Макканинг тикани ҳам юлинмағай, дарахти ҳам кесилмағай, тушиб қолган (йўқотилган) нарсаси ҳам олинмағай, фақат одамларга маълум қилмоқ учун олинғайдир. Ким ўлдирилган бўлса, унинг қариндоши икки йўлдан бирини танлағайдир, ё хунини олғайдир. ё қасосини олғайдир». Яманликлардан бири келиб: «Ё Расулulloҳ, менга ёзиб беринг!» — деди. Расулulloҳ: «Фалончига ёзиб берингиз!»—дедилар. Қурайш қабиласидан бир киши деди: «Ё Расулulloҳ, тиканлари юлинмағай, дарахтлари кесилмағай, дедингиз, бироқ изхир (хушбўй ўсимлик) ўрилса, майли денг! Ё Расулulloҳ, биз изхирни ўриб, ўларимизга олиб борғаймиз ва қабрларимизга қўйғаймиз». Расулulloҳ: «Изхир ўрилса, майли»,— дедилар».

*Абу Ҳурайра айтадилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари орасида ҳадисларни мендан кўра кўпроқ биладирган киши йўқдир. Ёлғиз Абдуллоҳ ибн Амрина кўпроқ билур эрди, чунки у ёзишни билур эрди, мен билмас эрдим».

90 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : لَمَّا اشْتَدَّ بِالنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَجَعُهُ قَالَ : ( ائْتُونِي بِكِتَابٍ أَكْتُبُ لَكُمْ كِتَابًا لَا تَضَلُّوا بَعْدَهُ ) ، فَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غَلَبَهُ الْوَجَعُ ، وَعِنْدَنَا كِتَابُ اللَّهِ حَسْبُنَا ، فَاحْتَلَفُوا وَكَثُرَ اللَّعْطُ ، فَقَالَ : ( قَوْمُوا عَنِّي ، وَلَا يَنْبَغِي عِنْدِي التَّنَازُعُ ) .

*Ибн Аббос бундай дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (оғриқ) касаллари зўрайгач: «Қоғоз келтирингиз (дафтар-қалам), сизларга бирор нарса ёзиб берурмен, кейин адашмағайсизлар»,— дедилар. Ҳазрат Умар (ёнидаги саҳобаларга): «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни (оғриқ) дард енгиб қўйди, бизда Оллоҳнинг Китоби борку, бизга шу кифоя қилур»,— дедилар. Шунда саҳобалар ўртасида ғовур-ғувур бошланиб, гап кўпайиб кетди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мени холи қўйингиз (олдимдан чиқингиз), менинг қошимда жанжал қилмангиз!» дедилар. Ибн Аббос ташқарига чиқиб: «Бу зўр бахтсизликдир, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёзиб берурмен, деган нарсаларига тўсқинлик қилмоқ — зўр бахтсизликдир!» — деб айтдилар.

#### 41-боб. Тунда илм (таълим) бериш ва ваъз айтиш хусусида

91 . عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : اسْتَيْقَظَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ لَيْلَةٍ ، فَقَالَ : ( سُبْحَانَ اللَّهِ ! مَاذَا أَنْزَلَ اللَّيْلَةَ مِنَ الْفَتَنِ ! وَمَاذَا فَتَحَ مِنَ الْخَزَائِنِ ! أَيْقِظُوا صَوَاحِبَ الْحُجْرِ ، فَرُبَّ كَاسِيَةٍ فِي الدُّنْيَا عَارِيَةٌ فِي الْآخِرَةِ ) .

*Умму Саламадан:* «Кунлардан бир куни кечаси Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйғониб дедилар: «Субҳоналлоҳ, бу кеча қанчадан-қанча фитналар нозил қилдийкин ва қанчадан-қанча раҳмат хазинаси эшикларини очдийкин. Хужраларда ухлаб ётганларни (ибодатга) уйғотингиз, бу дунёда кийимлик — охиратда яланғочдир!»— дедилар».

#### 42-боб. Тунда илмдан суҳбатлашиш

92 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : صَلَّى بِنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعِشَاءَ فِي آخِرِ حَيَاتِهِ ، فَلَمَّا سَلَّمَ قَامَ فَقَالَ : ( أَرَأَيْتُمْ لَيْلَتَكُمْ هَذِهِ ؟ فَإِنَّ عَلَى رَأْسِ مِائَةِ سَنَةٍ مِنْهَا لَا يَبْقَى مِمَّنْ هُوَ عَلَى ظَهْرِ الْأَرْضِ أَحَدٌ ) .

*Абдуллоҳ ибн Умардан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётларида сўнгги марта биз билан хуфтон намозини ўқидилар. Икки елкаларига салом берганларидан сўнг, ўринларидан туриб: «Билурмисиз, бу кечани? Шу кечадан бошлаб тўлиқ 100 йил ўтгач, ер юзида (ҳозир шу ерда ўтирган) кишилардан

биронтаси қолмағайдир»,— дедилар.»

93 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : بَتُّ فِي بَيْتِ خَالَتِي مَيْمُونَةَ بِنْتِ الْحَارِثِ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَهَا فِي لَيْلَتِهَا ، فَصَلَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعِشَاءَ ثُمَّ جَاءَ إِلَى مَنْزِلِهِ ، فَصَلَّى أَرْبَعَ رَكَعَاتٍ ثُمَّ نَامَ ، ثُمَّ قَامَ ثُمَّ قَالَ : ( نَامَ الْعُلَيْمُ ) . أَوْ كَلِمَةً تُشْبِهُهَا ، ثُمَّ قَامَ فَقُمْتُ عَنْ يَسَارِهِ فَجَعَلَنِي عَنْ يَمِينِهِ ، فَصَلَّى حَمْسَ رَكَعَاتٍ ، ثُمَّ صَلَّى رَكَعَتَيْنِ ، ثُمَّ نَامَ حَتَّى سَمِعْتُ غَطِيطَهُ أَوْ خَطِيطَهُ ، ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ .

*Ибн Аббосдан:* «Расулulloҳнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш холам Маймунанинг уйларида ётиб қолдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ю салламнинг ҳам холамникида бўладиган кечалари экан. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биз билан хуфтонни ўқиб бўлгач, уйларига кириб, тўрт ракъат намоз ўқидилар, кейин уйқута ётдилар, кейин туриб: «Бола ухлаб қолдимми?» — дедилар ёки шунга ўхшаш бир сўз айтдилар. Кейин намоз ўқишга турдилар, мен чап ёнларига келиб турдим. Мени ўнг томонларига ўтказиб қўйдилар. Аввал 5 ракъат, кейин 2 ракъат намоз ўқидилар, кейин мизғидилар, ҳатто мен пишиллаганларини эшитдим. Кейин туриб намозга чиқиб кетдилар».

#### 43-боб. Илми (ҳадисни) ёд олиш

94 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : إِنَّ النَّاسَ يَقُولُونَ أَكْثَرَ أَبُو هُرَيْرَةَ ، وَلَوْلَا آيَاتَانِ فِي كِتَابِ اللَّهِ مَا حَدَّثْتُ حَدِيثًا ، ثُمَّ يَتْلُو : ﴿ إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالْهُدَىٰ ﴾ إِلَى قَوْلِهِ ﴿ الرَّحِيمِ ﴾ . إِنَّ إِخْوَانَنَا مِنَ الْمُهَاجِرِينَ كَانُوا يَشْغَلُهُمُ الصَّفْقُ بِالْأَسْوَاقِ ، وَإِنَّ إِخْوَانَنَا مِنَ الْأَنْصَارِ كَانُوا يَشْغَلُهُمُ الْعَمَلُ فِي أَمْوَالِهِمْ ، وَإِنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ كَانُوا يَلْزَمُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِشَيْعِ بَطْنِهِ ، وَيَحْضُرُ مَا لَا يَحْضُرُونَ وَيَحْفَظُ مَا لَا يَحْفَظُونَ .

*Ал-Аъраж бу хусусда бундай дейдилар:* «Абу Ҳурайра ҳадисни кўп айтади»,— дейишади, «Агар Оллоҳнинг Китоби (Қуръон) да икки оят бўлмаганда эрди, битта ҳам ҳадис айтмас эрдим»,—деган эдилар Абу Ҳурайра, кейин оятнинг «Биз нозил қилган йўл-йўриқлар ва ҳидоятни яширганлар»... деган жойидан то «ар-раҳим» деган сўзигача ўқигандилар (мазкур оятда илми беркитган одамларни Оллоҳ таоло мазаммат қилғайдир — қоралағайдир). Муҳожир биродарларимиз бозорларда бор-барака қилиш билан оюра эди, ансорий биродарларимиз эса, ўз хўжаликларига ишлар билан банд эди. Абу Ҳурайра эса (мол-дунё тўплашдан юз кечиби), Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ортларидан қолмас эди. Қорнини бир тўйғазиб олиб, улар (муҳожирлар, ансорийлар) ҳозир бўлмаган жойларда Абу Ҳурайра ҳозир бўлар эди. Улар ёдламаган нарсаларни (ҳадисларни) Абу Ҳурайра ёдлар эди».

95 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي أَسْمَعُ مِنْكَ حَدِيثًا كَثِيرًا أَنْسَاهُ ، قَالَ : ( ابْسُطْ رِدَاءَكَ ) . فَبَسَطْتُهُ ، فَغَرَفَ بِيَدَيْهِ ثُمَّ قَالَ : ( ضُمَّهُ ) . فَضَمَمْتُهُ ، فَمَا نَسِيتُ شَيْئًا بَعْدَهُ .

*Абу Ҳурайра бундай деганлар:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулulloҳ, мен сиздан кўп ҳадис тингларману, аммо унутиб кўюрман»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак қўллари билан (сув ҳовучлагандек) Оллоҳнинг файзу баракотидан (чопонимга) ҳовучлаб солдилар, кейин: «Бағринга босғил!»— дедилар. Мен бағримга босдим, шундан кейин ҳеч нарсани (ҳадисни) эсимдан чиқармайдиган бўлдим».

96 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : حَفِظْتُ مِنَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعَاءَيْنِ ، فَأَمَّا أَحَدُهُمَا فَبِتْنَتُهُ ، وَأَمَّا الْآخَرُ فَلَوْ بَتْنَتُهُ قُطِعَ هَذَا الْبَلْعُومُ .



*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан «икки идиш» (наrsa) ёд олдим, биттасини сочдим (одамларга айтдим), аммо иккинчисини агар сочадиган бўлсам (айтсам), мана бу ҳалқум кесиладир»,— дедилар (биринчиси ҳадислар эди, иккинчиси эса, келажакда бўладиган фитналар тўғрисидаги хабарлар эди).

#### 44-боб. Уламоларга жим туриб қулоқ солишнинг маъқуллиги

97 . عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَهُ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ : ( اسْتَنْصِتِ النَّاسَ ) . فَقَالَ : لَا تَرْجِعُوا بَعْدِي كَفَّارًا يَضْرِبُ بَعْضُكُمْ رِقَابَ بَعْضٍ ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам* Ҳажжат ул-Видоъда турганларида Жарир ибн Абдуллоҳга: «Одамларни жим қилғил!»— дедилар. Сўнгра: «Мендан кейин бирбирингизни ўлдирадиган кофирлар бўлиб кетмангиз!»— деб қўшиб қўйдилар.

#### 45-боб. «Одамларнинг энг олими қайсидир?»— деб сўралганда, «Олим кишини Оллоҳ билгайдир»,— деб жавоб қилишнинг маъқуллиги

*Саъид ибн Жубайр Абдуллоҳ ибн Аббосга:* «Навфал Баколий: «(Хизр билан учрашган) Мусо — Баний Исроил пайғамбари эрмас, балки бошқа Мусо бўлган, деб даъво қилаётир»,— деганда, Абдуллоҳ ибн Аббос: «Ёлғон айтибдир, у Оллоҳнинг душмани эркан»,— дебдилар.

98 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : حَدَّثَنَا أَبِي بْنُ كَعْبٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( قَامَ مُوسَى النَّبِيُّ حَظِيئًا فِي بَنِي إِسْرَائِيلَ ، فَسُئِلَ : أَيُّ النَّاسِ أَعْلَمُ ؟ فَقَالَ : أَنَا أَعْلَمُ ، فَتَعَبَ اللَّهُ عَلَيْهِ إِذْ لَمْ يَرِدْ الْعِلْمَ إِلَيْهِ ، فَأَوْحَى اللَّهُ إِلَيْهِ إِنَّ عَبْدًا مِنْ عِبَادِي بِمَجْمَعِ الْبَحْرَيْنِ هُوَ أَعْلَمُ مِنْكَ ، قَالَ : يَارَبِّ وَكَيْفَ بِهِ ؟ فَقِيلَ لَهُ : احْمِلْ حُوتًا فِي مِكْتَلٍ ، فَإِذَا فَقَدْتَهُ فَهُوَ تَمَّ ، فَانْطَلِقْ وَانْطَلِقْ بِفَتَاهُ يَوْشَعَ بْنِ نُونٍ وَحَمِلْ حُوتًا فِي مِكْتَلٍ ، حَتَّى كَانَا عِنْدَ الصَّخْرَةِ وَضَعَا رُؤُوسَهُمَا وَنَامَا ، فَانْسَلَّ الْحُوتُ مِنَ الْمِكْتَلِ فَاتَّخَذَ سَبِيلَهُ فِي الْبَحْرِ سَرِيًّا ، وَكَانَ لِمُوسَى وَفَتَاهُ عَجَبًا ، فَانْطَلَقَا بِقِيَةِ لَيْلَتِهِمَا وَيَوْمَهُمَا ، فَلَمَّا أَصْبَحَ قَالَ مُوسَى لِفَتَاهُ : آتِنَا غَدَاءَنَا لَقَدْ لَقِينَا مِنْ سَفَرِنَا هَذَا نَصَبًا ، وَلَمْ يَجِدْ مُوسَى مَسًّا مِنَ النَّصَبِ حَتَّى جَاوَزَ الْمَكَانَ الَّذِي أُمِرَ بِهِ ، فَقَالَ لَهُ فَتَاهُ : أَرَأَيْتَ إِذْ أَوَيْنَا إِلَى الصَّخْرَةِ فَإِنِّي نَسِيتُ الْحُوتَ ، قَالَ مُوسَى : ذَلِكَ مَا كُنَّا نَبْغِي فَارْتَدَّا عَلَى آثَارِهِمَا قَصَصًا ، فَلَمَّا آتَيْنَاهَا إِلَى الصَّخْرَةِ إِذَا رَجُلٌ مَسْجِيٌّ بِثَوْبٍ أَوْ قَالَ : تَسَجَّى بِثَوْبِهِ ، فَسَلَّمَ مُوسَى ، فَقَالَ الْخَضِرُ : وَأَنْتَ يَا بَارِئُ السَّلَامُ ؟ فَقَالَ : أَنَا مُوسَى ، فَقَالَ : مُوسَى بَنِي إِسْرَائِيلَ ؟ قَالَ : نَعَمْ ، قَالَ : هَلْ أَتَيْتَ عَلَيَّ أَنْ تُعَلِّمَنِي مِمَّا عَلَّمْتَ رُشْدًا ؟ قَالَ : إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا ، يَا مُوسَى إِنِّي عَلَى عِلْمٍ مِنْ عِلْمِ اللَّهِ عَلَّمَنِيهِ لَا تَعْلَمُهُ أَنْتَ ، وَأَنْتَ عَلَى عِلْمٍ عَلَّمَكُهُ اللَّهُ لَا أَعْلَمُهُ ، قَالَ : سَتَجِدُنِي إِنْ شَاءَ اللَّهُ صَابِرًا وَلَا أَعْصِي لَكَ أَمْرًا ، فَانْطَلَقَا يَمْشِيَانِ عَلَى سَاحِلِ الْبَحْرِ لَيْسَ لَهُمَا سَفِينَةٌ ، فَمَرَّتْ بِهِمَا سَفِينَةٌ فَكَلَّمُوهُمْ أَنْ يَحْمِلُوهُمَا ، فَعَرَفَ الْخَضِرُ فَحَمَلُوهُمَا بِغَيْرِ تَوَلٍّ ، فَجَاءَ عُصْفُورٌ فَوَقَعَ عَلَى حَرْفِ السَّفِينَةِ فَنَقَرَ نَقْرَةً أَوْ نَقَرْتَيْنِ مِنَ الْبَحْرِ ، فَقَالَ الْخَضِرُ : يَا مُوسَى مَا نَقَصَ عِلْمِي وَعَلَّمَكَ مِنْ عِلْمِ اللَّهِ إِلَّا كَنْقَرَةَ هَذَا الْعُصْفُورِ فِي الْبَحْرِ ، فَعَمَدَ الْخَضِرُ إِلَى لَوْحٍ مِنْ أَلْوَابِ السَّفِينَةِ فَنَزَعَهُ ، فَقَالَ مُوسَى : قَوْمٌ حَمَلُونَا بِغَيْرِ تَوَلٍّ ، عَمَدْتَ إِلَى سَفِينَتِهِمْ فَحَرَقْتَهَا لِتُغْرَقَ أَهْلُهَا ، قَالَ : أَلَمْ أَقُلْ لَكَ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا ، قَالَ : لَا تُؤَاخِذْنِي بِمَا نَسِيتُ ، فَكَانَتْ الْأُولَى مِنْ مُوسَى نَسِيَانًا ، فَانْطَلَقَا فَإِذَا بِلُغَامٍ يَلْعَبُ مَعَ الْغُلَمَانِ ، فَأَخَذَ الْخَضِرُ بِرَأْسِهِ مِنْ أَعْلَاهُ فَأَقْتَلَعَ رَأْسَهُ بِيَدِهِ ، فَقَالَ مُوسَى : أَقْتَلْتَ نَفْسًا زَكِيَّةً بِغَيْرِ نَفْسٍ ، قَالَ : أَلَمْ أَقُلْ لَكَ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا ، فَانْطَلَقَا حَتَّى إِذَا أَتَى أَهْلَ قَرْيَةٍ اسْتَطَعَمَا أَهْلُهَا فَأَبَوْا أَنْ يُضَيَّفُوهُمَا ، فَوَجَدَا فِيهَا جِدَارًا يُرِيدُ أَنْ يَنْقُضَ فَاقَامَهُ ، قَالَ الْخَضِرُ بِيَدِهِ فَأَقَامَهُ فَقَالَ مُوسَى : لَوْ شِئْتَ

لَا تَخَذُتَ عَلَيْهِ أَجْرًا ، قَالَ : هَذَا فِرَاقُ بَيْنِي وَبَيْنَكَ ، قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : يَرْحَمُ اللَّهُ مُوسَى لَوَدِدْنَا لَوْ صَبَرَ حَتَّى يَقْصَّ عَلَيْنَا مِنْ أَمْرِهِمَا .

*Убай ибн Каъб Расулulloҳ хусусларида бундай ривоят қилганлар:* «Мусо алайҳиссалом Баний Исроил қавмига ваъз айтиб турган эдилар, «Одамларнинг энг олими кимдир?» — деб сўрашди. Мусо алайҳиссалом: «Мен ҳаммадан олимрокдурмен», — дедилар. «Оллоҳ билгайдир», — демаганлари учун Оллоҳ таоло у кишига танбеҳ бериб, «Икки денгизнинг бирбирига қўшиладирган ерида бир бандам бордир, у сендан олимрокдир», — деган ваҳий юборди. «Ё раббий, қандай қилиб у киши билан учрашурмен», — дедилар. «Бир саватга балиқ солиб олғил, сўнг ўша томонга қараб юрғил, агар балиқни йўқотсанг, Хизр ўша ерда бўлур»,— дейилди. Мусо алайҳиссалом Юшаъ деган ғулмлари билан саватга балиқ солиб олиб, йўлга чиқдилар. Катта қоятош олдига борганларида, саватни қўйиб, уйқуга кетдилар. Балиқ саватдан чиқиб, денгизга тушиб, сузиб кетди. Мусо алайҳиссалом ва ғулмлари таажжубда қолдилар (чунки ўша балиқ ўлик эди). Кечанинг қолган қисмида ва кун бўйи йўл юрдилар. Эртасига тонг отгач, Мусо алайҳиссалом йигитга: «Нонуштани келтирғил, бу сафаримизда машаққат тортдик», — дедилар. Мусо алайҳиссалом тайинланган жойга етиб боргунга қадар бошқа машаққат чекмадилар. Йигит деди: «Кўрдингизми, қоятош олдига дам олганимизда балиқни ёдимдан чиқарибман (йўқолибди)». «Биз истаган нарса ҳам худди шу эрди», — дедилар Мусо алайҳиссалом ва орқага, қоятош томонга йўл олишди. У ерга етиб келишганда, кийимини ёпиниб ётган кишини кўрдилар. Мусо алайҳиссалом салом бердилар. Хизр: «Салом бермоғингнинг ўрни эрмас», — дедилар. Мусо дедилар: «Мен Мусомен». Хизр дедилар: «Баний Исроил Мусосими?» «Ҳа, Оллоҳ билдирган илмингиздан менга ўргатмоғингиз учун сизга эргашсам майлими?» — дедилар Мусо. «Менга эргашмоққа сабрингиз чидамайдир, эй Мусо!» — дедилар Хизр алайҳиссалом. «Оллоҳ таоло сизга бир илм ўргатгандирким, уни мен билмасмен. Менга бир илм ўргатгандурким, уни сиз билмассиз. Иншооллоҳ, мен сабрли бўлғаймен, кўрурсиз, сизга осийлик қилмасмен», — дедилар Мусо алайҳиссалом. Сўнг дарё соҳили бўйлаб юриб кетишди. Кемалари йўқ эди, бир кема ўтди, кемадагилардан (ўзларини) олиб кетишни сўрадилар. Улар Хизрни таниб, ҳақ олмасдан олиб кетдилар. Кема четига бир чумчуқ келиб кўнди, бир-икки чўқиб, сув ичди. Хизр Мусога дедилар: «Сен билан мен билган илм чумчуқ денгиздаги сувни чўқилаб озайтиролмагани янглиғ, Оллоҳ илмини ҳам ҳеч камайтиролмағай». Хизр алайҳиссалом кема тахтасидан бирига тиралиб, синдириб қўйдилар. Шунда Мусо дедилар: «Ҳақ олмасдан бизларни олиб кетаётганларнинг кемасини тешиб, одамларни фарқ қилмоқчимисиз?» Хизр дедилар: «Айтмадимми, сабр қилмассан, деб!» Бу Мусо алайҳиссаломнинг (Хизр алайҳиссалом сўзларини) биринчи бор унутишлари эди. Сўнг жўнаб кетишди. Бир жойда Хизр алайҳиссалом ўйнаб турган болалардан бирининг бошини қўллари билан узиб ташладилар. Мусо дедилар: «Беғуноҳ одамни наҳақ ўлдирдингиз». Хизр дедилар: «Айтмадимми сенга, мен билан юрмоққа сабр қилолмассан деб!» Абу Суфён: «Хизр алайҳиссалом шундай деб таъкидладилар, кейин жўнаб кетишди»,— дейди. Бир қишлоқ аҳли меҳмон қилмоқдан бош тортди. Қишлоқда улар йиқилаёзган бир деворни кўрдилар. Хизр алайҳиссалом «тузатиб кўюрмен» деган маънода қўллари билан ишора қилдилар. Деворни тўғирлаб қўйдилар. Мусо дедилар: «Агар хоҳласанг, шунга ҳақ олурсен» Хизр дедилар: «Мана бу (сўзинг) сен билан менинг ажралмоғимизга сабабдир».

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Мусони раҳмат қилсин! Жуда ҳам яхши кўрар эрдик уни, агар сабр қилганда (жуда ажойиб нарсаларни кўрар эрди), иккалалари ўртасида бўлган ишларни бизга ҳикоя қилиб беришар эрди»,— деб айтдилар».

#### **46-боб. Ўтирган олимдан тик турган ҳолда масала сўрашнинг мумкинлиги**

*Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳудан:* «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, деди: «Ё Расулulloҳ, қайси жанг Оллоҳ йўлида қилинган жанг ҳисобланур? Биттамитаз ғазабдан урушурмиз, биттамитаз қариндошларимизни ҳимоя қилиб урушурмиз». Жаноб Расулulloҳ сўровчига бошларини кўтариб қарадилар. Сўровчи тик турганлиги учун Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини кўтариб дедилар: «Кимки Оллоҳнинг сўзини юқори (устун) бўлсин деб жанг қилғайдир, у жанг Оллоҳ йўлида қилинган жангдир!»

#### **47-боб. Рамй ул-Жумморда (шайтонга тош отадиган жойда) савол ва фатво сўраш**

*Абдуллоҳ ибн Амрдан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Жамрат ул-ақабада (шайтонга тош отадирган ерда) кўрдим, бир киши: «Ё Расулulloҳ, тош отмасимдан аввал қурбонлик қилиб қўйибмен? — деб сўраётган эрди. «Отавер, зарари йўқ»,— дедилар. Бошқаси деди: «Ё Расулulloҳ, қурбонлик сўймасдан аввал сочимни олдириб қўйибмен?» «Сўявер, зарари йўқ»,— дедилар. Аввал ё кейин қилинган ҳаж амалларидан нимаики сўралса, «Қилавер, зарари йўқ»,— деб жавоб бердилар».

#### **48-боб. Оллоҳ таолонинг «Сизларга жуда ҳам оз илм берилди» деган ояти каримаси хусусида**

99 . عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : بَيْنَمَا أَنَا أَمْشِي مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي خَرِبِ الْمَدِينَةِ ، وَهُوَ يَتَوَكَّأُ عَلَيَّ عَسِيبَ مَعَهُ فَمَرَّ بِنَفَرٍ مِنَ الْيَهُودِ ، فَقَالَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ : سَلُوهُ عَنِ الرُّوحِ وَقَالَ بَعْضُهُمْ : لَا تَسْأَلُوهُ لَا يَجِيءُ فِيهِ بِشَيْءٍ تَكْرَهُونَهُ ، فَقَالَ بَعْضُهُمْ : لَتَسْأَلَنَّهُ ، فَقَامَ رَجُلٌ مِنْهُمْ فَقَالَ : يَا أَبَا الْقَاسِمِ ، مَا الرُّوحُ ؟ فَسَكَتَ ، فَقُلْتُ : إِنَّهُ يُوحَى إِلَيْهِ ، فَكُفْتُ ، فَلَمَّا انْحَلَى عَنْهُ ، فَقَالَ : ﴿ وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الرُّوحِ قُلِ الرُّوحُ مِنْ أَمْرِ رَبِّي وَمَا أُوتُوا مِنَ الْعِلْمِ إِلَّا قَلِيلًا ﴾ .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Мадинанинг харобароқ ерида кетаётган эдик. Расулulloҳ қўлларидан хурмо ёғочидан қилинган хасса тутиб олган эдилар. Бир тўда яҳудийлар ёнидан ўтаётганимизда улардан айримлари: «У кишидан руҳ тўғрисида сўранглар»,— деб айтишди. Баъзилари эса: «Сўраманглар, сизлар инкор қилган нарса ҳақида жавоб айтмайдир»,— дейишди. Яна баъзилар: «Албатта сўраймиз»,— дейишди. Шулардан бири туриб: «Ё Абулқосим, руҳ нима?» —деди. Жаноб Расулulloҳ жим қолдилар. Мен ўзимча: «У кишига ваҳий нозил бўлаётир»,— дедим. Расулulloҳни яҳудийлардан пана қилиб (ўртада) турдим. Ўзларига келгач: «Сендан руҳ тўғрисида сўрашмоқдалар, руҳ раббимнинг иши (ўзи билғайдир), бу тўғрида (одамларга) жуда оз билим берилмишдир, деб айт!»,— дедилар. Ал-Аъмаш: «Биздаги (нусада) шундай ўқилади»,— деган.

#### **49-боб. Баъзилар нотўғри тушунмасин, деб ўзи ихтиёр қилган нарсалардан воз кечиш**

*Асвад ан-Наҳилдан:* «Абдуллоҳ ибн Зубайр менга: «Оиша онамиз сенга кўп сир айтадилар, Каъба тўғрисида сенга қандай ҳадис айтдилар?» — деди. Мен унга Оиша онамиз бундай деганлар, дедим: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй

Оиша, агар қавм куфрдан янги чиққан (эндигина мусулмон) бўлмаганда эрди, Каъбани тешиб, эшигини иккита қилур эрдим. Бирдан кириб, иккинчисидан чиқадирган қилур эрдим». Кейинчалик Абдуллоҳ ибн Зубайр Расулulloҳнинг ниятларини амалга оширган (бу Каъбанинг 4- таъмири эди. 5- таъмир Ҳажжож даврида бўлган). I

### 50-боб. Тушунишни истамаган қавм ўрнига тушунадиган қавмга илм ўргатиш ҳақида

*Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу:* «Одамларга ақли етадиган нарсани гапирингиз. Оллоҳ ва унинг Расулини ёлғонга чиқаришларини истармисиз?» — деган эканлар.

100 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ مُعَاذٌ رَدِيفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الرَّحْلِ فَقَالَ: ( يَا مُعَاذُ، قَالَ: لَبَّيْكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَسَعْدَيْكَ قَالَ: ( يَا مُعَاذُ ) ، قَالَ: لَبَّيْكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَسَعْدَيْكَ ، ثَلَاثًا ، قَالَ: ( مَا مِنْ أَحَدٍ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ ، صِدْقًا مِنْ قَلْبِهِ ، إِلَّا حَرَّمَهُ اللَّهُ عَلَى النَّارِ ) . قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَفَلَا أُخْبِرُ بِهَ النَّاسَ فَيَسْتَبْشِرُوا ؟ قَالَ: ( إِذَا يَتَكَلَّمُوا ) . وَأَخْبَرَ بِهَا مُعَاذٌ عِنْدَ مَوْتِهِ تَأْتِمًا .

*Анас ибн Моликдан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабални уловларига мингаштириб кетаётганларида бундай дебдилар: «Эй Муоз ибн Жабал!» «Лаббайка, ё Расулulloҳ ва саъдайка (мен шу ердамен, хизматингизга тайёрмен)»,— дебди Муоз. «Эй Муоз!» — дебдилар яна. «Лаббайка ё Расулulloҳ ва саъдайка»,— деб жавоб берибди Муоз. Шу гапни уч бор қайтарганларидан кейин, «Ашҳаду алла илоҳа иллаллоҳу ва-шҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу» ни чин қалбдан айтган одамгагина Оллоҳ таоло дўзах ўтини ҳаром қилғайдир»,— дебдилар. Муоз дебди: «Ё Расулulloҳ, умидвор бўлсинлар, деб одамларга бундай хабар қилайми?» Расулulloҳ: «Агар умидвор бўлсалар...»,— деб гапларини охиригача айтмадилар. Муоз бу гапни ўлими олдидан (ҳадисни яшириб гуноҳкор бўлиб қолишдан қўрқиб) тўла-тўқис айтиб берган.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муозга: «Кимки Оллоҳ таолога ширк келтирмай рўбарў бўлса, жаннатга кирғайдир»,— деган эканлар. Шунда Муоз: «Одамларга бу хушxabарни айтайми?»—деган экан. «Йўқ, қаттиқ умид боғлашларидан қўрқамен»,— деган эканлар Расулulloҳ (яъни, одамлар: «Оллоҳга ширк келтирмасак бас, жаннатга кирар эканмиз»,— деб нотўғри ўйламасинлар»,— деган маънода бўлса керак).

### 51-боб. Илм ўрганишдан уялмоқ

Мужоҳид айтганлар: «Уялган киши илм ололмайдир. Уялган киши ва мутакаббир киши илм ололмайдир». Оиша онамиз айтганлар: «Аёлларнинг яхшиси ансория аёллар. Динни теран ўрганмоқлари учун уларга ҳаё монельлик қилмади».

101 . عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَتْ: جَاءَتْ أُمَّ سُلَيْمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيِي مِنَ الْحَقِّ، فَهَلْ عَلَى الْمَرْأَةِ مِنْ غُسْلِ إِذَا احْتَلَمَتْ؟ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ( إِذَا رَأَتْ الْمَاءَ ) . فَغَطَّتْ أُمُّ سَلَمَةَ - يَعْنِي وَجْهَهَا - وَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَتَحْتَلِمُ الْمَرْأَةُ؟ قَالَ: ( نَعَمْ تَرَبَّتْ يَمِينُكَ ، فَبِمَ يُشْبِهُهَا وَكَلَدَهَا ) .

*Умму Салама деган аёл бундай дейди:* «Умму Сулайм Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг, ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, Оллоҳ таоло ҳақиқатни айтмоқдан уялмайдир (шунингдек, мен ҳам уялмасман). Аёл киши агар ихтилом бўлиб (булғаниб) қолса, ғусл вожиб бўлурми?»—деб сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар нам (маний) чиққанини кўрса»,— дедилар. Аёл юзини

(уялиб) беркитди-да: «Ё Расулulloҳ, аёл қиши ҳам ихтилом бўладирми?»— деди. Расулulloҳ: «Ҳа, бўлғайдир (аёлда ҳам маний бор), нечун бола онасига ўхшайдир!» — дедилар».

*Абдуллоҳ ибн Умардан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дарахтлар орасинда бир дарахт бордир, баргини ташламайдир, у муслмонга ўхшайдир, айтингизчи, бу қайси дарахтдир?» — дедилар. Одамлар қишлоқларидаги бор дарахтларни санаб чиқдилар. Менинг кўнглимдан «хурмо дарахти» деган фикр ўтди. Лекин (айтишга) уялдим. Одамлар: «Ё Расулulloҳ, ўзингиз айтиб беринг!» — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У хурмо дарахтидир»,— дедилар. Мен кўнглимга келган бояги фикрни отам Умарга айтдим. Шунда отам (Умар): «Ўшанда айтганингдаку, менга фалондақа-пистондақа ишлар насиб бўлиб, яхши бўлур эрди»,— дедилар».

### 52-БОБ. Сўрашдан ўзи уялса, биров орқали сўрашнинг жоизлиги тўғрисида

102 . عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ رَجُلًا مَذَّاءً ، فَأَمَرْتُ الْمَقْدَادَ أَنْ يَسْأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلَهُ ، فَقَالَ : ( فِيهِ الْوُضُوءُ ) .

Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу бундай ривоят қиладилар: «Мен манийи кўп (шаҳвати тез) одам эрдим. Ал-Миқдодга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шаҳвати тезликнинг ҳукмини сўрагил»,— деб буюрдим. У кириб сўради. Расулulloҳ: «Маний келганда таҳорат олмоқ лозим бўлғайдир»,— деб айтибдилар».

### 53-БОБ. Масжидда илмдан сўзлашмоқ ва фатво айтмоқнинг жоизлиги

103 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَجُلًا قَامَ فِي الْمَسْجِدِ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، مِنْ أَيْنَ تَأْمُرُنَا أَنْ نُهَيَّلَ ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( يُهَيَّلُ أَهْلُ الْمَدِينَةِ مِنْ ذِي الْحَلِيفَةِ ، وَيُهَيَّلُ أَهْلُ الشَّامِ مِنَ الْجُحْفَةِ ، وَيُهَيَّلُ أَهْلُ نَجْدٍ مِنْ قَرْنٍ ) .

ҚАЛ АБН УМАР : وَيُرْعَمُونَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( وَيُهَيَّلُ أَهْلُ الْيَمَنِ مَنْ يَلْمَمَ ) . وَكَانَ ابْنُ عُمَرَ يَقُولُ : وَكَمْ أَفْقَهُ هَذِهِ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир киши масжидда тик турган ҳолда: «Ё Расулulloҳ, таҳлилни («ло илоҳа иллаллоҳу» деб айтишни) қаердан бошлаб айталик?» — деди. Расулulloҳ: «Мадина аҳли Ҳулайфадан бошлаб, Шом (Сурия) аҳли Жухфадан бошлаб, Нажд (Ироқ) аҳли Қарн деган жойдан бошлаб айтадилар»,— дедилар». Ибн Умар: «Айрим кишилар, Расулulloҳ Яман аҳли Яламламдан бошлаб таҳлил айтадилар, деганлар, деб таъкидлашади»,— дейди. Ибн Умар: «Мен Расулulloҳнинг бундай деганларини сира эслай олмайман»,— дер эди.

### 54-БОБ. Масала сўраган одамга сўраганидан кўпроқ жавоб қайтаришнинг жоизлиги

104 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّ رَجُلًا سَأَلَهُ : مَا يَلْبَسُ الْمُحْرِمُ ؟ قَالَ : ( لَا يَلْبَسُ الْقَمِيصَ ، وَلَا الْعِمَامَةَ ، وَلَا السَّرَاوِيلَ وَلَا الْبُرُثْسَ ، وَلَا تَوْبًا مَسَّهُ الْوَرَسُ أَوْ الرَّعْفَرَانُ ، فَإِنْ لَمْ يَجِدِ التَّلْعِينَ فَلْيَلْبَسِ الْخُفَيْنِ ، وَلْيَقْطَعْهُمَا حَتَّى يَكُونَا تَحْتَ الْكَعْبَيْنِ ) .

*Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир киши сўради: «Эҳромга кирувчи одам (ҳаж вақтида) нима

киядир?»«Кўйлак киймайдир, салла ўрамайдир, шим киймайдир, бурнус (чопонга ўхшаш) киймайдир, варс ва заъфарон ила бўялган кийим ҳам киймайдир (оқ эн мато билан танасини ўрайдир). Агар шиппак, яъни, оёқ ошиғидан паст оёқ кийими топмас эрса, маҳсини ошиқдан .юқорисини кесиб ташласин, токи оёқ кийими ошишдан пастда бўлсин!»— дёдилар».

## ТАҲОРАТ КИТОБИ БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

### 1-боб. Оллоҳ таолонинг қуйидаги ояти каримаси мазмуни ҳақида

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Эй мўъминлар, агар намозга турсангиз, юзингизни, қўлингизни (тирсаккача) ювиб, бошингизга масҳ тортингиз, оёғингизни тўпиққача (тўпиқ билан қўшиб) ювингиз!» — дейди.

*Абу Абдуллоҳ (Имом Бухорий) бундай дейдилар:* «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳоратнинг фарзи — бир мартадан ювиш, деб тушунтирганлар, ўзлари таҳорат олганларида икки ва уч марта ҳам юнганлар, лекин бундан оширмаганлар. Уламоларга сувни исроф қилмасликни буюрганлар (яъни, уч мартадан ортиқ ювишни манъ қилганлар)».

### 2-боб. Намоз таҳоратсиз қабул қилинмағай

105 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا تُقْبَلُ صَلَاةٌ مَنْ أَحْدَثَ حَتَّى يَتَوَضَّأَ ) ، قَالَ رَجُلٌ مِنْ حَضْرَمَوْتٍ : مَا الْحَدَثُ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ ؟ فَقَالَ : فُسَاءٌ أَوْ ضُرَاطٌ .

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Таҳорати синган кишининг, таҳорат олмагунча намози қабул қилинмағайдир»,— дедилар. Ҳазрамавтлик бир киши деди: «Эй Абу Ҳурайра, таҳорат синиш дегани, нима дегани?» Абу Ҳурайра: «Овозсиз ёки овозли ел»,— дедилар.

### 3-боб. Таҳорат фазилати ва (қиёмат кунида) таҳорат таъсиридан ювилган аъзоларнинг ярқираши (ал-ғурр ул-муҳажжалун)

106 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( إِنْ أُمَّتِي يُدْعَوْنَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ آثَارِ الْوُضُوءِ ، فَمَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يَطِيلَ غُرَّتَهُ فَلْيَفْعَلْ ) .

*Мужмир разияллоҳу анҳу дедилар:* «Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу билан бирга масжиднинг орқасига ўтдик. Абу Ҳурайра таҳорат олдилар, кейин у киши бундай дедилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматларимни қиёмат куни таҳоратнинг таъсиридан ғурран муҳажжалин ҳолда чақиргайдирлар. Қай бировким ўз ярқироғини кўпайтиришга қодир эрса, кўпайтирсин!»— дедилар (бу дунёда таҳорат қилиб юрганларнинг баданлари қиёмат куни ярқирайди).

### 4-боб. Таҳорати синганини аниқ билмагунча қайта таҳорат олмаслик ҳақида

107 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدِ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ شَكَأَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الرَّجُلَ الَّذِي يَخِيلُ إِلَيْهِ أَنَّهُ يَجِدُ الشَّيْءَ فِي الصَّلَاةِ ، فَقَالَ : ( لَا يَنْفَتِلُ - أَوْ : لَا يَنْصَرِفُ - حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا ) .

*Ибод ибн Тамимнинг амакиси Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир киши устидан шикоят қилиб:* «Намоз вақтида унинг орқасидан ел чиққандек бўлди»,— деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бундай ҳолда елнинг овозини эшитмагунча ёки ҳидини сезмагунча намозни бузмаслик керак»,— дедилар.

### 5-боб. Таҳорат олишни осонлаштириш тўғрисида (оқчил, бир марта ювиш)

108 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَامَ حَتَّى نَفَخَ ، ثُمَّ صَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ ، وَرَبَّمَا قَالَ : اضْطَجَعَ حَتَّى نَفَخَ ، ثُمَّ قَامَ فَصَلَّى .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дедилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам ухладилар, ҳаттоки пишилладилар ҳам, кейин туриб намоз ўқидилар. Балким, Суфён: «Расулulloҳ ёнбошладилар, ҳаттоки пишилладилар ҳам»,— деб айтган эди шекилли. Кейинчалик Суфён шу ҳадисни бизга бир неча марта ривоят қилиб берганди».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу яна шундай дедилар:* «Холам Маймунаникида бир кеча тунаб қолдим. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси намозга турдилар. Туннинг бир қисми ўтган эди. Деворга осифлиқ мешдан сув олиб, енгил таҳорат олдилар. Кейин туриб намоз ўқий бошладилар. Улардан кейин мен ҳам таҳорат олиб, чап томонларига келиб турдим. Мени ўнг томонларига ўтказиб қўйдилар, кейин Оллоҳ хоҳлаганча намоз ўқидилар, кейин ёнбошладилар, ҳатто пишиллаган овозлари ҳам эшитилди. Кейин муаззин келиб, азон айтди ва биргаликда намоз ўқишди. Жаноб Расулulloҳ (бу гал) таҳорат олмадилар. Амр ибн Динор: «Одамлар Жаноб Расулulloҳнинг кўзлари ухлайдию, лекин диллари ухламайди, дейишади»,— деб бизга айтгандилар. Амр шундай дейдилар: «Убайд ибн Умайр: «Пайғамбарларнинг тушлари ҳам ваҳийдир»,— дедида, «Тушимда мен сени қурбонлик қилаётган эканман (Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссаломга шундай деганлар)» деган оятни ўқиди».

### 6-БОБ. Таҳоратни мукамал олмоқ

Ибн Умар: «Таҳоратни мукамал олмоқ дегани, тоза ювмоқ деганидир»,— деганлар.

109 . عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : دَفَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ عَرَفَةَ ، حَتَّى إِذَا كَانَ بِالشَّعْبِ نَزَلَ فَبَالَ ، ثُمَّ تَوَضَّأَ وَلَمْ يَسْبِغِ الوُضُوءَ ، فَقُلْتُ : الصَّلَاةُ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، فَقَالَ : ( الصَّلَاةُ أَمَامَكَ ) . فَرَكِبَ ، فَلَمَّا جَاءَ الْمَزْدَلِفَةَ نَزَلَ فَتَوَضَّأَ فَأَسْبِغِ الوُضُوءَ ، ثُمَّ أَقِيمَتِ الصَّلَاةَ ، فَصَلَّى الْمَغْرِبَ ، ثُمَّ أَنَاخَ كُلُّ إِنْسَانٍ بَعِيرَهُ فِي مَنْزِلِهِ ، ثُمَّ أَقِيمَتِ الْعِشَاءَ فَصَلَّى ، وَلَمْ يُصَلِّ بَيْنَهُمَا .

*Ибн Аббос Усома ибн Зайддан бундай деб эшитган эканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафотдан қайтаётиб Шаъб деган жойга келганларида (туяларидан) тушиб, таҳорат ушатдилар, кейин таҳорат олдилар, лекин мукамал олмадилар, «Намозгами, ё Расулulloҳ?» — дедим. «Намоз олдингдадир (яъни, ҳали намозга вақт бор)»,— дедилар, сўнг туяларига миндилар. Муздалифа деган жойга келганда (туяларидан) тушдилар, сўнг таҳорат олдилар, бу гал мукамал олдилар. Кейин намозга чақирилди. Шом ўқидилар. Кейин ҳар бир киши туясини ўз жойига чўктирди. Кейин хуфтонга чақирилди, хуфтон ўқидилар. Шом билан хуфтон ўртасида бошқа намоз ўқимадилар».

### 7-БОБ. Бир ҳовуч сув билан икки қўллаб юз ювмоқ

110 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ تَوَضَّأَ فَعَسَلَ وَجْهَهُ ، ثُمَّ أَخَذَ غَرْفَةً مِنْ مَاءٍ فَتَمَضَّمَصَ بِهَا وَأَسْتَشَقَّ ، ثُمَّ أَخَذَ غَرْفَةً مِنْ مَاءٍ فَجَعَلَ بِهَا هَكَذَا ، أَضَافَهَا إِلَى يَدِهِ الْأُخْرَى فَعَسَلَ بِهَا وَجْهَهُ ، ثُمَّ أَخَذَ غَرْفَةً مِنْ مَاءٍ فَعَسَلَ بِهَا يَدَهُ الْيُمْنَى ، ثُمَّ أَخَذَ غَرْفَةً مِنْ مَاءٍ فَعَسَلَ بِهَا يَدَهُ الْيُسْرَى ، ثُمَّ مَسَحَ بِرَأْسِهِ ، ثُمَّ أَخَذَ غَرْفَةً مِنْ مَاءٍ فَرَشَّ عَلَى رِجْلِهِ الْيُمْنَى حَتَّى غَسَلَهَا ، ثُمَّ أَخَذَ غَرْفَةً أُخْرَى فَعَسَلَ بِهَا يَدَهُ الْيُسْرَى ، ثُمَّ قَالَ : هَكَذَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ .

*Ато ибн Ясор бундай дейдилар:* «Ибн Аббос таҳорат олди, юзларини ювди. Бир ҳовуч сув олиб, оғиз ва бурун чайқади. Кейин бир ҳовуч сув олиб, мана бундай қилиб иккинчи ҳовучига ҳам қўйиб, икки қўллаб юзини ювди. Кейин бир ҳовуч сув олди, у билан ўнг қўлини ювди, кейин бир ҳовуч сув олди, у билан чап қўлини ювди, кейин (сув олиб) масҳ тортди, кейин бир ҳовуч сув олди, ўнг оёқларини ювди, кейин бир



ҳовуч сув олиб, чап оёқларини ювди. Кейин: «Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай таҳорат олаётганларини кўрганман»,— деди».

### **8-боб. Ҳар қандай ҳолатда ва жимоъ (жинсий алоқа) олдида ҳам бисмиллоҳ айтмоқнинг суннатлиги**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангиз хотинингизга яқинлик қилмоқчи бўлсангиз, «Бисмиллоҳи, оллоҳумма жаннибнаш-шайтона ва жаннибиш-шайтона мо разақтана (Оллоҳнинг исми билан бошлайман. Илоҳи, биздан шайтонни йироқ қилғайсен ва шайтонни бизга беражагинг фарзанддан йироқ қилғайсен!)»—денг! Шундан сўнг сизга фарзанд тақдир этса (бола бўлса), унга шайтон зарар етказмағайдир» — деганлар»,— дейди.

### **9-боб. Ҳожатхонага кираётганда нима дейилади?**

111 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ قَالَ: (اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخُبَائِثِ) .

*Абдулазиз ибн Суҳайб Анас бундай деган эди, деб ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кирсалар: «Оллоҳумма инни аъзу бика мин ал-хубси ва л-хабоиси (илоҳи, мен сендан эркак ва урғочи шайтонларнинг ёмонлигидан асрамоғингни сўрайдурман)», — дердилар». (Баъзи бир нусхаларида «илоҳи» сўзидан аввал «бисмиллоҳ» сўзи ҳам бор).

### **10-боб. Ҳожатхона олдида мустаҳаб учун сув тайёрлаб қўйиш**

112 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ الْخَلَاءَ قَالَ: فَوَضَعْتُ لَهُ وُضوءًا ، فَقَالَ: ( مَنْ وَضَعَ هَذَا ) . فَأُخْبِرَ ، فَقَالَ: ( اللَّهُمَّ فَقهَهُ فِي الدِّينِ ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кирдилар, мен у кишига таҳорат учун сув келтириб қўйдим. Жаноб Расулulloҳ (чиқиб): «Ким қўйди буни?» — дедилар. Расулulloҳга (ибн Аббос, деб) айтишди. Расулulloҳ: «Илоҳи, уни дин билимдони қилғайсен!» — деб дуо қилдилар».

### **11-боб. Қиблага қараб ҳожатга ўтириб бўлмайди, бирор бинонинг ичида девор ёки шу каби нарсага қараб ўтириш мумкин**

113 . عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ( إِذَا أَتَى أَحَدُكُمْ الْعَائِطَ فَلَا يَسْتَقْبِلُ الْقِبْلَةَ وَلَا يُولِّهَا ظَهْرَهُ ، شَرِّقُوا أَوْ غَرِّبُوا ) .

*Абу Айюб ал-Ансорийдан:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангиз қазои ҳожатга борсангиз, қиблага қараб ёки қиблага орқа қилиб ўтирмангиз, кун чиқар ва кун ботарга қараб ёҳуд орқа қилиб ўтирингиз!» — деганлар». (Ўрта Осиёда шимол ёки жанубга қараб).

### **12-боб. Икки ғишт устига чиқиб, қазои ҳожат қилмоқ**

*Восиъ ибн Ҳаббондан:* «Абдуллоҳ ибн Умар: «Одамлар, қазои ҳожатга ўтирсанг, қиблага ҳам, Байт ул-Муқаддасга ҳам қараб ўтирма!» дейишади»,— дер эди. Абдуллоҳ ибн Умар: «Бир куни томга чиқдим, уйимизнинг орқасида Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг иккита ғишт устида Байт ул-Муқаддасга қараб (олдиларида уй бор) ҳожат қилаётганларини кўрдим»,— дедида, менга (Восиъга): («Агар шу масалани ҳам билмасанг) қоринлари билан сажда қилгувчилардан экансанда!» — деди. Мен: «Оллоҳ ҳаққи, билмасман»,— дедим».

Имом Молик айтадилар: «Ибн Умар, қорни билан сажда қилувчи, деб ерга ётиб олиб, ердан кўтарила олмасдан сажда қиладиганларни айтган».

### 13-БОБ. Хотинларнинг (қазои ҳожат учун) ҳовлидан ташқарига чиқиши

114 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ أَرْوَاحَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كُنَّ يَخْرُجْنَ بِاللَّيْلِ إِذَا تَبَرَّزْنَ إِلَى الْمَنَاصِعِ ، وَهُوَ صَعِيدٌ أَفِيحٌ ، فَكَانَ عُمَرُ يَقُولُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : احْجُبْ نِسَاءَكَ ، فَلَمْ يَكُنْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْعَلُ ، فَخَرَجَتْ سَوْدَةُ بِنْتُ زَمْعَةَ زَوْجَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةً مِنَ اللَّيَالِي عِشَاءً ، وَكَانَتْ امْرَأَةً طَوِيلَةً ، فَنَادَاهَا عُمَرُ أَلَا قَدْ عَرَفْنَاكَ يَا سَوْدَةَ - حَرِصًا عَلَى أَنْ يَنْزَلَ الْحِجَابُ - ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ آيَةَ الْحِجَابِ .

*Оиша разияллоҳу анҳодан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари тунда қазои ҳожат учун Маносиъ деган жойга чиқар эдилар. У ер кенг, сайҳон жой эди. Ҳазрат Умар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Хотинларингизни тўсинг (чиқарманг)!»—дер эдилар. Расулulloҳ бундай қилмас эдилар. Бир куни хуфтон пайтида Савда бинти Замъа (Расулulloҳнинг хотинларидан бири) ташқарига чиқдилар. Бўйлари узун хотин эдилар. Шунда Ҳазрат Умар кўриб: «Ҳо Савда, биз сени танидик»,— деб хитоб қилдилар. Бу гапни, хотинларни парда ичига олиш тўғрисида оят нозил бўлсайди, деб айтдилар. Сўнг Оллоҳ таоло «Ҳижоб ояти»ни нозил қилди».

*Оиша разияллоҳу анҳодан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам («Ҳижоб ояти» тушгандан кейин): «Оллоҳ таоло баъзи бир ҳожатларингиз учун ташқарига чиқишингизга рухсат берди»,— дедилар.

Оиша онамиз: «Ҳожатларингиз» деганда қазои ҳожатни назарда тутадилар»,— деб айтганлар. Шихобуддин Қасталоний айтадилар: «Хонадон ичида таҳоратхона бўлмаган вақтда зарурат учун ташқарига чиқишга рухсат берилган». Шунинг учун ҳам Имом Бухорий кейинги бобни «Хонадонда таҳорат синдириш боби» деб атадилар.

### 14-БОБ. Хонадонларда таҳорат синдириш

*Абдуллоҳ ибн Умардан:* «(Опам) Ҳафса (Расулulloҳнинг хотинлари) уйининг томига баъзи бир ҳожат учун чиқдим. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (пастда) қиблага орқаларини, Шомга олдиларини қилиб, қазои ҳожат қиладиганларига кўзим тушди».

### 15-БОБ. Сув билан мустаҳаб қилиш (остини ювиш)

*Анас ибн Молик:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатга чиқсалар, мен ва бир бола мустаҳаб қилишлари учун ортларидан идишда сув олиб борар эдик»,— дейдилар.

### 16-БОБ. Таҳорат учун ўзи билан бирга сув олиб юриш

*Абуддардоъ айтадилар:* «Алқама ибн Қайс ироқликлардан: «Сизнинг орангизда Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маҳсиларини, таҳорат сувларини, ёстиқчаларини кўтариб юрадиган зоти шариф бормилар?» — деб сўраганида, Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Нега менинг ўзимдан сўрайсизлар?» — деган эканлар.

«Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожатга чиқсалар, мен ва ансорий бир бола орқаларидан идишда сув олиб эргашиб борар эдик», деб айтганди Анас»,— дейдилар Ато ибн Маймуна.

### 17-боб. Таҳорат пайтида анза (темир учли ҳасса) ва идишда сув ҳозирлаб турмоқ

*Анас:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кирар эдилар, сўнг мен билан бир бола идишда сув ва анзаларини (ҳассаларини) ҳозирлаб турардик. Сув билан Расулulloҳ мустаҳаб қилар эдилар»,— деганлар.

### 18-боб. Ёнг қўл билан таҳорат қилишдан қайтариш

115 . عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ( إِذَا شَرِبَ أَحَدُكُمْ فَلَا يَتَنَفَّسْ فِي الْإِنَاءِ ، وَإِذَا أَتَى الْخَلَاءَ فَلَا يَمْسُ ذَكَرَهُ بِيَمِينِهِ ، وَلَا يَتَمَسَّحُ بِيَمِينِهِ ) .

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатодадан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангиз идишдан сув ичсангиз, ичига пуфламангиз. Агар ҳожатхонага кирсангиз, олатингизни ёнг қўл билан ушламангиз ва ёнг қўл билан артмангиз!»— деган эканлар».

### 19-боб. Олатни ёнг қўл билан ушлаб таҳорат ушатиладир

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатоданинг отасидан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз кичик ҳожатга борадиган бўлсангиз, ёнг қўл билан олатни ушламангиз ва ёнг қўл билан артмангиз, сув ичаётган идишга пуфламангиз!»— деган эканлар».

### 20-боб. Тош ва кесак билан покланмоқ

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатга чиққанларида эргашдим. У ёқ-бу ёққа қарамай борар эдилар. У кишига яқин борганимда, «Менга тош келтирғил, истинжо (покланиш) қилғайман»,— дедилар ёки шунга ўхшаш бир гап айтдилар. Кейин: «Суяк ёки тезак олиб келмағил!»— дедилар. Кийимимнинг этагида тош териб келдим. Ёнларига тўкиб, у кишидан ўгирилиб турдим, қазои ҳожатдан кейин тошлар билан истинжо қилдилар».

### 21-боб. Мусулмон киши тезак билан артмайдир

*Абдурахмон ибн Асваднинг отасидан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (таҳорат ушатиш учун) холироқ жойга борганларида менга учта тош топиб келишни буюрдилар. Иккита тош топдим, учинчисини топмадим, (ўрнига) бир тезакни олдим, уларни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга келтирдим. Икки тошни олдилар, тезакни ташладилар ва «Бу макрух, нарсадир (баъзи бир нусхада жинлар таомидир)»,— дедилар».

### 22-боб. Таҳоратда аъзоларни бир мартадан ювмоқ

116 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: تَوَضَّأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّةً مَرَّةً .

*Абдуллоҳ ибн Аббосдан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олаётиб, аъзоларини бир мартадан ювдилар».

### 23-боб. Таҳоратда аъзоларни икки мартадан ювмоқ

117 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ مَرَّتَيْنِ مَرَّتَيْنِ .

*Абдуллоҳ ибн Зоҳиддан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат қилаётиб, аъзоларини икки мартадан ювдилар».

### 24-боб. Таҳоратда аъзоларни уч мартадан ювмоқ

118 . عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ دَعَا بِإِنَاءٍ فَأَفْرَغَ عَلَيَّ يَدَيْهِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ فَعَسَلَهُمَا ، ثُمَّ أَدْخَلَ يَمِينَهُ فِي الْإِنَاءِ

فَمَضْمَضَ وَاسْتَنْشَقَ وَاسْتَنْشَرَ ، ثُمَّ غَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ، وَيَدَيْهِ ثَلَاثًا إِلَى الْمِرْفَقَيْنِ ، ثُمَّ مَسَحَ بِرَأْسِهِ ، ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ إِلَى الْكَعْبَيْنِ ، ثُمَّ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ تَوَضَّأَ نَحْوَ وَضُوءِي هَذَا ، ثُمَّ صَلَّى رَكَعَتَيْنِ لَا يَحْدُثُ فِيهِمَا نَفْسَهُ ، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ ) .

وَفِي رِوَايَةٍ أَنَّ عُمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَلَا أُحَدِّثُكُمْ حَدِيثًا ، لَوْ لَا آيَةٌ فِي كِتَابِ اللَّهِ مَا حَدَّثْتُكُمْ هُوَ ، سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( لَا يَتَوَضَّأُ رَجُلٌ فَيُحْسِنُ وَضُوءَهُ ، وَيَصَلِّي الصَّلَاةَ ، إِلَّا غُفِرَ لَهُ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ الصَّلَاةِ حَتَّى يَصَلِّيَهَا ) . قَالَ عُرْوَةُ : الْآيَةُ : ﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ﴾ .

*Ҳимрон Мавло Усмондан:* «Усмон разияллоҳу анҳу: «Идишда сув келтирингиз!»—дедилар. Сўнг идишни уч марта эгиб, қўлларини ювдилар. Кейин ўнг қўлни идишга тиқиб, (сув олиб) уч марта оғиз чайқадилар, кейин уч марта юзларини ювдилар, кейин икки қўлларини тирсагигача уч марта ювдилар, кейин бошга масҳ тортдилар, кейин оёқларини уч марта товонгача ювиб, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки шу таҳоратим янглиғ таҳорат олғайдир ва кўнглига дунёвий ишларни келтирмасдан, кейин икки ракъат намоз ўқиғайдир, ўтган гуноҳлари мағфират қилинғайдир», деб айтдилар»,—дедилар».

*Иккинчи бир ривоятда Ҳимрон:* «Усмон таҳоратдан бўшагач: «Аё, мен сизларга бир ҳадис айтурмен, (Қуръони Каримда) бир оят бўлмаганда эрди, уни сизларга айтмас эрдим, уни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан эшитганман. «Киши яхшилаб таҳорат олиб, намоз ўқиса, унинг у намоз билан бу намоз ўртасидаги гуноҳлари намозни ўқиб бўлгунча кечирилғайдир», дедилар»,—дейди. Урва ибн Зубайр: «Ҳалиги Усмон эслатган оят «Оллоҳ нозил қилган илмни беркитгувчиларга...» деган оят эрди»,— дейдилар.

## 25-боб. Таҳорат қилаётганда бурунга сув олиб қоқмоқ

119. عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ : ( مَنْ تَوَضَّأَ فَلْيَسْتَنْشِرْ ، وَمَنْ اسْتَجْمَرَ فَلْيُوتِرْ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан:* «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки таҳорат олса, бурнига сув олиб қоқсин. Кимки, таҳорат ушатгач, кесак ишлатса, тоқ ишлатсин (учта!)»—деганлар.

## 26-боб. Кесакни тоқ ишлатмоқ

وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا تَوَضَّأَ أَحَدُكُمْ فَلْيَجْعَلْ فِي أَنْفِهِ مَاءً ثُمَّ لِيَنْشِرْ ، وَمَنْ اسْتَجْمَرَ فَلْيُوتِرْ ، وَإِذَا اسْتَيْقَظَ أَحَدُكُمْ مِنْ نَوْمِهِ ، فَلْيَغْسِلْ يَدَهُ قَبْلَ أَنْ يُدْخِلَهَا فِي وَضُوءِهِ ، فَإِنَّ أَحَدَكُمْ لَا يَدْرِي أَيْنَ بَاتَتْ يَدُهُ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан:* «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангиз таҳорат олсангиз, бурнингизга сув олиб қоқингиз. Кимки, таҳорат ушатгач, кесак ишлатса, тоқ ишлатсин (3, 5, 1 та). Агар қайси бирингиз уйқудан уйғонсангиз, тоғорадаги сувга қўлни солмасдан аввал (уни қийшайтириб) қўлингизни уч марта ювингиз. Чунки бирортангиз қўлингизнинг қаерларга текканини билмасиз»,—деганлар».

## 27-боб. Оёқ ювмоқ

*Абдуллоҳ ибн Амрдан:* «Бир сафарда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам биздан кейинда қолдилар, аср вақтида бизга етиб олдилар. Биз таҳорат олаётган

эдик, оёқларни номигагина ювар эдик. Расулulloҳ баланд овоз билан «Дўзах оташидан оёқ қафтларининг ҳолига вой!» деб 2 ёки 3 бор хитоб қилдилар».

### 28-боб. Таҳорат олаётганда оғиз чайқамоқ

*Ҳимрон Мавло Усмондан:* «Усмон разияллоҳу анҳу таҳорат учун сув келтиришни буюрдилар. Кейин идишни эгиб, қўлларига сув қуйиб уч марта ювдилар, ўнг қўлни идишга тикиб сув олиб, уч марта оғиз чайқадилар ва бурун қоқдилар, юзларини уч марта ювдилар, икки қўлни тирсаккача қўшиб уч марта ювдилар, бошга масҳ тортдилар, ҳар бир оёқни уч мартадан ювдилар. Сўнг: «Саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шу таҳоратим янглиғ таҳорат олганларини кўрдим. «Кимки шу таҳоратим янглиғ таҳорат олғайдир ва кўнглига дунёвий ишларни келтирмасдан намоз ўқиғайдир, Оллоҳ таоло ўтган гуноҳларини кечириб юборғайдир», деб айтганлар»,— дедилар».

### 29-боб. Товонларни яхшилаб ювмоқ

*Муҳаммад ибн Зиёддан:* «Абу Ҳурайра ва биз обдастадан таҳорат олаётган адамлар ёнидан ўтиб кетаётганимизда, Абу Ҳурайра уларга: «Таҳоратни мукамал олингиз, ювадиган аъзоларни тўлиқ ювингиз, чунки Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ювилмай қолган товонлар дўзах ўтида қолади» деб айтганлар»,— дедилар».

### 30-боб. Наълга (пойабзалга) масҳ тортмай, уни ечиб оёқларни ювиш

120 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا وَقَدْ قِيلَ لَهُ : رَأَيْتَكَ لَا تَمَسُّ مِنَ الْأَرْكَانِ إِلَّا الْيَمَانِينَ ، وَرَأَيْتَكَ تَلْبَسُ النَّعَالَ السَّبْتِيَّةَ ، وَرَأَيْتَكَ تَصْبِغُ بِالصُّفْرَةِ ، وَرَأَيْتَكَ إِذَا كُنْتَ بِمَكَّةَ أَهَلَ النَّاسِ إِذَا رَأَوْا الْهَلَالَ وَلَمْ تُهَلِّ أَنْتَ حَتَّى كَانَ يَوْمَ التَّرْوِيَةِ ، فَقَالَ : أَمَّا الْأَرْكَانُ فَإِنِّي لَمْ أَرِ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمَسُّ إِلَّا الْيَمَانِينَ ، وَأَمَّا النَّعَالُ السَّبْتِيَّةُ فَإِنِّي رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَلْبَسُ النَّعَالَ الَّتِي لَيْسَ فِيهَا شَعْرٌ وَيَتَوَضَّأُ فِيهَا ، فَأَنَا أَحِبُّ أَنْ أَلْبَسَهَا ، وَأَمَّا الصُّفْرَةُ فَإِنِّي رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْبِغُ بِهَا ، فَأَنَا أَحِبُّ أَنْ أَصْبِغَ بِهَا ، وَأَمَّا الْإِهْلَالَ فَإِنِّي لَمْ أَرِ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَهْلُ حَتَّى تَنْبَعَثَ بِهِ رَأِحَتُهُ .

*Убайд ибн Журайж Абдуллоҳ ибн Умарга қараб:* «Эй Абу Абдуррахмон, сизда 4 та хислатни кўрдим, буларни шерикларингиздан бирортасида ҳам кўрмаганман»,— деди. «Нима экан улар, эй Ибн Журайж?» — деди Абу Абдуррахмон. «Биринчидан, Каъбанинг фақат икки яманий деворинигина силаб қўясиз (қолган икки томонини силамайсиз). Иккинчидан, хиром поябзал киясиз (саҳобалар хиром қилинмаган, юнгли поябзал кийишган, хиром қилинган поябзални мол-дунёга берилган одамлар кияди, дейишган). Учунчидан, сиз сариқ бўёқ ишлатасиз, тўртинчидан, Маккада турган вақтингизда зулҳижжа ойи кирган куни одамлар талбия (лаббайка оллоҳумма лаббайка) айтишди, сиз айтмадингиз, сиз 8- нчи зулҳижжа куни айтдингиз»,— деди Ибн Журайж. Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай деб» жавоб қилдилар: «Каъба девори масаласига келсак, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шу икки яманий деб номланган девордан бошқасини силаганларини кўрмадим. Хиром поябзалга келсак, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам туки йўқ поябзал кийиб олганларини кўрдим, ўшанда уни ечиб оёқларини ювгандилар, ўшандай поябзал кийишни яхши кўраман. Сарик рангга келсак, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сариқ бўёқ ишлатганларини кўрдим. Мен ҳам сариқ бўёқ ишлатишни яхши кўраман. Аммо талбия масаласига келсак, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туяларига миниб, Мино йўлига чиқиб

олгунларича (8-нчи куни) талбия айтиб борганларини кўрмадим».

### 31-боб. Таҳоратни ва ғулни ўнг томондан бошламоқ

*Умму Атиййа разияллоҳу анҳодан:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Умму Атиййа ва унинг ёнидаги аёлларга қизлари Зайнабнинг мурдасини ювишни «Ўнг томондан ва таҳоратда ювиладиган жойлардан бошлангиз!» — деганлар».

121 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعْجِبُهُ التَّيْمُنُ فِي تَنْعَلِهِ وَتَرَجُلِهِ وَطُهُورِهِ وَفِي شَأْنِهِ كُلِّهِ .

*Оиша разияллоҳу анҳодан:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳар нарсани ўнгидан бошлашни яхши кўрардилар: пойабзал кийишни ҳам, соч-соқол тарашни ҳам, таҳорат олишни ҳам ва бошқа барча ишларни ҳам».

### 32-боб. Намоз вақти яқинлашганда таҳоратга сув сўрамоқ

*Оиша разияллоҳу анҳодан:* «(Сафарда) бомдод намозини ўқийдиган вақт келганда таҳорат учун сув қидирилди, топилмади, шундан сўнг таяммум қилмоқликка оят нозил бўлди».

122 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَحَاطَتْ صَلَاةَ الْعَصْرِ ، فَالْتَمَسَ النَّاسُ الْوَضُوءَ فَلَمْ يَجِدُوا ، فَأَتَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِوَضُوءٍ ، فَوَضَعَ يَدَهُ فِي ذَلِكَ الْإِنَاءِ ، وَأَمَرَ النَّاسَ أَنْ يَتَوَضَّؤُوا مِنْهُ ، قَالَ : فَرَأَيْتُ الْمَاءَ يَنْبَعُ مِنْ تَحْتِ أَصَابِعِهِ ، حَتَّى تَوَضَّؤُوا مِنْ عِنْدِ آخِرِهِمْ .

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам намози аср вақти яқинлашганда одамлардан таҳорат учун сув сўрадилар. Сув келтиришгач, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қўлларини идиш оғзига қўйиб, энгаштирдилар-да, одамларга таҳорат олмоқни буюрдилар. Анас: «Жаноб Расулulloҳнинг панжалари остидан сув силқиб тушаётганини кўрдим, ўша сувдан ҳатто охириги одамгача таҳорат олди»,— дейдилар.

### 33-боб. Инсон сочи ювилган сувнинг ҳукми (ҳалол ё ҳаром)

*Ато ибн Абу Рабоў:* «Сочдан арқон ёки ип қилмоқнинг зарари йўқ»,— дер эдилар. Итдан қолган сарқитнинг (ит теккан нарсанинг) ҳукми ва итнинг масжиддан ўтишининг ҳукми: Аз-Зухрий: «Агар идишдаги сувга ит тегсаю, таҳорат олмоқ учун ундан бошқа сув бўлмаса, ўша сув билан таҳорат олса бўлур»,— дейдилар. Суфён ас-Саврий эса: «Мана бу ҳукм Қуръони Каримдан олинган бўлиб, Оллоҳ таоло: «Сув топмасангиз, таяммум қилингиз, бу сувдир ва (итнинг) нафасида бир (зарарли) нарса бордир» деган»,— дейдилар.

*Ибн Осимдан:* «Убайдага дедим: «Бизда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг сочлари бордир, Уни Анас ёки у кишининг уйдагилари орқали олишга муяссар бўлдик. Менда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг бир тола сочларининг борлиги дунё ва ундаги бор нарсалар меники бўлиб қолганидан ҳам севинчлироқдир».

123 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمَّا حَلَقَ رَأْسَهُ ، كَانَ أَبُو طَلْحَةَ أَوَّلَ مَنْ أَخَذَ مِنْ شَعْرِهِ

*Анас разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (Ҳажжат ул-Видоъда) сочларини олдираётганларида биринчи бўлиб сочларидан олган киши Абу Талҳа эдилар».

### 34-боб. Агар биронтангизнинг идишингизни ит яласа, етти марта ювингиз!

124. عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا شَرِبَ الْكَلْبُ فِي إِنَاءٍ أَحَدِكُمْ فَلْيَغْسَلْهُ سَبْعًا ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангизнинг идишингиздан ит ичса, етти марта ювингиз!» — деганлар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳуга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтиб берган эканлар:* «Баний, Исроил қавмидан бир киши бир итнинг чанқоқдан тупроқ ялаётганини кўриб, маҳсисида сув олиб, итга ичирди. Оллоҳ таоло ул бандани мукофотлаб, жаннатга киргизгайдир».

125. عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَتِ الْكِلَابُ تُقْبَلُ وَتُدْبَرُ فِي الْمَسْجِدِ ، فِي زَمَانِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَمْ يَكُونُوا يُرْشُونَ شَيْئًا مِنْ ذَلِكَ .

*Абдуллоҳ ибн Умарнинг ўғли Ҳамза:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида итлар масжидимизга кириб-чиқиб юрар эрди, сув бирлан бирор жойни ювмас эрдилар»,— деган эканлар.

*Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ит билан ов қилмоқлик тўғрисида сўрадим. «Агар итингни ўзинг овга олиб борсанг-у, ўлжани ўлдириб (тутиб) берса, еяверғил, агар итинг ўзича тутиб еяётган эрса, емағил, зеро у ўзи учун тутгандир»,— дедилар. «Ўргатган итимни ўлжага юборсаму, ўлжа устида итим билан бошқа итни ҳам кўрсамчи?» — дедим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ул ўлжани емағил, чунки сен ўз итингга тасмия (Бисмиллоҳи Оллоҳу акбар) айтгандирсен, бегона итга тасмия айтмагандирсен»,— дедилар.

### 35-боб. Катта ва кичик ҳожатдан бошқаси таҳоратни синдирмайдир, деб ҳисобловчилар

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Қайси бирингиз таҳорат ушатгайдирсиз (қазои ҳожат қилгайдирсиз) таҳорат вожиб бўлур»,— деган. Ато ибн Абу Рабоҳ: «Орқасидан қурт ёки пешобидан бургага ўхшаш ҳашорат чиққан кишилар қайта таҳорат қилурлар»,— деганлар. Жабр ибн Абдуллоҳ бундай деганлар: «Кимки намозда кулгайдир, таҳоратини янгиланмай намозини қайтариб ўқиғайдир». Ҳасан Басрий: «Агар киши соч олдиурса ёки тирноғини олса ё маҳсисини ечса, таҳорат олмоқ лозим бўлмайдир (оёғининг ўзини ювиб олғайдир)»,— деганлар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Таҳорат ел чиқмаса, синмағайдир». Жабр разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ғазотда қатнашдилар. Бир кишига камон ўқи тегди. У киши қон оқиб туришига қарамай, рукуъ, сажда қилиб, намоз ўқийверди». Ҳасан Басрий айтадилар: «Мусулмонлар жароҳатлари билан ҳам намоз ўқийверар эдилар. Товус, Муҳаммад ибн Али, Ато ибн Абу Рабоҳ ва Ҳижоз, Макка ва Мадина аҳли: «Қон оқса, таҳорат синмағайдир (Ҳанафий мазҳабида синтайдир)»,— дейдилар. Ибн Умар юзидаги ҳуснбузарни сикди, қон чиқди, лекин таҳоратини янгиланмади. Ибн Убай қон тупуриб, намозини ўқишда давом этаверди. Ибн Умар ва Ҳасан Басрий: «Қон олдирган одам таҳорат янгиланмайдир, балки қон олинган жойини ювгайдир, холос»,— дедилар».

126. عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا يَزَالُ الْعَبْدُ فِي صَلَاةٍ مَا كَانَ فِي الْمَسْجِدِ يَنْتَظِرُ الصَّلَاةَ مَا لَمْ يُحْدَثْ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Масжидда намозни кутиб турган киши, агар у ҳадас қилмаган эрса, намозда турган

ҳисобланур»— дедилар. Шунда бир ажамий (араб эмас) киши: «Ҳадас надир?» — деди. Абу Ҳурайра: «Орқадан ел чиқмоғи»,— дедилар.

*Ибод ибн Тамимнинг амакисидан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «То киши ел овозини эшитиб, ҳидини сезмагунча, намозини бузмасин!» — дедилар.

*Муҳаммад ибн Ҳанафиядан:* «Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу: «Шаҳвати кўп одам эдим, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрашга уялдим, Миқдодга: «Сен сўрагин!—дедим»,— дебдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Маний (суюқ сув) келганда, таҳорат олмоқ лозим бўлғайдир»,— деб жавоб қилибдилар».

127 . عَنْ زَيْدِ بْنِ خَالِدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَأَلْتُ عُمَانَ بْنَ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قُلْتُ: أَرَأَيْتَ إِذَا جَامَعَ فَلَمْ يَمْنِ، قَالَ عُثْمَانُ: يَتَوَضَّأُ كَمَا يَتَوَضَّأُ لِلصَّلَاةِ وَيَغْسِلُ ذَكَرَهُ قَالَ عُثْمَانُ: سَمِعْتُهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلْتُ عَنْ ذَلِكَ عَلِيًّا وَالزُّبَيْرَ وَطَلْحَةَ وَأَبِي بَنِي كَعْبٍ فَأَمَرُوهُ بِذَلِكَ.

*Зайд ибн Холид Ҳазрат Усмондан:* «Агар киши хотини бирлан алоқа қилган эрсаю, маний тўкмаган бўлса, не қилғайдир?»—деб сўрадилар. Ҳазрат Усмон: «Намозга таҳорат олгандек, таҳорат олғайдир, олатини ювғайдир, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳам шундай деб эшитгандирмен. Али, Зубайр, Талҳа ва Али ибн Каъбдан сўраганимда ҳам шундай дейишгандир»,— деб айтдилар».

128 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أُرْسِلَ إِلَى رَجُلٍ مِنَ الْأَنْصَارِ ، فَجَاءَ وَرَأْسُهُ يَقْطُرُ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَعَلْنَا أَعْجَلْنَاكَ ) . فَقَالَ : نَعَمْ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِذَا أُعْجِلْتَ أَوْ قُحِطَتْ فَعَلَيْكَ الْوُضوءُ ) .

*Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорийлардан бирига одам юбордилар. Ансорий сочидан сув томиб келди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз сизни шошириб қўйибмизда (жимоъ қилиб улгурмабсиз)?!» —дедилар. Ансорий: «Ҳа, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам»,— деди. «Агар шошиб қолсангиз (охирига етмасангиз) ёки маний тўкмасангиз, таҳорат олсангиз, басдир»,— дедилар».

### 36-боб. Ҳамроҳи таҳорат олаётганда сув қуйиб турмоқ

*Усома ибн Зайддан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафот тоғидан ошиб, Шаъб деган жойга келганларида, қазои ҳожат қилдилар. Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга сув қуйиб бериб турдим, у киши таҳорат олдилар. Сўнг: «Ё Расулulloҳ, намоз ўқийдирсизми?»—дедим. «Намоз олдингдадир (ҳали вақт бор)»,— дедилар».

129 . عَنْ الْمُغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ كَانَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ ، وَأَنَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَهَبَ لِحَاجَةٍ لَهُ ، وَأَنَّ الْمُغِيرَةَ جَعَلَ يَصُبُّ الْمَاءَ عَلَيْهِ وَهُوَ يَتَوَضَّأُ ، فَغَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ ، وَمَسَحَ عَلَى الْخَفَيْنِ .

*Урва ибн ал-Муғира ибн Шуъбадан:* «Муғира ибн Шуъба Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда бўлур эрди. Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожат қилганларидан кейин сув қуйиб бериб турди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар, юзларини, қўлларини ювдилар, бошларига ва маҳсиларига масҳ тортдилар».

### 37-боб. Таҳоратсиз Қуръон ўқиш ва ундан бошқа нарсаларнинг жоизлиги

*Иброҳим ан-Нақашдан:* «Ҳаммомда қироат қилмоқнинг ва таҳоратсиз хат



ёзмоқнинг зарари йўқдир. Ҳаммомдагиларнинг лунгиси бор эрса, салом берғил, лунгиси йўқ эрса, салом бермағил!»

130 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ بَاتَ لَيْلَةً عِنْدَ مَيْمُونَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَهِيَ خَالَتُهُ فَاضْطَجَعَتْ فِي عَرْضِ الْوَسَادَةِ وَاضْطَجَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَهْلُهُ فِي طُولِهَا ، فَنَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى إِذَا انْتَصَفَ اللَّيْلُ أَوْ قَبْلَهُ بِقَلِيلٍ أَوْ بَعْدَهُ بِقَلِيلٍ اسْتَيْقَظَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَجَلَسَ يَمْسُحُ النَّوْمَ عَنْ وَجْهِهِ يَدَهُ ثُمَّ قَرَأَ الْعَشْرَ الْآيَاتِ الْخَوَاتِمَ مِنْ سُورَةِ آلِ عِمْرَانَ ثُمَّ قَامَ إِلَى شَنٍّْ مُعَلَّقَةٍ فَتَوَضَّأَ مِنْهَا فَأَحْسَنَ وُضُوءَهُ ، ثُمَّ قَامَ يُصَلِّي ، قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ : فَقُمْتُ فَصَنَعْتُ مِثْلَ مَا صَنَعَ ، ثُمَّ ذَهَبْتُ فَقُمْتُ إِلَى حَنْبِهِ ، فَوَضَعَ يَدَهُ الْيُمْنَى عَلَى رَأْسِي ، وَأَخَذَ بِأُذُنِي الْيُمْنَى يَفْتَلُهَا ، فَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ ، ثُمَّ رَكَعَتَيْنِ ، ثُمَّ رَكَعَتَيْنِ ، ثُمَّ رَكَعَتَيْنِ ، ثُمَّ رَكَعَتَيْنِ ، ثُمَّ رَكَعَتَيْنِ ، ثُمَّ أَوْتَرَ ثُمَّ اضْطَجَعَ حَتَّى أَتَاهُ الْمُؤَدُّنُ ، فَقَامَ فَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ خَفِيفَتَيْنِ ، ثُمَّ حَرَجَ فَصَلَّى الصُّبْحَ .

*Абдуллоҳ ибн Аббосдан:* «Бир кеча Жаноб Расулulloҳнинг хотинлари холам Маймунаникида ётиб қолдим. Мен ёстиқнинг ён томонига, Расулulloҳ ва хотинлари узун томонига бош қўйиб ётдилар. Расулulloҳ ярим кечагача ухладилар, кейин уйғониб ўтирдилар. Уйқуни қочирмоқ учун юзларини ишқаладилар. Кейин, Оли Имрон сурасининг охириги 10 оятини ўқидилар. Кейин, ўринларидан туриб, осиглиқ мешчани олиб, таҳорат олдилар. Таҳоратни яхшилаб олдилар. Кейин, туриб намоз ўқидилар. Мен ҳам ўрнимдан туриб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қилганларини қилдим ва чап ёнларига бориб намозга турдим. Ўнг қўлларини бошимга қўйдилар, кейин ўнг қулоғимни чўздилар (ўнг томонга турғил, деган маънода). Сўнг 2 ракъат, сўнг 2 ракъат, сўнг 2 ракъат, сўнг 2 ракъат, сўнг 2 ракъат, сўнг 2 ракъат намоз, кейин витр ўқидилар, кейин то муаззин келгунча ёнбошладилар, кейин туриб енгилгина 2 раъат намоз ўқидилар. Кейин чиқиб, бомдод намозини ўқидилар».

### 38-боб. Кўзи қаттиқ тиниб кетганлиги учунгина (бошдан) сув қуймоқ

*Асмо бинти Абу Бакрдан:* «Жаноб Расулulloҳнинг хотинлари синглим Оишаникига бордим. Қуёш тутилган бўлиб, одамлар намоз ўқишаётган эрдилар, синглим ҳам намоз ўқир эрди. Мен: «Одамларга не бўлди?» — десам, Оиша қўллари билан осмонга ишора қилиб, «Субҳонллоҳ»,— деди. «(Қиёмат) аломатими, бу?» — дедим. У: «Ҳа» — деган маънода бош ирғади. Мен ҳам кўзим тиниб кетгунига қадар намоз ўқийвердим, сўнг (ўзимга келмоқ учун) бошимдан сув қуя бошладим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан қайтгач, Оллоҳга ҳамду сано айтдиларда: «Кўрмаган бирор нарсам қолмади, ҳаммасини, ҳатто жаннату дўзахни ҳам шу ерда туриб кўрдим. Менга (қуйидаги) ваҳий келди: «Бу кишини («бу мўъминни» ёки «бу муқинни» дедиларми, аниқ билмайман, дейди Асмо) биласанми»,— деб сўрашғайдир. Шунда: «Бу Муҳаммад Расулulloҳдир, бизга далолат ва ҳидоят олиб келгандирлар, биз қабул қилгандирмиз, иймон келтиргандирмиз ва эргашгандирмиз»,— дейди. «Ором олиб ухлайвер, биз сенинг муқин (содиқ) эканлигингни билур эрдик»,— дейишғайдир. Аммо мунофиқ ёки иккиланувчи («мунофиқ» ёки «иккиланувчи» дедиларми, аниқ айтрмайман, дейди Асмо) бўлса, йўқ билмасман, одамлар нимадир деганини эшитгандирман, мен ҳам (ўшалардан эшитганимни) айтгандирман дейди»,— дедилар».

### 39-боб. Бошнинг ҳаммасига масҳ тортмоқ

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Бошингизга масҳ тортингиз!» — деган. Ибн Мусаййаб айтадилар: «Хотин киши ҳам эркак киши каби бошининг ҳаммасига масҳ

тортғайдир». Имом Моликдан: «Бошнинг бир қисмига масҳ тортилса, кифоя қилурми?» — деб сўрашди. Имом Молик кифоя қилмаслигига Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадисини далил қилиб кўрсатдилар.

131 . عن عبد الله بن زيد رضي الله عنه : أن رجلاً قال له : أتستطيع أن تُرَيِّنِي كَيْفَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ ؟ فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ زَيْدٍ : نَعَمْ فَدَعَا بِمَاءٍ فَأَفْرَغَ عَلَى يَدَيْهِ فَغَسَلَ مَرَّتَيْنِ ، ثُمَّ مَضَمَ وَاسْتَنْشَرَ ثَلَاثًا ، ثُمَّ غَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا ، ثُمَّ غَسَلَ يَدَيْهِ مَرَّتَيْنِ مَرَّتَيْنِ إِلَى الْمِرْفَقَيْنِ ، ثُمَّ مَسَحَ رَأْسَهُ بِيَدَيْهِ ، فَأَقْبَلَ بِهِمَا وَأَدْبَرَ ، بَدَأَ بِمُقَدَّمِ رَأْسِهِ حَتَّى ذَهَبَ بِهِمَا إِلَى قَفَاهُ ، ثُمَّ رَدَّهُمَا إِلَى الْمَكَانِ الَّذِي بَدَأَ مِنْهُ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ .

*Амр ибн Яхёнинг отаси бундай ривоят қиладилар:* «Бир киши Абдуллоҳ ибн Зайдга: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нечук таҳорат олганларини кўрсатиб бера олурмисиз?» — деди. Абдуллоҳ: «Ҳа, сув келтирингиз»,— деди. Сўнг қўлига сув қуйиб, 2 марта ювди, кейин 3 марта оғиз ва бурун чайқади, 3 марта юзини ювди, 2 марта икки қўлининг тирсагигача ювди, кейин бошига масҳ тортди, икки қўлининг кафтларини пешонасидан то энсасигача юргизди. Кейин бошлаган жойигача қайтариб келди. Кейин икки оёғини (ошиғигача) ювди».

#### 40-боб. Оёқни товонигача ювмоқ

*Амр ибн Яхё ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Зайддан Амр ибн Абу Ҳасан Расулulloҳнинг қандай таҳорат олишлари тўғрисида сўради. У: «Идишда сув келтирингиз!»— деди. Сўнг идишдан қўлига сув қуйиб, 3 марта ювди, кейин идишга қўлини текиб сув олдида, 3 марта оғиз ва бурун чайқади, 3 марта юзини ювди, икки марта икки қўлини тирсагигача ювди. Кейин сув олиб, масҳ тортди, қўлини пешонасидан энсасигача, энсасидан пешонасигача бир марта юргизди».

#### 41-боб. Одамларнинг таҳорат қилинган сувни ишлатмоғининг жоизлиги

Жарир ибн Абдуллоҳ мисвок (тиш тозалагич) билан оғиз тозалаганларидан кейин қолган сувни оилаларига (табаррук қилиб берганларидан кейин): «Таҳоратга ишлатингиз!» — деб буюрдилар.

132 . عن أبي جُحَيْفَةَ رضي الله عنه قال : خَرَجَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْهَاجِرَةِ ، فَأَتَانِي بِوَضُوءٍ فَتَوَضَّأْتُ ، فَجَعَلَ النَّاسُ يَأْخُذُونَ مِنْ فَضْلِ وَضُوءِهِ فَيَتَمَسَّحُونَ بِهِ ، فَصَلَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الظُّهْرَ رَكَعَتَيْنِ ، وَالْعَصْرَ رَكَعَتَيْنِ ، وَبَيَّنَّ يَدَيْهِ عَنزَةً .

*Ҳаким ибн Утайбага Абу Жухайфа:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг олдимизга кун қизиган вақтда чиқдилар, таҳорат суви келтирилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар. Одамлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳоратларидан тушаётган сувни табаррук қилиб баданларига сурта бошладилар. Расулulloҳ ҳассаларини қибла томонга санчиб қўйиб, икки рақъат (қаср, яъни қисқа қилиб) пешин ва икки рақъат (бу ҳам қаср) аср намози ўқидилар»,— деб айтди.

*Абу Мусо Ашъарий бундай дейдилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам идишда сув олиб келмоқни буюрдилар, сўнг юз-қўлларини ўш сувга ювдилар ва оғизларига бир хўплам сув олиб, идишдаги сувга пуркадилар (табаррук қилиб бердилар), кейин Билал ва Абу Мусога: «Шу сувни ичингиз, у билан юзингиз ва кўкракларингизни ювингиз!» — дедилар».

*Маҳмуд ибн ар-Рабиъ (Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ёшлигида юзига сув пуркагаи йигит) бундай ривоят қилади (унинг гапини Мисвар ва Марвон ибн Ҳакам ҳам тасдиқлайдилар):* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат

олсалар, одамлар баданларидан тушаётган сувни олмоққа талашиб, уришиб кетай дердилар».

#### 42-боб.

133 . عَنْ السَّائِبِ بْنِ يَزِيدَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : ذَهَبَتْ بِي خَالَتِي إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنَّ ابْنَ أُخْتِي وَجِعَ ، فَمَسَحَ رَأْسِي وَدَعَا لِي بِالْبَرَكَاتِ ، ثُمَّ تَوَضَّأَ فَشَرِبْتُ مِنْ وَضُوئِهِ ، ثُمَّ قَمْتُ خَلْفَ ظَهْرِهِ فَنَظَرْتُ إِلَى خَاتَمِ النَّبُوَّةِ بَيْنَ كَتِفَيْهِ ، مِثْلَ زُرِّ الْحَجَلَةِ .

*Соиб ибн Язид ривоят қиладилар:* «Холам мени Расулulloҳ ҳузурларига олиб бориб: «Ё Расулulloҳ, синглимнинг ўғлининг оёғи оғриб қолди»,— дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошимни силадилар ва мени «барака топғил» деб дуо қилдилар, кейин таҳорат олдилар. Таҳоратдан тушган сувдан ичдим, кейин Расулulloҳнинг орқа томонларига ўтиб турдим, икки кураклари ўртасида олмадек келадиган Пайғамбарлик муҳрини кўрдим».

#### 43-боб. Бир ҳовуч сув билан оғиз ва бурун чайқаш

*Амр ибн Яҳёнинг отаси бундай ривоят қилади:* «Абдуллоҳ ибн Зайд идишдан қўлига сув қуйиб, қўлини ювди, кейин бир ҳовуч сув билан оғиз ҳам бурун чайқади, шу ишни 3 марта қилди, сўнг юзини ва икки қўлини тирсаги билан қўшиб 2 марта ювди. Бошига масҳ тортди. Оёғини товони билан қўшиб ювди, кейин: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай таҳорат олғай эрдилар»,— деди».

#### 44-боб. Бошга бир марта масҳ тортмоқ

*Амр ибн Ҳасан ривоят қиладилар:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нечук таҳорат қилишларини Абдуллоҳ ибн Зайддан сўрадим. Шунда у: «Идишда сув келтирингиз!» — деди. Сўнг таҳорат қила бошлади. Идишни қийшайтириб, қўлига сув қуйиб, 3 марта ювди, кейин қўлини идишга тиқиб, сув олиб, бурун чайқади (3 ҳовуч сув билан), сўнг сув олиб, 3 марта юзини ювди, кейин сув олиб, икки қўлини тирсаги билан қўшиб 2 марта ювди, бошига масҳ тортди (пешонасидан энсасигача, энсасидан пешонасигача қўлини юргизди). Кейин идишга қўлини тиқиб сув олиб, икки оёғини ювди». Вуҳайб: «Ўшанда бошга бир марта масҳ тортдилар»,— деб айтган.

#### 45-боб. Эркак кишининг ўз хотини билан бир идишдан таҳорат олмоғининг афзаллиги ва хотин кишининг (уйидан олинган) сув ҳукми

Умар ибн Хаттоб иситилган сувга ва насроний аёл уйидан олинган сувга таҳорат қилдилар.

134 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ الرَّجَالُ وَالنِّسَاءُ يَتَوَضَّئُونَ فِي زَمَانِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَمِيعًا .

*Абдуллоҳ ибн Умардан:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида хотинлар билан эркаклар (галма-галдан) бир идишдан таҳорат олур эрдилар»,— дейдилар.

#### 46-боб. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат қилган сувларини ҳушидан кетган одам устидан қуйганлари

135 . عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : جَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعُودُنِي وَأَنَا مَرِيضٌ لَا أَعْقِلُ ، فَتَوَضَّأَ وَصَبَّ عَلَيَّ

مِنْ وَضُوئِهِ فَعَقَلْتُ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ لِمَنْ الْمِيرَاثُ؟ إِنَّمَا يَرِثُنِي كِلَالَةٌ، فَتَزَلَتْ آيَةُ الْفَرَائِضِ.

*Муҳаммад ибн ал-Мункадирга Жобир бундай деган экак:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, бетоб бўлиб ўзимни билмай ётганимда, мени кўргани келиб, таҳорат олдилар за таҳорат сувини устимдан қўйдилар. Ўзимга келдим. Кейин: «Ё Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, узоқ қариндошларимдан бошқа меросхўрим йўқдир, меросимни кимга қолдиргаймен?»—дедим. Шунда мерос ояти (фароиз ояти) нозил бўлди».

#### 47-БОБ. Тош ёки ёғочдан қилинган идишлардаги сувга таҳорат ва гусл қилмоқ

136. عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: حَضَرَتِ الصَّلَاةُ فَقَامَ مَنْ كَانَ قَرِيبَ الدَّارِ إِلَى أَهْلِهِ، وَبَقِيَ قَوْمٌ فَأَتَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِخْضَبٍ مِنْ حِجَارَةٍ فِيهِ مَاءٌ، فَصَعَّرَ الْمِخْضَبُ أَنْ يَسْطُ فِيهِ كَفَّهُ، فَتَوَضَّأَ الْقَوْمُ كُلُّهُمْ، فَلْنَا: كَمْ كُنْتُمْ؟ قَالَ: ثَمَانِينَ وَزِيَادَةً.

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Намоз (аср) вақти бўлди. Ҳовлиси яқинлар таҳорат олгани турдилар, қолган кишилар Жаноб Расулulloҳ ҳузурларида қолдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир тош идишда сув келтирдилар. Идишнинг кичиклигидан унга қўл сиғмасди, қавминг ҳаммаси шу идишдан таҳорат, олди».

Абдуллоҳ ибн Мунир: «Неча киши эдингиз? деб Анасдан сўраганимизда, саксон нафардан ортиқ, деб айтганди»,— дейдилар.

137. عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَعَا بِقَدْحٍ فِيهِ مَاءٌ، فَغَسَلَ يَدَيْهِ وَوَجْهَهُ فِيهِ، وَمَجَّ فِيهِ.

*Абу Мусо разияллоҳу анҳудан:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сув келтиришни буюрдилар, сўнг қўллари ва юзларини ювиб, оғиз чайқадилар».

*Абдуллоҳ ибн Зайддан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни келдилар. Идишда сув олиб чиқдик. Таҳорат олдилар. Юзларини 3 марта, қўллари 2 марта ювдилар, икки кафтларини пешоналаридан энсалари томон ва энсаларидан пешокалари томон бир марта юргизиб, масҳ тортдилар, кейин оёқларини ювдилар».

138. عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: لَمَّا ثَقُلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاشْتَدَّ بِهِ وَجَعُهُ، اسْتَأْذَنَ أَزْوَاجَهُ فِي أَنْ يَمْرُضَ فِي بَيْتِي، فَأَذِنَ لَهُ، فَخَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ رَجُلَيْنِ، تَخَطَّ رِجْلَاهُ فِي الْأَرْضِ، بَيْنَ عَبَّاسٍ وَرَجُلٍ آخَرَ. قَالَ عُبَيْدُ اللَّهِ: فَأَخْبَرْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عَبَّاسٍ فَقَالَ: أَتَدْرِي مَنْ الرَّجُلُ الْآخَرُ؟ قُلْتُ: لَا. قَالَ: هُوَ عَلِيٌّ. وَكَانَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا تُحَدِّثُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: - بَعْدَمَا دَخَلَ بَيْتَهُ وَاشْتَدَّ وَجَعُهُ - هَرَيْقُوا عَلَيَّ مِنْ سَبْعِ قَرَبٍ، لَمْ تُحَلَّلْ أَوْ كَيْتُهُنَّ، لَعَلِّي أَعْهَدُ إِلَى النَّاسِ. وَأَجْلَسَ فِي مِخْضَبٍ لِحَفْصَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ طَفِقْنَا نَصُبُ عَلَيْهِ تِلْكَ حَتَّى طَفِقَ يُشِيرُ إِلَيْنَا: (أَنْ قَدْ فَعَلْتُمْ). ثُمَّ خَرَجَ إِلَى النَّاسِ.

*Оиша онамиз айтдилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дардлари оғирлашиб қолганда, то тузалгунларича менинг уйимда ётажаклари тўғрисида бошқа хоткиларидан ижозат сўрадилар, хотинлар ижозат беришди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Аббос билан яна бир киши ёрдамида оёқларини аранг босиб, менинг уйимга чиқдилар».

*Убайдуллоҳ бундай деди:* «Бу хусусда Абдуллоҳ ибн Аббосга айтувдим, у: «Уша икки кишидан бирининг ким эканлигини билурмисен?» — деди. Мен: «Йўқ», —

дедим. У: «Али разияллоҳу анҳу эдилар»,— деди. Оиша онамиз бундай дер эдилар: «Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам менинг уйимга кирганларидан кейин касалликлари янада оғирлашди. Шунда: «Устимдан 7 та қопқоғлиқ идишда сув куйингиз, шоядки, одамлар олдига чиқиб васият қилғаймен!»—дедилар. Хотинлари Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламни Ҳафсанинг мис тоғорасига ўтказдилар. Кейин, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам «бўлди» деб ишора қилмагунларича устиларидан сув қуя бошладик. Кейин, «бажардингиз» деб одамлар олдига чиқдилар».

#### 48-боб. Тоғорадан таҳорат олмоқ

*Амр ибн Яҳё бундай ривоят қиладилар:* «Амаким кўп таҳорат олур эрдилар. Бир куни Абдуллоҳ ибн Зайддан: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳорат олаётганларини кўрганмисиз?» — деб сўрадилар. Абдуллоҳ ибн Зайд сув келтирмоқларини буюрдилар. Тоғорада сув келтиришди. Кейин икки қўлларига сув куйиб, 3 марта ювдилар, 3 марта бир ҳовучдан сув олиб, оғиз ва бурунларини чайқадилар, 3 марта юзларини ювдилар, 2 марта қўлларини тирсақлари билан қўшиб ювдилар, кейин сув олиб, бошга масҳ тортдилар, оёқларини ювдилар. Сўнг: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай таҳорат қилганларини кўргандирмен»,— дедилар».

139 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَعَا بِإِنَاءٍ مِنْ مَاءٍ ، فَأَتَيْتُ بِقَدْحٍ رَحْرَاحٍ فِيهِ شَيْءٌ مِنْ مَاءٍ ، فَوَضَعَ أَصَابِعَهُ فِيهِ ، قَالَ أَنَسٌ : فَجَعَلْتُ أَنْظُرُ إِلَى الْمَاءِ يَنْبُعُ مِنْ بَيْنِ أَصَابِعِهِ ، قَالَ أَنَسٌ : فَحَزَرْتُ مَنْ تَوَضَّأَ ، مَا بَيْنَ السَّبْعِينَ إِلَى الثَّمَانِينَ .

*Анас разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам сув келтирмоқни буюрдилар. Идишда озроқ сув келтирилди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам идишнинг оғзига панжаларини қўйдилар. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг панжалари орасидан силқиб тушаётган сувга тахминан 70 ёки 80 нафар одам таҳорат олди».

#### 49-боб. Бир муд (тахминан бир литр) сув билан таҳорат олмоқ

140 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَغْتَسِلُ ، أَوْ كَانَ يَغْتَسِلُ ، بِالصَّاعِ إِلَى خَمْسَةِ أَمْدَادٍ ، وَيَتَوَضَّأُ بِالْمُدِّ .

*Ибн Жабрга Анас бундай деган экаилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ғулга бир соьдан (тахминан 4 литрдан) 5 мудгача (тахминан 5 литргача) сув ишлатур эдилар, 1 муд сув билан таҳорат олғай эрдилар».

#### 50-боб. Маҳсига масҳ тортмоқ

141 . عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّهُ مَسَحَ عَلَى الْخُفَّيْنِ . وَأَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عَمْرٍو سَأَلَ عُمَرَ عَنْ ذَلِكَ فَقَالَ : نَعَمْ إِذَا حَدَّثَكَ شَيْئًا سَعْدٌ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَا تَسْأَلْ عَنْهُ غَيْرَهُ .

*Саъд ибн Абу Ваққос:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам маҳсиларига масҳ тортгайдирлар»,— деди. Абдуллоҳ, ибн Умар отасидан: «Шу тўғримидир?»—деб сўради.«Ҳа, тўғридир, агар Саъд сенга Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам хусусларида бирор нарса сўзласа, бу тўғрида бошқалардан сўрамагил!»—деди отаси.

142 . عَنْ عَمْرٍو بْنِ أُمَيَّةَ الضَّمْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمَسُحُ عَلَى الْخُفَّيْنِ .

*Урва ибн ал-Муғира ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам (қазои ҳожатга) ташқарига чиқдилар. Отам Муғира ибн Шуьба обдастада сув

олиб, у кишига эргашдилар, Жаноб Расулulloҳ ҳожатларидан бўшагач, сув қуйиб бердилар. Расулulloҳ таҳорат олиб, маҳсиларига масҳ тордилар».

وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْسَحُ عَلَى عِمَامَتِهِ وَخُفَيْهِ .

*Жаъфар ибн Амр:* «Отам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маҳсига масҳ тортганларини кўрганлар», — деб ривоят қиладилар.

Жаъфар ибн Амр яна бундай деганлар: «Отам Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саллаларига ва маҳсиларига масҳ тортганларини кўрган эканлар» (саллага масҳ тортмоқ одати ҳанбалий мазҳабида мавжуд, бошқа мазҳабларда эса, бошнинг 1/4 қисмига масҳ тортиб, кейин саллага ҳам масҳ тортиладир).

### 51-боб. Маҳсини таҳоратли оёққа кийганда...

143 . عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ ، فَأَهْوَيْتُ لِأَنْزِعَ خُفَيْهِ فَقَالَ : ( دَعُهُمَا فَإِنِّي أَدْخَلْتُهُمَا طَاهِرَتَيْنِ فَمَسَحَ عَلَيْهِمَا ) .

*Урва ибн ал-Муғиранинг оталари бундай деган эканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда эрдим, Маҳсиларини ечмоққа қўл чўздим, шунда: «Қўявер, мен маҳсини таҳоратли оёққа кийгандирман», — дедилар, сўнг маҳсиларига масҳ тортдилар».

### 52-боб. Қўй гўшти ва талқон егандан кейин таҳорат олмаслик хусусида

Абу Бакр, Умар ва Усмон (қўй гўшти ва талқон) едилар ва таҳорат олмадилар».

*Абдуллоҳ ибн Аббос айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйнинг қўлини едилар, кейин таҳорат олмай, намоз ўқидилар».

144 . عَنْ عَمْرِو بْنِ أُمَيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَحْتَرُّ مِنْ كَنْفِ شَاةٍ ، فَدَعِيَ إِلَى الصَّلَاةِ ، فَأَلْقَى السَّكِّينَ ، فَصَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ .

*Жаъфар ибн Амр:* «Отам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўйнинг қўлидан кесиб еганларини, намозга чақирилгач эса, пичоқни қўйиб, таҳорат олмай намоз ўқиганларини кўрганлар», — деганлар.

### 53-боб. Талқон егандан кейин оғиз чайқашлик ва таҳорат олмаслик хусусида

145 . عَنْ سُؤَيْدِ بْنِ الثُّعْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ خَرَجَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ خَيْبَرَ ، حَتَّى إِذَا كَانُوا بِالصَّهْبَاءِ ، وَهِيَ أَدْنَى خَيْبَرَ ، فَصَلَّى الْعَصْرَ ثُمَّ دَعَا بِالْأَزْوَادِ ، فَلَمْ يُؤْتِ إِلَّا بِالسَّوِيقِ ، فَأَمَرَ بِهِ فَتَرَّى ، فَأَكَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَكَلْنَا ، ثُمَّ قَامَ إِلَى الْمَغْرِبِ فَمَضْمَضَ وَمَضْمَضْنَا ، ثُمَّ صَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ .

*Башир ибн Ясорга Сувайт ибн Нуъмон бундай деган эканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарга чиқдим. Хайбар жанги кетаётган йил эрди. Саҳбоъ (Хайбарга яқин жой) деган ерга борганимизда Расулulloҳ аср ўқидилар. Кейин овқат келтирмоқни буюрдилар. Овқатга талқон келтирилди, уни хўллашни буюрдилар, хўллашгач, едилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга биз ҳам едик. Кейин шомга ҳозирлик кўра бошладилар. Оғиз чайқадилар, биз ҳам оғиз чайқадик. Кейин таҳорат олмай, намоз ўқидилар».

146 . عَنْ مَيْمُونَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكَلَ عِنْدَهَا كَنْفًا ، ثُمَّ صَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ .

*Маймуна разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг ёнимда ўлтириб қўйнинг қўлини едилар. Кейин таҳорат олмай, намоз ўқидилар», — деганлар.

**54-боб. Сут ичганда оғиз чайқаш лозимми?**

147 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَرِبَ لَبَنًا ، فَمَضْمَضَ وَقَالَ : ( إِنْ لَهُ دَسْمًا )

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сут ичдилар. Сўнг, «сутда ёғ бор» деб, оғиз чайқадилар»,— деганлар.

**55-боб. Ухлаб тургандан кейинги таҳорат масаласи ва «бир оз мудраса ёки мизғиса лозим эмас», — деб ҳисобловчилар хусусида**

148 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا نَعَسَ أَحَدُكُمْ وَهُوَ يُصَلِّي فَلْيَرْقُدْ حَتَّى يَذْهَبَ عَنْهُ النَّوْمُ ، فَإِنْ أَحَدُكُمْ إِذَا صَلَّى وَهُوَ نَاعِسٌ ، لَا يَدْرِي لَعَلَّهُ يَسْتَغْفِرُ فَيَسْبُ نَفْسُهُ ) .

*Оиша онамиз:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар намоз ўқиётган ҳолда бирортангиз уйқусирасангиз, то уйқусираш босилгунча ёнбошлангиз, чунки бирортангиз уйқусираб намоз ўқисангиз, истиғфор айтурмен деб, ўзингизни сўкиб қўймоғингиз мумкин» деганлар»,— деб айтганлар».

149 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا نَعَسَ أَحَدُكُمْ فِي الصَّلَاةِ فَلْيَتَمَّ حَتَّى يَعْلَمَ مَا يَقْرَأُ )

*Анас разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки намозда уйқусираса, нима деб ўқиётганини ўзи биладиган бўлгунча, ётиб ухласин!» деганлар»,— деб айтганлар.

**56-боб. Таҳорат ушатмаса ҳам таҳорат олмоқ**

150 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ . قَالَ : وَكَانَ يُجْزِئُ أَحَدَنَا الْوَضُوءَ مَا لَمْ يُحْدَثْ .

*Амр ибн Омир бундай деганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир намозга алоҳида таҳорат қилур эрдилар»,—деди Анас. Мен: «Сизлар-чи?» — дедим, «Агар таҳоратимиз синмаган бўлса, бир таҳорат билан ҳамма намозни ўқийверардик»,—деди Анас».

*Сувайт ибн ан-Нуъмон бундай деганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Хайбар жанги йилида сафарга чиқдик. Саҳбоъ деган зкойга борганимизда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам имоматга ўтиб, аср ўқидилар, сўнг овқат буюрдилар, овқатга фақат талқон келтирилди, едик, ичдик. Кейин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шом ўқимоқ учун оғиз чайқадилар. Таҳорат олмай, имоматга ўтиб, шом намозини ўқидилар».

**57-боб. Сийдигидан сақланмаслик гуноҳи азимлардандир!**

151 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : مَرَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِحَائِطٍ مِنْ حِيطَانِ الْمَدِينَةِ أَوْ مَكَّةَ ، فَسَمِعَ صَوْتَ إِنْسَانَيْنِ يُعَذِّبَانِ فِي قُبُورِهِمَا ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( يُعَذِّبَانِ وَمَا يُعَذِّبَانِ فِي كَبِيرٍ ) ثُمَّ قَالَ : ( بَلَى ، كَانَ أَحَدُهُمَا لَا يَسْتَتِرُ مِنْ بَوْلِهِ ، وَكَانَ الْآخَرُ يَمْسِي بِالنَّمِيمَةِ ) . ثُمَّ دَعَا بِجَرِيدَةٍ فَكَسَرَهَا كَسْرَتَيْنِ ، فَوَضَعَ عَلَى كُلِّ قَبْرِ مِنْهُمَا كِسْرَةً ، فَقِيلَ لَهُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، لِمَ فَعَلْتَ هَذَا ؟ قَالَ : ( لَعَلَّهُ أَنْ يُخَفَّفَ عَنْهُمَا مَا لَمْ يَبْسَا ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай деганлар:* «Расулulloҳ саяяллоҳу алайҳи ва саллам Мадина (ёки Макка) қўрғонларидан бирининг ёнидан ўтаётиб, иккита

қабрда ётган икки инсоннинг азобдан қилаётган дод — фарёдини эшитиб қолдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иккови ҳам азобланаётир, лекин икковлон ҳам катта гуноҳ сабабидан азобланаётгани йўқдир», — дедилар, кейин: «Ҳа, албатта (яъни, сийдикдан эҳтиёт бўлмаслик ҳам катта гуноҳдир), биттаси сийдигидан сақланмас эрди, иккинчиси эрса, чақимчилик қилур эрди», — деб қўшиб қўйдилар. Сўнг, хурмо чўпидан келтирмоқни буюрдилар. Чўпни синдириб, ҳар бир қабрга биттадан санчиб қўйдилар. Шунда: «Ё Расулulloҳ, нечун бундай қилдингиз?» — дедилар. Расулulloҳ: «Шоядки, шу чўпаклар қуригунча, аларнинг азоби енгиллашғай», — деб жавоб қилдилар».

### 58-боб. Сийдикни ювиш тўррисидаги ҳадислар

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Қабрда ётган киши сийдигидан сақланмас эрди», — дедилар, одам сийдигидан бошқаси ҳақида ҳеч нарса демадилар.

*Анас ибн Молик:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қазои ҳожатга борсалар, ортларидан сув олиб борур эрдим, ювар эрдилар», — деб айтганлар.

### 59-боб.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай деганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қабрнинг ёнидан ўтдилар, шунда: «Иккови ҳам азобланмоқда, катта гуноҳдан азобланаётгани йўқдир. Лекин биттаси сийдикдан сақланмас эрди, иккинчиси эрса, чақимчилик қилиб, гап ташиб юрур эрди», — дедилар. Кейин, хурмонинг хўл новдасини олиб, иккига бўлдиларда, ҳар бир қабрга биттадан санчиб қўйдилар. «Ё Расулulloҳ, нечун бундай қилдингиз?» — деб сўрашди. «Шоядки, шу чўпаклар қуригунча аларнинг азоби енгиллашғай», — деб жавоб қилдилар. «Мужоҳиддан ҳам шунга ўхшаш ҳадис эшитгандирмен», — деган эканлар Вакиъ».

### 60-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва бошқа кишиларнинг бир аъробий (бадавий) масжидда сийиб бўлгунча индамай турганлари

*Анас разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда сияётган бир аъробийни (бадавийни) кўриб: «Қўйингизлар, бўлгунча индамангизлар!» — дедилар. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сув келтирмоқни буюрдилар. Сийдикни ювиб ташлашди».

### 61-боб. Масжидга сийилган сийдикни ювиб ташлаш хусусида

152 . عن أبي هريرة رضي الله عنه قال : قام أعرابيُّ فَبَالَ فِي الْمَسْجِدِ ، فَتَنَاولَهُ النَّاسُ ، فَقَالَ لَهُمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ( دَعُوهُ ، وَهَرِيقُوا عَلَيَّ بَوْلَهُ سَجَلًا مِنْ مَاءٍ أَوْ ذَنْوَبًا مِنْ مَاءٍ ، فَإِنَّمَا بُعِثْتُمْ مُسَيَّرِينَ وَلَمْ تُبْعَثُوا مُعَسَّرِينَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан:* «Аъробий ўрнидан туриб, масжидга сийди, одамлар унга танбеҳ беришди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қўйингизлар, индамангизлар, сийдиги устидан бир пақир сув қуйингизлар!» — дедилар-да, «Дарҳақиқат, сизлар осонлаштиргувчи қилиб юборилгандирсизлар, қийинлаштиргувчи қилиб юборилмагандирсизлар», — деб қўшиб қўйдилар».

### 62-боб. Сийдик устига сув қуймоқ

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан:* «Аъробий келиб масжиднинг чеккасига сийди. Одамлар унга: «Не қилурсен?» — деб ҳайқиришди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга: «Қўйингизлар!» — дедилар. Аъробий бўшагандан сўнг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир пақир сув келтириб, сийилган жойни ювиб ташламоқни буюрдилар».



### 63-боб. Ёш болаларнинг сийдиги тўғрисида

*Оиша Умм ул-Муъминин разияллоҳу анҳо дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир эмизикли болани келтирдилар, Бола Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларига сийиб қўйди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сув келтириб, сийдик теккан жойга қўйдилар.

153 . عَنْ أُمِّ قَيْسِ بِنْتِ مَحْصَنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّهَا أَتَتْ بَابِنَ لَهَا صَغِيرٍ لَمْ يَأْكُلِ الطَّعَامَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَأَجْلَسَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجْرِهِ ، فَبَالَ عَلَى ثَوْبِهِ ، فَدَعَا بِمَاءٍ فَنَضَحَهُ وَكَمْ يَغْسِلُهُ .

Умму Қайс бинти Муҳсин эмизикли ўғилчасини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўлларига берди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам болани қўйниларига ўтқаздилар. Бола Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларига сийиб қўйди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сув олдириб келтириб, сийдик теккан жойга қўйдилар, ювадилар (қиз бола бўлса, ювмоқ лозимдир)».

### 64-боб. Тик туриб ва ўтириб сиймоқнинг қукми

*Ҳузайфа разияллоҳу анҳу бундай ривоят қилганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қавмнинг чиқиндилар (ахлат) ташлайдиган жойига келганларида тик туриб пешоб қилдилар (ўтиришга жой топилмаган чоғда жоиздир). Кейин: «Сув келтириб!» — дедилар. Сув олиб келдим, таҳорат олдилар».

### 65-боб. Йўлдошининг ёнида пешоб қилмоқ ва йўлдошининг уни пана қилиб турмоғи

*Ҳузайфа разияллоҳу анҳу бундай деганлар:* «Эсимда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга айланиб юрганимизда бир қавмнинг девор орқасида жойлашган ахлатхонаси олдига келиб қолдик. Расулulloҳ, ҳар бирингиз тик туриб пешоб қилганингиздек, тик туриб пешоб қилдилар. Мен шунда у кишидан четланган эрдим, менга ишора қилдилар, мен у кишини бўшагунларича пана қилиб турдим».

### 66-боб. Қавмнинг ахлатхонасига пешоб қилиш тўғрисида

*Абу Мусо ал-Ашъарий:* «Сийдикдан ўзингизни эҳтиёт қилингиз! » — деб қаттиқ тайинлаб, «Баний Исроил қавмларидан биронтасининг кийимига сийдик тегса, ўша жойни кесиб ташлар эди»,— дедилар. Шунда Ҳузайфа (шояд, Абу Мусо бу тўғрида ҳадеб сўзламоқдан тўхтаса, деган мақсадда): «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қавмнинг ахлатхонасига тик туриб пешоб қилганларку?!» — дедилар».

### 67-боб. Қонни ювмоқ хукми

154 . عَنْ أَسْمَاءَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : جَاءَتْ امْرَأَةً النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ : أَرَأَيْتَ إِحْدَانَا تَحِيضُ فِي الثَّوْبِ كَيْفَ تَصْنَعُ قَالَ : ( تَحْتَهُ ، ثُمَّ تَقْرُصُهُ بِالْمَاءِ ، وَتَنْضَحُهُ ، وَتُصَلِّي فِيهِ ) .

*Асмо бинти Абу Бакрдан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бир хотин келиб: «Биронтамиз ҳайз кўрсақ, ҳайз кийимимизни нима қилайлик?» — деб сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ишқалаб ташлағайдир, кейин сув билан мижиб ювиб, устидан сув қўйиб, кийиб намоз ўқийверғайдир»,— дедилар».

155 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : جَاءَتْ فَاطِمَةُ بِنْتُ أَبِي حُبَيْشٍ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنِّي امْرَأَةٌ أُسْتَحَاضُ فَلَا أَطْهَرُ ، أَفَادَعُ الصَّلَاةَ ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا . إِنَّمَا ذَلِكَ عَرَقٌ وَلَيْسَ بِحَيْضٍ ، فَإِذَا أَقْبَلْتَ حَيْضَتَكَ فَدَعِي الصَّلَاةَ ، وَإِذَا أَدْبَرْتَ فَاعْسَلِي عَنكَ الدَّمَ ثُمَّ صَلِّي ) .

وَقَالَ : ( ثُمَّ تَوَضَّعِي لِكُلِّ صَلَاةٍ حَتَّى يَجِيءَ ذَلِكَ الْوَقْتُ ) .

*Оиша онамиз дедилар:* «Фотима бинти Абу Ҳубайш Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб сўради: «Ё Расулulloҳ, мен истиҳоза кўрадиган хотинман (қон тўхтамайдир), тозаланмасман, намозни тарк этгайманми?» Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўқ, у томирдан келадирган қондир, ҳайз эмас, агар ҳайз келса, намозни тарк этфил, ҳайз тугаши бирлан ғул қилиб, кейин намоз ўқиғил!»—дедилар».

(То ҳайз вақти келгунча ҳар бир намоз учун алоҳида таҳорат олмоқ лозим)».

### **68-боб. Манийни ювмоқ ва ишқалаб ташламоқ, жинсий алоқа вақтида хотин кишидан чиқадирган намни ювмоқ**

156 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كُنْتُ أَعْسِلُ الْجَنَابَةَ مِنْ ثَوْبِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَيَخْرُجُ إِلَى الصَّلَاةِ ، وَإِنَّ بُقْعَ الْمَاءِ فِي ثَوْبِهِ .

*Оиша онамиз бундай деганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларига жинсий алоқа вақтида тегиб қолган намни ювар эрдим, кийимлари намлигича (бошқа кийимнинг йўқлигидан) намозга чиқиб кетар эрдилар».

*Сулаймон ибн Ясордан:* «Оиша онамиздан кийимга тегиб қолган маний ҳукми тўғрисида сўрадим. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларига теккан намни ювар эрдим, у киши кийимларининг намлигича намозга чиқар эрдилар»,— дедилар».

### **69-боб. Жинсий алоқадан теккан намни ва бошқа нарсаларни ювсаю, доғи кетмаса (бўлавереди)**

*Амр ибн Маймуна бундай дедилар:* «Мен Сулаймон ибн Ясордан: «Жинсий алоқада маний теккан жойни не қилмоқ керак? » — деб сўрадим. «Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларига теккан намни ювар эрдим, кийимлари қуриб улгурмай намозга чиқар эрдилар,— деганлар»,— деб айтдилар».

*Сулаймон ибн Ясор:* «Оиша разияллоҳу анҳо Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларидаги манийни ювар эрди. Мен у кишининг кийимларидаги доғларни кўрганман»,— дедилар.

### **70-боб. Туя, йилқи ва қўй сийдикларининг ҳамда улар сақланадиган жойларнинг (қўра, молхонанинг) ҳукми**

Абу Мусо Дорулбаридда (карвонсаройда), шундайгина ёнларида сайҳон ер бўла туриб, тезаклар устида намоз ўқидилар. Кейин: «У ер ҳам, бу ер ҳам бари бир»,— дедилар.

157 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَدِمَ أَنَسٌ مِنْ عُكْلٍ أَوْ عَرَبِيَّةَ ، فَاجْتَوَوْا الْمَدِينَةَ ، فَأَمَرَهُمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِلِقَاحِ ، وَأَنْ يَشْرَبُوا مِنْ أَبْوَالِهَا وَالْبَانِهَا ، فَأَنْطَلَقُوا ، فَلَمَّا صَحُّوا قَتَلُوا رَاعِي النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَاسْتَأْفُوا النَّعَمَ ، فَجَاءَ الْخَبْرُ فِي أَوَّلِ النَّهَارِ ، فَبِعَتْ فِي آثَارِهِمْ ، فَلَمَّا ارْتَفَعَ النَّهَارُ جِيءَ بِهِمْ ، فَأَمَرَ فَقَطَعَ أَيْدِيَهُمْ وَأَرْجُلَهُمْ ، وَسَمِرَتْ أَعْيُنُهُمْ ، وَالْقَوْمُ فِي الْحَرَّةِ يَسْتَسْقُونَ فَلَا يُسْقَوْنَ .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Укул ёки Арина деган жойдан (Мадинага) одамлар келишди. Мадинада улар қорин оғриқ касалига мубтало бўлдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга шаҳар ташқарисида ўтлаб юрган соғин туялар сутидан ва сийдигидан ичмакни буюрдилар. Улар шундай қилишди. Соғайганларидан кейин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

туябоқарларини ўлдириб, туяларни ҳайдаб кетишди. Эрта тонгда бу тўғрида хабар қилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг изидан аскар юбордилар, кун ёйилган вақтда уларни асир қилиб олиб келишди. Қўл ва оёқларини кесиб, кўзларига мил тортиб, тошлоқ жойга ташлаб қўйдилар. «Сув-сув» дейишарди, лекин сув беришмас эрди. Абу Қилоба бундай дедилар: «Улар ўғрилиқ қилдилар, одам ўлдирдилар ва иймон келтирганларидан кейин яна қайта кофир бўлдилар, диндан чиқдилар, Оллоҳ ва унинг Расулига душманлик қилдилар».

158 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي قَبْلَ أَنْ يُنْبِئَ الْمَسْجِدَ فِي مَرَابِضِ الْغَنَمِ .

*Анас разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжид қурилмасидан аввал қўйхоналарда иамоз ўқир эдилар».

### 71-БОБ. Ёғга ва сувга тушган ифлос нарсалар ҳукми

Зухрий бу хусусда бундай деганлар: «Сувнинг таъми, ҳиди ёки ранги ўзгармаса, ишлатса бўлур». «Ўлимтикнинг пати сувга тушса, зарари йўқдир»,— деганлар Ҳаммод. Фил ва бошқа гўшти ейилмайдиган ҳайвонлар суяги тўғрисида Зухрий бундай деганлар: «Ўтмиш олимларининг кўпини кўрдим, ўлган ҳайвонларнинг суягидан ясалган тароқ билан сочларини тарашар эрди, хушбўйлик солинадиган идишлари ҳам ўша суяклардан тайёрланган эрди. Улар бунинг зарари йўқ, деб билишур эдилар. Ибн Сирин ва Иброҳим: «Фил суяги билан савдо-сотик қилмакнинг зарари йўқдир»,— дер эдилар.

159 . عَنْ مَيْمُونَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُئِلَ عَنْ فَاِرَةٍ سَقَطَتْ فِي سَمْنٍ فَقَالَ: ( أَلْقَوْهَا وَمَا حَوْلَهَا فَاطْرَحُوهُ وَكُلُوا سَمْنَكُمْ ) .

*Маймуна разияллоҳу анҳо айтадилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қуюқ ёғга тушиб, ўлиб қолган сичқон ҳукми тўғрисида сўрадилар. Шунда Расулulloҳ: «Сичқонни ва унинг атрофидаги ёғни олиб ташлаб, қолганини еяверингиз»,— деб жавоб қилдилар».

Маймуна онамиз яна бундай деган эканлар: «Шу ҳадиснинг ўзини Муин сал бошқачароқ қилиб айтиб берди, кейин мен эслаб қололмайдиган даражада яна жуда кўп ҳадис ривоят қилди».

160 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: ( كُلُّ كَلْمٍ يُكَلِّمُهُ الْمُسْلِمُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ، يَكُونُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَهَيْئَتِهَا ، إِذْ طُعِنَتْ تَفَحَّرَ دَمًا ، اللَّوْنُ لَوْنُ الدَّمِ وَالْعَرْفُ عَرْفُ الْمِسْكِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни келтирадилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон одам Оллоҳ йўлида қанча сўз айтган бўлса, қиёмат куни ўшанча жароҳати бор шаҳид қиёфасида намоён бўлур, баданининг ранги тиф урилганда оқиб турган қон рангида, ҳиди мушк ҳиди янглиф бўлғайдир»,— деганлар (Бу ўринда ушбу ҳадис келтирилишининг боиси қуйидагича: мушк, аслида ҳайвонлар безидан олинадир ва ҳаромдир, лекин ишлов берилгач, хушбўй моддага айланиб, ҳаромлик ҳукмидан чиқади. Шунингдек, шаҳидлар қони ҳам Оллоҳ йўлида тўкилгани учун ҳаромлик ҳукмидан чиқиб, поклик — ҳалоллик ҳукмига ўтгайдир) ».

### 72-БОБ. Кўлмак сув тўғрисида

161 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ : ( لَا يُؤَلَّنُ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ الَّذِي لَا يَجْرِي ، ثُمَّ يَغْتَسِلُ فِيهِ ) .

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Биз бу дунёда охиргилардирмиз, у дунёда эса, биринчилардирмиз»,—деганларини эшитган эканлар. Пайғамбаримизнинг ана шу ҳадисларига таяниб: «Бирортангиз кўлмак сувга сиймангиз, сиздан кейин биров таҳорат олғайдир»,— деб айтганлар Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу.

### 73-боб. Агар намозхоннинг устига нопок нарса ташланса ёки ўлимтик ташланса, намози бузилмайдир

Ибн Умар намоз ўқиётиб, кийимларига қон текканини кўриб қолсалар, уни ечиб ташлар эрдиларда, намозни давом эттираверар эрдилар. Ибн ал-Мусаййаб ва аш-Шаъбий: «Агар бирор киши намоз ўқиётганида кийимига қон ёки маний текканини ёҳуд қиблани янглиштирганини ёки таяммум қилган ҳолда эканлигини билиб қолсаю, сув ахтармоқ вақтида намоз қазо бўлмоғини англаса, намозни қайтариб ўқимайдир»,— деганлар.

162 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي عِنْدَ الْبَيْتِ ، وَأَبُو جَهْلٍ وَأَصْحَابُ لَهُ جُلُوسٌ إِذْ قَالَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ : أَيُّكُمْ يَجِيءُ بِسَلَى حَزُورِ بَنِي فُلَانٍ ، فَيَضَعُهُ عَلَى ظَهْرِ مُحَمَّدٍ إِذَا سَجَدَ ، فَانْبَعَثَ أَشَقَى الْقَوْمِ فَجَاءَ بِهِ ، فَنَظَرَ حَتَّى سَجَدَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَضَعَهُ عَلَى ظَهْرِهِ بَيْنَ كَتِفَيْهِ ، وَأَنَا أَنْظُرُ لَا أُغَيِّرُ شَيْئًا لَوْ ، كَانَ لِي مَنَعَةٌ قَالَ : فَجَعَلُوا يَضْحَكُونَ وَيُحِيلُ بَعْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ ، وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَاجِدٌ لَا يَرْفَعُ رَأْسَهُ ، حَتَّى جَاءَتْهُ فَاطِمَةُ فَطَرَحَتْ عَنْ ظَهْرِهِ ، فَرَفَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأْسَهُ ، ثُمَّ قَالَ : ( اللَّهُمَّ عَلَيكَ بِقُرَيْشٍ ) . ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ، فَشَقَّ عَلَيْهِمْ إِذْ دَعَا عَلَيْهِمْ ، قَالَ : وَكَانُوا يَرَوْنَ أَنَّ الدَّعْوَةَ فِي ذَلِكَ الْبَلَدِ مُسْتَجَابَةٌ ، ثُمَّ سَمَى : ( اللَّهُمَّ عَلَيكَ بِأَبِي جَهْلٍ ، وَعَلَيْكَ بِعُتْبَةَ بْنِ رَبِيعَةَ وَشَيْبَةَ بْنِ رَبِيعَةَ وَالْوَلِيدِ بْنِ عُتْبَةَ وَأُمَيَّةَ بْنِ خَلْفٍ وَعُقْبَةَ بْنِ أَبِي مُعَيْطٍ ) . وَعَدَّ السَّابِعَ فَلَمْ يَحْفَظْهُ الرَّأْوِي . قَالَ : فَوَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَقَدْ رَأَيْتُ الَّذِينَ عَدَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَرَغَى فِي الْقَلْبِ قَلْبِ بَدْرٍ .

Абдуллоҳ ибн Масъуддан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбатуллоҳ ёнида намоз ўқиётган эрдилар. Абу Жаҳл (ислом душмани) ва унинг шериклари ўша ерда ўлтиришган эрди. Узаро бир-бирларига: «Қайси бирингиз фалончи сўйган туянинг ичак-чавоғини келтириб, Муҳаммад алайҳиссалом сажда қилаётганда устига ташлай олурсиз?» — дейишди. Шунда қавмнинг энг бадбахти ичак-чавоғни олиб келгани кетди, келтиргач, Муҳаммад алайҳиссаломнинг саждага бош қўйишларини пойлаб туриб, икки кураклари ўртасига ташлади. Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Мен қараб турибман-у, ҳеч нарса қила олмасман, агар кучқувватим бўлганда эрди... дейман»,— дейдилар. Улар қотиб-қотиб кула бошладилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Фотима келиб, олиб ташламагунча саждадан бошларини кўтармадилар. Қизлари ичак-чавоғни елкаларидан олиб ташлагач, бошларини кўтариб: «Илоҳи, Қурайшни (қабилани) ҳалок қил!» — деб уч марта дуои бад қилдилар. Дуои бад қилганлари уларга оғир ботди. «Улар бу шаҳарда қилинган дуо мустажоб бўлмоғини билишар эрди»,— дейдилар Ибн Масъуд. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқатдан: «Илоҳи, Абу Жаҳлни, Утба ибн Рабиъани, Шайба ибн Рабиъани, Валид ибн Утбани, Умайя ибн Халафни, Уқба ибн Абу Муъитни ҳалок қилгил!»—деб номма-ном дуои бад қилдилар. Еттинчи номни ҳам айтдилар, лекин биз эслаб қололмадик. Жоним қўлида бўлган зотга қасамёд қилиб айтурменким, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам номларини санаган кишиларнинг барчаси Бадр урушида ўлдирилиб, қудуққа ташланганини батаҳқиқ кўрдим»,— дейдилар Ибн Масъуд.

**74-боб. Кийимга теккан тупук, манқа ва шунга ўхшаш варсалар ҳукми**

*Марвон бундай ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбияга қилинган сафар чоғида йўлда кетаётиб бурун қоқсалар, саҳобаларнинг кафтларига тушар эрди (улар ерга тушмоғига қўйишмас эрдилар), улар дарров табаррук қилиб юзлари ва баданларига суртиб олишур эрдилар».

163 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : بَرَقَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي ثَوْبِهِ .

*Анас разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кийимларининг этагига туфладилар (намозда)». Анас бу ҳадисни узоқ ҳикоя қилган (бу ҳақда кейинроқ батафсил айтилур).

**75-боб. Набиз (хурмо шарбати) ёки маст қилувчи ичимликлар билан таҳорат олмоқ жоиз эрмас**

Ҳасан Басрий набиз билан таҳорат олмоқни макруҳ деганлар. Ато ибн Абу Рабоҳ: «Менга набиз ёки сут бирлан таҳорат қилгандан, таяммум қилмоқ афзалроқдир»,— деб айтганлар.

*Оиша разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Маст қиладирган ичимликларнинг барчаси ҳаромдир!» — деб айтганлар».

**76-боб. Аёл киши отасининг юзидаги қонни ювиб қўйишининг жоизлиги**

Абулаид: «Оёғимга масҳ тортиб қўйингиз, оёғим оғрияпти»,— деганлар.

164 . عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدِ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ سَأَلَ النَّاسَ : بِأَيِّ شَيْءٍ دُوِيَ جُرْحُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ فَقَالَ : مَا بَقِيَ أَحَدٌ أَعْلَمَ بِهِ مِنِّي ، كَانَ عَلَيَّ يَجِيءُ بِتُرْسِهِ فِيهِ مَاءٌ ، وَفَاطِمَةُ تَغْسِلُ عَنْ وَجْهِهِ الدَّمَ ، فَأُحِذُ حَصِيرًا فَأُحْرِقُ فَحُشِي بِهِ جُرْحُهُ .

*Абу Ҳозим бундай деганлар:* «Одамлар Саҳл ибн Саъд ас-Соъидийдан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жароҳатлари не бирлан даволанди» — деб сўраганларида, ёнгинасида турган эрдим. «Бул тўғрида мендан кўра яхшироқ биладирган одам қолмади. Али қалқонида сув келтирар эрди, Фотима эрса Расулulloҳнинг муборак юзларидаги қонни ювар эрди, сўнг бўйрани куйдириб, кулни жароҳатга босар эрди»,— деди Саҳл.

**77-боб. Мисвок билан тиш тозаламоқ**

165 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَوَجَدْتُهُ يَسْتَنُّ بِسِوَاكٍ بِيَدِهِ يَقُولُ أَعُ أَعُ وَالسِّوَاكُ فِيهِ كَأَنَّهُ يَتَهَوَّعُ .

*Ибн Аббос:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларида ётиб қолдим. Мисвок билан тиш тозаладилар»,— деди. Абу Мусо қуйидаги ҳадисни ўғиллари Абу Бурдага айтиб берган эканлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига борсам, мисвок билан ўхчиб-ўхчиб тишларини юзаётган эканлар. Мисвок оғзиларида-ю, қайт қилаётган одамнинг овозига ўхшаш овоз қияптилар».

166 . عَنْ حُدَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ مِنَ اللَّيْلِ يَشُوصُ فَاهُ بِالسِّوَاكِ .

*Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси турсалар, мисвок билан тишларини ювар эрдилар».

**78-боб. Мисвокни (икки киши турган бўлса) ёши каттасига бермоқ**

167 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( أَرَانِي أَتَسَوَّكُ بِسِوَاكٍ ، فَجَاءَنِي رَجُلَانِ

أَحَدُهُمَا أَكْبَرُ مِنَ الْآخِرِ ، فَنَاولْتُ السَّوَاكَ الْأَصْغَرَ مِنْهُمَا فَقِيلَ لِي : كَبِيرٌ ، فَدَفَعْتُهُ إِلَى الْأَكْبَرِ مِنْهُمَا ) .

*Ибн Умар разияллоху анҳуга Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай дебдилар:* «Туш кўрсам, мен мисвок билан тиш тозалаётган эмишмен. Ёнимга икки киши келди, бири иккинчисидан (ёши) каттароқдир. Мисвокни кичкинасига узатдим, шунда менга: «Каттасига беринг!» — деб айтилди. Мисвокни каттасига бердим». «Ушбу ҳадисни Наим ибн Ҳаммод ҳам қисқароқ қилиб айтиб берган»,— дейдилар Имом Бухорий.

### 79-боб. Таҳорат олиб ётмоқнинг фазилати

168 . عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِذَا أَتَيْتَ مَضْجَعَكَ فَتَوَضَّأْ وُضوءَكَ لِلصَّلَاةِ ، ثُمَّ اضْطَجِعْ عَلَى شِقِّكَ الْأَيْمَنِ ، ثُمَّ قُلْ : اللَّهُمَّ أَسَلَمْتُ وَجْهِي إِلَيْكَ ، وَفَوَضْتُ أَمْرِي إِلَيْكَ ، وَالْحَاجَاتُ ظَهْرِي إِلَيْكَ ، رَغْبَةً وَرَهْبَةً إِلَيْكَ لَا مَلْجَأَ وَلَا مَنْجَا مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ ، اللَّهُمَّ آمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ ، وَنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ ، فَإِنْ مُتُّ مِنْ لَيْلَتِكَ فَأَنْتَ عَلَى الْفِطْرَةِ ، وَاجْعَلْهُنَّ آخِرَ مَا تَتَكَلَّمُ بِهِ ) . قَالَ : فَرَدَدْتُهَا عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَمَّا بَلَغْتُ : اللَّهُمَّ آمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ ، قُلْتُ : وَرَسُولِكَ ، قَالَ : ( لَا ، وَنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ ) .

*Барро ибн Озиб дедилар:* «Менга Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: «Уринга ётадирган бўлсанг, намозга таҳорат олганингдек таҳорат олғил. Кейин ўнг ёнинг билан ётғил, сўнгра «Оллоҳумма асламту ваҳжий илайка ва фаввазту амрий илайка ва'алжаъту захрий илайка рағбатан ва раҳбатан илайка, ло малжаъа ва ло манжо минка илло илайка. Оллоҳумма оманту би китабикаллазий анзалта ва би набиййикаллазий арсалта» дегил! Агар шу кечада вофот этсанг, дини исломда, Иброҳим миллатинда вафот этган бўлурсен. Бу сўзларни энг сўнгида айтғил!» — дедилар. Мен Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламга бир бошдан қайтариб айтиб бераётиб, «Оллоҳумма оманту би китабикаллазий анзалта» деган жойига келганимда «расуликаллазий» деб юбордим. Шунда Расулуллоҳ: «Бундай зрмас, «набиййикаллазий» деб айтғил!» — дедилар».

*Дуонинг мазмуни:* «Илоҳи, ўзимни ҳам, кори-боримни ҳам ўзинга топширдим, савобингдан умид қилиб ва азобингдан қўрқиб, сенга суяндим, сенинг нажотингдан ўзга нажот йўқдир, сенкнг паноҳингдан ўзга паноҳ йўқдир. Илоҳи, нозил қилган Китобингга ишондим ва юборган пайғамбарингга иймон келтирдим».

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ ҒУСЛ КИТОБИ

Оллоҳ таоло бундай дейдир: «Агар яқинлик (алоқа) этғайдирсиз, ғусл қилингиз! Агар бетоб эурсиз, ёким сафарда эурсиз, ёким қазои ҳожат этғайдирсиз ёким аёлга яқинлашғайдирсиз-у сув топмағайдирсиз, тоза туфроққа таяммум қилингиз, (икки кафтингизни туфроққа еккизиб), юзингизга суртингиз, (иккинчи марта теккизиб) икки қўлингизга (тирсаккача) суртингиз. Оллоҳ таоло сизни қийнаб қўймакни истамайдир, аммо сизнинг гуноҳдан ва нопокликдан фориф бўлмоғингизни истағайдир. Сизга мўл-кўл неъмат ато қилғаймен, шоядким сиз шукр этғайдирсиз!»

Ҳақ таоло яна бир ояти каримасида: «Эй мўъминлар, не деб айтаётганингизни биладирган бўлгунингизча намозга кирмангиз ва нопок ҳолда таҳорат олмагунингизча масжидга яқин бормангиз, йўловчи эрсангиз, ўтиб кетсангиз, майли. Агар бетоб эурсиз ёким сафарда эурсиз ёким таҳорат ушатғайсиз ёким хотинга яқинлик қилғайдирсиз-у, сув топмағайдирсиз, тоза туфроққа таяммум қилингиз (икки кафтингизни туфроққа теккизиб) юзингизга суртингиз, (иккинчи марта теккизиб) қўлларингизга (тирсаккача) суртингиз. Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло (гуноҳларни) авф қилғувчидир ва кечирғувчидир»,— дейди.

### 1-БОБ. ҒУСЛДАН АВАЛ ТАҲОРАТ ОЛМОҚ

169 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا زَوْجَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا اغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ ، بَدَأَ فَعَسَلَ يَدَيْهِ ، ثُمَّ يَتَوَضَّأُ كَمَا يَتَوَضَّأُ لِلصَّلَاةِ ، ثُمَّ يَدْخُلُ أَصَابِعَهُ فِي الْمَاءِ فَيَخْلُلُ بِهَا أُصُولَ شَعْرِهِ ، ثُمَّ يَصُبُّ عَلَى رَأْسِهِ ثَلَاثَ عُرْفٍ بِيَدَيْهِ ، ثُمَّ يُفِيضُ الْمَاءَ عَلَى جِلْدِهِ كُلِّهِ .

*Расулulloҳнинг хотинлари Оиша разияллоҳу анҳо дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жимоъдан кейинги ғуслни аввал қўлларини ювишдан бошлар эрдилар. Кейин намозга таҳорат олгандек таҳорат олар эрдилар, сўнг қўлларини сувга тиқиб ҳўллаб, сочларининг ораларига панжаларини киргизиб, ишқар эрдилар, кейин бошларига 3 ҳовуч сув қуяр эрдилар. Шундан сўнг бутун баданларини сув қуйиб ювар эрдилар».

170 . عَنْ مَيْمُونَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَتْ : تَوَضَّأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ غَيْرَ رِجْلَيْهِ ، وَغَسَلَ فَرْجَهُ وَمَا أَصَابَهُ مِنَ الْأَذَى ، ثُمَّ أَفَاضَ عَلَيْهِ الْمَاءَ ، ثُمَّ نَحَى رِجْلَيْهِ فَعَسَلَهُمَا هَذِهِ غُسْلُهُ مِنَ الْجَنَابَةِ .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари Маймуна разияллоҳу анҳо дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга таҳорат олгандек таҳорат олдилар, лекин оёқларини ювмадилар (мустаҳаб қилдилар). Сўнг маний теккан жойни юиб ташладилар, кейин устларига сув қуйиб, бутун баданларини ювдиларда, четга чиқиб туриб, икки оёқларини ювдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жимоъдан кейинги ғуслари мана шудир».

### 2-БОБ. ЭРУ ХОТИННИНГ БИРГА ҒУСЛ ҚИЛМОҒИ

171 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كُنْتُ أَعْتَسِلُ أَنَا وَالنَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ ، مِنْ قَدَحٍ يُقَالُ لَهُ الْفَرَقُ .

*Оиша разияллоҳу анҳо дедилар:* «Мен ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир идишдан ғусл қилур эрдик. Идишнинг номи фарқ (7—5 литрга яқин сув сиғадирган тоғора) деб аталар эрди».

**3-боб. Бир соъ (3—6 литр) ёким шунга яқин сув билан ғусл қилмоқ**

172 . عَنْ أَبِي سَلَمَةَ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : دَخَلْتُ أَنَا وَأَخُو عَائِشَةَ عَلَى عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ، فَسَأَلَهَا أَخُوهَا عَنْ غُسْلِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَدَعَتْ بِنَاءً نَحْوًا مِنْ صَاعٍ فَاغْتَسَلَتْ ، وَأَفَاضَتْ عَلَى رَأْسِهَا ، وَبَيْنَنَا وَبَيْنَهَا حِجَابٌ .

*Абу Бакр ибн Ҳафс Абу Саламанинг мана бундай деганини эшитган эканлар:* «Мен ва Оишанинг укаси иккаламиз Оиша разияллоҳу анҳонинг олдиларига кирдик. Укаси Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нечук ғусл қилмоқлари тўғрисида сўради. Шунда Оиша разияллоҳу анҳо бир соъ сув сиггудек идишда сув келтирмакни буюрдилар. Сув келтирилгач, ғусл қилдилар. Сувни бошларидан кўйдилар. Улар билан бизнинг орамизда парда бор эрди.

173 . عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : حَدَّثَنَا أَبُو جَعْفَرٍ : أَنَّهُ كَانَ عِنْدَ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، هُوَ وَأَبُوهُ ، وَعِنْدَهُ قَوْمٌ فَسَأَلُوهُ عَنِ الْغُسْلِ ، فَقَالَ : يَكْفِيكَ صَاعٌ ، فَقَالَ رَجُلٌ : مَا يَكْفِينِي فَقَالَ جَابِرٌ : كَانَ يَكْفِي مَنْ هُوَ أَوْفَى مِنْكَ شَعْرًا وَخَيْرٌ مِنْكَ ، ثُمَّ آمَنَّا فِي ثَوْبٍ .

Абу Жаъфар айтадилар: «Жобир ҳузурда бир жамоа кишилар бор эрди, улардан бири ғусл тўғрисида сўради. «Сенга бир соъ сув кифоя қилур»,— деди Жобир. «Менга кифоя қилмас»,— деди у. Шунда Жобир: «Сендан еочи кўпроқ, ўзи яхшироқ кишига (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга, демоқчи) ҳам кифоя қилган эрди»,— деди. Кейин юпун кийинган ҳолда имоматга ўтди».

*Ибн Аббосдан:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Маймуна онамиз бир идишдаги сувга ғусл қилур эрдилар». Имом Бухорий: «Ибн Аббос Маймунадан ҳадис тинглаб, бошқаларга айтиб берар эрди»,— дейдилар.

**4-боб. Бошга уч ҳовуч сув қуймоқ**

174 . عَنْ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَمَّا أَنَا فَأَفِيضُ عَلَى رَأْسِي ثَلَاثًا ) . وَأَشَارَ بِيَدَيْهِ كَلْتَيْهِمَا .

*Жубайр ибн Мутъимдан:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аммо мен ғусл қилур бўлсам бошимга 3 ҳовуч сув қуйгайдирмен»,— деб икки қўлларига ишора қилдилар».

*Жобир ибн Абдуллоҳдан:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғусл қилсалар, бошларига уч ҳовуч сув қуяр эрдилар».

175 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ ، دَعَا بِشَيْءٍ نَحْوِ الْحِلَابِ ، فَأَخَذَ بَكَفِّهِ فَبَدَأَ بِشِقِّ رَأْسِهِ الْأَيْمَنِ ، ثُمَّ الْأَيْسَرِ ، فَقَالَ بِهِمَا عَلَى رَأْسِهِ .

*Абу Жаъфарга Жобир разияллоҳу анҳу бундай деган эканлар:* «Ёнимга амакиваччанг (Ҳасан ибн Муҳаммад, Ҳазрат Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан туғилган бола) келди. «Жимомдан сўнг нечук ғусл қилинур?» — деб сўради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам 3 ҳовуч сув олиб, бошларидан қуяр эрдилар, сўнг баданларини ювар эрдилар»,— дедим. «Менинг сочим кўп»,— деди Ҳасан. «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сочлари сеникидан ҳам кўп эрди»,— дедим унга».

**5-боб. Бир марта ювмоқ**

*Маймуна разияллоҳу анҳодан:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ғусл қилмак учун сув кўйдим. Икки қўлларини бўғинигача 2—3 марта ювдилар. Кейин чап қўлда сув олиб, мустаҳаб қилдилар, сўнг ўша қўлларини ерга суртдилар-да, ювиб ташладилар. Шундан сўнг оғиз ва бурун чайқадилар, юзларини, икки қўлларини



тирсагигача ювдилар. Кейин баданларига сув қуйдилар. Сўнг четга чиқиб оёқларини ювдилар».

### **6-боб. Ғуслни хушбўйликлар ишлатишдан бошламоқ**

*Оиша разияллоҳу анҳо бундай деганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жимоъдан кейин ғусл қилсалар, ҳилоб (муаттар суюқлик)га ўхшаш бирор хушбўйлик олиб келмоқни буюрар эрдилар. Уни кафтларига қуйиб, аввал бошларининг ўнг қисмига, сўнг чап қисмига суртар эрдилар» (бир йўла икки кафтлари билан ҳам суртар эрдилар, дейишади).

### **7-боб. Жимоъдан кейин ғусл қилиш вақтида огиз ва бурунни чайқамоқ ҳукми**

*Ибн Аббосга Маймуна разияллоҳу анҳо бундай ривоят қилган эканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ғусл учун сув қуйиб бердим. Қўлларини ювдилар, кейин олатларини ювдилар, сўнг қўлларини ерга ишқаб, ювиб ташладилар. Сўнг огиз ва бурун чайқадилар, юзларини ювдилар, бошларидан сув қуйдилар, кейин четга чиқиб оёқларини ювдилар. Сочик узатишган эрди, артинмадилар».

### **8-боб. Қўлни поклаш учун ерга ишқамоқ**

*Маймуна разияллоҳу анҳо қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жимоъдан кейин ғусл қилдилар. Аввал олатларини ювдилар, кейин қўлларини деворга ишқаб, ювиб ташладилар, сўнг намозга таҳорат олгандек, таҳорат олдилар. Таҳорат қилиб бўлгач, оёқларини ювдилар».

### **9-боб. Жимоъ қилган киши, агар қўлига ифлос тегмаган бўлса, қўлини ювмай туриб сувга тиқиши мумкинми?**

Ибн Умар ва Барро ибн Озиб разияллоҳу анҳумо қўлларини ювмасдан туриб сувга тикдилар, кейин таҳорат олдилар. Ибн Умар ва Ибн Аббос ғусл қилаётганда бадандан тушаётган сувнинг қисман тоза сувга сачрашининг зарари йўқ, деб ҳисоблашди.

176. *عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كُنْتُ أُغْتَسِلُ أَنَا وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ، تَخْتَلِفُ أَيْدِينَا فِيهِ.*

*Оиша разияллоҳу анҳо бундай деганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан мен бир идишдан сув олиб ювинар эрдик, қўлларимизни идишга галмагал тикар эрдик».

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жимоъдан сўнг ғусл қилсалар, аввал қўлларини ювар эрдилар»,— деганлар.

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва мен жимоъдан сўнг бир идишдан сув олиб, ювинар эрдик»,— деб ҳам айтганлар.

*Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Жубайр:* «Мен Анас ибн Моликнинг «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва хотинлари биргалиқда бир идишдан сув олиб ғусл қилишур эрди»,— деганини эшитдим. Шунда Муслим: «Жимоъдан сўнг» деган сўзни қўшиб қўйди».

### **10-боб. Ғусл билан таҳоратни алоҳида-алоҳида қилмоқ жоизми?**

Ибн Умар хусусларида «У киши таҳорат қилганларида баданларидаги сув қуриб бўлгандан кейингина оёқларини ювдилар»,— деб ривоят қилишадир.

*Маймуна разияллоҳу анҳо бундай деган экаилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ғусл қилмак учун сув қуйдим. Шунда қўлларини 2 ёки 3 марта ювдилар, кейин ўнг кафтларига қуйилган сувни чапига олиб, мустаҳаб қилдилар, сўнг чап қўлларини ерга ишқаб, ювиб ташладилар. Шундан кейин огиз ва бурун

чайқадилар, юзларини ва қўлларини ювдилар, бошларини 3 марта ювдилар, кейин бутун баданларига сув қўйдилар. Кейин ўринларидан туриб, четга чиқиб оёқларини ювдилар».

### **11-боб. Ғуслда аввал ўнг кафтига сув олиб, кейин чап кафтига қўйиш тўғрисида**

*Маймуна разияллоҳу анҳодан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни ғусл қилаётганларида бегона кўздан пана қилиб, сув қўйиб турдим. Бир-икки марта қўлларини ювдилар» (Сулаймон: «Ушанда уч марта дедиларми, йўқми, билмайман»,— дейди). Кейин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўнг қўлларига қўйилган сувни чапига олиб, олатларини ювдилар. Сўнгра қўлларини ерга ёки деворга ишқаб, ювиб ташладилар. Шундан кейин оғиз ва бурун чайқадилар, юз-қўлларини, бошларини ювдилар, кейин бутун баданларига сув қўйдилар, Охири четга чиқиб, оёқларини ювдилар. Артингани сочиқ узатсам, қўллари билан «керакмас», деб ишора қилдилар, артинмакни хоҳламадилар».

### **12-боб. Киши хотини билан бир марта алоқа қилиб, кейин (ғусл қилинганда) яна алоқа қилиши ёки (қамма) хотинларини айланиб чиққач, бир марта ғусл қилиши мумкинми?**

*Иброҳим ибн Муҳаммаднинг отаси Оиша разияллоҳу анҳога:* «Ибн Умар хушбўйликлар сепиб эҳромга кирмакни ёқтирмас эрди»,— дебди. Шунда Оиша разияллоҳу анҳо: «Оллоҳ таоло Абу Абдурраҳмон ибн Умарни раҳмат қилсин! Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга хушбўйликлар сепар эрдим, кейин хотинларини (жимоъ қилмак учун) қириб чиқар эрдилар, чиққанларидан сўнг, хушбўй ҳид анқиб турган ҳолда эҳромга кирар эрдилар», — дебдилар.

178 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدُورُ عَلَى نِسَائِهِ فِي السَّاعَةِ الْوَاحِدَةِ مِنَ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ ، وَهِنَّ إِحْدَى عَشْرَةَ . وَفِي رِوَايَةٍ تَسْعُ نِسْوَةً . قِيلَ لِأَنَسٍ : أَوْ كَانَ يُطِيقُهُ ؟ قَالَ : كُنَّا نَتَحَدَّثُ أَنَّهُ أُعْطِيَ قُوَّةَ ثَلَاثِينَ .

*Анас ибн Малик разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаски, кундузими, бир вақтнинг ўзида ҳамма хотинларини айланиб чиқар эрдилар, ваҳоланки, улар 11 та эрди», — дебдилар. Шунда Қатода Анасдан: «Бир вақтнинг ўзида шунчага кучлари етармиди?» — деб сўрабдилар. Акас: «Биз саҳобалар, Расулulloҳга 30 кишининг қуввати берилган, деб сўзлаб юрар эрдик», — дебдилар. «Анас бкзга, Расулulloҳнинг 9 та хотинлари бор, деб айтди»,— дейдилар Саъид (демак, 11 хотиндан 2 таси чўри бўлган).

### **13-боб. Мазий (олат учига манийдан олдин келадиган нам) келса, таҳорат жоизми?**

Ҳазрат *Али разияллоҳу анҳудан:* «Шаҳватим кўп одам эрдим, бу ҳақда Расулulloҳдан сўра, деб бир кишига буюрдим. Расулulloҳнинг қизлари менга хотин бўлгани учун ўзим сўраёлмадим. Расулulloҳ: «Олдингни ювиб, таҳорат олғил! » — дебдилар».

### **14-боб. Ўзига хушбўй нарсалар сепиб, кейин ғусл қилса-ю, лекин баданида ҳиди қолса, жоизми?**

*Иброҳим ибн Муҳаммаднинг отаси Оиша разияллоҳу анҳодан бир масала хусусида сўраб,* Ибн Умарнинг «Баданимдан хушбўй ҳид анқиб турган ҳолда эҳромга кирмакни ёқтирмасман» деган сўзларини эслатдилар.

177 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كُنْتُ أَطِيبُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَيَطُوفُ عَلَى نِسَائِهِ ، ثُمَّ يُصْبِحُ

مُحْرَمًا يَنْضَحُ طَيِّبًا .

«Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга хушбўй нарсалар суртдим, кейин хотинларини айланиб чиқдилар, сўнг эҳромга кирдилар»,— дедилар Оиша.

179 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانِي أَنْظُرُ إِلَى وَبَيْصِ الطَّيِّبِ فِي مَفْرَقِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ مُحْرَمٌ .

*Оиша разияллоҳу анҳодан:* «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам эҳромда эрканликларидида пешоналарининг ярқираб турганини кўргандек бўлар эрдим» (яъни, баданга суртилган хушбўй ёғ ялтираб турган).

### 15-боб. Баданнинг ҳаммасини ювиб бўлдим, деб ҳисоблагандан кейин ҳам соч орасига панжани тиқиб ювмоқ

180 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ ، غَسَلَ يَدَيْهِ وَتَوَضَّأَ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ ، ثُمَّ اغْتَسَلَ ، ثُمَّ يُخَلِّلُ بِيَدِهِ شَعْرَهُ حَتَّى إِذَا ظَنَّ أَنَّهُ قَدْ أَرَوَى بَشَرَتَهُ ، أَفَاضَ عَلَيْهِ الْمَاءَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ، ثُمَّ غَسَلَ سَائِرَ جَسَدِهِ .

*Оиша разияллоҳу анҳо бундай деганлар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам жимоъдан сўнг ғул қилганларида, аввал қўлларини ювиб, кейин намозга таҳорат олгандек таҳорат олар эрдилар. Шундан кейингина ғул қилмакка киришар эрдилар. Ҳатто ҳамма ёғимни ювиб бўлдим, деб ўйлаганларида ҳам сачларининг орасига панжаларини тиқиб, устидан 3 марта сув қуйиб ювар эрдилар. Сўнг баданларининг қолган қисмини ювар эрдилар. Мен ва Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам иккаламиз бир идишдан сув олиб ювинар эрдик».

### 16-боб. Бир киши жимоъдан сўнг таҳорат олса, кейин қолган аъзоларини ювса, таҳоратда ювган жойларини қайтадан ювмаса, жоизми?

*Маймуна разияллоҳу анҳодан:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга жимоъдан сўнг ғул қилмак учун сув қуйдим. Ўнг қўлларида қуйилган сувни чапига олиб, 2 ёки 3 марта мустаҳаб қилдилар. Кейин қўлларини ерга ёки деворга ишқаладилар, 2 ёки 3 марта ювиб ташладилар, кейин оғиз ва бурун чайқадилар, юзларини ювдилар, икки билакларини тирсагигача ювдилар, сўнг бошларига сув қуйдилар, кейин бутун аъзоларини ювдилар (аввал таҳорат қилган аъзоларидан ташқари), сўнгра четга чиқиб оёқларини ювдилар. Сочик олиб келдим, хоҳламадилар. Қўллари билан сувни сидира бошладилар».

### 17-боб. Агар киши масжидда турган вақтда жимоъдан кейин ювинмаганлиги эсига тушиб қолса, шу аҳволда масжиддан чиқиб кетадими ёки таяммум қиладими?

181 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ وَعُدِلَتِ الصُّفُوفُ قِيَامًا ، فَخَرَجَ إِلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَمَّا قَامَ فِي مُصَلَّاهُ ذَكَرَ أَنَّهُ جُنِبَ فَقَالَ لَنَا : ( مَكَانَكُمْ ) . ثُمَّ رَجَعَ فَأَغْتَسَلَ ، ثُمَّ خَرَجَ إِلَيْنَا وَرَأْسُهُ يَقْطُرُ ، فَكَبَّرَ فَصَلَّيْنَا مَعَهُ .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан:* «Намозга такбир айтилди, сафлар тўғриланди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам жамоат олдида чиқдилар. Мусаллоларига (намозгоҳларига) келганларида ювуқсиз эканлари эсларига тушиб қолди. Шунда бизга: «Жойингизда тура турингиз!»—деб қайтиб кириб кетдилар, Бир оздан сўнг сочларидан сув томганича чиқиб келдилар. Кейин такбири тахрима айтдилар, биз у киши билан бирга намоз ўқидик».

### 18-боб Жимоъдан сўнг ғул қилганда қўлда қолган сувни силқитмоқ

*Маймуна разияллоҳу анҳо дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни (бегона кўз тушмаслиги учун) кийим билан тўсиб туриб, ғулга сув қуйиб бердим. Аввал қўлларини ювдилар, сўнг ўнг кафтларидаги сувни чап кафтларига қўйиб, мустаҳаб қилдилар. Кейин қўлларини ерга ишқалаб, ювиб ташладилар, оғиз ва бурун чайқадилар, юзларини ювдилар, икки қўлларини тирсагигача ювдилар, бошлари ва бутун баданларига сув қуйдилар. Кейин ўринларидан туриб, четга чиқдилар-да, оёқларини ювдилар. Сочиқ узатдим, олмадилар, қўлларини сувини силқитиб чиқиб кетдилар» (қўлнинг сувини силқитишнинг ҳалоллигига бу ҳадис далилдир. «Лекин зарурат бўлмаса, силқитмаслик керак», — дейдилар Қасталоний).

### 19-боб. Ғулни ўнг томондан бошламоқ

Оиша разияллоҳу анҳо дедилар: «Биронтамизга ғул лозим бўлиб қолса, қўлга сув олиб, бошга 3 марта қуяр эрдик. Кейин қўлга сув олиб, аввал ўнг елкага, сўнг чап елкага қуяр эрдик.

### БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

### 20-боб. Хилватда яланғоч чўмилмоқ мумкинми? Хилватда панада чўмилмоқ афзалдир!

*Баҳз ибн Ҳакимнинг бобосига Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деган эканлар:* «Оллоҳ таоло кишининг одамлардан кўра, ўзидан ҳаё қилишларига ҳақлироқдир» (яъни, одамлардан кўра, Оллоҳдан уялинг, одамлардан ўзни пана қилиш мумкин-у, лекин Оллоҳдан ўзни иана қилиб бўлмайдир, у барибир кўриб турадир).

182. عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ يَغْتَسِلُونَ عُرَاةً يَنْظُرُ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ ، وَكَانَ مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَغْتَسِلُ وَحْدَهُ ، فَقَالُوا : وَاللَّهِ مَا يَمْنَعُ مُوسَى أَنْ يَغْتَسِلَ مَعَنَا إِلَّا أَنَّهُ آدَرٌ ، فَذَهَبَ مَرَّةً يَغْتَسِلُ ، فَوَضَعَ ثَوْبَهُ عَلَى حَجَرٍ ، فَفَرَّ الْحَجَرُ بِثَوْبِهِ ، فَخَرَجَ مُوسَى فِي إِثْرِهِ يَقُولُ : تَوْبِي يَا حَجَرُ ، حَتَّى نَظَرْتَ بَنُو إِسْرَائِيلَ إِلَى مُوسَى فَقَالُوا: وَاللَّهِ مَا بِمُوسَى مِنْ بَأْسٍ ، وَأَخَذَ ثَوْبَهُ فَطَفِقَ بِالْحَجَرِ ضَرْبًا ، فَقَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ : وَاللَّهِ إِنَّهُ لَنَدَبٌ بِالْحَجَرِ سِتَّةٌ أَوْ سَبْعَةٌ ضَرْبًا بِالْحَجَرِ .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганлар, дейдилар:* «Баний Исроил қавми бир-бирига қараб яланғоч ювинаверарди. Мусо алайҳиссалом ёлғиз ўзлари ювинар эрдилар. Шунинг учун ҳам: «Мусонинг биз билан бирга ювинмоғига унинг даббалигигина монельлик қилур»,— дейишарди. Бир куни Мусо алайҳиссалом ювингани бориб, кийимларини бир тош устига ечиб, қуйиб эрдилар, тош кийимларини (Оллоҳнинг амри билан) олиб қочди. Мусо алайҳиссалом: «Эй тош, кийимимни берғил, кийимимни берғил!» — деганларича кетидан қувиб кетдилар. Шу фурсатда Мусо алайҳиссаломнинг яланғоч баданларига кўзи тушган Баний Исроил қавми: «Оллоҳга қасамёд бўлсинким, Мусода ҳеч айб (жисмоний айб) йўқ эркан»,— деди. Мусо алайҳиссалом кийимларини олиб, тошни дўппослай кетдилар». «Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, ўшанда у кишининг зарбларидан тошда 6 ёки 7 та дарз пайдо бўлганди»,— дейдилар Абу Ҳурайра.

183. وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: (بَيْنَا أَيُّوبُ يَغْتَسِلُ عُرْيَانًا ، فَخَرَّ عَلَيْهِ جَرَادٌ مِنْ ذَهَبٍ ، فَجَعَلَ أَيُّوبُ يَحْتَشِي فِي ثَوْبِهِ ، فَنَادَاهُ رَبُّهُ : يَا أَيُّوبُ أَلَمْ أَكُنْ أَغْنَيْتَكَ عَمَّا تَرَى ؟ قَالَ : بَلَى وَعَزَّتْكَ ، وَلَكِنْ لَا غِنَى بِي عَنْ بَرَكَتِكَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳуга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам*

*бундай деб айтиб берган эканлар:* «Айюб алайҳиссалом яланғоч ювинаётган эрдилар, устларига тилла чигиртка қўнди. Айюб алайҳиссалом (чигирткани) кийимларига яшира бошладилар. Шунда Оллоҳ таоло нидо қилиб: «Эй Айюб, сени кўриб турганинга (тилла чигирткага, яъни бойликка) эҳтиёжсиз қилмаганми эрдим?!» — деди. «Иззатинг ҳаққи, ҳа, эҳтиёжсиз қилгандирсен, аммо мен сенинг баракотингдан бенасиб эрмасмен»,— дедилар Айюб алайҳиссалом». Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ривоятни бежиз айтмаганлар. Бу ерда, яланғоч чўмилишдан уялгандан кўра, бойликка ружуъ қилишдан уялмоқ керак, деган маъно ётади).

### **21-боб. Одамлар бор жойда ўзини панага олиб ғул қилмоқ**

184 . عَنْ أُمِّ هَانِئِ بِنْتِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : ذَهَبْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ الْفَتْحِ فَوَجَدْتُهُ يَغْتَسِلُ ، وَفَاطِمَةُ تُسْتَرُّهُ ، فَقَالَ : ( مَنْ هَذِهِ ) ؟ فَقُلْتُ : أَنَا أُمُّ هَانِئٍ .

*Абу Толибнинг қизи Умму Ҳониъ бундай деган экап:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўйларига Макка фатҳ бўлган йили бордим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғул қилаётган эканлар. Қизлари Фотима пана қилиб турган эканлар. Шунда Расулulloҳ: «Ким бу?» — дедилар. Мен: «Умму Ҳониъман»,— дедим».

*Маймуна разияллоҳу анҳодан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни жимоъдан сўнг ғул қилаётганларида тўсиб турдим. Аввал қўлларини ювдилар, сўнг ўнг кафтларидаги сувни чапига олиб, олатларини ювдилар, кейин қўлларини ерга ёки деворга ишқаб ювиб ташладилар, кейин намозга таҳорат олгандек таҳорат олдилар, оёқларини ювмадилар. Шундан сўнг бутун баданга сув қуйиб ювиндиларда, четга чиқиб оёқларини ювдилар». Абу Увона ва Ибн Фазил ҳам ғул қилаётганда ўзни панага олмоқ хусусида шу ҳадисни зикр қилган.

### **22-боб. Хотин киши ихтилом бўлиб (булғаниб) қолса...**

*Умму Салама бундай деган эканлар:* «Абу Талҳанинг хотини Умму Сулайм Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, Оллоҳ таоло ҳақ нарсдан уялмоқни буюрмайдир. Агар хотин киши ихтилом бўлиб қолса, ғул лозимдирми?» — деб сўрабди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, агар нам келганини кўрса (лозими нам бўлиб қолганини сезса),— дебдилар».

### **23-боб. Ювуқсиз кишининг (уятдан) терлагани ва мўъмин кишининг ювуқсиз юрмаслиги хусусида**

*Абу Рофиъ бундай ривоят қиладилар:* «Абу Ҳурайра Мадина кўчаларидан бирида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ювуқсиз ҳолда йўлиқиб қолди. У Расулulloҳдан ўзини четга олиб, секингина ғойиб бўлди. Бир оздан сўнг ғул қилиб, қайтиб келганида: «Қаерда эрдинг, эй Абу Ҳурайра?»,,— дедилар. «Ювуқсиз эрдим, таҳоратсиз сиз билан ўтирмоқни лозим кўрмадим»,— деди Абу Ҳурайра. Шунда: «Субҳоналлоҳ, мўъмин киши, ҳеч вақт нопок бўлмағайдир»,— дедилар».

### **24-боб. Ювуқсиз ҳолда уйдан чиқиб, бозор ва бошқа жойларда юриш мумкинми?**

*Ато разияллоҳу анҳу:* «Ювуқсиз киши таҳоратсиз қон ва соч олдирса, тирноқ олса, бўлур»,— дейдилар.

*Анас ибн Моликдан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кечада ҳамма хотинларига айланиб чиқар эрдилар, ўша вақтда 9 та хотинлари бор эрди».

185 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَقِيَهُ فِي بَعْضِ طَرِيقِ الْمَدِينَةِ وَهُوَ جُنُبٌ ، فَأَنْخَسَتْ مِنْهُ فَدَهَبَ ، فَاعْتَسَلَ ثُمَّ جَاءَ فَقَالَ : ( أَيْنَ كُنْتَ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ ) . قَالَ : كُنْتُ جُنُبًا ، فَكَرِهْتُ أَنْ أُجَالِسَكَ وَأَنَا عَلَى غَيْرِ طَهَارَةٍ ، فَقَالَ : ( سُبْحَانَ اللَّهِ إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَا يَنْجُسُ ) .

*Абу Ҳурайра бундай дейдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ювуқсиз ҳолда йўлиқиб қолдим, қўлимдан ушладилар. У киши бир жойга бориб ўтиргунларича бирга бордим, кейин секин ғойиб бўлдим. Ғул қилиб, қайтиб келдим. У киши ҳали ҳам ўтирган эканлар. «Қаерда эдинг, эй Абу Ҳурайра?»—дедилар. Мен нима қилганимни айтиб бердим. «Субҳоналлоҳ, эй Абу Ҳурайра, мўъмин одам нопок бўлмағайдир»,— дедилар».

### 25-боб. Ювуқсиз одам таҳорат олиб (ғул қилмай) ётавериши мумкинми?

*Абу Салама бундай дейдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ювуқсиз ҳолда ётармидилар?» — деб Оиша онамиздан сўрадим. «Ҳа, таҳорат олиб ётар эрдилар»,— деб жавоб қилдилар».

186 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَيْرُقَدُ أَحَدُنَا وَهُوَ جُنُبٌ ؟ قَالَ : ( نَعَمْ إِذَا تَوَضَّأَ أَحَدُكُمْ فَلْيُرُقَدْ وَهُوَ جُنُبٌ ) .

*Умар ибн ал-Хаттоб:* «Ғул қилмай ётсак бўлурми?» — деб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадилар. «Ҳа, биронтангиз ювуқсиз бўлсангиз, таҳорат олиб ётсангиз бўлғайдир»,— дедилар Жаноб Расулulloҳ.

### 26-боб. Ювуқсиз одам таҳорат олиб, кейин ухлайди

*Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жимоъдан сўнг ухламоқчи бўлсалар, намозга таҳорат олгандек таҳорат олиб, сўнг ётардилар».

*Абдуллоҳ ибн Умардан:* «Ҳазрат Умар ал-Хаттоб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ювуқсиз ҳолда ухласак жоизми?» — деб фатво сўрадилар. «Ҳа, агар таҳорат олса»,— дедилар Жаноб Расулulloҳ».

*Абдуллоҳ ибн Умардан:* «Ҳазрат Умар ал-Хаттоб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга кечалари булғаниб қолишини айтди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Олатингни ювғил, таҳорат олғил, кейин ухлағил!»—дедилар».

### 27-боб. Эру хотиннинг олатлари бир-бирига тегса...

187 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا جَلَسَ بَيْنَ شَعْبَيْهِ الْأَرْبَعِ ، ثُمَّ جَهَدَهَا ، فَقَدَ وَجَبَ الْغَسْلُ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар эркак хотинининг икки оёғи орасига кириб, ҳаракат қилғай, ғул вожиб бўлғай»,— деганлар».

### 28-боб. Аёл кишининг олатидан теккан рутубатни ювиш

*Усмон ибн Аффондан Зайд ибн Холид:* «Эр хотинини жимоъ қилса-ю, тўкмаса, нима қилмоғи керак?»— деб сўради. «Олатини ювиб, намозга таҳорат олгандек таҳорат олғайдир. Мен бун Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганман»,— дедилар Усмон ибн Аффон. Зайд ибн Холид: «Мен Али, Зубайр ибн Аввом, Талха ибн Убайдуллоҳ ва Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳулардан сўрадим, улар ҳам шундай дейишди»,— дейдилар. Абу Айюб ҳам худди шу гапни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитибди»,— дейдилар Урва ибн Зубайр.

*Убай ибн Каъб:* «Ё Расулulloҳ, агар киши хотинини жимоъ қилса-ю, тўкмаса, нима қилмоғи лозим?»—деб сўрадилар. «Хотинидан теккан рутубатни ювиб ташлаб, таҳорат олғайдир, Кейин намоз ўқийверғайдир»,— дедилар Жаноб Расулulloҳ.

Имом Бухорий: «Фусл қилмоқ бежавотирроқдир, энг яхшиси шулдир. Юқоридаги ҳадисларни эрса, ушбу масалада саҳобалар ўртасидаги ихтилофларни кўрсатмоқ учун баён қилдик»,— дейдилар.

## **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ ҲАЙЗ КИТОБИ**

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Сендан ҳайз тўғрисида сўрарлар, ҳайз озор баргувчи нарсадир, ҳайздан пок бўлгунича хотинларга яқинлик қилмангиз, қачон ҳайздан пок бўлғайлар, ўшандагина Оллоҳ таоло буюрган (ҳалол қилган) томонидан алоқа қилингиз. Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло тавба қилган ва покиза кишиларни суйғайдир, дегин!»— дейди. Яҳудийлар ҳайз кўрган хотинини уйдан чиқариб, алоҳида қилиб қўйғай эрди. Саҳобалар: «Хотинимиз ҳайз кўрса, биз не қилғайдирмиз?» — деб Расулulloҳдан сўрашди. Шунда юқоридаги оят нозил бўлди.

### **1-боб. Аёллар қачондан бошлаб ҳайз кўра бошлаган?**

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Бу Одам алайҳиссалом қизларининг пешонасига азалдан ёзилмишдир»,— деганлар. Баъзи саҳобалар: «Ҳайз аввал Баний Исроилга юборилган эрди»,— деганлар. Имом Бухорий: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг айтганлари кенгроқ (энг тўғриси)»,— деганлар.

### **2-боб. Ҳайз кўрган хотинларга буйруқ**

188 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : خَرَجْنَا لَا نَرَى إِلَّا الْحَجَّ ، فَلَمَّا كُنَّا بِسِرْفَ حَضَتْ ، فَدَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا أَبْكِي ، قَالَ : ( مَا لَكَ أَنْفَسْتِ ) . قُلْتُ : نَعَمْ ، قَالَ : ( إِنَّ هَذَا أَمْرٌ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَى بَنَاتِ آدَمَ ، فَاقْضِي مَا يَقْضِي الْحَاجُّ ، غَيْرَ أَنْ لَا تُطَوِّفِي بِالْبَيْتِ ) .  
قَالَتْ : وَضَحَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ نِسَائِهِ بِالْبَقْرِ .

*Оиша онамиз разияллоҳу анҳо дедилар:* «Фақат ҳажни ният қилиб йўлга чиқдик. Сараф (Макка яқинидаги қишлоқ,) деган жойга борганимизда, ҳайз кўрдим. Йиғлаб ўтирганим устига Расулulloҳ кириб келдилар. «Сенга не бўлди, ҳайз кўрдингми?» — дедилар. «Ҳа»,— дедим. «Ҳайз кўриш Оллоҳ таоло Одам қизлари пешонасига ёзган нарсадир, ҳаж амалларининг барчасини қилаверғил, бироқ Каъбатуллоҳни тавоф этмағил!» — дедилар». Сўнг: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинлари номидан бир сигирни қурбонлик қилдилар»,— деб айтгандилар ўшанда Оиша разияллоҳу анҳо.

### **3-боб. Ҳайз кўрган хотин эрининг бошини ювиб, сочларини тараб қўймоғи мумкин**

189 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كُنْتُ أُرْجُلُ رَأْسَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا حَائِضٌ .

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сочларини ҳайз кўрган ҳолимда ҳам тараб қўйғай эрдим»,— деганлар.

*Урвадан:* «Ҳайз кўрган ёки ювуқсиз хотин менга хизмат қилмоғи мумкинмидир?»—деб сўрашди. Урва: «Буларга мен унчалик аҳамият бермасман. Ҳайз кўрган ҳолда, ювуқсиз ҳам менга хизмат қилишғай эрди. Мендан бошқа саҳобалар ҳам бу тўғрида бир хил фикрда. Менга Оиша онамиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи

ва салламнинг сачларини ҳайз кўрган ҳолатда ҳам тараб қўйишларини айтганлар.

وفي رواية : وهو مُجَاوِرٌ فِي الْمَسْجِدِ ، يُدْنِي لَهَا رَأْسَهُ ، وَهِيَ فِي حُجْرَتِهَا فَتَرْحَلُهُ وَهِيَ حَائِضٌ .

Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам масжидда чилла (эътикоф) ўтирганларида, бошларини дарчадан чиқарар эрканлар (уйларининг дарчаси масжид ичига қараган бўлган), Оиша онамиз ҳужраларида туриб, ҳайз кўрган бўлсалар ҳам, сочларини тараб қўяр эканлар».

#### 4-боб. Ҳайз кўрган хотиннинг қучоғида туриб қироат қилмоқ

Абу Воил ўз чўрисини, ҳайз кўрган бўлса ҳам, Абу Разийнга хизмат қилмоқ, учун юборар эрди. Чўри Қуръони Каримни ғилофининг ипидан ушлаб, олиб бориб берар эрди.

190 . عن عائشة رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَكَبَّرُ فِي حَجْرِي وَأَنَا حَائِضٌ، ثُمَّ يَقْرَأُ الْقُرْآنَ .

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам, мен ҳайз кўрган бўлсам ҳам, қучоғимга суяниб ўтирган ҳолда қироат қилгай эрдилар»,— деганлар.

#### 5-боб. «Ҳайз кўрмоқ» ибораси ўрнига «ой кўрмоқ» иборасини қўллаш

191 . عن أم سلمة رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ : بَيْنَا أَنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُضْطَجِعَةً فِي خَمِيصَةٍ ، إِذْ حَضَتْ ، فَأَنْسَلْتُ فَأَخَذْتُ ثِيَابَ حَيْضَتِي ، قَالَ : ( أَنْفَسْتُ ) . قُلْتُ : نَعَمْ ، فَدَعَانِي ، فَأَضْطَجَعْتُ مَعَهُ فِي الْخَمِيصَةِ .

Умму Салама: «Мен ва Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам иккаламиз ёнбошлаб ётган эрдик, бирдан ҳайз кўриб қолдим. Секингина бағриларидан суғурилиб чиқдим-да, ҳайз кийимларимни олдим. «Ой кўрдингми?» — дедилар. «Ҳа»,— дедим. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам мени ёнларига чақирдилар. Мен ҳайз кийимида у кишининг ёнларида ётдим».

#### 6-боб. Ҳайз кўрган хотинни эри қучоқласа бўлурми?

192 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ : كُنْتُ أَعْتَسِلُ أَنَا وَالنَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ ، كِلَانَا حُتْبٌ ، وَكَانَ يَأْمُرُنِي فَأَتَزَّرُ ، فَيُبَاشِرُنِي وَأَنَا حَائِضٌ ، وَكَانَ يُخْرِجُ رَأْسَهُ إِلَيَّ وَهُوَ مُعْتَكِفٌ ، فَأَغْسِلُهُ وَأَنَا حَائِضٌ .

Оиша разияллоҳу анҳо дедилар: «Мен ва Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам иккаламиз ювуқсиз бўлганимизда бир идишдан ғул қилур эрдик. Ҳайз кўрганимда эса, менга ҳайз кийимимни кийиб олмакни буюрар эрдилар, кийиниб олардим, кейин қучоқлардилар. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам масжидда эътикофда (чилла ўтиришда) бўлганларида бошларини дарчадан чиқарар эрдилар, мен ҳайз ҳолимда бошларини ювиб қўяр эрдим».

وفي رواية عنها رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَتْ إِحْدَانَا إِذَا كَانَتْ حَائِضًا ، فَأَرَادَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُبَاشِرَهَا ، أَمْرَهَا أَنْ تَتَزَّرَ فِي فَوْرِ حَيْضَتِهَا ، ثُمَّ يُبَاشِرُهَا .

Оиша разияллоҳу анҳо: قَالَتْ : وَأَيُّكُمْ يَمْلِكُ إِرْبَهُ كَمَا كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْلِكُ إِرْبَهُ

«Биронтамиз ҳайз кўрган бўлсаг-у, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам қучоқламоқчи бўлсалар, ҳайз кийимни кийишни буюрар эрдилар, кейин қучоқлар эрдилар. Қайси бирингиз Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламдек шаҳватингизни тийиб тура олурсиз!» — дедилар.

Абдуллоҳ ибн Шаддод бундай деб ривоят қиладилар: «Маймуна онамиздан



эшитдимки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларидан бирортасини ҳайз ҳолида қучоқламоқчи эрсалар, ҳайз кийимини кийиб олмакни буюрар эрдилар».

### 7-боб. Ҳайз кўрган хотин рўза тутмаслиги лозим

193 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي أَضْحَى ، أَوْ فِطْرٍ ، إِلَى الْمُصَلَّى ، فَمَرَّ عَلَى النَّسَاءِ ، فَقَالَ : ( يَا مَعْشَرَ النَّسَاءِ تَصَدَّقْنَ فَإِنِّي أُرِيْتُكُمْ أَكْثَرَ أَهْلِ النَّارِ ) . فَقُلْنَ : وَبِمَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ؟ قَالَ : ( تُكْثِرْنَ اللَّعْنَ وَتَكْفُرْنَ الْعَشِيرَ ، مَا رَأَيْتُ مِنْ نَاقِصَاتِ عَقْلِ وَدِينٍ أَذْهَبَ لِلْبَّ الرَّجُلِ الْحَازِمِ مِنْ إِحْدَاكُنَّ ، قُلْنَ وَمَا نُقْصَانُ دِينِنَا وَعَقْلِنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ ؟ قَالَ : أَلَيْسَ شَهَادَةُ الْمَرْأَةِ مِثْلَ نِصْفِ شَهَادَةِ الرَّجُلِ ) . قُلْنَ : بَلَى ، قَالَ : ( فَذَلِكَ مِنْ نُقْصَانِ عَقْلِهَا ، أَلَيْسَ إِذَا حَاضَتْ لَمْ تُصَلِّ وَلَمْ تُصُمْ ) . قُلْنَ : بَلَى ، قَالَ : ( فَذَلِكَ مِنْ نُقْصَانِ دِينِهَا ) .

*Абу Саъид ал-Худрий бундай ривоят қиладилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Қурбон ҳайити ёки Рамазон ҳайити эрди, намозгоҳга чиқдилар. Хотинларнинг ёнидан ўтаётиб: «Эй хотинлар жамоаси, садақа қилингиз! Дўзах аҳлининг кўпроғи аёллардир, деб менга аён қилинди»,— дедилар. Шунда хотинлар: «Не сабабдан, ё Расулуллоҳ?» — дедилар. «Кўп қарғайдирсизлар ва эрнинг яхшилигини билмайдирсизлар. Эрнинг яхшилигини камситгайсизлар, қадрламасизлар (кўрнамаклик қилгайсизлар), сизлардан кўра калтафаҳм ва эътиқоди сустроқ, ҳар қандай иймонли кишини ҳам йўлдан оздирғувчи роқ тоифани кўрмадим»,— дедилар. Хотинлар: «Эътиқод ва ақлимизнинг нечук нуқсонлари бор эркан, ё Расулуллоҳ?» — дейишди. «Бир хотин кишининг гувоҳлиги яримта эркакнинг гувоҳлигига тенг эрмасдирми?» — дедилар Жаноб Расулуллоҳ. «Ҳа, шундай»,— дейишди хотинлар. «Худди мана шу ақлингизнинг нуқсонлари эмасдирми? Ҳайз кўрганнингизда намоз ўқимаслигингиз, рўза тутмаслигингиз ҳам сизнинг (эркакларга нисбатан) нуқсонингиз эмасми?»— дедилар. «Ҳа, тўғри айтдингиз»,— дейишди аёллар. «Мана шулар аёллар динининг нуқсонли эканини англатгайдир»,— дедилар Расулуллоҳ».

### 8-боб. Ҳайз кўрган хотин ҳаж амалларининг барчасини қиладир, аммо Каъбатуллоҳни тавоф қилмайдир

*Иброҳим ан-Наҳоий айтадилар:* «Ҳайз кўрган хотиннинг Қуръон оятларини ўқиши зарарсиздир» (Ҳанафий ва Ҳанбалий мазҳабларига мансуб олимлар буни рад этадилар). Ибн Аббос ҳам ювуқсиз одамнинг қироат қилмоғини зарарсиз, деб ҳисоблаганлар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамма вақт Оллоҳни зикр қилар эрдилар. Умму Атиййа: «Биз — хотинларга, ҳайз кўрган бўлсак ҳам, ийд (ҳайит) намозига чиқмакни бўйришар эрди. Эркаклар айтадирган такбир ва дуоларни ўқир эрдик, намоз ўқимас эрдик»,— дейдилар. Абу Суфён айтадилар: «Ҳирақл (Рум подшоси) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мактубларини олиб келмакни буюрди, сўнг ўқиб қараса, «Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийми, ё аҳл ал-китоб, таъолуу ила калимат ил-ояти» (Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийми, эй аҳлулкитоб, иймон келтирингиз!)» деб ёзилган экан».

*Жобир разияллоҳу анҳу бундай ривоят қиладилар:* «Оиша онамиз ҳайз кўрдилар, сўнг ҳаж амалларининг барчасини қилавердилар, бироқ Каъбатуллоҳни тавоф қилмадилар ва намоз ўқимадилар». «Мен ювуқсиз ҳолда ҳам «Бисмиллоҳ, оллоҳу акбар» деб ҳайвон сўяверар эрдим»,— дейди Ҳакам.

«Оллоҳнинг исми айтиб сўйилмаган ҳайвон гўштини емангиз!» — деган Оллоҳ таоло.

*Оиша онамиз дедилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга

ҳажни ният қилиб йўлга чиқдик. Сараф деган жойга келганимизда ҳайз кўриб қолдим. Йиғлаб ўтирганимизда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб: «Нега йиғларсен?» — дедилар. «Худо ҳаққи, бу йил ҳажга чиққанымдан афсусланурмен»,— дедим. Расулуллоҳ: «Эҳтимол, ҳайз кўриб қолгандирсан?» — дедилар. «Ҳа»,— дедим. Оллоҳ таоло буни Одам қизларининг барчасининг пешонасига ёзмишдир, энди ҳажда қиладирган барча ишларни қилаверғил, лекин то поклангунингча Каъбатуллоҳни тавоф этмағил!» — дедилар Жаноб Расулуллоҳ».

### 9-боб. Истиҳоза (бетўхтов қон кетиши)

*Оиша разияллоҳу анҳо бундай деганлар:* «Фотима бинти Абу Ҳубайш Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулуллоҳ, мен покланмасман (бетўхтов қон келиб туради), намоз ўқимайми?»—деб айтди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу томир касаллигидир, ҳайз эмас, агар ҳайз келса, намозни тарк этгил, ҳайз тугаса, ғул қилиб, намоз ўқийверғил!»—дедилар».

### 10-боб. Ҳайз қонини ювмоқ

*Асмо бинти Абу Бакр бундай дейдилар:* «Расулуллоҳ, саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир хотин «Ё Расулуллоҳ, биронтамизнинг кийимимизга ҳайз қони тегиб қолса, нетгаймиз?» — деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронгангининг кийимингизга ҳайз қони тегиб қолса, қотиб қолган қонни ишқаб ташлаб, сўнг сув бирлан ювингиз, кейин ўша кийимда намоз ўқийверингиз!» — дедилар».

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Биронтамиз ҳайз кўрсак. қотиб қолган қонни ишқалаб ташлар эрдик, сўнг ўша жойни ювар эрдик ва кийимнинг қон тегмаган қисмини ҳам ювиб, ўша кийимда намоз ўқийверар эрдик», — деганлар,

### 11-боб. Истиҳоза бўлган хотиннинг масжидда эътикоф қилиб ўтириши

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга эътикоф (узоқ муддат Оллоҳга ибодат қилиб, масжиддан чиқмай ўтириш) қилиб ўтирмакка кирсалар, хотинларидан баъзиси ҳам истиҳоза бўлганлигига қарамай, бирга кирар эрди»,— дедилар. «Эҳтимол у тагига идиш қўйиб ўтиргандир, деб айтгандилар»,— дейди Акрама, Акрама бундай деб таъкидлайди: «Оиша онамиз (тосдаги) сарғиш суюқликни кўриб: «Бу фалончи аёлдан тушган истиҳоза қони бўлса керак»,— деб ўйлаганлар».

194 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اعْتَكَفَ مَعَهُ بَعْضُ نِسَائِهِ ، وَهِيَ مُسْتَحَاضَةٌ تَرَى الدَّمَ ، فَرَبَّمَا وَضَعَتْ الطَّسْتُ تَحْتَهَا مِنَ الدَّمِ .

*Оиша онамиз дедилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинларидан бири у киши билан бирга эътикоф қилмакка ўтирди. У хотин ҳайз ва сарғиш қон ҳам кўрар эрди, шунинг учун намоз ўқийётганида тагига тос қўйиб олган эрди».

*Оиша онамиз разияллоҳу анҳо:* «Жаноб Расулуллоҳнинг хотинларидан бири истиҳоза кўрган ҳолида эътикоф қилмоққа ўтирди»,— дедилар (хотин киши истиҳоза бўлса ҳам масжидга кириб ибодат қилмоғи мумкин бўлган),

### 12-боб. Хотин киши ҳайз кўрган кийимида намоз ўқийдирми?

*Оиша онамиз разияллоҳу анҳо дедилар:* «Биронтамизда битта кийимдан бошқа кийим йўқ эрди. Ўша кийимда ҳайз кўрар эрдик. Агар унга қон тегиб кетса, ишқалаб ташлаб, кейин ювиб, намоз ўқир эрдик».

**13-боб. Аёл қайздан кейин русл қилгач, ўзига хушбўй нарса сепадир**

195 . عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كُنَّا نُنْهَى أَنْ نُحَدِّدَ عَلَى مَيِّتٍ فَوْقَ ثَلَاثٍ ، إِلَّا عَلَى زَوْجِ أَرْبَعَةِ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا ، وَلَا نَكْتَحِلُ ، وَلَا نَتَّطِيبُ ، وَلَا نَلْبَسُ ثَوْبًا مَصْبُوعًا إِلَّا نَوْبَ عَصَبٍ ، وَقَدْ رُحِّصَ لَنَا عِنْدَ الطُّهْرِ إِذَا اغْتَسَلْتَ إِحْدَانَا مِنْ مَحِيضِهَا فِي بُدَّةٍ مِنْ كُسْتِ أَظْفَارٍ ، وَكُنَّا نُنْهَى عَنْ اتِّبَاعِ الْجَنَائِزِ .

*Умму Атиййа дедилар:* «Ўликка 3 кундан ортиқ аза тутмасдик, эр ўлсагина 4 ойу 10 кун аза тутилар эрди. Кўзга сурма қўймасдик, ўзимизга хушбўйлик сепмасдик. Бўёқлик (гулдор) кийим киймасдик. Одми кийим кияр эрдик. Ҳайздан поклакиб, ғул қилганимиздан кейингина қисман хушбўйлик ишлатмакка изн берилган эрди, жанозага эргашмоғимизга йўл қўйкмас эрди».

**14-боб. Аёлнинг ҳайздан покланганда баданини ишқалаб ювмоғи ҳамда қандай қилиб ғул қилмоғи, атирланган латтани олдиға қўмиб, қонинг ҳидини кетказмоғи хусусида**

*Оиша онамиз бундай деганлар:* «Бир хотин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳайздан нечук тозаланмак тўғрисида сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай ғул қилишни айтиб, сўнг: «Атирланган латта билан тозаланғил!» — дедилар. «У билан қандай тозаланурмен?» — деди хотин. «Субҳоналлоҳ, тозаланғил!» — деб айтдилар Расулulloҳ. «Хотинни ўзимга тортдим-да, унга: «Қонинг ҳидини кетказмак учун латтани ўша жойингга қўйғил! — дедим».

**15-боб. Ҳайз келган жойни ювмоқ**

196 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ امْرَأَةً سَأَلَتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ غُسْلِهَا مِنَ الْمَحِيضِ ، فَأَمَرَهَا كَيْفَ تَغْتَسِلُ ، قَالَ : ( خُذِي فِرْصَةً مِنْ مِسْكِ فَتَطْهَرِي بِهَا ) . قَالَتْ : كَيْفَ أَتَطْهَرُ ؟ قَالَ : ( تَطْهَرِي بِهَا ) . قَالَتْ : كَيْفَ ؟ قَالَ : ( سُبْحَانَ اللَّهِ تَطْهَرِي ) . فَاجْتَبَدْتُهَا إِلَيَّ ، فَقُلْتُ : تَتَّبِعِي بِهَا أَثَرَ الدَّمِ .

*Оиша онамиздан:* «Ансорийлардан бир хотин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ҳайздан кейин нечук ғул қилурмен?» — деди. «Ғул қилганингдан кейин атирланган латтани олиб, тозалағил!» — деб 3 марта қайтардилар Расулulloҳ. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак юзларини уялиб ўгирдилар-да: «У билан артғил!» — дедилар. Шунда мен у хотинни ўзимга тортдим-да, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам нима демоқчи бўлаётганларики айтиб бердим».

**46-боб. Аёлнинг ҳайздан кейин ғул қилаётганда сочини тараш**

197 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : أَهْلَلْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ ، فَكُنْتُ مِمَّنْ تَمَتَّعَ وَلَمْ يَسُقِ الْهَدْيَ ، فَرَعَمْتُ أَنَّهَا حَاضَتْ وَلَمْ تَطْهَرْ حَتَّى دَخَلْتُ لَيْلَةَ عَرَفَةَ ، فَقَالَتْ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، هَذِهِ لَيْلَةُ عَرَفَةَ ، وَإِنَّمَا كُنْتُ تَمَتَّعْتُ بِعُمْرَةٍ ؟ فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( انْقُضِي رَأْسَكَ ، وَامْتَشِطِي ، وَأَمْسِكِي عَنْ عُمْرَتِكَ ) . فَفَعَلْتُ ، فَلَمَّا قَضَيْتُ الْحَجَّ ، أَمَرَ عَبْدَ الرَّحْمَنِ لَيْلَةَ الْحَصْبَةِ فَأَعْمَرَنِي مِنَ التَّنْعِيمِ ، مَكَانَ عُمْرَتِي الَّتِي نَسَكْتُ .

*Оиша онамиз Урва ибн Зубайрга бундай деб айтган эканлар:* «Мен ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжат ул-Видоъда эҳром боғладик. Мен умрага (кичик ҳаж) ният айлаб, эҳром боғлаганлардан эрдим, қурбонлик учун қўй олмаган эрдям. (Бахтга қарши) ҳайз кўриб қолдим. Арафа кечаси бўлгаи эрса ҳамки, ҳануз ҳайздан фориг бўлмаганлигимни таъкидлаб: «Ё Расулulloҳ, шу арафа кечаси умрага эҳром боғлагандим», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Сочингни ёйғил, тарағил (ғул қилғил), умрани қўя турғил!» — деб буюрдилар. Мен шундай қилдим. Ҳажни

(катта ҳажни) тугатганимда Расулulloҳ (укам) Абдурраҳмонга Ҳасба (ҳаж тугаган) кечаси мен билан Танъимга (жой номи) бориб, илгари қилишим керак бўлган умрани қайтадан бажариб келмоқни буюрдилар».

### 17-боб. Ҳайз кўрган аёлнинг ғул қилишдан олдин сочини ёймоғи тўғрисида

198 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : خَرَجْنَا مُوَافِينَ لَهْلَالِ ذِي الْحِجَّةِ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ أَحَبَّ أَنْ يُهَلَّ بِعُمْرَةٍ فَيُهِلَّ ، فَإِنِّي لَوْلَا أَنِّي أَهْدَيْتُ لِأَهْلَلْتُ بِعُمْرَةٍ ) فَأَهَلَّ بَعْضُهُمْ بِعُمْرَةٍ وَأَهَلَّ بَعْضُهُمْ بِحَجٍّ ، وَكُنْتُ أَنَا مِمَّنْ أَهَلَّ بِعُمْرَةٍ ، فَأَدْرَكَنِي يَوْمَ عَرَفَةَ وَأَنَا حَائِضٌ ، فَشَكَوْتُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ : ( دَعِيَ عُمْرَتَكَ ، وَأَنْقُضِي رَأْسَكَ ، وَامْتَشِطِي ، وَأَهْلِي بِحَجٍّ ) . فَفَعَلْتُ ، حَتَّى إِذَا كَانَ لَيْلَةَ الْحَصْبَةِ أَرْسَلَ مَعِيَ أَحْيَى عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ ، فَخَرَجْتُ إِلَى التَّنْعِيمِ فَأَهْلَلْتُ بِعُمْرَةٍ مَكَانَ عُمْرَتِي . وَلَمْ يَكُنْ فِي شَيْءٍ مِنْ ذَلِكَ هَدْيٌ وَلَا صَوْمٌ وَلَا صَدَقَةٌ .

*Урва ибн Зубайрга Оиша онамиз бундай деб айтган эканлар:* «Зулҳижжа ойи келмаги бирлан Мадинадан (ҳажга) чиқдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким умрага (кичик ҳажга) ният қилмоқчи эрса, ният қилсин, агар мен қурбонлик олиб келмасам эрди, умрага ният қилур эрдим»,— дедилар. Шунда баъзилар умрага, баъзилар эса ҳажга (катта ҳажга) ният қилди. Мен умрага ният айлағанлардан эрдим. Арафа куни келди ҳамки, мен ҳайздан фориг бўлмадим. Расулulloҳга аҳволимни айтдим. «Умрани қўя турғил, Сочингни ёзиб, тарағил (ғул қилғил) ва ҳажга ният қилғил!» — дедилар. Мен шундай қилдим. Ҳасба (ҳаж тугаган кеча) ҳам келди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам укам Абдурраҳмонни менга қўшиб юбордилар. Танъим деган жойга бориб, қайтадан умрага ният қилдим». Ҳошим ибн Урва: «Оиша онамиз қурбонлик ҳам қилмадилар, рўза ҳам тутмадилар, садақа ҳам бермадилар»,— дейдилар.

### 18-боб. Ой-куни етиб туғилган бола ва чала туғилган бола

*Анас ибн Моликга Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар:* «Оллоҳ таоло бачадонга бир фариштани вакил этғайдир (бачадонга уруғ тушиши бирлан). Фаришта айтадир: «Ё раббий, бу нутфага (уруғга, манийга) айланди, ё раббий, бу қуюқ қонга айланди, ё раббий, бу бир парча этга айланди»,— дейдир, Оллоҳ таоло: «Бола ой-куни етиб дунёга келсин!»—деса, фаришта: «Ўғилмидир, қизмидир, бахтлимидир, бахтсизмидир, ризқи қанчадир, яшаш муддати қанчадир?» — деб сўрағайдир. Буларнинг барчаси бола онанинг қорнида эканлигида манглайиға ёзилгусидир».

### 19-боб. Ҳайз кўрган хотин ҳаж ва умрага қандай эҳром боғлайдир?

*Оиша онамиз дедилар:* «Ҳажжат ул-Видоъдан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга йўлга чиқдик, баъзи биримиз умрага эҳром боғладик, баъзимиз ҳажга эҳром боғладик. Сўнгра Маккага келдик. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким умрага эҳром боғлаган эрса, валекин қурбонлик етаклаб келмаған эрса, эҳромини ечсин, кимки умрага эҳром боғлаган эрса-ю, қурбонлиқ етаклаб келған эрса, то қурбонлигини сўймағунича эҳромини ечмасин! Кимки ҳажга эҳром боғлаган эрса, ҳажини охирига етказсин (эҳромини ечмасин)!» — дедилар. Мен Сараф деган жойда ҳайз кўрдим, то арафа кунигача ҳайздан фориг бўлмадим. Арафа куни умрага эҳром боғлаган эрдим, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга сочимни ёзиб, Тарашимни (ғул қилишни) ва умрани қолдириб, ҳажга эҳром боғлашимни буюрдилар. Шундай қилдим. Ҳажимни тутатганимда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга укам Абдурраҳмон билан бирга Танъим деган

жойга бориб, қайтадан умрага эҳром боғламоғимни буюрдилар».

### 20-боб. Ҳайз келмоғи ва ҳайз тугамоғи

Хотинлар Оиша онамизга ҳайз қони теккан пахтани латтага ўраб юборишар эрди. Оиша онамиз: «То оқликни кўрмагунларича, ҳайздан тамоман тозаланмагунларича шошилмасинлар!» — дер эрдилар. Зайд ибн Собит қизи Умму Кулсумга «Хотинлар кечаси чироқ ёқиб, ҳайз латтасини текшириб кўрмақдалар (тозаландимми деб)»,— деган хабарни айтишди. Умму Кулсум: «Илгари хотинлар бундай қилишмас эрди»,— деб, кечаси латтасини текшириб кўрган хотинларни айбладилар (яъни, кундузи билинмаса, кечаси чироқ ёқиб билиб бўлмади).

*Оиша онамиздан:* «Фотима бинти Абу Ҳубайш истиҳоза кўрар эрди. У бу тўғрида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўради. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу томир касаллигидир, ҳайз эрмасдир, агар ҳайз вақтинг келса, намозни тарк этгайсен, ҳайзинг тугаса, ғусл қилиб, намоз ўқиғайсен!»—дедилар».

### 21-боб. Ҳайз кўрган хотин намозининг қазосини ўқимайдир

Жобир ибн Абдуллоҳ ва Абу Саъид ал-Худрий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида ривоят қила туриб: «Ҳайз кўрган хотин намоз ўқимайдир»,— дедилар (яъни, қазосини ўқимайдир).

199 . عن عائشة رَضِيَ اللهُ عَنْهَا : أن امرأة قالت : أتجزئ إحدانا صلاتها إذا طهرت ؟ فقالت : أحرورية أنت ؟ كنا نحيض مع النبي صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فلا يأمرنا به ، أو قالت فلا نفعله .

*Муоз разияллоҳу анҳудан:* «Бир хотин Оиша онамиздан: «Биронтамиз ҳайздан тозалансак, намоз қазосини ўқиғайдирмизми?» — деб сўради. Оиша онамиз: «Хаворижларданмисан?»—дедилар (яъни, аҳли суннага зид равишда: «Ҳайз кўрган хотинлар намоз қазосини ўқийдир»,— деган тоифа). Оиша онамиз: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётликларида бизга ҳайз вақтида намоз қазосини ўқимакни буюрмас эрдилар ёким қазосини ўқимас эрдик»,— деб айтгандилар, шекилли»,— дейдилар Муоз.

### 22-боб. Ҳайз кўрган хотин бирлан, агар у ҳайз кийимида бўлса, бирга ётмоқнинг жоизлиги

200 . عن أم سلمة رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قالت : حَضْتُ وَأَنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْحَمِيلَةِ ، فَانْسَلْتُ فَحَرَجْتُ مِنْهَا ، فَأَخَذْتُ ثِيَابَ حَيْضَتِي فَلَبِسْتُهَا ، فَقَالَ لِي رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَنْفَسْتِ ) . قُلْتُ : نَعَمْ ، فَدَعَانِي فَأَدْخَلَنِي مَعَهُ فِي الْحَمِيلَةِ .

وعنها رَضِيَ اللهُ عَنْهَا : أن النبي صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كان يُقْبَلُهَا وَهُوَ صَائِمٌ .

*Зайнаб бинти Абу Саламага Умму Салама бундай деб айтган эканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга чайлада ётганимда ҳайз кўриб қолдим, шунда ёнларидан секин сирғалиб чиқдим, чайладан чиқиб, ҳайз кийимимни кийиб олдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Ҳайз кўриб қолдингми?» — дедилар. «Ҳа»,— дедим. Мени чайлага чақирдилар». Зайнабга Умму Салама яна бундай дебдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рўзадор бўлатуриб, мени ўпар эрдилар, (кечаси) жимоъдан сўнг у киши бирлан бир идишдан ғусл қилур эрдик».

### 23-боб. Хотин кишининг ҳайз кўрмаганда киядирган кийимидан ташқари, ҳайз учун (алоҳида) кийим қилиб қўймоғи

*Зайнаб бинти Абу Саламага Умму Салама дедилар:* «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга чайлада ёнбошлаб ётган эрдим, ҳайз кўриб қолдим, секин чайладан чиқдим, ҳайз кийимимни кийиб олдим! Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳайз кўриб қолдингми?»—дедилар-да, чайлага чақирдилар. Чайлада у киши бирлан ёнбошлаб ётдим».

**24-боб. Ҳайз кўрган хотиннинг иккала ҳайитда ва мусулмонларнинг дуои илтижоларида (масалан, жамоат бўлиб ёмғир сўраш) намозгоҳдан нарироқда туриб қатнашуви**

201 . عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( يَخْرُجُ الْعَوَاتِقُ ، وَ ذَوَاتُ الْخُدُورِ ، أَوْ الْعَوَاتِقُ ذَوَاتُ الْخُدُورِ ، وَالْحَيْضُ فَيَشْهَدْنَ الْخَيْرَ وَدَعْوَةَ الْمُؤْمِنِينَ ، وَيَعْتَزِلُ الْحَيْضُ الْمُصَلَّى ) . قِيلَ لَهَا : الْحَيْضُ ؟ فَقَالَتْ : أَوْلَيْسَ تَشْهَدُ عَرَفَةَ ، وَتَشْهَدُ كَذَا وَتَشْهَدُ كَذَا .

*Ҳафса бинти Сириндан:* «Бўйига етган қизларимизнинг иккала ҳайитга чиқмакларини манъ қилур эрдик. Бир хотин Басрадаги Баний Халаф қасрига келиб тушди, сўнгра опаси ҳақида сўзлаб берди. Опасининг эри Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан 12 марта ғазотда қатнашган эркан. Шундан 6 тасида опаси ҳам бирга бўлган эркан. Опаси: «Биз ярадорларни даволар эрдик, касалларга қарар эрдик»,— деган экан. Бир куни опаси Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Биронтамизнинг ёпинчиғимиз бўлмаса-ю, (ҳайит намозига) чиқмасак, зарари бормидир?» — деб сўрабдир. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг ёпинчиғи бўлмаса, дугонасининг ёпинчиғларидан бирини олиб турсин, яхшилиғ мажлисларида қатнашсин, мусулмонларнинг дуои илтижоларида қатнашсин!»— дебдилар. Умму Атиййа келганда ундан: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу хусусда эшитгандирмисиз? деб сўрадим»,— дейдилар Ҳафса. «Расулуллоҳга отам фидо бўлсин! Ҳа, эшитгандирман (у қачон Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хусусларида сўзласа, «отам фидо бўлсин!» деб қўшиб сўзлар эрди), бўйига етган қизлар ҳам, чимилдиқдаги келинчаклар ҳам (чимилдиқдаги қизлар ҳам, деб айтдиларми, билмайман), ҳайз кўрганлар ҳам чиқсинлар, яхшилиғ мажлисларида, мусулмонларнинг дуои илтожоларида қатнашсинлар, ҳайз кўрганлари жойнамаздан четда турсинлар! деб айтган эрдилар»,—дебдилар Умму Атиййа. «Ҳайз кўрган хотинлар ҳамми?» — деб сўрадим, шунда у: «Ҳайз кўрган хотин Арафотда қайнашади-ку, ахир! деб аёллар қатнашадиган маросимлар номини санай кетди»,— дейдилар Ҳафса.

**25-боб. Бир ойда уч марта ҳайз кўрса.... аёлларнинг ҳайз кўриш ва ҳомиладорлик муддатини тасдиқловчи далиллар тўғрисида**

Ҳайз кўриш тўғрисида Оллоҳ таоло: «Хотинларнинг ўз бачадонларидаги Оллоҳ яратган нарсани яшироқлари гуноҳдир»,— дейдир.

Ҳазрати Али ва Шурайҳ: «Агар аёлнинг бир ойда 3 марта ҳайз кўрганига ишончли ва тақюдор кишилар гувоҳлик берсалар, тасдиқланғайдир»,— деб айтган эканлар. Ато разияллоҳу анҳу: «Аёлнинг (бир ойда 3 марта ҳайз кўрадиган аёлнинг) ҳақиқий ҳайз кўрадиган кунлари унинг дастлабки ҳайз кўрган кунлари ҳисобланғайдир»,— деб айтганлар (талоқ иддасини сақлаётган аёл бошқачароқ айтса, қабул қилинмайдир). Иброҳим ва Ато: «Ҳайз камида бир кечаю бир кундуз, кўпи билан 15 кун давом этғайдир»,— деганлар. Муътамирнинг оталари, ҳайзидан поклангандан кейин 5 кун ўтгач, яна қон кўрган хотин тўғрисида сўраганларида, Ибн Сирин: «Бу бобда хотинлар биздан кўра яхшироқ билғайдирлар»,— дедилар.

*Оиша онамиздан:* «Фотима бинти Абу Хубайш: «Мен истиҳоза кўрайдиман, ҳеч покланмасман, намозни тарк этмайманми?» — деб Расулulloҳдан сўрадилар. «Йўқ, тарк этмағайдирсен, бу томир қонидир. Валекин ҳайз кўрайдирғон кунларинг намозни тарк этғил, ҳайздан поклангач, ғул қилғил, намозингни ўқийверғил»,— деб жавоб қилдилар Расулulloҳ»,

### **26-боб. Ҳайз кўрадиган кунлардан ташқари вақтда келадиган сарғиш ва хира ранг суюқлик**

202 . عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كُنَّا لَا نَعُدُّ الْكُدْرَةَ وَالصُّفْرَةَ شَيْئًا .

Умму Атийя: «Хира ранг ва сарғиш суюқликни ҳайз ҳисобламас эрдик»,— деганлар.

### **27-боб. Истиҳоза келадиган томир**

*Оиша онамиздан:* «Умму Ҳабиба 7 йил истиҳоза кўрди. У Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан истиҳоза тўғрисида сўраганида, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга (ҳайз тугагач) ғул қилмоқни буюриб: «Бу томирдан келадирғон қондир»,— дедилар. Умму Ҳабиба ҳар бир намозга алоҳида ғул қилур эрди» (ҳайздан кейин бир марта ғул қилмоқ — фарз, лекин қолганига таҳорат қилса, кифоя қилур эрди. Имом Шофиий ҳам истиҳоза кўрган хотиннинг ҳар бир намозга ғул қилмоғи мустаҳабдир, деганлар).

### **28-боб. Ҳажда Арафот тоғидан тушгандан кейин ҳайз кўриб қолган хотин ҳақида**

203 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهَا قَالَتْ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنَّ صَفِيَّةَ بِنْتَ حُبَيْبٍ قَدْ حَاضَتْ . قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَعَلَّهَا تَحْبِسُنَا ، أَلَمْ تَكُنْ طَافَتْ مَعَكُنَّ ) . فَقَالُوا : بَلَى ، قَالَ : ( فَأَخْرُجِي ) .

*Оиша онамиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга:* «Ё Расулulloҳ, Сафийя бинти Хубай ҳайз кўриб қолди»,— дедилар. Расулulloҳ: «Ҳали у бизга Мадинага бормоғимизга халал бермаса эрди! Сизлар бирлан бирга тавоф қилмаганми эрди?» — дедилар. «Ҳа, (тавдф) қилган эрди»,— дейишди, «Йўлга чиқаверсин, айтингиз!»—дедилар Расулulloҳ.

*Ибн Аббос:* «Хотин киши ҳайз кўриб қолса, (хайрлашув тавофини қилмасдан) ватанига қайтмоққа рухсат берилди»,— дедилар. Ибн Умар, илгарилари: «Ҳайз кўриб қолган аёл (хайрлашув тавофини қилмасдан) қайтмағайдир»,— дер эрдилар, энди бўлса: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга рухсат берибдирлар, (хайрлашув тавофини қилмасдан) қайтаверар эркан»,— дейдилар.

### **29-боб. Истиҳоза кўрадиган хотин тозаланса...**

Ибн Аббос: «(Бундай аёл) ғул қилғайдир, намоз ўқиғайдир, кейин эри ҳам яқинлик қилаверғайдир. Намоз улугғайдир»,— деганлар.

*Оиша онамиздан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ҳайз кўрсанг, намоз ўқимоқни тўхтатғил, ҳайз тугаса, ғул қилғил, теккан қонни ювиб ташлағил, сўнгра намоз ўқийверғил!»— деганлар.

### **30-боб. Туғолмай ўлган хотинга жаноза ўқиш ва унинг суннати**

204 . عَنْ سَمُرَةَ بِنْتِ جُنْدُبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ امْرَأَةً مَاتَتْ فِي بَطْنٍ ، فَصَلَّى عَلَيْهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَامَ وَسَطَهَا .

*Сумра ибн Жундубдан:* «Бир хотин туғолмай ўлди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жанозани ўликнинг бели тўғрисида туриб ўқидилар (хотин ўлса, белининг тўғрисида, эраққ ўлса, кўкраги қаршида туриб жаноза ўқилғайдир)».

### 31-БОБ.

205 . عَنْ مَيْمُونَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا زَوْجَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّهَا كَانَتْ تَكُونُ حَائِضًا لَا تُصَلِّي ، وَهِيَ مُفْتَرِشَةٌ . بِحِذَاءِ مَسْجِدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَهُوَ يُصَلِّي عَلَى خُمُرَتِهِ ، إِذَا سَجَدَ أَصَابَنِي بَعْضُ ثَوْبِهِ .

*Абдуллоҳ ибн Шаддоддан:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари Маймуна холам ҳайз кўрганларида, намоз ўқимас эрдилар. Холам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жойнамозлари қаршида чўзилиб ётсалар ҳам, у киши намоз ўқийверар эканлар. Маймуна онамизнинг ўзлари бундай деганлар: «Расулulloҳ сажда қилганларида кийимлари қисман менга тегар эрди». (Имом Бухорий шу ҳадисга таяниб, "ҳайз кўрган хотин макруҳ ҳисобланмай, унга теккан нарса ҳам ҳаром бўлмас эркан, деган маънони тушунтирадилар)».

### БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ ТАЯММУМ КИТОБИ

Оллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Сув топмасангиз, тоза туфроққа таяммум қилингиз, юз-қўлларингизга суртингиз»,— дейдир (Ҳанафия уламолари: «Агар таяммум қилгувчи киши тақир тошга шапалоғини уриб, юзига ишқаса ва яна уриб қўлларига ишқаса, кифоядир»,— дейишадир).

206 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ، زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَتْ :

خَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي بَعْضِ أَسْفَارِهِ ، حَتَّى إِذَا كُنَّا بِالْبَيْدَاءِ أَوْ بِذَاتِ الْحَيْشِ انْقَطَعَ عَقْدُ لِي ، فَأَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى التَّمَاثِيهِ ، وَأَقَامَ النَّاسُ مَعَهُ وَلَيَسُوا عَلَى مَاءٍ ، فَأَتَى النَّاسُ إِلَى أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ فَقَالُوا : أَلَا تَرَى مَا صَنَعَتْ عَائِشَةُ ؟ أَقَامَتْ بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالنَّاسِ ، وَلَيَسُوا عَلَى مَاءٍ وَلَيْسَ مَعَهُمْ مَاءٌ ، فَجَاءَ أَبُو بَكْرٍ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاضِعُ رَأْسِهِ عَلَى فَخْذِي قَدْ نَامَ ، فَقَالَ : حَبَسَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالنَّاسَ ، وَلَيَسُوا عَلَى مَاءٍ وَلَيْسَ مَعَهُمْ مَاءٌ ، فَقَالَتْ عَائِشَةُ : فَعَاتَبَنِي أَبُو بَكْرٍ وَقَالَ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَقُولَ ، وَجَعَلَ يَطْعُنُنِي بِيَدِهِ فِي خَاصِرَتِي ، فَلَا يَمْنَعُنِي مِنَ التَّحْرُكِ إِلَّا مَكَانُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى فَخْذِي ، فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ أَصْبَحَ عَلَى غَيْرِ مَاءٍ ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ آيَةَ التَّيْمُمِ فَتَيَمَّمُوا ، فَقَالَ أُسَيْدُ بْنُ الْحَضِرِ : مَا هِيَ بِأَوَّلِ بَرَكَتِكُمْ يَا آلَ أَبِي بَكْرٍ ، قَالَتْ : فَبِعَيْنِ الْبَعِيرِ الَّذِي كُنْتُ عَلَيْهِ ، فَأَصَبْنَا الْعَقْدَ تَحْتَهُ .

*Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари Оиша онамиздан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бир сафарга (ҳижрий 6-нчи йил) чиқдик. Байдоъ ёки Зот ул-Жайш деган жойга борганимизда маржоним узилиб кетди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қидйра бошладилар. Одамлар ҳам тўхташди. Тўхтаган жойларида сув йўқ эрди. Шунда одамлар Абу Бакр Сиддиққа келиб: «Кўрмайсизми Оишанинг қилган ишини, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни ва шунча одамни тўхтатиб қолди, ваҳоланки, одамлар суви бор жойда ҳам эмаслар, ўзларида ҳам сув йўқдир»,— дедилар. Абу Бакр Сиддиқ (ёнимизга) келдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини тиззамга қўйиб, ухлаб қолган эрдилар. Отам Абу Бакр Сиддиқ менга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни ва одамларни тўхтатиб қолдинг,



улар сув бор жойда ҳам эмаслар, ўзларида ҳам сув йўқ»,— деб қаттиқ уришдилар. Оллоҳ хоҳлаганича нима десалар, дедилар ва белимга нуқий бошладилар. Расулulloҳ бошларини тиззамга қўйиб ётганлари учун мен қимирламасликка интилар эрдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тонг саҳарда турдилар. Атрофда сув йўқ эрди, одамлар: «Таҳоратсиз қандай бомдод ўқийдирмиз?» — деб тортишдилар. Шунда Оллоҳ таоло: «Таяммум қилингиз!» — деб «Таяммум ояти» ни нозил қилди. Усайд ибн Ҳузайр (таажжубдан): «Эй Абу Бакр авлоди, бу сизнинг биринчи баракотингиз эрмас (яъни, бундан автал ҳам сиз туфайли Оллоҳ таоло бизни баракотидан дариф тутмагандир)»,— дедилар. Мен минган туяни турғизган эрдик, маржоним тагидан чиқди».

207 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :

أُعْطِيتُ حَمْسًا لَمْ يُعْطَهُنَّ أَحَدٌ قَبْلِي : نُصِرْتُ بِالرُّعْبِ مَسِيرَةَ شَهْرٍ ، وَجُعِلَتْ لِي الْأَرْضُ مَسْجِدًا وَطَهُورًا ، فَأَيُّمَا رَجُلٍ مِنْ أُمَّتِي أَدْرَكْتَهُ الصَّلَاةُ فَلْيَصِلْ ، وَأُحِلَّتْ لِي الْمَعَانِمُ وَلَمْ تَحِلَّ لِأَحَدٍ قَبْلِي ، وَأُعْطِيتُ الشِّفَاعَةَ ، وَكَانَ النَّبِيُّ يُبْعَثُ إِلَى قَوْمِهِ خَاصَّةً وَيُبْعَثُ إِلَى النَّاسِ عَامَّةً .

*Жобир ибн Абдуллоҳ Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар, деб айтадир:* «Оллоҳ таоло томонидан менга илгариги пайғамбарларнинг бирортасига ҳам ато қилинмаган 5 та имтиёз берилган:

1. Душманларим қалбига (мен) бир ойлик масофада турганимдаёқ, Оллоҳ томонидан қўрқинч солиниб, ғолиб этилмишман.

2. Ер юзи менга намозгоҳ қилинмишдир ва (ер) сув йўқ бўлганда таҳорат воситаси қилинмишдир. Умматимнинг қайси бирига намоз вақти қаерда тўғри келиб қолса, ўша ерда ўқийверсин!

3. Ўлжалар менга ҳалол қилинмишдир. Мендан аввалги ҳеч бир пайғамбарга ҳалол қилинмаган эрди.

4. Менга шафоат қилмоқлик (қалбида заррача иймони бор умматни дўзахдан олиб чиқмоқлик) ҳуқуқи берилмишдир.

5. Илгариги ҳар бир пайғамбар фақат ўз қавмига пайғамбар қилиб юборилган эрди, Мен эсам (Ер юзидаги) одамларнинг ҳаммасига пайғамбар қилиб юборилдим».

### **1-боб. Агар киши таҳоратга сув ҳам, таяммум қилмоққа (тоза) туфроқ ҳам топмаса, нима қилғайдир?**

*Ҳишом ибн Урванинг оталаридан:* «Оиша онамиз маржон шодасини опалари Асмодан омонатга олган эрдилар. Уни йўқотиб қўйдилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қидиргани одам юбордилар, кейин у топиб келди. Шу аснода намоз вақти бўлди, одамлар атрофда ва ўзларида сув бўлмаганлигидан таҳоратсиз намоз ўқидилар. Буни кўриб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилдилар. Шуйда Оллоҳ таоло: «Таяммум ояти» ни нозил қилди. Усайд ибн Ҳузайр Оиша онамизга: «Оллоҳ сизга яхшилиғ ато этсин, Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, сиз хушламаган нарса нозил қилингани йўқ, зеро буни Оллоҳ таоло сизни ва барча мусулмонларни деб қилди, бундан фақат яхшилиғ кўзлангандир»,— дедилар».

### **2-боб. Бир жойда ўтириб қолган одам сув топмай намози қазо бўлишидан қўрқса, таяммум қилғайдир**

Ато разияллоҳу анҳу ҳам бу ҳақда шу фикрни билдирганлар. «Касал киши суви бўлатуриб, уни қўйиб берадиган ёрдамчи топмаса, таяммум қилғайдир. Бир куни Ибн Умар Журф деган жойдаги еридан келаётиб, бир қўйхона ёнига келганда аср вақти

кирди. Таяммум бирлан аср ўқиди. Кейин Мадинага кириб келди, қуёш ботмаган эрди, асрни қайтариб ўқимади»,— деганлар Ҳасан Басрий.

208 . عَنْ أَبِي جُهَيْمِ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ الصَّمَّةِ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

أَقْبَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ نَحْوِ بَيْتِ حَمَلٍ ، فَلَقِيَهُ رَجُلٌ فَسَلَّمَ عَلَيْهِ ، فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى أَقْبَلَ عَلَى الْجِدَارِ ، فَمَسَحَ بِوَجْهِهِ وَيَدَيْهِ ثُمَّ رَدَّ عَلَيْهِ السَّلَامَ .

*Ал-Аъражга Ибн Аббоснинг озод қилинган қули Умайр бундай деган экан:* «Мен ва Маймуна онамизнинг озод қилинган қули Абдуллоҳ ибн Ясор Абу Жухайм ибн ал-Ҳарс ибн ас-Симаникига бордик. Абу Жухайм бизга қуйидагини айтиб берди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Биъру Жамал томондан келдилар. Шунда у кишига бир одам йўлиқиб салом берди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам алик қайтармасдан деюрга бориб таяммум қилдилар, юзларига ва икки қўлларига суртдилар, шундан сўнг у кишига алик олдилар».

### 3-боб. Таяммум қилғувчи киши қўлини туфроққа ургандан сўнг, пуфлаб ташлайдими?

209 . عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي رِيٍّ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : جَاءَ رَجُلٌ إِلَى عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَقَالَ : إِنِّي أَحْبَبْتُ فَلَمْ أُصِبِ الْمَاءَ ، فَقَالَ عَمَّارُ بْنُ يَاسِرٍ لِعُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ : أَمَا تَذَكَّرُ أَنَّا كُنَّا فِي سَفَرٍ أَنَا وَأَنْتَ ، فَأَمَّا أَنْتَ فَلَمْ تُصَلِّ ، وَأَمَّا أَنَا فَتَمَعَّكَتُ فَصَلَّيْتُ ، فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنَّمَا كَانَ يَكْفِيكَ هَكَذَا ) . فَضَرَبَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِكَفَيْهِ الْأَرْضَ ، وَنَفَخَ فِيهِمَا ، ثُمَّ مَسَحَ بِهِمَا وَجْهَهُ وَكَفَيْهِ .

*Саъид ибн Абдуллаҳмон Абзийнинг оталари қуйидаги ҳадисни айтиб берган эканлар:* «Умар ибн ал-Хаттоб ҳузурларига бир киши келиб: «Мен жимоъ қилдим-у, сув топмадим?»—деди. Шунда Аммор ибн Ёсир Умар ибн ал-Хаттобга қараб: «Эслайсизми, икковимиз сафарда эрдик. Ўшанда сиз намоз ўқимадингиз, мен эсам туфроққа юмалаб олиб, кейин намоз ўқидим. Буни Жаноб Расулulloҳга айтдим. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки кафтларини ерга уриб, пуфлаб ташладилар, сўнг икки кафтларини аввал юзларига, кейин икки қўлларига суртдилар-да: «Мана шундай қилсанг, кифоя эрди, дедилар»,— деди».

### 4-боб. Таяммум юз ва икки қўлга қилинғайдир

*Саъид ибн Абдуллаҳмон ибн Абзийдан:* «Аммор ҳам юқоридаги ҳадисни айтиб берди-да, қўлини ерга урди, кейин оғзига яқинлаштириб, пуфлаб ташлади. Сўнг юзи ва икки қўлига суртди». Аммор разияллоҳу анҳу: «Тоза туфроқ мусулмон киши учун (сув "йўғида) сув ўрнига ўтадиган таҳорат воситасидир»,— деб айтган эканлар. Аммор разияллоҳу анҳу Умар ал-Хаттобга: «Сарияда эканлигимизда жимоъ қилдик»,— деб қуйидаги ҳадисни айтиб берган эканлар: «Мен туфроққа юмаладим, кейин буни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтдим. Шунда ул зот: «Юз бирлан икки қўлингга суртмак сенга кифоя қилур эрди»,— дедилар».

### 5-боб. Тоза туфроқ мусулмон киши учун (сув йўғида) сув ўрнига ўтадиган таҳорат воситасидир

Ҳасан Басрий: «Таҳорати синмаган киши таяммум қилса, кифоя. Ибн Аббос таяммум қилган ҳолда имомликка ўтди»,— деганлар. Яҳё ибн Саъид: «Шўр ерда намоз ўқимоқнинг зарари йўқ, шунингдек ўша ердаги туфроққа таяммум қилмоқнинг ҳам зарари йўқ»,— деганлар.

210 . عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حَصِينِ الْخَزَاعِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كُنَّا فِي سَفَرٍ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَإِنَّا أَسْرَيْنَا حَتَّى

كُنَّا فِي آخِرِ اللَّيْلِ ، وَقَعْنَا وَقَعَةً وَلَا وَقَعَةَ أَحَلَىٰ عِنْدَ الْمُسَافِرِ مِنْهَا ، فَمَا أَبْقَطْنَا إِلَّا حَرَّ الشَّمْسِ ، وَكَانَ أَوَّلَ مَنْ اسْتَيْقَظَ فُلَانٌ ثُمَّ فُلَانٌ ثُمَّ فُلَانٌ ثُمَّ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ الرَّابِعُ ، وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا نَامَ لَمْ يُوقِظْ حَتَّىٰ يَكُونَ هُوَ يَسْتَيْقِظُ ، لِأَنَّا لَا نَدْرِي مَا يَحْدُثُ لَهُ فِي نَوْمِهِ ، فَلَمَّا اسْتَيْقَظَ عُمَرُ وَرَأَىٰ مَا أَصَابَ النَّاسَ وَكَانَ رَجُلًا جَلِيدًا فَكَبَّرَ وَرَفَعَ صَوْتَهُ بِالتَّكْبِيرِ ، فَمَا زَالَ يُكَبِّرُ وَيَرْفَعُ صَوْتَهُ بِالتَّكْبِيرِ حَتَّىٰ اسْتَيْقَظَ بِصَوْتِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَمَّا اسْتَيْقَظَ شَكَوَا إِلَيْهِ الَّذِي أَصَابَهُمْ ، قَالَ : لَا ضَيْرَ أَوْ لَا يَضِيرُ ارْتَحِلُوا ، فَارْتَحَلَ فَسَارَ غَيْرَ بَعِيدٍ ، ثُمَّ نَزَلَ فَدَعَا بِالْوُضُوءِ فَتَوَضَّأَ ، وَتَوَدَّىٰ بِالصَّلَاةِ فَصَلَّىٰ بِالنَّاسِ ، فَلَمَّا انْقَلَبَ مِنْ صَلَاتِهِ ، إِذَا هُوَ بِرَجُلٍ مُعْتَرِلٍ لَمْ يُصَلِّ مَعَ الْقَوْمِ ، قَالَ : ( مَا مَعَكَ يَا فُلَانُ أَنْ تُصَلِّيَ مَعَ الْقَوْمِ ) . قَالَ : أَصَابَتْنِي جَنَابَةٌ وَلَا مَاءَ ، قَالَ : ( عَلَيْكَ بِالصَّعِيدِ فَإِنَّهُ يَكْفِيكَ ) . ثُمَّ سَارَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَاشْتَكَىٰ إِلَيْهِ النَّاسُ مِنَ الْعَطَشِ ، فَتَزَلَّ فَدَعَا فُلَانًا ، وَدَعَا عَلِيًّا فَقَالَ : ( اذْهَبَا فَاتَّبِعِي الْمَاءَ ، فَانْطَلِقَا فَتَلْقِيَا امْرَأَةً بَيْنَ مَرَادَتَيْنِ أَوْ سَطِيحَتَيْنِ مِنْ مَاءٍ عَلَىٰ بَعِيرٍ لَهَا ، فَقَالَا لَهَا : أَيْنَ الْمَاءُ ؟ قَالَتْ : عَهْدِي بِالْمَاءِ أَمْسَ هَذِهِ السَّاعَةَ ، وَنَفَرْنَا خُلُوفٌ قَالَا لَهَا : انْطَلِقِي إِذَا ، قَالَتْ : إِلَىٰ أَيْنَ ؟ قَالَا : إِلَىٰ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، قَالَتْ : الَّذِي يُقَالُ لَهُ الصَّابِيُّ ؟ قَالَا : هُوَ الَّذِي تَعْنِينَ فَانْطَلِقِي ، فَجَاءَا بِهَا إِلَىٰ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَحَدَّثَاهُ الْحَدِيثَ ، قَالَ : فَاسْتَنْزَلُوهَا عَنْ بَعِيرِهَا ، وَدَعَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِإِنَاءٍ ، فَفَرَّغَ فِيهِ مِنْ أَفْوَاهِ الْمَرَادَتَيْنِ أَوْ سَطِيحَتَيْنِ وَأَوْكَا أَفْوَاهَهُمَا ، وَأَطْلَقَ الْعَزَالِيَّ وَتَوَدَّىٰ فِي النَّاسِ اسْتَقُوا وَاسْتَقُوا ، فَسَقَىٰ مَنْ شَاءَ وَاسْتَقَىٰ مَنْ شَاءَ ، وَكَانَ آخِرَ ذَلِكَ أَنْ أُعْطِيَ الَّذِي أَصَابَتْهُ الْجَنَابَةُ إِنَاءً مِنْ مَاءٍ ، قَالَ : ( اذْهَبْ فَأَفْرِغْهُ عَلَيْكَ ) . وَهِيَ قَائِمَةٌ تَنْظُرُ إِلَىٰ مَا يُفْعَلُ بِمَائِهَا ، وَإِنَّمَا اللَّهُ لَقَدْ أَفْلَحَ عِنْدَهَا وَإِنَّهُ لِيُخَيَّلَ إِلَيْنَا أَنَّهَا أَشَدُّ مِلَّةً مِنْهَا حِينَ ابْتَدَأَ فِيهَا ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( اجمَعُوا لَهَا ) . فَجَمَعُوا لَهَا مِنْ بَيْنِ عَجْوَةٍ وَدَقِيقَةٍ وَسَوْفَةٍ حَتَّىٰ جَمَعُوا لَهَا طَعَامًا فَجَعَلُوهَا فِي ثَوْبٍ ، وَحَمَلُوهَا عَلَىٰ بَعِيرِهَا وَوَضَعُوا الثَّوْبَ بَيْنَ يَدَيْهَا ، قَالَ لَهَا : ( تَعْلَمِينَ ، مَا رَزَيْنَا مِنْ مَائِكَ شَيْئًا ، وَلَكِنَّ اللَّهَ هُوَ الَّذِي أَسْقَانَا ) . فَأَتَتْ أَهْلَهَا وَقَدْ احْتَبَسَتْ عَنْهُمْ ، قَالُوا : مَا حَبَسَكَ يَا فُلَانَةُ ؟ قَالَتْ : الْعَجْبُ ، لَقِينِي رَجُلَانِ فَذَهَبَا بِي إِلَىٰ هَذَا الَّذِي يُقَالُ لَهُ الصَّابِيُّ ، فَفَعَلَ كَذَا وَكَذَا ، فَوَاللَّهِ إِنَّهُ لَأَسْحَرُ النَّاسَ مِنْ بَيْنِ هَذِهِ وَهَذِهِ - وَقَالَتْ بِإِصْبَعَيْهَا الْوُسْطَىٰ وَالسَّبَابِيَةَ ، فَرَفَعَتْهُمَا إِلَىٰ السَّمَاءِ - تَعْنِي : السَّمَاءَ وَالْأَرْضَ ، أَوْ إِنَّهُ لِرَسُولِ اللَّهِ حَقًّا ، فَكَانَ الْمُسْلِمُونَ بَعْدَ ذَلِكَ يُغَيِّرُونَ عَلَىٰ مَنْ حَوَّلَهَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ وَلَا يُصَيِّبُونَ الصِّرْمَ الَّذِي هِيَ مِنْهُ ، فَقَالَتْ يَوْمًا لِقَوْمِهَا : مَا أَرَىٰ أَنَّ هَؤُلَاءِ الْقَوْمِ يَدْعُونَكُمْ عَمْدًا ، فَهَلْ لَكُمْ فِي الْإِسْلَامِ ؟ فَأَطَاعُوهَا فَدَخَلُوا فِي الْإِسْلَامِ .

*Имрон дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда эрдик. Кечаси йўл юрдик, туннинг охирига борганда, бизни уйқу босди. Мусофир киши учун бундан ҳаловатлироқ уйқу бўлмайдир. Бизни қуёшнинг ҳарорати уйғотди. Биринчи бўлиб фалончи, ундан кейин фалончи, ундан кейин пистончи (ҳикоя қилгувчи Абу Ражоъ уларнинг исмларини айтганди, лекин Авф деган ҳикоячи ёдидан чиқариб қўйган), кейин тўртинчи бўлиб Умар ал-Хаттоб уйғонди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ухласалар, биров уйғотмас эрди. У киши ўзлари уйғонар эрдилар. У киши ухлаб ётганларида нималар бўлганидан биз беҳабар эрдик. Умар уйғонгач, одамларни нима ташвишга солаётганини фаҳмлаб (ўзи ғайратли одам эди), Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйғонмагунларича баланд овоз билан такбир айтаверди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйғонгач, одамлар у кишига рўй берган ҳодисани шикоят қилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зарари йўқ, йўлга тушингиз!» — дедилар ва ўзлари ҳам йўлга тушдилар. Бир оз юрилгач (туядан) тушиб, таҳоратга сув сўрадилар, кейин таҳорат олдилар. Намозга азон айтилди. Одамлар бирлан бирга намоз ўқидилар. Намозни ўқиб бўлиб, ёнларига ўгирилдилар, шунда бир четда одамларга қўшилмай, намоз ҳам ўқимай

турган бир кишига кўзлари тушди. «Жамоат бирлан намоз ўқимоғингга не тўсқинлик қилди, эй фалончи?»—дедилар Жаноб Расулulloҳ. «Ё Расулаллоҳ, мен ювуқсизмен (наҳсман), ғулға сув йўқ,— деди бояги киши. «Сенга туфроқ ҳам бўлаверади, туфроққа таяммум қилмоғинг лозимдир»,— дедилар Расулulloҳ, сўнг йўлга тушдилар. Одамлар у кишига чанқаганликларини айтиб шикоят қилдилар, шунда Расулulloҳ бир жойга келганда тўхтаб, (туяларидан) тушдилар, фалончини чақирдилар (ўшанда уни Абу Ражоъ, деб чақиргандилар, Авф деган киши риоят қила туриб, унинг исмини эслай олмаган), кейин Алини чақириб: «Борингиз, сув қидирингиз!» — дедилар. Икковлари сув ахтариб кетдилар. Йўлда туя устидаги икки меш ўртасида ўлтириб кетаётган бир хотинга йўлиқдилар. Хотиндан: «Қаерда сув бор?» — деб сўрадилар. «Бу сувни кеча шу вақтда йўлдан олганман. Эркакларимиз бизни қолдириб (сув ахтариб) кетишган»,— деди хотин. «Сув бунчалик узоқда бўлса, унда биз билан юра қолинг!» — дейишди (Али билан Абу Ражоъ). «Қаерга?» — деб сўради хотин. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига»,— дейишди (Али билан Абу Ражоъ). «Анави эски диндан чиқиб, янги дин олиб келган одам олдидами?» — деди хотин. «Ҳа, ўша сиз айтган одам олдиға, юринг биз бирлан!» — деб хотинни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бошлаб кетишди, етиб боргач, бўлган гапни у кишига айтиб беришди. «Хотинни туясидан туширдилар»,— дейдилар Имрон. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туядаги иккала мешни олиб келмоқни буюрдилар. Олиб келишгач, мешларнинг тепа қисмидаги кичик оғзини ечиб, ҳовучлаб сув олдиларда, яна қайта кўйиб боғлаб қўйдилар, кейин пастидаги катта оғзини ечиб, одамларни сув ичишга чақирдилар. «Сув ичингиз ва (туяларни) сугорингиз!» — дедилар Расулulloҳ. Одамлар хоҳлаганларича сув ичишди, хоҳлаганларича (туяларини) суғоришди. Ниҳоят, бояги ювуқсиз кишига бир идишда сув бериб: «Бор, чўмилиб ол!»—дедилар Расулulloҳ. Хотин тепада тик туриб, одамлар сувни нима қилаётганига қараб турар зрди. «Оллоҳға қасам ичиб айтаманким, одамлар сув олиб бўлишгач, мешларнинг оғзини боғлашганда, мешлардаги сув бизга илгаригидан ҳам кўпроқ кўринди»,— дейдилар Имрон. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Хотинга бир нима йиғиб берингиз!»—дедилар. Одамлар хотинга хурмоми, унми, талқонми, қўяверингки, бирмунча ризқ йиғиб, бир нарсага тугиб, туясига ортиб бердилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинга: «Билдингми, сувингни ҳеч камайтирмадик, аммо бизга Оллоҳ таолонинг ўзи сув ато этди»,— дедилар. Хотин ўз одамлари олдиға равона бўлди, етиб боргач, «Эй фалончи, қаерда эдинг?» — дейишди. «Ажойиб бир воқеанинг шоҳиди бўлдим, мен йўлда икки кишини учратдим, улар мени анави янги дин олиб келган кишининг олдиға олиб боришди. У ундай қилди ва бундай қилди»,— деб бор гапни айтиб берди хотин. Кейин бундай деб қўшиб қўйди: «Оллоҳға қасам ичиб айтаманким, у киши манави билан ана у (ўрта бармоғи билан ер ва осмонга ишора қилди) ўртасидаги барча одамларнинг энг сеҳргарроғи ёки ҳақиқатан ҳам Оллоҳ таолонинг пайғамбари бўлиши керак». Мусулмонлар ўша воқеадан кейин атрофдаги мушриклар (Оллоҳни бир деб билмайдиганлар) яшайдиган қишлоқларни ишғол қила бошладилар. Лекин ҳалиги хотин яшаётган жойга тегишмади. Буни кўрган хотин ҳамқишлоқларига: «Анави мусулмонлар сизу бизга атайлаб тегишмаяпти, деб ўйлайман. Исломга кирсакчи, нима дейсизлар?» — деди. Хотиннинг гапига кўндилар ва исломга кирдилар».

**6-боб. Ювуқсиз (наҳс) одам, агар ғул қилсам касал бўламан ёки ўлиб қоламан деб қўрқса, ёхуд (сувни ишлатиб қўйиб) сувсиз қоламан, деб чўчиса, таяммум қилғандир**

Амр ибн ал-Ос қаттиқ совуқ кечалардан бирида (ғазавот вақти эрди) наҳс бўлиб қолдилар. Шунда таяммум қилиб, намоз ўқидилар. Кейин «Ўзингизни ҳалок қилманг, Оллоҳ сизга маҳрибондир» деган оятни ўқидилар, деб зикр қилинади (яъни, киши иложсиз қолиб, совуқ сувга чўмилса, ҳалок бўлиши мумкинлигига ишора қилинади). Амр ибн ал-Осинг (совуқ сув бўла туриб) таяммум қилганини Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтишганда, у киши койимадилар.

Абу Мусо: «Наҳс одам сув тополмаса, намоз ўқимайдирми?» — деб Абдуллоҳ ибн Масъуддан сўрадилар. «Агар одамларга таяммум қилмоққа рухсат берсанг, улардан бирортаси сал сесканса ҳам, Абу Мусо шунақа деган эрди, деб таяммум қилиб намоз ўқийверади»,— дедилар Абдуллоҳ. «Амморнинг Умарга айтган сўзи қаерда қолди, унда?» — дедилар Абу Мусо. «Амморнинг сўзидан Умар қониққан эрмас, деб ўйлайман»,— дедилар Абдуллоҳ.

*Ал-Аъмаш қуйидаги ҳадисни Шақиқ ибн Саламадан эшитган эканлар:* «Абу Мусо ва Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ёнларида эрдим. Абу Мусо: «Эй Абу Абдуллоҳ, агар ювуқсиз одам сув топмаса, нима қилғайдир?» — деб Абдуллоҳдан сўрадилар. Абдуллоҳ: «Сув топгунча намоз ўқимайдир»,— дедилар. «Амморнинг айтган гапи нима бўлади? Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг унга: «Сенга таяммум қилмоқ кифоя қилғайдир»—деганлари-чи?» — дедилар Абу Мусо. «Умар бундан қаноатланмаганлигини сезмадингми? — дедилар Абдуллоҳ. «Хўп майли, Амморнинг гапини қўя туринг, мана бу «Агар сув топмасангиз, таяммум қилингиз» деган оятга нима дейсиз?» — дедилар Абу Мусо. Абдуллоҳ ибн Масъуд нима дейишларини билмай қолдилар (Ҳазрат Умар ва Абдуллоҳ ибн Масъуд мазкур ояти карима таҳорати синган одамга тааллуқли, деб тушунган эрдилар. Аммо ғусл вожиб бўлган одам эрса, албатта ғусл қилмоғи шарт, унга таяммум кифоя қилмайдир, дейишар эрди. Имом Бухорий эрса юқоридаги ҳадисларга таяниб, таяммум кифоя қилғайдир, деб таъкидлайдилар). Сўнг, «Агар биз уларга таяммум қилмоққа рухсат берсак, бирортасига сув совуқлик қилса, сувни қўйиб, таяммум қилаверади» деб бояги гапларни қайтардилар. «Абдуллоҳ ибн Масъуд шунинг учунгина таяммумга рухсат бермаслик керак, деганмидилар?» — деб сўрадилар ал-Аъмаш суҳбатдошлари Шақиқдан».

### **7-боб. Таяммум бир зарбдир (қўлни туфроққа бир урмоқдир)**

*Шақиқ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар:* «Абу Мусо ва Абдуллоҳ ибн Масъуд билан бирга ўтирган эрдим. Абу Мусо: «Агар одам, наҳслансаю, бир ойгача сув топмаса, таяммум қилиб намоз ўқийвермайдирми? Сураи «Моида» даги мана бу «Сув топмасангиз, тоза туфроққа таяммум қилингиз!» деган ояти каримага нима дейсиз?»—дедилар Абдуллоҳга. Абдуллоҳ: «Уларга таяммумга рухсат берилса, бирортасига сув совуқроқ туюлса, бўлди, туфроққа таяммум қилаверади»,— дедилар. Мен: «Сиз шу боисдангина таяммумга рухсат беришни истамадингизми?»—деб сўрасам, «Ҳа»,— дедилар. «Амморнинг Умарга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени бир юмушни бажариб келмак учун бир жойга юбордилар. Шунда мен наҳсланиб қолдим. Худди ҳайвон юмалагандек туфроққа юмаладим. Кейин, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга шу ҳақда айтиб берганимда, у киши менга: «Мана бундай қилсанг ҳам етарли бўлур эрди, деб қўлларини ерга бир урдилар, кейин қоқиб ташладилар, сўнг ўнг қўлларининг кафтини чап қўлларига, чап қўлларининг кафтини ўнг қўлларига сурдилар. Ундан кейин эрса иккала кафтларини юзларига суртдилар» деганини эшитмаганмисиз?»—дедилар Абу Мусо Абдуллоҳ ибн Масъудга. «Умарнинг Аммор айтган гапдан қаноат ҳосил қилмаганини сезмадингми?» — дедилар Абдуллоҳ».

*Шақиқ ал-Аъмашга бундай деган экан:* «Абдуллоҳ ва Абу Мусо билан бирга эрдим. Шунда Абу Мусо Абдуллоҳга, Амморнинг Умарга айтган мана бу ривоятини эшитмаганмидинг?— дедилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени ва сени бир юмушга юбордилар. Шунда мен, наҳсланиб қолдим-да, туфроққа юмаладим. Қайтиб келганимиздан кейин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга юмалаганимни айтдим. Расулulloҳ: «Сенга мана бундай қилсанг ҳам етарли бўлур эрди»,— деб юзлари ва қўлларига бир марта масҳ тортиб қўйдилар».

### 8-606.

*Имрон ибн Ҳусайндан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жамоат бирлан намоз ўқимасдан бир чеккага чиқиб турган одамни кўрдилар. Шунда унга: «Эй фалончи, сенга жамоат бирлан намоз ўқимоғингга не моненьлик қилур?»— дедилар. «Ё Расулulloҳ, мен наҳсланиб қолдим, сув йўқ»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Туфроққа таяммум қилмоғинг лозимдир, шу сенга кифоя қилғай»,— дедилар».

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ САЛОТ (НАМОЗ) КИТОБИ

### 1-606. Меърож кечасида намоз қандай фарз қилинган?

(Меърож Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Мадинага хижратларидан бир йил аввал, Имом Нававийнинг айтишларича, Рабиъ ул-аввал ойида бўлган эрди). Абу Суфён Ҳирақлга: «Пайғамбар алайҳиссалом бизга намоз ўқимакни, ҳалол ва пок бўлмакни буюрадилар»,— деб айтган эканлар.

211 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ أَبُو ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يُحَدِّثُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :

( فُرِحَ عَنْ سَقْفِ بَيْتِي وَأَنَا بِمَكَّةَ ، فَنَزَلَ جِبْرِيلُ فَفَرَجَ صَدْرِي ، ثُمَّ غَسَلَهُ بِمَاءِ زَمْزَمَ ، ثُمَّ جَاءَ بَطَسَتْ مِنْ ذَهَبٍ مُمْتَلِيٍّ حِكْمَةً وَإِيمَانًا ، فَأَفْرَعُهُ فِي صَدْرِي ثُمَّ أَطْبَعَهُ ، ثُمَّ أَخَذَ بِيَدِي فَعَرَجَ بِي إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا ، فَلَمَّا حُتَّتْ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا قَالَ جِبْرِيلُ لِحَازِنِ السَّمَاءِ : افْتَحْ قَالَ : مَنْ هَذَا ؟ قَالَ هَذَا جِبْرِيلُ قَالَ : هَلْ مَعَكَ أَحَدٌ ؟ قَالَ : نَعَمْ مَعِيَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ : أُرْسِلْ إِلَيْهِ ؟ قَالَ : نَعَمْ ، فَلَمَّا فَتَحَ عَلَوْنَا السَّمَاءَ الدُّنْيَا ، فَإِذَا رَجُلٌ قَاعِدٌ عَلَى يَمِينِهِ أَسْوَدَةٌ وَعَلَى يَسَارِهِ أَسْوَدَةٌ ، إِذَا نَظَرَ قَبْلَ يَمِينِهِ ضَحَكَ ، وَإِذَا نَظَرَ قَبْلَ يَسَارِهِ بَكَى ، فَقَالَ : مَرَحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْإِبْنِ الصَّالِحِ ، قُلْتُ لَجِبْرِيلَ : مَنْ هَذَا ؟ قَالَ : هَذَا آدَمُ ، وَهَذِهِ الْأَسْوَدَةُ عَنْ يَمِينِهِ وَشِمَالِهِ نَسَمُ بَنِيهِ ، فَأَهْلُ الْيَمِينِ مِنْهُمْ أَهْلُ الْجَنَّةِ ، وَالْأَسْوَدَةُ الَّتِي عَنْ شِمَالِهِ أَهْلُ النَّارِ ، فَإِذَا نَظَرَ عَنْ يَمِينِهِ ضَحَكَ ، وَإِذَا نَظَرَ قَبْلَ شِمَالِهِ بَكَى ، حَتَّى عَرَجَ بِي إِلَى السَّمَاءِ الثَّانِيَةِ فَقَالَ لِحَازِنِهَا : افْتَحْ ، فَقَالَ لَهُ حَازِنُهَا : مِثْلَ مَا قَالَ الْأَوَّلُ ، فَفَتَحَ ) . قَالَ أَنَسٌ : فَذَكَرَ : أَنَّهُ وَجَدَ فِي السَّمَوَاتِ آدَمَ ، وَإِدْرِيسَ ، وَمُوسَى ، وَعِيسَى ، وَإِبْرَاهِيمَ صَلَوَاتُ اللَّهِ عَلَيْهِمْ ، وَلَمْ يُثْبِتْ كَيْفَ مَنَازِلُهُمْ ، غَيْرَ أَنَّهُ ذَكَرَ أَنَّهُ وَجَدَ آدَمَ فِي السَّمَاءِ الدُّنْيَا ، وَإِبْرَاهِيمَ فِي السَّمَاءِ السَّادِسَةِ ، قَالَ أَنَسٌ : فَلَمَّا مَرَّ جِبْرِيلُ بِالنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِإِدْرِيسَ قَالَ : مَرَحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْأَخِ الصَّالِحِ ، ( فَقُلْتُ : مَنْ هَذَا ؟ قَالَ : هَذَا إِدْرِيسُ ، ثُمَّ مَرَرْتُ بِمُوسَى فَقَالَ : مَرَحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْأَخِ الصَّالِحِ ، قُلْتُ مَنْ هَذَا ؟ قَالَ : هَذَا مُوسَى ، ثُمَّ مَرَرْتُ بِعِيسَى فَقَالَ : مَرَحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ ، قُلْتُ : مَنْ هَذَا ؟ قَالَ : هَذَا

عِيسَى ، ثُمَّ مَرَرْتُ بِإِبْرَاهِيمَ فَقَالَ : مَرْحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْإِبْنِ الصَّالِحِ ، قُلْتُ : مَنْ هَذَا ؟ قَالَ : هَذَا إِبْرَاهِيمُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ) .

قَالَ : وَكَانَ ابْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا وَأَبُو حَبَّةَ الْأَنْصَارِيُّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولَانِ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( ثُمَّ عُرِجَ بِي حَتَّى ظَهَرْتُ لِمُسْتَوَى أَسْمَعُ فِيهِ صَرِيْفَ الْأَقْلَامِ ) . قَالَ ابْنُ حَزْمٍ وَأَنْسُ بْنُ مَالِكٍ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( فَفَرَضَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ عَلَى أُمَّتِي خَمْسِينَ صَلَاةً ، فَرَجَعْتُ بِذَلِكَ حَتَّى مَرَرْتُ عَلَى مُوسَى ، فَقَالَ : مَا فَرَضَ اللَّهُ لَكَ عَلَى أُمَّتِكَ ؟ قُلْتُ : فَرَضَ خَمْسِينَ صَلَاةً ، قَالَ : فَارْجِعْ إِلَى رَبِّكَ ، فَإِنَّ أُمَّتَكَ لَا تُطِيقُ ذَلِكَ ، فَارْجَعْتُ فَوَضَعْتُ شَطْرَهَا ، فَارْجَعْتُ إِلَى مُوسَى قُلْتُ : وَضَعْتُ شَطْرَهَا ، فَقَالَ : رَاجِعْ رَبِّكَ ، فَإِنَّ أُمَّتَكَ لَا تُطِيقُ ، فَارْجَعْتُ فَوَضَعْتُ شَطْرَهَا فَارْجَعْتُ إِلَيْهِ فَقَالَ : ارْجِعْ إِلَى رَبِّكَ ، فَإِنَّ أُمَّتَكَ لَا تُطِيقُ ذَلِكَ ، فَارْجَعْتُهُ ، فَقَالَ : هِيَ خَمْسٌ وَهِيَ خَمْسُونَ لَا يُبَدِّلُ الْقَوْلُ لَدَيَّ ، فَارْجَعْتُ إِلَى مُوسَى فَقَالَ : رَاجِعْ رَبِّكَ ، فَقُلْتُ : اسْتَحْيَيْتُ مِنْ رَبِّي ، ثُمَّ أَنْطَلَقَ بِي حَتَّى أَنْتَهَى بِي إِلَى سِدْرَةِ الْمُنْتَهَى ، وَعَشِيَهَا أَلْوَانٌ لَا أُدْرِي مَا هِيَ ، ثُمَّ أُدْخِلْتُ الْجَنَّةَ ، فَإِذَا فِيهَا حَبَائِلُ اللَّؤْلُؤِ ، وَإِذَا تُرَابُهَا الْمَسْكُ ) .

*Абу Заррға Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деган эканлар:*

«Маккада эканлиғимда уйимнинг шипи очилиб, Жаброил алайҳиссалом тушдилар. Кўкрагимни ёриб, ичини зам-зам суви бирлан ювдилар, кейин иймону ҳикмат тўла тилла жом келтирдилар-да, уни кўкрагимга қўйдилар, сўнг кўкрагимни ёпдилар. Шундан кейин Жаброил алайҳиссалом қўлимдан ушлаб мени энг яқин биринчи осмонга олиб чиқдилар. Биринчи осмонга чиққанимда Жаброил алайҳиссалом осмонбонга: «Эшикни очғил!» — деб айтдилар. У: «Ким бу?»— деди. «Жаброилман»,—дедилар, Осмонбон: «Сен билан бирга бирон киши борми?» — деди. «Ҳа, мен билан Муҳаммад алайҳиссалом бор»,— дедилар Ҳазрат Жаброил. Осмонбон: «Муҳаммад алайҳиссаломнинг осмонга чиқмоғига рухсат бўлдими?» — деди. Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа»,— дедилар. Эшик очилгач, биринчи осмон ичкарисига кўтарилдик. У ерда бир киши ўтирибди. Унинг ўнг томонида ҳам, чап томонида ҳам одам гавжум. Ўнг томонига қараса, кулади, чап томонига қараса, йиғлайди. Ўша киши менга қараб: «Хуш келибсиз, пайғамбар, яхши ўғил!»—деди. «Бу киши ким?» — деб сўрадим Ҳазрат Жаброилдан. «Бу —Одам алайҳиссалом ва мана бу ўнг ва чап томонларида турганлар Одам болаларининг руҳларидир. Булардан ўнг томондагилари жаннат аҳли ва чап томондагилари дўзах аҳлидир. (Шунинг учун ҳам) Одам алайҳиссалом ўнг томонларига қараганларида куладилар, чап томонларига қараганларида йиғлайдилар»,— дедилар Жаброил алайҳиссалом. Кейин, мени иккинчи осмонга олиб чиқиб, осмонбонга: «Очғил!» — дедилар. Иккинчи осмонбон ҳам биринчи осмонбон айтган сўзларни айтди, сўнг дарвозани очди».

*Абу Зарр бизга:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам осмон қаватларида Одам алайҳиссаломни, Идрис, Мусо, Исо ва Иброҳим салавотulloҳи алайҳимларни кўрдилар»,— деб айтди. Лекин уларни қайси осмонда кўрганларини аниқ айтмади. Фақат Одам алайҳиссаломни биринчи осмонда ва Иброҳим алайҳиссаломни олтинчи осмонда кўрганларинигина зикр қилди, холос»,— Дейдилар Анас разияллоҳу анҳу ва ҳикояни давом этдирадилар: «Ҳазрат Жаброил пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламни Идрис алайҳиссаломнинг ёнларидан олиб ўтаётганларида, Идрис алайҳиссалом: «Хуш келибсиз, яхши пайғамбар, яхши биродар!» — дебдилар. Шунда Расулulloҳ: «Бу ким?» — деб сўрабдилар. «Бу Идрис»,— дебдилар Ҳазрат Жаброил. Кейин, Мусо алайҳиссаломнинг ёнларидан олиб ўтибдилар, у киши: «Хуш келибсиз, яхши пайғамбар, яхши биродар!»—дебдилар. Расулulloҳ: «Бу ким?» — дебдилар.

«Бу Мусо»,— дебдилар Ҳазрат Жаброил. Кейин, Исо алайҳиссаломнинг ёнларидан олиб ўтибдилар. Шунда у киши: «Хуш келибсиз, яхши биродар, яхши пайғамбар!» — дебдилар. Расулulloҳ: «Бу ким?»—деб сўрабдилар. «Бу Исо алайҳиссалом»,— дебдилар Ҳазрат Жаброил. Кейин, Иброҳим алайҳиссаломнинг ёнларидан олиб ўтибдилар. У киши: «Хуш келибсиз, яхши пайғамбар, яхши ўғил!» —дебдилар. «Бу ким?» деб сўрабдилар Жаноб Расулulloҳ. «Бу Иброҳим алайҳиссалом»,— дебдилар Ҳазрат Жаброил».

*Ибн Аббос ва Абу Ҳаййа ал-Ансорий:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дегандилар»,— дейишади: «Кейин мени шунчалик баландга олиб чиқдики, ҳатто ўша жойда (ёзув-чизув қилаётган) қалам шарпаларини эшитдим». Ибн Ҳазм ва Анас ибн Молик: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай деб айтган эдилар»,— дейишади: «Оллоҳ таоло умматимга 50 вақт намоз фарз қилди, мен шуни олиб қайтдим. Мусо алайҳиссаломнинг ёнларига келганимда: «Умматингизга Оллоҳ таоло нимани фарз қилди?» — дедилар. «50 вақт намозни»,— дедим. «Қайтинг раббингиз ҳузурига, чунки умматингиз бунга чидамайди»,— дедилар Мусо алайҳиссалом. Мен қайтдим, раббим ярмини кечди. Сўнг, Мусо алайҳиссаломнинг олдларига келиб: «Ярмини кечди»,— дедим. «Қайтинг раббингизнинг олдига, чунки уммагингиз бунга ҳам тоқат қилмайди»,— дедилар Мусо алайҳиссалом. Қайтдим, раббим яна ярмини кечди. Мусо алайҳиссаломнинг ёнларига қайтиб келиб, яна ярмини кечганлигини айтдим. «Қайтинг раббингизнинг олдига, умматингизнинг бунга ҳам тоқати келмайди»,— дедилар Мусо алайҳиссалом, Раббим олдига қайтиб бордим. Шунда раббим: «Беш вақт намоз фарз қилдим, лекин савоби эллик вақт намоз савобига тенгдир, эндиги сўзим қатъийдир, бошқа ўзгартирилмайди»,— деди. Мусо алайҳиссаломнинг ёнларига қайтиб келдим. «Қайтинг раббингизнинг олдига»,— деб эдилар, «Раббимдан уяламан»,— дедим. Кейин, Ҳазрат Жаброил мени Сидрат ул-Мунтаҳо деган жойгача олиб чиқдилар. Сидрат ул-Мунтаҳони турли-туман ранглар шунчалик чулғаб олганким, унинг не эканлигин билолмадим. Кейин, жаннатга киритилдим. Унинг сўқмоқлари дурру гавҳарлар бирлан қопланган, туфроғи эрса мушк эркан».

212 . عَنْ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ :

فَرَضَ اللَّهُ الصَّلَاةَ حِينَ فَرَضَهَا ، رَكَعَتَيْنِ رَكَعَتَيْنِ ، فِي الْحَضَرِ وَالسَّفَرِ ، فَأَقْرَبَتْ صَلَاةَ السَّفَرِ ، وَزِيدَ فِي صَلَاةِ الْحَضَرِ .

Оиша уммулмуъминин: «Оллоҳ таоло намозни фарз қилган пайтида икки-икки ракъатдан фарз қилди; мусофир учун икки ракъат, муқим яшовчи учун икки ракъат. Сафарда ўқиладиган намоз ўша икки ракъатлигича қолди. Лекин муқим кишилар намози (3—4 ракъатга) кўпайтирилди»,— деганлар.

## **2-боб. Кийим кийиб намоз ўқимакнинг южиблиги, Оллоҳ таолонинг «Ҳар бир намоз ўқиганингизда ва таноф қилганингизда кийимда бўлингиз!» деган ояти каримаси ва биргина лунгига (матоба) ўралиб намоз ўқимаслик ҳақида**

*Салама ибн ал-Акваъ бундай деб айтган эканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агарчи бир тикан бирлан бўлса ҳам (аврат кўринмаслиги учун) уни (матони) қадаб олингайдир»,— деганлар. Мазкур ҳадисда аслида «Хотини бирлан жинсий алоқа қиладирган кийимда (агар унга бир нарса тегмаган эрса) намоз ўқиса, бўлур» деган фикр бор. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбатуллоҳни яланғоч тавоф қилмасликни буюрганлар».

*Умму Атиййа мана бу ҳадисни келтирадилар:* «Иккала ҳайитда, ҳайз кўрганлар



ҳам, балоғатга етган паранжидаги қизлар ҳам намозга чиқишга буюрилди. Улар (эркак) мусулмонларнинг йиғинида ва уларнинг таот-ибодатларида қатнашишди, ҳайз кўрганлари эса намозгоҳга яқин бормай, бир чеккада туришди. Бир хотин: «Ё Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, баъзи биримизнинг паранжимиз бўлмаса, (қатнашмай қўяверайликми)?»—деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дугонасининг паранжиларидан бирини олиб кийиб турсин»,— дедилар». Абдуллоҳ ибн Абу Ражоъ Умму Атиййа айтиб берган ушбу ҳадисни бошқачароқ қилиб ривоят қилган.

### 3-боб. Намоз ўқишдан аввал авратпўшни белга (орқага) боғлаб олиш

*Саҳл разияллоҳу анҳу қуйидагича ривоят қиладилар:* «Саҳобалар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга авратпўшлари орқаларига туғилган ҳолда намоз ўқиганлар».

*Муҳаммад ибн ал-Мункадир дедилар:* «Жобир разияллоҳу анҳу кийимларини қозиққа илиб қўйиб, авратпўшини орқасига тугиб олди-да, намоз ўқиди. Бир киши унга: «Биргина авратпўшда намоз ўқийсизми?»—деди. «Сенга ўхшаган нодон кўрсин деб, атайлаб шундай қилдим. Қайси бирингизнинг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида иккита кийимингиз бўлган?» — дедилар Жобир разияллоҳу анҳу».

*Муҳаммад ибн ал-Мункадир:* «Жобир ибн Абдуллоҳ ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам бир кийимда намоз ўқиганларини кўрганман»,— деганлар.

### 4-боб. Бир кийимга (матога) ўралиб намоз ўқимоқнинг ҳукми

*Аз-Зухрий:* «Бир кийимга ўралиб, дегани икки елкага бўйин аралаш ташланган матонинг ўнг учини чап томонга ўрашдир»,— дейдилар. Умму Ҳониъ айтадилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кийимга ўралдилар. Кийимнинг бу чеккасини елкадан айлантириб, у томондан бу томонга ва бу томондан у томонга ўрадилар».

213 . عَنْ عُمَرَ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ ، قَدْ خَالَفَ بَيْنَ طَرَفَيْهِ .

*Умар ибн Умму Салама дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кийимда намоз ўқир эрдилар, кийимларининг бир тарафини у томонга, у томонини бу томонга айлантириб намоз ўқидилар».

*Умар ибн Салама айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Умму Салама уйида бир кийимда намоз ўқиётганларини кўрдим. Кийимларининг икки тарафини икки елкага ташлаб олгандилар».

*Урва ибн Зубайр деди:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир кийимга ўралиб намоз ўқиётганларини кўрдим, кийимларининг икки тарафини елкаларидан ўтказиб олгандилар».

214 . عَنْ أُمِّ هَانِئِ بْنِتِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : قَالَتْ :

ذَهَبْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ الْفَتْحِ ، فَوَجَدْتُهُ يَغْتَسِلُ ، وَفَاطِمَةُ ابْنَتُهُ تَسْتُرُهُ ، قَالَتْ : فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ ، فَقَالَ : ( مَنْ هَذِهِ ) . فَقُلْتُ : أَنَا أُمُّ هَانِئِ بْنِتِ أَبِي طَالِبٍ ، فَقَالَ : مَرَحِبًا بِأُمِّ هَانِئِ . فَلَمَّا فَرَغَ مِنْ غُسْلِهِ ، قَامَ فَصَلَّى ثَمَانِيَةَ رَكَعَاتٍ ، مُلْتَحِفًا فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ ، فَلَمَّا انْصَرَفَ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ : زَعَمَ ابْنُ أُمِّي أَنَّهُ قَاتِلَ رَجُلًا قَدْ أُجْرِيَتْهُ ، فَلَانَ ابْنُ هُبَيْرَةَ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( قَدْ أُجْرِنَا مِنْ أُجْرَتِ يَا أُمَّ هَانِئِ ) . قَالَتْ أُمُّ هَانِئِ : وَذَاكَ ضَحْيَى .

*Умму Ҳониъ бундай деган эканлар:* «Макка фатҳ қилинган йили Расулulloҳ

саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бордим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғусл қилаётган ва қизлари Фотима эса бир нарса билан пана қилиб турган эканлар. Расулulloҳга салом бердим. «Бу ким?» — дедилар. «Мен Умму Ҳониъман, Абу Толиб қизиман»,—дедим. «Хуш келибсан Умму Ҳониъ!» — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғусл қилиб бўлганларидан кейин туриб бир кийимга ўралган ҳолда 8 рақъат намоз ўқидилар. Намоз ўқиб бўлиб ўгирилдилар. Шунда мен: «Ё Расулulloҳ, укам мен паноҳимга олганим фалончи ибн Ҳубайрни ўлдирурмен, дейдир»,— дедим. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Умму Ҳониъ, сен кимни паноҳингга олган эрсанг, биз ҳам ўшани паноҳимизга олдик»,— дедилар. Шу гапни айтганларида чошгоҳ эди».

215 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ سَائِلًا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الصَّلَاةِ فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَوْلَاكُمْ ثَوْبَانِ ) .

*Абу Ҳурайра айтдилар:* «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир кийимда намоз ўқимоқ тўғрисида сўради. «Ҳаммангизнинг ҳам иккитадан кийимингиз борми?» — дедилар Жаноб Расулulloҳ».

### 5-боб. Агар бир кийимда намоз ўқиса, икки елкасидан ошириб ўраб олсин!

216 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا يُصَلِّي أَحَدُكُمْ فِي الثَّوْبِ الْوَاحِدِ لَيْسَ عَلَى عَاتِقَيْهِ شَيْءٌ ) .

*Абу Ҳурайрадан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биронтангиз бир кийимда, икки елкангиз очик ҳолда намоз ўқимангиз!»—деганлар».

217 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَشْهَدُ أَنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( مَنْ صَلَّى فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ فَلْيُخَالِفْ بَيْنَ طَرَفَيْهِ ) .

*Иқрима разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бир кийимда намоз ўқиса, икки ёғини ёпиб олсин!» — деганлар».

### 6-боб. Агар кийимлик энсиз бўлса, не қилғайдир?

218 . عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

خَرَجْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي بَعْضِ أَسْفَارِهِ ، فَجِئْتُ لَيْلَةً لِبَعْضِ أَمْرِي ، فَوَجَدْتُهُ يُصَلِّي وَعَلَيْ ثَوْبٍ وَاحِدٍ ، فَاشْتَمَلْتُ بِهِ وَصَلَّيْتُ إِلَيْ جَانِبِهِ ، فَلَمَّا انْصَرَفَ ، قَالَ : ( مَا السُّرَى يَا جَابِرُ ) . فَأَخْبَرْتُهُ بِحَاجَتِي ، فَلَمَّا فَرَغْتُ قَالَ : ( مَا هَذَا الاِشْتِمَالُ الَّذِي رَأَيْتُ ) . قُلْتُ : كَانَ ثَوْبٌ ، يَعْنِي ضَاقَ ، قَالَ : ( فَإِنْ كَانَ وَاسِعًا فَالْتَحِفْ بِهِ ، وَإِنْ كَانَ ضَيِّقًا فَاتَّزِرْ بِهِ ) .

*Саъид ибн Ҳарс бундай дедилар:* «Жобир ибн Абдуллоҳдан бир кийимликка ўралиб намоз ўқимоқ тўғрисида сўрадим. У киши қуйидагича жавоб қилдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бир сафарга чикдим. Кечаси бир масала хусусида Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бордим, намоз ўқиётган эканлар. Мен танамни мато билан ўраб олгандим холос. Ёнларида туриб намоз ўқидим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни тугатиб: «Келмоғингнинг боиси недир, эй Жобир?» — дедилар. Хожатимни айтдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга қараб: «Бу нечук ўрамоқдир?» — дедилар. «Илгари туппа-тузук кийим эрди»,— дедим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар мато кенг эрса, яхшилаб ўраб олғил, агар тор

эrsa, (бирор нарса бирлан) уни қадаб олғил!» — дедилар».

219 . عَنْ سَهْلِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كَانَ رِجَالٌ يُصَلُّونَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَاقِدِي أَرْزِهِمْ عَلَى أَعْنَاقِهِمْ كَهَيْئَةِ الصَّبِيَانِ ، وَيُقَالُ ( لِلنِّسَاءِ لَا تَرْفَعْنَ رُؤُوسَكُنَّ حَتَّى يَسْتَوِيَ الرَّجَالُ جُلُوسًا ) .

*Саҳл ас-Саъид разияллоҳу анҳу ушбу ҳадисни айтдилар:* «Одамлар кийимларини ёш болалар сингари қадаб олиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга намоз ўқир эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (эркаклар ортида) намоз ўқиётган хотинларга: «Эркаклар тўлиқ ўтириб олгунларича бошингизни кўтарманг!» — деб айтдилар».

### 7-боб. Шомий (мажусий тўқиган) тўнда намоз ўқимоқ

Ҳасан Басрий: «Мажусий тўқиган кийимда намоз ўқимоқнинг зарари йўқ»— дейдилар. Маъмар эса: «Гўшти ейладиган ҳайвон сийдигига бўккан яманий кийимни Аз-Зухрий кийганини ва Ҳазрат Алининг узун кийимда намоз ўқиганларини кўрганман»,— дейдилар.

220 . عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ فَقَالَ : ( يَا مُغِيرَةُ ، خُذِ الْإِدَاوَةَ ) . فَأَخَذْتُهَا ، فَأَنْطَلَقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى تَوَارَى عَنِّي ، فَقَضَى حَاجَتَهُ وَعَلَيْهِ جُبَّةٌ شَامِيَّةٌ ، فَذَهَبَ لِيُخْرِجَ يَدَهُ مِنْ كُمِّهَا فَصَاقَتْ ، فَأَخْرَجَ يَدَهُ مِنْ أَسْفَلِهَا ، فَصَبَبَتْ عَلَيْهِ فَتَوَضَّأَ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ ، وَمَسَحَ عَلَى خَفِيهِ ثُمَّ صَلَّى .

*Муғира ибн Шуъба бундай дейдилар:* «Сафарда Расулulloҳ билан бирга эрдим. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Муғира, обдастани олғил!» — дедилар. Мен обдастани олдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ташқарига чиқиб кетдилар, ҳатто узоқлашиб, кўзимдан ғойиб бўлдилар, қазои ҳожат қилдилар. Устиларида шомий чопонлари бор эрди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (тахорат олмак учун) қўлларини чопонларининг енгидан чиқараман дедилар, торлик қилди, шунда қўлларини енг ичидан тортиб чиқардилар. Сув қўйиб бериб турдим, у киши намозга мўлжаллаб таҳорат олдилар ва маҳсиларига масҳ тортдилар. Кейин намоз ўқидилар».

### 8-боб. Намоз вақтида (ва муқаддас жойларда) яланғоч бўлмакнинг макруҳлиги

221 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا :

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُنْقَلُ مَعَهُمُ الْحِجَارَةُ لِلْكَعْبَةِ وَعَلَيْهِ إِزَارُهُ ، فَقَالَ لَهُ الْعَبَّاسُ عَمُّهُ : يَا ابْنَ أَخِي لَوْ حَلَلْتَ إِزَارَكَ فَجَعَلْتَهُ عَلَى مَنْكَبِكَ دُونَ الْحِجَارَةِ ، قَالَ : فَحَلَّهُ فَجَعَلَهُ عَلَى مَنْكَبِيهِ ، فَسَقَطَ مَعْشِيًا عَلَيْهِ ، فَمَا رَأَيْتُ بَعْدَ ذَلِكَ عُرْيَانًا .

*Жобир ибн Абдуллоҳ ушбу ҳадисни айтиб берганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурайш аҳли бирлан бирга Каъбани таъмирламак вақтида тош ташиётган эрдилар. Устиларида изорлари бор эрди. Шунда амакилари Аббос: «Эй жиян, изорингни ечиб, тошнинг тагидан елкангга қўйиб олсанг-чи»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам изорларини ечиб елкаларига қўйдилар ҳамки, ҳушларидан кетиб йиқилдилар (ўшанда 25 ёш атрофида эрдилар). Шундан бери ҳеч ҳам яланғоч юрмадилар».

### 9-боб. Кўйлак-иштон ёки калта иштон ва чопон кийиб намоз ўқимоқ

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир киши туриб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир кийимда намоз ўқимоқ тўғрисида сўради. Жаиоб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангизнинг иккитадан кийимингиз борми ўзи?» — дедилар. Кейин, бир киши туриб бир кийимда намоз ўқиш ҳақида Ҳазрат Умардан сўради. «Оллоҳ таоло енгиллик бергандан кейин, енгиллаштирингиз-да! (кийими битта бўлгач, . ўша битта кийимда намоз ўқийверади, бордию иккита бўлса, алмаштириб кийиб олиб ўқиса, афзалроқ) Кийими кўп бўлса, изор ва ридода, изор ва кўйлақда, изор ва чопонда, шим ю ридода, шим ва кўйлақда, шим ва чопонда, калта иштон ва чопонда ўқисин!» — дедилар».

«Умар талта иштон ва ридода ўқисин, деб айтганлигига шубҳам бор»,— дейдилар Абу Ҳурайра. Шихобуддин Қасталоний: «Агар ридо узун бўлиб, тиззани ёпиб турса, калта иштонда намоз ўқиса бўлур»,— дейдилар.

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ҳажга эҳром боғлаган киши не қилғайдир?» — деб сўради. «Кўйлак-иштон ҳам, бурнус ҳам киймағайдир. заъфарон ва сариқ рангли мато ҳам киймағайдир (ўрамағайдир). Кимки ковуш сингари тўпиғдан паст оёқ кийим топмаса, маҳсисининг қўнжини тўпиғидан паст қилиб қирқиб ташласин!» — дедилар».

Ушбу ҳадисни Нофиъ (Ибн Умардан эшитиб) сал бошқдчароқ риюят қилиб берган.

### 10-боб. Авратни ёпғувчи кийимлар баёни

222 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ : نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ اشْتِمَالِ الصَّمَاءِ ، وَأَنْ يَحْتَبِيَ الرَّجُلُ فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ ، لَيْسَ عَلَيَّ فَرْجُهُ مِنْهُ شَيْءٌ .

*Абу Саъид ал-Худрийдан:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам энги йўқ ва тор кийим киймоқни, тиззани қучоқлаб, олдини очиб ўтирмоқни қаттиқ қораладилар».

223 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ بَيْعَتَيْنِ : عَنْ اللَّمَّاسِ وَالنَّبَّازِ ، وَأَنْ يَشْتَمِلَ الصَّمَاءَ ، وَأَنْ يَحْتَبِيَ الرَّجُلُ فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки хил савдо-сотикдан қайтардилар: 1) Айтганига бор-барака килмоқдан (савдолашмай олмоқдан); 2) Бўлгани шу, деб нархини туширмай туриб олмоқдан. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам энги йўқ ва тор кийим киймоқдан, тиззани қучоқлаб, авратини очиб ўтирмоқдан ҳам қайтарганлар».

224 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

بَعَثَنِي أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي تِلْكَ الْحَجَّةِ فِي مُؤَدِّينَ يُؤَدُّنَ بِيَمِينِي يَوْمَ النَّحْرِ أَنْ لَا يَحُجَّ بَعْدَ الْعَامِ مُشْرِكًا ، وَلَا يَطُوفُ بِالْبَيْتِ عُرْيَانًا ، ثُمَّ أُرْدِفَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيَّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَأَمَرَهُ أَنْ يُؤَدِّنَ " بِيَرَاءَةٍ " . قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ : فَأَذَّنَ مَعَنَا عَلَيَّ فِي أَهْلِ مِثْلِي يَوْمَ النَّحْرِ : لَا يَحُجُّ بَعْدَ الْعَامِ مُشْرِكًا ، وَلَا يَطُوفُ بِالْبَيْتِ عُرْيَانًا .

«Абу Бакр разияллоҳу анҳу мени ўша ҳаж вақтида «Бу йилдан кейин бирорта ҳам мушрик ҳажга келмасин ва Каъбатуллоҳни яланғоч тавоф қилмасин!» деб одамларга ҳайит куни Минода жар солиши лозим бўлган кишилар қошига жўнатдилар»,— дебдилар Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Ҳумайд ибн Абдуррахмонга. «Ўшанда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Алига «Бароат сураси» ни одамларга эълон қилмакни топшириб, унинг кетидан юборган эрдилар»,— дейдилар Ҳумайд. Ҳайит куни Минода биз бирлан бирга Ҳазрат Али «Бу йилдан кейин бирорта

ҳам мушрик ҳажга келмасин ва Каъбани яланғоч тавоф қилмасин!»—деб эълон қилдилар»,— дейдилар Абу Ҳурайра.

### 11-боб. Ридосиз намоз ўқимок

*Муҳаммад ибн Мункадирдан:* «Жобир ибн Абдуллоҳнинг ҳузурларига кирдик, у киши биргина кийимга (матого) ўраниб олган ҳолда намоз ўқиётган эрканлар. Ридолари эрса, ерда ётибдир. Намозни ўқиб бўлиб ўгирилганларидан кейин: «Эй Абу Абдуллоҳ, ридойингизни ерга ташлаб қўйиб, намоз ўқимақдамисиз?»— дедик. «Ҳа, сизга ўхшаган жоҳилларга бир кўрсатиб қўяйин дедим-да! Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шу аҳволда намоз ўқиганларини кўрганман»,— дедилар».

### 12-боб. Соннинг аврат эканлиги ҳақида

*Жарҳад разияллоҳу анҳу:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сон авратдир, деганлар»,— дейдилар. Анас: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (изорларини тиззадан юқори тортиб ўтирганларида) сонлари очилиб қолди»,— дейдилар. Анас айтган ҳидис тўғрироқ, аммо Жарҳад бўлса, уламолар ўртасида ихтилоф чиқмаслига учун ушбу ҳадисни эҳтиёткорлик билан айтган. Абу Мусо: «Усмон, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирганида у киши тиззаларини ёпдилар»,— дейдилар. Абу Зарр: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга, у кишининг сонлари менинг сонимни босиб турганда (кўпчиликнинг ичида текилишиб ўтирганда), оят назил бўлди. Шунда у кишининг сонлари шу қадар оғирлашдики, ҳатто оёгим синиб кетади деб қўрқдим»,— деганлар».

225 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَصَلِينَا عِنْدَهَا صَلَاةَ الْعِدَاةِ بَعْلَسَ ، فَرَكِبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَرَكِبَ أَبُو طَلْحَةَ ، وَأَنَا رَدِيفُ أَبِي طَلْحَةَ ، فَأَحْرَى نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي زُقَاقٍ خَيْبَرٍ ، وَإِنْ رُكِبْتِي لَتَمَسُّ فَخْذَ نَبِيِّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، ثُمَّ حَسَرَ الْإِرَارَ عَنْ فَخْذِهِ ، حَتَّى إِتَى أَنْظُرُ إِلَى بَيَاضِ فَخْذِ نَبِيِّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَمَّا دَخَلَ الْقَرْيَةَ قَالَ : ( اللَّهُ أَكْبَرُ ، خَرَبْتُ خَيْبَرُ ، إِنَّا إِذَا نَزَلْنَا بِسَاحَةِ قَوْمِ فَسَاءَ صَبَاحُ الْمُنْدَرِينَ ) . قَالَهَا ثَلَاثًا ، قَالَ : وَخَرَجَ الْقَوْمُ إِلَى أَعْمَالِهِمْ فَقَالُوا : مُحَمَّدٌ وَالْخَمِيسُ يَعْنِي الْجَيْشَ ، قَالَ : فَأَصْبَنَاهَا عَنَوَةً فَجَمَعَ السَّبْيَ فَجَاءَ دَحِيَّةَ فَقَالَ : يَا نَبِيَّ اللَّهِ أَعْطِنِي جَارِيَةً مِنَ السَّبْيِ فَقَالَ : ( اذْهَبْ فَخُذْ جَارِيَةً ) . فَأَخَذَ صَفِيَّةَ بِنْتَ حُبَيْبٍ فَجَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : يَا نَبِيَّ اللَّهِ أَعْطَيْتَ دَحِيَّةَ صَفِيَّةَ بِنْتَ حُبَيْبٍ سَيِّدَةَ قُرَيْظَةَ وَالنَّضِيرَ ، لَا تَصْلُحُ إِلَّا لَكَ ، قَالَ : ( ادْعُوهُ بِهَا ) . فَجَاءَ بِهَا فَلَمَّا نَظَرَ إِلَيْهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( خُذْ جَارِيَةً مِنَ السَّبْيِ غَيْرَهَا ) . قَالَ : فَأَعْتَقَهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَتَزَوَّجَهَا وَجَعَلَ صَدَاقَهَا عَتَقَهَا ، حَتَّى إِذَا كَانَ بِالطَّرِيقِ جَهَّزْتَهَا لَهُ أُمُّ سَلِيمٍ فَأَهْدَتْهَا لَهُ مِنَ اللَّيْلِ فَأَصْبَحَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غُرُوسًا فَقَالَ : ( مَنْ كَانَ عِنْدَهُ شَيْءٌ فَلْيَجِيءْ بِهِ ) . وَبَسَطَ نَطْعًا ، فَجَعَلَ الرَّجُلُ يَجِيءُ بِالنَّمْرِ ، وَجَعَلَ الرَّجُلُ يَجِيءُ بِالسَّمْنِ وَأَحْسَبُهُ ذَكَرَ السَّوِيقِ ، قَالَ : فَحَاسُوا حَيْسًا فَكَانَتْ وَلِيمَةً رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Анас разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни айтиб берганлар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижрат қилдилар. Ҳайбар ташқарисида ғира-ширада бомдод намозини ўқидик. Кейин, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уловларини миндилар, Абу Талҳа ҳам минди, мен эрсан унга мингашдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳайбар кўчаларида уловда кетиб бораётганларида тиззам у кишининг сонларига тегиб турар эрди (кўча тор эрди). Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (уловни ниқтамоқ учун) изорларини юқори тортидилар.

Мен ҳатто Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сонларининг оқлигини кўрдим. Ҳайбарга кирган вақтларида: «Оллоҳу акбар, Ҳайбар хароб бўлди. Биз бирор қавм яшаётган жойга келиб тушсак, бу ҳақда хабар етказғувчиларнинг ҳолига вой!» деб уч бор айтдилар. Анас: «Қавм ўз ишига чиқди»,— деди. Буни Муҳаммад алайҳиссаломга айтишди».

*Абдулазиз ровий:* «Бизга ушбу ҳадисни айтиб берган баъзи кишилар: «Ўшанда аскар билан борган эрдилар, дейишганди»,— дейдилар. Анас айтдилар: «Ҳайбарни куч билан қўлга киритдик, анчагина асир ҳам олдик. Шунда Диҳя келиб: «Ё Расулulloҳ, аёл асирлардан бирини менга чўриликка беринг!» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Борғил, биттасини олғил!»—дедилар. У Сафийя бинти Ҳуйайни олди. Бир киши Расулulloҳга: «Ё Расулulloҳ, Диҳяга Баний Назир ва Баний Қурайза қабилаларининг саййидаси Сафийя бинти Ҳуйайни бердингиз, Сафийя фақат сизга муносибдир!» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Диҳяни чақирингиз!» — дедилар. Диҳя Сафийя бирлан бирга келди. Жаноб Расулulloҳ Сафийяга қарагач, Диҳяга: «Асирлардан бошқа бирини олғил!» — дедилар. Кейин, Сафийяни озод қилиб, унга уйландилар. Собит: «Мен бунга ишонмайман»,— деди Анасга. Анас дедилар: «Ўзлари уни озод қилдилар, ҳатто йўлда бўлсалар ҳам, унга уйландилар. Умму Сулайм уни Расулulloҳга тунлардан бирида ҳадя қилдилар. Шундай қилиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам куёв бўлдилар. Расулulloҳ: «Ҳар ким топганини олиб келсин!» — дедилар, кейин ерга чарм палос ёздилар. Одамларнинг бири хурмо, бири ёғ кўтариб кела бошлади, Расулulloҳ: «Ҳисобга олиб қўйғаймен».— дедилар. Ас-Сувайқ: «Тўйгунингизча ебичинглар!» — дегандилар, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўшанда тўйлари бўлганди»,— деб эслайдилар.

### 13-боб. Аёл неча кийимда намоз ўқимоғи лозим

Икрима: «Аёл калта кийимда намоз ўқимоғи мумкин (агар бошқаси бўлмаса)»,— дейдилар.

226 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ :

لَقَدْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي الْفَجْرَ ، فَيَشْهَدُ مَعَهُ نِسَاءً مِنَ الْمُؤْمِنَاتِ ، مُتَلَفَعَاتٍ فِي مِرْوَطِهِنَّ ، ثُمَّ يَرْجِعْنَ إِلَى بُيُوتِهِنَّ مَا يَعْرِفُهُنَّ أَحَدٌ .

*Оиша онамиз айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқирдилар. У кишига иқтидо қилиб муъмина аёллар ҳам рўмолларига (паранжиларига) ўралган ҳолда намоз ўқишар эрди. Кейин уйларига қайтиб кетишар эрди, ҳеч ким уларни танимас эрди».

### 14-боб. Агар гулдор кўйлак кийган бўлса-ю, кўйлагининг гулларига кўзи тушиб, хаёли қочадиган бўлса, ўша кийимда намоз ўқиса жоизми?

227 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا :

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى فِي خَمِيصَةٍ لَهَا أَعْلَامٌ ، فَنَظَرَ إِلَى أَعْلَامِهَا نَظْرَةً ، فَلَمَّا أَنْصَرَفَ قَالَ : ( اذْهَبُوا بِخَمِيصَتِي هَذِهِ إِلَى أَبِي جَهْمٍ ، وَأَتُونِي بِأَنْبِجَانِيَةِ أَبِي جَهْمٍ ، فَإِنَّهَا أَلْهَتْنِي أَنْفَاءً عَنْ صَلَاتِي ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам гулли қамиса кийиб намоз ўқирдилар. Ногаҳон қамисанинг гулига бир назар ташладилар, намозни ўқиб бўлгач, ўгирилиб: «Бу қамисамни Абу Жаҳмга олиб бориб берингиз, ўрнига унинг анбижониясидан (гулсиз матосидан) олиб келингиз, чунки бу қамиса ҳали мени намоздан алахситди»,— дедилар».

«Оиша онамизга Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: Намоз ўқиётганимда қамисамнинг гулига қараб қолдим. Мени намоздан чалғитади, деб қўрқмай, деган эканлар»,— дейдилар Ҳишом ибн Урва.

### 15-боб. Агар хоч ёки суратлар солинган кийимда намоз ўқиса, намози бузилгайдирми ва бу хусусда нималар манъ қилингайдир?

228 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ قِرَامٌ لِعَائِشَةَ سَتَرَتْ بِهِ جَانِبَ بَيْتِهَا ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَمِيطِي عَنَّا قِرَامَكَ هَذَا ، فَإِنَّهُ لَا تَزَالُ تَصَاوِيرُهُ تُعْرِضُ لِي فِي صَلَاتِي ) .

Анас *разияллоҳу анҳу* дедилар: «Оиша онамизнинг гулли жун пардалари бўларди. У билан уйларининг бир томонини тўсиб қўйгандилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу пардангни бизнинг рўпарамиздан олиб ташлагил, чунки ундаги суратлар мен намоз ўқиётганимда доим кўриниб турғайдир (хаёлимни бўлғайдир)»,— дедилар».

### 16-боб. Расулulloҳнинг ипак чопонда намоз ўқиб, кейин уни счиб ташлаганлари тўғрисида

229 . عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَهْدَيْتُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرُوحَ حَرِيرٍ ، فَلَيْسَهُ فَصَلَى فِيهِ ، ثُمَّ انْصَرَفَ فَتَزَعَهُ تَزَعًا شَدِيدًا كَالْكَارِهِ لَهُ ، فَقَالَ : ( لَا يَنْبَغِي هَذَا لِلْمُتَّقِينَ ) .

*Уқба ибн Омирдан*: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ипак чопон ҳадя қилишди. Расулulloҳ уни кийиб (Оллоҳ таоло ипак кийимни эркакларга ҳаром қилишидан аввал), намрз ўқидилар. Кейин, намоздан турибоқ хазар қилгандек шоша-пиша уни ечиб ташладилар. «Бу (ипак кийим) тақводор кишиларга ярамайдир»,— дедилар».

### 17-боб. Қизил кийимда намоз ўқимоқнинг ҳукми

230 . عَنْ أَبِي جُحَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي قُبَّةِ حَمْرَاءَ مِنْ أَدَمٍ ، وَرَأَيْتُ بِلَالًا أَخَذَ وَضُوءَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَرَأَيْتُ النَّاسَ يَتَّبِعُونَ ذَلِكَ الْوَضُوءَ ، فَمَنْ أَصَابَ مِنْهُ شَيْئًا تَمَسَّحَ بِهِ ، وَمَنْ لَمْ يُصِبْ مِنْهُ شَيْئًا أَخَذَ مِنْ بَلَلِ يَدِ صَاحِبِهِ ، ثُمَّ رَأَيْتُ بِلَالًا أَخَذَ عَنزَةً فَرَكَّزَهَا ، وَخَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حُلَّةٍ حَمْرَاءَ مُشَمَّرًا ، صَلَّى إِلَى الْعَنزَةِ بِالنَّاسِ رَكَعَتَيْنِ ، وَرَأَيْتُ النَّاسَ وَالِدَوَابَّ يَمْرُونَ مِنْ يَدَيْ الْعَنزَةِ .

*Авн ибн Абу Жухайфа оталаридан эшитганларини бундай деб ривоят қилган эрканлар*: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни чармдан қилинган қизил чодирда кўрдим. Билол у кишига таҳорат учун сув қуйиб бераётган эрди. Одамлар эрсалар Расулulloҳнинг таҳоратларидан тушаётган сувни талашиб олишар эрдилар. Кимга насиб қилса, баданига суртар эрди, насиб қилмаган биродарининг қўлида қолган намни ўзига суртиб олар эрди. Кейин Билолнинг анзани (темир учлик ҳассани) олиб, ерга санчиб қўйгапини кўрдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қизил ҳулла (изор, ридо-лунги ва елкага ташлайдиган мато) кийиб чиқдилар, изорларини бир оз шимариб олгандилар. Расулulloҳ ҳассаларини пана қилиб одамлар бирлан икки ракъат намоз ўқидилар. Одамлар ва ҳайюнлар ҳассаларини четлаб ўтаётганини кўрдим».

### 18-боб. Том, минбар ва тахта устида намоз ўқимоқ ҳукми

Имом Бухорий айтдилар: «Ҳасан Басрий муз ва кўприклар устида, гарчи унинг тагидан ёки устидан ёхуд олдидан нажосат оқиб турган эрса-да, намоз ўқимоқнинг зарари йўқдир, фақат намозхон бирлан нажосат ўртасини бирор нарса тўсиб турган эрса, бас»,— дейдилар. Абу Ҳурайра масжиднинг томида имом бўлиб намоз ўқидилар (Шофиъий ва Ҳанафий мазҳабларида имом ва намозхонларнинг намоз ўқиган жойлари бири иккинчисидан баланд бўлмоғи макруҳдир, зарурат туғилгандагина мумкин). Ибн Умар қор устида намоз ўқидилар.

231 . عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : وَقَدْ سُئِلَ : مِنْ أَيِّ شَيْءٍ الْمَنْبَرُ ؟ فَقَالَ : مَا بَقِيَ بِالنَّاسِ أَعْلَمُ مِنِّي ، هُوَ مِنْ أَثْلِ الْعَابَةِ ، عَمَلَهُ فَلَانَ مَوْلَى فَلَانَةَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَقَامَ عَلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ عَمِلَ وَوُضِعَ ، فَاسْتَقْبَلَ الْقِبْلَةَ وَكَبَّرَ ، وَقَامَ النَّاسُ خَلْفَهُ ، فَقَرَأَ وَرَكَعَ ، وَرَكَعَ النَّاسُ خَلْفَهُ ، ثُمَّ رَفَعَ رَأْسَهُ ، ثُمَّ رَجَعَ الْقَهْقَرَى فَسَجَدَ عَلَى الْأَرْضِ ثُمَّ عَادَ إِلَى الْمَنْبَرِ ، ثُمَّ قَرَأَ ، ثُمَّ رَكَعَ ، ثُمَّ رَفَعَ رَأْسَهُ ، ثُمَّ رَجَعَ الْقَهْقَرَى حَتَّى سَجَدَ بِالْأَرْضِ ، فَهَذَا شَأْنُهُ .

*Абу Ҳазм айтганлар:* «Одамлар Саҳл ибн Саъддан: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарлари нимадан қилинган?» — деб сўрадилар. Саҳл: «Одамлар орасинда буни мендан яхшироқ биладирган одам қолмади. У «юлғун» деган ўрмон дарахтидан қилингандир, уни фалончининг озод қилинган қули фалончи ясагандир. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (уста) минбарни ясаб олиб келиб қўйгач, унга чиқдилар-да, қиблага қараб: «Оллоҳу акбар»,— дедилар, одамлар у кишига иқтидо қилдилар. Жаноб Расулulloҳ қироат қилдилар ва рукуъ қилдилар. Одамлар ҳам кетларидан рукуъ қилдилар. Кейин, Расулulloҳ бошларини (қадрларини) кўтардилар, минбардан тисарилиб тушиб, ерда сажда қилдилар. Кейин, яна минбарга қайтиб чиқдилар-да, қироат қилдилар, сўнг рукуъ. қилдилар. Кейин, бошларини (қадрларини) кўтардилар, минбардан тисарилиб тушиб, яна ерда сажда қилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қилган ишлари мана шу». Имом Бухорийга Али ибн Абдуллоҳ: «Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳу мендан шу ҳадис тўғрисида, сўради»,— деб айтибдир. Аҳмад ибн Ҳанбал: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлардан баландда турганлар ва шу ҳадисга кўра, имом одамлардан баландда турса, зарари йўқдир, демоқчимисиз?» — дебди Али ибн Абдуллоҳ: «Суфён ибн Уяйнадан шу ҳадис тўғрисида кўп сўрашар эрди, сиз ҳеч эшитмаганмисиз?» — дебдилар Аҳмад ибн Ҳанбалга. Аҳмад: «Йўқ,— деб жавоб берибдилар.

*Анас ибн Молик айтиб берганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ҳижратнинг 5-нчи йили, зулҳижжа ойи) отдан йиқилиб, ўшанда болдирлари ёки кураклари шилиниб кетганди. Бир ой хотинлари олдига кирмасликка аҳд қилгандилар. Ёғоч устунли ҳужраларида ўтирганларида саҳобалар у кишини кўргани келдилар. Расулulloҳ ўтирган ҳолларида имоматга ўтдилар, саҳобалари эрса тик турган ҳолларида намоз ўқидилар. Расулulloҳ салом бергач: «Имомга иқтидо қилмоқ лозимдир. Шунинг учун имом «Оллоҳу акбар» деганда сиз ҳам такбир айтингиз, рукуъ қилса, сиз ҳам рукуъ қилингиз, сажда қилса, сиз ҳам сажда қилингиз. Агар тик туриб намоз ўқиса, тик туриб ўқингиз!»—дедилар (Расулulloҳ касал бўлганлари учун ҳам бутун намоз давомида ўтирган ҳолларида имомлик қилганлар. Саҳобалар эрса тик туриб ўқийвермасдан ўзлари билиб иқтидо қилавермоқлари керак эрди). Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам 29 кун деганда оилалари олдига чиқдилар. Шунда улар: «Сиз бир ойга аҳд қилган эрдингиз-ку?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу ой 29 кун (дан иборат)»,— дедилар».

### **19-боб. Намозхон сажда қилган вақтида кийими хотинига тегиб кетса, намози бузиладирми?**



*Маймуна онамиз айтиб берганлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам намоз ўқир эрдилар, мен эрсам ҳайз ҳолимда у кишининг рўпараларида ўтирган эрдим, сажда қилганларида баъзан кийимлари менга тегиб кетар эрди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам хумра (хурмо баргидан тўқилган жойнамоз) устида намоз ўқир эрдилар».

### 20-боб. Бўйра устида намоз ўқимоқ ҳукми

Жобир ва Абу Саъид кемада тик туриб намоз ўқидилар. Ҳасан Басрий: «Кемада кетаётганинда шерикларингга малол келмаса, тикка туриб намоз ўқийверасан ва кема бирлан бирга айланавёрасан (қибла қаёқда, деб ўтирмайсан). Агар шерикларингга малол келса, ўтириб, ўқийсан»,— деганлар.

232 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ جَدَّتَهُ مُلَيْكَةَ دَعَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِبَطْنِهَا لِيُطْعِمَهَا مِنْهُ ، ثُمَّ قَالَ : ( قَوْمُوا فَلَأُصَلِّ لَكُمْ ) . قَالَ أَنَسُ : فَقُمْتُ إِلَى حَصِيرٍ لَنَا قَدْ اسْوَدَّ مِنْ طُولِ مَا لَيْسَ فَتَضَحَّتْهُ بِمَاءٍ ، فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَصَفَفْتُ أَنَا وَالْيَتِيمُ وَرَأَاهُ ، وَالْعَجُوزُ مِنْ وَرَائِنَا ، فَصَلَّى لَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَكَعَتَيْنِ ثُمَّ انْصَرَفَ .

*Анас ибн Молик айтиб берганлар:* «Бувим Мулайка таом тайёрлаб Расулulloҳни чақирдилар. Жаноб Расулulloҳ таомдан едилар, сўнг: «Турингиз, намоз ўқиймиз, мен имомлик қилурмен»,— дедилар. Мен туриб, эскилигидан қорайиб кетган бўйрага сув сочдим (тозаламак учун). Сўнг, Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бўйра устига чиқдилар. Мен бирлан бир етим бола орқаларида турдик. Бувим эрсалар бизнинг орқамизда турдилар. Жаноб Расулulloҳ икки рақъат намоз ўқидилар, сўнг намозни тугатиб турдилар».

### 21-боб. Хумра устида намоз ўқимоқ

*Маймуна онамиз:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам хумрада намоз ўқир эрдилар»,— деб айтганлар.

### 22-боб. Ўрин-тўшак устида намоз ўқимоқнинг ҳукми

Анас разияллоҳу анҳу ўрин-тўшак устида намоз ўқидилар. Анас: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга намоз ўқир эрдик. Шунда баъзи биримиз кийимимиз устида намоз ўқир эрдик»,— дейдилар.

233 . عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ : كُنْتُ أَنَامُ بَيْنَ يَدَيْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَرَجُلًا فِي قِبَلْتِهِ ، فَإِذَا سَجَدَ غَمَزَنِي فَقَبِضْتُ رِجْلِي ، وَإِذَا قَامَ بَسَطْتُهَا ، قَالَتْ : وَالْبُيُوتُ يُؤْمَنُ لَيْسَ فِيهَا مَصَابِيحُ .

*Оиша онамиз айтиб берганлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг рўпараларида ётар эрдим, оёқларим эрса у кишининг қибла томонларига узатиқ эрди, сажда қилган вақтларида туртар эрдилар, мен оёқларимни йиғиштириб олар эрдим. Қоматларини ростлаганларида яна узатар эрдим. Ўша вақтларда уйлар чироқсиз бўлур эрди».

234 . وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا :

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي ، وَهِيَ بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْقِبْلَةِ ، عَلَى فِرَاشٍ أَهْلُهُ اغْتَرَاضَ الْجِنَازَةِ .

*Урва разияллоҳу анҳу айтиб берганлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам аёлларининг кўрпасида намоз ўқир эрдилар. Оиша онамиз эса Расулulloҳ бирлан қибла ўртасида жанозада тобут қўйилгандек узаниб ётар эрдилар».

*Аррок разияллоҳу анҳу менга Урва бундай деганди, дейдилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқир эрдилар. Оиша онамиз эса (иккалалари ётадиган) кўрпа устида Расулulloҳ бирлан қибла ўртасида кўндаланг бўлиб ётар эрдилар».

### **23-боб. Жазирама иссиқда кийим устига сажда қилмоқ**

Ҳасан Басрий айтиб берганлар: «Саҳобалар саждага бош қўядирган жойнинг ниҳоятда иссиқлиғидан қўлларини кийимларининг енгидан чиқармай, салла ва қалансуваларини олдиларига қўйиб, устига сажда қилур эрдилар».

235 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كُنَّا نُصَلِّي مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَضَعُ أَحَدُنَا طَرَفَ الثَّوْبِ مِنْ شِدَّةِ الْحَرِّ ، فِي مَكَانِ السُّجُودِ .

*Анас ибн Молик айтиб берганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга намоз ўқир эрдик. Шунда баъзи биримиз саждагоҳнинг қаттиқ иссиқлиғидан кийимимизнинг бир четига (этаги ёки енгини тортиб қўйиб) саждага бош қўяр эрдик».

### **24-боб. Пойабзалда намоз ўқимоқ ҳукми**

236 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سُئِلَ : أَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي فِي نَعْلَيْهِ ؟ قَالَ : نَعَمْ .

*Саъид ибн Язид айтиб берганлар:* «Анас ибн Молиқдан Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пойабзал кийиб намоз ўқирмидилар?» — деб сўрадим, «Ҳа»,— деди (пойабзалнинг таги қуруқ бўлса, унда намоз ўқимоқ мумкин, аммо таги хўл бўлса, нажосат текканлиги эҳтимоли бор, уни ювмоқ лозимдир»,— дейдилар Имом Ҳанифа)».

### **25-боб. Маҳсида намоз ўқимоқ**

237 . عَنْ حَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ بَالَ ثُمَّ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خُفَّيْهِ ، ثُمَّ قَامَ فَصَلَّى ، فَسُئِلَ فَقَالَ : رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَنَعَ مِثْلَ هَذَا ، فَكَانَ يُعْجِبُهُمْ ، لِأَنَّ حَرِيرًا كَانَ مِنْ آخِرِ مَنْ أَسْلَمَ .

*Ҳамом ибн Ҳарс айтиб берганлар:* «Жарир ибн Абдуллоҳни кўрдим, у киши пешоб қилдилар, кейин таҳорат олдилар, маҳсиларига масҳ тортиб, сўнг туриб намоз ўқидилар. Масҳ тортмоқ тўғрисида у кишидан сўралганда: «Жаноб Расулulloҳнинг шундай қилганларини кўрдим»,— дедилар. Иброҳим разияллоҳу анҳу: «Жарир ибн Адуллоҳнинг бу гапи қавмга жуда маъқул келди, чунки у энг кейинги саҳобалардан эрди»,— дейдилар».

*Муғийра ибн Шуъба айтиб берганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга таҳорат учун сув бердим (у киши таҳорат олдилар). Маҳсиларига масҳ тортиб, кейин намоз ўқидилар».

### **26~боб, Намозхон қиёмига етказиб сажда қилмаса (намози қабул бўлмади)**

*Абу Воил разияллоҳу анҳу айтиб берганлар:* «Ҳузайфа бир кишининг рукуъ ва саждани қиёмига етказмай намоз ўқиганини кўриб, у намозини тугатгач: «Намоз ўқимадинг»,— деди. Кейин, назаримда, бояги одамга: «Ўлсанг, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини бажармай ўлган бўлурсан»,— деди ҳам шекилли».

### **27-боб. Икки билакни ерга теккизмай (билаклар енгидан чиқиб кўринадиган даражада) ўзидан нарироққа сажда қилмоқ**

238 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَالِكِ بْنِ بَحِيَّةٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا صَلَّى فَرَجَ بَيْنَ يَدَيْهِ ، حَتَّى يَنْدُوَ بِيَاضٍ يُنْطِئُهُ .

*Абдуллоҳ ибн Молик:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқисалар саждада қўлни ўзларидан узоқроққа ташлар эрдилар, ҳатто қўлтиқларининг оппоқлиги кўринар эрди»,— дейдилар. Лайс ибн Саъд эса: «Жаъфар ибн Рабиъа ҳам шу ҳадисга ўхшаш ҳадисни ривоят қилиб берган эрди»,— дебдилар.

### 28-боб. (Жойнамозда) оёқ панжалари учини қиблага тўғрилашнинг афзаллиги

239 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ صَلَّى صَلَاتِنَا ، وَاسْتَقْبَلَ قِبَلَتَنَا ،

وَأَكَلَ ذَبِيحَتَنَا ، فَذَلِكَ الْمُسْلِمُ الَّذِي لَهُ ذِمَّةُ اللَّهِ وَذِمَّةُ رَسُولِهِ ، فَلَا تُخْفَرُوا اللَّهَ فِي ذِمَّتِهِ ) .

*Анас ибн Молик айтиб берганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бизнинг намозни ўқиғайдир, бизнинг қибламизни қибла қилғайдир, биз сўйган мол-ҳол гўштидан егайдир, у Оллоҳ ва унинг Расули ҳимоясидаги мусулмондир. Оллоҳнинг ҳимоясига кўрнамаклик қилмангиз!» — деганлар».

*Анас ибн Молик:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай деб айтганлар»,— дейдилар: «Одамлар ло илоҳа иллаллоҳу» дейдиган бўлгунларича жанг қилмоққа буюрилдим. Агар улар калимаи таййибани айтғайдирлар, бизнинг намозни ўқиғайдирлар, қибламизни қибла қилғайдирлар ва биз сўйгандек (мол, қўй ва бошқалар) сўйғайдирлар, уларнинг қонини тўкмоқ ва молини олмоқ бизга ҳаромдир. Зеро уларнинг молу жонлари ҳам, охираат ҳисоби ҳам Оллоҳнинг ихтиёридадир».

*Анас ибн Моликдан Маймун ибн Сиёҳ:* «Эй Абу Ҳамза, (мўъмин бандаларга) қандай банданинг молини таламоқ ва қонини тўкмоқ ҳаромдир?»—деб сўрадилар. Анас: «Кимки ло илоҳа иллаллоҳу дегайдир, қибламизни қибла қилғайдир, намозимизни ўқиғайдиру биз сўйган мол-ҳол гўштини егайдир, у мусулмондир. Мусулмонга не ҳуқуқ берилғайдир, унга ҳам ўша ҳуқуқ берилғусидир ва мусулмонга қандай вазифа юкланғайдир, унга ҳам ўша вазифа юкланғусидир»,— дедилар.

### 29-боб. Мадина, Шом ва Машриқ аҳлининг қибласи; қибла на машриқда ва на мағрибда

*Абу Айюб разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қазои ҳожатга борсангиз, қиблага юзланиб ёки қиблага орқа қилиб ўтирмангиз, балки машриққа қараб ўтирингиз ёки мағрибга қараб ўтирингиз! деб айтганлар»,— дейдилар. Абу Айюб яна бундай дейдилар: «Шомга келдик, таҳоратхона қиблага қаратиб қурилган эркан. Сал бурилиб ўтирдик-да, Оллоҳга истиғфор айтдик».

### 30-боб. Оллоҳ таоло: «Мақоми Иброҳимда намоз ўқингиз!»—дейдир

240 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ سُئِلَ عَنْ رَجُلٍ طَافَ بِالْبَيْتِ لِلْعُمْرَةِ ، وَلَمْ يَطْفُ بِبَيْنِ الصَّفَا وَالْمَرْوَةِ ، أَيَّاتِي امْرَأَتَهُ ؟

فَقَالَ : قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَطَافَ بِالْبَيْتِ سَبْعًا ، وَصَلَّى خَلْفَ الْمَقَامِ رَكْعَتَيْنِ ، وَطَافَ بَيْنَ الصَّفَا وَالْمَرْوَةِ ، وَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ .

*Амр ибн Динор айтганлар:* «Ибн Умардан киши Байтуллоҳни тавоф қилса-ю, Сафо ва Марва оралиғида югурмаса, хотинини жимоъ қилмоғи жоизми?» — деб сўрадик. Ибн Умар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб етти марта Каъбани тавоф қилдилар. Мақоми Иброҳим орқасида икки ракъат намоз ўқидилар, Сафо ва Марю оралиғида югурдилар. Бу борада сиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи

ва салламдан яхши ибрат олмоғингиз керак эрди»,— дедилар. Жобир ибн Абдуллоҳдан (шу ҳақда) сўрасак: «Сафо ва Марва ўртасини тавоф қилмагунча, хотинга яқинлашилмайди»,— дедилар».

*Сайф разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни Мужоҳиддан эшитдим дедилар:* «Ибн Умар ҳузурларига келиб, «Ана, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбага кириб кетдилар»,— дейишди. Мен борсам, Жаноб Расулulloҳ Каъбадан чиққан эрканлар, Билол эрса Каъба эшиклари оралиғида турган эркан. Билолдан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъба ичида намоз ўқидиларми?» — деб сўрадим. Билол: «Ҳа, кираверишдаги икки устуннинг ўнг томонида икки ракъат намоз ўқидилар, сўнг туриб Каъбага қараб яна икки ракъат намоз ўқидилар»,— деди».

### 31-боб. Қаерда бўлса ҳам қиблага қараб намоз ўқимоқ керак

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ю саллам: «Қаерда бўлсанг ҳам, қиблага қараб тақбир айтғил! — деганлар»,— дейдилар.

242. عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى نَحْوَ بَيْتِ الْمَقْدِسِ ، سِتَّةَ عَشَرَ أَوْ سَبْعَةَ عَشَرَ شَهْرًا ، وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحِبُّ أَنْ يُوجَّهَ إِلَى الْكَعْبَةِ ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ : ﴿ قَدْ نَرَى تَقَلُّبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ ﴾ . فَتَوَجَّهَ نَحْوَ الْكَعْبَةِ . وَقَالَ السُّفَهَاءُ مِنَ النَّاسِ ، وَهُمْ الْيَهُودُ : ﴿ مَا وَلَاهُمْ عَنْ قِبَلَتِهِمُ النَّبِيِّ كَانُوا عَلَيْهَا قُلْ لِلَّهِ الْمَشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴾ . فَصَلَّى مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ ، ثُمَّ خَرَجَ بَعْدَ مَا صَلَّى فَمَرَّ عَلَى قَوْمٍ مِنَ الْأَنْصَارِ فِي صَلَاةِ الْعَصْرِ نَحْوَ بَيْتِ الْمَقْدِسِ فَقَالَ هُوَ يَشْهَدُ أَنَّهُ صَلَّى مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَأَنَّهُ تَوَجَّهَ نَحْوَ الْكَعْبَةِ فَتَحَرَّفَ الْقَوْمُ حَتَّى تَوَجَّهُوا نَحْوَ الْكَعْبَةِ .

*Ал-Барро ибн Озиб айтадилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Байт ул-Муқаддасга қараб 16 ёки 17 ой намоз ўқиган эрдилар. Аслида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбага қараб намоз ўқимоқни яхши кўрар эрдилар. Оллоҳ таоло Расулulloҳга «Юзингни бир Каъбага, бир осмонга қаратаётганингни кўриб турибмиз» деган оятини нозил қилди ва: «Одамларнинг энг ақлсизи яхудийлардир. Уларни илгариги қиблани ўзгартирмоққа не мажбур қилмишдир? Сен: «Мағрибу Машриқ ҳам Оллоҳникидир, у ўзи хоҳлаган бандасига тўғри йўл кўрсатғусидир, деб айтгил!» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бир киши намоз ўқиди, кейин у аср намозини Байт ул-Муқаддасга қараб ўқиётган бир ансорий қавм олдига бориб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Каъбага қараб намоз ўқиганини айтди. Шунда қавмнинг барчаси Каъбага ўгирилди».

243. عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي عَلَى رَاحِلَتِهِ حَيْثُ تَوَجَّهَتْ بِهِ ، فَإِذَا أَرَادَ فَرِيضَةً نَزَلَ فَاسْتَقْبَلَ الْقِبْلَةَ .

*Жобир разияллоҳу анҳудан:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туя миниб кетаётганларида, у қаёққа қараб кетаётган бўлса, ўша томонга қараб намоз ўқийверардилар. Лекин намоз фарзини ўқимоқчи бўлсалар, туядан тушиб, қиблага қараб ўқирдилар».

244. عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

صَلَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَ إِبْرَاهِيمُ الرَّأوِي عَنْ عَلْقَمَةَ الرَّأوِي عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ : لَا أَدْرِي زَادَ أَوْ نَقَصَ - فَلَمَّا سَلَّمَ قِيلَ لَهُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَحَدَثَ فِي الصَّلَاةِ شَيْءٌ ؟ قَالَ : ( وَمَا ذَلِكَ ) . قَالُوا : صَلَّيْتَ كَذَا وَكَذَا ، فَتَنَّى رَجُلِيهِ وَاسْتَقْبَلَ الْقِبْلَةَ وَسَجَدَ سَجْدَتَيْنِ ثُمَّ سَلَّمَ ، فَلَمَّا أَقْبَلَ عَلَيْنَا بَوَّجَّهَهُ قَالَ : ( إِنَّهُ لَوْ حَدَّثَ فِي الصَّلَاةِ شَيْءٌ

لَبَّائِكُمْ بِهِ ، وَلَكِنْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ أَنَسِيَ كَمَا تَنْسُونَ ، فَإِذَا نَسِيتُ فَذَكِّرُونِي ، وَإِذَا شَكَّ أَحَدُكُمْ فِي صَلَاتِهِ فَلْيَتَحَرَّ الصَّوَابَ فَلَيْتَمَّ عَلَيْهِ ، ثُمَّ يُسَلِّمُ ثُمَّ يَسْجُدُ سَجْدَتَيْنِ .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин ёки аср намозини ўқидилар»,— деди. «Ўшанда кўпайтириб ўқидиларми ё камайитириб ўқидиларми, аниқ айтолмайман»,— деди Иброҳим. Расулulloҳ (икки елкаларига) салом берганларидан кейин: «Ё Расулulloҳ, намозга бирор янгилик киритилдими?» — дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нега бундай дейсизлар?»— дедилар. «Сиз бундай ўқидингиз», деб кўрсатишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам чўккалаб ўтирдилар-да, қиблага қараб икки бор сажда қилиб, сўнг салом бердилар. Кейин, бизларга ўгирилиб: «Намозда бирор янгилик бўлғайдир, албатта мен сизларга хабар қилғайдирман, лекин (албатта) мен ҳам сиз каби одамдирман, сиз унутганингиздек мен ҳам унутғайман. Агар унутсам, эслатингиз, агар бирортангаз намоз ўқиётиб неча ракъат ўқиганингизни унутсангаз, ўз тахминингиз бўйича намозни ниҳоясига етказингиз, сўнг салом берингиз, ундан кейин икки ракъат намоз ўқингиз!» — дедилар.

### **32-боб. Қибла тўғрисида айтилган ҳадислар, янглишиб қибладан бошқа томонга қараб намоз ўқиган киши намозини қайтариб ўқимаслиги ҳақида**

Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ракъат намоз ўқиб, қиблани янглиштирганларини сезиб, одамларга ўгирилдилар, кейин, қолган икки ракъатни қиблага қараб ўқиб, намозни тугалладилар.

245 . عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

وَأَقْبَتُ رَبِّي فِي ثَلَاثٍ فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ لَوْ أَخَذْنَا مِنْ مَقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلِّيً ، فَتَزَلْتُ : ﴿ وَاتَّخِذُوا مِنْ مَقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلِّيً ﴾ وَآيَةَ الْحِجَابِ ، قُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ لَوْ أَمَرْتَ نِسَاءَكَ أَنْ يَحْتَجِبْنَ ، فَإِنَّهُ يَكْلُمُهُنَّ الْبُرُّ وَالْفَاجِرُ ، فَتَزَلْتُ آيَةَ الْحِجَابِ ، وَاجْتَمَعَ نِسَاءُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْعَبْرَةِ عَلَيْهِ ، فَقُلْتُ لَهُنَّ : عَسَى رَبُّهُ إِنْ طَلَّقَكُنَّ أَنْ يُبَدِّلَهُنَّ أَرْوَاجًا خَيْرًا مِنْكُنَّ ، فَتَزَلْتُ هَذِهِ الْآيَةَ .

*Ҳазрат Умар дедилар:* «Раббим менинг уч ниятимни рўёбга чиқарди. «Ё Расулulloҳ, Мақоми Иброҳимда намоз ўқимоқни одат қилсак эрди!» — деганимда, «Мақоми Иброҳимда намоз ўқингиз!» деган оят нозил бўлди, «Ё Расулulloҳ, хотинларингизга ёпинмакни буюрсангиз эрди! Чунки уларга яхши одам ҳам, ёмон одам ҳам гапирғайдир» — деганимда, «Ҳижоб ояти» нозил бўлди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари бунга қаршилиқ қилишди, шунда мен: «Агар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сизларни қўйиб юборсалар, Оллоҳ таоло ўрнингизга сиздан кўра яхшироқ хотинларни ато қилмоғи мумкин» — деганимда, айнан шу мазмунда оят нозил бўлди». Ҳумайд: «Юқоридаги ҳадисни Аназдан мен ҳам эшитгандирмен»,— дейдилар.

*Абдуллоҳ ибн Умар айтиб берганлар:* «Қубо масжидида одамлар бомдод намозини ўқишаётган вақтда, бир киши келиб: «Шу кеча Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга Қуръон ояти нозил бўлди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга Каъба тарафга қараб намоз ўқимоқ буюрилди», — деди. Одамлар юзларини Каъбага қаратдилар. Улар аввал юзларини Шом томонга қаратиб намоз ўқиётган эрдилар».

*Абдуллоҳ ибн Масъуд дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешинда 5 ракъат фарз ўқидилар, Шунда саҳобалар: «Намознинг ракъати кўпайтирилдими?» — деб сўрадилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нечун бундай деб сўрайдирсиз?» — дедилар. «Беш ракъат фарз ўқидингиз», — дейишди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқларини

ташаҳхудда ўтиргандек қилиб букдилар-да, яна икки марта сажда қилдилар».

### 33-боб. Масжиддаги тупукни қўл билан кўчириб ташлаш

246 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى نُخَامَةً فِي الْقِبْلَةِ ، فَشَقَّ ذَلِكَ عَلَيْهِ حَتَّى رُئِيَ فِي وَجْهِهِ ، فَقَامَ فَحَكَهُ بِيَدِهِ فَقَالَ : ( إِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا قَامَ فِي صَلَاتِهِ ، فَإِنَّهُ يُنَاجِي رَبَّهُ ، وَإِنَّ رَبَّهُ بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْقِبْلَةِ ، فَلَا يَبْرُفَنَّ أَحَدُكُمْ قَبْلَ قِبْلَتِهِ ، وَلَكِنْ عَنْ يَسَارِهِ أَوْ تَحْتَ قَدَمِهِ ) ثُمَّ أَخَذَ طَرْفَ رِدَائِهِ فَبَصَقَ فِيهِ ، ثُمَّ رَدَّ بَعْضَهُ عَلَى بَعْضٍ فَقَالَ : ( أَوْ يَفْعَلْ هَكَذَا ) .

*Анас айтадилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам масжиднинг қибла томонидаги деворида (қотиб қолган) балғамни кўрдилар. Бу Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга жуда оғир ботди, ҳатто юзларида хафа бўлганлари кўриниб турарди. Расулulloҳ ўринларидан туриб, балғамни қўл билан кўчириб ташладилар, сўнг: «Қайси бирингиз намоз ўқиғайдирсиз, раббингиз бирлан сўзлашғайдирсиз, раббингиз олдингизда, қиблада бўлғайдир. Шунинг учун бирортангиз қибла томонга тупурмангиз, агар зарур бўлғайдир, чап томонга ёки оёқ тагига тупурингиз!» — дедилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ридоларининг бир тарафини ушлаб, унга тупуриб буклаб қўйдиларда: «Ёким мана шундай қилингиз!» — дедилар».

*Абдуллоҳ ибн Умар дедилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам масжиднинг қибла томони деюридаги тупукни кўриб, қириб ташладилар, кейин одамларга қараб: «Агар бирортангиз намоз ўқиётган эрсангиз, қибла томонга тупурмангиз. Чунки, Оллоҳ таоло киши намоз ўқиётганида қибла томонда бўлғайдир», — дедилар».

*Оиша онамиз дедилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам қибла томон девордаги манқани (ёки балғамни) кўриб, қириб ташладилар».

### 34-боб Масжиддаги манқани майда тош бирлан кўчириб ташламоқ

Ибн Аббос: «Агар ҳўл ахлатни босиб олсанг, уни сув бирлан ювғил, агар қурук бўлса, юқмаса, ювмағил!» — деганлар.

*Абу Ҳурайра ва Абу Саъид разияллоҳу анҳумо айтиб беришган ҳадис:* «Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам масжид деюридаги манқани кўриб, уни тош бирлан кўчириб ташладилар, кейин: «Бирортангиз бурнингизни қоқмоқчи эрсангиз, олд ва ўнг томонингизга қоқмангиз, чап томонга ёким чап оёғингиз остига қоқингиз», — дедилар».

### 35-боб. Намозхон ўнг томонига тупурмасин!

247 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ وَأَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا :

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى نُخَامَةً فِي جِدَارِ الْمَسْجِدِ ، فَتَنَاولَ حَصَاةً فَحَكَهَا فَقَالَ : ( إِذَا تَنَحَّمَ أَحَدُكُمْ فَلَا يَتَنَحَّمَنَّ قَبْلَ وَجْهِهِ ، وَلَا عَنْ يَمِينِهِ ، وَلْيَبْصُقْ عَنْ يَسَارِهِ ، أَوْ تَحْتَ قَدَمِهِ الْيُسْرَى ) .

*Абу Ҳурайра ва Абу Саъид разияллоҳу анҳумо айтиб беришган ҳадис:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам масжид деворидаги манқани кўриб, уни майда тош бирлан кўчирдилар, кейин: «Бирортангиз бурун қоқсангиз, олд ва ўнг томонга қоқмангиз, чап томонингизга ёким чап оёғингиз остига қоқингиз!» — дедилар».

*Қатода разияллоҳу анҳу Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг* «Бирортангиз олд томонингизга ҳам, ўнг томонингизга ҳам тупурмангиз, аммо чап томонингизга ёким оёғингиз остига тупурсангиз бўлур» деганларини «Менга Анас

айтиб берган»,— дейдилар.

### **36-боб. Чап томонига ёки чап оёғининг остига тупурсин!**

*Қатодадан:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўъмин киши намоз ўқиётганида рабби билан сўзлашгайдир, (шу боисдан) олд ва ўнг томонига зинҳор тупурмасин, чап томонига ёким чап оёғининг остига тупурсин!» — деганлар».

*Абу Саъид ал-Худрийдан:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжиднинг қибла тарафи деворидаги манқани кўриб, уни тош бирлан кўчириб ташладилар. Кейин, одамларни олд ва ўнг томонга тупурмасликка даъват қилдилар. Лекин чап томонга ва чап оёқ остига тупуришдан қайтармадилар. Аз-Зухрий Абу Саъид айтиб берган ушбу ҳадисга ўхшаш ҳадисни Ҳамиддан эшитган эркан».

### **37-боб. Масжидда тупурган киши айбини қандай ювгайдир?**

248 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( الْبُرَاقُ فِي الْمَسْجِدِ حَطِيبَةٌ وَكَفَّارُتُهَا دَفْنُهَا )

*Қатодадан:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Масжидда тупурмоқлик гуноҳдир, бу гуноҳ тупукни кўймоқ ила ювилғусидир»,—деб айтдилар».

### **38-боб. Масжиддаги тупукни кўмиш**

*Ҳамомдан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бирингиз намозда турсангиз, олд томонга тупурмангиз, чунки сиз Оллоҳ бирлан сўзлашаётган бўлурсиз. Модомики, намозда турган эркансиз, ўнг томонга ҳам тупурмангиз, чунки ўнг томонингизда фаришта бордир. Чап томонингизга ёким чап оёғингиз остига тупурингиз, сўнг уни кўмиб қўйингиз!»—деганлар».

### **39-боб. Агар тупугини қайтаролмаса, кийимининг бир чеккасига (ёким рўмолчасига) тупурсин!**

*Анас дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қибла томон девордаги манқани кўриб, уни ўз қўллари бирлан артиб ташладилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундан хафа бўлганлари сезилди, бу у кишига жуда оғир ботганидан: «Қайси бирингиз намоз ўқиғайдирсиз, раббингиз бирлан сўзлашаётган бўлурсиз ёким раббингиз олдингизда ва қибла томонда бўлғайдир. Шу боисдан зинҳор қибла тарафга тупурмангиз, аммо чап тарафингизга ёким чап оёғингиз остига тупурсангиз бўлур»,— дедилар. Кейин, ридоларининг бир тарафини олиб, унга тупирдилар-да, буклаб қўйдилар (иложи бўлмаганда шундай қилингиз, деган маънода)».

### **40-боб. Имомнинг намозни мукамал ўқиш ва қиблани ёддан чиқармаслик тўғрисида одамларга ваъз айтмоғи**

249 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( هَلْ تَرَوْنَ قِبْلَتِي هَا هُنَا ، فَوَاللَّهِ مَا يَخْفَى عَلَيَّ خُشُوعُكُمْ وَلَا رُكُوعُكُمْ ، إِنِّي لَأَرَاكُمْ مِنْ وَرَاءِ ظَهْرِي ) .

*Абу Ҳурайра айтиб берганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиблани кўриб турибсизларми? Оллоҳга қасамёд қилиб айтурманким, сизнинг саждангиз ҳам, рукуъингиз ҳам менга махфий эрмасдир, мен сизни орқамда турсангиз ҳам кўриб турғайман»,— дедилар».

*Анас разияллоҳу анҳу айтиб берганлар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биз бирлан бирга намоз ўқидилар, сўнг минбарга кўтарилиб, намоз ва

унинг рукуълари (арконлари) тўғрисида гапириб: «Мен сизни олдимдан кўргандек, орқамдан ҳам кўрғайман»,— дедилар».

#### 41-боб. Фалон қавмнинг масжиди, дейиш жоизми?

#### 42-боб. Масжидда мол тақсимлаш ва масжидга хурмо шингилини осиш

251 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَالٍ مِنَ الْبَحْرَيْنِ فَقَالَ : انْثَرُوهُ فِي الْمَسْجِدِ ، وَكَانَ أَكْثَرَ مَا لِي بِهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَخَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الصَّلَاةِ وَلَمْ يَلْتَفِتْ إِلَيْهِ ، فَلَمَّا قَضَى الصَّلَاةَ جَاءَ فَجَلَسَ إِلَيْهِ ، فَمَا كَانَ يَرَى أَحَدًا إِلَّا أَعْطَاهُ إِذْ جَاءَهُ الْعَبَّاسُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَعْطِنِي ، فَإِنِّي فَادَيْتُ نَفْسِي وَفَادَيْتُ عَقِيلًا فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( خُذْ ) . فَحَتَّى فِي ثَوْبِهِ ثُمَّ ذَهَبَ يَقْلُهُ فَلَمْ يَسْتَطِعْ ، فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ مُرْ بَعْضَهُمْ يَرْفَعُهُ إِلَيَّ ، قَالَ : ( لَا ) ، قَالَ : فَارْفَعُهُ أَنْتَ عَلَيَّ ، قَالَ : ( لَا ) . فَفَتَرَ مِنْهُ ثُمَّ احْتَمَلَهُ فَأَلْقَاهُ عَلَى كَاهِلِهِ ثُمَّ انْطَلَقَ ، فَمَا زَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُبْعِثُهُ بِصَرِّهِ حَتَّى خَفِيَ عَلَيْنَا عَجَبًا مِنْ حَرِّهِ ، فَمَا قَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَتَمَّ مِنْهَا دَرَاهِمٌ .

*Анас разияллоҳу анҳудан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга Баҳрайдан мол келтиришди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Масжидга тўкиб қўйингиз»,— дедилар. Бу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга илгари келтирилган моллардан ҳам кўп эрди. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга чиқдилар, лекин молга қайрилиб ҳам боқмадилар. Намозни тугатганларидан кейингина молни тақсимлашга киришдилар, кўзлари тушган одамга улашдилар, ҳеч ким қолмади, ҳаммасига бердилар. Шу пайт амакилари Аббос келиб қолдилар ва: «Ё Расулulloҳ, шу молдан менга ҳам берингиз, чунки мен (Бадр урушида) ўзим ва укам Уқайл учун фидя бердим (жон тўлови тўладим)»,— дедилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олинг!»— дедилар. Аббос ридоларига ҳовучлаб солдилар, кейин кўтаришга уриндилар, кўтара олмадилар. Сўнг: «Ё Расулulloҳ, биронтасига айтингиз, кўтартириб юборсин!»— дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўқ!»— дедилар. «(Бўлмаса) ўзингиз кўтарғизиб юборингиз!»— дедилар Аббос. Расулulloҳ яна «Йўқ!»— дедилар. Амакилари бир оз тўкиб, сўнг кўтаришга уриндилар, яна кўтара олмадилар. Сўнг: «Расулulloҳ, буюрингиз, биронтаси кўтартириб юборсин!»— дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Йўқ!»— дедилар. Амакилари: «Ўзингиз кўтартириб юборингиз!»— дедилар. Расулulloҳ бу гал ҳам: «Йўқ!»— дедилар. Аббос яна озгина тўкиб ташладилар, кейин елкаларига кўтариб чиқиб кетдилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аббос амакилари кўзга кўринмай кетгунларича орқаларидан тикилиб қолдилар, у кишининг молга нисбатан бўлган хирсига ажабландилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша ерда молдан бирон дирҳам қолмагунча ўринларидан турмадилар».

#### 43-боб. Масжидга бориб овқатга таклиф қилган ва унга «хўп» деб жавоб қилган кишилар

250 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا :

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَابَقَ بَيْنَ الْخَيْلِ الَّتِي أُضْمِرَتْ مِنَ الْحَفِيَاءِ ، وَأَمَدَهَا ثَنِيَةُ الْوَدَاعِ ، وَسَابَقَ بَيْنَ الْخَيْلِ الَّتِي



لَمْ تُضْمَرَ مِنَ الثَّنِيَةِ إِلَى مَسْجِدِ بَنِي زُرَيْقٍ ، وَإِنَّ عَبْدَ اللَّهِ كَانَ فِيمَنْ سَأَقَّ بِهَا .

**Абдуллоҳ ибн Умар айтиб берганлар:** «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам совутилган отлар (минган чавандозлар) ўртасида Ҳафйоъ деган жойдан Санийят ул-Видоъ деган жойгача, совутилмаган отлар (минган чавандозлар) ўртасида эса Санийят ул-Видоъдан то Баний Зурайҳ масжидигача пойга уюштирдилар». Пойгачилар орасида Абдуллоҳ ҳам бор эдилар.

**Исҳоқ ибн Абдуллоҳга Анас айтиб берган эканлар:** «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни масжидда бир жамоа одамлар орасидан топдим, ёнларига бордим. Шунда менга: «Абу Талҳа юбордими сени?» — дедилар. «Ҳа»,— дедим. «Овқатгами?»— дедилар. «Ҳа»,— дедим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнларидаги кишиларга: «Турингиз, кетдик!» — деб ўринларидан қўзғалдилар. Мен ҳам улар билан бирга йўл олдим».

#### 44-боб. Масжидда қозилик ва лиён қилмоқ

**Саҳл ибн Саъд айтиб берганлар:** «Бир киши: «Ё Расулulloҳ, нима дейсиз, кимки хотини бирлан ёт зракнинг ётганини кўрса, ўлдирадими?»— деб сўради. Ўша киши бирлан хотини масжидда бизга лиён қилди (яъни, ҳар бири ўз давосини айтиб, «Агар ёлғон сўзласам, менга Оллоҳнинг лаънати бўлсин!» — дейишди), мен бунинг шоҳидиман».

#### 45-боб. Агар киши таклифга биноан бировнинг уйига кирса, пок ёки ифлослигини текширмай намозини ўзи хоҳлаган жойда ўқийверадими ёки хонадон соҳиби кўрсатган жойда ўқийдими?

**Утбон ибн Молик айтиб берганлар:** «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг ҳовлимга келдилар ва: «Уйингнинг қаерида намоз ўқимоғимни истайдурсен?» — дедилар. Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир жойни кўрсатдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам такбир айтиб, намоз ўқий бошладилар. Биз орқаларида саф туриб иқтидо қилдик. Икки ракъат намоз ўқидилар».

#### 46-боб. Уйларда (масжид) махсус намоз ўқийдирган жой қилиб олиш

Барро ибн Озиб ўз ҳоштасидаги масжидида жамоат билан намоз ўқиди.

252 . عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الرَّبِيعِ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ عَتْبَانَ بْنَ مَالِكٍ ، وَهُوَ مِنْ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِمَّنْ شَهِدَ بَدْرًا مِنَ الْأَنْصَارِ ، أَنَّهُ أَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ قَدْ أَتَيْتُكَ بِبَصْرِي وَأَنَا أَصْلِي لِقَوْمِي ، فَإِذَا كَانَتْ الْأَمْطَارُ ، سَأَلَ الْوَادِي الَّذِي بَيْنِي وَبَيْنَهُمْ ، لَمْ أَسْتَطِعْ أَنْ أَتِيَ مَسْجِدَهُمْ فَأُصَلِّيَ بِهِمْ ، وَوَدِدْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنَّكَ تَأْتِينِي فَتُصَلِّيَ فِي بَيْتِي ، فَأَتَخَذَهُ مُصَلًى ، قَالَ : فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( سَأَفْعَلُ إِنْ شَاءَ اللَّهُ ) . قَالَ عَتْبَانُ : ( فَعَدَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبُو بَكْرٍ حِينَ ارْتَفَعَ النَّهَارُ ، فَاسْتَأْذَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَأَذْنَتْ لَهُ فَلَمْ يَجْلِسْ حِينَ دَخَلَ الْبَيْتَ ثُمَّ قَالَ : ( أَيْنَ تُحِبُّ أَنْ أُصَلِّيَ مِنْ بَيْتِكَ ) . قَالَ : فَأَشْرَفْتُ لَهُ إِلَى نَاحِيَةِ مِنَ الْبَيْتِ ، فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَكَبَّرَ ، فَقَمْنَا فَصَفَفْنَا فَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ ثُمَّ سَلَّمَ ، قَالَ : وَحَبَسْنَا عَلَى خَزِيرَةٍ صَعْنَاهَا لَهُ ، قَالَ : فَتَابَ فِي الْبَيْتِ رِجَالٌ مِنْ أَهْلِ الدَّارِ ذُو عَدَدٍ فَاجْتَمَعُوا ، فَقَالَ قَائِلٌ مِنْهُمْ : أَيْنَ مَالِكُ بْنُ الدُّحَيْشِ أَوْ الدُّحَيْشُ ؟ فَقَالَ بَعْضُهُمْ : ذَلِكَ مُنَافِقٌ لَا يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا تَقُلْ ذَلِكَ ، أَلَا تَرَاهُ قَدْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يُرِيدُ بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ ) . قَالَ : اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ ، قَالَ : فَإِنَّا نَرَى وَجْهَهُ وَنَصِيحَتَهُ إِلَى الْمُنَافِقِينَ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( فَإِنَّ اللَّهَ قَدْ حَرَّمَ عَلَيَّ النَّارَ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، يَتَّبِعِي بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ ) .

**Маҳмуд ибн ар-Рабиъ ривоят қиладилар:** «Утбон — Расулulloҳ саллаллоҳу

алайҳи ва салламнинг, Бадр урушида бирга қатнашган ансорий саҳобаларидандир. У Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб: «Ё Расулуллоҳ, кўзим хиралашиб қолди. Мен ўз қавмимнинг имомиман. Ёмғир ёғганда менинг уйим бирлан қавмим ўртасидаги водийда сув тўпланиб, уларнинг масжидига бориб намоз ўқиб бера олмаётирман. Ё Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, сиздан илтижо қилгайман, меникига бориб, уйимда намоз ўқисангиз, мен ўша жойни ўзимга намозгоҳ қилиб олсам!» — деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Иншооллоҳ, шундай қилгайдурман»,— дедилар. Утбон айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр Сиддиқ эрта билан қуёш бир оз кўтарилгач, келдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам киришга рухсат сўрадилар. Уларни ҳовлига таклиф қилдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйга киргач, ўтирмасдан: «Уйингнинг қай ерида намоз ўқиб бермоғимни истайдурсен?» — дедилар. Мен уйимнинг бир томонини Расулуллоҳга кўрсатдим. Ул зот ўша ерда намозга такбири таҳрима айтдилар. Биз орқаларида саф туриб, у кишига иқтидо қилдик, икки ракъат намоз ўқиб, кейин салом бердилар. Биз Расулуллоҳни, у киши учун тайёрланган «хазира» деган таомни еб кетинг, деб қўймадик. Маҳалламдагилар (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келибдилар, деб) кетма-кет уйимга кириб келишди. Улардан бири: «Молик ибн Духшин қани?» — деди. Кимдир: «У мунофиқ, Оллоҳ ва унинг Расулини яхши кўрмайдир»,— деди. Шунда Расулуллоҳ: «Ундоқ демангиз, у Оллоҳнинг ризолиғини тилаб, «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадун Расулуллоҳ»,— деганку, билмайдурсизми?» — дедилар. Кимдир: «Оллоҳ ва унинг Расули яхшироқ билгайдир»,— деди. Яна кимдир: «Биз унинг мунофиқларга ёндошаётганини, уларнинг ёнини олаётганини кўраётирмиз»,— деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳнинг ризолиғини истаб, «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ»,— деган кишига Оллоҳ дўзах ўтини ҳаром айлади»,— дедилар. Ибн Шихоб аз-Зухрий: «Кейин ушбу ҳадисни ал-Хусайн ибн Муҳаммаддан сўрадим. У Баний Солим қабиласининг нуфузли кишиларидан бири бўлиб, мазкур ҳадисни тасдиқлайдир»,— дейдилар».

#### **47-боб. Масжид ва бошқа жойларга ўнг оёқ бирлан кирмоқ**

Ибн Умар (масжидга) ўнг оёқ бирлан кириб, чап оёқ бирлан чиқар эрдилар.

*Оиша онамиз айтиб берганлар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамма ишни иложи бориचा ўнгидан бошламоқни яхши кўрар эдилар (тахоратни ҳам, соч тарамоқни ҳам, пойабзал киймоқни ҳам)».

#### **48-боб. Жоҳилия давридаги (исломдан илгариги даврдаги) мушриклар қабрини кўчириб, ўрнига масжид курси, бўлгайми?**

**Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Яҳудийларга Оллоҳ лаънат юборсин! Улар ўз пайғамбарларининг қабрларини масжидларга айлантириб олдилар»,— деганларига доир ҳамда қабрлар усти ва атрофида намоз ўқимакнинг макруҳлиги хусусида**

Ҳазрат Умар Анас ибн Моликнинг қабр олдида намоз ўқиётганини кўриб: «Э, яхшимас, бу қабр, қабр-ку!» — дедилар-у, лекин намозни қайтариб ўқимакни буюрмадилар.

253 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ أُمَّ حَبِيبَةَ وَأُمَّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ذَكَرْنَا كَنِيْسَةً رَأَيْتَهَا بِالْحَبَشَةِ ، فِيهَا تَصَاوِيرٌ ، فَذَكَرْنَا ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : ( إِنْ أَوْلَيْتَكَ إِذَا كَانَ فِيهِمُ الرَّجُلُ الصَّالِحُ فَمَاتَ ، بَنَوْا عَلَى قَبْرِهِ مَسْجِدًا ، وَصَوَّرُوا فِيهِ تِلْكَ الصُّوْرَ ، فَأَوْلَيْتَكَ شِرَارُ الْخَلْقِ عِنْدَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ) .

*Оиша онамиз айтиб берганлар:* «Умму Ҳабиба ва Умму Салама Ҳабашистонда ўзлари кўрган канисалар ва унинг ичидаги суратларни эслаб, сўзлашиб ўтирдилар, сўнг, булар тўғрисида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳам айтдилар. Расулulloҳ: «Улар, агар ораларида бирор тақводор киши вафот этгайдир, унинг қабри устига масжид қуриб, ўша суратларни солгайдирлар. Улар қиёмат куни Оллоҳ даргоҳида энг ёмон халқдир»,— дедилар».

254 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ ، فَنَزَلَ أَعْلَى الْمَدِينَةِ فِي حَيٍّ يُقَالُ لَهُمْ بَنُو عَمْرِو بْنِ عَوْفٍ ، فَأَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيهِمْ أَرْبَعَ عَشْرَةَ لَيْلَةً ، ثُمَّ أُرْسِلَ إِلَى بَنِي النَّجَّارِ ، فَجَاؤُوا مُتَقَلِّدِينَ السُّيُوفَ ، فَكَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيَّ رَاحِلَتِهِ ، وَأَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ رَدْفُهُ ، وَمَلَأُ بَنِي النَّجَّارِ حَوْلَهُ ، حَتَّى أَلْقَى رَحْلَهُ بِفَنَاءِ أَبِي أَيُّوبَ ، وَكَانَ يُحِبُّ أَنْ يُصَلِّيَ حَيْثُ أَدْرَكَتَهُ الصَّلَاةُ ، وَيُصَلِّيَ فِي مَرَابِضِ الْعَنَمِ ، وَأَنَّهُ أَمَرَ بِنِيبَاءِ الْمَسْجِدِ ، فَأُرْسِلَ إِلَى مَلَأِ بَنِي النَّجَّارِ فَقَالَ : يَا بَنِي النَّجَّارِ : ( تَامِنُونِي بِحَائِطِكُمْ هَذَا ) . قَالُوا : لَا وَاللَّهِ لَا نَطْلُبُ ثَمَنَهُ إِلَّا إِلَى اللَّهِ تَعَالَى ، قَالَ أَنَسٌ : فَكَانَ فِيهِ مَا أَقُولُ لَكُمْ قُبُورُ ، الْمُشْرِكِينَ وَفِيهِ حَرْبٌ وَفِيهِ نَخْلٌ ، فَأَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِقُبُورِ الْمُشْرِكِينَ فَنَبِشَتْ ، ثُمَّ بِالْخَرْبِ فَسُوِّتَ ، وَبِالنَّخْلِ فَقُطِعَ ، فَصَفُّوا النَّخْلَ قِبَلَةَ الْمَسْجِدِ ، وَجَعَلُوا عِضَادَتَيْهِ الْحِجَارَةَ ، وَجَعَلُوا يَنْقُلُونَ الصَّخَرَ وَهُمْ يَرْتَجِرُونَ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَهُمْ وَهُوَ يَقُولُ :  
اللَّهُمَّ لَا خَيْرَ إِلَّا خَيْرُ الْآخِرَةِ فَاعْفِرْ لِلْأَنْصَارِ وَالْمُهَاجِرَةِ

*Анас ибн Молик айтиб берганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келдилар. Мадинанинг юқори қисмидаги Бану Амр маҳалласига келиб тушдилар. У ерда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам 14 кеча туриб қолдилар. Кейин, Бану Нажжорга одам юбордилар. Улар қиличларини тақиб, тайёр бўлиб келишди. ҳозир ҳам кўз олдимда турибди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларида ўтирибдилар. Абу Бакр эса орқаларига мингашиб олган, Бану Нажжор чор атрофларида, ҳатто Абу Айюб майдонига сиғмай кетишган. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз вақти қаерда тўғри келиб қолса, ўша ерда намоз ўқимақни яхши кўрар эдилар ва (ҳатто) қўй қўраларида ҳам намоз ўқийверардилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжид қурмақни буюриб, Бану Нажжор қабиласининг бир жамоасига одам юбордилар. Улар келгач, «Эй Баний Нажжор, менга мана бу боғ ҳовлиларингизни сотингиз!»—дедилар. Улар: «Йўқ, Оллоҳга қасам ичиб айтгаймизким, пул олмағаймиз, фи сабилиллоҳ берамиз»,— дейишди. Анас айтадир: «Ўша боғ-ҳовли ичида боя мен сизларга айтганим мушриклар қабрлари, харобалар бўлиб, хурмозор ҳам бор эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мушрикларнинг қабрларини кўчирмақни буюрдилар, кейин харобалар ҳам текисланди. Хурмоларни кесишга буюрдилар, кесишди. Хурмо ёғочлари (бўлажак) масжиднинг қибла томонига тахлаб қўйилди. Одамлар пойдеворга тош тера бошладилар, улар байт айтиб тош ташйшарди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам улар бирлан бирга ишлар эрдилар ва нуқул: «Илоҳи, охират хайриятдан бошқа хайрият йўқдир, муҳожирани ансорийларни мағфират қилгайсен!» — дер эрдилар».

#### 49-боб. Қўйхоналарда намоз ўқимақнинг ҳукми

*Абу ат-Тайёҳдан:* «Анас разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўй қўраларида намоз ўқир эрдилар»,— деганди. Кейинчалик унинг «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжид бино бўлмасдан аввал

қўйхоналарда намоз ўқир эрдилар»,— деганини ҳам эшитганман».

### 50-боб. Туяхоналарда намоз ўқимакнинг ҳукми

255 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ كَانَ يُصَلِّي إِلَى بَعِيرِهِ وَقَالَ : رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْعَلُهُ .

*Нофиъ разияллоҳу анҳу:* «Ибн Умар туясига қараб намоз ўқиётганини кўрдим, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам шундай қилганларини кўрганман»,— деганлар (туя қибла тарафда тўсиқ бўлиб турган)».

### 51-боб. Олдида тандир ёким ўт (аланга) ёҳуд қандайдир сиғиниш манбаи тургани ҳолда фақат Оллоҳ таолони назарда тутиб намоз ўқиган киши хусусида

256 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( عُرِضَتْ عَلَيَّ النَّارُ وَأَنَا أَصَلِّي ) .

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Мен намоз ўқиётганимда кўзимга дўзах оташи намоён қилинди, деб айтганлар»,— дейдилар Анас.

*Абдуллоҳ ибн Аббос дедилар:* «Қуёш тутилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқидилар, кейин: «Намоз ўқиётганимда менга дўзах ўти кўрсатилди. Бугунгача бундан даҳшатлироқ манзарани кўрмагандурмен»,— дедилар».

### 52-боб. Қабристонда намоз ўқимаслик тўғрисида

257 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( اجْعَلُوا فِي بُيُوتِكُمْ مِنْ صَلَاتِكُمْ ، وَلَا تَتَّخِذُوهَا قُبُورًا ) .

*Ибн Умар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уйингизда ҳам намоз ўқингиз. Уйингизни мазорга ўхшатиб қўймангиз!— деганлар»,— дейдилар.

### 53-боб. Одам ютган ерларда ва азоб юборилган жой ларда намоз ўқимаслик ҳақида

«Ҳазрат Али Бобилдаги одам ютган ерда намоз ўқимоқни рад этдилар»,— дейилади.

*Абдуллоҳ ибн Умар нақл қиладилар.* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Анави бошига азоб юборилган қавмнинг ерига кирмангиз. Мободо кирсангиз, йиғлаб кирингиз. Агар йиғлай олмасангиз, кирмангиз. Тағин уларнинг бошига тушган мусибат сизнинг ҳам бошингизга тушмасин!»—деганлар».

### 54-боб. Канисада (черковда) намоз ўқимоқнинг ҳукми

Умар разияллоҳу анҳу: «Биз канисаларингизга улардаги суратлар сабабли кирмағаймиз»,— деганлар. Ибн Аббос сурати йўқ канисада намоз ўқир эрди, сурати бўлса, ўқимас эрди.

*Оиша онамиз нақл қиладилар:* «Умму Салама Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга Ҳабашистонда кўрган Мария канисаси, унинг ичидаги суратлар тўғрисида сўзлаб берди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улар шундай қавмдурким, агар ораларида бирор солиҳ банда ёким солиҳ киши ўлғайдир, унинг қабри устига масжид қуриб, унга ўша суратларни солғайдилар. Улар Оллоҳ таоло даргоҳидаги энг ёмон халқдир»,— дедилар».

### 55-боб.

*Оиша онамиз ва Абдуллоҳ ибн Аббос қуйидагича нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таоло даргоҳига риҳлат этмак муддати

яқинлашгач, муборак юзларини гулдор бир мато бирлан ёпдилар, исиб кетганларидан кейин очиб ташладилар. Шу ҳолатда бўла туриб: «Яҳудий ва насороларга Оллоҳнинг лаънати бўлсин! Улар пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олмишлар»,— дедилар» (Бу билан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз умматларини яҳудий ва насоролар қилмишидан ҳазар қилмоққа даъват этдилар, дейди муҳаддис).

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Оллоҳ таоло яҳудийларни ўлдирсин! Улар пайғамбарларининг қабрларини масжид қилиб олмишлар, деб айтганлар»,— дейдилар Абу Хурайра разияллоҳу анҳу.

### **56-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ер менга саждагоҳ ҳам таҳорат воситаси қилиб берилди»,— деганлари хусусида**

*Жобир ибн Абдуллоҳнинг нақл қилишларича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деган эканлар:* «Оллоҳ таоло томонидан менга илгариги пайғамбарларнинг бирортасига ҳам ато этилмаган бешта имтиёз берилмишдир: 1) Бир ойлик йўлда тўрганимдаёқ душманларим юрагига қўрқув солиниб, ғолиб қилинмишмен 2) Бутун ер юзи менга саждагоҳ қилиб берилмишдир. Қайси бир умматимга намоз вақти қаерда тўғри келса, ўша ерда намоз ўқийверсин! 3) Жангда олинган ўлжа менга ҳалол қилинмишдир 4) Ҳар бир пайғамбар ўз қавмигагина пайғамбар қилиб юборилур эрди. Мен эрсам, ҳамма одамларга пайғамбар қилиб юборилмишмен 5) Менга шафоат қилмоқ имконияти ҳам берилмишдур».

### **57-боб. Масжидда аёл кишининг (агар унинг бошқа бошпанаси бўлмаса) яшамоғи ва ухламоғи тўғрисида**

258 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ وَلِيدَةَ كَانَتْ سَوْدَاءَ لِحَيٍّ مِنَ الْعَرَبِ فَأَعْتَقَهَا فَكَانَتْ مَعَهُمْ قَالَتْ : فَخَرَجْتُ صَبِيَّةً لَهُمْ عَلَيْهَا وَشَاخٌ أَحْمَرٌ مِنْ سُيُورٍ ، قَالَتْ : فَوَضَعَتْهُ أَوْ وَقَعَتْ مِنْهَا فَمَرَّتْ بِهِ حُدَيَّةً وَهُوَ مُلْقَى ، فَحَبَسَتْهُ لَحْمًا فَخَطَفَتْهُ ، قَالَتْ : فَالْتَمَسُوهُ فَلَمْ يَجِدُوهُ . قَالَتْ : فَاتَّهَمُونِي بِهِ فَطَفِقُوا يُفْتَشُونَ حَتَّى فَتَشُوا قَبْلَهَا ، قَالَتْ : وَاللَّهِ إِنِّي لَقَائِمَةٌ مَعَهُمْ إِذْ مَرَّتْ الْحُدَيَّةَ فَأَلْقَتْهُ ، قَالَتْ : فَوَقَعَ بَيْنَهُمْ . قَالَتْ : فَقُلْتُ هَذَا الَّذِي اتَّهَمْتُمُونِي بِهِ ، زَعَمْتُمْ وَأَنَا مِنْهُ بَرِيئَةٌ ، وَهُوَ ذَا هُوَ ، قَالَتْ : فَجَاءَتْ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَسْلَمَتْ ، قَالَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : فَكَانَ لَهَا حِبَاءٌ فِي الْمَسْجِدِ أَوْ حِفْشٌ ، قَالَتْ : فَكَانَتْ تَأْتِينِي فَتَحَدَّثُ عِنْدِي ، قَالَتْ : فَلَا تَجْلِسُ عِنْدِي مَجْلِسًا إِلَّا قَالَتْ : وَيَوْمَ الْوِشَاحِ مِنْ أَعْرَابٍ رَبَّنَا أَلَا

إِنَّهُ مِنْ بَلَدَةِ الْكُفْرِ أَنْجَانِي

قَالَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : فَقُلْتُ لَهَا : مَا شَأْنُكَ ، لَا تَقْعُدِينَ مَعِيَ مَقْعَدًا إِلَّا قُلْتَ هَذَا ؟ قَالَتْ : فَحَدَّثْتَنِي بِهِذَا الْحَدِيثِ .

*Оиша онамиз қуйидагича нақл қиладилар:* «Араб қавмларидан бирининг ёш занжия (негр қиз) жориясини озод қилдилар. У озод қилганлар бирлан бирга қолди. Ўша занжия қиз: «Бир куни мен қабиладаги ёш келинчаклардан бири бирлан ўйнагани чиқдим. Келинчакнинг қизил тақинчоғи бор эрди», — дебди. Оиша онамиз айтадилар: «Келинчак танқинчоғини бир жойга қўйибдир, шу пайт бир куш учиб келиб, тақинчоқни гўшт деб ўйлаб оlib қочибдир». «Тақинчоқни қидиришди, ҳеч топа олмадилар, кейин менга сен олдинг, деб тўхмат қилдилар-да, ҳамма ёғимни тинта бошладилар (Оиша онамиз айтадилар: Ҳатто унинг олдини ҳам қараб кўрибдилар»). Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, мен улар бирлан бирга турибман-у, бирдан куш учиб ўтиб, мунчоқни ерга ташлади. Мунчоқ шундоққина уларнинг олдига

тушди. «Мана ўша сизлар менга олдинг, деб тўхмат қилаётган нарса, (ваҳоланки) мен бу гуноҳдан узоқдирман, дедим» — дебди занжия қиз. Оиша онамиз айтадилар: «Занжия қиз Расулulloҳ ҳузурларига келиб, исломга кирди. Унинг масжидда чодир (ёки бир бошпанаси) бўлиб, менинг олдимга келиб турар эрди. Мен у бирлан сўхбатлашиб ўтирар эрдим. «Тақинчоқ воқеаси содир бўлган кун раббимизнинг ажойиботларидандир. У мени куфр олаmidан қутқарди», — деб қўярди. Бир, куни мен: «Сенга не бўлган ўзи, қачон қараса, мен бирлан ўтирганингда тақинчоқ тўғрисида байт айтасан?» — деганимда, у мазкур қиссани айтиб берган эрди».

### 58-боб. Масжидда кишиларнинг ухламоғи тўғрисида

*Анас разияллоҳу анҳу куйидаги ҳадисни келтирадилар:* «Ақл қабиласидан бир жамоа кишилар Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди, улар Масжид ун-Набий супасида яшаб турганди. Абдурраҳмон ибн Абу Бакр: «Супада яшовчи кишилар фақирлар эрди», — дейди».

«Абдуллоҳ ибн Умар бўйдоқлик вақтларида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида ётиб қолар эрди», — дейдилар Нофиъ разияллоҳу анҳу.

259 . عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

جَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْتَ فَاطِمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا فَلَمْ يَجِدْ عَلَيْهَا فِي الْبَيْتِ ، فَقَالَ : أَيْنَ ابْنُ عَمِّكَ ؟ قَالَتْ : كَانَ بَيْنِي وَبَيْنَهُ شَيْءٌ فَعَاضَبَنِي ، فَخَرَجَ فَلَمْ يَقُلْ عِنْدِي ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِإِنْسَانَ : ( انْظُرْ أَيْنَ هُوَ ) . فَجَاءَ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ هُوَ فِي الْمَسْجِدِ رَاقِدٌ ، فَجَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ مُضْطَجِعٌ ، فَذَمَّ رِدَاؤَهُ عَنْ شَفِّهِ وَأَصَابَهُ تُرَابٌ ، فَجَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْسَحُهُ عَنْهُ ، وَهُوَ يَقُولُ : ( قُمْ أَبَا تُرَابٍ ، قُمْ أَبَا تُرَابٍ ) .

*Саҳл ибн Саъд нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Фотиманинг уйига келдилар. (Куёвлари) Алини уйдан топмадилар. Шунда Фотимага: «Амакиваччанг (яъни, эринг) қаердадир?» — дедилар. «Ўртамиздан бир нарса ўтган эрди, мендан ғазабланиб, чиқиб кетди, намоздан кейин қайлула ҳам қилгани йўқ (кундузи мизғигани ҳам йўқ)»,— деди Фотима. Шунда Расулulloҳ ёнларидаги кишига: «Қарагал, у қаерда эркан»,— дедилар. Киши келиб: «Ё Расулulloҳ, у масжидда ётибдир»,— деди. Расулulloҳ масжидга келдилар. Али эса масжидда ридолари елкадан тушиб кетган, елкаларига туфроқ теккан ҳолда ётган эрканлар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Алининг елкаларидаги туфроқни қоқиб туриб: «Турғил йигит, турғил туфроқ йигит!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу риюят қиладилар: «Аҳли супалардан (масжидда ётиб юрувчилардан) бирор етмиш нафарини кўрдим, бирортасининг ридоси йўқ, ё бир парча лунги ёким кўйлакни (кичиклигидан) бўйнига осиб олган, баъзисиники болдиргача, айримлариники тўпиққача ҳам етмайдир. «Авратим кўриниб қолмасин»,— деб доим қўли бирлан кийимини ушлаб юрадир».

### 59-боб. Сафардан қайтгач, ўқиладиган намоз

*Каъб ибн Молик айтадилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафардан келсалар, энг аввало масжидга кириб намоз ўқир эдилар».

*Жобир ибн Абдуллоҳ нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдим, у киши масжидда эрканлар. Назаримда чошгоҳ вақти эрди. Шунда Мисвар: «Расулulloҳ менга: «Сафардан қайтибдурсен (шукронасига) икки рақъат намоз ўқиб олғил!» — дедилар. Кейин, менда қарзлари бор эди, қарзларимни ҳам бердилар, яна унга қўшиб ҳадя пул ҳам бердилар»,— деди».

**60-боб. Кимки масжидга кирса, икки ракъат намоз ўқисин!**

260 . عَنْ أَبِي قَتَادَةَ السُّلَمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ الْمَسْجِدَ فَلْيَرْكَعْ رَكَعَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ يَجْلِسَ ) .

«Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бирингиз масжидга кирғайдирсиз, икки ракъат намоз ўқимай, ўтирмангиз!—деганлар»,— дейдилар Абу Қатода.

**61-боб. Масжидда таҳорат синдириш тўғрисида**

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бирингиз намоз ўқисангиз, фаришталар сиз учун истиғфор айтиб турғайдирлар, шундоқ эркан (намоз вақтида масжидда) таҳоратингизни синдирмангиз! Фаришталар: «Бу кишининг гуноҳларини кечирғил, илоҳи, бу кишига раҳм қилғил! — деб турғайдирлар»,— деганлар».

**62-боб. Масжид ун-Набийнинг биноси**

Абу Саъд нақл қиладилар: «Расулulloҳнинг масжидлари шипи хурмо шохидан эрди. Ҳазрат Умар (халифалик даврида) масжид биносини тузатмакни буюрдилар. Устага: «Одамларни ёмғирдан асрағил, лекин масжидни қизартириб. саргайтириб бўлмағил, одамларнинг хаёлини бузмасин!»— дедилар. Анас: «(Кейинчалик) одамлар масжид биноси бирлан фахрланиб юрғайдирлар-у, лекин кам таъмир қилғайдирлар»,— дедилар. Ибн Аббос эса: «Оллоҳга қасамд қилиб айтурманким, яҳудий ва насоролар ибодатхоналарини безаганидек, сизлар ҳам масжидларни безайдирсизлар»,— дедилар».

261 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

إِنَّ الْمَسْجِدَ كَانَ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَبْنِيًا بِاللَّبْنِ ، وَسَقْفُهُ بِالْجَرِيدِ ، وَعُمْدُهُ خَشَبُ النَّخْلِ ، فَلَمْ يَزِدْ فِيهِ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ شَيْئًا ، وَزَادَ فِيهِ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، وَبَنَاهُ عَلَى بُتْيَانِهِ فِي عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِاللَّبْنِ وَالْجَرِيدِ ، وَأَعَادَ عُمْدَهُ خَشَبًا ، ثُمَّ غَيَّرَهُ عُثْمَانُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَرَادَ فِيهِ زِيَادَةً كَثِيرَةً ، وَبَنَى جِدَارَهُ بِالْحِجَارَةِ الْمَنْقُوشَةِ وَالْقَصَبِ ، وَجَعَلَ عُمْدَهُ مِنْ حِجَارَةٍ مَنْقُوشَةٍ وَسَقْفَهُ بِالسَّاجِ .

Ибн Абдуллоҳ бундай деб айтган эканлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида Масжид ун-Набийнинг девори хом ғиштдан, шипи хурмо шохидан, устунлари эрса хурмо ёғочидан эрди. Абу Бакр халифалик қилган вақтида масжидга бирор ўзгариш киритмади. Халифа Умар эса масжиднинг бўйига ҳам энига ҳам қўшди. Асосий бинони ўзгартирмади. Девори хом ғиштлигича, шипи хурмо шохидан қилинганича қолди, аммо устунларини ўзгартирди. Чунки улар чириган эрди. Кейин, Усмон разияллоҳу анҳу масжид биносига кўп ўзгаришлар киритди. Масжиднинг деворларини нақшли тошлар ва ганч бирлан безаттирди, устунларини ҳам нақшли тошлардан қурдирди, шипини эрса сож дарахти ёғочидан ясаттирди».

**63-боб. Масжид қурилишига ҳашар қилиш**

Оллоҳ таоло бундай дейди: «Мушрикларнинг, ўзларини кофир эрканликларини била туриб, Оллоҳ таолонинг масжидларини обод қилмоқлари фойдасиздир. Уларнинг барча қилган ишлари бекор кетгандир (савоби йўқдир), улар дўзахда (оташда) абадий ёнғайдирлар, Оллоҳ таолонинг масжидларини, Оллоҳнинг бирлигига, охират кунининг ҳақлигига ишонган, намоз ўқийдирган, закот берган ва Оллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмаган кишиларгина обод қилғайдир. Шояд ўшалар

ҳидоят топган (энг тўғри йўлда яшаган) эрсалар!».

262 . عَنْ عِكْرِمَةَ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : قَالَ لِي ابْنُ عَبَّاسٍ وَلَا يَنْبَغُ عَلَيَّ : انْطَلَقْنَا إِلَى أَبِي سَعِيدٍ فَاسْمَعَا مِنْ حَدِيثِهِ . فَأَنْطَلَقْنَا فَإِذَا هُوَ فِي حَائِطٍ يُصَلِّحُهُ ، فَأَخَذَ رِدَاءَهُ فَاحْتَبَى ، ثُمَّ أَنْشَأَ يُحَدِّثُنَا حَتَّى أَتَى ذِكْرَ بِنَاءِ الْمَسْجِدِ فَقَالَ : كُنَّا نَحْمِلُ لَبْنَةً لَبْنَةً ، وَعَمَّارٌ لَبْتَيْنِ لَبْتَيْنِ ، فَرَأَاهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَنْفُضُ التُّرَابَ عَنْهُ وَيَقُولُ : ( وَيُحِ عَمَّارٍ تَقْتُلُهُ الْفِتْنَةُ الْبَاغِيَّةُ ، يَدْعُوهُمْ إِلَى الْجَنَّةِ ، وَيَدْعُوهُ إِلَى النَّارِ ) قَالَ : يَقُولُ عَمَّارٌ : أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الْفِتَنِ .

*Икристима бундай деб ривоят қиладилар:* «Ибн Аббос мен ва ўғиллари Алига: «Борингиз, Абу Саъиддан ҳадис эшитингиз!» — дедилар. Биз бордик, у киши боғда ишлаётган эканлар, ридоларини олиб, унга ўрандилар-да, бизга ҳадис айта бошладилар, то Масжид ун-Набий биноти қурилишига гапириб бердилар, сўнг: «Биз ғиштни битта-биттадан кўтарар эрдик, Аммор эса иккита-иккитадан кўтарар эрди. Шу пайт Расулulloҳ уни кўриб қолдилар-у, устидаги чангни қоқиб: «Амморнинг ҳолига юй! Аммор уларни жаннатга даъват қилур, улар эрса Амморни дўзахга даъват қилмоқдалар»,— дедилар. Шунда Аммор: «Фитналар балосидан Оллоҳнинг ўзи асрасин мени!»—деб қўйди»,— дедилар.

#### 64-боб. Уста ва ҳунармандлардан масжид ва минбарларни тузатишда ёрдам сўрамоқ

*Саҳл ибн Саъид нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дурадгор ғуломига буюрсин, менга ўриндиқ ясаб берсин!»—деб бир ансорий аёлга одам юбордилар».

*Жобир разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни айтиб бердилар:* «Бир хотин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулulloҳ, сизга бир ўриндиқ ясаиб берайми, чунки менинг дурадгор ғуломим бор»,— деди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар истасанг, майли»,— дедилар. Сўнгра у хотин ўриндиқ ясаиб берди».

#### 65-боб. Масжид қурган киши фазилати хусусида

263 . عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عِنْدَ قَوْلِ النَّاسِ فِيهِ حِينَ بَنَى مَسْجِدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : إِنَّكُمْ أَكْثَرْتُمْ ، وَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( مَنْ بَنَى مَسْجِدًا يَتَّبِعِي بِهِ وَجْهَ اللَّهِ ، بَنَى اللَّهُ لَهُ مِثْلَهُ فِي الْجَنَّةِ ) .

*Усмон Зуннурайн бундай деган эканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларини таъмирламак пайтида одамлар турли ғийбат гапларни айта бошладилар. Усмон разияллоҳу анҳу уларга: «Сизлар гапни кўпайтириб юбордингиз, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Кимки (шу суҳбатда бўлган Бакир. «Оллоҳнинг ризолигини истаб, деган эди шекилли»,— дейдилар) масжид қурғайдир, Оллоҳ таоло жаннатда унга шунга ўхшаш қаср барпо қилғусидир, деганларини эшитганман»,— дедилар».

#### 66-боб. Масжидда ўқ-ёйнинг учидан ушлаб юрилғайдир

264 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : مَرَّ رَجُلٌ فِي الْمَسْجِدِ وَمَعَهُ سِهَامٌ ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَمْسِكْ بِنَصَالِهَا ) .

*Суфён разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни айтиб бердилар:* «Мен Амрга: «Сен Жобир ибн Абдуллоҳнинг «Бир киши масжидда ўқ-ёй бирлан юрган эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «ёйнинг учидан (тиғидан) ушлаб юрил!» — деб айтган эрдилар» деганини эшитганмисан? » — дедим. Амр: «Ҳа, эшитганман»,—



деди».

### 67-боб. Масжидда юриш тартиби

265 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ :  
( مَنْ مَرَّ فِي شَيْءٍ مِنْ مَسَاجِدِنَا ، أَوْ أَسْوَاقِنَا ، بِنَبْلٍ ، فَلْيَأْخُذْ عَلَيَّ نَصَالَهَا ، لَا يَعْقِرُ بِكَفِّهِ مُسْلِمًا ) .

*Абу Мусо нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бизнинг масжидларимизда ёким бозорларимизда ёйга ўхшаш тиғли нарса бирлан юрадилар эрса, унинг тиғидан ушлаб юрсин, токим бирор мусулмонга жароҳат етказмагайдир!» — деганлар».

### 68-боб. Масжидда шеър айтмоқ тўғрисида

266 . عَنْ حَسَّانَ بْنِ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ اسْتَشْهَدَ أَبَا هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَلَمْ تَسْمَعْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( يَا حَسَّانُ أَجِبْ عَن رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، اللَّهُمَّ أَيْدُهُ بَرُوحُ الْقُدْسِ ) .  
قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ : نَعَمْ .

*Абу Салама ибн Абдулрахмон ибн Авф қуйидаги ҳадисни айтиб берганлар:* «Ҳассон ибн Собит (шоир), Абу Ҳурайранинг гувоҳ бўлмоқларини сўраб: «Оллоҳ ҳаққи-ҳурмати, айтингиз-чи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Эй Ҳассон, илоҳи, Расулulloҳга Рух ул-Қуддусни (Жаброилни) мададкор айлагил, деб (шеър) айт!» деганларини эшитганмисиз?» — деди. Абу Ҳурайра: «Ҳа, эшитганман»,— дедилар».

### 69-боб. Найзбардорларнинг масжидга кирмоғи жоиз

267 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ :  
لَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا عَلَى بَابِ حُجْرَتِي وَالْحَبَشَةُ يَلْعُبُونَ فِي الْمَسْجِدِ ، وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتُرُنِي بِرِدَائِهِ ، أَنْظُرُ إِلَيْهِمْ .  
فِي رِوَايَةٍ يَلْعُبُونَ بِحِرَابِهِمْ .

*Оиша онамиз бундай деган эрдилар:* «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳужрам эшиги олдида турганларини ва ҳабаш жангчилар ҳарбий машқ қилаётганини кўрдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени, уларнинг ўйинига қараётганимда, ридолари бирлан тўсар эрдилар». Ушбу ҳадисни Иброҳим ибн Мунзар: «Оиша онамиз: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, ҳабаш жангчилар (у ерда) найзобозлик қилишаётган эркан»—деганлар», деб бир оз ўзгартириб айтиб берди.

### 70-боб. Масжид минбаридан туриб олди-сотди тўғрисида сўзлаш

*Оиша онамиз* ҳузурларига Бурайра исмли аёл келиб, ўзининг қулликдан озод бўлмоғига тўланадиган пулга ёрдам қилмақларини сўради. Оиша онамиз: «Агар истасанг, мен зиммангдаги маблағни эганга бергайдирман, лекин унда сен менинг паноҳимга ўтгайдирсан»,— дедилар. Унинг эгалари: «Агар шуни хоҳласангиз, зиммасида қолган қарзини сиз бера қолингиз»,— дейишди. Суфён: «Агар хоҳласангиз, уни озод қилингиз, лекин у бизнинг паноҳимизда қолгайдир, дейишганди»,—дегандилар. Расулulloҳ келганларидан кейин Оиша онамиз ҳалиги гапни айтдилар. Шунда Расулulloҳ: «Уни сотиб олғил ва озод қилғил, кимки озод қилган эрса, у ўшанинг паноҳига ўтгайдир»,—дедилар. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу

алайҳи ва саллам минбарга чиқиб: «Не бўлди одамларга, Оллоҳ таолонинг Китобида йўқ нарсаларни шарт қилиб қўйгайдир, гарчи ул юз карра шарт қилиб қўйса ҳам, мутлақо ҳисобга ўтмагайдир» деб айтдилар»,— дейдилар Суфён. Имом Молик Оиша онамиз ҳақларида ривоят қилган ҳадисда «Минбарга чиқдилар» деган жойи йўқ.

### 71-боб. Масжидда қарздордан пулини қистамоқ ва берасан, деб туриб олмоқнинг ҳукми

268 . عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ تَقَاضَى ابْنَ أَبِي حَدْرَدٍ دَيْنًا كَانَ لَهُ عَلَيْهِ فِي الْمَسْجِدِ ، فَارْتَفَعَتْ أَصْوَاتُهُمَا حَتَّى سَمِعَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ فِي بَيْتِهِ ، فَخَرَجَ إِلَيْهِمَا حَتَّى كَشَفَ سَجْفَ حُجْرَتِهِ ، فَنَادَى : ( يَا كَعْبُ ) ، قَالَ : لَبَّيْكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، قَالَ : ( ضَعْ مِنْ دَيْنِكَ هَذَا ) ، وَأَوْمَأَ إِلَيْهِ : أَيِ الشَّطْرِ ، قَالَ : قَدْ فَعَلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، قَالَ : ( قُمْ فَاقْضِهِ ) .

*Каъб ибн Молик* Ибн Абу Ҳидраддан қарзини қистади. Икковлари жанжаллашиб бақир-чақир қилишганини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларида туриб эшитдилар. Хужраларининг пардасини очиб: «Эй, Каъб!» — дедилар. «Лаббайка, ё Расулulloҳ!» — деди. «Қарзингнинг ярмини кечғил!» — дедилар ёки шу маънода ишора қилдилар. Каъб: «Хўп, кечдим»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Абу Ҳидрадга: «Турғил, қарзингни тўлағил!»—дедилар.

### 72-боб. Масжидга тушган латта-путта, хас-чўп ва бошқа ташландиқ нарсаларни йиғиштирмоқ ҳамда масжидни супурмоқ

269 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا أَسْوَدَ ، أَوْ امْرَأَةً سَوْدَاءَ كَانَ يَقُمُ الْمَسْجِدَ فَمَاتَ ، فَسَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْهُ ، فَقَالُوا : مَاتَ قَالَ : ( أَفَلَا كُنْتُمْ أَذْنُتُمُونِي بِهِ ، ذُلُونِي عَلَى قَبْرِهِ ، أَوْ قَالَ قَبْرِهَا ) . فَأَتَى قَبْرَهَا فَصَلَّى عَلَيْهَا .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Бир қоп-қора киши (ёки қоп-қора хотин) масжидни супуриб юрар эрди. Бир куни у вафот этиб қолди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни сўраганларида, «Вафот этди»,— дейишди. Расулulloҳ: «Мени чақирмабсизлар-да, унга жаноза ўқиғай эрдим. Қабрини кўрсатингиз»,— дебдилар. Сўнг, қабрига бориб, жаноза ўқибдилар».

### 73-боб. Кайф қиладирган ичимликлар сотишни масжидда тақиқлаш

270 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : لَمَّا أُنْزِلَتْ الْآيَاتُ مِنْ سُورَةِ الْبَقَرَةِ فِي الرَّبِّا ، خَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْمَسْجِدِ فَقَرَأَهُنَّ عَلَى النَّاسِ ، ثُمَّ حَرَّمَ تِجَارَةَ الْخَمْرِ .

*Оиша онамиз қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Судхўрлик ҳаром, деб айтилган сураи Бақара оятлари нозил бўлганда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга чиқиб уларни ўқиб бердилар, сўнг ичимлик сотмакни манъ қилдилар».

### 74-боб. Масжидга хизмат қилиш

Ибн Аббос бу хусусда Биби Марямнинг «Сураи оли Имрон» даги «Илоҳи, қорнимдаги ҳомиламни сенга назр этдим, у фақат масжидга хизмат қилғусидир» деган сўзларини келтирадилар.

*Собит разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Хотинми ёки эркакми, бир одам масжидда хизмат қилиб юрар эрди»,— дедилар Абу Ҳурайра. Абу Рофиъ: «Назаримда, ўша хотин киши эрди»,— дедилар. Сўнгра, Абу Ҳурайра ўша масжидга хизмат қилғувчи одам вафот этгандан кейин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг хусусида нималар деганларини ва унинг қабрига бориб жаноза ўқиганларини айтдилар».

**75-боб. Асир ва душманни масжидга боғлаб қўймоқ**

271. عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :

( إِنْ عَفِرْنَا مِنَ الْجَنِّ تَفَلَّتْ عَلَيَّ الْبَارِحَةُ ، أَوْ كَلِمَةٌ نَحْوَهَا ، لَيَقْطَعَنَّ عَلَيَّ الصَّلَاةَ ، فَأَمَكَّنَنِي اللَّهُ مِنْهُ فَأَرَدْتُ أَنْ أَرْبِطَهُ إِلَى سَارِيَةٍ مِنْ سَوَارِي الْمَسْجِدِ حَتَّى تُصْبِحُوا وَتَنْظُرُوا إِلَيْهِ كُلُّكُمْ ، فَذَكَرْتُ قَوْلَ أَحِي سَلِيمَانَ : ﴿رَبِّ اغْفِرْ لِي وَهَبْ لِي مُلْكًا لَا يَنْبَغِي لِأَحَدٍ مِنْ بَعْدِي﴾ ).

Абу Ҳурайра: «Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар»,— деб ривоят қиладилар: «Ифрит деган жин кеча кечқурун рўпарамга келиб қолмишдир, (олдимга ўтиб) намозимни бузмоқчи бўлмишдир. Оллоҳ таоло менга уни ушламакка имконият берди. Тонг отгач, ҳаммангиз кўрингиз деб масжид устунларидан бирига боғлаб қўймоқчи бўлдим. Шунда биродарим Сулаймон алайҳиссаломнинг «Илоҳи, мени кечирғил ва менга шундай бир қудрат берғилки, у мендан кейингиларда бўлмасин!» деган дуосини эсладим». «Жаноб Расулulloҳ Ифрит деган жинни кейин ҳайдаб юбордилар»,— дейдилар Равҳ разияллоҳу анҳу.

**76-боб. Кофирнинг муслмон бўлганидан кейин ғул қилмоғи лозимлиги ва (яна) масжидга асирни боғлаб қўймоқлик ҳақида**

Шурайх қарздорларни масжид устунларига боғлаб қўймоқни буюрар эрдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Нажд томонга аскар юбордилар. Улар Баний Ҳанифа қабиласидан бир кишини тутиб келишди. Унинг исми Сумома ибн Асол эрди. Асирни масжид устунларидан бирига боғладилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ичкаридан чиқиб: «Сумомани қўйиб юборингиз!» — дедилар. Сумома масжид яқинидаги хурмозорга кириб ғул қилди, сўнг масжидга кириб: «Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳх ва ашҳаду анна Муҳаммадан расулulloҳ деб иймон келтирди».

**77-боб. Масжидда касаллар ва бошқалар учун чодир қуришнинг жоизлиги**

272. عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ :

أُصِيبَ سَعْدٌ يَوْمَ الْخَنْدَقِ فِي الْأَكْحَلِ ، فَضَرَبَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَيْمَةً فِي الْمَسْجِدِ لِيَعُودَهُ مِنْ قَرِيبٍ ، فَلَمْ يَرِعْهُمْ وَفِي الْمَسْجِدِ خَيْمَةٌ مِنْ بَنِي غِفَارٍ إِلَّا الدَّمُ يَسِيلُ إِلَيْهِمْ ، فَقَالُوا : يَا أَهْلَ الْخَيْمَةِ مَا هَذَا الَّذِي يَأْتِينَا مِنْ قَبْلِكُمْ ؟ فَإِذَا سَعْدٌ يَغْدُو جُرْحُهُ دَمًا فَمَاتَ فِيهَا .

Оиша онамиз дедилар: «Хандақ урушида Саъд қўлининг йўғон томиридан яраланди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг учун масжидга чодир тиклаб бердилар. Яқин кишилари уни тез-тез кўриб турмоқлари учун шундай қилдилар. Касалнинг масжидда ётмоғи саҳобаларни хафа қилмади. Масжидда Баний Рифор қабиласига тегишли яна бир чодир ҳам бор эрди. Улар ҳам бундан ранжимадилар, фақат Саъднинг чодирдан оқиб чиқаётган қон уларни ташвишга солди. Улар: «Эй, чодирдагилар, не бўлди? Сизнинг чодирингиздан қон оқиб чиқаётир»,— дейишди. Бориб қарасалар, Саъднинг жароҳатидан қон оқаётган эркан. Шу жароҳатдан Саъд вафот этди».

**78-боб. Бирор зарурат сабабли масжидга туя бирлан кириш ҳақида**

Ибн Аббос: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбатуллоҳни туяда тавоф қилдилар»,— дейдилар.

273. عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ :

شَكَوْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنِّي أَشْتَكِي ، فَقَالَ : ( طُوفِي مِنْ وَرَاءِ النَّاسِ وَأَنْتِ رَاكِبَةٌ ) . فَطُفْتُ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي إِلَيَّ جَنْبَ الْبَيْتِ ، يَقْرَأُ بِالطُّورِ وَكِتَابِ مَسْطُورٍ .

*Умму Салама қуйидаги ҳадисни айтиб бердилар:* «Мен Расулulloҳга тобим йўқлиғидан шикоят қилдим. Расулulloҳ: «Одамларга эргашиб туяда тавоф қилаверғил!» — дедилар. Мен туяда тавоф қилдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эса, Каъбатуллоҳ ёнида «Ат-Тур» сурасини зам қилиб намоз ўқир эдилар».

### 79-606.

274 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَجُلَيْنِ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، خَرَجَا مِنْ عِنْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي لَيْلَةٍ مُظْلِمَةٍ ، وَمَعَهُمَا مِثْلُ الْمِصْبَاحَيْنِ يُضِيئَانِ بَيْنَ أَيْدِيهِمَا ، فَلَمَّا افْتَرَقَا صَارَ مَعَ كُلِّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا وَاحِدٌ حَتَّى أَتَى أَهْلَهُ .

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан икки киши Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларидан қоронғи кечада чиқдилар. Уларнинг йўлини бир нур чироқ каби ёритиб борар эрди. Ўша чироққа ўхшаган нур то иккаларининг йўллари ажралмагунча бирга борди, кейин иккига бўлиниб, уларнинг ҳар бирини уйларигача кузатиб қўйди».

### 80-606. Масжидга уйдан дарча ва йўл очмоқ

275 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : خَطَبَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : ( إِنَّ اللَّهَ خَيْرَ عَبْدًا بَيْنَ الدُّنْيَا وَبَيْنَ مَا عِنْدَهُ ، فَاخْتَارَ مَا عِنْدَ اللَّهِ ) . فَبَكَى أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، فَقُلْتُ فِي نَفْسِي : مَا يُبْكِي هَذَا الشَّيْخَ ؟ إِنْ يَكُنَّ اللَّهُ خَيْرَ عَبْدًا بَيْنَ الدُّنْيَا وَبَيْنَ مَا عِنْدَهُ ، فَاخْتَارَ مَا عِنْدَ اللَّهِ ، فَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هُوَ الْعَبْدُ ، وَكَانَ أَبُو بَكْرٍ أَعْلَمَنَا ، قَالَ : ( يَا أَبَا بَكْرٍ لَا تَبْكُ ، إِنَّ أَمَّنَ النَّاسِ عَلَيَّ فِي صُحْبَتِهِ وَمَالِهِ أَبُو بَكْرٍ ، وَلَوْ كُنْتُ مُتَّخِذًا خَلِيلًا مِنْ أُمَّتِي لَأَتَّخَذْتُ أَبَا بَكْرٍ ، وَلَكِنْ أَخُوَّةَ الْإِسْلَامِ وَمَوَدَّةً ، لَا يَتَّقِينَ فِي الْمَسْجِدِ بَابٌ إِلَّا سُدَّ إِلَّا بَابَ أَبِي بَكْرٍ .

*Абу Саъид ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хутбада ваъз айтиб: «Оллоҳ таоло бандасига бу дунёни ёким ўзининг ҳузуридаги охиратни танламак имконини берди, бандаси Оллоҳ ҳузуридагисини танлади»,— дедилар. Шунда Абу Бакр йиғладилар. Мен ўзимга ўзим: «Бу мўйсафид нега йиғлаётир эркан, Оллоҳ бандасига: «Бу дунёни ёким охиратни танлағил!» — деса, бандаси Оллоҳ ҳузуридаги охиратни танласа, шунга ҳам йиғлайдирми?» — дедим. Кейин билсам, ўша банда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эканлар. Буни бизга Абу Бакр айтдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй, Абу Бакр, йиғламангиз! Сиз молини ҳам, эзгу сўзини ҳам мендан аямаган энг яхши одамдирсиз! Агар Оллоҳдан бошқа яна умматларимдан бирор кишини ҳам ўзимга халил (энг яқин дўст) тутмоғимга ижозат бўлғай эрди, Абу Бакрни дўст тутар эрдим. Аммо бу мумкин эмасдир. Ислом биродарлиги ва ислом дўстлиғигина мумкиндир. Уйдан масжидга қаратиб очилган дарчаларнинг бирортаси ҳам қолдирилмай, уриб ташлансин! Фақат Абу Бакрнинг дарчасигина қолса, басдир!»—дедилар».

276 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَرَضِهِ الَّذِي مَاتَ فِيهِ ، عَاصِبًا رَأْسَهُ بِخِرْقَةٍ فَفَعَدَ عَلَى الْمَنْبَرِ ، فَحَمَدَ اللَّهَ وَأَثْنَى عَلَيْهِ ثُمَّ قَالَ : ( إِنَّهُ لَيْسَ مِنَ النَّاسِ أَحَدٌ أَمَّنَ عَلَيَّ فِي نَفْسِهِ وَمَالِهِ مِنْ أَبِي بَكْرٍ بْنِ أَبِي قُحَافَةَ ، وَلَوْ كُنْتُ مُتَّخِذًا مِنَ النَّاسِ خَلِيلًا لَأَتَّخَذْتُ أَبَا بَكْرٍ خَلِيلًا ، وَلَكِنْ خُلَّةُ الْإِسْلَامِ أَفْضَلُ ، سُدُّوا عَنِّي كُلَّ خَوْخَةٍ فِي هَذَا الْمَسْجِدِ غَيْرَ خَوْخَةِ أَبِي بَكْرٍ )

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам вафотларидан олдинги касаллик пайтларида бошларини мато бирлан боглаб чиқдилар, Минбарга ўтириб, Оллоҳга ҳамду сано айтдилар. Сўнг: «Абу Бакрдан кўра кўпроқ молу жонини менга фидо қилган инсон йўқ! Агар одамлар орасидан ўзимга халил (энг яқин дўст) тутадирган бўлсам, Абу Бакрни тутар эрдим. Лекин Оллоҳнигина энг яқин дўст тутмоқ мумкиндир. Шу боисдан инсонларга ислом дўстлиги афзалроқдир. Масжид ичидаги Абу Бакрнинг дарчасидан бошқа барча дарчаларни уриб ташлангиз!» — дедилар».

### **81-боб. Каъбатуллоҳ ва масжидлар эшигини очмоқ ва уларни беркитмоқ тўғрисида**

«Эй, Абдумалик, Ибн Аббос масжидларини ва унинг эшикларини бир кўрганингда эрди!» деб айтди менга Ибн Абу Мулайка», — дейдилар Ибн Журайж.

277 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدِمَ مَكَّةَ ، فَدَعَا عُثْمَانَ بْنَ طَلْحَةَ فَفَتَحَ الْبَابَ ، فَدَخَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَبِلَالٌ ، وَأَسَامَةُ بْنُ زَيْدٍ ، وَعُثْمَانُ بْنُ طَلْحَةَ ، ثُمَّ أَغْلَقَ الْبَابَ ، فَلَبِثَ فِيهِ سَاعَةً ثُمَّ خَرَجُوا ، قَالَ ابْنُ عُمَرَ : فَبَدَرْتُ فَسَأَلْتُ بِلَالَ ، فَقَالَ : صَلَّى فِيهِ ، فَقُلْتُ : فِي أَيِّ ؟ قَالَ : بَيْنَ الْأَسْطُوَانَتَيْنِ . قَالَ ابْنُ عُمَرَ : فَذَهَبَ عَلَيَّ أَنْ أَسْأَلَهُ كَمْ صَلَّى .

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Маккага келдилар. Усмон ибн Талҳа: «Эшикни очингиз!» — деб оюз қилди. Эшикни очишгач, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (Каъбага) кирдилар. У киши бирлан бирга Билол, Усома ибн Зайд ва Усмон ибн Талҳалар ҳам кирди. Сўнг, эшикни ёпиб қўйдилар. Бир оздан кейин ҳаммалари қайтиб чиқдилар. Мен шоша-пиша: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам намоз ўқидиларми, йўқми?» — дедим Билолга.

—Ҳа, ўқидилар, — деди.

—Қайси жойда? — дедим.

—Икки устун оралиғида, — деди.

Қарангим, ўшанда «неча рақъат» деб сўраш хаёлимдан кўтарилибдир».

### **82-боб. Масжидга мушрикларнинг кирмоғи хусусида**

*Саъид ибн Абу Саъид:* «Қуйидаги ўадисни Абу Ҳурайрадан эшитдим», — дейдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Нажд томонга аскар юбордилар. Аскарлар Баний Ҳанифа қабиласидан бир кишини тутиб келишди. Уни Сумома ибн Асол дейишарди. Сумомани масжид устунларидан бирига боғлаб қўйдилар» (бу ҳадис юқорида айтилган).

### **83-боб. Масжидларда баланд овоз бирлан гаплашмоқнинг ноўринлиги**

*Соиб ибн Язид ривоят қиладилар:* «Масжидда турган эрдим, бир киши майда тош отиб мени чақирди, қарасам, Ҳазрат Умар эрканлар. «Анави икки кишини олиб келғил!» — дедилар. Икковини бошлаб келдим. «Кимсизлар? Қаердансизлар?» — дедилар Ҳазрат Умар. «Тоифликмиз», — дейишди. «Агар Мадина аҳлидан бўлганингизда, дарра урдирардим, (бу қанақаси?) Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам масжидларида овозларингизни кўтарғайсизлар?» — дедилар Ҳазрат Умар.

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам даврларида Каъб ибн Молик Ибн Абу Ҳидрадан масжидда қарзини қистади. Улар овозларини кўтариб жанжаллаша бошладилар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам уйларида туриб уларнинг

овозини эшитдилар. Кейин, ҳужраларининг пардасини очиб: «Эй, Каъб ибн Молик!» — дедилар. «Лаббай, ё Расулulloҳ?» — деди Каъб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак қўллари бирлан «қарзингнинг ярмини кечгил!» деб ишора қилдилар. «Кечдим, ё Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам!»—деди Каъб. Расулulloҳ: «Турғил, қарзингни тўлағил!» — дедилар Ҳидрадга».

#### 84-боб. Масжидда давра олиб ўтирмакниг жоизлиги

278 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

سَأَلَ رَجُلٌ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ عَلَى الْمِنْبَرِ : مَا تَرَى فِي صَلَاةِ اللَّيْلِ ؟ قَالَ : ( مَثْنَى مَثْنَى ، فَإِذَا خَشِيَ الصُّبْحَ صَلَّى وَاحِدَةً فَأَوْتَرَتْ لَهُ مَا صَلَّى ) . وَإِنَّهُ كَانَ يَقُولُ : اجْعَلُوا آخِرَ صَلَاتِكُمْ وَتَرًّا ، فَإِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَ بِهِ .

*Ибн Умар қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан минбарда турганларида: «Кечаси ўқиладирган намоз тўғрисида не дейсиз?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Икки ракъатдан-икки ракъатдан ўқийдир, тонг отиб қолмоғидан хавфсираганда, бир ракъат ўқийдир, ўқиганлари витр ўрнига ўтғайдир»,— дедилар. Ҳазрат Умар: «Тунги намозингизни тоқ ўқингиз, чунки Расулulloҳ шундай деб буюрганлар»,— деганлар».

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарда ваъз айтиб турганларида бир киши келиб: «Тунги намоз қандай ўқиладир?» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки ракъатдан-икки ракъатдан, тонг отиб қолмоғидан қўрқсанг, бир ракъат ўқийдирсан, ўқиганларингнинг ҳаммаси витр ўрнига ўтғайдир»,— дедилар». Ибн Умарнинг бошқа бир ривоятлари «Расулulloҳ масжидда турганларида бир киши деди» деб бошланган.

*Абу Воқид ал-Лайсий қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда (жамоат бирлан бирга) ўтирганларида уч киши келди. Шундан иккитаси Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларига келди, биттаси эрса қайтиб кетди. Бояги икки кишининг бири даврандан бўш жой топиб ўтирди, иккинчиси эрса даврада ўтирганларнинг орқа томонига келиб ўтирди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам суҳбатни тамомлагач: «Сизга уч киши тўғрисида башорат айтайми? Биринчиси Оллоҳга ўзини топширди (дилида Оллоҳдан жой сўради), Оллоҳ унга жой берди, иккинчиси эрса (даврани ташлаб кетмоққа) Оллоҳдан уялди, Оллоҳ ҳам (унга азоб бермоқдан) уялғайдир. Аммо учинчиси (Расулulloҳ мажлисидан) юз ўгирди, Оллоҳ ҳам ундан юз ўгирди»,— дедилар».

#### 85-боб. Масжидда чўзилиб ва оёқни узатиб ётмоқ ҳақида

279 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدِ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُسْتَلْقِيًا فِي الْمَسْجِدِ ، وَاضِعًا إِحْدَى رِجْلَيْهِ عَلَى الْأُخْرَى .

*Ибод ибн Тамим амакилари Абдуллоҳдан эшитиб, ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидда бир оёқларини иккинчи оёқлари устига қўйиб чалқанча ётганларини кўрдилар. Саъид ибн Мусайяб: «Ҳазрат Умар ва Усмон ибн Аффонлар ҳам шундай қилишар эрди»,— дейдилар».

#### 86-боб. Масжидни йўл чеккасига, одамларга халал бермайдиган қилиб қурмоқ

*Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Ақлимни танибманким, ота-онамнинг диндор, тақводор эканликларини билурман, ўша кезлари Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг бизни келмаган кунлари бўлмас эрди, эртаю-кеч бизни келмаган эрдилар».

«Абу Бакр ҳовлилари саҳнига масжид қурмоқни кўпдан ният қилиб юрар эдилар, охири қурдилар ҳам. Кейин, унда намоз ва Қуръон ўқий бошладилар,— дейдилар Урва ибн Зубайр,— йўлдан ўтиб кетаётган мушрик хотинлар ва уларнинг болалари у кишининг қаршиларида тўхтаб, қизиқиб қарашар эрди. Абу Бакр Қуръон ўқиётганда кўз ёшларини тўхтата олмайдирган йиғлоқ киши эрдилар. Бу Қурайш қабиласига мансуб мушрик аъёнларни хавотирга сола бошлабди» (чунки улар болачақаларининг ислом динига кириб кетишидан чўчишарди).

### 87-боб. Бозордаги масжидда намоз ўқимоқ

Ибн Авн дарвозаси беркитиб қўйиладиган ҳовлидаги масжидда намоз ўқиди.

280 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :

( صَلَاةُ الْجَمِيعِ تَزِيدُ عَلَى صَلَاتِهِ فِي بَيْتِهِ ، وَصَلَاتِهِ فِي سُوْقِهِ ، خَمْسًا وَعِشْرِينَ دَرَجَةً ، فَإِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ ، وَأَتَى الْمَسْجِدَ لَا يُرِيدُ إِلَّا الصَّلَاةَ ، لَمْ يَخْطُ خَطْوَةً إِلَّا رَفَعَهُ اللَّهُ بِهَا دَرَجَةً ، وَحَطَّ عَنْهُ خَطِيئَةٌ ، حَتَّى يَدْخُلَ الْمَسْجِدَ ، وَإِذَا دَخَلَ الْمَسْجِدَ كَانَ فِي صَلَاةٍ مَا كَانَتْ تَحْسِبُهُ ، وَتُصَلِّي - يَعْنِي - عَلَيْهِ الْمَلَائِكَةُ مَا دَامَ فِي مَجْلِسِهِ الَّذِي يُصَلِّي فِيهِ : اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ ، اللَّهُمَّ ارْحَمْهُ ، مَا لَمْ يُحْدِثْ فِيهِ . )

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар»,— деб ривоят қиладилар: «Жамоат бирлан ўқилган намознинг савоби ўйда ўқилган намознинг савобидан 25 марта ортиқдир, чунки қайси бирингиз бўлмангиз, яхшилаб таҳорат олиб, фақат намоз ўқийдирман, деган ниятда масжидга равона бўлсангиз, масжидга етиб келгунингизча босган ҳар бир қадамнинг учун Оллоҳ таоло мавқеингизни бир даража кўтарғайдир ва бир гуноҳингизни кечирғайдир. Киши масжидга киргач, унга намоз ўқиётган кишига тегадирган савоб теккусидир. Намоз ўқиб турганида, агар таҳоратини синдириб озор бермағайдир, малоикалар тепасида туриб: «Илоҳи, бу бандангни кечирғил, унга раҳм қилғил!» деб салават айтиб туришғайдир».

### 88-боб. Масжид ва бошқа жойларда (бирор заруратга кўра) икки панжа бармоқларини бир-бирига чалиштирмақ

Умар разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бармоқларини чалиштирдилар»,— дейдилар. Осим ибн Муҳаммад бундай дейдилар: «Қуйидаги ҳадисни отамдан эшитган эрдим, лекин ёдимда қолмабдир. Укам Воқид отамдан эшитиб, уни менга қайта айтиб берди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Амрга: «Эй Абдуллоҳ ибн Амр, одамлар бирлан мана шундай муомала қилаверсанг, бўлмайдирми?» деб бармоқларини бир-бирига чалиштирган эрканлар».

281 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِنَّ الْمُؤْمِنَ لِلْمُؤْمِنِ كَالْبُنْيَانِ ، يَشُدُّ بَعْضُهُ بَعْضًا ) . وَشَبَّكَ أَصَابِعُهُ .

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бинони тўртта девори ушлаб тургандек мўъминлар ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлаб турғайдилар» деб бармоқларини бир-бирига чалиштириб кўрсатдилар».

282 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

صَلَّى بِنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِحْدَى صَلَاتَيْ الْعِشِيِّ فَصَلَّى بِنَا رَكَعَتَيْنِ ثُمَّ سَلَّمَ ، فَقَامَ إِلَى حَشْبَةِ مَعْرُوضَةٍ فِي الْمَسْجِدِ فَاتَّكَأَ عَلَيْهَا كَأَنَّهُ غَضْبَانٌ ، وَوَضَعَ يَدَهُ الْيُمْنَى عَلَى الْيُسْرَى ، وَشَبَّكَ بَيْنَ أَصَابِعِهِ ، وَوَضَعَ خَدَّهُ الْأَيْمَنَ عَلَى ظَهْرِ كَفِّهِ الْيُسْرَى ، وَخَرَجَتِ السَّرْعَانُ مِنْ أَبْوَابِ الْمَسْجِدِ ، فَقَالُوا : قَصُرَتِ الصَّلَاةُ ؟ وَفِي الْقَوْمِ أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ ، فَهَابَا أَنْ يُكَلِّمَاهُ ، وَفِي الْقَوْمِ رَجُلٌ فِي يَدَيْهِ طُولٌ يُقَالُ لَهُ ذُو الْيَدَيْنِ ، قَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أُنْسَيْتَ أَمْ قَصُرَتِ الصَّلَاةُ ؟ قَالَ : ( لَمْ أُنْسَ وَلَمْ تُقْصِرْ ) . فَقَالَ : ( أَكَمَا يَقُولُ ذُو الْيَدَيْنِ ) . فَقَالُوا : نَعَمْ ، فَتَقَدَّمَ فَصَلَّى مَا تَرَكَ ، ثُمَّ سَلَّمَ ، ثُمَّ كَبَّرَ وَسَجَدَ مِثْلَ سُجُودِهِ أَوْ أَطْوَلَ ، ثُمَّ رَفَعَ رَأْسَهُ وَكَبَّرَ ، ثُمَّ سَلَّمَ .

*Ибн Сириин Абу Хурайрадан эшитиб, қуйидаги ҳадисни айтиб берганлар:*  
«Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам имоматга ўтиб, биз бирлан пешин ёки аср намозини ўқидилар»,— деб айтган эрди Абу Хурайра, лекин менинг ёдимдан кўтарилибдир. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам икки ракъат намоз ўқиб салом бердилар. Сўнг, ўринларидан туриб, масжид чеккасидаги ёғочга бориб суяндилар, бир нарсдан ғаблангандек ўнг қўлларининг бармоқларини чап қўлларининг бармоқлари орасига киргизиб чалиштирдилар-да, чап кафтларининг орқасига ўнг юзларини қўйдилар. Шошилиброқ турган кишилар масжид эшигидан чиқишди. Уларнинг орасида Абу Бакр ва Умар ҳам бор эрдилар. Улар Расулulloҳга бир нарса дегани чўчишдилар. Шунда Зулядайн деган қўли узун бир киши: «Ё Расулulloҳ, ёдингиздан чиқардингизми ёким намоз қисқардимми?» — деди. Расулulloҳ: «Унутганим ҳам йўқ, қисқармади ҳам»,— дедилар-да, «Зулядайн айтгандек бўлдимми?»—деб қўшиб қўйдилар "Ҳа, шундай бўлди»,— дейишди. Сўнг, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам олдинга ўтиб, қолган ракъатларни ўқидилар, кейин салом бердилар ва такбир айтиб, одатдагидек ёки ундан узоқроқ саждаи саҳв қилдилар. Кейин, бошларини кўтариб такбир айтиб, сажда қилдилар, яна такбир айтиб, одатдагидек ёки ундан узоқроқ сажда қилдилар».

Эҳтимол, Ибн Сириндан: «Салом бердиларми?» — деб сўрашгандир. У: «Имрон ибн Хусайн менга: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам кейин салом берганлар» деб айтган»,— дейди.

### **89-боб. Мадинага борадиган йўллар ёқасидаги масжидлар ва Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам тўхтаб намоз ўқиган жойлар**

283 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ كَانَ يَصَلِّي فِي أَمَاكِنَ مِنْ الطَّرِيقِ ، وَيُحَدِّثُ : أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي فِي تِلْكَ الْأَمَكِنَةِ .

*Мусо ибн Уқба қуйидагича нақл қиладилар:* «Солим ибн Абдуллоҳнинг Мадинага борадиган йўлнинг айрим жойларида атайлаб тўхтаб намоз ўқиётганини кўрдим. Унинг айтишича, отаси Абдуллоҳ ибн Умар ҳам шу жойларда намоз ўқир эркан, у Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг айнан шу жойларда намоз ўқиганларини кўрган эркан».

*Мусо ибн Уқба ривоят қиладилар:* «Нофиъ: «Ибн Умар разияллоҳу анҳу ўша жойларда намоз ўқир эрдилар»,— деди. Мен Солимдан: «Шу тўғрими?» — деб сўрадим. У Нофиънинг «Расулulloҳ ўша жойларнинг ҳаммасида намоз ўқиганлар»,— деган фикрига қўшилди. Лекин, Нофиъ бирлан Солим Расулulloҳнинг Равҳоъ тепалигида намоз ўқиганликлари тўғрисида аниқ бир гап айтиша олмади».

284 . عَنْ نَافِعِ بْنِ رَحْمَةَ اللَّهِ تَعَالَى : أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَخْبَرَهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ



يُنزِلُ بِذِي الْحُلَيْفَةِ حِينَ يَعْتَمِرُ ، وَفِي حَجَّتِهِ حِينَ حَجَّ ، تَحْتَ سُمْرَةٍ فِي مَوْضِعِ الْمَسْجِدِ الَّذِي بِذِي الْحُلَيْفَةِ ، وَكَانَ إِذَا رَجَعَ مِنْ غَزْوٍ ، كَانَ فِي تِلْكَ الطَّرِيقِ ، أَوْ حَجَّ أَوْ عُمَرَا ، هَبَطَ مِنْ بَطْنِ وَادٍ ، فَإِذَا ظَهَرَ مِنْ بَطْنِ وَادٍ ، أَنَاخَ بِالْبَطْحَاءِ الَّتِي عَلَى شَفِيرِ الْوَادِي الشَّرْقِيَّةِ ، فَعَرَسَ ثُمَّ حَتَّى يُصْبِحَ ، لَيْسَ عِنْدَ الْمَسْجِدِ الَّذِي بِحِجَارَةِ وَلَا عَلَى الْأَكْمَةِ الَّتِي عَلَيْهَا الْمَسْجِدُ ، كَانَ ثُمَّ خَلِيحٌ يُصَلِّي عَبْدُ اللَّهِ عِنْدَهُ ، فِي بَطْنِهِ كُتُبٌ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ يُصَلِّي ، فَدَحَا السَّبِيلَ فِيهِ بِالْبَطْحَاءِ ، حَتَّى دَفَنَ ذَلِكَ الْمَكَانَ ، الَّذِي كَانَ عَبْدُ اللَّهِ يُصَلِّي فِيهِ .

وَأَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا حَدَّثَهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى حَيْثُ الْمَسْجِدُ الصَّغِيرُ ، الَّذِي دُونَ الْمَسْجِدِ الَّذِي بِشَرْفِ الرَّوْحَاءِ ، وَقَدْ كَانَ عَبْدُ اللَّهِ يَعْلَمُ الْمَكَانَ الَّذِي كَانَ صَلَّى فِيهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، يَقُولُ : ثُمَّ عَنْ يَمِينِكَ ، حِينَ تَقُومُ فِي الْمَسْجِدِ تُصَلِّي ، وَذَلِكَ الْمَسْجِدُ عَلَى حَافَةِ الطَّرِيقِ الْيَمِينِي ، وَأَنْتَ ذَاهِبٌ إِلَى مَكَّةَ ، بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْمَسْجِدِ الْأَكْبَرِ رَمِيَّةٌ بِحَجَرٍ أَوْ نَحْوِ ذَلِكَ .

وَأَنَّ ابْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا كَانَ يُصَلِّي إِلَى الْعِرْقِ الَّذِي عِنْدَ مُنْصَرَفِ الرَّوْحَاءِ ، وَذَلِكَ الْعِرْقُ أَتْنَهَاءُ طَرَفِهِ عَلَى حَافَةِ الطَّرِيقِ ، دُونَ الْمَسْجِدِ الَّذِي بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْمُنْصَرَفِ ، وَأَنْتَ ذَاهِبٌ إِلَى مَكَّةَ ، وَقَدْ ابْتَنَيْتَ ثُمَّ مَسْجِدًا ، فَلَمْ يَكُنْ عَبْدُ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ يُصَلِّي فِي ذَلِكَ الْمَسْجِدِ ، كَانَ يَتْرُكُهُ عَنْ يَسَارِهِ وَوَرَاءَهُ ، وَيُصَلِّي أَمَامَهُ إِلَى الْعِرْقِ نَفْسِهِ ، وَكَانَ عَبْدُ اللَّهِ يَرُوحُ مِنَ الرَّوْحَاءِ ، فَلَا يُصَلِّي الظُّهْرَ حَتَّى يَأْتِيَ ذَلِكَ الْمَكَانَ ، فَيُصَلِّي فِيهِ الظُّهْرَ ، وَإِذَا أَقْبَلَ مِنْ مَكَّةَ ، فَإِنْ مَرَّ بِهِ قَبْلَ الصُّبْحِ بِسَاعَةٍ ، أَوْ مِنْ آخِرِ السَّحْرِ ، عَرَسَ حَتَّى يُصَلِّيَ بِهَا الصُّبْحَ .

وَأَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا حَدَّثَهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَنْزِلُ تَحْتَ سَرْحَةٍ ضَخْمَةٍ دُونَ الرُّوَيْثَةِ ، عَنْ يَمِينِ الطَّرِيقِ وَوُجَاهِ الطَّرِيقِ ، فِي مَكَانٍ بَطْحٌ سَهْلٌ ، حَتَّى يُفْضِيَ مِنْ أَكْمَةٍ دُونِ بَرِيدِ الرُّوَيْثَةِ بِمَيْلَيْنِ ، وَقَدْ انْكَسَرَ أَعْلَاهَا فَانْتَنَى فِي حَوْفِهَا ، وَهِيَ قَائِمَةٌ عَلَى سَاقٍ ، وَفِي سَاقِهَا كُتُبٌ كَثِيرَةٌ .

وَأَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا حَدَّثَهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى فِي طَرَفِ تَلْعَةٍ مِنْ وَرَاءِ الْعَرَجِ ، وَأَنْتَ ذَاهِبٌ إِلَى هَضْبَةِ عِنْدَ ذَلِكَ الْمَسْجِدِ قَبْرَانَ أَوْ ثَلَاثَةً ، عَلَى الْقُبُورِ رَضَمٌ مِنْ حِجَارَةٍ عَنْ يَمِينِ الطَّرِيقِ ، عِنْدَ سَلَمَاتِ الطَّرِيقِ بَيْنَ أَوْلِيكَ السَّلَمَاتِ ، كَانَ عَبْدُ اللَّهِ يَرُوحُ مِنَ الْعَرَجِ ، بَعْدَ أَنْ تَمِيلَ الشَّمْسُ بِالْهَاجِرَةِ ، فَيُصَلِّي الظُّهْرَ فِي ذَلِكَ الْمَسْجِدِ .

وَأَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا حَدَّثَهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَزَلَ عِنْدَ سَرَاحَاتٍ عَنْ يَسَارِ الطَّرِيقِ ، فِي مَسِيلِ دُونَ هَرَشَى ، ذَلِكَ الْمَسِيلُ لَاصِقٌ بِكَرَاعِ هَرَشَى ، بَيْنَهُ وَبَيْنَ الطَّرِيقِ قَرِيبٌ مِنْ غُلُوءَةٍ ، وَكَانَ عَبْدُ اللَّهِ يُصَلِّي إِلَى سَرَاحَةٍ ، هِيَ أَقْرَبُ السَرَاحَاتِ إِلَى الطَّرِيقِ ، وَهِيَ أَطْوَلُهُنَّ .

وَأَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا حَدَّثَهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَنْزِلُ فِي الْمَسِيلِ الَّذِي فِي أَدْتَى مَرِّ الظُّهْرَانِ ، قَبْلَ الْمَدِينَةِ ، حِينَ يَهْبِطُ مِنَ الصَّفْرَاوَاتِ ، يَنْزِلُ فِي بَطْنِ ذَلِكَ الْمَسِيلِ عَنْ يَسَارِ الطَّرِيقِ ، وَأَنْتَ ذَاهِبٌ إِلَى مَكَّةَ ، لَيْسَ بَيْنَ مَنْزِلِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَبَيْنَ الطَّرِيقِ إِلَّا رَمِيَّةٌ بِحَجَرٍ ، وَأَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ حَدَّثَهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَنْزِلُ بِذِي طُوًى ، وَيَبِيتُ حَتَّى يُصْبِحَ ، يُصَلِّي الصُّبْحَ حِينَ يَقْدُمُ مَكَّةَ ، وَمُصَلَّى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَلِكَ عَلَى أَكْمَةٍ غَلِيظَةٍ ، لَيْسَ فِي الْمَسْجِدِ الَّذِي بُنِيَ ثُمَّ ، وَلَكِنْ أَسْفَلَ مِنْ ذَلِكَ عَلَى أَكْمَةٍ غَلِيظَةٍ .

وَأَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا حَدَّثَهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اسْتَقْبَلَ فُرْضَتِي الْجَبَلِ ، الَّذِي بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْجَبَلِ الطَّوِيلِ نَحْوَ الْكَعْبَةِ ، فَجَعَلَ الْمَسْجِدَ الَّذِي بُنِيَ ثُمَّ يَسَارَ الْمَسْجِدِ بِطَرْفِ الْأَكْمَةِ ، وَمُصَلَّى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسْفَلَ مِنْهُ ، عَلَى الْأَكْمَةِ السَّوْدَاءِ ، تَدْعُ مِنَ الْأَكْمَةِ عَشْرَةَ أَذْرُعٍ أَوْ نَحْوَهَا ، ثُمَّ تُصَلِّي مُسْتَقْبِلَ الْفُرْضَتَيْنِ مِنَ الْجَبَلِ الَّذِي بَيْنَكَ وَبَيْنَ الْكَعْبَةِ .

*Нофиъ:* «Менга Абдуллоҳ бундай деганди»,— дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам умра (кичик ҳаж) ва ҳаж (катта ҳаж) қилгани йўлга чиққанларида Зулҳулайфа деган жойдаги масжидда тўхтаб, самра дарахтининг тагида дам олардилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж ёки умрадан қайтишда (шу йўлдан юрсалар) Батни Водийнинг шарқий чеккасидаги Батҳо деган жойда тушар эрдилар. Кейин, тонг отгунча шу ерда қолар эрдилар. Катта, қоятош ёнидаги масжидда ҳам, устига масжид қурилган тепаликда ҳам қолмас эрдилар. Расулulloҳнинг танлаган жойлари водийнинг чуқур ерида эрди. Абдуллоҳ бу жойда намоз ўқимоқни одат қилганди. Илгари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Абдуллоҳ намоз ўқиган жойда намоз ўқиган эрканлар, кейинчалик, ўша жойни сел олиб, кўмиб юборган эркан. Абдуллоҳ ибн Умар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Равҳо тепалигидаги катта масжид ўрнида эрмас, балким кичик масжид ўрнида намоз ўқиганлар»,— дедилар. Кейин менга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқиган жойларини тушунтираётиб: «Ямандан Маккага олиб борадирган йўлнинг чеккасидаги масжидда намоз ўқиб турганинда ўнг томонингда бўладир, масжид бирлан ўша жой оралиғи бир тош отимдан кўп эрмас ёким шунга яқин келадир»,— деб ҳам айтдилар.

Ибн Умар Равҳодан чиқаверишдаги Ирқ деган жойга қараб намоз ўқир эрдилар. Мадинага кетаётганинда Ирқ бирлан Равҳо тепалиги оралиғида масжид бор. Абдуллоҳ ўша масжидда намоз ўқимас эрдилар. Масжидни орқароқда қолдириб, Ирққа қараб намоз ўқир эрдилар. Абдуллоҳ ўша жойда намоз ўқимоқ учун Равҳодан пешинни ўқимай қайтар эрдилар. Агар Маккадан келаётган бўлсалар-у, шу жойга тонгдан бирор соат илгари ёки саҳарнинг охирида келиб қолсалар, бомдод намозини ўқимоқ учун атайлаб тўхтар эрдилар. Абдуллоҳ бундай дегандилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлнинг ўнг томонидаги Рувайса деган қишлоқ яқинидаги катта дарахтнинг тагига келиб тушар эрдилар. Кенг ва текис жойдаги бу дарахт тепаликка яқинроқ, Рувайсадан икки мил нарида. Тепалик усти бино сингари текис бўлиб, сал қийшиқроқ, пастда эрса кўплаб қум уюмлари мавжуд. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арж қишлоғининг орқасидаги қум тепаликнинг чеккасида намоз ўқир эрдилар». Ҳадаба деган тепалик томонга кетаётганиндаги масжид ёнида 2 ёки 3 та қабр бор. Қабрлар устига катта-катта тошлар ўрнатилган. Абдуллоҳ кун кўтарилгандан кейин йўлнинг ўнг томонидаги саламзор (салама — дарахт тури) оралаб Арждан йўлга чиқар эрдилар. Пешинни ўша масжидга бориб ўқир эрдилар. Абдуллоҳ бундай дегандилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳарша тоғи этагидаги пастликка, йўлнинг чап томонидаги дарахтлар тагига келиб тушар эрдилар. Ўша пастлик Ҳарша тоғининг бир ёнига туташ эрди. У билан йўл ўртасидаги масофа бир камон ўқи етгулик эрди». Абдуллоҳ йўл ёқасига яқинроқ энг узун дарахтнинг тагида намоз ўқир эрдилар. Абдуллоҳ бундай дегандилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина тбмондан келаётганларида Марризахрон деган жойга яқинроқ жойлашган бир пастликда дам олардилар. Маккадан келаётганларида эса йўлнинг чап томонида

жойлашган Сафравот деган жой орқали яна ўша пастликка тушар эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб тушадирган жойлари бирлан йўл ўртасидаги масофа тош отганда етгулик эди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зу Туван деган жойда тонг отгунча қолар эрдилар. Маккадан келаётганларида эса у ерда бомдод вақтигача қолиб, бомдод намозини ўқиб кетар эрдилар».

## НАМОЗ ЎҚИЛАДИГАН ЖОЙНИНГ ҚИБЛА ТОМОННИ ТЎСИБ ҚЎЙИШ ҲАҚИДАГИ БОБЛАР

### 90-боб. Имом олдидаги тўсиқ орқадаги намозхонларга ҳам кифоя қиладир

*Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Минода (қурбонлик қиладиган жойда) одамлар бирлан намоз ўқиётган эдилар. Мен балоғат ёшига ётай деб қолгандим. Жаноб Расулulloҳ олдиларига тўсиқ қўймай намоз ўқиётган эдилар. Тасодифан мен бир урғочи эшак миниб келиб қолдим, бир неча намозхонларнинг олдидан ўтдим-да, эшакдан тушиб, уни ўтлагани ҳайдаб юбордим, кейин ўзим намозхонлар сафига келиб турдим. Ўшанда менга ҳеч.ким танбеҳ бермади».

285 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا :

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا خَرَجَ يَوْمَ الْعِيدِ أَمَرَ بِالْحَرْبَةِ فَنُوضِعُ بَيْنَ يَدَيْهِ ، فَيُصَلِّي إِلَيْهَا وَالنَّاسُ وَرَاءَهُ ، وَكَانَ يَفْعَلُ ذَلِكَ فِي السَّفَرِ ، فَمَنْ تَمَّ اتَّخَذَهَا الْأَمْرَاءُ .

*Ибн Умар қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайит намози ўқигани чиқсалар, ғуломларига учи найза ҳассаларини олиб келмоқни буюрар эрдилар. Кейин, ҳассани рўпараларига санчиб қўйиб, ўшанга қараб намоз ўқир эрдилар. Одамлар эрса у кишининг орқаларида (тўсиқ қўймай) намоз ўқишарди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиққанларида ҳам шундай қилар эрдилар. Ўша сабабдан амирлар ҳам намозгоҳга чиққанларида ўзлари бирлан ҳасса оладирган бўлишди».

286 . عَنْ أَبِي جُحَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى بِهِمْ بِالْبَطْحَاءِ ، وَبَيْنَ يَدَيْهِ عَنزَةٌ ، وَالظُّهْرَ رَكَعَتَيْنِ ، وَالْعَصْرَ رَكَعَتَيْنِ ، ثُمَّ بَيْنَ يَدَيْهِ الْمَرْأَةَ وَالْحِمَارَ .

*Авн ибн Абу Жуҳайфа қуйидаги ҳадисни отамдан эшитгандим, дейдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Батҳо деган жойда рўпараларига учи найза ҳассаларини санчиб қўйиб, биз бирлан намоз ўқидилар. Пешинни 2 ракъат, асрни 2 ракъат ўқидилар. Олдиларидан бир аёл ва эшак ўтиб кетса ҳам, парво қилмадилар».

### 91-боб. Намозхон бирлан тўсиқ оралиғи қанча бўлмоқлиги баёнида

287 . عَنْ سَهْلِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كَانَ بَيْنَ مُصَلِّي رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَبَيْنَ الْجِدَارِ مَمْرُ الشَّاةِ .

*Саҳл ибн Саъд нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқиётган жойлари бирлан девор орасида бир қўй ўтгудек масофа бор эрди».

Салама ибн Абу Каъб дедилар: «Минбар бирлан масжид девори оралиғи қўй ўтгудек эрди».

## 92-боб. Рўпарасига санчиб қўйилган найзага қараб намоз ўқимоқ

*Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рўпараларига найза санчиб қўйишар эрди, ўшанга қараб намоз ўқир эрдилар».

## 93-боб. Учи найза ҳассасага қараб намоз ўқимоқ

*Авн ибн Абу Жухайфа қуйидагини отам айтиб бергандилар, дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кун қизиган пайтда бизнинг олдимизга чиқдилар, таҳорат олдилар, сўнг биз бирлан пешин ва асрни ўқидилар. Рўпараларига учи найза ҳассасари санчиб қўйилган бўлиб, аёллар ва эшаклар унинг нариги томонидан ўтаверарди».

288 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَرَجَ لِحَاجَتِهِ ، تَبِعْتُهُ أَنَا وَغُلَامٌ ، وَمَعَنَا عُكَّازَةٌ أَوْ عَصَا أَوْ عَنَزَةٌ ، وَمَعَنَا إِدَاوَةٌ ، فَإِذَا فَرَغَ مِنْ حَاجَتِهِ نَاولْنَاهُ الإِدَاوَةَ .

*Ато ибн Абу Маймуна қуйидагини Анас ибн Моликдан эшитдим, дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар ҳожатга чиқсалар, мен ва бир хизматкор бола найза ёки ҳасса ёхуд учи найза ҳасса (намозда рўпарага санчиб қўймоқ учун) ҳамда сув олиб, орқаларидан эргашар эрдик. Ҳожатларидан бўшаганларида идишдаги сувни бе~ рар эрдик».

## 94-боб. Маккаи Мукаррама ва бошқа жойларда намозхон олдига сутра (тўсиқ) қўйиш

*Абу Жухайфа нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, туш пайтида йўлга чиқиб, Батҳо деган жойда рўпараларига учи найза ҳассани сутра (тўсиқ) қилиб санчиб қўйдилар-да, пешин ва асрни икки ракъатдан (суннат ва фарзини) ўқидилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олганларида тушган сувни одамлар олиб, баданларига сурта бошладилар».

## 95-боб. Устунга қараб намоз ўқимоқ

«Масжиддаги устунлар, уларга суяниб гаплашиб ўтирган бекорчилардан кўра, намозхонларга керак!» — деганлар Ҳазрат Умар, Ҳазрат Умар икки устун оралиғида намоз ўқиётган бир кишини кўриб: «Устунга яқинроқ бориб намоз ўқиғил!» — дедилар.

289 . عَنْ سَلْمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ كَانَ يُصَلِّي عِنْدَ الْأُسْطُوَانَةِ الَّتِي عِنْدَ الْمُصْحَفِ ، فَقِيلَ لَهُ : يَا أَبَا مُسْلِمٍ ، أَرَأَيْكَ تَتَحَرَّى الصَّلَاةَ عِنْدَ هَذِهِ الْأُسْطُوَانَةِ ؟ قَالَ : فَإِنِّي رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَحَرَّى الصَّلَاةَ عِنْدَهَا .

*Язид ибн Абу Убайд дедилар:* «Салама ибн ал-Акваъ бирлан бирга (масжидга) келган эрдим, (Абу Муслим) Усмон Муҳафи ёнидаги устун олдида намоз ўқиётган эркан. Мен: «Эй, Або Муслим, сиз доим шу устун рўпарасида намоз ўқимоқни яхши кўрасиз-а?» — дедим. «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг доим шу устун рўпарасида намоз ўқиганларини кўрганман», — дедилар».

*Анас разияллоҳу анҳу дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларининг киборлари мағриб томондаги устунлар тагидан жой олмоққа шошилаётганларини кўрдим». Шуъба разияллоҳу анҳу ушбу ҳадисга «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (масжидга) чиққунларича», деб қўшиб қўйдилар».

## 96-боб. Жамоатсиз, ёлғиз ўзи устунлар орасида намоз ўқимоқ

290 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ الْكَعْبَةَ ، وَأَسَامَةُ بْنُ زَيْدٍ وَبِلَالٌ وَعُثْمَانُ بْنُ طَلْحَةَ الْحَجَبِيُّ ، فَأَغْلَقَهَا عَلَيْهِ ، وَمَكَثَ فِيهَا ، فَسَأَلْتُ بِلَالًا حِينَ خَرَجَ : مَا صَنَعَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ قَالَ : جَعَلَ عَمُودًا عَنْ يَسَارِهِ ، وَعَمُودًا عَنْ يَمِينِهِ ، وَثَلَاثَةَ أَعْمِدَةٍ وَرَاءَهُ ، وَكَانَ الْبَيْتُ يَوْمَئِذٍ عَلَى سِتَّةِ أَعْمِدَةٍ ، ثُمَّ صَلَّى .  
 فِي رِوَايَةٍ : عَمُودَيْنِ عَنْ يَمِينِهِ

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбатуллоҳга кирдилар, Усома ибн Зайд, Усмон ибн Талҳа ва Билол ҳам бирга эрдилар. У ерда бир оз бўлгач, қайтиб чиқдилар. Мен биринчи бўлиб ичкарига кирдим-да, «Қаерда намоз ўқидилар?» — деб Билолдан сўрадим. «Олдиндаги икки устун оралиғида», — деб айтди».

*Абдуллоҳ ибн Умар қуйидаги ҳадисни айтиб бердилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбатуллоҳга кирдилар. Усома ибн Зайд, Билол ва Усмон ибн Талҳа ҳам бирга эрдилар. Эшикларни ёпиб олишди. Қайтиб чиқишгач, «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам не қилдилар?» — деб Билолдан сўрадим. «Бир устунни ўнг томонларида, иккинчи устунни чап томонларида, учинчи устунни эса орқаларида қолдириб (ўша пайтда Каъбатуллоҳда 6 та устун бўлганди) намоз ўқидилар», — деди. «Нофиъ менга: «Икки устун ўнг томонларида бўлганди, деб айтди», — дейдилар Исмоил разияллоҳу анҳу.

## 97-боб.

291 . عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّهُ كَانَ يُعْرِضُ رَاحِلَتَهُ فَيُصَلِّي إِلَيْهَا ، قُلْتُ أَفَرَأَيْتَ إِذَا هَبَّتِ الرِّكَابُ ؟ قَالَ : كَانَ يَأْخُذُ هَذَا الرَّحْلَ فَيَعْدُلُهُ ، فَيُصَلِّي إِلَيْ آخِرَتِهِ ، أَوْ قَالَ مُؤَخَّرِهِ ، وَكَانَ ابْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَفْعَلُهُ .

*Нофиъ разияллоҳу анҳу дедилар:* «Абдуллоҳ ибн Умар Каъбага кирсалар, эшикни орқада қолдириб, рўпарадаги деворга 3 газ қолгунча яқин борар эрдилар. Билол «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқиган жойлари» деб кўрсатган жойда намоз ўқир эрдилар. Ибн Умар: «Каъбанинг ичига киргач, истаган томонга қараб намоз ўқиса бўлаверади», — деганлар».

## 98-боб. Чўктириб қўйилган туя ҳамда дарахт ва эгарга қараб намоз ўқимоқ

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни айтиб берганлар:* «Бир куни Убайдуллоҳ менга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларини ўзларига нисбатан кўндаланг чўктириб қўйиб, унга қараб намоз ўқир эрдилар», — деди. «Агар туялари ўрнидан туриб кетса, не қилур эрдилар», — дедим. Эгарини рўпараларига кўндалангига қўйиб олиб, намоз ўқийверардилар», — деди».

Ибн Умарнинг ўзлари ҳам шундай қилар эканлар.

## 99-боб. Чорпояга қараб намоз ўқимоқ

292 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : أَعَدَلْتُمُونَا بِالْكَلْبِ وَالْحِمَارِ ، لَقَدْ رَأَيْتُنِي مُضْطَجِعَةً عَلَى السَّرِيرِ ، فَيَجِيءُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَيَتَوَسَّطُ السَّرِيرَ فَيُصَلِّي ، فَأَكْرَهُ أَنْ أَسْتَحَهُ فَأَنْسَلُ مِنْ قَبْلِ رِجْلِي السَّرِيرِ ، حَتَّى أُنْسَلَ مِنْ لِحَافِي .

*Оиша онамизга кимдир:* «Намозхоннинг олдидан ит, эшак ёким аёл ўтса, намози бузилғайдир» — деганда, «Ҳали бизни ит ёким эшакка тенг қилдиларингми?» —

дедилар. «Мен чорпояда ётардим,— дейдилар Оиша онамиз,—*Расулulloх* саллаллоҳу алайҳи ва саллам чорпоянинг қоқ ўртасига қараб намоз ўқир эрдилар. Мен у кишининг қибла томонларига тўғри келиб қолганимдан хижолат тортиб, оёғимни кўрпа ичига йиғиштириб олардим».

### 100-боб. Намоз ўқувчи одам олдидан ўтаётган одамни орқасига қайтаради

Ибн Умар ташаҳхудда (Калимаи шаҳодат айтмоқда) ўтирганларида ҳам, Каъбатуллоҳда ҳам олдиларидан ўтаётган кишини қайтардилар. «Агар қайтмаса, қўлинг бирлан итариб қайтарғил!» —дедилар.

293 . عن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه : أنه كان يصلي في يوم الجمعة ، يُصلي إلى شيء يستتره من الناس ، فأراد شاب من بني أبي معيط أن يجتاز بين يديه ، فدفع أبو سعيد في صدره ، فنظر الشاب فلم يجد مساعاً إلا بين يديه ، فعاد ليجتاز ، فدفعه أبو سعيد أشد من الأولى فقال من أبي سعيد ، ثم دخل على مروان فشكا إليه ما لقي من أبي سعيد ، ودخل أبو سعيد خلفه على مروان فقال : ما لك ولابن أخيك يا أبا سعيد ؟ قال : سمعت النبي صلى الله عليه وسلم يقول : ( إذا صلى أحدكم إلى شيء يستتره من الناس ، فأراد أحد أن يجتاز بين يديه فليدفعه ، فإن أبي فليقاتله ، فإنما هو شيطان )

*Абу Солиҳ ривоят қиладилар:* «Жумъа куни мен Абу Саъиднинг рўпарасига сутра (тўсиқ) қўйиб олиб намоз ўқиётганини кўрдим (бошқа бир ҳадисда, бу воқеани Жаноб Расулulloх айтиб бергандилар, дейилади). Абу Муъит қабиласига мансуб бир бола унинг олдидан ўтмоқчи бўлди. Абу Саъид болани кўкрагидан итариб қайтарди. Бола бошқа ўтадиган жой топмасдан унинг олдидан ўтгани яна қайтиб келди. Абу Саъид болани қаттиқроқ итарди. Боланинг жаҳли чиқиб Абу Саъидни ҳақорат қилдида, Марвон ҳузурига шикоят қилгани кириб кетди. Абу Саъид ҳам унинг кетидан кирди. Марвон: «Эй, Абу Саъид, жиянингиз (бу бола) бирлан сизнинг орангизда не ўтди?»—деди. Абу Саъид: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Агар бирортангиз сутрага (тўсиққа) қараб намоз ўқиётганингизда бирор киши сутра бирлан сизнинг орангиздан ўтмоқчи бўлғайдир, уни қайтарингиз, агар унамағайдир, уриб қайтарингиз, чунким у шайтондир!» — деганларини эшитганман»,— деди».

### 101-боб. Намоз ўқиётган одамнинг олдидан ўтувчи кишининг гуноҳи

294 . عن أبي جهم رضي الله عنه قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : ( لو يعلم المرء بين يدي المصلي ماذا عليه ، لكان أن يقف أربعين خيراً له من أن يمر بين يديه ) . قال الراوي : لا أدري أقال أربعين يوماً أو شهراً أو سنة .

*Абдуллоҳ ибн Юсуф қуйидаги ҳадисни айтиб бердилар:* «Зайд ибн Холид Умар ибн Убайдуллоҳнинг қули Абунназри «Намоз ўқувчилар олдидан ўтувчилар тўғрисида Абу Жухайм Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламдан нималар эшитган эркан, билиб келғил!» — деб юборди. «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Намоз ўқиётган одам олдидан ўтувчилар нечук гуноҳ қилаётганларини билганларида эрди, намозхоннинг олдидан кесиб ўтмай, яхшиси қирқ (кун, ой, йил?) тўхтаб, кутиб турган бўлур эрдилар» дегандилар» — дебди Абу Жухайм.

Абунназр: «Ўшанда, қирқ кун, деб эдиларми, қирқ ой ёким қирқ йил, деб эдиларми, эсимда йўқ»,— дейдир».

### 102-боб. Намоз ўқиётган кишининг рўпарасига келиб турмоқ

Усмон Зуннурайн намоз ўқиётган кишининг рўпарасига келиб турмоқни макруҳ ҳисобладилар. Дарҳақиқат, бу намозхоннинг кўнглини бузса ёким фикрини бўлса,

макруҳдир, аммо аксинча бўлса, зарари йўқдир.

Зайд ибн Собит: «Мен бунга парво қилмайдирман, намоз ўқиётган эркак кишининг рўпарасига эркак кишининг келиб турмоғи, намозни бузмайдир» — дейдилар.

*Оиша онамиз ҳақларида ривоят қиладилар:* «Оиша онамизнинг ҳузурларида намозни бузадирган нарсалар ҳақида суҳбат борарди. Саҳобалар: «Намозни намозхоннинг олдидан ит, эшак ва аёлнинг ўтмоғи бузғайдир» дейишди. Оиша онамиз: «Бизни итга тенглаштирдигизми?! Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, мен қибла томонда ўриндиқда ёнбошлаб ётганимда келиб, намоз ўқий бошлар эрдилар. У кишининг қибла тарафларида узала тушиб ётмоқни ўзимга эп кўрмай, секингина ўрнимдан суғурилиб чиқиб кетар эрдим»,— дедилар».

### 103-боб. Ухлаётган одамнинг орқа томонида намоз ўқимоқ

295 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي ، وَأَنَا رَاقِدَةٌ مُعْتَرِضَةٌ عَلَى فِرَاشِهِ ، فَإِذَا أَرَادَ أَنْ يُوتِرَ أَقْبَطَنِي فَأَوْتَرْتُ .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқир эрдилар, мен у кишининг ўринларида қиблага кўндаланг ҳолда ётардим. Витр ўқимоқчи бўлганларида мени уйғотар эрдилар. У киши бирлан витр ўқир эрдим».

### 104-боб. Аёлнинг орқа тарафида нафл намози ўқимоқ

*Оиша онамиз бундай деган эдилар:* «Оёғимни узатиб ётган эрдим, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб оёқ томонимда намоз ўқий бошладилар. У киши сажда қилаётганларида мени туртиб қўярдилар, мен оёғимни йиғиштириб олардим, қиёмга турсалар, узатиб юборардим. Ўша пайтларда уйларда чироқ бўлмас эрди».

### 105-боб. Намозхон олдидан ҳар қандай нарса ўтса ҳам, намоз бузилмайдир, дейдиганларнинг далили

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Оллоҳга қасам ичиб айтурманким, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётганларида ўрин-тўшақда у кишининг қибла томонларида ёнбошлаб ётган эрдим. Ўрнимдан туриб кетай десам, у кишига қибла бўлиб қолиб, озор бериб қўйғайман. Шунда секингина ўрнимдан суғурилиб чиқдим-да, оёқлари ёнидан ўтиб кетдим».

Яъқуб ибн Иброҳимдан акасининг ўғли Ибн Шиҳоб намозни бузадирган нарсалар тўғрисида сўрабдир. Шунда Яъқуб ибн Иброҳим: «Намозни ҳеч нарса бузмайдир», — деб жавоб берибдир.

*Оиша онамиз бундай деганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси туриб намоз ўқир эрдилар, мен эсам у кишининг қибла томонларида ўрин-тўшақда узала тушиб ётар эрдим».

### 106-боб. Намозхон намоз ўқиётиб елкасига қизчасини миндириб олса...

296 . عَنْ أَبِي قَتَادَةَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي ، وَهُوَ حَامِلٌ أُمَامَةَ بِنْتِ زَيْنَبَ بِنْتِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَلَأَبِي الْعَاصِ بْنِ رَيْبَعَةَ بْنِ عَبْدِ شَمْسٍ ، فَإِذَا سَجَدَ وَضَعَهَا ، وَإِذَا قَامَ حَمَلَهَا .

*Абу Қатода нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Зайнабнинг қизчасини (набираларини) бўйинларига миндириб олиб намоз ўқир эрдилар. Сажда қилсалар, тушириб қўяр эрдилар, қиёмга турсалар, кўтариб

олар эрдилар» (бу — шофиий, ҳанафий ва ҳанбалий мазҳабларида фарзда ҳам, нафлда ҳам жоиз, аммо моликий мазҳабида фақат нафл намоздагина мумкин ҳисобланадир).

### 107-боб. Киши қайз кўрган аёл ётган кўрпага қараб намоз ўқиса, кароҳияти борми?

*Маймуна онамиз ривоят қиладилар:* «Менинг ўрин-тўшагим Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқийдирган жойлари рўпарасида эрди. Эҳтимол, мен ўрнимда ётганимда кийимлари менга тегиб кетгандир».

Яна *Маймуна онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқир эрдилар, мен эрсам ҳайз кўрган ҳолимда ёнгиналарида ухлаб ётар эрдим. Саждага борсалар, кийимлари менга тегар эрди».

### 108-боб. Киши саждага бош қўяётиб: «Менга халал беряпсан, сал йиғиштириниброқ ётғил!» — деб хотинини туртиб қўйиши мумкинми?

*Умар ибн Али нақл қиладилар:* «Оиша онамиз «Намозхоннинг олдидан ит, эшак ва хотин киши ўтса, намоз бузилғайдир, деган кишиларга қарата: «Жуда ҳам ёмон ўхшатиш қилдингиз, бизни ит ва эшакка тенг қилдингиз! Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётганларида у кишининг қибла томонларида ёнбошлаб ётганим эсимда. Сажда қилмоқчи бўлсалар, оёғимга туртиб қўяр эрдилар, мен оёғимни йиғиб олар эрдим»,— дедилар».

### 109-боб. Аёл кишининг намозхон устидаги бирор озор бериб турган нарсани олиб ташлаши

297 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

يَبْنَما رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَائِمٌ يُصَلِّي عِنْدَ الْكَعْبَةِ ، وَجَمْعُ قُرَيْشٍ فِي مَجَالِسِهِمْ ، إِذْ قَالَ قَائِلٌ مِنْهُمْ أَلَا تَنْظُرُونَ إِلَى هَذَا الْمُرَائِي؟ أَيُّكُمْ يَقُومُ إِلَى حَزُورِ آلِ فُلَانٍ ، فَيَعْمِدُ إِلَى فَرْثِهَا وَدَمِهَا وَسَلَاهَا فَيَجِيءُ بِهِ ، ثُمَّ يُمَهِّلُهُ حَتَّى إِذَا سَجَدَ وَضَعَهُ بَيْنَ كَتِفَيْهِ ، فَانْبَعَثَ أَشْقَاهُمْ ، فَلَمَّا سَجَدَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَضَعَهُ بَيْنَ كَتِفَيْهِ ، وَتَبَتَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَاجِدًا ، فَضَحِكُوا حَتَّى مَالَ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ مِنَ الضَّحِكِ ، فَأَنْطَلَقَ مُنْطَلِقًا إِلَى فَاطِمَةَ عَلَيْهَا السَّلَامُ وَهِيَ حَوِيرِيَّةٌ ، فَأَقْبَلَتْ تَسْعَى ، وَتَبَتَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَاجِدًا ، حَتَّى أَلْفَتَهُ عَنْهُ ، وَأَقْبَلَتْ عَلَيْهِمْ تَسْبِيحُهُمْ ، فَلَمَّا قَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الصَّلَاةَ ، قَالَ : ( اللَّهُمَّ عَلَيْنِكَ بِقُرَيْشٍ ، اللَّهُمَّ عَلَيْنِكَ بِقُرَيْشٍ ) . ثُمَّ سَمَى : ( اللَّهُمَّ عَلَيْنِكَ بِعَمْرٍو بْنِ هِشَامٍ ، وَعَتْبَةَ بْنِ رَبِيعَةَ ، وَشَيْبَةَ بْنِ رَبِيعَةَ ، وَالْوَلِيدَ بْنَ عَتْبَةَ ، وَأُمِّيَةَ بْنَ خَلْفٍ ، وَعَقْبَةَ بْنَ أَبِي مُعَيْطٍ ، وَعُمَارَةَ بْنَ الْوَلِيدِ ) . قَالَ عَبْدُ اللَّهِ : فَوَاللَّهِ لَقَدْ رَأَيْتُهُمْ صَرَخَى يَوْمَ بَدْرٍ ، ثُمَّ سَحَبُوا إِلَى الْقَلْبِ قَلْبِ بَدْرٍ ، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( وَأَتَّبِعَ أَصْحَابُ الْقَلْبِ لَعْنَةً ) .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд дедилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбатуллоҳ ёнида намоз ўқиётган эрдилар. Қурайш мушрикларидан бир тўдаси ўзларининг ҳар доим йиғилишадиган жойларида гаплашиб ўтиришарди. Ногаҳон, улардан бири: «Манавининг ибодатни кўз-кўз қилмоғини кўрингиз! Қайси бирингиз фалончиларнинг қушхонасидан ичак-чавоқ олиб келиб, у саждага борганда, икки курагининг ўртасига ташлай олурсиз?» — деди. Шунда уларнинг энг бадбахти туриб ичак-чавоқ олиб келгани кетди. Олиб келгач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сажда қилмоқларини пойлаб туриб, икки кураклари ўртасига ташлади. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саждада туриб қолдилар. Мушриклар бир-бирларига қараб қотиб-қотиб кулишди. Бир киши буни пайғамбаримизнинг қизлари





нарсани буюриб, тўрт нарсани, манъ қилғаймен: Оллоҳга иймон келтирмоқ (яъни, Ло илоҳа илла-л-лоҳу, демоқ), менинг Оллоҳнинг Расули эканлиғимни тан олмақ, намоз ўқимоқ ва ўлжангизнинг бешдан берини закот қилмоқни буюрғаймен ҳамда дуббоъ, хантам, муқаййар ва нақийрни манъ қилғайдирмен»,— дедилар».

## 2-боб. Намоз ўқимоққа байъат қилмоқ хусусида

*Жарир ибн Абдуллоҳ:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга намоз ўқимоқ, закот бермоқ ва (бу ҳақда) ҳар бир мусулмонга насиҳат қилмоққа байъат қилдим»,— дейдилар.

## 3-боб. Намознинг (гуноҳлар учун) каффорат эканлиги ҳақида

299 . عَنْ حُدَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كُنَّا جُلُوسًا عِنْدَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَقَالَ : أَيُّكُمْ يَحْفَظُ قَوْلَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْفِتْنَةِ ؟ قُلْتُ : أَنَا كَمَا قَالَهُ . قَالَ إِنَّكَ عَلَيْهِ - أَوْ عَلَيْهَا - لِحَرِيءٍ ، قُلْتُ : فِتْنَةُ الرَّجُلِ فِي أَهْلِهِ وَمَالِهِ وَوَلَدِهِ وَجَارِهِ ، تُكْفَرُهَا الصَّلَاةُ وَالصَّوْمُ وَالصَّدَقَةُ وَالْأَمْرُ وَالنَّهْيُ ، قَالَ : لَيْسَ هَذَا أُرِيدُ ، وَلَكِنَّ الْفِتْنَةَ الَّتِي تَمُوجُ كَمَا يَمُوجُ الْبَحْرُ ، قَالَ : لَيْسَ عَلَيْكَ مِنْهَا بَأْسٌ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ ، إِنَّ بَيْنَكَ وَبَيْنَهَا بَابٌ مُغْلَقٌ ، قَالَ : أَيَكْسِرُ أَمْ يُفْتَحُ ؟ قَالَ : يُكْسَرُ ، قَالَ : إِذَا لَا يُغْلَقُ أَبَدًا . قُلْنَا : أَكَانَ عُمَرُ يَعْلَمُ الْبَابَ ؟ قَالَ : نَعَمْ ، كَمَا أَنَّ دُونَ الْعَدِ اللَّيْلَةَ ، إِنِّي حَدَّثْتُهُ بِحَدِيثٍ لَيْسَ بِالْأَغْلِيظِ ، فَسُئِلَ : مَنْ الْبَابُ ؟ فَقَالَ : الْبَابُ عُمَرُ .

*Шақиқ разияллоҳу анҳу Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан нақл қиладилар:* «Умар разияллоҳу анҳунинг ҳузурларида ўтирган эрдик. «Қайси бирингиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фитна тўғрисида айтган сўзларини эслаб қолгандирсиз?» — дедилар. «Мен, қандоқ айтган бўлсалар, шундоқлигича эслаб қолгандирман»,— дедим. «Қани, айтғилчи!» — дедилар. Мен: «Одамнинг ўз аёли, мол-дунёси, болалари ва қўшнисидан содир бўладирған фитналарга намоз, рўза, садақа ҳамда амр ва таъқиққа риоя қилмоқ каффорат эрур»,— дедим. У киши: «Йўқ, мен буни эрмас, балким, денгиз тўлқинлари янглиғ босиб келадирған фитнани назарда тутган эрдим»,— дедилар. «Ё Амир ал-мўъминин, сиз бундан қўрқмасангиз ҳам бўлур, чунким сиз бирлан ўша фитна ўртасинда бир ёпиқ эшик ғов бўлиб турибдир»,— дедим. Ҳазрат Умар: «Ўшал эшик синдирилғаймидир ёким очилғаймидир?» — дедилар. «Синдирилғайдир», — дедим. Ҳазрат Умар: «Демак, кейин мутлақо ёпилмас эркан»,— дедилар. Биз: «Ҳазрат Умар қайси эшик назарда тутилганини англадиларми?» — деб Ҳузайфадан сўрадик. Ул киши: «Ҳа, эртанги кундан олдин тун бўлмоғини билганларидек яхши билғайдирлар, мен ул кишига Жаноб Расулulloҳнинг ҳадисларини тўла-тўқис (бехато) айтиб бергандирман» — дедилар. Кейин, биз Ҳузайфадан бошқа сўрамакка ботинмай, Масруққа: «Сен сўрағил-чи!»— дедик. Масруқ сўраган эрди, ул киши: «Ўшал эшик Ҳазрат Умарнинг ўзларидир»,— дедилар».

300 . عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَجُلًا أَصَابَ مِنْ امْرَأَةٍ قُبْلَةً ، فَآتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخْبَرَهُ ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ : ﴿ أَقِمِ الصَّلَاةَ طَرَفِي النَّهَارِ وَزُلْفًا مِنْ اللَّيْلِ إِنَّ الْحَسَنَاتِ يُذْهِبْنَ السَّيِّئَاتِ ﴾ . فَقَالَ الرَّجُلُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَلَيْ هَذَا ؟ قَالَ : ( لِجَمِيعِ أُمَّتِي كُلِّهِمْ ) . وَعَنْهُ فِي رِوَايَةٍ قَالَ : ( قَالَ لِمَنْ عَمِلَ بِهَا مِنْ أُمَّتِي ) .

*Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир киши бир хотиндан қибланинг қайси томонда эрканлиғини суриштириб турган эрди, Набий саллаллоҳу

алайҳи ва саллам келиб, унга қиблани кўрсатиб қўйдилар. Шунда Оллоҳ таоло: «Эртадан кечгача ва туннинг бир қисмида намоз ўқиғил, дарҳақиқат яхшилиғ ёмонлиғни маҳв этғусидир!»— деган ояти каримасини нозил қилди. Бояги киши: «Ё Расулulloҳ, бу менга тааллуқлимидир?»—деди. Жаноб Расулulloҳ «Барча умматларимға тааллуқлидир»,—дедилар».

#### 4-боб. Намознинг фазилати унинг ўз вақтида эканлиғидадир

*Абу Умар ва Шайбоний разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Бандаларнинг қайси амали Оллоҳ таолога хуш келғайдир?»—деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Ўз вақтида ўқилган намоз»,— дедилар. Абдуллоҳ: «Ундан кейин-чи?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ота-онага итоатли бўлмоқлиғ»,— дедилар. «Яна қайси?» — деди Абдуллоҳ. «Оллоҳ йўлида жиҳод қилмоқлиғ»,— дедилар Жаноб Расулulloҳ. «Буларни менга Жаноб Расулulloҳ айтганлар, агар унга заррача қўшиб-чатиган бўлсам, худо урсин!» — деганди Абдуллоҳ».

#### 5-боб. Беш вақт намоз гуноҳларга каффоратдир

301 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ :  
أَرَأَيْتُمْ لَوْ أَنَّ نَهْرًا بِيَابِ أَحَدِكُمْ ، يَغْتَسِلُ فِيهِ كُلَّ يَوْمٍ خَمْسًا ، مَا تَقُولُ : ذَلِكَ يُبْقِي مِنْ ذَرَنِهِ  
شَيْئًا ، قَالَ : ( فَذَلِكَ مَثَلُ الصَّلَوَاتِ الْخَمْسِ ، يَمْحُو اللَّهُ بِهَا الْخَطَايَا ) .  
قَالُوا : لَا يُبْقِي مِنْ ذَرَنِهِ

*Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга: «Бирортангиз уйингизнинг олдидан оқиб ўтадирган дарёда (ёким сойда) ҳар куни беш маҳал ювинсангиз, баданимда кир қолмиш, деб айтурсиз?» — дедилар. Одамлар: «Сира ҳам кир қолмағайдир»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Беш вақт намоз ҳам шунга ўхшаш бўлиб, Оллоҳ таоло улар туфайли гуноҳларни кечирғайдир»,— деб айтдилар».

#### 6-боб. Намоз вақтини бой бермоқ ҳақида

*Райлон разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Анас разияллоҳу анҳу: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларидагидан кўра яхшироқ нарсани билмасман, ул намоз деб аталғайдир»,— дедилар. Кейин: «Намозни бой бермоқ бирлан ундан тегадирган савобни ҳам бой бериб қўймадингизми!?» — деб қўшиб қўйдилар».

*Зухрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Дамашқда Анас ибн Моликнинг ҳузурларига кирсам, йиғлаб ўтирган эрканлар. «Нечун йиғлайдирсиз?»—дедим. Ул киши: «Ўзим билган нарсалар ичинда намоздан кўра яхшироқ нарсани билмасман, бул намоз эрса, бой берилмишдир»,— деб айтдилар».

#### 7-боб. Намозхон рабби — Оллоҳ таолога муножот қилғайдир

302 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( اعْتَدِلُوا فِي السُّجُودِ ، وَلَا يَسُطُ ذِرَاعِيهِ كَالْكَلْبِ ،  
وَإِذَا بَزَقَ فَلَا يَبْزُقَنَّ بَيْنَ يَدَيْهِ وَلَا عَنْ يَمِينِهِ ، فَإِنَّهُ يُنَاجِي رَبَّهُ ) .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки намоз ўқиғайдир, раббиға муножот этғайдир (яъни, Оллоҳ бирлан суҳбат қилғайдир), шу боисдан ўнг томонига тупурмасин, аммо чап оёғи остиға тупурса бўлур»,— деб айтдилар».

Қатода разияллоҳу анҳу: «Намозхон рўпарасига ёким олд томонига тупурмайди, аммо чап томонига ёким икки оёғи остиға тупурса бўлур»,— дейдилар.

Шуъба разияллоҳу анҳу: «Намозхон олд томонига ҳам, ўнг томонига ҳам

тупурмайдир, ammo чап томонига ёким оёғи остига тупурса бўлур»,— дейдилар.

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қоматингизни текис тутиб сажда қилингиз, билакларингизни ит янглиғ (ерга) ташлаб олмангиз, агар тупурмак лозим эрса, рўпарангизга ҳам, ўнг томонингизга ҳам тупурмангиз, чунким сиз раббингизга муножот қилурсиз (яъни, қалбингиз тили ила раббингиз бирлан суҳбатлашурсиз)»,— деб айтдилар».

### 8-боб. Жазирама кунларда салқин тушмоғини кутиб пешин ўқимоқ ҳақида

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кун қаттиқ исиб кетса, намозни салқин тушганда ўқингиз, жазирама иссиқ жаҳаннам нафаси янглиғдир», — дедилар».

*Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муаззинлари пешинга азон айтди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Салқинлатғил, салқинлатғил (ёким салқин тушмоғини кутғил, салқин тушмоғини кутғил)! Жазирама иссиқ жаҳаннам нафаси янглиғдир. Кун қаттиқ исиб кетса, тепаликлар ёнида соя пайдо бўлганини кўрмагунимизча, намоз ўқимай турингиз!», — дедилар».

303 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :

( إِذَا اشْتَدَّ الْحَرُّ فَأَبْرِدُوا بِالصَّلَاةِ ، فَإِنَّ شِدَّةَ الْحَرِّ مِنْ فَيْحِ جَهَنَّمَ ، وَاشْتَكَّتِ النَّارُ إِلَيَّ رَبِّهَا ، فَقَالَتْ : يَا رَبِّ أَكَلَّ بَعْضِي بَعْضًا ، فَأَذِنَ لَهَا بِنَفْسَيْنِ ، نَفْسٍ فِي الشِّتَاءِ وَنَفْسٍ فِي الصَّيْفِ ، فَهُوَ أَشَدُّ مَا تَجِدُونَ مِنَ الْحَرِّ ، وَأَشَدُّ مَا تَجِدُونَ مِنَ الزَّمْهَرِيرِ . )

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кун қаттиқ исиб кетса, пешинни, салқин тушганда ўқингиз, жазирама иссиқ жаҳаннам нафаси янглиғдир! Ўт (олов) раббига шикоят қилиб: «Ё раббий, ўзимни-ўзим еб қўйдим (бир-биримни еб қўйдим)», — дер. Демак, ўтнинг ўзи иккитадир, бири — қишда, иккинчиси — ёзда бўлғайдир. Ҳаддан зиёд исиб кетганингизда ёздагисини, ҳаддан зиёд совуқ қотганингизда эрса, қишдагисини ҳис қилғайдирсиз», — дедилар».

*Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кун қаттиқ исиб кетса, пешинни салқин тушганда ўқингиз, жазирама иссиқ жаҳаннам нафаси янглиғдир!» — дедилар».

### 9-боб. Сафар чоғида пешинни салқин тушганда ўқимоқ ҳақида

304 . عَنْ أَبِي ذَرِّ الْغِفَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ ، فَأَرَادَ الْمُؤَدِّنُ أَنْ يُؤَدِّنَ لِلظُّهْرِ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَبْرِدْ ) . ثُمَّ أَرَادَ أَنْ يُؤَدِّنَ ، فَقَالَ لَهُ : ( أَبْرِدْ ) . حَتَّى رَأَيْنَا فِيءَ التَّلْوْلِ .

*Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда эрдик. Муаззин пешинга азон айтмоқчи бўлди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Салқин тушмоғини кутғил!» — дедилар. Кейин, яна айтмоқчи бўлудди: «Тепаликлар ёнида соя пайдо бўлганини кўрмагунимизча, кутиб турғил!»— дедилар-да, «Жазирама иссиқ жаҳаннам нафаси янглиғдир, агар кун қаттиқ исиб кетса, намозни салқин тушганда ўқингиз!» — деб қўшиб қўйдилар».

### 10-боб. Кун оққанда пешин ўқимоқ ҳақида

*Жобир разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам кун қаттиқ қизиган пайтда намоз ўқир эрдилар»,— дейдилар.

305 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ حِينَ زَاغَتِ الشَّمْسُ ، فَصَلَّى الظُّهْرَ ، فَقَامَ عَلِي الْمُنْبَرِ ، فَذَكَرَ السَّاعَةَ ، فَذَكَرَ أَنَّ فِيهَا أُمُورًا عَظِيمًا ، ثُمَّ قَالَ : ( مَنْ أَحَبَّ أَنْ يُسْأَلَ عَنْ شَيْءٍ فَلْيَسْأَلْ ، فَلَا تَسْأَلُونِي عَنْ شَيْءٍ إِلَّا أَخْبَرْتُكُمْ ، مَا دُمْتُ فِي مَقَامِي هَذَا ) . فَأَكْثَرَ النَّاسُ فِي الْبُكَاءِ ، وَأَكْثَرَ أَنْ يَقُولَ : ( سَلُونِي ) . فَقَامَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ حُدَافَةَ السَّهْمِيُّ فَقَالَ : مَنْ أَبِي ؟ قَالَ : ( أَبُوكَ حُدَافَةَ ) . ثُمَّ أَكْثَرَ أَنْ يَقُولَ : ( سَلُونِي ) . فَبَرَكَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَلَى رُكْبَتَيْهِ فَقَالَ : رَضِينَا بِاللَّهِ رَبًّا ، وَبِالإِسْلَامِ دِينًا ، وَبِمُحَمَّدٍ نَبِيًّا ، فَسَكَتَ . ثُمَّ قَالَ : ( عُرِضَتْ عَلَيَّ الْجَنَّةُ وَالنَّارُ أَنْفًا ، فِي عُرْضِ هَذَا الْحَائِطِ ، فَلَمْ أَرَ كَالْخَيْرِ وَالشَّرِّ ) .

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кун оққанда чиқиб, пешин ўқидилар. Сўнг минбарга чиқиб, қиёмат ҳақида ва ўшал куни бўладирган буюк ишлар тўғрисида эслаб, сўзладилар. Кейин: «Кимки бирор нарса тўғрисида сўрамоқчи эрса, сўрасин, кўзим очиқлигида илгари мен сиаларга айтиб бермаганим нарсалар хусусинда сўраб қолингиз!» — дедилар. Шунда одамлар йиғидан ўзларини тия олмадилар, Жаноб Расулulloҳ бўлсалар, нуқул: «Сўраб қолингиз!» — дер эдилар.

Иттифоқо, Абдуллоҳ ибн Ҳузофа ас-Саҳмий ўрнидан туриб: «Менинг отам кимдир?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Отанг Ҳузофадир»,— дедилар, кейин: «Яна сўрангиз!» — деб такрорлайвердилар. Шунда Умар тиз чўкиб туриб: «Биз Оллоҳни раббимиз деб, исломни динимиз деб, Муҳаммадни пайғамбаримиз деб тан олдик»,— деди-да, жим қолди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳрзиргина менга мана шул девор томонда жаннат бирлан дўзах кўрсатилди, мен бунчалик яхшилиғ ва ёмонлиғни кўрмаган эрдим»,— дедилар».

306 . عَنْ أَبِي بَرْزَةَ الْأَسْلَمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي الصُّبْحَ وَأَحَدُنَا يَعْرِفُ جَلِيسَهُ ، وَيَقْرَأُ فِيهَا مَا بَيْنَ السَّيِّئِ إِلَى الْمَأْتَةِ ، وَيُصَلِّي الظُّهْرَ إِذَا زَالَتِ الشَّمْسُ ، وَالْعَصْرَ وَأَحَدُنَا يَذْهَبُ إِلَى أَقْصَى الْمَدِينَةِ ثُمَّ يَرْجِعُ وَالشَّمْسُ حَيَّةٌ ، وَتَسِيَتْ مَا قَالَ فِي الْمَغْرِبِ ، قَالَ : وَلَا يُبَالِي بِتَأْخِيرِ الْعِشَاءِ إِلَى ثُلُثِ اللَّيْلِ ، ثُمَّ قَالَ : إِلَى شَطْرِ اللَّيْلِ .

*Абу Барза разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдодни ҳар биримиз ёнимиздаги намозхонни танийдирган даражада ҳаво ёришганда ўқир эрдилар ва олтмиштадан юзтагача оят тиловат қилур эрдилар. Пешинни кун оққанда, асрни эрса, бирортамиз шаҳарнинг энг чекхасига бориб қайтганимизда ҳам куннинг тафти ҳали ўлмаган пайтда ўқир эрдилар».

*Шуьба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абу Барза шом ҳақида не деганин билмасман, ёдимдан чиқибдир, лекин у «Жаноб Расулulloҳ хуфтонни туннинг учдан бир қисмини ўтказиб ўқийверар эрдилар»,— деганди, кейин яна: «Тун ярим бўлганда»,— деб қўшиб ҳам қўйганди».

*Анас ибн Молик:* «Жазирама иссиқ кунлари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб пешин ўқисак, пешонамиз ер тафтидан куйиб қолмоғидан кўрқиб, кийимимизга сажда қилур эрдик»,— дейдилар.

### 11-боб. Аср вақти тўғрисида

*Абу Усома разияллоҳу анҳу Ҳишомдан нақл қилиб:* «Жаноб Расулulloҳ аср ўқиганларида Оиша онамизнинг хужраларидан қуёш ҳали чиқиб кетмаган эрди»,— дейдилар.

*Оиша онамиз:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам асрни қуёш ҳали

хужрамдан чиқиб кетмай туриб, ўқир эрдилар»,— дедилар.

Оиша онамиз: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам қуёш ҳали хужрамдан чиқиб кетмай туриб ва хужрамга соя тушмай туриб, аср ўқидилар»,— дедилар.

Оиша онамиз: «Набий саллалллоҳу алайҳи ва саллам қуёш ҳали хужрамга тушиб турганда, хужрамда соядан асар ҳам йўқ пайтда аср ўқир эрдилар»,— дедилар.

308 . عَنْ أَبِي بَرزَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَقَدْ قِيلَ لَهُ : كَيْفَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي الْمَكْتُوبَةَ ؟ فَقَالَ : كَانَ يُصَلِّي الْهَجِيرَ ، الَّتِي تَدْعُونَهَا الْأُولَى ، حِينَ تَدْحَضُ الشَّمْسُ وَيُصَلِّي الْعَصْرَ ، ثُمَّ يَرْجِعُ أَحَدُنَا إِلَى رَحْلِهِ فِي أَقْصَى الْمَدِينَةِ وَالشَّمْسُ حَيَّةٌ ، وَنَسِيْتُ مَا قَالَ فِي الْمَغْرِبِ ، وَكَانَ يَسْتَحِبُّ أَنْ يُؤَخَّرَ الْعِشَاءَ ، الَّتِي تَدْعُونَهَا الْعَتَمَةَ ، وَكَانَ يَكْرَهُ النَّوْمَ قَبْلَهَا وَالْحَدِيثَ بَعْدَهَا ، وَكَانَ يَنْفَتِلُ مِنْ صَلَاةِ الْعَدَاةِ حِينَ يَعْرِفُ الرَّجُلُ جَلِيسَهُ ، وَيَقْرَأُ بِالسِّتِينَ إِلَى الْمِائَةِ .

Сайёр ибн Салома ривоят қиладилар: «Мен ва отам Абу Барзанинг ҳузурларига кирдик. Отам у кишидан: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам беш вақт намозни қандоқ ўқир эрдилар?» — деб сўрадилар. Ул киши: «Сизлар увло деб атайдирган пешинни кун оққан пайтда, асрни эрса бирортамиз шаҳарнинг энг чеккасига бориб қайтганимизда ҳам куннинг тафти ҳали ўлмаган пайтда ўқир эрдилар (шом ҳақида айтган гапларини эсимдан чиқариб қўйибдирман), сизлар атама деб атайдирган хуфтонни эрса кечиктириб ўқимоқни афзал кўрар эрдилар ҳамда хуфтондан олдин ухламакни ва ундан кейин сўзлашиб ўлтирмакни ёмон кўрар эрдилар. Бомдодни киши ёнида ўтирган намозхонни танийдирган даражада ҳаво ёришганда ўқиб бўлар эрдилар ва олтмиштадан юзтагача оят тиловат қилур эрдилар»,— дедилар».

309 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كُنَّا نُصَلِّي الْعَصْرَ ، ثُمَّ يَخْرُجُ الْإِنْسَانُ إِلَى بَنِي عَمْرِو بْنِ عَوْفٍ ، فَيَحْدُثُهُمْ يُصَلُّونَ الْعَصْرَ .

Анас ибн Молик. «Биз аср ўқиётган эрдик, кейин бир киши Баний Амр ибн Авф қавми олдига бориб қараса, улар ҳам аср ўқишаётган эркан : — дедилар.

Саҳл ибн Ҳунайф разияллоҳу анҳу Абу Умомадан нақл қиладилар: «Биз Умар ибн Абдулазиз бирлан бирга пешин ўқидик, сўнг чиқиб, Анас ибн Моликнинг ҳузурларига кирдик, Ул киши аср ўқиётган эрканлар Мен: «Эй амаки, ҳозир сиз қай намозни ўқидингиз? — дедим. Ул киши: «Аср ўқидим, Жаноб Расулulloҳ биз бирлан шундрқ намоз ўқир эрдилар»,— деб жавоб қилдилар».

## 12-боб. (Яна) аср вақти қақида

310 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي الْعَصْرَ وَالشَّمْسُ مُرْتَفَعَةً حَيَّةً ، فَيَذْهَبُ الذَّاهِبُ إِلَى الْعَوَالِي ، فَيَأْتِيهِمْ وَالشَّمْسُ مُرْتَفَعَةً . وَبَعْضُ الْعَوَالِي مِنَ الْمَدِينَةِ عَلَى أَرْبَعَةِ أَمْيَالٍ ، أَوْ نَحْوِهِ .

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам қуёш баланддалигида, ҳали унинг тафти сўнмаган пайтда аср ўқир эрдилар. Кейин, йўловчи (шаҳарнинг) энг чеккасига бориб, қайтса ҳам ҳануз қуёш баландда турган бўлур эрди. Шаҳарнинг айрим чекка жойлари бирлан масжид оралиғи тўрт мил ёким шунга яқин келур эрди»,— дедилар.

Ибн Шиҳоб разияллоҳу анҳу Анас ибн Моликдан нақл қилиб: «Биз аср ўқир эрдик. Кейин, бирортамиз Масжид ул-Қабобга бориб қайтганимизда ҳам Қуёш ҳануз баландда турган бўлар эрди»,— дейдилар.

## 13-боб. Асрни қазо қилиб қўйган кишининг гуноҳи ҳақида

311 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الَّذِي تَعُوْثُهُ صَلَاةُ الْعَصْرِ ، كَأَنَّهَا وَتَرَ أَهْلَهُ وَمَالَهُ ) .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Асрни қазо қилиб қўйган одам бола-чақасию, мол-дунёсидан ажраган киши янглиғдир»,— деб айтганлар».

Абу Абдуллоҳ: «Асрни қазо қилиб қўйсангиз, бирор кишингиз ўлдирилган ёким мол-дунёингиз ўғирланган янглиғ катта йўқотиш қилгайдирсиз»,— дейдилар.

#### 14-боб. Кимки аср ўқимаса...

312 . عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّه قَالَ فِي يَوْمٍ ذِي غَيْمٍ : بَكَرُوا بِصَلَاةِ الْعَصْرِ ، فَإِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَنْ تَرَكَ صَلَاةَ الْعَصْرِ فَقَدْ حَبِطَ عَمَلُهُ ) .

*Абу Мулайх разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бурайда бирлан бирга Зу-Ғайм куни газотда бўлдиқ, ўшанда ул киши: «Асрни эртaroқ ўқингиз, Жанoб Расулulloҳ: «Аср ўқимаган киши бирор иши барбод бўлган киши янглиғдир, деб айтганлар»,— дедилар».

#### 15-боб. Аср намозининг фазилати ҳақида

313 . عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كُنَّا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَنَظَرَ إِلَى الْقَمَرِ لَيْلَةً فَقَالَ : ( إِنَّكُمْ سَتَرُونَ رَبِّكُمْ ، كَمَا تَرَوْنَ هَذَا الْقَمَرَ ، لَا تُضَامُونَ فِي رُؤْيَيْتِهِ ، فَإِنْ اسْتَطَعْتُمْ أَنْ لَا تُغْلَبُوا عَلَى صَلَاةٍ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ غُرُوبِهَا فَافْعَلُوا ) . ثُمَّ قَرَأَ : ﴿ وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ الْغُرُوبِ ﴾ .

*Жарир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга эрдик. Тунда Ойга (яъни, тўлин Ойга) қараб: «Кейинчалик, сизлар мана шул Ойни кўриб турганингиздек раббингизни кўргайдирсизлар, уни кўрурмен десангиз, бир-бирингизни ранжитмангиз! Агар кун чиқмоғи ва кун ботмоғидан олдинги намозларни шайтонга бой бермаслик қўлингиздан келгайдир, уларни доим ўқингиз!»— дедилар-да, «Қуёш чиқмоғидан бурун ҳам, Қуёш ботмоғидан бурун ҳам, раббингизни мақтаб тасбиҳ айтғил!»— деб қироат қилдилар».

314 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( يَتَعَاقِبُونَ فِيكُمْ : مَلَائِكَةٌ بِاللَّيْلِ وَمَلَائِكَةٌ بِالنَّهَارِ ، وَيَحْتَمِعُونَ فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ وَصَلَاةِ الْعَصْرِ ، ثُمَّ يَعْرُجُ الَّذِينَ بَأْثُوا فِيكُمْ ، فَيَسْأَلُهُمْ وَهُوَ أَعْلَمُ بِهِمْ : كَيْفَ تَرَكْتُمْ عِبَادِي ؟ فَيَقُولُونَ : تَرَكْنَاهُمْ وَهُمْ يُصَلُّونَ ، وَأَتَيْنَاهُمْ وَهُمْ يُصَلُّونَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларни малоикалар кечаю-кундуз кузатиб юргайдирлар. Бомдод ва асрда келиб тўпланишгайдир, сўнг сизлар бирлан бирга бўлган малоикалар Арши Аълога чиқадирлар, Оллоҳ таоло малоикалардан кўра яхшироқ билса ҳам: «Бандаларимни нечук ҳолатда ташлаб келдингиз?» — деб улардан сўрагайдир. Малоикалар: «Келаётганимизда ҳам, борганимизда ҳам намоз ўқиётган эрдилар»,— деб айтгайдирлар».

#### 16-боб. Кун потишидан олдин аср ўқиётган киши қолган бир ракъатини ўқиб улгурмаслигини фаҳмлаб қолса, намозини ўқиб тугатади

315 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :

( إِذَا أَدْرَكَ أَحَدُكُمْ سَجْدَةً مِنْ صَلَاةِ الْعَصْرِ ، قَبْلَ أَنْ تَغْرُبَ الشَّمْسُ ، فَلَيْتِمَ صَلَاتَهُ ، وَإِذَا أَدْرَكَ سَجْدَةً مِنْ صَلَاةِ الصُّبْحِ ، قَبْلَ أَنْ تَطْلُعَ الشَّمْسُ ، فَلَيْتِمَ صَلَاتَهُ ) .

*Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуёш ботмоғидан олдин аср намозининг бир саждасини ўқиб улгурмаслигини фаҳмлаб қолган одам намозини ниҳоясига етказғайдир. Қуёш чиқмоғидан олдин бомдод намозининг бир саждасини ўқиб улгурмаслигига ақли етган одам ҳам намозини тугаллағайдир»,— деб айтдилар».

### 17-боб. Шом намози ўқиладиган вақт ҳақида

Ато разияллоҳу анҳу: «Касал одам шом бирлан хуфтонни қўшиб ўқийди»,— дейдилар.

317 . عَنْ رَافِعِ بْنِ خَدِيجٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كُنَّا نُصَلِّي الْمَغْرِبَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَيَنْصَرِفُ أَحَدُنَا ، وَإِنَّهُ لَيَبْصُرُ مَوَاقِعَ نَبَلِهِ .

*Рофиъ ибн Хадийж:* «Биз Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга шомни ўтирган еримиздан ёй отсак, ўқимиз теккан жойни кўра оладиган пайтда ўқир эрдик»,— дейдилар.

318 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي الظُّهْرَ بِالْهَاجِرَةِ ، وَالْعَصْرَ وَالشَّمْسُ نَقِيَّةً ، وَالْمَغْرِبَ إِذَا وَجَبَتْ ، وَالْعِشَاءَ أحيانًا وَأحيانًا ، إِذَا رَأَوْهُمْ اجْتَمَعُوا عَجَلًا ، وَإِذَا رَأَوْهُمْ أَبْطَأُوا أحرَّ ، وَالصُّبْحَ - كَانُوا ، أَوْ - كَانِ النَّبِيُّ يُصَلِّيهَا بَعَسًا .

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешинни кун қизиган пайтда, асрни қуёш тиниқ пайтда, шомни қуёш ботганда ўқир эрдилар. Баъзида хуфтонни, намозхонларнинг тўпланганини кўрсалар, тезлаштирар эрдилар, уларнинг кечикаётганини кўрганларида эса, кечиктирар эрдилар. Бомдодни қоронғу пайтда ўқир эрдилар»,— дейдилар.

*Салама разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга шомни кун юзига парда тортганда ўқир эрдик»,— дейдилар.

### 18-боб. Шомни хуфтон деб аташларини макруҳ қилган киши ҳақида

319 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ الْمُرْنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :

( لَا تَغْلِبَنَّكُمْ الْأَعْرَابُ عَلَى اسْمِ صَلَاتِكُمُ الْمَغْرِبِ ) . قَالَ : وَتَقُولُ الْأَعْرَابُ : هِيَ الْعِشَاءُ .

*Абдуллоҳ ал-Мазиний ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бадавийларнинг шом деб аталмиш намозингизни бошқа ном бирлан атамоқларига йўл қўймангиз. Бадавийлар шомни хуфтон деб атамоқдалар»,— деб айтдилар»,

### 19-боб. Ашоъ ва атама баёни ҳамда иккаласини «Бемалол ишлатса бўлғайдир» деган киши ҳақида

*Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ашоъ (хуфтон) ва фажр (бомдод) намозлари мунофиқларга оғир келиб қолди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Атама (хуфтон) ва фажр (бомдод) намозларида нечук савоб борлигини билишса эрди!»—дедилар.

Абу Абдуллоҳ: «Ашоъ (хуфтон) деб атайдирми, атама (хуфтон) деб атайдирми, кишининг ўз ихтиёридадир, масалан, Оллоҳ таоло: «Кимки ашоъдин (хуфтондин) кейин...» деб айтадир»,— дейдилар. Абу Мусо: «Биз Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан навбатма-навбат ашоъга имомлик қилур эрдик. Бу сафар ҳам бизнинг навбатимиз эрди, иттифоқо, у киши ашоъга имомлик қилғаймен, деб салла ўраб



чиқдилар»,— дейдилар. Ибн Аббос ва Оиша онамиз: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ашоъга салла ўраб чиқдилар»,— дейдилар. Баъзилар Оиша онамиздан нақл қилиб: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам атамага (хуфтонга) салла ўраб чиқдилар»,— дейишади. Жобир разияллоҳу анҳу: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ашоъ ўқир эрдилар»,— дейдилар. Абу Барза: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ашоъни кечиктириб ўқир эрдилар»,— дейдилар. Анас: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ашоъни жуда кеч ўқидилар»,— дейдилар. Ибн Умар, Абу Айюб ва Ибн Аббос: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам шом ва ашоъ ўқидилар»,— дейишади.

*Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Тунлардан бирида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар атама деб атайдирган ашоъ (хуфтон) намозини биз бирлан бирга ўқидилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ бизга юзланиб: «Билиб қўйингиз, мана шул кечадан роппа-роса юз йил ўтгач, ер юзида ҳозир мавжуд бўлган одамлардан бирортаси ҳам қолмағайдир»,— дедилар».

## 20-боб. Намозхонлар вақтида йиғилганда ёким кеч қолганда хуфтон қачон ўқиладир?

*Муҳаммад ибн Амр ривоят қиладилар:* «Жобирдан Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нечук намоз ўқимоқларини сўрадик, ул киши: «Жаноб Расулulloҳ пешинни кун қаттиқ қизиган пайтда, асрни Қуёшнинг тафти ўлмаган пайтда, шомни Қуёш ботганда, хуфтонни эрса, масжидга одам кўп йиғилганда тездан ўқийверар эрдилар. Масжидга одам кам йиғилганда хуфтонни кечиктирар эрдилар. Бомдодни қоронғуда ўқир эрдилар — деди».

## 21-боб. Хуфтоннинг фазилати

320 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : أَعْتَمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةَ بِالْعِشَاءِ ، وَذَلِكَ قَبْلَ أَنْ يَفْشُوَ الْإِسْلَامُ ، فَلَمْ يَخْرُجْ ، حَتَّى قَالَ عُمَرُ : نَامَ النَّسَاءُ وَالصَّبِيَّانُ ، فَخَرَجَ فَقَالَ لِأَهْلِ الْمَسْجِدِ : ( مَا يَنْتَظِرُهَا أَحَدٌ مِنْ أَهْلِ الْأَرْضِ غَيْرِكُمْ ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Тунлардан бирида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтонга имомлик қилмоқлари лозим эрди. Бу воқеа ислом тарқалмасидан олдин бўлган эрди. Ўшанда Жаноб Расулulloҳ ҳадеганда масжидга чиқавермадилар, ҳатто Ҳазрат Умар: «Хотинлар ва болалар ухлаб қолдилар»,— деб овоз қилдилар. Шундан кейин Жаноб Расулulloҳ масжидга йиғилган намозхонларга қараб: «Бул намозни (хуфтонни) сизлардан бўлак ер юзида ҳеч ким ўқийдирмен, деб мунтазир бўлиб ўтиргани йўқдир»,— дедилар».

321 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كُنْتُ أَنَا وَأَصْحَابِي الَّذِينَ قَدِمُوا مَعِيَ فِي السَّفِينَةِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ نُزُولًا فِي بَقِيعِ بَطْحَانَ ، وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْمَدِينَةِ ، فَكَانَ يَتَنَوَّبُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَ صَلَاةِ الْعِشَاءِ كُلَّ لَيْلَةٍ نَفَرٌ مِنْهُمْ ، فَوَفَّقْنَا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَا وَأَصْحَابِي ، وَلَهُ بَعْضُ الشُّغْلِ فِي بَعْضِ أَمْرِهِ ، فَأَعْتَمَ بِالصَّلَاةِ حَتَّى ابْتَهَارَ اللَّيْلُ ، ثُمَّ خَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَلَّى بِهِمْ ، فَلَمَّا قَضَى صَلَاتَهُ قَالَ لِمَنْ حَضَرَهُ : ( عَلَى رِسْلِكُمْ ، أَبْشِرُوا ، إِنَّ مِنْ نِعْمَةِ اللَّهِ عَلَيْكُمْ ، أَنَّهُ لَيْسَ أَحَدٌ مِنَ النَّاسِ يُصَلِّي هَذِهِ السَّاعَةَ غَيْرِكُمْ ) . أَوْ قَالَ : ( مَا صَلَّى هَذِهِ السَّاعَةَ أَحَدٌ غَيْرِكُمْ ) . لَا يَذْرِي أَيَّ الْكَلِمَتَيْنِ قَالَ ، قَالَ أَبُو مُوسَى : فَرَجَعْنَا ، فَفَرِحْنَا بِمَا سَمِعْنَا مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Мен ва мен бирлан кемада бирга келган шерикларим Батҳон деган жойга келиб тушган эрдик, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрсалар Мадинада эрдилар. Ул киши ҳар кеча бизлардан биттамизга (навбатма-навбат) хуфтонга имомлик қилмакни тайинлар эрдилар. Мен ва менинг шерикларим ул киши бирлан келишиб олдик, ул киши баъзи бир юмушлари бўлганлиги сабабли туннинг ярмигача имомлик қилдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ чиқиб биз бирлан намоз ўқидилар. Намозни ўқиб бўлгач, ўша ерда ҳозир бўлганларга қараб: «Оллоҳ таоло сизларга ато этган неъматдан ўзгаларни ҳам секингина хабардор қилингиз, шу соатда сизлардан бошқа ҳеч ким намоз ўқиётгани йўқ!»— дедилар».

## 22-боб. Хуфтондан олдин ухламак макруҳдир

*Абу Барза разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтондан олдин ухламакни ва хуфтондан кейин сўзлашиб ўлтирмакни макруҳ дер эрдилар»,— дейдилар.

## 23-боб. Хуфтондан олдин чарчаб ухлаб қолган киши хусусида

322 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ :

أَعْتَمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْعِشَاءِ ، حَتَّى نَادَاهُ عُمَرُ : الصَّلَاةَ ، نَامَ النِّسَاءُ وَالصَّبِيَّانُ ، فَخَرَجَ فَقَالَ : ( مَا يَنْتَظِرُهَا أَحَدٌ مِنْ أَهْلِ الْأَرْضِ غَيْرِكُمْ ) . قَالَتْ : وَلَا يُصَلِّي يَوْمَئِذٍ إِلَّا بِالْمَدِينَةِ ، وَكَانُوا يُصَلُّونَ الْعِشَاءَ فِيمَا بَيْنَ أَنْ يَغِيبَ الشَّمْسُ إِلَى ثُلُثِ اللَّيْلِ الْأَوَّلِ .

وَفِي رِوَايَةٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

فَخَرَجَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَيْهِ الْآنَ ، يَقَطُرُ رَأْسُهُ مَاءً ، وَاضِعًا يَدَهُ عَلَى رَأْسِهِ ، فَقَالَ : ( لَوْلَا أَنْ أَشَقَّ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرَتِهِمْ أَنْ يُصَلُّوَهَا هَكَذَا ) .

وَحَكَى ابْنُ عَبَّاسٍ : كَيْفَ وَضَعَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى رَأْسِهِ يَدَهُ :

فَبَدَّدَ بَيْنَ أَصَابِعِهِ شَيْئًا مِنْ تَبْدِيدٍ ، ثُمَّ وَضَعَ أَطْرَافَ أَصَابِعِهِ عَلَى قَرْنِ الرَّأْسِ ، ثُمَّ ضَمَّهَا يَمْرُهَا كَذَلِكَ عَلَى الرَّأْسِ ، حَتَّى مَسَّتْ إِبْهَامَهُ طَرَفَ الْأُذُنِ ، مِمَّا يَلِي الْوَجْهَ عَلَى الصُّدْغِ وَنَاحِيَةِ اللَّحْيَةِ ، لَا يَقْصُرُ وَلَا يَبْطِشُ إِلَّا كَذَلِكَ .

وَرَوَى أَنَسُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ هَذَا الْحَدِيثَ فَقَالَ فِيهِ : كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى وَبَيْصِ خَاتَمِهِ لَيْلَتَهُ .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтонга имомлик қилмаклари лозим эрди, (ухлаб қолиб) ҳадеганда чиқавермадилар. Шунда Ҳазрат Умар: «Хотинлару болалар ухлаб қолди»,— деб овоз қилиб у кишини чақирдилар. Жаноб Расулulloҳ чиқиб: «Ер юзида сизлардан бошқа ҳеч ким хуфтон ўқийдирмен, деб мунтазир бўлиб ўлтиргани йўқдир»,— дедилар. Ўша вақтларда Мадинадан бошқа ҳеч қаерда намоз ўқилмас эрди. Хуфтонни шафақ йўқолгандан бошлаб, туннинг биринчи қисмининг учдан бири оралиғида ўқишар эрди».

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунлардан бирида хуфтон вақтида банд бўлиб қолиб, унга бир оз кечикдилар, ҳатто биз у кишини кутиб масжидда ухлаб қолдик, бир уйғониб, кейин яна ухлаб қолдик ва яна уйғондик, шундан кейингина Жаноб Расулulloҳ бизнинг олдимишга чиқдилар, сўнг бизга қараб: «Ер юзида ҳеч ким хуфтон ўқийдирмен, деб мунтазир бўлиб ўтиргани йўқдир», — дедилар». Ибн Умарнинг ўзлари, уйқу қолиблик қилиб, хуфтонни қазо қилиб қўймакдан

қўрқмасалар, ундан олдин ёким ундан кейин мизғиб олаверар эрдилар.

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунлардан бирида хуфтонга кечикдилар, ҳатто одамлар ухлаб қолдилар, уйғониб, яна бир ухлаб турдилар. Шунда Умар ибн Хаттоб туриб, «Намоз!» деб овоз қилдилар. Ато ва ибн Аббос: «Шундан кейин Жаноб Расулulloҳ икки қўллари бошларида, сочларидан сув томганча чиқиб келдилар-да, «Агар умматимга машаққат бўлмоғини хоҳлаганимда, хуфтонни шу тариқа ўқимоқни буюрар эрдим, дедилар», — деб айтишди».

#### 24-боб. Хуфтонни ярим кечагача ўқиса бўлғайдир

*Абу Барза разияллоҳу анҳунинг айтишларича,* Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтонни кечиктириб ўқимоқни афзал кўрар эрканлар.

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтонни ярим кечага бориб ўқидилар. Кейин, яна намоз ўқидилар. Сўнг: «Одамлар аллақачон намозларини ўқиб ухладилар, аммо сизлар ўқиймиз, деб кутган намозингизни (яъни, хуфтонни) ўқимақдасизлар», — дедилар.

#### 25-боб. Бомдод намозининг фазилати

*Жарир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эрдик, тўлин ойга қараб, «Сизлар мана шу ойни кўриб турганингиздек раббингизни кўрғайдирсизлар. Уни кўраман десангиз, бир-бирларингизни ранжитмангиз! Қуёш чиқмоғидан ва ботмоғидан илгариги намозларни шайтонга бой бермаслик қўлингиздан келса, уларни муттасил ўқингиз!» — дедилар. Сўнг: «Қуёш чиқмоғидан ва ботмоғидан бурун раббингни мақтаб тасбиҳ айтғил!» — деб қўшиб қўйдилар».

#### 26-боб. Бомдод ўқиладиган вақт ҳақида

324 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ زَيْدَ بْنَ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حَدَّثَهُ : أَنَّهُمْ تَسَحَّرُوا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ قَامُوا إِلَى الصَّلَاةِ . قُلْتُ : كَمْ كَانَ بَيْنَهُمَا ؟ قَالَ : قَدْرُ خَمْسِينَ أَوْ سِتِّينَ ، يَعْنِي آيَةً .

*Зайд ибн Собит ривоят қиладилар:* «Биз Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга саҳарлик қилдик, кейин туриб бомдод ўқидик. Мен: «Саҳарлик бирлан бомдод оралиғида қанча вақт бордир?» — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Эллик ёким олтмиш оят ўқиғулик фурсат бордир», — дедилар».

*Анас ибн Молик:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Зайд ибн Собит иккалалари саҳарлик қилдилар. Саҳарлик қилиб бўлишгач, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод ўқидилар», — деди. Қатода разияллоҳу анҳу: «Мен Анасдан, саҳарлик қилиб бўлишгандан то намозга киришгунларига қадар қанча вақт ўтди? — деб сўрадим», — дейдилар. Шунда Анас: «Киши алликта оят ўқиғанчалик», — деб жаюб берган эркан.

325 . عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كُنْتُ أَتَسَحَّرُ فِي أَهْلِي ، ثُمَّ يَكُونُ سُرْعَةً بِي أَنْ أُدْرِكَ صَلَاةَ الْفَجْرِ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Саҳл ибн Саъд:* «Бола-чақам бирлан саҳарлик қилаётган эрдим, бирдан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бомдод намози ўқимақ лозимлиги эсимга тушиб қолди», — дейдилар.

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Биз мусулмон аёллар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бомдод намози ўқимақ учун чодирамизга ўралиб (масжидга) борар эрдик. Сўнгра, намозни ўқиб бўлиб, уйимизга қайтаётганимизда қоронғуда

бизни ҳеч ким танимас эрди (яъни, бомдод намози ўқиб бўлинганди ҳали кун ёришмаган бўларди)»,— дейдилар.

### **27-боб. Бомдод ўқиётган одам қолган бир ракъатини қуёш чиққунча ўқиб улгурмаслигини англаса...**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бомдоднинг бир ракъатини қуёш чиққунча ўқиб улгурмаслигини фаҳмлаб қолса, қолганини ўқиб тугатсин, кимки асрнинг бир ракъатини қуёш ботгунча ўқиб улгурмаслигини фаҳмлаб қолса, уни ҳам ўқиб тугатсин!»—дедилар».

### **28-боб. Намоз ўқиётган одам қолган бир ракъатини ўқиб улгурмаслигини фаҳмлаб қолса...**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки намозининг бир ракъатини ўқиб улгурмаслигини фаҳмлаб қолса, уни ўқиб тугатсин!»—дедилар».

### **29-боб. Тонг отгандан кейин қуёш чиқиб бўлгунча намоз ўқилмайдир**

326 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : شَهِدَ عِنْدِي رَجُلٌ مَرَضِيُونَ ، وَأَرْضَاهُمْ عِنْدِي عُمَرُ ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنِ الصَّلَاةِ بَعْدَ الصُّبْحِ حَتَّى تُشْرِقَ الشَّمْسُ ، وَبَعْدَ الْعَصْرِ حَتَّى تَغْرُبَ .

Ҳазрат *Умар разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам тонг отгандан кейин қуёш чиқиб бўлгунча ва асрдан кейин қуёш ботиб бўлгунча намоз ўқимакни манъ қилдилар»,— дейдилар.

327 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا تَحْرُؤُوا بِصَلَاتِكُمْ طُلُوعَ الشَّمْسِ وَلَا غُرُوبَهَا ) . وَ قَالَ ابْنُ عُمَرَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِذَا طَلَعَ حَاجِبُ الشَّمْسِ فَأَخْرُؤُوا الصَّلَاةَ حَتَّى تَرْتَفَعَ ، وَإِذَا غَابَ حَاجِبُ الشَّمْسِ فَأَخْرُؤُوا الصَّلَاةَ حَتَّى تَغِيبَ ) .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳунинг айтишларича,* Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуёш чиқаётган ва ботаётган вақтда ўқиган намозингиздан савоб умид қилмангиз!» — деб айтган эрканлар,

*Ибн Умар разияллоҳу анҳунинг яна бир бошқа ривоятларига кўра,* Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар қуёш юзидан пардасини олаётган эрса, буткул олиб бўлгунча ёким парда тортаётган эрса, буткул тортиб бўлгунча намозингизни кечиктирингиз!» — деб айтган эрканлар.

328 . حَدِيثُ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنِ بَيْعَتَيْنِ ، وَعَنْ لِبْسَتَيْنِ ، تَقَدَّمَ ، وَزَادَ فِي هَذِهِ الرَّوَايَةِ : وَعَنْ صَلَاتَيْنِ : نَهَى عَنِ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْفَجْرِ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ ، وَبَعْدَ الْعَصْرِ حَتَّى تَغْرُبَ الشَّمْسُ .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг айтишларича,* Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки хил келишувни, икки хил кийим киймакни ва икки намозни ўқимакни манъ қилган эрканлар: тонг отгандан кейин қуёш чиқиб бўлгунча ва асрдан кейин қуёш ботиб бўлгунча намоз ўқимак; баданга ёпишиб турадирган ва бадани кўриниб турадирган кийимларни киймак; биров бирлан тил бириктириб, душманлик ҳамда алоқа қилмак.

### **30-боб. Қуёш ботмай туриб ўқилган намоз савобсиздир**

*Ибн Умар разияллоҳу анҳунинг айтишларича,* Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз қуёш чиқаётган ва батаётган пайтда намоз ўқисангиз, савобдан маҳрум бўлғайдирсиз!»—деб айтган эрканлар.

Абу Саъид Худрийнинг айтишларича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тонг отгандан кейин қуёш чиқиб бўлгунча ҳам, асрдан кейин қуёш ботиб бўлгунча ҳам намоз ўқилмағайдир»,—деб айтган эрканлар.

329 . عَنْ مُعَاوِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : إِنَّكُمْ لَتُصَلُّونَ صَلَاةً لَقَدْ صَحَّبْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَمَا رَأَيْنَاهُ يُصَلِّيَهَا ، وَلَقَدْ نَهَى عَنْهُمَا . يَعْنِي : الرَّكَعَتَيْنِ بَعْدَ الْعَصْرِ .

Ҳимрон ибн Аббон қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Муовия бир куни: «Сизлар ўқиётган намозни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга юриб ҳам бирор марта ўқиганларини кўрмаганмиз, у киши асрдан кейин икки ракъат намоз ўқимакни манъ қилган эрдилар»,— деб айтдилар».

Ҳафс ибн Осимнинг Абу Ҳурайрадан нақл қилишларича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тонг отгандан кейин қуёш чиққунча ва асрдан кейин қуёш ботгунча намоз ўқимакни макруҳ қилган эрканлар.

### 31-боб. Аср ва тонг отгандан кейинги намозлардан бошқасини манъ қилмаган киши хусусида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Мен биродарларим нечук намоз ўқиётганларини кўрган эрсам, шундоқ намоз ўқийдирмен. Мен бирор кишининг кечаси ва кундузи, истаган пайтда намоз ўқимоғига қарши эрмасмен, қуёш чиқаётган ва қуёш батаётган пайтда ўқимаса, басдир»,— дейдилар.

### 32-боб. Асрдан кейин ўқиладирган қўшимча ва шунга ўхшаш намозлар ҳақида

Умму Салама ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам асрдан кейин икки ракъат намоз ўқидилар-да, «Ҳали Абд ул-Қуддус қабиласидан келган кишилар менинг пешиндан кейин икки ракъат намоз ўқимоғимга халал бердилар»,— дедилар».

330 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ :

وَالَّذِي ذَهَبَ بِهِ ، مَا تَرَكَهُمَا حَتَّى لَقِيَ اللَّهَ تَعَالَى ، وَمَا لَقِيَ اللَّهَ تَعَالَى حَتَّى ثَقَلَ عَنِ الصَّلَاةِ ، وَكَانَ يُصَلِّي كَثِيرًا مِنْ صَلَاتِهِ قَاعِدًا ، تَعْنِي الرَّكَعَتَيْنِ بَعْدَ الْعَصْرِ ، وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّيهِمَا ، وَلَا يُصَلِّيهِمَا فِي الْمَسْجِدِ مَخَافَةَ أَنْ يُثْقَلَ عَلَى أُمَّتِهِ ، وَكَانَ يُحِبُّ مَا يُخَفِّفُ عَنْهُمْ .

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Худо ҳаққи, Жаноб Расулulloҳ Оллоҳга рўпара бўлгунларига (вафот этгунларига) қадар пешин ва асрдан кейин ўқийдиган икки ракъат намозларини сира тарк этмадилар. У киши кексайиб қолиб, ўша намозларни кўпинча ўтириб ўқийдирган бўлиб қолганларида Оллоҳга рўпара бўлдилар (вафот этдилар). Жаноб Расулulloҳ қўшимча икки ракъат намозни умматларим ҳам ўрганиб олиб, қийналиб қолмасинлар деб, масжидда ўқимас эрдилар, аксинча умматларига енгиллик яратмоққа интилар эрдилар».

331 . وَعَنْهَا - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا - قَالَتْ :

رَكَعَتَانِ ، لَمْ يَكُنْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْعُهُمَا ، سِرًّا وَلَا عَلَانِيَةً ، رَكَعَتَانِ قَبْلَ صَلَاةِ الصُّبْحِ ، وَرَكَعَتَانِ بَعْدَ الْعَصْرِ .

Ҳишомнинг оталари ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо: «Эй, синглимнинг «ўғли (жияним)! Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам асрдан кейинги икки ракъат намозни менинг ҳузуримда ўқимаган кунлари бўлмагандир»,— дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдоддан

олдинги ва асрдан кейинги ўқийдирган икки ракъат намозларини яширмас ҳам эрдилар, эълон ҳам қилмас эрдилар»,— дейдилар.

*Асвад ва Масруқ разияллоху анхумонинг айтишларича*, Оиша онамиз: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам кунда асрдан кейинги икки ракъат намозни ўқимай менинг ҳузуримга келмас эрдилар»,— деган эканлар.

### 33-боб. Ҳаво булут бўлган куни намозни эртароқ ўқимоқ ҳақида

*Абу Мулайх ривоят қиладилар:* «Ҳаво булут бўлган куни Бурайда бирлан бирга эрдик. Ул: «Намозни эртароқ ўқингиз! Набий саллаллоху алайҳи ва саллам: «Аср намозини ўқимаган киши гўёким бирор иши барбод бўлган киши янглиғдир!» — деганлар»,—деб айтди».

### 34-боб. Азон вақти ўтган бўлса ҳам азон айтилгани тўғрисида

332 . عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

سِرْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةً ، فَقَالَ بَعْضُ الْقَوْمِ : لَوْ عَرَسَتْ بِنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ ، قَالَ : ( أَحَافَ أَنْ تَنَامُوا عَنِ الصَّلَاةِ ) . قَالَ بِلَالٌ : أَنَا أَوْقِظُكُمْ ، فَاضْطَجَعُوا ، وَأَسْنَدَ بِلَالٌ ظَهْرَهُ إِلَى رَاحِلَتِهِ ، فَعَلَبَتْهُ عَيْنَاهُ فَنَامَ ، فَاسْتَيْقَظَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَدْ طَلَعَ حَاجِبُ الشَّمْسِ ، فَقَالَ : ( يَا بِلَالُ ، أَيْنَ مَا قُلْتَ ) . قَالَ : مَا أَلْقَيْتُ عَلَى نَوْمَةٍ مِثْلَهَا قَطُّ ، قَالَ : ( إِنَّ اللَّهَ قَبَضَ أَرْوَاحَكُمْ حِينَ شَاءَ ، وَرَدَّهَا عَلَيْكُمْ حِينَ شَاءَ ، يَا بِلَالُ قُمْ ، فَأَذِّنْ بِالنَّاسِ بِالصَّلَاةِ ) . فَتَوَضَّأَ ، فَلَمَّا ارْتَفَعَتِ الشَّمْسُ وَابْيَضَّتْ ، قَامَ فَصَلَّى .

*Абу Қатода оталаридан нақл қиладилар:* «Биз Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам бирлан бирга кечаси йўлга чиқдик. Йўлда учраган қавмлардан бири: «Ё Расулulloх, бизга бир меҳмон бўлиб кетсангиз!» — дейишди. Жаноб Расулulloх: «Ухлаб қолиб, намозга туролмай қолғайсизларми, деб қўрқаймен»,— дедилар. Шунда Билол: «Мен сизларни уйғотиб қўюрмен»,—деди. Меҳмондорчиликдан кейин уйқуга ётишди, Билол туясига ястаниб ухлаб қолди. Набий саллаллоху алайҳи ва саллам уйғотганларида офтоб юзидан ниқобини олган эрди. Жаноб Расулulloх: «Эй Билол! Қани айтганингни қилганинг?» — дедилар. Билол: «Уйқу мени енгиб қўйибдир»,— деди. Жаноб Расулulloх: «Оллох таоло истаган вақтида жонингизни олиб, истаган вақтида сизга жон ато этгайдир, эй Билол, турғил, азон айтиб, одамларни намозга чақирғил!»—дедилар. Кейин, туриб таҳорат қилдилар. Қуёш кўтарилиб, кун ёришиб кетганда намоз ўқидилар».

### 35-боб. Вақт ўтган бўлишига қарамасдан одамлар бирлан жамоат бўлиб намоз ўқимоқ хусусида

333 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا :

أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ جَاءَ يَوْمَ الْخَنْدَقِ بَعْدَمَا غَرَبَتِ الشَّمْسُ ، فَجَعَلَ يَسُبُّ كُفَّارَ قُرَيْشٍ ، قَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، مَا كِدْتُ أُصَلِّيَ الْعَصْرَ ، حَتَّى كَادَتِ الشَّمْسُ تَغْرُبُ ، قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( وَاللَّهِ مَا صَلَّيْتُهَا ) . فَقَمْنَا إِلَى بَطْحَانَ ، فَتَوَضَّأَ لِلصَّلَاةِ وَتَوَضَّأْنَا لَهَا ، فَصَلَّى الْعَصْرَ بَعْدَمَا غَرَبَتِ الشَّمْسُ ، ثُمَّ صَلَّى بَعْدَهَا الْمَغْرِبَ .

*Жобир ибн Абдуллох ривоят қиладилар:* «Хандақ куни қуёш ботгач, Умар ибн Хаттоб келиб, Қурайш кофирларини сўка бошладилар, сўнг: «Ё Расулulloх, қуёш ботай деб турганда зўрға аср ўқиб улгурдим»,— дедилар. Жаноб Расулulloх: «Худо ҳаққи, намоз ўқимабсен»,— дедилар. Кейин, Батҳонга жўнадик, етиб боруач, таҳорат олдилар, биз ҳам таҳорат олдик. Сўнг, қуёш ботгач, аср ўқидилар, ундан кейин шом ўқидилар».

### 36-боб. Бирор намозни эсидан чиқариб ўқимаган одам эсига тушганда ўша намознигина иода қилгайдир (қайта ўқиғайдир)

Иброҳим разияллоҳу анҳу: «Кимки йигирма йил давомида намозлардан бирини ўқимаган эрса, ўша ўқимаган намозинигина иода қилгайдир».— дейдилар.

334 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَنْ نَسِيَ صَلَاةً فَلْيُصَلِّ إِذَا ذَكَرَهَا ، لَا كَفَّارَةَ لَهَا إِلَّا ذَلِكَ : ﴿ وَأَقِمِ الصَّلَاةَ لِذِكْرِي ﴾ ) .

*Анас разияллоҳу анҳунинг айтишларича*, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бирор намозни унутиб ўқимаган эрса, эсига тушганда ўқиғайдир, ўқилмай қолган намоз учун ўша намознинг ўзини иода қилмақдан бошқа каффорат йўқдир, (Оллоҳни) хотирлаб намоз ўқигил!» —деган эканлар.

### 37-боб. Аввал қазо бўлган намоз ўқилгайдир

*Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар*: «Хандақ куни Умар ибн Хаттоб Қурайш кофирларини сўкиб: «Ё Расулаллоҳ, қуёш ботай деб турганда зўрға аср ўқиб улгурдим»,— дедилар. Кейин, Батҳонга бордик. Қуёш ботгандан сўнг аср, кейин шом ўқидилар».

### 38-боб. Хуфтондан кейин гаплашиб ўтирмақни ёқтирмаганликлари ҳақида

*Абу Минҳол ривоят қиладилар*: «Отам бирлан бирга Абу Барзанинг ҳузурларига бордик. Отам ул кишига: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам беш вақт намозни нечук ўқир эрдилар, бизга айтиб беринг!»— дедилар. Абу Барза: «Сизлар увло деб атайдирган пешинни кун оққан пайтда, асрни бирортамиз шаҳарнинг энг чеккасига бориб уйимизга қайтганимизда ҳам куннинг тафти ҳали ўлмаган пайтда ўқир эрдилар (Шом ҳақида айтган сўзларини эсимдан чиқариб қўйибдирман), хуфтонни эрса, кечиктириб ўқимакни афзал кўрар эрдилар, хуфтондан олдин ухламакни ҳам, ундан кейин сўзлашиб ўлтирмакни ҳам ёқтирмас эрдилар. Бомдодни киши ёнида ўлтирган намозхонни танийдирган даражада ҳаво ёришганда ўқиб бўлур эрдилар ва олтмиштадан юзтагача оят тиловат қилур эрдилар»,— деб айтдилар».

### 39-боб. Хуфтондан кейин фикқ ва савоб ҳақида сўзлашиб ўтирмақ

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар*: «Бир куни ярим кечага яқинлашиб қолган пайтда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб биз бирлан намоз ўқидилар, сўнг: «Одамлар намоз ўқиб бўлиб, аллақачон ухладилар, шундоқ эмасмидир? Сизлар эрсангиз, ҳануз жойнамозни тарк этганингиз йўқдир, савоб умид айлаб ибодат қилмақдасиз, савоб умид айлайверингиз!» — деб хутба айтдилар»,

336 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : صَلَّى بِنَا النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاةَ الْعِشَاءِ فِي آخِرِ حَيَاتِهِ ، فَلَمَّا سَلَّمَ ، قَامَ فَقَالَ : ( أَرَأَيْتُمْ لَيْلَتَكُمْ هَذِهِ ، فَإِنَّ رَأْسَ مِائَةِ سَنَةٍ مِنْهَا ، لَا يَبْقَى مِنْهُنَّ هُوَ الْيَوْمَ عَلَى ظَهْرِ الْأَرْضِ أَحَدٌ ) . يُرِيدُ بِذَلِكَ أَنَّهَا تَخْرُمُ ذَلِكَ الْقُرْآنَ .

*Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар*: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётларида сўнгги бор хуфтон ўқидилар. Икки елкаларига салом берганларидан, сўнг. туриб: «Мана шу кўриб турган кечангиздан бошлаб юз йил ўтгач, Ер юзида ҳозир мавжуд бўлган кишилардан бирортаси ҳам қолмағайдир»,— дедилар. Одамлар Жаноб Расулаллоҳнинг сўзларини юз йил ичида ҳеч ким қолмас эркан, деб нотўғри тушунишиб, ваҳимага тушдилар. Аслида эрса, Жаноб Расулаллоҳ бугун мана шу ерда ўтирган тенгкурлардан бирортаси ҳам қолмаслигини назарда тутган эрдилар.

#### 40-боб. Хуфтондан кейин бола-чақалари ва меҳмонлар бирлан сўзлашиб ўтирмақ ҳақида

337 . عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ أَصْحَابَ الصُّفَّةِ كَانُوا أَنَاثًا فَقَرَاءَ ، وَأَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَنْ كَانَ عِنْدَهُ طَعَامٌ اثْنَيْنِ فَلْيَذْهَبْ بِنَالِثٍ ، وَإِنْ أَرَبَعٍ فَخَامِسٌ أَوْ سَادِسٌ ) . وَإِنَّ أَبَا بَكْرٍ جَاءَ بِثَلَاثَةٍ ، فَأَنْطَلَقَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِعَشْرَةٍ ، قَالَ : فَهُوَ أَنَا وَأَبِي وَأُمِّي ، فَلَا أُدْرِي قَالَ : وَأَمْرَانِي وَخَادِمٌ ، بَيْنَنَا وَبَيْنَ بَيْتِ أَبِي بَكْرٍ ، وَإِنَّ أَبَا بَكْرٍ تَعَشَّى عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، ثُمَّ لَبِثَ حَيْثُ صُلِّيتِ الْعِشَاءُ ، ثُمَّ رَجَعَ فَلَبِثَ حَتَّى تَعَشَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَجَاءَ بَعْدَ مَا مَضَى مِنَ اللَّيْلِ مَا شَاءَ اللَّهُ ، قَالَتْ لَهُ امْرَأَتُهُ : وَمَا حَبَسَكَ عَنْ أَضْيَافِكَ ، أَوْ قَالَتْ ضَيْفِكَ ؟ قَالَ : أَوْ مَا عَشَيْتِهِمْ ؟ قَالَتْ : أَبُوَا حَتَّى تَجِيءَ ، قَدْ عَرَضُوا فَأَبَوْا ، قَالَ : فَذَهَبْتُ أَنَا فَاحْتَبَأْتُ ، فَقَالَ : يَا عُنْثُرُ ، فَجَدِّعْ وَسَبِّ ، وَقَالَ : كُلُوا لَا هَنِيئًا ، فَقَالَ : وَاللَّهِ لَا أَطْعَمُهُ أَبَدًا ، وَإِيمُ اللَّهِ ، مَا كُنَّا نَأْخُذُ مِنْ لُقْمَةٍ إِلَّا رَبًّا مِنْ أَسْفَلِهَا أَكْثَرُ مِنْهَا ، قَالَ ، يَعْنِي ، حَتَّى شَبِعُوا ، وَصَارَتْ أَكْثَرُ مِمَّا كَانَتْ قَبْلَ ذَلِكَ ، فَنَظَرَ إِلَيْهَا أَبُو بَكْرٍ فَإِذَا هِيَ كَمَا هِيَ أَوْ أَكْثَرُ مِنْهَا ، فَقَالَ لِامْرَأَتِهِ : يَا أُخْتِ بَنِي فِرَاسٍ ، مَا هَذَا ؟ قَالَتْ : لَا وَفُرَّةٌ عَيْنِي ، لَهَا الْآنَ أَكْثَرُ مِنْهَا قَبْلَ ذَلِكَ بِثَلَاثِ مَرَّاتٍ ، فَأَكَلَ مِنْهَا أَبُو بَكْرٍ وَقَالَ : إِنَّمَا كَانَ ذَلِكَ مِنَ الشَّيْطَانِ ، يَعْنِي يَمِينَهُ ، ثُمَّ أَكَلَ مِنْهَا لُقْمَةً ثُمَّ حَمَلَهَا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَصْبَحَتْ عِنْدَهُ ، وَكَانَ بَيْنَنَا وَبَيْنَ قَوْمٍ عَقْدٌ ، فَمَضَى الْأَجَلَ ، فَفَرَّقْنَا اثْنَيْ عَشَرَ رَجُلًا ، مَعَ كُلِّ رَجُلٍ مِنْهُمْ أَنَا ، اللَّهُ أَعْلَمُ كَمْ مَعَ كُلِّ رَجُلٍ ، فَأَكَلُوا مِنْهَا أَجْمَعُونَ . أَوْ كَمَا قَالَ .

*Абдурраҳмон ибн Абу Бакр ривоят қиладилар:* «Асҳоб ус-суффа, яъни масжиднинг ҳовлисидаги супада яшайдирган уйсиз кишилар ниҳоятда камбағал эрдилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг уйида икки кишига етғулик овқат бўлса, уч кишини, тўрт кишига етғулик овқат булса, беш-олти кишини олиб кетиб, тўйғазсин!» — дедилар. Абу Бакр уч кишини олиб келдилар. Жаноб Расулulloҳ эрса ўн кипшни олиб кетдилар (Уларнинг ичида мен, отам, онам, билмайман, яна хотиним, Абу Бакр бирлан пайғамбаримизнинг хонадонлари ўртасидаги югурдак ҳам бор эрди шекилли). Абу Бакр пайғамбаримизнинг овқатланиб олмоқларини кутиб турдилар. Туннинг худо хоҳлаганча қисми ўтгандан кейин уйларига қайтдилар. Шунда хотинлари: «Меҳмонларни ташлаб қай ерларда юрибсиз?» — деди. Абу Бакр: «Уларни овқатлантирмадингми?» — дедилар. Хотинлари: «Сизни келасиз деб унамадилар, кетиб қолдилар»,— деди. Абу Бакр сўкиндилар-да: «Ўзларингиз еяверингиз, худо хаққи, мен сира емасмен!»— дедилар. Оялоҳга қасам ичиб айтурменким, овқатни қанча есак ҳам, камаймак ўрнига кўпайиб борар эрди. Биз тўйгунимизча едик, лекин овқат илгаригидан ҳам кўпайиб кетди. Абу Бакр буни кўриб, хотинларига: «Эй Баний Фироснинг синглиси, нега бундай бўлди?»—дедилар. Хотинлари: «Кўзларимға ишонгим келмас, овқат илгаригидан уч баробар кўпайиб кетди»,— деди. Абу Бакр овқатдан едиларда: «Бу шайтоннинг ишидир»,— дедилар. Яъни, овқат емасмен, деб ичган қасамларини назарда тутдилар. Кейин, яна бир луқма еб, қолганини Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб кетдилар. Мен ўша ерда қолиб тонг оттирдим. Биз бирлан бир қавм ўртасида иттифоқ тузилган бўлиб, унинг вақти ўтган эрди. Биз ўн икки киши бўлиб ажралиб чикдик. Уларнинг ҳар бири бирлан қанча одам келганини билар эрдим, барчалари биргаликда ўша овқатдан едилар».

#### БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ АЗОН (АЙТИШ) КИТОБИ



**1-боб. Азон айтишнинг бошланиши (тарихи) ва Оллоҳ таолонинг: «Агар намозга азон айтгайдирсиз, мушриклар масхара қилгайдирлар, чунким алар Оллоҳга қилинадирғон ибодатга ақли етмайдирғон қавмдир» ҳамда «намозга азон айтилса, жумъа кунидан бошлаб айтилсин!» — деган каломи шарифи**

Анас *разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «(Жаноб Расулulloҳ) одамларни намозга чақирмоқ учун (аввал) ўт ёқмоқ, занг чалмоқ лозимлигини айтдилар, сўнг яҳудий ва насороларнинг ибодатга қандай даъват қилганликлари эсларига тушиб, Билолга азон жумлаларини икки мартадан, такбир жумлаларини эрса бир мартадан айтмакни буюрдилар».

338 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا كَانَ يَقُولُ : كَانَ الْمُسْلِمُونَ حِينَ قَدِمُوا الْمَدِينَةَ يَجْتَمِعُونَ يَتَحَيَّنُونَ لِلصَّلَاةِ ، لَيْسَ يُنَادِي لَهَا ، فَتَكَلَّمُوا يَوْمًا فِي ذَلِكَ ، فَقَالَ بَعْضُهُمْ : اتَّخَذُوا نَاقُوسًا مِثْلَ نَاقُوسِ النَّصَارَى ، وَقَالَ بَعْضُهُمْ : بَلْ يَوْقًا مِثْلَ قَرْنِ الْيَهُودِ ، فَقَالَ عُمَرُ : أَوْلَا تَبْعَثُونَ رَجُلًا يُنَادِي بِالصَّلَاةِ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( يَا بِلَالُ ، قُمْ فَنادِ بِالصَّلَاةِ ) . (

*Ибн Умар айтар эрдилар:* «Мусулмонлар Мадинага келганларида бир ерга тўпланишиб, намоз вақтини белгилаб олишур эрдилар. Намозга азон айтишмас эрдилар. Бир куни намозга чақирмоқ тўғрисида сўзлашиб қолдилар. Баъзилар: «Насоролар занг чалгани каби занг чалингиз!» — деса, баъзилар: «Яҳудийлар шуббур (карнай) чалгани сингари бир нарса чалайлик!» — дейишди. Шунда Ҳазрат Умар: «Намозга чақирмоққа бир кишини юбормайсизларми?» — дедилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Билол, турғил ўрнингдан, намозга чақирғил!» — деб айтдилар».

**2-боб. Азон жумлалари икки марта-икки мартадан айтиладир**

339 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أُمِرَ بِلَالٌ أَنْ يَشْفَعَ الْأَذَانَ ، وَأَنْ يُوتِرَ الْإِقَامَةَ ، إِلَّا الْإِقَامَةَ .

Анас *разияллоҳу анҳу:* «Билолга азоннинг жумлаларини жуфт-жуфт қилиб, такбирни тоқ қилиб, «Қад қомат-ис-салот» ни эрса икки марта айтмак буюрилди»,— дейдилар.

*Анас разияллоҳу анҳу:* «Одамлар тўплангач, намоз вақти бўлганлигини бирор нарса бирлан маълум қилмак кераклиги ҳақида сўзлашдилар. Аввал, ўт ёқмак ёким занг чалмак керак, дейишди. Шунда Билолга азонни жуфт қилиб, такбирни эрса тоқ қилиб айтмак буюрилди»,— дейдилар.

**3-боб. Такбир тоқ, «Қад қомат-ис-салот» жуфтдир**

Анас *разияллоҳу анҳу:* «Билолга азон сўзларини жуфт-жуфт қилиб, такбир сўзларини эрса тоқ айтмак буюрилди»,— дейдилар. Исмоил: «Ушбунни Айюбга айтган эрдим, «Лекин, Қад қомат-ис-салот» жуфт айтиладир» — деди»,— дейдилар.

**4-боб. Азон айтмакнинг фазилати**

340 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :

( إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ ، أَدْبَرَ الشَّيْطَانُ وَلَهُ ضُرَاطٌ ، حَتَّى لَا يَسْمَعَ التَّأْدِينَ ، فَإِذَا قُضِيَ النَّدَاءُ أَقْبَلَ ، حَتَّى إِذَا تَوَبَّ بِالصَّلَاةِ أَدْبَرَ ، حَتَّى إِذَا قُضِيَ التَّوْبُّ أَقْبَلَ ، حَتَّى يَخْطُرَ بَيْنَ الْمَرْءِ وَنَفْسِهِ ، يَقُولُ : اذْكُرْ كَذَا ، اذْكُرْ كَذَا ، لِمَا لَمْ يَكُنْ يَذْكُرُ ، حَتَّى يَظُلَّ الرَّجُلُ لَا يَذْرِي كَمَ صَلَّى ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни айтиб бердилар:* «Расулulloҳ

саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Намозга азон айтилган кезде шайтон орқасидан ел чиқариб, то азон эшитилмайдирган ергача қочғайдир. Азон айтиб бўлингач, тағин қайтиб келғайдир. Такбир айтилмоғи бирлан яна орқасига қочғайдир. Муаззин такбир айтмакни тугатгач, намозхонларнинг дилига ғулғула солмак учун тағин қайтиб келғайдир. Шайтон: «Фалон нарсани эслағил, пистон нарсани эслағил»,— деб намозхоннинг намоздан олдин эсига келмаган нарсаларни эслатғайдир, ҳатто намозхон неча рақъат ўқиганини билмай қолғайдир»,— деганлар».

### 5-боб. Баланд овоз бирлан азон айтмоқ

Умар ибн Абдулазиз: «Азонни аниқ, баланд овоз бирлан, оҳангга солмасдан айтғил, агар шундоқ қилмассен, бизга муаззинлик қилмоққа ярамассен!» — деганлар.

*Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳга боболари куйидаги ҳадисни айтиб берган эрканлар:* «Абу Саъид ал-Худрий менга: «Назаримда, сен қўйни ва далани яхши кўрадирган кўринғайсен, агар қўй боқаётган эрсанг ёким шунчаки далада эрсанг-у, намозга азон айтсанг, азонни баланд овоз бирлан айтғил, чунким паст овоз бирлан айтсанг, узоқдаги хоҳ жин, хоҳ инсон, хоҳ жонли ва хоҳ жонсиз нарса бўлсин, товушингни эшитмай қолғайдир. Улар қиёматда сенинг азон айтганингга гувоҳлик берғайдир»,— дегандилар. Абу Саъид ал-Худрий: «Буни мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитгандим»,— дейдилар».

### 6-боб. Азон овозини эшитиши бирлан қон тўкмоқни тўхтатғайдир

342 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا غَزَا بِنَا قَوْمًا ، لَمْ يَكُنْ يَغْزُو بِنَا حَتَّى يُصْبِحَ وَيَنْظُرَ : فَإِنْ سَمِعَ أَذَانًا كَفَّ عَنْهُمْ ، وَإِنْ لَمْ يَسْمَعْ أَذَانًا أَغَارَ عَلَيْهِمْ .

*Анас ибн Молик куйидаги ҳадисни айтиб бердилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар биз бирлан бирор қавм уруш қилаётган эрса, тонг отгунча урушгани қўймас эрдилар. Тонгда азон овозини эшитиб урушни тўхтатар эрдилар, азон овозини эшитмасалар, урушни давом эттираверардилар. Бир куни Хайбарга қараб йўлга чиқиб, тунда етиб бордик. Тонг отгач, ҳали азон айтилмаган пайтда, отам Абу Талҳа уловларини миндилар, мен орқаларига мингашиб олдим, оёғим Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёқларига тегиб борар эрди. Хайбарликлар сават ва кетмонларини кўтариб, қаршимизга чиқдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб: «Бу Муҳаммаддир, худо ҳаққи, бу Муҳаммаддир! — дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни кўриб: «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар, Хайбар хароб бўлди, биз бирор қавмнинг ҳовлисиға келиб тушсак, бизни чақимчилик қилганларнинг ҳолига войдир!» — дедилар».

### 7-боб. Азон овозини эшитган киши не дейдир?

343 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا سَمِعْتُمُ النَّدَاءَ ، فَقُولُوا مِثْلَ مَا يَقُولُ الْمُؤَدِّنُ ) .

*Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Азон овозини эшитганингизда муаззин айтаётган сўзларни такрорлаб турингиз!» — деганлар».

*Исо ибн Талҳа:* «Бир куни мен Муовиянинг муаззин айтаётган сўзларни «Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулulloҳ» деган жойигача такроран айтиб турганини кўрдим», — дейдилар.

و عَنْ مُعَاوِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ مِثْلَهُ ، إِلَى قَوْلِهِ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولَ اللَّهِ . وَلَمَّا قَالَ حَيَّ عَلَى الصَّلَاةِ ، قَالَ : لَا حَوْلَ وَلَا

قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ ، وَقَالَ : هَكَذَا سَمِعْتُ نَبِيَّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ .

*Яхё ибн Абу Касийр* юқоридаги ҳадисга ўхшаш ҳадисни ривоят қила туриб, дедилар: «Баъзи биродарларимиз менга айтдиларки, Муовия, муаззин «Ҳаййа алас-салот» деганда, «Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳи» деб айтибди-да: «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам шундоқ деганларини эшитгандирман», — дебди».

### 8-боб. Азонни эшитиб бўлгач, дуо айтмоқ

344 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :

( مَنْ قَالَ حِينَ يَسْمَعُ النِّدَاءَ : اللَّهُمَّ رَبِّ هَذِهِ الدَّعْوَةُ التَّامَّةُ ، وَالصَّلَاةُ الْقَائِمَةُ ، آتِ مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ ، وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتُهُ ، حَلَّتْ لَهُ شَفَاعَتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ ) .

*Жобир ибн Абдуллоҳ* ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки азонни эшитгач, «Илоҳи, ушбу мукамал даъват ҳамда абадий намоз соҳиби бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломнинг мартабасини улуғ қилиб, неъматларингни анга бисёр қилгайсан, ул зотга ўзинг ваъда қилган мақоми маҳмудни (энг шарафли ўринни) ато этгайсан!» деса, қиёматда мен уни шафоат қилгайдирман», — деганлар.

### 9-боб. «Мен азон айтаман» деб талашмоқ

Бир куни қавмлар азон айтмакни талашиб қолдилар. Шунда Саъд ибн Ваққос чек ташладилар, чекига тушган киши азон айтди.

345 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :

( لَوْ يَعْلَمُ النَّاسُ مَا فِي النِّدَاءِ وَالصَّفِّ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ لَمْ يَجِدُوا إِلَّا أَنْ يَسْتَهْمُوا عَلَيْهِ لَاسْتَهْمُوا ، وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي التَّهَجِيرِ لَاسْتَبَقُوا إِلَيْهِ ، وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي الْعَتَمَةِ وَالصُّبْحِ ، لَأَتَوْهُمَا وَلَوْ حَبَوًّا ) .

*Абу Ҳурайра* ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамлар азон айтмакнинг ҳамда биринчи сафда туриб намоз ўқимакнинг қанчалик савоби борлигини билганларида эрди, ҳеч бўлмаганда чек ташлаб, ўз ниятларига эришган бўлур эрдилар. Агар одамлар жамоат бирлан намоз ўқимакнинг савобини билгай эрдилар, ким ўзарга масжидга ргуриб кетган бўлур эрдилар. Агар одамлар бомдод бирлан хуфтон намозини жамоат бирлан бирга ўқимақда не савоб борлигини билсалар эрди, эмаклаб бўлса ҳам боришгай эрдилар», — деганлар».

### 10-боб. Азон айтаётиб бошқа сўзларни айтиб юбориш

Сулаймон ибн Сурд азон айтаётиб бошқа сўзларни ҳам гапириб юбордилар.

Ҳасан Басрий: «Азон ёким такбир айтаётиб кулмоқнинг зарари йўқдир», — дейдилар.

*Абдуллоҳ ибн Ҳарс* ривоят қиладилар: «Ёғингарчилик бўлиб турган кунлардан бирида Ибн Аббос бизга ваъз айтдилар. Муаззин «Ҳаййа ала-с-салот» деб айтаётганда Ибн Аббос уни тўхтатиб, «Намозни ҳар ким ўз жойида ўқисин!» — деб қичқирмакни буюрдилар. Кишилар ажабланиб бир-бирларига қарадилар. Шунда Ибн Аббос: «Ибн Аббосдан яхшироқ киши (яъни, Расулulloҳ) ҳам шундай қилгандирлар. Бугун жумъа, шундай қилса бўлгайдир», — дедилар».

### 11-боб. Кўзи ожиз одам, агар унга намоз вақти бўлганлиги хабар қилинса, азон айтиш мумкин

346 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِنَّ بِلَالًا يُؤَذِّنُ بِلَيْلٍ ، فَكُلُّوا وَاشْرَبُوا حَتَّى يُنَادِيَ ابْنَ أُمِّ مَكْتُومٍ ) . ثُمَّ قَالَ : وَكَانَ رَجُلًا أَعْمَى ، لَا يُنَادِي حَتَّى يُقَالَ لَهُ : أَصْبَحْتَ أَصْبَحْتَ .

*Солим ибн Абдуллоҳпинг оталари Абдуллоҳ ибн Умар қуйидаги ҳадисни айтиб бердилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билал (бомдод намози учун) жуда эрта азон айтғайдир. Сизлар Ибн Умми Мактум азон айтгунча еб-ичиб ўтираверингиз»,— дедилар. Ибн Умми Мактум кўзи ожиз одам эрди. Бирор киши унга: «Тонг отди, тонг отди» деб айтмагунча, азон айтмас эрди».

### 12-боб. Тонг отгандан кейин азон айтмоқ

347 . عَنْ حَفْصَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا اعْتَكَفَ الْمُؤَذِّنُ لِلصُّبْحِ ، وَبَدَأَ الصُّبْحُ ، صَلَّى رَكَعَتَيْنِ خَفِيفَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ تُقَامَ الصَّلَاةُ .

*Абдуллоҳ ибн Умар нақл қиладилар:* «Умм ул-муъминин (мўминлар онаси) Ҳафса (Расулulloҳнинг хотинлари): «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муаззин бомдодга азон айтмақдан кечикиб қолса-ю, тонг отиб қолса, (масжидда) намоз бошланмагидан аввал енгилгина икки ракъат намоз ўқиб олар эрдилар»,— деб айтганлар».

*Оиша разияллоҳу анҳо нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намози учун айтиладиган азон бирлан такбир ўртасида енгилгина икки ракъат намоз ўқиб олар эрдилар».

*Абдуллоҳ ибн Умар қуйидаги ҳадисни айтиб бердилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билал кечаси (жуда эрта) азон айтғайдир, сизлар Ибн Умми Мактум азон айтгунча еб-ичаверингиз»,— деганлар».

### 13-боб. Бомдоддан аввал азон айтмоқ

348 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لَا يَمْنَعَنَّ أَحَدُكُمْ ، أَوْ أَحَدًا مِنْكُمْ ، إِذَا نُبِئَ مِنْ سُحُورِهِ ، فَإِنَّهُ يُؤَذِّنُ ، أَوْ يُنَادِي ، بِلَيْلٍ ، لِيَرْجِعَ قَائِمَكُمْ وَلَيْتَبَهُ نَائِمَكُمْ ، وَلَيْسَ أَنْ يَقُولَ الْفَجْرُ أَوْ الصُّبْحُ ) . وَقَالَ بِأَصَابِعِهِ ، وَرَفَعَهَا إِلَى فَوْقِ ، وَطَاطَأَ إِلَى أَسْفَلِ : ( حَتَّى يَقُولَ هَكَذَا ) . يُشِيرُ بِسَبَابَتَيْهِ ، إِحْدَاهُمَا فَوْقَ الْأُخْرَى ، ثُمَّ مَدَّهُمَا عَنْ يَمِينِهِ وَشِمَالِهِ .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд бундай дейдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билал азон айтганда бирортангиз саҳарлик қилмоқдан тўхтамангиз, чунки муаззин ухлаб ётганларни уйғотмоқ учун, уйғоқларни намозга чорламоқ учун қоронғуда азон айтғайдир»,— дедилар. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бармоқларини осмонга кўтариб пастга туширдилар-да, «Бу ҳали тонг отганини англамағайдир, мана бундоқ бўлса, тонг отган бўлур»,— деб бармоқларини энди уфқ бўйлаб юргиздилар» (яъни, қуёш нурлари аввал тиккасига таралғайдир, бу тонг отди, дегани эрмас, нур кўндалангига таралсагина тонг отган ҳисобланғай).

*Ибн Умар разияллоҳу анҳо:* «Оиша онамиз бундоқ дегандилар»,— дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билал кечаси азон айтғайдир. Сизлар Ибн Умми Мактум азон айтгунча, еб-ичаверингиз»,— деганлар».

### 14-боб. Азон билан такбир орасида қанча вақт бор? Намоз ўқишнинг бошланмоғини кутиб ўтирган киши

349 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُعَقَّلٍ الْمُرْنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( بَيْنَ كُلِّ آذَانَيْنِ صَلَاةٌ ) .

— ثَلَاثًا — لِمَنْ شَاءَ .

وَفِي رِوَايَةٍ : ( بَيْنَ كُلِّ آذَانَيْنِ صَلَاةٌ ، بَيْنَ كُلِّ آذَانَيْنِ صَلَاةٌ ) . ثُمَّ قَالَ فِي الثَّلَاثَةِ : ( لِمَنْ شَاءَ ) .

*Абдуллоҳ ибн Мағфал ал-Музаний ривоятлари:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир азон бирлан такбир ўртасидаги вақтда истаган киши бир карра намоз ўқиб олса бўлур»,— деб уч бор қайтариб айтдилар».

*Анас ибн Молик қуйидагини айтиб бердилар:* «Муаззин азон айтса, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ўринларидан туриб, ўзлари намоз ўқийдирган устунлар қаршисига шошилишар эрди, ҳатто Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларидан чиққанларида улар азон бирлан такбир оралиғида ўқийдирган намозни ўқиётган бўлишарди. Шом намозидан аввал улар ҳам икки ракъат намоз ўқиб олишарди. Азон бирлан такбир ўртасидаги вақт унчалик кўп бўлмас эрди».

Имом Бухорий: «Шом намозининг азони бирлан такбири орасида ҳеч қанча вақт йўқ эрди»,— дейдилар. Имом Нававий: «Шомнинг азони бирлан такбири ўртасида икки ракъат намоз ўқимак мустаҳабдир»,— дейдилар. Имом Молик: «Шомда азон бирлан такбир орасида намоз ўқимоқ жоиздир»,— дейдилар. Ҳанафийлар эрса: «Шомнинг азони бирлан такбири ўртасида уч қадам юргудек фурсат бордир»,— дейишади.

### 15-боб. Такбир айтилмоғини кутиб турган киши

*Оиша онамиз бундай деганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муаззин бомдод намозига азон айтиб бўлгач, ўринларидан туриб, тонг отгунича энгилгина икки ракъат намоз ўқиб олар эрдилар, сўнг муаззин такбир айтгунича ўнг томонларини босиб ёнбошлар эрдилар».

### 16-боб. Хоҳлаган киши ҳар бир азон бирлан такбир ўртасида намоз ўқиб олмоғи мумкин

*Абдуллоҳ ибн Мағфал бундай деганлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир азон бирлан такбир ўртасида намоз бордир, ҳар биз азон бирлан такбир ўртасида намоз бордир. учинчиси хоҳлаган кишига»,— дедилар».

### 17-боб. «Биттангиз азон айтингиз», деган киши хусусида

350 . عَنْ مَالِكِ بْنِ الْحُوَيْرِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي نَفَرٍ مِنْ قَوْمِي ، فَأَقَمْنَا عِنْدَهُ عِشْرِينَ لَيْلَةً ، وَكَانَ رَحِيمًا رَفِيقًا ، فَلَمَّا رَأَى شَوْقَنَا إِلَى أَهْلِيْنَا ، قَالَ : ( ارجعوا فكونوا فيهم ، وعلموهم ، وصلوا ، فإذا حضرت الصلاة فليؤذن لكم أحدكم ، وليؤمكم أكبركم ) .

(

وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي رِوَايَةٍ : أَتَى رَجُلَانِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُرِيدَانِ السَّفَرَ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِذَا أَنْتُمَا خَرَجْتُمَا ، فَأَذِّنَا ، ثُمَّ أَفِيْمَا ، ثُمَّ لِيؤمكمم أكبركمم ) .

*Молик ибн ал-Ҳувайрис ривоят қиладилар:* «Қавмимга тегишли бир неча киши бирлан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларига келдим. Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида 20 кун турдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жуда ҳам раҳмдил ва меҳрибон эрканлар. Аҳлимизни соғинганимизни кўргач, «Аҳлингизга қайтингиз, улар бирлан бирга бўлингиз, уларга ўргатингиз, намоз ўқингиз, намоз тақти бўлса, бир киши азон айтсин, ичингизда каттароғингиз эрса имомлик қилсин»,— дедилар».

**18-боб. Мусофирлар учун азон ва такбир айтмоқ. шунингдек Муздалифада азон ва такбир айтмоқ; муаззиннинг совуқ кечада ёким ёмғирли кечада «намозни жой-жойларингизда ўқингиз», деб азон чақирмоғи**

*Абу Зарр ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга эрдик. Муаззин азон айтмоқчи бўлганда, Расулulloҳ унга: «Салқинлатғил (шошмай турғил)»,— дедилар. Кейин у яна азон айтмоқчи эрди, Расулulloҳ яна: «Салқинлатғил»,— дедилар. Кейин яна азон айтмоқчи бўлганида, Расулulloҳ яна: «Салқинлатғил»,— дедилар, ҳатто тепаликларнинг сояси ўзи баробарлигига келди. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Куннинг ҳарорати жаҳаннамдан келаётгандек»,— дедилар».

*Молик ибн ал-Хувайрис нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига сафарга кетаётган икки киши кириб келди. Расулulloҳ уларга: «Сафарга чиққанларингизда аввал азон айтингиз, сўнг такбир айтингиз, кейин каттангиз имоматга ўтсин»,— дедилар».

*Молик ибн ал-Хувайрис нақл қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг уйларига ёш йигитлик вақтимизда бориб, 20 кун турдик. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам раҳмдил ва меҳрибон эрдилар. Жаноб Расулulloҳ аҳлимизни соғинганимизни билиб, уйимизда кимларни ташлаб келганлигимизни сўрадилар, Биз айтдик» Шунда Расулulloҳ: «Аҳлингиз олдига қайтингиз. Улар бирлан бирга бўлингиз, уларга шарият ҳукмларини ўргатингиз. Мен сизларга буюрганларимни уларга ҳам буюрингиз»,— деб анча насиҳат қилдилар (уларнинг баъзиси ёдимдан чиққан), кейин, «Мен нечук намоз ўқиган эрсам, шундоқ, намоз ўқингиз. Намоз вақти бўлса, биттангиз азон айтингиз, каттангиз имоматга ўтсин»,— дедилар».

351 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَأْمُرُ مُؤَدِّنًا يُؤَدِّنُ ، ثُمَّ يَقُولُ عَلَىٰ إِنْتِهَاءِهِ : ( أَلَا صَلُّوا فِي الرَّحَالِ ) . فِي اللَّيْلَةِ الْبَارِدَةِ ، أَوْ الْمَطِيرَةِ فِي السَّفَرِ .

*Нофиъ ривоят қиладилар:* «Ибн Умар совуқ кечалардан бирида Дажнонда (тепалик номи) азон айтдилар, кейин бизга: «Жой-жойларингизга бориб намоз ўқингиз, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам азон айтгандан кейин муаззинга: «Сафардалиғ кезингизда совуқ кеча ёким лойгарчилик бўлса, жой-жойларингизда намоз ўқингиз» деб айтмоқни буюрардилар»,— дедилар».

*Авн ибн Абу Жухайфа оталаридан эшитганларини ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламни Абтахда (жойнинг номи) кўрдим. Билол келиб азон айтдилар. Кейин, учи найза ҳассаларини олиб чиқиб, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг рўпараларига санчиб қўйдилар, сўнг такбир айтдилар».

**19-боб. Муаззин азон айтаётганда бошини у ёқ, бу ёққа қаратадирми ё гавдасини у ёқ, бу ёққа ўгирадирми?**

«Билол азон айтаётганда икки бармоғини икки қулоғига тикди, Ибн Умар эрса икки бармоғини қулоғига тикмас эрди», деб зикр қилинадир. Иброҳим: «Таҳоратсиз азон айтмоқнинг зарари йўқдир»,— дейдилар. Ато: «Азон айтмоқ учун таҳорат олмоқ ҳам фарз, ҳам суннатдир»,— деганлар. Оиша онамиз: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳамма вақт ҳам Оллоҳнинг зикрини қилаверар эрдилар»,— дейдилар,

*Авн ибн Абу Жухайфа ривоят қиладилар:* «Менинг отам бир куни Билолнинг

азон айтаётиб бошини у ёқдан бу ёққа бураётганини кўрган эрканлар».

### **20-боб. Киши: «Намоз вақти ўтиб кетибдир»,— деса бўладирми?**

*Ибн Сирин:* «Намоз вақти ўтиб кетибдир»,— демоқни макруҳ санаб, «Бунинг ўрнига, намозга етолмай қолибмиз, десин»,— дейдилар. Имом Бухорий эрса Ибн Сирикнинг сўзини рад қилиб, «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари («Намоз ўтиб кетибдир») тўғри»,—дейдилар.

352 . عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

بَيْنَمَا نَحْنُ نُصَلِّي مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، إِذْ سَمِعَ جَلْبَةَ رِجَالٍ ، فَلَمَّا صَلَّى قَالَ : ( مَا شَأْنُكُمْ ؟ ) . قَالُوا : اسْتَعْجَلْنَا إِلَى الصَّلَاةِ ، قَالَ : ( فَلَا تَفْعَلُوا ، إِذَا أَتَيْتُمُ الصَّلَاةَ فَعَلَيْكُمْ بِالسَّكِينَةِ ، فَمَا أَدْرَكْتُمْ فَصَلُّوا ، وَمَا فَاتَكُمْ فَأْتُوا ) .

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатоданинг оталари бундай деган жанлар:* «Бир вақт биз Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан намоз ўқиётган эрдик, бирдан одамларнинг шовқин-сурони эшитилди. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб бўлганларидан сўнг: «Сизларга не бўлди?» — дедилар. «Намозга шошилдик»,—дейишди. Расулulloҳ: «Намозга келганда ундоқ қилмангиз, тинчликка риоя қилингиз. Намознинг қай ерига етиб келсангиз, ўша жойидан кўшилиб ўқийверингиз, қанчаси ўтиб кетган эрса, кейин ўзингиз тўлдириб ўқиб олингиз!» — дедилар».

### **21-боб. Киши намозга ҳовлиқмай, виқор бирлан келсин!**

*Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам:* «Намозга қачон етиб келсангиз, келган жойидан давом эттираверингиз, қолганини кейин тўлдириб ўқиб олингиз!»—деганлар»,— дейдилар Қатода разияллоҳу анҳу.

*Абу Ҳурайра нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар такбир айтилганини эшитсангиз, ҳовлиқмай, виқор бирлан намозга келингиз. Намозга қачон етиб келсангиз, келган жойидан жамоатга кўшилиб ўқийверингиз, қолганини тўлдириб ўқиб олғайсизлар»,— деганлар».

### **22-боб. Киши, имом такбир айтаётганини кўрса, қачон сафга турадир?**

353 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِذَا أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَلَا تَقُومُوا حَتَّى تَرَوْنِي ) .

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатоданинг оталари ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Такбир айтилаётган пайтда, то мени кўрмагунингизча, сафга турмангиз!» — деганлар».

### **23-боб. Киши намозхонлар сафига шошилиб келиб турмасин, тинчлик сақлаб, оҳисталик бирлан турсин!**

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатоданинг оталари ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Такбир айтилаётганда сафга турмангиз, тинчликка риоя қилингиз!»— деганлар».

### **24-боб. Такбир айтилгандан сўнг киши бирор сабаб бирлан масжиддан чиқса бўлғайми?**

*Абу Ҳурайра нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳужраларидан чиқдилар. Намозга такбир айтилди, сафлар тикланди, Жаноб Расулulloҳ меҳроб қаршисига келиб турдилар. Намозга такбири таҳрима айтилмоғини кутиб турган эрдик, «Ўринларингиздан қимирлангиз!»— деб ҳужраларига кириб кетдилар, шу ҳолатимизда туриб қолдик. Бир оздан сўнг сочлари ҳўл-бошларидан сув томиб турган ҳолда қайтиб чиқдилар, ғусл қилибдилар».

## 25-боб. Агаримом: «Ўрнингиздан қимирламангиз!»— деб чиқиб кетса, қайтиб келгунича кутиб турилғайдир

*Абу Ҳурайра ривоят қилади:* «Намозга такбир айтилди, одамлар сафларини тўғрилашди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳужраларидан чиқиб, олдинга ўтдилар. У киши жимоъдан кейинги ҳолатда эрканлар. «Ўрнингиздан қимирламангиз!» — деб қайтиб кириб кетдилар. Сўнг, ғул қилиб чиқдилар, сочларидан сув томиб турарди. Кейин, одамлар бирлан намоз ўқидилар».

## 26-боб. Кишининг «Ҳали намоз ўқимадик»,— демоғи

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилади:* «Хандақ воқеаси куни Ҳазрат Умар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, Оллоҳ ҳаққи-ҳурмати, кун ботиб кетди ҳамки, намози асрни ўқиёлмай қолдим»,— дедилар. Бу гапни айтганларида ифтор қилиб бўлинганди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, мен ҳам ҳали намози асрни ўқимабман»,— дедилар. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Батҳон деган жойга бордилар, мен ҳам у киши бирлан бирга бордим, таҳорат олдилар, сўнг (кун ботгандан кейин) намози асрни ўқидилар, ундан кейин шомни ўқидилар».

## 27-боб. Такбир айтилгандан кейин имом бирор зарурат билан банд бўлмоғи мумкинми?

354 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ ، وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُتَاجِي رَجُلًا فِي جَانِبِ الْمَسْجِدِ ، فَمَا قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ حَتَّى تَامَ الْقَوْمُ .

*Анас разияллоҳу анҳу нақл қилади:* «Намозга такбир айтилди ҳамки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжиднинг ёнида бир киши бирлан гаплашиб туравердилар, ҳатто (айрим) намозхонлар ухлаб қолдилар».

## 28-боб. Намозга такбир айтилгандан сўнг (бирор билан) сўзлашмоқ

*Ҳумайд разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Собит ал-Бунонийдан намозга такбир айтилгандан кейин (бирор билан) галлашган киши тўғрисида сўрадим. Шунда у: «Намозга такбир айтилгандан кейин бир киши келиб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламини гапга тутиб қолганди, деб Анас менга айтганди»,— деди».

## 29-боб. Жамоат бирлан намоз ўқишнинг вожиблиги

Ҳасан Басрийни оналари меҳрибончилик қилиб, хуфтон намозини жамоат бирлан ўқимақ учун масжидга боришдан қайтарибдилар, шунда ул киши итоат қилмабдилар.

355 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ ، لَقَدْ هَمَمْتُ أَنْ أَمُرَّ بِحَطَبٍ فَيُحَطَبَ ، ثُمَّ أَمُرَ بِالصَّلَاةِ فَيُؤَذَّنَ لَهَا ، ثُمَّ أَمُرَ رَجُلًا فَيُؤَمُّ النَّاسَ ، ثُمَّ أَخَالَفَ إِلَى رَجُلٍ فَأَحْرَقَ عَلَيْهِمْ مَبِيتَهُمْ ، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ ، لَوْ يَعْلَمُ أَحَدُهُمْ : أَنَّهُ يَجِدُ عَرَقًا سَمِينًا ، أَوْ مَرْمَاتَيْنِ حَسَنَتَيْنِ ، لَشَهَدَ الْعِشَاءَ ) .

*Абу Ҳурайра нақл қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло ҳаққи-ҳурмати, одамларга «Ўтин йиғингиз!» деб буюрсаму ўтин йиғсалар, кейин, «Намоз ўқингиз!» десаму бир киши азон айтса, иккинчиси имомлик қилса, сўнгра намозга келмаган кишиларнинг уйларига бориб, устиларидан ўт ёқиб юборсам! Оллоҳга қасамёд қилиб айтурменким, жамоат бирлан намоз ўқимоққа келмаган ўша кишиларнинг биронтаси бу ерга (масжидга) келганда пиширилган ёғли гўшт ёким калла-поча емоқни билса эрди, албатта хуфтонга келган бўлур эрди»,— дедилар».



### 30-боб. Жамоат бирлан намоз ўқимоқнинг фазилати

Асвад ибн Язид ўз жамоатлари бирлан намоз ўқимоққа улгурмай қолсалар, бошқа масжидга борар эрдилар. Анас намоз ўқиб бўлинганда масжидга келдилар, сўнг азон ва такбир айтиб, (бошқа) жамоат бирлан намоз ўқидилар.

356 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ تَفْضُلُ صَلَاةِ الْفَدِّ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً ) .

*Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жамоат бирлан ўқилган намоз савоби ёлғиз ўқилган намоз савобидан 27 марта ортиқдир»,— дедилар».

*Абу Саъид ал-Худрий* Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Жамоат бирлан ўқилган намоз савоби ёлғиз ўқилган намоз савобидан 25 марта ортиқдир»,— деганларини эшитган эрканлар.

357 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( تَفْضُلُ صَلَاةِ الْجَمِيعِ صَلَاةِ أَحَدِكُمْ وَحَدَهُ ، بِخَمْسَةِ وَعِشْرِينَ جُزْءًا ، وَتَجْتَمِعُ مَلَائِكَةُ اللَّيْلِ وَمَلَائِكَةُ النَّهَارِ فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ ) . ثُمَّ يَقُولُ أَبُو هُرَيْرَةَ : فَأَقْرَأُوا إِنْ شِئْتُمْ : ﴿ إِنَّ قُرْآنَ الْفَجْرِ كَانَ مَشْهُودًا ﴾ .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар»,— деб ривоят қиладилар: «Кешининг жамоат бирлан ўқиган намозининг савоби уйда ёлғиз ўқиган намози ва бозорда ўқиган намозининг савобидан 25 баробар ортиқ бўлғайдир. Бунга киши яхшилаб таҳорат олиб, уйдан масжидга фақат намоз ўқийдирман, деган ниятда чиқсагина эришмоғи мумкин. Шу ниятда босган ҳар бир қадамини кўтариб улгурмасидан Оллоҳ таоло унинг мартабасини бир даража кўтарғайдир ва битта гуноҳидан кечғайдир. Намоз ўқиётганида эрса малоикалар унинг тепасида: «Илоҳи, бул бандангни яр'лақағайсен, бул банданга раҳм қилғайсен!» — деб илтижо қилиб туришғайдир. Қайси бирингиз намоз ўқийдирман, деб кутиб турган эрсангиз, намоз ўқиётган ҳисобида бўлғайдирсиз!»

### 31-боб. Намози бомдодни жамоат бирлан ўқимоқнинг фазилати

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қуйидаги ҳадисни эшитганман»,— дейдилар: «Ҳар бирингизнинг жамоат бирлан ўқиган намозингизнинг савоби ёлғиз ўқиган намозингиз савобидан 25 марта ортиқ бўлғайдир. Тунги фаришталар бирлан кундузги фаришталарнинг барчаси намози бомдодга келиб жамулжам бўлишғайдир». *Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Агар хоҳласангиз, «Инна қуръон-ал-фажри кона машхудан (намози бомдодда қилинган қироат фарушталар ҳам қатнашса арзийдирган қироат бўлди)» — деган ояти каримани ўқингиз»,— дейдилар.

*Абдуллоҳ ибн Умар:* «Жамоат намози 27 марта ортиқдир»,— деганлар.

*Умму Дардоъ ривоят қиладилар:* «Абу Дардоъ олдимга ғазабланиб кириб келдилар. «Нечун ғазабланмақдасиз?» — дедим. «Оллоҳга қасамёд қилиб айтурменким, Муҳаммад умматининг жамоат бирлан намоз ўқимоғидан бўлак бирор савоблик иши қолмади»,— дедилар».

358 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَعْظَمُ النَّاسِ أَجْرًا فِي الصَّلَاةِ أَنْبَعْدَهُمْ فَأَبْعَدُهُمْ مَمْشَى ، وَالَّذِي يَنْتَظِرُ الصَّلَاةَ ، حَتَّى يُصَلِّيَهَا مَعَ الْإِمَامِ ، أَعْظَمُ أَجْرًا مِنَ الَّذِي يُصَلِّي ثُمَّ يَنَامُ ) .

*Абу Мусо нақл қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Намоздан энг кўп савоб оладирган одам масжиддан энг узоқда турадирган одамдир, чунки ул кўп юриб, кўпроқ азият чекиб келгайдир. Жамоат бирлан намоз ўқимақни кутаётган кишига тегадирган савоб, ўзи намозини ўқиб, ётиб олган одамга тегадирган савобдан беҳад ортиқдир»,— деганлар».

### 32-боб. Пешин намозига эртароқ бормоқнинг фазилати

359 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( بَيْنَمَا رَجُلٌ يَمْشِي بِطَرِيقٍ ، وَجَدَ غُصْنَ شَوْكٍ عَلَى الطَّرِيقِ فَأَخْرَهُ ، فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ فَعَفَرَ لَهُ ) . ثُمَّ قَالَ : ( الشُّهَدَاءُ خَمْسَةٌ : الْمَطْعُونُ ، وَالْمَبْطُونُ ، وَالْغَرِيقُ ، وَصَاحِبُ الْهَدْمِ ، وَالشَّهِيدُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ) . ثُمَّ قَالَ : ( لَوْ يَعْلَمُ النَّاسُ مَا فِي النِّدَاءِ وَالصَّفِّ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ لَمْ يَحْدُوا إِلَّا أَنْ يَسْتَهْمُوا لَأَسْتَهْمُوا عَلَيْهِ . وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي التَّهَجِيرِ لَأَسْتَبَقُوا إِلَيْهِ ، وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي الْعَتَمَةِ وَالصُّبْحِ لَأَتَوْهُمَا وَلَوْ حَبَوًّا ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деган эдилар»,— деб ривоят қиладирлар: «Бир куни бир киши кўчада кетаётган эрди. Йўлда ётган тиканни кўриб, четга олиб ташлади. Оллоҳ таоло унинг қилмишидан рози бўлди ва унинг гуноҳларини} кечирди.

Бешта сабабдин ўлган кишилар шаҳид бўладирлар: вабодан ўлганлар, қорин оғриги бирлан ўлганлар, ғарқ бўлиб ўлганлар, бирор нарсанинг тагида қолиб ўлганлар ва Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилиб ўлганлар.

Одамлар азон айтмоқ ва намозда биринчи сафда турмоқнинг нечоғлиқ савобли эрканини билганларида, ҳеч иложини топмасалар, чек ташлаб ўз ниятларига эришган бўлур эрдилар.

Намозга эртароқ бормақнинг қандоқ савоби борлиғини билганларида, масжидга қараб ким ўзарга югурган бўлур эрдилар, хуфтон бирлан бомдод намозининг саюбини билганларида, масжидга эмақлаб бўлса ҳам борур эрдилар».

### 33-боб. Масжид томон босган қадамларни ҳисобламоқ

*Анас разияллоҳу анҳу нақл қиладирлар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Баний Салама, изларингизни ҳисоблаб юрмайдирмисиз?»,—дедилар. Мужоҳид «Қилган ишларини ва изларини ёзиб қўйгайдирмиз» деган ояти каримадаги «изларини» сўзини «қадамларини» деб тафсир қилди».

360 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ بَنِي سَلَمَةَ أَرَادُوا أَنْ يَتَحَوَّلُوا عَنْ مَنَازِلِهِمْ ، فَيَنْزِلُوا قَرِيبًا مِنَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، قَالَ : فَكَّرَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُعْرُوا الْمَدِينَةَ ، فَقَالَ : ( أَلَا تَحْتَسِبُونَ آثَارَكُمْ ) .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Баний саламаликлар ўз жойларини ташлаб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга яқинроқ ерга кўчиб келмоқчи бўлди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинанинг хувиллаб қолмоғини истамай: «Изларингизни (қадамларингизни) ҳисоблаб юрмайдирмисиз?»— дедилар (яъни, масжидга қанча узоқ йўл босиб келсангиз, шунча саюб бўлгайдир, деган маънода). Мужоҳид: «Изларингизни» дегани — «ерда яёв қадам босиб келмоқ демақдир»,— дейди».

### 34-боб. Хуфтон намозини жамоат бирлан ўқимоқнинг фазилати

361 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَيْسَ صَلَاةٌ أَثْقَلَ عَلَى الْمُتَأَفِّقِينَ مِنَ الْفَجْرِ وَالْعِشَاءِ ، وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِيهِمَا لَأَتَوْهُمَا وَلَوْ حَبَوًّا ) .

*Абу Ҳурайра:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар»— дейдилар: «Мунофиқларга намози бомдод бирлан намози хуфтондан кўра оғирроқ

намоз йўқдир. Иккала намозда қанча савоб борлигини билганларида масжидга эмаклар бўлса ҳам келмай эрдилар. Муаззинга буюрсам, азон айтса, кейин бир кишига буюрсам, одамларга имомлик қилса, кейин азонни эшитиб, намозга чиқмаганларнинг устидан ўт қўйсам!»

### 35-боб. Икки киши ва ундан ортиғи жамоатдир

*Молик ибн ал-Хувайрис ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ю саллам (сафарга кетаётган икки кишига): «Намоз вақти келса, бирингиз азон ва такбир айтингиз, каттангиз имом бўлсин»,— деганлар».

### 36-боб. Масжидда намоз вақти бўлмоғини кутиб ўтирган кишининг ҳамда масжидларнинг фазилати баёни

*Абу Хурайра нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Таҳоратини синдирмай жойнамозда намоз вақти бўлмоғини кутиб ўтирган ҳар бир кишини малоикалар: «Илоҳи, бул кишининг гуноҳларини мағфират қилгайсен, бул кишига раҳматингни дариф тутмагайсен!» — деб дуо қилгайдилар. Намоз ўқийдирман деган ниятдагинэ уйига кетмай масжидда ўтирган киши намоз ўқиётган баробарида бўлгайдир»,— деганлар».

362 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ ، يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ : الإِمَامُ الْعَادِلُ ، وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ رَبِّهِ ، وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ فِي الْمَسَاجِدِ ، وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ اجْتَمَعَا عَلَيْهِ وَتَفَرَّقَا عَلَيْهِ ، وَرَجُلٌ طَلَبَتْهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالٍ ، فَقَالَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ ، وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ ، أَخْفَى حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالَهُ مَا تُنْفِقُ يَمِينَهُ ، وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ خَالِيًا ، فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ ) .

*Абу Хурайра қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло етти тоифа мўминларга, охират куни ҳеч соя қолмаганда, Аршининг соясидан жой берғусидир: одил бошлиққа; раббига тақво бирлан ибодат қилиб улғайган йигитга; масжидлардан кўнглини узолмайдирган кишига; Оллоҳни деб биров бирлан дўстлашган ва Оллоҳни деб дўстидан узоқлашган (воз кечган) кишига; мартабали, келишган бир аёл зинога таклиф қилса, «Мен Оллоҳдан қўрқурмен»,— деган кишига; ўнг қўли қилганини чап қўли билмайдирган қилиб хуфёна садақа берган кишига; хилватда Оллоҳ таолони эслаб хўнг-хўнг йиғлаган кишига»,— деганлар».

*Хумайд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам узук таққанмилар?» — деб Анасдак сўрашди. «Ҳа, таққанлар. Бир куни Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам хуфтон намозини ярим кечагача кечиктирдилар, биз бирлан намоз ўқигани чиқдилар. Намоздан кейин: «Одамлар аллақачон намоз ўқиб ётдилар, сизлар эрсангиз ҳануз намоз ўқимақдасиз»,— дедилар. Ўшанда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг узуклари ярқирашига қараб турганим ҳалишдек кўз ўнгимдадир»,— деди Анас».

### 37-боб. Масжидга эрта бориб, кеч қайтмоқнинг фазилати

363 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَنْ غَدَا إِلَى الْمَسْجِدِ وَرَاحَ ، أَعَدَّ اللَّهُ لَهُ نُزُلًا مِنَ الْجَنَّةِ كُلَّمَا غَدَا أَوْ رَاحَ ) .

*Абу Хурайра нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки масжидга эрта бориб, кеч қайтгайдир, Оллоҳ таоло унга ҳар бир кеч қайтгани учун жаннатда зиёфат тайёрлаб қўйғусидир»,— деганлар».

### 38-боб. Намозга такбир айтилса, фарз намоздан бошқа намозлар тўхтатилгайдир

364 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَالِكِ بْنِ بَحِينَةَ ، رَجُلٍ مِنَ الْأَزْدِ ، رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى رَجُلًا وَقَدْ أَقِيَمَتِ الصَّلَاةَ ، يُصَلِّي رَكَعَتَيْنِ ، فَلَمَّا انْصَرَفَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَأَثَ بِهِ النَّاسُ ، وَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( الصُّبْحُ أَرْبَعًا ، الصُّبْحُ أَرْبَعًا ) .

*Абдуллоҳ ибн Молик:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг ёнидан ўтдилар» деб бошланадиган бир ҳадисни айтиб берган эрканлар. Имом Бухорий : «Ушбу ҳадисни Азудлик Молик ибн Буқайна исмиғ бир киши Ҳафс ибн Осимга қуйидагича ривоят қилган эркан»,— дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга такбир айтилгандан кейин ҳам икки ракъат намоз ўқиган бир кишини кўриб, ул томонга ўгирилдилар, уни одамлар ўраб олди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бомдод суннатини тўрт ракъат ўқийдирмисан? Бомдод суннатини тўрт ракъат ўқийдирмисан?» — деб уни койдилар (чунким имомга иқтидо қилмоғи лозим эрди)».

### 39-боб. Касал кишининг жамоат олдига чиқмоққа ҳадди борми? (имоматга ўта оладирми?)

365 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ :

لَمَّا مَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَضَهُ الَّذِي مَاتَ فِيهِ ، فَحَضَرَتِ الصَّلَاةُ ، فَأَذَّنَ ، فَقَالَ : ( مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فَلْيُصَلِّ بِالنَّاسِ ) . فَقِيلَ لَهُ : إِنَّ أَبَا بَكْرٍ رَجُلٌ أَسِيفٌ ، إِذَا قَامَ فِي مَقَامِكَ لَمْ يَسْتَطِعْ أَنْ يُصَلِّيَ بِالنَّاسِ ، وَأَعَادَ فَأَعَادُوا لَهُ ، فَأَعَادَ الثَّلَاثَةَ فَقَالَ : ( إِنَّكَ نَصَوَاحِبُ يُوسُفَ ، مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فَلْيُصَلِّ بِالنَّاسِ ) . فَخَرَجَ أَبُو بَكْرٍ فَصَلَّى ، فَوَجَدَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ نَفْسِهِ حِفَّةً ، فَخَرَجَ يُهَادِي بَيْنَ رَجُلَيْنِ ، كَأَنِّي أَنْظُرُ رِجْلَيْهِ تَحْطَانِ مِنَ الْوَجَعِ ، فَأَرَادَ أَبُو بَكْرٍ أَنْ يَتَأَخَّرَ ، فَأَوْمَأَ إِلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ مَكَانَكَ ، ثُمَّ أَتَيْتُ بِهِ حَتَّى جَلَسَ إِلَى حَبْنِهِ ، وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي ، وَأَبُو بَكْرٍ يُصَلِّي بِصَلَاتِهِ ، وَالنَّاسُ يُصَلُّونَ بِصَلَاةِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ . وَفِي رِوَايَةٍ : جَلَسَ عَنْ يَسَارِ أَبِي بَكْرٍ ، فَكَانَ أَبُو بَكْرٍ يُصَلِّي قَائِمًا . وَعَنْهَا - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا - فِي رِوَايَةٍ : لَمَّا ثَقُلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاشْتَدَّ وَجَعُهُ اسْتَأْذَنَ أَزْوَاجَهُ أَنْ يَمْرُضَ فِي بَيْتِي فَأَذَّنَ لَهُ . وَبَاقِي الْحَدِيثِ تَقَدَّمَ أَنْفَاءً .

*Асвад разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Оиша онамизнинг ҳузурларида эрдик. Жамоат бирлан намоз ўқимоқ ва унинг афзалликлари тўғрисида сўзлашиб ўтирдик. Шунда Оиша онамиз қуйидагиларни айтиб бердилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан олдинги касаллик кунларидан бирида азон айтилди. Жаноб Расулulloҳ: «Абу Вакрга буюрингиз, имоматга ўтсин!»— дедилар. «Абу Бакр кўнгли бўш, йиғлоқ одам. Сизнинг ўрнингизда имомлик қила олмағай», — дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бояги сўзларини такрорладилар (Оиша онамиз бирлан бошқалар яна рад қилдилар). Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам учинчи марта: «Сиз хотинлар Юсуф алайҳиссаломнинг қиссасидаги Зулайҳо ва унинг дугоналарига ўхшаган хотинлардирсиз (дилигиздаги гапнинг аксини айтурсиз), Абу Бакрга буюрингиз, жамоат олдига ўтиб имомлик қилсин!» — дедилар. Абу Бакр чиқиб имоматга ўтдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларини бир оз енгил ҳйс қилдилар. Сўнг, икки киши ёнларига ккриб, қўлтиқлаб намозга олиб чиқди.

Бетобликдан оёқларини зўрға судраб босаётганлари ҳозиргидек кўз ўнгимда. Абу Бакр Жаноб Расулulloҳнинг чиқиб келаётганларини кўриб жой бўшатмоқчи бўлдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўрнингда турғил!» — деб ишора қилдилар. Сўнг, Абу Бакрнинг ёнларига келиб ўтирдилар».

Аъмашдан «Абу Бакр Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга, одамлар эрса Абу Бакрга иқтидо қилганмилар?» — деб сўрашди. Аъмаш «ҳа» деган маънода бош ирғаб қўйдилар. Абу Муовия бунга қўшимча қилиб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрнинг чап ёнида ўтириб ўқидилар, Абу Бакр эрса тик туриб ўқидилар»,— дедилар.

*Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Оиша онамиздан қуйидаги ҳадисни эшитгон эрканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, оғирлашиб қолган пайтларида, тузалгунларича менинг уйимда ётмоқчи эканликларини айтиб ҳамма хотинларидан ижозат сўрадилар. Улар рози бўлишди. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки киши ёрдамида оёқларини зўр-базўр босиб менинг уйимга чиқдилар. Бир қўлтиқларидан Аббос ва иккинчи қўлтиқларидан бир киши ушлаб олиб чиқишди». «Оиша онамиз айтиб берган ҳадисни Ибн Аббосга ҳикоя қилиб бердим,— дейдилар Убайдуллоҳ, у мендан: «Оиша онамиз тилга олмаган ўша кишининг ким эканлигини билурмисен?» — деб сўради. Мен: «Йўқ»,— дедим. «Бул — Али ибн Абу Толиб эрдилар»,— деди».

#### **40-боб. Ёмғир ёки касаллик туфайли масжидга бормай ўз уйида намоз ўқимоққа рухсат берилгани ҳақида**

*Нофиъ ривоят қиладилар:* «Ибн Умар совуқ ва шамол бўлиб турган тунда намозга азон айтдилар. Кейин: «Намозни жой-жойларингизда ўқийверингиз, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муаззинга: «Ёмғирли, совуқ кечада намозни жой-жойларингизда ўқийверингиз, деб айтмакни буюрар эрдилар»,— дедилар».

*Маҳмуд ибн ар-Рабиъ нақл қиладилар:* «Атбон ибн Молик кўзи ожиз ҳолда қавмига имомлик қилур эрди. Бир кўни у Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулulloҳ, (гоҳ) кеча қоронғи бўлғайдир, (гоҳ) сел бўлғайдир, мен эрсам кўзи ожиз одамдиримен, менинг уйимга бориб бир жойда намоз ўқиб берингиз, ўшал ерни намозгоҳ қилиб олайн»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг уйига келиб: «Қаерда ўқиб бермоғимни истайдирсен?» — дедилар. Ул бир жойни кўрсатди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўшал жойда намоз ўқиб бердилар».

#### **41-боб. Имои жумъа куни, ёмғир ёғиб турган бўлса, ҳозир бўлганлар билан намоз ўқиб, хутба айтадирми?**

366 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَارِثِ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : حَظَبْنَا ابْنَ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا فِي يَوْمٍ ذِي رَدَغٍ ، فَأَمَرَ الْمُؤَدِّنَ لَمَّا بَلَغَ حَيَّ عَلَى الصَّلَاةِ قَالَ : قُلِ الصَّلَاةُ فِي الرَّحَالِ ، فَنَظَرَ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ كَأَنَّهُمْ أَنْكَرُوا ، فَقَالَ : كَأَنَّكُمْ أَنْكَرْتُمْ هَذَا ؟ إِنَّ هَذَا فَعَلَهُ مَنْ هُوَ خَيْرٌ مِنِّي ، يَعْنِي النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، إِنَّهَا عَزْمَةٌ وَإِنِّي كَرِهْتُ أَنْ أُخْرِجَكُمْ .

*Абдуллоҳ ибн Ҳарс ривоят қиладилар:* «Ибн Аббос ёмғир ёғиб, лойгарчилик бўлган куни бизга хутба айтдилар, сўнг муаззинга азоннинг «Ҳайъа алас-салот» деган жойига келганда «намозни жой-жойингизда ўқийверингиз», деб айтмакни буюрдилар. Ҳозир бўлганлар бу гап ёқмагандек бир-бирларига қараб қўйишди. Шунда Ибн Аббос: «Сизлар бу гапни ёқтирмадингиз шекилли. Бу гапни мендан яхшироқ киши, яъни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтгандилар. Ул

киши шундоқ қилмоқни буюргандирлар. Мен сизларни машаққатга қўймоқни хоҳламадим»,— дедилар». Бошқа бир ҳадисда Ибн Аббос: «Мен сизларни гуноҳкор қилмакни хоҳламадим, сизлар тизангиздан лой кечиб келган бўлур эрдингиз, деб айтганди»,— дейилади.

*Абу Саламадан нақл қиладирлар:* «Абу Саъид ал-Худрийдан Лайлат ул-Қадр тўғрисида сўрадим. Ул киши: «Бир булут келиб, масжиднинг устига ёмғир ёгди. Масжиднинг томига хурмо шохлари ёпилган эрди, ёмғир шипдан ўтиб кетди. Намозга такбир айтилди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жиққа лой устида сажда қилаётганларини, ҳатто пешоналарига лой ҳам текканини кўрдим»,— дедилар».

367 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ : إِنِّي لَا أَسْتَطِيعُ الصَّلَاةَ مَعَكَ ، وَكَانَ رَجُلًا ضَخْمًا ، فَصَنَعَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَعَامًا ، فَدَعَاهُ إِلَى مَنْزِلِهِ فَبَسَطَ لَهُ حَصِيرًا ، وَنَضَحَ طَرَفَ الْحَصِيرِ فَصَلَّى عَلَيْهِ رَكَعَتَيْنِ ، فَقَالَ رَجُلٌ مِنْ آلِ الْجَارُودِ لِأَنَسٍ : أَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي الضُّحَى ؟ قَالَ : مَا رَأَيْتُهُ صَلَّاهَا إِلَّا يَوْمَئِذٍ .

*Анас ибн Сириин ривоят қиладирлар:* «Ансорийлардан бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулulloҳ, мен сиз бирлан бирга намоз ўқий олмасмен»,— деди. Ул семиз, йўғон киши эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни овқат тайёрлаб, уйига чақирди. Сув сепаиб, тозалаб бир бўйрани тағларига солиб берди. Бўйра устида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ракъат намоз ўқидилар».

Олулжорудлик бир киши Анасга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам чошгоҳ намозини ўқир эрдиларми?» — деди. Анас: «Ўқиганларини фақат ўшал куни кўрдим»,— дедилар.

#### 42-боб. Овқат тайёр бўлса-ю, намозга такбир айтилса...

Ибн Умар овқатланиб олгач, намоз ўқир эрдилар. «Дили хотиржамлик бирлан намоз ўқимоқ учун аввал ҳожатини чиқариб олмоқлик кишининг фақиҳлигидандир»,— дейдилар Абу Дардоъ разияллоҳу анҳу.

*Оиша онамиз ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар олингизга кечки овқат олиб келинган бўлғайдир-у, намозга такбир айтилғайдир, аввал овқатни еб олингиз»,— деб айтганлар».

368 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا قَدِمَ الْعَشَاءُ فَأَبْدُوْا بِهِ قَبْلَ أَنْ تُصَلُّوا صَلَاةَ الْمَغْرِبِ ، وَلَا تَعْجَلُوا عَنْ عَشَائِكُمْ ) .

*Анас ибн Молик нақл қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кечки овқатингиз тайёр бўлса, шомни ўқимоқдан аввал, овқатни еб олингиз, овқатни шошмасдан енгизлар»,— деганлар».

*Ибн Умар куйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар (кечки) овқатингизни олдингизга олиб келиб қўйғайдирлар-у, намоз вақти бўлиб қолғайдир, аввал овқатни еб олингиз, шошмасдан, тўйиб еб олингиз»,— деганлар». Ибн Умар олдиларига овқат қўйилса-ю, намозга такбир айтилса, овқатни тўйиб еб олмагунларича намозга келмас эрдилар. Имомнинг қироатини эшитиб турсалар ҳам овқатланишда давом этардилар.

*Ибн Умар нақл қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бирингиз овқат устида бўлғайдирсиз-у, намозга такбир айтилғайдир, нафсингиз овқатга қонгунча намозга шошилмангиз»,— деганлар».

#### 43-боб. Имомнинг қўлида егулик нарса бўлса-ю, намозга чақирилса...

*Жаъфар ибн Амр оталари Амр ибн Умайядан эшитганларини ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйнинг қўл гўштини кесиб еяётганларини кўрдим. Шунда намозга чақирилди. Ўринларидан турдилар, пичоқни ташлаб, таҳорат олмай намоз ўқидилар».

#### **44-боб. Кимки уйда бир зарур иш қилиб турган бўлса-ю, намозга такбир айтилса, ишини ташлаб, намозга чиқадир**

369 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا سُئِلَتْ : مَا كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْنَعُ فِي بَيْتِهِ ؟ قَالَتْ : كَانَ يَكُونُ فِي مَهْنَةِ أَهْلِهِ - تُعْنِي فِي خِدْمَةِ أَهْلِهِ - فَإِذَا حَضَرَتِ الصَّلَاةُ خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ .

*Асвад разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Оиша онамиздан «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларида не қилур эрдилар?» — деб сўрадим. «Уй юмушлари бирлан банд бўлур эрдилар (Жаноб Расулulloҳ хотинларига ёрдам бермоқларини назарда тутадилар), намозга чақирилган кезде қилаётган ишларини ташлаб чиқар эрдилар»,— дедилар».

#### **45-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қандай намоз ўқиганларини ҳамда ул зотнинг буюрган суннагларини ўргатиш ниятидагина одамларга намоз ўқиб берган киши**

*Айюб разияллоҳу анҳу:* «Абу Қилоба бундай деганди»,— дейдилар: «Бизнинг мана шу масжидимизга Молик ибн Хувайрис келиб: «Мен ўзи намоз ўқимоқчи бўлмасам-да, сизларга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нечук намоз ўқиганларини кўрган бўлсам, ўшандоқ намоз ўқиб берайин»,— дедилар. Мен Абу Қилобадан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам нечук намоз ўқир эрканлар?» — деб сўрадим. «Мана бу шайхимиз сингари»,— деди. Шайхимиз (кекса одам эрдилар), биринчи рақъатда саждадан бош кўтарганларидан кейин, озгина ўтириб олар эрдилар».

#### **46-боб. Олим ва фозил кишилар имомлик қилишга ҳақлироқдирлар**

*Абу Мусо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб бўлиб қолдилар. Касаллари кучайгач: «Абу Бакрга буюрингиз, жамоат олдида чиқиб имомлик қилсин!» — дедилар. Оиша онамиз: «Абу Бакр кўнгли юмшоқ кишидирлар, сизнинг ўрнингизда туриб имомлик қила олмағайлар»,— дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Одамларга буюрингиз, Абу Бакр жамоат олдида чиқиб имомлик қилсин!» — деб қайтариб айтдилар. Оиша онамиз яна рад қилдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Абу Бакрга буюрингиз, жамоат олдида чиқиб имомлик қилсин! Сиз хотинлар Юсуф алайҳиссаломнинг қиссасидаги хотинлар сингаридирсизлар»,— деб яна қайтариб айтдилар. Жаноб Расулulloҳнинг буйруқларини Абу Бакрга етказишди. Абу Бакр Жаноб Расулulloҳнинг ҳаётликларидан жамоат олдида чиқиб имомлик қилдилар».

371 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ : إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فِي مَرَضِهِ : ( مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فَلْيُصَلِّ بِالنَّاسِ ) . قَالَتْ عَائِشَةُ : قُلْتُ : إِنَّ أَبَا بَكْرٍ إِذَا قَامَ فِي مَقَامِكَ ، لَمْ يُسْمِعِ النَّاسَ مِنَ الْبُكَاءِ ، فَمُرْ عُمَرَ فَلْيُصَلِّ لِلنَّاسِ ، فَقَالَتْ عَائِشَةُ : فَقُلْتُ لِحَفْصَةَ : قُولِي لَهُ إِنَّ أَبَا بَكْرٍ إِذَا قَامَ فِي مَقَامِكَ لَمْ يُسْمِعِ النَّاسَ مِنَ الْبُكَاءِ ، فَمُرْ عُمَرَ فَلْيُصَلِّ لِلنَّاسِ ، فَفَعَلَتْ حَفْصَةُ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَهْ إِنَّكَ لَأَتَنَّ صَوَاحِبُ يُوسُفَ ، مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فَلْيُصَلِّ لِلنَّاسِ ) . فَقَالَتْ حَفْصَةُ لِعَائِشَةَ : مَا كُنْتُ لِأُصِيبَ مِنْكَ خَيْرًا .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб ётганларида: «Абу Бакрга буюрингиз, жамоат олдида чиқиб имомлик қилсин!» — дедилар. Мен: «Абу Бакр ўрнингизга имомлик қилсалар, йиғлаб юборғайдилар,

одамлар қироатларини эшитолмай қолғайдир, Умарга буюрингиз, имомлик қилсин!» — дедим. Кейин: «Абу Бакр сизнинг ўрнингизда турсалар, йиғиларидан қироатлари эшитилмай қолғайдир, имомликни Умарга буюра қолингиз, деб Расулulloҳга айтғил!» — дедим Ҳафсага. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тек турғил, сизлар Юсуф алайҳиссаломнинг қиссасидаги хотинлар сингаридирсизлар, Абу Бакрга буюрингиз, имомлик қилсин!» — дедилар Ҳафсага».

Шунда Ҳафса: «Сендан ҳеч яхшилиғ кўрмадим-да!» — деган эрканлар Оиша онамизга.

372 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ كَانَ يُصَلِّي لَهُمْ فِي وَجَعِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الَّذِي تُوفِّي فِيهِ ، حَتَّى إِذَا كَانَ يَوْمُ الْإِثْنَيْنِ ، وَهُمْ صُفُوفٌ فِي الصَّلَاةِ ، فَكَشَفَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سِتْرَ الْحُجْرَةِ ، يَنْظُرُ إِلَيْنَا وَهُوَ قَائِمٌ ، كَانَ وَجْهُهُ وَرَقَةً مُصْحَفٌ ، ثُمَّ تَبَسَّمَ يَضْحَكُ ، فَهَمَمْنَا أَنْ نَفْتِنَ مِنَ الْفَرَحِ بِرُؤْيَا النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَتَكَّصَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَلَى عَقْبِيهِ لِيَصِلَ الصَّفَّ ، وَظَنَّ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَارَجَ إِلَى الصَّلَاةِ ، فَأَشَارَ إِلَيْنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ ( أْتُمُوا صَلَاتِكُمْ ) . وَأَرْخَى السِّتْرَ ، فَتُوفِّيَ مِنْ يَوْمِهِ .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ўн йил эргашиб юрдим, ул кишининг хизматларини қилиб, суҳбатларида бирга бўлдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан олдин бетоб ётганларида Абу Бакр жамоатга имомлик қиларди. Душанба куни биз саҳобалар намозда саф тортиб турган эрдик, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хужраларининг пардасини очиб, бизга қарадилар. Жаноб Расулulloҳ оёқларида тик турар эрдилар, юзлари худди китоб варағидек оппоқ, озгин ва чиройлиғ эрди. Кейин, бизга табассум қилиб жилмайдилар. Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб, суюнганимиздан сафдан чиқмоқчи бўлдик. Абу Бакр Сиддиқ эрса биринчи сафга кириб олмоқ учун орқасига тисарила бошлади. Ул, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга чиқмоқчилар, деб ўйлади. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, намозни давом эттираверингиз, деган маънода бизга ишора қилдилар-да, пардани ёпиб қўйдилар. Ул зот шу куни вафот этдилар».

*Анас разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уч кун намозга чиқа олмадилар. Намозга такбир айтилди, Абу Бакр олдинга (имомликка) ўтди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хужраларининг пардасини кўтардилар. Ҳеч қачон Жаноб Расулulloҳнинг чеҳраларини кўрган кезимиздагидек суюнмаган эрдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрга «Олдинга (имомликка) ўтғил!» деб ишора қилдилар-да, пардани ёпдилар. Кейин, вафот этгунларича пардани очмоққа дармонлари етмади».

*Ҳамза ибн Абдуллоҳнинг оталари Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ оғир ётганларида, «Намозга чиқа оласизми?»—дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Абу Бакрга айтингиз, жамоатга имомлик қилсин!»—дедилар. Оиша онамиз: «Абу Бакр кўнгли бўш одамдирлар, қироат қилсалар, йиғидан тўхтаб олмағайлар»,— дедилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Буюрингиз унга, жамоатга имомлик қилсин!» — дедилар. Оиша онамиз яна бояги сўзларини такрорладилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Буюрингиз унга, жамоатга имомлик қилсин! Сизлар Юсуф алайҳиссалом қиссасидаги хотинлар сингаридирсиз»,— дедилар».

#### **47-боб. Бирор сабабга кўра, намозхонлардан бирининг имомнинг ёнида турмоғи**



371 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ : إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فِي مَرَضِهِ : ( مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فَلْيُصَلِّ بِالنَّاسِ ) . قَالَتْ عَائِشَةُ : قُلْتُ : إِنَّ أَبَا بَكْرٍ إِذَا قَامَ فِي مَقَامِكَ ، لَمْ يُسْمِعِ النَّاسَ مِنَ الْبُكَاءِ ، فَمُرْ عُمَرَ فَلْيُصَلِّ لِلنَّاسِ ، فَقَالَتْ عَائِشَةُ : فَقُلْتُ لِحَفْصَةَ : قَوْلِي لَهُ إِنَّ أَبَا بَكْرٍ إِذَا قَامَ فِي مَقَامِكَ لَمْ يُسْمِعِ النَّاسَ مِنَ الْبُكَاءِ ، فَمُرْ عُمَرَ فَلْيُصَلِّ لِلنَّاسِ ، فَفَعَلَتْ حَفْصَةُ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَهْ إِنَّكَ لَأَنْتَنَ صَوَاحِبُ يُوسُفَ ، مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فَلْيُصَلِّ لِلنَّاسِ ) . فَقَالَتْ حَفْصَةُ لِعَائِشَةَ : مَا كُنْتُ لِأُصِيبَ مِنْكَ خَيْرًا .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб ётганларида Абу Бакрга жамоатга имомлик қилмоқни буюрдилар. Абу Бакр (ўшанда) имомлик қилган эрдилар». Урва разияллоҳу анҳу ушбу ҳадисни қуйидагича давом эттирадирлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларини енгил ҳис этиб, намозга чиқдилар. Абу Бакр жамоатга имомлик қилаётган эрди. Расулulloҳни кўргач, (ўрин бўшатмак мақсадида) орқасига тисарила бошлади. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Ўрнингдан жилмағил!» — деб ишора қилдилар. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрнинг ёнига келиб ёнма-ён ўтирдилар. Абу Бакр Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб тик туриб намоз ўқидилар. Одамлар эрса Абу Бакрга иқтидо қилиб намоз ўқишди».

**48-боб. Кеч қолаётган имомнинг ўрнига ўтиб имомлик қилаётган одам, имом келиб қолса, тисарилиб ўрнини бўшатса ҳам, бўшатмаса ҳам, намоз жоиз бўладир**

373 . عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدِ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَهَبَ إِلَى بَنِي عَمْرِو بْنِ عَوْفٍ لِيُصَلِّحَ بَيْنَهُمْ ، فَحَانَتْ الصَّلَاةُ فَجَاءَ الْمُؤَذِّنُ إِلَى أَبِي بَكْرٍ ، فَقَالَ : أَتُصَلِّي لِلنَّاسِ ، فَأَقِيمُ ؟ قَالَ : نَعَمْ ، فَصَلَّى أَبُو بَكْرٍ ، فَجَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالنَّاسُ فِي الصَّلَاةِ ، فَتَخَلَّصَ حَتَّى وَقَفَ فِي الصَّفِّ ، فَصَفَّقَ النَّاسُ ، وَكَانَ أَبُو بَكْرٍ لَا يَلْتَفِتُ فِي صَلَاتِهِ ، فَلَمَّا أَكْثَرَ النَّاسُ التَّصْفِيقَ التَّفَّتَ ، فَرَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَأَشَارَ إِلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَنْ أَمُكْتُ مَكَانَكَ ) . فَرَفَعَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَدَيْهِ ، فَحَمَدَ اللَّهَ عَلَى مَا أَمَرَهُ بِهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ ذَلِكَ ، ثُمَّ اسْتَأْخَرَ أَبُو بَكْرٍ حَتَّى اسْتَوَى فِي الصَّفِّ ، وَتَقَدَّمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَلَّى ، فَلَمَّا انْصَرَفَ قَالَ : ( يَا أَبَا بَكْرٍ ، مَا مَنَعَكَ أَنْ تُثْبِتَ إِذْ أَمَرْتُكَ ؟ ) . فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ : مَا كَانَ لِابْنِ أَبِي قُحَافَةَ أَنْ يُصَلِّيَ بَيْنَ يَدَيِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَا لِي رَأَيْتُكُمْ أَكْثَرْتُمْ التَّصْفِيقَ ، مِنْ رَبِّهِ شَيْءٌ فِي صَلَاتِهِ فَلْيُسَبِّحْ ، فَإِنَّهُ إِذَا سَبَّحَ التُّفَّتَ إِلَيْهِ ، وَإِنَّمَا التَّصْفِيقُ لِلنِّسَاءِ ) .

*Саҳл ибн Саъд нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Амр қабиласи низосини тинчитмоқ учун кетган эрдилар. Намоз вақти бўлиб қолгач, муаззин Абу Бакрга келиб: «Такбир айтайинми?» — деди. Абу Бакр: «Майли»,— дедилар. Абу Бакр жамоатга имомлик қилиб турганларида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб қолдилар. Одамлар сафдан жой бердилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биринчи сафга келиб турдилар. Одамлар Абу Бакрни огоҳлантирмоқ учун чапак чалдилар. Абу Бакр пайқамадилар. Одамлар қаттиқроқ чапак ура бошладилар. Шундагина Абу Бакр Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг келганларини кўрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўрнингда турғил!» — деб ишора қилдилар. Абу Бакр разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (ишонч билдириб) «Жойингда тураверғил!» — деб буюрганларидан хурсанд бўлиб, Оллоҳга ҳамд айтиб, икки қўлларини тепага кўтардилар-да, орқаларига тисарилиб, биринчи сафга туриб олдилар. Расулulloҳ

саллаллоҳу алайҳи ва саллам жойларига ўтиб жамоатга имомлик қилдилар. Намоз тугагач, Абу Бакрга: «Буюрганимдан сўнг нечун жойингизда туравермадингиз?» — дедилар. Абу Бакр: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида намоз ўқимоққа Абу Бакрнинг ҳаққи йўқдир!» — деб жавоб бердилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Не бўлди сизларга, кўп қарсак чалдингиз? Кимки намозда бирор нарсани кўрғайдир, тасбиҳ (субҳоналлоҳ) айтсин, тисбиҳ айтса, унга қарайдилар. Чапак чалмоқ эрса хотинларнинг ишидир», — дедилар».

#### **49-боб. Агар намозхонларнинг қироати бир хил бўлса, ораларида ёши улуғи имомлик қиладир**

*Молик ибн Ҳувайрис нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдик. Ҳаммамиз тенгқур, ёш йигитлар эрдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида 20 кунча туриб қолдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жуда меҳрибон эрдилар, (юртимизни соғинганимизни билиб): «Юртингизга қайтсангиз, у ердагиларга динни ўргатингиз, фалон вақтда фалон намозни, фалон вақтда фалон намозни ўқийдирсиз, деб уларга буюрингиз, намоз вақти бўлганда бирингиз азон айтингиз, орангизда каттангиз имомликка ўтсин!» — дедилар».

#### **50-боб. Имом бирор қавмнинг зиёфатига борса, намоз вақтида уларга имомлик қиладир**

*Атбон ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни уйимга таклиф этган эрдим. Ул киши келиб, киришга ижозат сўрадилар. Кейин: «Уйингнинг қай ерида намоз ўқиб бермоғимни истайдирсан?» — дедилар. Мен бир жойни кўрсатдим. Рас улulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турдилар. Биз у кишига иқтидо қилдик. Намоздан кейин салом бердилар. Биз ҳам салом бердик».

#### **51-боб. Имомга иқтидо қилмоқ керак, ул шунинг учун имом қилингандир!**

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, вафотларидан олдинги бетоблик пайтларида, ўтириб имомлик қилар эрдилар. Ибн Масъуд: «Намозхон бошини имомдан аввал кўтарса, қайтариб туширғайдир-да, имом бошини иккинчи бор кўтармагунча кутиб турғайдир, кейин имомга эргашғайдир», — деганлар. Ҳасан Басрий: «Имом бирлан бирга икки ракъат ўқиб, сажда этолмаган одам охири ракъатда икки марта сажда қилғайдир, кейин бир ракъатини қайта ўқийдир, сажда қилмоқни эсдан чиқариб, ўрнидан туриб кетган одам қайта ўтириб сажда қилғайдир», — дейдилар.

374 . عن عائشة رضي الله عنها قالت :

لما ثقل النبي صلى الله عليه وسلم قال : ( أصلى الناس ) . قلنا لا ، هم ينتظرونك ، قال : ( ضعوا لي ماء في المخضب ) . قالت ففعلنا ، فاغتسل ، فذهب ليئوء فأغمي عليه ، ثم أفاق ، فقال صلى الله عليه وسلم : ( أصلى الناس ) . قلنا : لا ، هم ينتظرونك يا رسول الله ، قال : ( ضعوا لي ماء في المخضب ) . قالت : فقعد فاغتسل ، ثم ذهب ليئوء فأغمي عليه ، ثم أفاق فقال : ( أصلى الناس ) . قلنا لا ، هم ينتظرونك يا رسول الله ، فقال : ( ضعوا لي ماء في المخضب ) . فقعد فاغتسل ، ثم ذهب ليئوء فأغمي عليه ، ثم أفاق فقال : ( أصلى الناس ) . قلنا : لا ، هم ينتظرونك يا رسول الله ، والناس عكوف في المسجد ، ينتظرون النبي عليه السلام لصلاة العشاء الآخرة ، فأرسل النبي صلى الله عليه وسلم إلى أبي بكر : بأن يصلي بالناس ، فاتاه الرسول فقال : إن رسول الله صلى الله عليه وسلم يأمرك أن تصلي بالناس ، فقال أبو بكر ،

وَكَانَ رَجُلًا رَقِيفًا : يَا عُمَرُ صَلِّ بِالنَّاسِ ، فَقَالَ لَهُ عُمَرُ : أَنْتَ أَحَقُّ بِذَلِكَ ، فَصَلَّى أَبُو بَكْرٍ تِلْكَ الْأَيَّامَ ، ثُمَّ إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَجَدَ مِنْ نَفْسِهِ خَفَةً ، فَخَرَجَ بَيْنَ رَجُلَيْنِ ، أَحَدُهُمَا الْعَبَّاسُ ، لِصَلَاةِ الظُّهْرِ ، وَأَبُو بَكْرٍ يُصَلِّي بِالنَّاسِ ، فَلَمَّا رَأَى أَبُو بَكْرٍ ذَهَبَ لِيَتَأَخَّرَ ، فَأَوْمَأَ إِلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِأَنْ لَا يَتَأَخَّرَ ، قَالَ : ( أَجْلِسَانِي إِلَى جَنْبِهِ ) . فَأَجْلَسَاهُ إِلَى جَنْبِ أَبِي بَكْرٍ ، قَالَ : فَجَعَلَ أَبُو بَكْرٍ يُصَلِّي وَهُوَ يَأْتُمُّ بِصَلَاةِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَالنَّاسُ بِصَلَاةِ أَبِي بَكْرٍ ، وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَاعِدٌ .

*Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ нақл қиладилар:* «Оиша онамизнинг ҳузурларига кирдим. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бетоб ётган пайтлари тўғрисида менга сўзлаб берсангиз!» — деб илтимос қилдим. Оиша онамиз: «Майли»,— деб ҳикоя қила кетдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам оғирлашиб қолганларида: «Одамлар намоз ўқидиларми?»—деб сўрадилар. Биз: «Йўқ, сизни кутишмоқда»,— дедик. «Тоғорага ўтқазиб, устимдан сув қуйингиз!» — дедилар. Биз айтганларини қилдик. Ўринларидан тура бошлаганларида ҳушларидан кетдилар. Ҳушларига келгач: «Одамлар намоз ўқидиларми?»—дедилар. Биз: «Йўқ, сизни кутишмоқда»,— дедик. Жаноб Расулulloҳ: «Тоғорага ўтқазиб, устимдан сув қуйингиз!» — дедилар. Биз айтганларини қилдик. Ўринларидан турмоқчи эрдилар, яна ҳушларидан кетдилар. Ҳушларига келгач: «Одамлар намоз ўқидиларми?» — дедилар. Биз: «Йўқ, сизни кутишмоқда»,— дедик. Масжидда одам лик тўла. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хуфтон иамозига чиқишларини кутишмоқда. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрга имомлик қилмакни буюрдилар. Бир киши бориб, Абу Бакрга: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сизни жамоатга имомлик қилсин, деб буюрдилар»,— деди. Абу Бакр кўнгли юмшоқ одам эрдилар. Шунинг учун ҳам Умарга: «Сиз имомлик қилингиз!» — дедилар. Умар: «Ўзингиз бунга мендан кўра қақлироқдирсиз!» — дедилар. Абу Бакр ўша куни имомлик қилдилар., Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларини бир оз енгил ҳис этиб, икки кишининг ёрдамида намозга чиқдилар, улардан бири Аббос эди. Абу Бакр Жаноб Расулulloҳни кўриб жой бўшатмоқчи бўлдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Орқангизга тисарилмангиз, жойингиздан жилмангиз!» — деб ишора қилдилар. Кейин Аббосга: «Мени ёнларига ўтқазингиз!» — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Абу Бакрнинг ёнига ўтқаздилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтириб намоз ўқидилар. Абу Бакр тик туриб Расулulloҳга иқтидо қилдилар. Одамлар эрса Абу Бакрга иқтидо қилишди».

*Убайдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Аббос ҳузурига кириб, «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бетобликлари ҳақида Оиша онамиз менга айтиб берганларини сизга айтишинми?» — дедим. «Айтғил!»— дедилар. Мен айтдим. Бирор сўзимни инкор қилмадилар, лекин: «Огам Аббос бирлан бирга бўлган иккинчи кишининг номини сенга айтдиларми?» — деб сўрадилар. Мен: «Йўқ»,— дедим. «Ул Али эрди!» — дедилар».

375 . وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي بَيْتِهِ وَهُوَ شَاكٌ ، فَصَلَّى جَالِسًا ، وَصَلَّى وَرَاءَهُ قَوْمٌ قِيَامًا ، فَأَشَارَ إِلَيْهِمْ : ( أَنْ اجْلِسُوا ) . فَلَمَّا انْصَرَفَ قَالَ : ( إِنَّمَا جُعِلَ الْإِمَامُ لِيُؤْتَمَّ بِهِ ، فَإِذَا رَكَعَ فَارْكَعُوا ، وَإِذَا رَفَعَ فَارْفَعُوا ، وَإِذَا صَلَّى جَالِسًا فَصَلُّوا جُلُوسًا ) .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб бўлганларидан уйда ўтирган ҳолда намоз ўқидилар. Иқтидо қилаётганлар эрса тик туриб ўқишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «ўтирингиз!» деб ишора

қилдилар. Намоздан кейин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Имом иқтидо қилмоқлари учун тайинлангандир, агар ул рукуъ қилғайдир, рукуъ қилингиз, рукуъдан бош кўтарғайдир, бош кўтарингиз, ўтириб намоз ўқиғайдир, ўтириб намоз ўқингиз!»— дедилар».

*Анас ибн Молик нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам от миниб йиқилдилар, ўнг томонлари шилиниб кетди. Намозни ўтирган ҳолда ўқидилар. Шунда биз ҳам ўтириб ўқидик. Намозни тугатгач, бизга ўгирилиб: «Гап шулким, имом иқтидо қилмоқлари учун имом қилингандир, агар ул тик туриб ўқиғайдир, тик туриб ўқингиз, рукуъ қилғайдир, рукуъ қилингиз, рукуъдан бош кўтарғайдир, бош кўтарингиз, «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» деса, «Раббано ва лакалҳамд» деб айтингиз. Агар тик туриб ўқиғайдир, тик туриб ўқингиз!» — дедилар». Имом Бухорий айтадилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Имом ўтириб ўқиғайдир, ўтириб ўқингиз!» деган сўзларини бундан илгариги бетоблик пайтларида айтганлар, сўнгги касал бўлганларида эрса Жаноб Расулulloҳ ўтириб намоз ўқиганлар. Одамлар тик туриб ўқишган, уларга ўтирмақни буюрмаганлар. Охиргиси ҳисобга олинғайдир, зеро охиргиси Жаноб Расулulloҳнинг табиатларига мосдир».

## 52-боб. Имомга иқтидо этиб намоз ўқиётган одам қачон сажда қиладир?

Анас разияллоҳу анҳу: «Имом сажда қилса, сажда қилингиз!» — дейдилар.

376 . عَنْ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَالَ : ( سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ ) . لَمْ يَحْنُ أَحَدٌ مِّنَّا ظَهْرَهُ ، حَتَّى يَقَعَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَاجِدًا ، ثُمَّ تَقَعُ سُجُودًا بَعْدَهُ .

*Абдуллоҳ ибн Язид:* «Қуйидагини менга Барро айтиб берган эрди, ул ҳеч ёлғон сўзламайдир»,— дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» деб саждага бормагунларича, биронтамиз саждага бормас эрдик, кейин сажда қилар эрдик».

## 53-боб. Имомдан аввал бошини кўтарган одамнинг гуноҳи

377 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( أَمَا يَخْشَى أَحَدُكُمْ ، أَوْ : أَلَا يَخْشَى أَحَدُكُمْ ، إِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ قَبْلَ الْإِمَامِ ، أَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ رَأْسَهُ رَأْسَ حِمَارٍ ، أَوْ يَجْعَلَ اللَّهُ صُورَتَهُ صُورَةَ حِمَارٍ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ораларингизда кимдир имомдан аввал бошини кўтарғайдир, унинг бошини Оллоҳ таоло эшакнинг бошига ёким кўринишини эшакнинг кўринишига айлантириб қўймоғидан қўрқмағайми (қўрқмағайдирми)?» — дедилар».

## 54-боб. Қул ёки озод қилинган қулнинг имомликка ўтмоғи ҳақида

Оиша онамизга Зақвон деган қуллари имомлик қилур эрди, Қуръонга кўра, ҳароми бола ҳам, бадавий ҳам, балоғатга етмаган бола ҳам имом бўлмоғи жоиздир. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Имомликка Қуръони Каримни мукамал билган киши ўтғайдир»,—деганлари учун ҳам Имом Бухорий: «Қул, бирор айби бўлмаса, жамоатга қатнашмақдан маҳрум қилинмағайдир»,— дейдилар».

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Қубодаги Асаба деган жойга келган дастлабки муҳожирларга (Расулulloҳнинг келишларидан аввал) Абу Ҳузайфанинг озод қилинган қули Солим имомлик қилур эрди. У Қуръонни ҳаммадан яхшироқ билур эрди».

378 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ : عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( اسْمَعُوا وَأَطِيعُوا ، وَإِنْ اسْتَعْمَلَ حَبَشِيٌّ ، كَانَ رَأْسَهُ

زَيْبَةَ .

*Анас разияллоҳу анҳу нақл қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Гарчи сизларга боши майиздек қоп-қора қул бошлиқ қилиб тайинланса ҳам, унга қулоқ солиб, итоат этингиз!» — деганлар».

### 55-боб. Имом ёмон имомлик қилса, гуноҳи ўзига

379 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( يُصَلُّونَ لَكُمْ ، فَإِنْ أَصَابُوا فَلَكُمْ ، وَإِنْ أخطأوا فَلَكُمْ وَعَلَيْهِمْ ) .

*Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Имомлар сизларга имомлик қилиб намоз ўқийдирлар. Агар тўғри, тўлиқ ўқиғадирлар, сизларга ҳам, ўзларига ҳам савоб, бўлғайдир. Хато қилсалар, сизларга савоб-у, гуноҳи ўзларига бўлғайдир»,— деганлар».

### 56-боб. Йўлдан озган ва бидъатчи одамнинг имомлиги хусусида

Ҳасан Басрий: «Бидъатчининг орқасида ҳам намоз ўқийверғил, бидъатининг зарари ўзигадир»,— деганлар. Имом Бухорий: «(Ушбу ҳадисни) бизга Муҳаммад ибн Юсуф айтиб бердилар»,— дейдилар.

Убайдуллоҳ ибн Адий ибн Хиёр Усмон ибн Аффоннинг ҳузурларига кирди. Ҳазрат Усмон сиқилиб ўтирган эрканлар. Усмонга: «Сиз жамоат имомидирсиз, бошингизга нечук ишлар тушди, кўриб турибсиз. Бизга эрса фитначи кишилар имом бўлиб олмишлар, биз уларга иқтидо қилиб, гуноҳкор бўлмақдан қўрқадирмиз»,— деди. Шунда Усмон: «Намоз одамлар қилаётган ишларнинг энг яхшисидир. Агар кишилар хайрлик иш қилаётган бўлсалар, сен ҳам уларнинг хайрлик ишларига бош қўшғил, агар ёмон ишга қўл урган бўлсалар, уларнинг ёмонлигидан четланғил!»— дедилар. Зухрий: «Жуда зарур бўлмаса, хотинчалиш (хунаса) одамга иқтидо қилинмайдир»,— дейдилар.

*Анас ибн Молик нақл қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Заррга: «Агар боши майиздек қоп-қора ҳабаш имом эрса ҳам, унга қулоқ солғил ва итоат этғил!»—деган эканлар».

### 57-боб. Агар намоз ўқиётганлар икки киши бўлса, бири имом бўлиб, иккинчиси унинг ўнг томонига ўтиб иқтидо қиладир

380 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

نَمْتُ عِنْدَ مَيْمُونَةَ وَالتَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَهَا تِلْكَ اللَّيْلَةَ ، فَتَوَضَّأْتُ ثُمَّ قَامَ يُصَلِّي فَقُمْتُ عَلَى يَسَارِهِ ، فَأَخَذَنِي فَجَعَلَنِي عَنْ يَمِينِهِ ، فَصَلَّى ثَلَاثَ عَشْرَةَ رَكْعَةً ، ثُمَّ نَامَ حَتَّى نَفَخَ ، وَكَانَ إِذَا نَامَ نَفَخَ ، ثُمَّ أَتَاهُ الْمُؤَدِّنُ ، فَخَرَجَ فَصَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ .

*Ибн Аббос ривоят қиладирлар:* «Маймуна холамникида тунаб қолдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтонни масжидда ўқидилар. Кейин, уйларига келиб тўрт ракъат намоз ўқидилар. Сўнг, ухладилар, кейин ўринларидан туриб, таҳорат олиб намоз бошладилар. Мен чап ёнларига бориб турдим. Мени ўнг ёнларига ўтказиб қўйдилар. Аввал беш ракъат, кейин икки ракъат намоз ўқидилар, сўнг ухладилар, ҳатто пишиллаганларини эшитдим. Кейин, намози бомдодни ўқигани чиқиб кетдилар».

### 58-боб. Агар иқтидо қилғувчи биргина бўлса-ю, имомнинг чап томонида турса, имом уни ўнг томонига ўтказиб қўйса, намозлари бузилмайдмр

*Ибн Аббос нақл қиладирлар:* «Маймуна холамникида тунаб қолдим. Ўша кечаси Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам холамнинг уйларига эрканлар. Таҳорат

олиб намозга турдилар. Мен чап томонларида туриб иқтидо қилдим, мени ўнг томонларига ўтказиб қўйдилар. Шунда ўн уч ракъат намоз ўқидилар. Кейин, ухладилар, ҳатто пишилладилар ҳам. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ухласалар, пишилладилар эдилар. Кейин, ул кишини муаззин келиб чақирди. Чиқиб жамоатга имомлик қилдилар, таҳорат олмадилар (ёнбошлаб дам олганларида, қалблари уйғоқ бўлгани учун таҳоратлари синмас эрди)».

### **59-боб. Кишининг имомлик қиламан деган нияти бўлмаса-ю, одамлар келиб унга иқтидо қилинса...**

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Маймуна холамникида тунаб қолдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси туриб намоз ўқидилар. Мен ҳам туриб у киши билан ўқидим. Чап томонларида турган эрдим, белимдан ушлаб ўнг томонларига ўтказиб қўйдилар».

### **60-боб. Агар имом намозни чўзиб юборса-ю, иқтидо қилғувчининг бирор ҳожати бўлса, у сафдан чиқиб, ўзи ўқиб олса...**

381 . عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ مُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ يُصَلِّيَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، ثُمَّ يَرْجِعُ فَيَوْمُ قَوْمِهِ فَصَلَّى الْعِشَاءَ ، فَقَرَأَ بِالْبَقْرَةِ ، فَانصَرَفَ الرَّجُلُ ، فَكَانَ مُعَاذًا تَنَاوَلَ مِنْهُ ، فَبَلَغَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ : ( فَتَانٌ ، فَتَانٌ ، فَتَانٌ ) . ثَلَاثَ مَرَّارٍ ، أَوْ قَالَ : ( فَاتِنًا ، فَاتِنًا ، فَاتِنًا ) . وَأَمَرَهُ بِسُورَتَيْنِ مِنْ أَوْسَطِ الْمُفْصَلِ .

*Жобир ибн Абдуллоҳ нақл қиладилар:* «Муоз ибн Жабал Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга хуфтонни ўқиб, сўнг бориб қавмига имомлик қилур эрди. (Бир куни) хуфтонда қавмига ймомлик қилаётиб Сураи Бақарани зам қилди. Шунда бир киши сафдан ажралиб чиқди-да, ўзи алоҳида намоз ўқиб, кетди. Муоз у кишини ёмонлагандек бўлди. Буни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга етказдилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муозга: «Сен фитначидирсан, фитначидирсан, фитначидирсан!» ёки «Бунақа ҳолда фитначи бўлиб қолгайсан, фитначи бўлиб қолгайсан, фитначи бўлиб қолгайсан!»— деб уч марта айтдилар-да, бундан кейин (ўлчами) ўртачароқ иккита сурани зам қилмакни буюрдилар. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган ўша суранинг қайси эканлигини эслай олмаётирман»,— дейдилар Амр разияллоҳу анҳу».

### **61-боб. Имомнинг қиёмни енгилроқ, рукуъ ва сужудни тўлароқ қилмоғи хусусида**

382 . عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا قَالَ :  
وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنِّي لَأَتَأَخَّرُ عَنْ صَلَاةِ الْعِدَاةِ مِنْ أَجْلِ فَلَانٍ ، مِمَّا يُطِيلُ بِنَا ، فَمَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَوْعِظَةٍ أَشَدَّ غَضَبًا مِنْهُ يَوْمَئِذٍ ، ثُمَّ قَالَ : ( إِنَّ مِنْكُمْ مُنْفِرِينَ ، فَأَيُّكُمْ مَا صَلَّى بِالنَّاسِ فَلَيَتَحَوَّرُ ، فَإِنَّ فِيهِمُ الضَّعِيفَ وَالْكَبِيرَ وَذَا الْحَاجَةِ ) .

*Абу Масъуд ривоят қиладилар:* «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Мен, фалончи имом намозни чўзиб юбораётгани учун намози бомдодга бормаётирман»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ваъз айтаётганларида ўша кундагидан кўра ғазабланганроқ ҳолатларини кўрмаганман. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўшанда: «Сизларнинг ораларингизда одамларни жамоат намозидан бездираётганлар бордир. Қай бирингиз жамоатга имомлик қилгайдирсиз, намозни осонлаштирингиз, чунки намозхонлар орасинда заиф, касалманд, кекса ва иши зарур одамлар бордир!» — дедилар».

**62-боб. Агар киши намозни ёлғиз ўзи ўқиса, хоҳлаганича чўзаверсин!**

*Абу Ҳурайра ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангиз жамоатга имомлик қилғайдирсиз, намозни осонлаштириб ўқингиз, чунки намозхонлар орасинда заиф, касал ва кексалар бордир. Агар қайси бирингиз намозни ёлғиз ўзингиз ўқийдирсиз, истаганча чўзаверингиз!» — дедилар».

**63-боб. Имом намозни чўзиб юборганда устидан шикоят қилган киши**

Абу Усайд: «Намозимизни жуда ҳам чўзиб юбординг, эй болам!» — деган эканлар.

*Абу Масъуд ривоят қилади:* «Бир киши Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулulloҳ, имом намозни чўзиб юбораётганидан бомдод намозига бормаётирман»,— деди. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ғазабландилар. Ўша кундагидан кўра қаттиқроқ ғазабланганларини кўрмаган эрдим. Жаноб Расулulloҳ: «Эй одамлар, сизларнинг ораларингизда намоздан бездирғувчилар бордир. Кимки имом бўлиб (намоз) ўқийдир, енгил ўқисин, чунки унинг орқасинда заиф, кекса ва иши зарур кишилар бордир!»— дедилар».

*Жобир ибн Абдуллоҳ нақл қилади:* «Қоронғи кеча эрди. Муоз жамоатга имомлик қилиб хуфтон ўқиётган пайтда бир киши икки туяни етаклаб келиб қолди. Туяларини кўйиб, Муозга иқтидо қилди. Муоз «Сураи Бақарани» ёки «Сураи Нисони» зам қилиб ўқий бошлаганда бояги киши орадан чиқиб кетди. Муоз унинг орқасидан ёмонлаб қолди. Буни ул кишига етказишган эрди, бориб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга шикоят қилди. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Муозга: «Эй Муоз, сен фитначидирмисан ёким ғайбатчидирмисан?» — деб уч марта қайтариб айтдилар, кейин: «Саббиҳ-исма раббика-л-аъло...» ва «Ва-ш-шамси ва зуҳоҳо...» ҳамда «Ва-л-лайли изо йағшо...» деб бошланадиган сураларни зам қилиб ўқисанг бўлмағаймидир?! Ахир сенинг орқангда кекса, заиф ва ҳожатманд кишилар ҳам борку!» — дедилар».

**64-боб. Намозни қисқа ва мукаммал ўқимоқ тўғрисида**

384 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُوجِزُ الصَّلَاةَ وَيُكَمِّلُهَا .

*Анас ибн Молик:* «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам намозни қисқа қилиб ҳам, мукаммал қилиб ҳам ўқир эрдилар» — дейдилар.

**65-боб. Чақалоқ йиғлаб қолганда намозни қисқароқ ўқимоқ хусусида**

385 . عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِنِّي لَأَقُومُ فِي الصَّلَاةِ أُرِيدُ أَنْ أُطَوَّلَ فِيهَا ، فَأَسْمَعُ بُكَاءَ الصَّبِيِّ ، فَأَتَجَوَّزُ فِي صَلَاتِي ، كَرَاهِيَةً أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمِّهِ ) .

*Абу Қатода ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен намозни узунроқ қилиб ўқимоқчи бўлганимда, чақалоқ йиғлаб қолса, онасига оғир тушмасин деб, қисқароқ ўқийдирмен»,— деган эканлар».

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу нақл қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан кўра намозни қисқароқ ва мукаммалроқ ўқийдирган бирорта одамни учратмадим. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам чақалоқ йиғисини эшитиб, онасига қийин бўлмасин деб, намозни қисқароқ ўқир эрдилар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен намозни узунроқ ўқимоқчи бўлиб бошлайдирман-у, ammo чақалоқнинг йиғисини эшитиб, онасига оғир бўлмасин деб, қисқартирғайман»,— деган эканлар».

*Анас разияллоҳу анҳу нақл қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен, намозни узунроқ ўқийдирман, деганимда чақалоқнинг йиғисини

эшитиб қолғайман. Шунда ўнинг онасига оғир тушмоқлигини фаҳмлаб, намозни енгиллатғайман»,— деган эканлар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен намозни узунроқ ўқимоқчи бўлиб бошлайдирман-у, аммо бола йиғисини эшитиб қолиб, унинг онаси азият чекмоғини ўйлаб, енгиллатғайман»,— деган эканлар».

### **66-606. Бир киши имомга иқтидо қилиб намоз ўқиса-ю, сўнг ўз қавмига бориб имомлик қилса...**

*Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Муоз разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб намоз ўқидилар, сўнг ўз қавмларига бориб имомлик қилдилар».

### **67-606. Имомнинг такбирини одамларга эшиттириб турган киши**

*Оиша онамиз ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам оғир ётганларида Билол намозга чақириб келди. Шунда Расулulloҳ: «Абу Бакрга буюрингиз, жамоатга имомлик қилсин!» — дедилар. Мен: «Ё Расулalloҳ, Абу Бакр кўнгли бўш одамдирлар, ул киши сизнинг ўрнингизда имомлик қилсалар, одамлар йиғиларидан қироатларини эшитолмай қолғайдир, яхшиси Умарга буюрингиз!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Абу Бакрга буюрингиз, жамоатга имомлик қилсин!»—деб қайтариб айтдилар. Мен Ҳафсага: «Абу Бакр кўнгли бўш одамдирлар, ўрнингизда турсалар, йиғиларидан одамлар Қироатларини эшитмай қолғайдирлар, Умарга буюра қолингиз, деб Расулulloҳга айтғил!»— дедим. Расулulloҳ: «Сизлар Юсуф алайҳиссалом қиссасидаги хотинлар сингаридирсизлар. Буюрингиз Абу Бакрга, жамоатга имомлик қилсин!»—дедилар. Абу Бакр намозни бошлагач, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам енгил тортдилар. Кейин, икки киши ёрдамида оёқларини зўрға босиб масжидга чиқдилар. Абу Бакр Расулulloҳнинг шарпаларини сезиб жой бўшатмоқ учун орқага тисарила бошладилар. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ўрнингдан қимирламағил!» — деб ишора қилдилар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрнинг чап ёнларига келиб ўтирдилар. Абу Бакр тик туриб ўқидилар. Жаноб Расулulloҳ ўтирган ҳолларида ўқидилар. Абу Бакр Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг айтаётган такбирларини одамларга эшиттириб турдилар».

### **68-606. Бир киши имомга, одамлар эрса унга иқтидо қилмоғи хусусида**

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг: «Сиз менга иқтидо қилингиз, сизга орқангиздагилар иқтидо қилсинлар!»— деганлари хусусида қуйидаги ҳадис зикр қилинади:

*Оиша онамиз ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам оғир ётганларида Билол ул кишини намозга чақириб келди. Жаноб Расулulloҳ: «Абу Бакрга буюрингиз, жамоат олдига ўтиб имомлик қилсин!» — дедилар. Мен: «Ё Расулulloҳ, Абу Бакр кўнгли бўш одамдирлар, ул киши сизнинг ўрнингизда имомлик қилсалар, йиғиларидан одамлар қироатларини эшитолмай қолғайдирлар, яхшиси Умарга буюра қолингиз!»—дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Абу Бакрга буюрингиз, жамоатга имомлик қилсин!»—дедилар. Шунда мен Ҳафсага: «Абу Бакр кўнгли бўш одамдирлар, ўрнингизга имомлик қилсалар, йиғлаб юборадилар, одамлар қироатларини эшитолмағайдирлар, Умарга буюра қолингиз, деб Расулulloҳга айтғил!» — дедим. Расулulloҳ: «Сизлар Юсуф алайҳиссалом қиссасидаги хотинларга ўхшайдирсизлар, буюрингиз, Абу Бакр жамоатга имомлик қилсин!»—дедилар.



Абу Бакр имомлик қилмоққа киришгач, Расулulloҳ енгил тортдилар, сўнг икки киши кўмагида оёқларини судраб босиб масжидга чиқдилар. Абу Бакр Жаноб Расулulloҳнинг келаётганларини сезиб, жой бўшатмоқчи бўлдилар. Расулulloҳ: «Урнингда тураверғил!»—деб ишора қилдилар. Расулulloҳни Абу Бакрнинг чап ёнларига олиб бориб ўтқазиди. Расулulloҳ ўтирган ҳолларида имомлик қилдилар, Абу Бакр ул кишига, одамлар эрса Абу Бакрга иқтидо қилдилар».

### **69-боб. Имом иккиланса, одамларнинг сўзига ишонадирми?**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ракъат ўқиб, намозни тугатдилар, салом бериб одамларга ўгирилдилар. Шунда Залядайн: «Ё Расулulloҳ, намоз қисқардими ё эсингиздан чиқардингизми?» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зулядайн тўғри айтмакдами?» — дедилар. ,

Одамлар Зулядайннинг сўзини тасдиқлашди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна икки ракъат ўқидилар, одамлар ул кишига иқтидо қилдилар, сўнг салом бердилар. Кейин, такбир айтиб, аввалдагидек ёким ундан ҳам узунроқ саждаи саҳв қилдилар».

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам . пешин намозини икки ракъат ўқидилар. Шунда Жаноб Расулulloҳга: «Икки ракъат ўқидингиз»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ яна икки ракъат, намоз ўқиб, салом бердилар, кейин саждаи саҳв қилдилар».

### **70-боб. Имом намозда йиғласа...**

*Абдуллоҳ ибн Шаддод ривоят қиладилар:* «Ҳазрат Умарнинг «Иннамо ашқу бассий ва ҳузний ила-л-лоҳи» (Дарду ғамимдан фақат Оллоҳнинг ўзигагина шикоят қилғайдурмен) деган оятни ўқиётиб йиғлаётганларини мен охириги сафда туриб ҳам эшитдим».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам касал бўлиб ётганларида: «Абу Бакрга буюрингиз, жамоатга имомлик қилсин!»— дедилар. Мен: «Абу Бакр сизнинг ўрнингизга турсалар, йиғиларидан одамлар қироатларини эшита олмағайдирлар, Умарга буюрингиз, жамоатга имомлик қилсинлар!» — дедим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Абу Бакрга буюрингиз, жамоатга имомлик қилсин!»—деб қайтариб айтдилар. Шунда мен Ҳафсага: «Абу Бакр сизнинг ўрнингизга турсалар, одамлар йиғиларидан қироатларини эшита олмағайдирлар, Умарга буюрингиз, имомлик қилсин, деб Расулulloҳга айтғил!» — дедим. У шундай деди. Шунда Расулulloҳ: «Тек турғил, сизлар Юсуф алайҳиссалом қиссасидаги хотинлар кабисизлар. Дилингиздагининг аксини айтғайсизлар. Абу Бакрга буюрингиз, жамоатга имомлик қилсин!» — дедилар.

Ҳафса менга: «Сендан ҳеч яхшилиғ кўрмадим!»—деди хафа булиб».

### **71-боб. Такбир айтаётганда ва ундан кейин сафларни тўғрилаш**

386 . عَنْ التُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَتَسُوْنَ صُفُوْفَكُمْ ، أَوْ لَيَخَالِفَنَّ اللهُ بَيْنَ وَجُوْهِكُمْ ) .

*Нўъмон ибн Башир нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳга қасамёд қилиб айтурменким, сафларингизни тўғриламасангиз, Оллоҳ таоло дилларингизни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйғайдир!» — деб айтганлар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «Сафларни тўғрилангиз, мен сизларни тескари туриб ҳам кўрғайдурмен!» — дедилар».

### **72-боб. Сафлар тўғриланаётганда имомнинг одамларга ўгирилиб қарамоғи**

387 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( أَقِيمُوا صُفُوفَكُمْ ، وَتَرَاصُّوا ، فَإِنِّي أَرَاكُمْ مِنْ وَرَاءِ ظَهْرِي ) .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Намозга такбир айтилди. Расулulloҳ юзларини бизга ўгириб қарадилар-да: «Сафларни тўғрилангиз, жипслашиб турингиз, мен сизларни тескари туриб ҳам кўрғайдурмен!»— дедилар».

### **73-боб. Биринчи саф**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дегандилар»,— дейдилар: «Сувда фарқ бўлганлар, қорин оғриғи ва вабодан ўлганлар ёким бирор нарса босиб қолиб ўлганлар шаҳид ўлган ҳисобланур. Кишилар намозга эрта келмоғнинг нечук савоби борлигини билсалар эрди, (масжидга ким олдин бормакка) мусобақа қилишур эрди. Намози хуфтон бирлан намози бомдодда нечук савоб борлигини билганларида, судралиб (эмакляб) бўлса ҳам (масжидга) келишур эрди. Биринчи сафда нечук савоб борлигини билишса эрди, қуръа (чек) ташлашар эрди».

### **74-боб. Сафни тўғриламоқ намознинг мукамал бўлмоғи шартларидандир!**

*Абу Ҳурайра қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Имом иқтидо қилмоқлари учун имом қилингандир, бунга риоя қилингиз. Агар рукуъ қилғайдир, рукуъ қилингиз, агар «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» дегайдир, «Раббано ва лака-л-ҳамд» деб айтингиз! Агар сажда қилғайдир, сажда қилингиз, агар ўтириб ўкиғайдир, ҳаммангиз ўтириб ўқингиз! Намозда сафни тўғрилангиз, чунким сафнинг тўғри бўлмоғи намоз кўркидир!» — дедилар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сафларингизни тўғрилангиз, чунким сафларни тўғри қилмоқ намознинг мукамал бўлмоғидир!» — дедилар».

### **75-боб. Сафни тўғриламаган (тўлдирмаган) кишининг гуноҳи**

*Башир ибн Ясор ривоят қиладилар:* «Анас разияллоҳу анҳу Басрадан Мадинага келди. Анасга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларидан кейин биздан қандай камчилик топдингиз?»— дейишди. Анас: «Сизлар сафни тўғрилаб, тўлдирмас экансизлар, бундан бўлак хато топмадим»,— деди. (Имом Бухорий сафни тўғриламоқни — вожиб, мужтаҳид уламолар эрса — суннат деб ҳисоблағайлар. Чунки Анас уларга намозни қайтариб ўқимакни буюрмадилар)».

### **76-боб. Сафда оёқни оёққа, елкани елкага тегизиб турмоқ**

Нуъмон ибн Башир: «(Сафда) ҳар биримизнинг тавонимиз ёнимиздагининг тавонига тегиб турганининг шоҳиди бўлганман»,— дейдилар.

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сафингизни тўғрилаб турингиз, мен сизларни тескари туриб ҳам кўрғайдурмен»,— деган эрдилар. Биз, Расулulloҳнинг даврларида сафда турганимизда ҳар биримизнинг елкамиз ёнимиздагининг елкасига, оёғимиз оёғига тегиб турар эрди».

### **77-боб. Агар иқтидо қилувчи киши имомнинг чап ёнига келиб турса, имом уни орқа томонидан айлантириб, ўнг ёнига турғизиб қўйса, намоз бузилмайди**

*Ибн Аббос қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Бир куни тунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга намоз ўқидим. Ўшанда чап томонларига келиб турган эрдим. Жаноб Расулulloҳ мени бошимдан ушлаб, орқа томонларидан айлантириб, ўнг ёнларига турғазиб қўйдилар. Намоздан кейин ёнбошладилар, сўнг муаззин келди, ўринларидан туриб намоз ўқидилар, (қайта) таҳорат олмадилар».

### **78-боб. Аёлнинг якка ўзи бир саф бўлади**

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Мен ва оир етим бола бизниқида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб намоз ўқидик, онам Умму Сулайм эрса орқамизда туриб иқтидо қилдилар».

### **79-боб. Имом ва масжиднинг ўнг томони афзал**

*Ибн Аббос қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Бир куни кечаси Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чап томонларида туриб иқтидо қилдим. Шунда Расулulloҳ қўлимдан ушлаб, «Орқамдан айланғил!»— деб ишора қилдилар-да, ўнг томонларига ўтказиб қўйдилар».

### **80-боб. Агар имом билан қавм (намозхонлар) ўртасида девор ёким қандайдир тўсиқ бўлса...**

Ҳасан Басрий: «Сен бирлан имом ўртасида дарё бўлса ҳам унга иқтидо қилиб намоз ўқимоғингнинг зарари йўқдир»,— дейдилар. Абу Мижлаз: «Гарчи намозхон бирлан имом орасидан йўл ўтган бўлса-да, такбир овози , эшитилиб турса, иқтидо қилиб намоз ўқиладир»,—дейдилар.

388 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ فِي حُجْرَتِهِ ، وَجِدَارُ الْحُجْرَةِ قَصِيرٌ ، فَرَأَى النَّاسَ شَخْصَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَامَ أَنَسٌ يُصَلُّونَ بِصَلَاتِهِ ، فَأَصْبَحُوا فَتَحَدَّثُوا بِذَلِكَ ، فَقَامَ لَيْلَةَ الثَّانِيَةِ ، فَقَامَ مَعَهُ أَنَسٌ يُصَلُّونَ بِصَلَاتِهِ ، صَنَعُوا ذَلِكَ لَيْلَتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا ، حَتَّى إِذَا كَانَ بَعْدَ ذَلِكَ ، جَلَسَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمْ يَخْرُجْ ، فَلَمَّا أَصْبَحَ ذَكَرَ ذَلِكَ النَّاسُ فَقَالَ : ( إِنِّي خَشِيتُ أَنْ تُكْتَبَ عَلَيْكُمْ صَلَاةُ اللَّيْلِ ) .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси бир тўсиқ ортида намоз ўқий бошладилар, тўсиқнинг бўйи паст эрди. Одамлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб, ўрталарида тўсиқ бўлса-да, ул кишига иқтидо қилиб намоз ўқидилар. Тонг отгунча намоз ўқидилар, кейин ўртада тўсиқ бўлганда намоз ўқимоқ ҳақида суҳбатлашдилар. Эртаси кечаси ҳам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турдилар, одамлар ул кишига иқтидо қилишди. Бу нарса 2 ёки 3 кеча қайтарилгач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша жойга намоз ўқимоққа чиқмадилар. Тонг отгач, одамлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу кеча намозга чиқмаганликларининг сабабини сўрашди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен кечаси туриб намоз ўқимоқ сизларга фарз бўлиб қолмоғидан қўрқдим»,— дедилар».

### **81-боб. Кечаси (туриб) намоз ўқимоқ**

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир бўйралари бўларди. Кундузи (устида) ўтирар эрдилар, кечаси эса (намоз ўқийётганларида ўша бирлан қибла томонни) тўсиб қўяр эрдилар. Одамлар ул кишига иқтидо қилиб намоз ўқишар эрди».

389 . عَنْ زَيْدِ بْنِ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَخَذَ حُجْرَةً ، قَالَ : حَسِبْتُ أَنَّهُ قَالَ مِنْ حَصِيرٍ ، فِي رَمَضَانَ ، فَصَلَّى فِيهَا لَيْلِي ، فَصَلَّى بِصَلَاتِهِ نَاسٌ مِنْ أَصْحَابِهِ ، فَلَمَّا عَلِمَ بِهِمْ جَعَلَ يَقْعُدُ ، فَخَرَجَ إِلَيْهِمْ فَقَالَ : قَدْ عَرَفْتُ الَّذِي رَأَيْتُمْ مِنْ صَنِيعِكُمْ ، فَصَلُّوا أَيُّهَا النَّاسُ فِي بُيُوتِكُمْ ، فَإِنَّ أَفْضَلَ الصَّلَاةِ صَلَاةَ الْمَرْءِ فِي بَيْتِهِ إِلَّا الْمَكْتُوبَةَ .

*Зайд ибн Собит қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига тўсиқ қилиб олдилар (назаримда, Бусур ибн Саъид менга: «Рамазонда бўйрадан тўсиқ қилиб олдилар»,— деганди). Рамазонда бир неча кеча намоз ўқидилар, баъзи саҳобалар тўсиқ ортида туриб ул кишига иқтидо қилиб намоз ўқидилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам буни билиб қолиб, ташқарига чиқмай, уйларида намоз ўқидилар. Кейин чиқиб: «Эй одамлар, мен сизларнинг қилаётган ишларингиздан бохабармен, (нафлни) уйларингизда ўқингиз. Чунким (нафл) намозини уйда, фарз намозини эрса масжидда ўқимоқ афзалдир»,— дедилар».

### 82-боб. Намозни «Оллоҳу акбар» деб такбири таҳрима айтиш билан бошламоқнинг фазилати

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам отдан йиқилиб, ўнг ёнлари шикастланди. Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қайси бир намозда ўтирган ҳолларида имоматга ўтдилар. Биз ҳам ўтириб иқтидо қилдик. Намоздан кейин Жаноб Расулulloҳ бизга: «Имом иқтидо қилмоқлари учун имом қилингандир. Агар ул тик туриб ўқиғайдир, тик туриб ўқингиз. Агар рукуъ қилғайдир, рукуъ қилингиз. Агар «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» дегайдир, «Раббано ва лака-л-ҳамд» деб айтингиз!» — дедилар».

*Анас разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам отдан йиқилиб, оёқлари шилиниб келдилар. Шунда биз билан ўтириб намоз ўқидилар, биз ҳам ўтирган ҳолда иқтидо қилдик. Намоз тугагач, бизга ўгирилиб: «Имом иқтидо қилмоқлари учундир. Ул такбири таҳрима айтса, такбири таҳрима айтингиз. Рукуъ қилса, рукуъ қилингиз, рукуъдан турса, турингиз. Агар «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» деса, «Раббано ва лака-л-ҳамд» деб айтингиз. Сажда қилса, сажда қилингиз!»— дедилар».

*Абу Ҳурайра қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Имом иқтидо қилмоқлари учун имом қилинғайдир, агар имом такбири таҳрима айтғайдир, такбири таҳрима айтингиз, рукуъ қилғайдир, рукуъ қилингиз, «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» дегайдир, «Раббано ва лака-л-ҳамд» деб айтингиз, сажда қилғайдир, сажда қилингиз. Ўтириб ўқиғайдир, ўтириб ўқингиз!» — дедилар».

### 83-боб. Такбири таҳрима айтмоқ айна пайтда қўлни кўтармоқ бирлан бошланур

390 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : كَانَ يَرْفَعُ يَدَيْهِ حَذْوَ مَنْكَبَيْهِ ، إِذَا افْتَتَحَ الصَّلَاةَ ، وَإِذَا كَبَّرَ لِلرُّكُوعِ ، وَإِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ رَفَعَهُمَا كَذَلِكَ أَيْضًا ، وَقَالَ : ( سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ ، رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ ) . وَكَانَ لَا يَفْعَلُ ذَلِكَ فِي السُّجُودِ .

*Солим ибн Абдуллоҳнинг оталари Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқишни бошлаётганларида қўлларини елка баробар кўтарар эрдилар, такбир айтиб рукуъ қилаётганларида ҳам, рукуъдан бош кўтараётганларида ҳам қўлларини елка баробар кўтарар эрдилар ва «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу», «Раббано ва лака-л-ҳамд»,— дер эрдилар. Лекин сажда қилаётганда бундай қилмас эрдилар».

*Абдуллоҳ ибн Умар нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқиётиб қўлларини елка баробарида кўтарганларини кўрдим. Такбир айтиб рукуъ қилаётганларида ҳам, рукуъдан бошларини кўтараётганларида ҳам шундай қилар эрдилар».

#### **84~606. Такбири таҳрима айтаётганда қўлни қаергача кўтармоқ лозим?**

«Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар бирлан намоз ўқиётиб қўлларини елка баробарида кўтардилар»,— дейдилар Абу Ҳумайд.

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг такбири таҳрима айтаётганларида қўлларини елка баробарида кўтарганларини кўрдим, рукуъда такбир айтаётганларида ҳам, «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» деганларида ҳам шундай қилдилар. Сажда қилаётганларида «Раббано ва лака-л-ҳамд» дедилар, лекин қўлларини кўтармадилар, саждадан бошларини кўтараётганларида ҳам бундай қилмадилар».

#### **85-606. Иккинчи ракъатдан турганда қўлни кўтармоқ**

*Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу такбири таҳрима айтиб намозни бошлаётганларида қўлларини елка баробарида кўтарар эрдилар. Рукуъ қилганларида ҳам, «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» деганларида ҳам, иккинчи ракъатдан турганларида ҳам шундай қилар эрдилар (Ибн Умар разияллоҳу анҳу буни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбат бергайдилар)».

#### **86-606. Намозда (қиёмда) ўнг қўлини чап қўлининг устига қўймоқ**

391 . عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّاسُ يُؤْمَرُونَ أَنْ يَضَعَ الرَّجُلُ الْيَدَ الْيُمْنَى عَلَى ذِرَاعِهِ الْيُسْرَى فِي الصَّلَاةِ .

*Саҳл ибн Саъд нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга намозда (қиёмда) турганда ўнг қўлни чап билак устига қўймоқни буюрар эрдилар (Ибн Ҳазм: «Бундай қилмоқни ким буюрганлигини аниқ айта "олмасмен, амма Саҳл ибн Саъд буни Жаноб Расулulloҳга нисбат бергайдир»,— дейдилар. Имом Бухорий: «Нисбат берилгайдир»,—дейдилар-у, бироқ кимга нисбат. берилмоғини айтмайдилар)».

#### **87-606. Намозда (Оллоҳга) бўйин эгиб турмоқ**

*Абу Ҳурайра қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мени сизлар фақат қаршисидагини кўрғайдир, деб ўйлайдирмисиз? Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, менга сизларнинг рукуъларингиз ҳам, хушуъларингиз (худога бўйин эгиб туришларингиз) ҳам махфий эрмасдир, мен сизларни орқамни ўгириб турганимда ҳам кўрғаймен»,— дедилар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рукуъ ва саждаларни тўла-тўқис бажарингиз, мен сизларнинг рукуъ ва саждаларингизни орқамни ўгириб туриб ҳам кўрғаймен (ёким «кетимдан ҳам кўриб турғаймен»)»,—деган эдилар шекилли».

#### **88-606. Намозхон такбири таҳримадан кейин нимани ўқийдир?**

392 . عَنْ أَنَسِ بْنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبَا بَكْرٍ وَعُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، كَانُوا يَفْتَتِحُونَ الصَّلَاةَ : بِالْحَمْدِ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ .

*Анас разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр ва



Нофиъ: «Ўшанда, Жаноб Расулulloҳ: «Ўзи ҳашарот топиб есин деб ҳам қўйиб юбормаган» дегандилар шекилли»,— дейдилар.

### 89-боб. Намоз ўқиётиб имомга қарамоқ

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Кун тутилганда ўқиладирган намоз ҳақида гапираётиб: «Мен дўзахнинг парчаланиб айқаш-уйқаш бўлиб кетганини кўриб, ваҳмдан орқамга тисарилдим»,— дедилар».

395 . عَنْ خَبَابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، قِيلَ لَهُ : أَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الظُّهْرِ وَالْعَصْرِ ؟ قَالَ : نَعَمْ ، قِيلَ لَهُ : بِمَ كُنْتُمْ تَعْرِفُونَ ذَلِكَ ؟ قَالَ : بِاضْطِرَابِ لِحْيَتِهِ .

*Абу Маъмар разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Биз Хаббобдан «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешинда ва асрда зам сура ўқирми эрдилар?»—деб сўрадик. «Ҳа»,— деди. «Буни қандай» қилиб билур эрдингиз?»—дедик. «Соқолларининг қимирлашидан»,— деди (демак, ул киши намоз вақтида имомга қараганлар)».

*Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Саҳобалар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб намоз ўқиётганларида Жаноб Расулulloҳнинг саждага борганларини кўрмагунларича сажда қилишмас эрди».

*Абдуллоҳ ибн Аббос нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида Кун тутилди. Жаноб Расулulloҳ Кун тутилганда ўқиладиган намозни ўқидилар. Намоздан кейин: «Ё Расулulloҳ, қиёмда турганингизда ниманидир ушламоқчи бўлиб қўл узатганингизни ва орқангизга тисарилганингизни кўрдик»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Мен жаннатни кўриб, унинг мевасидан олмоқчи бўлдим. Агар олганимда, уни қиёматга қадар тановул қилиб юрган бўлур эрдингизлар»,— дедилар».

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биз бирлан намоз ўқиб, сўнг минбарга кўтарилдилар. Қўллари бирлан масжиднинг қибла томонига ишора қилиб: «Ҳозиргина, сиз бирлан намоз ўқиётганимда ана шу девор томонда жаннат ва дўзахни кўрдим, худди сурати туширилгандек жуда аниқ кўрдим, яхшилик бирлан ёмонликнинг фарқини бугунгидек аниқ кўрмаган эрдим»,— деб уч марта айтдилар».

### 90-боб. Намоз ўқиётиб осмонга назар ташламоқ

396 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَا بَالُ أَقْوَامٍ ، يَرَفَعُونَ أَبْصَارَهُمْ إِلَى السَّمَاءِ فِي صَلَاتِهِمْ ) . فَاشْتَدَّ قَوْلُهُ فِي ذَلِكَ ، حَتَّى قَالَ : ( لَيْتَهُنَّ عَنْ ذَلِكَ ، أَوْ لَتُحْطَفَنَّ أَبْصَارُهُمْ ) .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларга не бўлибдир ўзи? Намоз ўқиётиб нуқул осмонга қарайдилар?» — дедилар. Кейин, бу ҳақда: «Одамлар намоз ўқиётиб осмонга қарамоқни бас қилсалар, қилғайлар, бўлмаса кўзлари кўр қилинғайдир»,— деб қаттиқроқ гап айтдилар».

### 91-боб. Намоз ўқиётиб у ёқ, бу ёққа аланглашнинг макруҳлиги

397 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ الْإِتِّفَاتِ فِي الصَّلَاةِ ؟ فَقَالَ : هُوَ اخْتِلَافٌ ، يَخْتَلِسُهُ الشَّيْطَانُ مِنْ صَلَاةِ الْعَبْدِ .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Намоз ўқиётиб у ёқ, бу ёққа алангламоқ тўғрисида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Бу — шайтоннинг банданинг намозидан бир чангал (ўғирлаб) олмоғидир!»—

дедилар».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам гулдор қамиса кийиб намоз ўқидилар. Сўнг: «Бу кийимнинг гуллари дилимни машгул қилди (мени алахситди). Буни Абу Жаҳмга олиб бориб берингиз, ўрнига анбижонийа (кўйлак) олиб келингиз!»— дедилар».

## 92-боб. Намозхон намоз вақтида содир бўлган бирор ишга эътибор берадими ёки нақ қибла томондаги бирор нарсага қарайдими?

«Абу Бакр ўгирилиб қараган эрдилар, ёнларида Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдилар»,— дейдилар Саҳл разияллоҳу анҳу.

*Ибн Умар нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жамоат олдида намоз ўқиётиб, масжиднинг қибла томони деворидаги тупукка кўзлари тушди. Дарров уни қириб ташладилар. Намоз тугагач: «Қайси бирингиз намоз ўқиётган эрсангиз, Оллоҳ таоло олд томонингизда бўлғайдир. Шунинг учун ҳеч бирингиз олд томонга тупурмангиз!» — дедилар».

*Анас ибн Молик нақл қиладилар:* «Саҳобалар намози бомдод ўқишаётганда Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Оиша онамизнинг хужралари пардасини очиб, уларга табассум қилиб қараб қўйганлари саҳобаларни таажжубга солди. Абу Бакр, Жаноб Расулulloҳни намозга чиқмоқчилар, деб ўйлаб жой бўшатмоқчи бўлдилар. Жаноб Расулulloҳ саҳобалар намозни тўхтатмоқчи бўлаётганларини пайқаб, «Намрзани давом эттирингиз!» — деб ишора қилдилар-да, пардани ёпиб қўйдилар. Шу куннинг охирига бориб Жаноб Расулulloҳ вафот этдилар».

## 93-боб. Имом ва унга иқтидо қилғувчиларнинг барча намозларда — сафарда ва сафарда бўлмаган пайтда ўқиладирган намозларда ҳам, овоз чиқариб ва ичида ўқиладирган намозларда ҳам қироат қилмогининг вожиблиги

398 . عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

شَكَأَ أَهْلَ الْكُوفَةِ سَعْدًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ إِلَى عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، فَعَزَلَهُ وَاسْتَعْمَلَ عَلَيْهِمْ عَمَارًا ، فَشَكَوْا حَتَّى ذَكَرُوا أَنَّهُ لَا يُحْسِنُ يُصَلِّي ، فَأَرْسَلَ إِلَيْهِ فَقَالَ : يَا أَبَا إِسْحَاقَ ، إِنَّ هَؤُلَاءِ يَزْعُمُونَ أَنَّكَ لَا تُحْسِنُ تُصَلِّي ؟ قَالَ أَبُو إِسْحَاقَ : أَمَا أَنَا ، وَاللَّهِ فَإِنِّي كُنْتُ أُصَلِّي بِهِمْ صَلَاةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا أَخْرُمُ عَنْهَا ، أُصَلِّي صَلَاةَ الْعِشَاءِ ، فَأَرْكُدُ فِي الْأُولَيَيْنِ ، وَأُخْفُ فِي الْأُخْرَيَيْنِ . قَالَ : ذَلِكَ الظَّنُّ بِكَ يَا أَبَا إِسْحَاقَ ، فَأَرْسَلَ مَعَهُ رَجُلًا ، أَوْ رَجُلًا ، إِلَى الْكُوفَةِ ، فَسَأَلَ عَنْهُ أَهْلَ الْكُوفَةِ ، وَلَمْ يَدْعُ مَسْجِدًا إِلَّا سَأَلَ عَنْهُ ، وَبُتُّونَ عَلَيْهِ مَعْرُوفًا ، حَتَّى دَخَلَ مَسْجِدًا لِبَنِي عَبْسٍ ، فَقَامَ رَجُلٌ مِنْهُمْ ، يُقَالُ لَهُ أُسَامَةُ بْنُ قَتَادَةَ ، يُكْنَى أَبُو سَعْدَةَ ، قَالَ : أَمَا إِذْ نَشَدْتُنَا ، فَإِنَّ سَعْدًا كَانَ لَا يَسِيرُ بِالسَّرِيَّةِ ، وَلَا يَقْسِمُ بِالسُّوْيَةِ ، وَلَا يَعْدُلُ فِي الْقَضِيَّةِ . قَالَ سَعْدٌ : أَمَا وَاللَّهِ لَأَدْعُونَ بِثَلَاثَ : اللَّهُمَّ إِنْ كَانَ عَبْدُكَ هَذَا كَاذِبًا ، قَامَ رِيَاءً وَسُمْعَةً ، فَأَطْلُ عُمُرَهُ ، وَأَطْلُ فَقْرَهُ ، وَعَرِّضْهُ بِالْفِتَنِ . وَكَانَ بَعْدَ إِذَا سُئِلَ يَقُولُ : شَيْخٌ كَبِيرٌ مَفْتُونٌ ، أَصَابَتْنِي دَعْوَةُ سَعْدِ .

قَالَ عَبْدُ الْمَلِكِ : فَأَنَا رَأَيْتُهُ بَعْدَ قَدْ سَقَطَ حَاجِبَاهُ عَلَى عَيْنَيْهِ مِنَ الْكِبَرِ ، وَإِنَّهُ لَيَتَعَرَّضُ لِلْجَوَارِي فِي الطَّرِيقِ يَعْزِمُهُنَّ .

*Жобир ибн Сумра ривоят қиладилар:* «Куфа аҳли Саъд устидан халифа Умарга шийоят қилгақда Ҳазрат Умар уни амирликдан бўшатиб, ўрнига Амморни тайинлаган эрдилар. Ушанда Куфа аҳли Саъднинг ҳар бир ишидан кир қидириб шиқоят қилишган эрди, ҳатто «Саъд намозни яхши ўқимайдир»,— деб ҳам айтишган эрди. Ҳазрат Умар Саъдга одам юбордилар. Келгач, унга: «Эй Абу Исҳоқ, Куфа аҳли сени, намозни яхши ўқимайдир, дейишмоқда»,— дедилар. Абу Исҳоқ: «Улар не десалар,



деяверсинлар, ammo мен Оялоҳга қасам ичиб айтурменким, уларга имомлик қилганимда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам нечук намоз ўқиган бўлсалар, ўшандоқ намоз ўқийтирман, бирор нарсани тушириб қолдираётганим йўқ, овоз чиқариб ўқийдирган жойини овоз чиқариб, ичида ўқийдирган жойини ичимда қироат қилаёттирман, хуфтон намозининг дастлабки икки ракъатида узоқроқ турғайман, кейинги икки ракъатида эрса озроқ турғайман»,— деди. Ҳазрат Умар: «Бу сенинг фикрингдир»,— деб у бирлан бирга бир кишини (ёки бир неча кишини) Куфага юбордилар. Саъд бирлан бирга борган киши Куфанинг ҳар бир масжидига кириб, аҳлидан Саъд хусусида сўради, ҳамма Саъдни мақтади. Лекин, Баний Абас масжидига кирганларида бир киши (исми — Усома ибн Қатода, куняси — Абу Саъда) ўрнидан туриб: «Аmmo, Оллоҳни ўртага қўйиб биздан сўрар эркансан, тўғриси яна айтмоқ керак. Саъд кичик ҳарбий қисм бирлан урушга бормаидир, фақат йирик қисмлар бирлан борадир. Ўлжаларни тенг бўлишмайдир, адолатли ҳукм чиқармайдир»,— деб айтди. Бунга жавобан Саъд: «Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, сени уч марта дуои бад қилғайман. Илоҳи, агар шу банданг ёлгон сўзлаётган бўлсаю, шуҳрат учун риё йўлига кирган бўлса, унинг умрини узун қилиб, фақирлигини (муҳтожлигини) зиёда этгил, боши сира фитналардан чиқмасин!» — деди. Кейинчалик Ибн Қатодани кўриб, ундан ҳол-аҳвол сўрасам: «Мен балoга гирифтор бўлган бир кекса чолман. Менга Саъднинг дуои бади урди»,— деб айтди. Абдумалик менга: «Кейинчалик мен ҳам уни кўрдим. Кексалигидан қошлари ўсиб кетган, ҳатто кўзларини ҳам ёпиб турибдир, ўзи эрса йўлда учраган қиз-жувонларга кўз қисадир»,— деди».

399 . عَنْ عَبْدِ بْنِ الصَّامِتِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ ) .

*Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Алҳамдуни (Фотиҳа сурасини) ўқимаган кишининг намози намоз эрмас! деганлар»,— дейдилар.

400 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : دَخَلَ الْمَسْجِدَ ، فَدَخَلَ رَجُلٌ فَصَلَّى ، فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَدَّ ، وَقَالَ : ( ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ ) . فَرَجَعَ يُصَلِّي كَمَا صَلَّى ، ثُمَّ جَاءَ ، فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ : ( ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ ) . ثَلَاثًا ، فَقَالَ : وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ ، مَا أَحْسَنُ غَيْرَهُ ، فَعَلَّمَنِي ، فَقَالَ : ( إِذَا قُمْتَ إِلَى الصَّلَاةِ فَكَبِّرْ ، ثُمَّ اقْرَأْ مَا تَيَسَّرَ مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ ، ثُمَّ ارْكَعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ رَاكِعًا ، ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَعْتَدِلَ قَائِمًا ، ثُمَّ اسْجُدْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ سَاجِدًا ، ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ جَالِسًا ، وَافْعَلْ ذَلِكَ فِي صَلَاتِكَ كُلِّهَا ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар. Кетларидан бир киши ҳам масжидга кириб намоз ўқиди. Намоздан сўнг Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам саломига алиқ олиб: «Қайта намоз ўқиғил, чунки сен намоз ўқимадинг!»— дедилар. У жойига қайтиб бориб аввалгидек намоз ўқиди. Сўнг келиб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Қайтғил, қайта бошдан намоз ўқиғил, чунки сен намоз ўқимадинг!»— дедилар. Уч марта шундай қилдилар. У киши охири: «Сизни ҳақ пайғамбар қилиб юборган Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, бундан яхшироқ ўқий олмасмен. Менга ўргатинг»,— деди. Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Аввал такбири таҳрима айтғил, сўнг Қуръондан билганларингни

ўқиғил, кейин шошмасдан рукуъ қилғил. Рукуъда бир оз тин олғил, кейин қаддингни яхшилаб тиклағил, сўнг сажда этғил, бир оз тин олғил, сўнгра саждадан туриб ўтирғил, яна бир оз тин олғил. Намозингнинг қолганини ҳам худди шундоқ қилиб ўқиғил!»— деб айтдилар».

#### 94-боб. Пешин намозида қироат қилмоқ

*Жобир ибн Сумра разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Саъд разияллоҳу анҳу Ҳазрат Ўмарг.а: «Уларга имомлик қилганимда пешин ва аср намозини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиганларидек қилиб ўқиётган эрдим. Ҳеч нарсани унутатганим йўқ эрди. Аввалги икки ракъатни чўзиб, кейинги икки ракъатни эрса қисқа қироат қилаётган эрдим»,— деди. Шунда Ҳазрат Умар: «Бу сенинг фикрингдир»,— деган эрдилар».

401 . عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الرَّكَعَتَيْنِ الْأُولَيَيْنِ مِنْ صَلَاةِ الظُّهْرِ ، بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ وَسُورَتَيْنِ ، يُطَوِّلُ فِي الْأُولَى ، وَيُقْصِرُ فِي الثَّانِيَةِ ، وَيَسْمَعُ الْآيَةَ أَحْيَانًا ، وَكَانَ يَقْرَأُ فِي الْعَصْرِ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ وَسُورَتَيْنِ ، وَكَانَ يُطَوِّلُ فِي الْأُولَى ، وَكَانَ يُطَوِّلُ فِي الرَّكَعَةِ الْأُولَى مِنْ صَلَاةِ الصُّبْحِ وَيُقْصِرُ فِي الثَّانِيَةِ .

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатоданинг оталари нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозининг дастлабки икки ракъатида Сураи «Фотиҳа» бирлан яна битта сура ўқир эрдилар. Биринчи ракъатни узунроқ, иккинчи ракъатни эрса қисқароқ ўқир эрдилар, гоҳо баъзи оятни эшиттириб қироат қилар эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозида ҳам, бомдод намозида ҳам Сураи «Фотиҳа» бирлан яна битта сура ўқир эрдилар, биринчи ракъатни узоқроқ, иккинчи ракъатни эрса қисқароқ ўқир эрдилар».

*Абу Маъмар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин ва аср намозларида қироат қилармидилар?»—деб Хаббондан сўрадик. «Ҳа»,— деди. «Буни қандай билардингиз?» — дедик. «Соқолларининг қимирлашидан»,— деди».

#### 95-боб. Аср намозида қироат қилмоқ

*Абу Маъмар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аср ва пешин намозларида қироат қилармидилар?»—деб Хаббондан сўрадик. «Ҳа»,— деди. «Буни қандай билардингиз?»—дедик. «Соқолларининг қимирлашидан» ,— деди».

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатоданинг оталари Абу Қатода нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин ва асрнинг дастлабки икки ракъатида Сураи «Фотиҳа» бирлан яна битта сура ўқир эрдилар, гоҳо баъзи оятни эшиттириб қироат қилур эрдилар»,

#### 96-боб. Шомда қироат қилмоқ

402 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : إِنَّ أُمَّ الْفَضْلِ سَمِعَتْهُ وَهُوَ يَقْرَأُ : ﴿ وَالْمُرْسَلَاتِ عُرْفًا ﴾ . فَقَالَتْ : يَا بَنِيَّ ، وَاللَّهِ لَقَدْ ذَكَرْتَنِي بِقِرَاءَتِكَ هَذِهِ السُّورَةَ ، إِنَّهَا لِأَخْرَجَ مَا سَمِعْتُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ بِهَا فِي الْمَغْرِبِ .

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Онам Умм ул-Фазл менинг «Ва-л-мурсалоту урфан» сурасини ўқиётганимни эшитиб: «Эй болам, Оллоҳга қасамёд қилиб айтурменким, шу сурани ўқишинг бирлан бир нарсани эсимга туширдинг. Бу сура мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган охириги сурадир, уни шом

намозида ўқиган эрдилар»,— дедилар».

403 . عَنْ زَيْدِ بْنِ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْمَغْرِبِ بِطُولِي الطُّولَيْنِ .

*Марвон ибн Ҳакам нақл қиладилар:* «Зайд ибн Собит менга: «Не бўлди сейга, шом намозида қисқа сураларни ўқиётирсан? Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг узун сураларни ўқиётганларини эшитганман»,— деди».

### 97-боб. Шом намозида овоз чиқариб қироат қилмоқ

404 . عَنْ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعَمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْمَغْرِبِ بِالطُّورِ .

*Муҳаммад ибн Жубайрнинг оталари:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шом намозида «Ат-Тур» сурасини ўқиётганларини эшитдим»,— дедилар.

### 98-боб. Хуфтон намозида овоз чиқариб қироат қилмоқ

*Абу Рофиъ ривоят қиладилар:* «Мен Абу Ҳурайра бирлан хуфтон намозини ўқидим. Абу Ҳурайра хуфтон намозида «Иза-с-самоуншаққат» сурасини қироат қилиб сажда қилдилар. Шунда бунинг сабабини сўрадим. Абу Ҳурайра: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтонда имомлик қилганларида шу сурани ўқиб сажда қилгандирлар, мен ҳам иқтидо қилиб сажда этгандирман, энди ул киши бирлан қиёматда учрашгунимча шу сурани ўқиб сажда қилавергайман»,— дедилар».

*Адий разияллоҳу анҳу:* «Мен Барронинг «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда эрканликларида хуфтон намозининг икки ракъатидан бирида «Ва-т-тийн ва-з-зайтун» сурасини ўқидилар» деганини эшитганман»,— дейдилар.

### 99-боб. Хуфтон намозида (сура) қироат қилиб сажда қилмоқ

405 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : صَلَّيْتُ خَلْفَ أَبِي الْقَاسِمِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعَتَمَةَ فَقَرَأَ : ﴿ إِذَا السَّمَاءُ انشَقَّتْ ﴾ . فَسَجَدَ ، فَلَا أَرَأَى أَنْ أُسْجِدَ بِهَا حَتَّى أَلْقَاهُ .

*Абу Рофиъ ривоят қиладилар:* «Абу Ҳурайра бирлан бирга хуфтон намозини ўқидим. Ул хуфтон намозида «Иза-с-самоуншаққат» сурасини ўқиди, сўнг сажда қилди. Шунда унга: «Бу несидур?» — дедим. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтонда имомлик қилганларида шу сурани ўқиб сажда қилган эрдилар, мен иқтидо қилиб сажда этган эрдим. Энди қиёматда ул киши бирлан учрашгунимизча шу сурани ўқиб сажда қилавергайман»,— дедилар».

### 100-боб. Хуфтон намозида қироат қилмоқ

406 . عَنْ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ فِي سَفَرٍ ، فَقَرَأَ فِي الْعِشَاءِ فِي إِحْدَى الرَّكْعَتَيْنِ بِالَّتَيْنِ وَالزَّيْتُونَ .

وَفِي رِوَايَةٍ أُخْرَى قَالَ : وَمَا سَمِعْتُ أَحَدًا أَحْسَنَ صَوْتًا مِنْهُ أَوْ قِرَاءَةً .

*Адийга Барро бундай дебдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хуфтон намозида «Ва-т-тийн ва-з-зайтун» сурасини ўқиганларини эшитдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра овози ёким қироати яхшироқ кишини кўрмаганман».

### 101-боб. Намозхон хуфтоннинг дастлабки икки ракъатида узунроқ, кейинги икки ракъатида эса қисқароқ қироат қиладир

*Абу Авнга Жобир ибн Сумра бундай деб айтган эканлар:* «Ҳазрат Умар: «Саъд, сенинг устингдан ҳар бир нарса тўғрисида, ҳатто намоз тўғрисида ҳам шикоят қилдилар»,— дедилар. Саъд: «Аммо мен дастлабки икки ракъатда узунроқ, кейинги

икки ракъатда эрса қисқароқ қироат қилғайман. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб ўқиғанимдек ўқиётирман»,— деди. «Тўғри айтдинг, бу ўзинг ҳаққингдаги фикрингдир» ёким «Бу менинг сен тўғрингдаги фикримдир»,— дедилар Ҳазрат Умар».

### 102-боб. Бомдод намозида қироат қилмоқ

«Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ат-Тур» сурасини қироат қилдилар»,— дейдилар Умму Салама разияллоҳу анҳо.

*Ясор ибн Салома ривоят қиладилар:* «Мен ва отам иккимиз Абу Барза Асламий ҳузурларига кириб намоз вақтлари тўғрисида сўрадик. Ул киши бундай дедилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозини кун оққанда ўқир эрдилар. Асрни ўқиб бўлганларидан кейин, агар киши шаҳарнинг энг чеккасига борса, ҳали Қуёшнинг ҳарорати пасаймаган бўлур эрди (Абу Барза шом тўғрисида не деганларини билмасман, ёдимдан кўтарилибдир). Туннинг учдан бир қисми ўтгунча кутиб ўтирмай хуфтонни ўқиб олар эрдилар. Хуфтондан аввал ухламакни ва хуфтондан кейин сўзлашиб ўтирмакни ёқтирмас эрдилар. Намози бомдодни ўқиб бўлганларида киши ёнидаги шеригини танийдирган даражада ёруғ бўлур эрди. Бомдоднинг иккала ракъатида ёким бир ракъатининг ўзида 60 дан 100 тагача оят ўқир эрдилар».

407. عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: فِي كُلِّ صَلَاةٍ يُقْرَأُ، فَمَا أَسْمَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسْمَعْنَاكُمْ، وَمَا أَخْفَى عَنَّا أَحْفَيْنَا عَنْكُمْ، وَإِنْ لَمْ تَزِدْ عَلَيَّ أُمَّ الْقُرْآنِ أَجْزَأْتُ، وَإِنْ زِدْتِ فَهُوَ خَيْرٌ.

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Ҳар бир намозда Қуръон ўқилғайдир. Жаноб Расулulloҳ бизга нелар деган бўлсалар, ҳаммасини сизларга етказдик, нени бизга айтмаган бўлсалар, ўшани биз ҳам сизларга айтмадик. Сураи «Фотиҳа» га бошқа сурани зам қилмасангиз ҳам бўлғайдир, бироқ зам қилсангиз, нур устига аъло нур!».

### 103-боб. Бомдод намозини овоз чиқариб қироат қилмоқ

*Умму Салама айтадилар:* «Одамларга эргашиб Каъбатуллоҳни тавоф қилдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрсалар бомдод намозини ўқиётиб, «Ат-Тур» сурасини қироат қилаётган эрдилар».

408. عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ:

انْطَلَقَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي طَائِفَةٍ مِنْ أَصْحَابِهِ، غَامِدِينَ إِلَى سُوقِ عُكَاظَ، وَقَدْ حِيلَ بَيْنَ الشَّيَاطِينِ وَبَيْنَ خَيْرِ السَّمَاءِ، وَأُرْسِلَتْ عَلَيْهِمُ الشُّهُبُ، فَرَجَعَتْ الشَّيَاطِينُ إِلَى قَوْمِهِمْ فَقَالُوا: مَا لَكُمْ؟ فَقَالُوا: حِيلَ بَيْنَنَا وَبَيْنَ خَيْرِ السَّمَاءِ، وَأُرْسِلَتْ عَلَيْنَا الشُّهُبُ. قَالُوا: مَا حَالَ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَ خَيْرِ السَّمَاءِ إِلَّا شَيْءٌ حَدَثَ، فَاضْرِبُوا مَشَارِقَ الْأَرْضِ وَمَعَارِبَهَا، فَانظُرُوا مَا هَذَا الَّذِي حَالَ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَ خَيْرِ السَّمَاءِ. فَانصَرَفَ أَوْلَئِكَ الَّذِينَ تَوَجَّهُوا نَحْوَ تِهَامَةَ، إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ بِنَخْلَةَ، غَامِدِينَ إِلَى سُوقِ عُكَاظَ، وَهُوَ يُصَلِّي بِأَصْحَابِهِ صَلَاةَ الْفَجْرِ، فَلَمَّا سَمِعُوا الْقُرْآنَ اسْتَمِعُوا لَهُ، فَقَالُوا: هَذَا وَاللَّهِ الَّذِي حَالَ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَ خَيْرِ السَّمَاءِ، فَهِنَالِكَ حِينَ رَجَعُوا إِلَى قَوْمِهِمْ، فَقَالُوا: يَا قَوْمَنَا: ﴿إِنَّا سَمِعْنَا قُرْآنًا عَجَبًا يَهْدِي إِلَى الرُّشْدِ فَآمَنَّا بِهِ وَلَنْ نُشْرِكَ بِرَبِّنَا أَحَدًا﴾. فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَلَى نَبِيِّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ﴿قُلْ أُوْحِي إِلَيَّ وَإِنَّمَا أُوْحِي إِلَيْهِ قَوْلَ الْجِنَّ﴾.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир жамоа саҳобалар бирлан бирга Укоз бозорига бормакни ният қилиб чиқдилар. (Шу пайт) шайтонлар билан осмондан келадирган хабар йўли оралиғи тўсилди, осмонга қулоқ солмоқчи бўлган шайтонларга ўт отилди. Шайтонлар бир-

бирларига: «Осмондан келадирган хабар йўлининг тўсилиб қолганига фақат ерда бирор ҳодиса рўй берганлиги сабаб бўлмоғи мумкин. Ерни Мағрибдан Машриққача айланиб кўринглар-чи, нега осмондан келадирган хабар йўли бизга тўсиб қўйилган эркан?» — дейишди. Тухома тоғи томон йўлланган шайтонлар у ердан қайтаётиб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Наҳла деган жойда саҳобалар бирлан бомдод намозини ўқиётганларида учратиб қолишди. Шайтонлар Қуръонни эшитиб: «Худо ҳаққи, осмондан келадирган хабар йўлини биздан тўсиб турган нарса худди мана шулардир»,— деб ўз қавмлари олдига қайтиб кетишди. Етиб боришгач: «Эй қавмимиз, биз тўғри йўлга чорловчи ажойиб Қуръон эшитдик, унга иймон келтирдик, раббимизга ҳеч бир ширк келтирмаймиз»,— дедилар. Шунда Оллоҳ таоло Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга «Қул уҳйи алайҳа» деб бошладирган «Жин сурасини» нозил қилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга жинлар айтган гаплар ҳам ваҳий қилинди».

409 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَرَأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيمَا أُمِرَ ، وَسَكَتَ فِيمَا أُمِرَ ، ﴿ وَمَا كَانَ رَبُّكَ نَسِيًّا ﴾ . ﴿ لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ ﴾ .

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намознинг овоз чиқариб ўқиш буюрилган жойини овоз чиқариб ўқидилар, буюрилмаган жойини ичларида ўқидилар. Оллоҳ таолонинг «Ва мо кона раббука насийан»—«Раббингиз унутғувчи эрмасдир» (ушбу оятда Оллоҳ таоло намознинг қаерини овоз чиқариб ва қаерини овоз чиқармай ўқишмоқ, кераклигини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга аён қилди) ҳамда «Лақад кона лакум фи расулиллоҳи усватан ҳасанатан» —«Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сизларга яхши ибратлари бордир» (ушбу оятда Оллоҳ таоло Дини исломни фақатгина Қуръон бирлан эрмас, балким Расулulloҳнинг қилмишлари бирлан ҳам мукаммал қилажани айтилади) деган оятлари мана шу хусусдадир».

#### **104-606. Бир ракъатда икки сурани жам қилиб ўқишмоқ; суранинг охириги оятларини ўқишмоқ; суранинг каттасидан аввал кичигини ўқишмоқ ҳамда суранинг дастлабки оятларини ўқишмоқ**

*Абдуллоҳ ибн Соиб ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозидида «Муъминун» сурасини ўқидилар. Мусо ва Ҳорун ёким Исо тўғрисидаги оятга келган вақтларида ул кишини йўтал тутган эрди, рукуъ қилдилар (бу — суранинг баъзи бир қисмини зам қилмоқ мумкинлигини билдирадир). Умар разияллоҳу анҳу биринчи ракъатда «Бақара» дан 120 оят ўқидилар, иккинчи ракъатда эрса (7 та катта сурадан ташқари) битта сура (100 оятга яқин) ўқидилар. Аҳнаф ибн Қайс разияллоҳу анҳу биринчи ракъатда «Каҳф» сурасини, иккинчи ракъатда эрса «Юсуф» ёким «Юнус» сурасини ўқидилар.

Аҳнаф Ҳазрат Умар бирлан бирга бомдод намозидида шу икки сурани ўқиганини айтди. Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу биринчи ракъатда «Анфол» сурасидан 40 оят, иккинчи ракъатда эрса «Тиволк муфассал» дан бир сура ўқидилар. «Бир сурани икки ракъатга бўлиб ёким бир сурани икки ракъатда такроран ўқишмоқ жоиздир, зеро буларнинг ҳар бири Оллоҳнинг китобидир»,— дейдилар.

*Анас разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Ансорийлардан бир киши Қубо масжидида имомлик қилур эрди. Ул ҳар сафар намозда бир сура қўшиб ўқийдирган бўлса, «Қул ҳуваллоҳу аҳад» ни ўқир эрди. Агар ундан кейин яна бир сура ўқийдирган бўлса, унга ҳам «Қул ҳуваллоҳу аҳад» ни қўшиб ўқир эрди. Ҳар бир ракъатда шундай қилур эрди. Шунда унинг қавми: «Сиз намозни доимо «Ихлос» сураси бирлан бошлайсиз. Шунинг ўзи кифоя қилмағайдир, деб ўйлайсизми? Нечун

унга яна бир сура қўшгайсиз? «Ихлос» сурасининг ўзинигина ёким унинг ўрнига бошқа бир сурани ўқисангиз бўлмағайми?» — дейишди. Ул киши: «Мен бундай қила олмасман. Агар мени яхши кўрсангиз, шунга кўнгайсиз, акс ҳолда мен сизларга имомлик қилмасман»,— деди.

Қавми уни жуда яхши кўрар ва ул кишидан бўлак кишининг имом бўлмоғини истамас эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша қавмининг қишлоғига борганларида бу ҳақда маълум қилишди. Жаноб Расулulloҳ: «Эй фалончи, қавминг буюрган ишни қилмоғинга не монелик қилур, не сабабдин ҳар рақъатда шул сурани ўқиғайсен?» — дедилар. «Мен шул сурани яхши кўрғаймен»,— деб айтди имом. «Бул сурага нисбатан бўлсан муҳаббатинг сени жаннатга киритғусидир»,— дедилар Жаноб Расулulloҳ».

410 . عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ جَاءَ رَجُلٌ فَقَالَ : قَرَأْتُ الْمُفْصَلَ اللَّيْلَةَ فِي رَكْعَةٍ ، فَقَالَ : هَذَا كَهَذَا الشَّعْرُ ، لَقَدْ عَرَفْتُ النَّظَائِرَ الَّتِي كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرُنُ بَيْنَهُنَّ ، فَذَكَرَ عِشْرِينَ سُورَةً مِنَ الْمُفْصَلِ ، سُورَتَيْنِ فِي كُلِّ رَكْعَةٍ .

*Абу Воил ривоят қиладилар:* «Бир киши, Ибн Масъуднинг ҳузурларига келиб: «Кечки намознинг бир рақъатида «Муфассал» даги сураларнинг ҳаммасини ўқидим»,— деди. Шунда Ибн Масъуд унга: «Бу қилганинг яхши эрмас, унда, шеърни шариллатиб ўқигандек ўқибдирсан-да! Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир-бирига қўшиб ўқийдирган ўхшаш сураларни билур эрдинг-ку?!» деб, «Муфассал» даги ҳар рақъатда 2 таси ўқиладирган 20 та сурани эслатдилар».

### 105-боб. Фарз намозининг охирги икки рақъатида сураи «Фотиҳа» ни ўқимоқ

411 . عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقْرَأُ فِي الظُّهْرِ ، فِي الْأُولَيَيْنِ بِأَمِّ الْكِتَابِ وَسُورَتَيْنِ ، وَفِي الرَّكْعَتَيْنِ الْآخِرَتَيْنِ بِأَمِّ الْكِتَابِ ، وَيُسْمِعُنَا الْآيَةَ ، وَيُطَوِّلُ فِي الرَّكْعَةِ الْأُولَى مَا لَا يُطَوِّلُ فِي الرَّكْعَةِ الثَّانِيَةِ ، وَهَكَذَا فِي الْعَصْرِ وَهَكَذَا فِي الصُّبْحِ .

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатоданинг оталари ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешиннинг аввалги икки рақъатида Сураи «Фотиҳа» бирлан яна икки сурани ва кейинги икки рақъатида Сураи «Фотиҳа» нинг ўзини ўқир эрдилар. (Баъзи бир) оятни бизга эшиттириб ўқир эрдилар. Биринчи рақъатни чўзиб, йккинчи рақъатни эрса қисқароқ. ўқир эрдилар. Намози асрда ҳам бомдодда ҳам шундай қилур эрдилар».

### 106-боб. Пешин ва асрни овоз чиқармай ўқиш

*Абу Маъмар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин ва аср намозларида ҳам қироат қилармидилар?» — дедим Хаббобга. «Ҳа»,— деди. «Қандоқ билур эрдинг?»—дедик. «Соқолларининг қимирлаганидан»,— деди Хаббоб».

### 107-боб. Имом (баъзи) оятни эшиттириб ўқиса...

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатоданинг оталари ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин ва аср намозларининг аввалги икки рақъатида Сураи «Фотиҳа» бирлан яна битта сура ўқир эрдилар, гоҳо оятни бизга эшиттириб ўқир эрдилар. Биринчи рақъатда узунроқ ўқир эрдилар».

### 108-боб. Намозхон биринчи рақъатда узунроқ қироат қилгайдир

*Абу Қатоданинг оталари ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам пешин намозининг биринчи ракъатида узунроқ, иккинчи ракъатида эрса қисқароқ қироат қилур эрдилар. Бомдод намозида ҳам шундоқ қилур эрдилар».

### 109-боб. Имомнинг «Омин» деб эшиттириб айтмоғи

Ато разияллоҳу анҳу: «Омин — дуодир»,— деганлар. Абдуллоҳ ибн Зубайр: «Омин»,— дедилар ва орқаларидагилар ҳам: «Омин»,— дейишди, ҳатто масжид жаннатдек гуркираб кетди. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу имомга: «Оминни шошилиб айтмангиз!» — дердилар. «Ибн Умар «Омин»да яхшилик (савоб, фазилат) бор, деб айтур эрди»,— дейдилар Нофиъ.

412 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا أَمَّنَ الْإِمَامُ فَأَمَّنُوا ، فَإِنَّهُ مِنْ وَافِقٍ تَأْمِينُهُ تَأْمِينِ الْمَلَائِكَةِ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Имом «омин» деса, сизлар ҳам «омин» деб айтингиз, чунким кимнинг «омин» дегани малоикаларнинг «омин» деганига тўғри келгайдир, қилган гуноҳлари кечирилгайдир»,— деганлар. Ибн Зухрий: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «омин» дер эрдилар»,— дейдилар».

### 110-боб. «Омин» демоқнинг фазилати

وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا قَالَ أَحَدُكُمْ آمِينَ ، وَقَالَتِ الْمَلَائِكَةُ فِي السَّمَاءِ آمِينَ ، فَوَافَقَتْ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَى ، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлар «омин» десангиз-у, осмонда малоикалар ҳам сиз бирлан баробар «омин» десалар, қилган гуноҳларингиз мағфират этилгайдир»,— деганлар».

### 111-боб. Намозхонларнинг овоз чиқариб «омин» демоғи

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Имом «Ғайрил мағзуби алайҳим валаззоллин» деса, «омин» деб айтингиз! Чунким кимнинг «омин»и фаришталарнинг «омин»ига тўғри келиб қолгайдир, қилган гуноҳлари кечирилгайдир»,— деганлар».

### 112-боб. Намозхон сафга кирмасдан аввал рукуъ қилса, жоизми?

413 . عَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ انْتَهَى إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ رَاكِعٌ ، فَرَكَعَ قَبْلَ أَنْ يَصِلَ إِلَى الصَّفِّ ، فَذَكَرَ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : ( زَادَكَ اللَّهُ حِرْصًا وَلَا تُعُدْ ) .

*Мусо ибн Исмоил ривоят қиладилар:* «Абу Бакр, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъ қилиб турганларида, масжидга етиб келди, сўнг сафга етмасдан аввал рукуъ қилди, кейин бу қилмишини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу айлаҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло намозга ихлосмандлигингизни зиёда қилсин, бошқа бундай қилмангиз!»—дедилар (бошқа бир ривоятда «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Намозга келсангиз, сафга кириб, сўнг рукуъ қилингиз! деганлар»,— дейилади).

### 113-боб. Рукуъда такбирни тўлиқ айтмоқ

414 . عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ صَلَّى مَعَ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بِالْبَصْرَةِ ، فَقَالَ : ذَكَرْنَا هَذَا الرَّجُلُ صَلَاةً كُنَّا نُصَلِّيُهَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَذَكَرَ أَنَّهُ كَانَ يُكَبِّرُ كُلَّمَا رَفَعَ وَكُلَّمَا وَضَعَ .

*Имрон ибн Ҳусайн ривоят қиладилар:* «Ҳазрат Али бирлан бирга Басрада намоз ўқидик. Ҳазрат Али Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўқиб

юрган намозимизни эслатиб, «Ул киши ҳар гал саждадан бош кўтарганларида ва ҳар гал сажда қилганларида такбир айтар эрдилар»,— дедилар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тўғрилида гапираётиб:* «Ул зот намозда саҳобаларга имомлик қилсалар, ҳар саждага борганларида ва ҳар саждадан бош кўтарганларида такбир айтар эрдилар, мен ҳаммангиздан кўра кўпроқ Жаноб Расулulloҳга ўшатиб намоз ўқийдирман»,— дедилар.

#### **114-боб. Саждага кетаётганда ва саждадан қайтаётганда такбирни тўлиқ айтмоқ**

*Мутарраф ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Мен ва Имрон ибн Ҳусайн Ҳазрат Алига иқтидо қилиб намоз ўқидик. Ҳазрат Али саждага бораётганларида ҳам, саждадан бош кўтараётганларида ҳам, иккала ракъатдан тураётганларида ҳам такбир айтар эрдилар. Намоз тугагач, Имрон ибн Ҳусайн менинг қўлимни ушлаб туриб: «Мана бу кишининг (яъни, Ҳазрат Алининг) ҳозир ўқиган намози менга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини эслатди (Бизга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини ўқиб берди)»,— деди».

*Иқрима разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир кишининг (Абу Ҳурайранинг) Маккаи Мукаррамадаги Мақоми Иброҳимда намоз ўқиётиб, саждага бош қўйганда ҳам, саждадан бош кўтарганда ҳам такбир айтганини кўрдим. Буни Ибн Аббосга айтиб берган эрдим, ул: «Ахир бу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозлари-ку, эй етимча!» — дедилар».

#### **115-боб. Саждадан тураётганда такбир айтмоқ**

*Иқрима разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Маккада бир чолга (Абу Ҳурайрага) иқтидо қилиб намоз ўқидим. 22 марта такбир айтди. Шунда Ибн Аббосга: «Бу кишининг ақли жойидами ўзи?» — дедим. «Ҳе, онанг вой болам, деб қолгур, бу Абулқосим — Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари-ку!» — дедилар».

415 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ لِلصَّلَاةِ يُكَبِّرُ حِينَ يَقُومُ ، ثُمَّ يُكَبِّرُ حِينَ يَرْكَعُ ، ثُمَّ يَقُولُ : ( سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ ) ، حِينَ يَرْفَعُ صُلْبَهُ مِنَ الرُّكُوعِ ، ثُمَّ يَقُولُ وَهُوَ قَائِمٌ : ( رَبَّنَا لَكَ الْحَمْدُ ) .

*Абу Бакр ибн Абдурраҳмонга Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу қуйидагини айтиб берган эрканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқисалар, аввал тик туриб такбири таҳрима айтар эрдилар, кейин рукуъ қилаётганда ва рукуъдан тураётганда «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» дер эдилар. Қиёмда эрса «Раббано лака-л-ҳамд» дер эрдилар.

Абдуллоҳ эрса бундай дейдилар: «(Жаноб Расулulloҳ) «Ва лака-л-ҳамд»,— дер эрдилар, кейин биринчи саждага бораётиб ҳам, ундан бош кўтараётиб ҳам, шунингдек иккинчи саждага бораётиб ҳам, ундан бош кўтараётиб ҳам такбир айтар эрдилар. Намознинг ҳамма ракъатларида шундай қилур эрдилар. Иккинчи ракъатга тураётганда ва ўтираётганда ҳам такбир айтар эрдилар».

#### **116-боб. Рукуъда кафтларни тиззага қўймоқ (тизза кўзини чангалламоқ)**

*Абу Ҳумайд:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар олдида рукуъ қилаётиб, тиззаларини чангалладилар»,— дейдилар.

416 . عَنْ مَعْصَبِ بْنِ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : صَلَّيْتُ إِلَى حَنْبِ أَبِي ، فَطَبَّقْتُ بَيْنَ كَفْيَيْ ، ثُمَّ وَضَعْتُهُمَا



بَيْنَ فَحْدَيْ، فَهَيَّأَنِي أَبِي وَقَالَ: كُنَّا نَفْعَلُهُ فَهَيَّأَنَا عَنْهُ، وَأَمَرْنَا أَنْ نَضَعَ أَيْدِيَنَا عَلَى الرَّكْبِ.

*Мусъаб ибн Саъд бундай дедилар:* «Отам Саъд ибн Абу Ваққос ёнларида намоз ўқидим. (Рукуъда) қўлларимни мушт қилиб сонимга қўйдим. Отам мени койиб: «Биз ҳам илгари шундай қилар эрдик, ҳозир бу макруҳ қилингандир, энди қўлларимизни тизза кўзига қўйиш буюрилган»,— дедилар».

### 117-боб. Намозхон чала рукуъ қилса...

*Зайд ибн Ваҳб ривоят қиладилар:* «Хузайфа разияллоҳу анҳу рукуъ бирлан саждани тўлиқ қилмаётган бир кишини кўриб: «Намоз ўқиганинг йўқ. Агар ўлсанг, Оллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга. хидоят қилган маслакдан бошқа маслакда кетасан»,—дедилар».

### 118-боб. Рукуъда белни текис букмоқ

*Абу Ҳумайд:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бир жамоа биродарлари ҳузурда рукуъ қилганларида бёлларини текис қилиб букдилар»,— дебдилар.

### 119-боб. Рукуънинг мукамаллик ва текислик чегараси ҳамда унинг тўғрилигидан қаноат ҳосил қилмоқ

417. عَنْ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رُكُوعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَسُجُودَهُ، وَبَيْنَ السَّجْدَتَيْنِ، وَإِذَا رَفَعَ مِنَ الرَّكُوعِ، مَا خَلَا الْقِيَامَ وَالْقُعُودَ قَرِيبًا مِنَ السَّوَاءِ.

*Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам рукуълари, саждалари, икки сажда орасидаги ўтиришлари, рукуъдан бош кўтариб, қоматни ростлашларига (қиёмга) деярли бир хил вақт сарфлар эрдилар».

### 120-боб. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам рукуъни мукамал қилмаган одамга намозни қайтариб ўқишни буюрдилар

*Абу Ҳурайра нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар, кетларидан бир киши ҳам кириб намоз ўқиди. Кейин келиб Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам саломига алик олиб: «Борғил, қайтадан ўқиғил, чунким намоз ўқимадинг!»— дедилар. Бояги киши 3 марта қайтадан намоз ўқиди, сўнг келиб: «Сизни ҳақ дин бирлан юборган Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, бундан яхши қилолмайман. Менга ўргатингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Намоз ўқисанг, аввал такбири таҳрима айтғил, кейин Қуръондан билганларингни ўқиғил, сўнг шошилмасдан астойдил рукуъ қилғил, кейин туриб астойдил қаддингни ростлағил, ундан сўнг астойдил сажда қилғил, кейин астойдил саждадан бош кўтарғил, сўнг астойдил ўтирғил, сўнг астойдил сажда қилғил, кейин намозингнинг қолган қисмини ҳам шундай давом эттирғил!»—дедилар».

### 121-боб. Рукуъ қилаётганда дуо айтмоқ

418. عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ فِي رُكُوعِهِ وَسُجُودِهِ: (سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا وَبِحَمْدِكَ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي).

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам рукуъ ва сажда қилаётганларида «Субҳонака оллоҳумма раббано ва биҳамдика оллоҳумма-ғфирли»,—дер эрдилар».

### 122-боб. Имом рукуъдан бош кўтарганда нима дейди ва орқасидаги намозхонлар нима дейди?

*Абу Ҳурайра ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (рукуъдан кўтарилаётганларида) «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» десалар, (қоматларини ростлагач), «Оллоҳумма раббано ва лакал-ҳамд» дер эрдилар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам рукуъ қилганларида ва саждадан бош кўтарганларида «Оллоҳу акбар» деб такбир айтар эрдилар. Иккинчи саждадан турганларида ҳам «Оллоҳу акбар» деб такбир айтар эрдилар».

### 123-боб. «Оллоҳумма раббано ва лакал-ҳамд»нинг фазилати

419 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا قَالَ الْإِمَامُ سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ ، فَقُولُوا : اللَّهُمَّ رَبَّنَا لَكَ الْحَمْدُ ، فَإِنَّهُ مَنْ وَافَقَ قَوْلَهُ قَوْلَ الْمَلَائِكَةِ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Имом «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» деса, «Оллоҳумма раббано лакал-ҳамд» деб айтингиз. Чунким кимнинг айтганлари малоикаларнинг айтганларига тўғри келиб қолғайдир, қилган гуноҳлари кечирилғайдир»,— деганлар».

### 124-боб.

420 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : لِأَقْرَبِنَ صَلَاةَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَكَانَ أَبُو هُرَيْرَةَ يَقْنُتُ فِي الرَّكْعَةِ الْأُخْرَى مِنْ صَلَاةِ الظُّهْرِ ، وَصَلَاةِ الْعِشَاءِ ، وَصَلَاةِ الصُّبْحِ بَعْدَمَا يَقُولُ : سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ ، فَيَدْعُو لِلْمُؤْمِنِينَ وَيَلْعَنُ الْكُفَّارَ .

*Абу Ҳурайра:* «Мен албатта сизларга Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқишларига яқин намоз ўқиб бергайман»,— деганлар.

421 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ الْقُنُوتُ فِي الْمَغْرِبِ وَالْفَجْرِ

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу пешин, хуфтон ва бомдод намозларининг охири рақъатларида «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» дегандан сўнг, «Қунут» дуосини ўқиб, мўъминларни дуо қилар эрдилар, кофирларга лаънат айтур эрдилар.

Анас разияллоҳу анҳу: «Қунут» дуоси шом ва бомдод намозларида ўқилар эрди»,— деганлар.

422 . عَنْ رِفَاعَةَ بْنِ رَافِعِ الزُّرَقِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كُنَّا نُصَلِّي يَوْمًا وَرَاءَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَمَّا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرَّكْعَةِ ، قَالَ : ( سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ ) ، فَقَالَ رَجُلٌ وَرَاءَهُ : رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ ، حَمْدًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ ، فَلَمَّا انْصَرَفَ قَالَ : ( مَنْ الْمُتَكَلِّمُ ) ؟ قَالَ : أَنَا ، قَالَ : ( رَأَيْتُ بَضْعَةً وَثَلَاثِينَ مَلَكًا يَتَدَرُّونَهَا ، أَيُّهُمْ يَكْتُبُهَا أَوَّلًا ) .

*Рифоат ибн Рофиъ ривоят қиладирлар:* «Бир куни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб намоз ўқиётган эрдик, рукуъдан бош кўтараётиб, «Са-миъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» деганларида бир киши: «Раббано ва лакал-ҳамд ҳамдан касиран таййибан муборақан фийҳи»,— деди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам намозни тугатиб орқаларига ўгирилгач: «Сўзлаган кимдир?»—дедилар. Ул: «Мен»,— деди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «30 нечта ҳам фариштаннинг биринчи бўлиб ёзиб олмоққа шошилаётганларини кўрдим»,— дедилар».

### 125-боб. Намозхоннинг рукуъдан бош кўтарганда бир зум нафас ростлаб олмоғи

*Абу Ҳумайд:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам рукуъдан бош кўтаргач, умуртқаларининг ҳар бир бўғинини жой-жойига тушириб, бир зум нафасларини ростлаб олдилар»,— дейдилар.

423 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ كَانَ يَنْعَتُ لَنَا صَلَاةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَكَانَ يُصَلِّي ، فَإِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ قَامَ حَتَّى نَقُولَ قَدْ نَسِيَ .

*Собит разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Анас разияллоҳу анҳу бизга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қандай намоз ўқишларини таърифлаб, ҳам кўрсатиб (ўқиб) бердилар. Шунда, рукуъдан бош кўтарганда, бир зум тик туриб қолар эрдилар, ҳатто биз сажда қилмоқ эсларидан чиқиб қолдимикин?» — дер эрдик».

*Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рукуъ, сажда ва қиёмларига ҳамда иккала сажда орасида ўтирмақларига деярли бир хил вақт сарфланар эрди».

*Абу Қилоба ривоят қиладирлар:* «Молик ибн Ҳувайрис бизга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нечук намоз ўқишларини кўрсатиб берар эрдилар. Бу — намоздан ташқари вақтда бўлур эрди. Қадларини ростладилар-да, бир зум тин олдилар, кейин рукуъ қилдилар, яна бир оз тин олдилар, сўнг бошларини кўтариб бир бз жим турдилар. Молик ибн Ҳувайрис бизга мана шу шайхимиз Абу Бурайднинг намозига ўхшаш намоз ўқиб берди. Абу Бурайд охирги саждадан бош кўтарса, бир оз ўтириб олиб, кейин турар эрди».

### 126-БОБ. Такбир айтиб сажда қилинғайдир

Нофиъ: «Ибн Умар (саждага борганда) тиззасини (ерга) қўйишдан аввал қўлини қўяр эрди»,— дейдилар (бу Моликийлар мазҳабида, аммо қолган уч мазҳабда аввал тизза, кейин қўл қўйилғайдир).

*Зухрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу барча намозда, буюрилган ва буюрилмаган намозларда ҳам такбир айтур эрдилар. Фарзда ҳам, суннатда ҳам, Рамазонда ҳам, қиёмда ҳам, рукуъда ҳам такбир айтар эрдилар. Кейин, «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» деб бошларини кўтарар эрдилар, сўнг саждага кетишдан аввал, «Раббано ва лакал-ҳамд» дер эрдилар. Кейин, «Оллоҳу акбар» деб саждага кетар эрдилар, сўнг саждадан бош кўтараётганда такбир айтар эрдилар. Кейин, иккинчи саждага бораётганда такбир айтар эрдилар, сўнг иккинчи саждадан бош кўтараётганда такбир айтар эрдилар ҳамда ташаҳхуддан тураётганда такбир айтар эрдилар. Юқорида кўрсатилганларни ҳар бир рақъатда, то намоз тугагунча қилар эрдилар. Намоздан қайтаётиб: «Жоним қўлида бўлган зотга қасамёд қилиб айтурменким, ҳаммангизнинг намоз ўқишингиздан кўра, менинг намоз ўқишим кўпроқ Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқишларига ўхшайдир. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам то дунёдан охиратга ўтиб кетгунларича ана шундай намоз ўқиганлар»,— дедилар.

434 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ يَرْفَعُ رَأْسَهُ يَقُولُ : ( سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمَدَهُ ، رَبَّنَا وَكَلِّكَ الْحَمْدُ ) . يَدْعُو لِرِجَالٍ فَيَسْمِيهِمْ بِأَسْمَائِهِمْ ، فَيَقُولُ : ( اللَّهُمَّ أَنْجِ الْوَلِيدَ بْنَ الْوَلِيدِ ، وَسَلْمَةَ بْنَ هِشَامٍ ، وَعَيَّاشَ بْنَ أَبِي رَبِيعَةَ ، وَالْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ، اللَّهُمَّ اشْدُدْ وَطْأَتَكَ عَلَى مُضَرَ ، وَاجْعَلْهَا عَلَيْهِمْ سِنِينَ كَسَنِي يُوسُفَ ) . وَأَهْلَ الْمَشْرِقِ يَوْمَئِذٍ مِنْ مُضَرَ مُخَالِفُونَ لَهُ .

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Абу Бакр ва Абу Саламага бундай дебдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъдан бош кўтараётиб, «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу»,— қиёмда эрса «Раббано ва лакал-ҳамд» дер эрдилар. Кейин: «Илоҳи, Валид ибн Валидга нажот берғил, Салама ибн Ҳишомга ҳам нажот берғил, Иёш ибн Абу Рабиъага ҳам нажот берғил, шунингдек заиф, эзилган мўъминларга

нажот берғил. Илоҳи, Музар кофирларига қаттиқ азоб берғил ва уларга Юсуф алайҳиссалом давридаги қаҳатчиликдек қаҳатчилик юборғил!» — дер эрдилар. Ўша кунларда Музар қабиласидан бўлмиш Машриқ аҳли Расулulloҳга душман кишилар эрди».

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам от устидан йиқилиб тушдилар (Абу Суфён: «Отдан йиқилдилар»,—деб эрди шекилли). Шунда ўнг томонлари шилиниб кетди. Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўргани кирдик. Намоз вақти бўлди. Бизга ўтирган ҳолда имомлик қилдилар, биз ҳам ўтириб ўқидик (Суфён: «Бир марта ўтирган ҳолимизда ўқидик»,—деганди). Намоздан кейин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Имом иқтидо қилмоқлари учун имом қилинган. Агар ул такбир айтғайдир, такбир айтингиз, агар рукуъ қилғайдир, рукуъ қилингиз, рукуъдан бош кўтарғайдир, бош кўтарингиз, «Самиъаллоҳу лиман ҳами-даҳу» деса, «Раббано ва лакал-ҳамд» деб айтингиз. Сажда қилғайдир, сажда қилингиз!» — дедилар. Али ибн Абдуллоҳ: «Маъмар ҳам шу ҳадисни ривоят қилганмиди? — деб сўрадилар. «Ҳа»,— дедим. Суфён: «Маъмар, Зухрий қандай айтиб берган бўлса, шундайича эслаб қолибдир»,— дедилар. Маъмар: «Илоҳи, ўзингга шукур! Зухрийнинг «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўнг ёнлари бирлан отдан йиқилдилар» деганини яхши эслаб қолганман. Зухрийнинг ҳузуридан чиққанимизда Ибн Журайх: «Ўшанда мен ҳам Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида эдим. Ўнг оёқлари (болдирлари) шикастланган эрди»,— деди».

### 127-боб. Сажданинг фазилати

425 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّاسَ قَالُوا : يَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - هَلْ نَرَى رَبَّنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ ؟ قَالَ : ( هَلْ تُمَارُونَ فِي الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ لَيْسَ دُونَهُ سَحَابٌ ) . قَالُوا : لَا يَا رَسُولَ اللَّهِ ، قَالَ : ( فَهَلْ تُمَارُونَ فِي الشَّمْسِ لَيْسَ دُونَهَا سَحَابٌ ) . قَالُوا : لَا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ : ( فَإِنَّكُمْ تَرَوْنَهُ كَذَلِكَ ، يُحْسِرُ النَّاسُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ، يَقُولُ : مَنْ كَانَ يَعْبُدُ شَيْئًا فَلْيَتَّبِعْ ، فَمِنْهُمْ مَنْ يَتَّبِعُ الشَّمْسَ ، وَمِنْهُمْ مَنْ يَتَّبِعُ الْقَمَرَ ، وَمِنْهُمْ مَنْ يَتَّبِعُ الطَّوَاغِيتَ ، وَتَبَقَى هَذِهِ الْأُمَّةُ فِيهَا مُنَافِقُوهَا ، فَيَأْتِيهِمُ اللَّهُ فَيَقُولُ : أَنَا رَبُّكُمْ فَيَقُولُونَ : هَذَا مَكَائِنَا حَتَّى يَأْتِينَا رَبُّنَا ، فَإِذَا جَاءَ رَبُّنَا عَرَفْنَاهُ ، فَيَأْتِيهِمُ اللَّهُ فَيَقُولُ : أَنَا رَبُّكُمْ ، فَيَقُولُونَ : أَنْتَ رَبُّنَا ، فَيَدْعُوهُمْ وَيَضْرِبُ الصِّرَاطَ بَيْنَ ظَهْرَانِي جَهَنَّمَ ، فَأَكُونُ أَوَّلَ مَنْ يَجُوزُ مِنَ الرُّسُلِ بِأَمْتِهِ ، وَلَا يَتَكَلَّمُ يَوْمَئِذٍ أَحَدٌ إِلَّا الرُّسُلُ ، وَكَلَامُ الرُّسُلِ يَوْمَئِذٍ : اللَّهُمَّ سَلِّمْ سَلِّمْ . وَفِي جَهَنَّمَ كَلَالِيْبٌ مِثْلُ شَوْكِ السَّعْدَانِ ، هَلْ رَأَيْتُمْ شَوْكَ السَّعْدَانِ ) . قَالُوا : نَعَمْ ، قَالَ : ( فَإِنَّهَا مِثْلُ شَوْكِ السَّعْدَانِ غَيْرَ أَنَّهُ لَا يَعْلَمُ قَدْرَ عَظَمَتِهَا إِلَّا اللَّهُ ، تَخَطَّفُ النَّاسُ بِأَعْمَالِهِمْ ، فَمِنْهُمْ مَنْ يُوبِقُ بِعَمَلِهِ ، وَمِنْهُمْ مَنْ يُخْرَدَلُ ثُمَّ يَنْجُو ، حَتَّى إِذَا أَرَادَ اللَّهُ رَحْمَةً مِنْ أَرَادَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ ، أَمَرَ الْمَلَائِكَةَ : أَنْ يُخْرِجُوا مَنْ كَانَ يَعْبُدُ اللَّهَ ، فَيُخْرِجُونَهُمْ وَيَعْرِفُونَهُمْ بِأَتَارِ السُّجُودِ ، وَحَرَّمَ اللَّهُ عَلَى النَّارِ أَنْ تَأْكُلَ أَثَرَ السُّجُودِ ، فَيُخْرِجُونَ مِنَ النَّارِ ، فَكُلُّ ابْنِ آدَمَ تَأْكُلُهُ النَّارُ إِلَّا أَثَرَ السُّجُودِ ، فَيُخْرِجُونَ مِنَ النَّارِ وَقَدْ امْتَحَشُوا ، فَيُصَبُّ عَلَيْهِمْ مَاءُ الْحَيَاةِ ، فَيَنْبَتُونَ كَمَا تَنْبَتُ الْحَبَّةُ فِي حَمِيلِ السَّيْلِ ، ثُمَّ يَفْرُغُ اللَّهُ مِنَ الْقَضَاءِ بَيْنَ الْعِبَادِ ، وَيَبْقَى رَجُلٌ بَيْنَ الْجَنَّةِ وَالنَّارِ ، وَهُوَ آخِرُ أَهْلِ النَّارِ دُخُولًا الْجَنَّةَ ، مُقْبِلًا بِوَجْهِهِ قَبْلَ النَّارِ ، فَيَقُولُ : يَا رَبِّ اصْرِفْ وَجْهِي عَنِ النَّارِ قَدْ قَشَبَنِي رِيحُهَا ، وَأَحْرَقَنِي ذُكَاؤُهَا ، فَيَقُولُ : هَلْ عَسَيْتَ إِنْ فَعَلْتَ ذَلِكَ بِكَ أَنْ تَسْأَلَ غَيْرَ ذَلِكَ ، فَيَقُولُ : لَا وَعِزَّتِكَ ، فَيُعْطِي اللَّهُ مَا يَشَاءُ مِنْ عَهْدٍ وَمِيثَاقٍ ، فَيَصْرِفُ اللَّهُ وَجْهَهُ عَنِ النَّارِ ، فَإِذَا أَقْبَلَ بِهِ عَلَى الْجَنَّةِ رَأَى بِهَجَّتِهَا سَكَتَ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَسْكُتَ ، ثُمَّ قَالَ : يَا رَبِّ قَدَّمْنِي عِنْدَ بَابِ الْجَنَّةِ ، فَيَقُولُ اللَّهُ : أَلَيْسَ قَدْ أُعْطِيتَ الْعُهُودَ وَالْمِيثَاقَ أَنْ لَا تَسْأَلَ غَيْرَ الَّذِي كُنْتَ سَأَلْتَ؟ فَيَقُولُ : يَا رَبِّ لَا أَكُونُ أَشَقَمَى خَلْقِكَ ، فَيَقُولُ : فَمَا عَسَيْتَ إِنْ أُعْطِيتَ ذَلِكَ أَنْ لَا تَسْأَلَ غَيْرَهُ؟ فَيَقُولُ : لَا وَعِزَّتِكَ لَا أَسْأَلُ غَيْرَ ذَلِكَ ، فَيُعْطِي رَبُّهُ مَا شَاءَ مِنْ

عَهْدٍ وَمِيثَاقٍ ، فَيَقْدِمُهُ إِلَى بَابِ الْجَنَّةِ ، فَإِذَا بَلَغَ بَابَهَا ، فَرَأَى زَهْرَتَهَا وَمَا فِيهَا مِنَ النَّضْرَةِ وَالسُّرُورِ ، فَيَسْكُتُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَسْكُتَ ، فَيَقُولُ : يَا رَبِّ أَدْخِلْنِي الْجَنَّةَ ، فَيَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ : وَيَحْكُ يَا ابْنَ آدَمَ مَا أَعْدَرَكَ ، أَلَيْسَ قَدْ أُعْطِيتَ الْعَهْدَ وَالْمِيثَاقَ أَنْ لَا تَسْأَلَ غَيْرَ الَّذِي أُعْطِيتَ ؟ فَيَقُولُ : يَا رَبِّ لَا تَجْعَلْنِي أَشَقَى خَلْقِكَ ، فَيَضْحَكُ اللَّهُ مِنْهُ ، ثُمَّ يَأْذَنُ لَهُ فِي دُخُولِ الْجَنَّةِ ، فَيَقُولُ : تَمَنَّ فَيَتَمَنَّى حَتَّى إِذَا انْقَطَعَتْ أُمْنِيَّتُهُ ، قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ : مِنْ كَذَا وَكَذَا ، أَقْبَلَ يُدَكِّرُهُ رَبُّهُ ، حَتَّى إِذَا انْتَهَتْ بِهِ الْأَمَانِيُّ ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى : لَكَ ذَلِكَ وَمِثْلُهُ مَعَهُ ) .

قَالَ أَبُو سَعِيدٍ الْخُدْرِيُّ لِأَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( قَالَ اللَّهُ : لَكَ ذَلِكَ وَعَشْرَةٌ أَمْثَالَهُ ) . قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ : لَمْ أَحْفَظْ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا قَوْلَهُ : ( لَكَ ذَلِكَ وَمِثْلُهُ مَعَهُ ) . قَالَ أَبُو سَعِيدٍ : إِنِّي سَمِعْتُهُ يَقُولُ : ( ذَلِكَ لَكَ وَعَشْرَةٌ أَمْثَالَهُ ) .

*Абу Хурайра ривоят қиладирлар:* «Одамлар: «Ё Расулulloҳ, қиёмат куни раббимизни кўрғаймизми?» — деб сўрашди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳаво очик кечада 14 кунлик Ойни кўрмоққа шубҳа қилмағаймисиз?»— дедилар. «Йўқ, ё Расулulloҳ!»— дейишди. «Булутсиз кунда Қуёшни кўрмоққа шубҳа қилмағаймисиз?» — дедилар. «Йўқ»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таолони ҳам шунингдек шаксиз кўрғайдирсизлар. Қиёмат куни одамлар тўпланғайдир. Шунда Оллоҳ таоло: «Ким нега сиғинган эрса, ўшанга эргашсин!»—дегайдир. Айрим кишилар Қуёшга, баъзилар Ойга эргашғайдир, кимлардир шайтонларга эргашғайдир. Маҳшарда фақат ислом уммати қолғайдир, уларнинг ичида мунофиқлари ҳам бўлғайдир. Сўнг, Оллоҳ таоло келиб (кўринмасдан): «Мен сизнинг раббингиздирман»,— дейдир. «Раббимиз келгунча турадирган жойимиз шу ерми? Раббимиз келса, биз уни таниймиз»,— дейишғайдир одамлар (Оллоҳга ширк келтириб қўймоқдан қўрқиб шундай дейишғайдир). Шунда Оллоҳ таоло келиб (кўриниб): «Мен раббингиздирман»,— дейдир. «Сен раббимизсан!»—дейишғайдир мўъминлар. Уларни рабби (Оллоҳ) даъват қилғайдир. Жаҳаннам устига Сирот кўприги қурилғайдир. Мен пайғамбарлар ичида биринчи бўлиб умматим бирлан (Пули Сиротдан) ўтғайдирман. Ўша куни пайғамбарлардан бошқа ҳеч ким сўзламағай. Ўша куни пайғамбарлар: «Илоҳи, саломат қилғил, Илоҳи, саломат қилғил!»—деб бутун умматларига меҳру шафқат тилағайдирлар. Жаҳаннамда қиёқ тиканлари. янглиғ тиканлар бордир. Қиёқ тиканини кўрганмисиз?» — дедилар. Саҳобалар: «Ҳа»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ яна сўзларини давом эттирдилар: «Қиёқ тиканларига ўхшайдир-у, аммо унинг катталигини Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдир. Гуноҳларига қараб, баъзилар ўтга, баъзилар тиканга ташлаб юборилғайдирлар. Сўнг, дўзахга тушган кишилардан қайси бирига Оллоҳ таоло раҳмат қилмоқни истағайдир, ул нажот топғусидир. Оллоҳ таоло фаришталарига Оллоҳнинг ўзигагина ибодат қилган кишиларни дўзахдан чиқармоқни буюрғайдир, сўнг уларни дўзахдан чиқарғайдирлар. Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилган бандаларни баданларида қолган сажда изларидан танишғайдир. Оллоҳ таоло ўтга бандаларнинг сажда излари қолган аъзоларини куйдирмоқни манъ қилғайдир. Одам боласи бутун аъзоси куйган-у, аммо сажда қилган аъзоларигагина куймаган ҳолда дўзахдан чиқарилғайдир. Дўзах оташидан чиққан бандалар устидан ҳаёт суви қуйилғайдир. Баданлари худди сел лойқасига тушган уруғ унган янглиғ ёшариб, кўркам бўлғусидир. Оллоҳ таоло бутун бандалари ўртасида адолат тарозиси орқали қозилик ҳукмини ниҳоясига етказғач, бир киши жаннат бирлан дўзах ўртасида қолғайдир. Аҳли дўзахлардан бўлмиш бул киши жаннатга энг кейин кирғайдир. Ул юзи дўзах ўтига қараган ҳолда: «Ё раббий, юзимни дўзах ўтидан бошқа ёққа бурғил, дўзахнинг

захарли тутуни мени захарлаб, унинг алангаси мени куйдирмоқда»,— дейдир. Оллоҳ таоло: «Агар айтганинг қилинғайдир, ундан кейин бошқа нарсани сўрамасмисен?» — дейдир. Банда: «Ё раббий, сўрамасмен»,— деб онт ичғайдир. Оллоҳ таоло бандасининг ваъдасини олгандан сўнг, унинг юзини дўзах томондан жаннат томонга бурғайдир. Банда жаннатнинг сўлим ва кўркамлигини кўриб, Оллоҳ хоҳлаганича вақт жим қолғайдир. Сўнг, «Ё раббий, мени жаннат эшигининг ёнига етказғил!»— дейдир. Оллоҳ таоло унга: «Ҳали сўраган нарсангдан бошқа ҳеч нарса сўрамасмен, деб ваъда қилмаганми эрдинг?» — дейдир. «Ё раббий, ваъда бердим-у, бироқ сенинг лутфу карамингдан умидвормен»,— дейдир. Оллоҳ таоло: «Агар сўраганингни берсам, бошқа ҳеч нарса сўрамасмисен?»— дейдир. Банда раббига қасамёд айтиб: «Бошқасини сўрамасмен»,— дейдир. Уни жаннат эшигига келтирғайдирлар. Жаннат эшигига етганда ундаги гўзаллик, сўлимлик ва хурсандчиликларни кўриб ҳайратга тушғайдир ва Оллоҳ таоло хоҳлаганча вақт жим қолғайдир. Сўнг: «Ё раббий, мени жаннатга киргизғил!» — дейдир. Оллоҳ: «Воҳ, сени қарағил-а! Нечоғлиқ ваъдангга вафосиздирсен. Эй одай боласи, бундан бошқа нарса сўрамасмен, деб ваъда бермаганми эрдинг?» — дейдир. Банда: «Эй раббим, мени энг бахтсиз банда қилиб қўймағил!» — дейдир. Ҳақ таоло кулғайдир ва бандасига жаннатга кирмоққа ижозат бериб: «Хоҳлаганингча тилайверғил, бандам!» — дейдир. Банда кўнглида борини тилағайдир. Шунда Оллоҳ таоло унга: «Фалон, фалон ва фалон нарсаларни ҳам қўшиб сўрағил!»—деб айтадир. Банда Оллоҳ таоло айтганларининг ҳаммасини тилағайдир. Оллоҳ таоло унга: «Бу ҳам сенгадир, у ҳам сенгадир»,— деб яна қанча нарсаларни айтғайдир».

### **128-боб. Намозхон саждада билагининг ич тарафини кўрсатиб, қорнини сонидан узоқлаштириб турадир**

*Абдуллоҳ ибн Молик:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқисалар, (саждада) тирсакларини биқинларидан узоқроқ тутар эрдилар, ҳаттоки қўлтиқларининг оппоқлиги ҳам кўриниб турар эрди»,— дейдилар.

### **129-боб. Намозхон оёқ панжалари учини қиблага қаратғайдир**

*Абу Ҳумайд:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам шундай деб айтганлар»,— дейдилар.

### **130-боб. Намозхон саждани тўлиқ қилмаса...**

Ҳузайфа бир кишининг чала рукуъ ва сажда қилаётганини кўриб, намозни тугатгач: «Намоз ўқимадинг!—деди. Абу Воил: «Назаримда, «Агар ўлсанг, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам маслагидан бошқа йўлда ўлган бўлурсен, деб ҳам айтганди»,— дейдилар.

### **131-боб. Тананинг еттита аъзоси билан сажда қилмоқ**

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам тананинг еттита аъзоси бирлан сажда қилмоқни буюриб, сочни орқага тарамоқни ҳамда кийимни (этафи, енги, почаси ва бошқани) букламоқни манъ қилдилар. Ўша еттита аъзо: пешона, 2 қўл, 2 тизза ва 2 оёқдир».

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Сочни орқага тарамай ва кийимни орқага қайтармай, етти аъзо бирлан сажда қилмоққа буюрилдик»,— дейдилар».

*Барро ибн Озиб (у ёлғон сўзламайдир) ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб намоз ўқир эрдик. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаху» деганларида то

саждага бошларини қўймагунларича биронтамиз белни эгмас эрдик».

### 132-боб. Бурни билан сажда қилмоқ

426 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أُمِرْتُ أَنْ أَسْجُدَ عَلَى سَبْعَةِ أَعْظُمٍ : عَلَى الْجَبْهَةِ ، - وَأَشَارَ بِيَدِهِ عَلَى أَنْفِهِ - وَالْيَدَيْنِ وَالرُّكْبَتَيْنِ وَأَطْرَافِ الْقَدَمَيْنِ ، وَلَا تَكْفَتِ الثِّيَابَ وَالشَّعْرَ ) .

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «7 аъзо бирлан — пешона (қўллари бирлан бурунларини кўрсатдилар), 2 қўл, 2 тизза ва 2 оёқ учи бирлан сажда қилмоққа ҳамда сочни орқага тарамасликка ва кийимни орқага қайтармасликки буюрилдим»,— дедилар».

### 133-боб. Ер лой бўлган вақтда бурун бирлан сажда қилмоқ

*Абу Салама ривоят қиладилар:* «Абу Саъид ал-Худрийнинг ҳузурига кирдим-да: «Биз бирлан суҳбатлашгани хурмо боғига чиқмасмисиз?» — дедим. «Хўп»,— деб чиқдилар. «Бизга Лайлатулқадр тўғрисида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганингизни айтиб берингиз»,— дедим. Абу Саъид: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг дастлабки 10 кунда масжиддан чиқмасдан ибодат қилмоққа ният қилдилар, биз ҳам ният қилдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ю саллам қошларига Жаброил Алайҳиссалом келиб: «Сиз сўраётган нарсага ҳали вақт эртадир»,— дебдилар. Жаноб Расулulloҳ иккинчи 10 кунликда ҳам эътикоф қилдилар. Биз ҳам у киши бирлан бирга эътикоф қилдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қошларига Жаброил алайҳиссалом келиб: «Сиз сўраётган нарсага ҳали вақт бордир»,— дебдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг 20-кунда бомдодда хутбага чиқиб: «Кимки Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга эътикоф қилган эрса, яна эътикоф қилсин, чунким менга Лайлатулқадр кечасининг муддати айтилган эрди, мен уни унутдим. Ул охирги 10 кунликнинг тоқ кечаларидан бирида бўлмоғи лозим. Мен тушимда кўрсам, гўёким лойга сажда қилаётган эрканман»,— дедилар. Масжиднинг томига хурмо шохлари ёпилган эрди, осмонда битта ҳам булутни кўрмас эрдик. Бирдан осмонда бир кичик булут пайдо бўлиб, устимизга ёмғир ёғди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқидилар, биз у кишига иқтидо қилдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пешоналари ва бурунларининг учига лой ва сув текканини кўрдик. Бу бирлан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўрган тушлари исбот бўлди».

### 134-боб. Кийимни боғлаб ва орқага қайтариб олмоқ

Намозхон аврати очилиб қолмоғидан қўрқса, намоздан аввал боғлаб олғайдир.

*Саҳл ибн Саҳл:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан намоз ўқиётган одамлар изорлари кичиклигидан елкаларига боғлаб олар эрдилар, аёлларга эркарлар тўлиқ ўтириб олмагунча, саждадан бошларини кўтармаслик буюрилган эрди».

### 135-боб. Намозхон (намозда) сочини орқага қайтармайдир

*Ибн Аббос:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тананинг етти аъзоси бирлан сажда қилмоққа ҳамда кийим ва сочни орқага қайтармасликка буюрилдилар»,— дейдилар».

### 136-боб. Намозхон (намозда) кийимини орқага қайтармайдир

*Ибн Аббос:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Етти аъзо бирлан сажда қилмоққа ҳамда сочим бирлан кийимини орқага қайтармасликка

буюрилдим, деб айтганлар»,— дейдилар.

### 137-боб. Саждада дуо ва тасбиҳ айтмоқ

*Оиша онамиз ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъ ва сажда қилганларида «Субҳонакаллоҳумма, раббано ва биҳамдика, Оллоҳумма-фирли» деган дуони кўп ўқир эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръондаги («Фасаббиҳ биҳамди раббика вастафирҳу») оятни талқин қилиб шундай дер эрдилар».

### 138-боб. Икки сажда ўртасида бир зум тин олмоқ

*Молик ибн Ҳувайрис шерикларига:* «Эй, сизларга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қандоқ намоз, ўқиганларини айтиб берайинми ё кўрсатиб берайинми?» — деди. «Бу намоздан ташқари вақтда бўлган эрди»,— дейдилар Абу Қилоба. Молик ўрнидан туриб, такбир айтиб намоз ўқимоққа киришди, кейин рукуъ қилди, сўнг такбир айтиб рукуъдан бошини кўтарди, кейин бир оз тин олиб, сажда қилди, сўнг саждадан бош кўтариб, бир оз тин олди. Абу Қилоба: «Ул шайхимиз Амр ибн Саламага ўхшаб намоз ўқиди»,— дейдилар. «Ўша шайх намозда бошқалар қилмайдиган нарсаларни қилар эрди, 3-нчи ракъатнинг охири в 4-нчи ракъатнинг бошланишида бир оз тин олур эрди»,— дейдилар Айюб разияллоҳу анҳу. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бир ой турдик,— дейдилар Молик,— шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга: «Аҳлингизга қайтсангиз, фалон намозни фалон вақтда ва фалон намозни фалон вақтда ўқингиз. Намоз вақти бўлса, ораларингиздан бир киши азон айтсин, ёши каттаси имом бўлсин!» — дедилар».

*Барро ибн Озиб:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда, рукуъ ва икки сажда ўртасидаги ўтиришга деярли бир хил вақт сарфлар эрдилар»,— дейдилар.

427 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : إِنِّي لَا أَلُو أَنْ أُصَلِّيَ بِكُمْ كَمَا رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي بِنَا . قَالَ ثَابِتٌ رَأَى الْحَدِيثَ : كَانَ أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ يَصْنَعُ شَيْئًا لَمْ أَرَكُمُ تَصْنَعُونَهُ ، كَانَ إِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرُّكُوعِ قَامَ حَتَّى يَقُولَ الْقَائِلُ قَدْ نَسِيَ ، وَبَيْنَ السَّجْدَتَيْنِ حَتَّى يَقُولَ الْقَائِلُ قَدْ نَسِيَ .

Анас разияллоҳу анҳу: «Мен, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биз бирлан нечук намоз ўқиган бўлсалар, сизлар бирлан ҳам худди шундоқ намоз ўқиғайдирман»,— дедилар. «Анас намозда бошқалар қилмайдирган ҳаракатларни қилар эрди, мен сизларнинг бундоқ қилганингизни кўрмаганман. Ул рукуъдан бош кўтарганда ва икки сажда ўртасида бир оз тин олар эрди, ҳатто биз (саждага бориш) эсидан чиқиб қолдимикин, деб ўйлар эрдик»,— дейдилар Собит разияллоҳу анҳу.

### 139-боб. Намозхон саждада билакларини ерга теккизмайдир

*Абу Ҳумайд:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билакларини ерга теккизмай ва биқинларига сиқиб олмай сажда қилар эрдилар»,— дейдилар.

428 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( اِعْتَدِلُوا فِي السُّجُودِ وَلَا يَسْطُ أَحَدُكُمْ ذِرَاعِيَهُ انْبِسَاطَ الْكَلْبِ ) .

*Анас ибн Молик:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга: «Урта миёна сажда қилингиз, билакларингизни ҳаддан зиёд чўзиб, ит ётиш қилмангиз! деб айтганлар»,— дейдилар.



### 140-боб. Намозхоннинг, тоқ ракъат қилганда, аввал бир оз ўтириб олиб, кейин турмоғи

429 . عَنْ مَالِكِ بْنِ الْحُوَيْرِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي ، فَإِذَا كَانَ فِي وَثْرٍ مِنْ صَلَاتِهِ ، لَمْ يَنْهَضْ حَتَّى يَسْتَوِيَ قَاعِدًا .

Молик ибн Ҳувайрис Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқиётганларини кўрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тоқ ракъат қилганларида ҳам аввал бир оз нафасни ростлаб олиб кейин турдилар.

### 141-боб. Намозхон ракъатдан тураётганда ерга қандай тиралади?

*Абу Қилоба разияллоҳу анҳу Айюб разияллоҳу анҳуга бундай дебдилар:* «Молик ибн Ҳувайрис мана шу масжидимизга келиб биз бирлан намоз ўқидилар. Ул киши бизга: «Ўзим намоз ўқиқоқчи бўлмасам-да, сизларга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нечук намоз ўқиганларини кўрсатиб берайин»,— дедилар. «Жаноб Расулulloҳ қандай намоз ўқир эрканлар? деб сўрадим»,— дейдилар Айюб. «Мана шу шайхимиз сингари ўқир эрканлар»,— дебдилар Абу Қилоба.

«Уша шайх (рукуъдан рукуъга ўтишда) тўлиқ такбир айтар эрди. Иккинчи саждадан бош кўтаргач, бир оз ўтириб, кейин ерга тираниб турар эрди»,— дейдилар Айюб.

### 142-боб. Намозхон 2-нчи ракъатдан тураётиб такбир айтадир

Ибн Зубайр (ракъатдан) тураётиб такбир айтар эрди.

*Саъид ибн Ҳарс ривоят қиладилар:* «Абу Саъид бизга намоз ўқиб берди, такбирни овоз чиқариб айтди. Саждага бораётганда ҳам ва ундан бош кўтараётганда ҳам, иккала ракъатдан тураётганда ҳам такбир айтди. Кейин: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай намоз ўқиётганларини кўрганман»,— деди».

*Мутарраф ибн Абдуллоҳ нақл қиладилар:* «Имрон бирлан мен Ҳазрат Алига иқтидо қилиб намоз ўқидик. Ҳазрат Али сажда қилсалар ҳам, саждадан бош кўтарсалар ҳам, иккала ракъатдан тураётганларида ҳам такбир айтар эрдилар. Салом бергандан сўнг Имрон менинг қўлимни ушлаб туриб: «Мана бу киши биз бирлан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сингари намоз ўқиди» ёки «Мана бу одамнинг намоз ўқиши менга Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқишларини эслатди»,— деди».

### 143-боб. Ташаҳҳудда ўтиришнинг суннати (қонун-қондаси)

Умму Дардоъ намозда эркак киши сингари ўтирар эрди. У фикҳ олимаси эрди.

431 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ كَانَ يَتَرَبَّعُ فِي الصَّلَاةِ إِذَا جَلَسَ ، وَأَنَّهُ رَأَى وَلَدَهُ فَعَلَّ ذَلِكَ فَتَهَاةً وَقَالَ : إِنَّمَا سُنَّةُ الصَّلَاةِ أَنْ تَنْصِبَ رِجْلَكَ الْيُمْنَى وَتَشِيَّ الْيُسْرَى ، فَقَالَ لَهُ : إِنَّكَ تَفْعَلُ ذَلِكَ ، فَقَالَ : إِنَّ رِجْلِي لَا تَحْمِلَانِي .

*Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Умарнинг чордана қуриб ташаҳҳудда ўтирганларини кўрдим. Ёшлиқ қилиб мен ҳам шундай қилдим. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар менга: «Бундай қилмағил, намознинг суннатига кўра, ўнг оёғингни тиклаб, чап оёғингни букиб ўтирмоғинг лозим»,— дедилар. Мен: «Сиз чордана қуриб ўтирибсиз-ку!» — дедим. «Менинг оёқларим ярамайдир»,— дедилар».

432 . عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَنَا كُنْتُ أَحْفَظُكُمْ لَصَلَاةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، رَأَيْتُهُ إِذَا كَبَّرَ جَعَلَ يَدَيْهِ حِذَاءَ مَنْكَبَيْهِ ، وَإِذَا رَكَعَ أَمَكَّنَ يَدَيْهِ مِنْ رُكْبَتَيْهِ ، ثُمَّ هَضَرَ ظَهْرَهُ ، فَإِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ اسْتَوَى ، حَتَّى يَعُودَ كُلُّ

فَقَارَ مَكَانَهُ ، فَإِذَا سَجَدَ وَضَعَ يَدَيْهِ غَيْرَ مُفْتَرِشٍ وَلَا فَابِضُهُمَا ، وَاسْتَقْبَلَ بِأَطْرَافِ أَصَابِعِ رِجْلَيْهِ الْقِبْلَةَ ، وَإِذَا جَلَسَ فِي الرَّكْعَتَيْنِ ، جَلَسَ عَلَى رِجْلِهِ الْيُسْرَى وَنَصَبَ الْيُمْنَى ، وَإِذَا جَلَسَ فِي الرَّكْعَةِ الْأَخِيرَةِ قَدَّمَ رِجْلَهُ الْيُسْرَى وَنَصَبَ الْأُخْرَى وَقَعَدَ عَلَى مَقْعَدَتِهِ .

*Муҳаммад ибн Амр ибн Ато ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир жамоа саҳобалари бирлан бирга ўтирган эрдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нечук намоз ўқиганларини эсладик. Шунда Абу Ҳумайд Ас-Соъидий: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қандай намоз ўқиганларини ҳаммангиздан кўра кўпроқ билурмен. Жаноб Расулulloҳ такбири таҳрима айтганларида қўлларини елка баробарида кўтардилар, рукуъга борганларида тиззаларини ушладилар, кейин қоматларини ростладилар. Рукуъдан бош кўтарганларида умуртқаларининг ҳар бир бўғини жой-жойига келгунча қадларини ростладилар. Кейин, билакларини ерга теккизмай ва биқинларига сиқиб олмай ҳамда оёқ панжаларининг учларини қиблага қаратиб сажда қилдилар. Иккинчи ракъатда ўнг оёқларини тиклаб, чап оёқларининг устига ўтирдилар. Охирги ракъатда эрса чап оёқларини олдинроққа узатиб, ўнг оёқларини тиклаб, думбаларини ерга қўйиб ўтирдилар».

#### 144-боб. Дастлабки ташаҳҳудга ўтириш фарз эрмас

Чунким Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккинчи ракъатдан кейин ўтирмасдан туриб кетганларида (саҳобалар тасбиҳ айтиб эслатишганда) қайтиб ўтирмадилар.

*Зухрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Менга Абдурраҳмон ибн Ҳурмуз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг улар бирлан пешин намозини ўқиганларини айтди. Жаноб Расулulloҳ иккинчи ракъатдан кейин ўтирмасдан туриб кетибдилар, одамлар ҳам у киши бирлан бирга ўринларидан туришибди. Намоз тугагач, одамлар пайғамбаримизнинг салом бермоқларини кутишибди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрса ўтирган ҳолларида салом бермасдан такбир айтиб, икки марта сажда (саждаи саҳв) қилибдилар, сўнг салом берибдилар».

#### 145-боб. Дастлабки ташаҳҳудга ўтирмақ

433 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُحَيْنَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، وَهُوَ مِنْ أَرْدِ شَنْوَاءَ وَهُوَ حَلِيفُ لَبْنِي عَبْدِ مَنَافٍ ، وَكَانَ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى بِهِمُ الظُّهْرَ ، فَقَامَ فِي الرَّكْعَتَيْنِ الْأُولَيَيْنِ لَمْ يَجْلِسْ ، فَقَامَ النَّاسُ مَعَهُ حَتَّى إِذَا قَضَى الصَّلَاةَ ، وَأَنْتَظَرَ النَّاسُ تَسْلِيمَهُ ، كَبَّرَ وَهُوَ جَالِسٌ فَسَجَدَ سَجْدَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ يُسَلِّمَ ثُمَّ سَلَّمَ .

*Абдуллоҳ ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биз бирлан пешин намозини ўқидилар. (Иккинчи ракъатдан кейин) ташаҳҳудга ўтиришлари лозим бўла туриб, туриб кетдилар. Намоз тугагач, ўтирган ҳолларида икки марта сажда қилдилар».

#### 146-боб. Охирги ташаҳҳудга ўтирмақнинг вожиблиги

434 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كُنَّا إِذَا صَلَّيْنَا خَلْفَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قُلْنَا : السَّلَامُ عَلَى اللَّهِ ، السَّلَامُ عَلَى جِبْرِيلَ وَمِيكَائِيلَ ، السَّلَامُ عَلَى فُلَانٍ وَفُلَانٍ ، فَالْتَفَتَ إِلَيْنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : ( إِنَّ اللَّهَ هُوَ السَّلَامُ ، فَإِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ فَلْيَقُلْ : التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ ، وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ ، السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ ، السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ ، فَإِنَّكُمْ إِذَا قُلْتُمُوهَا أَصَابَتْ كُلَّ عَبْدٍ لِلَّهِ صَالِحٍ فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا

اللَّهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб намоз ўқиганимизда: «Жаброил ва Микоилга салом, фалончи ва пистончига салом»,— деб айтардик. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга: «Оллоҳ таолонинг исмларидан бири — саломдир. Қайси бирингиз намоз ўқигайдирсиз, «Барча мадҳу олқишларимиз, тоат-ибодату эзгу амалларимиз Оллоҳ таолога муносибдир, эй пайғамбар алайҳиссалом, сизга Оллоҳ таолонинг саломи, раҳмати ва баракоти бўлсин, бизга ҳамда ҳамма солиҳ бандаларга эрса Оллоҳ таолонинг саломи бўлсин!»—деб айтингиз. Агар шундоқ (ҳамма солиҳ бандаларга) десангиз, еру кўкдаги ҳамма солиҳ бандаларга савоби теккайдир»,— дер эрдилар. (Дуонинг давоми): «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, деб гувоҳлик бергайдирмен, шунингдек Муҳаммад Оллоҳнинг бандаси ҳамда бизга юборган элчисидир, деб ҳам гувоҳлик бергайдирмен».

### 147-боб. Намозда салом беришдан аввал дуо ўқимоқ

435 . عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَضِيَ عَنْهَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَدْعُو فِي الصَّلَاةِ : ( اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَفِتْنَةِ الْمَمَاتِ ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْمَأْتَمِ وَالْمُعْرَمِ ) . فَقَالَ لَهُ قَائِلٌ : مَا أَكْثَرَ مَا تَسْتَعِيدُ مِنَ الْمُعْرَمِ ، فَقَالَ : ( إِنَّ الرَّجُلَ إِذَا غَرِمَ ، حَدَّثَ فَكَذَبَ ، وَوَعَدَ فَأَخْلَفَ ) .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда «Оллоҳумма инний аъзузу бика мин азоби қабрин ва аъзузу бика мин фитнат-ил-Масиҳи-д-Дажжолли ва аъзузу бика мин фитнат-ил-маҳйо ва фитнат-ил-мамоти, Оллоҳумма инний аъзузу бика мин-ал-маъсами ва-л-мағрами» деган дуони ўқир эрдилар (Дуонинг маъноси: «Илоҳи, мени қабр азобидан, Дажжол фитнасидан сақлағил, тирикликдаю ўлим олдида бўладиган фитналардан асрағил! Илоҳи, мени гуноҳкор ва кишилардан қарздор бўлмоқдан ўзинг асрағил!»). Шунда бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Нечун мунча, қарздор қнлиб қўймағил, деб илтижо қилурсиз?» — деди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар киши тўлаёлмайдиган даражада қарздор бўлиб қолгайдир, доимо ёлғон гапиргайдир, ваъда қилса, устидан чиқмагайдир»,— дедилар».

*Оиша онамиз:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз охирида Дажжол фитнасидан асрамоқни Оллоҳдан илтижо қилганларини эшитдим»,— дейдилар.

436 . عَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ قَالَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : عَلَّمَنِي دُعَاءً أَدْعُو بِهِ فِي صَلَاتِي . قَالَ : ( قُلِ : اللَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْمًا كَثِيرًا ، وَلَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ ، فَاعْفِرْ لِي مَغْفِرَةً مِنْ عِنْدِكَ وَارْحَمْنِي ، إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ) .

*Абу Бакр Сиддиқ Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга:* Намозда ўқийдирган бир дуо ўргатинг»,— дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Илоҳи, мен ўз жонимга кўп зулм қилдим, (бундай) гуноҳларни сендан бошқа ҳеч ким кечира олмагайдир, фақат ўзинг кечира олгайдирсан. Илоҳи, фазлу марҳаматингни дариф тутмай, мени мағфират қилгайсен, мендан раҳматингни аямагайсен, Сен гуноҳларни кечирғувчи ва бандаларни мағфират қилувчи зотдирсен! деган дуони ўқиғил!» — дедилар. Мазкур дуонинг арабчаси: «Оллоҳумма инний заламту нафсий зулман касиро ва ло йағфиру-з-зунуба илло анта, фағфирлий

мағфиратан мин индика варҳамний, иннака ант-ал-ғафурур-рахийм».

### 148-боб. Ташахҳуддан кейин ўқишга дуо танламоқ

437 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كُنَّا إِذَا كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الصَّلَاةِ قُلْنَا : السَّلَامُ عَلَى اللَّهِ مِنْ عِبَادِهِ ، السَّلَامُ عَلَى فُلَانٍ وَفُلَانٍ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا تَقُولُوا السَّلَامُ عَلَى اللَّهِ ، فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ السَّلَامُ ، وَلَكِنْ قُولُوا التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ ، وَالصَّلَوَاتُ ، وَالطَّيِّبَاتُ ، السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ ، السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ ، فَإِنَّكُمْ إِذَا قُلْتُمْ أَصَابَ كُلَّ عَبْدٍ فِي السَّمَاءِ ، أَوْ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ ، ثُمَّ يَخْتِيرُ مِنَ الدُّعَاءِ أَعَجَبَهُ إِلَيْهِ فَيَدْعُو ) .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга намоз ўқиганимизда «Ассалому алаллоҳи мин ибодиҳи. Ассалому ало фулонин ва фулонин» дер эрдик. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ассалому алаллоҳи» демангиз, чунким салом — Оллоҳнинг исмларидан, Ат-Таҳиййоту лиллоҳи вас-салавоту ват-таййибот, ассалому алайка аййу-ҳан-набиййу ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ. Ассалому алайно ва ало ибодиллоҳис-солиҳийн» деб айтингиз. Агар сиз шундай деб айтсангиз, осмондаги (ёким еру осмон ўртасидаги) ҳар бир солиҳ бандага савоби те'ккайдир (Дуонинг давоми: «Ашҳаду алла илоҳа иллаллоҳу вашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу»), ундан кейин дуолардан ўзингизга ёққанини танлаб олиб ўқийверингиз»,— дедилар».

### 149-боб. Пешона ва бурнига теккан лойни намозни ўқиб бўлмагунча артмаган киши

*Имом Бухорий:* «Ҳумайднинг намоз вақтида пешонага теккан нарсани (лой, чангни) артиб бўлмаслигига қуйидаги ҳадисни далил қилаётганининг шоҳиди бўлдим»,— дейдилар:

Абу Салама: «Абу Саъид ал-Худрийдан шул туғрида сўрадим»,—дейдилар. Абу Саъид ал-Худрий: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг лой жойда сажда қилаётганларини, ҳатто пешоналарига теккан лойни намоз тамом бўлмагунча артмаганларини кўрдим»,— деб жавоб берибдилар».

### 150-боб. Намоз ўқиб бўлгач, салом бермоқ

438 . عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا سَلَّمَ ، قَامَ النَّسَاءُ حِينَ يَقْضِي تَسْلِيمَهُ ، وَمَكَثَ يَسِيرًا قَبْلَ أَنْ يَقُومَ .

*Умму Салама онамиз Ҳинд бинти ал-Ҳарсга:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда салом берганларидан кейин ҳам аёллар кетмай туришарди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам дарров кетиб қолмас эрдилар»,— деб айтган эрканлар. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, аёлларнинг эркаклар бирлан аралаш кетмасликлари, эркаклар кетиб бўлгач, бемалол ўзлари кетмоқлари учун шундай қилган бўлсалар керак»,— дейдилар Абу Шиҳоб.

### 151-боб. Иқтидо қилғувчи имом салом берганда салом берадир

Ибн Умар разияллоҳу анҳу имом салом бергандан сўнг орқадагилар ҳам салом бермоғини маъқуллар эрдилар.

439 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : صَلَّيْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَلَّمْنَا حِينَ سَلَّمَ .

«Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга намоз ўқидик, салом берганларида салом бердик»,— дейдилар Атбон разияллоҳу анҳу.

### 152-боб. «Имомнинг саломига алик қайтармаса ҳам бўладир, намозда берилган салом кифоя қиладир»,— деган киши

*Маҳмуд ибн Рабиъ ривоят қиладилар:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши эслармен, ул киши уйимизга келганларида мен ёш бола эрдим, пақирдан бир хўплам сув олиб, ҳазиллашиб юзимга пуркаб юборганларини ҳам яхши эслармен, Менга Маҳмуд Атбон ибн Молик қуйидаги ҳадисни айтиб берган эрдилар: «Мен ўз қавмим бўлмиш Баний Солимга имомлик қилур эрдим. Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Менинг кўзим хира бўлиб қолди, ёғингарчилик бўлса, масжидга боролмаётирман. Бизни кига бориб, намоз ўқиб берсангиз, мен сиз намоз ўқиган жойни ўзимга намозгоҳ қилиб олғай эрдим»,— дедим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иншооллоҳ, шундоқ қилурмен»,— дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Абу Бакр Сиддиқ кун қизиган вақтда мени кига келдилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам киришга рухсат сўрадилар, мен уйга таклиф қилиб, ўтиришга жой кўрсатдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтирмасдан: «Қаерда намоз ўқиб бермоғимни истағайсен?»— дедилар. Мен ўзимга ёққан жойни кўрсатдим, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқишга киришдилар, биз ул кишига иқтидо қилдик. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам салом берганларида, биз ҳам салом бердик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда қандай салом берсалар, шундай салом бердик, алик олмадик».

### 153-боб. Намоздан кейин зикр айтмоқ

440 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَفَعَ الصَّوْتِ بِالذِّكْرِ حِينَ ، يَنْصَرِفُ النَّاسُ مِنَ الْمَكْتُوبَةِ ، كَانَ عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . وَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ : كُنْتُ أَعْلَمُ إِذَا انْصَرَفُوا بِذَلِكَ إِذَا سَمِعْتُهُ .

*Ибн Аббоснинг озод қилинган қули Абу Маъбад:* «Менга Ибн Аббос бундай деган эрдилар»,— дейди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида одамлар фарз намозидан сўнг баланд овоз бирлан зикр айтишур эрди, мен буни яхши эслаб қолганман».

*Ибн Аббос:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозни тугатганларини такбир айтганларидан билур эрдим»,— дейдилар (Намоздан сўнг «Субҳоналлоҳ, Алҳамду лиллоҳ, Оллоҳу акбар» деб зикр айтмоқ).

441 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : جَاءَ الْفُقَرَاءُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالُوا : ذَهَبَ أَهْلُ الدُّنْيَا مِنَ الْأَمْوَالِ بِالذَّرَجَاتِ الْعُلَا وَالنَّعِيمِ الْمُقِيمِ ، يُصَلُّونَ كَمَا نُصَلِّي ، وَيَصُومُونَ كَمَا نَصُومُ ، وَلَهُمْ فَضْلُ أَمْوَالٍ يَحْجُونَ بِهَا وَيَعْتَمِرُونَ وَيَجَاهِدُونَ وَيَتَصَدَّقُونَ . فَقَالَ : أَلَا أُحَدِّثُكُمْ بِمَا إِنْ أَخَذْتُمْ بِهِ أَدْرَكْتُمْ مَنْ سَبَقَكُمْ ، وَلَمْ يُدْرِكْكُمْ أَحَدٌ بَعْدَكُمْ ، وَكُنْتُمْ خَيْرَ مَنْ أَنْتُمْ بَيْنَ ظَهْرَانَيْهِمْ إِلَّا مَنْ عَمِلَ مِثْلَهُ : تُسَبِّحُونَ وَتَحْمَدُونَ وَتُكَبِّرُونَ خَلْفَ كُلِّ صَلَاةٍ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ .

قال الراوي : فَاحْتَلَفْنَا بَيْنَنَا فَقَالَ بَعْضُنَا : نُسَبِّحُ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ ، وَنَحْمَدُ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ ، وَنُكَبِّرُ أَرْبَعًا وَثَلَاثِينَ ، فَرَجَعْتُ إِلَيْهِ ، فَقَالَ : تَقُولُ : ( سُبْحَانَ اللَّهِ ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ ، حَتَّى يَكُونَ مِنْهُمْ كُلِّهِنَّ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Фақирлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: «Жаннатнинг энг яхши жойлари ҳам, дунёнинг энг яхши неъматлари ҳам бойларга теккайдир. Биз қандай намоз ўқисак ва рўза тутсак, улар ҳам шундай намоз ўқиб, рўза тутишгайдир. Бунинг устига улар мол-дунёга ҳам эгадилар. Мол-дунёлари бўлгач, ҳаж қилишгайдир ва садақалар беришгайдир»,—

дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга жавобан: «Сизга бойлар эришган мартабадан ҳам юксакроқ мартабага сазовор этадирган бир нарсани ўргатайинми? Агар (менинг айтганларимни қилсангиз), сиздан яхшироқ одам бўлмағайдир, сиз эришган мартабага ҳеч ким эриша олмағайдир. Қулоқ солингиз, ҳар бир фарз намозидан сўнг «Субҳоналлоҳ», «Алҳамду лиллоҳ» ва «Оллоҳу акбар» деб 33 мартадан айтғайсиз»,— дедилар. Шу онда биз «Субҳоналлоҳ — 33 марта, Алҳамду лиллоҳ — 33 марта, Оллоҳу акбар — 34 марта» деб ўзаро тортишиб қолдик. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирдик. Жаноб Расулulloҳ: «Субҳоналлоҳ, Алҳамду лиллоҳ ва Оллоҳу акбарнинг ҳар бирини 33 мартадан айтғайсен, деб айтдилар»,— дейдилар Абу Ҳурайра».

442 . عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ فِي دُبُرِ كُلِّ صَلَاةٍ مَكْتُوبَةٍ : ( لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ، اللَّهُمَّ لَا مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ ، وَلَا مُعْطِيَ لِمَا مَنَعْتَ ، وَلَا يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الْجَدُّ ) .

*Муғира Ибн Шўъбанинг котиби — Варрод разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Муғира Муовияга атаб бундай деб хат ёздирдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир фарз намозидан сўнг «Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу, лаҳу-л-мулку ва лаҳу-л-ҳамду ва ҳува ало кулли шайъин қадийр. Оллоҳумма ло мониъа лимо аътайта ва ло муътийа лимо манаъта ва ло йанфаъу зо-л-жадди минка-л-жадду» деб айтар эрдилар».

#### 154-боб. Имом (намоздан сўнг) салом бергач, одамларга қараб ўгирилиб ўтирадир

443 . عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدُبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا صَلَّى صَلَاةً أَقْبَلَ عَلَيْنَا بِوَجْهِهِ .

*Сумра Ибн Жундуб нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб бўлсалар, бизга қараб ўгирилиб ўлтирар эрдилар».

444 . عَنْ زَيْدِ بْنِ خَالِدِ الْجُهَنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ : صَلَّى لَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاةَ الصُّبْحِ بِالْحُدَيْبِيَّةِ ، عَلَى إِثْرِ سَمَاءٍ كَانَتْ مِنَ اللَّيْلِ ، فَلَمَّا انْتَصَرَ أَقْبَلَ عَلَيَّ النَّاسَ ، فَقَالَ : ( هَلْ تَدْرُونَ مَاذَا قَالَ رَبُّكُمْ ) . قَالُوا : اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ ، قَالَ : ( أَصَبِحَ مِنْ عِبَادِي مُؤْمِنٌ بِي وَكَافِرٌ ، فَأَمَّا مَنْ قَالَ مُطِرْنَا بِفَضْلِ اللَّهِ وَرَحْمَتِهِ ، فَذَلِكَ مُؤْمِنٌ بِي كَافِرٌ بِالْكَوْكَبِ ، وَأَمَّا مَنْ قَالَ : مُطِرْنَا بِنَوْءِ كَذَا وَكَذَا فَذَلِكَ كَافِرٌ بِي مُؤْمِنٌ بِالْكَوْكَبِ ) .

*Зайд ибн Холид ал-Жуханий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбия деган жойда кечқурун ёққан ёмғир нами устида биз бирлан бомдод намозини ўқидилар. Намоздан сўнг Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга ўгирилиб: «Раббингиз не дейдир, билурмисиз?» — дедилар. Одамлар: «Оллоҳ ва унинг Расули биладир»,— дейишди, «Оллоҳ: «Бандаларимдан баъзилари менга ишониб мўъмин бўлдилар, баъзилари эрса, менга ишонмай, кофир бўлдилар. Аммо, кимки бизнинг ёмғиримизни Оллоҳнинг фазлу раҳматидан содир бўлди, деса, ул мёнга иймон келтириб, сайёраларни инкор қилган бўлғайдир. Аммо, кимки фалон сайёранинг ундоқ бўлмоғи ва пистон сайёранинг мундоқ бўлмоғидан ёмғир ёғди, деса, ул кофир бўлиб, сайёраларга сифинган бўлур»,— дейди»,— дедилар Жаноб Расулulloҳ».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни хуфтон намозини ўқишни ярим кечагача кечиктирдилар. Намоздан сўнг бизларга ўгирилиб: «Одамлар аллақачон намозларини ўқиб бўлиб ётдилар, аммо сизлар эрсангиз ҳануз жойнамоз устидасизлар»,— дедилар».

**155-боб. Имомнинг, салом бергандан кейин ҳам жойнамоз устида қолмоғи**

*Нофиъ разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Ибн Умар, фарз ўқиб бўлгандан кейин ҳам, жойнамоздан жилмасдан нафл ўқийверар эрдилар. Ҳазрат Абу Бакрнинг невараси Қосим ҳам шундай қилур эрди».

*Абу Ҳурайра:* «Имом фарз ўқиган жойда нафл ўқимайдир, деган ҳадисни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга нотўғри нисбат беришади»,— дейдилар.

*Умму Салама ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз тугаб, салом берганларидан сўнг, хотинлар масжиддан чиқиб кетар эрдилар. Улар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжиддан чиққунларигача уйларига етиб олар эрдилар».

**156-боб. Имом (намоз тугаб, салом бергач) бирор зарур нарсани эслаб намозхонларни тарк этиши мумкинми?**

445 . عَنْ عُقْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : صَلَّىتُ وَرَاءَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْمَدِينَةِ الْعَصْرَ ، فَسَلَّمْتُ ثُمَّ قَامَ مُسْرِعًا يَتَخَطَّى رِقَابَ النَّاسِ إِلَى بَعْضِ حُجَرِ نِسَائِهِ ، فَفَزِعَ النَّاسُ مِنْ سُرْعَتِهِ ، فَخَرَجَ عَلَيْهِمْ ، فَرَأَى أَنَّهُمْ عَجِبُوا مِنْ سُرْعَتِهِ ، فَقَالَ : ( ذَكَرْتُ شَيْئًا مِنْ تَبَرِّ عِنْدَنَا فَكْرَهْتُ أَنْ يَحْسِنِي ، فَأَمَرْتُ بِقِسْمَتِهِ ) .

*Уқба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Мадинада Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга намозда имомлик қилдилар. Намоз тугаб, салом берганларидан сўнг, одамларни оралаб ўтиб, хотинларидан бирининг ҳужрасига кириб кетдилар. Жаноб Расулulloҳнинг шошиб туриб кетганлари одамларни хавотирга солди. Бир оздан кейин ул зот ҳужрадан чиқиб келдилар ва шошиб туриб кетганларининг боисини айтдилар: «Бизда бир оз тилла бор эрди, шу ёдимга тушиб қолди. Фикримни чалғитмасин, деб одамларга улашиб бермоқни буюрдим».

**157-боб. Чап ёким ўнг томони бирлаи намозхонларга ўгирилиб қарамоқ**

Анас разияллоҳу анҳу ўнг томонлари бирлан ҳам, чап томонлари бирлан ҳам номозхонларга ўгирилиб қарайверар эрдилар. Фақат бир томони бирлан ўгирилиб қарайдиганларни қоралар эрдилар.

446 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : لَا يَجْعَلُ أَحَدُكُمْ لِلشَّيْطَانِ شَيْئًا مِنْ صَلَاتِهِ ، يَرَى أَنَّ حَقًّا عَلَيْهِ أَنْ لَا يَنْصَرِفَ إِلَّا عَنْ يَمِينِهِ ، لَقَدْ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَثِيرًا يَنْصَرِفُ عَنْ يَسَارِهِ .

*Асвад разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Ҳеч қайсингиз ўзингизча, фақат ўнг томон бирлан ўгирилмоқ лозим, деб айтиб, шайтонга намозингиздан насиба улашмангиз! Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чап томонлари бирлан ҳам ўгирилганларини кўп кўрганман»,— дейдилар».

**158-боб. Хом саримсоқ, хонаки ва ёввойи пиёз ейиш тўғрисида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Кимки очиликданми ёким бошқа сабабданми, саримсоқ ва хом пиёз еган эрса, бизнинг масжидимизга келмасин!» — деганлари тўғрисида**

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар уруши кетаётган кунлардан бирида: «Кимки мана бу кўкатдан, яъни саримсоқдан еган эрса, бизнинг намозгоҳимизга яқинлашмасин!» — деб айтганлар».

447 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ أَكَلَ مِنْ هَذِهِ الشَّجَرَةِ - يَرِيدُ الثُّومَ - فَلَا يَغْشَانَا فِي مَسَاجِدِنَا ) .

قال الراوي: قلت لجابر: ما يعني به؟ فقال: ما أراه يعني إلا نبيته، وقيل: إلا ننته.

*Жобир ибн Абдуллоҳ нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки мана бу кўкатдан еган эрса (саримсоқни кўрсатдилар), бизнинг масжидларимизга келмасин!»—деб айтганлар. Ато разияллоҳу анҳу: «Жаноб Расулulloҳ хом саримсоқни айтдиларми ёким пишганиними?»— деб мендан сўрадилар. «Назаримда, фақатгина хомини айтдилар»,— деб жавоб бердим».

448 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَنْ أَكَلَ ثُومًا أَوْ بَصَلًا فَلْيَعْتَزِلْنَا ) .  
أَوْ ( فَلْيَعْتَزِلْ مَسْجِدَنَا ، وَلْيَقْعُدْ فِي بَيْتِهِ ) . وَأَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى بِقِدْرِ فِيهِ خَضِرَاتٌ مِنْ بُقُولٍ ، فَوَجَدَ لَهَا رِيحًا فَسَأَلَ ، فَأَخْبَرَ بِمَا فِيهَا مِنَ الْبُقُولِ فَقَالَ : ( قَرِّبُوهَا ) . إِلَى بَعْضِ أَصْحَابِهِ كَانَ مَعَهُ ، فَلَمَّا رَأَاهُ أَكَلَهَا قَالَ : ( كُلْ فَإِنِّي أَنَاجِي مَنْ لَا تُنَاجِي ) .

وَفِي رِوَايَةٍ أُتِيَ بِبَدْرٍ ، يُعْنِي طَبَقًا فِيهِ خَضِرَاتٌ .

*Ато разияллоҳу анҳу Жобир ибн Абдуллоҳдап эшитганларини Ибн Шихобга бундай деб ривоят қилган эрканлар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки саримсоқ ёким пиёз егайдир, биздан ҳам, масжидимиздан ҳам нарироқ юрсин, уйда ўтирсин!» — дейдилар. Бир пайт Жаноб Расулulloҳга кўкатлардан тайёрланган таом келтирилди. Унда қанақадир ҳид борлигини сезиб, нималардан тайёрланганлигини сўрадилар. Унинг ичидаги бор кўкатларни бирма-бир айтиб беришди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ саҳобаларни овқатга таклиф қилдилар, лекин улар ул кишининг ўзлари емаганлари учун тортинишди. Шунда Расулulloҳ: «Сизлар еяверингиз, менга бўлмайдир, чунким мен фаришталар бирлан сўзлашурмен, улар бу ҳидни ёмон кўришгайдир»,— дедилар».

*Абдулазиз ривоят қиладилар:* «Бир киши: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саримсоқ тўғрисида не деганлар?»—деб Анасдан сўради. Анас: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки мана бу кўкатни (саримсоқни) егайдир, бизга яқинлашмасин ва биз бирлан бирга намоз ўқимасин!» деб айтганлар»,— деди.

### 159-боб. Қачон болаларга ғул ва таҳорат вожиб бўладир? Қачон улар жамоат йиғинлари, ҳайитлар ва жанозаларда қатнашадирлар, катталар сафида туриб намоз ўқийдилар?

*Шаъбий қуйидаги ҳадисни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ташландиқ боланинг қабрига бориб жаноза ўқиган кишидан эшитибдир:* «Жаноб Расулulloҳ жанозада имомлик қилдилар. Одамлар Жаноб Расулulloҳга иқтидо қилишди (ёш болалар ҳам қатнашишди). Сулаймон мендан: «Бу ҳадисни ким айтиб берган эрди?»—деб сўради. Мен: «Ибн Аббос»,— дедим»,

450 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الْغُسْلُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُحْتَلِمٍ ) .

*Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жумъа кўни ғул қилмоқлик ҳар бир балоғатга етган инсонга вожибдир»,— деганлар».

451 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : قَالَ لَهُ رَجُلٌ : شَهِدْتَ الْخُرُوجَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ قَالَ نَعَمْ وَلَوْ لَا مَكَانِي مِنْهُ مَا شَهِدْتُهُ ، يَعْنِي مِنْ صِغَرِهِ ، أَتَى الْعَلَمَ الَّذِي عِنْدَ دَارِ كَثِيرِ بْنِ الصَّلْتِ ، ثُمَّ خَطَبَ ، ثُمَّ أَتَى النِّسَاءَ فَوَعظَهُنَّ ، وَذَكَرَهُنَّ ، وَأَمَرَهُنَّ أَنْ يَتَّصِفْنَ ، فَجَعَلَتِ الْمَرْأَةُ نُهْوِي بِيَدِهَا إِلَى حَلْقِهَا ، ثُمَّ أَتَى هُوَ



وَبَلَدِ الْبَيْتِ .

*Ибн Аббос ривоят қиладирлар:* «Холам Маймунаникида бир кеча тунаб қолдим. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳам уйқуга ётдилар. Кечанинг бир қисми ўтгач, Жаноб Расулulloҳ туриб деворга осифлиқ мешчани олдилар, сўнг енгил-елпи таҳорат олиб намоз ўқий бошладилар. Мен ҳам ул киши, сингари таҳорат олиб, чап томонларига келиб турган эрдим, ўнг томонларига ўтказиб қўйдилар. Сўнг, Оллоҳ хоҳлаганча намоз ўқидилар, кейин ёнбошладилар, ҳатто пишиллаганлари ҳам эшитилди. Бир оздан кейин муаззин келиб намозга чақирди. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қайта таҳорат олмай муаззин бирлан бирга намозга чиқиб кетдилар. Суфён разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг кўзлари ухлайди-ю, қалблари ухламайди»,— дейди. Амр: «Пайғамбарларнинг кўрган тушлари Оллоҳнинг уларга юборган ваҳийидир»,— деб, «Мен тушимда кўрсам, сени Оллоҳ йўлида қурбон қилаётган эрканман» деган ояти каримани ўқиди».

*Анас ибн Молик нақл қиладирлар:* «Катта бувим Мулайка таом тайёрлаб, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламни меҳмонга чақирдилар. Расулulloҳ таомни еб бўлгач: «Турингиз, бирга намоз ўқиймиз»,— дедилар. Мен туриб, эскилигидан қорайиб кетган бўйрамизга сув сепдим, сўнг Расулulloҳ намозни бошладилар. Мен бирлан бир етим бола орқаларида сафга турдик, бувим бўлсалар, бизнинг орқамизда турдилар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам 2 рақъат намоз ўқидилар».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Бир урғочи эшак миниб Минога келдим. Балоғатга етиб қолган эрдим. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Минода сутрасиз (қибла томонни тўсмай) одамлар бирлан намоз ўқийётган эрканлар. Баъзи бир сафларни оралаб ўтдимда, эшакдан тушиб, уни ўтлагани қўйиб юбордим, кейин сафга келиб турдим. Бу қилмишим учун менга ҳеч ким танбеҳ бермади».

*Оиша онамиз ривоят қиладирлар:* «Бир куни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам хуфтонга кеч қолдилар, ҳатто Ҳазрат Умар: «Ёш болалар, хотинлар ухлаб қолдилар»,— деб овоз қилдилар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам чиқиб: «Дарҳақиқат, Ер юзидаги аҳолининг бирортаси ҳам ҳозир хуфтон ўқийётгани йўқ»,— дедилар. Уша кунларда Мадина аҳлидан бошқа ҳеч ким намоз ўқимас эрди».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Менга бир киши: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ҳайит намозида қатнашганмисиз?»,— деди. Мен: «Ҳа, қатнашганман, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга яқинлигим бўлмаганда, ёшим қичиклиги сабабли қатнаша олмаган бўлар эрдим»,— дедим-да, куйидагиларни ҳикоя қилиб бердим: «Жаноб Расулulloҳ Кусайр ибн Салт ҳовлиси ёнида менга туғни тутқиздилар, сўнг аввал эркакларга, кейин аёлларга ваъз айтдилар, охиратни эслатиб, садақа қилмоққа буюрдилар. Аёллар узук ва сирғаларини олиб Билоннинг этагига ташлай бошладилар. Шундан кейин, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам, Абдуллоҳ ва Билол уйларига кетдилар».

### **160-боб. Аёлларнинг кечаси ва ғира-ширада масжидларга чиқмоқлари**

*Оиша онамиз ривоят қиладирлар:* «Бир куни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам хуфтон намозига кеч қолдилар, ҳатто Ҳазрат Умар: «Хотинлар ва болалар ухлаб қолдилар»,— деб овоз қилдилар. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам чиқиб: «Ер юзида сиздан бўлак бирор киши бу намозни ўқийман, деб тургани йўқ»,— дедилар. Ўша кунларда Мадинадан бошқа жойда намоз ўқилмас эрди.

Мадина аҳли хуфтон намозини Қуёш ботаётгандаги шафақнинг йўқолишидан бошлаб, то туннинг 3/1 бўлаги тугагунча бўлган вақт ичида ўқир эрди».

452 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا اسْتَأْذَنْكُمْ نِسَاؤُكُمْ بِاللَّيْلِ إِلَى الْمَسْجِدِ فَأَذِّنُوا لَهُنَّ ) .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар хотинларингиз кечаси намоз ўқимоқ учун масжидга чиқмоққа ижозат сўрасалар, ижозат берингиз»,— деганлар».

*Ҳинд бинти ал-Ҳарсга Умму Салама қуйидаги ҳадисни айтиб берган эрканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида аёллар фарз намозини ўқиб бўлиб, салом беришгач, ўринларидан туриб уйларига кетишар эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан эркаклар эрса, аёллар кетиб олсин, деб бирмунча вақт кутиб туришар эрди».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқир эрдилар, намоздан сўнг хотинлар чимматларига ўралиб ғира-ширада уйларига қайтишар эрди, қоронғида уларни ҳеч ким танимас эрди».

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатоданинг оталари ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен, чўзиброқ намоз ўқийман, деганимда гўдакларнинг йиғисини эшитиб, онасига оғир тушмасин, дегайман-да, намозни енгиллатгайман»,— деганлар».

*Оиша онамиз:* «Агар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаёт бўлиб, аёлларда пайдо бўлган ушбу зебу зийнатларни кўрганларида эрди, Баний Исроил каби уларнинг масжидларга бормакларини албатта манъ қилган бўлур эрдилар»,— деган эрканлар.

Яҳё шу ҳақда гапира туриб, «Баний Исроил хотин-қизларининг масжидларга бориши манъ қилинган эрдими?»—деб сўрабди Умрадан. Шунда Умра: «Ҳа»,— деган эркан.

### **161-боб. Аёлларнинг эркаклар орқасида сафга турмоғи**

*Умму Салама қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб бўлиб салом берганларида аёллар ўринларидан туриб уйларига кетишар эрди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари эрсалар, ўринларидан турмай бир оз ўлтирар эрдилар. Зухрий бу ҳақда: «Ул зот, эркаклардан аввал хотинлар уйларига етиб олсинлар, деб шундай қилган бўлсалар керак, яна Оллоҳ билгайдир»,— дейдилар. *Анас разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Сулаймникида намоз ўқидилар. Мен ва бир етим бола Расулulloҳнинг орқаларида иқтидо қилиб сафга турдик, Умму Сулайм эрса, бизнинг орқамизда турдилар».

### **162-боб. Аёллар бомдод намозидан кейин уйларига қайтмоғлари ҳамда масжидда камроқ ушланиб турмоғлари лозим**

*Оиша онамиз:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб бўлганларидан кейин аёллар уйларига қайтишар эрди. Ғира-ширада уларни ҳеч ким танимас эрди»,— дейдилар.

### **163-боб. Аёл кишининг масжидга чиқмоқ учун эридан ижозат сўрамоғи**

*Солим ибн Абдуллоҳнинг оталари Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангизнинг хотинингиз масжидга чиқмоққа ижозат сўрагайдир, рухсат берингиз»,— деганлар».

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ ЖУМЪА КИТОБИ

### 1-БОБ. Жумъанинг фарз эканлиги

Оллоҳ таоло: «Агар жумъа куни жумъа намозига азон айтиб чақирилғайдир, олди-сотдини қўйиб, Оллоҳни зикр этмоққа шошилигиз. Агар билсангиз, Оллоҳни зикр этмоққа шошилмоқ сизлар учун хайрлидир!»—дейдир.

453 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ :  
( نَحْنُ الْآخِرُونَ السَّابِقُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ، يَبْدَأَنَّهُمْ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلَنَا ، ثُمَّ هَذَا يَوْمُهُمُ الَّذِي فَرَضَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ ، فَاخْتَلَفُوا فِيهِ فَهَدَانَا اللَّهُ لَهُ ، فَالْتَّاسُ لَنَا فِيهِ تَبِعٌ ، الْيَهُودُ غَدًا ، وَالنَّصَارَى بَعْدَ غَدِ ) .

*Абу Ҳурайра:* «Бу хусусда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар»,— дедилар: «Биз бу дунёда энг охиргилармиз, қиёмат кунида эрса, ҳурмат-эҳтиром жиҳатдан энг биринчилармиз. Аммо, Аҳли китобларга биздан аввал китоб нозил қилинган ҳамда уларга шу жумъа куни ҳафталик байрам сифатида фарз қилинган эрди. Аммо, улар жумъа кунини байрам қилмоқ тўғрисида келиша олмадилар. Бу кунни байрам қилмоқни Оллоҳ бизга муяссар этди. Барча биздан кейин байрам қилғайдир, яҳудийлар эртага, насоролар эрса, индинга байрам қилишғайдир».

### 2-БОБ. Жумъа куни ғул қилмоқнинг афзаллиги; балоғатга етмаган болаларнинг ёким аёлларнинг жумъага қатнашмоқлари лозимми?

*Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бирингиз бўлмангиз, жумъага келсангиз, ғул қилиб келингиз!»— деганлар».

*Ибн Умар нақл қиладилар:* «Умар ибн ал-Хаттоб жумъа куни минбарда тикка туриб хутба айтаётган эрдилар, ногаҳон Расулulloҳнинг саҳобаларидан бир киши (масжидга) кириб келди. Шунда Ҳазрат Умар баланд овоз бирлан: «Ҳозир қай вақт бўлди? (нечун кеч қолдинг?)» — дедилар. «Мен бир иш бирлан банд эрдим, уйимга ҳам боролганим йўқ, азонни эшитдим, таҳорат олиб югурдим»,— деди бояги киши. «Ғул қилмасдан таҳорат қилганини қарангиз! Ваҳоланки, сен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жумъага ғул қилиб келмоқни буюрганларини билурсен»,— дедилар Ҳазрат Умар».

454 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَشْهَدُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :  
( الْغُسْلُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُحْتَلِمٍ ، وَأَنْ يَسْتَنَّ ، وَأَنْ يَمَسَّ طَبِيبًا إِنْ وَجَدَ ) .

*Абу Саъид ал-Худрий:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жумъа куни ғул қилмоқ ҳар бир балоғатга етган инсон учун вожибдур!» — деганлар», — дейдилар.

### 3-БОБ. Жумъага хушбўй нарсалар сепиб бормоқ

*Абу Саъид ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жумъа куни ғул қилмоқ, шунингдек тиш тозаламоқ ва топилса, хушбўй нарсалар сепмоқ ҳар бир балоғатга етган одам учун вожибдир!» — деганлар. «Ғул қилмоқ — вожиб эканлигига гувоҳман, лекин тиш тозаламоқ ва хушбўй нарсалар сепмоқ вожибдир ё йўқмидир, бунини Оллоҳ билғайдир. Ҳадисда эрса, вожиб деб айтилган»,— дейдилар Амр разияллоҳу анҳу».

#### 4-боб. Жумъанинг афзалликлари

455 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :

( مَنْ اغْتَسَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ غُسْلَ الْجَنَابَةِ ثُمَّ رَاحَ ، فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَدَنَهُ ، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الثَّانِيَةِ ، فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَقَرَةً ، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الثَّلَاثَةِ ، فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ كَبْشًا أَقْرَنَ ، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الرَّابِعَةِ ، فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ دَجَاحَةً ، وَمَنْ رَاحَ فِي السَّاعَةِ الْخَامِسَةِ ، فَكَأَنَّمَا قَرَّبَ بَيْضَةً ، فَإِذَا خَرَجَ الْإِمَامُ حَضَرَتِ الْمَلَائِكَةُ يَسْتَمِعُونَ الذِّكْرَ ) .

*Абу Ҳурайра: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар»,— дейдилар: «Кимки, жумъа куни наҳс бўлганида ғул қилганидек ғул қилиб масжидга биринчи бўлиб борғайдир, гўёким бир туя қурбонлик қилгандек савоб олғайдир ва кимки иккинчи бўлиб борғайдир, гўёким бир сигир сўйиб қурбонлик қилгандек савоб олғайдир ва кимки учинчи бўлиб борғайдир, бир қўй сўйиб қурбонлик қилгандек савоб олғайдир ва кимки тўртинчи бўлиб борғайдир, бир товуқ садақа қилгандек савоб олғайдир ва кимки бешинчи бўлиб борғайдир, бир тухум садақа қилгандек савоб олғайдир. Имом хутба айтгани чиқса, малоикалар ҳам хутба эшитмоқ учун ҳозир бўлишгайдир, аммо малоикалар бундан кейин келгайлар учун савоб дафтарларини ёпиб қўйгайдирлар».*

#### 5-боб.

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу жумъа куни хутба айтиб турган эрдилар, масжидга бир киши кириб келди. Шунда Умар унга: «Нега намозга кеч қолдингиз?»—дедилар. Ул киши: «Азонни эшитдим-у, таҳорат олиб келавардим»,— деди. Умар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ҳар бирингиз жумъага ғул қилиб борингиз!» деганларини эшитмаганмисиз?» — дедилар».*

#### 6-боб. Жумъага гул ёғи суртиб бормоқ

456 . عَنْ سَلْمَانَ الْفَارِسِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :

( لَا يَغْتَسِلُ رَجُلٌ يَوْمَ الْجُمُعَةِ ، وَيَتَطَهَّرُ مَا اسْتَطَاعَ مِنْ طَهْرٍ ، وَيَدَّهِنُ مِنْ دُهْنِهِ أَوْ يَمَسُّ مِنْ طِيبِ بَيْتِهِ ، ثُمَّ يَخْرُجُ فَلَا يُفَرِّقُ بَيْنَ اثْنَيْنِ ، ثُمَّ يُصَلِّي مَا كَتَبَ لَهُ ، ثُمَّ يُنْصِتُ إِذَا تَكَلَّمَ الْإِمَامُ ، إِلَّا غُفِرَ لَهُ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْجُمُعَةِ الْأُخْرَى ) .

*Салмон ал-Форсий нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кишиким жумъа куни ғул қилиб, қўлдан келганча покланиб, хушбўй ёғлар бирлан соч-соқолларини мойлаб ёким уйда бор бўлган хушбўй нарсалардан ўзига сепиб, сўнг масжидга келса ва икки киши орасидан уларга озор бермай ўтиб, Оллоҳ таоло насиб қилганча намоз ўқиса, имом гапирганда жим туриб қулоқ, солса, ўша жумъа бирлан ўтган жумъа ўртасидаги гуноҳларининг ҳаммаси кечирилгайдир»,— деганлар».*

457 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ قِيلَ لَهُ : ذَكَرُوا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :

( اغْتَسِلُوا يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَأَغْسِلُوا رُؤُوسَكُمْ وَإِنْ لَمْ تَكُونُوا جُنُبًا ، وَأَصِيبُوا مِنَ الطَّيِّبِ ) . قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ : أَمَّا الْغُسْلُ فَتَعَمُّ ، وَأَمَّا الطَّيِّبُ فَلَا أُدْرِي .

*Товус разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жумъа куни наҳс бўлмасангиз ҳам ғул қилингиз ва бошларингизни ювингиз, ўзингизга хушбўй нарсалар сепингиз! деганлар»,— дейишади, шунга сиз не дерсиз? дёб Ибн Аббосга айтдим. Ибн Аббос: «Ҳа, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғул ҳақида шундоқ деб айтганлар, аммо хушбўй нарсалар тўғрисида нелар*

деганларини билмасмен»,— деди».

«Ибн Аббос Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг жумъа куни ғул қилмоқ тўғрисида айтган гапларини сўзлаб берди. Шунда мен: Хушбўй нарсалар сепадирми ёким бор бўлса, хушбўй ёғлар суртадирми? деб Ибн Аббосдан сўрадим»,— дейдилар Товус разияллоҳу анҳу, Ибн Аббос: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам қайсинисини назарда тутганларини аниқ билмасмен»,— дебди.

### 7-боб. Жумъа намозига энг яхши кийимларни кийиб бормоқ

458 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ رَأَى حُلَّةً سَبْرَاءَ عِنْدَ بَابِ الْمَسْجِدِ ، فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، لَوْ اشْتَرَيْتَ هَذِهِ فَلَبِستَهَا يَوْمَ الْجُمُعَةِ ، وَلِلْوَفْدِ إِذَا قَدِمُوا عَلَيْكَ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنَّمَا يَلْبَسُ هَذِهِ مَنْ لَا خَلَاقَ لَهُ فِي الْآخِرَةِ ) . ثُمَّ جَاءَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْهَا حُلَّةٌ ، فَأَعْطَى عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ مِنْهَا حُلَّةً ، فَقَالَ عُمَرُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ كَسَوْتِنِيهَا ، وَقَدْ قُلْتَ فِي حُلَّةِ عَطَّارِدٍ مَا قُلْتَ ؟ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنِّي لَمْ أَكْسُهَا لِتَلْبِسَهَا ) . فَكَسَاهَا عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ أَحَا لَهُ بِمَكَّةَ مُشْرِكًا .

*Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу масжид эшиги олдида ипак матодан тикилган чопон сотишаётганини кўриб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулulloҳ, шу чопонни сотиб олсангиз, жумъа куни ва меҳмонлар келганда кияр эрдингиз»,— дедилар. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу чопонни охиратдан умидини узган одам кийгайдир»,— дедилар. Кейинчалик, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга ўша ипак чопондан бир нечасини ҳадя қилиб юборишди. Шунда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам чопонлардан бирини Ҳазрат Умарга бердилар. Ҳазрат Умар: «Ё Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам, ипак чопонни менга кийдирдингиз, ваҳоланки бу тўғрида бошқа нарса деган эрдингиз?!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сенга чопонни ўзинг кийгил, деб берганим йўқ»,— дедилар. Умар ибн ал-Хаттоб чопонни Маккадаги мушрик (Оллоҳга ширк келтирган) укаларига кийдириб юбордилар».

### 8-боб. Жумъа куні мисвок бирлан тиш тозаламоқ

*Абу Саъид ал-Худрий:* «Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам тишларини мисвок бирлан тозалар эрдилар»,— дейдилар.

459 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَوْلَا أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمَّتِي ، أَوْ عَلَى النَّاسِ ، لَأَمَرْتُهُمْ بِالسَّوَاكِ مَعَ كُلِّ صَلَاةٍ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматимга қийин қилиб қўйгаймен демаганимда, ҳар бир намоз ўқишдан олдин мисвок бирлан тиш тозаламоқни буюрар эрдим»,— деганлар».

460 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَكْثَرْتُ عَلَيْكُمْ فِي السَّوَاكِ ) .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларга мисвок бирлан тиш тозаламоқ тўғрисида жуда ҳам кўп айтдим»,— деганлар».

*Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам кечаси ташаҳҳудга турганларида огизларини мисвок бирлан тозалар эрдилар».

### 9-боб. Бировнинг мисвоки бирлан тиш тозалаган киши

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Абдурраҳмон ибн Абу Бакр қўлида мисвок бирлан ҳужрамга кириб келди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қарадилар. Мен Абдурраҳмонга: «Шу мисвокни менга беринг», — дедим. Менга бердилар. Мисвокнинг ишлатилган қисмини синдириб ташладим, сўнг учини тишлаб юмшатдим-да, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бердим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бетоб бўлиб ётгандилар) кўкрагимга суяниб туриб, тишларини тозаладилар».

### 10-боб. Жумъа куни бомдодда ўқиладиган зам сура

461. عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ فِي الْجُمُعَةِ فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ ﴿آلَمَ﴾ تَنْزِيلُ ﴿السَّجْدَةِ﴾ وَ ﴿هَلْ أَتَى عَلَى الْإِنْسَانِ﴾ .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа куни бомдод намозининг биринчи ракъатида «Алиф, лом, мим танзил» сурасини, иккинчи ракъатида эрса, «Ҳал ато ала-л-инсон» сурасини ўқир эрдилар».

### 11-боб. Қишлоқ ва шаҳарларда жумъа ўқимоқ

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида ўқилган жумъадан кейинги биринчи жумъа Баҳрайн қишлоқларидан биридаги Абд ул-Қайс масжидида ўқилди».

462. عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( كَلُّكُمْ رَاعٍ ، وَكَلُّكُمْ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ ، الْإِمَامُ رَاعٍ وَمَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ ، وَالرَّجُلُ رَاعٍ فِي أَهْلِهِ وَمَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ ، وَالْمَرْأَةُ رَاعِيَةٌ فِي بَيْتِ زَوْجِهَا وَمَسْئُولَةٌ عَنْ رَعِيَّتِهَا ، وَالخَادِمُ رَاعٍ فِي مَالِ سَيِّدِهِ وَمَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ ، قَالَ : وَحَسِبْتُ أَنْ قَدْ قَالَ : ( وَالرَّجُلُ رَاعٍ فِي مَالِ أَبِيهِ وَمَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ ، وَكَلُّكُمْ رَاعٍ وَمَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ ) .

*Ибн Умар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ҳар бирингиз васийдирсиз» деганларини эшитганман»,— деди. Лайс ибн Саъид эрса: «Менга Юнус бундоқ деганди» деб қуйидагини қўшимча қилдилар: «Бир куни Разийқ ибн Ҳаким Водий ул-Қуроода турганида Ибн Шиҳобга масала сўраб: «Эй Ибн Шиҳоб, қўл остимдагиларни жумъа намозига тўплайнми ёким йўқми?» деб хат ёзди, мен ҳам ўша ерда эрдим. Разийқ ўша вақтларда далада иш бошқарувчи бўлиб, қўл остида суданлик бир жамоа хизматчилар ва бошқалар ишлашар эрди. Разийқ Айла деган шаҳарга амирлик қилиб турган кунлардан бирида Ибн Шиҳоб унга жавоб йўллади. Разийқ хатни ўқиётганида мен эшитиб турган эрдим, унда Ибн Шиҳоб Разийққа қўл остидагиларни жумъага йиғмоқни буюриб, бундай деганди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ҳар бирингиз ўз қўл остингиздагиларга васий ва масъулдирсизлар. Имом ўз қўл остидагиларга васий ва масъулдир. Эркаклар ўз оила аъзоларига васий ва масъулдирлар, аёллар ўз эрининг ўйидаги бор нарсаларга масъулдир. Хизматкор ўз хўжайинининг молига масъул бўлиб, уларни эҳтиётламоғи лозим» деганларини Абдуллоҳ ибн Умардан эшитганман». Назаримда, Ибн Шиҳоб: «Бола ўз отасининг молига масъул бўлиб, уни эҳтиётламоғи лозим, ҳар бирингиз ўз қўл остингиздагиларга васий ва масъулдирсизлар» деб ҳам ёзганди шекилли».

### 12-боб. Жумъада қатнашмайдирган аёллар, болалар ва бошқаларга жумъа куни гусл лозимми ёки йўқми?

*Ибн Умар:* «Жумъа куни гусл қилмоқлик жумъа ўқиши фарз бўлган кишиларгагина лозимдир,— дейдилар.

*Солим ибн Абдуллоҳнинг оталари — Абдуллоҳ ибн Умар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки жумъага келса, ғусл қилиб келсин!» деб айтганлар»,— дейдилар.

*Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жумъа куни ғусл қилмоқ ҳар бир балоғатга етган инсонга лозимдир!» деб айтганлар»,— дейдилар.

463 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( نَحْنُ الْآخِرُونَ السَّابِقُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ، أَوْثُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِنَا ، وَأَوْتَيْنَاهُ مِنْ بَعْدِهِمْ ، فَهَذَا الْيَوْمُ الَّذِي اخْتَلَفُوا فِيهِ فَهَدَانَا اللَّهُ ، فَعَدَا لِلْيَهُودِ وَبَعْدَ غَدٍ لِلنَّصَارَى ) . فَسَكَتَ . ثُمَّ قَالَ : حَقٌّ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ ، أَنْ يَغْتَسِلَ فِي كُلِّ سَبْعَةِ أَيَّامٍ يَوْمًا ، يَغْسِلُ فِيهِ رَأْسَهُ وَجَسَدَهُ ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз бу дунёда охиргилармиз, Қиёмат куни эрса, иззат-ҳурмат жиҳатидан биринчилардирмиз. Аввал уларга, кейин бизга Китоб нозил бўлди. Улар ўзаро тортишиб жумъа кунини байрам куни деб белгилай олмадилар. Бу кунни байрам қилмоқни Оллоҳ бизга муяссар этди. Яҳудийлар эртага, насоролар эрса, индинга байрам қилишғайдир»,— деб бир оз жим қолдилар, кейин яна: «Ҳар бир мусулмон 7 кунда бир марта бошдан-оёқ ювиниб ғусл қилмоғи лозимдир!» — деб қўшиб қўйдилар».

*Абу Ҳурайра:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ ҳаққи-ҳурмати, ҳар бир мусулмон 7 куннинг бирида ғусл қилмоғи лозимдир!»—деганлар»,— дейдилар.

*Ибн Умар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёлларга кечаси масжидларга бориб намоз ўқишга рухсат берингиз!» деганлар»,— дейдилар.

«Умарнинг бир хотини бор эрди. Бомдод ва хуфтон намозларини масжидда жамрат бирлан ўқир эрди. Унга: «Нега жамоат олдига чиқмайсен? Бу Умарга ёқмаслигини, одамлардан сени рашк қилмоғини билурсен-ку, ахир! — дейишди. Хотин: «Мени бундан қайтармоғи учун не монъелик қилғайдир?»—деди. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳ бандаларининг Оллоҳ масжидларига бормоқларига монъелик қилмангиз!» деган сўзи монъелик қилғайдир»,— дейишди.

### 13-БОБ. Ёмғирли кунда жумъага келмасликка рухсат

*Ибн Аббос ёмғир ёғётган куни муаззинга:* «Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулulloҳ» деганиндан кейин «Ҳаййа алассалот» демоқ ўрнига «Саллуу фи буйутикум» (Уйларингизда ўқингиз) деб айтгин!» — дедилар. Шунда одамларга бу гап ёқмагандек бўлди. Ибн Аббос: «Мендан яхшироқ киши (Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам шундоқ қилганлар. Бугун жумъага келмоқ оғир, мен сизларга қийин бўлмасин, лойу сув кечиб келмангиз, деб шундоқ қилдим»,— дедилар.

### 14-БОБ. Қанчалик узоқ жойдан жумъага келинадир ва кимга (жумъага) келмоқ вожиб?

Оллоҳ таоло: «Жумъа куни жумъага азон айтилғайдир, олди-сотдингизни қўйиб, Оллоҳни зикр этмоққа ошиқингиз!»—дейди. Ато разияллоҳу анҳу: «Агар жумъа намози ўқиладирган қишлоқда бўлсанг-у, жумъа намозига азон айтилса, азонни эшитсанг ҳам, эшитмасанг ҳам жумъага келмоғинг лозим ва фарздир!»—дейдилар. Анас разияллоҳу анҳу жумъани гоҳо ўз қасрида, гоҳо масжидда ўқир эрди. Қасри Басрадан 2 фарсах (тахм. 15—16 км) нарида эрди.

464 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ النَّاسُ يَنْتَابُونَ الْجُمُعَةَ مِنْ مَنَازِلِهِمْ وَالْعَوَالِي ، فَيَأْتُونَ فِي الْعُبَارِ فَيَصِيبُهُمْ

الْعُبَارُ وَالْعَرَقُ فَيَخْرُجُ مِنْهُمْ الْعَرَقُ ، فَأَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنْسَانٌ مِنْهُمْ وَهُوَ عِنْدِي ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَوْ أَنَّكُمْ تَطَهَّرْتُمْ لَيَوْمِكُمْ هَذَا ) .

وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ النَّاسُ مَهَنَةً أَنْفُسِهِمْ ، وَكَانُوا إِذَا رَاحُوا إِلَى الْجُمُعَةِ رَاحُوا فِي هَيْئَتِهِمْ ، فَقِيلَ لَهُمْ : ( لَوْ اغْتَسَلْتُمْ ) .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Одамлар навбати бирлан узоқ қишлоқлардан, шаҳар чеккаларидан чангу тупроққа ботиб, терлаб-пишиб жумъага келишар эрди. Бир куни бир киши Расулulloҳни меникида эканликларидан кўргани келди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қани энди, мана шу кунингизни (жумъани) деб яхшироқ поклансангиз!» —дедилар».

### 15-боб. Қуёш қиёмдан оққанда жумъа вақти бошланадир

*Яҳё ибн Саъид ривоят қиладилар:* «Амра деган аёлдан жумъа куни ғул қилмоқ ҳақида сўраганимда, ул Оиша онамизнинг шу хусусда айтиб берган сўзларини айтди: «Меҳнатқаш одамлар кун қиёмдан оққач, ўша аҳволда жумъага келаверар эрдилар. Шунда уларга, ғул қилиб келсангиз эрди, тер ҳиди кўтарилиб кетар эрди, дейиларди».

465 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي الْجُمُعَةَ حِينَ تَمِيلُ الشَّمْسُ .

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа намозини қуёш қиёмдан оққан пайтда ўқир эрдилар».

Анас разияллоҳу анҳу: «Жумъа намозини эртароқ ўқиб, кейин бир оз ухлаб олар эрдик»,— дейдилар.

### 16-боб. Жумъа куни кун қаттиқ исиб кетса...

466 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اشْتَدَّ الْبَرْدُ بَكَرَ بِالصَّلَاةِ ، وَإِذَا اشْتَدَّ الْحَرُّ أَبْرَدَ بِالصَّلَاةِ ، يَعْنِي الْجُمُعَةَ .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам совуқ кунлари жумъа намозини эртароқ, кун қаттиқ исиб кетганда эрса, кечроқ ўқир эрдилар».

*Абу Хулда:* «Амиримиз биз бирлан жумъа ўқидилар»,— деди, сўнг Анасдан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешинни нечук ўқир эрдилар?» — деб сўради (Байҳақий: «Қишда .эртароқ, ёзда эрса, кечроқ ўқир эрдилар»,— дейдилар).

### 17-боб. Жумъа намозига (пиёда) бормоқ; Оллоҳ таолонинг «Жумъа намозига азон айтилса, Оллоҳни зикр этмакка шошилингиз!» деган ояти каримаси; «шошилингиз» деган сўз «жумъага тезроқ тайёргарлик кўриб, масжидга ошиқмай боришни англатадир» деган кишилар ҳақида

Ибн Аббос: «Жумъага азон айтилгандан сўнг олди-сотди қилиш манъ (ҳаром) қилинғайдир»,— дейдилар. Ато эрса: «(Умуман) ҳар қандай тирикчилик билан шуғулланмак манъ (ҳаром) қилинғайдир»,— дейдилар. Зухрий разияллоҳу анҳу: «Жумъа куни муаззин азон айтса, мусофир бўлсанг ҳам жумъага бормоғинг лозим»,— дейдилар.

467 . عَنْ أَبِي عَبَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ ، وَهُوَ ذَاهِبٌ إِلَى الْجُمُعَةِ : سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( مَنْ اغْبَرَّتْ قَدَمَاهُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ حَرَّمَهُ اللَّهُ عَلَى النَّارِ ) .

*Абойя ибн Рифоъа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Жумъага кетаётган эрдим. йўлда Абу Абс менга дуч келиб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва



салламнинг «Кимнинг оёғи Оллоҳ йўлида юриб чанг бўлғайдир, Оллоҳ таоло уни дўзах ўтида куйдирмағайдир» деб айтганларини эшитдим»,— деди».

*Абу Ҳурайра ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Намозга такбир айтилса, сафга турмоққа шошилмангиз, тинчгина, осойишталик бирлан келиб турингиз. Намознинг қаерига келишган бўлса, ўша жойидан бошлаб биргалашиб ўқийверингиз, қолганини кейин ўзингиз ўқиб олингиз!»—деганлар».

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатода ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мени кўрмагунингизча сафга турмангиз, тинчликка риоя қилингиз!» — деганлар».

### **18-боб. Жумъа куни намозда сафда турган кишиларнинг орасидан ёриб ўтилмасин!**

*Салмон Форсий нақл қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки жумъа куни ғул қилиб, ўзига хушбўй нарсалар сепаиб, намозга келса ва сафда турганлар орасига қўполлик билан суқилиб кирмаса, насиб этганча намоз ўқиса, имом минбарга чиқиб, хутба айтаётганда жим туриб қулоқ солса, унинг шу жумъа бирлан ўтган жумъа орасидаги гуноҳлари кечирилғайдир»,— деганлар».

### **19-боб. Жумъа куни биродарини турғизиб юбориб, ўрнига ўтириб олинмайди**

468 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُقِيمَ الرَّجُلُ أَخَاهُ مِنْ مَقْعَدِهِ وَيَجْلِسَ فِيهِ ، قِيلَ : الْجُمُعَةُ ؟ قَالَ : الْجُمُعَةُ وَغَيْرَهَا .

*Нофий разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Мен Ибн Журайжга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда биродарини турғизиб юбориб, ўрнига ўтириб олишни қоралабдилар, бунини менга Ибн Умар айтди»,— дедим. Шунда Ибн Журайж: «Жумъа намозидами?» — деди. Мен: «Жумъада ҳам, бошқа намозларда ҳам»,— дедим».

### **20-боб. Жумъа куни азон айтмоқ**

469 . عَنْ السَّائِبِ بْنِ يَزِيدَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّدَاءُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ ، أَوَّلُهُ إِذَا جَلَسَ الْإِمَامُ عَلَى الْمِنْبَرِ ، عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، فَلَمَّا كَانَ عُثْمَانُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَكَثُرَ النَّاسُ زَادَ النَّدَاءُ الثَّلَاثَ عَلَى الزُّورَاءِ .

*Соиб Ибн Язид бундай дейди:* «Жумъа кундаги биринчи азон, Расулulloҳ, Абу Бакр ва Умарнинг даврларида, имом минбарга бориб ўтирганда айтилган. Усмон халифалик қилган даврларида Мадинаи Мунавварада одам кўпайиб, Завроъ (масжид ёнидаги жой)да учинчи азон айтиладиган бўлди».

### **21-боб. Жумъа куни бир киши муаззинлик қилади**

470 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي رِوَايَةٍ قَالَ : لَمْ يَكُنْ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُؤَدِّنٌ غَيْرُ وَاحِدٍ ، وَكَانَ التَّأْدِينُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ حِينَ يَجْلِسُ الْإِمَامُ عَلَى الْمِنْبَرِ .

*Соиб ибн Язид:* «Жумъа кундаги учинчи азонни Усмон ибн Аффон жорий қилганлар, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муаззинлари биттадан ортиқ бўлмаган ва жумъа куни азон имом минбарга бориб ўтирганда айтилган»,— дейди.

### **22-боб. Имом азонни эшитса, минбарда ўтириб, сўзларини такрорлаб туради**

471. عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ جَلَسَ عَلَى الْمِنْبَرِ يَوْمَ الْجُمُعَةِ ، فَلَمَّا أَذِنَ الْمُؤَدِّنُ قَالَ : اللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ أَكْبَرُ ، قَالَ مُعَاوِيَةُ : اللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ أَكْبَرُ ، فَقَالَ : أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، فَقَالَ مُعَاوِيَةُ : وَأَنَا ، قَالَ : أَشْهَدُ أَنْ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ ، قَالَ مُعَاوِيَةُ : وَأَنَا ، فَلَمَّا قَضَى أَنْ التَّأْذِينَ قَالَ : يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى هَذَا الْمَجْلِسِ حِينَ أَذِنَ الْمُؤَدِّنُ يَقُولُ مَا سَمِعْتُمْ مِنِّي مِنْ مَقَالَتِي .

*Абу Умома ривоят қиладирлар:* «Муовия ибн Абу Суфённинг минбарда ўтириб азон калималарини қайтариб айтаётганини эшитдим. Муаззин: «Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар»,— деганда, у ҳам: «Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар»,— деди. Муаззин: «Ашҳаду алла илоҳа иллаллоҳ»,— деганда, Муовия: «Мен ҳам гувоҳлик бергаймен»,— деди. Муаззин: «Ашҳаду анна Муҳаммадан расулulloҳ»,— деганда, Муовия: «Мен ҳам гувоҳлик бергаймен»,— деди. Муаззин азонни айтиб бўлгач, Муовия: «Эй одамлар, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муаззин азон айтаётганда мана шу жойда ўтириб ҳозир мен айтган сўзларни айтганларини эшитганман»,— деди».

### 23-боб. Азон айтилаётганда хатибнинг минбарда ўтирмоғи — суннат

*Соиб ибн Язид қуйидагича ривоят қиладирлар:* «Жумъа куни масжидда одам кўпайиб кетганда Усмон разияллоҳу анҳу. иккинчи марта азон чақирмоқни буюрдилар. Жумъа куни азон имом минбарда ўтирганда айтилар эрди».

### 24-боб. Хутба вақтида азон айтмоқ

*Зухрийга Соиб ибн Язид бундай дебдирлар:* «Жумъа кунидаги биринчи азон Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр ва Умар даврларида, имом минбарда ўтирган вақтда айтилар эрди. Усмон разияллоҳу анҳу халифалик қилган вақтга келиб, одам кўпайди. У жумъа куни Завроъ деган жойда учинчи азон айтмоқни буюрди. Шу-шу, бу одат бўлиб қолди».

### 25-боб. Минбарда хутба айтмоқ

*Анас:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга чиқиб хутба айтдилар»,— дейдилар.

472. عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدِ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رِجَالًا ، وَقَدْ امْتَرَوْا فِي الْمِنْبَرِ مِمَّ عَوْدَهُ فَسَأَلُوهُ عَنْ ذَلِكَ ، فَقَالَ : وَاللَّهِ إِنِّي لَأَعْرِفُ مِمَّا هُوَ ، وَلَقَدْ رَأَيْتُهُ أَوَّلَ يَوْمٍ وَضِعَ ، وَأَوَّلَ يَوْمٍ جَلَسَ عَلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْسَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى فُلَانَةَ - امْرَأَةَ قَدْ سَمَّاهَا سَهْلٌ - ( مَرِي غُلَامَكَ النَّجَّارَ أَنْ يَعْمَلَ لِي أَعْوَادًا ، أَجْلِسُ عَلَيْهِنَّ إِذَا كَلَّمْتُ النَّاسَ ) . فَأَمَرْتُهُ فَعَمَلَهَا مِنْ طَرْفَاءِ الْعَابَةِ ثُمَّ جَاءَ بِهَا ، فَأَرْسَلْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَمَرَ بِهَا فَوَضَعَتْ هَاهُنَا ، ثُمَّ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى عَلَيْهَا ، وَكَبَّرَ وَهُوَ عَلَيْهَا ، ثُمَّ رَكَعَ وَهُوَ عَلَيْهَا ، ثُمَّ نَزَلَ الْقَهْقَرَى فَسَجَدَ فِي أَصْلِ الْمِنْبَرِ ثُمَّ عَادَ ، فَلَمَّا فَرَغَ أَقْبَلَ عَلَى النَّاسِ فَقَالَ : ( أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّمَا صَنَعْتُ هَذَا لِتَأْتُمُوا وَلِتَعْلَمُوا صَلَاتِي ) .

*Абу Ҳазм ибн Динор ривоят қиладирлар:* «Бир неча одам минбарнинг нимадан ясалганлиги тўғрисида тортишиб қолдилар, сўнг Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий ҳузурига келиб, шу ҳақда ундан сўрадилар. Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий бундай деди: «Қасамд қилурменким, мен унинг нимадан ясалганини жуда яхши билурман. Уни олиб келиб қўйишган куняинг ўзидаёқ кўрганман, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша куни унга биринчи марта ўтириб кўрганларини ҳам кўрганман. Минбарнинг ясашиш тарихига келсак, Жаноб Расулulloҳ фалончи хотинга одам юбордилар (Саҳл

хотиннинг отини айтган эрди), келгач, унга: «Дурадгор ғуломингга буюрсанг, одамларга гапирганимда устига чиқиб ўтирадиган бир минбар ясаб берса»,— дедилар. Хотин ғуломига буюрди. Ғулом тарфо деган дарахт ёғочидан минбар ясади, хотин уни Расулulloҳга юборди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарни шу ерга қўймакни буюрдилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбар устида намоз ўқиганларини кўрдим. Минбар устида такбири таҳрима айтдилар! сўнг (минбар устида) рукуъ қилдилар, кейин (минбардан) тисарилиб тушиб, ерда сажда қилдилар. Кейин, яна (минбарга) қайтиб чиқдилар. Намоз ўқиб бўлганларидан сўнг одамларга қараб: «Эй одамлар, менинг намоз ўқишимни ўрганиб олингиз ва сизлар ҳам мен каби намоз ўқингиз, деб шундай қилдим»,— дедилар».

473 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ جَذَعٌ يَقُومُ إِلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَمَّا وُضِعَ لَهُ الْمَنِيرُ ، سَمِعْنَا لِلْجَذَعِ مِثْلَ أَصْوَاتِ الْعِشَارِ ، حَتَّى نَزَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَوَضَعَ يَدَهُ عَلَيْهِ .

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Бир хурмо тўнкаси бўлиб, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг устига чиқиб хутба айтар эрдилар. Жаноб Расулulloҳга минбар қўйиб беришгач, тўнка янги туққан туя бўзлагандек йиғлаганини эшитдик, ҳатто Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбардан тушиб, муборак қўлларини унинг устига қўйдилар. Шундан кейингина тўнка жимиб қолди,

Солимнинг оталари Ибн Умар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбар устида туриб: «Ким жумъага келса, ғул қилиб келсин!» — деганларини эшитган эрканлар».

### 26-боб. Тик туриб хутба қилмоқ

*Анас разияллоҳу анҳу:* «Бир вақт қарасам, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тикка туриб хутба қиляптилар»,— деб айтдилар.

474 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ قَائِمًا ، ثُمَّ يَقْعُدُ ثُمَّ يَقُومُ ، كَمَا تَفْعَلُونَ الْآنَ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳозир сиз қилаётганингиздек тик туриб хутба айтар эрдилар, сўнг ўтирар эрдилар, кейин яна турар эрдилар»,— дедилар.

### 27-боб. Имом одамларга қараб хутба айтадир, одамлар эрса, имомга қараб тинглашгайдир

Ибн Умар ва Анас ибн Молик имомга тикилиб турдилар.

*Абу Саъид ал-Худрий:* «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга ўтирдилар, биз эса у кишининг атрофларида ўтириб тингладик»,— дейдилар.

### 28-боб. Хутбада Оллоҳга сано айтгандан сўнг «Аммо баъд» («Андин сўнг эрса») деган киши ҳақида

*Ҳишом разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни Фотимадан эшитган эрканлар, унга Асмо айтиб берган эркан:* «Оиша онамизнинг ҳузурларига кирсам, одамлар намоз ўқишаётган эркан. «Одамларга не бўлди?» — дедим. Оиша онамиз бошлари бирлан осмонга ишора қилдилар. «Бу (охират) аломатими?» — дедим. «Ҳа» дегандек бош қимирлатиб қўйдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни жуда ҳам узоқ ўқидилар, ҳатто менинг кўзим тиниб кетди. Ёнимда мешчада сув бор эрди.

Озини очиб бошимга сув қуя бошладим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб бўлдилар ҳамки, қуёш тутилиши тўхтаб, кун ёришиб кетди. Жаноб Расулulloҳ Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдилар, сўнг «Аммо баъд» («Андин сўнг эрса») деб одамларга хутба қилдилар. (Оллоҳ таолога айтилган ҳамду сано бирлан одамларга айтмоқчи бўлган хутбаларини бир-бирига қўшиб юбормаслик учун «Аммо баъд» дедилар). Шу пайт бир тўда ансорий аёллар ғовур-ғувур қилиб қолишди. Мен уларни тинчитиб, кейин (эшитмай қолганим учун); «Расулulloҳ не дедилар?» — деб Оиша онамиздан сўрадим. Оиша онамиз Расулulloҳнинг ҳамма айтганларини менга қўйидагича гапириб бердилар: «Менга кўрсатилмаган нарса қолмади, ҳатто мана шу жойда туриб жаннатни ҳам, дўзахни ҳам кўрдим. Менга ваҳий қилинди, сизлар қабрда Масиҳ Дажжол фитнаси каби ёки шунга яқин бир синовдан ўтгайсизлар. Олдингизга келиб: «Мана бу кишини (Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни) танийсанми?» — деб сўрагайлар. Сўралгувчи мўмин (шу ерда Ҳишом: «ёким тақводор»,— деб иккилангайдир) бўлса, «Бу киши Расулulloҳ, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Бизга мўжизалар ва ҳидоят йўлини олиб келганлар, биз у кишига ишониб, айтганларини қабул қилганмиз, у кишига эргашганмиз, ҳамма айтганларини тасдиқлаганмиз»,— дейди. Унга: «Роҳатланиб ухлайвер. Биз сенинг мўмин эканлигингни билур эрдик»,— дейишади. Аммо, сўралгувчи мунофиқ (шу ерда Ҳишом: «ёки шубҳаланувчи»,— деб иккилангайдир). бўлса, «Бу кишини танийсанми?»—дейишганда, «Йўқ, билмасман, одамлар бу киши хусусларида нелардир дейишар эрди, мен ҳам ўшалардан эшитганларимни айтар эрдим»,— дейди (Ҳишом: «ўша мунофиққа айтишадирган оғир гапларни Фотима менга айтган эрди, лекин ёдимдан кўтарилибдир»,— дейди)».

475 . عَنْ عَمْرٍو بْنِ تَعْلَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى بِمَالٍ ، أَوْ بِسَبِيٍّ ، فَقَسَمَهُ ، فَأَعْطَى رِجَالًا وَتَرَكَ رِجَالًا ، فَبَلَغَهُ أَنَّ الَّذِينَ تَرَكَ عَتَبُوا ، فَحَمِدَ اللَّهُ ثُمَّ أَتَى عَلَيْهِ ، ثُمَّ قَالَ :  
( أَمَّا بَعْدُ ، فَوَاللَّهِ إِنِّي لَأُعْطِي الرَّجُلَ وَأَدْعُ الرَّجُلَ ، وَالَّذِي أَدْعُ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنَ الَّذِي أُعْطِيَ ، وَلَكِنْ أُعْطِيَ أَقْوَامًا لِمَا أَرَى فِي قُلُوبِهِمْ مِنَ الْجَزَعِ وَالْهَلَعِ ، وَأَكْلُ أَقْوَامًا إِلَى مَا جَعَلَ اللَّهُ فِي قُلُوبِهِمْ مِنَ الْعَنَى وَالْخَيْرِ ، فِيهِمْ عَمْرٌو بْنُ تَعْلَبٍ ) . فَوَاللَّهِ مَا أَحَبُّ أَنْ لِي بِكَلِمَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حُمْرَ النَّعَمِ .

*Амр ибн Тағлиб ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ўлжа моллар ва асирлар келтирилди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлжаларни тақсимладилар. Баъзи кишиларга бердилар, баъзиларига бермадилар. Шунда ўлжа тегмаган кишилар норози бўлаётганини айтишди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамду сано айтиб, сўнг «Аммо баъд» («Андин сўнг эрса») деб қўйдилар-да, «Оллоҳ ҳаққи-ҳурмати, мен баъзи бир кишига ўлжа бергайман, баъзисига эрса, бермагайман. Лекин, ўлжа олмаган киши менга ўлжа олган кишидан кўра маҳбуброқдир. Қалбида қаноатсизлик, мол-дунёга ҳирси борлигини сезган кишимга ўлжа бергайман. Оллоҳ қалбларига кўзи тўқлик ва қаноат жо қилган кишиларни эрса, янада назари тўқ ва қаноатли бўлмоққа ундагайман, Амр ибн Тағлиб ўша сабрлилар тоифасидандир»,— дедилар. Худо ҳаққи, Жаноб Расулulloҳнинг бу гаплари менга ҳар қанча молу дунёдан ортиқ эрди».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни ярим кечада масжидга чиқиб намоз ўқидилар, одамлар ҳам уларга иқтидо қилиб, нафл ўқишди. Тонг отгач, одамлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ярим кечада масжидга чиқиб намоз ўқидилар»,—деб ўзаро гаплашишди. Эртасига кечқурун ундан ҳам кўп одам йиғилиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга намоз ўқидилар. Тонг отгач, яна шу ҳақда ўзаро сўзлашдилар.

Учинчи кечада масжид аҳли жуда ҳам кўпайиб кетди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга чиқиб намоз ўқидилар, одамлар ҳам ўқишди. Тўртинчи кеча Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга чиқмадилар, фақат тонг отганда бомдод намозига чиқдилар. Намозни ўқиб бўлгач, Оллоҳга ҳамду сано айтганларидан сўнг «Аммо баъд» деб сўз бошладилар: «Сизларнинг бу саъйу кушишларингиз, албатта, яхши, бироқ кечаси намоз ўқимоқ фарз бўлиб қолиб, кейин қийналиб қолмангиз, дедим».

476 . عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَامَ عَشِيَّةً بَعْدَ الصَّلَاةِ ، فَتَشَهَّدَ وَأَتَى عَلَى اللَّهِ بِمَا هُوَ أَهْلُهُ ، ثُمَّ قَالَ : ( أَمَّا بَعْدُ ) .

*Абу Ҳумайд ас-Соъидий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан кейин ўринларидан туриб Оллоҳга муносиб ҳамду сано ва таҳлил айтганларидан сўнг, «Аммо баъд» деб сўз бошладилар».

*Мисвар ибн Махрама ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб ҳамду сано айтаётганларида «Аммо баъд» деганларини эшитдим».

477 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : صَعِدَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمِنْبَرَ ، وَكَانَ آخِرَ مَجْلِسِ جَلْسَتِهِ ، مُتَعَطِّفًا مَلْحَفَةً عَلَى مَنْكَبَيْهِ ، قَدْ عَصَبَ رَأْسَهُ بِعَصَابَةِ دَسْمَةٍ ، فَحَمَدَ اللَّهَ وَأَتَى عَلَيْهِ ، ثُمَّ قَالَ : ( أَيُّهَا النَّاسُ إِلَيَّ ) . فَتَأَبَّأُوا إِلَيْهِ ، ثُمَّ قَالَ : أَمَّا بَعْدُ : ( فَإِنَّ هَذَا الْحَيَّ مِنَ الْأَنْصَارِ ، يَقُولُونَ وَيَكْتُمُونَ النَّاسُ ، فَمَنْ وَلِيَ شَيْئًا مِنْ أُمَّةٍ مُحَمَّدٌ ، صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَاسْتَطَاعَ أَنْ يَضُرَّ فِيهِ أَحَدًا ، أَوْ يَنْفَعَهُ فِيهِ أَحَدًا ، فَلْيَقْبَلْ مِنْ مُحْسِنِهِمْ ، وَيَتَجَاوَزْ عَنْ مُسِيئَتِهِمْ ) .

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам энларига изор кийиб, бошларига катта салла ўраб, сўнгги марта минбарга чиқдилар, Оллоҳга ҳамду сано айтганларидан сўнг: «Эй одамлар, менга яқинроқ келингиз!» — дедилар. Одамлар Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига тўпланди. Расулulloҳ «Аммо баъд» деб сўз бошладилар: «Мана бу ансорийлар қабиласи келажакда озайғадир, (бошқа) одамлар эрса, кўпайғусидир. Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам умматига мансуб мансабдор одамнинг бирор кишига зарари ёким фойдаси тегса, яхшилигини қабул қилиб, ёмонлигини афв этсинлар!»

### 29-боб. Жумъа куни имомнинг икки хутба ўртасида ўтириб дам олмоғи

*Абдуллоҳ ибн Умар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (жумъада) икки марта хутба айтар эрдилар. Иккинчи хутбани бошлашдан олдин ўтириб дам олар эрдилар»,— дейдилар.

### 30-боб. Жумъа куни хутба тингламоқ

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганлар»,— дедилар: «Жумъа куни малоикалар масжид эшиги олдида биринчи бўлиб келганларни биринчи деб, иккинчи бўлиб келганларни иккинчи деб ёзиб туришғадир. Жазирама иссиқда биринчи бўлиб келганлар битта туя, иккинчи бўлиб келганлар битта сигир, ундан кейингилари битта қўчқор, ундан кейингилари битта товуқ, ундан ҳам кейингилари эрса, битта тухум садақа қилганчалик савоб олғадир. Сўнг, имом сўзга чиқса, малоикалар дафтарларини ёпиб, унинг суҳбатига қулоқ солишғадир».

### 31-боб. Имом хутба айтиб турганида бир кишининг кириб келганини кўрса, унга икки ракъат намоз ўқимоқни буюради

478 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : جَاءَ رَجُلٌ وَالتَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ النَّاسَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فَقَالَ : ( أَصَلَّيْتَ يَا فُلَانُ ) . قَالَ : لَا ، قَالَ : ( قُمْ فَارْكَعْ ) .

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Жумъа куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга хутба айтиб турган эрдилар, бир киши кириб келди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Эй фалончи, намоз ўқидингми?» — дедилар. У «Йўқ»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Турғил, икки ракъат намоз ўқиғил!»—дедилар».

### 32-боб. Имом хутба айтаётганда келиб, икки ракъат энгил намоз ўқиган киши

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа куни хутба айтиб турганларида бир киши масжидга кириб келди. Расулulloҳ унга: «Намоз ўқидингми?» — дедилар. «Йўқ»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Турғил, икки ракъат ўқиғил!» — дедилар».

### 33-боб. Имомнинг хутба айтаётиб қўлларини кўтариб дуо қилмоғи

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Жумъа куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба айтиб турган эрдилар, бирдан бир киши ўрнидан туриб: «Ё Расулulloҳ, йилқилар ҳалок бўлди, қўйлар ҳалок бўлди. Оллоҳ таолодан бизга ёмғир сўраб берингиз!»— деди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтариб дуо қилдилар».

### 34-боб. Жумъа куни хутбада ёмғир сўрамоқ

479 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَصَابَتِ النَّاسَ سَنَةٌ عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَبَيْنَمَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ فِي يَوْمِ جُمُعَةٍ ، قَامَ أَعْرَابِيٌّ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ هَلَكَ الْمَالُ ، وَجَاعَ الْعِيَالُ ، فَادْعُ اللَّهَ لَنَا ، فَرَفَعَ يَدَيْهِ ، وَمَا نَرَى فِي السَّمَاءِ فَرْعَةً ، فَوَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ مَا وَضَعَهُمَا حَتَّى تَارَ السَّحَابُ أَمْثَالَ الْجِبَالِ ، ثُمَّ لَمْ يَنْزِلْ عَنْ مَنْبَرِهِ حَتَّى رَأَيْتُ الْمَطَرَ يَتَحَادَرُ عَلَى لِحْيَتِهِ ، فَمَطَرْنَا يَوْمَنَا ذَلِكَ ، وَمِنَ الْعَدِّ ، وَمِنَ بَعْدِ الْعَدِّ ، وَالَّذِي يَلِيهِ حَتَّى الْجُمُعَةِ الْآخِرَى ، وَقَامَ ذَلِكَ الْأَعْرَابِيُّ ، أَوْ قَالَ غَيْرُهُ ، فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ تَهْدِمُ الْبِنَاءَ ، وَغَرِقَ السَّمَالُ ، فَادْعُ اللَّهَ لَنَا فَرَفَعَ يَدَيْهِ ، فَقَالَ : ( اللَّهُمَّ حَوَالَيْنَا وَلَا عَلَيْنَا ) . فَمَا يُشِيرُ بِيَدِهِ إِلَى نَاحِيَةِ مِنَ السَّحَابِ إِلَّا انْفَرَجَتْ ، وَصَارَتِ السَّمْدِينَةُ مِثْلَ الْجَوَابِ ، وَسَالَ الْوَادِي فَنَاءَ شَهْرًا ، وَلَمْ يَجِيءْ أَحَدٌ مِنْ نَاحِيَةِ إِلَّا حَدَّثَ بِالْجَوْدِ .

*Анас разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қурғоқчилик бўлди. Жумъа куни Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба айтиб турган эрдилар, бир бадавий ўрнидан туриб: «Ё Расулulloҳ, мол-ҳоллар ҳалок бўлди, бола-чақалар оч қолди. Оллоҳ таолодан бизга ёмғир сўраб берингиз!» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтариб дуо қила бошладилар, осмонда эса бир парча ҳам булут кўринмасди. Жоним қўлида бўлган зотга қасамёд этиб айтурменким, қўлларини дуодан туширмасданок осмонни тоғдек-тоғдек булут босди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбардан тушиб улгурмасларидан соқолларидан ёмғир томчилари томаётганини кўрдим. Ўша куни, унинг эртаси ва индинига ҳам ёмғир ёғиб, ҳатто кейинги жумъагача давом этди. Кейинги жумъада ўша ёки бошқа бир бадавий: «Ё Расулulloҳ, бинолар босиб қоляпти, мол-ҳоллар фарқ бўлаётир, Оллоҳ таолодан бизга ёмғирни тўхтатмакни сўраб берингиз!» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дуога қўлларини кўтариб: «Илоҳи, устимизга эрмас, атрофимизга ёмғир ёғдирғил!» — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари бирлан

қайси томонга ишора қилсалар, ўша томоннинг булутлари тарқаб кетар эрди. Ниҳоят, Мадинаи Мунаввара осмони доира шаклида очилди. Ёмғир эрса, водийга бир ой ёғди. Ўша томондан ким келмасин, кўп ёмғир ёғаётгани ҳақида гапирар эрди».

### 35-боб. Жумъа куни имом хутба айтаётганда ўзаро сўзлашаётганларни тинчитиб ҳақида

Агар киши ёнидаги биродарига «Жим турғил!» деса ҳам ноўрин гап қилган бўлур. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Имом сўзлаётганда одамлар жим туриб тингламоғи лозим» деганлар»,— дейдилар Салмон,

480 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا قُلْتَ لِصَاحِبِكَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ أَنْصِتْ ، وَالْإِمَامُ يَخْطُبُ فَقَدْ لَعْنَتْ ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Жумъа куни имом гапириб турганда ёнингдаги биродарингга «Жим турғил!» десанг, ноўринг гап қилибсан»,— деганлар»

### 36-боб. Жумъа куни дуо ижобат бўладиган вақт тўғрисида

481 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَكَرَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ ، فَقَالَ : ( فِيهِ سَاعَةٌ لَا يُوَافِقُهَا عَبْدٌ مُسْلِمٌ وَهُوَ قَائِمٌ يُصَلِّي ، يَسْأَلُ اللَّهَ تَعَالَى شَيْئًا ، إِلَّا أَعْطَاهُ إِيَّاهُ ) . وَأَشَارَ بِيَدِهِ يُقَلِّلُهَا .

*Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам жумъа куни ҳақида гапирар туриб:* «Жумъа кунида бир муайян вақт бордир. Муслмон банданинг ўқиётган намози ўша вақтга тўғри келиб қолмоғи қийиндир, бордию тўғри келиб қолғайдир, ўша банда Оллоҳ таолодан бирор нарса сўрағайдир, сўраганини берғайдир»,— дедилар. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам муборак қўллари бирлан ўша вақтнинг қисқа эканлигига ишора қилдилар».

### 37-боб, Жумъа куни одамлар имомни ташлаб намоздан чиқиб кетиб қолишса, имом ва у билан қолган кишиларнинг намози жоиздир

482 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : بَيْنَمَا نَحْنُ نُصَلِّي مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، إِذْ أَقْبَلَتْ عِيرٌ تَحْمِلُ طَعَامًا ، فَالْتَفَتُوا إِلَيْهَا حَتَّى مَا بَقِيَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا اثْنَا عَشَرَ رَجُلًا ، فَنَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ : ﴿ وَإِذَا رَأَوْا تِجَارَةً أَوْ لَهْوًا انفَضُوا إِلَيْهَا وَتَرَكُوكَ قَائِمًا ﴾ .

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Бир куни пайғамбаримиз Муҳаммад саллалллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга жумъа намозини ўқиётган эрдик, бирдан Шом томондан дон ортилган карвон келиб қолди. Одамлар (намозни ташлаб) карвон томонга қараб кетишди, ҳатто Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга 12 киши қолди, холос. Шунда: «Агар одамлар бирор олди-сотдини ёким ўйин-кулгини кўриб қолишғайдир, сени намозда тик турганингча қолдириб кетишғайдир»,— деган ояти карима нозил бўлди».

### 38-боб. Жумъадан кейин ва жумъадан аввал намоз ўқимоқ

483 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي قَبْلَ الظُّهْرِ رَكَعَتَيْنِ ، وَبَعْدَهَا رَكَعَتَيْنِ ، وَبَعْدَ الْمَغْرِبِ رَكَعَتَيْنِ فِي بَيْتِهِ ، وَبَعْدَ الْعِشَاءِ رَكَعَتَيْنِ ، وَكَانَ لَا يُصَلِّي بَعْدَ الْجُمُعَةِ حَتَّى يَنْصَرِفَ فَيُصَلِّي رَكَعَتَيْنِ .

*Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам уйларида пешиндан аввал 2 ракъат, пешиндан кейин 2 ракъат, шомдан кейин

2 ракъат ва хуфтондан кейин 2 ракъат намоз ўқир эрдилар. Жумъадан кейин ҳам уйларига қайтиб келганларидан кейин 2 ракъат намоз ўқир эрдилар».

**39-боб. Оллоҳ таолонинг «Жумъа намози ўқиб бўлингач, тирикчилигинтизни қилинсиз ва Оллоҳ таолодан ҳалол ризқ тилангиз!» деган ояти каримаси**

*Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар:* «Биз томонда бир хотин бор эрди, даласига қанд лавлаги экар эрди. Жумъа куни бўлса, қанд лавлагини юлиб, бир ҳовуч арпа бирлан қайнатиб қўяр эрди. Қанд лавлаги илигдек бўлар эрди. Намози жумъадан қайтаётиб аёлга салом бериб ўтар эрдик, у бизга ўша таомдан келтирар эрди. Ундан ялар эрдик. Кейин, яна қачон жумъа куни келар эркан, деб орзу қилар эрдик. Жумъа куни намоздан кейингина қайлула қилар эрдик, тушликни ҳам фақат жумъадан сўнг ер эрдик».

**40-боб. Жумъа намозидан сўнг қайлула қилмоқ**

«Жумъага эртароқ бориб келиб, қайлула қилар эрдик»,— дейдилар Анас разияллоҳу анҳу.

«Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга жумъа намозини ўқиб, сўнг дам олар эрдик»,— дейдилар Саҳл разияллоҳу анҳу.

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

**41-боб. Салот ул-хавф (хавф тугилганда ўқиладиган намоз)**

Оллоҳ таоло ўз ояти каримасида бундай дейди: «Агар сафарда бўлғайдирсиз-у, кофирларнинг фитна қилиб ҳужум этиб қолмакларидан чўчигайдирсиз, намозни қисқароқ ўқимоғингизнинг зарари йўқдир, зеро кофирларнинг сизларга душманлик қилмоғи турган гапдир. (Эй пайғамбар), агар сен саҳобаларинг бирлан бирга бўлғайдирсен-у, имомлик қилиб намоз ўқимоқчи бўлғайдирсен, уларнинг бир қисми сен бирлан намоз ўқисин, иккинчи қисми эрса, сизларни қурол тутиб орқангиздан қўриқлаб турсин! Биринчи ракъат тугагач, намоз ўқимаган қўриқчи қисм келиб сен бирлан бирга иккинчи ракъатни ўқисин! Биринчи қисм эрса, эҳтиёт чораларни кўриб турсин! (Чунким) қурол-аслаҳаларингизни ташлаб намоз ўқиётганингизда кофирлар сизларни ғафлатда қолдириб бирдан ҳужум қилиб қолмоқлари мумкин. Лекин, ёмғир ёғиб лойгарчилик бўлса ёким касал эрсангиз, қурол аслаҳаларингизни қўйиб, намоз ўқисангиз бўлғайдир. Огоҳ бўлингиз, Оллоҳ таоло кофирларни таҳқирловчи азоб тайёрлаб қўйгандир!»

*Шуъайб ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам салот ул-хавф ўқиганмилар?» —деб Зухрийдан сўрадим. Ул: «Менга отам Абуллоҳ ибн Умар бу хусусда бундай деган эрдилар»,— деб қуйидагиларни айтиб берди:

484 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : غَزَوْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلَ نَجْدٍ ، فَوَازَيْنَا الْعَدُوَّ ، فَصَافَيْنَا لَهُمْ ، فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي لَنَا ، فَقَامَتُ طَائِفَةً مَعَهُ تُصَلِّي ، وَأَقْبَلَتْ طَائِفَةٌ عَلَى الْعَدُوِّ ، وَرَكَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَنْ مَعَهُ وَسَجَدَ سَجْدَتَيْنِ ، ثُمَّ انصَرَفُوا مَكَانَ الطَّائِفَةِ الَّتِي لَمْ تُصَلِّ ، فَجَاؤُوا فَرَكَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِهِمْ رُكْعَةً وَسَجَدَ سَجْدَتَيْنِ ثُمَّ سَلَّمَ ، فَقَامَ كُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمْ فَرَكَعَ لِنَفْسِهِ رُكْعَةً وَسَجَدَ سَجْدَتَيْنِ .

«Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғазотга чиқдим. Нажд томонда душманнинг тўғрисига келиб саф тортдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқимакка турдилар, бир гуруҳ одамлар ул кишига иқтидо қилди, иккинчи гуруҳ эрса, душманни кузатиб турди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо этиб намоз ўқиётган кишилар бир марта рукуъ айлаб, икки марта



сажда қилди, сўнг, улар намозгоҳни тарк этдилар, ўринларига қўриқлаб турган иккинчи гуруҳ бориб турди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам улар бирлан бирга ҳам бир марта рукуъ ва икки марта сажда қилдилар, сўнг салом бердилар. Иккинчи гуруҳдаги кишиларнинг ҳар бири ўзлари мустақил равишда яна бир марта рукуъ ва икки марта сажда қилиб олди».

#### **42-боб. Тик туриб ва от минган ҳолда салот ул-хавф ўқимоқ**

وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي رِوَايَةٍ قَالَ : عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( وَإِنْ كَانُوا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ ، فَلْيُصَلُّوا قِيَامًا وَرُكْبَانًا )

*Ибн Умар:* «Аралашиб кетган вақтда (яъни, душманлар ҳар томондан ҳужум қилиб турганда) тик туриб намоз ўқилғайдир, чунки Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Душман хавфи яна ҳам кучайиб кетса, тик туриб ва от минган ҳолда намоз ўқийверингиз!» деб айтганлар»,— дейдилар.

#### **43-боб. Салот ул-хавф ўқиладиганда намозхонлар бир-бирларини қўриқлайдилар**

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бир гуруҳ кишилар намоз ўқимакка турдилар. Расулulloҳ такбири таҳрима айтдилар, қолганлар ҳам айтишди. Расулulloҳ рукуъ қилдилар, қолганлар ҳам рукуъ қилишди, Расулulloҳ сажда қилдилар, қолганлар ҳам сажда қилишди. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккинчи ракъатни ўқимакка турдилар. Бирга намоз ўқиган гуруҳ иккинчи гуруҳга жой бўшатиб, уларни қўриқлаб турди. Иккинчи гуруҳ Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга рукуъ ва сажда қилди. Шу тариқа галма-галдан бир-бирини қўриқлаб туриб, ҳамма намоз ўқиб олди».

#### **44-боб. Қалъани забт этиш ва душманга ҳужум бошлаш олдидан ўқиладиган намоз**

*Ал-Авзоъий бундай дейдилар:* «Агар қалъани фатҳ қилишга киришилса-ю, намоз ўқишга имкон бўлмаса, ҳар бир киши имо-ишора бирлан ўзи алоҳида намоз ўқиб олғайдир. Агар имо-ишора бирлан ҳам намоз ўқиш имкони бўлмаса, уруш сусайгунча намозни кечиктирғайдир. Уруш сусайгач, икки ракъат намоз ўқийдир. Агар бунга ҳам имкони бўлмаса, бир ракъат ва икки сажда қилиб намоз ўқийдир. Мободо буни ҳам қилолмаса, унда қуруқ такбирнинг ўзи намоз ўрнига ўтмайди. Намозни душман хавфи йўқолгунча кечиктирғайдир».

*Анас разияллоҳу анҳу бу хусусда вундай дейдилар:* «Тастур қалъасини олишда қатнашдим. Тонг отар пайтида жанг авжига чиқиб, саҳобалар то кун ёйилгунча намоз ўқий олмадилар. Кун ёйилгандан сўнг намоз ўқидик. Биз билан бирга Абу Мусо ал-Ашъарий ҳам бор эрдилар. Сўнг, қалъа фатҳ қилиниб, аҳолиси исломга киргизилди. Ўша қазо бўлган намоз ўрнига бутун дунёни ва ундаги бор нарсаларни берсалар ҳам мен хурсанд бўлмас эрдим!».

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Хандақ қазилган куни (ҳижратнинг 4-нчи йили) Ҳазрат Умар келиб Қурайш кофирларини (мўъминларни намоздан қолдиргани учун) сўка бошладилар. Сўнг: «Ё Расулulloҳ, Қуёш ботиб кетаёзди, мен ҳали асрни ўқиганим йўқ»,— дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳни ўртага қўйиб айтурменким, мен ҳам ҳалигача ўқиганим йўқ»,— дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Батҳон деган жойда (туядан) тушиб, таҳорат олдилар ва кун ботгандан кейин намозни (асрни), ундан сўнг намози шомни

ўқидилар».

#### **45-боб. Душманни қувиб кетаётган ва орқасидан душман қувиб келаётган одамнинг от устида намоз ўқимоғи**

*Валийд Ал-Авзоъийга:* «Мен Шарҳабийл ибн ас-Самт ва унинг шерикларини от устида намоз ўқиб кетаётганларини кўрдим»,— деди. Ал-Авзоъий: «Ҳа, намоз қазо бўлмағидан чўчисак, от устида имо-ишора бирлан намоз ўқиб кетаверар эрдик»,— деди. Валийд Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ҳеч ким Баний Қурайзадан бошқа жойда намози аср ўқимасин!» деган сўзларини далил қилиб келтирди.

#### **46-боб.**

485 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَنَا لَمَّا رَجَعْنَا مِنَ الْأَحْزَابِ : ( لَا يُصَلِّيَنَّ أَحَدٌ الْعَصْرَ إِلَّا فِي بَنِي قُرَيْظَةَ ) . فَأَذْرَكَ بَعْضُهُمُ الْعَصْرَ فِي الطَّرِيقِ ، فَقَالَ بَعْضُهُمْ : لَا نُصَلِّي حَتَّى نَأْتِيَهَا ، وَقَالَ بَعْضُهُمْ : بَلْ نُصَلِّي لَمْ يَرِدْ مِنَّا ذَلِكَ ، فَذَكَرُوا ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمْ يُعْتَفْ أَحَدًا مِنْهُمْ .

*Ибн Умар нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хандақ ғазотидан қайтганларидан сўнг: «Бирор киши Баний Қурайзага етиб олмагунча аср намозини ўқимасин!»—дедилар. Баъзи бировлар асрни йўлда ўқиди, баъзилар: «Бормагунча ўқимаймиз»,—дейишди, яна айримлар: «Ўқийвергаймиз, «Намоз ўқимангиз!» деганларидан мақсад, манзилга тезроқ етиб олмоқдир»,— дейишди. Кейин, бу гапни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга етказишди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг бирортасини ҳам койимадилар».

#### **47-боб. Намози бомдодни тонг отмасдан барвақтроқ ўқимоқ; ҳужум ва уруш олдидан намоз ўқиб олмоқ**

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Хайбарни ишгол қилиш олдидан) ғира-шира пайтда намози бомдодни ўқиб олдилар. Сўнг, отга миниб йўлга тушдилар. Хайбар кўринган вақтда: «Оллоҳу акбар, Хайбар хароб бўлди, биз бирор қавмнинг ерига келиб тўшсак, уларнинг ҳолига войдир!» — дедилар. Хайбар аҳли шошиб кўчаларга чиқишди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб: «Муҳаммад катта кўшин бирлан келибдир»,— дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг қаршилиқ кўрсатганларини ўлдириб, қолганларини асир олдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам асира Сафиййани Дихйа ал-Калбийга бердилар, лекин саҳобалар тавсияси бирлан шу заҳоти Дихйани рози қилиб, уни қайтариб олдилар. Кейин, уни озод этиб, (унга) ўйландилар. Абдулазиз Собитга: «Сиз маҳрига не берганларини Анасдан сўрадингизми?» — деганда, маҳрига озодлик берганлар»,— деб кулиб қўйди».

#### **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ ИККИ ҲАЙИТ ҲАҚИДА КИТОБ**

#### **1-боб. Икки ҳайит ва уларда ясаниш тўғрисида**

*Солим ибн Абдуллоҳга Абдуллоҳ ибн Умар бундай деган эканлар:* «Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу бозордан битта ипак чопон сотиб олдилар-да, Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, мана бу чопонни сотиб олингиз, уни ҳайитда ва меҳмон кутганингизда кийгайдирсиз»,— дедилар». Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу кийим охиратдан насибаси йўқ одамнинг кийимидир!» — дедилар. Оллоҳ ирода қилганча вақт ўтиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Умарга битта ипак чопон тортиқ қилиб юбордилар. Ҳазрат Умар ипак чопонни олиб

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдилар-да: «Ё Расулulloҳ, сиз: «Бу чопон охиратдан насибаси йўқ одамнинг чопонидир! — деб айтган эрдингиз-ку! Энди буни менга юборибсиз?!»—дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Чопонни сотиб, бирор ҳожатингизга яратгайдирсиз»,— дедилар».

## 2-боб. Ҳайит куни қиличбозлик, найзабозлик ўйинларининг жоизлиги

486 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : دَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَعِنْدِي جَارِيَتَانِ تُغْنِيَانِ بَغَاءَ بُعَاثٍ ، فَاضْطَجَعَ عَلَيَّ الْفِرَاشَ وَحَوْلَ وَجْهِهِ ، وَدَخَلَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَانْتَهَرَنِي ، وَقَالَ : مَرْمَارَةُ الشَّيْطَانِ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَأَقْبَلَ عَلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : ( دَعُهُمَا ) . فَلَمَّا غَفَلَ غَمَزْتُهُمَا فَخَرَجَتَا .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг ҳужрамга кирганларида икки чўри қиз ёнимда ўлтириб «Буос» деган машҳур ашулани айтаётган эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларига ёнбошлаб, юзларини ўгириб олдилар. Шунда Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (Оишанинг оталари) кириб, мени ва ашулачи қизларни қаттиқ койидилар-да: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида шайтон сурнайи чалингайдирми?» — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр Сиддиққа қараб: «Қўяверингиз уларни!» — дедилар. Абу Бакр Сиддиқ биз томонга қарамай турганларида чўри қизларга ишора қилдим, чиқиб кетишди. Бу воқеа ҳайит куни бўлган эрди. Ўша куни суданляклар найзабозлик, қиличбозлик ўйинлари кўрсатишганди. Ўшанда, ёки мен ўзим Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Кўрсам майлими?»— деб сўрагандим, ёхуд Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари менга: «Томоша қиласанми?»—дегандилар. Шунда мен: «Ҳа»,— дегандим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида» туриб томоша қилгандим, юзим юзларига шундоққина тегиб турганди. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Баний Арфада, бўш келмангиз!» — деб хитоб қилган эрдилар. Кейин, менинг зерикканимни билиб: «Бўлдими?» — дегандилар. Мен: «Ҳа»,— деб айтгандим. «Борғил бўлмаса, кетақол!» — дегандилар».

## 3-боб. Ҳайит куни дуо айтмоқ

488 . عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ فَقَالَ : ( إِنَّ أَوَّلَ مَا نَبَدَأُ بِهِ فِي يَوْمِنَا هَذَا أَنْ نُصَلِّيَ ، ثُمَّ نَرْجِعَ فَنَنْحَرَ ، فَمَنْ فَعَلَ فَقَدْ أَصَابَ سُنَّتَنَا .

*Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хутба айтиб туриб: «Албатта бугун (ҳайит куни) биринчй бўлиб қиладирган ишимиз — намоз ўқимоқ, кейин эрса, бориб қурбонлик қилмоқдир. Кимки шундай қилса, бизнинг суннатимизни бажо келтирибдир!» — дедилар».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Ҳузуримга (отам) Абу Бакр кирдилар. Олдимда иккита ансорий чўри қиз ансорийларнинг «Буос» кунига бағишланган байтларини ашула қилиб айтаётган эрди. Лекин, иккала чўри қиз ҳам ашулачи эрмас эрди. Шунда Абу Бакр Сиддиқ: «Шайтоннинг сурнайлари (келиб-келиб) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларида чалингайдирми?» — деб койидилар. Бу воқеа ҳайит куни бўлган эрди, Ўшанда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Абу Бакр, ҳар бир қавмнинг ўз байрами бордир, бу кун бизнинг байрамимиз!» — дегандилар».

## 4-боб. Рамазон ҳайити куни ҳайит намозига чиқишдан олдин овқатланмоқ

487 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَعْدُو يَوْمَ الْفِطْرِ حَتَّى يَأْكُلَ تَمْرَاتٍ . وَفِي رِوَايَةٍ عَنْهُ قَالَ : وَيَأْكُلُهُنَّ وَثْرًا .

*Анас разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча хурмо еб олмасдан ҳайит намозига чиқмас эрдилар».

*Анас разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Расулulloҳ. саллаллоҳу алайҳи ва саллам хурмони тоқлаб (1, 3, 5) ер эрдилар».

### 5-боб. Қурбон ҳайити куни ҳайит намозидан сўнг овқатланмоқ

*Анас разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Ҳайит намозидан аввал қурбонлик қилган эрса, қайта қурбонлик қилсин!» — дедилар. Шунда бир киши: «Бу кун иштаҳа бирлан гўшт ейдирган кун!» деб қўшнилари тўғрисида гапирди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ўз қўшнилари тўғрисидаги сўзини маъқуллагандек бўлдилар. Кейин, бояги киши: «Менда икки яшар бўлай деб қолган бир эчки бордир, у мёнга иккита қўйдан ҳам афзалдир»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша эчкини қурбонлик қилмоққа рухсат бердилар. Эчкини қурбонлик қилмакка фақат ўша кишига рухсат бердиларми ёким ҳаммагами, билмайман».

489 . عَنْ الْبِرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

خَطَبَنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ الْأَضْحَى بَعْدَ الصَّلَاةِ فَقَالَ : ( مَنْ صَلَّى صَلَاتِنَا ، وَنَسَكَ نُسُكَنَا ، فَقَدْ أَصَابَ النُّسُكَ ، وَمَنْ نَسَكَ قَبْلَ الصَّلَاةِ ، فَإِنَّهُ قَبْلَ الصَّلَاةِ ، وَلَا نُسُكَ لَهُ ) . فَقَالَ أَبُو بُرْدَةَ بْنُ نَبَارٍ خَالَ الْبِرَاءِ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، فَإِنِّي نَسَكْتُ شَاتِي قَبْلَ الصَّلَاةِ ، وَعَرَفْتُ أَنَّ الْيَوْمَ يَوْمَ أَكْلٍ وَشُرْبٍ ، وَأَحْبَبْتُ أَنْ تَكُونَ شَاتِي أَوَّلَ شَاةٍ تُذْبَحُ فِي بَيْتِي ، فَذَبَحْتُ شَاتِي وَتَعَدَّيْتُ قَبْلَ أَنْ آتِيَ الصَّلَاةَ ، فَقَالَ : ( شَاتِكَ شَاةٌ لَحْمٌ ) . فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ فَإِنَّ عِنْدَنَا عِنَاقًا لَنَا حَذَعَةً أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ شَاتَيْنِ ، أَفْتَحِزِي عَنِّي ؟ قَالَ : ( نَعَمْ وَلَنْ تُحْزِي عَنِّي أَحَدٌ بَعْدَكَ ) .

*Барро ибн Озиб ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбон ҳайити куни ҳайит намозидан сўнг хутба айта туриб: «Кимки биз сингари намоз ўқиб, қурбонлик қилгайдир, қурбонлиги қабул бўлгайдир, аммо кимки ҳайит намозидан аввал қурбонлик қилгайдир, ҳисобга ўтмагайдир»,— дедилар, Абу Бурда ибн Наййор (Барронинг тоғаси): «Мен қўйимни ҳайит намозидан илгари сўйдим. Бугун еб~ичадирган кун эрканлигини билганим учун, қўйимни қурбонлик қилинадирган қўйлар ичида биринчи бўлсин, деб уйимда сўймоқни афзал кўрдим, шул сабабдан қурбонлик қўйимни ҳайит намозига келишдан аввал сўйиб, гўшtidан пишириб, овқатланиб келдим»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қўйинг қурбонлик эрмас, гўштга сўйилган қўй булибдир»,— дедилар. Ибн Наййор: «Ё Расулulloҳ, бизда икки яшар бўлай деб қолган бир эчки бордир, у менга иккита қўйдан ҳам афзалроқдир, ўшани қурбонлик қилсам, кифоя қилгайдирми?» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, сенга кифоя қилгайдир. Сендан бошқа ҳеч кимга икки яшар бўлай деб қолган эчки қурбонликка ўтмагайдир»,— дедилар (Икки ёшга тўлган эчки қурбонликка ярайдир, лекин икки ёшга тўлмагани 1—ярамайдир)».

### 6-боб. Минбар бўлмаган намозгоҳда ваъз айтмоқ

490 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْرُجُ يَوْمَ الْفِطْرِ وَالْأَضْحَى إِلَى الْمُصَلَّى ، فَأَوْلُ شَيْءٍ يَبْدَأُ بِهِ الصَّلَاةَ ، ثُمَّ يَنْصَرِفُ ، فَيَقُومُ مُقَابِلَ النَّاسِ ، وَالنَّاسُ جُلُوسٌ عَلَى صُفُوفِهِمْ ، فَيَعْظُهُمْ

وَيُوصِيهِمْ وَيَأْمُرُهُمْ ، فَإِنْ كَانَ يُرِيدُ أَنْ يَقْطَعَ بَعْنَا قَطْعَهُ ، أَوْ يَأْمُرَ بِشَيْءٍ أَمَرَ بِهِ ، ثُمَّ يَنْصَرِفُ . قَالَ أَبُو سَعِيدٍ : فَلَمَّ يَزَلُ النَّاسُ عَلَى ذَلِكَ حَتَّى خَرَجْتُ مَعَ مَرْوَانَ ، وَهُوَ أَمِيرُ الْمَدِينَةِ فِي أَضْحَى أَوْ فِطْرِ ، فَلَمَّا أَتَيْنَا الْمُصَلَّى إِذَا مَنْبَرٌ بَنَاهُ كَثِيرُ بَنِ الصَّلَاتِ ، فَإِذَا مَرْوَانُ يُرِيدُ أَنْ يَرْتَقِيَهُ قَبْلَ أَنْ يُصَلِّيَ فَجَبَدْتُ بِثَوْبِهِ فَجَبَدَنِي فَارْتَفَعَ ، فَخَطَبَ قَبْلَ الصَّلَاةِ ، فَقُلْتُ لَهُ : غَيْرْتُمْ وَاللَّهِ ، فَقَالَ : يَا أَبَا سَعِيدٍ ، قَدْ ذَهَبَ مَا تَعْلَمُ ، فَقُلْتُ : مَا أَعْلَمُ وَاللَّهِ خَيْرٌ مِمَّا لَا أَعْلَمُ ، فَقَالَ : إِنَّ النَّاسَ لَمْ يَكُونُوا يَجْلِسُونَ لَنَا بَعْدَ الصَّلَاةِ ، فَجَعَلْتَهَا قَبْلَ الصَّلَاةِ .

*Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайитида намозгоҳга чиқар эрдилар. Дастваб намоз ўқир эрдилар, сўнг ўринларидан туриб одамларга юзланар эрдилар. Одамлар эрса, саф тортиб ўтиришар эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга ваъз айтар эрдилар, васият қилар эрдилар ҳамда ҳалолликка даъват этиб, ҳаромдан ҳазар айламакни буюрар эрдилар. Агар бирор томонга аскар юбормоқчи бўлсалар, буюрар эрдилар. Сўнг, Мадинага қайтар эрдилар. Одамлар шу тартибга кўникиб қолдилар. Бу тартиб Мадина амири Марвон давригача давом этди. Бир куни мен ва Марвон, Қурбон ҳайитимиди, Рамазон ҳайитимиди, намозгоҳга чиқдик. Намозгоҳга етганимизда Касир ибн Салт ясаб берган минбарга назарим тушди. Шу вақт Марвон намоз ўқимасдан аввал минбарга чиқмоқчи бўлди. Мен унинг этагидан тортдим, ул эса этагини мендан тортиб олиб, минбарга кўтарилди-да, намоздан аввал хутба айтди. Сўнг. мен унга: «Худо ҳаққи, ўзгартириб юбордингиз!» — дедим. Марвон: «Эй Абу Саъид, билган нарсаларимиз унут бўлди!»—деди. Мен унга: «Билган нарсаларим, худо ҳаққи, билмаган нарсаларимдан афзалроқдир!» — дедим. Марвон: «Одамлар намоздан кейин хутбага қулоқ солиб ўтирмай қўйдилар, шунинг учун хутбани намоздан аввал айтдим»,— деди».

### **7-боб. Ҳайит намозига пиёда ва уловда бормоқ ҳамда хутбадан аввал азон ҳам, такбир ҳам айтмай, намоз ўқимоқ**

*Абдуллоҳ ибн Умар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурбон ҳайити ва Рўза ҳайитида намоз ўқиб, сўнг хутба айтар эрдилар»,—дейдилар.

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рўза ҳайити куни намозгоҳга чиқдилар. Аввал намоз ўқидилар, сўнг хутба айтдилар. Абдуллоҳ ибн Зубайр халифаликни қабул қилиб, байъат (қасам) қилган куни Ибн Аббос юборган одам келиб, унга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида ҳайит намозига азон ўқилмас эрди.ва хутба намоздан кейин айтилар эрди»,— деб айтган экан».

491 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ وَجَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ قَالَا : لَمْ يَكُنْ يُؤَدَّنُ يَوْمَ الْفِطْرِ وَلَا يَوْمَ الْأَضْحَى .

Жобир ибн Абдуллоҳ ва Ибн Аббос: «Рўза ва Қурбон ҳайитларида азон айтилмас эрди»,— дейдилар.

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайит куни ўринларидан туриб, аввал намоз ўқидилар, кейин эркакларга хутба айтдилар. Хутбадан сўнг, хотинлар ёнига бориб Билолнинг қўлига таянган ҳолда ваъз айтдилар. Билол эрса, этагини тутиб турар эрди, хотинлар унга иона ташлар эрдилар. Ибн Журайж: «Ҳозирги кунда ҳам имомнинг хотинларга ваъз айтмоғи лозимми?» — деб Атога мурожаат қилди. Ато: «Ҳа албатта, улар шундай қилмоқлари лозим. Лекин, нечун бундай қилмағайлар, билмасман»,— деди».

### **8-боб. Ҳайит намозини ўқигандан кейин хутба айтмоқ**

492 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : شَهِدْتُ الْعِيدَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرُ وَعُثْمَانُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ ، فَكُلُّهُمْ كَانُوا يُصَلُّونَ قَبْلَ الْخُطْبَةِ .

*Ибн Аббос ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр ва Усмон разияллоҳу анҳулар бирлан бирга ҳайит намозини ўқидим. Уларнинг ҳаммалари ҳам ҳайит намозини хутбадан аввал ўқидилар».

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳам, Абу Бакр ва Умар ҳам икккала ҳайит намозини хутбадан аввал ўқидилар»,— дейдилар.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Рўза ҳайити куни икки рақъат ҳайит намози ўқидилар, ҳайит намозидан аввал ҳам, кейин ҳам намоз ўқимадилар. Сўнг, хотинлар жамоаси олдига бордилар, ул киши бирлан бирга Билол ҳам бор эрди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам хотинларни садақа бермакка даъват қилдилар. Хотинлар Билолнинг этагига садақа ташлай бошладилар. Биров сирғасини, биров билагузугини ташлади».

*Барро дейдилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бугун (ҳайит куни) энг аввало ҳайит намозини ўқигаймиз, кейин бориб, қурбонлик қилғайдирмиз. Ким шундай қилғайдир, бизнинг суннатимизни бажарган бўлур. Ким намоздан аввал қўй сўйган бўлса, бола-чақасига гўшт ғамлаб берибдир, қурбонлик қилмабдир»,— дедилар. Шунда ансорийлардан Абу Бурда деган саҳоба: «Ё Расулulloҳ, намозга келишимдан аввал қўй сўйиб эрдим. Менда яна икки ёшга етмаган бир эчкича бордир, икки яшардан ҳам кўркамроқ, шуни қурбонлик қилсам бўлғайдирми?» — деди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ўрнига ўшани қурбонлик қила қолғил, лекин сендан бошқа ҳеч кимга бу рухсат этилмайдир!» — дедилар».

### **9-боб. Ҳайитда ва ҳарамда қурол кўтариб юрмоқнинг макруҳлиги**

Ҳасан Басрий: «Ҳайит куни саҳобаи киромларга қурол тақиб (ёким олиб) юрмоқ манъ қилинган бўлиб, душман хавфи бўлгандагина рухсат қилингандир»,— дейдилар.

*Саъид ибн Жубайр ривоят қиладирлар:* «Ибн Умар бирлан бирга от миниб кетаётганимизда ул кишининг оёқларининг кафтига найзанинг учи кириб қадалиб қолди. Мен отдан тушиб суғуриб ташладим. Бу воқеа Минода бўлган эрди. Бундан хабар топган Ҳажжож кўргани келиб: «Найзани сизга ким тикқанини билганимизда эрди!» — деди. Шунда Ибн Умар: «Сиз тикдингиз!» — дедилар (Ҳажжож суиқасд қилмоққа буюрган эрди). Ҳажжож: «Қандай қилиб?»—деди. Ибн Умар: «Қурол олиб юрмоқ мумкин бўлмаган кунда қурол олиб юрмоққа ижозат бердингиз. Ҳарамга қурол бирлан кирмоқ мумккн эрмас эрди, бунга ҳам рухсат бердингиз!» — дедилар».

*Саъид ибн ал-Осим:* «Отам бундай деб айтган эрдилар»,— дейдилар: «Ҳажжож Ибн Умар ҳузурларига кирганда мен ҳам ўша ерда эрдим. «Аҳволингиз нечук?» — деди Ҳажжож. «Яхши»,— дедилар Ибн Умар. «Ким найза урди сизга?» — дёб сўради Ҳажжож. Ибн Умар: «Қурол кўтармоқ мумкин бўлмаган кунда қурол кўтармрққа рухсат берган киши урди»,— дедилар»,

### **10-боб. Ҳайит намозига эртароқ бормоқ**

Абдуллоҳ ибн Бусур: «Биз худди шу вақтда ҳайит намозини ўқиб бўлган бўлур эрдик, бу нафл намоз ўқимоқ мумкин бўлган вақтга тўғри келғайдир»,— деди.

*Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қурбон ҳайити куни бизга хутба айта туриб: «Албатта, мана шу кунимизда энг биринчи қиладирган ишимиз — намоз ўқигаймиз, сўнг қайтиб бориб қурбонлик қилғайдирмиз. Кимки шундай қилғайдир, шубҳасиз бизнинг суннатимизни адо этган

бўлур. Аммо, кимки ҳайит намозидан аввал қўй сўйса, оиласига гўшт тайёрлаб берган бўлиб, қурбонлик қилган ҳисобига ўтмағайдир»,— дедилар. Шунда тоғам Абу Бурда ўринларидан туриб: «Ё Расулulloҳ, мен ҳайит намозидан аввал қўйни сўйиб қўйибман. Менда икки ёшга етмаган бир эчкича бордир»,— дедилар. Расулulloҳ: «Ўрнига ўша эчки боласини қурбонлик қила қолғил, лекин бу сендан кейин ҳеч кимга рухсат қилинмайдир!» — дедилар».

### **11-боб. (Ташриқ кунларида) 1—4-ҳайит кунларида қилинадирган амали солиҳларнинг фазилати**

Оллоҳ таоло: «Муайян кунларда Оллоҳни зикр қилингиз!» — деганда, Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлигини, «... ва саноқли кунларда» — деганда, ҳайитнинг 1—4-кунларини тушунмоқ керак»,— дейдилар Ибн Аббос. Ибн Умар ва Абу Ҳурайра Зулҳижжа ойининг 1—10-кунлари бозорга чиқиб такбир айтишар эрди, одамлар ҳам уларга қўшилиб такбир айтишар эрди. Муҳаммад ибн Али нафл намозидан кейин ҳам такбири ташриқ айтдилар».

*Ибн Аббос қуйидаги ҳадисни айтдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зулҳижжа ойининг биринчи 10 кунда қилинадирган амаллардан афзалроқ амали солиҳ йўқдир!» — дедилар. «Ё Расулulloҳ, жиҳоддан ҳам афзалдирми?» — дейишди саҳобалар. «Ҳа, жиҳоддан ҳам!»— дедилар Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам — ўз жону молини хатарга қўйиб, Оллоҳ йўлига тикиб чиққан ва молидан ҳеч нарсани қайтариб олиб келмаган киши афзалдир!»

### **12-боб. Арафотга чиқаётганда ва Мино кунларида такбири ташриқ айтмоқ**

Умар разияллоҳу анҳу Минодаги чодирларида такбири ташриқ айтар эрдилар, уни эшитган масжид ва бозор аҳли ҳам қўшилиб айтар эрди, ҳатто Мино бундан ларзага келур эрди. Ибн Умар ўша кунлари Минода бетўхтов такбири ташриқ айтур эрдилар, беш вақт намоздан кейин ҳам, чодир ичида ҳам, ўрин-тўшак устида ҳам, ўтирган ўринларида ва юрган йўлларида ҳам такбири ташриқ айтур эрдилар. Маймуна онамиз ва бошқа аёллар ҳам ташриқ кунлари масжидда Аббон ибн Усмон ва Умар ибн Абдулазиз бошлиқ эркаклар орқасида ўтириб такбири ташриқ айтишди».

493 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ سُئِلَ عَنِ التَّلْيَةِ : كَيْفَ كُنْتُمْ تَصْنَعُونَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ قَالَ : كَانَ يُلَبِّي الْمَلِيَّ لَا يُنْكِرُ عَلَيْهِ ، وَيُكَبِّرُ الْمُكَبِّرَ فَلَا يُنْكِرُ عَلَيْهِ .

*Муҳаммад ибн Абу Бакр ривоят қиладилар:* «Минодан Арафотга кетаётиб Анасдан талбия (лаббайка Оллоҳумма, лаббайка, демоқ) ҳақида сўрадим: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга қандай талбия айтар эрдингизлар?» Анас: «Хоҳлаган киши — талбия, хоҳламаган — такбири ташрик, айтур эрди, унга ҳеч ким ҳеч нарса демас эрди»,— деди».

*Умму Атиййа ривоят қиладилар:* «Ҳайит куни бизга ҳайит намозига чиқмоқни буюришар эрди, ҳатто бокира қизлару ҳайз кўрган хотинлар ҳам ҳайит намозига чиқишар эрди. Эркаклар орқасида туриб, улар такбир айтишса, такбир айтур эрдик, дуо айтишса, дуо айтур эрдик, Ўша куннинг баракотини тилаб, гуноҳларимиздан фориғ бўлмоқни ният қилур эрдик».

### **13-боб. Ерга санчиб қўйилган найзага қараб намоз ўқимоқ**

*Ибн Умар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккала ҳайитда ҳам рўпараларига найзани санчиб қўйиб (қибла томонни тўсиб қўйиб), намоз ўқидилар»,— дейдилар.

#### **14-боб. Ҳайит куни имом ҳузурда аназа (учида темири бор ҳасса) ёки ҳарба (калта найза) кўтариб юрмоқ**

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам намозга чиқсалар, кетларидан аназа кўтариб юришар эрди. Намоздан олдин уни рўпараларига санчиб қўйишар эрди. Жаноб Расулulloҳ ўшанга қараб намоз ўқир эрдилар».

#### **15-боб. Ҳайз кўрмаган ва ҳайз кўрган хотинларнинг намозга чиқиши**

*Умму Атиййа:* «Паранжи ёпинадиган қизларимизга ҳам (ҳайит) намозига чиқмоқни буюришар эрди»,— дейдилар.

Ҳафса онамиз мазкур ҳадисга қўшимча қилиб: «Эндигина бўйига етган (ҳали турмушга чиқмаган) қизларга ҳам, паранжи ёпинадирган қизларга ҳам ҳайит намозига қатнашмакни буюришар эрди. Ҳайз кўрган аёллар намозгоҳдан четроқда турар эрдилар»,— дейдилар.

#### **16-боб. Ёш болаларнинг намозгоҳга чиқмоғи**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Рўза ҳайити ёким Қурбон ҳайити куни намозгоҳга чиқдим (мен ёш бола эрдим). Ҳайит намозини ўқиб бўлиб, (эркакларга) хутба айтдилар, сўнг хотинлар олдига бориб, уларга ҳам ваъз айтиб, насиҳат қилдилар ҳамда уларни садақа бермакка даъват қилдилар».

#### **17-боб. Ҳайит намози ўқилгандан кейин имомнинг одамларга қараб хутба айтмоғи**

*Абу Саъид:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам одамларга қараб хутба айтдилар»,— дейдилар.

*Барро разияллоҳу анҳу бундай дейдилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Қурбон ҳайитида икки ракъат ҳайит намози ўқигач, бизга қараб: «Бизнинг бугун қиладирган биринчи қурбонлиғимиз — энг аввало намоз ўқимоқдир, кейин эрса, қўй сўйиб қурбонлик қилғаймиз. Кимки шундай қилғайдир, бизнинг суннатимизни адо этган бўлур, аммо кимки ҳайит намозидан аввал қўй сўйса, ўз оиласига гўшт тайёрлаб берган бўлур. Қурбонликка бунинг ҳеч алоқаси йўқдир!»— дедилар. Шунда бир киши туриб: «Ё Расулulloҳ, мен ҳайит намозидан аввал қўй сўйиб қўйибдирман. Менда яна икки яшардан ёшроқ бир эчки боласи бордир»,— деди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўшани сўя қолғил, лекин бу сендан кейин бирор кишига руҳсат этилмағайдир! — дедилар.

#### **18-боб. Намозгоҳга ўрнатилган байроқ**

*Ибн Аббосдан:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ҳайит намозига борганмисиз?» — деб сўрашди. «Ҳа, борганман, лекин Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга яқин одам бўлмаганимда намозга боролмаган бўлур эрдим, чунким мен ҳали ёш бола эрдим-да!» — дедилар Ибн Аббос, кейин яна давом этиб, қўйидагиларни айтиб бердилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Касир ибн Салт ҳовлиси ёнида ўрнатилган байроқ ёнига келиб ҳайит намозини ўқидилар, сўнг эркакларга хутба айтдилар. Кейин, хотинлар олдига бориб (ёнларида Билол ҳам бор эрди), уларга ҳам ваъз айтиб, насиҳат қилдилар, уларни садақа бермакка даъват этдилар. Хотинларнинг қўлларини чўзиб, Билолнинг этагига тақинчоқларини садақа қилиб ташлаётганларини кўрдим. Кейин, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Билол бирлан бирга уйларига қайтдилар».



### **19-боб. Имомнинг ҳайит намозида хотинларга ваъз-насиҳат айтмоғи**

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рўза ҳайитида ўринларидан туриб ҳайит намозини ўқидилар, сўнг хутба айтдилар. Хутба айтиб бўлиб, минбардан тушдилар ва хотинлар олдида бордилар. Билолнинг қўлига суюниб туриб, уларга ваъз-насиҳат қилдилар. Хотинлар Билолнинг этагига садақа ташлай бошладилар. Мен: «Фитри рўза беришганмиди, ўшанда?»— деб Атодан сўрадим. Ато: «Йўқ, фитри рўза эрмас эрди, лекин ўшанда хотинлар сирга ва биллагузукларини садақа қилишганди»,— деди. «Не деб ўйлайдирсиз, имом ҳозир ҳам ўша пайтдагидек хотинларга садақа бермакни буюрмоғи ва уларга ваъз-насиҳат қилмоғи мумкинми?» — деб сўрадим. «Ҳа, албатта, шундай қилмоқлари керак, лекин имомлар нега бундай қилишмағайдир, билмасман»,— деди Ато».

*Ибн Аббос нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр, Умар ва Усмон бирлан бирга ҳам Рўза ҳайитларида намоз ўқиганман. Уларнинг ҳаммалари ҳам ҳайит намозини хутбадан аввал ўқир эрдилар, сўнг хутба қилар эрдилар. Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайит намозига чиқдилар. Ўша кунги воқеа ҳалигача кўз ўнгимда. Ўшанда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эркакларга қўллари бирлан «Ўтирингиз!» деб ишора қилгандилар, эркаклар сафини оралаб ўтиб, хотинлар олдида боргандилар. Ул киши бирлан бирга Билол ҳам бор эрди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Эй пайғамбар алайҳиссалом, агар мўъмин хотинлар сенга байъат (қасам) қилмакка келсалар...» деган ояти каримани ўқиб: «Эй хотинлар, сизлар ўша ваъдада турибсизларми?»— дегандилар. Хотинлардан бири: «Ҳа, биз ўша сўзда турибмиз»,— деб жавоб берганди. Бошқа хотинлар эрса индамаганди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шундай эркан, унда садақа қилингиз!»— дегандилар. Билол эрса этагини очиб: «Ота-онам сизларга фидо бўлсин, марҳамат қилингиз!» — деганди. Шунда хотинлар сирғалари борми, узуклари, борми, ҳаммасини Билолнинг этагига ташлаганди».

Абдурраззоқ: «Жоҳилия даврида узук ва сирғалар катта-катта бўлар эрди»,— дейди.

### **20-боб. Хотин кишининг ҳайит намозига ёпиниб чиқишга иаранжиси бўлмаса...**

*Ҳафса бинти Сирин ривоят қиладилар:* «Ҳайит куни аёлларимизнинг ҳайит намозига чиқишларини манъ қилар эрдик. Бир вақт бир аёл (Умму Атиййа) келиб Баний Халаф қасрига тушди. Мен бориб у билан гаплашдим. Опасининг эри Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга 12 марта ғазот қилган эркан. Опаси ҳам эри бирлан бирга 6 та ғазотда қатнашган эркан. Ўша рпаси: «Биз касалларга қарар эрдик, ярадорларни даволар эрдик. Бир куни: «Ё Расулulloҳ, биронтамизнинг ёпинчиғимиз бўлмаса, ҳайит куни намозга чиқмасак, гуноҳ бўлмагаймиди?» — дебди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дугонасининг ёпинчиғларидан бирини олиб турсин, яхшиликка (ҳайит намозига) қатнашсин ва мўъминлар бирлан дуо ўқисин!»—дебдилар. Умму Атиййадан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам фалон нарсалар ҳақида не деганлар, эшитганмисиз?» —деб сўрадим, «Ҳа, отам. ҳаққи-ҳурмати, эшитганман (ул, Жаноб Расулulloҳнинг номларини тилга олганда, кўпинча «отам ҳаққи-ҳурмати»,— деб кўярди). Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эндигина бўйига етган қизларга ҳам, паранжи ёпинадирган аёлларга ҳам, ҳайз кўрган хотинларга ҳам намозга чиқмоқни буюрар эрдилар»,— деди. «Ҳайз кўрган хотинларга ҳамми?» — деб сўрадим. Шунда у: «Ҳа, ҳайз кўрган хотин Арафотга чиқмайдирми? Ёким фалон қилмайдирми, ё пистон

қилмайдирми? дея ҳаж маросимларини санай кетди».

### **21-боб. Ҳайз кўрган хотинларнинг намозгоҳдан нарида турмоғи**

*Умму Атиййа:* «Бизга намозгоҳга чиқмакни буюришар эрди, ҳайз кўрганлар ҳам, эндигина бўйига етган қизлар ҳам, паранжи ёпинадирган аёллар ҳам, ҳаммамиз чиқардик. Аммо, ҳайз кўрган хотинлар намозгоҳдан четда туриб иштирок этишди»,— дейдилар.

### **22-боб. Ҳайит куни намозгоҳда қурбонлик қилмоқ**

494 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَنْحَرُ أَوْ يَذْبَحُ بِالْمُصَلَّى .

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Қурбон ҳайити куни намозгоҳда (туя, сигир ёким қўй) сўйиб қурбонлик қилур эрдилар».

### **23-боб. Ҳайит намози хутбасида имом ва одамларнинг гапирмоғи; Имомдан бирор нарса тўғрисида сўралса, жавоб берадирми?**

*Барро ибн Озиб ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Қурбон ҳайити куни намоздан сўнг хутбага чиқиб: «Кимки биз сингари намоз ўқиб, қурбонлик қилғайдир, ул шубҳасиз тўғри қурбонлик қилибдир. Кимки қурбонликка аталган қўйни ҳайит намозидан аввал сўйган эрса, ул қурбонлик эрмас, гўштдир!» — дедилар. Шунда Абу Бурда ўрнидан туриб: «Ё Расулulloҳ, Оллоҳга қасамёд этиб айтурменким, ҳайит намозига чиқишдан олдин қурбонликка аталган қўйни, бугун еб-ичадирган кун деб тушуниб, шошиб сўйиб қўйибман. Гўштидан ўзим ҳам едим, қўшнилари ва бола-чақаларимга ҳам едирдим»,— деди. Шунда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Ул гўштга сўйилган қўйдир!»—дедилар. Абу Бурда: «Менда бир яшар эчки бор, икки яшар қўйдан ҳам яхшироқ, ўшани сўйсам, қурбонликка ўтғайдирми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, бўлур, лекин бу сендан кейин бирор кишига ҳам рухсат этилмағайдир!» — дедилар. Кейин, яна бундай деб қўшиб қўйдилар: «Кимки ҳайит намозидан аввал қурбонлик сўйган бўлса, намоздан кейин ўрнига бошқасини сўйсин! Кимки сўймаган бўлса, намоздан кейин «Бисмиллоҳ» деб сўйсин!»

### **24-боб. Ҳайит намозидан қайтаётганда борган йўл қолиб, бошқа йўлдан юрганлари**

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Қурбон ҳайити куни ҳайит намозини ўқиб, кейин хутбага чиқдилар. Ким намоздан аввал қурбонликни сўйиб қўйган бўлса, қайтадан сўймоқни буюрдилар. Шунда ансорийлардан бир киши туриб: «Ё Расулаллоҳ, менинг қўшнилари бор («улар муҳтожроқ ёким фақирроқ»,— деди), . шунинг учун мен намоздан аввал қурбонликни сўйдим. Менда яна бир яшар эчкича бор, у менга иккита қўзидан ҳам афзал,— деди. Расулulloҳ унга ўша эчкини қурбонлик қилмоқни буюрдилар».

*Жундуб разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳайит куни намоз ўқиб, хутба қилдилар, сўнг қурбонлик сўйдилар».

495 . عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَانَ يَوْمَ عِيدِ خَالَفَ الطَّرِيقَ .

*Жобир разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳайит куни намозга борган йўл қолиб, бошқа йўлдан қайтар эрдилар».

## 25-боб. Ҳайит намозига улгурмай қолган эркаклар ҳам, намозгоҳга кела олмаган хотинлар ҳам, уйда ва қишлоқда қолганлар ҳам икки ракъат намоз ўқийдир

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Бу кун (яъни, ҳайит) биз аҳли исломларнинг байрамимиздир!» — деб айтганлар.

Анас ибн Молик шаҳардан четда яшовчи Ибн Абу Утба деган мавлосига (озод қилинган қулига) бола-чақаларини йиғмоқни буюрди, Ибн Абу Утба бола-чақаларини чақириб келгач, Анас шаҳарликлар қандай намоз ўқиб, такбир айтишса, ўшандай намоз ўқиб, такбир айтди. «Қора халқ ҳайитда тўпланиб,— дейди Икрима,— мамлакат бошлиғи ўқигандек икки ракъат намоз ўқийдир». «Ҳайит намозига улгурмай қолган одам икки ракъат намоз ўқийдир»,— дейди Ато.

496 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ دَخَلَ عَلَيْهَا وَعِنْدَهَا جَارِيَتَانِ ، فِي أَيَّامٍ مِنِّي ، تُدْفِنَانِ وَتَضْرِبَانِ ، وَالتَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُتَعَشٍ بِثَوْبِهِ ، فَانْتَهَرَهُمَا أَبُو بَكْرٍ فَكَشَفَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ وَجْهِهِ فَقَالَ : ( دَعُهُمَا يَا أَبَا بَكْرٍ فَإِنَّهَا أَيَّامٌ عِيدٍ ، وَتِلْكَ الْأَيَّامُ أَيَّامٌ مِنِّي ) .

وَقَالَتْ عَائِشَةُ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتُرُنِي ، وَأَنَا أَنْظُرُ إِلَى الْحَبَشَةِ وَهُمْ يَلْعَبُونَ فِي الْمَسْجِدِ ، فَزَجَرَهُمْ عُمَرُ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( دَعُهُمْ ، أَمَّا بَنِي أَرْفَدَةَ ) .

*Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абу Бакр Оиша онамизнинг ҳузурларига кирдилар. Оиша онамиз олдиларида икки чўри қиз, Мино кунлари бўлишига қарамай, доира чалиб ўйнашар эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кийимларига бурканиб ётар эрдилар. Абу Бакр Сиддиқ чўриларни койиб бердилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ юзларини очиб: «Қўяберинг уларни, эй Абу Бакр! Бу кунлар байрам кунлари, Минога чиқадиган кунлар» — дедилар. Оиша онамиз: «Масжид ҳовлисида ҳарбий ўйин ўйнаётган ҳабашларни томоша қилаётганимда Жаноб Расулulloҳ мени пана қилиб турганларини эслайман. Ўшанда (Умар) ўйинни тўхтатган эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эса Умарга: «Қўяберинг, биз уларга рухсат бердик, ўйнаверинглар, эй Баний Арфада!» деган эрдилар»,— дейдилар».

## 26-боб. Ҳайит намозидан аввал ва ундан кейин намоз ўқиш мумкинми?

Абулмуъалло: «Ибн Аббос, ҳайит намозидан аввал намоз ўқиш макруҳ, деб айтибдилар, буни менга Саъид айтди»,— дейдилар.

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рўза ҳайитида намозгоҳга чиқдилар ва икки ракъат ҳайит намози ўқидилар. Ҳайит намозидан аввал ҳам, кейин ҳам бошқа намоз ўқимадилар. Ўшанда Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга Билол ҳам бор эрди».

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

### 27-боб. Витр ҳақидаги ҳадислар

497 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، عَنْ صَلَاةِ اللَّيْلِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( صَلَاةُ اللَّيْلِ مَثْنَى مَثْنَى ، فَإِذَا خَشِيَ أَحَدُكُمْ الصُّبْحَ صَلَّى رَكْعَةً وَاحِدَةً تُوتِرُ لَهُ مَا قَدْ صَلَّى ) .

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан тунда ўқиладиган намоз ҳақида сўради. Шунда Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тунги намоз икки ракъат-икки ракъатдан ўқилғайдир. Қайси бирингиз намози бомдоднинг қазо бўлиб қолишидан чўчисангиз, бир, ракъат

ўқингиз, шу ўқиганингиз витр бўлғайдир»,— дедилар».

*Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Умар витр намозининг биринчи ракъати бирлан иккинчи ракъати ўртасида ҳам салом берар, ҳатто бирор ҳожатлари бўлса, бажариб келмакни буюрар эрдилар».

*Курайб разияллоҳу анҳуга Ибн Аббос қуйидаги ҳадисни айтиб берган эркаллар:* «Бир куни Маймуна холамникида тунаб қолдим. Ёстиқнинг энсиз томонига мен, энли томонига эрса Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан хотинлари — Маймуна холам бош қўйиб ётдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ярим кечагача ухладилар. Сўнг, ўринларидан туриб уйқуни кетказиш учун юзларини қўллари бирлан ишқадилар. Кейин, «Оли Имрбн» дан 10 оят ўқидилар, сўнг ўринларидан туриб, осиклиқ мешчани олиб яхшилаб таҳорат қилдилар. Кейин, намозга турдилар. Мен ҳам таҳорат олиб ёнларига бориб турдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўнг қўллари бирлан қулоғимни (эркалатиб) ишқаб қўйдилар, сўнг икки ракъат, кейин икки ракъат, кейин икки ракъат, кейин икки ракъат, кейин икки ракъат, кейин яна икки ракъат намоз ўқидилар. Кейин, бир ракъат витр ўқидилар, сўнг муаззин келгунча ёнбошладилар. Муаззин келгандан кейин ўринларидан туриб икки ракъат намоз ўқидилар, кейин ҳужраларидан чиқиб одамлар бирлан икки ракъат бомдод ўқидилар».

*Абдуллоҳ ибн Умар нақл қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кечасиги намоз икки ракъат-икки ракъатдан ўқилғайдир. Намоздан уйингга қайтгинг келганда бир ракъат ўқигил. Ўша юқорида ўқиган намозларингнинг ҳаммаси витр бўлғайдир»,— дедилар. Қосим: «Балоғатга етганимиздан (яъни, масжидга чиқадиган бўлганимиздан) бошлаб, одамларнинг уч ракъатдан витр ўқиётганини кўрдик. Бир ракъат ўқишнинг ҳам, уч ракъат ўқишнинг ҳам, менимча ҳеч бир зарари бўлмаса керак»,— дейди».

498 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، كَانَ يُصَلِّي إِحْدَى عَشْرَةَ رَكْعَةً ، كَانَتْ تَلْكَ صَلَاتَهُ ، تَعْنِي بِاللَّيْلِ ، فَيَسْجُدُ السَّجْدَةَ مِنْ ذَلِكَ قَدْرَ مَا يَقْرَأُ أَحَدُكُمْ خَمْسِينَ آيَةً قَبْلَ أَنْ يَرْفَعَ رَأْسَهُ ، وَيَرْكَعُ رَكْعَتَيْنِ قَبْلَ صَلَاةِ الْفَجْرِ ، ثُمَّ يَضْطَجِعُ عَلَى شِقِّهِ الْأَيْمَنِ ، حَتَّى يَأْتِيَهُ الْمَوْذَنُ لِلصَّلَاةِ .

*Урва ибн Зубайрга Оиша онамиз бундай дебдилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўн бир ракъат витр ўқир эрдилар (тунда ўқийдирган намоз назарда тутилаётир). Сажда қилганларида, сиз 50 оят ўқимакка қанча вақт сарф қилсангиз, ўшанча муддат бош кўтармай турардилар. Намози бомдодни ўқишдан аввал икки ракъат суннат ўқир эрдилар. Сўнг, муаззин келиб намозга чақиргунча ўнг қўллари босиб ёнбошлаб ётар эрдилар».

## 28-БОБ. Витр ўқиладирган вақтлар

*Абу Ҳурайра:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйқуга ётишдан аввал витр ўқимакни тавсия қилдилар»,— дейдилар.

*Анас ибн Сирин:* «Айтинг-чи, намози бомдоддан аввал ўқиладирган икки ракъат суннатни узунроқ қироат қилайинми?» — деб Ибн Умардан сўрабдилар. Ибн Умар бундай деб жавоб берибдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси икки ракъат-икки ракъат намоз ва бир ракъат витр ўқир эрдилар. Намози бомдоддан аввал ,эрса, тезлик бирлан икки ракъат намоз ўқиб олар эрдилар».

499 . وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كُلُّ اللَّيْلِ أُوتِرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَأَنْتَهَى وَثُرُهُ إِلَى السَّحْرِ

*Оиша онамиз:* «Ҳар кеча Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тонг отаргача витр ўқир эрдилар»,— дейдилар.

## 29-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинларини витрга уйғотганлари

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси намоз ўқир эрдилар. Мен эрсам, ул кишининг рўпараларида кўндаланг бўлиб тўшақда ётар эрдим. Қачон витр ўқийдирган бўлсалар, мени уйғотар эрдилар, мен ҳам витр ўқир эрдим».

### 30-боб. Намозхон кечаоиги намознинг охирини витр қилсин!

500 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( اجْعَلُوا آخِرَ صَلَاتِكُمْ بِاللَّيْلِ وَتَرًا ) .

*Абдуллоҳ ибн Умар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кечасиги намозингизнинг охирини витр қилингиз!» деб айтганлар»,— дейдилар.

### 31-боб. От-улов устида витр ўқимоқ

*Саъид ибн Ясор ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Умар бирлан бирга Макка кўчаларидан бирида кетаётган эрдим. Шунда тонг отиб қолмоғидан қўрқиб, одан тушдим-да, витр ўқиб олдим. Кейин, Абдуллоҳга етиб олдим. Абдуллоҳ менга: «Қаерда қолиб кетдинг?»—деди. Тонг отиб қолмоғидан қўрқиб, витр ўқиб олдим, дедим. Абдуллоҳ: «Бу борада Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ибрат олсанг бўлмайдирми?!» — деди. «Оллоҳ ҳаққи, албатта шундоқ»,—дедим. Абдуллоҳ: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туя устида ҳам витр ўқир эрдилар»,— деди».

### 32-боб. Сафарда витр ўқимоқ

501 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُوتِرُ عَلَيَّ الْبَعِيرِ .

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда қаёққа қараб кетаётган бўлсалар, ўша томонга қараб улов устида имо-ишора бирлан, кечасиги нафл намозларини ўқиб кетаверар эрдилар. Лекин, фарз ва витр намозларини улов устида ўқимас эрдилар».

### 33-боб. Рукуъдан аввал ва рукуъдан кейин Қунут дуосини ўқимоқ

502 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ سُئِلَ أَقْنَتَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الصُّبْحِ ؟ قَالَ : نَعَمْ فَقِيلَ : أَوْ قُنْتَ قَبْلَ

الرُّكُوعِ ؟ قَالَ : قُنْتُ بَعْدَ الرُّكُوعِ يَسِيرًا .

وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سُئِلَ عَنِ الْقُنُوتِ فَقَالَ :

قَدْ كَانَ الْقُنُوتُ ، فَقِيلَ لَهُ : قَبْلَ الرُّكُوعِ أَوْ بَعْدَهُ ، قَالَ : قَبْلَهُ ؟ قِيلَ : فَإِنْ فَلَانَا أَحْبَبَ عَنْكَ أَنْتَ قُلْتَ بَعْدَ الرُّكُوعِ ، قَالَ : كَذَبٌ ، إِنَّمَا قُنْتُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْدَ الرُّكُوعِ شَهْرًا أَرَاهُ كَانَ بَعَثَ قَوْمًا يَقَالُ لَهُمُ الْقُرْآنُ ، زُهَاءَ سَبْعِينَ رَجُلًا إِلَى قَوْمٍ مُشْرِكِينَ دُونَ أَوْلِيكَ ، وَكَانَ بَيْنَهُمْ وَبَيْنَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَهْدٌ ، فَقُنْتُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَهْرًا يَدْعُو عَلَيْهِمْ .

وَفِي رِوَايَةٍ عَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قُنْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَهْرًا يَدْعُو عَلَيَّ رِغْلٍ وَذَكَوَانَ .

وَعَنْهُ أَيْضًا : قَالَ : كَانَ الْقُنُوتُ فِي الْمَغْرِبِ وَالْفَجْرِ .

*Муҳаммад ибн Сирин ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозида Дуои Қунутни ўқирмидилар?» — деб Анасдан сўрашди. «Ҳа, ўқир эрдилар»,— дедилар. «Рукуъдан аввал ўқиганмилар?» — дейишди яна. «Рукуъдан бир оз кейинроқ»,— дедилар».

*Осим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Анас ибн Моликдан Дуои Қунут тўғрисида сўрадим. «Қунут — шаръий, бор нарса»,— дедилар. «Рукуъдан аввалми ёким кейинми?» — дедим. «Рукуъдан аввал»,— дедилар. «Менга фалончи айтдиким, сиз «Рукуъдан кейин» деган эмишсиз?!» — дедим. «Ёлғон айтибдир!— дедилар Анас ибн Молик, — гап шундаким, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бир ойгина рукуъдан кейин Қунут ўқиганлар. Ўшанда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам етмишга яқин қориларни мушрик қавмлардан бирига (исломга даъват қилгани) юборган эрдилар. Ҳар икки томон ўртасида сулҳ тузилганлигига қарамай, мушриклар қориларни ўлдиришган эрди. Шу боисдан Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бир ой мобайнида беш вақт намознинг охириги ракъатларида ўлдирганларни дуои бад қилиб Қунут дуосини ўқигандилар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бир ой давомида беш вақт намознинг охириги ракъатларида Раъл ва Заквон қабилаларини дуои бад қилиб, Қунут дуосини ўқидилар».

Анас разияллоҳу анҳу: «Қунут шом ва бомдод намозларида ўқилар эрди»,— дейдилар.

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

### 34-боб. Оллоҳ таолодан ёмғир сўрамоқ; Жаноб Расулulloҳнинг ёшғир сўраб илтижо қилганлари

*Ибод ибн Тамимнинг амакилари бундай деган эканлар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолодан ёмғир сўрамоқ учун (намозгоҳга) чиқдилар, сўнг ридоларини таналарига яхшилаб ўраб олиб, илтижо қила бошладилар».

### 35-боб. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг «Илоҳи, уларга Юсуф алайҳиссалом даврларидагидек қурғоқчилик (йилларини) юборгил!» деб дуои бад қилганлари ҳақида

504 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا رَفَعَ رَأْسَهُ مِنَ الرَّكْعَةِ الْآخِرَةِ يَقُولُ : ( اللَّهُمَّ أَنْجِ عِيَّاشَ بْنَ أَبِي رَيْبَعَةَ ، اللَّهُمَّ أَنْجِ سَلْمَةَ بْنَ هِشَامٍ ، اللَّهُمَّ أَنْجِ الْوَلِيدَ بْنَ الْوَلِيدِ اللَّهُمَّ أَنْجِ الْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ، اللَّهُمَّ اشْدُدْ وَطْأَتَكَ عَلَيَّ مُضَرَ ، اللَّهُمَّ اجْعَلْهَا سِنِينَ كَسَنِي يُوسُفَ ) . وَأَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( غِفَارُ غَفَرَ اللَّهُ لَهَا وَأَسْلَمُ سَأَلَهَا اللَّهُ ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳар доим охириги ракъатдан бош кўтарганларида: «Илоҳи, Ийош ибн Абу Рабиъага нажот бергил! Илоҳи, Салама ибн Ҳишомга нажот бергил! Илоҳи, Валид ибн Валидга нажот бергил! Илоҳи, заиф мўъминларга нажот бергил! Илоҳи, Музар қабиласига нисбатан азобингни кучайтириб, уларга Юсуф алайҳиссалом даврларидагидек қурғоқчилик (йилларини) юборгил!» — деб илтижо қилар эрдилар. Кейин, яна: «Оллоҳ таоло Фифор (қабиласининг) гуноҳларини мағфират қилсин! Оллоҳ таоло Аслам (қабиласига) омонлиқ берсин!» — деб қўяр эрдилар».

*Ибн Абу аз-Зинод:* «Жаноб Расулulloҳ бу дуоларнинг ҳаммасини бомдод намозида айтар эрдилар, деб отам айтгандилар»,— дейди.

505 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمَّا رَأَى مِنَ النَّاسِ إِدْبَارًا ، قَالَ : ( اللَّهُمَّ سَبِّعَا كَسْبِعَ يَوْسُفَ ) . فَأَخَذَتْهُمْ سَنَةٌ حَصَّتْ كُلُّ شَيْءٍ ، حَتَّى أَكَلُوا الْجُلُودَ وَالْمَيْتَةَ وَالْجِيفَ ، وَيَنْظُرُ أَحَدُهُمْ إِلَى السَّمَاءِ فَيَرَى الدُّخَانَ مِنَ الْجُوعِ ، فَأَتَاهُ أَبُو سُفْيَانَ فَقَالَ : يَا

مُحَمَّدُ إِنَّكَ تَأْمُرُ بِطَاعَةِ اللَّهِ وَبِصَلَةِ الرَّحِمِ ، وَإِنَّ قَوْمَكَ قَدْ هَلَكُوا فَادْعُ اللَّهَ لَهُمْ ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى : ﴿ فَارْتَقِبْ يَوْمَ تَأْتِي السَّمَاءُ بِدُخَانٍ مُّبِينٍ ﴾ إِلَى قَوْلِهِ : ﴿ عَائِدُونَ ﴾ يَوْمَ نَبْطِشُ الْبَطْشَةَ الْكُبْرَى ﴾ . فَالْبَطْشَةُ يَوْمَ بَدْرٍ وَقَدْ مَضَتِ الدُّخَانُ ، وَالْبَطْشَةُ وَاللِّزَامُ وَآيَةُ الرُّومِ .

*Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳузурда ўтирган эрдик. Шунда ул: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурайш аҳлининг исломдан юз ўгирганини кўриб, «Илоҳи, Қурайшга етти йил давомида Юсуф алайҳиссалом даврларидагидек қаҳатчилик юборғил!» деб дуои бад қилгандилар»,—деди. Кейин, шундан сўнг бўлган воқеаларни бирма-бир ҳикоя қилиб берди: «Қурайш бошига қаҳатчилик тушди, ўсимликларнинг барча тури қуриб, қовжираб кетди. Қурайшликлар ҳаром ўлган ҳайвонларнинг ҳатто терисигача еб битиришди. Очликдан силлалари қуриб, осмонга қарасалар, кўзлари тиниб, бошлари айланадирган бўлиб қолди. Шунда Абу Суфён Жаноб Расулulloҳ ҳузурларига келиб: «Эй Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам, сиз бизга Оллоҳга итоат қилмакни ва қариндошчиликка риоя қилмакни буюрғайсиз-ку! Қариндошларингиз бўлмиш Қурайш аҳли қаҳатчилик ва очликдан ҳалок бўлмоқда, уларнинг ҳаққига Оллоҳ таолодан нажот тилаб, дуо қилингиз!» — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ Оллоҳ таоло ояти каримасининг «Осмонни тутун қоплайдирган кунни кутғил!» деган жойидан, «... Биз қаттиқ жазолаб (уриб), қасос оладирган кунни кутғил!» деган жойигача ўқидилар. (Мана, ўзингиз билурсиз) осмонни тутун қоплайдирган кун ҳам, қаттиқ жазолаб (уриб), ўч оладирган кун ҳам бўлиб ўтди. Ушанда Жаноб Расулulloҳ ўқиган оятлари—«Рум» сурасининг дастлабки оятидир».

### 36-боб. Қаҳатчилик бўлганда одамларнинг «Оллоҳ таолодан ёмғир тилаб беринг!» деб имомга айтмоғи

*Абдуллоҳ ибн Динорга оталари қўйидагича ривоят қилган эрканлар:* «Ибн Умарнинг «Эй Танграм, бева-бечоралар ва етим-есирлар ҳаққи, ёмғир, ёғдирғил!» деган мазмундаги Абу Толиб ёзган шеърни ўқиб илтижо қилаётганини эшитдим».

506 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : رَبِّمَا ذَكَرْتُ قَوْلَ الشَّاعِرِ ، وَأَنَا أَنْظِرُ إِلَى وَجْهِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتَسْقِي ، فَمَا يَنْزِلُ حَتَّى يَجِيئَ كُلُّ مِزَابٍ ، وَهُوَ قَوْلُ أَبِي طَالِبٍ :  
وَأَبْيَضُ يُسْتَسْقَى الْعَمَامُ بِوَجْهِهِ ثِمَالُ الْيَتَامَى عَصْمَةَ لِلْأَرَامِلِ

*Солимга отаси Абдуллоҳ ибн Умар бундай деб айтган эрканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарда туриб ёмғир сўрашлари биланоқ юзларига ёмғир томчилай бошлаганини кўрганимда шоир Абу Толибнинг «Эй Танграм, бева-бечоралар ва етим-есирлар ҳаққи, ёмғир ёғдирғил!» деган мазмундаги шеъри ёдимга тушган эрди шекилли».

507 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ كَانَ إِذَا قَحَطُوا اسْتَسْقَى بِالْعَبَّاسِ بْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ ، فَقَالَ : اللَّهُمَّ إِنَّا كُنَّا نَتَوَسَّلُ إِلَيْكَ بِنَبِيِّنَا فَتَسْقِينَا ، وَإِنَّا نَتَوَسَّلُ إِلَيْكَ بِعَمِّ نَبِيِّنَا فَاسْقِنَا ، قَالَ فَيَسْقُونَ .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ҳазрат Умар, қурғоқчилик бўлганда, Аббос ибн Абд ул-Муталлибни ўртага қўйиб Оллоҳдан ёмғир сўрар эрдилар. «Илоҳий, биз сендан пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламни ўртага қўйиб ёмғир сўрар эрдик, ёмғир берар эрдинг. Энди биз Расулulloҳнинг амакиларини ўртага қўйиб сендан ёмғир сўраймиз, ёмғир берғил бизга!» деб илтижо қилур эрдилар. Сўнг, Оллоҳ таоло ёмғир юборар эрди».

### 37-боб. Ёмғир сўраётганда ридони танага яхшилаб ўраб олмоқ

503 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : خَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتَسْقِي وَحَوْلَ رِدَاءَهُ .  
وَفِي رِوَايَةٍ عَنْهُ : وَصَلَّى رَكَعَتَيْنِ .

*Абдуллоҳ ибн Зайд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ридоларини яхшилаб ўраб олиб, кейин Оллоҳ таолодан ёмғир сўрадилар».

*Абдуллоҳ ибн Зайд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозгоҳга чиқиб, ёмғир сўрадилар. Сўнг, қиблага қараб туриб ридоларини таналарига яхшилаб ўраб олдиларда, икки рақъат намоз ўқидилар».

### 38-боб. Жомеъ масжидида ёмғир сўрамоқ

508 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ رَجُلًا دَخَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ مِنْ بَابٍ ، كَانَ وَجَاهَ الْمَنْبَرِ ، وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَائِمٌ يَخْطُبُ ، فَاسْتَقْبَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَائِمًا ، فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، هَلَكْتَ الْمَوَاشِي ، وَأَنْقَطَعَتِ السُّبُلُ ، فَادْعُ اللَّهَ يُعِثْنَا . قَالَ : فَرَفَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدَيْهِ فَقَالَ : ( اللَّهُمَّ اسْقِنَا ، اللَّهُمَّ اسْقِنَا ) . قَالَ أَنَسٌ : وَلَا وَاللَّهِ ، مَا نَرَى فِي السَّمَاءِ مِنْ سَحَابٍ ، وَلَا قَرَعَةً ، وَلَا شَيْئًا ، وَمَا بَيْنَنَا وَبَيْنَ سَلْعٍ مِنْ بَيْتٍ وَلَا دَارٍ . قَالَ : فَطَلَعَتْ مِنْ وَرَائِهِ سَحَابَةٌ مِثْلُ التُّرْسِ ، فَلَمَّا تَوَسَّطَتْ السَّمَاءَ انْتَشَرَتْ ، ثُمَّ أَمْطَرَتْ ، قَالَ : وَاللَّهِ مَا رَأَيْنَا الشَّمْسَ سِتًّا ، ثُمَّ دَخَلَ رَجُلٌ مِنْ ذَلِكَ الْبَابِ فِي الْجُمُعَةِ الْمُقْبِلَةِ ، وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَائِمٌ يَخْطُبُ ، فَاسْتَقْبَلَهُ قَائِمًا ، فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، هَلَكْتَ الْأُمُومَالُ وَأَنْقَطَعَتِ السُّبُلُ ، فَادْعُ اللَّهَ يُمَسِّكْهَا ، قَالَ : فَرَفَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدَيْهِ ثُمَّ قَالَ : ( اللَّهُمَّ حَوِّالَيْنَا وَلَا عَلَيْنَا ، اللَّهُمَّ عَلَى الْآكَامِ وَالْجِبَالِ ، وَالْأَجَامِ وَالظَّرَابِ ، وَالْأُودِيَةِ وَمَنَابِتِ الشَّجَرِ ) . قَالَ : فَانْقَطَعَتْ ، وَخَرَجْنَا نَمْشِي فِي الشَّمْسِ .

وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : فَرَفَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَفَعَ يَدَيْهِ ثُمَّ قَالَ : ( اللَّهُمَّ اغْنِنَا ، اللَّهُمَّ اغْنِنَا ، اللَّهُمَّ اغْنِنَا ) .

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Бир киши жумъа куни масжидга минбар тўғрисидаги эшикдан кирди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тик туриб хутба айтаётган эрдилар. Вояги киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга юзланиб, тик турган ҳолда: «Ё Расулulloҳ, чорва қирилик кетди, кўчалар ҳувиллаб қолди, Оллоҳ таолодан сўрангиз, бизга ёмғир берсин!»— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтариб: «Илоҳи, бизга ёмғир берғил! Йлоҳи» бизга ёмғир берғил! Илоҳи, бизга ёмғир берғил!» — деб уч марта дуо қилдилар. Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, ўшанда ҳаво мутлақо очик бўлиб, осмонда бир парча ҳам булут кўринмас эрди, хуллас, ҳавонинг ёмғир ёғадиган сиёғи йўқ эрди. Биз турган жой бирлан Салъ (Мадинаи Мунавварадаги тоғ) оралиғида бирорта уй ҳам, ҳовли ҳам йўқ эрди. Тўсатдая тоғ ортидан қалқонсимон бир булут пайдо бўлиб, тобора катталаша бошлади ва ниҳоят бутун осмонни қоплаб олди. Сўнг, ёмғир ёғди. Олти кун Қуёшни кўрмадик. Кейинги жумъада ҳам Расулulloҳ тик туриб хутба айтаётган эрдилар. Бирдан ўша эшикдан бир киши кириб келиб: «Ё Расулulloҳ, ёмғир кўплигидан чорва қирилик кетди, кўчалар ҳувиллаб қолди, Оллоҳ таолодан сўранг, ёмғирни тўхтатсин!» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтариб: «Илоҳи, атрофимизга ёғдирғил, устимизга ёғдирмағил! Илоҳи, тепаликларга, тоғларга, водийларга, ўтлоқларга ёғдирғил!»—деб дуо қилдилар. Дам ўтмай ёмғир тўхтади, масжиддан чиқиб кетаётганимизда Қуёш чарақлаб турарди». Кейинчалик, Шарийк разияллоҳу анҳу: «Жаноб Расулulloҳнинг олдиларига кейинги келган одам, ўша ёмғир сўраб келган одамнинг ўзимиди?» — деб сўраганда, Анас: «Ёдимда йўқ»,— деган эканлар.



### 39-боб. Жумъа хутбасида қиблага қарамай ёмғир сўрамоқ

*Анас ибн Молик ривоят қилади:* «Жумъа куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тик туриб хутба айтаётганларида қозихона томондаги эшикдан бир киши кириб келиб: «Ё Расулulloҳ, чорва қирилиб кетди, кўчалар ҳувиллаб қолди, Оллоҳдан сўраб берингиз, бизга ёмғир берсин!» — деди.

وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : فَرَفَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَفَعَ يَدَيْهِ ثُمَّ قَالَ : ( اللَّهُمَّ اغْنِنَا ، اللَّهُمَّ اغْنِنَا ، اللَّهُمَّ اغْنِنَا ) .

Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтариб: «Илоҳи, ёмғир берғил бизга! Илоҳи, ёмғир берғил бизга! Илоҳи, ёмғир берғил бизга!» — деб уч бор дуо қилдилар. Оллоҳга қасамёд этиб айтурменким, ҳаво очик бўлқб, осмонда бир парча ҳам булут йўқ эрди. Биз бирлан Салъ (Мадинаи Мунавварадаги тоғ) оралиғида на бирорта бино ва на ҳовли бор эрди. Ногаҳон тоғ ортидан қалқондек булут кўриниб, биз томонга кела бошлади, секин-аста катталашиб, бутун осмонни қоплаб олди. Кейин, ёмғир ёғди. Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, олти кунгача Қуёш юзини кўрмадик. Кейинги жумъа куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба айтиб турганларида ўша эшикдан бир киши кириб келиб: «Ё Расулаллоҳ, чорва қирилиб кетди, кўчалар ҳувиллаб қолди, Оллоҳдан сўрангиз, ёмғирни тўхтатсин!» — деди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтариб: «Илоҳи, атрофимизга ёғдирғил, устимизга ёғдирмағил! Илоҳи, тепаликларга, водийларга, боғу роғларга, ўтлоқларга ёғдирғил!» — деб дуо қилдилар. Бир оз ўтмай ёмғир тўхтади. Масжиддан чиққанимизда Қуёш чарақлаб турган эрди».

Кейинчалик, Шарийк разияллоҳу анҳу: «Жаноб Расулulloҳнинг олдиларига кейинги келган одам, ўша ёмғир сўраб келган одамнинг ўзимиди?» — деб сўраганда, Анас: «Ёдимда йўқ»,— деб айтган эканлар.

### 40-боб. Минбарда туриб ёмғир сўрамоқ

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Жумъа куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба айтиб турган эрдилар, бирдан бир киши кириб келиб: «Ё Расулulloҳ, ёмғир ёғмай қўйди, Оллоҳдан сўраб берингиз, бизга ёмғир берсин!» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилдилар, Оллоҳ таоло бизга ёмғир юборди. Шунчалик кўп ёғдики, ҳатто уйларимизга етолмай қолаёздик. Ёмғир келаси жумъагача тинмай ёғди. Шунда ёмғир сўраб келган (ёки бошқа бир) одам: «Ё Расулulloҳ, Оллоҳ таолодан сўраб берингиз, ёмғирни биздан бошқа ёққа юборсин!» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Илоҳи, атрофимизга ёғдирғил, устимизга ёғдирмағил!»—дедилар. Буни қарангки, булутларнинг ўша дамдаёқ ҳар томонга (ўннга-чапга) тарқаб кетаётганини кўрдим. Мадинанинг ўнг ва сўл томонларига ёмғир ёғди-ю, лекин Мадина аҳли устига ёғмади».

### 41-боб. Ёмғир сўрашда жумъа намознинг ўзи билангина кифояланмоқ

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, чорва қирилиб кетди, кўчалар ҳувиллаб қолди»,—деди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилиб эдилар, жумъадан жумъагача ёмғир ёғди. Бояги киши яна келиб: «Ё Расулulloҳ, уйлар босиб қолди, кўчалар ҳувиллаб қолди, чорва қирилиб кетди, Оллоҳ таолодан сўрангиз, ёмғирни тўхтатсин!»—деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Илоҳи, адирларга, паст-текисликларга, водийларга, экинзор ва ўтлоқларга ёғдирғил!» — деб дуо қилдилар. Ечилган кийим баданни қандоқ тарк 'этса, булут ҳам Мадина осмонини шундоқ тарк этди».

### 42-боб. Ёмғир кўп ёғиб, кўчалар ҳувиллаб қолганда дуо айтмоқ

*Анас ибн Молик ривоят қиладирлар:* «Бир киши Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, (қурфоқчиликдан) чорва қирилиб кетди, кўчалар ҳувиллаб қолди, Оллоҳ таолодан ёмғир сўраб берингиз!» — деди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилдилар, жумъадан жумъагача ёмғир ёғди. Сўнг, бир киши келиб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулulloҳ, уйлар бузилди, кўчалар ҳувиллаб қолди, чорва қирилди»,— деди. Шунда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам дуога қўл очиб: «Илоҳи, тоғ чўққиларига, адирлару водийларга, экинзору ўтлоқларга ёғдирғил! — дедилар. Булут Мадинадан «ечилган кийимдек» чиқиб кетди».

#### **43-боб. Жумъа кун Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ёмғир сўраганларида ридоларини яхшилаб ўраб олмаганлари тўғрисида айтилган гаплар**

*Анас ибн Молик ривоят қиладирлар:* «Бир киши Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга чорваси ҳалок бўлганию аҳли аёлининг қийналиб қолгани тўғрисида шикоят қилди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ёмғир сўраб дуо қилдилар».

Мазкур ҳадисда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ридоларини яхшилаб ўраб олганлари ҳақида ҳам, қиблага қараб дуо қилганлари тўғрисида ҳам ҳеч нарса дейилмаган.

#### **44-боб. Одамлар «Ёмғир сўраб берингиз!» деб илтимос қилса, имом рад қилмаслиги лозим**

*Анас ибн Молик ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бир киши келиб: «Ё Расулulloҳ, чорва ҳалок бўлди, кўчалар ҳувиллаб қолди, Оллоҳдан сўраб берингиз, бизга ёмғир берсин!» — деди. Жаноб Расулulloҳ дуо қилиб эдилар, жумъадан жумъагача ёмғир ёғди. Сўнг, бир киши келиб: «Ё Расулulloҳ, уйлар бузилиб кетди, кўчалар ҳувиллаб қолди, чорва қирилиб кетди»,— деди. Шунда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Илоҳи, тоғ устига, тепаликлар ва водийларга, экинзор ва ўтлоқларга ёғдирғил!»—дедилар. Булут «ечилган кийимдек» Мадинани тарк этди».

#### **45-боб. Мушриклар қаҳатчиликда мусулмонлардан шафқат қилишни сўраганда...**

*Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Ибн Масъуднинг ҳузурларига борган эрдим, менга куйидаги ҳадисни айтиб бердилар: «Қурайш аҳли исломга кирмоқни пайсалга солди. Шунда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам уларни дуои бад қилиб, Оллоҳ таолодан қаҳатчилик ва қурфоқчилик юборишини сўрадилар. Қурайш аҳли ўша йилларда ҳалокатга учраб, ҳатто ўлимтик ва суякларгача еди. Сўнг, Абу Суфён келиб: «Эй Мухаммад саллалллоҳу алайҳи ва саллам, бизга доимо раҳм-шафқатли бўлмоқни буюрдингиз, Қурайш эрса, сизнинг қавмингиз, улар қурфоқчилик ва қаҳатчиликдан ҳалокатга учраяпти. Оллоҳ таолодан уларга нажот тилангиз!» — дедилар. Шунда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам «Осмонни тутун қоплайдирган кунни кутғил!...» деган оятни ўқидилар. Мазкур кунлар ўтиб кетгач, мушриклар яна кофирлик қилавердилар., Бунга нисбатан Оллоҳ таоло: «Кофирларни қаттиқ жазолаб, қасос оладирган кун келғайдир, кутғил!»—деди. Бадр уруши бўлган кун — ўша кун эрди».

*Мансур разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолодан ёмғир сўраб дуо қилдилар, Оллоҳ таоло етти кун ёмғир ёғдирди. Одамлар ёмғир кўп ёғаётганидан шикоят қилишди. Расулulloҳ саллалллоҳу

алайҳи ва саллам: «Илоҳи, атрофимизга ёғдирғил, устимизга ёғдирмағил!» — деб илтижо қилдилар. Булут Мадина устидан тарқаб кетиб, фақат шаҳар атрофига ёмғир ёғди».

#### **46-боб. Ҳаддан зиёд ёмғир ёққанда «атрофимизга ёғдирғил, устимизга ёғдирмағил!» — деб илтижо қилмоқ**

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъада хутба айтиб турганларида одамлар ул кишига баланд овоз бирлан: «Ёмғир ёғмай қўйди, дов-дарахтлар қуриди, Оллоҳдан сўраб берингиз, бизга ёмғир юборсин!» — дейишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Илоҳи, бизга ёмғир берғил!» — деб икки марта дуо қилдилар. Оллоҳга қасамёд этиб айтурменким, ҳаво очиқ эрди, ҳатто осмонда бирор парча булут ҳам кўринмас эрди. Бирдан қаердандир булут пайдо бўлиб, ёмғир ёғди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбардан тушиб, жумъа намозини ўқидилар. Намоз ўқиб бўлганларида ҳам ёғаётган ёмғир келаси жумъагача тинмади. Келаси жумъа куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб хутба айтаётганларида одамлар қичқириб: «Ё Расулulloҳ, уйлар бузилиб кетди, кўчалар ҳувиллаб қолди, Оллоҳдан сўрангиз, ёмғирни тўхтатсин!» — дейишди. Шунда Расулulloҳ табассум қилиб: «Илоҳи, атрофимизга ёғдирғил, устимизга ёғдирмағил!» — деб дуо қилдилар. Мадинада ҳаво очилиб, ёмғир шаҳар атрофига ёға бошлади. Мадина устига бир томчи ҳам ёғмади. Мадинага қарасам, тож сингари товланиб турарди».

#### **47-боб. Тик турган ҳолда ёмғир сўраб дуо айтмоқ**

*Абу Исҳоқ разияллоҳу анҳу нақл қиладирлар:* «Абдуллоҳ ибн Язид ва ул киши бирлан бирга Барро ибн Озиб ҳамда Зайд ибн Арқам (Оллоҳ таоло улардан рози бўлсин) Оллоҳдан ёмғир сўраб саҳрога чиқдилар. Абдуллоҳ ибн Язид ва ул бирлан бирга чиққан одамлар оёқ яланг тик туришди. Абдуллоҳ ибн Язид Оллоҳ таолога истиғфор айтиб ёмғир сўради (минбарга чиқмади, чунким минбар йўқ эрди). Сўнг, азон ҳам, такбир ҳам айтмай, эшиттириб қироат қилиб, икки рақъат намоз ўқиди. Абдуллоҳ ибн Язид Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган саҳобалардан эрди».

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари бўлмиш Ибод ибн Тамимнинг амакилари бундай деб ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолодан одамларга ёмғир сўраб бермоқ учун улар бирлан намозгоҳга чиқдилар. Шунда минбарга чиқмай, тик турган ҳолда Оллоҳ таолодан ёмғир сўраб дуо қилдилар. Сўнг, қибла томон юзланиб, ридоларини яхшилаб ўраб олдилар-да, намоз ўқидилар, кейин ёмғир ёғди».

#### **48-боб. Ёмғир сўраб намоз ўқиганда овоз чиқариб қироат қилмоқ**

*Ибод ибн Тамим ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолодан одамларга ёмғир сўраб бермоқ учун намозгоҳга чиқдилар, қиблага юзланиб дуо қилдилар. Кейин ридоларини яхшилаб тузатиб олдилар-да, овоз чиқариб қироат бирлан намоз ўқидилар».

#### **49-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ёмғир сўраётганда) одамларга қандай қилиб орқа ўгириб турдилар?**

509 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

خَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتَسْقِي ، فَتَوَجَّهَ إِلَى الْقِبْلَةِ يَدْعُو ، وَحَوْلَ رِدَائِهِ ، ثُمَّ صَلَّى لِنَارِ كَعْتَبَيْنِ ، جَهَرَ فِيهِمَا بِالْقِرَاءَةِ

*Ибод ибн Тамимнинг амакилари ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Оллоҳдан одамларга ёмғир сўраб намозгоҳга чиққан кунлари кўрдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга орқаларини ўғирдиларда, қиблага қараб дуо қилдилар. Сўнг, ридоларини яхшилаб тузатиб олиб, икки ракъат намоз ўқидилар. Қироатлари бизга аниқ эшитилиб турди».

### **50-боб. Ёмғир сўраб ўқиладирган намоз икки ракъатдир**

*Ибод ибн Тамимнинг амакилари ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳдан ёмғир сўраб, икки ракъат намоз ўқидилар. Намоздан аввал ридоларини яхшилаб тузатиб олгандилар».

### **51-боб. Намозгоҳга чиқиб ёмғир сўрамоқ**

*Ибод ибн Тамимнинг амакилари ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозгоҳга чиқиб ёмғир сўрадилар. Ридоларини яхшилаб тузатиб олиб, икки ракъат намоз ўқидилар. Абу Суфёнга Ал-Масъудий, унга эса Абу Бакр бундай деган эрканлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ридоларини ўнгдан чапга ўраб, тузатиб олдилар».

### **52-боб, Ёмғир сўраётганда қиблага қараб турмоқ**

*Ибод ибн Тамимнинг амакилари ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолодан ёмғир сўраб намоз ўқигани одамлар бирлан намозгоҳга чиқдилар. Ридоларини тузатиб олдиларда, қиблага қараб дуо қилдилар».

### **53-боб. Имом ёмғир сўраётганда одамларнинг ҳам у бирлан баравар дуога қўл очмоқлари**

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Жумъа куни бир бадавий Расулulloҳ ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, чорва қирилиб кетди, бола-чақалар, одамлар ҳалок бўлди»,— деди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини очиб дуо қилдилар, одамлар ҳам баравар дуога қўл очишди. Буни қарангим, масжиддан чиқиб улгурмасимиздан устимизга ёмғир ёға бошлади. Ёмғир келаси жумъагача тинмади. Ҳалига киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига яна келиб: «Ё Расулulloҳ, йўлларда юриб бўлмайд қолганидан мусофирлар, кетолмай қолдилар»,— деди».

Яҳё ибн Саъид ва унинг шерикларига Анас: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини дуога кўтардилар ҳатто мен қўлтиқларининг оппоқлигини кўрдим»,— деб айтган эрканлар.

### **54-боб. Имомнинг ёмғир сўраётганда дўога қўл очмоғи**

510 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَرْفَعُ يَدَيْهِ فِي شَيْءٍ مِنْ دُعَائِهِ إِلَّا فِي الْاِسْتِسْقَاءِ ، فَإِنَّهُ يَرْفَعُ حَتَّى يُرَى بَيَاضَ إِبْطِيهِ .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч қачон қўлларини очиб дуо қилмас эрдилар. Аммо, Оллоҳ таолодан ёмғир сўраётганларидз қўлларини баланд кўтариб дуо қилар эрдилар, ҳатто қўлтиқларининг оппоқлиги кўринар эрди».

### **55-боб. Ёмғир ёққанда нима дейиладир?**

Ибн Аббос: «Қуръони Кариймдаги «Ав ка-саййибин» иборасидаги «саййиб» сўзи

ёмғир демақдир»,— дейдилар.

511 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا رَأَى الْمَطَرَ قَالَ : ( صَيِّبًا نَافِعًا ) .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ёмғир ёғаётганини кўриб: «Оллоҳумма саййибан нофиъан (Илоҳи, нафи тегадирган ёмғир берғил!)»,— деб айтар эрдилар».

### 56-боб. Соқолидан сув томгунча ёмғирда турган киши ҳақида

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қурғоқчилик йили бўлди. Жумъа кунларидан бирида Жаноб Расулulloҳ хутба айтиб турган эрдилар, бир бадавий ўрнидан туриб: «Ё Расулulloҳ, чорва қирилиб, кетди, бола-чақа оч қолди, Оллоҳдан бизга ёмғир сўраб берингиз!» — деди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини очиб дуо қилдилар, осмонда бир парча ҳам булут йўқ эрди. Ногаҳон, қаердандир тоғдек-тоғдек булут пайдо бўлди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбардан тушмасларидан соқолларидан ёмғир томчиларининг юмалаб тушаётганини кўрдим. Ёмғир ўша кунни ҳам, эртасига ҳам, индинига ҳам ёғиб, келаси жумъагача тинмади. Келаси жумъада бояги бадавий (ёким бошқаси) ўрнидан туриб: «Ё Расулulloҳ, уйлар босиб қолди, моллар фарқ бўлди; Оллоҳдан сўраб берингиз, ёмғирни тўхтатсин!»— деди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини очиб: «Илоҳи, атрофимизга ёғдирғил, устимизга ёғдирмағил!» — деб дуо қилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам осмоннинг қайси томонига ишора қилиб кўрсатсалар, ўша томондаги булутлар тарқаб кетар эрди. Ҳаттоки, Мадинаи Мунаввара тепаси доира шаклида очилиб қолди. Водийларда эрса, бир ой давомида ёмғир ёғиб анҳор-анҳор сел оқди. Ўша кунлари кимки водийдан биз томонга келса, нуқул мўл ёмғир ёғаётганидан гапирар эрди».

### 57-боб. Қаттиқ шамол эсганда...

512 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَتْ الرِّيحُ الشَّدِيدَةَ إِذَا هَبَّتْ ، عُرِفَ ذَلِكَ فِي وَجْهِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Ҳумайд разияллоҳу анҳу Анасдан бундай деб эшитган эрканлар:* «Қаттиқ шамол турса, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларида хавотир аломати сезилар эрди».

### 58-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳ таоло тонгги шамол ила менга зафар йўллади»,— деганлари

513 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( نُصِرْتُ بِالصَّبَا وَأُهْلِكْتُ عَادٌ بِالذَّبُورِ ) .

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло менга тонгги шамол ила зафар йўллади, Од қавмини эрса, Дабур шамоли (кун ботар томондан эсадирган кечки шамол) ила ҳалокатга учратди»,— дедилар».

### 59-боб. Зилзила ва ҳар хил офатлар тўғрисида айтилган ҳадислар

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Илм (ислом илми) бутунлай йўқ бўлмагунча, зилзила кўпаймагунча, вақт (умр) тез ўтадирган бўлмагунча, фитна ва гуноҳлар ошқора қилинадирган бўлмагунча қиёмат бўлмағайдир. Қиёматга яқин шунчалик бойиб кетғайдирсизким, ҳатто мол-дунёингиз (уйингизга) сиғмай кетғайдир»,— дедилар».

514 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِي شَامِنَا وَفِي يَمِينِنَا ) . قَالُوا : وَفِي نَجْدِنَا ، قَالَ : ( اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِي شَامِنَا وَفِي يَمِينِنَا ) . قَالُوا : وَفِي نَجْدِنَا ، قَالَ : ( هُنَاكَ الزَّلَازِلُ وَالْفِتَنُ ، وَبِهَا

يَطْلُعُ قَرْنُ الشَّيْطَانِ .

*Ибн Умар:* «Илоҳи, бизнинг ўнгу сўлимиздаги мамлакатларга баракот ато этгил!» — дедилар. «Бизнинг Наждга ҳам баракот ато этгил, денг!»— дейишди саҳобалар. *Ибн Умар:* «Ул ерда зилзилалар, фитналар бўлажақдир ҳамда шайтон жамоаси юзага келажақдир»,— дедилар.

### **60-боб. Оллоҳ таолонинг «Ризқни ёлгонга чиқармангиз!» деган ояти каримаси; Ибн Аббоснинг «ризқ» сўзини «шукр» деб талқин қилгани**

*Зайд ибн Холид ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам тунлардан бирида Худайбияда ёмғирдан намиққан ерда (бизга имомлик қилиб) бомдод намозини ўқидилар. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам намоздан сўнг одамларга ўгирилиб: «Билурмисиз, раббингиз не дейдир?»— деб айтдилар. Саҳобалар: «Оллоҳ ва унинг Расули билгайдир»,— дейишди. «Оллоҳ таоло: «Бандаларимнинг баъзилари менга иймон келтирди, баъзилари эрса, мени инкор қилиб, кофир бўлди. Кимки ёмғирни Оллоҳнинг бандаларига юборган марҳамати, дегайдир, ул мўмин бўлиб, сайёраларни илоҳ сифатида инкор этган бўлур, аммо кимки ёмғир сайёраларнинг ундоқ ёким бундоқ бўлмоғидан, дегайдир, ул кофир бўлиб, сайёраларга сиғинган бўлур, деб айтди»,— дедилар Жаноб Расулulloҳ».

### **61-боб. Ёмғир қачон ёғмоғини Оллоҳдан ўзгаси билмағайдир!**

*Абу Ҳурайра:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Бешта нарсани Оллоҳ таолодан ўзгаси билмағайдир, деганлар»,— дейдилар.

515 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مِفْتَاحُ الْغَيْبِ حَمْسٌ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا اللَّهُ : لَا يَعْلَمُ أَحَدٌ مَا يَكُونُ فِي غَدٍ ، وَلَا يَعْلَمُ أَحَدٌ مَا يَكُونُ فِي الْأَرْحَامِ ، وَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَادَا تَكْسِبُ غَدًا ، وَمَا تَدْرِي نَفْسٌ بِأَيِّ أَرْضٍ تَمُوتُ ، وَمَا يَدْرِي أَحَدٌ مَتَى يَجِيءُ الْمَطَرُ ) .

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Ройиб (инсон билолмайдиган) нарсалар бешта бўлиб, уларни Оллоҳнинг ўзигина билур, холос. Улар қуйидагилар: 1. Эртага не бўлмоғини билмас; 2. Ҳомиланинг ўғил ёким қиз эрканини билмас; 3. Эртага қай ердан ризқини топиб ёмоғини билмас; 4. Қай ерда ўлмоғини билмас; 5. Ёмғир қачон ёғмоғини билмас»,— дедилар».

## **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ КУН ТУТИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ КИТОБ**

### **1-боб. Қуёш тутилганда намоз ўқиш**

516 . عَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كُنَّا عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَانْكَسَفَتِ الشَّمْسُ ، فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَجْرُ رِدَاءَهُ حَتَّى دَخَلَ الْمَسْجِدَ ، فَدَخَلْنَا ، فَصَلَّى بِنَا رَكَعَتَيْنِ ، حَتَّى انْجَلَتِ الشَّمْسُ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنَّ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ لَا يَنْكَسِفَانِ لِمَوْتِ أَحَدٍ ، فَإِذَا رَأَيْتُمُوهُمَا فَصَلُّوا وَادْعُوا ، حَتَّى يَنْكَشِفَ مَا بَيْنَكُمْ ) .  
وَفِي رِوَايَةٍ عَنْهُ قَالَ : ( وَلَكِنْ يَخُوفُ اللَّهُ بِهِمَا عِبَادَهُ ) .

*Абу Бакр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида (суҳбатлашиб ўтирган) эрдик, Қуёш тутилиб қолди.

Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан турдилар-да, ридоларини судраб масжидга кириб кетдилар. Ортларидан биз ҳам кирдик. То Қуёш тутилиб бўлгунча биз бирлан бирга икки ракъат намоз ўқидилар (намозни чўзиб ўқидилар), сўнг: «Қуёш ва Ой бирор кишининг ўлгани учун тутилмағайдир. Қачонким Қуёш ёки Ой тутилганини кўрғайдирсиз, тутилиб бўлгунча намоз ўқиб ва дуо айтиб Оллоҳ таолога илтижо қилингиз!» — дедилар».

*Қайс разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуёш ва Ой бирор кишининг ўлгани учун тутилмағайдир, албатта. Лекин, улар Оллоҳ таолонинг чексиз қудратга эга эрканлигини исботловчи иккита далилдир. Қачонким уларнинг тутилганини кўрғайдирсиз, тезда ўрнингиздан туриб намоз ўқингиз!»— деган эрканлар. Буни менга Абу Масъуд айтди».

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуёш бирлан Ой бирор кишининг вафот этгани ёким туғилгани учун тутилмағайдир. Лекин, Қуёш бирлан Ой Оллоҳ таолонинг қудратини исботловчи иккита далилдир. Қачонким, уларнинг тутилганини кўрғайдирсиз, намоз ўқингиз!»— деганлар».

517 . عَنِ الْمُعْبِرَةِ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كَسَفَتِ الشَّمْسُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ مَاتَ إِبْرَاهِيمُ ، فَقَالَ النَّاسُ : كَسَفَتِ الشَّمْسُ لِمَوْتِ إِبْرَاهِيمَ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنَّ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ لَا يَنْكَسِفَانِ لِمَوْتِ أَحَدٍ وَلَا لِحَيَاتِهِ ، فَإِذَا رَأَيْتُمْ فَصَلُّوا وَادْعُوا اللَّهَ ) .

*Муғира ибн Шуъба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида Расулulloҳнинг ўғиллари Иброҳим вафот этган куни Қуёш тутилди. Шунда одамлар: «Иброҳим вафот этгани учун Қуёш тутилди»,— дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуёш бирлан Ой'бирор кишининг вафот этгани ёким туғилгани учун тутилмағайдир, қачонким уларнинг тутилганини кўрғайдирсиз, намоз ўқиб ва дуо айтиб, Оллоҳга сиғинингиз!» — деб айтдилар».

## 2-боб. Қуёш тутилганда садақа қилмоқ

518 . وَفِي رِوَايَةٍ عَنِ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ :

خَسَفَتِ الشَّمْسُ فِي عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَصَلَّى بِالنَّاسِ ، فَقَامَ فَأَطَالَ الْقِيَامَ ، ثُمَّ رَكَعَ فَأَطَالَ الرُّكُوعَ ، ثُمَّ قَامَ فَأَطَالَ الْقِيَامَ ، وَهُوَ دُونَ الْقِيَامِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ رَكَعَ فَأَطَالَ الرُّكُوعَ ، وَهُوَ دُونَ الرُّكُوعِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ سَجَدَ فَأَطَالَ السُّجُودَ ، ثُمَّ فَعَلَ فِي الرَّكْعَةِ الثَّانِيَةِ مِثْلَ مَا فَعَلَ فِي الرَّكْعَةِ الْأُولَى ، ثُمَّ انْصَرَفَ ، وَقَدْ انْجَلَتِ الشَّمْسُ ، فَخَطَبَ النَّاسَ ، فَحَمِدَ اللَّهُ تَعَالَى وَأَثْنَى عَلَيْهِ ، ثُمَّ قَالَ : ( إِنَّ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ آيَاتَانِ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ ، لَا يَنْخَسِفَانِ لِمَوْتِ أَحَدٍ وَلَا لِحَيَاتِهِ ، فَإِذَا رَأَيْتُمْ ذَلِكَ ، فَادْعُوا اللَّهَ ، وَكَبِّرُوا ، وَصَلُّوا وَتَصَدَّقُوا ) . ثُمَّ قَالَ : ( يَا أُمَّةَ مُحَمَّدٍ وَاللَّهِ مَا مِنْ أَحَدٍ أُغِيرُ مِنَ اللَّهِ أَنْ يَزِنِي عَبْدُهُ أَوْ تَزِينِي أُمَّتُهُ ، يَا أُمَّةَ مُحَمَّدٍ وَاللَّهِ لَوْ تَعْلَمُونَ مَا أَعْلَمَ لَضَحِكْتُمْ قَلِيلًا وَلَبَكَيْتُمْ كَثِيرًا ) .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида Қуёш тутилди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жамоат бирлан намоз ўқидилар. Қиёмда узоқ турдилар, сўнг рукуъ қилиб, рукуъда ҳам узоқ турдилар. Кейин, қадларини ростлаб, қиёмда узоқ турдилар, лекин рукуъдан аввалги қиёмга кўра камроқ турдилар. Сўнг, яна рукуъ қилдилар, рукуъда узоқ турдилар, лекин биринчи рукуъга нисбатан камроқ турдилар. Кейин, сажда қилдилар, саждада ҳам узоқ турдилар. Сўнги ракъатда ҳам шундоқ қилдилар. Намоз

тугаганда Қуёш тутилиб бўлганди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам одамларга хутба айтдилар. Кейин, Оллоҳга ҳамду санолар айтиб: «Қуёш бирлан Ой Оллоҳ таоло қудратини исботловчи иккита далилдир. Қачонким уларнинг тутилганини кўрғайдирсиз, Оллоҳга сиғиниб дуо қилингиз, такбир айтингиз ва намоз ўқингиз ҳамда садақа берингиз!»— дедилар. Сўнг, бир оз сукут сақлаб тургач: «Эй Муҳаммад уммати, Оллоҳга қасамёд қилиб айтурменким, хоҳ аёл ва хоҳ эркак банда бўлсин, зино қилса, Оллоҳдан кўра кўпроқ ғазабланиб, рашк қилғувчи зот бўлмаса керак! Агар мен билган нарсани билганингизда эрди, кўпроқ йиғлаб, камроқ кулар эрдингиз!» — деб қўшиб қўйдилар».

### 3-боб. Қуёш тутилганда жамоат бўлиб намоз ўқиш учун одамларни намозга чақирмоқ

519 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : لَمَّا كَسَفَتِ الشَّمْسُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . نُودِيَ : أَنْ الصَّلَاةُ جَامِعَةٌ .

*Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам даврларида Қуёш тутилганда жамоат бўлиб намоз ўқимоқ учун одамлар чақирилди»,

### 4-боб. Қуёш тутилганда имомнинг хутба айтмога

*Оиша онамиз ва уларнинг опалари:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Қуёш тутилганда одамларга хутба айтдилар»,— дейишади.

Урва разияллоҳу анҳу *Оиша онамиздан эшитиб ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳаёт даврларида Қуёш тутилди. Бун кўриб масжидга чиқдилар. Одамлар Жаноб Расулulloҳнинг орқаларида саф тортишди. Расулulloҳ такбири таҳрима айтиб намозни бошладилар. Сўнг, узоқ қироат қилдилар, кейин такбир айтиб рукуъ қилдилар, рукуъда узоқ турдилар. Сўнг, «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» деб рукуъдан турдилар. Саждага бормасдан аввал олдингига нисбатан қисқароқ қироат қилдилар. Сўнг, такбир айтиб рукуъ қилдилар, рукуъда аввалгига кўра камроқ турдилар, кейин «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу, раббано ва лака-л-ҳамд» деб сажда қилдилар. Сўнг, иккинчи ракъатда ҳам шундоқ қилдилар. Ундан кейин, Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам тўрт рукуъ ва тўрт сажда қилиб икки ракъат намоз ўқидилар. Қуёш тутилиб бўлганда ҳали намоз тугамаган эрди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб бўлгач, ўринларидан туриб Оллоҳга муносиб ҳамду санолар айтдилар, сўнг: «Қуёш бирлан Ой Оллоҳнинг қудратини исботловчи иккита далилдир. Улар бирор кишининг ўлгани ёким туғилгани учун тутилмағайдир. Агар (ким) уларнинг тутилганини кўрғайдирсиз, намоз ўқингиз!» — дедилар».

Урва разияллоҳу анҳу *Оиша онамиздан эшитиб ривоят қилиб берган мазкур ҳадисга монанд бошқа бир ҳадисни Аббос ҳам ҳикоя қилиб берган эрканлар:* «Зухрий разияллоҳу анҳу: «Аканг — Абдуллоҳ ибн Зубайр Қуёш тутилганда Мадинада намози бомдодга ўхшаш икки ракъат намоз ўқиди, ортиқча ҳеч нарса ўқимади-ку!»— деганларида, Урва: «Ҳа, тўғри, акам намознинг суннатида янглишдилар»,— деб айтган эркан».

### 5-боб. «Қуёш тутилди» деб айтиладирми ёким «Қуёш куйди» деб айтиладирми?

Оллоҳ таоло: «Ва хасафа-л-Қамар (Ой тутилди)»,— дейдир.

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам



Қуёш тутилган куни намоз ўқидилар. Ўринларидан туриб, аввал такбири таҳрима айтдилар, сўнг Сураи «Фотиҳа»ни ўқиб, унга узун бир сурани зам қилдилар. Кейин, узоқ рукуъ этдилар, сўнг «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» деб қадларини ростладилар, кейин аввалгидан кўра қисқароқ қироат қилдилар, сўнг узоқ сажда айладилар. Иккинчи ракъатда ҳам шундоқ қилдилар, сўнг салом бердилар. Қуёш тутилиб бўлгач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга хутба айтдилар. Жумладан, Қуёш ва Ойнинг тутилиши тўғрисида шундоқ дедилар: «Қуёш бирлан Ой Оллоҳнинг қудратини кўрсатувчи иккита далилдир. Улар бирор кишининг ҳаёти ёким вафоти туфайли тутилмағайдир. Агар ким уларнинг тутилганини кўрғайдирсиз, намоз ўқингиз!»

### **6-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳ таоло бандаларини Кун куйиши бирлан қўрқитғайдир» деган сўзлари тўғрисида**

*Абу Бакр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кун бирлан Ой Оллоҳ таоло қудратини намоён қилғувчи икки далилдир. Улар бирор кишининг ўлгани сабабли куймағайдир, бироқ Оллоҳ таоло бу бирлан бандаларини қўрқитғайдир»—дедилар.

### **7-боб. Қуёш тутилганда намоз ўқиётиб, Оллоҳдан гўр азобидан асрашини сўрамоқ**

520 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ يَهُودِيَّةً جَاءَتْ تَسْأَلُهَا ، فَقَالَتْ لَهَا : أَعَاذَكَ اللَّهُ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ ، فَسَأَلَتْ عَائِشَةَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَيْعَذَّبُ النَّاسُ فِي قُبُورِهِمْ ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَائِذَاً بِاللَّهِ مِنْ ذَلِكَ ، ثُمَّ رَكِبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ غَدَاةٍ مَرَكِبًا ، فَحَسَفَتِ الشَّمْسُ ، فَرَجَعَ ضَحَى ، فَمَرَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ ظَهْرَانِي الْحُجْرِ ، ثُمَّ قَامَ يُصَلِّي ، وَقَامَ النَّاسُ وَرَاءَهُ ، فَقَامَ قِيَامًا طَوِيلًا ، ثُمَّ رَكَعَ رُكُوعًا طَوِيلًا ، ثُمَّ رَفَعَ فَقَامَ قِيَامًا طَوِيلًا ، وَهُوَ دُونَ الْقِيَامِ الْأَوَّلِ ثُمَّ رَكَعَ رُكُوعًا طَوِيلًا ، وَهُوَ دُونَ الرُّكُوعِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ رَفَعَ فَسَجَدَ ، ثُمَّ قَامَ قِيَامًا طَوِيلًا ، وَهُوَ دُونَ الْقِيَامِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ رَكَعَ رُكُوعًا طَوِيلًا وَهُوَ دُونَ الرُّكُوعِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ قَامَ قِيَامًا طَوِيلًا وَهُوَ دُونَ الْقِيَامِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ رَكَعَ رُكُوعًا طَوِيلًا وَهُوَ دُونَ الرُّكُوعِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ رَفَعَ فَسَجَدَ وَأَنْصَرَفَ ، فَقَالَ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَقُولَ ، ثُمَّ أَمَرَهُمْ أَنْ يَتَعَوَّذُوا مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ .

*Умра бинти Абдуллаҳмондан:* «Бир яҳудий хотин Оиша онамиздан хайр-садақа сўраб келиб: «Оллоҳ таоло сени гўр азобидан асрасин!» — деди. Оиша онамиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Одамлар қабрда азобланғайдирми?» — деб сўрадилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳдан гўр азобидан паноҳ тилаб: «Ҳа, қабр азоби ҳақдир!»—дедилар. Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳарлаб улов миниб чиқиб кетдилар. Шу кун Қуёш тутилди. Жаноб Расулulloҳ эрталаб қайтдилар-да, хужраларининг орқасига ўтиб намоз ўқимоққа тутиндилар, одамлар ҳам Расулulloҳнинг орқаларида туриб намоз ўқишди. Жаноб Расулulloҳ қиёмда узоқ турдилару сўнг узоқ рукуъ қилдилар, кейин рукуъдан туриб, қиёмда аввалгидан кўра камроқ турдилар. Сўнг, аввалги рукуъдан қисқароқ рукуъ қилиб, кейин қадларини кўтардилар-да, сажда этдилар. Қадларини ростлагач, қиёмда аввалгидан кўра камроқ турдилар, кейин қисқароқ рукуъ қилиб, сўнг қадларини кўтардилар-да, саждага бош қўйдилар. Намозни тугатиб ўгирилгач, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ хоҳлаганча ваъз-насиҳат айладилар, Сўнг, одамларга Оллоҳ таолодан гўр азобидан нажот тиламоқни буюрдилар».

### 8-боб. Қуёш тутилганда ўқиладирган намоз саждаси ҳақида

*Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида Қуёш тутилганда одамлар жамоат бирлан намоз ўқимоқ учун чақирилдилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу аяайҳи ва саллам икки марта рукуъ қилиб, бир марта сажда этдилар. Кейин, туриб яна икки марта рукуъ ва бир марта сажда қилдилар., Сўнг, ўтирдилар. Қуёш ҳам тутилиб бўлди. Ушанда Оиша онамиз: «Бу намоздан кўра узунроқ намоз ўқимаган эрдим»,— деган эрдилар».

### 9-боб. Қуёш тутилганда ўқиладирган намозни жамоат бўлиб ўқимоқ

Ибн Аббос Зам-зам супасида жамоат бирлан намоз ўқидилар, унинг ўғли Али эрса, одамларни намозга тўплади, Ибн Умар ҳам жамоат бирлан намоз ўқидилар.

521 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

أَنخَسَفَتِ الشَّمْسُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَامَ قِيَامًا طَوِيلًا نَحْوًا مِنْ قِرَاءَةِ سُورَةِ الْبَقَرَةِ ، ثُمَّ رَكَعَ رُكُوعًا طَوِيلًا ، ثُمَّ رَفَعَ فَقَامَ قِيَامًا طَوِيلًا وَهُوَ دُونَ الْقِيَامِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ رَكَعَ رُكُوعًا طَوِيلًا وَهُوَ دُونَ الرُّكُوعِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ سَجَدَ ، ثُمَّ قَامَ قِيَامًا طَوِيلًا وَهُوَ دُونَ الْقِيَامِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ رَكَعَ رُكُوعًا طَوِيلًا وَهُوَ دُونَ الرُّكُوعِ الْأَوَّلِ ، ثُمَّ انصَرَفَ وَقَدْ تَجَلَّتِ الشَّمْسُ ، فَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنَّ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ آيَاتَانِ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ ، لَا يَخْسِفَانِ لِمَوْتِ أَحَدٍ وَلَا لِحَيَاتِهِ ، فَإِذَا رَأَيْتُمْ ذَلِكَ فَادْكُرُوا اللَّهَ ) . قَالُوا : يَا رَسُولَ اللَّهِ رَأَيْتَكَ تَتَأَوَّلْتُ شَيْئًا فِي مَقَامِكَ ، ثُمَّ رَأَيْتَكَ كَعَكَعْتَ ، قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنِّي رَأَيْتُ الْجَنَّةَ ، فَتَتَأَوَّلْتُ عَنُقُودًا ، وَلَوْ أَصْبَيْتُهُ لَأَكَلْتُمْ مِنْهُ مَا بَقِيََتِ الدُّنْيَا ، وَأُرَيْتُ النَّارَ ، فَلَمْ أَرَ مَنظَرًا كَالْيَوْمِ قَطُّ أَفْطَعُ ، وَرَأَيْتُ أَكْثَرَ أَهْلِهَا النِّسَاءَ ) . قَالُوا : بِمَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ؟ قَالَ : ( بِكُفْرِهِنَّ ) . قِيلَ : يَكْفُرْنَ بِاللَّهِ ؟ قَالَ : ( يَكْفُرْنَ الْعَشِيرَ ، وَيَكْفُرْنَ الْإِحْسَانَ ، لَوْ أَحْسَنْتَ إِلَى إِحْدَاهُنَّ الدَّهْرَ كُلَّهُ ، ثُمَّ رَأَتْ مِنْكَ شَيْئًا ، قَالَتْ مَا رَأَيْتُ مِنْكَ خَيْرًا قَطُّ ) .

*Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ даврларида Қуёш тутилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқимакка тутиндилар. Сураи «Бақара» қироатига кетган вақтча қиёмда турдилар, кейин юз оят ўқимакка кетган вақтча рукуъ қилдилар, сўнг қадларини ростлаб, «Оли Имрон» сурасини ўқимакка кетган вақтча қиёмда турдилар. Бу гал олдинги қиёмда турганларидан кўра камроқ вақт сарф айладилар. Кейин, узоқ рукуъ қилдилар, бунга ҳам олдингисига нисбатан камроқ вақт сарф этдилар, кейин сажда қилдилар. Сўнг, узоқ қиёмда турдилар, буниси аввалгисидан қисқароқ бўлди, кейин узоқ рукуъ қилдилар, буниси ҳам аввалгисидан қисқароқ бўлди, кейин узоқ қиёмда турдилар, буниси ҳам аввалгисидан қисқароқ бўлди, кейин сажда айладилар. Намозни ўқиб бўлдилар ҳамки, Қуёш тутилиб бўлди. Жаноб Расулulloҳ одамларга ўгирилиб бундай дедилар: «Қуёш бирлан Ой Оллоҳ таоло қудратининг икки далилидир. Уларнинг тутилмоғи бирор кишининг ҳаёти ёким мамоти бирлан боғлиқ эрмас. Агар уларнинг тутилганини кўрсангиз, Оллоҳни зикр қилингиз!» — дедилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулulloҳ, биз сизнинг турган ўрнингизда бир нарсага қўл узатиб олмоқчи бўлганингизни, кейин орқага тисарилганингизни кўрдик»,— дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен жаннатни кўрдим ва бир шингилга қўл узатдим. Агар ололғай эрдим, дунё тургунча еб адо қилолмаган бўлур эрдингиз. Кейин, дўзахни ҳам кўрдим, бугунгидек кўрқинчлироқ манзарани кўрмаганмен. Қарасам, дўзах аҳлининг кўпчилиги хотинлар эркан»— дедилар. Саҳобалар: «Не учун кўпчилиги хотинлар, ё

Расулуллоҳ?»— дейишди. «Оллоҳга ношукурчиликлари, эрларининг қадрига етмаганликлари ва эрларининг яхшилиғларини билмаганликлари учундир. Агар хотинларнинг биронтасига бир умр яхшилиғ қилғайдирсен-у, сўнг сендан бир ёмонлик кўрғайдир, сендан ҳеч яхшилиғ кўрмадим, дейдир»,— дедилар Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам».

### **10-боб. Қуёш тутилганда эркаклар бирлан бирга аёлларнинг ҳам намоз ўқимоғи**

*Асмо ривоят қиладилар:* «Қуёш тутилган куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари — Оиша синглимниқига бордим. Қарасам, одамлар намоз ўқишаётган эркан. Оиша қиёмда турган вақтида: «Одамларга не бўлди?»—деб сўрадим. У қўллари бирлан осмонга ишора қилиб: «Субҳоналлоҳ»,— деди. «Азоб (қиёмат) аломатими?»—дедим. «Ҳа» деган маънода бош ирғаб қўйди. Кейин, мен ҳам улар бирлан бирга намоз ўқишга тутиндим, ҳатто кўп ўқиганимдан бошим айланиб кетди. Кейин, ўзимга келай деб бошимдан сув қуя бошладим. Жаноб Расулуллоҳ намоз ўқиб бўлгач, Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдилар, сўнг: «Мен кўрмаган нарса қолмади, ҳатто шу ерда туриб жаннатни ҳам, дўзахни ҳам кўрдим. «Сизлар қабрда ётганингизда Дажжол фитнаси янглиг бир имтиҳондан ўтғайдирсизлар» деб менга ваҳий қилинди»,— дедилар. Ўшанда «Дажжол фитнаси янглиғ» дедиларми ёким «Дажжол фитнасига яқин», дедиларми, аниқ эсимда йўқ. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ бундай деб давом этдилар: «Ҳар бирингиз қабрда ётганингизда бир фаришта келиб: «Бу кишини (Расулуллоҳни) танийсанми?» — деб сўрайдир. Агар қабрда ётган банда иймонли (ёким «тақводор»,— дедилар шекилли) эрса: «Бу киши Мухаммад Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдилар, бизга мўъжизалар ва ҳидоят олиб келганлар. Биз ишониб қабул қилганмиз, эргашганмиз»,— дейдир. Унга: «Биз сенинг мўмин эканлигингни билур эрдик, ором олиб ухлайверғил!»— дейишади. Аммо, мунофиқ (ёким «иккиланувчи»,— дедилар шекилли) эрса: «Билмадим, одамлар (бу киши тўғриларидан) нималардир дейишар эрди, мен ҳам ўшалар айтганини айтар эрдим»,— дейдир».

### **11-боб. Қуёш тутилганда қулни озод қилмакни яхши кўрадирган киши ҳақида**

522 . عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَتْ : لَقَدْ أَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْعَتَاقَةِ فِي كُسُوفِ الشَّمْسِ .

*Асмо:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуёш тутилганда қул озод қилмакни буюрдилар»,— дейдилар.

### **12-боб. Қуёш тутилганда ўқиладирган намозни масжидда ўқимоқ**

*Умра бинти Абдурраҳмондан:* «Бир яҳудий хотин тиламчилик қилиб келди. Мақсади ҳосил бўлгандан сўнг, Оиша онамизга: «Оллоҳ таоло сени қабр азобидан сақласин!» — деди. Оиша онамиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Одамлар қабрда азобланадирми?» — деб сўрадилар. Жаноб Расулуллоҳ (жавоб ўрнига): «Илоҳи, қабр азобидан ўзинг асрағил!» — деб қўйдилар. Бир куни саҳарда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам улов миниб чиқиб кетдилар. Салдан кейин Қуёш тутилди. Расулуллоҳ эрталаб қайтиб келдилар. Хужраларининг орқасига (яъни, масжидга) ўтиб намозга тутиндилар, одамлар ҳам ул кишининг орқаларидан туриб намоз ўқидилар. Жаноб Расулуллоҳ қиёмда узоқ турдилар, сўнг узоқ рукуъ қилдилар, кейин қадрларини ростлаб, қиёмда аввалгидан камроқ турдилар. Сўнг аввалги рукуъдан қисқароқ рукуъ қилиб, кейин қадрларини кўтардилар-да, сажда этдилар, саждада узоқ турдилар. Қадрларини ростлагач, қиёмда аввалгидан кўра камроқ

турдилар, кейин аввалгидан қисқароқ рукуъ айлаб, қиёмга турдилар. Қиёмда аввалгидан камроқ турдилар, сўнг аввалгисидан қисқароқ рукуъ қилиб, саждага бош қўйдилар. Намозни ўқиб бўлиб, Оллоҳ истаганча ваъз-насихат этдилар. Сўнг, одамларга Оллоҳ таолодан қабр азобидан нажот тиламоқни буюрдилар».

### **13-боб. Қуёш бирор кишининг дунёга келгани ёким вафот қилгани туфайли тутилмайди**

*Абу Масъуд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қуёш ва Ой кимнингдир ўлгани ёким туғилгани учун тутилмағайди, бироқ улар Оллоҳ таоло қудратининг икки далилидир. Агар уларнинг тутилганини кўрғайдирсиз, икки ракъат намоз ўқингиз!» — дедилар».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам даврларида Қуёш тутилди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб жамоат бирлан намоз ўқимакка киришдилар. Қиёмда туриб узоқ қироат айладилар, сўнг рукуъ қилдилар, рукуъда узоқ турдилар, кейин бошларини кўтариб узоқ қироат этдилар, бу гал қисқароқ қироат айладилар. Сўнг рукуъ қилдилар, бу галги рукуъда камроқ турдилар, кейин бошларини кўтариб, икки марта сажда қилдилар. Иккинчи ракъатни ҳам шундай ўқидилар. Намоздан кейин, одамларга хутба айтгани ўринларидан турдилар. Ҳамду санодан сўнг: «Қуёш бирлан Ой бирор кишининг туғилгани ёким ўлгани учун тутилмағайди, бироқ иккаласи Оллоҳ таоло қудратининг икки далилидир. Оллоҳ таоло уларни бандаларига кўрсатиб, ўз қудратини намойиш қилади. Агар Қуёш ва Ой тутилганини кўрсангиз, дарҳол намоз ўқингиз!»—дедилар.

### **14-боб. Қуёш тутилганда зикр айтмоқ**

523 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : حَسَنَتِ الشَّمْسُ ، فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَعًا ، يَخْشَى أَنْ تَكُونَ السَّاعَةَ ، فَأَتَى الْمَسْجِدَ ، فَصَلَّى بِأَطْوَلِ قِيَامٍ وَرُكُوعٍ وَسُجُودٍ رَأَيْتُهُ قَطُّ يَفْعَلُهُ ، وَقَالَ : ( هَذِهِ الْآيَاتُ الَّتِي يَرْسِلُ اللَّهُ ، لَا تَكُونُ لِمَوْتِ أَحَدٍ وَلَا لِحَيَاتِهِ ، وَلَكِنْ يَخَوْفُ اللَّهُ بِهَا عِبَادَهُ ، فَإِذَا رَأَيْتُمْ شَيْئًا مِنْ ذَلِكَ فَافْرَعُوا إِلَى ذِكْرِهِ وَدُعَائِهِ وَاسْتِغْفَارِهِ )

*Абу Мусо ривоят қиладилар:* «Қуёш тутилди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам «Қиёмат бўлиб қолдимиз?» деб қўрқиб ўринларидан турдилар-да, масжидга чиқиб намоз ўқидилар. Қиём, рукуъ ва саждаларда узоқ туриб қироат қилдилар. Мен ул кишининг шундай намоз ўқиганларини бошқа кўрмадим. Намоздан сўнг, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло намоен қилаётган бул нарсалар (Қуёш ва Ой тутилиши) кимнингдир туғилгани ёки ўлгани учун содир бўлмағайди, балким Оллоҳ таоло бул бирлан бандаларини қўрқитғайди. Агар улардан биронтасининг тутилганини кўрсангиз, дарҳол намоз ўқингиз!»— дедилар».

### **15-боб. Қуёш тутилганда дуо ўқимоқ**

*Муғийра ибн Шуъба ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳнинг ўғиллари вафот этган куни Қуёш тутилган эрди. Одамлар: «Қуёш Иброҳим вафот этгани учун тутилди»,— дейишди. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қуёш бирлан Ой Оллоҳ қудратининг икки далилидир. Улар бирор кишининг туғилгани ёким ўлгани учун тутилмағайди. Агар уларнинг тутилганини кўрсангиз, токим тутилиб бўлмагунича Оллоҳга илтижо қилиб, дуо ва намоз ўқингиз!» — дедилар».

### **16-боб. Имомнинг Қуёш тутилганда хутба айтаётиб, «аммо баъд» демоғи**

*Асмо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб

бўлганларида Қуёш тутилиб бўлган эрди. Сўнг, хутба қилдилар. Хутбанинг сўнггида Оллоҳга муносиб ҳамду сано айтгач? «Аммо баъд»,— деб қўйдилар».

### 17-боб. Қуёш ёким Ой тутилганда намоз ўқимоқ

*Абу Бакр ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида Қуёш тутилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ракъат намоз ўқидилар».

*Абу Бакр ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида Қуёш тутилди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ридоларини судраб масжидга чиқдилар. Ёнларига одам тўплангач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам улар бирлан икки ракъат намоз ўқидилар. Шу пайт Қуёш ҳам тутилиб бўлди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуёш ва Ой Оллоҳ таоло қудратининг икки далилидир. Улар бирор киши вафот этгани учун тутилмағайдир. Агар (Қуёш ёким Ой) тутилғайдир, токим тутилиб бўлмагунча намоз ўқингиз, дуо айтиб Оллоҳга илтижо қилингиз!» — дедилар. Расулulloҳнинг бундай демоқларининг сабаби бор эрди. Чунким Расулulloҳнинг Иброҳим деган ўғиллари ўша куни вафот этган бўлиб, одамлар Қуёш тутилмоғини шунга боғлашган эрди».

### 18-боб. Қуёш тутилганда ўқиладирган намознинг биринчи ракъати — энг узун ракъат

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуёш тутилганда тўрт рукуъ ва икки сажда қилиб намоз ўқидилар. Биринчи ракъат иккинчисига қараганда узоқроқ давом этди».

### 19-боб. Қуёш тутилганда ўқиладирган намозда овоз чиқариб қироат қилмоқ

524 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ :

حَهَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي صَلَاةِ الْخُسُوفِ بِقِرَائَتِهِ ، فَإِذَا فَرَغَ مِنْ قِرَائَتِهِ كَبَّرَ فَرَكَعَ ، وَإِذَا رَفَعَ مِنَ الرَّكْعَةِ قَالَ : ( سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ ) . ثُمَّ يَعَاوِدُ الْقِرَاءَةَ فِي صَلَاةِ الْكُسُوفِ أَرْبَعَ رَكَعَاتٍ فِي رَكَعَتَيْنِ ، وَأَرْبَعَ سَجَدَاتٍ .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуёш тутилган кездеги намозда овоз чиқариб қироат қилдилар. Қироат айлаб бўлгач, такбир айтиб рукуъ этдилар. Рукуъдан бош кўтараётганда: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу, раббано ва лака-л-хамд»,— дедилар. Кейин, Қуёш тутилганда ўқиладирган намозни икки ракъат, тўрт рукуъ ва тўрт сажда қилиб ўқийдирган бўлдилар».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида Қуёш тутилди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жамоат бирлан намоз ўқимоқ учун одамларни тўплағил!» — деб жарчи юбордилар. Одамлар тўплангач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам имомликка ўтиб, икки ракъат, тўрт рукуъ ва тўрт сажда қилиб намоз ўқидилар».

*Зухрий разияллоҳу анҳу:* «Аканг Абдуллоҳ ибн Зубайр Қуёш тутилганда Мадинада бомдод намозига ўхшаш икки ракъат намоз ўқиди, ортиқча ҳеч нарса ўқимадику?!» — деганларида, Урва: «Ҳа, тўғри, акам намознинг суннатида янглишдилар»,— деб жавоб берган эркан».

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

## ҚУРЪОН ТИЛОВАТ ҚИЛГАНДА САЖДА ҚИЛМОҚ ВА УНИНГ СУННАТ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ БОБЛАР

525 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَرَأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ النَّجْمَ بِمَكَّةَ ، فَسَجَدَ فِيهَا وَسَجَدَ مَنْ مَعَهُ غَيْرَ شَيْخٍ ، أَخَذَ كَفًّا مِنْ حَصَى أَوْ تُرَابٍ فَرَفَعَهُ إِلَى جَبْهَتِهِ ، وَقَالَ : يَكْفِينِي هَذَا ، فَرَأَيْتُهُ بَعْدَ ذَلِكَ قُتِلَ كَافِرًا .

*Ибн Абдуллоҳ ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада «Ан-Нажм» сурасини тиловат айлаб сажда этдилар, бир мўйсафиддан ташқари ҳамма ул киши бирлан бирга сажда қилди. Мўйсафид бир сиқим туфроқни (ёким қумни) олиб пешонасига суртдида, шу менга кифоя қилғайди»,— деди. Кейинчалик, мен ўшал мўйсафиднинг кофирлигича ўлдириб юборилганининг шоҳиди бўлдим».

### 1-боб. «Танзийл ус-сажда» сурасини тиловат қилиб сажда этмоқ

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа куни бомдод намозида «Алиф, лом, мим танзийл ус-сажда» сурасини ҳамда «Ва ҳал ато ала-л-инсон» сураларини ўқир эрдилар».

### 2-боб. «Сод» сурасини тиловат қилиб сажда этмоқ

526 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : "ص" . لَيْسَتْ مِنْ عَزَائِمِ السُّجُودِ ، وَقَدْ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْجُدُ فِيهَا .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Сод» сурасини тиловат қилиб сажда этмоқ буюрилган бўлмаса-да, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шул сурани ўқиб сажда айлаганларини кўрдим».

### 3-боб. «Ан-Нажм» сурасини тиловат қилиб сажда этмоқ

*Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ан-Нажм» сурасини ўқиб сажда қилдилар. Қавмнинг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сажда этмаган бирорта ҳам аъзоси қолмади, фақат бир кишигина бир сиқим туфроқ (ёким қум) олиб юзига суртди-да: «Менга шул ҳам кифоя қилғайди»,— деди. Кейинчалик, унинг кофирлигича ўлдирилганини кўрдим».

### 4-боб. Мусулмонларнинг мушриклар бирлан бирга сажда қилмоғи

Дарҳақиқат, мушрик — нажасдир! Ул таҳорат нелигини билмайдир. Ибн Умар разияллоҳу анҳу таҳоратсиз ҳам сажда қилур эрди.

*Ибн Аббос ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ан-Нажм» сурасини ўқиб сажда айлаганларида, мусулмонлар ва мушриклар ҳам, жинлар ва инслар ҳам сажда этдилар».

### 5-боб. Сура тиловат қилиб сажда этмаган киши ҳақида

527 . عَنْ زَيْدِ بْنِ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ قَرَأَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ﴿ وَالنَّجْمِ ﴾ . فَلَمْ يَسْجُدْ فِيهَا .

*Ато ибн Ясор Зайд ибн Собитдан «Ан-Нажм» сурасини ўқиб бўлиб сажда қилмоқ ҳақида сўради. Зайд ўзининг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида «Ан-Нажм» сурасини ўқиб сажда этмаганини таъкидлади.*

### 6-боб. «Иза-с-самоу-н-шаққат» сурасини тиловат қилиб сажда этмоқ

528 . عَنْ أَبِي سَلَمَةَ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : رَأَيْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَرَأَ : ﴿ إِذَا السَّمَاءُ انشَقَّتْ ﴾ . فَسَجَدَ بِهَا ، فَقُلْتُ : يَا أَبَا هُرَيْرَةَ ، أَلَمْ أَرَكَ تَسْجُدُ ؟ قَالَ لَوْ لَمْ أَرَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْجُدُ لَمْ أَسْجُدْ .

*Абу Салама ривоят қилади:* «Абу Ҳурайранинг «Иза-с-самоу-н-шаққат» сурасини ўқиб сажда этганларини кўрдим. Шунда мен: «Эй Абу Ҳурайра, сизнинг сажда қилаётганингизни кўриб қолдим-ку!» — дедим. Абу Ҳурайра: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (шу сурани ўқиб) сажда айлаётганларини кўрмаганимда эрдим, сажда қилмас эрдим!»—дедилар».

### **7-боб. Қорига (саждасига) қўшилиб сажда қилмоқ**

Тамим ибн Ҳазламнинг болалик чоғлари эрди. Бир куни ул сажда этиладирган оятни қироат қилиб берганида, Ибн Масъуд: «Сажда қилғил, сен бизнинг имомимиздирсан!» — деган эдилар.

529 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْرَأُ عَلَيْنَا السُّورَةَ فِيهَا السَّجْدَةُ ، فَيَسْجُدُ ، وَنَسْجُدُ ، حَتَّى مَا يَجِدُ أَحَدًا مَكَانًا لِمَوْضِعِ جَبْهَتِهِ .

*Ибн Умар ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилинадирган сурани ўқир эдилар-да, сажда этар эдилар, биз ҳам биргаликда сажда айлар эрдик. Баъзан (одам кўплигидан) бир пешона сиққудек жой тополмай қолар эрдик».

### **8-боб. Имом сажда қилинадирган оятни ўқиганида одамларнинг тўпланмоғи**

*Ибн Умар ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилинадирган оятни ўқиганларида биз ҳам ул кишининг олдиларида бўлар эрдик, ўл киши сажда қилар эдилар, биз ҳам ул киши бирлан бирга сажда этар эрдик. Одам кўплигидан баъзи биримиз пешона сиққудек жой тополмай қолар эрдик».

### **9-боб. «Оллоҳ таоло сажда этиладирган оят тиловат қилингандан кейин сажда этмоқни вожиб айламаган»,—деган фикрга борган кишилар**

*Имрон ибн Ҳусайнга:* «Бир киши сажда қилинадирган оятни эшитса ҳам, тўхтамай ўтиб кетаверди»,— дейишди. Имрон: «Тўхтамаган эрса, не бўлибдир?» — дедилар. Имом Бухорий: «Имрон буни вожиб деб ҳисобламади, шекилли»,— дейдилар. Сажда қилинадирган оят ўқилгандан кейин бошқалар сажда айлаб, Салмон Форсий сажда этмай ўтиб кетаверганларида ул кишига одамлар: «Нега сиз сажда қилмадингиз!»—дейишди. Шунда Салмон Форсий: «Биз бул оятни эшитмоқ ниятида чиққанимиз йўқ эрдик, биз уни тасодифан эшитиб қолдик»,— деган эканлар. Ҳазрат Усмон: «Бул — сажда қилинадирган оятни эшитмоқни атайлаб ният этган кишиларгагина вожибдир!»—дейдилар. Зухрий: «Таҳоратли кишигина сажда қилғайдир. Агар сажда этмоқчи бўлсангиз, қиблага қараб сажда этингиз. От миниб сафарга кетаётганингизда, кетаётган томонингизга қараб сажда қилаверингиз, бунинг зарари йўқдир»,— дейдилар. Соиб ибн Язид разйяллоҳу анҳу эрса, қисқа тиловат қилганларида сажда этмас эдилар.

*Абу Бакр ибн Абу Мулайка ривоят қилади:* «Рабийъа одамларнинг мумтози эрди. Ул менга Ҳазрат Умар ҳузурида бўлгани ҳақида гапириб, бундай деганди: «Ҳазрат Умар жумъа куни минбарда туриб «Ан-Наҳл» сурасини ўқидилар, сажда қилинадирган оятга келганда, минбардан тушиб сажда этдилар, одамлар ҳам сажда этишди. Кейинги жумъада яна «Ан-Наҳл» сурасини ўқидилар, сажда қилинадирган оятга келганда: «Эй одамлар, биз сажда қилинадирган оятга келдик, кимки сажда этгайдир, суннатга амал қилган бўлур. Кимки сажда қилмаса, гуноҳи йўқдир»,— деб ўзлари сажда қилмадилар».

*Нофиъ разйяллоҳу анҳу Ҳазрат Умар ҳақларидаги ривоятга қўшимча қилиб:*

«Ўшанда Ҳазрат Умар, «Оллоҳ таоло сажда қилинадирган оят уқилгач, сажда этмоқни фарз қилгани йўқ, хоҳласак сажда қилғаймиз» деб айтган эрдилар»,— дейдилар.

### 10-боб. Намоз ўқиётиб сажда оятига келганда сажда қилган киши

*Абу Рофиъ ривоят қиладирлар:* «Абу Ҳурайра бирлан бирга хуфтон намозини ўқидим. Шунда ул киши «Иза-с-са-моу-н-шаққат» сурасини ўқиётиб сажда қилинадирган оятга келганда сажда этдилар. Намоз тугагач, мен: «Бу нечук сажда бўлди?» — дедим. Абу Ҳурайра: «Шул оятга келганда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб сажда қилганман. Шул сабабдан Расулulloҳни қиёматда учратмагунимча (то ўлгунимча) сажда қилаверғундир!» — дедилар».

### 11-боб. Тиқилинча сажда қилмоққа жой топмаган киши

*Ибн Умар ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилинадирган ояти бор сурани ўқиб, сажда этар эрдилар, биз ҳам ул киши бирлан бирга сажда айлар эрдик. Одам кўплигидан баъзи биримиз пешонамизни қўйгудек жой тополмай қолар эрдик».

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

### НАМОЗНИ ҚАСР (ҚИСҚАРТИРИБ) ЎҚИШ ҲАҚИДАГИ БОБЛАР

#### 1-боб. Қаср ўқиш ва унинг муддати ҳақидаги ҳадислар тўғрисида

530 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : أَقَامَ النَّبِيُّ تِسْعَةَ عَشَرَ يَوْمًا .

*Ибн Аббос ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам 19 кун Маккада туриб қаср ўқидилар (Макка фатҳ қилинганда). Шунинг учун биз ҳам сафарда 19 кун қаср ўқийдирмиз».

531 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : خَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْمَدِينَةِ إِلَى مَكَّةَ ، فَكَانَ يَصَلِّي رَكَعَتَيْنِ رَكَعَتَيْنِ ، حَتَّى رَجَعْنَا إِلَى الْمَدِينَةِ ، قِيلَ لَهُ : أَقَمْتُمْ بِمَكَّةَ شَيْئًا ، قَالَ : أَقَمْنَا بِهَا عَشْرًا .

*Анас разияллоҳу анҳу Яхё ибн Абу Исҳоққа бундай деб ривоят қилган эрканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Мадинадан Маккага йўл олдик. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага қайтиб келгунимизча фарз номозини икки рақъат-икки рақъатдан ўқидилар». Яхё ибн Абу Исҳоқ: «Маккада кўп турмагандирсизлар?» — деб Анасдан сўрабдилар. Анас: «Маккада ўн кун турдик»,— деб жавоб берибдилар.

#### 2-боб. Минода наводз ўқимоқ

532 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِنَى رَكَعَتَيْنِ ، وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرُ ، وَمَعَ عُثْمَانَ صَدْرًا مِنْ إِمَارَتِهِ ، ثُمَّ أَتَمَّهَا .

*Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Минода икки рақъат қаср ўқидим. Абу Бакр Сиддиқ бирлан ҳам, Умар ва эндигина амирлик қилаётган Усмон бирлан ҳам икки рақъат қаср ўқиганман. Кейин, Усмон тўлиқ ўқийдирган бўлдилар».

533 . عَنْ حَارِثَةَ بْنِ وَهَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : صَلَّى بِنَا النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ آمِنَ مَا كَانَ بِمِنَى ، رَكَعَتَيْنِ .

*Ҳориса ибн Ваҳб:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биз бирлан бирга Минода тўрт рақъат ўрнига икки рақъат намоз ўқидилар»,— дейдилар.



534 . عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، لَمَّا قِيلَ لَهُ صَلَّى عُثْمَانُ بِمَنَى أَرْبَعَ رَكَعَاتٍ ، اسْتَرْجَعَ ، ثُمَّ قَالَ : صَلَّيْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَنَى رَكَعَتَيْنِ ، وَصَلَّيْتُ مَعَ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بِمَنَى رَكَعَتَيْنِ ، وَصَلَّيْتُ مَعَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بِمَنَى رَكَعَتَيْنِ ، فَلَيْتَ حَظِّي مِنْ أَرْبَعِ رَكَعَاتِ رَكَعَاتٍ مُتَقَبَّلَتَانِ .

*Абдуррахмон ибн Язид ривоят қиладирлар:* «Усмон ибн Аффон биз бирлан бирга Минода тўрт ракъат камоз ўқиди. Буни Абдуллоҳ ибн Масъудга етказишди. Шунда Абдуллоҳ ибн Масъуд шул хусусдаги бир воқеани эслаб, бундай дедилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Минода фарзни тўрт ракъат ўрнига икки ракъатдан ўқидик, Абу Бакр бирлан ҳам, Умар бирлан ҳам Минода икки ракъатдан ўқидик. Кошки эрди, фарз тўрт ракъат ўрнига икки ракъат деб қабул қилинган бўлса эрди!»

### 3-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳажда неча кун турдилар?

*Ибн Аббос ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ва ул кишининг саҳобаи киромлари Маккаи Мукаррамага Зулҳижжа ойининг 4-нчи куни тонгда етиб келдилар. 4-нчи куннинг пешинидан бошлаб 8-нчи куннинг асригача ҳаж учун талбия айтдилар. Жаноб Расулulloҳ 8-нчи куни Минога чиқдилар. Маккада 21 та фарз намози ўқидилар. Кейин, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қурбонлик олиб келмаган саҳобаларга умра (кичик ҳаж) қилиб эҳромни ечмоқни, қурбонлик олиб келганларга эрса, эҳромни ечмай ҳажни (катта ҳажни) давом эттирмоқни буюрдилар».

### 4-боб. Неча кунлик сафарда қаср ўқиладир?

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бир кеча-ю бир кундузлик йўлни «сафар» деб атадилар. Ибн Умар ва Ибн Аббос 4 бурудлик (16 фарсаҳ — 36 км) йўлга чиқсалар, намозни қаср қилиб, рўзани очар эрдилар.

*Ибн Умар ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Хотин киши 3 кеча-ю кундузлик йўлга ёлғиз ўзи сафар қилмағайдир, балким маҳрами бирлан бирга сафар қилғайдир»,— деганлар».

535 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا يَجِلُّ لَامْرَأَةٍ تُوْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ، أَنْ تُسَافِرَ مَسِيرَةَ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ لَيْسَ مَعَهَا حُرْمَةٌ ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолога ва охират кунига ишонган хотиннинг маҳрамсиз ёлғиз ўзи бир кеча-ю кундузлик йўлга сафар қилмоғи жоиз эрмас»,— дейдилар».

### 5-боб. Уйдан сафарга чиқиши биланоқ намозни қаср ўқийверади

Ҳазрат Али сафарга чиқдилар. Йўлда кетаётиб, ҳали уйлари кўриниб турган бўлса ҳам, намозни қаср ўқидилар. Сафардан қайтишда ҳамроҳлари Ҳазрат Алига: «Мана, Куфа ҳам кўриниб қолди, энди намозни тўлиқ ўқиймизми?» — дейишди. Ҳазрат Али: «Йўқ, то шаҳарга кирмагунча тўлиқ ўқимасмиз»,— деб жавоб қилдилар.

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга пешинни Мадинаи Мунавварада ўқидик. Зул-Ҳулайфа деган ерга борганда эрса, икки ракъат аср ўқидик (Маккага 6 мил) қолганди».

*Оиша онамиз ривоят қиладирлар:* «Дастлаб, намоз икки ракъат, деб фарз қилинган эрди. Сафарда шул икки ракъатлигича қолди. Лекин, муқимликда тўрт ракъат қилиб тўлдирилди. Зухрий: «Оиша онамиз «тўлдирилди» деганларида нимани назарда тутган эрдилар»,— деб Урвадан сўради. Урва: «Усмон разияллоҳу анҳу бу

хусусда (яъни, намозни тўрт ракъат ўқймоқ тўғрисида) не деган бўлсалар, ўшани назарда тутдилар»,— деди».

### 6-боб. Шом сафарда уч ракъат ўқиладир

536 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَعْجَلَهُ السَّيْرُ يُوَخَّرُ الْمَغْرِبَ فَيَصَلِّيَهَا ثَلَاثًا ، ثُمَّ يَسَلِّمُ ، ثُمَّ قَلَّمَا يَلْبَثُ حَتَّى يَقِيمَ الْعِشَاءَ ، فَيَصَلِّيَهَا رَكَعَتَيْنِ ثُمَّ يَسَلِّمُ ، وَلَا يَسْبَحُ بَعْدَ الْعِشَاءِ حَتَّى يَقُومَ مِنْ حَوْفِ اللَّيْلِ .

*Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда шошилиб турганларида шомни кечиктириб, хуфтонга қўшиб ўқиганларини кўрдим. Солим: «Менинг отам Абдуллоҳ ҳам сафарда шошиб турган бўлсалар, шундай қилар эрдилар»,— дейди».

*Ибн Шихоб Зухрийга Солим бундай деб ривоят қилган эркан:* «Ибн Умар Муздалифа деган ерда хуфтон вақти бўлди ҳамки, шом ўқиладилар. Бир пайт Ибн Умар хотинлари Сафия бинти Абу Убайдга бақриб гапириб турган эрдилар, мен: «Намозга!» — дедим. «Юраверғил, ҳали»,— дедилар. Мен яна: «Намозга!» — дедим. «Юраверғил, ҳали»,— дедилар. Мен яна: «Намозга!» — дедим, ул киши тагин: «Юраверғил»,— дедилар. Шу тариқа 2—3 мил юрдик, сўнг тушиб намоз ўқидик. Намоздан кейин: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сафарда шошилиб турганларида шундай намоз ўқиганларини кўрганман. Ул киши шомни уч ракъат ўқиб, салом берган эрдилар, бир оздан кейин эрса, такбир айтиб, икки ракъат хуфтон ўқиган эрдилар, кейин салом берган эрдилар. Хуфтондан кейин тонггача нафл ўқимаган эрдилар», — дедилар».

### 7-боб. Улов устида нафл ўқимоқ

*Абдуллоҳ ибн Амрнинг оталари ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туяда кетаётган томонларига қараб намоз ўқиётганларини кўрганман».

537 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَصَلِّي التَّطَوُّعَ وَهُوَ رَاكِبٌ فِي غَيْرِ الْقِبْلَةِ .

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам улов минган ҳолда қибладан бошқа томонга қараб ҳам намоз ўқийверар эрдилар».

*Нофиъ ривоят қиладилар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу сафарда улов устида ҳам нафл ва витр ўқийверар эрдилар Кейин: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилар эрдилар»,— деб айтар эрдилар».

### 8-боб. Улов устида имо-ишора бирлан нафл ўқимоқ

*Абдуллоҳ ибн Динор ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Умар сафарда улов миниб кетаётган томонларига қараб нафл ўқийверар эрдилар. Имо-ишора бирлан рукуъ ва сажда қилар эрдилар, яъни гўё рукуъ ва сажда қилаётгандек ҳаракат қилиб кўяр эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам худди шундоқ қилар эрдилар».

### 9-боб. Фарз намози уловдан тушиб ўқиладир

540 . عَنْ عَامِرِ بْنِ رَبِيعَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى السُّبْحَةَ بِاللَّيْلِ فِي السَّفَرِ عَلَى ظَهْرٍ

رَاحِلَتَهُ حَيْثُ تَوَجَّهَتْ بِهِ .

*Омир ибн Рабийъа ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг улов (кетаётган томонга қараб) устида имо-ишора бирлан рукуъ ва сажда қилиб, нафл ўқиб кетаётганларини кўрганман. Лекин, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам фарз намозини бундай ўқимас эрдилар (уловдан тушиб ўқир эрдилар)».

*Ибн Шиҳоб ривоят қиладирлар (ул кишига Зухрий, Зухрийга эрса, Солим айтиб берган эркан):* «Абдуллоҳ ибн Умар сафарда юрганларида кечаси улов устида намоз ўқир эрдилар. Қайси томонга қараб кетаётганларига сира парво қилмас эрдилар. Ибн Умар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам улов устида қайси томонга қараб бўлса ҳам, нафл ва витр ўқийверар эрдилар. Бироқ фарз намозини улов устида ўқимас эрдилар»,—дейдилар», '.

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам улов миниб шарқ томонга кетаётган бўлсалар ҳам, нафл ўқийверар эрдилар. Лекин, қачон фарз намози ўқимоқчи бўлсалар, уловдан тушиб, қиблага қараб ўқир эрдилар».

### 10-БОБ. ЭШАК МИНИБ КЕТАЁТИБ НАФЛ ЎҚИМОҚ

538 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ صَلَّى عَلَى حِمَارٍ وَوَجَّهَهُ عَنْ يَسَارِ الْقِبْلَةِ ، فَقِيلَ لَهُ : تُصَلِّي لِغَيْرِ الْقِبْلَةِ ، فَقَالَ : لَوْلَا أَنِّي رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَعَلَهُ لَمْ أَفْعَلْهُ .

*Анас ибн Сириин ривоят қиладирлар:* «Анас ибн Молик Шом шаҳридан келаётганларида биз кутгани чиқдик. «Айн ут-Тамр» деган ерда учрашдик. Шунда ул кишининг эшак устида нафл ўқиб келаётганларини кўрдим. Юзлари қибланинг чап томонига қараган ҳолда эрди. Мен ул кишига; «Сизнинг қибладан бошқа ёққа қараб намоз ўқиётганингизни кўрдим»,— дедим. Анас ибн Молик: «Агар Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг шундоқ қилганларини кўрмаганимда эрдим, бундоқ қилмаган бўлар эрдим»,— дедилар».

### 11-БОБ. САФАРДА ФАРЗ НАМОЗИДАН КЕЙИН НАФЛ ЎҚИМАГАН КИШИ

539 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : صَحِبْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمْ أَرَهُ يَسْبِيحُ فِي السَّفَرِ . وَقَالَ اللَّهُ جَلَّ ذِكْرُهُ : ﴿ لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ ﴾ .

*Ибн Умар ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарга чиқдим. Жаноб Расулulloҳнинг сафар вақтида фарз намозидан кейин нафл ўқиганларини кўрмадим. Оллоҳ таоло: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламда сизларга яхши ибрат бўлғулик нарсалар кўпдир!»— дейдир».

*Ибн Умар ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам сафар қилганларида ёнларида бирга юрдим. Жаноб Расулulloҳ фарз намозини икки ракъатдан ортиқ ўқимас эрдилар (яъни, суннатини ўқимас эрдилар). Абу Бакр бирлан ҳам, Умар ва Усмон бирлан ҳам сафарда бирга юрдим, улар ҳам шундоқ қилишар эрди».

### 12-БОБ. САФАРДА ФАРЗ НАМОЗИДАН АВАЛ ВА КЕЙИН ЎҚИЛАДИРГАН СУННАТ НАМОЗЛАРИДАН ТАШҚАРИ НАФЛ ҚАМ ЎҚИГАН КИШИ

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бомдод намозининг икки ракъат суннатини ўқидилар.

*Ибн Абу Лайло ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва

салламнинг чошгоҳда намоз ўқиганларини бир киши кўриб айтиб берди. Умму Ҳониъ эрса бундоқ деди: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ бўлган куни менинг уйимга кириб ғусл қилдиларда, 8 ракъат нафл ўқидилар. Бундан кейин ул кишининг бунчалик қисқа (енгил) намоз ўқиганларини кўрмаганман. Бироқ қисқа (енгил) ўқиган бўлсалар ҳам, маромига етказиб рукуъ ва сажда қилганлар».

*Абдуллоҳ ибн Омирнинг оталари ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг кечаси сафарда улов миниб кетаётиб нафл ўқиганларини кўрдим».

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам сафарда туя миниб кетаётиб (туя кетаётган томонга қараб) имо-ишора бирлан рукуъ-сажда қилиб нафл ўқийверар эрдилар».

Ибн Умар ҳам шундоқ қилар эрдилар.

### **13-боб. Сафарда шом ва хуфтон намозларини қўшиб ўқимоқ**

*Солимнинг оталари Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам сафар оғир бўлса, шом бирлан хуфтонни қўшиб ўқир эрдилар».

541 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَجْمَعُ بَيْنَ صَلَاةِ الظُّهْرِ وَالْعَصْرِ إِذَا كَانَ عَلَى ظَهْرِ سَبْرٍ ، وَيَجْمَعُ بَيْنَ الْمَغْرِبِ وَالْعِشَاءِ .

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам, агар сафарда улов миниб кетаётган бўлсалар, пешин бирлан асрни ҳамда шом бирлан хуфтонни қўшиб ўқир эрдилар».

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам шом бирлан хуфтонни қўшиб ўқир эрдилар».

### **14-боб. Сафарда намозхон шом бирлан хуфтонни қўшиб ўқиганда, азон ва такбир айтадирми, йўқми?**

*Абдуллоҳ ибн Умар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг шошилинич сафар вақтида шом намозини кечиктириб, хуфтонга қўшиб ўқиганларини кўрганман»,— дейдилар. «Абдуллоҳнинг ўзлари ҳам шундоқ қилар эрдилар,— дейдилар Солим разияллоҳу анҳу,— агар сафарда шошилиб турган бўлсалар, такбир айтиб, уч ракъат шом ўқир эрдилар. Кейин, салом бериб, бир оз турар эрдиларда, хуфтонга такбир айтар эрдилар, сўнг икки ракъат ўқиб салом берар эрдилар. Шом бирлан хуфтон ўртасида ҳам, хуфтондан кейин ҳам бирор ракъат қўшимча суннат намоз ўқимас эрдилар. Фақат ярим кечада таҳажжуд ўқир эрдилар».

*Анас разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам сафарда мана бу икки намозни, яъни шом бирлан хуфтонни қўшиб ўқир эрдилар»,— дейдилар.

### **15-боб. Кун оғмасдан илгари сафарга чиқса, пешинни асрга қўшиб ўқийдир**

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Кўёш оғмасдан илгари сафарга чиқсалар, пешинни аср вақтигача кечиктириб, кейин иккала намозни қўшиб ўқир эрдилар. Кўёш оғган бўлса, пешинни ўқиб, кейин йўлга чиқар эрдилар».

### **16-боб. Кун оғгандан кейин сафарга чиқадирган бўлса, пешинни ўқиб, кейин йўлга чиқадир**

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кун оғмасдан илгари йўлга чиқсалар, пешинни асргача кечиктириб,

кейин уловдан тушар эрдилар, иккала намозни қўшиб ўқир эрдилар. Агар кун оғандан кейин сафарга чиқадиган бўлсалар, пешинни ўқиб кейин йўлга чиқар эрдилар».

### 17-боб. Ўтириб ўқийдирган намоз

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб бўлиб қолганларида уйда ўтирган ҳолда намоз ўқидилар. Одамлар эрса, тикка турган ҳолда иқтидо қилишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга: «Ўтириб ўқингиз!» — деб ишора қилдилар. Намоз тугагач: «Имом иқтидо қилмоқлари учун имом қилингандир, агар ул рукуъ қилғайдир, сизлар ҳам рукуъ қилингиз, рукуъдан бош кўтарғайдир, сизлар ҳам бош кўтарингиз!»—дедилар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам отдан йиқилиб, ўнг оёқлари шилинди. Шунда ул кишини кўргани кирдик, бир оздан кейин намоз вақти бўлди. Бизга ўтирган ҳолда имомлик қилдилар, биз ҳам ўтириб ўқидик. Намоздан кейин бизга: «Имом иқтидо қилмоқлари учун имом қилингандир. Имом такбир айтса, такбир айтингиз, рукуъ қилса, рукуъ қилингиз, рукуъдан бош кўтарса, бош кўтарингиз. Агар «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳу» деса, «Раббано ва лака-л-ҳамд» деб айтингиз!» — дедилар».

*Имрон ибн Ҳусайн ривоят қиладилар:* «Менинг бавосир касалим бор эрди. Жаноб Расулulloҳдан ўтирган ҳолда намоз ўқимоқ ҳақида сўрадим. Шунда бундай дедилар: «Тик туриб ўқиган намоз ўтириб ўқиган намоздан афзалроқдир, чунки ўтириб намоз ўқиган кишига, тик туриб намоз ўқиган кишига тегадирган савобнинг ярмиси теккайдир. Кимки ёнбошлаб ўқигайдир, ўтириб ўқиган кишига тегадирган савобнинг ярмисини олғайдир».

### 18-боб. Ўтирган ҳолда имо-ишора бирлан намоз ўқимоқ

*Имрон разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўтирган ҳолда намоз ўқимоқ тўғрисида сўрадим. Шунда бундай дедилар: «Ким тик туриб ўқигайдир, ўтириб ўқигандан афзалдир, ким ўтириб ўқигайдир, унга тик туриб ўқиганнинг ярим савоби берилғайдир, ким ёнбошлаб ўқигайдир, унга ўтириб ўқиганнинг ярим савоби теккусидир».

### 19-боб. Агар киши ўтириб ўқишга ярамаса, ёнбошлаб ўқийдир. агар қиблага ўгирилишга қодир бўлмаса, тўғри келган томонга қараб ўқийдир

542 . عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَتْ بِي بَوَاسِيرٌ ، فَسَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الصَّلَاةِ فَقَالَ : صَلِّ قَائِمًا ، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَقَاعِدًا ، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ ، فَعَلَى جَنْبٍ .

*Имрон ибн Ҳусайн разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Менинг бавосир касалим бор эди. Шул боисдан ҳам мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бетоб одамнинг намоз ўқимоғи тўғрисида сўрадим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аввало тик туриб ўқиғил, агар бунга қодир бўлмасанг, ўтириб ўқиғил, унга ҳам қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқиғил!» — дедилар».

### 20-боб. Агар ўтирган ҳолда намоз ўқиётган киши намоз давомида соғайиб қолса ёким ўзини енгил ҳис қилса, намозини охирига етказадир, қайтариб ўқимайдир

Ҳасан Басрий: «Касал одам, хоҳласа, намознинг икки ракъатини тик туриб кейинги икки ракъатини эрса ўтириб ўқийдир»,— дейдилар.

543 . عَنْ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّهَا لَمْ تَرَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصَلِّي صَلَاةَ اللَّيْلِ قَاعِدًا قَطُّ ، حَتَّى

أَسَنَّ ، فَكَانَ يَقْرَأُ قَاعِدًا ، حَتَّى إِذَا أَرَادَ أَنْ يَرْكَعَ ، قَامَ فَقَرَأَ نَحْوًا مِنْ ثَلَاثِينَ آيَةً أَوْ أَرْبَعِينَ آيَةً ، ثُمَّ رَكَعَ .  
وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا فِي رِوَايَةٍ : ثُمَّ يَفْعَلُ فِي الرَّكْعَةِ الثَّانِيَةِ مِثْلَ ذَلِكَ ، فَإِذَا قَضَى صَلَاتَهُ نَظَرَ ، فَإِنْ كُنْتُ يَقْطِي تَحَدَّثَ  
مَعِي ، وَإِنْ كُنْتُ نَائِمَةً اضْطَجَعَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Абдуллоҳ ибн Юсуф ривоят қиладилар:* «Оиша онамиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг то кексайгунларича кечаси ўтирган ҳолда намоз ўқиганларини сира ҳам кўрмаган эрканлар. Жаноб Расулulloҳ рукуъ қилмоқчи бўлсалар, аввал ўринларидан туриб 30 ёким 40 оят ўқиб, кейин рукуъ қилар эрдилар».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтирган ҳолда намоз ўқиб, қироат қилар эрдилар. Қироат қилишга 30 ёким 40 оят қолганда ўринларидан туриб қироат қилар эрдилар, сўнг рукуъ қилар эрдилар, кейин сажда қилар эрдилар. Иккинчи ракъатда ҳам айнан шундоқ қилар эрдилар. Намозни тугатгач, менга қарар эрдилар, агар уйғоқ бўлсам, мен бирлан сўзлашиб ўтирар эрдилар, ухлаётган бўлсам, ўзлари ҳам ёнбошлар эрдилар».

**БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**  
**КЕЧАСИ ТАҲАЖЖУД ЎҚИМОҚ ВА ОЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ**  
**«ЎЗИНГГА ҚЎШИМЧА ВАЗИФА (НАФЛ) ТАРИҚАСИДА**  
**КЕЧАСИ ТАҲАЖЖУД ЎҚИГИЛ!» ДЕГАН КАЛОМИ**  
**ШАРИФИ ХУСУСИДА**

544 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ مِنَ اللَّيْلِ يَتَهَجَّدُ ، قَالَ :  
( اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ ، أَنْتَ فِيمَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ ، وَلَكَ الْحَمْدُ أَنْتَ نُورُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ ،  
وَلَكَ الْحَمْدُ أَنْتَ مَلِكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ ، وَلَكَ الْحَمْدُ ، أَنْتَ الْحَقُّ ، وَوَعْدُكَ الْحَقُّ ، وَلِقَاؤُكَ حَقٌّ ،  
وَقَوْلُكَ حَقٌّ ، وَالْجَنَّةُ حَقٌّ ، وَالنَّارُ حَقٌّ ، وَالنَّبِيُّونَ حَقٌّ ، وَمُحَمَّدٌ حَقٌّ ، وَالسَّاعَةُ حَقٌّ ، اللَّهُمَّ لَكَ أَسَلَمْتُ ، وَبِكَ  
آمَنْتُ ، وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ ، وَإِلَيْكَ أُنَبْتُ ، وَبِكَ خَاصَمْتُ ، وَإِلَيْكَ حَاكَمْتُ ، فَاعْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ ، وَمَا أَخَّرْتُ ، وَمَا  
أَسْرَرْتُ ، وَمَا أَعْلَنْتُ ، أَنْتَ الْمُقَدَّمُ ، وَأَنْتَ الْمُؤَخَّرُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ ، أَوْ : لَا إِلَهَ غَيْرُكَ ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси таҳажжудда қуйидаги дуони ўқир эрдилар: «Оллоҳумма лака-л-ҳамду, анта қаййиму-с-самавоти ва-л-арзи ва ман фийҳинна, ва ла-ка-л-ҳамду, лака мулку-с-самавоти ва-л-арзи ва ман фийҳин-на, ва лака-л-ҳамду, нуру-с-самавоти ва-л-арзи, ва ла-ка-л-ҳамду, анта малику-с-самавоти ва-л-арзи, ва ла-ка-л-ҳамду, анта-л-ҳаққу ва ваъдука-л-ҳаққу ва лиқоука ҳаққун ва қавлука ҳаққун ва-л-жаннату ҳаққун ва-н-нору ҳаққун ва-н-набиййуна ҳаққун ва Муҳаммадун саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаққун ва-с-соъату ҳаққун, Оллоҳумма лака асламту ва бика оманту ва алайка таваккалту ва илайка анабту ва бика хосамту ва илайка ҳокамту, фағфирлий мо қаддамту ва мо аххарту ва мо асрарту ва мо аъланту, анта-л-муқаддамў ва анта-л-муаххару, ло илоҳа илло анта ав ло илоҳа ғайрука». Суфён разияллоҳу анҳу: «Абдул-Карийм Абу Умайя юқоридаги дуога «Ва ло ҳавла ва ло қуввата илло би-л-лоҳ» ни қўшимча қилган»,— дейдилар.

Дуонинг таржимаси: «Илоҳи, жамики мақтовлар сенга хосдир! Сен еру осмонларнинг ва ундаги борлиқнинг яратувчиси ва бошқариб турувчисидирсен, жамики мақтовлар сенга хосдир! Сен еру осмонлар ва ундаги барча нарсаларнинг эгасидирсен, жамики мақтовлар сенга хосдир! Еру осмонлар ёруғлиги сендандир, жамики мақтовлар сенга хосдир! Сен ҳақдирсен ва ваъданг ҳам ҳақдир, охиратда сени кўрмоқ ҳам ҳақдир. Сўзинг ҳақдир, жаннат ҳам ҳақ, дўзах ҳақдир. Жамики

пайғамбарлар ҳам ҳақдир, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ҳақ ва қиёмат ҳам ҳақдир. Илоҳи, сенга бўйинсундим ва сенга иймон келтирдим ҳамда ўзинга таваккал қилдим, дилдан сенга тавба қилдим, сени деб (душманларинг бирлан) курашдим, уларга ўзинг жазо бергайсен, ўтган ва келгуси гуноҳларимни, хуфёна ва ошкора хатоларимни ўзинг кечирғил, сен якка-ю ягонадирсан, сендан бошқа илоҳ йўқдир!».

### 1-боб. Тунда туриб намоз ўқишнинг фазилати

545 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ الرَّجُلُ فِي حَيَاةِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا رَأَى رُؤْيَا قَصَّهَا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَتَمَنَّتْ أَنْ أَرَى رُؤْيَا فَأَقْصَّهَا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَكُنْتُ غُلَامًا شَابًا ، وَكُنْتُ أَنَامُ فِي الْمَسْجِدِ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَرَأَيْتُ فِي النَّوْمِ كَأَنَّ مَلَكَيْنِ أَخَذَانِي فَذَهَبَا بِي إِلَى النَّارِ ، فَإِذَا هِيَ مَطْوِيَّةٌ كَطَيِّ الْبَيْرِ وَإِذَا لَهَا قَرْنَانِ وَإِذَا فِيهَا أَنْاسٌ قَدْ عَرَفْتُهُمْ ، فَجَعَلْتُ أَقُولُ : أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ النَّارِ ، قَالَ : فَلَقِينَا مَلَكًا آخَرَ ، فَقَالَ لِي : لَمْ تُرْعَ ، فَقَصَّتْهَا حَفْصَةَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : ( نِعْمَ الرَّجُلُ عَبْدُ اللَّهِ لَوْ كَانَ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ ) . فَكَانَ بَعْدَ لَا يَنَامُ مِنَ اللَّيْلِ إِلَّا قَلِيلًا .

*Солимнинг оталари Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётликларидан бирор киши туш кўрса, (Расулulloҳга) айтиб берар эрди. Мен ҳам бир туш кўрсам-у, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб берсам, деб орзу қилар эрдим. Ёш йигитча эдим. Бир куни масжидда ухлаб ётганимда туш кўрдим. Тушимда икки фаришта келиб мени ушлаб дўзахга олиб боришди. Қарасам, дўзах қудуқ сингари атрофи ўралган бўлиб, унинг икки минораси бор эркан. Дўзахда одамлар юрибдир, уларни мен танидим. Сўнг, «Мени дўзах ўтидан асрағил!» деб Оллоҳга илтижо қила бошладим. Шу пайт ёнимизга яна бир бошқа фаришта келиб менга: «Қўрқмағил!» — деди (кейин уйғониб кетдим). Кўрган тушимни Ҳафса опамга айтиб бердим, ул эса Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб берибдир. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Абдуллоҳ ўзи яхши йигит-у, лекин кошки эрди кечаси туриб намоз ўқимоқни одат қилса эрди!»— дебдилар».

Шундан кейин Абдуллоҳ кечалари ухламай намоз ўқиб чиқадирган бўлган эркан.

### 2-боб. Тунги намозда узоқроқ сажда қилмоқ

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси 11 рақъат намоз ўқир эрдилар. Ҳар бир саждада сизлар 50 оят ўқиганингизда кетганча фурсат бош кўтармай турар эрдилар. Вомдод намозидан аввал эрса, икки рақъат суннат ўқиб олар эрдилар. Кейин, муаззин намозга чақиргунча ёнбошлар эрдилар».

### 3-боб. Касал одам тунги намозни ўрнидан турмай, ўтириб ўқийдир

546 . عَنْ جُنْدُبِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : اشْتَكَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمْ يَقُمْ لَيْلَةً أَوْ لَيْلَتَيْنِ .

*Асвад разияллоҳу анҳуга Жундуб разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни ривоят қилган эрканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб бўлдилар. Шунда кечаси ўқийдирган намозни ўринларидан турмай, (ўтириб) ўқидилар».

*Жундуб ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Жаброил алайҳиссалом Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бирмунча вақт келмай қўйдилар. Қурайш қабиласидан бир хотин: «Шайтони унинг олдига келмай қўйди» — деб гап тарқатди. Шунда, «Ва-з-зу-ҳо ва-л-лайли изо сажо мо ваддаъака

раббука ва мо қало» деган оят нозил бўлди. Таржимаси: «Ёруғ кун ва қоронғу кеча ҳаққи, раббинг сендан ўз алоқасини узгани ҳам йўқдир ва сени ёмон кўриб қолгани ҳам йўқдир».

#### **4-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намоз ва нафл ўқишга мажбур қилмай ундаганлари; Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (қизлари) Фотимани ва (куёвлари) Ҳазрат Алини (иккаларидан ҳам Оллоҳ рози бўлсин!) эшикни тақиллатиб, тунги намозга уйғотганлари**

*Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни кечаси уйғониб: «Субҳоналлоҳ, бул кеча нечук фитналар ва нечук хазиналар нозил бўлди эркан?! (яъни, кимларга азоб ва кимларга раҳмат нозил бўлди эркан?!). Ким хужраларда ётганларни уйғотгайдир! Ё раб, бу дунёда кийимликлар у дунёда яланғочдилар!» — дедилар».

547 . عَنْ عَلِي بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَرَفَهُ وَفَاطِمَةَ بِنْتَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةً ، فَقَالَ : ( أَلَا تُصَلِّيَانِ ) . فَقُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَنْفُسُنَا بِيَدِ اللَّهِ ، فَإِذَا شَاءَ أَنْ يَبْعَثَنَا بَعَثَنَا ، فَأَنْصَرَفَ حِينَ قُلْنَا ذَلِكَ وَلَمْ يَرْجِعْ إِلَيَّ شَيْئًا ، ثُمَّ سَمِعْتُهُ وَهُوَ مُوَلِّ يَضْرِبُ فِخْذَهُ وَهُوَ يَقُولُ : ﴿ وَكَانَ الْإِنْسَانُ أَكْثَرَ شَيْءٍ جَدَلًا ﴾ .

*Ҳазрат Али ибн Абу Толиб ривоят қиладилар:* «Бир куни кечаси Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мен бирлан қизлари Фотимани эшикни тақиллатиб уйғотдилар-да, «Намоз ўқисаларингиз бўлмайдирми?» — дедилар. Шунда мен: «Ё Расулulloҳ, жонимиз Оллоҳ таолонинг қўлидадир, эгар бизни уйғотмоқни хоҳласа, ўзи уйғотгайдир»,— деган эрдим, менга бир сўз ҳам айтмадилар. Бироқ қайтиб кетаётганларида қўлларини сонларига уриб: «Инсон ўзи азалдан шундоқ айтишқоқ эрди»,— деганларини эшитдим».

548 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : إِنْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِيدَعُ الْعَمَلَ ، وَهُوَ يَجِبُ أَنْ يَعْمَلَ بِهِ ، خَشْيَةً أَنْ يَعْمَلَ النَّاسُ بِهِ فَيَفْرَضَ عَلَيْهِمْ ، وَمَا سَبَّحَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُبْحَةَ الضُّحَى قَطُّ ، وَإِنِّي لَأَسْبَحُهَا .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга фарз бўлиб қолмоғини кўрқиб ўзларига ёққан баъзи бир амалларни қилмас эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Зухо» намозини ўқиганларида, албатта мен ҳам бирга ўқийдирман».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни кечаси масжидда намоз ўқидилар, уларга эргашиб, бир қанча кишилар ҳам ўқишди. Эртаси куни кечаси одам анча кўпайди. Учинчи ва тўртинчи кечага бориб эрса, ниҳоятда кўпайиб кетди. Келаси куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга чиқмадилар. Тонг отгач, бомдод намозидан сўнг: «Таровиҳ намози ўқийдирман, деб қилган саъйу кушишингизни кўриб хурсанд бўлдим. Олдингизга чиқмоғимга ҳеч нарса монеълик қилгани йўқдир. Аммо, кечаси намоз ўқимоқ сизларга фарз бўлиб қолмоғидан кўрқаймен»,— дедилар. Бу воқеа Рамазон ойида бўлган эрди».

#### **5-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оёқлари шишиб кетгунча нафл ўқиганлари**

*Оиша онамиз:* «Ҳатто оёқлари ёрилиб кетар эрди»,— дегандилар.

549 . عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : إِنْ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيَقُومُ لِيَصَلِّيَ حَتَّى تَرْمَ قَدَمَاهُ ، أَوْ سَاقَاهُ ، فَيَقَالَ لَهُ ، فَيَقُولُ : ( أَفَلَا أَكُونُ عَبْدًا شَكُورًا ) .



*Муғийра ибн Шуъба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси туриб намоз ўқир эрдилар, ҳатто (рукуъ, сажда қилавериб), оёқлари (ёким болдирлари) шишиб кетар эрди. Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ахир, сизнинг бутун гуноҳларингизни Оллоҳ афв қилган-ку!» — дейишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шукр қилгувчи банда бўлмайинми?»—дедилар».

### 6-боб. Саҳарда (турмай) ухлаган киши ҳақида

550 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَهُ : ( أَحَبُّ الصَّلَاةِ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى صَلَاةُ دَاوُدَ ، وَأَحَبُّ الصِّيَامِ إِلَى اللَّهِ صِيَامُ دَاوُدَ ، وَكَانَ يَنَامُ نِصْفَ اللَّيْلِ ، وَيَقُومُ ثُلُثَهُ ، وَيَنَامُ سُدُسَهُ ، وَيَصُومُ يَوْمًا ، وَيَفْطُرُ يَوْمًا ) .

*Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бир куни менга) бундай дегандилар: «Оллоҳ таолога кўпроқ Довуд алайҳиссаломнинг намоз ўқимаклари ва рўза тутмаклари ёқар эрди, Довуд алайҳиссалом ярим кечагача ухлар эрдилар. Кечанинг 1/3 қисмида ибодат қилар эрдилар ва 1/6 қисмида ухлар эрдилар. Кунора рўза тутар эрдилар».

551 . عَنْ مَسْرُوقٍ قَالَ : سَأَلْتُ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَيُّ الْعَمَلِ كَانَ أَحَبَّ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ قَالَتْ : الدَّائِمُ . قُلْتُ مَتَى كَانَ يَقُومُ ؟ قَالَتْ : يَقُومُ إِذَا سَمِعَ الصَّارِخَ . وَفِي رِوَايَةٍ : إِذَا سَمِعَ الصَّارِخَ قَامَ فَصَلَّى .

وَفِي رِوَايَةٍ عَنْهَا قَالَتْ : مَا أَلْفَاهُ السَّحَرُ عِنْدِي إِلَّا نَائِمًا . تَعْنِي النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам нима қилмоқни яхши кўрар эрдилар?» —деб Оиша онамиздан сўрадим. «Доимий ибодатни»,— дедилар. «Қачон туриб намоз ўқир эрдилар?»—дедим. «Хўроз қичқирганда»,— дедилар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хўрознинг биринчи қичқириғини эшитибок туриб намоз ўқир эрдилар».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг ҳужрамда ётиб қолган кунлари бирор марта ҳам туриб саҳарни қарши олган эрмаслар».

552 . عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : صَلَّيْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةً ، فَلَمْ يَزَلْ قَائِمًا حَتَّى هَمَمْتُ بِأَمْرِ سَوْءٍ ، قِيلَ : مَا هَمَمْتَ ؟ قَالَ : هَمَمْتُ أَنْ أَقْعُدَ وَأَذَرَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир кеча Расулulloҳ бирлан бирга намоз ўқидим. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёмда узоқ туриб қолганларидан ҳатто ниятим бузилди»,— дедим Абу Воилга. «Не қилмоқчи бўлдингиз?» — деб сўради Абу Воил. «Расулulloҳни қиёмда қолдириб, ўзим ўтириб олсаммикин, деган хаёлга бордим, дедим».

*Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси таҳажжуд намозига турсалар, оғизларини мисвок бирлан тозалар эрдилар».

### 7-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунги намозни қандай ўқир эрдилар? Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намозлари неча ракъат бўларди?

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир киши: «Ё

Расулulloҳ, тунги намоз нечук ўқилур? — деди. «Икки-икки ракъатдан бўлғайдир, тонг отиб қолдимикин, деганинда эрса, бир ракъат ўқиб, витр қилғайсен»,— дедилар».

553 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَتْ صَلَاةُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَلَاثَ عَشْرَةَ رَكْعَةً ، يَعْنِي بِاللَّيْلِ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намозлари 13 ракъат бўлур эрди. Ҳар 2 ракъатдан сўнг салом берар эрдилар».

*Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Оиша онамиздан Расулulloҳнинг тунги намозлари ҳақида сўрадим. Оиша онамиз: «Гоҳида 7 ракъат, гоҳида 9 ракъат ва баъзан 11 ракъат бўлар эрди, бомдод намозининг 2 ракъат суннати бунга кирмайдир»,— дедилар».

554 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ ثَلَاثَ عَشْرَةَ رَكْعَةً ، مِنْهَا الْوَيْتُ وَرَكْعَتَا الْفَجْرِ .

*Оиша онамиз ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси 13 ракъат намоз ўқир эрдилар, бунга витр ва бомдоднинг 2 ракъат суннати ҳам кирғайдир».

### **8-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намозлари ва уйқулари тўғрисида қамда кечаси намоз ўқишнинг фарз эканлигини бекор қилмоқ тўғрисида**

Оллоҳ таоло тунги намоз тўғрисида бундай дейдир: «Эй бурканиб ётган Пайғамбар алайҳиссалом, кечаси туриб намоз ўқиғил, туннинг озроқ қисмида (ёким ярмида ёким ундан ҳам озроғида ёким сал кўпроғида) ухлағил! Қуръони Кариймни шошилмасдан, тартиб бирлан ўқиғил, Биз сенга бул дунёда амал қилмоқ оғир, бироқ охиратда тарози босадирган ояти кариймалар нозил қилғайдирмиз. Кечаси туриб намоз ўқимоқ қийин бўлса ҳам, матни зеҳнга мустаҳкам ўрнашғайдир. Сенинг кундузи кўп тоат-ибодат қилмоғингни билурмен». Оллоҳ таоло яна бундай дейдир: «Оллоҳ таоло тунги бирлан ибодат қилиб чиқмоққа қурбингиз етмаслигин билур, шунинг учун ҳам сизларни кечирғайдир. Кечаси қўлингиздан келганича намоз ўқингиз! Оллоҳ таоло баъзи бирингизнинг бемор эканлигингизни, баъзи бирингизнинг ризқ истаб, дунё кезиб юрганлигингизни ва баъзи бирингизнинг Оллоҳ йўлида ғазот қилаётганингизни билғайдир. Шунинг учун қўлингиздан келганича Қуръон тиловат қилингиз, намоз ўқингиз, закот берингиз ва Оллоҳ йўлида хайр-садақалар қилингиз! Бу дунёда неки яхшилиғ қилғайдирсиз, охиратда Оллоҳ ҳузурини бунинг эвазига ўйлаганингиздан кўра кўпроқ савоб топғайдирсиз!» Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Оятдаги «Ношиат ал-лайли» деган ибора ҳабашчасига кечаси туриб таҳажжуд намоз ўқимоқни билдирғайдир»,— дейдилар. Имом Бухорий: «Ашадду ватъан» деган ибора Қуръон оятларининг киши қулоғи, 'кўзи ва қалбига яхши ўрнашувчан эрканлигини англатғайдир»,— дейдилар.

555 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُفْطِرُ مِنَ الشَّهْرِ حَتَّى نَظُنَّ أَنْ لَا يَصُومَ مِنْهُ ، وَيَصُومُ حَتَّى نَظُنَّ أَنْ لَا يُفْطِرُهُ ، وَكَانَ لَا تَشَاءُ أَنْ تَرَاهُ مِنَ اللَّيْلِ مُصَلِّيًا إِلَّا رَأَيْتَهُ ، وَلَا نَائِمًا إِلَّا رَأَيْتَهُ .

*Анас разияллоҳу анҳу Ҳумайдга бундай деб ривоят қилган эрканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ойининг айрим кунлари рўза тутмай юрар эрдилар, ҳатто бутунлай рўза тутмасалар керак, деб ўйлар эрдик, баъзи кунлари эрса, қаторасига рўза тутар эрдилар, ҳатто энди оғиз очмасалар керак, деб ўйлар эрдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кечаси қачон намоз

ўқимақларини билмоқчи бўлиб, қай вақт борманг, ўшал вақтда намоз ўқиётганларини кўрар эрдингиз, шунингдек қачон ухламақларини билмоқчи бўлиб, қай вақт борманг, ўшал вақтда ухлаётганларини кўрар эрдингиз».

### 9-боб. Агар инсон кечаси туриб намоз ўқимаса, шайтон унинг орқа миясини тугиб қўядир

556 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( يَعْقُدُ الشَّيْطَانُ عَلَى قَافِيَةِ رَأْسِ أَحَدِكُمْ إِذَا هُوَ نَامَ ثَلَاثَ عُقَدٍ ، يَضْرِبُ كُلَّ عُقْدَةٍ ، عَلَيْكَ لَيْلٌ طَوِيلٌ فَارُقْدُ ، فَإِذَا اسْتَيْقَظَ وَذَكَرَ اللَّهَ انْحَلَّتْ عُقْدَةٌ ، فَإِنْ تَوَضَّأَ انْحَلَّتْ عُقْدَةٌ ، فَإِنْ صَلَّى انْحَلَّتْ عُقْدَةٌ ، فَأَصْبَحَ نَشِيطًا طَيِّبَ النَّفْسِ ، وَإِلَّا أَصْبَحَ خَبِيثَ النَّفْسِ كَسَلَانَ ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз кечаси туриб намоз ўқимай ётаверсангиз, шайтон орқа миянгизга учта тугун тугкайдир, ҳар бир тугунча: «Кеча ҳали узоқ, ухлайверғил!» — деб дам урғайдир (куф-суф қилғайдир). Киши, агар уйқусидан уйғониб Оллоҳнинг зикрини қилса, тугуннинг биттаси ечилғайдир, агар туриб таҳорат олса, иккинчиси ечилғайдир, агар намоз ўқиса, учинчи тугун ҳам ечилиб, тоат-ибодатга ғайратли, дили хуш бўлиб қолғайдир. Агар кечаси уйғониб шундай қилмаса, эртаси дили ғаш ва ялқов бўлиб юрғайдир», — деб айтдилар».

*Сумра ибн Жундуб разияллоҳу анҳу туш тўғрисида ривоят қила туриб:* «Кимки тушида бошини тош бирлан ёраётганларини кўрса, демак ул Қуръони Кариймни ёдламақ та унга амал қилмақни тарк этган ва фарз намозини ўқимай ухлаган одамдир!» — дедилар.

### 10-боб. Кимки намоз ўқимай ухласа, шайтон унинг қулоғига сийиб қўядир

557 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : ذَكَرَ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ ، فَقِيلَ : مَا زَالَ نَائِمًا حَتَّى أَصْبَحَ ، مَا قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ ، فَقَالَ : ( بَالَ الشَّيْطَانُ فِي أُذُنِهِ ) .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларидаги бир суҳбатда «Бир киши тонг отгунча ухлаб, кечаси намозга турмади», — деб айтишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ул кишининг қулоғига шайтон сийиб қўйибдир», — дедилар.

### 11-боб. Тун охирлаб қолганда туриб дуо ва намоз ўқимоқ

Оллоҳ таоло: «Яхши мўъминлар кечаси оз ухлаб, саҳарлари Оллоҳга истиғфор айтғайдирлар», — дейди.

558 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( يَنْزِلُ رَبُّنَا تَبَارَكَ وَتَعَالَى كُلَّ لَيْلَةٍ إِلَى سَمَاءِ الدُّنْيَا حِينَ يَبْقَى ثُلُثُ اللَّيْلِ الْآخِرِ ، يَقُولُ : مَنْ يَدْعُونِي فَأَسْتَجِيبَ لَهُ ، مَنْ يَسْأَلُنِي فَأُعْطِيَهُ ، مَنْ يَسْتَغْفِرُنِي فَأَغْفِرَ لَهُ ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Раббимиз — Оллоҳ таоло Ҳазратлари ҳар кечанинг 1/3 қисми қолганда осмоннинг ерга энг яқин қаватига тушиб: «Ким мени даъват қилғайдир, мен унга лаббай дегаймен, кимки мендан тилақ тилағайдир, тилагига етказғаймек, ким мендан кечирим сўрағайдир, уни кечирғайдирмен», — дейди».

### 12-боб. Туннинг биринчи қисмида ухлаб, унинг охирги қисмини бедор ўтказган киши

*Салмон Форсий Абу Дардоъ разияллоҳу анҳуга:* «Туннинг биринчи қисмида

ухлаб, унинг охирги қисмида уйғоқ бўлғил! Расулulloҳ шундай деганлар»,— деб айтдилар.

559 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا سُئِلَتْ : عَنْ صَلَاةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِاللَّيْلِ ؟ قَالَتْ : كَانَ يَنَامُ أَوَّلَهُ ، وَيَقُومُ آخِرَهُ ، فَيُصَلِّي ثُمَّ يَرْجِعُ إِلَى فِرَاشِهِ ، فَإِذَا أَدَانَ الْمُؤَدَّنَ وَتَبَّ ، فَإِنْ كَانَ بِهِ حَاجَةٌ اغْتَسَلَ ، وَإِلَّا تَوَضَّأَ وَخَرَجَ .

*Асвад разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси нечук намоз ўқир эрдилар?» — деб Оиша онамиздан сўрадим. Оиша онамиз: «Кечанинг биринчи қисмида ухлаб, охирги қисмида намоз ўқир эрдилар. Кейин, жимоъ қилгилари келса, тўшакка келиб ётар эрдилар. Муаззин келиб азон айтганда, агар лозим бўлса, ғул қилар эрдилар, лозим бўлмаса, таҳорат олиб намозга чиқар эрдилар».

**13-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Рамазон ва бошқа кунлари кечаси туриб намоз ўқиганлари ҳақида**

560 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا سُئِلَتْ : كَيْفَ كَانَتْ صَلَاةَ رَسُولِ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - فِي رَمَضَانَ ؟ فَقَالَتْ : مَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَزِيدُ فِي رَمَضَانَ وَلَا غَيْرِهِ عَلَى إِحْدَى عَشْرَةَ رَكْعَةً ، يُصَلِّي أَرْبَعًا فَلَا تَسْأَلُ عَنْ حُسْنِهِنَّ وَطَوْلِهِنَّ ، ثُمَّ يَصَلِّي أَرْبَعًا فَلَا تَسْأَلُ عَنْ حُسْنِهِنَّ وَطَوْلِهِنَّ ، ثُمَّ يَصَلِّي ثَلَاثًا ، قَالَتْ عَائِشَةُ : فَقُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَتَنَامُ قَبْلَ أَنْ تُوتِرَ ؟ فَقَالَ : ( يَا عَائِشَةُ ، إِنْ عَيْنِي تَنَامَانِ وَلَا يَنَامُ قَلْبِي ) .

*Абу Салама разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон кечалари нечук намоз ўқир эрдилар?» — деб Оиша онамиздан сўрадилар. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Рамазон ойида ҳам, бошқа ойларда ҳам кечаси туриб ўқийдирган намозлари 11 ракъатдан ошмас эрди,— дедилар Оиша онамиз,— аввал 4 ракъат ўқир эрдилар. Ҳар бир ракъатни нақадар узоқ ва маромига етказиб адо этмакларини сўрамасанг ҳам бўлур. Кейин, яна тўрт ракъат ўқир эрдилар, буни ҳам шу қадар узоқ ва маромига етказиб адо этар эрдиларки, асти қўявергил! Ундан сўнг, яна уч ракъат намоз ўқир эрдилар. Бир куни Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулulloҳ, витр ўқимай ухлайдирмисиз?» — десам, Эй Оиша, кўзим ухлайдир-у, қалбим ухламайдир»,— деб жавоб қилдилар».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намознинг ҳар бир ракъатида ўтириб қироат қилганларини кўрмадим. Фақат, кексайиб қолганларидагина кечаси нафл намозини ўтириб ўқир эрдилар, шунда ҳам 30—40 оят қолганда ўринларидан туриб ўқир эрдилар, кейин рукуъ қилар эрдилар».

**14-боб. Кеча-ю кундуз таҳоратли юрмоқнинг фазилати**

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намози олдидан Билолга: «Эй Билол, қани айтғил-чи менга, ислом йўлида қилган энг савобли ишинг қайсидир? Чунким мен жаннатда ёнгинамда сенинг оёқ товушларингни эшитдим»,— дедилар. Билол: «Мен кечасими, кундузимми, доимо таҳорат олиб юрғайдирмен ва шул таҳоратим бирлан менга буюрилган ҳамма намозларни ўқиғайдирмен»,— дедилар».

**15-боб. Ибодатни қийинлаштириб юборишнинг макруҳлиги тўғрисида**

561 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : دَخَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا حَبَلَ مَمْدُودٌ بَيْنَ السَّارِيَيْنِ ، فَقَالَ : ( مَا هَذَا الْحَبْلُ ) . قَالُوا : هَذَا حَبْلٌ لِرَيْبِ ، فَإِذَا فَتَرَتْ تَعَلَّقَتْ بِهِ . فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا ، حُلُوهُ ، لِيَصَلَّ ) .

أَحَدُكُمْ تَشَاطَهَ ، فَإِذَا فَتَرَ فَلْيَقْعُدْ ) .

*Анас ибн Молик ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирсалар, масжиднинг икки устунига арқон боғлаб қўйилган эркан. Шунда, «Бу нечук арқондир?» — деб сўрадилар. «Бу — Зайнаб онамизнинг арқонлари. Намоз ўқиётганларида шунга осилиб қиёмга турғайдирлар»,— дейишди саҳобалар. Расулulloҳ: «Бундай қилмангиз, ҳар ким қувватига қараб намоз ўқисин, қиёмга турулмаса, ўтириб ўқисин!»—дедилар».

*Оиша опаиз ривоят қиладирлар:* «Баний Асад қабиласига мансуб бир аёл ҳузуримда ўтирган эрди. Шул пайт Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам уйга кириб келиб: «Бу аёл кимдир?»—деб сўрадилар. «Бу — ўшал, кечаси ухламай намоз ўқиб чиқадирган аёл»,— дедим. Сўнг, мазкур аёлнинг нечук намоз ўқимога тўғрисида сўзлашдик. Шунда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Бундай қилмангиз, амали солиҳларни қурбингыз етганча адо этингиз, қанча ибодат қилсангиз ҳам, Оллоҳ таолога малол келмайди-ю, бироқ ўзингизга малол келиб қолмасин!» - дедилар».

### 16-боб. Кечалари ибодат қиладирган одамнинг тарки одат қилмоғи макруҳ

562 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( يَا عَبْدَ اللَّهِ لَا تَكُنْ مِثْلَ فُلَانٍ ، كَانَ يَقُومُ اللَّيْلَ فَتَرَكَ قِيَامَ اللَّيْلِ ) .

*Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Эй Абдуллоҳ, фалончи қабилида иш тутмағил! Ул кечалари туриб ибодат қилур эрди, энди эрса, тарки одат қилди»,— дедилар».

### 17-боб.

*Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Сенинг тўғрингда менга айтган сўзлари тўғрими? Сен кечалари туриб ибодат қилур эркансан, кундузи эрса, рўза тутар эркансан?» — дедилар. Мен: «Ҳа, шундоқ қилурмен»,— дедим. «Агар шундоқ қилур эрсанг, кўзинг киртайғайдир, силланг қуриғайдир, ахир, баданингнинг ҳам, бола-чақангнинг ҳам сенда ҳаққи бордир-ку! Баъзи кунлари рўза тутғил, баъзи кунлари тутмағил, кечанинг айрим соатларида ибодат қилгил ва айрим соатларида ухлаб дам олғил!» — дедилар Жаноб Расулulloҳ».

### 18 боб. Кечаси ўғониб намоз ўқиган одамнинг фазилати ҳақида

563 . عَنْ عُبَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَنْ تَعَارَّ مِنَ اللَّيْلِ فَقَالَ : لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ، الْحَمْدُ لِلَّهِ ، وَسُبْحَانَ اللَّهِ ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ ، ثُمَّ قَالَ : اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ، أَوْ دَعَا ، اسْتَجِيبَ لَهُ ، فَإِنْ تَوَضَّأَ وَصَلَّى قُبِلَتْ صَلَاتُهُ ) .

*Убода ибн Сомит:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бу хусусда бундай деганлар»,— деб ривоят қиладирлар: «Кимки кечаси ўғониб: «Ло илоҳа илла-л-лоҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу, лаҳу-л-мулку ва лаҳу-л-ҳамду ва ҳува ало кулли шайъин қадийр. Ал-ҳамду ли-л-лоҳи ва субҳона-л-лоҳи ва ло илоҳа илла-л-лоҳу ва-л-лоҳу акбар ва ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ» (таржимаси: «Оллоҳдан бошқа тангри йўқдир, унинг ёлғиз ўзигина мавжуддир, унинг шериги йўқдир, жамики мулк униқидир, барча мақтовлар унга хосдир ва у ҳар бир нарсага қодирдир! Оллоҳта мадҳу мақтовлар бўлсин! Оллоҳдан ўзга тангри йўқдир, Оллоҳ энг буюқдир! Оллоҳ

иродасисиз ҳеч нарса бўлмағайдир») деган дуони ўқиб, сўнг «Илоҳи, мени кечирғил!» деса, дуоси мустажоб бўлғайдир, кейин таҳорат олиб намоз ўқиса, намози қабул бўлғусидир».

564 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ وَهَوَّ يَقْصُ فِي قِصَصِهِ ، وَهُوَ يَذْكُرُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنَّ أَخَا لَكُمْ لَا يَقُولُ الرَّفَثَ ) . يَعْنِي بِذَلِكَ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ رَوَاحَةَ : وَفِينَا رَسُولُ اللَّهِ يَتْلُو كِتَابَهُ

إِذَا انْشَقَّ مَعْرُوفٌ مِنَ الْفَجْرِ سَاطِعٌ  
أَرَانَا الْهَدَى بَعْدَ الْعَمَى فَفَلُّوبُنَا

بِهِ مُوقِنَاتٌ أَنَّ مَا قَالَ وَقَعُ

بَيْتٌ يُجَافِي حَبْنَهُ عَنْ فَرَّاشِهِ

إِذَا اسْتَنْقَلَتْ بِالْمُشْرِكِينَ الْمَضَاجِعُ

*Абу Хурайра разияллоҳу анҳу:* «Абдуллоҳ ибн Равоҳа, албатта, ёмон (нотўғри) сўз айтмағайдир», — деб қуйидаги қиссани (шеърни) айтиб бердилар:

«Доимо Оллоҳ Китобин ўқир Ҳазрат Расулulloҳ,  
Қоп-қаро тун бағрини юз пора қилган тонг гувоҳ.  
Кўрсатиб бизга ҳидоят, ҳақ йўлига бошлади,  
Бихамдиллоҳ, сўқир кўзлар очилди, бўлмадик гумроҳ.  
Мушрикийлар жисмига парқу тўшак ҳам ботганида,  
Расулulloҳ остлари қотди тўшаксиз тун бўйи, э воҳ!»

565 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

رَأَيْتُ عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَأَنَّ بِيَدِي قِطْعَةً اسْتَبْرَقَ ، فَكَأَنِّي لَا أُرِيدُ مَكَانًا مِنَ الْحِجَّةِ إِلَّا طَارَتْ إِلَيْهِ ، وَرَأَيْتُ كَأَنَّ اثْنَيْنِ أَتْيَانِي أَرَادَا أَنْ يَذْهَبَا بِي إِلَى النَّارِ ، فَتَلَقَاهُمَا مَلَكٌ فَقَالَ : لَمْ تُرْعَ خَلِيًّا عَنْهُ . فَقَصَصْتُ حَقِصَةَ عَلَيَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِحْدَى رُؤْيَايَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ( نِعْمَ الرَّجُلُ عَبْدُ اللَّهِ لَوْ كَانَ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ ) . فَكَانَ عَبْدُ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида туш кўрсам, қўлимда бир парча «истабрақ» деган мато бор эрмиш. Мен ўшал мато парчаси Жаннатнинг қай ерига учиб борса, ўша жойга бормакни истар эмишман. Бир пайт, икки киши келдию, мени ушлаб дўзахга олиб бормоқчи бўлди. Йўлда бир фаришта йўлиқиб менга: «Қўрқмағил!» — деди. Кейин, уларга қараб: «Қўйиб юборингиз!» — деб айтди. Мен тушимни Ҳафса опамга айтган эрдим, ул Расулulloҳга айтиб берибдир. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Абдуллоҳ ўзи қандоқ яхши йигитдир, бироқ кечаси туриб намоз ўқиса эрди!» — дебдилар».

«Шу-шу Абдуллоҳ кечаси туриб намоз ўқийдирган бўлди,— дейдилар Нофиъ,— Бир куни саҳобаи киромлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга кўрган тушларини айтиб, таъбирини сўрашди. Рамазоннинг охирги 10 кунлигининг 7- нчи кечаси (Қадр кечаси) эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Назаримда, барчангизнинг тушингиз Рамазоннинг охирги 10 кунлигига тўғри келиб қолибдир. Кимки Қадр кечасини кутиб олмоқчи эрса, Рамазоннинг охирги 10 кунлигида кутсин!» — дедилар».

## 19-боб. Бомдодда икки ракъат қўшимча намоз ўқиш ҳақида

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтон ўқидилар, кейин яна 8 ракъат намоз ўқидилар, сўнг ўтирган ҳолда икки ракъат намоз ўқидилар. Бомдоднинг азони бирлан такбири ўртасида эрса, икки ракъат (қўшимча) намоз ўқиб олдилар. Бу одатни сира ҳам тарк этмас эрдилар».

## **20-боб. Бомдоднинг икки ракъат суннати ўқигандан сўнг ўнг қўлини босиб ёнбошламоқ**

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозининг икки ракъат суннати ўқиганларидан сўнг ўнг қўллари босиб ёнбошлар эрдилар».

## **21-боб. Бомдод намозининг икки ракъат суннати ўқиб бўлгандан кейин ёнбошлаш ўрнига сўзлашиб ўтирмоқ**

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозининг суннати ўқиб бўлганларидан кейин, агар уйғоқ бўлсам, мен бирлан сўзлашиб ўтирар эрдилар, агар уйғоқ бўлмасам, муаззин азон айтгунча ёнбошлар эрдилар».

## **22-боб. Нафл намозларини икки-икки ракъатдан ўқиш тўғрисидаги ҳадислар**

Аммор, Абу Зарр, Анас, Жобир ибн Зайд, Икрима ва Зухрий (Оллоҳ улардан рози бўлсин!) ҳам нафл намозларининг икки-икки ракъатдан ўқилмоғини эслатиб ўтганлар. Яҳё ибн Саъид: «Кундузи ўқиладирган нафлнинг ҳар икки ракъатидан кейин салом бермаган бирорта ҳам уламони (фақиҳни) билмасмен».— дейдилар.

566 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعْلَمُنَا الْاسْتِخَارَةَ فِي الْأُمُورِ كُلِّهَا ، كَمَا يَعْلَمُنَا السُّورَةَ مِنَ الْقُرْآنِ يَقُولُ : ( إِذَا هَمَّ أَحَدُكُمْ بِالْأَمْرِ ، فَلْيَرْكَعْ رَكَعَتَيْنِ مِنْ غَيْرِ الْفَرِيضَةِ ثُمَّ لِيَقُلْ : اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَحِيرُكَ بِعِلْمِكَ ، وَأَسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ ، وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ ، فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ ، وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ ، وَأَنْتَ عَلَامُ الْغُيُوبِ . اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي ، فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي ، أَوْ قَالَ : عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ ، فَاقْدُرْهُ لِي وَيَسِّرْهُ لِي ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ ، وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي ، فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي ، أَوْ قَالَ : عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ ، فَاصْرِفْهُ عَنِّي وَاصْرِفْنِي عَنْهُ ، وَاقْدُرْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ ، ثُمَّ أَرْضِنِي بِهِ ، قَالَ : وَيَسْمِي حَاجَتَهُ ) .

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга Қуръони Карийм сураларини ўргатганларидек ҳар бир ишда истихора (Оллоҳдан тилак тиламоқ) айтишни ўргатар эрдилар. Бир куни Жаноб Расулulloҳ: «Агар бирор ишга бел боғласангиз, аввал икки ракъат фарзсиз намоз ўқингиз, сўнг мана бу дуони айтингиз, дедилар: «Оллоҳумма астахийрука би-илмика ва астақдирука би-қудратика ва асълука мин фазлик-ал-азийм, фа-иннака тақдиру ва ло ақдиру ва таъламу ва ло аъламу ва анта аллому-л-ғуйуб, Оллоҳумма ин кунта таъламу анна ҳоза-л-амр хайрун лий фий дийний ва маъоший ва оқибати амрий (ав қола ожили амрий) ва ожилиҳи фа-қдирху лий ва йассирху лий, сумма борик лий фийҳи ва ин кунта таъламу ҳоза-л-амр шаррун лий фий дийний ва маъоший ва оқибати амрий (ав қола фий ожили амрий) ва ожилиҳи фа-срифху анний ва-срифний анху ва-қдир лийи-л-хайр хайсу кона, сумма арзиний биҳи». «Мазкур дуони айтиб бўлгач,— дедилар Жаноб Расулulloҳ,— Оллоҳга ўз тилагингизни айтгайсиз». Дуонинг таржимаси: «Илоҳи, мени илмингдан огоҳ қилғил! Қудратинг ила мени бардам қилғил! Чексиз фазлу карамингдан мени баҳраманд этғил! Илоҳи, мен бел

боғлаган иш динимга, ҳаётимга ҳамда касбу коримга яхшилиғ келтирадим, йўқми, ўзинг билғайдирсен. Агар яхшилиғ келтирадирган бўлса, уни менга насиб айлаб, осон қилғил ва унга барака ато этғил! Илоҳи, мен бел боғлаган иш динимга, ҳаётимга ва касбу коримга ёмонлиғ келтирадими, йўқми, ўзинг билғайдирсен. Агар ёмонлиғ келтирадирган бўлса, уни мендан, мени ундан йироқ айлағил! Менга яхшилиғ келтирадирган ишни раво кўриб, рози қилғил!»

*Абу Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бирингиз (намоздан ташқари вақтда) масжидга кирсангиз ўтирмасдан аввал икки ракъат намоз ўқингиз!»— деганлар».

*Анас ибн Молик ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имомлик қилиб, икки ракъат намоз ўқидилар, сўнг: «Меҳмондорчиликдан қайтишда дуо ўрнига намоз ўқингиз!»—дедилар».

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайғқи ва саллам бирлан бирга пешиндан аввал икки ракъат, пешиндан кейин ҳам икки ракъат намоз ўқидим, сўнгра жумъадан кейин ҳам, шомдан кейин ҳам, хуфтондан кейин ҳам икки ракъат намоз ўқидим».

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилидирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъада хутба қилатуриб: «Бирортангиз имом хутбада турган пайтда ёким хутба айтгани чиқаётган вақтда масжидга келсангиз, икки ракъат намоз ўқингиз!» — дедилар».

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Уйга келганимда менга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Каъбатуллоҳга кириб кетганларини айтишди. Жаноб Расулulloҳни Каъбадан чиқиб келаётганларида учратдим. Каъба эшиги олдида Билол турган эркан, «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбада намоз ўқидиларми?» — деб сўрадим. «Ҳа, намоз ўқидилар»,— деди Билол. «Каъбанинг қай ерида?» — дедим. «Анави икки устун оралиғида намоз ўқидилар, сўнг ташқарига чиқиб, Каъбага юзланиб яна икки ракъат намоз ўқидилар»,— деди».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Пайғамбаримиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга икки ракъат Зуҳо намозини ўқимакни тайинладилар»,— дейдилар.

*Атбон разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Абу Бакр Сиддиқ кун ёйилганда меникига келдилар, биз Расулulloҳнинг орқаларида саф тортдик, ул киши бизга имомлик қилиб, намоз ўқидилар,— дейдилар.

### **23-боб. Бомдод намозининг икки ракъат суннатини ўқигандан кейин сўзлашиб ўтирмақ**

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ракъат намоз ўқиб, менга қарар эрдилар, агар мен уйғоқ бўлсам, мен бирлан сўзлашиб ўтирар эрдилар, агар уйғоқ бўлмасам, ёнбошлар эрдилар»,— дейдилар.

*Али ибн Абдуллоҳ.* «Бомдоднинг икки ракъат суннатида шундоқ қилганлар, дейишади, деб Суфёнга айтганимда, ул: «Ҳа, бомдоднинг икки ракъат суннатида, деб тасдиқлади»,— дейдилар.

### **24-боб. Бомдодда икки ракъат суннат ўқишни одат қилмоқ ва бомдоднинг икки ракъат суннатини «нафл» деган киши ҳақида**

567 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : لَمْ يَكُنِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، عَلَى شَيْءٍ مِنَ التَّوَائِلِ ، أَشَدَّ مِنْهُ تَعَاهُداً ، عَلَى رَكَعَتِي الْفَجْرِ .

*Оиша онамиз ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам нафл намозларининг бирортасига ҳам бомдоднинг фарзидан аввал ўқиладирган икки



ракъат намозга одатлангандек, қаттиқ одатланган эрмаслар».

### **25-боб. Бомдод намозининг икки ракъат суннатида нималар ўқиладир?**

*Оиша онамиз ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси 13 ракъат намоз ўқир эрдилар, сўнг бомдодга азон айтилганини эшитиб, икки ракъат суннат ўқир эрдилар, суннатда «Қўл ё аййуҳа-л-кофирун» бирлан «Қул ҳува-л-лоҳу аҳад»ни қироат қилур эрдилар».

568 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، يَخْفَفُ الرَّكْعَتَيْنِ اللَّتَيْنِ قَبْلَ صَلَاةِ الصُّبْحِ ، حَتَّى إِنِّي لَأَقُولُ : هَلْ قَرَأَ بِأَمِّ الْقُرْآنِ .

*Оиша онамиз ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдоднинг икки ракъат суннати жуда қисқа ўқир эрдилар, ҳатто мен ўзимга-ўзим: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Фотиҳа» сурасини ўқидилармикан?»—деб қўярдим».

## **НАФЛ НАМОЗЛАР ҲАҚИДАГИ БОБЛАР**

### **1-боб. Фарз намозлардан кейин ўқиладирган нафл намозлар**

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга пешин намозидан аввал икки ракъат намоз ўқидим, пешин намозидан кейин ҳам, шом намозидан кейин ҳам, хуфтондан сўнг ҳам икки ракъат намоз ўқидим. Жумъанинг фарзларидан кейин ҳам икки ракъат намоз ўқидим. Аммо, Жаноб Расулulloҳ шом ва хуфтоннинг суннатларини уйларида ўқидилар. Опам Ҳафса: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тонг отгач, қисқагина икки ракъат намоз ўқир эрдилар»,— дердилар. Ўша пайтларда мен Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига кирмас эрдим».

### **2-боб. Фарз намозидан сўнг нафл ўқимаган киши ҳақида**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бирданига 8 ракъат, кейин 7 ракъат намоз ўқидик»,— дедим. Шунда Амр ибн Динор: «Эй Абу Мусо, назаримда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешиннинг қазосини асрга, шомнинг қазосини хуфтонга қўшиб ўқидиларми, дейман»,— деди. «Мен ҳам шундоқ бўлса керак, деб ўйлайман»,— дедим».

### **3-боб. Сафарда зуҳо намози ўқимоқ ҳақида**

*Муварриқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Ибн Умарга: «Зуҳо намозини ўқийдирсизми?» — дедим. «Йўқ»,— деди. «Усмон-чи?» — дедим. «Йўқ»,— деди. «Абу Бакр Сиддиқ-чи?» — дедим. «Йўқ»,— деди. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам-чи?» — дедим. «Йўқ, деб ўйлайман»,— деди».

*Абдурраҳмон ибн Абу Лайло ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зуҳо намозини ўқиганлари ҳақида Умму Ҳониъдан бошқа бирор киши бизга ҳадис айтмади. Умму Ҳониъ бундай деганди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ қилинган куни менинг уйимга кириб, ғусл қилдилар ва 8 ракъат намоз ўқидилар. Ҳанузгача мен бунчалик тез намоз ўқиган кишини кўрмаганман. Бироқ, тез ўқиган бўлсалар-да, рукуъ ва саждаларни меъёрига етказиб адо этдилар».

### **4-боб. Зуҳо намозини ихтиёрий деб ўқимаган киши ҳақида**

*Оиша онамиз ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зуҳо намозини ўқиганларини кўрмаганман, бироқ ўзим ўқиганман».

### 5-боб. Муқимликда зуҳо намози ўқимоқ

*Атбон ибн Молик разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг уйимда зуҳо намози ўқидилар, биз ул кишига иқтидо қилдик»,— дейдилар.

569 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَوْصَانِي خَلِيلِي بِثَلَاثٍ لَا أَدْعُهُنَّ حَتَّى أَمُوتَ ، صَوْمٌ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ مِنْ كُلِّ شَهْرٍ ، وَصَلَاةِ الضُّحَى ، وَتَوَمُّ عَلَى وَثْرٍ .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Дўстим Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга то ўлгунимча уч нарсага амал қилмоқни — ҳар ойда уч кун рўза тутмоқни, зуҳо намозини ўқимоқни ва витр намозидан кейин ухламоқни васият қилдилар».

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Бир бақалоқ ансорий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулulloҳ, мен масжидга келиб сиз бирлан бирга намоз ўқимоққа қодир эрмасман»,— деб узрини айтди. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам учун бир таом тайёрлаб, уйига чақирди. Бир бўйрани тозалаб, ерга солиб берди, Жаноб Расулulloҳ бўйра устида икки рақъат намоз ўқидилар». Фалон ибн Фалон ибн ал-Жоруд: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам зуҳо намози ўқирми эрдилар?» — деб Анасдан сўради. Анас: «Ушал кунлардан бошқа кунни ўқиганларини кўрмаганман»,— деди.

### 6-боб. Пешиннинг фарзидан аввал икки рақъат намоз ўқимоқ

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан 10 рақъат суннат намозини ёдлаб (ўрганиб) олдим: пешиннинг фарзидан аввал икки рақъат, фарзидан кейин икки рақъат, шомнинг фарзидан сўнг икки рақъат (уйларида ўқидилар) ва хуфтоннинг фарзидан кейин икки рақъат (уйларида ўқидилар), бомдоднинг фарзидан аввал икки рақъат (бу вақтда Расулulloҳ ҳузурларига биров кирмас эрди). Менга Ҳафса опам: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муаззин азон айтганда (тонг отганда) икки рақъат намоз ўқир эрдилар»,— деб айтдилар».

570 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ لَا يَدْعُ أَرْبَعًا قَبْلَ الظُّهْرِ وَرَكَعَتَيْنِ قَبْلَ الْعِدَاةِ .

*Оиша онамиз:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешиннинг фарзидан аввалги тўрт рақъат, фарзидан кейинги икки рақъат ҳамда бомдоднинг фарзидан аввалги икки рақъат намозни қанда қилмас эрдилар»,— дейдилар.

### 7-боб. Шом намозидан аввал намоз ўқимоқ

571 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ الْمُزَنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( صَلُّوا قَبْلَ صَلَاةِ الْمَغْرِبِ ) . قَالَ فِي الثَّلَاثَةِ : ( لِمَنْ شَاءَ ) . كَرَاهِيَةٌ أَنْ يَتَّخِذَهَا النَّاسُ سُنَّةً .

*Абдуллоҳ ал-Мозиний ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шом намозидан аввал икки рақъат намоз ўқингиз!» — деб уч марта айтганларидан кейин, «Одамлар буни суннат деб тушунмасинлар, тагин!» деган ўй бирлан: «Хоҳлаган киши ўқисин!» — деб қўйдилар».

*Марсад ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Уқба ибн Омир ал-Жуханий ҳузурига бориб: «Абу Тамийм ҳақида бир сўз айтиб, сизни ажаблантирайинми? Ул шом намозидан аввал икки рақъат намоз ўқийдир»,— дедим. Шунда Уқба: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида шундоқ қилур эрдик»,— деди. «Ҳозир шундоқ қилмоғингизга не монельлик қилур?»— дедим. «Ишимнинг кўплиги»,— деди Уқба».

### 8-боб. Нафл намозларни жамоат бўлиб ўқимоқ ҳақида

Анас ибн Молик ва Оиша онамиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

нафл намозларни жамоат бўлиб ўқимоқ лозимлиги ҳақида сўзлаганларини ривоят қилишгайдир.

*Маҳмуд ибн ар-Рабийъ ал-Ансорийъ Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уларнинг ҳовлисидаги қудуқдан сув олиб юзига пуркаганларини ҳамда Расулуллоҳ бирлан бирга Бадр жангида қатнашган Атбон ибн Моликдан эшитганларини эслаб, «Атбон менга бундоқ деганди»,— дедилар:* «Мен ўз қавмим бўлмиш Баний Солимга имомлик қилур эрдим. Қавмим яшайдирган қишлоқ бирлан менинг ўйим оралиғида бир водий бор эрди ва ёмғир ёққанда ўтиб бўлмайдирган бўлиб қолар эрди. Бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб: «Менинг кўзим хиралашиб қолди, ёмғир ёққанда қавмим бирлан ўзимнинг ўртамдаги водийни кесиб ўтмоқ менинг учун жуда оғирдир, ўйимга бориб бир тайинли жойда намоз ўқиб берсангиз-у, мен ўшал ерни ўзимга намозгоҳ қилиб олсам!» — дедим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Хўп, шундоқ қилгайдирмен»,— дедилар. Ниҳоят, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўйимга келиб, эшигимни тақиллатдилар. Мен чиқиб, ичкарига таклиф этдим. Жаноб Расулуллоҳ ўтирмасдан: «Уйингнинг қай ерида намоз ўқиб берайин?» — дедилар. Мен ўзим хоҳлаган жойимни кўрсатдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам такбири таҳрима айтиб намоз бошладилар, биз ул кишининг орқаларида саф тортиб, иқтидо қилдик. Икки ракъат намоз ўқиб, сўнг салом бердилар. Биз ҳам салом бердик. Кейин, кетмоқчи бўлган эрдилар, «Сиз учун атайлаб ҳазир (таом) тайёрлатиб қўйганман, еб кетингиз!»— деб қўймадим. Маҳалла аҳли Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг меникига келганларини эшитиб, ул зотни зиёрат қилгани киришди. Ҳовлимга одам тўлиб кетди. Қўшнилариймдан бири: «Молик нега кўринмайдир?» — деди. Шунда бир киши: «Ул мунофиқ одам, Оллоҳ ва унинг Расулини яхши кўрмайдир»,— деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам буни эшитиб: «Ундоқ демағил, Оллоҳни юз-хотир қилиб, Ло илоҳа илла-л-лоҳу деганини билурсен-ку!» — дедилар. «Оллоҳ ва унинг Расули билгувчироқдир, аммо биз Оллоҳга қасамёд қилиб айтурмизким, ул фақат мунофиқлар билайгина дўстлашиб, фақат ўшалар бирлан ҳамсўхбат бўлгайдир»,— деди бояги киши. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолони юз-хотир қилиб, Ло илоҳа илла-л-лоҳу деган кишини Оллоҳ таоло дўзах ўтида куйдирмагайдир»,— дедилар. «Бу воқеани кўпчилик орасида айтиб бердим,— деб ҳикоя қиладир Маҳмуд ибн ар-Рабийъ,— улар орасида ўшанда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғазотда шаҳид бўлган саҳобалари Абу Айюб ҳамда Рум мамлакатида амир қилиб тайинланган Язийд ибн Муъовия ҳам бор эрди. Абу Айюб менинг айтганларимни рад қилиб: «Қасамёд қилиб айтурменким, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сен айтган сўзларни ҳеч қачон айтмаган бўлсалар керак»,— деди. Абу Айюбнинг бул гапи менга жуда оғир ботди. Агар ғазотдан Оллоҳ таоло мени саломат қайтарса, агар Атбон ибн Моликни тирик топсам, маҳалласининг масжидида албатта ундан бу ҳақда сўрагайдирмен, деб қасамёд қилдим. Ғазотдан саломат қайтдим, кейин ҳажга (ёким умрага) эҳром боғлаб, йўлга тушдим-да, Мадинаи Мунавварага келдим. Баний Солим маҳалласига бордим. Қарасам, кўзи ожиз, мўйсафид Атбон ибн Молик ўз қавмига имомлик қилиб, намоз ўқиб турган эркан. Намоз тугаб, салом бергач, олдига бориб салом бердим. Сўнг, ҳалиги ҳадисни сўрадим, Атбон ибн Молик олдин қандоқ айтиб берган бўлса, худди ўшандоқ қилиб ривоят қилиб берди».

### **9-боб. Уйда нафл намози ўқимоқ**

*Ибн Умар ривоят қиладирлар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уйингизда ҳам нафл намоз ўқиб турингиз, уйингизни қабристон қилиб

қўймангиз»,— дедилар».

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

### 1-боб. Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара масжидларида ўқилган намознинг фазилатлари тўғрисида

*Қазъа разияллоҳу анҳуга Абу Саъид (Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга 12 та ғазотда қатнашган):* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қуйидаги тўрт насиҳатни эшитганман»,— дебдир: «Хотин киши икки кунлик йўлга фақат маҳрами йўлдошлиғида чиқмоғи лозим; иккала ҳайитда рўза тутмаслик керак; бомдоддан кейин кун чиққунча ва асрдан кейин кун ботгунча намоз ўқимоқ ярамайдир; кўпроқ савоб олурмен деган одам Ал-Масжид ал-Ҳаромга (Каъбатуллоҳда), Масжид ур-Расул саллаллоҳу алайҳи ва салламга (Мадинада) ва Масжид ул-Ақсога (Қуддусда) чиқмоғи лозимдир».

572 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لَا تُشَدُّ الرَّحَالُ إِلَّا إِلَى ثَلَاثَةِ مَسَاجِدَ : الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ ، وَمَسْجِدِ الرَّسُولِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَمَسْجِدِ الْأَقْصَى ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кўпроқ савоб олурмен деган одам бошқа масжидларга изғимай, фақат Ал-Масжид ал-Ҳаром, Масжид ур-Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам. ва Масжид ул-Ақсога чиқсин!» — деганлар».

573 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( صَلَاةٌ فِي مَسْجِدِي هَذَا خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ صَلَاةٍ فِي مَا سِوَاهُ ، إِلَّا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг масжидимда ўқилган битта намоз мингта намоздан савоблироқ бўлиб, унга фақат Ал-Масжид ал-Ҳаромда ўқилган намозгина тенглаша олғайдир»,— деганлар».

### 2-боб. Қубо масжиди ҳақида

574 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ كَانَ لَا يَصَلِّي مِنَ الضُّحَى إِلَّا فِي يَوْمَيْنِ : يَوْمَ يَقْدَمُ بِمَكَّةَ فَإِنَّهُ كَانَ يَقْدُمُهَا ضُحَى ، فَيَطُوفُ بِالْبَيْتِ ، ثُمَّ يَصَلِّي رَكَعَتَيْنِ خَلْفَ الْمَقَامِ ، وَيَوْمَ يَأْتِي مَسْجِدَ قُبَاءَ ، فَإِنَّهُ كَانَ يَأْتِيهِ كُلَّ سَبْتٍ ، فَإِذَا دَخَلَ الْمَسْجِدَ كَرِهَ أَنْ يُخْرَجَ مِنْهُ حَتَّى يَصَلِّي فِيهِ ، وَكَانَ يَحَدِّثُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَزُورُهُ رَاكِبًا وَمَاشِيًا ، قَالَ : وَكَانَ يَقُولُ : إِنَّمَا أَصْنَعُ كَمَا رَأَيْتُ أَصْحَابِي يَصْنَعُونَ ، وَلَا أَمْنَعُ أَحَدًا أَنْ يُصَلِّيَ فِي أَيِّ سَاعَةٍ شَاءَ مِنْ لَيْلٍ أَوْ نَهَارٍ ، غَيْرَ أَنْ لَا تَتَحَرَّوْا طُلُوعَ الشَّمْسِ وَلَا غُرُوبَهَا .

*Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу фақат икки кун — Маккага ва Қубо масжидига келган кунлари зуҳо намози ўқир эрдилар. Маккага айнан зуҳо намози ўқиладирган вақтда етиб келар эрдилар-да, Байтуллоҳни тавоф айлаб, сўнг Мақоми Иброҳимда икки ракъат намоз ўқир эрдилар. Қубо масжидига эрса, ҳар шанба куни келиб, намоз ўқимасдан кетмас эрдилар. Ибн Умар менга бундай деган эрдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам баъзан отлиқ, баъзан пиёда Масжид ул-Қубони зиёрат қилур эрдилар, саҳобаи киромлар ҳам шундоқ қилишгайдир, мен ҳам улардан ўрнак олиб шундоқ қилмоқдамен. Мен ҳеч кимнинг, хоҳ кундузи ва хоҳ кечаси бўлсин, истаган вақтда намоз ўқимоғига монеълик қилмасмен, фақат кун чиқаётган ёким ботаётган вақтда ўқимаса, бўлди!»

### 3-боб. Қубо масжидига ҳар шанба келган киши ҳақида

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар шанба куни Қубо масжидига гоҳ пиёда, гоҳ от.миниб келар эрдилар».

(Буни кўриб Абдуллоҳ ибн Умар ҳам шундоқ қилар эрдилар).

#### **4-боб. Қубо масжидига от миниб ёким пиёда келмоқ**

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қубо масжидига гоҳ отда, гоҳ пиёда келар эрдилар». Ибн Нумайр юқоридаги ҳадисга қўшимча қилиб: «Ибн Умар Қубо масжидига келган заҳоти икки ракъат намоз ўқиб, сўнг ўтирар эрди»,— дейдилар.

#### **5-боб. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари бирлан минбарлари орасида намоз ўқимоқнинг фазилати**

*Абдуллоҳ ибн Зайд ал-Мозиний ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уйим бирлан минбарим оралиғидаги жой жаннат боғларидан биридир!» — деганлар».

575 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَا بَيْنَ بَيْتِي وَمَنْبَرِي رَوْضَةٌ مِنْ رِيَاضِ الْجَنَّةِ ، وَمَنْبَرِي عَلَى حَوْضِي ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уйим бирлан минбарим оралиғидаги жой жаннат боғларидан биридир! (Охиратда) минбарим Ҳавзи Кавсарим қирғоғида бўлғайдир»,— деб айтганлар».

#### **6-боб. Байт ул-Муқаддас масжиди ҳақида**

*Зиёдиннинг озод қилинган қули Қазъа ривоят қиладирлар:* «Абу Саъид ал-Худрий Жаноб Расулulloҳдан эшитган тўрт васиятни айтиб, мени таажжубга солдилар, хурсанд қилдилар. Улар қуйидагилар: «Аёл киши икки кунлик йўлга ёлғиз ўзи сафар қилмағайдир, балким эри ёким бир махрами бирлан сафар қилғайдир; икки ҳайит куни рўза тутилмағайдир; бомдоддан кейин кун чиққунча, асрдан сўнг кун ботгунча намоз ўқилмағайдир; фақат учта масжид — Ал-Масжид ал-Ҳаром, Масжид ул-Ақсо ва менинг масжидимдан кўпроқ савоб топғайдирсиз!»

### **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

#### **НАМОЗДА ҚИЛИНАДИРГАН ҲАРАКАТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ БОБЛАР**

##### **1-боб. Намозда (агар буюрилган бўлса) қўлдан фойдаланиш ҳақида**

*Ибн Аббос ривоят қиладирлар:* «Намозхон намоз ўқиётиб ўз тана аъзоларидан истаганча фойдаланмоғи мумкин. Масалан, Абу Исҳоқ намоз ўқиётиб қўли бирлан кулоҳини олиб қўйди, кейин яна кийиб олди. Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу эрса, ўнг кафтларини чап қўлларининг бўғини устига қўйиб, қўл боғлар эрдилар, агар бирор жойларини қашимоқчи ёким кийимларини тузатиб олмоқчи бўлсалар, қўл боғламини ечиб, қўлларини бемалол ҳаракат қилдираверар эрдилар».

*Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қиладирлар:* «Бир куни кечаси Маймуна холамникида ётиб қолдим. Мен ёстиқнинг энсиз томонига, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва холам эрса, энли томонига бош қўйиб ётдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ярим кечагача ёким ундан сал камроқ ёким кўпроқ вақт ухладилар. Кейин, уйғониб, ўринларидан туриб ўтирдилар-да, уйқуни қочирмоқ учун қўллари бирлан кўзларини ишқадилар. Сўнг, Сураи «Оли Имрон»нинг охиридан ўн оят ўқидилар. Кейин, ўринларидан туриб, деворга осиглиқ мешчани олдилар-да, яхшилаб таҳорат қилдилар, сўнг намоз ўқимоққа тутиндилар. Мен ҳам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сингари таҳорат олдим-да, ёнларига бориб турдим. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўнг қўллари бирлан (ўнг томонимда

туришинг керак эрди, деган маънода) ўнг қулоғимни ишқаб қўйдилар (бошқа ҳадисда: «Қулоғимдан ушлаб, мени ўнг томонларига ўтказиб қўйдилар»,— дейилган). Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ракъат, сўнг икки ракъат, кейин икки ракъат, сўнгра икки ракъат, кейин икки ракъат, сўнгра икки ракъат намоз ўқидилар. Сўнг, витр ўқиб бўлгач, муаззин келиб азон айтгунча ёнбошладилар. Кейин, қисқагина қилиб икки ракъат намоз ўқиб олдилар. Сўнг, бомдод ўқигани масжидга чиқиб кетдилар».

## 2-БОБ. Намоз вақтида сўзлашмоқ манъ қилинадир

576 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كُنَّا نُسَلِّمُ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَهُوَ فِي الصَّلَاةِ ، فَيَرُدُّ عَلَيْنَا فَلَمَّا رَجَعْنَا مِنْ عِنْدِ النَّحَاشِيِّ ، سَلَّمْنَا عَلَيْهِ فَلَمْ يَرُدِّ عَلَيْنَا ، وَقَالَ : ( إِنْ فِي الصَّلَاةِ شُغْلًا ) .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётганларида салом берар эрдик, бизга алик олар эрдилар. Аммо, Ҳабашистондаги Ан-Нажойий деган жойдан қайтганимизда намоз ўқиётган эрканлар, салом берсақ, алик олмадилар. Намоздан кейин: «Намоз улуғ машғулотдир! Унда бошқа нарсалар бирлан машғул бўлмоқ ярамағайдир»,— дедилар».

وَفِي رِوَايَةٍ عَنْ زَيْدِ بْنِ أَرْقَمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : إِنْ كُنَّا لِنَتَكَلَّمُ فِي الصَّلَاةِ عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، يُكَلِّمُ أَحَدُنَا صَاحِبَهُ بِحَاجَتِهِ حَتَّى تَزَلَّتْ ﴿ حَافِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ ﴾ . الْآيَةِ ، فَأَمَرْنَا بِالسُّكُوتِ .

*Абу Амр аш-Шайбоний:* «Менга Зайд ибн Акрам разияллоҳу анҳу бундоқ деганди»,— дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида, ислом эндигина тарқалаётган вақтда Оллоҳ таолонинг «Намозларда тартиб сақлангиз!...» деган ояти кариймаси нозил бўлмагунча бир-биримиз бирлан дунёвий ишларимиз ҳақида сўзлашаварар эрдик».

## 3-БОБ. Намозхоннинг намозда тасбиҳ ва ҳамд айтмоғи жоиз

*Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Баний Амр ибн Авфни келиштириб қўймоқ учун чиққан эдилар ҳамки, намоз вақти бўлди. Шунда Билол Абу Бакрнинг олдига келиб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ушланиб қолдилар, сиз ўрниларига имомлик қилмағаймисиз?»— деди. Абу Бакр: «Майли, агар истасангиз»,— деб ррзи бўлдилар. Кейин, Билол азон айтди. Абу Бакр эрса, меҳробга ўтиб намоз бошладилар. Шу пайт Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келдилар-да, одамларни оралаб ўтиб, биринчи сафга турдилар. Одамлар (Абу Бакрга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келганларини билдирмоқ учун) чапак чала бошладилар. Абу Бакр шунда ҳам сезмадилар. Одамлар қаттиқроқ чапак чалганларидан кейингина атрофга аланглаб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг биринчи сафда турганларини кўриб қолдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ўрнингда тураверғил!» деб ишора қилдилар. Шунда Абу Бакр қўлларини кўтариб Оллоҳга ҳамд айтдилар-да, орқага тисарилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам олдинга ўтиб, намозни давом эттирдилар».

## 4-БОБ. Намозда айтиш мумкин эмаслигини билмаган ҳолда бирор қавмнинг номини тилга олмоқ ёким бир-бирига салом бермоқ ҳақида

*Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар:* «Биз илгарилари намоз ўқиётиб ҳам бир-биримизга салом бераверар эрдик ва марҳумларнинг исмларини бирма-бир айтиб дуо қилар эрдик. Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан эшитиб қолиб: «Ат-Таҳиййоту ли-л-лохи ва-с-салавоту ва-т-таййиботу, ас-салому

алайка аййуха-н-на-биййу ва раҳмат-ул-лоҳи ва баракотух, ас-салому алайно ва ало ибоди-л-лоҳи-с-солиҳийна, ашҳаду алло илоҳа ил-ла-л-лоҳу ва-шҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ» десангиз, Оллоҳ таолонинг еру кўкдаги барча солиҳ бандаларини дуо қилган бўлурсиз»,— дедилар». Дуонинг таржимаси: «Барча олқишу мақтовлар, беш вақт намозу згуликлар Оллоҳга бўлсин! Эй Оллоҳнинг элчиси (пайғамбари) Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам! Оллоҳ таоло сизга салом, баракот ва раҳмат йўлласин! Бизга ҳамда Оллоҳнинг жамики солиҳ бандаларига ҳам Оллоҳ салом йўлласин! Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигининг шоҳидиман, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам Оллоҳнинг бандаси ва элчиси (пайғамбар)и эканлигининг шоҳидидирман».

### **5-боб. Қарсак чалмоқ хотинларга ҳос қилиқ эканлиги ҳақида**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тасбиҳ айтмоқ эркакларга, қарсак чалмоқэrsa, хотинларга хос одатдир! » — деганлар (бу ерда имомни огоҳлантирмоқ учун чапак чалиб овоз чиқармоқ назарда тутилган)».

*Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тасбиҳ айтиб (имомни) огоҳлантирмоқ эркакларга , кафтни кафтга уриб одаз чиқариб (имомни) огоҳлантирмоқ хотинларга хос одатдир»,— деганлар».

### **6-боб. Намоз ўқиётиб орқага тисарилган ёким бирор сабабга кўра олдинга (намозхонларнинг олдинги сафига) ўтиб олган кишилар ҳақида**

Саҳл ибн Саъд бу ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тўғриларидаги ҳадисларда ривоят қилганлар.

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Сешанба куни мусулмонлар Абу Бакр Сиддиқ имомлигида (Расулulloҳ бетоб эрдилар) бомдод намозини ўқишаётган эрди. Шу лайт Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша онамизнинг хужраларидаги пардани очиб, уларга жилмайиб қараб қўйдилар. Абу Бакр Сиддиқ, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга чиқмоқчилар, деб ўйлаб, жой бўшатмоқ мақсадида орқаларига тисарилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб хурсанд бўлиб кетган мусулмонлар намозни бузиб қўйиб дейишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни давом эттирингиз, деган маънода ишора қилдилар-да, пардани ёпиб қўйдилар. Ул зот шул куни вафот этдилар».

### **7-боб. Намоз ўқиётган болани онаси чақириб қолса...**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Менга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйидаги воқеани ривоят қилиб берган эрдилар»,— дейдилар. «Бир бола ўз хужрасида (намоз ўқиб) турган эрди. Шу пайт онаси: «Эй Журайж»,— деб чақириб қолди. Бола (онасининг овозини эшитгач): «Илоҳи, чиқайин десам, намоз ўқимоғим керак, чиқмайин десам, онам чақирмоқдалар, не қилсам эркан?» — деди. Онаси: «Эй Журайж»,— деб иккинчи марта чақирди. Бола яна: «Илоҳи, чиқайин десам, намоз ўқимоғим керак, чиқмайин десам, онам чақирмақдалар, не қилсам эркан?» — деди. Онаси: «Эй Журайж»,—деб учинчи марта чақирди. Бола яна: «Илоҳи, чиқайин десам, намоз ўқимоғим керак, чиқмайин десам, онам чақирмақдалар, не қилсам эркан?» — деди. Онаси: «Илоҳи, Журайж фоҳиша хотинлар юзига назари тушмай ўлмасин!» — деб қарғади.

Журайжнинг хужрасига бир чўпон хотин кириб-чиқиб юрар эрди. Бир куни шу хотин туғиб қўйди. Хотиндан: «Болани кимдан туғдинг?»— деб сўрашди. Хотин:

«Журайждан»,— деди. Буни эшитган Журайж ҳужрасидан чиқиб келиб: «Болани мендан туққанман, деяётган хотин қани?» — деди, сўнг болага қараб: «Эй гўдак, отанг ким?» — деб сўради. «Отам қўйбоқар чўпон»,— деди чақалоқ (Журайж намозни онасидан ҳам устун қўйгани учун Оллоҳ таоло унга ана шундоқ каромат ато қилди)».

### **8-боб. Намоз ўқиётиб сажда қилинадирган ерни майда тошлардан тозалаб ташламоқ**

577 . عَنْ مُعَيْبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ ، فِي الرَّجُلِ يَسْوِي التُّرَابَ حَيْثُ يَسْجُدُ ، قَالَ : ( إِنَّ كُنْتُ فَاعِلًا فَوَاحِدَةً ) .

*Муъаййиқиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саждага бош қўйиладирган ерни майда тошлардан тозалаб ташлаётган кишига: «(Намоз давомида) бир марта шундоқ қилмоғинг мумкин»,— дедилар».

### **9-боб. Саждага бош қўйиладирган ерга кийимини ёзиб қўймоқ**

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга жазирама иссиқда намоз ўқиётиб, ернинг ниҳоятда қизиб кетганлигидан бирортамиз ҳам саждада пешонамизни ерга теккизолмай қолдик. Шунда кийимимизни саждагоҳга ёзиб қўйиб, ўшанинг устига сажда қилдик».

### **10-боб. Намозда қандай ҳаракатлар қилмоқ жоиз бўладир?**

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётганларида қибла томонларида оёғимни узатиб ётган бўлардим. Сажда қилаётганларида оёғимни йиғиштириб олардим, саждадан бош кўтарганларида эрса, яна узатиб юборар эдим (қоронғуда)».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқииб бўлиб, бундай дедилар: «Намоз ўқиётганимда шайтон пайдо бўлиб, намозимни бузмоқ ниятида менга ҳамла қилди. Оллоҳ таоло мадади бирлан уни даф қилмакка муяссар бўлдим. Эрталаб сизлар кўрингиз, деб уни тутиб масжиднинг устунига боғлаб қўймоқчи бўлганимда, Сулаймон алайҳиссаломнинг «Илоҳи, мени шундоқ бир нарсага эга қилгилким, токи мендан кейин унга ҳеч ким муяссар бўлолмасин!»— деган гаплари ёдимга тушди. Шунда Оллоҳ таоло шайтоннинг умидини пучга чиқариб қувиб юборди».

### **11-боб. Намоз ўқиётган одамнинг улони бўшаб (ечилиб) кетса...**

Қатода разияллоҳу анҳу: «Намозхон кийимини ўғри олиб қочса, намозни қўйиб, ўғрини қувлағайдир»,— дейдилар.

578 . عَنْ شُعْبَةَ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : حَدَّثَنَا الْأَزْرَقُ بْنُ قَيْسٍ قَالَ : كُنَّا بِالْأَهْوَازِ نُفَاتِلُ الْحَرُورِيَّةَ ، فَبَيْنَا أَنَا عَلَى حُرْفٍ نَهَرٍ إِذَا رَجُلٌ يُصَلِّي ، وَإِذَا لِحَامٌ دَابَّتْ بِيَدِهِ فَجَعَلَتْ الدَّابَّةُ تُنَازِعُهُ ، وَجَعَلَ يَتَّبِعُهَا - قَالَ شُعْبَةُ - هُوَ أَبُو بَرَزَةَ الْأَسْلَمِيُّ - فَجَعَلَ رَجُلٌ مِنَ الْخَوَارِجِ يَقُولُ اللَّهُمَّ افْعَلْ بِهَذَا الشَّيْخِ . فَلَمَّا انْصَرَفَ الشَّيْخُ قَالَ : إِنِّي سَمِعْتُ قَوْلَكُمْ ، وَإِنِّي غَزَوْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سِتَّ غَزَوَاتٍ ، أَوْ سَبْعَ غَزَوَاتٍ ، أَوْ ثَمَانِيًا ، وَشَهِدْتُ تَيْسِيرَهُ ، وَإِنِّي إِنْ كُنْتُ أَنْ أَرَا جَعَلَ مَعِ دَابَّتِي ، أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ أَنْ أَدْعَاهَا تَرْجِعَ إِلَيَّ مَأْلَمَهَا فَيَشُقَّ عَلَيَّ .

*Ал-Азрақ ибн Қайс ривоят қиладилар:* «Аҳвоз деган ерда хаворижлар бирлан урушаётган эрдик. Мен дарё бўйида турган эрдик, Бир вақт, бир кишининг оти юганини ушлаб турган ҳолда намоз ўқиётганики кўриб қолдим. Оти кучлилик қилиб



уни жойнамоздан нарига судраб кета бошлади». Мазкур ривоятни Шуъба разияллоҳу анҳу бундай деб давом эттирадидлар: «Ўша намозхон Абу Барза. ал-Асламий бўлиб, уни хаворижлардан бир киши: «Илоҳи, бу чолни балога гирифтор қилғил!» — деб дуоибад қилди. Абу Барза намозини тугатгач: «Мен сизларнинг гапингизни эшитдим. Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга олти (ёким етти, ёким саккиз) йил ғазот қилдим, умматларига намоз хусусида бир қанча енгиллик берганларини кўрдим. Отим судраб кетаётган бўлса ҳам, намоз ўқиганим афзал, чунки уни ўз ҳолига қўйиб юборсам, ўтлаб узоқларга кетиб қолгайдир»,— деди».

579 . عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : حَسَفَتِ الشَّمْسُ ، فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَرَأَ سُورَةَ طَوِيلَةَ ، ثُمَّ رَكَعَ فَأَطَالَ ، ثُمَّ رَفَعَ رَأْسَهُ ، ثُمَّ اسْتَفْتَحَ بِسُورَةِ أُخْرَى ، ثُمَّ رَكَعَ حَتَّى قَضَاهَا ، وَسَجَدَ ، ثُمَّ فَعَلَ ذَلِكَ فِي الثَّانِيَةِ ، ثُمَّ قَالَ : ( إِنَّهُمَا آيَاتَانِ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ ، فَإِذَا رَأَيْتُمْ ذَلِكَ فَصَلُّوا حَتَّى يُفْرَجَ عَنْكُمْ ، لَقَدْ رَأَيْتُ فِي مَقَامِي هَذَا كُلَّ شَيْءٍ وَعُدَّتُهُ ، حَتَّى لَقَدْ رَأَيْتُنِي أُرِيدُ أَنْ أَخَذَ قِطْفًا مِنَ الْجَنَّةِ حِينَ رَأَيْتُمُونِي جَعَلْتُ أَتَقَدَّمُ ، وَلَقَدْ رَأَيْتُ جَهَنَّمَ يَحِطُّمُ بَعْضُهَا بَعْضًا حِينَ رَأَيْتُمُونِي تَأَخَّرْتُ ، وَرَأَيْتُ فِيهَا عَمْرُو بْنَ لُحَيٍّ وَهُوَ الَّذِي سَبَّ السَّوَابِ ) .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Қуёш тутилди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб узун сура ўқидилар, сўнг рукуъ қилдилар, рукуъда узоқ турдилар, кейин рукуъдан бош кўтариб, бошқа бир сурани ўқий бошладилар. Сўнг рукуъ қилиб, сажда қилдилар-да, биринчи ракъатни якунладилар. Иккинчи ракъатни ҳам шу тариқа ўқидилар. Кейин, бизга қараб: «Қуёш бирлан Ой Оллоҳ таоло қудратининг икки далилидир. Уларнинг тутилганини кўрсангиз, тутилиб бўлгунча намоз ўқингиз! Мана шу ерда туриб менга ваъда қилинган ҳамма нарсани кўрдим. Қўлимни узатиб олдинга интилаётганимни кўрган вақтларингизда мен жаннатдан бир мева узиб олмоқчи бўлган эрдим, орқамга (чўчиб) тисарилганимда эрса, жа~ ҳаннам ўтининг гуриллаб ёнаётганини кўрган эрдим. Жаҳаннамда Амр ибн Луҳони кўрдим, ул (ҳаётлигида уй) ҳайвонларини ўз ҳолига ташлаб қўйган одам эрди»,— дедилар».

## 12-боб. Намозда тупуриш ва уф тортиш ҳақида

*Абдуллоҳ ибн Амр:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Қуёш тутилганда намоз ўқиётиб уф тортдилар», — дейдилар.

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам масжиднинг қиблага қараган деюридаги тупукни кўриб, масжид аҳлидан хафа бўлганларидан: «Намоз ўқиётганингизда Оллоҳ таоло ҳар бирингизнинг рўпарангизда бўлгайдир, шунинг учун қиблага қараб тупура кўрмангиз!» — дедилар-да, муборак қўлларига бир тош олиб девордаги тупикни қириб ташладилар».

«Қайси бирингиз тупурмоқчи бўлсангиз, чап ёнингизга тупурингиз!»— дейдилар Ибн Умар.

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Намоз ўқиётган ҳар бир мўмин ўз рабби бирлан суҳбатлашгайдир. Шунинг учун олд томонига ва ўнг ёнига тупурмасин, чап ёнига ёким оёғининг остига тупурсин!» — дедилар».

## 13-боб. Эркак киши, мумкин эмаслигини билмасдан имомни бирор нарсдан огоҳлантирмақ учун кафтини кафтига уриб овоз қилса, намози бузилмайдир

Юқорида Саҳл ибн Саъднинг шунга доир ҳадиси келтириб ўтилган.

#### 14-боб. Агар намозхонга «олдинга ўтғил ёким кутиб турғил!» дейилса, кутиб тургани маъқул

*Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга намоз ўқиётган одамлар изорларини кичиклигидан бўйинларига танғиб олишар эрди. Шунда хотинларга: «Эркаклар батамом ўтириб олгунларича бошларингизни саждадан кўгармангиз!»—деб буюришар эрди (чунким эркаклар сажда қилганда авратлари кўриниб қоларди)».

#### 15-боб. Намозда саломга алик олинмайдир

*Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга намоз ўқиётганларида ҳам салом берар эрдим. Менга алик олар эрдилар. Лекин, бир куни Ҳабашистондан қайтиб келганимизда Жаноб Расулulloҳга намоз ўқиётганларида салом берсам, алик олмадилар. Намоздан кейин: «Намоз ўқиётиб бошқа нарсаларга чалғимаслик керак»,— дедилар».

580 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

بَعَثَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَاجَةٍ لَهُ ، فَأَنْطَلَقْتُ ثُمَّ رَجَعْتُ ، وَقَدْ قَضَيْتُهَا ، فَأَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيَّ ، فَوَقَعَ فِي قَلْبِي مَا اللَّهُ بِهِ أَعْلَمُ فَقُلْتُ فِي نَفْسِي : لَعَلَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَجَدَ عَلَيَّ أَنِّي أَبْطَأْتُ ، ثُمَّ سَلَّمْتُ عَلَيْهِ فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيَّ ، فَوَقَعَ فِي قَلْبِي مِنَ الْمَرَّةِ الْأُولَى ، ثُمَّ سَلَّمْتُ عَلَيْهِ فَرَدَّ عَلَيَّ ، فَقَالَ : ( إِنَّمَا مَنَعَنِي أَنْ أَرُدَّ عَلَيْكَ أَنِّي كُنْتُ أَصْلِي ) . وَكَانَ عَلِيٌّ رَاحِلَتَهُ مُتَوَجِّهًا إِلَى غَيْرِ الْقِبْلَةِ .

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени ўзларининг бир ҳожатларини бажариб келмакка юбордилар. Мен топшириқни бажаргач, қайтиб келиб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга салом бердим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саломимга алик олмадилар. Биргина Оллоҳга аён, ўшанда анча кўнглим ранжиди. Ўзимга-ўзим: «Эҳтимол, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечикиб қолганим учун мендан хафа бўлиб юргандирлар?» — дедим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қайта салом берсам, яна алик олмадилар, дилим аввалгидан ҳам кўпроқ ранжиди, кейин яна салом бердим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу гал саломимга алик олиб: «Саломингга алик олмоғимга намоз монеълик қилди, мен намоз ўқиётган эрдим»,— дедилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам улов устида қибладан бошқа ёққа қараган ҳолда намоз ўқиётган эрдилар».

#### 16-боб. Намоз ўқиётиб бирор зарурат билан қўлини тепага кўтармоқ ҳақида

*Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қулоқларига «Баний Амр ибн Авф қабйласи Қубо масжидида жанжаллашиб қолишибди» деган хабар етди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қанча саҳобаларини олиб, уларни яраштирамоққа чиқдилар. Муҳокама чўзилиб кетиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир оз ушланиб қолдилар. Намоз вақти ҳам бўлди. Билол келиб Абу Бакр Сиддиққа: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ушланиб қолдилар. Намоз вақти бўлди, жамоатга имомлик қилмайдирмисиз? » — дедилар. «Истасангиз, майли»,— дедилар Абу Бакр. Билол азон айтдилар, Абу Бакр Сиддиқ эрса, меҳробга ўтиб такбири таҳрима айтдилар. Шу пайт Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб биринчи сафга турдилар. Одамлар Абу Бакрни огоҳлантирмақ учун чапак чала бошлашди. Абу'Бакр шунда ҳам сезмадилар. Одамлар қаттиқроқ қарсак чалишгандан кейингина атрофга аланглаб

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб қолдилар. Жаноб Расулulloҳ ул кишига «Намозни давом эттиравеҒил» деган маънода қўллари бирлан ишора қилдилар. Абу Бакр қўлларини тепага кўтариб Оллоҳга ҳамд айтдилар-да, орқага тисарилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишининг биринчи сафга келиб турганларини кўриб олдинга ўтиб имомлик қилдилар. Намоздан кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга қараб: «Эй, одамлар, сизларга не бўлди ўзи? Худди бир нарса бўлгандек намозда қарсак чалдингиз. Қарсак чалмоқ хотинларнинг ишидир, намоз вақтида бирор кишига бир нима бўлиб қолса, (имомни огоҳлантирмоқ учун) «Субҳоналлоҳ» десин!»—дедилар. Сўнг, Абу Бакрга: «Эй Абу Бакр, намозни давом эттиравеҒингиз» деб ишора қилганимда, нега жойингизда қолавермадингиз?» — дедилар. Абу Бакр: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига ўтиб, намоз ўқимоғим ўринли эмасдир»,— деб жавоб қилдилар».

### 17-боб. Намозда қўлни белга қўйиб турмоқ жоиз эрмас

581 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَصَلِّيَ الرَّجُلُ مُتَخَصِّرًا .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётиб белни ушламакни манъ қилганлар»,— дейдилар.

*Умар ибн Али:* «Менга Абу Ҳурайра айтдиларким, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда белга қўлни қўйиб турмоқни макруҳ қилган эрмишлар»,— дейдилар.

### 18-боб. Намоз ўқиётиб бошқа бир нарса ҳақида фикр юритмоқ

Ҳазрат Умар: «Мен намоз ўқиётиб аскарларимни жиҳодга тайёрлағайман»,— деган эканлар.

*Уқба ибн Ҳафса ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга аср ўқидим. Жаноб Расулulloҳ салом бердилар-да, тезда ўринларидан туриб, хртинларининг хужрасига кириб кетдилар. Бир оздан кейин чиқиб, қавмларининг юзларидаги таажжуб аломатини кўриб: «Намоз ўқиётганимда уйимизда тилла борлиги ёдимга тушиб қолди, мен унинг туни бирлан уйимизда туриб қолмоғини истамай, одамларга улашиб бермакни буюрдим»,— дедилар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Намозга азон айтилса, шайтон азон овози эшитилмайдирган ергача орқасидан ел чиқариб қочғайдир. Муаззин тўхтаса, яна келғайдир ва намозхонга «Уни эслағил, буни эслағил» деб токим ул неча рақъат ўқиганини эсидан чиқаргунча чалғитғайдир»,— дедилар».

*Абу Салама ибн Абдулрахман:* «Қайси бирингиз намозда шу аҳволга тушсангиз, ташаҳхудга ўтиргандан кейин яна икки марта сажда қилингиз! » — деганлар. Бу сўзни ул киши Абу Ҳурайрадан эшитибдилар.

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Одамлар: «Абу Ҳурайра Расулulloҳ ҳусуларида жуда кўп ҳадис ривоят қилғайдир!» — дейишади. Мен бир кишини учратиб, унга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кеча тунда қайси сурани ўқидилар?» — дедим. «Билмасман»,— деди. «Унда, намозда бўлмабсан-да?!» — дедим.

«Нега, қатнашганман»,— деди бояги киши. «Фалон ва фалон сураларни ўқиганларини мен биламан-ку!» — дедим (демак, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини ёдлаб қолмоқ учун бутун вужудлари бирлан қулоқ солганлар)».

## 19-боб. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

### Саждаи саҳв ҳақида (намознинг иккинчи рақъатида ўтирмасдан туриб кетгандаги хатони тузатмоқ учун килинадиган сажда)

*Абдуллоҳ ибн Бухайна разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Беш вақт намозлардан бирида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имомлик қилдилар. Шунда иккинчи рақъатдан кейин, ўтирмасдан туриб кетдилар. Кетларидан одамлар ҳам туришди. Намозни тугатиб, салом бермоқларини кутиб турдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам салом бермоқдан аввал, ўтирган ҳолларида такбир айтиб икки марта сажда қилдилар-да, сўнг салом бердилар».

*Абдуллоҳ ибн Бухайна ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозининг иккинчи рақъатидан сўнг, ўтирмасдан туриб кетдилар. Шунда намозни тугатгач, икки марта сажда қилиб, кейин салом бердилар».

### 20-боб. Агар намозхон тўрт рақъатли намозни беш рақъат қилиб ўқиб қўйса...

582 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : صَلَّى الظُّهْرَ حَمْسًا فَقِيلَ لَهُ : أَزِيدَ فِي الصَّلَاةِ ؟ فَقَالَ : ( وَمَا ذَاكَ ) . قَالَ : صَلَّيْتُ حَمْسًا ، فَسَجَدَ سَجْدَتَيْنِ بَعْدَ مَا سَلَّمَ .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозини беш рақъат ўқиб юбордилар. Саломдан сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Намознинг рақъати кўпайтирилдими?» — деб сўрашди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нега бундоқ дерсизлар?»— дедилар. «Беш рақъат ўқидингиз»,— дейишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳв учун (хатони ювмоқ учун) яна икки марта сажда қилдилар».

### 21-боб. Намозхон иккинчи ёки учинчи рақъатда билмай салом бериб қўйса, одатдаги сажда каби ёки ундан узоқроқ яна икки марта сажда қиладир

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имомлик қилиб пешин ёким аср намозини ўқидилар. Иккинчи рақъатга келганда салом бердилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга Зулйадайн деган киши: «Ё Расулulloҳ, намоз қисқардими?» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига қараб: «Зулйадайн тўғри айтаётирми?» — дедилар. Саҳобалар: «Ҳа»,— деб жавоб беришди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳв учун яна икки рақъат намоз ўқиб, сўнг икки марта сажда қилдилар».

*Саъд ривоят қиладилар:* «Урш ибн Зубайр бизга имом бўлиб шом ўқиганида иккинчи рақъатдан кейин салом берди. Сўнг, (биз бирлан) бир оз сўзлашгач, намознинг қолганини ўқиб, саждаи саҳв қилди-да: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундоқ қилганлар»,— деди».

### 22-боб. Саждаи саҳв қилгандан сўнг «Ат-Таҳиййот» ни ўқимай салом берган киши хусусида

Анас разияллоҳу анҳу ва Ҳасан Басрий саждаи саҳвдан сўнг «Ат-Таҳиййот»ни ўқимадилар. Қатода: «Саждаи саҳвдан сўнг «Ат-Таҳиййот» ўқилмайдир»,— дейдилар.

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу

алайҳи ва саллам икки ракъат ўқиб, намозни тугатдилар. Шунда ул кишига Зулайдайн: «Ё Расулulloҳ, намоз қисқардими ёки ёдингиздан чиқардингизми?» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зулайдайн тўғри айтаётирми?» — дедилар. Одамлар: «Ҳа»,— дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна икки ракъат намоз ўқиб, салом бердилар, сўнг такбир айтиб, одатдагидек ёким ундан узокроқ сажда қилдилар. Кейин, саждадан бошларини кўтариб («Ат-Таҳиййот» ни ўқимай) салом бердилар-да, ўринларидан турдилар».

Салама ибн Алқама ривоят қиладилар: «Муҳаммад ибн Сиридан: «Саждаи саҳвдан сўнг «Ат-Таҳиййот» ўқилғайдирми?» —деб сўрадим. «Абу Ҳурайранинг ҳадисида йўқ-ку!» — дедилар».

### **23-боб. Намозда янглишган одам ҳар иккала саждаи саҳвда такбир айтадир**

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин ёким аср намозида (Муҳаммад ибн Сири: «Аср намозида бўлса керак, деб ўйлайман»,—дейдилар) икки ракъат ўқиб, салом бердилар, кейин ўринларидан турдилар-да, масжидга кира-веришдаги ёғочга бориб суяндилар. Намозхонлар орасида Абу Бакр ва Умар ҳам бор эдилар, лекин бу тўғрида Жаноб Расулulloҳга гапирмоққа истиҳола қилишди. Одамлар бир-бирларига «Намоз қисқардими, намоз қисқардими?» — дея шошиб масжиддан чиқиб кела бошладилар. Уларнинг орасида бир киши бор эрди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни «Зулайдайн» дер эдилар. Ўша киши: «Ё Расулulloҳ, ёдингиздан чиқардингизми ёким намоз қисқардими?» — деб сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эсимдан чиқарганим ҳам йўқ, намоз қисқаргани ҳам йўқдир»,— дедилар. Зулайдайн: «Йўқ, ёдингиздан чиқардингиз»,— деди. Шундан кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна икки ракъат намоз ўқиб, салом бердилар, сўнг такбир айтиб, одатдагидек ёким ундан узунроқ сажда қилдилар. сўнг бошларини кўтариб такбир айтдилар, Саждага бошларини қўяётиб ҳам одатдагидек ёким ундан узокроқ такбир айтдилар».

Абдуллоҳ ибн Бухайна разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозида қиёмда турган эрдилар, фақат охирги ўлтирмақ қолган эрди. Намозни тугатганларидан сўнг, салом бермай туриб, икки марта саждаи саҳв қилдилар. Ҳар бир саждадан кейин, ўтирган ҳолларида такбир айтдилар, одамлар ҳам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга саҳв бўлган охирги ўтириш эвазига сажда қилишди».

### **24-боб. Уч ёки тўрт ракъат ўқиганини унутса, саждаи саҳв қиладир.**

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Намозга азон айтилса, шайтон азон эшитилмайдирган ергача орқасидан ел чиқариб қочғайдир. Азон тугаса, қайтиб келғайдир. Намозга такбир айтилса, яна қочғайдир, такбир тугаса, яна қайтиб келиб, намозхонни васваса қилмоқ учун: «Уни эслағил, буни эслағил»,— деб ёдига келмаган нарсаларни эслатғайдир. Пировардида намозхой неча ракъат намоз ўқиганини билмай қолур. Агар бирортангиз шу куйга тушғайдирсиз, ўтирган ҳолда саждаи саҳв қилингиз!» — деганлар,

### **25-боб. Фарз ва нафл намозларида саждаи саҳв қилмқ**

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу витр намозидан сўнг саждаи саҳв қилдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу

алайҳи ва саллам: «Бирортангиз (нафл ёким фарз) намози ўқиётган эрсангиз, шайтон келиб фикрингизни чалғита бошлағайдир, ҳатто неча ракъат

ўқиганингизни билмай қолурсиз. Агар шундоқ аҳволга тушгайдирсиз, ўтирган ҳолда саҳв учун икки марта сажда қилингиз!»—деб айтганлар».

## 26-боб. Биров намоз ўқиётган кишига гапирса-ю, у: «нари турғил!»—деб ишора қилганда қулоқ солиб, нари кетса

583. عَنْ كُرَيْبِ رَحِمَهُ اللهُ تَعَالَى :

أَنَّ ابْنَ عَبَّاسٍ ، وَالْمِسْوَرَ بْنَ مَخْرَمَةَ وَعَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ أَزْهَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمْ أُرْسِلُوهُ إِلَى عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا ، فَقَالُوا : اقْرَأْ عَلَيْهَا السَّلَامَ مِنَّا جَمِيعًا ، وَسَأَلَهَا عَنِ الرَّكْعَتَيْنِ بَعْدَ صَلَاةِ الْعَصْرِ ، وَقُلَّ لَهَا إِنَّا أَخْبَرْنَا أَنَّكَ تُصَلِّيْنَهُمَا وَقَدْ بَلَّغْنَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنْهَا . وَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ : وَكُنْتُ أَضْرِبُ النَّاسَ مَعَ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ عَنْهُمَا . فَقَالَ كُرَيْبٌ فَدَخَلْتُ عَلَى عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا فَبَلَّغْتُهَا مَا أُرْسِلُونِي . فَقَالَتْ : سَلْ أُمَّ سَلَمَةَ . فَخَرَجْتُ إِلَيْهِمْ فَأَخْبَرْتُهُمْ بِقَوْلِهَا ، فَردُونِي إِلَى أُمَّ سَلَمَةَ بِمِثْلِ مَا أُرْسِلُونِي بِهِ إِلَى عَائِشَةَ . فَقَالَتْ أُمَّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا : سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَنْهَى عَنْهَا ، ثُمَّ رَأَيْتُهُ يُصَلِّيهِمَا حِينَ صَلَّى الْعَصْرَ ، ثُمَّ دَخَلَ عَلَيَّ وَعِنْدِي نِسْوَةٌ مِنْ بَنِي حَرَامٍ مِنَ الْأَنْصَارِ ، فَأَرْسَلْتُ إِلَيْهِ الْجَارِيَةَ فَقُلْتُ : قَوْمِي بِحَنِيهِ قَوْلِي لَهُ : تَقُولُ لَكَ أُمَّ سَلَمَةَ : يَا رَسُولَ اللهِ سَمِعْتُكَ تَنْهَى عَنْ هَاتَيْنِ وَأَرَاكَ تُصَلِّيهِمَا ؟ فَإِنْ أَشَارَ بِيَدِهِ فَاسْتَأْخِرِي عَنْهُ . فَفَعَلَتِ الْجَارِيَةُ فَأَشَارَ بِيَدِهِ فَاسْتَأْخَرَتْ عَنْهُ فَلَمَّا انْصَرَفَ قَالَ : ( يَا بِنْتُ أَبِي أُمَيَّةَ ، سَأَلْتِ عَنِ الرَّكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْعَصْرِ ، وَإِنَّهُ أَتَانِي نَاسٌ مِنْ عَبْدِ الْقَيْسِ فَسَخَّعُونِي عَنِ الرَّكْعَتَيْنِ اللَّتَيْنِ بَعْدَ الظُّهْرِ ، فَهَمَا هَاتَانِ ) .

*Яхё ибн Сулаймон ривоят қиладилар:* «Ибн Аббос, Мисвар ибн Махрама ва Абдуррахмон ибн Азхарлар Курайбга Оиша онамиз ҳузурларига бориб, аввало ҳаммаларидан салом айтмакни, кейин аср намозидан сўнг ўқиладирган икки ракъат намоз тўғрисида сўраб, билиб келмакни топширишди. Кейин: «Биз сизнинг аср намозидан кейин икки ракъат намоз ўқиМОғингиздан хабардормиз, бироқ Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам асрдан кейин намоз ўқимакни манъ қилганлар, деб ҳам эшитдик. Ибн Аббос: «Огам Умар ибн Хаттоб асрдан кейин намоз ўқиган одамларни урар эрдилар»,— дейдилар, сиз не дейдирсиз? деб айтғил!» — дейишибди. «Оиша онамиз ҳузурларига кириб, менга тайинланган гапларни айтдим,— дейди Курайб,— Оиша онамиз Умму Саламадан сўрағил!» — дедилар. Мен Умму Салама онамизга бор гапни айтган эрдим, ул киши бундоқ дедилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асрдан сўнг намоз ўқимакни манъ қилганлари тўғрисида эшитдим-у, бироқ ўзларининг асрдан кейин менинг ҳужрамга кириб икки ракъат намоз ўқиганларини кўрдим. Ушанда ансорий қабилалардан бири бўлмиш Баний Ҳаром қабиласига маисуб бир гуруҳ хотинлар меникида ўтиришган эрди. Мен чўримга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига борғилда, «Ё Расулulloҳ, асрдан кейин намоз ўқимакни манъ қилгандирсиз, деб эшитган эрдик, ўзингиз бўлсангиз, ўқиётирсиз!»— дегил, агар қўллари бирлан «Нари турғил!» деб ишора қилсалар, нари турғил!» — дедим. Чўри шундоқ қилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари бирлан ишора қилдилар, чўри нари турди. Намоздан кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Абу Умаййанинг қизи, асрдан кейин ўқиладирган икки ракъат намоз тўғрисида сўрадинг. Мен сенга бир гап айтайин. Абд ул-Қайс қабиласидан ҳузуримга одамлар келишган эрди. Ушалар бирлан банд бўлиб қолиб, пешиннинг икки ракъатини ўқиёлмай қолган эрдим, ҳозир ўшал қазо бўлган икки ракъатни ўқидим»,— дедилар».

## 27-боб. Намозда ишора қилмоқ ҳақида

*Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Баний Амр қабиластада бўлган жаижалдан хабардор қилишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ уларни келиштириб қўймак учун чиқиб, бир оз ушланиб қолдилар. Намоз вақти бўлди. Билол разияллоҳу анҳу Абу Бакр разияллоҳу анҳуга: «Эй Абу Бакр, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ушланиб қолдилар, намоз вақти бўлди. Одамларга имомлик қилмайдирсизми?» — дедилар. Абу Бакр «Майли, агар истасангиз», — дедилар. Кейин, Билол азон айтдилар, Абу Бакр эрса такбири таҳрима айтиб, имомлик қилдилар. Шу пайт Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафларни оралаб ўтиб, биринчи сафга келиб турдилар. Одамлар ул кишининг келганларини билдирмоқ мақсадида чапак чала бошлашди. Лекин, Абу Бакр зътибор қилмадилар. Одамлар қаттикроқ чапак чалдилар. Шундагина Абу Бакр атрофга аланглаб Расулulloҳнинг келганларини кўрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрга ишора қилиб, намозни давом эттирмакни буюрдилар. Абу Бакр қўлларини тепага кўтариб, Оллоҳга ҳамд айтдилар-да, орқаларига тисарилиб биринчи сафга келиб турдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам олдинга ўтиб имрмликни давом эттирдилар. Намоз тугагач: «Эй одамлар, сизларга не бўлди, намоз вақтида бир нарса бўлгандек чапак чалдингиз? Қарсак чалмоқ аёлларга ҳос қилиқдир. Кимда-ким намозда бирор нарса бўлганини сезгайдир, «Субҳоналлоҳ» десин! «Субҳо-наллоҳ» деганда кўпчиликнинг диққатини тортмагайдир, имомнинг ўзигина сезиб, қарагайдир. «Эй Абу Бакр, имомликни давом эттиравингиз!» — деб ишора қилганимда нега қулоқ солмадингиз?» — дедилар. Шунда Абу Бакр: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига ўтиб намоз ўқимакни Абу Бакр ўзига эп кўрмагайдир», — дедилар».

*Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар:* «Мен Оиша разияллоҳу анҳо ҳузурларига кирсам, улар ҳам, одамлар ҳам қиёмда туриб намоз ўқишаётган эркан. Мен: «Одамларга не бўлди?» — дедим, Улар бошларини ирғаб осмонга ишора қилдилар. Мен: «Нима, бу охират аломатки?» — де; дим. Улар «ҳа» деган маънода яна бош ирғаб қўйдилар».

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб бўлиб қолганларида уйда ўтирган ҳолларида намоз ўқиётган эрдилар, одамлар ул кишига иқтидо қилиб тик туриб намоз ўқишаётган эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари бирлан уларга «Ўтириб ўқингиз!» — деб ишора қилдилар. Намоз тугагач, одамларга қараб: «Имом иқтидо қилмоқлари учун имом қилингандир. Ул рукуъ қилгайдир, рукуъ қилингиз, рукуъдан бош кўтаргайдир, бош кўтарингиз!» — дедилар».

### Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

#### 1-боб. Жаноза ва кимнинг охирги айтган сўзи «Ло илоҳа иллаллоҳ» бўлса, ўшалар (яъни, ўликлар) ҳақидаги боблар

Ваҳб ибн Мунаббаҳга: «Ло илоҳа иллаллоҳ» жаннатнинг калити эрмасми?» — дейишди. Ваҳб: «Ҳа шундоқ, бироқ тишсиз калит калит эрмас. Калитингнинг тиши бўлсагина сенга жаннатнинг эшиги очилгайдир, борди-ю, калитинг тишсиз эрса, жаннатнинг эшиги сенга очилмагайдир», — дедилар.

584 . عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَتَانِي آتٍ مِنْ رَبِّي ، فَأَخْبَرَنِي ، أَوْ قَالَ : بَشَّرَنِي أَنَّهُ مِنْ مَاتَ مِنْ أُمَّتِي لَا يَشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ الْجَنَّةَ ) . قُلْتُ : وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ ؟ قَالَ : ( وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ )

*Абу Зарр разияллоҳу анху ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Раббим ҳузуридан менинг олдимга бир киши (Жаброил алайҳиссалом) келиб, хушxabар айтди. Менинг умматимдан кимки Оллоҳга ширк келтирмай жон таслим қилғайдир, жаннатга кирғай эркан»,— дедилар. «Зино ва ўғирлик қилса ҳамми?»—дедим. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зино қилса ҳам, ўғирлик қилса ҳам»,— дедилар».

585 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ مَاتَ يَشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ النَّارَ ) . وَقُلْتُ أَنَا : مَنْ لَا يَشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ الْجَنَّةَ .

*Абдуллоҳ ибн Молуд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Оллоҳга ширк келтириб ўлғайдир, дўзахга кирғайдир»,— дедилар. Мен: «Кимки ширк келтирмай ўлса, жаннатга кирғайдир»,— дедим».

## 2-боб. Жанозада қатнашмоқ тўғрисида берилган буйруқ

586 . عَنْ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَمَرَنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِسَبْعٍ وَنَهَانَا عَنْ سَبْعٍ ، أَمَرَنَا بِاتِّبَاعِ الْجَنَائِزِ ، وَعِيَادَةِ الْمَرِيضِ ، وَإِجَابَةِ الدَّاعِي ، وَنَصْرِ الْمَظْلُومِ ، وَإِبْرَارِ الْقَسَمِ ، وَرَدِّ السَّلَامِ وَتَشْمِيتِ الْعَاطِسِ . وَنَهَانَا عَنْ آيَةِ الْفِضَّةِ ، وَخَاتَمِ الذَّهَبِ ، وَالْحَرِيرِ ، وَالذَّبْيَاجِ ، وَالْقَسِيِّ ، وَالْإِسْتَبْرَقِ .

*Барро разияллоҳу анху ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам 7 нарсага одат қилиб, 7 нарсадан ҳазар қилмакни буюрдилар. «Қуйидагиларни одат қилингиз!» — дедилар:

1. Жанозага қатнашмакни;
2. Касални бориб кўрмакни;
3. Чақирилган жойга бормакни;
4. Мазлумга ёрдам бермакни;
5. Қасам ичса, қасамида турмакни;
6. Саломга алик олмакни;
7. Акса урган киши «Алҳамду лиллоҳ» деса, унга «Йарҳамука-л-лоҳ» демакни.

Қуйидагилардан ҳазар қилингиз!» — дедилар:

1. Кумуш идиш тутмоқдан;
2. Тилла узук тақмоқдан;
3. Ипакли кийим киймоқдан (эркаклар назарда тутилган);
4. Дебож (гулдор ипакли кийим) киймоқдан;
5. Қасий (дағал матодан тикилган кийим) киймоқдан;
6. Истабрақ (атласга ўхшаган мато) киймоқдан;
7. (бу ривоятда 7-нчиси тушириб қолдирилган)».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анху ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир мусулмоннинг иккинчи бир мусулмонда 5 та ҳаққи бордир»,— деганлар. Булар қуйидагилар:

1. Саломига алик олмоқ;
2. Касал бўлганда бориб кўрмоқ;
3. Вафот этса, жанозасига қатнашмоқ;
4. Даъватига жавоб бермоқ;
5. Акса уриб «Алҳамду ли-л-лоҳ» деса, «Йарҳамука-л-лоҳ» демоқ».

## 3-боб. Кафанлаб қўйилган ўлик ётган уйга кирмоқ

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анху Сунуҳ деган жойдаги ҳовлиларидан от миниб келдилар. Отдан тушиб масжидга кирдилар-



да, одамларга гапирмасдан тўппа-тўғри Оиша онамизнинг ҳужраларига Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўргани кирдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (вафот этган эрдилар) яманий кўк тўнларига ўраб қўйилган ҳолда ётар эдилар. Абу Бакр Сиддиқ Жаноб Расулulloҳнинг муборак юзларини очиб, қучоқлаб ўпдилар. Сўнг, йиғлаб туриб: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулulloҳ! Оллоҳ таоло сизга икки ўлим бермағайдир (Кимлардир: «Жаноб Расулulloҳ яна тирилғайдирлар»,— дегани учун шундай дедилар). Аммо, Оллоҳ таоло пешонангизга ёзган ўлимни адо этдингиз»,— дедилар».

*Абу Салама мазкур ривоятнинг давомини Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан эшитган эрканлар, ул киши бундоқ дейдилар:* «Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу ҳужрадан қайтиб чиққанларида Умар разияллоҳу анҳу одамлар бирлан сўзлашиб турган эрдилар. Абу Бакр Сиддиққа: «Ўтирингиз!» — дедилар. Абу Бакр қаттиқ хафа бўлганларидан ўтиргилари келмади. Шунда ул киши яна: «Ўтирингиз!» — дедилар. Абу Бакр барибир ўтирмадилар. Сўнг, Абу Бакр Сиддиқ Калимаи Шаҳодат айтдилар, одамлар ул кишига ўгирилиб қарашди. Шунда Абу Бакр: «Аммо баъд, кимки (шул кунгача) Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга ибодат қилиб келган эрса, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар. Кимки (шул кунгача) Оллоҳ таолога ибодат қилиб келган эрса, Оллоҳ таоло ҳамиша тирикдир, ул ҳеч қачон ўлмағайдир! Оллоҳ таоло Каломи Шарифида: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаммангизга ўхшаган инсондир, сизлардан фарқи шулдирким, ул Оллоҳнинг бандаларига юборган элчисидир» деган»,— дедилар (Сураи «Оли Имрон» нинг «аш-Шокирийн» деган жойигача ўқидилар). Оллоҳга қасамёд қилиб айтурменким, одамлар Оллоҳ таоло ушбу ояти кариймани нозил қилганини билишмагандек, Абу Бакр Сиддиқ ўқиганларида ўрганиб олдилар. Ушбу оятни Абу Бакрдан бошқа бирор кишининг ўқиганини ҳеч ким эшитмаган эрди».

587 . عَنْ أُمِّ الْعَلَاءِ امْرَأَةٍ مِنَ الْأَنْصَارِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا وَهِيَ مِمَّنْ بَايَعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : إِنَّهُ اقْتَسَمَ الْمُهَاجِرُونَ قُرْعَةً فَطَارَ لَنَا عُثْمَانُ بْنُ مَطْعُونٍ ، فَأَنْزَلْنَا فِي آيَاتِنَا ، فَوَجِعَ وَجَعَهُ الَّذِي تُؤْفِي فِيهِ ، فَلَمَّا تُؤْفِي وَغَسَّلَ وَكَفَّنَ فِي أَتْوَابِهِ ، دَخَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ : رَحِمَهُ اللَّهُ عَلَيْكَ أبا السَّائِبِ ، فَشَهَادَتِي عَلَيْكَ : لَقَدْ أَكْرَمَكَ اللَّهُ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( وَمَا يَذْرُوكِ أَنَّ اللَّهَ أَكْرَمَهُ ) . قُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ فَمَنْ يَكْرِمُهُ اللَّهُ ؟ فَقَالَ : ( أَمَّا هُوَ فَقَدْ حَاءَهُ الْبَقِيْنُ ، وَاللَّهُ إِنِّي لَأَرْجُو لَهُ الْخَيْرَ ، وَاللَّهُ مَا أَدْرِي وَأَنَا رَسُولُ اللَّهِ مَا يُفْعَلُ بِي ) . قَالَتْ : فَوَاللَّهِ لَا أُرْكَبِي أَحَدًا بَعْدَهُ أَبَدًا .

*Хорижа ибн Зайд ибн Собит ривоят қиладилар:* «Ансорийлардан Умм ул-Ало деган бир хотин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номларини ўртага қўйиб, байъат қилиб (онт ичиб) бундай деди: «Муҳожирлардан ким кимнинг уйида қолмоғини аниқламоқ учун ўзаро чек ташлашдик. Шунда Усмон ибн Мазъун бизнинг чекимизга тушдилар. Биз ул кишини уйимизга жойлаштирдик. Кейин бирдан бетоб бўлиб қолиб вафот этдилар. Маййитни ювиб, ўз кийимига кафанлашди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам маййитни (Усмонни) кўргани кирган эрдилар, «Оллоҳ раҳмат қилсин сизни, эй Усмон! Сизни Оллоҳ таоло мукаррам қилганининг шоҳиди бўлиб турибдирмен»,— дедим. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло уни мукаррам қилганини қаёқдан билдингиз?» — дедилар. «Отам фидо бўлсин сизга, ё Радулаллоҳ! Оллоҳ таоло шул одамни мукаррам қилмаса, кимни мукаррам қилғайдир?!» — дедим, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Афсуски, Усмон вафот этди. Оллоҳга қасамёд этиб айтурменким, мен унинг охирати бахайр бўлмоғини жуда ҳам истағайдирман. Оллоҳга қасамёд этиб айтурменким,

ўзим Оллоҳнинг расули бўлатуриб охиратда нечук муомала бўлмоғини билмасман»,— дедилар. Оллоҳга қасамд этиб айтурменким, ўшандан кейин бирор маййитни олдиндан жаннати деб айтмоққа жазм қилмадим».

588 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : لَمَّا قُتِلَ أَبِي ، جَعَلْتُ أَكْشِفُ الثُّوبَ عَنْ وَجْهِهِ ، أَبْكِي وَيَنْهَوْنِي عَنْهُ ، وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَنْهَانِي ، فَجَعَلْتُ عَمَّتِي فَاطِمَةَ تَبْكِي ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( تَبْكِينَ أَوْ لَا تَبْكِينَ مَا زَالَتِ الْمَلَائِكَةُ تُظِلُّهُ بِأَجْنِحَتِهَا حَتَّى رَفَعْتُمُوهُ ) .

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Отам (жангда) ўлдирилгач, юзларига ёпиб қўйилган кийимни йиғлаб-сиқтаб оча бошладим. Саҳобалар мени йиғидан тиймоққа интилишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрса, мени йиғидан тиймадилар. Аммо, Фотима ҳам йиғлай бошладилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йиғласанг ҳам, йиғламасанг ҳам, малоикалар то қабрга олиб боргунларича қанотлари бирлан соя солиб турғайдилар»,— дедилар».

#### 4-боб. Вафот этган одамнинг тепасида бўлган киши унинг оиласига шахсан ўзи хабар етказмоғи жоиз

589 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَعَى النَّجَاشِيَّ فِي الْيَوْمِ الَّذِي مَاتَ فِيهِ ، خَرَجَ إِلَى الْمُصَلَّى فَصَفَّ بِهِمْ وَكَبَّرَ أَرْبَعًا .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Нажаший вафот этган куни саҳобаи киромларига шахсан ўзлари хабар бердилар, кейин саҳобалари бирлан намозгоҳга чиқиб, саф тортиб, тўрт марта такбир айтиб (ғойибона) жаноза ўқидилар».

590 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَخَذَ الرَّأْيَةَ زَيْدٌ فَأُصِيبَ ، ثُمَّ أَخَذَهَا جَعْفَرٌ فَأُصِيبَ ، ثُمَّ أَخَذَهَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ رَوَاحَةَ فَأُصِيبَ - وَإِنَّ عَيْنِي رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَتَذْرِفَانِ - ثُمَّ أَخَذَهَا خَالِدُ بْنُ الْوَلَيْدِ مِنْ غَيْرِ امْرَأَةٍ فَفُتِحَ لَهُ ) .

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўзлари жиққа ёшга тўлиб: «(Жангда) байроқни Зайд қўлида тутиб борар эрди, шаҳид бўлди, сўнг байроқни Жаъфар қўлига олди, ул ҳам шаҳид бўлди, кейин байроқни Абдуллоҳ ибн Рувоҳа олди, ул ҳам шаҳид бўлди. Байроқни Халид ибн Валид қўлига олди, зафар бизга ёр бўлди»,— дедилар бир неча қайта».

#### 5-боб. Жанозага чақирмоқ

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (масжидда хизмат қилиб юргувчи бир кишининг жанозасини ўқиб, кўмиб юборишганда): «Мени чақирсангиз бўлмасмиди?» — дедилар».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир одамни касаллигида бориб кўриб келиб турардилар. Ўша киши кечаси вафот этиб қолди. Саҳобалар уни ўша кечасиёқ дафн қилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга эрса, тонгда хабар беришди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менга унинг вафот этгани тўғрисида ўз вақтида хабар қилмоғингизга не монельлик қилди?»—дедилар. «Кечаси бўлгани учун сизни қийнаб қўймоқни истамадик»,— дейишди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша кишининг қабрига бориб жаноза ўқидилар».

#### 6-боб. Боласи ўлган одамнинг Оллоҳнинг иродасига рози бўлиб, сабр-тоқат қилмоғининг афзаллиғи

Оллоҳ таоло аzza ва жалла: «Сабр қилганларга (Оллоҳнинг раҳмати ҳақида) хушхабар айтингиз!» — дейдир.

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамлар орасида учта боласи ўлган мусулмон бўлса, Оллоҳ таоло уни ўша болаларига нисбатан қиладирган раҳмати туфайли жаннатга киргизгайдир»,— дедилар».

*Абу Саъид розияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Бир тўда аёллар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: Муайян бир кунни белгилаб, бизга ваъз қилсангиз»,— дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кунни белгилаб, хотинларга ваъз айтдилар: «Қайси бир хотиннинг уч боласи ўлса, ўшал болалари уни парда бўлиб дўзах ўтидан тўсиб туришгайдир»,— дедилар. Бир хотин: «Иккита боласи ўлган бўлса-чи?» — деб сўради, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иккита бўлса, ҳам»,— дедилар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Агар норасида болалари ўлган бўлса, деганлар»,— дейдилар».

591 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَا مِنْ النَّاسِ مِنْ مُسْلِمٍ ، يَتَوَقَّى لَهُ ثَلَاثٌ لَمْ يُلْغُوا الْحِنْتَ ، إِلَّا أَدْخَلَهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ بِفَضْلِ رَحْمَتِهِ إِيَّاهُمْ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Илоҳи, бирорта мусулмоннинг учта боласи ўлмасин! Мободо, учта боласи ўлган мусулмон дўзахга тушса ҳам бирров кириб чиқгайдир, холос (Оллоҳ таолонинг: «Орангизда дўзахга кирмайдиганингиз бўлмагайдир» деган сўзига биноан)»,— дедилар».

### 7-боб. Қабр устида йиғлаб ўтирган аёлга «Сабр қилингиз!» деган киши қақида

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қабр устида йиғлаб ўтирган бир аёлнинг ёнидан ўтаётиб: «Оллоҳдан кўрқингиз (дод-вой қилмангиз), сабр қилингиз!»— дедилар».

### 8-боб. Ўликни сув ва сидр (хушбўй ишқор) бирлан ювиб, таҳорат қилдириб қўймоқ

Ибн Умар разияллоҳу анҳу Саъид ибн Зайд ўғли (Оллоҳ ундан рози бўлсин!) ўлганида, унинг жасадига хушбўй ҳанут сепдилар, сўнг уни ташқарига кўтариб чиқиб, жаноза ўқидилар. Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Мусулмоннинг тириги ҳам, ўлиги ҳам пок бўлгайдир»,— дейдилар. Саъид ибн Абу Ваққос: «Агар пок бўлмаганида қўлимни теккизмас эрдим»,— дейдилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрса: «Мўмин нопок бўлмагайдир»,— дейдилар.

592 . عَنْ أُمِّ عَطِيَةَ الْأَنْصَارِيَّةِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : دَخَلَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، حِينَ تُوُفِّيَتْ ابْنَتُهُ فَقَالَ : ( اغْسِلْنَهَا ثَلَاثًا ، أَوْ حَمْسًا ، أَوْ أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ إِنْ رَأَيْتَنَ ذَلِكَ ، بِمَاءٍ وَسِدْرٍ ، وَاجْعَلْنَ فِي الْأَحْرَةِ كَافُورًا ، أَوْ شَيْئًا مِنْ كَافُورٍ ، فَإِذَا فَرَعْتَنَ فَأَذِّنِي ) . فَلَمَّا فَرَعْنَا آذَنَاهُ ، فَأَعْطَانَا حِقْوَهُ وَقَالَ : ( أَشْعِرْتَهَا إِيَّاهُ ) . تَعْنِي إِزَارَهُ .

*Умму Атиййа разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Зайнаб вафот этганда бизнинг олдимизга кириб: «Уч марта ёким беш марта ювингиз, агар лозим топсангиз, ундан ҳам кўпроқ ювингиз, сув ва сидр (хушбўй-ишқор) бирлан ювингиз! Энг охирида кофурдан (камфарадан) ҳам бир оз қўшингиз, ювиб бўлганингиздан сўнг мени чақирингиз!» — дедилар. Ювиб бўлгач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни чақирдик, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ўз ҳақвларини (белга ўрайдирган катта матони)

бериб: «Мана шунга ўрангиз!»— дедилар (Умму Атиййа «ҳақв» деганларида изорни назарда тутдилар, шекилли)».

### 9-боб. Ўликни тоқ марта ювмоқнинг мустаҳаблиги

*Умму Атиййа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қизлари Зайнабнинг жасадини юваётганимизда бизнинг олдимизга кириб: «Уч марта ёким беш марта, балким ундан ҳам кўпроқ сидр ва сув бирлан ювингиз! Охирги марта юваётганингизда кофур (камфара) қўшингиз, ювиб бўлганингиздан сўнг, менга хабар қилингиз!» - дедилар. Ювиб бўлганимиздан сўнг, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга хабар қилдик. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бизга ўз ҳақварини (изорларини) узатиб: «Қизимни аввал шунга ўрангиз!» — дедилар. Айюб разияллоҳу анҳу айтадилар: «Ҳафса менга Мухаммад ибн Сирин айтган ҳадисга ўхшаш бошқа бир ҳадисни айтиб берди. Ҳафса айтган ҳадисда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Маййитни тоқ ювингиз, уч марта ёким беш марта ёким етти марта, аввал ўнг томонидан, таҳорат қилинадирган жойларидан бошлангиз!» — деганлар»,— дейилган. Умму Атиййа эрса: «Сочини уч ўрим қилио ўриб қўйдик»,— деб айттандилар».

### 10-боб. Маййитни ўнг аъзоларидан бошлаб ювиладир

وَفِي رِوَايَةٍ أَنَّهُ قَالَ : ( أَبْدَأَنَّ بِمِيَامِنِهَا ، وَبِمَوَاضِعِ الْوُضُوءِ مِنْهَا ). قَالَتْ : وَمَشَطْنَاهَا ثَلَاثَةَ قُرُونٍ .

*Умму Атиййа ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қизлари Зайнабнинг жасадини юваётганимизда бизга: «Аввал ўнг аъзоларидан ва таҳоратда ювиладирган жойларидан бошлаб ювингиз!» — деганлар».

### 11-боб. Эркак кишининг изорига аёл кишини кафанлаб бўладирми?

*Умму Атиййа ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қизлари вафот этганда бизга: «Уни уч марта ёким беш марта ёким лозим топсангиз, ундан ҳам кўпроқ ювингиз, ювиб бўлганингизда менга хабар қилингиз!» — дедилар. Биз маййитни ювиб бўлиб, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга хабар қилдик, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам изорларини бизга узатиб: «Уни (Зайнабни) аввал шунга ўрангиз!» — дедилар»,

### 12-боб. Энг охирида сувга кофур қўшиб ювиладир

*Умму Атиййа ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг қизларидан бири вафот этди. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам олдимизга кириб: «Уни сувга сидр қўшиб уч марта ёким беш марта ёким етти марта, зарур бўлса, ундан ҳам кўпроқ ювингиз, энг охири кофур қўшиб ювингиз! Ювиб бўлганингиздан кейин менга хабар қилингиз!» — дедилар. Ювиб бўлгач, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламни чақирдик. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам изорларини бизга узатиб: «Аввал шунга ўрангиз!» — дедилар».

*Ҳафса разияллоҳу анҳо Умму Атиййанинг мазкур ривоятини эслаб:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Уч марта ёким беш марта ёким етти марта, зарур деб ҳисобласангиз, ундан ҳам кўпроқ ювингиз!» — деганлар. Умму Атиййа эрса: «Сочини уч ўрим қилиб қўйдик, деб айтганди»,— дейдилар.

### 13-боб. Вафот этган хотиннинг сочини тараб қўймоқ

Ибн Сирин: «Ўликнинг сочини тараб қўймоқнинг зарари йўқдир»,— дейдилар.

*Умму Атиййа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Ювғучи аёллар Расулulloҳ салиллоҳу алайҳи ва саллам қизларининг сочини тараб, уч ўрим қилдилар, сўнг ювдилар, сўнг яна тараб уч ўрим қилдилар».

#### 14-БОБ. Ўлик ички кафан бирлан қандай ўраладир?

Ҳасан Басрий: «Кафаннинг 1/5 бўлаги бирлан аёл маййитнинг икки сони ва думбалари ўралгайдир, кейин булар (янги) кўйлак остида қолгайдир»,— дейдилар.

*Муҳаммад ибн Сирин ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга байъат қилган бир ансория аёл ўғлини кўргани Басрага келиб, уни тополмагач, Умму Атиййанинг хузурларига кирди. Шунда Умму Атиййа бизга кўйидаги ҳадисни айтиб бердилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қизларининг жасадини юваётганимизда олдимизга кириб бизга: «Уч марта ёким беш марта, агар зарур бўлса, ундан ҳам ортиқ ювингиз, сувга сидр қўшингиз. Энг охирида кофур ҳам қўшингиз! Ювиб бўлгач, менга хабар қилингиз!»—дедилар. Ювиб бўлгач, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга хабар қилдик, ул киши бизга изорларини узатиб: «Аввал шунга ўрангиз!» — дедилар». (Ибн Сирин ҳадиснинг давомини айтмади). Айюб разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳнинг қайси қизлари тўғрисида сўзлаганини билолмай қолдим»,— дейдилар. Ул киши: «Ишъор» (ички кафан ўраш) деганда, ташқи кафан (бутун баданни ялписига ўрайдиган кафан) ўрамакни тушунгайман»,— дейдилар. Шунингдек, Ибн Сирин ҳам аёл жасадининг аввал белдан падини эрмас, балки биратўла бутун баданини кафанламоқни буюрар эрдилар.

#### 15-БОБ. Аёл маййитнинг сочини уч ўрим қилинадир

*Умму Атиййа:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ўлган қизларининг сочини уч ўрим қилдик»,— дейдилар. Суфён: «Пешона устидаги сочини бир ўрим, икки чаккадаги сочини икки ўрим қилдилар»,— дейдилар.

#### 16-БОБ Аёл маййитнинг сочи орқасига ташлаб қўйилади

*Умму Атиййа ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг қизларидан бири вафот этди. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам олдимизга келиб: «Сувга сидр қўшиб тоқ марта — уч, беш ёким етти марта, зарур бўлса, ундан ҳам кўпроқ ювингиз, энг охириги ювишда кофурдан бир оз қўшингиз, ювиб бўлганингиздан сўнг менга айтингиз!»— дедилар. Ювиб бўлганимизни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга айтган эрдик, бизга изорларини узатдилар. Вафот этган қизнинг сочини уч ўрим қилиб, орқасига ташлаб қўйдик».

#### 17-БОБ. Оқ матодан кафанлик қилмоқ

593 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَفَّنَ فِي ثَلَاثَةِ أَثْوَابٍ يَمَانِيَةٍ ، بِيضٍ سَحْوَلِيَّةٍ مِنْ كَرْسُفٍ ، لَيْسَ فِيهِنَّ قَمِيصٌ وَلَا عِمَامَةٌ .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг муборак жасадларини уч эн яманий оқ сурп билан кафанлашди. Кафан остида на кўйлак ва на салла бор эрди».

#### 18-БОБ. Икки қават қилиб кафанлашнинг жоизлиги

594 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :  
يَنْبَأُ رَجُلٌ وَأَقْفٌ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِعَرَفَةَ ، إِذْ وَقَعَ عَنْ رَأْسِهِ فَوَقَصَتْهُ ، أَوْ قَالَ : فَأَوْقَصَتْهُ ، قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( اغْسِلُوهُ بِمَاءٍ وَسِدْرٍ ، وَكَفَّنُوهُ فِي تَوْبَيْنٍ ، وَلَا تُحْنَطُوهُ ، وَلَا تُخَمَّرُوا رَأْسَهُ ، فَإِنَّهُ يُبْعَثُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مُلَبِّيًّا ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир киши Арафот тоғида туя

миниб турган эрди, бирдан туядин ййқилиб кетиб, бўйни синиб ўлди. Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Маййитни сув ва сидр бирлан ювиб, икки қават қилиб кафанлангиз, ҳанут (хушбўй модда) сепмангиз ва бошини ўрамангиз! Чунким, ул қиёмат куни талбия (Лаббайка Оллоҳумма. лаббайка) айтиб турган ҳолида тирилтирилғайдир»,— дедилар».

### 19-боб. Ўликни ҳанутламоқ (хушбўй моддалар сепмоқ)

*Ибн Аббос ривоят қиладилар:* «Бир вақт бир киши Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Арафотда турган эрди. Бирдан туядан ййқилиб, ўша заҳотиёқ ўлди. Шунда Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Маййитни сув ва сидр бирлан ювиб, икки қават қилиб кафанлангиз, ҳанутламангиз, бошини ҳам ўрамангиз! Чунки Оллоҳ таоло бул кишини қиёмат куни талбия айтиб турган ҳолида тирилтирилғайдир»,— дедилар».

### 20-боб. Маййитнинг эгнида эҳроми бўлса, қандай кафанланадир?

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир кишини туяси ййқитиб юборди. Биз Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўша ерда эрдик. Бояги одамнинг эгнида эҳроми (ҳаж кийими) бор эрди. Шунда Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бул кишини сув ва сидр бирлан ювиб, икки қават қилиб кафанлангиз, унга хушбўй нарсалар сепмангиз, бошини ҳам ўрамангиз! Чунким Оллоҳ таоло қиёмат куни уни талбия айтиб турган ҳолида тирилтирилғайдир»,— дедилар».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир куни Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Арафотда турган эрдик, бир киши «туясидан ййқилиб тушди (Айюб: «Бўйни узилиб кетди»,— дейдилар. Амр: «Бўйни синиб кетганидан, тил тортмай ўлди»,— дейдилар). Шунда Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уни сув ва сидр бирлан ювиб, икки қават қилиб кафанлангиз, хушбўй нарсалар сепмангиз, бошини ҳам ўрамангиз! Чунки ул қиёмат кунида... (Айюб: «Талбия айтиб туриб тирилғайдир»,—дейдилар. Амр эрса: «Талбия айтиб турган ҳолида тирилтирилғайдир», дейдилар)».

### 21-боб. Этаги букилган ёки букилмаган кўйлакка кафанламоқ

595 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا :

أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ أَبِي لَمَّا تُوفِّيَ ، جَاءَ ابْنُهُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَعْطِنِي قَمِيصَكَ أَكْفَنُهُ فِيهِ ، وَصَلَّ عَلَيْهِ وَاسْتَعْفَرَ لَهُ . فَأَعْطَاهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَمِيصَهُ ، وَقَالَ : ( أَذِنِّي أَصَلِّيَ عَلَيْهِ ) . فَأَذَنَهُ ، فَلَمَّا أَرَادَ أَنْ يَصَلِّيَ عَلَيْهِ ، حَذَبَهُ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، فَقَالَ : أَلَيْسَ اللَّهُ نَهَاكَ أَنْ تُصَلِّيَ عَلَى الْمُنَافِقِينَ ؟ فَقَالَ : ( أَنَا بَيْنَ خَيْرَيْنِ ) . قَالَ : ﴿ اسْتَغْفِرْ لَهُمْ أَوْ لَا تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ إِنْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ سَبْعِينَ مَرَّةً فَلَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ ﴾ فَصَلَّى عَلَيْهِ فَنَزَلَتْ : ﴿ وَلَا تُصَلِّ عَلَى أَحَدٍ مِنْهُمْ مَاتَ أَبَدًا ﴾ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Убай вафот этганда ўғли Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб: «Ё Расулulloх. отамни кафанламак учун менга кўйлагингизни берсангиз, отамга жаноза ўқиб, Оллоҳ таолодан унга талаби мағфират қилсангиз!» — деди. Шунда Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўйлақларини бериб: «Менга хабар қилғил, жаноза ўқиғайдирман»,— дедилар. У Жаноб Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламга хабар қилди. Жаноб Расулulloх жаноза ўқимоқ учун жамоат олдиға ўтмоқчи бўлганларида Ҳазрат Умар кийимларидан тортиб: «Оллоҳ таоло сизга мунофиқларга

жаноза ўқимоқни манъ этмаганми?» — дедилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менга икки яхшиликдан бирини танламак ихтиёри берилгандир. Оллоҳ таоло: «Улар ҳаққига иста, талаби мағфират қилғил, иста, талаби мағфират қилмағил! Агар уларга етмиш карра талаби мағфират қилсанг ҳам, Оллоҳ таоло уларни мағфират қилмағайдир, деган»,— дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Убайга жаноза ўқидилар. Шунда: «Булардан бирор киши ўлса, сира ҳам жаноза ўқимағил!» — деган оят нозил бўлди»,

596 . عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي بَعْدَمَا دُفِنَ ، فَأَخْرَجَهُ ، فَفَتَتْ فِيهِ مِنْ رِيقِهِ وَالْبَسَهُ قَمِيصَهُ .

*Амр ибн Динор ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Убай дафн қилингандан кейин келдилар. Шунда қабрдан ул кишини чиқармакни буюрдилар. Маййит қабрдан чиқарилгандан сўнг, Жаноб Расулulloҳ унинг баданига тупукларини суртиб, эгнига ўзларининг кўйлақларини кийдириб қўйдилар».

## 22-боб. Кўйлак кийдирмай кафанламоқ

*Оиша онамиз:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни салласиз ва кўйлаксиз ҳолда уч қават қилиб кафанладилар»,— дейдилар.

## 23-боб. Салла кийдирмай кафанламоқ

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни уч қават яманий сурп бирлан кафанладилар. Кафан ичида салла ҳам, кўйлак ҳам йўқ эрди».

## 24-боб. Кафанлик ҳақи маййитдан қолган молу маблағдан чегириб қолинғайдир

Ато, Зухрий, Амр ибн Динор ва Қатода ҳам шундоқ фикрдадилар. Амр ибн Динор: «Маййитга ишлатиларган хушбўй нарсалар, гарчи ундан қолган молу маблағнинг ҳаммаси кетса ҳам, харид қилинғайдир»,— дейдилар. Иброҳим ан-Накасий: «Маййитдан қолган молу маблағ аввал кафан харид қилмоқ учун, сўнг қарзини узмоқ учун, ундан кейин эрса, мерос учун тақсимланғайдир» — дейдилар. Суфён: «Гўрков ва ғассол ҳақи ҳам кафанга ажратилган маблағдан тўланғайдир»,— дейдилар.

*Саъд ибн Иброҳим ривоят қиладилар:* «Бир куни Абдуллоҳ ибн Авф разияллоҳу анҳуга таом келтиришди. Ул киши (овқатлана туриб): «Мусъаб ибн Умайр шаҳид бўлди. Ул мендан кўра яхши эрди. Уйдан кафанликка яроқли бирор нарса топилмади. Унинг биргина чопони бор эрди, холос. Кейин, Амир Ҳамза ўлдирилди. Ул ҳам мендан яхши эрди. Унинг уйдан ҳам кафанлик учун бирор нарса топилмади. Унинг ҳам битта чопони бор эрди, холос. Охиратда кўрсатиларган яхшиликлар бизга бу дунёда кўрсатиларган яхшиликлардан, деб қўрқаймен»,— дея хўнграб йиғлай бошладилар (чунки, ул киши ўзларига тўқ одам эрдилар)».

## 25-боб. Маййитни кафанлаш учун кийимдан бошқа нарса топилмаса...

*Саъд ибн Иброҳим ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Авфга (рўзада) огиз очмоқ учун таом келтиришди. Шунда Абдуллоҳ ибн Авфга: «Мусъаб ибн Умайр шаҳид бўлди. Ваҳоланки, ул мендан яхшироқ эрди. (Кафанлик топилмай) биргина чопонига ўраб кўйдилар. Чопон калталиғидан оёғини ёпса, боши очилиб қолар эрди, бошини ёпса, оёғи очилиб қолар эрди. Амир Ҳамза ҳам ўлдирилди, ваҳоланки, ул ҳам мендан яхшироқ эрди. Уни ҳам биргина чопонига ўраб дафн қилдилар, Бизга эрса, бисёр

мол-дунё берилди. Варча яхшилиғларни шу дунёда кўриб, охиратда ҳеч нарса қолмаса эрди, деб қўрқаймиз»,— дея йиғлай бошладилар, ҳатто ифтор вақтида овқат ҳам емадилар».

### **26-боб. Маййитга бошини ёпса, оёғи, оёғини ёпса, боши очилиб қоладирган нарсадан бўлак кафанлик топилмаса, бош томонини ўрайди**

597 . عَنْ حَبَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : هَاجَرْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَلْتَمِسُ وَجْهَ اللَّهِ ، فَوَقَعَ أَحْرُنًا عَلَى اللَّهِ ، فَمِنَّا مَنْ مَاتَ لَمْ يَأْكُلْ مِنْ أَجْرِهِ شَيْئًا ، مِنْهُمْ مُصْعَبُ بْنُ عُمَيْرٍ ، وَمِنَّا مَنْ أَيْنَعَتْ لَهُ ثَمَرَتُهُ فَهُوَ يَهْدِيهَا ، قُتِلَ يَوْمَ أُحُدٍ ، فَلَمْ نَجِدْ مَا نُكْفِيهِ بِهِ إِلَّا بُرْدَةً ، إِذَا غَطَّيْنَا بِهَا رَأْسَهُ خَرَجَتْ رِجْلَاهُ ، وَإِذَا غَطَّيْنَا رِجْلَيْهِ خَرَجَ رَأْسُهُ ، فَأَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نُعْطِيَ رَأْسَهُ ، وَأَنْ نَجْعَلَ عَلَى رِجْلَيْهِ مِنَ الْإِذْخِرِ .

*Хаббоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Оллоҳ ризолиғини истаб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ҳижрат қилдик. Оллоҳ таоло бу дунёда бизга ато этмоғи лозим бўлган мукофотларини охиратга мўлжаллаб олиб қолди, чунки орамиздан ул дунёга рихлат қилганлардан бирортаси ҳам ўшал мукофотлардан заррача баҳраманд бўлгани йўқдир. Улардан бири — Мусъаб ибн Умайр. Бироқ орамизда бул дунёда мукофотини олиб, айшини суриб юрганлар ҳам бордир. Мусъаб эрса, Уҳуд жангида ўлдирилди, уни кафанламоққа (уйидан) ҳеч нарса тополмадик. Бошини ёпса, оёғи, оёғини ёпса, боши очилиб қоладирган биргина чопони бор эркан, холос. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам чопони бирлан бош томонини ўрамоқни, очилиб қолган оёғини эрса, изхир (ўсимлик) бирлан ёпмоқни буюрдилар».

### **27-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида ўзига кафан тайёрлаб қўйган кишини койишмагани ҳақида**

598 . عَنْ سَهْلِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ امْرَأَةً جَاءَتْ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِبُرْدَةٍ مَسْجُوعَةٍ ، فِيهَا حَاشِيَتُهَا ، أَتَدْرُونَ مَا الْبُرْدَةُ ؟ قَالُوا : الشَّمْلَةُ ، قَالَ : نَعَمْ ، قَالَتْ : نَسَخْتُنَا بِيَدِي فَجِئْتُ لِأَكْسُو كَهَا ، فَأَخَذَهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُحْتَاجًا إِلَيْهَا ، فَخَرَجَ إِلَيْنَا ، وَإِنَّهَا إِزَارَةٌ ، فَحَسَنَتْهَا فَلَانَ فَقَالَ : أَكْسِنِيهَا مَا أَحْسَنَتْهَا ! فَقَالَ الْقَوْمُ : مَا أَحْسَنَتْ ، لَبَسَهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُحْتَاجًا إِلَيْهَا ، ثُمَّ سَأَلْتُهُ وَعَلِمْتَ أَنَّهُ لَا يَرُدُّ ، قَالَ : إِنِّي وَاللَّهِ مَا سَأَلْتُهُ لِأَلْبَسَهَا ، إِنَّمَا سَأَلْتُهُ لِتَكُونَ كَفَنِي ، قَالَ سَهْلٌ : فَكَانَتْ كَفَنَهُ .

*Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир хотин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга четига попук тикилган бурда (устки узун кўйлак) олиб келиб, ҳадя қилди: Шунда: «Билурмисиз, бурда қандоқ кийимдир?» — деб сўрадим. Саҳобалар: «Бу — шамладир (бутун баданни қамраб турадирган кийимдир)», — дейишди. Мен: «Ҳа, топдингиз!» — дедим. Бояги аёл Жаноб Расулulloҳга: «Буни атайлаб сизга ўз қўлим бирлан тўқиб, келтирдим»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ўзларига керак бўлгани учун олдилар, кейин ичкарига кириб (изор ўрнига) белдан пастларига ўраб чиқдилар. Шунда фалончи (Абдуррахмон ибн Авф): «Қандоқ яхши эркан, менга кийдира қолингиз!»— деди. Саҳобалар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига керак бўлгани учун кийиб эрдилар, яхши қилмадинг, сўраган нарСангни йўқ демай бермакларини билурсен-ку!» — дейишди. Абдуррахмон: «Оллоҳга қасамёд қилиб айтурменким, кўйлакни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан киймоқ учун сўраганим йўқ, уни ўзимга кафанлик қилиб олиб қўймоқчиман»,— деди. Ушал кўйлак (кейинчалик) унга кафанлик бўлди».



**28-боб. Аёлларнинг жанозада иштирок этмоғи ҳақида**

599 . عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : نُهِينَا عَنْ أَتْبَاعِ الْجَنَائِزِ وَلَمْ يُعْزَمَ عَلَيْنَا .

*Умму Атиййа разияллоҳу анҳо:* «Бизга жанозада қатнашмоқ манъ қилинди, аммо қатъиян эрмас»,— дейдилар.

**29-боб. Аёл кишининг эридан бошқа яқинлари вафот қилганидаги азадорлик муддати ҳақида**

*Муҳаммад ибн Сирин ривоят қиладилар:* «Умму Атиййа разияллоҳу анҳонинг ўғиллари ўлди. Учинчи куни сафра (суртиладиган рангли хушбўй модда) келтирмакни буюрдилар, олиб келинган, уни ўзларига суртдиларда: «Аёлларга эридан бошқа яқинларига уч кундан ортиқ аза тутмоқ макруҳ қилингандир»,— дедилар».

*Зайнаб бинти Абу Салама ривоят қиладилар:* «Шомдан Абу Суфённинг вафот этганлиги ҳақидаги хабар етиб келганда, учинчи куни Абу Суфённинг қизлари Умму Ҳабиба (Расулulloҳнинг хотинлари) сафра келтирмакни буюрдилар. Олиб келинган, уни ёноқлари, манглайлари, қулоқларининг таги ва билакларига суртдиларда: «Агар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳга ва охират кунига ишонган аёлнинг ўликка уч кундан ортиқ аза тутмоғи макруҳдир, эри ўлсагина тўрт ойу ўн кун мотамда бўлғайдир» демаганларида, мен бундоқ қилмас эрдим»,— дедилар».

600 . عَنْ أُمِّ حَبِيْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا زَوْجَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، قَالَتْ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( لَا يَجْلُ لَامْرَأَةٍ تُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ، تُحِدُّ عَلَى مَيِّتٍ فَوْقَ ثَلَاثِ ، إِلَّا عَلَى زَوْجٍ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا ) .

*Зайнаб бинти Абу Салама ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари Умму Ҳабибанинг ҳузурларига кирдим. Ул киши менга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳга ва охиратга ишонадирган аёлнинг уч кундан ортиқ ўликка аза тутмоғи макруҳдир, эри ўлсагина тўрт ойу ўн кун аза тутғайдир» деганларини эшитганман» — дедилар. Сўнг, Зайнаб бинти Жаҳшнинг ҳузурларига акалари ўлганда кирдим. Шунда улар хушбўй нарсалар олиб келмакни буюрдилар, хушбўйликни ўзларига суртиб, сўнг: «Менинг хушбўй нарсалар суртмакка ҳушим йўғ-у, лекин мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарда туриб, «Оллоҳга ва охиратга ишонган аёлнинг ўликка уч кундан ортиқ аза тутмоғи макруҳдир, эри ўлсагина тўрт ойу ўн кун аза тутғайдир» деганларини эшитганман»,— дедилар».

**30-боб. Қабрларни зиёрат қилмоқ ҳақида**

601 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

مَرَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِامْرَأَةٍ تَبْكِي عِنْدَ قَبْرِ ، فَقَالَ : ( أَتَقِي اللَّهَ وَاصْبِرِي ) . فَقَالَتْ : إِيَّاكَ لَمْ تُصَبِّ بِمُصِيبَتِي ، وَلَمْ تَعْرِفْهُ ، فَقِيلَ لَهَا : إِنَّهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَأَتَتْ بَابَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَلَمْ تَجِدْ عِنْدَهُ بَوَائِبَ ، فَقَالَتْ : لَمْ أَعْرِفْكَ ، فَقَالَ : ( إِنَّمَا الصَّبْرُ عِنْدَ الصَّدْمَةِ الْأُولَى ) .

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қабр тепасида йиғлаб ўтирган бир аёлнинг ёнидан ўтаётиб унга: «Оллоҳдан қўрқингиз, сабр қилингиз!»— дедилар. Хотин: «Йўлингиздан қолмангиз, сизнинг бошингизга бундоқ мусибат тушмаган-да!» — деди. У Расулulloҳни танимас эрди. Одамлар хотинга: «Ул киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрдилар»,— дейишди. Шунда хотин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эшиклари олдига келди. Қараса, эшик олдида (подшоҳ саройларида бўладиган) дарвозабон йўқ. Хотин (ичкарига кириб) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Сизни

танимабмен»,—деди. Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам: «Одам бошига мусибат тушган дастлабки кунларда сабр-тоқат қилмоғи керак!» — дедилар».

**31-боб. Расулulloх саллalloху алайҳи ва салламнинг «Агар маййит ҳаётлигида ўз аҳлини ўликка аза тутганда (ортиқча) йиғи-сиғи қилмакка ўргатиб қўйган бўлсаю, ўзи ўлганда аҳли унга аза тутиб, оҳ-воҳ қилиб йиғласа, қабрида унга азоб берилгайдир»,— деганлари**

Оллоҳ таоло: «Эй мўминлар, ўзингизни ва аҳлингизни жаҳаннам ўтидан сақлангиз!» — деган.

*Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам:* «Ҳар бирингиз бошлиқдирсиз ва ҳар бирингиз ўз қўл остингиздаги кишиларга масъулдирсиз. Агар маййит ҳаётлигида ўз аҳлини ўликка аза тутганда, дод-вой қилиб йиғламакка ўргатиб қўйган бўлмаса, (қабрида азоб чекмагайдир)»,— деганлар. Оиша онамиз айтганларидек, биров бировнинг гуноҳи учун гуноҳкор бўлмагайдир. Мана бул оятнинг мазмуни ҳам худди шу хусусда: «Агар биров ўзи қилган гуноҳларининг кўплигидан аларни кўтаролмай қолса-ю, бошқа бир одамни чақариб, унга: «Бир қисмини ўзингга олғил!» — деса, ул зарчасини ҳам олмагайдир.

**Овоз чиқармай йиғлашга рухсат берилганлиги ҳақида**

*Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам:* «Биров бировни ноҳақ ўлдирмагайдир, мабодо ноҳақ ўлдирса, Одам алайҳиссаломнинг тўнғич ўғиллари Қобил кенжа ўғиллари Хобилни ўлдиргани сабабли, унинг гуноҳига шерик бўлғайдир, чунким, дунёда ул биринчи бўлиб одам ўлдирмакни, ноҳақ қон тўкмакни одат қилган шахсдир!»— деганлар».

602 . عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : أُرْسِلَتْ ابْنَةُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَيْهِ أَنْ ابْنًا لِي قَبِضَ فَاتْنَا، فَأَرْسَلَ يُقْرِئُ السَّلَامَ، وَيَقُولُ : ( إِنَّ اللَّهَ مَا أَخَذَ ، وَلَهُ مَا أَعْطَى ، وَكُلُّ شَيْءٍ عِنْدَهُ بِأَجَلٍ مُّسَمًّى ، فَلْتَصْبِرْ وَلْتَحْتَسِبْ ) . فَأَرْسَلَتْ إِلَيْهِ تُفَسِّمُ عَلَيْهِ لِيَأْتِيَنَهَا ، فَقَامَ وَمَعَهُ سَعْدُ بْنُ عُبَادَةَ ، وَمُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ ، وَأَبِي بْنُ كَعْبٍ وَزَيْدُ بْنُ ثَابِتٍ ، وَرِجَالٌ ، فَرَفَعَ إِلَيَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الصَّبِيَّ وَنَفْسُهُ تَتَّقَعُقُ ، قَالَ : حَسْبَتْهُ أَنَّهُ قَالَ : كَأَنَّهَا شُنٌّ ، فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ ، فَقَالَ سَعْدُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا هَذَا ؟ قَالَ : ( هَذِهِ رَحْمَةٌ جَعَلَهَا اللَّهُ فِي قُلُوبِ عِبَادِهِ ، وَإِنَّمَا يَرْحَمُ اللَّهُ مِنْ عِبَادِهِ الرَّحْمَاءَ ) .

*Усома ибн Зайд разияллоху анху ривоят қиладилар:* «Расулulloхнинг қизлари (Зайнаб): «Ўғлим жон таслим қилай деяпти, ота, тезроқ келингиз!» — деб Жаноб Расулulloхга одам юбордилар. Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам эрса, бунга жавобан салом айтиб: «Фарзанд берадирган ҳам Оллоҳ, уни қайтиб оладирган ҳам Оллоҳ. Оллоҳнинг даргоҳида уларнинг умри аниқ белгилаб қўйилгандир. Ўзига Оллоҳдан сабру қаноат тилаб, унинг иродасига бўйинсунсин!»—деб айтиб юбордилар. Қизлари: «Отам албатта келсинлар!»—деб яна одам юбордилар. Бу гапни эшитиб Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам ўринларидан турдилар, ул киши бирлан бирга Саъд ибн Убода, Муоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит ва бир қанча кишилар ҳам туриб, йўлга тушдилар. Етиб боришгач, Расулulloх саллalloху, алайҳи ва салламга болани узатишди, бола маҳмаса ҳолатида (жон бериш вақтидаги ҳолатда) эрди. Назаримда, бола суви йўқ мешдек қуриган-у, жон танасидан чиқиб кетайин, деб тургандек эрди. Буни кўриб Расулulloх саллalloху алайҳи ва салламнинг муборак икки кўзларидан дувуллаб ёш оқди. Шунда Саъд: «Ё Расулulloх, бу несидир?!»—дедилар. Жаноб Расулulloх: «Бу кўз ёши — Оллоҳнинг бандалари қалбига солган раҳматидир! Оллоҳ таоло раҳмдил бандаларига раҳм қилгайдир (яъни, бу дод-вой солиб йиғлагандаги кўз ёши эрмасдир)»,— дедилар».

603 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : شَهِدْنَا بِنْتًا لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَالِسٌ عَلَى الْقَبْرِ ، قَالَ : فَرَأَيْتُ عَيْنَيْهِ تَدْمَعَانِ ، قَالَ : فَقَالَ : ( هَلْ مِنْكُمْ رَجُلٌ لَمْ يَقَارِفِ اللَّيْلَةَ ) . فَقَالَ أَبُو طَلْحَةَ : أَنَا ، قَالَ : ( فَأَنْزِلْ ) . فَتَزَلَّ فِي قَبْرِهَا .

*Анас ибн Молик ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қизларининг (Умму Гулсумнинг) жанозасида эрдик. Қарасам, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қабр ёнида ўтирибдирлар-у, кўзларидан дув-дув ёш оқаётир. Ногаҳон, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Орангизда бу кеча хотинига яқинлик қилмаган бирор киши бордирми?»—деб сўрадилар. Шунда Талҳа: «Мен»,— дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ундоқ бўлса, қабрга тушғил!»— дедилар. Талҳа (маййитни қўйгани) қабрга тушдилар».

*Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Абу Мулайка разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Маккада Усмон разияллоҳу анҳунинг қизлари вафот этди, жанозасига қатнашгани бордик. Жанозага Ибн Умар ва Ибн Аббос разияллоҳу анҳулар ҳам келишди. Иккинчилари менинг ёнимга келиб ўтирдилар. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу Усмоннинг ўғли Амрга: «Хотинларни йиғидан тўхтатсангиз-чи! Ахир, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Маййит ўз аҳлининг йиғисидан (қабрда) азобланғайдир, деганлар-ку!» - дедилар. Шу ерда ўтириб Ибн Аббос менга бир воқеани айтиб бердилар:

«Ҳазрат Умар бирлан бирга Маккаи Мукаррамадан (Мадинага) қайтиб келаётиб Байдоъ деган ерга етганимизда, ногаҳон самура дарахтининг соясида турган бкр жамоага Ҳазрат Умарнинг кўзлари тушди. Ҳазрат Умар менга: «Бориб қарағилчи, анави жамоа кимлар эркан?» — дедилар. Бориб қарасам, Суҳайб (жамоаси) эркан. Ҳазрат Умарга келиб буни айтдим. «Менга чақириб берғил уни!» — дедилар, Мен Суҳайбнинг олдида бориб: «Турингиз, Амир ул-мўмининга етиб олингиз!» — дедим. Ҳазрат Умар Мадинага борганларидан сўнг, мусибат содир бўлиб (Ҳазрат Умарга бир одам пичоқ урган эрди) Суҳайб «вой биродарим, вой дўстим»лаб йиғлаб кирди. Шунда Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу: «Эй Суҳайб, сен мени деб (дод солиб) йиғлаётирмисен? Ваҳоланки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Маййит ўз аҳлининг (баъзи бир) йиғиси сабабли азобланғайдир, деб айтганлар»,— дедилар.

«Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳунинг вафотларидан сўнг, бу сўзни Оиша онамизга айтдим,— дедилар Ибн аббос разияллоҳу анҳу,— шунда Оиша онамиз: «Ҳазрат Умарри Оллоҳ раҳмат қилсин! Оллоҳ таолога қасамёд қилиб айтурменким, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўъмин одам ўлганда, аҳли йиғласа, Оллоҳ таоло уни азоблағайдир» — демаганлар. Лекин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кофир одам ўлганда, аҳли йиғласа, уни Оллоҳ қаттиқ азоблағайдир»»—деганлар. Сизларга Қуръоннинг ўзи далилдир, биров бировнинг гуноҳи учун азобланмағайдир»,— деб айтдилар. «Кулдирган ҳам, йиғлатган ҳам Оллоҳнинг ўзидир!» — дедим. Оллоҳга қасамёд қилиб айтурменким, Ибн Умар разияллоҳу анҳу (Ибн Аббоснинг ушбу ривоятини эшитиб) ҳеч нарса демадилар».

*Амра бинти Абдурраҳмон Оиша онамиздан бундоқ деб эшитган эрканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир яҳудий хотиннинг қабри ёнидан ўтаётиб, ўшал ерда унинг қариндошлари йиғлаб ўтирганини кўрдилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Булар хотинга аза тутиб йиғлашмақда, хотин эрса, қабрда азобланмақдадир»,— дедилар».

*Абу Бурданинг оталари бундай деган эрканлар:* «Умар разияллоҳу анҳуга мусибат (пичоқ урилган эрди) етганда Суҳайб разияллоҳу анҳу «вой биродарим» лаб йиғлай бошлади. Шунда Умар разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг «Майит тирикнинг йиғиси сабабли азобланғайдир, деганларини билмасмисен?» — дедилар».

### 32-боб. Майитга (аза тутиб) дод солиб йиғлашнинг макруҳлиги

Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу: «Қўяверғил уларни, Абу Сулаймонга аза тутиб йиғлашаверсин, бошларига туфроқ сочиб ва дод солиб йиғлашмаса, бўлгани!» — дедилар. Имом Бухорий: «Нақъ — бошга туфроқ сочмоқ, лақлақа — дод-вой солмоқ деганидир»,— дейдилар.

606 . عَنْ الْمُغِيرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: ( إِنْ كَذَبَ عَلِيٌّ لَيْسَ كَكَذِبِ عَلِيٍّ أَحَدٍ ، مَنْ كَذَبَ عَلِيًّا مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ ، وَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: ( مَنْ نِيحَ عَلَيْهِ يَعْذَبُ بِمَا نِيحَ عَلَيْهِ ) .

*Муғйра разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганман»,— дейдилар: «Албатта, менинг номимдан ёлғон сўз айтмоқ, бошқа бирор кишининг номидан ёлғон сўз айтмоқ каби эрмасдир. Кимки менинг номимдан қасддан ёлғон сўз тўқиғайдир, дўзахдан ўзига жой шайлайверсин! Қайси майитга ким аза тутиб, дод солиб йиғлағайдир, ўшал майит дод солиб йиғлангани туфайли азобга қолғусидир».*

604 . عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ( إِنْ أَمِيتَ يَعْذَبُ بَعْضُ بُكَاءِ أَهْلِهِ عَلَيْهِ ) فَبَلَغَ ذَلِكَ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ، بَعْدَ مَوْتِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، فَقَالَتْ: رَحِمَ اللَّهُ عُمَرَ وَاللَّهِ مَا حَدَّثَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ اللَّهَ لَيَعْذَبُ الْمُؤْمِنَ بَعْضُ بُكَاءِ أَهْلِهِ عَلَيْهِ ، وَلَكِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: ( إِنْ اللَّهُ لَيَزِيدُ الْكَافِرَ عَذَابًا يُبْكِيهِ أَهْلَهُ عَلَيْهِ ) . وَقَالَتْ: حَسْبُكُمْ الْقُرْآنُ: ﴿ وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَى ﴾ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳунинг оталари ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам; «Ўлик, унга аза тутгувчиларнинг дод солиб йиғлагани сабабли, қабрида азобланғайдир»,— деганлар».*

Шуъба разияллоҳу анҳу: «Ўлик, унга аза тутгувчи тирикнинг йиғиси сабабли, азобланғайдир»,— деганлар.

### 33-боб.

*Ибн ул-Мункадирга Жобир ибн Абдуллоҳ бундай деб ривоят қилган эрканлар: «Уҳуд жанги куни отамнинг ўлигини кийимларига ўралган ҳолда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келтириб қўйишди-да, ул кишининг қулоқ ва бурунлари кесиб ташланганини айтишди. Мен бориб юзларини очмоқчи эрдим, қариндошларим қўйишмади, сўнг яна бориб очмоқчи бўлганимда, қариндошларим яна қўйишмади, сўнг яна очмоқчи бўлиб бордим, қариндошларим бу гал ҳам рухсат беришмади. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари «Очингиз!» деб буюрдилар, юзларини очишди. Шунда бир хотиннинг додлаган овози эшитилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимдир ул?» — дедилар. «Амрнинг қизи ёким Амрнинг синглиси»,— дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йиғламасин!» — дедилар. Кейин, тобутни кўтаришгунча фаришталар қанотлари бирлан отамнинг тепаларида соя солиб туришди».*

### 34-боб. Азада ёқасини йиртиб дод солган киши биздан эрмас (мусулмон эрмас)!

607 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ( لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَطَمَ الْخُدُودَ ، وَشَقَّ الْجُيُوبَ ،

وَدَعَا بِدَعْوَى الْجَاهِلِيَّةِ .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки (мушибат етганда) ўзи ўзининг юзига уриб, ёқа йиртиб, исломдан олдинги жоҳилия давридаги одамларнинг ножоиз, ноўрин сўзларини айтиб йиғлағайдир, ул биздан эрмасдир!» — деганлар».

### 35-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Саъд ибн Хавлага марсия айтганлари

608 . عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعْذِرُنِي عَامَ حَجَّةِ الْوُدَاعِ ، مَنْ وَجَعَ اشْتَدَّ بِي ، فَقُلْتُ : إِنِّي قَدْ بَلَغَ بِي مِنَ الْوَجَعِ مَا تَرَى ، وَأَنَا ذُو مَالٍ ، وَلَا يَرِثُنِي إِلَّا ابْنَةٌ ، أَفَأَتَصَدَّقُ بِثُلْثِي مَالِي ؟ قَالَ : ( لَا ) . قُلْتُ : بِالشَّطْرِ ؟ فَقَالَ : ( لَا ) . ثُمَّ قَالَ : ( التُّلْثُ وَ التُّلْثُ كَبِيرٌ ، أَوْ كَثِيرٌ ، إِنَّكَ إِنْ تَذَرَ وَرَثَتَكَ أَغْنِيَاءَ ، خَيْرٌ مِنْ أَنْ تَذَرَهُمْ عَالَةً يَتَكَفَّفُونَ النَّاسَ ، وَإِنَّكَ لَنْ تُنْفِقَ نَفَقَةً تَبْتَغِي بِهَا وَجْهَ اللَّهِ إِلَّا أُحْرَجْتَ بِهَا ، حَتَّى مَا تَجْعَلَ فِي فِي امْرَأَتِكَ ) . فَقُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ أُخَلِّفُ بَعْدَ أَصْحَابِي ؟ فَقَالَ : ( إِنَّكَ لَنْ تُخَلِّفَ فَتَعْمَلَ عَمَلًا صَالِحًا إِلَّا أزدَدْتَ بِهِ دَرَجَةً وَرَفَعَةً ، ثُمَّ لَعَلَّكَ أَنْ تُخَلِّفَ حَتَّى يَنْتَفِعَ بِكَ أَقْوَامٌ وَيَضُرَّ بِكَ آخَرُونَ ، اللَّهُمَّ امْضِ لِأَصْحَابِي هِجْرَتَهُمْ ، وَلَا تُرُدَّهُمْ عَلَى أَعْقَابِهِمْ ، لَكِنَّ الْبَائِسُ سَعْدُ بْنُ حَوْلَةَ ) . يَرِثُنِي لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ مَاتَ بِمَكَّةَ .

*Амр ибн Саъдга оталари Саъд ибн Хавла бундай деган эрканлар:* «Ҳажжат ул-Видоъ йилида мен қаттиқ касал бўлувдим, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени кўргани келдилар. Шунда мен: «Касалим кучайиб кетди, аҳволим оғир. Мен бадавлат кишидирман, бир қизимдан бошқа мерос оладирган одамим йўқдир. Молимнинг 1/3 қисмини эҳсон қилайинми?» — дедим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўқ»,— дедилар. «Ярмини садақа қилайинми?»—дедим. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Йўқ»,— дедилар. Сўнг: «1/3... 1/3 қисми ҳам анча кўп нарсадир, албатта сен болаларингни одамлардан тиланадирган фақир қилиб қолдирганингдан кўра, бойроқ қилиб қолдирганинг яхшироқдир. Агар сен хайру садақа учун молингни сарфлайдирган бўлсанг, албатта бунинг эвазига Оллоҳдан савоб олғайсан, ҳатто хотинингнинг оғзига солиб қўйган луқманг. учун ҳам»,— деб қўшиб қўйдилар. «Ё Расулulloҳ, мен саҳоба биродарларимнинг орқасида қолармиканман (яъни, тузалиб кетармиканман)?» — дедим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен бордию, (саҳоба биродарларингдан) кейин қолиб, амали солиҳ қилсанг, бунинг эвазига Оллоҳ даргоҳида даража ва мартабанг зиёда бўлғайдир, шоядки, кейин қолсанг-у, сендан бир қанча мўъминлар фойдалансалар ва бир қанча мушриклар зарар топсалар! Илоҳи, саҳобаларимнинг ҳижратини бехатар қилғил, уларни (Мадинадан) орқага қайтармагил!» — дедилар».

Лекин, бечора Саъд ибн Хавла Маккада шфот этганда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга марсия айтдилар. .

### 36-боб. Мушибат етганда сочини юлмоқни манъ қилганлари ҳақида

609 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ وَجَعَ وَجَعًا ، فَعُشِيَ عَلَيْهِ وَرَأْسُهُ فِي حَجْرِ امْرَأَةٍ مِنْ أَهْلِهِ ، فَبَكَتْ فَلَمْ يَسْتَطِعْ أَنْ يَرُدَّ عَلَيْهَا شَيْئًا ، فَلَمَّا أَفَاقَ قَالَ : أَنَا بَرِيءٌ مِمَّنْ بَرِيءٌ مِنْهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَرِيءٌ مِنَ الصَّالِقَةِ وَالْحَالِقَةِ وَالشَّاقَّةِ .

*Абу Бурда ибн Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абу Мусо (отам) қаттиқ бетоб бўлиб қолиб, ҳушларидан кетдилар, бошлари хотинларидан бирининг кучоғида бўлиб, бирорта ҳам сўз айта олмас эрдилар. Ҳушларига келганларидан

кейин: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам кимдан нафратланган бўлсалар, мен ҳам ўшандан нафратланмайман. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам: «Бошига мусибат тушганда дод-вой солган, сочини юлган ва ёқасини йиртган хотинлардан нафратланмайман! дер эрдилар»,— деб айтдилар»,

### **37-боб. Бошига мусибат тушганда юзига шапалоқлаб уриб, дод-вой солганлар биздан эрмасдир (муслмон эрмасдир)!**

*Абдуллох ибн Масъуд ривоят қиладилар:* «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам: «Кимки ўзи ўзининг юзига уриб, ёқа йиртиб, дод-вой солиб, исломдан аввалги одамларнинг шариатга номувофиқ қилиқларини қилғайдир, ул биздан эрмасдир!»— деганлар».

### **38-боб. Бошига мусибат етганда жоҳилия давридагидек дод солиб, шариатга номувофиқ сўзларни айтиб йиғламоқни манъ қилганлари**

*Абдуллох ибн Масъуд ривоят қиладилар:* «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам: «Бошига мусибат етганда жоҳилия давридагидек шариатга номувофиқ сўзларни айтиб, ёқа йиртиб, юзига уриб йиғлаган одам биздан эрмасдир!» — деганлар».

### **39-боб. Бошига мусибат тушган одамнинг хафалиги юзидан билиниб турса...**

610 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ، قَالَتْ : لَمَّا جَاءَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَتَلَ ابْنَ حَارِثَةَ وَجَعْفَرَ وَابْنَ رَوَاحَةَ ، جَلَسَ يَعْرِفُ فِيهِ الْحُزْنَ ، وَأَنَا أَنْظُرُ مِنْ صَائِرِ الْبَابِ - شَقَّ الْبَابَ - فَأَتَاهُ رَجُلٌ فَقَالَ : إِنَّ نِسَاءَ جَعْفَرَ ، وَذَكَرَ بُكَاءَهُنَّ ، فَأَمَرَهُ أَنْ يَنْهَاهُنَّ فَذَهَبَ ، ثُمَّ أَتَاهُ الثَّانِيَةَ فَأَخْبَرَهُ أَنَّهُنَّ لَمْ يُطِعْنَهُ فَقَالَ : ( انْهَيْهِنَّ ) ، فَأَتَاهُ الثَّلَاثَةَ فَقَالَ : وَاللَّهِ لَقَدْ غَلَبْنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ ، فَزَعَمْتَ أَنَّهُ قَالَ : ( فَاحْثُ فِي أَفْوَاهِهِنَّ التُّرَابَ ) .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Ибн Ҳориса, Жаъфар ва Ибн Рувоҳаларнинг ўлдирилганлиги тўғрисидаги хабар келган куни Жаноб Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам масжидда ўтирганларида хафаликлари юзларидан билиниб турди. Шунда мен эшикнинг тирқишидан қараб турган эрдим, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам ҳузурларига бир киши келиб, Жаъфарнинг хотинлари йиғлашаётганини айтди. Шунда Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам уларни йиғидан тўхтатмакни буюрдилар. Хотинларни юпатмоққа кетган одам қайтиб келиб: «Итоат қилишмаётир»,— деди. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам яна: «Турғил, бориб уларни йиғидан тўхтаттил!» — дедилар. У киши яна қайтиб келиб: «Ё Расулulloх, Оллоҳга қасамёд қилиб айтурменким, хотинлар бизга бўйинсунмаётирлар»,— деди. Шунда мен: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бояги кишига «Бориб хотинларнинг юзига туфроқ сочғил!» дедилар, деб ўйлаб, «Вой, Оллоҳ бурнингни ерга ишқагур! Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг айтганларини қилмай, ул кишини қийнаб қўйдинг-ку!» — дедим».

*Анас разияллоху анху ривоят қиладилар:* «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам Нажд қабиласига юборилган қорилар ўлдирилганда бир ой давомида «Қунут» дуосини ўқидилар. Мен Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг ўша пайтдагидан кўра қаттиқроқ хафа бўлганларини кўрмаганман».

### **40-боб. Бошига мусибат етганда хафалигани билдирмаган киши**

Муҳаммад ибн Каъб: «Жазаъ сўзи — ёмон сўз айтиш ва ёмон хаёлга бориш ҳамда Оллоҳ таоло охиратда берадирган яхшилиқлардан ноумид бўлиш, демакдир»,— деганлар. Яъқуб алайҳиссалом: «Мен ўз дарду қайғумни ёлғиз

Оллоҳнинг ўзига изҳор қилғайдирман»,— деганлар.

611. عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : اشْتَكَيْ ابْنُ لَإِي طَلْحَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، فَمَاتَ وَأَبُو طَلْحَةَ خَارِجٌ ، فَلَمَّا رَأَتْ امْرَأَتَهُ أَنَّهُ قَدْ مَاتَ ، هَيَّأَتْ شَيْئًا ، وَنَحَّتْهُ فِي جَانِبِ الْبَيْتِ ، فَلَمَّا جَاءَ أَبُو طَلْحَةَ قَالَ : كَيْفَ الْغُلَامُ ؟ قَالَتْ : قَدْ هَدَأَتْ نَفْسُهُ ، وَأَرْجُو أَنْ يَكُونَ قَدْ اسْتَرَاحَ ، قَالَ : فَبَاتَ ، فَلَمَّا أَصْبَحَ اغْتَسَلَ ، فَلَمَّا أَرَادَ أَنْ يَخْرُجَ أَعْلَمْتَهُ أَنَّهُ قَدْ مَاتَ ، فَصَلَّى مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، ثُمَّ أَخْبَرَهُ بِمَا كَانَ مِنْهُمَا ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَعَلَّ اللَّهَ تَعَالَى أَنْ يَبَارِكَ لَكُمْ فِي لَيْلَتِكُمْ ) . قَالَ رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ : فَرَأَيْتُ لَهُمَا تِسْعَةَ أَوْلَادٍ ، كُلُّهُمْ قَدْ قَرَأُوا الْقُرْآنَ .

*Анас ибн Молик ривоят қиладирлар:* «Бир куни Абу Талҳанинг ўғли касал бўлиб, вафот этганди. Ушанда Абу Талҳа ташқарида юрган эрди. Хотини ўғлининг ўлганини кўриб, майитга керак бўладирган айрим нарсаларни тайёрлаб, уйнинг бир чеккасига олиб бориб қўйди. Абу Талҳа уйга кириб: «Боланинг аҳволи нечук?»—деб сўради. Хотини: «Бир оз тинчиб қолди, ором олиб ухлаётган бўлса керак»,— деди. Абу Талҳа хотини рост айтаяпти, деб ўйлади. Ўша кеча ётиб, эрта билан туриб ғусл қилди. Кейин, уйдан чиқиб кетмоқчи бўлганида, хотини боласининг вафот этганини айтди.

Абу Талҳа Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга намоз ўқиб бўлгач, хотини бирлан ўзи ўртасида бўлган воқеани айтиб берди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шоядки, Оллоҳ таоло иккалангизнинг ҳам тунингизга баракот берса (яъни, Оллоҳ фарзанд берса)!» — дедилар. Суфён разияллоҳу анҳу: «Ансорийлардан бир киши Абу Талҳанинг хотини тўққизта бола кўрганини, уларнинг ҳаммаси Қуръон тиловат қилмакка моҳир бўлганини менга айтди»,— дейдилар».

#### 41-боб. Бошига мусибат тушган дастлабки вақтларда сабру тоқат қилмоқ ҳақида

*Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Адолат ҳам яхши, бунинг эвазига олинадирган савоб ҳам яхшидир! Шундоқ одамлар бордирки, бошларига мусибат тушганда: «Инно ли-л-лоҳи ва инно илайҳи рожиъун» (Биз Оллоҳнинг бандаларидирмиз ва ҳаммамиз унинг даргоҳига қайтиб борғаймиз) деб айтишади. Ана шундоқ дейдиган инсонларни Оллоҳ таоло ярлақайдир ва улардан раҳматини дариф тутмайдир, ана шундоқ инсонлар ҳидоятга эришган бандалардир! Оллоҳ таоло бу хусусда бундоқ дейдир: «Ва-стаъийнуу би-с-сабри ва-с-салоти ва иннаҳо ла-кабийратун илло ала-л-хошиъийн» (сабру тоқат қилсангиз, намоз ўқисангиз, дарду аламингиз ёзилғайдир, дарҳақиқат, сабру тоқат қилмоқ ҳамда намоз ўқимоқ Оллоҳдан қўрқувчилардан ўзгаларгагина амри маҳолдир!).

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бошига мусибат тушган дастлабки вақтларда сабру тоқат қилмоқ кўпроқ савоблидир»,— деганлар».

#### 42-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Биз сендан ажраб қолаётганимиздан хафамиз»,— деганлари

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Мусибат етганда) кўздан ёш оқғайдир, кўнгил ғам чеккайдир»,— деганлар».

#### 43-боб. Касал ҳузурда йиғламоқ ҳақида

613. عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : اشْتَكَيْ سَعْدُ بْنُ عَبَادَةَ شَكْوَى لَهُ ، فَأَتَاهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعُوذُهُ ، مَعَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ ، وَسَعْدُ بْنُ أَبِي وَقَّاصٍ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ مَسْعُودٍ ، فَلَمَّا دَخَلَ عَلَيْهِ وَحَدَّهُ فِي غَاشِيَةِ أَهْلِهِ ،

فَقَالَ : ( قَدْ قَضَى ) . قَالُوا : لَا يَا رَسُولَ اللَّهِ ، فَبَكَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمَّا رَأَى الْقَوْمَ بُكَاءَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَكَوْا ، فَقَالَ : ( أَلَا تَسْمَعُونَ ، إِنَّ اللَّهَ لَا يَعْذِبُ بِدَمْعِ الْعَيْنِ ، وَلَا بِحُزْنِ الْقَلْبِ ، وَلَكِنْ يُعَذِّبُ بِهَذَا ) - وَأَشَارَ إِلَى لِسَانِهِ - أَوْ يَرْحَمُ ، وَإِنَّ الْمَيِّتَ يَعْذِبُ بِبُكَاءِ أَهْلِهِ عَلَيْهِ ) .

*Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Саъд ибн Убода бетоб бўлиб қолдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдурраҳмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос ва Абдуллоҳ ибн Масъуд бирлан бирга кўргани кирганларида, бола-чақалари унинг теварагида туришган эркан. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Вафот этдимми?» — дедилар. «Йўқ, ё Расулulloҳ»,— дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам йиғладилар. Ул кишининг йиғлаганларини кўриб, бошқалар ҳам йиғлади. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эшитмақдамисиз, Оллоҳ таоло кўз ёши ва дил қайғуси учун азоб бермағайдир. Лекин, мана бунинг учун азоб берғайдир ёки раҳм қилғайдир»,— деб тилларига ишора қилдилар».

Майит ўз аҳлининг унга мотам тутиб (дод солиб) йиғлаши сабабли (қабрда) азоб чеккайдир. Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу дод солиб йиғлаганларни асо бирлан урур эрдилар, тош отиб, туфроқ сочиб ҳайдар эрдилар.

#### **44-боб. Жаноб Расулulloҳнинг дод солиб йиғламоқни манъ қилганлари ва уни қаттиқ қоралаганлари**

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Зайд ибн Ҳориса, Жаъфар ва Абдуллоҳ ибн Рувоҳанинг ўлдирилгани тўғрисидаги хабар етиб келганда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларидан хафаликлари шундоққина билиниб турар эрди. Мен эшикнинг тирқишидан қараб тургандим. Шунда Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир киши келиб: «Ё Расулulloҳ, Жаъфарнинг хотинлари йиғлашаётир»,— деб айтди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни йиғидан тўхтатмакни буюриб, одам юбордилар. У киши қайтиб келиб: «Улар менга итоат қилишмаётир»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккинчи марта хотинларни йиғидан тўхтатмакни буюрдилар. Бояги киши кетди, кейин яна қайтиб келиб: «Оллоҳга қасамд қилиб айтурменким, улар менга бўйинсунмаётирлар»,— деди. Мен бўлсам: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам у.кишига: «Йиғлаётган хотинларнинг оғзига туфроқ сочғил!»— дедилар, деб ўйлаб, «Оллоҳ бурнингни ерга ишқагур! Ё буйруқни бажармадинг ва ё Расулulloҳни овора қилмақдан тўхтамадинг!» — дедим».

614 . عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : أَحَدَ عَلَيْنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَ الْبَيْعَةِ أَنْ لَا تُنُوحَ ، فَمَا وَفَّتْ مِنَّا امْرَأَةٌ غَيْرَ خَمْسٍ : أُمُّ سَلِيمٍ ، وَأُمُّ الْعَلَاءِ ، وَأَبْنَةُ أَبِي سَبْرَةَ امْرَأَةٌ مُعَاذٍ ، وَأَمْرَأَتَانِ . أَوْ ابْنَةُ أَبِي سَبْرَةَ ، وَامْرَأَةٌ مُعَاذٍ ، وَامْرَأَةٌ أُخْرَى .

*Умму Атиййа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Бошимизга мусибат тушганда дод солиб йиғламасликка Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилдик (қасам ичдик). Лекин, қуйидаги бешта аёлдан бошқаси ўз онтига вафо қилмади: Умму Сулайм, Умм ул-Ало, Муознинг хотини — Бинти Абу Сабра ва яна икки хотин» (ёки «Бинти Абу Сабра, Муознинг; хотини ва бошқа хотинлар»,— дедилар).

#### **45-боб. Жанозани кўрганда ўрнidan турмоқ**

615 . عَنْ عَامِرِ بْنِ رَبِيعَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ جَنَازَةً ، فَإِنْ لَمْ يَكُنْ مَأْشِيًا مَعَهَا فَلْيُقِمْ حَتَّى يَخْلُفَهَا ، أَوْ تُخَلِّفَهُ ، أَوْ تُوضَعَ مِنْ قَبْلِ أَنْ تُخَلِّفَهُ ) .

*Омир ибн Рабиъа ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва



саллам: «Жаноза келаётганини кўрсангиз, ўрнингиздан туриб, ўтиб кетгунча кутиб турингиз!» — деганлар, Ҳумайдий разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (жаноза) ўтиб кетгунча ёки маййит (елкадан) ерга қўйилгунча, деганлар», — деб қўшимча қиладилар.

#### **46-боб. Жанозани ҳурмат қилиб ўрнқдан турган одам қачон ўтирадир?**

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангиз жаноза келаётганини кўрсангиз-у, жаноза бирлан бирга (масжидга ёким мазорга) бормак ниятингиз бўлмаса, уни ўтказиб юборгунингизча ёким у ўтиб кетгунча ёким маййит (елкадан) ерга қўйилгунча ўрнингиздан туриб, кутиб турингиз!» — деганлар».

616 . عَنْ سَعِيدِ الْمَقْبَرِيِّ عَنْ أَبِيهِ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ :

كُنَّا فِي حَنَازَةٍ ، فَأَخَذَ أَبُو هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بِيَدِ مَرْوَانَ ، فَجَلَسَا قَبْلَ أَنْ تُوضَعَ ، فَجَاءَ أَبُو سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، فَأَخَذَ بِيَدِ مَرْوَانَ فَقَالَ : قُمْ ، فَوَاللَّهِ لَقَدْ عَلِمَ هَذَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَانَا عَنْ ذَلِكَ ، فَقَالَ : أَبُو هُرَيْرَةَ صَدَقَ .

*Саъид ал-Мақйурий ривоят қиладилар:* «Бир жанозада эрдик, Абу Ҳурайра Марвонни қўлидан ушлаб, «ўтирайлик» деб имлади, иккаларини маййит ерга қўйилмасдан бурун ўтириб олишди. Шунда Абу Саъид разияллоҳу анҳу келиб, Марвонни қўлидан ушлаб: «Турғил ўрнингдан! Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, (Абу Ҳурайра) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маййит (елкадан) қўйилмасидан бурун ўтирмоқни манъ қилганларини (яхши) билгайдир», — дедилар. Шунда Абу Ҳурайра: «Тўғри айтадилар», — деди».

#### **47-боб. Тобутни кўтаришиб борган киши, уни одамлар елкаларидан тушириб, ерга қўймагунларича ўтирмайдир, мабодо ўтирса, туриш буюриладир**

*Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар жаноза келаётганини кўрсангиз, ўрнингиздан турингиз, башарти кўтаришиб борсангиз, елкалардан туширилиб, ерга қўйилмагунча ўтириб олмангиз!» — деганлар».

#### **48-боб. Яҳудий маййитнинг тобутини кўриб, ўрнидан турган киши ҳақида**

617 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : مَرَّتْ بِنَا حَنَازَةٌ ، فَقَامَ لَهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَمْنَا لَهُ ، فَقُلْنَا : يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّهَا حَنَازَةٌ يَهُودِيٌّ ؟ فَقَالَ : ( إِذَا رَأَيْتُمُ الْحَنَازَةَ فَقُومُوا ) .

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ёнимиздан бир маййитнинг тобутини кўтариб ўтишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан турдилар, биз ҳам турдик. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулulloҳ, бу маййит яҳудий-ку?!» — дедик. Расулulloҳ: «Маййитни кўргангизда ўрнингиздан турингиз!» — дедилар».

*Абдурахмон Абу Лайло ривоят қиладилар:* «Саҳл ибн Ҳаниф ва Қайс ибн Саъд Қодисияда ўтиришган эрди, ёнларидан бир маййитнинг тобутини кўтариб ўтдилар. Шунда икковлари ўринларидан туришди. Бунини кўрганлар улардан: «Бу маййит зиммийлардан-ку?!» — дейишди. Шунда улар бундай деб жавоб қилдилар: «Бир кунини Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларидан бир маййитнинг тобутини кўтариб ўтиб қолдилар. Шунда ул зот ўринларидан турдилар. Кейин, унинг яҳудий маййити эканини айтишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У руҳ эмасдирми?!» — дедилар».

**49-боб. Маййитн» (тобутни) хотинлар эрмас, эркаклар кўтарадир**

618 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا وُضِعَتِ الْجَنَازَةُ ، وَاحْتَمَلَهَا الرَّجَالُ عَلَى أَعْنَاقِهِمْ ، فَإِنْ كَانَتْ صَالِحَةً قَالَتْ : فَدُمُونِي ، وَإِنْ كَانَتْ غَيْرَ صَالِحَةٍ قَالَتْ : يَا وَيْلَهَا أَيْنَ تَذْهَبُونَ بِهَا ، يَسْمَعُ صَوْتَهَا كُلُّ شَيْءٍ إِلَّا الْإِنْسَانَ ، وَلَوْ سَمِعَهُ صَعِقَ ) .

*Саъид ал-Мақйурий отасидан, у эрса Абу Саъид ал-Худрийдан бундай деб эшитган эркан:* «Расулulloх саллалллоху алайҳи ва саллам: «Маййит тобутга солингач, уни эркаклар елкаларига кўтарганда, агар ул солих банда бўлса, «Мени тезроқ олиб борингиз!»—дейдир, агар солих банда бўлмаса, «Вой шўрим, мени қаёққа олиб кетмоқдасизлар?»— дейдир. Унинг овозини инсондан бошқа ҳамма нарса эшитгайдир, агар инсон эшитса эрди, ҳушидан кетиб йиқилгай эрди!»— деганлар».

**50-боб. Жанозани (тобутни) тез олиб бормоқ**

Анас разияллоху анху: «Жанозани (маййитни) кузатиб бораётганингизда тобутнинг олдида ҳам, орқасида ҳам, ўнгида ҳам, чапида ҳам жураверингизлар!» — деган эрканлар. Бошқа бир киши эрса: «Жанозага (тобутга) яқин журингизлар!» — деган эркан.

619 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( أَسْرِعُوا بِالْجَنَازَةِ فَإِنَّ تَكُ صَالِحَةً فَخَيْرٌ تُقَدِّمُونَهَا إِلَيْهِ ، وَإِنْ تَكُ سَوَى ذَلِكَ ، فَشَرٌّ تَضَعُونَهُ عَنْ رِقَابِكُمْ ) .

*Абу Хурайра разияллоху анху ривоят қиладилар:* «Расулulloх саллалллоху алайҳи ва саллам: «Маййитни тезроқ олиб борингизлар! Агар ул солих банда бўлса, унга яхшилиғ қилиб, тезроқ манзилга етказган бўлурсиз, агар аксинча бўлса (яъни, солих банда бўлмаса), ёмонни елкангиздан тезроқ тушириб, ундан тезроқ қутулган бўлурсиз»,— дедилар».

**51-боб. Тобутда ётган маййитнинг «Мени тезроқ олиб борингиз!» деб айтиши ҳақида**

*Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар:* «Расулulloх саллалллоху алайҳи ва саллам: «Маййитни тобутга солиб, уни кишилар елкаларига кўтаришганда, агар ул солих банда бўлса, «Мени тезроқ олиб борингиз!» — дейдир, башарти солих бўлмаса, «Вой шўрим, мени қаёққа олиб кетмоқдасизлар?»—дейдир. Унинг овозини инсондан бошқа ҳамма нарса эшитгайдир, агар инсон эшитса эрди, ҳушидан кетиб йиқилгай эрди»,— деганлар».

**52-боб. Жанозада имомнинг орқасида икки ёки уч саф бўлиб турмоқ**

*Жобир ибн Абдуллох разияллоху анху ривоят қиладилар:* «Расулulloх саллалллоху алайҳи ва саллам (ҳабаш подшоҳи) Нажошийга (ғойибона) жаноза ўқидилар, мен иккинчи ёки учинчи сафда турдим».

**53-боб. Жанозадаги сафлар баёни**

*Абу Хурайра разияллоху анху ривоят қиладилар:* «Расулulloх саллалллоху алайҳи ва саллам Нажошийнинг

вафот этганини саҳобаларга айтиб, сўнг олдинга — имомликка ўтдилар. Саҳобалар ул зотнинг орқаларида саф тортдилар. Расулulloх саллалллоху алайҳи ва саллам тўрт бор такбир айтдилар».

*Шаббий разияллоху анху ривоят қиладилар:* «Расулulloх саллалллоху алайҳи ва салламни кўрган зотлардан бири менга: «Расулulloх саллалллоху алайҳи ва

саллам бир мўъминнинг жанозасига бориб, саҳобаларни саф қилдиларда, тўрт марта такбир айтиб жаноза ўқидилар»,— деб эрди». Шайбоний: «Эй Абу Амр, сизга буни ким айтди?»—деб Шаъбийдан сўраганда, у: «Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтди»,— деган эркан.

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бугун Ҳабашистонда бир солиҳ одам вафот этди, келингиз, шул ерда туриб унга (ғойибона) жаноза ўқийдирмиз!»—дедилар. Биз саф тортдик, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам олдинга ўтиб, унга жаноза ўқидилар, биз ул кишига иқтидо қилдик». Абу Зубайрга Жобир: «Мен ўшанда иккинчи сафда турган эрдим», — деган эрканлар.

#### **54-боб. Жаноза намозида болаларнинг катталар бирлан бирга сафда туриши**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам нотаниш бир маййитнинг қабри ёнидан ўтаётиб: «Бу маййит қачон дафн қилинди?» — дедилар. «Кеча кечаси»,— дедик. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мени чақирсангиз бўлмасмиди?»—дедилар. Саҳобалар: «Қоронғи кечада кўмдик, сизни безовта қилмакни хоҳламадик»,— дейишди. Сўнг Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам жаноза ўқимоққа киришдилар. Биз орқаларида саф тортдик. Мен эрсам ўша пайтда ёш бола эрдим». .

#### **55-боб. Маййитга жаноза ўқишнинг суннат эканлиги тўғрисида**

*Имом Бухорий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки маййитга жаноза ўқиғайдир, унга бир қийрот савоб теккайдир»,— деганлар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Дўсту биродарларингизга ўзингиз жаноза ўқингизлар!» — деганлар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Нажошийга жаноза ўқингизлар!» — деганларида, жанозани «намоз» деб атаб: «Унинг рукуъ ва саждалари бўлмағайдир, уни ўқиётганда (дунёвий сўзлар) сўзланмайди, фақат такбири таҳрима айтилиб, салом берилғайдир»,— деганлар. Ибн Умар жанозадан аввал албатта таҳорат олар эрдилар ҳамда кун чиқаётган ва ботаётганда жаноза ўқимас эрдилар. Ибн Умар разияллоҳу анҳу қўлларини кўтариб такбир айтар эрдилар. «Саҳобалар ва уларнинг авлодлари орасида шундоқ кишиларни учратдимки,— дейдилар Ҳасан Басрий,— улардан жаноза ва фарз намозларини ўқимоққа ҳақлилари, жаноза вақтида ёким ҳайит намозида таҳоратлари синиб қолса, таяммум қилмай, сув қидириб топиб, албатта қайта таҳорат олғай эрдилар. Агар жаноза ўқиладиган вақтда келиб қолишса, ўзлари такбири таҳрима айтишиб, бошқаларга қўшилиб жаноза ўқийверар эрдилар».

*Ибн Мусаййаб:* «Киши жаноза намозида хоҳ кечаси бўлсин, хоҳ кундузи бўлсин, хоҳ муқимликда ва хоҳ мусофирликда бўлсин, барибир тўрт марта такбир айтғайдир»,— дейдилар. Анас разияллоҳу анҳу: «Биринчи такбир — намозни бошлашда айтиладиган такбири таҳримадир, Оллоҳ таоло: «Мунофиқлардан бирортаси ўлса, унга зинҳор жаноза ўқимангиз!»—дейдир. Жаноза намозида одамлар саф тортғайдир, имом эрса, олдинга ўтиб жаноза ўқиғайдир»,— деганлар.

*Шаъбий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бир мўъминнинг жанозасига борган киши: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам жанозада бизга имомлик қилдилар, биз орқаларида саф тортдик»,— деб айтди». «Эй Абу Амр, бу ҳадисни сизга ким айтди?»— деб Шаъбийдан сўрашганда, у: «Ибн Аббос айтди»,— деб жавоб берган эркан.

#### **56-боб. Жанозага боришнинг фазилати**

Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу: «Жаноза ўқисанг, зиммангдаги вазифани бажарибсан»,— дейдилар. Ҳумайд ибн Ҳилол: «Жаноза ўқиб бўлгандан сўнг, жаноза эгаларидан уйга қайтмоққа ижозат сўрашнинг суннат эканлигини билмасмиз-у, бироқ кимки жаноза ўқиб уйга қайтса, унга бир қийрот савоб тегмоғини яхши билурмиз»,— дейдилар».

620 . عَنْ نَافِعٍ يَقُولُ رَحِمَهُ اللهُ تَعَالَى قَالَ : حَدَّثَ ابْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ يَقُولُ مَنْ تَبِعَ حَنَازَةَ فَلَهُ قِيرَاطٌ . فَقَالَ أَكْثَرَ أَبُو هُرَيْرَةَ عَلَيْنَا . فَصَدَّقَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا أَبَا هُرَيْرَةَ ، وَقَالَتْ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُهُ . فَقَالَ ابْنُ عُمَرَ : لَقَدْ فَرَطْنَا فِي قَرَارِيطٍ كَثِيرَةٍ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абу Ҳурайра: «Кимки жаноза намозига қатнашгайдир, унга бир қийрот савоб теккайдир»,— дедилар. Кейин у киши бизга яна жуда кўп ҳадислар ҳам айтиб бердилар. Шунда Оиша онамиз Абу Ҳурайранинг сўзини тасдиқлаб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундоқ деганларини мен ҳам эшитгандирмен»,— дедилар. Мен: «Унда, жуда кўп қийрот савобларни бой берибмиз-да!»—дедим».

### **57-боб. Маййит дафн қилингунча кутиб турган киши ҳақида**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки жанозада қатнашиб, жаноза намозини ўқиғайдир, унга бир қийрот савоб теккайдир, кимки жаноза намозини ўқиб, маййит дафн этилгунча кетмай турса, унга икки қийрот савоб теккайдир?» —дедилар. Шунда одамлар: «Ё Расулulloҳ, икки қийрот қанчадир?»—деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Иккита катта тоғдек келур»,— дедилар».

### **58-боб. Катталар бирлан бирга ёш болаларнинг ҳам жаноза намози ўқимоғи ҳақида**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қабрнинг олдида келганларида, саҳобалар: «Бу қабрдаги киши ўтган кун дафн қилинган»,— дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида саф тортдик, ул киши қабрдаги маййитга жаноза ўқидилар (Ибн Аббос ўша пайтда ёш бола бўлганлар)».

### **59-боб. Намозгоҳда ва масжидда жаноза намози ўқиш**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳабашистон подшоҳи Нажошийнинг вафот этганлигини бизга айтиб: «Биродарингиз ҳаққига талаби мағфират қилингизлар!»— дедилар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаи киромларини намозга сафладилар, сўнг тўрт марта такбир айтиб, марҳум Нажошийга жаноза намози ўқидилар».

*Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:* «Яҳудийлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига зино қилган бир эркак бирлан бир хотинни тутиб олиб келишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрдилар, уларни масжид олдидаги жаноза ўқийдирган жойга олиб боришиб, тошбўрон қилишди».

### **60-боб. Қабрларни саждагоҳ қилиб олмоқнинг макруҳлиги ҳақида**

Ҳазрат Алининг ўғиллари Ҳасан вафот этганда хотинлари Фотима қабр устига чодир қурдилар. Чодир бир йилгача ўша ерда турди, сўнг бузиб йиғиштиришди. Шунда хотифдан: «Аё, йўқотган кишиларини топишдими?»—деган овоз келди. Унга иккинчи бир овоз: «Аксинча, умидсиз бўлиб қайтиб кетдилар»,— деб жавоб

қайтарди».

*Оиша онамиз ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этмасларидан олдин бетоб бўлиб ётганларида: «Оллоҳ таоло яҳудий ва насороларга лаънат юборсин! Улар собиқ пайғамбарлар қабрларини саждагоҳ қилиб олдилар»,— деган эдилар».

Оиша онамиз шу сўзни эслаб: «Агар қабрларни саждагоҳга айлантириб олмоқ хавфи бўлмаганда эрди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари атрофини очиқ ҳолда қолдиришар эрди. Афсуски, Жаноб Расулulloҳнинг қабрларини маҳкамлашга тўғри келди. Лекин, мен ҳали ҳам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ётган ҳужрани масжид қилиб олмоқларидан қўрқайман»,— дедилар.

### **61-боб. Туғолмай ўлган хотинларга жаноза ўқимоқ ҳақида**

621 . عَنْ سُمْرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : صَلَّىْتُ وَرَاءَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى امْرَأَةٍ مَاتَتْ فِي نَفْسِهَا ، فَقَامَ عَلَيْهَا وَسَطَهَا .

*Сумра разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида туриб (яъни, иқтидо қилиб), туғолмай вафот этган хотинга жаноза ўқидим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрса, маййит белининг тўғрисида туриб жаноза ўқидилар».

### **62-боб. Имом хотин кишининг жанозасида қаерда туради-ю эркак кишининг жанозасида қаерда туради?**

621 . عَنْ سُمْرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : صَلَّىْتُ وَرَاءَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى امْرَأَةٍ مَاتَتْ فِي نَفْسِهَا ، فَقَامَ عَلَيْهَا وَسَطَهَا .

*Сумра ибн Жундуб разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида туриб, туғолмай ўлган бир хотиннинг жанозасини ўқидим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрса, маййитнинг бели қаршисида турдилар».

### **63-боб. Жаноза намозида тўрт марта такбир айтмоқ**

Ҳумайд ривоят қиладирлар: «Анас разияллоҳу анҳу бизга имомлик қилиб жаноза намози ўқидилар. Шунда ул кишига: «Уч марта такбир айтдингиз»,— дейишди. Анас яна бир марта такбир айтиб, сўнг салом бердилар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Нажоший вафот этган куниде бу ҳақда хабар бердилар. Сўнг, саҳобаи киромлар билан намозгоҳга чиқдилар. Уларни сафлаб, тўрт марта такбир айтиб, Нажошийга жаноза намози ўқидилар».

*Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳабашистон подшоҳи Нажошийга тўрт марта такбир айтиб, жаноза намози ўқидилар».

### **64-боб. Жаноза намозида сураи «Фотиҳа» ни ўқимоқ**

*Ҳасан Басрий ривоят қиладирлар:* «Гўдак боланинг жанозасида сураи «Фотиҳа» ўқилғайдир, кейин «Оллоҳум-ма-жъалҳу лано салафан ва фартан ва ажран (Илоҳи, бу гўдакни, жаннатга биздан аввал бориб, жой тайёрлаб тургувчи ва эрта вафот этганлигига сабр қилмоғимиз эвазига бизларга савобу мукофотлар ато этмоғингга сабабчи қилғайсен!)»,— дейилдир».

622 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ صَلَّى عَلَى جَنَازَةٍ فَقَرَأَ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ ، قَالَ : لِيَعْلَمُوا أَنَّهَا سُنَّةٌ .

*Талха разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Ибн Аббос разияллоҳу анҳуга иқтидо қилиб намоз ўқидим. Ушанда у киши сураи «Фотиҳа» ни ўқиб, сўнг: «Сураи «Фотиҳа» ни жанозада ўқимоқ суннат эканлигини билишсин, деб атайлаб ўқидим»,— дедилар».

### **65-боб. Маййит дафн қилингандан сўнг қабр снида жаноза намози ўқимоқнинг жоизлиги**

*Шаббий разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бир мўъмин банданинг жанозасига борган киши: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қабр тепасида жаноза намози ўқидилар, саҳобалар ул кишига иқтидо қилдилар»,— деди».

Шайбоний: «Бу ҳадисни сизга ким айтди?»—деб Шаббийдан сўраганимда, у менга: «Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтди» деб жавоб қилди»,— дейдилар.

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Масжидни супуриб юрадирган бир қора одам вафот этди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундан беҳабар эрдилар. Бир куни ўшал одам ёдларига тушиб: «Анави одамга не бўлди?» — дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулulloҳ, у вафот этган»,— дейишди. «Менга билдирмабсизлар-да!»—дедилар Расулulloҳ. Саҳобалар: «У ундоқ эди, бундоқ эди»,— деб уни камситишди. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Менга қабрини кўрсатингиз!»—дедилар. Саҳобалар унинг қабрини кўрсатишган эрди, Жаноб Расулulloҳ унга жаноза намози ўқидилар».

### **66-боб. Маййит оёқ товушларини эшитгайдир**

623 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الْعَبْدُ إِذَا وُضِعَ فِي قَبْرِهِ ، وَتَوَلَّى وَذَهَبَ أَصْحَابُهُ ، حَتَّى إِنَّهُ لَيَسْمَعُ قَرْعَ نَعَالِهِمْ ، أَنَاهُ مَلَكَانِ فَأَقْعَدَاهُ ، فَيَقُولَانِ لَهُ : مَا كُنْتَ تَقُولُ فِي هَذَا الرَّجُلِ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ فَيَقُولُ : أَشْهَدُ أَنَّهُ عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ ، فَيَقَالُ : انْظُرْ إِلَى مَقْعَدِكَ مِنَ النَّارِ ، أَيْدِكَ اللَّهُ بِهِ مَقْعَدًا مِنَ الْجَنَّةِ ) . قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( فَيَرَاهُمَا جَمِيعًا ، وَأَمَّا الْكَافِرُ أَوْ الْمُنَافِقُ فَيَقُولُ : لَا أَدْرِي ، كُنْتُ أَقُولُ مَا يَقُولُ النَّاسُ ، فَيَقَالُ : لَا دَرَيْتَ وَلَا تَلَيْتَ ، ثُمَّ يُضْرَبُ بِمِطْرَقَةٍ مِنْ حَدِيدٍ ضَرْبَةً بَيْنَ أُذُنَيْهِ ، فَيَصِيحُ صَيْحَةً يَسْمَعُهَا مَنْ يَلِيهِ إِلَّا الثَّقَلَيْنِ ) .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Маййит қабрга қўйилгач, барча биродарларининг қайтиб кетаётгандаги оёқ товушларини эшитиб тургайдир. Қабрга иккита фаришта кириб, маййитни ўтирғизиб қўйгайдир. Шунда иккала фаришта маййитга: «Мана бул киши, яъни Муҳаммад алайҳиссалом тўғриларида не дер эрдинг?»—дейдир. Маййит: «Бул кишининг Оллоҳнинг бандаси ва элчиси эканлигига гувоҳлик бергаймен»,— дейдир. Шунда унга: «Дўзахдаги ўрнингга қарағил, Оллоҳ таоло сенга унинг ўрнига жаннатдан жой алмаштириб берди»,— дейишадир. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам сўзларида давом этиб, яна бундай дедилар: «Банда (маййит) ўзининг дўзахдаги ва жаннатдаги ўрнини ҳам кўрғайдир. Аммо, ул кофир ёким мунофиқ эрса: «Бул киши ким?» — дейилганда, «Одамлар бир нарса дер эрди, мен ҳам улар не дейишган бўлса, шундоқ дер эрдим»,— дейдир. Шунда Мункар-Накир: «Ул кишини ҳам танимагандирсен (билмагандирсен), Қуръони Кариймни ҳам тиловат қилмагандирсен»,— деб олов-гурзи бирлан қулоғининг тагига урғайдир. Маййит қаттиқ қичқиргайдир, унинг овозини атрофдаги барча нарсалар эшитгайдир, фақат инсонлар ва жинлар эшитмагайдир».

### 67-боб. Байт ул-Муқаддасга ёки шу каби (муқаддас) жойларга дафн этилмоғини истаган шахс ҳақида

624 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : ( أُرْسِلَ مَلَكُ الْمَوْتِ إِلَى مُوسَى ، فَلَمَّا جَاءَهُ صَكَّهُ ، فَرَجَعَ إِلَى رَبِّهِ فَقَالَ : أُرْسَلْتَنِي إِلَى عَبْدٍ لَا يُرِيدُ الْمَوْتَ ، فَردَّ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ عَلَيْهِ عَيْتَهُ وَقَالَ : ارْجِعْ فَقُلْ لَهُ : يَضَعُ يَدَهُ عَلَى مَتْنِ ثَوْرٍ ، فَلَهُ بِكُلِّ مَا غَطَّتْ بِهِ يَدُهُ بِكُلِّ شَعْرَةٍ حَسَنَةً ، قَالَ : أَيُّ رَبِّ تُمْ مَاذَا ؟ قَالَ : تُمْ الْمَوْتُ ، قَالَ : فَلَا أَنْ ، فَسَأَلَ اللَّهُ تَعَالَى أَنْ يُدْنِيَهُ مِنَ الْأَرْضِ الْمُقَدَّسَةِ رَمِيَةً بِحَجْرٍ ) . قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( فَلَوْ كُنْتُ تُمَّ ، لَأَرَيْتُكُمْ قَبْرَهُ ، إِلَى حَنْبِ الطَّرِيقِ عِنْدَ الْكَنْبِ الْأَحْمَرِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Оллоҳ таоло Малак ул-мавтни (Ўлим фариштасини) Мусо алайҳиссаломнинг ҳузурларига юборди. Мусо алайҳиссалом (уйга ижозатсиз кирган одам, деб ўйлаб) бир мушт уриб, унинг кўзини чиқардилар. Малак ул-мавт Оллоҳ таолонинг даргоҳига қайтиб бориб: «Мени ўлмоқни истамаган кишининг олдига юборибдирсен»,— деди. Оллоҳ таоло фариштанинг кўзини қайтариб бериб (жойига келтириб): «Мусонинг олдига қайтиб бориб айтғил, қўлини хўкизнинг устига қўйсин, қўли ёпиб турган тукларнинг ҳар бири учун унга бир йилдан умр бергайдирмен!»—деди. Мусо: «Ё Раббий, андин кейин-чи?»—дедилар. Оллоҳ таоло: «Андин сўнг — ўлим!»—деди. Мусо алайҳиссалом: «Ундоқ бўлса, ҳозир (жонимни ола қолсин)!»—дедилар-да, Оллоҳ таолодан: «Менинг қабрим «Байт ул-Муқаддасга бир тош отим масофада яқин бўлса!» — деб илтимос қилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ўшал ерда бўлганларингизда эрди, мен сизларга Мусонинг йўл ёқасидаги қизил қум тепалиги устида ўрнашган қабрини кўрсатгай эрдим»,— дедилар».

### 68-боб. Кечаси дафн қилмоқ

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу кечаси дафн қилинганлар.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси дафн қилинган бир кишига жаноза намози ўқидилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан турдилар, орқаларидан саҳобалар ҳам туришди. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қабрдаги кимдир?» — деб сўраган эрдилар, саҳобалар: «Фалончи, кеча кечаси дафн қилинди»,— дейишди».

### 69-боб. Қабр устига масжид қурмоқ

*Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб бўлиб ётганларида, хотинлари (Умму Салама ва Умму Ҳабиба) ул кишига Ҳабашистонда ўзлари кўрган каниса тўғрисида сўзлаб беришди. Ўша каниса «Мария» деб аталар эрди. Уни Умму Салама бирлан Умму Ҳабиба разияллоҳу анҳумо Ҳабашистонга боришганда кўрган бўлиб, уларни канисанинг чиройи ва унинг ичидаги суратлар жалб этган эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини кўтариб: «Улар, агар ораларидан бир солиҳ киши вафот этгайдир, унинг қабри устига каниса қургайдирлар, сўнг ичига суратлар чизгайдирлар. Улар Оллоҳ таоло даргоҳида энг ёмон отлиғ инсонлардир!»— дедилар».

### 70-боб. Хотин кишини қабрга ким қўядир?

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари — Умму Гулсумнинг дафн маросимида қатнашдик. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қарасак, қабр ёнида турибдилар-у,

кўзларидан дув-дув ёш оқаётир. Ногаҳон: «Орангизда бул кеча аёлига яқинлик қилмаган киши бормидир?»—деб сўрадилар. «Мен»,— дедилар Абу Талҳа. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тушғил қабрга!»—дедилар. Абу Талҳа қабрга тушиб, маййитни лаҳадга қўйдилар». Фулайҳ разияллоҳу анҳу: «Назаримда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Бул кеча гуноҳ қилмаган ким бордир?» — деб айтдилар шекилли»,— дейдилар.

### 71-боб. Шаҳидга жаноза ўқимоқ тўғрисида

625 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَجْمَعُ بَيْنَ الرَّجُلَيْنِ مِنْ قَتْلَى أُحُدٍ فِي تَوْبٍ وَاحِدٍ ، ثُمَّ يَقُولُ : ( أَيُّهُمُ أَكْثَرُ أَخْذًا لِلْقُرْآنِ ) . فَإِذَا أُشِيرَ لَهُ إِلَى أَحَدِهِمَا قَدَّمَهُ فِي اللَّحْدِ ، وَقَالَ : ( أَنَا شَهِيدٌ عَلَى هَؤُلَاءِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ) . وَأَمَرَ بِدَفْنِهِمْ فِي دِمَائِهِمْ ، وَلَمْ يُعَسَّلُوا وَلَمْ يُصَلَّ عَلَيْهِمْ .

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд жангида шаҳид бўлганларнинг ҳар иккитасини бир қабрга қўйдиар эрдилар. Қабрга қўйилмоғидан аввал: «Булардан қайси бири Қуръонни кўпроқ ёдлагандир?»—деб сўрар эрдилар. «Мана буниси» деб кўрсатишган маййитни олдин лаҳадга қўйдиар эрдилар. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бул кишиларга (Оллоҳ йўлида жонини қурбон қилганларга) қиёмат куни мен гувоҳдирмен!»—деб, уларнинг қонларини ювдирмай ва жаноза ҳам ўқитмай дафн қилдиар эрдилар».

626 . عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ يَوْمًا ، فَصَلَّى عَلَى أَهْلِ أُحُدٍ صَلَاتَهُ عَلَى الْمَيِّتِ ، ثُمَّ انْصَرَفَ إِلَى الْمَنْبَرِ ، فَقَالَ : ( إِنِّي فَرَطُكُمْ ، وَأَنَا شَهِيدٌ عَلَيْكُمْ ، وَإِنِّي وَاللَّهِ لَأَنْظُرُ إِلَى حَوْضِي الْآنَ ، وَإِنِّي أُعْطِيتُ مَفَاتِيحَ خَزَائِنِ الْأَرْضِ ، أَوْ مَفَاتِيحَ الْأَرْضِ ، وَإِنِّي وَاللَّهِ مَا أَخَافُ عَلَيْكُمْ أَنْ تُشْرِكُوا بَعْدِي ، وَلَكِنْ أَخَافُ عَلَيْكُمْ أَنْ تُتَافَسُوا فِيهَا ) .

*Уқба ибн Омир ривоят қиладилар:* «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Уҳуд жангида шаҳид бўлганларга ўз ажали бирлан ўлган маййитга ўқигандек жаноза ўқидилар. Сўнг, минбарга чиқиб: «Мен сизлардан аввал бориб (жаннатдан жой) тайёрлаб турғувчимен ва мен сизнинг (қилган яхши амалларингизга) гувоҳдирмен. Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, ҳозир мен Ҳавзи Кавсарни кўриб турибдирмен, менга Ер хазиналарининг калитлари (ёким «Ер калитлари»,— дедилар шекилли) берилди. Оллоҳ ҳаққи-ҳурмати, мен ўлганимдан кейин сизлардан хотиржамдирмен, фақат, мол-дунё кетидан қувмасангизлар, деб қўрқаймен, холос»,— дедилар».

### 72-боб. Икки ёки уч маййитни бир қилиб дафн этмоқ ҳақида

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд жангида шаҳид бўлган кишиларнинг ҳар иккитасини бир қилиб қабрга қўйдиар эрдилар».

### 73-боб. «Шаҳидларни ювмоқ лозим эрмас»,— деган кишилар ҳақида

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шаҳидларни (ювмай) қонлари бирлан дафн қилаверингизлар!» — дедилар. Ушал куни шаҳидларни ҳеч ким ювмади».

### 74-боб. Лаҳадга (бирданига бир неча ўлик қўйиладирган бўлса) ким аввал қўйилғайдир?

Имом Бухорий «лаҳад» сўзининг маъноси ҳақида бундай дейдилар: «Лаҳад



қабрга нисбатан нишаброқ бўлгани учун ҳам лаҳад дейилгайдир, ҳар бир жабр қилғувчи одам эрса, мулҳид дейилгайдир. Қуръони Кариймдаги «мултаҳидан» сўзи ҳам «бир текис нишаб» деган маънони англатгайдир. Агар лаҳад (қабр) нишаб бўлмаганда эрди, зарих (соғона) бўлган бўлар эрди».

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Уҳуд жангида ҳалок бўлганларнинг ҳар иккитасини бир қабрга қўйдирар эрдилар. Қабрга қўйишдан аввал: «Қайси бири Қуръонни кўп ёдлагандир?» — деб сўрар эрдилар. «Қуръонни кўп ёдлаган мана шулардир»,— деб кўрсатишган маййитни олдин лаҳадга қўйдирар эрдилар. Сўнг: «Мен буларнинг (Оллоҳ йўлида шаҳид бўлганлиғига) гувоҳдирман!»—деб уларнинг жароҳатларидаги қонни ювдирмай ва жаноза ҳам ўқитмай дафн қилдирар эрдилар».

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Уҳуд жангида ҳалок бўлган ҳар икки шаҳиддан бирини кўрсатиб: «Буларнинг қайси бири Қуръонни кўп ёдлагандир?»—деб сўрар эрдилар. Сўнг, қайси бирини кўрсатишса, ўшани шеригидан аввал қабрга қўйдирар эрдилар. Менинг отам бирлан амаким ҳам бир жангда ҳалок бўлиб, иккаласи битта кафанга кафанлангандирлар»(?).

### **75-боб. Қабрни (лаҳадни) беркитишда нзхир ва бошқа ўт-ўланлардан фойдаланмоқ**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Маккаи Мукаррамани муҳтарам қилди. Унда қон тўкмоқ мендан аввал ҳам бирор кишига рухсат этилмаган, мендан кейин ҳам бирор кишига рухсат этилмагайдир. Менга эрса, фатҳ куни (Макка забт этилган куни) бир соатгагина уруш қилмоққа ижозат берилди. Макканинг ҳатто кўкатларини юлмоқ, дарахтларини синдирмоқ ҳам макруҳдир! Унда ов қилинмагайдир, тушиб қолган нарсага тегилмагайдир. Тушиб қолган нарсани одамларга маълум қилмоқ учунгина қўлга олмоқ мумкиндир»,— дедилар. Шунда мен: «Изхирнигина юлмоққа рухсат берингиз, чунки биз ундан бўёқ олғаймиз ва уни қабрни (лаҳадни) ёпишда ишлатгайдирмиз»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Изхирни бўлса, майли!» — дедилар. Абу Ҳурайра: «Расулulloҳ ўшанда «Қабрларимиз ва уйларимиз учуд бўлса, майли!» деб айтдилар»,—дейдилар».

### **76-боб. Маййит, бирор сабабга кўра, қабрдан ёки лаҳаддан қайта кавлаб олинадирми?**

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Убай қабрга қўйилгандан сўнг келиб, уни қайта кавлаб олмоқни буюрдилар. Абдуллоҳни қабрдан чиқариб олишди. Сўнг, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳнинг бошини тиззаларига қўйиб, дам солдилар-да, унга ўзларининг қўйлақларини кийдирдилар (бунинг сабабини Оллоҳ билгайдир). Абдуллоҳ, ҳаётлигида, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг амакиларига бир кўйлақ кийдирган эрди. Суфён бирлан Абу Ҳурайра бундоқ дейишадир: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг иккита кўйлақлари бўлиб, бир куни Абдуллоҳнинг ўғли: «Ё Расулulloҳ, устингиздаги кўйлагингизни отамга кийдирингиз!» — деб айтди». «Саҳобалар, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳнинг амакиларига қилган яхшилиғи эвазига ўз кўйлақларини бердилар, деб ўйлашди»,— дейдилар Суфён. Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилади: «Уҳуд жанги кетаётган кунлардан бирида, кечаси мени отам чақириб: «Назаримда, Расулulloҳнинг саҳобаларидан биринчи бўлиб мен шаҳид бўладирганга ўхшайман.

Менинг қарзим бор, уни узғил, опа-сингилларингга яхшилик қилғил!» — дедилар. Тонг отди, Отам раҳматлик биринчи бўлиб шаҳид бўлдилар. Отамга қўшиб яна бир кишини қабрга қўйишди. Отамни бошқа бир киши бирлан бирга қабрда қолдирмоққа кўнглим бўлмади. Олти ойдан сўнг отамни қабрдан қайта кавлаб олдим. Бундоқ қарасам, ул киши худди шу бугун, эндигина қабрга қўйилгандек ётибдилар. Фақат қулоқларининг биттаси сал ўзгарган». Жобир разияллоҳу онҳу ривоят қиладилар: «Отамга қўшиб яна бир кишини қабрга қўйишди. Отамни бегона киши бирлан бирга қабрда қолдирмоққа кўнглим бўлмади. Сўнг, отамни қабрдан қайта кавлаб олиб, алоҳида дафн қилдим».

### 77-БОБ. Қабрга лаҳад ва ёрма қилмоқ

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд жангида ўлганларнинг иккитасини бир қилиб қабрга қўйдиран эрдилар. Қабрга қўйишдан аввал: «Қайси бири Қуръонни кўпроқ билгайдир»,— деб сўрар эрдилар. Қайси бирини кўрсатишса, ўшанисини олдин лаҳадга қўйдиран эрдилар. Сўнг: «Мен буларга қиёмат куни гувоҳдирмен!» — дер эрдилар. Жаноб Расулulloҳ шаҳидларнинг жароҳатларидаги қонни ювдирмай ва ғусл қилдирмай, дафн қилдиран эрдилар».

### 78-БОБ. Агар бола исломга кириши билан ўлса, унга жаноза намози ўқиладирми?

Ҳасан Басрий, Шурайх, Иброҳим ва Қатодалар бундай дейишган эркан: «Агар бирор оиладаги ота-онадан биттаси исломга кирса, боласи ҳам у бирлан бирга исломга кирган ҳисобланур. Масалан, Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ҳам ўз қавмининг динида қолган отаси бирлан бирга эрмас, балки ислом ҳали заиф бўлган вақтда мусулмон бўлган онаси бирлан бирга эрди. Ислом юксалгайдир, ундан ўзга динлар юксалмагайдир!»

627 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

انْطَلَقَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي رَهْطٍ قَبَلَ ابْنِ صَيَّادٍ ، حَتَّى وَجَدُوهُ يَلْعَبُ مَعَ الصَّبِيَّانِ عِنْدَ أُطْمِ بَنِي مَعَالَةَ ، وَقَدْ قَارَبَ ابْنُ صَيَّادٍ الْحُلْمَ ، فَلَمْ يَشْعُرْ حَتَّى ضَرَبَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَدِهِ ، ثُمَّ قَالَ لِابْنِ صَيَّادٍ : ( تَشْهَدُ أَنِّي رَسُولُ اللَّهِ ) . فَنَظَرَ إِلَيْهِ ابْنُ صَيَّادٍ فَقَالَ : أَشْهَدُ أَنَّكَ رَسُولُ الْأُمِّيِّينَ ، فَقَالَ ابْنُ صَيَّادٍ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَتَشْهَدُ أَنِّي رَسُولُ اللَّهِ ) . فَرَفَضَهُ وَقَالَ : آمَنْتُ بِاللَّهِ وَبِرَسُولِهِ ، فَقَالَ لَهُ : ( مَاذَا تَرَى ) . قَالَ ابْنُ صَيَّادٍ : يَا بَنِي صَادِقٍ وَكَاذِبٍ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( خُلِّطَ عَلَيْكَ الْأَمْرُ ) . ثُمَّ قَالَ لَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنِّي قَدْ خَبَّأْتُ لَكَ خَبَاءً ) . فَقَالَ لَهُ ابْنُ صَيَّادٍ : هُوَ الدُّخُّ ، فَقَالَ : ( اخْسَأْ ، فَلَنْ تَعُدَّوْا قَدْرَكَ ) . فَقَالَ عُمَرُ : دَعْنِي يَا رَسُولَ اللَّهِ أَضْرِبْ عُنُقَهُ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنْ يَكُونُ فَلَنْ تُسَلِّطَ عَلَيْهِ ، وَإِنْ لَمْ يَكُنْ فَلَا خَيْرَ لَكَ فِي قَتْلِهِ ) .

وَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : ثُمَّ انْطَلَقَ بَعْدَ ذَلِكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبِي بَنُ كَعْبٍ ، إِلَى النَّخْلِ الَّتِي فِيهَا ابْنُ صَيَّادٍ ، وَهُوَ يَخْتَلُّ أَنْ يَسْمَعَ مِنْ ابْنِ صَيَّادٍ شَيْئًا ، قَبْلَ أَنْ يَرَاهُ ابْنُ صَيَّادٍ ، فَرَأَاهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ مُضْطَجِعٌ فِي قَطِيفَةٍ لَهُ فِيهَا رَمْرَمَةٌ ، فَرَأَتْ أُمُّ ابْنِ صَيَّادٍ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَهُوَ يَتَّقِي بِجُدُوعِ النَّخْلِ ، فَقَالَتْ لِابْنِ صَيَّادٍ : يَا صَافٍ ، وَهُوَ اسْمُ ابْنِ صَيَّادٍ ، هَذَا مُحَمَّدٌ ، فَتَارَ ابْنُ صَيَّادٍ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَوْ تَرَكْتَهُ بَيْنَ ) .

*Солим ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Ҳазрат Умар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бир тўда одамлар йўлдошлигида Ибн Сайёд

яшайдирган томонга бордилар. Ибн Сайёдни Баний Муғола қалъаси ёнида болалар бирлан ўйнаб турганда учратишди. Ибн Сайёд балоғатга етиб қолаёзган эрди. У, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак қўллари бирлан елкасига қоқмагунларича, келганларини сезмади. Жаноб Расулulloҳ: «Менинг Оллоҳнинг элчиси эрканлиғимга гувоҳлик берғил!» — дедилар. Ибн Сайёд Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қараб: «Гувоҳлик берғаймен, сиз, дарҳақиқат, уммийларнинг (саводсизларнинг) пайғамбаридирсиз, лекин сиз ўзингиз ҳам менинг Оллоҳнинг элчиси эрканлиғимга гувоҳлик берғаймисиз?» — деди шаккоклик қилиб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг гапини рад қилиб: «Мен Оллоҳ ва унинг пайғамбарларига ишонғаймен, сен не демоқчидирсан ўзи?»—дедилар. Ибн Сайёд: «Менга (миямга) гоҳи чин, гоҳи ёлғон гаплар келғайдир»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сени шайтон васваса қилғайдир, мен сенга кўнглимдаги бир гапни айтайин!» — дедилар. Ибн Сайёд «Дух...» деганча қолди. Расулulloҳ: «Жим бўлғил, ҳеч қачон сен пайғамбарларга келадирган ваҳийдан бохабар бўлолмассен!» — дедилар. Дарҳақиқат, Жаноб Расулulloҳ «Фа-ртақиб йавма таътийу-с-самоъу би-духонин мубийнин» деган оятни ўқимоқчи бўлган эрдилар. Ибн Сайёд ана шу оятдаги «духон» (тутун) сўзига ишора қилган эрди (оятнинг мазмуни: «Осмонни тутун қоплайдирган кунни кутғил!»). Шунда Ҳазрат Умар: «Уни менга қўйиб берингиз, калласини олиб ташлайдирмен!» — дедилар. Жаноб Радуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар у Дажжол бўлса, унга сиз ҳукмингизни ўтказма олмассиз, борди-ю, Дажжол бўлмаса, ўлдирмоғингиздан сизга не наф?» — дедилар». «Кейинчалик,— дейдилар Ибн Умар,— Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Убай ибн Каъб бирлан бирга Ибн Сайёд бирлан учрашишган ўшал хурмо дарахти остига боришди. Улар Ибн Сайёдга йўлиқмасдан илгари унинг тўғрисида бирор нарса билиб олмоқчи бўлишган эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қарасалар, Ибн Сайёд бир бахмал мато устида ёнбошлаб ётибдир. Матода қандайдир бир сирли аломат (ёким овоз) борлиги сезилиб турар эрди. Шунда Ибн Сайёднинг онаси Жаноб Расулulloҳнинг хурмо дарахти панасидан кузатиб турганларини кўриб қолиб, «Эй Соф (онаси уни шундоқ дерди), қарағил, ана Муҳаммад!» — деди. Ибн Сайёд ўрнидан сапчиб турди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар онаси индамай турганида, Ибн Сайёднинг сирини билиб олган бўлур эрдик»,— дедилар».

628 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كَانَ غُلَامٌ يَهُودِيٌّ يَخْدُمُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَمَرَضَ ، فَأَتَاهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعُودُهُ ، فَقَعَدَ عِنْدَ رَأْسِهِ ، فَقَالَ لَهُ : ( أَسَلِمَ ) . فَنَظَرَ إِلَى أَبِيهِ وَهُوَ عِنْدَهُ فَقَالَ لَهُ : أَطْعَمَ أَبَا الْقَاسِمِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَاسَلِمَ ، فَخَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يَقُولُ : ( الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَنْقَذَهُ مِنَ النَّارِ ) .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир яҳудий бола Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хизматларини қилиб юрар эрди. Бир кун у касал бўлиб қолди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўргани бордилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг бош томонига ўтириб: «Исломга кирғил!» — дедилар. Бола ёнида ўтирган отасига қаради. Отаси болага: «Абулқосим саллаллоҳу алайҳи ва салламга (яъни, Расулulloҳга) итоат этғил!» — деди. Бола исломга кирди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Болани дўзах ўтидан қутқарган Оллоҳга шукр!» — деб ташқари чиқдилар».

Убайдуллоҳга Ибн Аббос бундай деган эрканлар: «Мен ва онам (Маккадан Мадинага ҳижрат қила олмай, Маккада қолган) заиф ва ночор мусулмонлардан

эрдик. Мен болаларнинг, онам эрса аёлларнинг орасинда энг ночори эрди».

*Ибн Шихоб ривоят қиладирлар:* «Ҳар бир вафот этган болага, гарчи уни кофир ёким бузуқ хотин туққан бўлса ҳам, жаноза ўқилгайдир. Ислом миллатида туғилган, ота-онаси мусулмонликни даъво қилаётган ёким онаси мусулмон бўлмаса ҳам, отаси ўзини «мусулмонман» деяётган ҳар бир тирик туғилган болага жаноза ўқилгайдир. Чирқираб туғилмаган болага, тушиб қолганлиги сабабли, жаноза ўқилмайдир.

629 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَا مِنْ مَوْلُودٍ يُوَلَدُ إِلَّا يُوَلَدُ عَلَى الْفِطْرَةِ ، فَأَبَوَاهُ يُهَوِّدَانِهِ ، أَوْ يُنَصِّرَانِهِ ، أَوْ يُمَجِّسَانِهِ ، كَمَا تُنْتَجُ الْبَيْهَمَةُ بِبَيْمَةِ جَمْعَاءَ ، هَلْ تُحْسِنُونَ فِيهَا مِنْ جَدْعَاءَ ) . ثُمَّ يَقُولُ أَبُو هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : ﴿ فِطْرَةَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ ذَلِكَ الدِّينُ الْقِيمُ ﴾ .

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аслида ҳар бир бола табиатан (соғлом) мусулмон туғилгайдир. Кейин, ота-онаси уни, камчиликсиз туғилган ҳайвон боласининг думи, қулоғи ёким шохини қирқишгандек, истаса — яҳудий қилгайдир, истаса — насоро қилгайдир, истаса — мажусий қилгайдир. Бирорта бузоқнинг қулоғи ёким думи кесилган ҳолда туғилганини кўрганмисизлар?» — дер эрдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Оллоҳ таоло инсонга ато этган табиат — исломга мойил табиатдир, бунга Оллоҳ таолонинг ояти кариймаси далилдир!» дейдилар.

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Исломга қалби мойил бўлиб туғилмаган бирорта ҳам бола бўлмагайдир, барча болаларнинг қалби исломга мойил бўлиб туғилгайдир, кейин ота-онаси уни, ҳамма аъзоси бенуқсон туғилган ҳайвон боласининг думи, қулоғи ёким шохини кесишгандек, ё яҳудий, ёким насоро, ёҳуд мажусий қилгайдир. Ёким бирортангиз ҳайвон боласининг қулоғи ё бурни кесик ҳолда туғилганини кўрганмисиз?» — дер эрдилар. Оллоҳ таоло инсон боласига азалдан ато этган табиатни ўзгартирмақ ярамайдир, бунга «Оллоҳнинг махлуқини (Оллоҳ яратган жонзодни) ўзгартириш мумкин эрмас!» деган ояти карийма далилдир!»

### 79-боб. Агар мушрик ўлими олдидан «Ло илоҳа иллаллоҳ» деса....

630 . عَنْ الْمُسَيْبِ بْنِ حَزْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : لَمَّا حَضَرَتْ أَبَا طَالِبٍ الْوَفَاةُ جَاءَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَوَجَدَ عِنْدَهُ أَبَا جَهْلٍ بِنِ هِشَامٍ ، وَعَبْدَ اللَّهِ بِنِ أَبِي أُمَيَّةَ بْنِ الْمُغِيرَةَ ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَبِي طَالِبٍ : ( يَا عَمُّ قُلْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، كَلِمَةً أَشْهَدُ لَكَ بِهَا عِنْدَ اللَّهِ ) . فَقَالَ أَبُو جَهْلٍ وَعَبْدُ اللَّهِ بِنِ أَبِي أُمَيَّةَ : يَا أَبَا طَالِبٍ أَتُرْعَبُ عَنْ مِلَّةِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ ؟ فَلَمْ يَزَلْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعْزِضُهَا عَلَيْهِ ، وَيَعُودَانِ بَيْنَكَ الْمَقَالَةَ ، حَتَّى قَالَ أَبُو طَالِبٍ آخَرَ مَا كَلَّمَهُمْ : هُوَ عَلَى مِلَّةِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ ، وَأَبِي أَنْ يَقُولَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَمَا وَاللَّهِ لَأَسْتَغْفِرَنَّ لَكَ مَا لَمْ أُنْهَ عَنْكَ ) . فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى : ﴿ مَا كَانَ لِلنَّبِيِّ ﴾ . الْآيَةُ .

*Саъид ибн Мусаййабнинг оталари ривоят қиладирлар:* «Абу Толиб вафот этаётганларида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишининг ҳузурларига келдилар. У ерда Абу Жаҳл ибн Ҳишом ва Абдуллоҳ ибн Абу Умаййа ибн ал-Муғийрани кўрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Толибга: «Эй амаки, «Ло илоҳа иллаллоҳ» деб калима келтирингиз! Мен бунга Оллоҳ таоло ҳузурда гувоҳ бўлайин!» — дедилар. Шунда Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умаййа: «Эй Абу Толиб, Абд ул-Муталлиб динидан қайтгаймисен?» — дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Калима келтирингиз!» — деб қайта-қайта айтавердилар. Боягилар бўлса, ўзларининг гапларидан қолишмади. Ниҳоят, Абу Толиб ўзининг Абд ул-Муталлиб динида эканлигини айтиб, жон таслим қилди.

Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам: «Қасамёд этиб айтурменким, агар Оллох таоло рад этмаса, ундан сизни кечирмоғини сўрағаймен!»—дедилар. Оллох таоло: «Пайғамбарнинг ҳаққи йўқ...» — деган оятни нозил қилди».

### 80-боб. Қабрга ҳўл чўп (новда) санчиб қўймоқ

Бурайда ал-Асламий ўзининг қабрига иккита ҳўл чўп (новда) санчиб қўймакларини васият қилди. Ибн Умар, Абдурраҳмоннинг қабри устидаги чодирни кўриб: «Олиб ташлағил, эй бола! Абдурраҳмонга унинг қилган яхши амаллари соя берғайдир!»—дедилар. Хорижа ибн Зайд: «Усмон ибн Аффоннинг замонида биз ёш йигитча эрдик. Ичимизда энг сакровчанимиз Усмон ибн Мазўннинг қабридан бир сакраб ўтиб кетган эрди»,— дедилар (демак, қабр устида сағана бўлиб, ундан қабрда ётган майитга на фойда ва на зарар бордир, фойда — майитнинг ҳаётлигида қилган солиҳ амалларидир!).

Усмон ибн Ҳаким: «Хорижа мени қўлимдан ушлаб қабр устига ўтқазиб қўйди-да, амакиси Язид ибн Собитнинг қабр устида қазои ҳожат қилмоқни қоралаганини айтди»,— дейдилар. Нофиъ разияллоху анху: «Ибн Умар разияллоху анху қабр устига ўлтириб ҳам дам олаверар эдилар»,— дейдилар.

*Ибн Аббос разияллоху анху ривоят қиладилар:* «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам икки қабр ёнидан ўтаётиб: «Бу икки қабрдаги майитлар азобланмоқдалар, аммо катта гуноҳлари учун азобланаётганлари йўқ. Улардан бири сийдигидан эҳтиёт бўлмас эрди, иккинчиси эрса, чақимчилик қилур эрди»,— дедилар. Кейин, Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам бир ҳўл новдани олиб, иккига бўлдилар-да, ҳар бир қабрга биттадан санчиб қўйдилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулulloх, нега бундоқ қилдингиз?»—деб сўрашди. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам: «Шояд, шу икки новда қуригунча азоб ҳам барҳам топса!»—дедилар».

### 81-боб. Муҳаддиснинг қабр олдида ваъз айтмоғи ва тингловчиларнинг унинг атрофида тўпланиб ўтирмоғи

631. عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا فِي حَنَازَةٍ فِي بَقِيعِ الْعَرْفَدِ فَأَتَانَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَعَدَ وَقَعَدْنَا حَوْلَهُ، وَمَعَهُ مَخْضَرَةٌ، فَكُنَسَ، فَجَعَلَ يَنْكُتُ بِمِخْضَرَتِهِ، ثُمَّ قَالَ: ( مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ، مَا مِنْ نَفْسٍ مَنُوسَةٍ، إِلَّا كُتِبَ مَكَائِبُهَا مِنَ الْجَنَّةِ وَالنَّارِ، وَإِلَّا قَدْ كُتِبَ شَقِيَّةٌ أَوْ سَعِيدَةٌ ). فَقَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَفَلَا تَتَكَلَّمُ عَلَيَّ كِتَابِنَا وَتَدْعُ الْعَمَلَ، فَمَنْ كَانَ مِنَّا مِنْ أَهْلِ السَّعَادَةِ فَسَيَصِيرُ إِلَى عَمَلِ أَهْلِ السَّعَادَةِ، وَأَمَّا مَنْ كَانَ مِنَّا مِنْ أَهْلِ الشَّقَاوَةِ فَسَيَصِيرُ إِلَى عَمَلِ أَهْلِ الشَّقَاوَةِ؟ قَالَ: ( أَمَّا أَهْلُ السَّعَادَةِ فَيَسْرُونَ لِعَمَلِ أَهْلِ السَّعَادَةِ، وَأَمَّا أَهْلُ الشَّقَاوَةِ فَيَسْرُونَ لِعَمَلِ أَهْلِ الشَّقَاوَةِ ) ثُمَّ قَرَأَ: ﴿ فَأَمَّا مَنْ أَعْطَى وَاتَّقَى ۖ﴾ . الْآيَةَ .

*Ҳазрат Али ривоят қиладилар:* «Бақиъ ул-Ғарқад деган жойда жанозада бўлди. Шунда Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам бизнинг олдимизга келиб ўтирдилар, биз эса атрофларида ўтирдик. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг қўлларида ҳассалари бор эрди. Жаноб Расулulloх бошларини қўйи солиб фикр қилдилар, сўнг ҳассалари бирлан ерни тўқиллатиб: «Орангизда жаннатдаги ҳамда дўзахдаги ўрни олдиндан белгилаб қўйилмаган ва бахтли ёким бахтсизлиги пешонасига ёзилмаган бирорта ҳам киши йўқдир»,— дедилар. Шунда бир киши туриб: «Ё Расулulloх, ундоқ бўлса, тақдирга тан бериб, яхши ишларга қўлимиз бормай қолмағайдирми? Орамизда кимки азалдан бахтли қилиб яратилган бўлса, у турган гапки, бахтли кишиларга хос ишларни қилгайдир, аммо пешонасига азалдан бахтсизлик битилган киши эрса, маълумки, бахтсиз кишиларга хос ишларни қилгайдир»,— деди. Жаноб Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам: «Бахтли

кишиларга бахт келтиргувчи ишлар, бахтсизларга эрса, бахтсизлик келтиргувчи ишлар муяссар бўлғайдир»,— дедилар. Сўнг: «Фа аммо ман аъто ва-т-тақо» деган оятни ўқидилар.

### 82-боб. Ўзини-ўзи ўлдирувчилар ҳақидаги ҳадислар

632 . عَنْ ثَابِتِ بْنِ الضَّحَّاكِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَنْ حَلَفَ بِمَلَّةٍ غَيْرِ الْإِسْلَامِ ، كَاذِبًا مُتَعَمِّدًا ، فَهُوَ كَمَا قَالَ ، وَمَنْ قَتَلَ نَفْسَهُ بِحَدِيدَةٍ ، عُذِّبَ بِهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ ) .

*Собит ибн аз-Заҳҳок разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ислом динидан бошқа динни ўртага қўйиб, атайлаб ёлғондан қасам ичғайдир, ўша ўзи айтган динга мансуб бўлиб қолғайдир. Кимки ўзини темир бирлан ўлдирғайдир, ўшал темир бирлан унга жаҳаннамда азоб берилғайдир»,— деганлар».

633 . عَنْ جُنْدُبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( كَانَ بَرَجِلٍ جِرَاحٌ ، فَقَتَلَ نَفْسَهُ فَقَالَ اللَّهُ تَعَالَى : بَدَرْنِي عَبْدِي بِنَفْسِهِ حَرَمْتُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ ) .

*Ҳасан разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Жундуб разияллоҳу анҳу бизга мана шу масжидда ҳадис айтиб берган эрдилар, биз уни ҳали унутганимизча йўқ. Биз, Жундуб разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида ёлғон гап айтадилар, деб ҳам кўрқмағаймиз. У кишининг айтишларича, Жаноб Расулulloҳ бундай деб айтган эрканлар: «Бир киши ўзини-ўзи жароҳатлаб ўлдирди. Шунда Оллоҳ таоло: «Бандам мендан илгари ўз жонини ўзи олди, уни мен жаннатдан маҳрум қилдим!»—деди».

634 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( الَّذِي يَخْتَنُ نَفْسَهُ يَخْتَنُهَا فِي النَّارِ ، وَالَّذِي يَطْعُنُهَا يَطْعُنُهَا فِي النَّارِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўзини-ўзи бўғиб ўлдирган одамни дўзахда бўғишғайдир ва ўзига-ўзи пичоқ уриб ўлдирган одамни дўзахда пичоқлашғайдир»,— дедилар».

### 83-боб. Мунофиқларга жаноза ўқишнинг ва мушрикларнинг гуноҳларини тилаб истиғфор айтишнинг макруҳлиги ҳақида

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай деб ривоят қиладилар:* Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул вафот этганда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни унга жаноза, ўқимоқ учун чақиришди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жаноза ўқимоққа шайланганларида, мен: «Ё Расулulloҳ, Ибн Убайга жаноза ўқийдирмисиз? Ахир, у фалон ва фалон кунлари ундоқ деганди ва бундоқ деганди, деб унинг иллатларини санай кетдим. Мен кўп сўзлаб юбордим шекилли, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга табассум қилиб: «Эй Умар, қани нарироқ турғил-чи! Менга Оллоҳ таоло томонидан танламак ихтиёри берилган, мен танладим. Агар мен етмишдан ортиқ истиғфор айтганимда Оллоҳ таоло унинг гуноҳларини мағфират қилмоғини билсам, етмишдан ортиқ истиғфор айтган бўлур эрдим»,— дедилар. Шундан кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жаноза ўқиб, уйларига қайтдилар. Бир оз ўтмай «Бароат» сурасининг икки ояти нозил бўлди («Улардан кимки ўлғайдир, сира ҳам жаноза ўқимағил!» деган жойидан то «Улар фосиқлардир!» деган еригача). Мен кейинчалик, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга журъат қилиб сўзлаганимдан таажжубланиб юрдим. Оллоҳ ва унинг Расули энг кўп билгувчидир! '»

### 84-боб. Одамларнинг майитни мадҳ этишлари ҳақида

635 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

مَرُّوا بِجَنَازَةٍ فَأَتَنُوا عَلَيْهَا خَيْرًا ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( وَجَبَتْ ) . ثُمَّ مَرُّوا بِأُخْرَى فَأَتَنُوا عَلَيْهَا شَرًّا ، فَقَالَ : ( وَجَبَتْ ) . فَقَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : مَا وَجَبَتْ ؟ قَالَ : ( هَذَا أَتَيْتُمْ عَلَيْهِ خَيْرًا ، فَوَجَبَتْ لَهُ الْجَنَّةُ ، وَهَذَا أَتَيْتُمْ عَلَيْهِ شَرًّا ، فَوَجَبَتْ لَهُ النَّارُ ، أَنْتُمْ شُهَدَاءُ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ ) .

*Абдуллоҳ ибн Суҳайб:* «Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан бундай деб эшитдим»,— дейдилар: «Бир кишини тобутда олиб ўтдилар. Одамлар уни мақтаб, яхши сўзлар айтишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Вожиб бўлди»,— дедилар. Кейин, бошқа бир маййитни олиб ўтишди. Одамлар унинг шаънига ёмон сўзлар айтдилар. Жаноб Расулulloҳ бу гал ҳам: «Вожиб бўлди»,— дедилар. Умар ибн Хаттоб ажабланиб: «Не вожиб бўлди?» —дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Бу бандага яхшилиғни раво кўриб, мақтадингизлар, демак унга жаннат вожиб бўлди, кейингисига эрса, ёмонлиғни раво кўриб, ёмонладингизлар, демак унга дўзах вожиб бўлди. Сизлар Оллоҳ таолонинг ер юзидаги гувоҳларидирсиз!»— дедилар».

*Абу ул-Асвад ривоят қиладилар:* «Мен Мадинага келсам, шаҳар аҳли бир касалликка мубтало бўлган эркан. Шунда Умар ибн Хаттобнинг ёнларида ўтирган эрдим. Ногаҳон, бир маййитни тобутда кўтариб ўтиб қолдилар, одамлар унинг шаънига яхши сўзлар айтишди. Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу: «Вожиб бўлди»,— дедилар. Кейин, яна бир маййитни олиб ўтдилар, одамлар унинг шаънига ҳам яхши сўзлар айтишди. Ҳазрат Умар тағин: «Вожиб бўлди»,— дедилар. Ундан сўнг, учинчи бир маййитни олиб ўтдилар, одамлар бу гал унинг шаънига ёмон сўзлар айтишди. Ҳазрат Умар яна: «Вожиб бўлди»,— дедилар. Мен ажабланиб: «Ё Амир ал-муъминийн, не вожиб бўлди?» — деб сўрадим.

636 . عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَيُّمَا مُسْلِمٍ شَهِدَ لَهُ أَرْبَعَةٌ بِخَيْرٍ ، أَدْخَلَهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ ) . فَقُلْنَا : وَثَلَاثَةٌ ؟ قَالَ : ( وَثَلَاثَةٌ ) . فَقُلْنَا : وَاثْنَانِ ؟ قَالَ : ( وَاثْنَانِ ) . ثُمَّ لَمْ نَسْأَلْهُ عَنِ الْوَاحِدِ .

Ҳазрат Умар бундай дедилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг айтган сўзларини қайтардим, холос. Жаноб Расулulloҳ бизга: «Қайси бир мусулмонга тўрт киши яхши деб гувоҳлик берса, уни Оллоҳ таоло жаннатга киритгайдир»,— деганлар. Биз ул кишидан: «Агар гувоҳ учта бўлса-чи?»—деб сўрадик. «Учта бўлса ҳам, бўлур»,— дедилар. «Иккита бўлса-чи?» —дедик, «Иккита бўлса ҳам, бўлур»,— дедилар. Кейин, бизнинг ул кишидан: «Гувоҳ битта бўлса-чи?» — деб сўрагимиз келмади».

### 85-боб. Қабр азоби ҳақидаги ҳадис ва оятлар

637 . عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا أُفْعِدَ الْمُؤْمِنُ فِي قَبْرِهِ أُتِيَ ، ثُمَّ شَهِدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ ، فَذَلِكَ قَوْلُهُ : ﴿ يَثْبُتُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا بِالْقَوْلِ الثَّابِتِ ﴾ ) .

*Барро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин бандани қабрига келиб, ўтқазиб қўйишгайдир! Сўнг, мўмин банда: «Оллоҳ таолодан бошқа илоҳ йўқдир, Муҳаммад Оллоҳ таолонинг элчисидир»,— деб гувоҳлик берур. Бу хусусда Оллоҳ таоло бундай дейди: «Бандалар қатъий сўзлари бирлан (яъни, калимаи шаҳодат айтиб) Оллоҳ таолога бўлган ишончларини исботлағайдирлар»,— дедилар».

Гундар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Шуъба разияллоҳу анҳу бизга (юқоридаги ҳадисни) ривоят қила туриб, «Қабр азоби тўғрисида «Бандалар Оллоҳ

таолога бўлган ишончларини исбртлағайдирлар» деган оят нозил бўлган» деб қўшимча қилдилар».

638 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : اطَّلَعَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى أَهْلِ الْقَلْبِ ، فَقَالَ : ( وَجَدْتُمْ مَا وَعَدَ رَبُّكُمْ حَقًّا ) . فَقِيلَ لَهُ : أَتَدْعُو أَمْوَاتًا ؟ فَقَالَ : ( مَا أَنْتُمْ بِأَسْمَعٍ مِنْهُمْ ، وَلَكِنْ لَا يَحْيُونَ ) .

*Ибн Умар разияллоху анху Нофиъга бундай деб ривоят қилган эрканлар:* «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам Қурайш қабиласига мансуб кишиларнинг ўликлари ётган чуқур тепасига келиб: «Раббингизнинг ваъдаси ҳақ эрканинг билдингизми?»—деб хитоб қилдилар. Шунда одамлар: «Ўликларни чақирмакдамисиз?» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Сизлар улардан кўра кўпроқ эшитиб турганингиз йўқ, улар сўзлай олмайдилар, холос»,— дедилар».

639 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : إِنَّمَا قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنَّهُمْ لَيَعْلَمُونَ الْآنَ أَنَّ مَا كُنْتُ أَقُولُ حَقًّا ) . وَقَدْ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى : ﴿ إِنَّكَ لَا تَسْمَعُ الْمَوْتَى ﴾ .

*Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам: «Улар (ўликлар) менинг айтганларим ҳақ эрканлигини жуда яхши билишгайдир»,— дедилар». Оллоҳ таоло: «Сен ўликларга сўзингни ўтказа олмағайдирсен (яъни, иймони йўқ шахсларга, гарчи улар тирик бўлсалар ҳам, сўзинг ўтмағайдир)»,— дейди».

*Масруқ разияллоху анху ривоят қиладилар:* «Бир яҳудий аёл Оиша онамизнинг ҳузурларига кириб, қабр азоби ҳақида гапира туриб: «Сизни Оллоҳ таоло қабр азобидан сақласин!» —дебдир. Шунда Оиша онамиз Жаноб Расулulloҳдан қабр азоби тўғрисида сўрабдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, қабр азоби ҳақ!»—дебдилар. Оиша разияллоху анҳо: «Шундан бери мен, Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг намоз ўқиганларида, Оллоҳ таолодан ўзларини қабр азобидан сақламакни сўрамай қўйганларини сира кўрмадим»,— дейдилар».

640 . عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَتْ : قَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَطِييًّا ، فَذَكَرَ فِتْنَةَ الْقَبْرِ الَّتِي يَفْتِنُ فِيهَا الْمَرْءُ ، فَلَمَّا ذَكَرَ ذَلِكَ ضَجَّ الْمُسْلِمُونَ ضَجًّا .

*Урва ибн Зубайрнинг холаси Асмо Абу Бакр қизи бундай деган эрканлар:* «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам хутбада бандага бериладирган қабр азобини эслатиб ўтдилар. Шунда хутба тинглаб ўтирган мусулмонлар (қўрқувдан) бақриб юборишди».

*Анас ибн Молик ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Қабрга қўйилган банда жанозага келганларнинг қайтиб кетаётгандаги оёқ товушларини эшитиб ётгайдир. Кейин, икки фаришта келиб, маййитни ўтирғизиб қўйгайдир-да, «Бул киши, яъни Муҳаммад саллаллоху алайҳи ва саллам ҳақларида не дер эрдинг?» — деб сўрашгайдир, Агар, банда мўмин-мусулмон бўлса, «Бул кишининг Оллоҳнинг бандаси ва унинг элчиси эрканлигига гувоҳлик берурмен»,— дейдир. Шунда фаришталар: «Қарағил, Оллоҳ таоло сенга дўзах ўрнига жаннатдан жой ато этди!» — дейишгайдир, бандага бирваракайига дўзах ҳам, жаннат ҳам кўрсатилгайдир». Ушбу ҳадисни Анасдан эшитган Қатода: «Кейин, банда қабрида сиқилмай, бемалол ётғусидир»,— деб қўшимча қилдилар-да, Анаснинг ривоятини бундай деб давом эттирдилар: «Аммо, банда мунофиқ ва кофир эрса, «Бул киши ҳақларида не дер эрдинг?»—деб сўрашганда, «Кўпчилик не деган эрса, мен ҳам шундоқ деганман»,— деб жавоб бергайдир. Фаришталар унга: «(Ул кишини) билмагандирсан ҳам, (Қуръон) тиловат қилмагандирсан ҳам»,— деб темир гурзи бирлан уришгайдир. Шунда банда шунчалик қаттиқ қичқиргайдирким, буни



инсон ва жинлардан бошқа, атрофдаги барча маййитлар эшитгайдир».

### **86-боб. «Қабр азобидан сақлағил!» деб Оллоҳ таолога илтижо қилмоқ ҳақида**

641. عَنْ أَبِي أَيُّوبَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : حَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَدَّ وَجَبَتِ الشَّمْسُ ، فَسَمِعَ صَوْتًا فَقَالَ : ( يَهُودُ تُعَذَّبُ فِي قُبُورِهَا ) .

*Абу Айюб Ансорий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуёш ботган пайтда ташқарига чиқдилар. Шунда (хотифдан) бир овозни эшитиб, «Яҳудийлар қабрларида азоб тортмоқдалар»,— дедилар».

*Холид ибн Саъид ибн ал-Осийнинг қизи:* «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Оллоҳ таолога сиғиниб, қабр азобидан паноҳ сўраётганларини эшитганман» деб айтди»,— дейдилар Мусо ибн Уқба.

642. عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْعُو : ( اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ ، وَمِنْ عَذَابِ النَّارِ ، وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ ، وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй парвардигор, мени қабр ва ўт азобидан, ҳаёту мамот ҳамда Масих Дажжол фитнасидан сақлағил, деб сенга илтижо қилгаймен!»— дер эрдилар».

### **87-боб. Ғийбатчиликдан ва сийдикдан ҳазар қилмаганлик учун қабрда бериладирган азоб тўғрисида**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қабр ёнидан ўтаётиб, «Бу қабрдаги маййитлар азоб чекмоқда, бироқ катта гуноҳ учун азобланаётганлари йўқдир. Булардан бири чақимчилик қилар эрди, иккинчиси эрса, сийдигидан эҳтиёт бўлмас эрди»,— дедилар. Кейин, бир ҳўл нордани олиб, иккига бўлдилар-да, ҳар бир қабрга биттадан санчиб қўйиб: «Шояд, шул чўплар қуригунча азоблари енгиллашгайдир!»— дедилар».

### **88-боб. Маййитга эртами-кечми борадирган жойини кўрсатиб қўймоқ ҳақида**

643. عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا مَاتَ ، عُرِضَ عَلَيْهِ مَفْعَدُهُ بِالْعِدَاةِ وَالْعَشِيِّ ، إِنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ فَمِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ ، وَإِنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ فَمِنْ أَهْلِ النَّارِ ، فَيَقَالُ : هَذَا مَفْعَدُكَ حَتَّى يَبْعَثَكَ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ) .

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангиз ўлсангиз, сизга қабрда эртами-кечми борадиган жойингизни кўрсатишгайдир. Агар жаннатга лойиқ эрсангиз, жаннатга; агар дўзахга муносиб эрсангиз, дўзахга тайин қилингайдирсиз. Кейин, сизга: «Оллоҳ таоло сени қиёмат куни қайта тирилтиргунча, борадиган жойинг қай ер эрканлигин билиб қўйғил!»— дейишгайдир».

### **89-боб. Жанозада маййитнинг сўзлаши тўғрисида**

*Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Маййит тобутга қўйилиб, одамлар уни елкаларига кўтаришганда, агар ул ҳаётлигида солиҳ банда бўлган эрса, «Мени тезроқ олиб борингиз!»— дейдир, башарти солиҳ банда эрмаса, «Вой шўрим, мени қаёққа олиб кетмоқдасизлар?»— деб айтгайдир. Унинг овозини одамлардан бошқа ҳамма нарса

эшитғайдир, агар одамлар ҳам эшитса эрди, ҳушидан кетиб, йиқилғай эрди».

### 90-боб. Мусулмонларнинг болалари тўғрисида нималар дейилган?

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг норасида учта боласи ўлса, улар ота-онасини дўзах ўтидан парда бўлиб тўсиб турғайдир, ёким ушбу ота-она ўлган норасида болалар туфайли жаннатга кирғайдир»,— деганлар».

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирорта ҳам мусулмоннинг норасида учта боласи ўлмасин! Мабодо, ўлса, Оллоҳ таоло уни ўшал болалари туфайли жаннатга киритғайдир»,— деганлар».

644 . عَنْ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : لَمَّا تُوفِّيَ إِبْرَاهِيمُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنَّ لَهُ مُرَضِعًا فِي الْجَنَّةِ ) .

Барро разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (ўғиллари) Иброҳим алайҳиссалом вафот қилганларида, «Жаннатда унинг ризоий онаси бордир» деб айтганларини эшитган эрканлар.

### 91-боб. Мушрикларнинг болалари ҳақида нималар дейилган?

645 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : سئِلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ أَوْلَادِ الْمُشْرِكِينَ فَقَالَ : ( اللَّهُ ، إِذْ خَلَقَهُمْ أَعْلَمُ بِمَا كَانُوا عَامِلِينَ ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мушрикларнинг болалари тўғрисида сўрашганда, ул киши: «Оллоҳ таоло уларни яратган вақтда не қилмоқлари лозимлигини айтган»,— дедилар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мушрикларнинг ўлган норасида болалари хусусида сўрашганда, ул киши: «Оллоҳ таоло уларнинг не қилмоқларини айтган эрди»,— дедилар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир бола табиатан мусулмон бўлиб туғилғайдир, бироқ ота-онаси уни, ҳайвон ўз боласини ҳайвон қилиб тарбиялагандек, яҳудий ёким насоро ёҳуд мажусий қилиб тарбиялағайдир. Айтингиз-чи, сизлар ҳайвон боласининг бирор аъзоси (шохи, бурни, қулоғи) кесик ҳолда дунёга келганини кўрганмисизлар?» — дедилар».

### 92-боб.

646 . عَنْ سَمُرَةَ بِنِ جُنْدَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا صَلَّى صَلَاةً أَقْبَلَ عَلَيْنَا بَوَجْهِهِ فَقَالَ ( مَنْ رَأَى مِنْكُمْ اللَّيْلَةَ رُؤْيَا ) . قَالَ فَإِنْ رَأَى أَحَدٌ قَصَّهَا ، فَيَقُولُ ( مَا شَاءَ اللَّهُ ) . فَسَأَلْنَا يَوْمًا ، فَقَالَ : ( هَلْ رَأَى أَحَدٌ مِنْكُمْ رُؤْيَا ) . قُلْنَا لَا . قَالَ : ( لَكِنِّي رَأَيْتُ اللَّيْلَةَ رَجُلَيْنِ رَحِلَيْنِ أَتْيَانِي فَأَخَذَا بِيَدِي ، فَأَخْرَجَانِي إِلَى الْأَرْضِ الْمُقَدَّسَةِ ، فَإِذَا رَجُلٌ جَالِسٌ ، وَرَجُلٌ قَائِمٌ بِيَدِهِ كَلْبٌ مِنْ حَدِيدٍ - قَالَ : إِنَّهُ يُدْخِلُ ذَلِكَ الْكَلْبَ فِي شِدْقِهِ ، حَتَّى يَبْلُغَ قَفَاهُ ، ثُمَّ يَفْعَلُ بِشِدْقِهِ الْآخَرَ مِثْلَ ذَلِكَ ، وَيَلْتَمِسُ شِدْقَهُ هَذَا ، فَيَعُودُ فَيَصْنَعُ مِثْلَهُ . قُلْتُ مَا هَذَا قَالَا انْطَلِقْ . فَانْطَلَقْنَا حَتَّى أَتَيْنَا عَلَى رَجُلٍ مُضْطَجِعٍ عَلَى قَفَاهُ ، وَرَجُلٌ قَائِمٌ عَلَى رَأْسِهِ بِيَدِهِ أَوْ صَخْرَةٍ ، فَيَشْدُخُ بِهِ رَأْسَهُ ، فَإِذَا ضَرَبَهُ تَدَهَدَهَ الْحَجَرُ ، فَانْطَلِقَ إِلَيْهِ لِيَأْخُذَهُ ، فَلَا يَرْجِعُ إِلَى هَذَا حَتَّى يَلْتَمِسَ رَأْسَهُ ، وَعَادَ رَأْسَهُ كَمَا هُوَ ، فَعَادَ إِلَيْهِ فَضْرَبَهُ ، قُلْتُ مَنْ هَذَا ؟ قَالَا انْطَلِقْ . فَانْطَلَقْنَا إِلَى ثَقَبٍ مِثْلِ التَّنُورِ ، أَعْلَاهُ ضَيْقٌ وَأَسْفَلُهُ وَاسِعٌ ، يَتَوَقَّدُ تَحْتَهُ نَارًا ، فَإِذَا اقْتَرَبَ ارْتَفَعُوا حَتَّى كَادَ أَنْ يَخْرُجُوا ، فَإِذَا حَمَدَتْ رَجَعُوا فِيهَا ، وَفِيهَا رِجَالٌ وَنِسَاءٌ عُرَاةٌ . فَقُلْتُ مَنْ هَذَا ؟ قَالَا : انْطَلِقْ . فَانْطَلَقْنَا حَتَّى أَتَيْنَا عَلَى نَهْرٍ مِنْ دَمٍ ، فِيهِ رَجُلٌ قَائِمٌ عَلَى وَسْطِ النَّهْرِ -

قَالَ يَزِيدُ وَوَهَبُ بْنُ جَرِيرٍ ، عَنْ جَرِيرِ بْنِ حَازِمٍ — وَعَلَى شَطِّ النَّهْرِ رَجُلٌ بَيْنَ يَدَيْهِ حِجَارَةٌ ، فَأَقْبَلَ الرَّجُلُ الَّذِي فِي النَّهْرِ ، فَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَخْرُجَ رَمَى الرَّجُلُ بِحَجَرٍ فِيهِ ، فَرَدَّهُ حَيْثُ كَانَ ، فَجَعَلَ كَلِمًا جَاءَ لِيَخْرُجَ رَمَى فِيهِ بِحَجَرٍ ، فَيَرْجِعُ كَمَا كَانَ . فَقُلْتُ مَا هَذَا ؟ قَالَ : انْطَلِقْ . فَاِنْطَلَقْنَا حَتَّى انْتَهَيْنَا إِلَى رَوْضَةٍ خَضْرَاءَ ، فِيهَا شَجَرَةٌ عَظِيمَةٌ ، وَفِي أَصْلِهَا شَيْخٌ وَصَبِيَانٌ ، وَإِذَا رَجُلٌ قَرِيبٌ مِنَ الشَّجَرَةِ بَيْنَ يَدَيْهِ نَارٌ يُوقِدُهَا ، فَصَعِدَا بِي فِي الشَّجَرَةِ ، وَأَدْخَلَانِي دَارًا لَمْ أَرَ قَطُّ أَحْسَنَ مِنْهَا ، فِيهَا رَجَالٌ شُبُوحٌ وَشَبَابٌ ، وَنِسَاءٌ وَصَبِيَانٌ ، ثُمَّ أَخْرَجَانِي مِنْهَا فَصَعِدَا بِي الشَّجَرَةَ فَأَدْخَلَانِي دَارًا هِيَ أَحْسَنُ وَأَفْضَلُ ، فِيهَا شُبُوحٌ وَشَبَابٌ . قُلْتُ طَوَّقْتُمَانِي اللَّيْلَةَ ، فَأَخْبِرَانِي عَمَّا رَأَيْتُ . قَالَ : نَعَمْ ، أَمَّا الَّذِي رَأَيْتَهُ يُشَقُّ شِدْقُهُ فَكَذَّابٌ يُحَدِّثُ بِالْكَذْبَةِ ، فَتَحْمَلُ عَنْهُ حَتَّى تَبْلُغَ الْآفَاقَ ، فَيُصْنَعُ بِهِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ . وَالَّذِي رَأَيْتَهُ يُشَدِّخُ رَأْسَهُ فَرَجُلٌ عَلَّمَهُ اللَّهُ الْقُرْآنَ ، فَتَمَّ عَنْهُ بِاللَّيْلِ ، وَلَمْ يَعْمَلْ فِيهِ بِالنَّهَارِ ، يُفْعَلُ بِهِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ . وَالَّذِي رَأَيْتَهُ فِي الثَّقَبِ فَهُمُ الرُّنَاةُ . وَالَّذِي رَأَيْتَهُ فِي النَّهْرِ أَكَلُو الرُّبَا . وَالشَّيْخُ فِي أَصْلِ الشَّجَرَةِ إِبْرَاهِيمُ عَلَيْهِ السَّلَامُ وَالصَّبِيَانُ حَوْلَهُ فَأَوْلَادُ النَّاسِ ، وَالَّذِي يُوقِدُ النَّارَ مَالِكُ خَازِنُ النَّارِ . وَالذَّارُ الْأُولَى الَّتِي دَخَلْتَ دَارَ عَامَّةِ الْمُؤْمِنِينَ ، وَأَمَّا هَذِهِ الدَّارُ فَدَارُ الشُّهَدَاءِ ، وَأَنَا جِبْرِيلُ وَهَذَا مِيكَائِيلُ ، فَارْفَعْ رَأْسَكَ ، فَرَفَعْتُ رَأْسِي فَإِذَا فَوْقِي مِثْلُ السَّحَابِ . قَالَ : ذَاكَ مَنْزِلُكَ . قُلْتُ : دَعَانِي أَدْخُلْ مَنْزِلِي . قَالَ إِنَّهُ بَقِيَ لَكَ عُمْرٌ لَمْ تَسْتَكْمِلْهُ ، فَلَوْ اسْتَكْمَلْتَ أَتَيْتَ مَنْزِلَكَ ) .

*Сумра ибн Жундуб разияллоху анху ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам намоз ўқиб бўлгач, бизга юзланиб: «Бул кеча ким туш кўрди?»—деб сўрар эрдилар. Одамлар кўрган тушларини айтиб беришар эрди, Жаноб Расулulloҳ эрса, «Оллоҳ таоло не хоҳласа, ўша бўлғайдир!»—деб таъбир айтар эрдилар. Бир куни биздан: «Бирортангиз туш кўрдингизми?» — деб сўрадилар. Биз: «Йўқ»,— дедик. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Аммо, мен бул кеча туш кўрдим, тушимда икки киши қўлимдан етаклаб, мени Байт ул-Муқаддасга олиб боришди. Қарасам, у ерда бир киши ўтирибдир ва бир киши тик турибдир. Тик турган киши қўлидаги (ривоятнинг давомини Мусо ибн Исмоилдан эшитганмиз, дейишади айрим саҳобалар) темир чангакни ўтирган кишининг бу лунжигга тиқиб, иккинчи лунжидан чиқармақдадир, кейин иккинчи лунжигга тиқиб, бу лунжидан чиқармақдадир. Чангакни суғуриб олди дегунча, лунжи тузалиб қолаётир. Тик турган киши ўтирган кишининг лунжигга темир чангакни шу тариқа тўхтовсиз тиқиб, суғура эрди. Буни кўриб, «Бу не қилганларингдир?»—дедим. Улар: «Қани, юрғил, кетдик!» — дейишди. Бир жойга борсақ, бир киши чалқанча ётибдир, яна бир киши бошида тик турибдир. Унинг қўлида муштдек тош бўлиб, чалқанча ётган кишининг бошига урмақдадир, тош сапчиб кетиб, нарига бориб тушмақдадир. У тошни тағин олиб келгунча чалқанча ётган кишининг боши тузалиб қолаётир. Шу тариқа тик турган киши чалқанча ётган кишининг бошини қайта-қайта мажақламоқдадир. Мен: «Бу кимдир?»—деб сўрадим. Улар: «Юрғил, кетдик!»— дейишди. Бир жойга борсақ, тандирга ўхшаш оғзи тор, туби кенг бир чуқурлик бор эркан, унинг ичидаги аланга кучайганда одамлар аланга бирлан бирга чуқурдан учиб чиқиб кетай дейишаётир, аланга пасайганда эрса, аланга бирлан бирга яна чуқур тубига тушиб кетишмақдадир. Ўтда куяётганлар орасинда қип-яланғоч эркаклар ҳам, аёллар ҳам бордир. «Булар кимлардир?» — деб сўрадим. Улар: «Юрғил, кетдик!»—дейишди. Юра-юра қон дарёси бўйдан чиқиб қолдик. Дарёнинг қирғоғида бир одам, ўртасида эрса, бошқа бир одам турибдир. Дарёдаги одам қирғоққа чиқғаймен деса, қирғоқдагиси унинг лунжигга тош бирлан уриб, дарёга қайтариб тушириб юбормақдадир. У яна чиқғаймен деса, тағин уриб тушириб юбормақдадир. «Бу недир?»—дедим. Улар: «Юрғил, кетдик!» — дейишди. Биз бу гал ям-яшил боғ олдидан чиқиб қолдик. Боғда бир азим дарахт бор эркан,

унинг тагида бир чол ва бир тўда болалар ўтиришибдир. Дарахтга яқин жойда бир киши ўт ёқмақдадир. Шерикларим мени кўтариб дарахтнинг устидаги бир уйга олиб кирдилар. Мен шул чоққача бундоқ мухташам уйни кўрмагандирмен, унинг ичида (кишилар) чоллар, йигитлар, болалар ва аёллар бор эркан. Кейин, мени дарахтнинг юқорироғидаги бошқа бир уйга олиб чиқдилар, буниси аввалгисидан ҳам мухташамроқ ва файзлироқ эрди. Унда чоллар ва йигитлар ўтиришган эркан. Мен шерикларимга қараб: «Бул кеча мени роса сайр қилдирдингизлар, энди кўрганларимни тушунтириб берингиз!» — дедим. Улар: «Бўпти!»—деб менга тушунтира кетдилар: «Лунжигга темир чангак тиқилаётган одам каззоб (ёлғончи) бўлиб, унинг гаплари ҳатто уфққа қадар етиб боргандир. Унга, ўзинг кўрганингдек, қиёматгача азоб берилғайдир. Боши мажақланаётган одам эрса, Оллоҳ таоло Қуръондан беҳабар қилган одам бўлиб, у кечалари ғафлат уйқусида ётган, кундузи ҳам тиловат қилмаган. Унга қиёматгача бошини мажақлаб, азоб берилғайдир. Чуқурда кўрганларинг — зино қилган одамлардир, дарёда кўрганларинг эрса, судхўрлардир. Дарахт тагида ўтирган чол эрса, Иброҳим алайҳиссалом, теграсидаги болалар — одамларнинг норасида ёшда вафот этган болаларидир. Ўт ёндираётган шахс ўт ёқувчилар нозиридир. Сен кирган биринчи уй, умум мўъминлар уйидир, аммо кейинги уй эрса, шаҳидлар уйидир. Мен бўлсам, Жаброилдирмен, бул эса Микоилдир». Шундан сўнг, Жаброил ва Микоил менга: «Бошингни кўтарғил!» — дедилар. Мен бошимни кўтарсам, тепамда булутга ўхшаш бир жой кўринди. Улар: «Бу сенинг масканингдир!» — дейишди. Мен: «Кўйиб юборингиз, ўшал масканимга кирайин!» десам, улар: «Ҳали умринг тугагани йўқдир, тугаса, ўшал манзилингга келғайдирсан»,— дейишди».

### 93-боб. Душанба кунги ўлим ҳақида

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига кирганимда ул киши мендан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни неча қават қилиб кафанладингизлар?»—деб сўрадилар. Мен: «Уч қават оқ суҳулийа бирлан кафанладик, кафан остида на салла ва на кўйлак бор эрди»,— дедим. «Жаноб Расулulloҳ қайси куни вафот этган эрдилар?»—деб сўрадилар. «Душанба куни»,— дедим. «Бугун қайси кундир?»— дедилар. «Душанба кунидир»,— дедим. «Шу сониядан то тунгача вафот этсам, деган умиддадирмен!»—дедилар. Сўнг, эгниларидаги бетоб бўлиб ётган кезларида кийдирилган кийимларига қараб кўйдилар. Унда заъфароннинг доғи бор эрди. «Мана шул кийимимни ювиб, унга тагин икки эн кафанлик кўшиб, кафанлангизлар!»—дедилар. «Бул эски-ку!» — деган эрдим, «Ўликдан кўра, тирик янги кийим киймакка ҳақлироқдир! Кафан бадандан оқадиган ҳар хил нарсалар учун керақдир»,— дедилар. Абу Бакр сешанба кечасйгача вафот этмадилар. Дафн қилинганларида ҳали тонг отмаган эрди».

### 94-боб. Бехос ўлим

647 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ رَجُلًا قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : إِنَّ أُمَّيْ افْتَلَتَتْ نَفْسُهَا ، وَأَطْنَتْهَا لَوْ تَكَلَّمَتْ تَصَدَّقَتْ ، فَهَلْ لَهَا أَجْرٌ إِنْ تَصَدَّقْتُ عَنْهَا ؟ قَالَ : ( نَعَمْ ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Онамнинг жони бирданига чиқиб кетди, сўзлашга улгурганларида эрди, садақа қилмакка буюрар эрдилар. Агар мен онамнинг номларидан садақа қилсам, ул кишига савоби теккаймидир?» — деб сўради. «Ҳа»,— дедилар Жаноб Расулulloҳ».

### 95-боб. Набий салладлоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумо қабрлари ҳақидаги ривоятлар

648 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : إِنْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : لَيَتَعَدَّرُ فِي مَرَضِهِ : ( أَيْنَ أَنَا الْيَوْمَ ، أَيْنَ أَنَا غَدًا ) . اسْتَبْطَأَ لِيَوْمِ عَائِشَةَ ، فَلَمَّا كَانَ يَوْمِي ، قَبِضَهُ اللَّهُ تَعَالَى بَيْنَ سَحْرِي وَنَحْرِي ، وَدُفِنَ فِي بَيْتِي .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Агар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам оғир бетоб бўлиб қолсалар, «Бугун қай ердадирмен-у, эртага қай ерда бўлғаймен?» деб менинг ҳузуримда бўладирган кунларини орзиқиб кутар эрдилар. Буни қарангим, Жаноб Расулulloҳ худди менинг навбатим келган куни қучоғимда Оллоҳ таолога жон таслим қилдилар ва менинг хонамга дафн этилдилар!».

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сўнги бор бетоб бўлиб ётганларида (шу касалликдан сўнг вафот этганлар); «Оллоҳ таоло яҳудий ва насороларни лаънатлади, чунким улар собиқ пайғамбарларнинг қабрларини масжид қилиб олдилар»,— деган эрдилар. Ана шу хавф (масжид қилиб олмоқ хавфи) бўлмаганида, Жаноб Расулulloҳнинг қабрлари очиқ қолдирилар эрди».

*Суфён ат-Таммор:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари дўппайиб турганини кўргандирмен»,— деган эрканлар.

*Ҳишом ибн Урва оталаридан эшитганларини ривоят қиладилар:* «Валид ибн Абд ул-Малик замонасида Хужрайи Саъодатнинг (Расулulloҳ дафн этилган хужранинг) девори йиқилганида, уни қайта тикламоққа киришдилар. Шунда (девор кесаклари орасидан) оёқ кўриниб қолди. Одамлар даҳшатга тушиб, уни Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оёқлари, деб гумон қилдилар. Бул кимнинг оёғи эрканлигини биладирган ҳеч ким йўқ эрди. Шунда отам Урва: «Худо ҳаққи, бу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оёқлари эрмас, балки Умар разияллоҳу анҳунинг оёқларидир»,— деган эрканлар».

*Ҳишом ибн Урва оталаридан эшитганларини ривоят қиладилар:* «Оиша онамиз Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрга: «Мени |гларнинг ёнига дафн этмағил, Бақиъдаги дугоналарим (Расулulloҳнинг бошқа аёллари) ёнига дафн этғил, мен у жойга мутлақо лойиқ эрмасдирман!»—деб васият қилган эрканлар» (уларнинг ёнига деганда Расулulloҳ, Абу Бакр, Умар назарда тутилган).

*Амр ибн Маймун разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳуни кўрдим. «Эй Абдуллоҳ ибн Умар, мўъминларнинг онаси Оиша разияллоҳу анҳога бориб, мендан салом айтғил, сўнг менинг икки дўстимнинг ёнига дафн этилмоғимга ижозат сўрағил!» — дедилар. Оиша онамиз: «Илгари мен ўзим ўшал ерга дафн қилинмоғимни истар эрдим, энди бўлса, буни ўзимга эп кўрмаётирман»,— дедилар. Абдуллоҳ қайтиб келиб, Ҳазрат Умарга учрашганларида, ул киши: «Нечук хабар келтирдинг?» :—деб сўрадилар. Абдуллоҳ: «Эй Амир ал-мўъминин, сизга рухсат бердилар»,— деб айтдилар. Шунда Ҳазрат Умар: «Менинг учун ўшал жойдан табаррукроқ жой бўлмагандир, агар ўлсам, мени ўшал ерга элтиб, салом айтингиз! Кейин сен: «Умар ибн Хаттоб рухсат сўраётир», — дегил. Агар рухсат берсалар, мени ўшал ерга дафн қилингизлар, рухсат бермасалар, унда мени мусулмонлар мазорига олиб бориб, дафн қилаверингиз!»

649 . عَنْ عَمْرِو بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

إِنِّي لَا أَعْلَمُ أَحَدًا أَحَقَّ بِهَذَا الْأَمْرِ مِنْ هَؤُلَاءِ النَّفَرِ الَّذِينَ تُؤْفَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ عَنْهُمْ رَاضٍ ، فَمَنْ

اسْتَحْلَفُوا بَعْدِي فَهُوَ الْخَلِيفَةُ ، فَاسْمَعُوا لَهُ وَأَطِيعُوا . فَسَمِيَ عُثْمَانَ وَعَلِيًّا وَطَلْحَةَ وَالزُّبَيْرَ وَعَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ وَسَعْدَ بْنَ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ .

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ризо бўлган ўшал вафот этиб кетган кишилардан кўра, халифаликка лойиқроқ бошқа бирорта одамни билмасмен. Мендан кейин кимни халифа қилсангизлар, унга итоат этиб, қулоқ солингизлар!»—дедилар. Сўнг, Усмон, Али, Талҳа, Зубайр, Абдурраҳмон ибн Авф ва Саъд ибн Абу Ваққоснинг исмларини тилга олдилар.

Шу пайт, бир ансорий йигит кириб келиб: «Эй Амир ал-мўъминин, Оллоҳ таолонинг сизга кўрсатган башоратидан хурсанд бўлингиз! Ислонда ўз ўрнингиз бордир, буни билурсиз, кейин адолат бирлан халифалик қилдингиз, тагин бунинг устига шаҳид ҳам бўлдингиз!» — деди. Ҳазрат Умар: «Эй биродар, кошки эрди, шулар етарлик бўлса эрди! Узимдан сўнг бўладирган халифа муҳожирларга яхшилиқ қилсин, уларнинг ҳақини тан олсин, ҳурматларини ўрнига қўйсин, деб васият қилгаймен. Узимдан кейинги халифага яна бундай деб васият қилгаймен: «Мадина ва иймонни (қалбларига) жо айлаган ансорларга яхшилиқ қилсин, яхши ишларини мақбул кўриб, камчиликларини афв этсин! Унга тагин бундоқ деб васият қилгаймен: «Оллоҳ ва унинг Расули ўз зиммасига олган аҳолига (Аҳлу-з-зиммага; мусулмон халифалигида жизья — жон солиғи тўлаб яшаган ғайридинларга) берилган ваъдага вафо айлосин, уларни қирғин қилмасин, уларнинг елкаларига қурблари етмайдирган юкни қўймасин!»

### 96-боб. Маййитларни ҳақорат қилмоқнинг макруҳлиги тўғрисида

650 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا تَسُبُّوا الْأَمْوَآتَ ، فَإِنَّهُمْ قَدْ أَفْضَوْا إِلَى مَا قَدَّمُوا ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Маййитларни ҳақорат қилмангизлар, чунким улар келадирган жойларига келиб бўлдилар!» — деганлар». Бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Абд ул-Қуддус ва Муҳаммад ибн Анас ҳам Аъмашдан эшитиб ривоят қилиб беришган, Али ибн Жаъд эрса, уни давом эттирган.

### 97-боб. Маййитларнинг ҳаётликларига қилган ёмонликларини эслаш

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абу Лаҳаб алайҳи лаънату-ллоҳи (унга Оллоҳнинг лаънати бўлсин) Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Келгуси ҳаётинг қуриб кетсин!»—деди. Шунда, «Абу Лаҳабнинг икки қўли қурисин!»—деган оят нозил бўлди».

### БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

### 98-боб. Закот бермоқнинг вожиблиги тўғрисида

Оллоҳ таоло бу хусусда: «Намоз ўқингиз ва закот берингиз!» — деб айтадир.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абу Суфён разияллоҳу анҳу менга ҳадис айта туриб, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир сўзларини эслади. Кейин у: «Жаноб Расулulloҳ бизга намоз ўқимоқни, закот бермоқни, қариндошлик алоқаларини узмасликни ва пок бўлмоқни буюрганлар»,— деди».

651 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ مُعَاذًا إِلَى الْيَمَنِ فَقَالَ : ( ادْعُهُمْ إِلَى شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَأَنَّي رَسُولُ اللَّهِ ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لِدَلِّكَ ، فَأَعْلَمْتُهُمْ أَنَّ اللَّهَ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ خَمْسَ صَلَوَاتٍ فِي كُلِّ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لِدَلِّكَ ، فَأَعْلَمْتُهُمْ أَنَّ اللَّهَ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ صَدَقَةً فِي أَمْوَالِهِمْ ، تُؤْخَذُ مِنْ أَعْيَانِهِمْ ، وَتُرَدُّ عَلَى فُقَرَائِهِمْ ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маоз разияллоҳу анҳуни Яманга юбора туриб: «Уларни (Яман аҳлини) Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиғига ва менинг Оллоҳнинг Расули эканлиғимга гувоҳлик бермоққа даъват этгил! Агар даъватингни қабул айласалар, унда Оллоҳ таоло ҳар кеча-кундузда беш вақт намоз ўқимоқни фарз қилганини ҳам айтгил! Агар буни ҳам қабул этсалар, унда Оллоҳ таоло бой кишиларнинг мол-дунёсидан садақалар (закотлар) олиб, фақирларга қайтариб бермоқни ҳам фарз қилганини маълум айлағил!» — деб айтдилар».

652 . عَنْ أَبِي أَيُّوبَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَجُلًا قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَخْبِرْنِي بِعَمَلٍ يَدْخِلُنِي الْجَنَّةَ . قَالَ : مَالَهُ مَالَهُ . وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَرَبٌ مَا لَهُ ، تَعْبُدُ اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا ، وَتُقِيمُ الصَّلَاةَ ، وَتُؤْتِي الزَّكَاةَ ، وَتَصِلُ الرَّحِمَ ) .

*Абу Аюуб разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир киши: «Не қилсам, жаннатга кирғайман, менга ўргатингиз!»—деди. Одамлар: «Не иши бор эркан, не иши бор эркан?»—деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Бир иш бирлан келибдир»,— деб жавоб бердилар. Кейин, бояги одамга қараб: «Оллоҳ таолога ибодат айлағайсен, унга ҳеч нарсани ширк келтирмағайсен, намоз ўқиб, закот берғайсен ва қариндошларингга оқибатли бўлғайсен!» — дедилар».

653 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ أَعْرَابِيًّا أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : دُلَّنِي عَلَى عَمَلٍ إِذَا عَمَلْتُهُ دَخَلْتُ الْجَنَّةَ ؟ قَالَ : ( تَعْبُدُ اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا ، وَتُقِيمُ الصَّلَاةَ الْمَكْتُوبَةَ ، وَتُؤَدِّي الزَّكَاةَ الْمَفْرُوضَةَ ، وَتَصُومُ رَمَضَانَ ) . قَالَ : وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَا أَزِيدُ عَلَى هَذَا ، فَلَمَّا وُلِيَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ سَرَّهُ أَنْ يَنْظُرَ إِلَى رَجُلٍ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ ، فَلْيَنْظُرْ إِلَى هَذَا ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Бир аъробий (бадавий) Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Менга бир ишни ўргатингизки, уни бажариб мен жаннатга кирайин!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳга ибодат айлаб, унга ҳеч нарсани ширк келтирмағайсен, буюрилган беш вақт намозни ўқиғайсен, фарз қилинган закотни адо этғайсен ва рамазонда рўза тутғайсен!»—дедилар. Аъробий: «Жону таним қўлида бўлган Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, шу айтганларингиздан ошириб юбормағаймен!»—деди. У киши қайтиб кетгач, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким жаннати одамни кўриб, хурсанд бўлмоқни истаса, шул кишига қарасин!» — дедилар».

*Абу Ҳайён:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам хусусларидаги мазкур ҳадисни менга Абу Зуръа айтиб берган эрди»,— дейдилар.

*Абу Жамрага Ибн Аббос бундай деб айтган эрканлар:* «Абд ул-Қайснинг (қабиланинг) вакиллари Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, «Ё Расулulloҳ, анави Рабийъа қавми — зараркунанда кофирлар сиз бирлан бизнинг ўртамизда раҳна бўлиб туришибдир, биз муҳаррам ойидагина сизнинг олдингизга кела олурмиз. холос. Бизга буюрингиз, айтганларингизни ўрганиб, ўзимиз ҳам бажарайлик, уйимизга қайтиб боргач, қавму қариндошларимизга ҳам ўргатайлик!»—деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ бундай деб амр қилдилар: «Сизларга тўрт нарсани буюриб, тўрт нарсани манъ қилғаймен. Калимаи шаҳодат (ло илоҳа илла-л-лоҳ) айтиб, Оллоҳга иймон келтирингиз (қўлларини мушт этиб, кўрсаткич бармоқлари бирлан мана бундай қилиб ишора айладилар), намоз ўқингиз, закот берингиз ва қўлга киритган ўлжангизнинг бешдан бир қисмини улашингиз! Сизларга дуббо, ҳантам, нақийр ва зафтни манъ қилғайдирмен!»

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу

алайҳи ва саллам вафот этиб, Абу Бакр разияллоҳу анҳу халифа бўлганларида айрим араб қавмлари исломдан тондилар. Шунда Умар разияллоҳу анҳу бундай деган эрдилар: «Одамлар (кофирларга қарши) нечук урушмоқдалар? Ахир, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менга Оллоҳ таоло томонидан одамлар «Ло илоҳа илла-л-лоҳ» демагунларича уруш қилмоқ буюрилди, кимки шундоқ деса, молу жонини мендан омон сақлаб қолғайдир, бошқа гуноҳлари учун эрса, Оллоҳ таоло даргоҳида жавоб берғайдир»,— деганлар-ку!»

*Абу Бакр:* «Оллоҳга қасам ичурменким, намоз бирлан закотни фарқлаган (яъни, бирининг иккинчисидан аҳамияти ортиқроқ ёким камроқ деган) кишига қарши жанг қилғаймен, чунким закот ислом йўлида қилинадирган хайр-эҳсондир. Агар Жаноб Расулulloҳга (бева-бечораларга тарқатмоқ учун) олиб келинаётган эчкилардан биттаси кам бўлса ҳам, худо ҳаққи, жанг қилғайдирмен!» — дейдилар. Ҳазрат Умар: «Оллоҳ таоло Абу Бакрнинг қалбига қанчалар шижоат ато этгандир! Мен унинг ҳақ эканлигини тушунғайдирмен»,— дейдилар.

### 99-боб. Закот бераман, деб байъат қилмоқ

Оллоҳ таоло бу хусусда: «Агар тавба қилиб, намоз ўқисалар ва закот берсалар, сизнинг диндош биродарларингиздирлар»,— дейдир.

*Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга, намоз ўқиғайдирмен, закот берғайдирмен ва ҳар бир мусулмонга (бу ҳақда) насиҳат қилғайдирмен, деб байъат (қасам) қилдим»,— дейдилар.

### 100-боб. Закот бермайдирган (одам) нинг гуноҳи

Оллоҳ таоло бу хусусда бундай дейдир: «Ҳазина-ҳазина тилла ва қумушлар жамлаб, Оллоҳ йўлида сарф қилмайдирганларни қиёмат куни бериладирган қаттиқ азобдан огоҳ қилингизлар! Ўшал куни бутун жамлаган хазиналари жаҳаннам ўтида қиздирилиб, у бирлан хазина соҳибининг пешонаси, икки биқини ва орқаси дазмол қилинғайдир. Жамлаган мол-дунёингизнинг сизга кўрсатадирган оқибати мана шул бўлур. Қиёмат куни жамлаган хазиналарингизнинг мазасини бир татиб кўрингиз-чи!»

654 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( تَأْتِي الْإِبِلُ عَلَى صَاحِبِهَا عَلَى خَيْرِ مَا كَانَتْ ، إِذَا هُوَ لَمْ يُعْطِ فِيهَا حَقَّهَا تَطَّأَهُ بِأُخْفَافِهَا ، وَتَأْتِي الْعَنَمُ عَلَى صَاحِبِهَا عَلَى خَيْرِ مَا كَانَتْ إِذَا لَمْ يُعْطِ فِيهَا حَقَّهَا ، تَطَّأَهُ بِأُظْلَافِهَا ، وَتَنْطَحُهُ بِقُرُونِهَا ، وَقَالَ : وَمَنْ حَفَّهَا أَنْ تُحَلَبَ عَلَى الْمَاءِ ) .

قال : ( وَلَا يَأْتِي أَحَدُكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِشَاةٍ يَحْمِلُهَا عَلَى رَقَبَتِهِ لَهَا يُعَارُ ، فَيَقُولُ : يَا مُحَمَّدُ ، فَأَقُولُ : لَا أَمْلِكُ لَكَ مِنْ اللَّهِ شَيْئًا قَدْ بَلَّغْتُ ، وَلَا يَأْتِي بَعِيرٍ يَحْمِلُهُ عَلَى رَقَبَتِهِ لَهُ رُغَاءٌ ، فَيَقُولُ : يَا مُحَمَّدُ ، فَأَقُولُ : لَا أَمْلِكُ لَكَ مِنْ اللَّهِ شَيْئًا قَدْ بَلَّغْتُ ) .

*Абу Ҳурайра ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки туяси кўп бўлатуриб, закот бермаган эрса, қиёмат куни энг семиз туяси келиб, уни тепкилағайдир, агар қўйи кўп бўла туриб, закот бермаган эрса, энг семиз (бақувват) қўйи келиб, уни туюқлари бирлан тепкилаб, шохлари бирлан сузғайдир»,— дедилар («Уларни сув бўйига олиб бориб суғормоқ ҳам закотдир»,— дейдилар Имом Бухорий). Жаноб Расулulloҳ яна бундай дедилар: «Қиёмат куни қайси бирингиздир елкангизда маъраб турган қўй кўтариб келиб: «Эй, Мухаммад!» — дерсиз. Шунда мен: «Сен учун ҳеч нарса қилолмасман, мен илгари айтгандим»,— дерман. Кейин, биттангиз елкангизда бўкириб турган туя кўтариб келиб: «Эй Мухаммад!» — дерсиз. Шунда мен: «Сен учун ҳеч нарса қилолмасман, мен илгари айтгандим»,— дерман».



655 . . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ( مَنْ آتَاهُ اللَّهُ مَالًا ، فَلَمْ يُؤَدِّ زَكَاتَهُ ، مَثَلٌ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَجَاعًا أَقْرَعَ لَهُ زَبَيْتَانِ ، يَطْوِفُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ، ثُمَّ يَأْخُذُ بِلَهْزِمِيهِ ، يَعْنِي بِشِدْقِيهِ ، ثُمَّ يَقُولُ : أَنَا مَالِكٌ ، أَنَا كَنْزُكَ ، ثُمَّ تَلَا : ﴿ وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَبْخُلُونَ ﴾ . الآية .

*Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимга Оллоҳ таоло мол-дунё берган бўлса-ю, у закот бермаган бўлса, жамғарган бойлиги қиёмат куни илон шаклига кириб, эгасининг танасига ўралиб олиб чақғайдир, сўнг: «Мен мол-дунёингдирман, мен хазинангдирман» — деб айтғайдир»,— дедилар. Кейин, «Хасислик қилғувчилар ўйламасинларким...» деган оятни ўқидилар».

### 101-БОБ. ЗАКОТИ БЕРИЛГАН БОЙЛИК ХАЗИНА ЭМАС!

*Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу хусусда:* «Молингиз беш уққадан (6,240 кг дан) кам бўлса, садақа лозим эрмас»,— деганлар.

*Холид ибн Аслам ривоят қиладилар:* «Бир куни Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу бирлан бирга (кўчага) чиқдик. Шунда бир аъробий (бадавий): «Оллоҳ таолонинг «Тилла ва кумушларни тўплаб, хазина қилиб, Оллоҳ йўлида сарф қилмайдирган шахслар...» деган оятини менга тушунтириб берингиз!»— деди. Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Ким бойлик (мол-дунё) тўплаб, закот бермаса, унинг ҳолига войдир! Оллоҳ таоло закотни фарз деб буюриб, уни бойликни ҳалолловчи восита қилди»,— дедилар».

656 . . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَيْسَ فِيمَا دُونَ خَمْسِ أَوْاقٍ صَدَقَةٌ ، وَلَيْسَ فِيمَا دُونَ خَمْسَةِ دُونِ صَدَقَةٍ ، وَلَيْسَ فِيمَا دُونَ خَمْسَةِ أَوْسُقٍ صَدَقَةٌ ) .

*Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Оғирлиги беш уққадан (6,240 кг дан) кам (сочилувчан бўлмаган) нарсалар учун, сони бештадан оз қўй, эчки, мол, от, туя каби ҳайвонлар учун ҳамда беш авсақдан (тахм. 720 кг дан) енгил (сочилувчан) нарсалар учун садақа (закот) берилмағайдир».

*Зайд ибн Ваҳб ривоят қиладилар:* «Рабза деган ердан ўтиб кетаётган эрдим, Абу Заррни учратиб қолиб, унга: «Не сабабдин уйингизни тарк этиб, бу ерларда юрибдирсиз?» — дедим. Абу Зарр менга бундай дедилар: «Шомга борган эрдим, Оллоҳ таолонинг, «Тилла ва кумушларни тўплаб, хазина қилиб, Оллоҳ йўлида сарф қилмайдирган шахслар...» деган ояти ҳақида Муовия бирлан тортишиб қолдим. Муовия: «Бу оят аҳли китоблар учун нозил бўлган»,— деди. Мен: «Бу оят барчамизга, биз учун ҳам, улар учун ҳам нозил бўлган»,— дедим. Кейин, шу тариқа тортишиб қолдик. У киши мендан шикоят қилиб, Усмон разияллоҳу анҳуга мактуб юборди. Усмон менга: «Мадинага келғил!» — деб хат ёзувди, мен бордим. Шунда одамлар гўё мени илгари кўрмагандек қўршаб олишиб, нега келганлигимнинг боисини суриштира кетдилар. Мен бу ҳодисани Усмонга айтдим. У киши: «Агар сиз раво кўрсангиз, шаҳар чеккасидан жой берсаму ўшал ерда турсангиз, бизнинг кўнглимизни хушнуд этган бўлардингиз!»— деди. Мана шу сабабли мен шу ерданман, агар менга ҳабаш қулни раҳбар қилиб қўйсалар, мен унга қулоқ солиб, итоат қилган бўлур эрдим».

*Аҳнаф ибн Қайс ривоят қиладилар:* «Қурайш қабиласига мансуб бир гуруҳ одамлар бирлан ўтирган эрдим. Шунда сочлари тўзғиган, кийимлари йиртиқ, жуссаси қўпол бир одам келиб ўтирганларга салом берди-да: «Мол-дунё йиғувчиларга айтиб қўйингиз, уларнинг баданларига жаҳаннам ўтида қиздирилган тош босилғайдир!»

Қиздирилган тош аввал эмчаги учига қўйиб босилғайдир, курагидан тешиб чиқғайдир, кейин курагига қўйиб босилғайдир, эмчаги учидан тешиб чиқғайдир. Шунда тош титраб, қалтираб турар»,— деди. Кейин, бир устуннинг тагига бориб ўтирди, мен ҳам унга эргашиб, ёнига бориб ўтирдим, лекин ким эканини билмайман. Мен унга: «Сизнинг айтган сўзларингиз, назаримда, одамларга ёқмади»,— дедим. Бояги киши: «Уларнинг ҳеч нарсага ақли етмағайдир, буни менга дўстим айтган эрди»,— деди. «Дўстингиз ким?» — деб сўрадим мен. Бояги одам: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам!» — деб жавоб берди-да, кейин бўлган воқеани ҳикоя қила кетди: «Бир куни Жаноб Расулulloҳ менга: «Эй Абу Зарр, Уҳудни (тоғни) кўриб турибдирсанми?» — дедилар. Шунда мен, бир ёққа иш бирлан юбормоқчилар шекилли, деб ўйлаб, Қуёшга қараб куннинг қолган қисмини чамаладим-да, «Ҳа»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг Уҳуд тоғидек тиллам бўлса, бир кунлик ҳожатимга уч динор олиб қолиб, қолганини Оллоҳ йўлида сарф қилур эрдим!» — дедилар». Абу Зарр ҳикоясини шу ерда тўхтатиб, менга: «Анавилар ўйламай-нетмай мол-дунё тўплаб ётибдирлар, худо ҳаққи, мен Оллоҳ таолонинг даргоҳига боргунимча ҳам улардан бойлик талаб қилмасман ва маслаҳат ҳам сўрамасман!» — деди».

### 102-боб. Бойликни тўғри сарф қилмоқ ҳақида

*Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир кишига бундоқ деганларини эшитган эрдим: «Фақат икки нарсага ҳасад (ҳавас) қилмоқ мумкин: бири — Оллоҳ таоло бир кишига мол-дунё берса-ю, у ўз бойлигини эзгу йўлда сарфлаб тугатса, иккинчиси — Оллоҳ таоло бир кишига илму ҳикмат ато этса-ю, у билимидан тўғри фойдаланиб, бошқаларга ҳам ўргатса».

### 103-боб. Садақани миннат қилмоқ ҳақида

Оллоҳ таоло бу хусусда қуйидаги оятни нозил қилган: «Эй иймон келтирган бандалар, берган садақаларингизни (одамларга) миннат қилиб ва озор бериб, йўққа чиқармангиз...» («ал-кофирийн» деган жойигача ўқингиз).

### 104-боб. Ҳаром йўл бирлан топилган бойликдан қилинган садақани Оллоҳ таоло қабул қилмайдир, ҳалол касб туфайли топилган бойликдан қилинган садақанигина қабул қилади

Оллоҳ таоло бу хусусда: «Кетидан озор эргаштириб келадирган садақадан кўра, кўнгилни кўтарадирган ва мағфиратли сўз афзалдир. Оллоҳ бой ва кўнгилчандир!» — дейди.

### 105-боб. Ҳалол йўл бирлан топилган бойликдан қилинадирган садақа ҳақида

Оллоҳ таоло бу хусусда бундай дейди: «...(Оллоҳ таоло) садақаларни боқиб катта қилғайдир (берилган садақага баракот ато этиб, кўпайтириб, эгасига қайтарғайдир), Оллоҳ таоло ҳар бир осий кофирни ёмон кўрғайдир, аммо иймон келтирган, яхшиликлар қилган, намоз ўқиган ва закот берган бандаларга Оллоҳ таоло мукофотлар инъом қилғайдир, аларга ҳеч қандайин хавфу хатар йўқдир, алар ғам чекмағайдирлар».

657 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ تَصَدَّقَ بِعَدْلِ تَمْرَةٍ مِنْ كَسْبِ طَيِّبٍ ، وَلَا يَقْبَلُ اللَّهُ إِلَّا الطَّيِّبَ ، فَإِنَّ اللَّهَ يَتَقَبَّلُهَا يَمِينَهُ ، ثُمَّ يُرِيهَا لِصَاحِبِهَا كَمَا يُرِي أَحَدُكُمْ فُلُوهُ ، حَتَّى تَكُونَ مِثْلَ الْجَبَلِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу

алайҳи ва саллам: «Кимки ҳалол касб қилиб, бир дона хурмочалик садақа қилғайдир, Оллоҳ таоло уни бажонудил қабул этғайдир, сўнг сизлар тойчоқни қандоқ боқиб улғайтирсангиз, Оллоҳ таоло ҳам берган садақангизни тоғ баробаринда қилиб, ўзингизга қайтарғайдир»,— дедилар».

### 106-боб. Садақани рад қиладирган даврлар келмасидан олдин садақа бериб қолмоқ тўғрисида

658 . عَنْ حَارِثَةَ بْنِ وَهَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( تَصَدَّقُوا ، فَإِنَّهُ يَأْتِي عَلَيْكُمْ زَمَانٌ ، يَمْشِي الرَّجُلُ بِصَدَقَتِهِ فَلَا يَجِدُ مَنْ يَقْبَلُهَا ، يَقُولُ الرَّجُلُ : لَوْ جِئْتُ بِهَا بِالْأَمْسِ لَقَبِلْتَهَا فَأَمَّا الْيَوْمَ فَلَا حَاجَةَ لِي بِهَا ) .

*Ҳориса ибн Ваҳб:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитгандирман»,— дейдилар: «Садақа қилиб қолингиз, чунким садақангизни оладирган одам топилмайдирган даврлар келғайдир, ўшанда бирор кишига садақа олиб борсангиз, «Кеча келганинда сўзсиз қабул қилғай эрдим, аммо бугун унга менинг ҳеч қандоқ ҳожатим йўқдир»,— дейдилар».

659 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا تَقُومُ السَّاعَةُ حَتَّى يَكْثُرَ فِيكُمْ الْمَالُ ، فَيَفِضَ حَتَّى يَهْمَ رَبُّ الْمَالِ مَنْ يَقْبَلُ صَدَقَتَهُ ، وَحَتَّى يَعْزِضَهُ فَيَقُولَ الَّذِي يَعْزِضُهُ عَلَيْهِ لَا أَرَبَ لِي ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мол-дунёнгиз тўлиб-тошиб кетмагунча қиёмат бўлмағайдир. Шундоқ даврлар келғайдирким, ҳатто бадавлат одам кимга садақа бермоғин билмай қолиб, дуч келган одамга садақа тутаверғайдир, бироқ «Менинг муҳтожлигим йўқдир» деб ҳеч ким олмағайдир»,— дедилар».

660 . عَنْ عَدِيِّ بْنِ حَاتِمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كُنْتُ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَجَاءَهُ رَجُلَانِ ، أَحَدُهُمَا يَشْكُو الْعِيْلَةَ ، وَالْآخَرُ يَشْكُو قَطْعَ السَّبِيلِ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَمَّا قَطْعُ السَّبِيلِ : فَإِنَّهُ لَا يَأْتِي عَلَيْكَ إِلَّا قَلِيلٌ حَتَّى تَخْرُجَ الْعِيرُ إِلَى مَكَّةَ بَعِيرٍ خَفِيرٍ ، وَأَمَّا الْعِيْلَةُ : فَإِنَّ السَّاعَةَ لَا تَقُومُ حَتَّى يَطُوفَ أَحَدُكُمْ بِصَدَقَتِهِ ، لَا يَجِدُ مَنْ يَقْبَلُهَا مِنْهُ ، ثُمَّ لِيَقْفَنَ أَحَدُكُمْ بَيْنَ يَدَيِ اللَّهِ ، لَيْسَ بَيْنَهُ وَبَيْنَهُ حِجَابٌ وَلَا تَرْجُمَانٌ يُتْرَجَمُ لَهُ ، ثُمَّ لِيَقُولَنَّ لَهُ : أَلَمْ أُوتِكَ مَالًا ؟ فَلِيَقُولَنَّ : بَلَى ، ثُمَّ لِيَقُولَنَّ : أَلَمْ أُرْسِلْ إِلَيْكَ رَسُولًا ؟ فَلِيَقُولَنَّ : بَلَى ، فَيَنْظُرُ عَنْ يَمِينِهِ فَلَا يَرَى إِلَّا النَّارَ ، ثُمَّ يَنْظُرُ عَنْ شِمَالِهِ فَلَا يَرَى إِلَّا النَّارَ ، فَلْيَتَّقِينَ أَحَدُكُمْ النَّارَ وَلَوْ بِشِقِّ تَمْرَةٍ ، فَإِنْ لَمْ يَجِدْ فَبِكَلِمَةٍ طَيِّبَةٍ .

*Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эрдим, икки киши кириб келди. Улардан бири қашшоқлигидан, иккинчиси эрса, қароқчилардан шикоят қилди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай 'дедилар: «Йўлтўсарлар масаласига келсак, ҳатто карвон Маккага соқчиларсиз йўл олганда ҳам, сенга уларнинг зарари камроқ теккайдир, аммо қашшоқлик масаласига келсак, сизлар садақа бергайман деганингизда б'ирортангиз ҳам садақа олғувчи одамни қидириб тополмайдирган давр келмагунча қиёмат бўлмағайдир. Сўнг, қай бирингиздир Оллоҳ таолонинг қаршисида тик туриб жавоб берурсиз, ўртангизда парда ҳам, сўзингизни таржима қилиб турадирган тилмоч ҳам бўлмағайдир. Шунда Оллоҳ таоло: «Сенга мол-дунё ато қилмаганвди эрдим?!» — дейдилар. Банда: «Ҳа»,— деб жавоб берур. Сўнг, Оллоҳ таоло: «Сенга пайғамбар юбормаганми эрдим?!»—дейдилар. Банда: «Ҳа»,— деб жавоб берур. Кейин, банда ўнг томонига қарайдир, дўзахдан бошқа нарсани кўрмағайдир, сўнг чап томонига қарайдир, тагин дўзахдан ўзга нарсани кўрмағайдир. (Шунинг

учун) ҳар бирингиз лоақал яримта хурмо садақа қилиб, у ҳам бўлмаса, лоақал битта яхши сўз айтиб, ўзингизни дўзах ўтидан асрангиз!»

661 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لِيَأْتِيَنَّ عَلَى النَّاسِ زَمَانٌ يَطُوفُ الرَّجُلُ فِيهِ بِالصَّدَقَةِ مِنَ الذَّهَبِ ، ثُمَّ لَا يَجِدُ أَحَدًا يَأْخُذُهَا مِنْهُ ، وَيُرَى الرَّجُلَ الْوَّاحِدَ يَتَّبِعُهُ أَرْبَعُونَ امْرَأَةً يُلْذَنَ بِهِ ، مِنْ قِلَّةِ الرِّجَالِ وَكَثْرَةِ النِّسَاءِ ) .

*Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Шундай замонлар келадирки, ўшанда киши тиллани садақа қилмаймен деса ҳам, садақа олгувчини қидириб тополмағайдир, аёлларнинг кўплиги ва эркакларнинг озлигидан қирқ аёл битта эркакнинг кетидан ялиниб юрғайдир».

### 107-боб. Яримта хурмо садақа қилиб бўлса ҳам ўзингизни дўзах ўтидан асрангиз! Озгина садақа ҳам садақадир!

Бу хусусда Оллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилган: «Мол-дунёсини Оллоҳ таолони ризо қилмоқ йўлида ва унга нисбатан бўлган ўз садақатини исбот этмоқ учун сарф қилғувчилар...» («ҳар бир мевалардан» деган сўзигача)».

*Абу Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Садақа ояти» нозил бўлгач, биз ҳаммоллик қилиб, топган пулимиздан садақа қилур эдик. Бир куни бир киши келиб, кўп нарса садақа қилди. Шунда мунофиқлар: «Ўзини кўрсатмоқ учун шундоқ қилаётир»,— дейишди. Кейин, бошқа бир киши келиб, бир соъ (тахминан 2,5 кг) хурмо садақа қилди. Мунофиқлар уни ҳам иғво қилиб: «Унинг бир соъ садақасига Оллоҳ таоло муҳтож эрмас»,— дейишди. Шунда: «Кўнгилдан чиқариб садақа қилғувчи мўъминлар устидан кулгувчилар ва пешона тери бирлан ишлаб топғувчилар...» деган оят нозил бўлди».

662 . عَنْ أَبِي مَسْعُودِ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَمَرَنَا بِالصَّدَقَةِ ، انْطَلَقَ أَحَدُنَا إِلَى السُّوقِ فَتَحَامَلَ فَيَصِيبُ الْمُدَّ ، وَإِنَّ لِبَعْضِهِمُ الْيَوْمَ لَهُ لِمِائَةِ أَلْفٍ .

*Абу Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга садақа қилмоқни буюрсалар, баъзи биримиз бозорга бориб ҳаммоллик қилур эрдик, кейин шундан тушган пулга бир муд (600 мисқол) овқат ёки хурмо сотиб олиб, бировга садақа қилур эрдик. Ҳозир эрса, айримларимизда 100 минг дирҳамгача пул бордир».

*Абдуллоҳ ибн Маъқил ривоят қиладилар:* «Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳунинг «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яримта хурмо садақа қилиб бўлса ҳам ўзингизни дўзах ўтидан сақлангиз!»—деб айтганлар» деганини эшитганман».

663 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : دَخَلَتْ امْرَأَةً مَعَهَا ابْنَتَانِ لَهَا تَسْأَلُ ، فَلَمْ تَجِدْ عِنْدِي شَيْئًا غَيْرَ تَمْرَةٍ ، فَأَعْطَيْتُهَا إِيَّاهَا ، فَفَقَسَمَتْهَا بَيْنَ ابْنَتَيْهَا وَلَمْ تَأْكُلْ مِنْهَا ، ثُمَّ قَامَتْ فَخَرَجَتْ ، فَدَخَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيْنَا ، فَأَخْبَرْتُهُ فَقَالَ : ( مَنْ ابْتُلِيَ مِنْ هَذِهِ الْبَنَاتِ بِشَيْءٍ كُنَّ لَهُ سِتْرًا مِنَ النَّارِ ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Бир аёл икки қизчасини етаклаб садақа сўраб кирди. Менда бир дона хурмодан бўлак ҳеч нарса бўлмагани учун ўша хурмони бердим. Уни икки қизалоғига бўлиб берди, ўзи емади, кейин ўрнидан туриб чиқиб кетди. Ўша куни Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг ҳужрамга кирдилар, мен бўлган воқеани айтиб бердим. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар қизчалардан бирортаси бирор дардга чалиниб, вафот этса, охиратда онасини дўзах ўтидан парда бўлиб тўсиб турғайдир»,—дедилар».

### 108-боб. Қандай садақа афзал эканлиги ва соғлом, хасис одамнинг садақаси ҳақида

Оллоҳ таоло бундай дейдир: «Эй мўъмин бандалар, ўлмасингиздан бурун биз сизларга ато этган ризқдан бошқаларга ҳам улашингиз!» ва «Эй иймон келтирган бандалар, савдо-сотик қилинмайдирган кун келмасидан бурун биз сизларга ато этган ризқдан бошқаларга ҳам улашингиз!»

664 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَيُّ الصَّدَقَةِ أَكْبَرُ أَجْرًا ؟ قَالَ : ( أَنْ تَصَدَّقَ وَأَنْتَ صَاحِبٌ شَحِيحٌ ، تَخْشَى الْفَقْرَ وَتَأْمُلُ الْغِنَى ، وَلَا تُمَهِّلُ حَتَّى إِذَا بَلَغَتْ الْخُلُقُومَ ، قُلْتَ : لِفُلَانٍ كَذَا وَلِفُلَانٍ كَذَا وَقَدْ كَانَ لِفُلَانٍ ) .

*Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир киши келиб: «Ё Расулulloҳ, қандай садақанинг савоби улғроқдир?» — деб айтди. Жаноб Расулulloҳ: «Сен ўзинг соғлом ва хасис эрсанг-у, камбағал бўлиб қолмоқдан қўрқиб ҳамда бой бўлмоқни орзу қилиб садақа қилсанг, ана шу садақангнинг савоби улғроқдир! Жонинг ҳалқумингга келмасидан бурун садақа қилиб қолғил! Кейин, «фалончига бунча, пистончига мунча бермоғим керак эрди»,— дерсан, бироқ, барча мол-дунёнг меросхўрга қолиб кетғусидир»,— дедилар».

### 109-боб.

665 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ بَعْضَ أَزْوَاجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قُلْنَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَيُّنَا أَسْرَعُ بِكَ لِحَوْقًا ؟ قَالَ : ( أَطْوَلُكُنَّ يَدًا ) . فَأَخَذُوا قَصَبَةً يَدْرَعُونَهَا ، فَكَانَتْ سَوْدَةً أَطْوَلَهُنَّ يَدًا فَعَلِمْنَا بَعْدُ : أَنَّهَا كَانَتْ طُولَ يَدِهَا الصَّدَقَةَ ، وَكَانَتْ أَسْرَعَنَا لِحَوْقًا بِهِ ، وَكَانَتْ تُحِبُّ الصَّدَقَةَ .

*Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан хотинларидан айримлари: «Қай биримиз сизга тезроқ етишғайдирмиз?» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Қай бирингизнинг қўлингиз узунроқ бўлса»,— дедилар. Шунда ўзлари экадирган шакарқамиш поясидан келтиришиб, бир-бирларининг қўлларини ўлчашди, Савданинг қўли бошқа хотинларининг қўлидан узунроқ бўлиб чиқди. Кейин, билсак, Жаноб Расулulloҳ «Энг қўли узун»,— деганларида, энг кўп садақа қилғувчи аёлни назарда тутган эрканлар. Ҳақиқатан ҳам, Савда Расулulloҳга тезроқ етишди, ўзи ҳам биздан кўра, кўпроқ садақа қилар эрди-да!»

### 110-боб. Ошкора садақа

Оллоҳ таоло бу хусусда кўйидаги оятни нозил қилган: «Ўз мол-дунёларини кечаю-кундуз хуфия ва ошкора садақа қилаётганлар...» («Улар ғам чекмағайдирлар» гача ўқингиз).

### 111-боб. Хуфия садақа

*Абу Хурайра разияллоҳу анҳу Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганларини ривоят қиладилар:* «Шундоқ одамлар бордирким, садақа қилганларини бировга билдирмағайдирлар, ҳатто ўнг қўллари қилган ишни чап қўллари билмай қолур. Оллоҳ таоло: «Агар ошкора садақа айласангиз, сизга шул садақангизчалик савоб теккайдир, агар фақирларга хуфия садақа айласангиз, кўпроқ савоб олғайдирсиз»,— дейдир».

### 112-боб. Бадавлат одамга билмай садақа берса...

666 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( قَالَ رَجُلٌ : لِأَتَصَدَّقَنَّ بِصَدَقَةٍ ، فَخَرَجَ بِصَدَقَتِهِ فَوَضَعَهَا فِي يَدِ سَارِقٍ ، فَأَصْبَحُوا يَتَحَدَّثُونَ : تُصَدِّقُ عَلَى سَارِقٍ ، فَقَالَ : اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ ، لِأَتَصَدَّقَنَّ بِصَدَقَةٍ ، فَخَرَجَ بِصَدَقَتِهِ فَوَضَعَهَا فِي يَدِ زَانِيَةٍ ، فَأَصْبَحُوا يَتَحَدَّثُونَ : تُصَدِّقُ اللَّيْلَةَ عَلَى زَانِيَةٍ ، فَقَالَ : اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ عَلَى زَانِيَةٍ ، لِأَتَصَدَّقَنَّ بِصَدَقَةٍ ، فَخَرَجَ بِصَدَقَتِهِ فَوَضَعَهَا فِي يَدِ غَنِيِّ ، فَأَصْبَحُوا يَتَحَدَّثُونَ : تُصَدِّقُ عَلَى غَنِيٍّ ، فَقَالَ : اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ عَلَى سَارِقٍ ، وَعَلَى زَانِيَةٍ ، وَعَلَى غَنِيٍّ ، فَأُتِيَ فَقِيلَ لَهُ : أَمَّا صَدَقَتُكَ عَلَى سَارِقٍ فَلَعَلَّهُ أَنْ يَسْتَعِفَّ عَنْ سَرِقَتِهِ ، وَأَمَّا الزَّانِيَةُ فَلَعَلَّهَا أَنْ تَسْتَعِفَّ عَنْ زِنَاهَا ، وَأَمَّا الْغَنِيُّ فَلَعَلَّهُ يَعْتَبِرُ ، فَيَنْفِقُ مِمَّا أَعْطَاهُ اللَّهُ ) .

*Абу Хурайра разияллоху анху: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бундай деб айтгандилар», — дейдилар: «Бир киши садақа берғайман, деб аҳд қилиб чиқиб, садақасини (билмай) бир ўғрининг қўлига тутқазиб юборди. Шунда одамлар ўғрига садақа берди, деб маломат қилдилар. Бояги киши: «Эй парвардигор-о, садақа бермоғим учун ўғрини бўлса ҳам менга рўпара қилганингга шукр!» — деди. Кейин, яна садақа олиб чиқиб, бир бузуқ аёлнинг қўлига берди. Одамлар яна маломат қилиб: «Бу кеча бузуқ аёлга садақа берди», — дейишди. Бояги киши: «Эй парвардигор-о, садақа бермоғим учун менга бузуқ аёлни бўлса ҳам рўпара қилганингга шукр!» — деди. Сўнг, яна садақа олиб чиқди-да, бир бойнинг қўлига бериб юборди. Одамлар: «Бойга садақа қилди», — деб уни яна гап қилдилар. Шунда у: «Эй парвардигор-о, ўғригами, бузуқ аёлгами, бойгами, садақа қилмоғимни менга насиб этганинг учун сенга шукр!» — деб айтди. Кейин, тушида унга: «Ўғри, берган садақанг туфайли, шояд, ўғриликдан қайтса, бузуқ аёл шояд тўғри йўлга кирса, бой эрса, шояд Оллоҳ таоло берган бойлигидан садақа қилмоқни ўрганса!» — деб айтилди».*

### 113-боб. Боласига билмай садақа берса...

667 . عَنْ مَعْنِ بْنِ يَزِيدَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : بَايَعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَا وَأَبِي وَجَدِّي رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، وَخَطَبَ عَلَيَّ فَأَنْكَحَنِي ، وَخَاصَمْتُ إِلَيْهِ : كَانَ أَبِي يَزِيدُ أَخْرَجَ دَنَانِيرَ يَتَصَدَّقُ بِهَا ، فَوَضَعَهَا عِنْدَ رَجُلٍ فِي الْمَسْجِدِ ، فَجِئْتُ فَأَخَذْتُهَا فَأَتَيْتُهُ بِهَا ، فَقَالَ : وَاللَّهِ مَا إِيَّاكَ أَرَدْتُ ، فَخَاصَمْتُهُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : ( لَكَ مَا نَوَيْتَ يَا يَزِيدُ ، وَلكَ مَا أَخَذْتَ يَا مَعْنُ ) .

*Маън ибн Язид разияллоху анху қуйидаги ҳадисни айтиб бердилар: «Мен, отам ва бобом Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламга байъат қилдик. Ул зот шахсан ўзлари совчилик қилиб, мени уйлантириб қуйдилар. Бир куни отам бир неча динорни (биров келиб олар, деб) масжидда ўтирган бир кишининг олдига қўйган эрдилар. Мен бориб ўша пулларни олиб, отамнинг олдиларига келдим. Шунда отам: «Бунинг сенга садақа қилмоқчи эмасдим», — дедилар. Мен воқеани Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламга айтиб бердим, Ул зоти олий: «Эй Язид, не ниятда садақа қилмоқчи бўлган эрсанг, ўшал ниятинг ўзингга (ёр бўлсин), эй Маън, сен не олган эрсанг, ўшал сеникидир!» — дедилар».*

### 114-боб. Ўнг қўли бирлан садақа бермоқ ҳақида

*Абу Хурайра разияллоху анху ривоят қиладилар: «Набий саллаллоху алайхи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло ўзининг соясидан бошқа соя бўлмайдирган куни (яъни қиёмат куни) етти кишини — одил имомни (ёки ҳар қандай раҳбарни), Оллоҳ таолога ибодат қилиб улғайган йигитни, масжидлардан кўнгил узолмайдирган*

кишини, Оллоҳни деб биров бирлан дўстлашган ҳамда Оллоҳни деб ундан узоқ лашган (кечган) кишини, гўзал бир мансабдор аёл яқинлик қилмоқни таклиф қилганда, «Мен Оллоҳ таолодан қўрқайман» деб таклифини рад этган кишини, ўнг қўли берган садақани чап қўли билмайдирган қилиб пинҳона ҳайр-эҳсон айлаган кишини ва хилватда ўтириб, Оллоҳ таолонинг зикрида дув-дув кўз ёши тўккан кишини ўз соясига олгайдир». *Ҳориса ибн Ваҳб ал-Хузобий*: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитгандим»,— дейдилар: «Садақа қилиб қолингиз, чунки шундоқ даврлар келгайдирким, одамлар кимга садақа бермоқни билмай, сарсон бўлур. Кимга садақа узатилса, ўшал: «Кеча олиб келганингизда олар эрдим, лекин бугун садақага эҳтиёжим йўқдир»,— дейдилар».

### 115-боб. Хизматчиси орқали садақа берган киши ҳақида

*Абу Мусо*: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам садақа бергувчилардандирлар»,— дейдилар.

668 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِذَا أَنْفَقَتِ الْمَرْأَةُ مِنْ طَعَامِ بَيْتِهَا ، غَيْرَ مُفْسِدَةٍ ، كَانَ لَهَا أَجْرُهَا بِمَا أَنْفَقَتْ ، وَلِزَوْجِهَا أَجْرُهُ بِمَا كَسَبَ ، وَلِلْخَازِنِ مِثْلُ ذَلِكَ لَا يَنْقُصُ بَعْضُهُمْ أَجْرَ بَعْضٍ شَيْئًا ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар*: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар аёл яхши ният бирлан ўз уйидаги егуликлардан садақа қилса, ўшал берган нарчасига яраша унга савоби бўлгайдир, ишлаб топиб келган эрига ҳам савоби теккайдир, шунингдек хазиначисига ҳам савоби бордир. Уларнинг барчаси барабар савоб олишгайдир, бириники биридан кам бўлмагайдир»,— деганлар.

### 116-боб. Ўзи муҳтож бўла туриб қилинган садақа садақа эрмас!

Ўзи ёки оиласи муҳтож бўлган ёхуд бировдан қарзи бўлган киши садақа бергандан кўра ва қул озод қилгандан кўра, аввал қарзини узмоғи лозим, чунки унинг хайру эҳсони барибир қабул бўлмагайдир. Бировларнинг молини сарф қилмоққа унинг ҳаққи йўқдир!

*Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу хусусда бундай деганлар*: «Ким бировнинг молини совурмоқ ниятида олса, Оллоҳ таоло ул бандани ҳалокатга маҳкум этгайдир, Аммо, сабр-тоқатлиги бирлан танилган ва муҳтож киши, бировдан қарзи бўлса ҳам, садақа қилмоғи мумкиндир». Чунончи, Абу Бакр. разияллоҳу анҳу ҳам шундай қилган эрдилар, Мадина ансорлари ҳам муҳожирларни шу тариқа кутиб олишганди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз бойлигини бекорга сарф қилмоқни манъ қилганлар, демак одам бировнинг молини ҳам совурмоққа ҳаққи йўқдир. Каъб разияллоҳу анҳу: «Ё Расулulloҳ, мен қатъий тавба қилганим туфайли барча бойлигимни Оллоҳ ва унинг Расули йўлида сарф қилмоқчиман»,— деганларида, Жаноб Расулulloҳ: «Молингдан бир қисмини ўзингга ҳам қолдирганинг яхшидир»,— дебдилар. Шунда Каъб: «Ҳайбардаги мулкимни ўзимга қолдиргайман»,— деб айтибдилар.

*Саъид ибн Мусаййаб Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитган эрканлар*: «Ўзидан орттириб қилинган садақа энг яхши садақадир, шунинг учун садақа бермоқни энг аввало оилангдан бошлағил!» (яъни, энг аввало оилангни таъминлағил).

669 . عَنْ حَكِيمِ بْنِ حَزَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الْيَدُ الْعُلْيَا خَيْرٌ مِنَ الْيَدِ السُّفْلَى ، وَأَبْدًا بِمَنْ تَعُولُ وَخَيْرُ الصَّدَقَةِ عَنْ ظَهْرِ عُنَى ، وَمَنْ يَسْتَعِفَّ يَعْفُهُ اللَّهُ ، وَمَنْ يَسْتَعِنَّ يُعْنِهِ اللَّهُ ) .

*Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу*: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганлар»,— дейдилар: «Кўтарилган қўл, туширилган қўлдан яхшироқдир

(кўтарилган қўл — ишлаб боқувчи қўл, туширилган қўл — тиламчи қўлдир)! Энг аввало оиланга садақа берғил (оилангни боқғил)! Ўздан орттириб қилинган садақа — энг яхши садақадир! Кимки тавба қилғайдир, Оллоҳ таоло уни кечирғайдир, кимки бойлик тилағайдир, Оллоҳ таоло унга бойлик ато этғайдир!»

670 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ وَهُوَ عَلَى الْمَنِيرِ ، وَذَكَرَ الصَّدَقَةَ وَالتَّعَفُّفَ وَالْمَسْأَلَةَ : ( الْيَدُ الْعُلْيَا خَيْرٌ مِنَ الْيَدِ السُّفْلَى ، وَأَبْدَأُ بِمَنْ تَعُولُ ، وَخَيْرُ الصَّدَقَةِ عَنْ ظَهْرِ غَنَى ، وَمَنْ يَسْتَعْفِفْ يُعِفَّهُ اللَّهُ ، وَمَنْ يَسْتَغْنِ يُغْنِهِ اللَّهُ ) .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарда туриб садақа ва поклик тўғрисида эслатиб ўтдилар, сўнг: «Кўтарилган қўл туширилган қўлдан афзалдир, яъни кўтарилган қўл ишлаб боқувчи, туширилган қўл эрса, тиламчи қўлдир!» — дедилар».

### 117-БОБ. Берган содақасини миннат қилгувчилар тўғрисида

Оллоҳ таоло бу хусусда қуйидаги ояти каримани нозил қилган: «Ўз бойликларини Оллоҳ йўлида садақа айлаб, кейин кетидан миннат қилмайдирган ва озор бермайдирган бандалар...»

### 118-БОБ. Ўз вақтидан кечиктирмай садақа қилмоққа ошиққан киши хусусида

*Уқба ибн ал-Ҳарас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имомлик қилиб намози аср ўқидилар. Кейин, шошилиб уйларига кириб кетиб, бир оз ўтмай қайтиб чиқдилар. Мен ёки орамиздан кимдир бунинг боисини сўрадик. Жаноб Расулulloҳ: «Садақа қилғайман, деб уйда бир оз тилла олиб қўйган эрдим, тунни бирлан унинг уйда қолмоғини истамадим, шуни ҳозир одамларга улашиб келдим»,— дедилар».

### 119-БОБ. Садақа беришга ундаш ва шафқат (ёрдам) қилиб садақа қилмоқ ҳақида

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ҳайит куни Жаноб Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга чиқиб, икки ракъат намоз ўқидилар, илгари ҳам, кейин ҳам бундай намоз ўқимаган эрдилар. Сўнг, аёлларга ўгирилиб, ваъз айтдилар (ёнларида Билал ҳам турган эрди), уларни садақа бермоққа ундадилар. Шунда аёллар билагузук ва тақинчоқларини (Билалнинг этагига) ташлай бошлашди».

671 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا جَاءَهُ السَّائِلُ أَوْ طَلِبَتْ إِلَيْهِ حَاجَةٌ قَالَ : ( اشْفَعُوا تُؤَجَّرُوا ، وَيَقْضِي اللَّهُ عَلَى لِسَانِ نَبِيِّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا شَاءَ ) .

*Абу Бурда ибн Абу Мусо оталари Абу Мусо разияллоҳу анҳудан қуйидаги ҳадисни эшитган эрканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бирор киши садақа ёким бошқа нарса сўраб келса, «Ёрдам (шафқат) қилингизлар, савоб топғайдирсизлар!» — дер эрдилар. Оллоҳ таоло ўз Расули саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тилларидан ўзи истаганча айттириб, садақа қилдирар эрди».

672 . عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَتْ : قَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا تُوكِي فَيُوكِي عَلَيْكَ . وَفِي رِوَايَةٍ ( لَا تُحْصِي فَيُحْصِي اللَّهُ عَلَيْكَ ) . وَفِي رِوَايَةٍ ( لَا تُوعِي فَيُوعِي اللَّهُ عَلَيْكَ ، أَرْضَحِي مَا اسْتَطَعْتَ ) .



*Асмо разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Саховат йўлини беркитмағил, Оллоҳ таоло ҳам сенинг учун саховат йўлини беркитмағайдир» деб айтганлар»,— дейдилар.

Усмон ибн Абу Шайба: «Кимга не берганингни санамағил, Оллоҳ таоло ҳам сенга санаб ризқ берғайдир»,— дейдилар.

### **120-боб. Қурби етганча садақа қилмоқ ҳақида**

*Аббод ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр ривоят қиладилар:* «Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳо Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига борганларида, ул зот «Мумсиклик қилмағил, Оллоҳ таоло ризқингни қирқғайдир, қурбинг етганича садақа қилиб турғил!» — деган эрканлар».

### **121-боб. Садақа гуноҳларни ювғайдир!**

*Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Умар разияллоҳу анҳу: «Қай бирингиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фитна ҳақида айтган ҳадисларидан бирортасини билурсиз?» — деб сўрадилар. Шунда мен: «Жаноб Расулуллоҳ қандоқ айтган бўлсалар, шундоқлигича эслаб қолганман»,— дедим. Ҳазрат Умар: «Сен ул киши бирлан бемалол сўзлаша олар эрдинг, қани айтғил-чи, не деганлар?» — дедилар. Шунда мен: «Барча фитна кишининг ўз хотини, болалари ва қўшнисидан чиқғайдир, уни садақа бермоқ, намоз ўқимоқ ва амри маъруф (лхшилиғ) қилмоқ бирлан даф этғайдирлар» деб айтганлар»,— дедим.

Ҳузайфа ҳадис айтганда, «Фитна — намоз ўқимоқ, Садақа бермоқ ва-л-амр бил-маъруф (яъни, Ислом шариатида машҳур бўлган амали солиҳларни бажармоқни буюрмоқ) бирлан даф қилинғайдир» деб ҳам айтарди»,— дейдилар муҳаддислардан бири Сулаймон разияллоҳу анҳу.

Ҳазрат Умар: «Мен буни назарда тутганим йўқдир, мен денгиз тўлқинлари янглиғ мавж урадирган фитна ҳақида сўрамоқчи эрдим»,— дедилар. Мен: «Эй Амир ал-мўъминин, ундай фитнадан сиз хавотир олмасангиз ҳам бўлур, сиз бирлан унинг орасидаги эшик ёпиқдир»,— дедим. Ҳазрат Умар: «Ўша эшик синдирилғаймидир ёким ўзи очилғаймидир?»—деб сўрадилар. Мен: «Балки, синдирилғайдир»,— дедим. Ҳазрат Умар: «Агар синдирилса, абадулабад қайтиб ёпилмас»,—дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим». *Абу Воил бундай дейдилар:* «Биз Ҳузайфадан ўшал эшик ҳақида сўрашга ботина олмай, Масруққа: «Сиз сўрангиз!» — деб айтдик. Масруқ сўраган эрдилар, Ҳузайфа: «Ўшал эшик Умар разияллоҳу анҳунинг' ўзларидирлар»,— деб жавоб қилдилар. Шунда биз Ҳузайфага: «Ҳазрат Умар кимни назарда тутганингизни билдиларми?»— дедик. Ҳузайфа: «Ҳа, эртанги кун келмоғидан олдин тун бўлмоғини билганларидек яхши билғайдирлар. Мен ул кишига бир ҳадис айтиб берганман, шу боисдан мен кимни назарда тутганимни билмоқлари шубҳасиз»,— дедилар».

### **122-боб. Мушриклигида садақа қилиб, кейин мусулмон бўлган киши хусусида**

673 . عَنْ حَكِيمِ بْنِ حِزَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَأَيْتَ أَشْيَاءَ كُنْتُ أَتَحَثُّ بِهَا فِي الْجَاهِلِيَّةِ مِنْ صَدَقَةٍ أَوْ عِتَاقَةٍ وَصِلَةٍ رَحِمٍ ، فَهَلْ فِيهَا مِنْ أَجْرٍ ؟ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَسَلِمْتَ عَلَى مَا سَلَفَ مِنْ خَيْرٍ ) .

*Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир куни Жаноб Расулуллоҳдан: «Ё Расулуллоҳ, мен жоҳилия даврида (исломдан аввалги даврда) садақа айлаб, қулларга озодлик бериб, қариндош-уруғларимга оқибат қилиб юрғай эрдим, бунинг менга савоби бормидир?» — деб сўрадим. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Илгари қилган яхшиликларинг устига яна мусулмон ҳам бўлдинг!» — деб

жавоб қилдилар».

### **123-боб. Ҳалол хўжайиннинг буйруғига биноан садақа берган хизматчига тегадирган савоб ҳақида**

*Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламГ «Агар аёл яхши ният бирлан эри ишлаб топиб келган егуликлардан садақа қилса, ўзига ҳам, ишлаб топиб келган эрига ҳам савоб теккайдир, шунингдек, хазиначиси ҳам савобсиз қолмағайдир»,— деб айтганлар».

674 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الْحَازِنُ الْمُسْلِمُ الْأَمِينُ الَّذِي يَنْفِدُ ، - وَرَبَّمَا قَالَ : يُعْطِي - مَا أَمَرَ بِهِ ، كَامِلًا مُؤَفَّرًا طَيِّبًا بِهِ نَفْسُهُ ، فَيَدْفَعُهُ إِلَى الَّذِي أَمَرَ لَهُ بِهِ أَحَدَ الْمُتَصَدِّقِينَ ) .

*Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: Буюрилган нарсани тўла-тўқис бажарадирган («берадиган», деб айтган бўлишлари ҳам мумкин) ишончли мусулмон хазиначи «Садақа бериб юборғил!» дейилганда мамнуният бирлан садақа бериб юборғайдир. Шу боисдан у ҳам садақа қилғувчилардан биридир!»

### **124-боб. Тиламчига эрининг уйдан эзгу ниятда садақа олиб чиқиб берган ёки унинг қорнини тўйғизган аёлга тегадирган савоб ҳақида**

*Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганлар: «Агар аёл яхши ниятда эрининг уйдан садақа олиб чиқиб берса...» (юқоридаги ривоят такрорланган).

*Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар аёл яхши ниятда эрининг уйдаги егуликлардан олиб чиқиб, тиламчининг қорнини тўйғизса, ўзига ҳам, эрига ҳам, шунингдек, хазиначига ҳам савоб теккайдир. Эрига ишлаб топиб келгани учун, унга (аёлга) эрса, садақа бергани учун савоб теккайдир»,— деганлар».

*Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар аёл эзгу ниятда эрининг уйдаги егуликлардан тиламчига садақа қилса, унга ҳам, эрига ҳам, шунингдек хазиначига ҳам савоб теккайдир. Эрига ишлаб топиб келгани учун, унга (аёлга) садақа бергани учун савоб теккайдир»,— деганлар».

### **125-боб.**

Оллоҳ таоло бундай дейди: «Аммо, кимки (садақалар) берғайдир, (Оллоҳдан) тақво қилғайдир (қўрқғайдир) ва қилган яхшилиғига (Оллоҳ) яхшилиғ қайтармоғига ишонғайдир, биз унга фаровонликни муяссар этғайдирмиз, лекин кимки хасислик қилиб, бойиб кетган эрса ва (Оллоҳдан) яхшиликка яхшилиғ қайтмоғини ёлғон деса, биз унга қашшоқликни муяссар айлағайдирмиз!»

Эй, парвардигор, хайр-эҳсон қилғувчи бандангнинг бойлигини янада зиёда қилғайсен!

675 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَا مِنْ يَوْمٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ ، إِلَّا مَلَكَانِ يَنْزِلَانِ ، فَيَقُولُ أَحَدُهُمَا : اللَّهُمَّ أَعْطِ مُتَنَفِّعًا خَلْفًا ، وَيَقُولُ الْآخَرُ : اللَّهُمَّ أَعْطِ مُتَسَكِّيًا تَلْفًا ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Банда ҳар доим эрталаб уйғонганида, икки фаришта осмондан тушиб, улардан бири: «Ё парвардигор, хайр-эҳсон қилғувчи бандангнинг мол-дунёсини янада зиёда қилғайсен!»—дейди, иккинчиси эрса, «Ё парвардигор, мумсик (хасис) бандангнинг мол-дунёсига қирон келтирғайсен!» дейди»,— деганлар».

**126-боб. Садақа бергувчи ва бахил ҳақидаги мисоллар**

676 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( مَثَلُ الْبَخِيلِ وَالْمُنْفِقِ ، كَمَثَلِ رَجُلَيْنِ عَلَيْهِمَا جَبْتَانٌ مِنْ حَدِيدٍ ، مِنْ تَدْيِهِمَا إِلَى تَرَاقِيهِمَا ، فَأَمَّا الْمُنْفِقُ فَلَا يَنْفِقُ إِلَّا سَبَعَتْ ، أَوْ وَفَرَتْ عَلَى جِلْدِهِ حَتَّى تُخْفِيَ بَنَانَهُ ، وَتَعْفُوَ أَثَرَهُ . وَأَمَّا الْبَخِيلُ : فَلَا يَرِيدُ أَنْ يَنْفِقَ شَيْئًا إِلَّا لَزِقَتْ كُلُّ حَلْقَةٍ مَكَانَهَا فَهُوَ يَوْسَعُهَا وَلَا تَتَّسَعُ ) .

*Абу Хурайра разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар»,— деб ривоят қиладилар:* «Бахил ва садақа қилгувчи бўғзидан кўкрагигача темир жубба кийиб олган икки кишига ўхшағайдир. Саховатли киши садақа бермоғи бирланоқ жуббаси кенгайиб, ҳатто юз-қўлидаги темир излари йўқолғайдир. Аммо, бахил одам садақа қилмоқчи бўлиши бирланоқ жуббасининг ҳар бир ҳалқаси баданини тобора сиқа бошлағайдир, бахил ҳар қанча чиранмасин, жубба кенгаймағайдир» (мантиқ: сахий одам садақани ҳеч қийналмай, чин юракдан берғайдир, аммо хасис одам ўзини зўрлаб, минг азобда берғайдир).

**127-боб. Касб-ҳунар ва тижоратдан келадирган маблағдан қйлинадирган садақа ҳақида**

Оллоҳ таоло бундай дейдир: «Эй иймрн келтирган бандалар, пешона тери бирлан топган маблағларингиздан ва биз сизларга ердан ундириб бераётган неъматлардан садақа айлаб турунгиз!..» (оятнинг «ғаниййун ҳамидун» деган жойигача ўқингиз).

**128-боб. Ҳар бир мусулмон садақа қилмоғи лозим, агар садақа айламоққа ҳеч нарсаси бўлмаса, яхшилик қилсин!**

وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ صَدَقَةٌ ) . فَقَالُوا : يَا نَبِيَّ اللَّهِ فَمَنْ لَمْ يَجِدْ ؟ قَالَ : ( يَعْمَلُ بِيَدِهِ فَيَنْفَعُ نَفْسَهُ وَيَتَصَدَّقُ ) . قَالُوا : فَإِنْ لَمْ يَجِدْ ؟ قَالَ : ( يُعِينُ ذَا الْحَاجَةِ الْمَلْهُوفَ ) . قَالُوا : فَإِنْ لَمْ يَجِدْ ؟ قَالَ : ( فَلْيَعْمَلْ بِالْمَعْرُوفِ ، وَلْيَمْسِكْ عَنِ الشَّرِّ فَإِنَّهَا لَهُ صَدَقَةٌ ) .

*Саъид ибн Абу Бурда оталаридан, оталари эса, ўз оталаридан қуйидаги ҳадисни эшитган эрканлар:* «Жаноб Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир мусулмон садақа қилмоғи лозим»,— дедилар. Саҳобалар: «Ё Набийаллоҳ, агар ҳеч нарсаси бўлмаса-чи?»— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Қўли бирлан меҳнат қилиб, ўзи ҳам манфаатланғайдир, бировга ҳам садақа берғайдир»,— дедилар. Саҳобалар: «Агар бунга қурби етмаса-чи?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ожизу жабрдийдаларга ёрдам берғайдир»,— дедилар. Саҳобалар: «Бу ҳам қўлидан келмаса-чи?»— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Яхшилик қилмоқ йўлига ўтиб, ёмонликдан қайтсин, ана шунинг ўзи унинг садақа қилганидир!»— дедилар».

**129-боб. Қанча миқдорда закот ва садақа бериш мумкинлиги тўғрисида ва бутун бир қўйни эҳсон қилган шахс хусусида**

677 . عَنْ أُمِّ عَطِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : بُعِثَ إِلَى نُسَيْبَةَ الْأَنْصَارِيَّةِ بِشَاةٍ ، فَأَرْسَلَتْ إِلَى عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا مِنْهَا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( عِنْدَكُمْ شَيْءٌ ) . فَقُلْتُ : لَا ، إِلَّا مَا أَرْسَلْتُ بِهِ نُسَيْبَةَ مِنْ تِلْكَ الشَّاةِ ، فَقَالَ : ( هَاتِ فَقَدْ بَلَغْتَ مَحَلَّهَا ) .

Умму Атиййа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Нусайба деган бир ансория аёлга қўй юбордим. Ул эрса, шу қўйнинг гўшtidан Оиша разияллоҳу анҳога юборди».

*Оиша анамиз бундай дейдилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «Бирор егулик нарса борми?» —деб сўрадилар. «Нусайба юборган қўй гўштидан бошқа ҳеч вақо йўқдир»,— дедим. «Келтирғил, садақа ўз ўрнини топибдир!» — дедилар».

### 130-боб. Кумуш танга садақа қилмоқ ҳақида

*Абу Саъид Худрий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бештадан кам туя учун садақа лозим эрмас, беш уққийадан (60 дирҳамдан) кам кумуш тангадан садақа қилинмайдир, беш васакдан (1600 ратлдан) оз нарса (мева-чева, дон-дун) учун ҳам садақа берилмайдир»,— деганлар».

### 131-боб. Закотга бериладирган (тўланадирган) ашёлар

*Товус разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Маоз разияллоҳу анҳу Яман аҳлига бундай деди: «Арпа ва буғдой ўрнига эски-туски кийимларни садақа қилингиз, бу сизларга осонроқ, Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг Мадинадаги саҳобаларига эрса, яхшироқдир!»

Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Аммо, Холид Оллоҳ йўлида жанг анжомларини шайлаб турибдир»,— деб айтдилар (закот бермоқдан бош тортаётган қавмларга нисбатан айтилган). Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Тақинчоқларингиздан бўлса ҳам садақа қилингиз!» — дедилар, лекин фарз садақани бошқа тур садақалардан истисно қилмадилар. Бир аёл келиб, исирға ва мунчоқларини садақа қилди. Шунда, «Тилла ва кумуш, бўлсин!» деб қайд этишмади.

678. وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ أَبَا بَكْرٍ الصِّدِّيقَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : كَتَبَ لَهُ الَّتِي أَمَرَ اللَّهُ رَسُولَهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( وَمَنْ بَلَغَتْ صَدَقَتُهُ بِنْتٌ مَخَاضٍ وَلَيْسَتْ عِنْدَهُ ، وَعِنْدَهُ بِنْتُ لَبُونٍ فَإِنَّهَا تُقْبَلُ مِنْهُ ، وَيُعْطِيهِ الْمُسَدَّقُ عَشْرِينَ دِرْهَمًا أَوْ شَاتِينَ ، فَإِنْ لَمْ يَكُنْ عِنْدَهُ بِنْتُ مَخَاضٍ عَلَى وَجْهِهَا ، وَعِنْدَهُ ابْنُ لَبُونٍ فَإِنَّهُ يَقْبَلُ مِنْهُ وَلَيْسَ مَعَهُ شَيْءٌ ) .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абу Бакр разияллоҳу анҳу Оллоҳ ва унинг Расули саллalloҳу алайҳи ва саллам буюрган аҳкомлар ҳақида менга бундай деб ёзган эрдилар: «Бир яшар урғочи бўталоқ закот қилмоғи лозим бўлган одамнинг бундай бўталоғи бўлмай, икки яшар урғочи бўталоғи бўлса, закотчи ўша икки яшар бўталоғини олиб, қайтимига 20 дирҳам ёки икки қўй берғайдир. Агар закот берғувчининг бир яшар урғочи бўталоғи бўлмай, икки яшар эркак бўталоғи бўлса, ундан шу бўталоқ закотга қабул қилиниб, ҳеч қандай қайтим берилмағайдир (чунки урғочи туя туғиб, кўпаяди)».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламни ўртага қўйиб айтурменким, ул киши ҳайит намозини хутбадан олдин ўқидилар, кейин аёлларга овозим етмади, деб ўйлаб, уларга яқинроқ бордилар. Ёнларида Билол ҳам қўйлагининг этагини (иона ташламоқлари учун) тутиб борар эди. Жаноб Расулulloҳ аёлларга ваъз-насиҳатлар айтиб, уларни садақа бермоққа даъват қилдилар. Айюб разияллоҳу анҳу Сахтиянинг қулоқ ва бўйнига ишора қилдилар (яъни, сирға ва мунчоқларни садақа айламоқни буюрдилар)».

### 132-боб. Икки кишига тегишли молни (мулкни) бир-бирига қўшиб қўйиш ҳамда бир одамга тегишли молни (гўё икки кишининг молидек) бўлиб қўйиш ярамайдир

وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ كَتَبَ لَهُ الَّتِي فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( وَلَا يَجْمَعُ بَيْنَ مُتَفَرِّقٍ ، وَلَا يَفْرُقُ بَيْنَ مُجْتَمِعٍ ، خَشْيَةَ الصَّدَقَةِ ) .

*Абу Бакр разияллоҳу анҳу Анас разияллоҳу анҳуга Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам фарз қилган садақалар ҳақида бундай деб ёзиб юборган эрканлар:*

«Закот олинишидан қўрқиб икки кишига тегишли молни бир-бирига қўшиб қўймоқ ва бир кишига тегишли молни иккига бўлиб қўймоқ ярамайдир».

### 133-боб. Агар икки кишининг моли аралашиб кетган бўлса, улар ўзаро келишиб закот беришгайдир

*Товус ва Ато бундай дейишадир:* «Агар икки кишининг моли аралашиб кетган бўлса-ю, улар ўз молларини таниб ололсалар, унда уларнинг молларини иккига ажратиб ўтирилмайдир». Суфён бундай дейди: «Икки кишининг подаси аралашиб кетган бўлса-ю, улардан ҳар бирининг қўйи қирқтадан бўлмаса, закот вожиб эрмас».

وَفِي رِوَايَةٍ : أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ كَتَبَ لَهُ الَّتِي فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( وَمَا كَانَ مِنْ خَلِيطَيْنِ فَإِنَّهُمَا يَتَرَاكِعَانِ بَيْنَهُمَا بِالسُّوِيَةِ ) .

*Абу Бакр разияллоҳу анҳу Анас разияллоҳу анҳуга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам фарз қилган закотлар ҳақида бундай деб ёзган эрканлар:* «Бир-бирига аралашиб кетган подаларнинг эгалари ўзаро келишиб закот бергайдирлар».

### 134-боб. Туя закоти

679 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ أَعْرَابِيًّا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ الْهَجْرَةِ ، فَقَالَ : ( وَيَحْكُ إِنَّ شَأْنَهَا شَدِيدٌ ، فَهَلْ لَكَ مِنْ إِبِلٍ تُؤَدِّي صَدَقَتَهَا ) . قَالَ : نَعَمْ ، قَالَ : ( فاعْمَلْ مِنْ وَرَاءِ الْبِحَارِ ، فَإِنَّ اللَّهَ لَنْ يَتْرَكَ مِنْ عَمَلِكَ شَيْئًا ) .

*Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Бир аърабий (бадавий) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳижрат қилмоқ тўғрисида сўради. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Шўринг қурсин! Ҳижрат қилмоқ қийиндир, сен закот бериб турмоғинг учун туяларинг борми?» — дедилар (у кишининг ҳижрат қиладирган сиёғи йўқлиги учун бирмунча енгиллик бермоқчи бўлдилар шекилли). Бадавий: «Ҳа»,— деб жавоб берди. «Сен денгизлар ортида туриб амали солиҳларни адо этсанг ҳам бўлавергайдир, Оллоҳ таоло қилган амалларининг биттасини ҳам қолдирмай даргоҳида қабул қилғусидир», — дедилар».

### 135-боб. Закотга бир яшар урғочи бўталоқ бериши лозим бўлган одамнинг бундай бўталоғи бўлмаса-чи?

680 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، كَتَبَ لَهُ فَرِيضَةَ الصَّدَقَةِ الَّتِي أَمَرَ اللَّهُ رَسُولَهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ بَلَغَتْ عِنْدَهُ مِنَ الْإِبِلِ صَدَقَةُ الْجَذَعَةِ ، وَلَيْسَتْ عِنْدَهُ حَقَّةٌ فَإِنَّهَا تُقْبَلُ مِنْهُ الْحَقَّةُ وَيَجْعَلُ مَعَهَا شَاتَيْنِ إِنْ اسْتَيْسَرْنَا لَهُ ، أَوْ عَشْرِينَ دَرَاهِمًا . وَمَنْ بَلَغَتْ عِنْدَهُ صَدَقَةُ الْحَقَّةِ ، وَلَيْسَتْ عِنْدَهُ الْحَقَّةُ ، وَعِنْدَهُ الْجَذَعَةُ ، فَإِنَّهَا تُقْبَلُ مِنْهُ الْجَذَعَةُ وَيُعْطِيهِ الْمُصَدَّقُ عَشْرِينَ دَرَاهِمًا أَوْ شَاتَيْنِ . وَمَنْ بَلَغَتْ عِنْدَهُ صَدَقَةُ الْحَقَّةِ ، وَلَيْسَتْ عِنْدَهُ إِلَّا بِنْتُ لَبُونٍ ، فَإِنَّهَا تُقْبَلُ مِنْهُ بِنْتُ لَبُونٍ وَيُعْطِي شَاتَيْنِ أَوْ عَشْرِينَ دَرَاهِمًا . وَمَنْ بَلَغَتْ صَدَقَتَهُ بِنْتُ لَبُونٍ وَعِنْدَهُ حَقَّةٌ فَإِنَّهَا تُقْبَلُ مِنْهُ الْحَقَّةُ ، وَيُعْطِيهِ الْمُصَدَّقُ عَشْرِينَ دَرَاهِمًا أَوْ شَاتَيْنِ . وَمَنْ بَلَغَتْ صَدَقَتَهُ بِنْتُ لَبُونٍ وَلَيْسَتْ عِنْدَهُ وَعِنْدَهُ بِنْتُ مَخَاضٍ ، فَإِنَّهَا تُقْبَلُ مِنْهُ بِنْتُ مَخَاضٍ ، وَيُعْطِي مَعَهَا عَشْرِينَ دَرَاهِمًا أَوْ شَاتَيْنِ ) .

*Абу Бакр разияллоҳу анҳу Анас разияллоҳу анҳуга Оллоҳ таоло ўз Расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга фарз қилган садақалар (закотлар) ҳақида бундай деб ёзган эрканлар:* «Закотга беш яшар туя бермоғи лозим бўлган одамнинг бундай туяси

бўлмай, тўрт яшар туяси бўлса, шу туяси закотга қабул қилиниб, устига яна (насиб этса) икки қўй ёким йигирма дирҳам олинғайдир. Аммо, закотга тўрт яшар туя бермоғи лозим бўлган одамнинг бундай туяси бўлмай, беш яшар туяси бўлса, у ҳолда шу туяси закотга қабул қилиниб, икки қўй ёким йигирма дирҳам қайтим берилғайдир. Башарти, закотга тўрт яшар туя бериши керак бўлса-ю, унинг бундай туяси бўлмай, икки яшар урғочи бўталоғи бўлса, унда шу бўталоқ закотга қабул қилиниб, устига икки қўй ёким йигирма дирҳам қўшиб олинғайдир. Кимки икки яшар урғочи бўталоқ закот қилмоғи лозим бўлса, ўрнига тўрт яшар туясини бериб, закотчидан икки қўй ёким йигирма дирҳам қайтим олур. Кимки икки яшар урғочи бўталоқ закот қилиши лозим бўлса-ю, унда бундай бўталоқ бўлмаса, ўрнига бир яшар урғочи бўталоқ бирлан бирга икки қўй ёким йигирма дирҳам қўшиб берғайдир».

### 136-боб. Қўй ҳисобида тўланадирган закот

681. عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، كَتَبَ لَهُ هَذَا الْكِتَابَ لَمَّا وَجَّهَهُ إِلَى الْبَحْرَيْنِ :

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

هَذِهِ فَرِيضَةُ الصَّدَقَةِ ، الَّتِي فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْمُسْلِمِينَ ، وَالَّتِي أَمَرَ اللَّهُ بِهَا رَسُولُهُ ، فَمَنْ سُئِلَ مِنَ الْمُسْلِمِينَ عَلَى وَجْهِهَا فَلْيُعْطَهَا ، وَمَنْ سُئِلَ فَوْقَهَا فَلَا يُعْطِ : ( فِي أَرْبَعٍ وَعِشْرِينَ مِنَ الْإِبِلِ ، فَمَا دُونَهَا مِنَ الْغَنَمِ مِنْ كُلِّ خَمْسٍ شَاةٌ ، فَإِذَا بَلَغَتْ خَمْسًا وَعِشْرِينَ إِلَى خَمْسٍ وَثَلَاثِينَ فَفِيهَا بِنْتُ مَخَاضٍ أُنْثَى ، فَإِذَا بَلَغَتْ سِتًّا وَثَلَاثِينَ إِلَى خَمْسٍ وَأَرْبَعِينَ فَفِيهَا بِنْتُ لَبُونٍ أُنْثَى ، فَإِذَا بَلَغَتْ سِتًّا وَأَرْبَعِينَ إِلَى سِتِّينَ فَفِيهَا حِقَّةٌ طَرُوقَةٌ الْجَمَلِ ، فَإِذَا بَلَغَتْ وَاحِدَةً وَسِتِّينَ إِلَى خَمْسٍ وَسَبْعِينَ فَفِيهَا جَدْعَةٌ ، فَإِذَا بَلَغَتْ يَعْزِي سِتًّا وَسَبْعِينَ إِلَى تِسْعِينَ فَفِيهَا بِنْتُ لَبُونٍ ، فَإِذَا بَلَغَتْ إِحْدَى وَتِسْعِينَ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ فَفِيهَا حَقَّتَانِ طَرُوقَتَا الْجَمَلِ ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ ، فَفِي كُلِّ أَرْبَعِينَ بِنْتُ لَبُونٍ ، وَفِي كُلِّ خَمْسِينَ حِقَّةٌ ، وَمَنْ لَمْ يَكُنْ مَعَهُ إِلَّا أَرْبَعٌ مِنَ الْإِبِلِ فَلَيْسَ فِيهَا صَدَقَةٌ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا ، فَإِذَا بَلَغَتْ خَمْسًا مِنَ الْإِبِلِ فَفِيهَا شَاةٌ .

وَفِي صَدَقَةِ الْغَنَمِ فِي سَائِمَتِهَا إِذَا كَانَتْ أَرْبَعِينَ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ شَاةٌ ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ إِلَى مِائَتَيْنِ شَاتَانِ ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى مِائَتَيْنِ إِلَى ثَلَاثِمِائَةٍ فَفِيهَا ثَلَاثُ شِيَاهٍ ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى ثَلَاثِمِائَةٍ فَفِي كُلِّ مِائَةٍ شَاةٌ ، فَإِذَا كَانَتْ سَائِمَةً الرَّجُلِ نَاقِصَةً مِنْ أَرْبَعِينَ شَاةً وَاحِدَةً ، فَلَيْسَ فِيهَا صَدَقَةٌ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا .  
وَفِي الرَّقَّةِ رُبْعُ الْعُشْرِ ، فَإِنْ لَمْ تَكُنْ إِلَّا تِسْعِينَ وَمِائَةً فَلَيْسَ فِيهَا شَيْءٌ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا ) .

*Абу Бакр разияллоҳу анҳу Анас разияллоҳу анҳуни Баҳраинга жўнатганларида, кетларидан ушбу мактубни йўллаган эрдилар:* «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми. Қўйида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз умматларига, Оллоҳ таоло эрса, ўз Расулига фарз деб буюрган садақаларни (закотларни) баён қилдим. Қайси бир мусулмондан шариатга мувофиқ закот бермоқни сўрашса, берсин; кимдан шариатга хилоф равишда ортиқча закот сўрашса, бермасин. Йигирма тўрт ва ундан камроқ туянинг ҳар бештасига бир қўй; йигирма бешдан то ўттиз бештагача туя учун битта бир яшар урғочи бўталоқ; ўттиз олтидан то қирқ бештагача бўлса, битта икки яшар урғочи бўталоқ; қирқ олтидан то олтмиштагача бўлса, битта тўрт яшар урғочи бўталоқ; олтмиш бирдан то етмиш бештагача бўлса, битта беш яшар туя; етмиш олтидан то тўқсонгагача бўлса, иккита икки яшар урғочи туя; агар тўқсон бирдан то бир юз йигирматагача бўлса, иккита тўрт яшар урғочи туя берғайдир. Бир юз йигирматадан ҳам кўп бўлса, ҳар қирқтасига битта икки яшар урғочи бўталоқ ва ҳар элликтасига битта тўрт яшар бўталоқ бермоғи лозим. Кимнинг тўрттадан бошқа туяси бўлмаса, садақа вожиб эрмас, хоҳласа берғайдир, хоҳламаса йўқ. Туяси бештага

етса, битта қўй берғайдир. Агар, подадаги қўйлар сони қирқтадан бир юз йигирматагача бўлса, битта қўй; бир юз йигирматадан икки юзтагача бўлса, иккита қўй; икки юздан то уч юзтагача бўлса, учта қўй; уч юздан ҳам кўп бўлса, ҳар юз қўйга битта қўй берғайдир. Агар, подадаги қўйлар сони қирқтадан битта кам бўлса ҳам, садақа вожиб эрмас, эгаси хоҳласа берғайдир, хоҳламаса йўқ. Кумуш пулларнинг ҳар йигирма дирҳамидан бир дирҳам берилғайдир, агар кишининг маблағи бир юз тўқсон дирҳам бўлса, садақа вожиб эрмас».

### **137-боб. На қари, на нуқсонли (ҳайвон) ва на така, агар закотчи истамаса, закотга қабул қилинмайдир**

682 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ كَتَبَ لَهُ الَّتِي أَمَرَ اللَّهُ رَسُولُهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( وَلَا يَخْرُجُ فِي الصَّدَقَةِ هَرِمَةٌ ، وَلَا ذَاتُ عَوَارٍ ، وَلَا تَيْسٌ إِلَّا مَا شَاءَ الْمُصَدِّقُ ) .

*Оллоҳ ва унинг Расули саллаллоҳу алайҳи ва саллам фарз қилган садақа (закот) ҳақида Абу Бакр разияллоҳу анҳу Анас разияллоҳу анҳуга бундай деб взиб юборган эрканлар:* «На қари, на нуқсонли (ҳайвон) ва на така, агар садақа йиғувчи (закотчи) истамаса, садақага (закотга) қабул қилинмағайдир».

### **138-боб. Урғочи бир яшар эчкини садақага (закотга) қабул қилмоқ**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абу Бакр разияллоҳу анҳу: «Агар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга олиб келишаётган эчкилардан биттасини олиб қолишса ҳам, худо ҳаққи, улар бирлан жанг қилғаймен», — деб айтганлар. Умар разияллоҳу анҳу: «Оллоҳ таоло Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг қалбига қанчалар шижоат жо айлаган! Мен уни яхши тушунғаймен», — дейдилар».

### **139-боб. Одамларнинг энг яхши моллари садақага (закотга) олинмайдир**

683 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمَّا بَعَثَ مُعَاذًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَلَى الْيَمَنِ قَالَ : ( إِنَّكَ تَقْدُمُ عَلَى قَوْمٍ أَهْلِ كِتَابٍ ، فَلْيَكُنْ أَوَّلَ مَا تَدْعُوهُمْ إِلَيْهِ عِبَادَةُ اللَّهِ ، فَإِذَا عَرَفُوا اللَّهَ فَأَخْبِرْهُمْ أَنَّ اللَّهَ قَدْ فَرَضَ عَلَيْهِمْ حَمْسَ صَلَوَاتٍ فِي يَوْمِهِمْ وَلَيْلَتِهِمْ ، فَإِذَا فَعَلُوا ، فَأَخْبِرْهُمْ أَنَّ اللَّهَ فَرَضَ عَلَيْهِمْ زَكَاةً مِنْ أَمْوَالِهِمْ وَتُرْدُ عَلَى فُقَرَاءِهِمْ ، فَإِذَا أَطَاعُوا بِهَا فَخُذْ مِنْهُمْ ، وَتَوَقَّ كَرَائِمَ أَمْوَالِ النَّاسِ ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маоз разияллоҳу анҳуни Яманга юбораётиб: «Сен аҳли китоб бўлмиш қавм олдига кетаётирсан, шул боисдан энг аввало уларни Оллоҳ таолога ибодат қилмоққа даъват айлағил, Оллоҳ таолони тан олсалар (эътироф этсалар), Оллоҳ таоло бир кеча-кундузда беш вақт намоз ўқимоқни фарз қилганлиғини айтғил, намоз ўқисалар, Оллоҳ таоло уларнинг молларидан закот олиб, камбағалларга қайтариб бермоқни фарз қилганлиғини айтғил, закотга ҳам итоат этсалар, улардан закот олғил, аммо одамларнинг энг яхши молларини олмағил!» — деб айтдилар».

### **140-боб. Бештадан кам туядан садақа олинмайдир**

*Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар», — дейдилар: «Беш васак (1 васак — 60 соъ, 1 соъ — 2,400 г) дан кам хурмодан ҳамда беш уққийа (1 уққийа — 12 дирҳам) дан кам кумуш (пуллар) дан закот олинмайдир, бештадан кам туяга ҳам закот лозим эрмас».

### **141-боб. Сигир ҳисобида тўланадирган закот**

*Абу Ҳумайд ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Маъраб турган сигири бўла туриб, Оллоҳ йўлида закот тўламаган одамни қиёматда

кўрсатгаймен, ул сигир каби маъраб келгайдир»,— деб айтганлар».

*Абу Зарр разияллоху анху ривоят қиладирлар:* «Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келганимда, ул зот: «Жону таним қўлида бўлган Оллоҳга (ёки «Якка-ю ягона Оллоҳга», дедилар шекилли) қасамёд этиб айтурменким, кимки туя, сигир ёким қўйлари бўла туриб, закот бермаган бўлса, қиёмат куни энг катта ва энг семиз туяси, сигири ёким қўйи келиб, уни туёқлари бирлан тепкилағайдир, шохлари бирлан сузгайдир, кейин кетидан бошқалари ҳам келиб одамлар олдида, то тўланмаган закотнинг ҳаққи олингунча, шу ишни қилгайдир»,— дедилар».

### 142-боб. Қариндошларга закот бермоқ ҳақида

*Набий саллаллоху алайҳи ва саллам:* «Қариндошларига закот берган одамга иккита савоб теккайдир — бири қариндошларига оқибат қилгани учун, иккинчиси — закот бергани учун»,— дедилар.

684 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ أَبُو طَلْحَةَ أَكْثَرَ الْأَنْصَارِ بِالْمَدِينَةِ مَالًا مِنْ تَحْلٍ ، وَكَانَ أَحَبَّ أَمْوَالِهِ إِلَيْهِ بَيْرُحَاءَ ، وَكَانَتْ مُسْتَقْبَلَةَ الْمَسْجِدِ ، وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْخُلُهَا ، وَيَشْرَبُ مِنْ مَاءٍ فِيهَا طَيِّبٍ ، قَالَ أَنَسٌ : فَلَمَّا أُنْزِلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ : ﴿ لَنْ تَنَالُوا الْبِرَّ حَتَّى تُنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ ﴾ . قَامَ أَبُو طَلْحَةَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ . إِنَّ اللَّهَ تَبَارَكَ وَتَعَالَى يَقُولُ : ﴿ لَنْ تَنَالُوا الْبِرَّ حَتَّى تُنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ ﴾ . وَإِنْ أَحَبَّ أَمْوَالِي إِلَيَّ بَيْرُحَاءَ ، وَإِنَّهَا صَدَقَةٌ لِلَّهِ أَرْجُو بَرَّهَا وَذُخْرَهَا عِنْدَ اللَّهِ ، فَضَعَهَا يَا رَسُولَ اللَّهِ حَيْثُ أَرَاكَ اللَّهُ . قَالَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( بَخْ ، ذَلِكَ مَالٌ رَابِحٌ ، ذَلِكَ مَالٌ رَابِحٌ ، وَقَدْ سَمِعْتُ مَا قُلْتَ وَإِنِّي أَرَى أَنْ تَجْعَلَهَا فِي الْأَقْرَبِينَ ) . فَقَالَ أَبُو طَلْحَةَ : أَفْعَلُ يَا رَسُولَ اللَّهِ . فَفَسَمَهَا أَبُو طَلْحَةَ فِي أَقَارِبِهِ وَبَنِي عَمِّهِ .

*Анас ибн Молик разияллоху анху ривоят қиладирлар:* «Абу Талҳа Мадинадаги ансорлар ичида энг кўп хурмозор ерларга эга бўлган бадавлат киши эрди. У ўз мулкларидан, кўпроқ, Байруҳони яхши кўрар эрди. Байруҳо масжиднинг қаршисида бўлиб, Жаноб Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам у ерга кириб, тотли сувидан ичиб турар эрдилар. Оллоҳ таолонинг «Ўзингиз сўйган нарсани эҳсон қилмагунингизча хайр топмағайдирсиз!» деган ояти кариймаси нозил бўлганда Абу Талҳа Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб: «Ё Расулulloҳ, Оллоҳ таоло: «Суюкли нарсангизни садақа қилмай туриб, яхшиликка муяссар бўла олмағайдирсиз!» — дер эркан, унда мен ўзимнинг энг яхши кўрган Байруҳомни Оллоҳ таоло йўлида садақа қилдим, бу менинг Оллоҳ таоло йўлида қилган хайр-эҳсоним бўлмоғини истайдирман. Сиз уни Оллоҳ таоло йўлида ўзингиз билганингизча тасарруф қилаверингиз!» — деди. Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: «Мен сенинг «Бу мулким қандоқ ажойиб, қандоқ яхши!» деб мақтаганингни эшитгандирман, уни қариндошларингга берсанг дерман»,— дедилар. Абу Талҳа: «Хўб бўладир, ё Расулulloҳ!» — деди. Кейин, Абу Талҳа Байруҳони ўз қариндошларига тақсимлаб берди».

685 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي أَضْحَى أَوْ فِطْرٍ إِلَى الْمُصَلَّى ، ثُمَّ انْصَرَفَ فَوَعِظَ النَّاسَ ، وَأَمَرَهُمْ بِالصَّدَقَةِ فَقَالَ : ( أَيُّهَا النَّاسُ تَصَدَّقُوا ) . فَمَرَّ عَلَى النِّسَاءِ فَقَالَ : ( يَا مَعْشَرَ النِّسَاءِ تَصَدَّقْنَ ، فَإِنِّي رَأَيْتُكُنَّ أَكْثَرَ أَهْلِ النَّارِ ) . فَقُلْنَ وَبِمَ ذَلِكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ؟ قَالَ : ( تُكْثِرْنَ اللَّعْنَ وَتُكْفِرْنَ الْعَشِيرَ ، مَا رَأَيْتُ مِنْ نَاقِصَاتِ عَقْلِ وَدِينٍ أَذْهَبَ لَلْبِّ الرَّجُلِ الْحَازِمِ مِنْ إِحْدَاكُنَّ يَا مَعْشَرَ النِّسَاءِ ) . ثُمَّ انْصَرَفَ ، فَلَمَّا صَارَ إِلَى مَنْزِلِهِ جَاءَتْ زَيْنَبُ امْرَأَةُ ابْنِ مَسْعُودٍ تَسْتَأْذِنُ عَلَيْهِ ، فَقِيلَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ هَذِهِ زَيْنَبُ فَقَالَ : ( أَيُّ الزَّيَانِبِ ) . فَقِيلَ : امْرَأَةُ ابْنِ مَسْعُودٍ . قَالَ : ( نَعَمْ ائْذِنُوا لَهَا ) .



فَأَذِنَ لَهَا ، قَالَتْ : يَا نَبِيَّ اللَّهِ إِنَّكَ أَمَرْتَ الْيَوْمَ بِالصَّدَقَةِ ، وَكَانَ عِنْدِي حُلِيٌّ لِي ، فَأَرَدْتُ أَنْ أَتَصَدَّقَ بِهِ ، فَزَعَمَ ابْنُ مَسْعُودٍ أَنَّهُ وَوَلَدُهُ أَحَقُّ مَنْ تَصَدَّقْتُ بِهِ عَلَيْهِمْ . فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( صَدَقَ ابْنُ مَسْعُودٍ ، زَوْجُكَ وَوَلَدُكَ أَحَقُّ مَنْ تَصَدَّقْتُ بِهِ عَلَيْهِمْ ) .

**Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:** «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурбон ёки Рамазон ҳайитида намозгоҳга чиқдилар, сўнг одамларга ўгирилиб ваъз айтдилар, «Эй одамлар, садақа қилингиз»,— деб амр қилдилар. Кейин, аёллар ёнидан ўтаётиб: «Эй аёллар жамоаси, садақа қилингиз! Мен сизларни кўпроқ дўзахга тушгувчилардан деб билгайман»,— дедилар. Аёллар: «Ё Расулаллоҳ, бунинг боиси недир?» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Кўп қарғаб, эрларингизнинг яхшилигини инкор қилгайдирсизлар. Буни ақлингизнинг пастлиги ва эътиқодингизнинг сустлигидан деб билурмен. Сизлар ақли-ҳуши жойида бўлган эрни ҳам ақлдан оздиргайдирсизлар (яъни, тўғрими, нотўғрими, ўз билганингизни қилдиргайдирсизлар)»,— дедилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ уйларига йўл олдилар, уйларига келганларида Абдуллоҳ ибн Маръуднинг хотинлари Зайнаб келиб, кирмоққа ижозат сўради. Жаноб Расулulloҳга: «Зайнаб келди»,— дейишди. Ул зот: «Қайси Зайнаб?» — дедилар. «Ибн Масъуднинг хотини»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Рухсат берингиз, кира қолсин!» — дедилар. Зайнаб ичкарига кириб: «Ё Набийаллоҳ, бугун сиз: «Садақа қилғил!» — деб буюрдингиз. Менда бир тақинчоқ бор эрди, шуни садақа қилмоқчи эрдим. Аммо, (эрим) Ибн Масъуд ва ўғли(м): «Бошқалардан кўра, ўзимиз садақа олмоққа ҳақлироқдирмиз»— дейишмоқда»,— деди. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламд: «Ибн Масъуд тўғри айтибдир, эринг ва ўғлинг бошқалардан кўра, садақа олмоққа ҳақлироқдир», — деб айтдилар».

#### 143-боб. Мусулмон одам (миниб юрган) оти учун садақа бермайдир

686 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَيْسَ عَلَى الْمُسْلِمِ فِي فَرَسِهِ وَغُلَامِهِ صَدَقَةٌ ) .

**Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:** «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон одам оти ва ғуломи борлиги учун садақа бермагайдир»,— дейдилар».

#### 144-боб. Мусулмон одам қули борлиги учун садақа бермайдир

686 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَيْسَ عَلَى الْمُسْلِمِ فِي فَرَسِهِ وَغُلَامِهِ صَدَقَةٌ ) .

**Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:** «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон одам қули ва оти учун садақа бермагайдир»,— дейдилар».

#### 145-боб. Етимларга садақа қилмоқнинг вожиблиги ҳақида

687 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَلَسَ ذَاتَ يَوْمٍ عَلَى الْمِنْبَرِ وَجَلَسْنَا حَوْلَهُ ، فَقَالَ : ( إِنِّي مِمَّا أَخَافُ عَلَيْكُمْ مِنْ بَعْدِي مَا يَفْتَحُ عَلَيْكُمْ مِنْ زَهْرَةِ الدُّنْيَا وَرَبَّنْتَهَا ) . فَقَالَ رَجُلٌ : يَا رَسُولَ اللَّهِ أَوْ يَأْتِي الْخَيْرُ بِالشَّرِّ ؟ فَسَكَتَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقِيلَ لَهُ : مَا شَأْنُكَ ؟ تُكَلِّمُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَا يَكَلِّمُكَ ؟ فَرَأَيْنَا أَنَّهُ يُنَزَّلُ عَلَيْهِ ، قَالَ : فَمَسَحَ عَنْهُ الرُّحَصَاءُ ، فَقَالَ : ( أَيْنَ السَّائِلُ ) . وَكَأَنَّهُ حَمِدُهُ ، فَقَالَ : ( إِنَّهُ لَا يَأْتِي الْخَيْرُ بِالشَّرِّ ، وَإِنَّ مِمَّا يَنْبَغُ الرَّبِيعُ يَقْتُلُ أَوْ يَلْمُ ، إِلَّا أَكَلَةَ الْخَضْرَاءِ ، أَكَلْتُ حَتَّى إِذَا امْتَدَّتْ خَاصِرَتَاهَا اسْتَقْبَلَتْ عَيْنَ الشَّمْسِ فَتَلَطَّتْ

وَبَالَتْ وَرَرَّتْ ، وَإِنَّ هَذَا الْمَالَ خَضِرَةٌ حُلْوَةٌ ، فَنِعِمَّ صَاحِبُ الْمُسْلِمِ مَا أُعْطِيَ مِنْهُ الْمَسْكِينِ وَالْيَتِيمِ وَابْنَ السَّبِيلِ - أَوْ كَمَا قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - وَإِنَّهُ مَنْ يَأْخُذْهُ بَعِيرٌ حَقَّهُ كَالَّذِي يَأْكُلُ وَلَا يَشْبَعُ وَيَكُونُ شَهِيدًا عَلَيْهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ) .

*Абу Саъид Худрий разияллоху анху ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам бир куни минбарга чиқиб ўтирдилар, биз ҳам теграларида ўтирдик. Жаноб Расулulloх бизга: «Мен вафот этганимдан кейин бу дунё сизларга ўзининг гўзаллиги-ю, зийнатларини намоён қилмаса, деб қўрқаймен»,— дедилар (яъни, «Сизлар айшу ишратга берилиб кетмасанглар, деб қўрқаймен»,— дедилар). Шунда бир киши: «Ё Расулulloх, яхшилик (яъни, дунёнинг гўзаллиги-ю, зийнатлари) ҳам ёмонлик келтирмайдирми?» — деб сўради. Набий саллаллоху алайҳи ва саллам жим қолдилар. Одамлар бояги кишини «Расулulloхга гапирмоққа не ҳаддинг бор, ул киши сенга сўзламадилар-ку!»— деб койишди. Жаноб Расулulloх жим қолганларида биз ваҳий келяпти, деб ўйладик. Бир оздан кейин, Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам юзларидаги терни артдилар-да, бояги кишидан мамнун бўлгандек чеҳралари очилиб: «Қани савол берган киши?» — дедилар, сўнг унга қараб: «Яхшилик ёмонлик келтирмағайдир. Баҳорда унадирган ўтлар ичида, окилат ул-хадроъдан бўлак, (ҳайвон) еса ўлдирадирган ёким касал қиладирган ўтлар бордир. Уларни еган (ҳайвон) қорни шишиб, ичи ўтиб, бавл қилиб, офтобда чўзилиб ётғайдир. Кейин, кўзи очлик қилиб, яна ўша ўтдан еғайдир. Мол-дунё ҳам ўша яшил ўт-ўланга ўхшайдир. Мол-дунёсини мискин. етим ва мусофирларга садақа қилиб, сўнг у дунёга рихлат айлайдирган мусулмон қандоғ ҳам яхшидир!». Набий саллаллоху алайҳи ва саллам Яна бундай дедилар: «Бировнинг молини эгри, ноҳақ йўл бирлан оладирган одам қанча еса ҳам, тўймайдирган мечкайга ўхшайдир, ўша эгри йўл бирлан олинган мол қиёмат куни унинг қаллоблигига гувоҳ бўлғайдир!»»

#### 146-боб. Эрига ва қарамоғидаги етимларга закот бермоқ

688 . عَنْ زَيْنَبِ امْرَأَةِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَتْ : كُنْتُ فِي الْمَسْجِدِ فَرَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : ( تَصَدَّقْنِ وَلَوْ مِنْ حُلِيِّكَ ) . وَكَانَتْ زَيْنَبُ تُنْفِقُ عَلَى عَبْدِ اللَّهِ وَأَيْتَامٍ فِي حَجْرِهَا ، قَالَ : فَقَالَتْ لِعَبْدِ اللَّهِ : سَلْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَيَجْزِي عَنِّي أَنْ أُنْفِقَ عَلَيْكَ وَعَلَى أَيْتَامِي فِي حَجْرِي مِنَ الصَّدَقَةِ ؟ فَقَالَ : سَلِي أَنْتِ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . فَأَنْطَلَقْتُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . فَوَجَدْتُ امْرَأَةً مِنَ الْأَنْصَارِ عَلَى الْبَابِ ، حَاجَتُهَا مِثْلُ حَاجَتِي ، فَمَرَّ عَلَيْنَا بِالْأَبْلِ فَقُلْنَا : سَلِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَيَجْزِي عَنِّي أَنْ أُنْفِقَ عَلَى زَوْجِي وَأَيْتَامِي لِي فِي حَجْرِي ، وَقُلْنَا لَا تُخْبِرْنَا . فَدَخَلَ فَسَأَلَهُ فَقَالَ : ( مَنْ هُمَا ) . قَالَ : زَيْنَبُ قَالَ : ( أَيُّ الزَّيْنَابِ ) . قَالَ : امْرَأَةُ عَبْدِ اللَّهِ . قَالَ : ( نَعَمْ لَهَا أَجْرَانِ ، أَجْرُ الْقَرَابَةِ وَأَجْرُ الصَّدَقَةِ ) .

*Амр ибн Ҳарасга Зайнаб разияллоху анҳо бундай дэб ривоят қилган эрканлар:* «Масжидда ўтирган эрдим, Набий саллаллоху алайҳи ва саллам: «Тақинчоқларингиздан бўлса ҳам садақа қилингиз!» — дедилар. [Зайнаб (эри) Абдуллохга ва қарамоғидаги етимларга садақа қилиб турар эрди]. Мен (эрим) Абдуллохга: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламдан сўрағил-чи, мен сенга ва мана бу етимларга садақа қилсам, жоиз бўлғаймидир?» — дедим. (Эрим) Абдуллох: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламдан ўзинг сўрағил»,— дедилар. Мен Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кетдим, эшик олдида бир ансория аёлнинг турганини кўрдим, ул ҳам менга ўхшаш бир юмуш бирлан келган эркан. Шунда ёнимдан Билол ўтиб қолди. Биз (мен ва ҳалиги аёл) унга: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламдан сўраб берғил-чи, эримиз ва қарамоғимиздаги етимларга закот берсак, бўлурмикин? Фақат ул кишига биз айтганимизни

билдирмағил!»—дедик. Билол ичкарига кириб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Кимдир ул иккаласи?»— деб сўрадилар. Билол: «Зайнаб»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Қайси Зайнаб?» — деб сўрадилар. Билол: «Абдуллоҳнинг хотини»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, унга икки савоб теккайдир, бири — қариндошларига оқибат қилгани учун, иккинчиси— закот бергани учун»,— дедилар».

689 . عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : قُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَلَيْ أَجْرٌ أَنْ أَنْفِقَ عَلَى بَنِي أَبِي سَلَمَةَ ؟ إِنَّمَا هُمْ بَنِي ، فَقَالَ : ( أَنْفِقِي عَلَيْهِمْ ، فَلَكَ أَجْرٌ مَا أَنْفَقْتِ عَلَيْهِمْ ) .

*Умму Салама ривоят қиладилар:* «Ё Расулulloҳ, мен (эрим) Абу Саламанинг болаларига садақа қилсам бўлғаймидир? Ахир, улар ўзимнинг болаларим-ку!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Уларга садақа қилаверғил, сенга садақа қилганинг учун савоб теккайдир»,— дедилар.

### 147-боб. Оллоҳ таолонинг «Қулларга, қарздорларга ва Оллоҳ йўлига...» деган ояти кариймаси ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ўз молининг закотини қул озод қилмоққа ва ҳажга боролмай юрганларга сарф қилур эрди, деб эшлашадир.

Ҳасан Басрий: «Закот тўлаб, отасини қулликдан сотиб (қутқариб) олмоғи, мужоҳидлар (жиҳод қилгувчилар) ва ҳажга боролмай юрган кишиларга закот бериб, ёрдам қилмоғи мумкин»,— дедилар-да, «Дарҳақиқат, садақалар фақирлар учундир!» деган ояти каримани тиловат қилдилар. Кейин: «Булардан қайси бирига берсанг ҳам бўлаверғайдир»,— деб қўйдилар.

*Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Холид Оллоҳ йўлида уруш анжомларини шай қилиб турибдир»,— дедилар. Абу Лос: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни ҳаж учун садақага берилган туяларда олиб бордилар» — деб айтганди»,— дейишадир.

690 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالصَّدَقَةِ فَقِيلَ : مَنَعَ ابْنُ حَمِيلٍ وَخَالِدُ بْنُ الْوَلِيدِ وَعَبَّاسُ بْنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَا يَنْقُمُ ابْنُ حَمِيلٍ إِلَّا أَنَّهُ كَانَ فَقِيرًا فَأَعْنَاهُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ ، وَأَمَّا خَالِدٌ فَإِنَّكُمْ تَظْلُمُونَ خَالِدًا ، قَدْ احْتَبَسَ أَدْرَاعَهُ وَأَعْتَدَهُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ، وَأَمَّا الْعَبَّاسُ بْنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ : فَعَمَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيهِ عَلَيْهِ صَدَقَةٌ وَمِثْلَهَا مَعَهَا ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам садақа қилмоқни буюрдилар. Шунда ул кишига: «Ибн Жамил, Холид ибн Валид ва Аббос ибн Абдулмуталлиб садақа бермоқдан бош тортишмоқда»,— дейишди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ибн Жамил фақир бўлмаганда закот бермоқдан бўйин товламас эрди, уни Оллоҳ таоло ва унинг Расули таъминлаб турибдир. Аммо, Холид масаласига келсак, унга жабр қилмақдасизлар, ахир ул Оллоҳ йўлида уруш анжомларини доимо шай тутиб турибди-ку! Лекин, Аббос ибн Абдулмуталлиб (Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари) бўлса, бир эрмас, икки бор садақа бермоғи лозимдир»,— дедилар».

### 148-боб. Тиламчиларни покликка даъват қилмоқ

691 . عَنْ أَبِي سَعِيدِ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ نَاسًا مِنَ الْأَنْصَارِ سَأَلُوا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَعْطَاهُمْ ، ثُمَّ سَأَلُوهُ فَأَعْطَاهُمْ ، ثُمَّ سَأَلُوهُ فَأَعْطَاهُمْ حَتَّى نَفِدَ مَا عِنْدَهُ ، فَقَالَ : مَا يَكُونُ عِنْدِي مِنْ خَيْرٍ فَلَنْ أَدْخِرَهُ عَنْكُمْ ، وَمَنْ يَسْتَعْفِفْ يِعْفُهُ اللَّهُ ، وَمَنْ يَسْتَعْنِ يَعْزِئَهُ اللَّهُ ، وَمَنْ يَتَصَبَّرْ يَصْبِرْهُ اللَّهُ ، وَمَا أُعْطِيَ أَحَدٌ عَطَاءً خَيْرًا وَأَوْسَعَ مِنَ الصَّبْرِ ) .

*Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Бир тўда ансорийлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан садақа сўрашди, ул киши бердилар, сўнг тағин сўрашди, тағин бердилар, ҳатто олдиларидаги нарсалар тугади. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Менинг олдимда нимаики яхши нарса бўлса, сизлардан аямасмен, кимки ҳаромдан ҳазар қилса, Оллоҳ таоло ҳам уни ҳаромдан асрағайдир, кимки бойлик тиласа, Оллоҳ таоло унга бойлик ато қилгайдир, кимки сабр-тоқат қилса, Оллоҳ таоло унга сабр-тоқат бергайдир. Оллоҳ таоло бандасига инъом этадирган неъматлар ичида сабр-тоқатдан кўра афзалроқ неъмат бўлмаса керак!» — дедилар».

692 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ ، لَأَنْ يَأْخُذَ أَحَدُكُمْ حَبْلَهُ فَيَحْتَضِبَ عَلَى ظَهْرِهِ ، خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَأْتِيَ رَجُلًا فَيَسْأَلَهُ أَعْطَاهُ أَوْ مَنَعَهُ ) .

وَفِي رِوَايَةٍ عَنِ الزُّبَيْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لَأَنْ يَأْخُذَ أَحَدُكُمْ حَبْلَهُ ، فَيَأْتِيَ بِحُزْمَةِ الْحَطَبِ عَلَى ظَهْرِهِ فَيَسْبِغُهَا ، فَيَكْفُفَ اللَّهُ بِهَا وَجْهَهُ ، خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ النَّاسَ ، أَعْطَوْهُ أَوْ مَنَعُوهُ ) .

*Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жону таним қўлида бўлган Оллоҳ таолога қасам ичиб айтурменким, бировнинг олдига бориб (у ҳали садақа берадирми, йўқми?), тиламчилик қилганингиздан кўра, ўтин териб, арқон бирлан орқалаб, тирикчилик қилганингиз маъқулдир!» — дедилар».

*Зубайр ибн Аввом айтадирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қўлингизга арқон олиб, бир боғ ўтин териб, сўнг уни елкангизга орқалаб, олиб бориб сотсангиз-у, Оллоҳ таоло бу бирлан сизни (тиламчилик) хижолатидан қутқариб қолса, сиз учун бу — сўрасангиз ё берадирган, ё бермайдирган кишининг олдига бориб садақа тилаганингиздан кўра, афзалдир!» — деганлар».

693 . عَنْ حَكِيمِ بْنِ حِزَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَعْطَانِي ، ثُمَّ سَأَلْتُهُ فَأَعْطَانِي ، ثُمَّ سَأَلْتُهُ فَأَعْطَانِي ، ثُمَّ سَأَلْتُهُ فَأَعْطَانِي ثُمَّ قَالَ : ( يَا حَكِيمُ ، إِنَّ هَذَا الْمَالَ خَضْرَاءُ حُلْوَةٌ ، فَمَنْ أَخَذَهُ بِسَخَاوَةٍ نَفْسُ بُورِكَ لَهُ فِيهِ ، وَمَنْ أَخَذَهُ بِإِشْرَافِ نَفْسٍ لَمْ يَبَارِكْ لَهُ فِيهِ ، وَكَانَ كَالَّذِي يَأْكُلُ وَلَا يَشْبَعُ ، أَيْدِ الْعُلْيَا خَيْرٌ مِنَ أَيْدِ السُّفْلَى ) . فَقَالَ حَكِيمٌ : فَقُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ لَا أَرُزَأُ أَحَدًا بَعْدَكَ شَيْئًا حَتَّى أُفَارِقَ الدُّنْيَا . فَكَانَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَدْعُو حَكِيمًا إِلَى الْعَطَاءِ ، فَيَأْتِي أَنْ يَقْبَلَهُ مِنْهُ ، ثُمَّ إِنَّ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ دَعَاهُ لِيُعْطِيَهُ ، فَأَبَى أَنْ يَقْبَلَ مِنْهُ شَيْئًا ، فَقَالَ عُمَرُ : إِنَّي أَشْهَدُكُمْ يَا مَعْشَرَ الْمُسْلِمِينَ عَلَى حَكِيمٍ ، أَنِّي أَعْرَضْتُ عَلَيْهِ حَقَّهُ مِنْ هَذَا الْفَيْءِ فَيَأْتِي أَنْ يَأْخُذَهُ ، فَلَمْ يَرُزَأُ حَكِيمًا أَحَدًا مِنَ النَّاسِ بَعْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى تُوفِّيَ .

*Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу айтадирлар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан садақа сўрадим, бердилар, сўнг яна сўрадим, яна бердилар, тағин сўрадим, тағин бердилар. Кейин менга: «Эй Ҳаким, бу мол-дунё деган нарса ҳайвоннинг кўзига яхши кўринадирган кўм-кўк, ширин ўт-ўлан сингари одамнинг кўзини ўйнатгайдир, кимки ундан очкўзлик қилмай эҳтиёжига яраша олса, Оллоҳ таоло унга барака ато этгайдир, кимки нафси ғолиблик қилиб, беш қўлини оғзига тикса, унинг бири икки бўлмагайдир, ундоқ одам қанча еса ҳам ҳеч тўймайдирган мечкайга ўхшайдир, кўтарилган қўл (меҳнатга бўйин ёр берган қўл) туширилган қўлдан (садақага узатилган қўлдан) афзалдир!» — дедилар. Шунда мрн: «Ё Расулуллоҳ, сизни ҳақлиғ узра пайғамбар қилиб юборган ул зоти олий номига қасам ичиб айтурменким, сиз ўтганингиздан кейин ҳам то у дунёга риҳлат қилгунимча, бировдан бир нарса олмагайдирман!» — дедим ».

Абу Бакр разияллоҳу анҳу Ҳакимни чақириб, ҳадя берсалар, у олмас эрди. Бир куни Умар разияллоҳу анҳу ҳам уни чақириб, нимадир бермоқчи бўлган эрдилар, олмади. Шунда Ҳазрат Умар: «Эй мусулмонлар жамоаси, сизлар гувоҳ бўлингиз, мен Ҳакимга: «Мана бу ўлжадан ўз улушингни олғил!»—десам, олмаётир»,— дедилар.

Ҳаким, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вофот қилганларидан кейин ҳам то ўлгунича, ҳеч кимдан ҳеч нарса олмади.

#### **149-боб. Оллоҳ таоло неъмат ато этган, тиламчи ва очкўз бўлмаган одам ҳақида**

Оллоҳ таоло: «Уларнинг мол-дунёларида тиламчи ва маҳрумларнинг (муҳтожларнинг) ҳам ҳақлари бордир!» — дейдир.

694 . عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعْطِينِي الْعَطَاءَ فَأَقُولُ : أَعْطِهِ مَنْ هُوَ أَفْقَرُ إِلَيْهِ مِنِّي ، فَقَالَ : ( خُذْهُ ، إِذَا جَاءَكَ مِنْ هَذَا الْمَالِ شَيْءٌ ، وَأَنْتَ غَيْرُ مُشْرِفٍ وَلَا سَائِلٍ فَخُذْهُ ، وَمَا لَا فَلَا تُتْبِعْهُ نَفْسَكَ ) . (

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Ҳазрат Умарнинг бундай деганини эшитганман»,— дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ҳадя берсалар, уни мендан кўра муҳтожроқ одамга берингиз, дер эрдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Сенга бергандан кейин олғил-да, ахир сен таъмагир ҳам, гадой ҳам зрмассен-ку! Олғил буни, лекин мол-дунёга хирс қўймағил!» — дедилар».*

#### **150-боб. Бойиш ниятида садақа сўраса...**

695 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَسْأَلُ النَّاسَ ، حَتَّى يَأْتِيَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَيْسَ فِي وَجْهِهِ مُزْعَةٌ لَحْمٍ ) . وَقَالَ : ( إِنَّ الشَّمْسَ تَدْنُو يَوْمَ الْقِيَامَةِ ، حَتَّى يُلْغَ الْعَرَقُ نِصْفَ الْأُذُنِ ، فَيَبْنَمَا هُم كَذَلِكَ اسْتَعَاثُوا بِأَدَمَ ، ثُمَّ بِمُوسَى ، ثُمَّ بِمُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ) .

*Ҳамза оталари Абдуллоҳ ибн Умардан бундай деб эшитган эрканлар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тиламчи, ҳатто қиёмат куни (шармандалиғ, юзсизлиғдан) бетида бир парча гўшт қолмаган ҳолда Оллоҳ таолонинг даргоҳига кириб келса ҳам, тиламчилигини қўймағайдир»,— дедилар. Жаноб Расулulloҳ яна бундай дедилар: «Қиёмат куни Қуёш (Ерга) яқин келиб, қиздирганда, одамлардан шунчалик кўп тер оқайдирким, ҳатто ҳамма ёқни тўлдириб, қулоқларининг ярмигача кўтарилғайдир. Шу аҳволда туриб улар Одам Атога, сўнг Мусога, кейин эрса, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга ёлбориб, ёрдам сўрашғайдир». Абдуллоҳ ибн Солиҳ шу ҳадиснинг давомини Ибн Абу Жаъфардан эшитиб, ривоят қиладилар: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таоло уларга ҳукм чиқарсин, деб шафоат айлаб, жаннат эшигининг дастасидан тутғайдирлар. Ўшал куни Оллоҳ таоло Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга мақтовга сазовор бир мақом ато этғайдирким, уни барча маҳшардагилар мақтағайдир».*

#### **151- б о б. Оллоҳ таолонинг «Одамлардан, бермаганига қўймай садақа сўраш ярамайдир...» деган ояти кариймаси хусусида**

Қанчадан-қанча бойлик бор-у, лекин Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, «Оллоҳ таоло йўлида бир қадам ҳам қўймакка ярамайдирган фақирларга (Оллоҳнинг) берадирган бойлиги йўқдир! Оллоҳ таоло уларнинг қилмишларидан бохабардир!»

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мискин, бир ёки икки марта егулик берса, қайтадирган одам*

эрмасдир, аммо мискиннинг бойлиги йўқдир, у одамлардан ҳаё қилғайдир ёки уларга ёпишиб олиб, садақа сўрай олмағайдир»,— деб айтганлар».

*Шаббий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Муовия Муғийра ибн Шуъбага: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўзинг эшитган бир ҳадисни менга ёзиб юборғил!» — деб мактуб йўллади. Муғийра ибн Шуъба: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳ таоло сизларга уч нарсани — ғийбатни, молни исроф қилмоқни ва кўп садақа сўрамакни манъ қилғайдир» — деганларини эшитганман»,— деб ёзиб юборди».

*Саъд ибн Ваққос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир тўда одамларга ҳадя улашаётган эрдилар, мен ҳам ўшаларнинг орасида ўтирган эрдим. Жаноб Расулulloҳ одамлардан бирига ҳадя бермай ўтиб кетдилар. Ўша киши менга бошқалардан кўра кўпроқ ёқарди. Мен ўрнимдан туриб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга секингина: «Сизга не бўлди, фалончига ҳадя бермадингиз? Худо ҳаққи мен уни мўъмин, деб билурмен»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ёки мусулмон»,— дедилар. Мен бир оз жим қолдим-да, сўнг бояги одамни яхши билганимдан, чидай олмай: «Ё Расулulloҳ, фалончига нечун ҳадя бермадингиз? Худо ҳаққи, мен уни мўъмин, деб билурмен»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ёки мусулмон»,— дедилар. Мен яна бир оз жим қолдим, кейин бояги кишини яхши билганимдан, чидай олмай, тагин: «Ё Расулulloҳ, фалончидан хафамисиз? Худо ҳаққи, мен уни мўъмин, деб билурмен»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ёки мусулмон»,— дедилар. Кейин, яна бундоқ дедилар: «Мен ундан кўра суюклироқ кишига ҳам ва ўзгаларга ҳам, дўзах ўтига юз тубан қуламасинлар, деб қўрқиб ҳадя бермағайдирмен».

696 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لَيْسَ الْمِسْكِينُ الَّذِي يَطُوفُ عَلَى النَّاسِ ، تَرُدُّهُ اللَّقْمَةُ وَاللَّقْمَتَانِ ، وَالتَّمْرَةُ وَالتَّمْرَتَانِ ، وَلَكِنَّ الْمِسْكِينُ : الَّذِي لَا يَجِدُ غَنًى يَغْنِيهِ ، وَلَا يُفْطِنُ بِهِ فَيَتَصَدَّقُ عَلَيْهِ ، وَلَا يَقُومُ فَيَسْأَلُ النَّاسَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамлар (орасинда айланиб юрганида) бир-иккита хурмо, бир-икки ошам овқат узатсалар, олмай, қайтарадирган одам мискин эрмасдир, балки мискин бойимоқ мақсадида бойлик изламайдирган, одамлар садақа берғайман, деб қидирмайдирган ва ўрнимдан туриб бориб одамлардан садақа сўрамайдирган шахсдир!»—дедилар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эрта билан қўлга арқон олиб («Тоққа, бўлса керак»,— дейдилар Абу Ҳурайра) чиқсангиз, ўтин териб, елкангизга орқалаб, олиб бориб сотсангиз, пулига еб-ичиб, ҳам садақа айласангиз, бу сиз учун одамлардан садақа сўраб, тиламчилик қилгандан афзалдир!»—деганлар».

## 152-БОБ. Хурмони чамалаб ўлчамоқ

697 . عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

عَزَوْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غَزْوَةَ تَبُوكَ ، فَلَمَّا جَاءَ وَادِي الْقُرَى ، إِذَا امْرَأَةً فِي حَدِيقَةٍ لَهَا ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَصْحَابِهِ : ( اخْرُصُوا ) . وَخَرَصَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَشْرَةَ أَوْسُقٍ فَقَالَ لَهَا : ( أَحْصِي مَا يَخْرُجُ مِنْهَا ) . فَلَمَّا أَتَيْنَا تَبُوكَ قَالَ : ( أَمَا إِنَّهَا سَتَهَبُ اللَّيْلَةَ رِيحٌ شَدِيدَةٌ ، فَلَا يَقُومَنَّ أَحَدٌ ، وَمَنْ كَانَ مَعَهُ بَعِيرٌ فَلْيَعْقِلْهُ ) . فَعَقَلْنَاهَا ، وَهَبَتْ رِيحٌ شَدِيدَةٌ فَقَامَ رَجُلٌ فَأَلْقَتْهُ بِجَبَلٍ طَيِّبٍ . وَأَهْدَى مَلِكٌ أَيْلَةَ لِلْتَّيِّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْلَةَ بَيْضَاءَ وَكَسَاهُ بُرْدًا ،

وَكَتَبَ لَهُ بِبَحْرِهِمْ ، فَلَمَّا أَتَى وَاذِي الْقُرَى قَالَ لِلْمَرْأَةِ : ( كَمْ جَاءَتْ حَدِيثَكَ ) . قَالَتْ : عَشْرَةَ أَوْسُقٍ ، خَرَصَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنِّي مُتَعَجِّلٌ إِلَى الْمَدِينَةِ ، فَمَنْ أَرَادَ مِنْكُمْ أَنْ يَتَعَجَّلَ مَعِيَ فَلْيَتَعَجَّلْ ) ، فَلَمَّا — قال الراوي كلمةً معناها — أَشْرَفَ عَلَى الْمَدِينَةِ قَالَ : ( هَذِهِ طَابَةٌ ) . فَلَمَّا رَأَى أَحَدًا ، قَالَ : ( هَذَا جَبِيلٌ يَجِينَا وَنُحْبُهُ ، أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِخَيْرِ دُورِ الْأَنْصَارِ ) . قَالُوا : بَلَى ، قَالَ : ( دُورُ بَنِي النَّجَّارِ ، ثُمَّ دُورُ بَنِي عَبْدِ الْأَشْهَلِ ، ثُمَّ دُورُ بَنِي سَاعِدَةَ ، أَوْ دُورُ بَنِي الْحَارِثِ بْنِ الْحَزْرَجِ ، وَفِي كُلِّ دُورٍ الْأَنْصَارِ — يَعْنِي — خَيْرًا ) .

*Хумаид Соъидий разияллоху анху ривоят қиладирлар:* «(Бу воқеа) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга «Табук» ғазотига чиққаннимизда бўлганди. Ўшанда, Жаноб Расулulloҳ «Водийу-л-Қуро» деган ерга етиб борганимизда, бир аёлнинг ўз боғида айланиб юрганини кўриб, саҳобаларга: «Бу аёлнинг боғидаги меваларни чамалаб кўрингиз-чи!» — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари ўн васақ (1 васақ— 60 соъ, 1 соъ— 2 кг 400 гр) деб чамаладилар. Кейин, аёлга: «Меваларнинг қанча чиққанлигини ҳисоблаб қўйғил!» — дедилар. Табукка етганимизда Жаноб Расулulloҳ: «Шу кеча қаттиқ шамол қўзғаладирғон кўринадир, биттангиз ҳам турмангиз! Кимнинг туяси бўлса, боғлаб қўйсин!»,— дедилар. Биз туяларни боғлаб қўйдик. Кейин, қаттиқ шамол қўзғалди. Бир киши ўрнидан турган эрди, шамол учуриб кетиб, Тайъ тоғига олиб бориб ташлади. (Шамол тингач) Айла подшоси Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга битта оқ хачир ҳадя қилиб юборди. Жаноб Расулulloҳ Айла подшосига элчиси орқали ридо (кийим) тортиқ қилиб, «Денгиз соҳилида одамлари бирлан шай бўлиб турсин!» деган мазмунда нома ҳам битиб, бериб юбордилар. Водийу-л-Қурога қайтиб борганимизда, Жаноб Расулulloҳ мазкур боғдаги аёлдан: «Боғинг қанча ҳосил берди?» — деб сўрадилар. Аёл: «Ўн васақ»,—деб айтди. Жаноб Расулulloҳнинг чамалари тўғри чиқди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ: «Мен Мадинага шошиб турибдирман, кимки Мадинага мен бирлан тезроқ бормакни истаса, юрсин!»— дедилар. Ибн Баккор: «Менинг учун энг азиз шаҳар!» — деган эрди, Жаноб Расулulloҳ: «Бу Тобадир! (яъни, Мадинадир)»,— дедилар. Кейин, Уҳуд тоғини кўриб: «Бу тоғ бизни яхши кўрғайдир, биз ҳам уни яхши кўрғайдирмиз, ансорлардан кимларнинг ҳовлиси яхши эканлигини сизларга айттайинми?»—дедилар. Саҳобалар: «Ҳа»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Баний Нажжорнинг ҳовлиси, Баний Абду-л-Ашҳалнинг ҳовлиси, Баний Соъиданинг ёким Банийу-л-Ҳарас ибн ал-Ҳазражнинг ҳовлиси»,— дедилар, кейин: «Ҳар бир ансорийнинг ҳовлисида яхшилиқ мавжуддир»,— деб қўшиб қўйдилар».

### 153-боб. Осмон суви (ёмғир) ва оқар сув билан суғориладирган экиндан олинадирган ушр солиғи

Умар ибн Абд-ул-Азиз асалга солиқ солмакни лозим кўрмаганлар.

698 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( فِيمَا سَقَتِ السَّمَاءُ وَالْعُيُونُ ، أَوْ كَانَ عَثْرِيَا الْعُشْرُ ، وَمَا سُقِيَ بِالتَّضْحِ نِصْفُ الْعُشْرِ ) .

*Солим ибн Абдуллоҳнинг оталари ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Осмон (ёмғир) ва булоқлар ёки ер ости сизот сувлари бирлан суғорилган экинга ушр (ҳосилнинг ўндан бири), чиғир ёрдамида суғорилган экинга эрса, ярим ушр солиқ солинғайдир»,— деб айтганлар».

*Имом Бухорий бундай дейдилар:* «Бу ҳадис аввалги (яъни, Умар айтган) ҳадиснинг тафсиридир, чунким Умарнинг ривоятида «Осмон (ёмғир) суви бирлан суғориладирган экинга ушр солинмоғи лозимдир» дейилиб, вақти кўрсатилмаган.

Солим ибн Абдуллоҳнинг оталари айтган ҳадисда эрса, ушр шартлари кенгроқ, баён қилиниб, «Суғорилган экинга», деб вақти аниқ кўрсатилган. Агар ҳадисни субут аҳли (яъни, сўзи ишонарли кишилар) айтган бўлса, уни қабул қилмоқ лозим. Чунончи, Фазл ибн Аббос: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъба ичкарасида намоз ўқимадилар»,— деб айтди, Билол эрса: «Намоз ўқидилар»,— деди, шунда Фазлнинг гапи ишонарсиз, деб топилиб, Билолнинг сўзи мақбул кўрилди».

### 154-боб. Беш васак бўлмаса, садақа лозим эрмас

*Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Беш васакдан оз нарсалардан, туялари сони бештадан кам подадан ҳамда беш ўққийадан кам кумуш (пул) дан садақа (закот) олинмағайдир»,— деб айтганлар».

*Имом Бухорий бундай дейдилар:* «Бу ҳадис дастлабки (Ибн Умар айтган) ҳадиснинг тафсиридир. Ибн Умарнинг ҳадисида: «Беш васак бўлмаса, садақа лозим эрмас»,— дейилган. Бу ерда, «беш васакдан оз» ёки «кўп» деган маъкул. Абу Саъид Худрийнинг ҳадисида эрса, «Беш васакдан оз...», деб аниқ айтилган. Илмда доимо аҳли субутлар аниқ-ойдин қилиб айтган ҳадислар қабул қилинғайдир».

### 155-боб. Хурмо терилганда олинадирган закот ҳақида; ёш бола закотга берилган хурмони (емай) ташлаб кетадирми?

699 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُؤْتِي بِالتَّمْرِ عِنْدَ صِرَامِ النَّخْلِ ، فَيَجِيءُ هَذَا بِتَمْرِهِ وَهَذَا مِنْ تَمْرِهِ ، حَتَّى يَصِيرَ عِنْدَهُ كَوْمًا مِنْ تَمْرٍ ، فَجَعَلَ الْحَسَنُ وَالْحُسَيْنُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا يُلْعَبَانِ بِذَلِكَ التَّمْرِ ، فَأَخَذَ أَحَدُهُمَا تَمْرَةً فَجَعَلَهَا فِي فِيهِ ، فَنَظَرَ إِلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخْرَجَهَا مِنْ فِيهِ ، فَقَالَ : ( أَمَا عَلِمْتَ أَنَّ آلَ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَأْكُلُونَ الصَّدَقَةَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Хурмо терими вақтида, ким Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келса, хурмо кўтариб келарди, ҳатто хурмонинг кўплигидан тепалик ҳосил бўлур эрди. Бир куни (набиралари) Ҳасан ва Ҳусан разияллоҳу анҳумо хурмолардан олиб ўйнай бошлашди. Кейин, улардан бири битта хурмо олиб оғзига солди. Жаноб Расулulloҳ буни кўриб, хурмони унинг оғзидан чиқариб олдилар-да: «Муҳаммад зурриёти садақа емаслигини билмасмисен?!» — дедилар».

### 156-боб. Кимда-ким ушр ёки закот бермоғи лозим бўла туриб, хурмо меваларини ёки хурмозорнинг ўзини ёхуд ерини ёинки экинни сотиб юборса, тўловни бошқа нарсалар ҳисобига адо этмоғи мумкин

*Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам:* «Меванинг яроқлилигини билмай туриб, сотмангиз!» — дедилар. Демак, мева пишгандан кейин сотишни ҳеч кимга манъ қилганлари йўқ ва закот бермоғи лозим бўлганларни закот бермоғи лозим бўлмаганлардан ажратиб, алоҳида эслатиб ўтмадилар ҳам.

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мева яроқли бўлмагунча сотмоқни манъ қилдилар. «Мева қачон яроқли бўлур?» — деб сўрашганда, «Унинг камчилиги қолмаганда»,— дедилар».

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ҳам:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мева яроқли бўлмагунча сотмоқни манъ қилдилар»,— дейдилар.

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам меваларни етилмагунча сотмоқни таъқиқладилар»,— дедилар, кейин: «Қизармагунча»,— деб ҳам қўшиб қўйдилар.



**157-боб. Биров садақа қилган нарсани бошқа бир одам сотиб олса бўладирми? Биров садақа қилган нарсани бошқа бир одам сотиб олса, зарари йўқдир, чунки Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам садақа қилган кишигагина ўзи садақа қилган нарсани сотиб олмоқни манъ қилганлар**

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Умар ибн Хаттоб Оллоҳ йўлига бир отни садақа қилган эрдилар. Бир куни ўша отни сотишаётганини кўриб, ўзлари қайтиб сотиб олмоқчи бўлдилар. Аввал Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, маслаҳат қилдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Садақангни қайтиб олмағил!» — дедилар. Шу-шу бўлди-ю, Ҳазрат Умар, садақа қилган нарсалари қайтиб қўлларига тушиб қолса, дарров бировга бериб юборар эрдилар».

700 . عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : حَمَلْتُ عَلَى فَرَسٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ، فَأَضَاعَهُ الَّذِي كَانَ عِنْدَهُ ، فَأَرَدْتُ أَنْ أَشْتَرِيَهُ ، فَظَنَنْتُ أَنَّهُ يَبِيعُهُ بِرُخْصٍ ، فَسَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : ( لَا تَشْتَرِهِ ، وَلَا تُعَدُّ فِي صَدَقَتِكَ ، وَإِنْ أَعْطَاكَه بَدْرَهُمْ ، فَإِنَّ الْعَائِدَ فِي صَدَقَتِهِ كَالْعَائِدِ فِي قَيْتِهِ ) .

*Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Фи сабилллоҳ бир кишига от миндириб юбордим, лекин у отни хароб қилиб қўйди. (Отга ачиниб) уни қайтиб сотиб олмоқчи бўлдим, арзонроқ берса керак, деб ўйловдим. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга ниятимни айтгани эрдим: «Агар бир дирҳамга берса ҳам, садақа қилган нарсангни қайтиб сотиб олмағил! Чунки садақа қилган нарсасини қайтиб оладирган одам, ўз қусуғини қайтиб еган итга ўхшайдир»,— дедилар».

**158-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга қилинадирган садақа хусусида зикр қилинган ҳадис**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ҳасан ибн Али разияллоҳу анҳу закотга берилган хурмолардан биттасини оғзиларига солдилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам, хурмони емай оғиздан олиб ташласин деб, «ких-ких» (нафратланганда айтиладирган сўз) дедилар-да, «Биз садақа емаслигимизни билмасмисен?!» — деб койидилар».

**159-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари озод этган қулга берилган садақа ҳақида**

701 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : وَجَدَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَاةَ مَيْتَةٍ ، أُعْطِيَتْهَا مَوْلَاةٌ لِمَيْمُونَةَ مِنَ الصَّدَقَةِ ، قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( هَلَّا اتَّفَعْتُمْ بِجِلْدِهَا ) قَالُوا : إِنَّهَا مَيْتَةٌ ، قَالَ : ( إِنَّمَا حَرَّمَ أَكْلَهَا ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинлари Маймуна разияллоҳу анҳонинг озод этилган қулларидан бирига садақа қилинган ҳаром ўлган қўйга кўзлари тушиб: «Унинг терисидан фойдаланмадингизларми?» — дедилар. Улар: «Ҳаром ўлган-ку!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Гўштиний емоқ ҳаромдир»,— дедилар».

*Асвад разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Оишаонамиз Барирани қулликдан озод қилмоқ ниятида сотиб олмоқчи бўлдилар. Лекин, Бариранинг хўжайини унга нисбатан валийлик ҳуқуқини ўзида қолдириш шарти билан сотмоқчи бўлди. Оиша онамиз бу гапни Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтдилар. Шунда, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша онамизга: «Сотиб олаверғил, валийлик ҳуқуқи қулни озод қилган кишида қолғайдир»,— дедилар».

702 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى بِلِحْمٍ تُصَدَّقُ بِهِ عَلَى بَرِيرَةَ فَقَالَ : ( هُوَ عَلَيْهَا صَدَقَةٌ

وَهُوَ لَنَا هَدِيَّةٌ .

*Оиша онамиз бундай дейдилар:* «Бир куни Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир оз гўшт келтиришди. Шунда мен: «Бу Барирага садақами?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Барирага садақа, бизга ҳадя»,— дедилар (озод қилинган қул, валийлик ҳуқуқига кўра, озод қилган шахс оиласининг қариндоши ҳисобланиб, мерос олиш ҳуқуқига ҳам эга бўладир).

### 160-боб. Садақа садақалик хусусиятини йўқотса...

*Умму Атиййа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша разияллоҳу анҳонинг олдиларига кириб: «Бирор егулик нарса борми?» — дедилар. Оиша онамиз: «Нусайба садақа қилиб бериб юборган қўй гўштидан бўлак нарса йўқдир»,— деб жавоб қилдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Садақа энди ўз ўрнини топибдир!»—дедилар (яъни, «Бизга садақа эрмас, ҳадядир»,— дедилар, чунки мазкур гўшт бошқа бир одамга садақа қилиб юборилган қўйнинг гўшти эрди)».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Барирага садақа қилинган гўштан Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳам олиб келишди. Шунда, Жаноб Расулulloҳ: «Бу гўшт Барира учун — садақа, биз учун ҳадядир»,— дедилар».

### 161-боб. Ҳамма ерда ҳам бойлардан садақа олиниб, фақирларга бериладир

703 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِمُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حِينَ بَعَثَهُ إِلَى الْيَمَنِ : ( إِنَّكَ سَتَأْتِي قَوْمًا أَهْلَ كِتَابٍ ، فَإِذَا جَنَّتْهُمْ فَادْعُهُمْ إِلَى : أَنْ يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لَكَ بِذَلِكَ ، فَأَخْبِرْهُمْ أَنَّ اللَّهَ قَدْ فَرَضَ عَلَيْهِمْ خَمْسَ صَلَوَاتٍ فِي كُلِّ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لَكَ بِذَلِكَ فَأَخْبِرْهُمْ أَنَّ اللَّهَ قَدْ فَرَضَ عَلَيْهِمْ صَدَقَةً تُؤْخَذُ مِنْ أَعْيَانِهِمْ فَتُرَدُّ عَلَىٰ فُقَرَائِهِمْ ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لَكَ بِذَلِكَ فَإِيَّاكَ وَكَرَائِمَ أَمْوَالِهِمْ ، وَآتَقِ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ ، فَإِنَّهُ لَيْسَ بَيْنَهُ وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маозни Яманга юбора туриб: «Сен аҳли китоб бўлмиш қавм ҳузурига бораётирсен, борсанг, энг аввало уларни «Ло илоҳа ил-ла-л-лоҳу Муҳаммадун Расулulloҳ» деб калимаи шаҳодат айтмоққа даъват этғил, агар сўзингга кирсалар, Оллоҳ таоло ҳар кеча-кундузда беш вақт намоз ўқимоқни фарз қилганини уларга айтғил, агар бунга ҳам кўнсалар, Оллоҳ таоло бойлардан закот олиб, фақирларга бермоқни ҳам фарз айлаганини уларга маълум қилғил, агар бунга ҳам рози бўлсалар, закотга одамларнинг энг яхши молини олмоқ макруҳлигини билдирғил! Жабрдийда одамнинг қарғишидан кўрқғил! Чунки у бирлан Оллоҳ таоло ўртасида парда йўқдир!» — дедилар».

### 162-боб. Имомнинг садақа қилган кишини топгантутганига барака тилаб, дуо қилмоғи лозимлиги; Оллоҳ таоло: «Уларнинг молларидан садақа олингиз, уларни шу восита ила поклаган ва гуноҳлардан фориғ қилган бўлурсиз, уларнинг ҳаққиға дуо қилингиз, чунким сизнинг дуойингиз уларга таскин-тасалли берғайдир!» — дейдир

704 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي أَوْفَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَتَاهُ قَوْمٌ بِصَدَقَتِهِمْ قَالَ : ( اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى آلِ فُلَانٍ ) فَأَتَاهُ أَبِي بِصَدَقَتِهِ فَقَالَ : ( اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى آلِ أَبِي أَوْفَى ) .

*Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ривоят қиладилар:* «Агар бир қавм Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга садақа олиб келса, ул киши: «Е парвардигор, флончининг аждод-авлодларидан раҳматингни дариф тутмағайсен!» — деб дуо қилар эрдилар. Бир куни менинг отам Жаноб Расулуллоҳга садақа олиб келдилар. Шунда, ул зоти олий: «Ё парвардигор, Аю Авфо аҳлидан раҳматингни аямағайсен!» — дרב Оллоҳ таолога илтижо қилдилар».

### 163-боб. Денгиздан олинадирган нарсалар ҳақида

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Анбар махсус тўпланган хазина эрмас, у денгиз чиқариб ташлайдирган бир нарсадир. Ҳасан Басрий: «Анбар ва маржон учун унинг бешдан бири миқдорида садақа қилинмоғи дозимдир, лекин сувдан топиб олинадирган нарсалар учун эрмас»,— деганлар».

705 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَنَّ رَجُلًا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ ، سَأَلَ بَعْضَ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنْ يَسْأَلَهُ أَلْفَ دِينَارٍ ، فَدَفَعَهَا إِلَيْهِ فَخَرَجَ فِي الْبَحْرِ فَلَمْ يَجِدْ مَرْكَبًا ، فَأَخَذَ خَشَبَةً فَتَقَرَّهَا ، فَأَدْخَلَ فِيهَا أَلْفَ دِينَارٍ فَرَمَى بِهَا فِي الْبَحْرِ ، فَخَرَجَ الرَّجُلُ الَّذِي كَانَ أَسْأَلَهُ فَإِذَا بِالْخَشَبَةِ ، فَأَخَذَهَا لِأَهْلِهِ حَطْبًا - فَذَكَرَ الْحَدِيثَ - فَلَمَّا تَشَرَّهَا وَجَدَ الْمَالَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида ривоят қиладилар:* «Баний Исроилга мансуб бир киши бир қавмдошидан минг динор қарз сўради. Ул киши айтганини берди. Бир куни қарз олган одам қарзинк қайтариб олиб бориб бермоқ мақсадида денгиз бўйига келиб, кема учратмади. Нима қилмоғини билмай, минг динорни бир ёғочнинг қавагига тиқиб, денгизга улоқтирди. Тасодифан, қарз берган одам денгиз соҳилига борса, қирғоқ яқинида бир ёғоч қалқиб турибдир. У, ёғочни ўтин қилғайман, деб ўйига олиб бориб ёрган эрди, ичидан минг динор пул чиқди».

### 164-боб. Хазинанинг бешдан бири миқдорида садақа бермоқ лозим

706 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الْعَجْمَاءُ جُبَارٌ ، وَالْبَيْتُ جُبَارٌ ، وَالْمَعْدِنُ جُبَارٌ ، وَفِي الرَّكَازِ الْخُمْسُ ) .

*Молик ва Ибн Идрис разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар:* «Хазина жоҳилия давридан қолган дафинадир, у хоҳ кўп бўлсин, хоҳ оз бўлсин, бешдан бири миқдорида садақа лозимдир, лекин маъдан хазина эрмас. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Маъдан (қазиш) да жубор (ўлим хатари) бордир (бу ерда, маъдандан закот олинмағайдир, деган маъно келиб чиқмайдир), хазинада эрса, хумс (молнинг бешдан бири ҳисобида олинадирган солиқ) бордир»,— деб айтганлар. Умар ибн Абду-л-азиз маъданларнинг ҳар икки юз дирҳамидан беш дирҳам закот олар эрди. Ҳасан Басрий бундай дейдилар: «Уруш бўлаётган ерларда (конлардан) олинган хазинага хумс, уруш йўқ ерлардан олинган хазинага эрса, закот солинмағайдир! Агар душман еридан бирор ёмби (бойлик) топсанг, бу ҳақда хабар берғил, башартӣ у душманники бўлса, ундан хумс олинмағайдир. Баъзилар: «Маъдан ҳам жоҳилия даврининг дафинаси сингари бир хазинадир»,— дейишади. Чунки, одатда маъдандан бирор нарса (кумуш ёки тилла) чиқиб қолса, «Маъданнинг таркибида бор эркан»,— дейилади. Ҳадя берилган кишига ёки (савдо-сотикдан) кўп фойда олган кишига ёхуд мўл-ҳосил етиштирган кишига: «Бойиб кетдинг!» — дейишганда, у тониб (бойлигини яшириб), хумс тўламаслиги мумкин».

706 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الْعَجْمَاءُ جُبَارٌ ، وَالْبَيْتُ جُبَارٌ ،

وَالْمَعْدُنُ جُبَارٌ ، وَفِي الرَّكَازِ الْخُمْسُ .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ёввойи ҳайвонлар, қудуқ ва маъдан даромад келтирмағайдир, аммо хазина учун хумс олинғайдир»,— деганлар».

**165-боб. Оллоҳ таолонинг «... ва-л-омилийна алайқо» (садақа йиғувчиларни) деган сўзи хусусида ва садақа йиғувчиларнинг (закотчиларнинг) имомга ҳисоб-китоб бермоғи тўғрисида**

707 . عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : اسْتَعْمَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا مِنْ الْأَسَدِ عَلَى صَدَقَاتِ بَنِي سُلَيْمٍ يَدْعَى ابْنَ اللَّثْبِيَّةِ ، فَلَمَّا جَاءَ حَاسِبَهُ .

*Абу Ҳумайд Соъидий разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Баний Сулайм аҳлидан садақа (закот) йиғишда Ибн Лутбия номли бир кишининг хизматидан фойдаландилар, у закот йиғиб келгач, Жаноб Расулulloҳга ҳисоб-китоб берди».

**166-боб. Садақага (закотга) берилган туялардан ва уларнинг сутларидан йўловчиларнинг фойдаланмоғи ҳақида**

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Урайна қабиласига мансуб бир гуруҳ одамлар Мадина ҳавосига ўргана олмай, касал бўлиб қолишди. Шунда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам садақага (закотга) берилган туллар олдига бориб, уларнинг сути ва сийдигидан (дори учун) ичмоққа рухсат бердилар. Улар эрса (кўрнамаклик қилиб) туякашни ўлдириб, туяларни ҳайдаб кетишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг кетидан аскар юбордилар, тутиб келишгач, қўл-оёқларини кестириб, кўзларини ўйдирдилар, сўнг офтобга ташлаб қўйдилар, (оғриқдан) тош ғажиб ётишди».

**167-боб. Имомнинг садақага (закотга) берилган туяларга ўз қўли бирлан тамға уриб чиқмоғи ҳақида**

708 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : غَدَوْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْدَ اللَّهِ بْنِ أَبِي طَلْحَةَ لِيَحْكَنَهُ ، فَوَافَيْتُهُ فِي يَدِهِ الْمَيْسَمِ ، يَسْمُ إِبِلِ الصَّدَقَةِ .

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Эрта билан Абдуллоҳ ибн Талҳани ёнимга олиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бордим, Абдуллоҳни бир «таҳник» қилиб қўйсалар, деган ниятим бор эрди («таҳник» — бир дона хурмони чайнаб, табаррук қилиб, кейин уни ёш боланинг оғзига солиб, танглайини кўтармоқ одати). Қарасам, Жаноб Расулulloҳ ўз қўллари бирлан туяларни тамғалаётган эрканлар».

**168-боб. Фитр садақасининг фарз эканлиги**

Абу-л-Олия, Ато ва Ибн Сирин фитр садақасини фарз, деб ҳисоблайдирлар.

709 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ زَكَاةَ الْفِطْرِ ، صَاعًا مِنْ تَمْرٍ أَوْ صَاعًا مِنْ شَعِيرٍ ، عَلَى الْعَبْدِ وَالْحُرِّ ، وَالذَّكَرِ وَالْأُنْثَى ، وَالصَّغِيرِ وَالْكَبِيرِ ، مِنَ الْمُسْلِمِينَ ، وَأَمَرَ بِهَا أَنْ تُؤَدَّى قَبْلَ خُرُوجِ النَّاسِ إِلَى الصَّلَاةِ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир мусулмонга, у хоҳ қул, хоҳ озод шахс бўлсин, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, хоҳ ёш ва хоҳ кекса бўлсин, хурмодан бир соъ ёки арпадан бир соъ фитри

рўза бермоқни фарз қилиб, уни одамлар ҳайит намозига чиқмасидан бурун адо этмоқни амр қилдилар».

### **169-боб. Қул ва (ундан) бошқа мусулмон кишиларнинг фитри рўза бермоғи вожиб**

711 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَدَقَةَ الْفِطْرِ ، صَاعًا مِنْ شَعِيرٍ أَوْ صَاعًا مِنْ تَمْرٍ ، عَلَى الصَّغِيرِ وَالْكَبِيرِ ، وَالْحُرِّ وَالْمَمْلُوكِ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир мусулмонга, у хоҳ қул, хоҳ озод шахс бўлсин, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, хоҳ ёш ва хоҳ кеса бўлсин, хурмодан бир соъ ёки арпадан бир соъ фитр закоти бермоқни фарз қилдилар».

### **170-боб. Арпадан бир соъ фитр закоти бериладир**

Абу Саъид разияллоҳу анҳу: «Бир соъ арпани овқат ўрнида фитри рўзага берар эрдик»,— дейдилар.

### **171-боб. Таомлардан бир соъ фитри рўза бериладир**

Аёз ибн Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарҳ Омирийга Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу: «Биз фитр закотига бир соъ таом ёки бир соъ арпа ёки бир соъ хурмо ёки бир соъ қурут ёки бир соъ майиз чиқарар эрдик»,— деган эрканлар.

### **172-боб. Хурмодан бир соъ фитри рўза бериладир**

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам фитр закотига бир соъ хурмо ёки бир соъ арпа бермоқни амр қилдилар. Одамлар эрса, бунинг эвазига икки муд буғдой бермоқни одат қилдилар».

### **173-боб. Майиздан бир соъ фитр закоти бериладир**

Абу Саъид Худрий ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида фитр садақасига бир соъ таом ёки бир соъ хурмо ёки бир соъ арпа ёки бир соъ майиз берар эрдик. Муовия даврига келиб, Шом мамлакатада буғдой мўл ҳосил бера бошлади. Шунда ; Муовия: «Буғдойнинг бир мудди бошқа меваларнинг икки муддига тенгдир, деб ўйлайман,— деди».

### **174-боб. Садақа ҳайит намозидан олдин бериладир**

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга намозга чиқмасдан аввал закот бермоқни амр қилдилар»,— дейдилар.

710 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كُنَّا نُخْرِجُ فِي عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ الْفِطْرِ صَاعًا مِنْ طَعَامٍ . وَقَالَ أَبُو سَعِيدٍ : وَكَانَ طَعَامُنَا الشَّعِيرُ وَالزَّبِيبُ وَالْأَقِطُ وَالتَّمْرُ .

*Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида Фитр ҳайити куни бир соъ таомни садақа қилиб чиқарар эрдик, ўшанда бизнинг таомимиз арпа, майиз, қурут ва хурмодан иборат бўлур эрди»,— дейдилар.

### **175-боб. Озод кишилар ва мамлукларнинг Фитр садақаси бериши лозимлиги ҳақида**

Зухрий разияллоҳу анҳу: «Мамлуклар учун, улар сотилганда ҳам, Фитр ҳайитида ҳам закот тўланғайдир»,— дейдилар.

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам эркак, аёл, озод шахс ва мамлукка бир соъ хурмо ёки бир соъ арпа миқдорида фитри рўза (ёки фитри рамазон) бермоғни фарз қилдилар. Одамлар эрса, бунинг ўрнига ярим соъ

буғдой берадиган бўлдилар»,— дейдилар».

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Умар бир соъ хурмо берар эрдилар. Мадина аҳли, хурмо кам бўлганда, ўрнига арпа берди. Ибн Умар (уйидаги) барча катта-кичиклар номидан, ҳаттоки менинг болаларим номидан ҳам фитри рўза бериб юборар эрдилар. Фитри рўзани фитри рўза йиғувчи махсус кишиларга берар эрдилар. Фитри рўзани ҳайитдан бир кун ёки икки кун илгари берар эрдилар».

### 176-боб. Каттаю-кичик фитри рўза бермоғи лозим!

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам каттаю-кичикка ҳамда озод шахс ва мамлукка бир соъ арпа ёки бир соъ хурмо фитри рўза бермоқни фарз қилдилар»,— дейдилар.

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

### 1-боб. Ҳаж китоби. Ҳажнинг вожиб эканлиги ва унинг фазилати ҳақида

Оллоҳ таоло бу хусусда: «Кимнинг қудрати етғайдир, Оллоҳ йўлида Байтуллоҳга ҳаж қилмоғи фарздир. Кимки Оллоҳнинг ҳукмига қарши чиқғайдир, Оллоҳ ундоқ бандаларга муҳтож эрмасдир!» — дейди.

712 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ الْفَضْلُ بْنُ الْعَبَّاسِ رَدِيفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَجَاءَتْ امْرَأَةٌ مِنْ خَتَمٍ ، فَجَعَلَ الْفَضْلُ يَنْظُرُ إِلَيْهَا وَتَنْظُرُ إِلَيْهِ ، وَجَعَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْرِفُ وَجْهَ الْفَضْلِ إِلَى الشَّقِّ الْأَخْرَ ، فَقَالَتْ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنَّ فَرِيضَةَ اللَّهِ عَلَى عِبَادِهِ فِي الْحَجِّ أَدْرَكَتْ أَبِي شَيْخًا كَبِيرًا ، لَا يُثْبِتُ عَلَى الرَّاحِلَةِ ، أَفَأَحْجُّ عَنْهُ ؟ قَالَ : ( نَعَمْ ) . وَذَلِكَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ .

*Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Фазл разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида туяга мингашиб олган эрдилар. Шу пайт, Хасъам қавмига мансуб бир аёл келди. Фазл бирлан аёл ҳадеб бир-бирларига қарашаверди. Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Фазлнинг юзини бошқа томонга буриб қўйдилар. Аёл: «Ё Расулulloҳ, Оллоҳ таоло ўз бандаларига ҳажни фарз қилган пайт отамнинг туя устида ўтира олмайдирган кексалик вақтларига тўғри келиб қолди, мен отамнинг номларидан ҳаж қилсам бўлурму?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа»,— дедилар. Бу воқеа Ҳажжат ул-Видоъда бўлганди».

### 2-боб. Оллоҳ таолонинг «Ўзлари учун савобли бўлган маросимларда иштирок этмоқ учун териси сўнгақларига ёпишган туяларни миниб, ҳар тарафдан ошиқиб олдингизга келғайдилар» деган ояти кариймаси хусусида

713 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَرْكَبُ رَاحِلَتَهُ بِذِي الْحُلَيْفَةِ ، ثُمَّ يُهَلُّ حِينَ تَسْتَوِي بِهِ قَائِمَةً .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Зулҳулайфада Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг туяларига минаётганларини кўрдим. Туяга миниб олгач, талбия айтдилар, туя эрса, тик турганча қимирламай турди».

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Зулҳулайфадан (бошлаб), туялари ул кишини кўтариб қимирламай тик турган пайтдан бошлаб таҳлил айтар эрдилар». Анас ва Ибн Аббос ҳам худди шу ҳадисни ривоят қилишган.

### 3-боб. Эгарда ўтириб ҳаж қилмоқ тўғрисида

*Қосим ибн Муҳаммад ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша разияллоҳу анҳони укалари Абдурраҳмон бирлан бирга ҳажга эҳром боғлагани юбордилар. Укалари Оиша онамизни эгарга мингаштириб олиб, Танъимдан бошлаб умра (кичик ҳаж) қилдирдилар», Умар разияллоҳу анҳу: «Ҳажда эгар қоринбоғларини қаттиқроқ тортингиз, чунки ҳаж икки жиҳоддан биридир!» — деганлар.

*Сумома ибн Абдуллоҳ ибн Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Анас эгардан тушмай ҳаж қилди, у хасис эрмас эрди (яъни, туясини кўзи қиймаганлигидан шундай қилгани йўқ, балки унга егулик ва бошқа керакли анжомларини ортиб олганди).

714 . عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَجَّ عَلَى رَحْلِ ، وَكَانَتْ زَامِلَتُهُ .

Анас: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам егулик. ва бошқа нарсаларини туяларига ортиб олиб, эгардан тушмай ҳаж қилганлар»,— деганди».

*Қосим ибн Муҳаммад ривоят қилади:* «Оиша онамиз разияллоҳу анҳо: «Ё Расулulloҳ, сизлар умра (кичик ҳаж) қилдингиз, мен умра қила олмадим»,— дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ё Абдурраҳмон, опангни олиб бориб, Танъимдан бошлаб умра қилдирғил!» — дедилар. Абдурраҳмон Оиша онамизни туяга мингаштириб олиб бордилар. Оиша онамиз умра қилдилар».

#### 4-БОБ. Холис ният бирлан ҳаж қилмоқнинг фазилати

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ислом амалларидан қай бириси афзал?» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ ва унинг Расулига иймон келтирмоқ»,— дедилар. «Яна қайсиниси? — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Холис ният бирла ҳаж қилмоқ»,— деб жавоб бердилар».

715 . عَنْ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ : يَا رَسُولَ اللَّهِ نَرَى الْجِهَادَ أَفْضَلَ الْعَمَلِ أَفَلَا نُجَاهِدُ ؟ قَالَ : ( لَا لَكِنَّ أَفْضَلَ الْجِهَادِ حَجٌّ مَبْرُورٌ ) .

*Оиша бинти Талҳа ривоят қилади:* «Оиша онамиз: «Ё Расулulloҳ, жиҳод ислом амалларидан энг афзали, деб билмаймиз, жиҳод қилмаймизми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Лекин, энг афзал жиҳод — холис ният бирла ҳаж қилмоқдир!»— деб жавоб қилдилар».

716 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( مَنْ حَجَّ لِلَّهِ ، فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُقْ ، رَجَعَ كَيَوْمٍ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким ёмон сўзламай ва ёмонлиқ қилмай Оллоҳ таоло йўлида ҳаж қилса, онасидан бугун туғилгандек гуноҳларидан. гюк бўлиб қайтғайдир»,— деб айтганлар».

#### 5-БОБ. Ҳаж ва умра мийқотларининг фарз қилинмоғи ҳақида

*Зухайр разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Зайд ибн Жубайр Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳунинг уйларига бордилар. Абдуллоҳ ибн Умарнинг ҳовлисида чодир ўрнатилган бўлиб, ҳовли саҳнининг тепасига ҳам ип мато тортилган эрди. «Қаердан умра қилмоқни бошлармен? — деб сўради Зайд. Абдуллоҳ ибн Умар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Нажд аҳлига Қарн деган ердан, Мадина аҳлига Зулхулайфадан, Шом аҳлига эрса, Жухфадан бошламоқни фарз қилганлар»,— дедилар».

**6-боб.**

Оллоҳ таоло: «Ўзингиз бирлан егулик олиб кетингиз, егуликнинг афзали эрса, тақводир!» — дейди.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Яман аҳли ҳаж қилганда йўлга егулик олмас эрди, «Биз таваккалчилармиз»,— дейишарди. Маккага келгандан кейин эрса, одамлардан овқат сўраб, тиламчилик қилишгай эрди. Шу боисдан Оллоҳ таоло мазкур оятни нозил қилди».

**7-боб. Макка аҳлининг ҳаж ва умра учун белгиланган таҳлилгоҳи**

717 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ :

إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَّتَ لِأَهْلِ الْمَدِينَةِ ذَا الْحُلَيْفَةِ ، وَأَهْلَ الشَّامِ الْحُفَّةَ ، وَأَهْلَ نَجْدٍ قَرْنَ الْمَنَازِلِ ، وَأَهْلَ الْيَمَنِ يَلْمَمَ ، هُنَّ لَهُنَّ ، وَلِمَنْ أَتَى عَلَيْهِنَّ مِنْ غَيْرِهِنَّ ، مِمَّنْ أَرَادَ الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ ، وَمَنْ كَانَ دُونَ ذَلِكَ فَمِنْ حَيْثُ أَنْشَأَ ، حَتَّى أَهْلُ مَكَّةَ مِنْ مَكَّةَ .

*Ибн Аббос ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина аҳлига Зулҳулайфани, Шом аҳлига Жухфани, Нажд аҳлига Қарн ал-Манозилни, Яман аҳлига эрса, Яламламни мийқот қилиб белгилаб бердилар. Ўша жойлар уларга ҳам, бошқа томонлардан ҳаж ва умра қилмоқни ихтиёр айлаб келганларга ҳам мийқотдир. Кимки мазкур белгиланган ерларга яқин турса, ўша турган жойи мийқотдир, ҳатто Макка аҳли ҳам Маккада эҳром боғлағайдир».

**8-боб. Мадина аҳлининг мийқоти; улар Зулҳулайфага келмасдан илгари таҳлил айтмайдирлар**

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мадина аҳли Зулҳулайфадан, Шом аҳли Жухфадан, Нажд аҳли Қарндан бошлаб таҳлил айтғайдир»,— деганлар. Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Яман аҳли Яламламдан бошлаб таҳлил айтғайдир»,— деганларини ҳам билурмен».

**9-боб. Шом аҳлининг таҳлилгоҳи**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина аҳлига Зулҳулайфани, Шом аҳлига Жухфани, Нажд аҳлига Қарн ал-Манозилни, Яман аҳлига эрса, Яламламни мийқот қилиб белгилаб бердилар. Ўша ерлар уларга ҳам, бошқа томонлардан ҳаж ва умра қилмоқни ихтиёр айлаб келганларга ҳам мийқотдир. Мазкур белгиланган жойларга яқин турадиганлар учун ўзлари турган жой мийқотдир, ҳатто Макка аҳли ҳам шаҳарнинг ўзида эҳром боғлағайдир».

**10-боб. Нажд аҳлининг таҳлилгоҳи**

*Солимнипг оталари Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мийқотларни белгилаб бердилар»,— деб айтган эрканлар.

*Солим ибн Абдуллоҳ оталаридан эшитган ҳадисни ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина аҳлига Зулҳулайфани, Шом аҳлига Маҳйаъа, яъни Жухфани, Нажд аҳлига Қарнни мийқот қилиб белгилаб бердилар».

*Ибн Умар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Яман аҳлига Яламламни мийқот қилиб белгилаб берганларини айтишғайдир, лекин мен ўзларидан эшитмаганман»,— дейдилар.



### 11-боб. Мийқотлари бўлмаганларнинг таҳлилгоҳлари

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина аҳлига Зулҳулайфани, Шом аҳлига Жухфани, Яман аҳлига Яламламни, Нажд аҳлига Қарнни мийқот қилиб белгилаб бердилар. Ўша мийқотлар уларга ҳам, бошқа томонлардан ҳаж ва умра қилмоқни ихтиёр айлаб келганлар учун ҳам мийқот вазифасини ўтафайдилар. Мазкур мийқотларга яқин турганлар учун ўша ўзлари турган ер мийқотдир, ҳатто Макка аҳли ҳам Маккада эҳром боғлафайдилар».

### 12-боб. Яман аҳлининг таҳлилгоҳи

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина аҳлига Зулҳулайфани, Шом аҳлига Жухфани, Нажд аҳлига Қарн ал-Манозилни, Яман аҳлига Яламламни мийқот қилиб белгилаб бердилар. Ўша мийқотлар уларга ҳам, бошқа томонлардан ҳаж ва умра қилмоқни ихтиёр айлаб келгучиларга ҳам мийқотдир, ҳатто Макка аҳли Маккада эҳром боғлафайдилар».

### 13-боб. Ироқ аҳлига Зоту Ирқ мийқотдир

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бу икки шаҳар — Басра ва Куфа фатҳ бўлганда, одамлар Умар разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига келиб: «Эй Амир алмўъминин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Нажд аҳлига Қарнни мийқот қилиб белгиладилар, лекин у бизнинг йўлимиз устида эрмас. Агар истаганимизда ҳам, биз ўзимизга алоҳида мийқот белгилаб олмоғимиз қийин»,— дейишди. Ҳазрат Умар: «Йўлингиз устидаги бирорта жойни қараб кўрингиз, тўғри келса, ўшани мийқот қилиб ола қолингиз!» — дедилар. Улар бориб қараб келишгач, Зоту Ирқни мийқот қилиб белгилаб бердилар».

### 14-боб.

718 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، أَمَّاخَ بِالْبَطْحَاءِ الَّتِي بَدِي الْحُلَيْفَةِ فَصَلَّى بِهَا ، وَكَانَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا يَفْعَلُ ذَلِكَ .

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳулайфадаги катта селхонага келганларида туяларини чўктирдилар-да, пастга тушиб икки ракъат намоз ўқидилар». Абдуллоҳ ибн Умар ҳам шундай қилар эрдилар.

### 15-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Шажара йўли орқали чиқиб боришлари ҳақида

719 عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَخْرُجُ مِنْ طَرِيقِ الشَّجَرَةِ ، وَيَدْخُلُ مِنْ طَرِيقِ الْمَعْرَسِ ، وَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا خَرَجَ إِلَى مَكَّةَ يَصَلِّي فِي مَسْجِدِ الشَّجَرَةِ ، وَإِذَا رَجَعَ صَلَّى بَدِي الْحُلَيْفَةِ بَيْتُنِ الْوَادِي ، وَبَاتَ حَتَّى يُصْبِحَ .

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Шажара (Дарахт) йўли орқали чиқиб борар эрдилар, қайтишда эрса, Муъаррас йўли орқали ўтиб, (уйларига) кириб кетар эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар Маккага йўл олсалар, Шажара масжидида намоз ўқиб ўтар эрдилар, қайтишда эрса, Зулҳулайфадаги водийда тўхтаб, намоз ўқирдилар, ўша ерда тонг оттирар эрдилар».

### 16-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ақиқ — табаррук водийдир!» деганлари ҳақида

720 . عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوَادِي الْعَقِيقِ يَقُولُ : ( أَتَانِي اللَّيْلَةَ آتٍ مِنْ رَبِّي فَقَالَ : صَلِّ فِي هَذَا الْوَادِي الْمُبَارَكِ ، وَقُلْ : عُمْرَةٌ فِي حَجَّةٍ ) .

*Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ақиқ водийсида туриб: «Бул кеча Оллоҳ таолодан менга хабарчи келди, ул менга: «Шу табаррук водийда намоз ўқиғил, сўнг ҳажда умра қилдим, дегил!» — деб айтди»,— деганларини эшитдим» («Ҳажда умра қилдим», яъни «Кичик ҳаж қилгандек бўлдим» дейиш бирлан, мазкур водийнинг табаррук эканлиғига ишора қилинғайдир).

721 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّهُ رَأَى وَهُوَ مُعْرَسٌ بِذِي الْحَلِيفَةِ ، بِيْطْنِ الْوَادِي قِيلَ لَهُ : إِنَّكَ بِيْطْحَاءَ مُبَارَكَةٍ .

*Солим оталари Абдуллоҳ ибн Умардан эшитган ҳадисни ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ақиқ водийсида жойлашган Зулҳулайфада дам олиб ётганларида туш кўрдилар. Тушларида «Сиз табаррук сой ўзанида турибдирсиз»,— деб айтишган эмиш».

*Мусо ибн Уқба бундай дейдилар:* «Солим туяларимизни Абдуллоҳ туясини чўктириб юрадирган жойга чўктирди. Бу ер Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (дам оладирган) жойлари бўлиб, Ақиқ водийсидаги масжиддан пастроқда, ҳажга бориб келгувчилар қўниб ўтадирган манзил бирлан йўл оралиғидадир».

### 17-боб. Бадандаги хушбўй ҳид уч марта ювиб кетказилғайдир

722 . عَنْ يَعْلَى بْنِ أُمِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ لِعُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَرِنِي النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ يُوْحِي إِلَيْهِ . قَالَ : فَبَيْنَمَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْجِعْرَانَةِ ، وَمَعَهُ نَفَرٌ مِنْ أَصْحَابِهِ ، جَاءَهُ رَجُلٌ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، كَيْفَ تَرَى فِي رَجُلٍ أَحْرَمَ بَعْمَرَةَ وَهُوَ مُتَضَمِّخٌ بِطَيْبٍ ؟ فَسَكَتَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَاعَةً ، فَجَاءَهُ الْوَحْيُ ، فَأَشَارَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ إِلَى يَعْلَى ، فَجَاءَ يَعْلَى ، وَعَلَى رَأْسِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَوْبٌ قَدْ أَظْلَمَ بِهِ ، فَأَدْخَلْتُ رَأْسِي فَإِذَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُحَمَّرٌ الْوَجْهَ ، وَهُوَ يَغِطُّ ثُمَّ سُرِّيَ عَنْهُ ، فَقَالَ : ( أَيْنَ الَّذِي سَأَلَ عَنِ الْعُمْرَةِ ) . فَأُتِيَ بِرَجُلٍ فَقَالَ : ( اغْسِلِ الطَّيْبَ الَّذِي بَكَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ، وَأَنْزِعْ عَنْكَ الْجُبَّةَ ، وَأَصْنَعْ فِي عُمْرَتِكَ كَمَا تَصْنَعُ فِي حَجَّتِكَ ) .

*Ибн Журайж ривоят қиладилар:* «Яъло разияллоҳу анҳу Умар разияллоҳу анҳуга: «Менга Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ваҳий нозил бўлаётган пайтдаги ҳолатларини кўрсатинг!» — деди. Шу пайт, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир нафар саҳобалари бирлан Жиъронада ўтирган эрдилар, бир киши келиб: «Ё Расулulloҳ, умрага эҳром бдтлаб, ўзига хушбўй нарсалар сепаиб олган киши хусусида не дерсиз?» — деб сўраб қолди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир соат сукут қилдилар, кейин ваҳий келди. Умар разияллоҳу анҳу Яълога ишора қилган эрдилар, у келди. Ушанда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тепаларига соя қилмоқ учун кийим осиб қўйилган эрди. Яъло кўйлак ортига бошини тиқиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари қизариб кетганлигини, энтикиб зўрга нафас олаётганларини кўрди. Ваҳий келиши тугагач, Жаноб Расулulloҳ энгил тортдилар, сўнг: «Умра тўғрисида сўраган бояги киши қани?»—дедилар. Уни чақириб келишгач: «Баданингдаги хушбўй ҳидни уч марта ювиб кетказғил, кийимингни ўзгартиргил, сўнг ҳажда не қилмоғинг лозим эрса, умрада ҳам шундоқ қилғил!» — дедилар. Мен Атодан: «Уч марта ювмоқни амр қилганларида ҳидни кетказмоқни назарда тутдиларми?»—деб сўрадим. «Ҳа»,— дедилар Ато разияллоҳу анҳу».

### 18-боб. Эҳром боғлашдан аввал ўзига хушбўй нарсалар суртмоқ; эҳромга кирмоқ учун нима кийгайдир? Сочларини тараб, ўзига хушбўй нарсалар суртгайдир

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Эҳром боғлаган киши райҳон ҳидлағайдир, кўзгуга қараб ўзини тартибга солғайдир, ўзи (кунда) еб юрадирган зайт (зайтун ёғи) ва самн (ҳайвон ёғи) бирлан ўзини муолажа қилғайдир»,— дейдилар. Ато разияллоҳу анҳу: «Эҳром боғлаган одам узук тақғайдир, ҳамёнини (белига) осиб олғайдир»,— дейдилар. Ибн Умар разияллоҳу анҳу эҳром боғлаб тавоф қилдилар. белларига кўйлақларини белбоғ қилиб олган эрдилар. Оиша онамиз тахтиравонларини кўтариб юрадирган кишиларнинг туббон (узунлиги бир қарич келадирган калта иштон) кийиб юришларига эътибор бермас эрдилар».

*Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу ўзларига зайт суркаб олардилар. Бу ҳақда Иброҳимга айтган эрдим, у: «Асвадга Оиша онамиз айтиб берган мана бу сўзга нима дерсан? Оиша онамиз: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳромдаликларида пешоналарининг хушбўй нарса суртилганидан ялтираб турганини ҳозир ҳам кўриб тургандекман»— деганлар»,— деди».

723 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ، زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَتْ : كُنْتُ أُطِيبُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِإِحْرَامِهِ حِينَ يَحْرِمُ ، وَلِحَلِّهِ قَبْلَ أَنْ يَطُوفَ بِالْبَيْتِ .

*Абдурраҳмон ибн ал-Қосим ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари Оиша разияллоҳу анҳо: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга эҳром боғлаб Каъбани тавоф қилмоқларидан олдин ҳам, тавоф қилиб чиққанларидан кейин ҳам хушбўй нарсалар суртиб қўйғай эрдим»,— дедилар».

### 19-боб. Сочини ихчамлаб олиб таҳлил айтмоқ

724 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَهْلُ مُلَبَّدًا .

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сочларини ихчамлаб олиб, таҳлил айтганларини кўрдим»,— дейдилар.

### 20-боб. Зулҳулайфа масжиди ёнида таҳлил айтмоқ ҳақида

*Солим ибн Абдуллоҳ:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зулҳулайфа масжиди ёнига келибгина таҳлил (талбия) айта бошлар эрдилар»,— дейдилар.

### 21-боб. Эҳром боғлайдирган одам қандай кийимларни киймаслиги лозим?

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, эҳром боғлайдирган одам қандай кийимлар киймоғи керак?»—деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Кўйлақ, салла, чолвор, бурнус (бош ва елкани ёпиб турадирган халат), маҳси киймағайдир, мобо до маҳсидан бошқа оёқ кийим топмаса, қўнжини тўпиғидан паст қилиб кесиб ташлағайдир, агар кийимга заъфарон ва варс (сарик дарахтдан олинадирган ранг) теккан бўлса, киймангиз!» — дедилар».

### 22-боб. Ҳажда ўзи улов миниб ёки бировнинг орқасига мингашиб юрмоқ

726 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ أُسَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ كَانَ رَدَفَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، مِنْ عَرَفَةَ إِلَى الْمُزْدَلِفَةِ ، ثُمَّ أَرْدَفَ الْفُضْلَ مِنَ الْمُزْدَلِفَةِ إِلَى مِئِي ، قَالَ فَكَلَاهُمَا قَالَ : لَمْ يَزَلِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَلْبِي ، حَتَّى رَمَى حِمْرَةَ الْعَقَبَةِ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Усома разияллоҳу анҳу Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида туяга мингашиб Арафотдан

Муздалифагача борди, сўнг Муздалифадан Миногача Фазл мингашиб олди. Усома ва Фазл: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Жамрат ул-Ақабагача талбия айтиб бордилар»,— дейишади».

### 23-боб. Эҳромдаги киши ридо ва изор каби кийимларни киядирми?

Оиша разияллоҳу анҳо эҳромда бўла туриб, заъфар бирлан бўялган кийим кийдилар-да: «Чачвон ва чиммат ёпинмағил, варс (сарик дарахтдан олинадирган ранг) ва заъфарон бирлан бўялган кийим киймағил!» — дедилар. Жобир разияллоҳу анҳу: «Заъфар бирлан бўялган кийимдан хушбўй ҳид келгайдир, демасман, Оиша онамиз аёлларнинг тақинчоқлар тақмоғи, қора ва қизил кийим ҳамда хуфф (енгил оёқ кийими) киймоғининг зарари йўқдир, деб ҳисоблаганлар. Иброҳим разияллоҳу анҳу: «Кийимларини алмаштириб олса ҳам бўлур»,— деганлар.

727 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

أَنْطَلَقَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْمَدِينَةِ ، بَعْدَمَا تَرَجَّلَ وَادَّهَنَ ، وَلَيْسَ إِزَارُهُ وَرِدَاءُهُ ، هُوَ وَأَصْحَابُهُ ، فَلَمْ يَنْهَ عَنْ شَيْءٍ مِنَ الْأُرْدِيَةِ وَالْأَزْرِيِّ ثَلْبَسَ إِلَّا الْمُرْعَفَةَ الَّتِي تَرَدُّعُ عَلَى الْجِلْدِ ، فَأَصْبَحَ بِذِي الْحُلَيْفَةِ ، رَكِبَ رَاِحِلَتَهُ حَتَّى اسْتَوَى عَلَى الْبَيْدَاءِ ، أَهْلٌ هُوَ وَأَصْحَابُهُ وَقَلَّدَ بَدَنَتَهُ ، وَذَلِكَ لِحَمْسِ بَقِيْنَ مِنْ ذِي الْقَعْدَةِ ، فَقَدِمَ مَكَّةَ لِأَرْبَعِ لَيَالٍ خَلَوْنَ مِنْ ذِي الْحِجَّةِ ، فَطَافَ بِالْبَيْتِ وَسَعَى بَيْنَ الصَّفَا وَالْمَرْوَةِ وَلَمْ يَحِلَّ مِنْ أَجْلِ بَدْنِهِ ، لِأَنَّهُ قَلَّدَهَا ، ثُمَّ نَزَلَ بِأَعْلَى مَكَّةَ عِنْدَ الْحَجُونَ وَهُوَ مُهَلِّ بِالْحَجِّ ، وَلَمْ يَقْرَبِ الْكَعْبَةَ بَعْدَ طَوَافِهِ بِهَا حَتَّى رَجَعَ مِنْ عَرَفَةَ ، وَأَمَرَ أَصْحَابَهُ أَنْ يَطُوفُوا بِالْبَيْتِ وَبَيْنَ الصَّفَا وَالْمَرْوَةِ ، ثُمَّ يَقْصِرُوا مِنْ رُؤُوسِهِمْ ، ثُمَّ يَحِلُّوا ، وَذَلِكَ لِمَنْ لَمْ يَكُنْ مَعَهُ بَدَنَةٌ قَلَّدَهَا ، وَمَنْ كَانَتْ مَعَهُ امْرَأَتُهُ فَهِيَ لَهُ حَلَالٌ ، وَالطَّيْبُ وَالْتِيَابُ .

*Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини таратиб, баданларига хушбўй нарсалар суркатиб, изор ва ридоларини кийиб Мадинадан йўлга чиқдилар. Жаноб Расулulloҳ ҳам, у кишининг саҳобалари ҳам ранги баданга юқиб қоладирган заъфаронга бўялган ридо ва изорларнигина киймоқни манъ қилдилар. Жаноб Расулulloҳ Зулҳулайфада тонг оттирдилар, сўнг туяларини миниб Баидоъ тоғига чиқиб, ўзлари ҳам, саҳобалари ҳам талбия айтишди. Сўнг, қурбонлик эқанлигини билдирмоқ учун туяларининг бўйнига нарса осиб қўйдилар. Шунда, Зулқаъда ойига беш кун қолганди. Жаноб Расулulloҳ Зулҳижжа ойининг тўртинчи куни Маккага келдилар, Каъбани тавоф айлаб, Сафо ва Марва оралиғида югурдилар. лекин ҳануз қурбонлик қилмаганликлари учун эҳромларини ечолмас эрдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ Макканинг юқори томонидаги Ҳажун — ҳаж вақтида устига чиқиб талбия айтадирган тоғ ёнига бордилар, лекин илгари тазоф қилганларича Каъбага яқинлашмадилар, Арафотдан орқаларига қайтиб, саҳобаларга Каъбани тавоф қилмоқни, Сафо ва Марва орасида югурмоқни, сўнг сочларини калта қилиб, эҳромларини ечмоқни буюрдилар. Юқоридаги амаллар ўзи бирлан қурбонликка аталган бирор ҳайвон ҳайдаб келмаган ва эҳром боғламай, ўзига хушбўй нарсалар суртиб, одатдаги кийимини кийиб, хотини бирлан бирга ҳажга чиққан кишига тааллуқлидир».

### 24-боб. Зулҳулайфада ётиб қолиб, тонг оттирган одам хусусида

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи; ва саллам Мадинада тўрт ракъат, Зулҳулайфада икки ракъат намоз ўқидилар. Шу куни Зулҳулайфада қолиб, тонг оттирдилар. Эрталаб туяларига миниб талбия айтганларида, у қимирламай тек турди».

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинада тўрт ракъат пешин, Зулҳулайфада икки ракъат аср ўқидилар, энди

Зулхулайфада кечаси бирлан қоладирган кўринадирлар»,— деб айтган эканлар.

### 25-боб. Баланд овоз бирла таҳлил айтмоқ ҳақида

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинада тўрт ракъат пешин, Зулхулайфада икки ракъат аср ўқидилар, мен Жаноб Расулulloҳ ва саҳобаларнинг баланд овоз бирла таҳлил айтишаётганини эшитдим»,— дейдилар.

### 26-боб. Талбия айтмоқ тўғрисида

728 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ تَلْبِيَةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَبَّيْكَ اللَّهُمَّ لَبَّيْكَ ، لَبَّيْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ لَبَّيْكَ ، إِنَّ الْحَمْدَ وَالنَّعْمَةَ لَكَ ، وَالْمُلْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ ) .

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Лаббайка-л-лоҳумма лаб-байк, лаббайка ло шарийка лака лаббайк, инна-л-ҳамда ва-н-ниъмата лака ва-л-мулк, ло шарийка лака» деб талбия айтар эрдилар»,— дейдилар.

Оиша *разияллоҳу анҳо:* «Мен ҳақиқатан ҳам Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қандай талбия айтганларини яхши биламан, у. киши: «Лаббайка-л-лоҳумма лаб-байк, лаббайка ло шарийка лака лаббайк, инна-л-ҳамда ва-н-ниъмата лака» деб талбия айтар эдилар»,— дейдилар.

### 27- б о б. Уловга минганда таҳлилдан илгари такбир, тасбиҳ ва ҳамда ҳамд айтмоқ ҳақида

729 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

صَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَنَحْنُ مَعَهُ ، بِالْمَدِينَةِ الظُّهْرَ أَرْبَعًا ، وَالْعَصْرَ بِدِي الْحُلَيْفَةِ رَكَعَتَيْنِ ، ثُمَّ بَاتَ بِهَا حَتَّى أَصْبَحَ ، ثُمَّ رَكِبَ حَتَّى اسْتَوَتْ بِهِ عَلَى الْبَيْدَاءِ ، حَمِدَ اللَّهُ وَسَبَّحَ وَكَبَّرَ ، ثُمَّ أَهْلَ بِحَجٍّ وَعُمْرَةٍ ، وَأَهْلَ النَّاسُ بِهِمَا ، فَلَمَّا قَدَمْنَا ، أَمَرَ النَّاسَ فَحَلُّوا ، حَتَّى كَانَ يَوْمَ التَّرْوِيَةِ أَهَلُّوا بِالْحَجِّ . قَالَ : وَنَحَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَدَنَاتٍ بِيَدِهِ قِيَامًا ، وَذَبَحَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْمَدِينَةِ كَبْشَيْنِ أَمْلَحَيْنِ .

*Анас разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биз бирлан бирга Мадинада тўрт ракъат пешин, Зулхулайфада икки ракъат аср ўқидилар, сўнг шу ерда қолиб, тонг оттирдилар. Сўнг, (эрталаб) туяларини миниб йўлга тушдилар. Байдоъга борганда туялари тўхтаб, қимирламай тек турди, Жаноб Расулulloҳ Оллоҳ таолога ҳамд, тасбиҳ ва такбир айтдилар, кейин эрса ҳаж ва умрага таҳлил айтдилар. Бошқалар ҳам шундай қилишди. Етиб борганимизда одамларга амр қилиб эрдилар, эҳромларини ечишди та Тарвия куни эканлигига қарамай, ҳажга таҳлил айтишди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларни тик турғизиб қўйиб ўз қўллари бирлан қурбонлик қилдилар, Мадинада эрса, иккита ола қўчқор сўйдилар»,— дейдилар.

### 28-б о б. Туяси устида таҳлил айтган киши хусусида

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам туялари тик турган вақтда устида таҳлил айтдилар»,— дейдилар.

### 29-боб. Қиблага юзланиб таҳлил айтмоқ

730 . عَنْ نَافِعِ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : كَانَ ابْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا إِذَا صَلَّى بِالْعَدَاةِ بِدِي الْحُلَيْفَةِ ، أَمَرَ بِرَأْسِهِ فَرُحِلَتْ ثُمَّ رَكِبَ ، فَإِذَا اسْتَوَتْ بِهِ اسْتَقْبَلَ الْقِبْلَةَ قَائِمًا ، ثُمَّ يَلْبِي حَتَّى يَبْلُغَ الْحَرَمَ ، ثُمَّ يُمَسِّكُ حَتَّى إِذَا جَاءَ ذَا طُوًى بَاتَ بِهِ حَتَّى

يُصْبِحَ ، فَإِذَا صَلَّى الْغَدَاةَ اغْتَسَلَ ، وَزَعَمَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَعَلَ ذَلِكَ .

*Нофиъ ривоят қиладирлар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу Зулҳулайфада бомдод ўқиганларидан кейин туяларини минишга ҳозирлаб олиб келмоқни буюрар эрдилар. Туяни олиб келишгач, уни минар эрдиларда, қиблага юзланиб Масжид ал-Ҳаромга келгунча талбия айтиб келар эрдилар. Зу Туванга келганларида эрса, тонггача ётиб қолар эрдилар. Бомдод ўқисалар, ғул қилар эрдилар ва «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам шундай қилар эрдилар»,— деб айтардилар».

*Нофиъ ривоят қиладирлар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу Маккага бормоқчи бўлсалар, ўзларига ҳидсиз мой суртардилар, сўнг Ҳулайфа масжидига келиб намоз ўқирдилар. Намоздан сўнг туяларига миниб, эҳром боғлар эрдилар, шунда туя тик турган бўларди. Кейин: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам шундай қилганларини кўрганман»,— дер эрдилар».

### 30-боб. Водийга тушганда талбия айтмоқ қақида

Мужоҳид разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар: «Биз Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ҳузурларида эрдик. Одамлар Дажжолни эслашиб, унинг икки кўзи орасига «кофир» деб ёзилган, дейишди.

731 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَمَا مُوسَى : فَكَأَنِّي أَنْظَرُ إِلَيْهِ ، إِذَا انْحَدَرَ فِي الْوَادِي يَلْبِي ) .

Ибн Аббос: «Мен буни эшитмаганман, аммо мен Мусо алайҳиссаломнинг водийга талбия айтиб тушиб келаётганларини кўриб тургандекман»,— дедилар.

### 31-боб. Ҳайз ва нифос кўрган аёл қандай таҳлил айтадир?

*Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладирлар:* «Биз Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Ҳажжат ул-Видоъга чиқиб, умрага таҳлил айтдик. Кейин, Жаноб Расулulloҳ: «Кимки ўзи бирлан қурбонлик олиб келган бўлса, ҳаж бирлан умрага таҳлил айтсин ва токи иккала ҳажни адо этмагунча эҳромини ечмасин!» — дедилар. Мен Маккага ҳайз ҳолимда келиб, Каъбани тавоф қилолмадим, Сафо бирлан Марва оралиғида югуролмадим. Бу ҳақда Набий, саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтувдим, ул киши: «Сочингни ёзиб, тарағил (яъни, ғул қилғил), сўнг ҳажга эҳром боғлағил, умрани қўя турғил!» — дедилар, Мен айтганларини қилдим. Биз ҳажни тамомлаб бўлганимизда, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени Абдурраҳмон ибн Абу Бакр бирлан бирга Танъимга юбордилар, мен умра қилиб қайтдим. Шунда, Жаноб Расулulloҳ менга: «Бу, ўша бажара олмаган умранг ўрнига ўтғайдир»,— дедилар. Ўшанда умрага ният қилганлар Каъбани тавоф айлаб, Сафо ва Марва оралиғида югуришди, сўнг эҳромларини ечишди. Минодан қайтишгач, яна бир марта Каъбани тавоф қилишди. Аммо, бирварақайига ҳаж ва умрага ният қилганлар фақат бир мартаба Каъбани тавоф қилдилар».

### 32-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида Иабий саллаллоҳу алайҳи ва саллам сингари таҳлил айтган киши хусусида

*Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Али разияллоҳу анҳуга эҳромни ечмасликни амр қилдилар, чунки унинг қурбонлиғи бор эрди».

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Али разияллоҳу анҳу Ямандан Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Нега таҳлил айтдинг, ҳажгами, умрагами?» — дедилар. Ҳазрат Али:

«Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам нимага айтган бўлсалар, мен ҳам ўшанга таҳлил айтдим»,— деб жавоб бердилар. Жаноб Расулulloҳ: «Мен ҳам сен нимага ният қилиб эҳром боғлаган бўлсанг, ўшанга эҳром боғладим»,— дедилар.

732 . عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : بَعَثَنِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى قَوْمٍ بِالْيَمَنِ ، فَجِئْتُ وَهُوَ بِالْبَطْحَاءِ فَقَالَ : ( بِمَا أَهَلَّتْ ) . قُلْتُ : أَهَلَّتْ كَاهْلَالِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، قَالَ : ( هَلْ مَعَكَ مِنْ هَدْيٍ ) . قُلْتُ : لَا ، فَأَمَرَنِي فَطَفْتُ بِالْبَيْتِ وَبِالصَّفَا وَالْمَرْوَةِ ، ثُمَّ أَمَرَنِي فَأَحَلَلْتُ ، فَأَتَيْتُ امْرَأَةً مِنْ قَوْمِي ، فَمَشَطْتَنِي ، أَوْ غَسَلَتْ رَأْسِي . فَقَدِمَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَقَالَ : إِنْ نَأَخَذُ بِكِتَابِ اللَّهِ فَإِنَّهُ يَأْمُرُنَا بِالتَّمَامِ ، قَالَ اللَّهُ : ﴿ وَأَتِمُّوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلَّهِ ﴾ وَإِنْ نَأَخَذُ بِسُنَّةِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَإِنَّهُ لَمْ يَحِلَّ حَتَّى نَحْرَ الْهَدْيِ .

*Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени Ямандаги бир қавм ҳузурига юбордилар. Қайтиб келганимда Жаноб Расулulloҳ Батҳода эрканлар, мандан: «Нимага ният қилиб, эҳром боғладим?» — деб сўрадилар. Мен: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам нимага ният қилиб, эҳром боғлаган бўлсалар, мен ҳам ўшанга эҳром боғладим»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Қурбонлик олиб келганмисан?»— деб сўрадилар. Мен: «Йўқ»,— дедим. Кейин, амр қилдилар, мен Каъбани тавоф айлаб, Сафо ва Марва оралиғида югурдим. Сўнг, менга эҳромимни ечмоқни буюрдилар, ечдим. Кейин, бир аёлнинг олдига бордим, у сочимни тараб қўйди (ёки бошимни ювиб қўйди). Шу пайт, олдимга Умар разияллоҳу анҳу келиб, менга бундоқ дедилар: «Агар биз Оллоҳнинг Китобини олиб, ўқиб кўрсак, бизга ҳаж амалларини ниҳоясига етказмоқни буюрганини кўрғаймиз. Оллоҳ таоло: «Ҳаж ва умрани ниҳоясига етказингиз!» — дейди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари масаласига келсак, ул киши қурбонлик қилмагунларича эҳромларини ечмаганлар».

### 33-БОБ. Оллоҳ таолонинг ҳажга оид ояти кариймаси ҳақида

Оллоҳ таоло: «Ҳаж муайян ойларда бўлғайдир, кимки шул ойларда ҳажга ният айлаган эрса, ҳажни ниҳоясига етказмагунча шалоқ сўзларни айтмасин, фосиқлик ва жанжал қилмасин!» ва яна: «Сиздан янги ой чиқмоғи ҳақида сўрашғайдир, янги ой, одамлар вақт ва ҳаж мавсумини белгиламоқлари учун чиқғайдир, деб айтинг!» — дейдир. Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Шаввол ва Зулқайда ойларида ҳамда Зулҳижжа ойининг ўн кунлигида ҳаж қилинғайдир»,— деганлар. Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Фақат ҳаж ойларидагина эҳром боғламоқ суннат қилинғандир»,— дейдилар. Усмон разияллоҳу анҳу Хуросондан ёки Кирмондан эҳром боғлаб келмоқни макруҳ, деб ҳисоблаганлар.

733 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: خَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فِي أَشْهُرِ الْحَجِّ ، وَكِلَيْهِ الْحَجُّ ، وَحُرْمِ الْحَجِّ ، فَزَلْنَا بِسِرْفٍ ، قَالَتْ : فَخَرَجَ إِلَى أَصْحَابِهِ فَقَالَ : ( مَنْ لَمْ يَكُنْ مِنْكُمْ مَعَهُ هَدْيٌ ، فَأَحَبُّ أَنْ يُجْعَلَهَا عُمْرَةً فَلْيُفْعَلْ ، وَمَنْ كَانَ مَعَهُ الْهَدْيُ فَلَا ) . قَالَتْ : فَالْأَخْذُ بِهَا وَالتَّارِكُ لَهَا مِنْ أَصْحَابِهِ ، قَالَتْ : فَأَمَّا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَرِجَالٌ مِنْ أَصْحَابِهِ ، فَكَانُوا أَهْلَ قُوَّةٍ ، وَكَانَ مَعَهُمُ الْهَدْيُ ، فَلَمْ يَقْدِرُوا عَلَى الْعُمْرَةِ ، قَالَتْ : فَدَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا أَبْكِي ، فَقَالَ : ( مَا يُبْكِيكَ يَا هَيْتَاهُ ) . قُلْتُ : سَمِعْتُ قَوْلَكَ لِأَصْحَابِكَ فَمَنْعَتُ الْعُمْرَةَ . قَالَ : ( وَمَا شَأْنُكَ ) . قُلْتُ : لَا أُصَلِّي . قَالَ : ( فَلَا يَضِيرُكَ ، إِنَّمَا أَنْتِ امْرَأَةٌ مِنْ بَنَاتِ آدَمَ ، كَتَبَ اللَّهُ عَلَيْكَ مَا كَتَبَ عَلَيْهِنَّ ، فَكُونِي فِي حَجَّتِكَ ، فَعَسَى اللَّهُ أَنْ يَرْزُقَكِيهَا ) . قَالَتْ : فَخَرَجْنَا فِي حَجَّتِهِ حَتَّى قَدِمْنَا مِنِّي ، فَطَهَّرْتُ ، ثُمَّ خَرَجْتُ مِنْ مِنِّي ، فَأَفْضْتُ بِالْبَيْتِ ، قَالَتْ : ثُمَّ خَرَجْتُ مَعَهُ فِي النَّفْرِ الْآخِرِ ، حَتَّى نَزَلَ الْمُحَصَّبَ ، وَنَزَلْنَا مَعَهُ ، فَدَعَا

عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ فَقَالَ : ( اَخْرُجْ بِأَخْتِكَ مِنَ الْحَرَمِ ، فَاتَّهَلَّ بِعُمْرَةٍ ثُمَّ افْرُغَا ، ثُمَّ اتَّيْبَا هَاهُنَا ، فَإِنِّي أَنْظِرُكُمْ مَا حَتَّى تَأْتِيَانِي ) . قَالَتْ : فَخَرَجْنَا حَتَّى إِذَا فَرَعْتُ ، وَفَرَعْتُ مِنَ الطَّوَافِ ثُمَّ جِئْتُهُ بِسَحَرٍ ، فَقَالَ : ( هَلْ فَرَعْتُمْ ) . فَقُلْتُ : نَعَمْ ، فَأَذَنَ بِالرَّحِيلِ فِي أَصْحَابِهِ ، فَارْتَحَلَ النَّاسُ فَمَرَّ مُتَوَجِّهًا إِلَى الْمَدِينَةِ .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Биз ҳаж ойларида, ҳаж кечаларида ва ҳаж соатларида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан биргаликда йўлга чиқиб, Сариф деган ерга келиб тушдик. Жаноб Расулulloҳ саҳобалар олдига чиқиб: «Қай бирингиз қурбонлик олиб келмаган эрсангиз-у, умрага ният қилган эрсангиз, умрага эҳром боғлангиз, кимки қурбонлик олиб келган эрса, бундоқ қилмасин!»— дедилар. Шунда, баъзи саҳобалар умрага, айримлари ҳажга эҳром боғлашди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва айрим саҳобалар, қудрати етиб, қурбонлик олиб келишгани учун ҳам, умрага эҳром боғлашдан маҳрум бўлдилар. Мен бу сўзни тинглаб, йиғлаб ўтирган эрдим, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузуримга кириб келиб: «Эй заифам, нега йиғларсен?» — дедилар. «Сизнинг саҳобаларингизга айтган сўзларингизни эшитдим, мен умра қила олмас эрканман»,— дедим. «Сенга не қилди?» — деб сўрадилар. «Мен намоз ўқий олмасмен (яъни, ҳайз кўрдим)»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Зарари йўқдир, сен ҳам Одам Атонинг қизларидан биридирсан, Оллоҳ таоло уларнинг пешоналарига нимаики ёзган бўлса, сенга ҳам ёзгандир, ҳажингда давом қилаверғил»— дедилар. Кейин, биз ҳаждан чиқиб, Минога келдик, у ерда мен тоза бўлдим. Сўнг, Минодан чиқиб, Каъбани тавофи ифоза қилдик. Кейин, Жаноб Расулulloҳ бирлан биргаликда Минонинг иккинчи куни (Мино кунлари 4 кун бўлғайдир) йўлга чиқиб, Мухассаба деган ерга келиб тушдик. Шунда, Жаноб Расулulloҳ Абдуррахмон ибн Абу Бакрни чақириб: «Опанг бирлан эҳромдан чиқғил, опанг умрага эҳром боғласин ва умра аҳкомларини бажариб, шу ерга қайтиб келингиз, чунким мен сизларни кутиб турғаймен»,— дедилар. Биз йўлга чиқдик, мен умра шартларини ҳам бажардим, тавоф ҳам қилиб бўлдим. Сўнг, саҳарда Жаноб Расулulloҳнинг олдиларига келдим. Ул киши: «Умра қилиб келдингизларми?» — дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Кейин, саҳобаларга йўлга отланмоқни буюрдилар, одамлар Мадинага қараб йўл олишди».

### 34-боб. Таматтуъ, иқрон ва ифрод ҳақида; қурбонлиги йўқ киши ҳажга қўйилмайдир

734 . وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا فِي رِوَايَةٍ قَالَتْ : خَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَا نُرَى إِلَّا أَنَّهُ الْحَجُّ فَلَمَّا قَدِمْنَا تَطَوَّفْنَا بِالْبَيْتِ ، فَأَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ لَمْ يَكُنْ سَاقَ الْهَدْيِ أَنْ يَجِلَّ ، فَحَلَّ مَنْ لَمْ يَكُنْ سَاقَ الْهَدْيِ وَنَسَأُوهُ لَمْ يَسُقَنَّ فَأَحْلَلْنَ ، قَالَتْ صَفِيَّةُ : مَا أَرَانِي إِلَّا حَابِسَتْهُمْ فَقَالَ : ( عَقَرَى حَلَقَى ، أَوْ مَا طُفَّتِ يَوْمَ النَّحْرِ ) . قَالَتْ : قُلْتُ : بَلَى ، قَالَ : ( لَا بَأْسَ أَنْفِرِي ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан биргаликда фақат ҳаж қилғаймиз деган ниятда йўлга чиқдик. Етиб боргач, Каъбани тавоф айладик. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким қурбонлик етаклаб келмаган эрса, эҳромини ечсин!» — деб амр қилдилар. Қурбонлик олиб келмаган бир қанча одамлар ҳамда Жаноб Расулulloҳнинг (мендан бошқа) хотинлари ҳам эҳромларини ечишиб, ҳаждан маҳрум бўлдилар, чунким уларнинг ҳам қурбонликлари йўқ эрди. Мен эрсам, ҳайз кўриб Каъбани тавоф қила олмай қолдим. «Ҳасба» кечаси келгач, «Ё Расулulloҳ, одамлар бир йўла ҳам ҳаж, ҳам умра қилиб қайтмоқда, мен эрсам фақат ҳаж қилдим, холос»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Маккада эканлигимизда тавоф қилмаганми эрдинг?»— дедилар. Мен: «Йўқ»,—



дедим. Жаноб Расулulloх: «Ундоқ бўлса, уканг бирлан Танъимга бориб, умрага талбия айтғил, сўнг фалон вақтда қайтиб келғил!»— дедилар».

*Сафия разияллоху анҳо бундай дейдилар:* «Ўшанда одамлар менинг умра қилиб қайтиб келмоғимни кутиб, йўлдан қолишди, деб ўйлайман, чунки мен ҳам ҳайз кўриб қолиб, умра қилолмаган эрдим-да! Жаноб Расулulloх менга: «Нечук бемаънилик! Наҳр кунлари (қурбонлик қиладирган кунлар) тавоф қилмадингми?» — дедилар. Мен: «Йўқ»,— дедим. Жаноб Расулulloх: «Ҳечқиси йўқ, тавоф қилиб келғил!»— дедилар».

*Оиша разияллоху анҳо бундай дейдилар:* «Набий саллаллоху алайҳи ва саллам мени Маккадан чиқиб келаётганларида учратиб қолдилар, шунда мен Маккага кириб кетаётган эрдим, ёки ул киши Маккага кириб кетаётган эрдилар, мен эрсам, Маккадан чиқиб келаётган эрдим».

735 . وَعَنْهَا فِي رِوَايَةٍ أُخْرَى قَالَتْ : خَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ حَجَّةِ الْوَدَاعِ ، فَمِنَّا مَنْ أَهَلَ بِعُمْرَةٍ ، وَمِنَّا مَنْ أَهَلَ بِحَجَّةٍ وَعُمْرَةٍ ، وَمِنَّا مَنْ أَهَلَ بِالْحَجِّ ، وَأَهْلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْحَجِّ ، فَأَمَّا مَنْ أَهَلَ بِالْحَجِّ ، أَوْ جَمَعَ الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لَمْ يَجْلُوا حَتَّى كَانَ يَوْمَ النَّحْرِ .

*Оиша разияллоху анҳо ривоят қиладилар:* «Ҳажжат ул-Видоъ йилида Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам бирлан бирга йўлга чиқдик. Баъзимиз умрага, баъзимиз эрса, бир йўла ҳам ҳаж, ҳам умрага талбия айтдик. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам ҳажга талбия айтдилар. Аммо, ким ҳажга ният қилган эрса ёким айни вақтда ҳам ҳажга, ҳг.м умрага талбия айтган бўлса, наҳр кунигача эҳромини ечмади».

736 . عَنْ مَرْوَانَ بْنِ الْحَكَمِ قَالَ : شَهِدْتُ عُثْمَانَ وَعَلِيًّا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، وَعُثْمَانَ يَنْهَى عَنِ الْمُتَعَةِ وَأَنْ يُجْمَعَ بَيْنَهُمَا . فَلَمَّا رَأَى عَلِيٌّ أَهْلًا بِبَيْتَيْهِمَا : لَبَيْكَ بِعُمْرَةٍ وَحَجَّةٍ ، قَالَ مَا كُنْتُ لِأَدْعَ سُنَّةَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِقَوْلِ أَحَدٍ .

*Марвон ибн Ҳакам айтадилар:* «Мен, Усмон ва Али разияллоху анҳумолар халифалик қилишган даврларда, ҳажда бўлдим. Усмон бир йўла ҳам ҳаж, ҳам умра қилмоқни манъ этдилар. Ҳазрат Али эрса, бунга эътибор бермай, «Лаббайка би-умратин ва ҳажжатин» деб, ҳам ҳажга, ҳам умрага ният айладилар-да, «Зинҳор бировнинг сўзига кириб, Набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларини бажармасдан қўймасмен!»— дедилар».

737 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانُوا يَرَوْنَ أَنَّ الْعُمْرَةَ فِي أَشْهُرِ الْحَجِّ مِنْ أَفْجَرِ الْفُجُورِ فِي الْأَرْضِ ، وَيَجْعَلُونَ الْمُحْرَمَ صَفْرًا وَيَقُولُونَ : إِذَا بَرَأَ الدَّبْرَ وَعَفَا الْأَثْرَ وَأَنْسَلَخَ صَفْرَ ، حَلَّتِ الْعُمْرَةُ لِمَنْ اعْتَمَرَ ، قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَصْحَابُهُ صَبِيحَةَ رَابِعَةِ مُهَلِّينَ بِالْحَجِّ ، فَأَمَرَهُمْ أَنْ يَجْعُلُوهَا عُمْرَةً ، فَتَعَاظَمَ ذَلِكَ عِنْدَهُمْ ، فَقَالُوا : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَيُّ الْحَلِّ قَالَ : ( حَلُّ كُلُّهُ ) .

*Ибн Аббос разияллоху анҳу ривоят қиладилар:* «Одамлар ҳаж ойларида умра қилмоқни ер юзидаги жамики фосиқликлардан ҳам ёмон, деб ҳисоблашарди. Шунинг учун ҳам Мухаррам ойи ўрнига Сафар ойида умра қилишарди. Улар: «Агар туянинг яғири бутунлай тузалиб, изи ҳам қолмаса ва сафар ойи тугаса, умра қилмоқ мумкин бўлур»,— дейишарди. Набий саллаллоху алайҳи ва саллам ва саҳобалари Зулҳижжа ойининг тўртинчи саҳарида ҳажга талбия айтиб келишди. Жаноб Расулulloх саҳобаларга ҳаж ўрнига умра қилмоқни амр қилдилар. Бу уларга оғир ботиб, «Ё Расулulloх, ҳажга боғлаб келинган эҳромни ечиб, умрага қайта эҳром боғламоқ мумкинми?» — дейишди. Жаноб Расулulloх: «Ҳаж тақтида нимага рухсат этилган бўлса, ҳаммасини қилмоқ мумкиндир»,— деб жавоб бердилар».

*Абу Мусо разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдим, эҳромни ечмоқни буюрдилар»,— дедилар.

738 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ ، عَنْ حَفْصَةَ رَضِيَ عَنْهُمْ ، زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهَا قَالَتْ : يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا شَأْنُ النَّاسِ حَلُّوا بِعُمْرَةٍ وَلَمْ تَحْلِلْ أَنْتَ مِنْ عُمْرَتِكَ ؟ قَالَ : ( إِنِّي لَبَدْتُ رَأْسِي ، وَقَلَدْتُ هَدْيِي ، فَلَا أَحِلُّ حَتَّى أَنْحَرَ ) .

*Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг заифалари Ҳафса разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Ё Расулаллоҳ, одамлар нега умра қилиб эҳромларини ечмакдаю, сиз ечмаётирсиз?»—деб сўрадим. Жаноб Расулаллоҳ: «Мен сочимни тўзғимайдирган қилиб ёпиштириб олганман, кейин қурбонлик ҳам атаб қўйганман. Шунинг учун қурбонлигимни сўймасдан туриб эҳромимни ечмасман»,— дедилар».

739 . عَنْ شُعْبَةَ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : أَخْبَرَنَا أَبُو حَمْرَةَ ، نَصْرُ بْنُ عِمْرَانَ الصُّبَعِيُّ ، قَالَ : تَمَنَعْتُ فَنَهَانِي نَاسٌ فَسَأَلْتُ ابْنَ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا فَأَمَرَنِي بِهِ ، فَرَأَيْتُ فِي الْمَنَامِ : كَانَ رَجُلًا يَقُولُ لِي : حَجٌّ مَبْرُورٌ ، وَعُمْرَةٌ مُتَقَبَّلَةٌ ، قَالَ : فَأَخْبَرْتُ ابْنَ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا فَقَالَ : سُنَّةُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ لِي : أَقِمْ عِنْدِي فَأَجْعَلَ لَكَ سَهْمًا مِنْ مَالِي . قَالَ شُعْبَةُ : فَقُلْتُ : لِمَ ؟ فَقَالَ لِلرُّؤْيَا الَّتِي رَأَيْتُ .

*Абу Жамра Наср ибн Имрон ривоят қиладилар:* «Мен ҳаж ва умра қилмоқ учун рухсат олгандим, лекин одамлар қўйишмади. Шунда, Ибн Аббос разияллоҳу анҳуга шикоят қилдим. Ул киши ҳажни давом эттирмогимни амр қилдилар. Кейин, туш кўрдим. Тушимда бир киши менга: «Эзгу ниятда қилган ҳажинг ва мақбул умранг муборак бўлсин!» — деди. Мен тушимни Ибн Аббоста айтиб бердим. Ул киши: «Бу, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини адо этганинг учундир»,— дедилар. Кейин, бундай дедилар: «Менинг ҳузуримда бўлгил, мен сенга ўз молимдан улуш ажратиб берайин!» Шуъба мендан: «Нега бундай қилдилар?» — деб сўради. Мен: «Кўрган тушим эвазига»,— деб айтдим».

*Абу Шиҳоб ривоят қиладилар:* «Умра қилиб бўлгач, Маккага келдим. Тарвия кунидан уч кун бурун Маккага кириб келдик. Шунда, айрим маккаликлар менга: «Қилган ҳажингнинг савоби маккаликлар қилган ҳажчалик савобга эгадир»,— дейишди. Мен Ато разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига фатво сўраб кирдим. Ато бундай дедилар:

740 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ حَجَّ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ سَاقِ الْبُذْنِ مَعَهُ ، وَقَدْ أَهَلُّوا بِالْحَجِّ مُفْرَدًا ، فَقَالَ لَهُمْ : ( أَحَلُّوا مِنْ إِحْرَامِكُمْ ، بِطَوَافِ الْبَيْتِ وَبَيْنَ الصَّفَا وَالْمَرْوَةِ ، وَقَصْرُوا ، ثُمَّ أَقِيمُوا حَلَالًا ، حَتَّى إِذَا كَانَ يَوْمَ التَّرْوِيَةِ فَأَهَلُّوا بِالْحَجِّ ، وَاجْعَلُوا الَّتِي قَدِمْتُمْ بِهَا مُتَعَةً ) . فَقَالُوا : كَيْفَ نَجْعَلُهَا مُتَعَةً وَقَدْ سَمِينَا الْحَجَّ ؟ فَقَالَ : ( افْعَلُوا مَا أَمَرْتُكُمْ ، فَلَوْلَا أَنِّي سَقْتُ الْهَدْيَ لَفَعَلْتُ مِثْلَ الَّذِي أَمَرْتُكُمْ ، وَلَكِنْ لَا يَحِلُّ مِنِّي حَرَامٌ حَتَّى يَبْلُغَ الْهَدْيُ مَحِلَّهُ ) . فَفَعَلُوا .

«Менга Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бир кун давомида бирга қўй етаклаб ҳаж қилишганини айтиб берган эрдилар. «Ўшанда,— деганди менга Жобир,— ҳар ким ўзича ҳажга талбия айтди. Жаноб Расулаллоҳ саҳобаларга: «Каъбани тавоф айлаб ва Сафо ва Марва оралиғида саъй этиб бўлгач, эҳромни ечиб, сочларингизни калта қилингиз, тарвия кунигача эҳром боғламангиз, кейин ҳажга талбия айтиб, илгари қилганларингизнинг ҳаммасини қайта адо этингиз!» — дедилар. Саҳобалар: «Нечук қайтадан адо этгаймиз, ахир биз ҳаж қилурмиз, деб қўйганмиз-ку?!» — дейишди. Шунда, Жаноб Расулаллоҳ: «Айтганимни қилингиз! Агар қурбонлик етаклаб келмаганимда, ўзим ҳам шундоқ қилган бўлур эрдим, бироқ аталган қурбонликни сўймай эҳромимни

ечмасман»,— дедилар. Шундан сўнг, саҳобалар Жаноб Расулulloҳнинг амрларига бўйинсуниб, айтганларини қилдилар.

*Саъид ибн Мусаййаб ривоят қиладилар:* «Али ва Усмон разияллрху анҳумо Усфон деган ерда экашгакларида мутъа тўғрисида тортишиб қолдилар. Ҳазрат Али: «Бир"йўла ҳавд. ҳаж, ҳам умра қилмоқни манъ этишинг бирлан, сен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига қарши чиққан бўлурсен»,— дедиларда, унинг сўзига эътибор бермай, бир вақтнинг ўзида ҳаж бирлан умрага талбия айтдилар».

### 35-боб. Ҳажга талбия айтиб қўйган киши ҳақида

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Маккага «Лаббайка-л-лоҳумма лаббайка би-л-ҳажжи» деб талбия айтиб келдик. Аммо, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга фармон бериб эрдилар, биз ҳаж ўрнига умра қилдик».

### 36-боб. Таматтуъ ҳақида

741 . عَنْ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : تَمَتَّنَا عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَتَزَلَّ الْقُرْآنُ ، قَالَ رَجُلٌ بِرَأْيِهِ مَا شَاءَ .

*Имрон разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида таматтуъ қилдик, унинг жоизлиги тўғрисида Қуръон (оят) ҳам нозил бўлди. Бир киши, бир пайтлар ўзбошимчалик қилиб, оғзига келганини айтган эрди (яъни, таматтуъ қилмоқни манъ этган эрди)».

### 37-боб. Оллоҳ таоло: «Бу — аҳли Масжид ул-Ҳаромда бўлмаганлар учундир!» — дейдир

*Иқрима разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ҳаж мутъаси тўғрисида сўраганларида, ул киши бундай деб жавоб бердилар: «Муҳожирлар, ансорлар ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари Ҳажжат ул-Видоъда ҳажга эҳром боғлашди, биз ҳам ҳажга талбия айтдик. Маккага келганимизда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қурбонликка жонлиқ атаб олиб келганлардан ташқари, барчангиз ҳажга қилган ниятингизни ўзгартириб, умрага талбия айтингиз!»— дедилар. Биз Каъбани тавоф айлаб ва Сафо ва Марвада саъй қилиб, сўнг аёлларимиз ёнига келдик-да, кийимларимизни кийиб олдик. Жаноб Расулulloҳ: «Кимки қурбонликка атаб жонлиқ олиб келган бўлса, жонлигини қурбонлик қиладирган жойга олиб бориб, сўймагунча, эҳромини ечмасин!» — дедилар. Кейин, бизга Тарвия кечаси ҳажга талбия айтмоқни буюрдилар. Биз ҳаж удумларини бажарганимиздан кейин, Каъбани тавоф айлаб, Сафо ва Марвада саъй қилдик. Шу бирлан ҳажни тугатдик, фақат қурбонликка аталган жонлиқни забҳ (сўйиш) қилмоқ қолганди, холос. Оллоҳ таоло айтганидек, «(Кимга)... қурбонликка жонлиқ олиб келмоқ муяссар бўлмаган эрса...», кимки жонлиқ тополмаган эрса, ҳаж вақтида уч кун, уйига қайтгандан кейин, етти кун рўза тутғайдир. Қурбонликка бир қўй кифоядир. Бир йилда икки удумни — ҳаж ва умрани адо этингиз! Чунким, Оллоҳ таоло бу ҳақда ўз Китобида нозил қилган ва бу пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ҳамдир! Жаноб Расулulloҳ Макка аҳлидан бошқа кишиларга бемалол (чекловсиз) ҳаж қилмоққа рухсат берганлар. Оллоҳ таоло: «Бу (ҳукм) — аҳли Масжид ул-Ҳаромда бўлмаганлар учундир!»- дейдир. Оллоҳ таоло зикр этган ҳаж ойлари: Шаввол, Зулқаъда ва Зулҳижжа. Кимки мана шу ойларида ҳаждан баҳраманд бўлса, қон чиқармоғи (қурбонлик қилмоғи) ёки бунинг эвазига рўза

тутмоғи лозим бўлур. Бундан ташқари, у ҳаж давомида шалоқ сўзлар айтмаслиғи, хотинига яқинлашмаслиғи, фисқу фасод қилмаслиғи ва жанжаллашмаслиғи керак».

### 38- б о б. Маккага кираётганда ғул қилмоқ ҳақида

*Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу Маккага кирадиган бўлсалар, талбия айтмоқдан тўхтаб, Зу Туван деган ерда ётиб қолар эрдилар. Эртасига ўша ерда бомдод ўқирдилар ва ғул қилардилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам шундай қилардилар».

### 39-боб. Маккага кундузи ё кечаси кирмоқ ҳақида

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зу Таванда тонг оттириб, сўнг Маккага кирдилар. Ибн Умар разияллоҳу анҳу ҳам шундай қилар эрдилар.

*Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зу Туванда қолиб, тонг оттирдилар, сўнг Маккага кирдилар. Ибн Умар разияллоҳу анҳу ҳам шундай қилар эрдилар».

### 40-боб. Маккага қайси томондан кириладир?

742 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ مَكَّةَ مِنْ كَدَاءٍ ، مِنَ الثَّنِيَةِ الْعُلْيَا الَّتِي بِالْبَطْحَاءِ ، وَخَرَجَ مِنَ الثَّنِيَةِ السُّفْلَى .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага Саниййат ул-Ульо (Макканинг юқори томонидаги йўл) орқали кириб, Саниййат ус-Суфло (Макканинг қуйи томонидаги йўл) орқали (Маккадан чиқиб кетар эрдилар».

### 41-боб. Макканинг қайси томондан чиқилади?

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага Кадое деган жой орқали, Батҳодаги Саниййат ул-Ульо йўли бўйлаб кириб борар эрдилар, қайтишда эрса, Саниййат ус-Суфло йўли орқали чиқиб кетар эрдилар».

Имом Бухорий ривоят қилади: «Унинг исми Мусаддад (яъни, тўғри, ростгўй) эрди. Одамлар уни исми жисмига монанд, деб таъриф қилишар эрди. Яҳё ибн Саъид Яҳё ибн Муъийнга бундай деб айтган эркан: «Мен Мусаддаднинг уйига борсам, ҳадис айтиб берар эрдим, ул бунга жуда муносиб одам эрди. Қоғозга кўчириб қўйилган ҳадислар менда турадирми ёким унда турадирми, менинг учун фарқи йўқ эрди (унга шунчалик ишонар эрдим)».

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келганларида унинг юқори томондан кириб, қуйи томондан чиқдилар»,— дейдилар.

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Жаноб Расулulloҳ Макка фатҳ бўлган йили шаҳарга Кадое томондан кириб, унинг юқори томонидаги Кудодан чиқдилар»,— дейдилар. Ҳишом разияллоҳу анҳу: «Урва иккаласидан ҳам, Кадоедан ҳам, Кудодан ҳам кираверар эрдилар, лекин кўпинча уйларига яқин бўлган Кадоедан кирар эрдилар»,— дейдилар».

*Ҳишом ривоят қилади:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ бўлган йили шаҳарга юқори томондаги Кадоедан кирдилар. Урва ҳам кўпинча Кадоедан кирардилар, чунки у уйларига яқинроқ эди».

*Ҳишом ривоят қилади:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ бўлган йили шаҳарга Кадое орқали кирдилар, Урва эрса иккаласидан ҳам, Кадоедан ҳам, Кудодан ҳам кираверар эрдилар, лекин кўпинча уйларига яқин бўлган Кадоедан

кирар эрдилар». Имом Бухорий: «Кадоъ ва Кудо бошқа-бошқа жойдир»,— дейдилар.

#### 42-боб. Макка бирлан ундаги бинонинг фазилати ҳақида

Оллоҳ таоло бу хусусда бундай дейдир: «Биз Каъбани одамлар учун ҳар йили тўпланадирган жой қилиб бердик ва унга тинчлик-омонлик бахш этдик, шундоқ эркан, Иброҳим Мақомини ўзингизга намозгоҳ қилиб олингиз! Биз Иброҳим ва Исмоилга «Уйимни (Байтуллоҳни) тавоф ва эътикоф этгувчилар учун ҳамда рукуъ ва сажда қилмоқ учун покиза қилингиз!» деб топширдик. Иброҳим: «Ё раббий, бу юртни тинчлик-омонлик масканига айлантирғил, унинг Оллоҳга иймон келтирган, охират кунига ишонган аҳлига неъматингни бисёр қилғил!» — деб илтижо қилган эрди. Оллоҳ таоло: «Ким кофир бўлса, кам неъмат бергаймен, сўнг уларни дўзах азобига мубтало қилгайдирмен»,— деган. Охират қанчалик даҳшатлидир! Эслангиз, Иброҳим ва Исмоил Каъбанинг пойдеворини қураётиб: «Ё раббимиз, ушбу биномизни қабул айлағил, ҳақиқатан сен ўзинг эшитгувчи, билгувчи зотдирсен! Ё раббимиз, бизни ўзингга бўйин эгган мусулмон банда қилғил, зурриётимизни ҳам мусулмон уммат қилғил, бизга ҳажда адо этмоғимиз лозим бўлган удумларни кўрсатғил (айтғил), бизнинг тавбаларимизни қабул этғил, ҳақиқатан сен ўзинг тавбамизни қабул қилғувчи меҳрибон зотдирсен!»— дейишган».

*Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Каъба қайта қурилаётганда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Аббос тош ташимоққа бордилар (келдилар). Аббос Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Изорингни ечиб, елкангга қўйиб олғил!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ шундай қилган эрдилар, кўзлари тиниб, бошлари айланиб, чалқанча йиқилиб тушдилар. Кейин: «Изорим қани, олиб берингиз!» — дедилар. Изорларини олиб беришган эрди, ўраниб олдилар».

*Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг заифалари Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Қавминг Каъбани қайта қурган вақтда Иброҳим қурган пойдеворни пасайтирганларин билмасмисен?» — дедилар. Мен: «Ё Расулulloҳ, Иброҳим қурган пойдеворни аслига келтириб қўймасмисиз?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Агар қавминг яқиндагина кофир бўлмаганда эрди, шундоқ қилган бўлур эрдим»,— дедилар».

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Агар Оиша разияллоҳу анҳо бу ҳадисни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган эрсалар, унда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижр (девор) яқинидаги икки устунни силаб, ўпмаганлар, деёлмасман, чунки Каъбанинг пойдевори Иброҳим давридагидек қилиб, аслига келтирилмаган».

743 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ :

سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْجَدْرِ ، أَمِنَ الْبَيْتِ هُوَ ؟ قَالَ : ( نَعَمْ ) . قُلْتُ : فَمَا لَهُمْ لَمْ يَدْخُلُوهُ فِي الْبَيْتِ ؟ قَالَ : ( إِنَّ قَوْمَكَ قَصَّرَتْ بِهِمُ التَّفَقُّةُ ) . قُلْتُ : فَمَا شَأْنُ بَابِهِ مُرْتَفَعًا ؟ قَالَ : ( فَعَلَّ ذَلِكَ قَوْمُكَ لِيَدْخُلُوا مِنْ شَأَعُوا ، وَيَمْنَعُوا مَنْ شَأَعُوا ، وَلَوْلَا أَنَّ قَوْمَكَ حَدِيثٌ عَهْدُهُمْ بِالْجَاهِلِيَّةِ ، فَأَخَافُ أَنْ تُنْكَرَ قُلُوبُهُمْ ، أَنْ أَدْخَلَ الْجَدْرَ فِي الْبَيْتِ ، وَأَنْ أُلْصِقَ بَابَهُ بِالْأَرْضِ ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Каъба девори ичкарига олинадирми?» — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа»,— дедилар. Мен: «Нечук улар деворни Каъба ичига олмаганлар?»— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Қавмингга нафақа камлик қилган»,— дедилар. Мен: «Нечун эшиги баланд қилиб қурилган?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Қавминг ўзлари истаган кишиларни киритиб, истамаганларини қўймаслик учун

шундоқ қилишган. Агар қавминг жоҳилиядан чиқиб, эндигина исломга қадам қўйган бўлмаганида, деворни бузиб, Каъба ичкарасига олар эрдим, эшигини эрса, ерга ёпиштириб (остонасини паст қилиб) қурар эрдим, лекин уларнинг қалблари инкор қилмоғидан (феъллари айниб, исломдан қайтиб қолмоқларидан) чўчиғайдирмен».— дедилар».

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: Агар қавминг яқиндагина кофирликни тарк этиб, эндигина исломга қадам қўйган бўлмаганида эрди, мен Иброҳим алайҳи-с-салот ва-с-салом давридаги пойдеворни тиклаб. Каъбани қайта қурган бўлар эрдим. Қурайш аҳли бинони паст қуриб қўйди. Мен орқадан ҳам эшик қурган бўлар эрдим»,— дедилар».

744 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَهَا : ( لَوْلَا أَنَّ قَوْمَكَ حَدِيثُ عَهْدٍ بِجَاهِلِيَّةٍ ، لَأَمَرْتُ بِالْبَيْتِ فَهَدَمَ ، فَأَدْخَلْتُ فِيهِ مَا أُخْرِجَ مِنْهُ ، وَأَلْزَمْتُهُ بِالْأَرْضِ ، وَجَعَلْتُ لَهُ بَابَيْنِ بَابًا شَرْقِيًّا وَبَابًا غَرْبِيًّا ، فَبَلَّغْتُ بِهِ أَسَاسَ إِبْرَاهِيمَ ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Оиша, агар қавминг жоҳилиядан чиқиб, эндигина исломга қадам қўйган бўлмаганида, мен Каъбани шаксиз бузмоққа амр қилур эрдим, ундан нимаики ташқарига олиб чиқиб қурилган бўлса, ичкарига олар эрдим, мавжуд эшик остонасини пасайтириб, яна иккита — машриқ ва мағриб томондан эшиклар очар эрдим. Иморатнинг пойдеворини Иброҳим алайҳи-с-салот ва-с-салом давридагидек қилиб қурар эрдим»,— дедилар.

Мана шуларнинг ҳаммасини бузмоқ Ибн Зубайр зиммасига тушди. Язид разияллоҳу анҳу: «Мен Ибн Зубайр Каъбани бузиб, янгидан барпо қилганининг шоҳиди бўлганман, у ҳижрнинг (деворнинг) бир қисмини Каъба ичкарасига олди, кейин мен Иброҳим қурган пойдевор тошини ҳам кўрдим, у туя ўркачига ўхшар эркан»,— дейдилар. Жарир разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен Язиддан эски пойдеворнинг қаердалигини сўрадим. Ул киши: «Ҳозир сенга кўрсатгаймен»,— дедилар-да, мени ҳижр ортига олиб ўтиб, «У мана шул ердадир»,— деб кўрсатдилар. Мен пойдеворнинг кенглигини тахминан олти зиръ (1 зиръ. 75 см) деб чамаладим».

### 43-боб. Муҳаррам маскан фазилати

Оллоҳ таолонинг икки ояти кариймасида бундай дейиладир: «Менга, шул шаҳарнинг рабби — уни муҳаррам этмиш Оллоҳ таолога ибодат айламак амр қилинди, барча нарсалар унинг мулкидир ва менга муслмон бўлмоқ (ҳам) амр қилинди», «Аё, биз уларга ҳар нарсанинг меваси тортиқ қилинажак амн мақоми бўлмиш муҳаррам маскандан жой ато қилмадикми? Ва лекин уларнинг кўплари (бунди) билишмағайдир (кўрнамаклик қилишғайдир)».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ бўлган куни: «Оллоҳ муҳаррам этган бу масканнинг (ҳатто) тикони (ҳам) юлинмаслиги, жониворлари ҳуркитилмаслиги, унда йўқолган (бирова йўқотган) нарсалар (эрса) эълон қилмоқ ниятидан ўзга мақсадда олинмаслиги лозимдир!» — деганлар».

### 44-боб. Маккадаги уйларни меросга бериш, сотиш ва сотиб олиш ҳақида; Масжид ул-Ҳаромдагиларнинг барчаси тенгдир!

Оллоҳ таоло ояти кариймасида бундай дейдир: «Кофир бўлиб, халқни Оллоҳ йўлидан қайтарадирғонларни ҳамда маҳаллий аҳоли ва бегоналар учун биз тенг

ҳуқуқли ибодат маскани қилиб берган Масжид ул-Ҳаромдан қайтарадирғонларни, шунингдек, унда эгрилик ила зулм қилмоқни истаганларни зулм бирла дардли азобга мубтало қилғайдурмиз!»

745 . عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ قَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَيْنَ تَنْزِلُ فِي دَارِكَ بِمَكَّةَ فَقَالَ : ( وَهَلْ تَرَكَ عَقِيلٌ مِنْ رَبَاعٍ ، أَوْ دُورٍ ) . وَكَانَ عَقِيلٌ وَرِثَ أَبَا طَالِبٍ ، هُوَ وَطَالِبٌ ، وَلَمْ يَرْتَهُ جَعْفَرٌ وَلَا عَلِيُّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا شَيْئًا ، لِأَنَّهُمَا كَانَا مُسْلِمَيْنِ ، وَكَانَ عَقِيلٌ وَطَالِبٌ كَافِرَيْنِ .

*Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Мен Жаноб Расулulloҳдан: «Ё Расулulloҳ, қай ерга тушғайсиз, Маккадаги ҳоалингизгами?»—деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Ақил бизга бирор ҳовли ва уй қолдирдимикин?» — дедилар. Ақил ва Толиб оталари Абу Толибдан мерос олишган бўлиб, Жаъфар ва Али эрса, ҳеч қандай мерос олишмаган эрди. Чунки улар муслмон бўлиб, Ақил ва Толиб кофир эрди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу: «Мўмин кофирдан мерос олмагайдир»,— дер эрдилар. Ибн Шихоб Зухрий: «Улар Оллоҳ таолонинг «Оллоҳ таолога иймон келтириб ва Оллоҳ таоло йўлида ватанларини тарк этиб, ҳижрат айлаган ҳамда молу жонларини тикиб, жиҳод қилган бандаларга ва муҳожирларга мададкор бўлиб бошпана бергувчилар бир-бирларига меросхўрдирлар» деган сўзига амал қилишар эрди»,— дейдилар».

#### 45-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Маккага тушишлари (боришлари) ҳақида

746 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، حِينَ أَرَادَ قُدُومَ مَكَّةَ : ( مَنْزِلُنَا غَدًا إِنْ شَاءَ اللَّهُ بِخَيْفِ بَنِي كِنَانَةَ ، حَيْثُ تُقَاسِمُوا عَلَيَّ الْكُفْرَ ) . يَعْنِي ذَلِكَ الْمُحَصَّبِ ، وَذَلِكَ أَنَّ قُرَيْشًا وَكِنَانَةَ ، تَحَالَفَتْ عَلَى بَنِي هَاشِمٍ وَبَنِي الْمُطَّلِبِ أَوْ بَنِي الْمُطَّلِبِ : أَنْ لَا يَنَآكِحُوهُمْ وَلَا يَبَايَعُوهُمْ حَتَّى يَسْلُمُوا إِلَيْهِمُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага бормоқчи бўлганларида: «Худо хоҳласа, эртага Баний Кинона куфрга аҳд қилган ерга — Хайфга борғайдирмиз?» — дедилар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Минода эканликларида: «Эртага, Наҳр куни биз Баний Кинонанинг Хайфига — улар кофирликка садоқат билдириб, қасамёд қилган ерга борғайдирмиз»,— дедилар. Шунда ул киши Муҳассабни (Минодаги тош отадирган жойни) назарда тутдилар. Ўша ерда Қурайш ва Кинона қабилалари Баний Ҳишом ва Баний Абд ул-Муталлиб (ёки Баний ул-Муталлиб) қабилаларига Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни ушлаб топширмагунларича ўзаро қиз олди-берди ва савдо-сотик қилмасликка онт ичишганди».

#### 46-боб.

Оллоҳ таоло икки ояти кариймасида бундай дейди: «Иброҳим айтган эрди: «Эй Парвардигор-о, бул шаҳарни омонлик мақоми айлағил (ва) мени ва менинг фарзандларимни бутларга ибодат қилмоқдан сақлағил!»; «Парвардигорим, булар (бутлар) кўп инсонларни йўлдан оздирмишдир. Кимки менга эргашғайдир, ул менга мансубдир ва кимки менга осийлик қилғайдир, сен албатта мағфиратлик меҳрибондирсен! Эй Парвардигоримиз, ҳақиқатан мен баъзи авлодимни (яъни, Ҳазрат Исмоил алайҳиссаломни, чунким Ҳазрат Исҳоқ ва бошқалар Шомда эрдилар) экин унмайдирган ерга — ҳурматли уйинг қошиға жойлаштирдим. Эй раббимиз, улар намоз ўқисинлар, сен айрим инсонларнинг дилларини уларга моил айлағил!»

**47-боб.**

Оллоҳ таоло ояти кариймасида бундай дейди: «Оллоҳ таоло Каъбани — Байт ул-Ҳаромни ҳам, ҳурматли ойлари (ҳаж ойлари) ҳам, бўйнига нишон осилган жонлиқларни (қурбонлик айламоқ ниятида бўйнига бирор аломат осиб қўйилган жонлиқларни) ҳам инсонларнинг (бу дунёда) тирик турмоқлари учун сабаб қилди. Булар, сизлар Оллоҳ таолонинг осмонларда ва ер остида мавжуд ҳар бир нарсадан хабардор ҳамда ҳар бир нарсани албатта билгувчи зот эрканлигин билиб қўймоғингиз учун шундоқ қилингандир!»

747 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( يَخْرَبُ الْكَعْبَةَ ذُو السُّوَيْقَتَيْنِ مِنَ الْحَيْشَةِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Каъбани икки болдири ингичка, қуруқшаган ҳабаш хароб қилғайди»,— деганлар».

748 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانُوا يَصُومُونَ عَاشُورَاءَ قَبْلَ أَنْ يَفْرَضَ رَمَضَانَ ، وَكَانَ يَوْمًا تُسْتَرُ فِيهِ الْكَعْبَةُ ، فَلَمَّا فَرَضَ اللَّهُ رَمَضَانَ ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ شَاءَ أَنْ يَصُومَهُ فَلْيَصُمْهُ ، وَمَنْ شَاءَ أَنْ يَتْرُكَهُ فَلْيَتْرُكْهُ ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилади:* «Рамазон фарз бўлмағидан олдин Мухаррам ойининг ўнинчи куни рўза тутишар эрди. Ўша куни Каъбага парда тутилгай эрди. Оллоҳ таоло Рамазонни фарз қилганида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким истаса, ўша куни рўза тутсин, ким истамаса, тутмасин!» — дедилар».

749 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لِيُحِجَّنَّ وَلِيَعْتَمِرَنَّ بَعْدَ خُرُوجِ يَأْجُوجَ وَمَأْجُوجَ ) .

*Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яъжуж ва Маъжуж чиққандан кейин ҳам Каъба, албатта, ҳаж ва тавоф қилинғусидир»,— дедилар. Шўъба: «Каъба тавоф қилинмай қолгунига қадар қиёмат содир бўлмағайди»,— дедилар».

**48-боб. Каъбага жилд кийдирмоқ ҳақида**

*Абу Воил ривоят қилади:* «Мен ва Шайба Каъбадаги курсига келиб ўтирдик. Умар разияллоҳу анҳу ҳам ўша ерда ўтирган эрдилар. Ул киши: «Мен Каъбада тиллани ҳам, кумушни ҳам қолдиргим келмай, барчасини одамларга тақсимлаб бердим»,— дедилар (Одамлар Каъбага ташлаб кетган садақалар назарда тутилаётир). Шунда мен: «Сизнинг икки дўстингиз бундоқ қилишмади-ку?!»—дедим. Ҳазрат Умар: «Улар мен иқтидо қиладирган кишилардир»,— дедилар».

**49-боб. Каъбанинг бузиб ташланмоғи тўғрисида**

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир қўшин Каъбага уруш қилмоқчи бўлғайди, бироқ уларни ер ютиб кетғайди» деганлар»,— дейдилар.

750 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( كَأَنِّي بِهِ أَسْوَدُ أُنْحَجُ ، يَقْلَعُهَا حَجْرًا حَجْرًا ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен Каъбани бузаётган кишини кўриб тургандекман, ул қоп-қора, икки оёғи маймоқ бўлиб, Каъбанинг тошларини битталаб кўчирмакдадир»,— дедилар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Каъбани икки болдири ингичка, қуруқшаган ҳабаш бузғайди» — деб айтдилар»,—



дейдилар.

### 50-боб. Ал-Ҳажар ул-Асвад — Қора Тош ҳақида не дейилган?

751 . عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ جَاءَ إِلَى الْحَجَرِ الْأَسْوَدِ فَقَبَّلَهُ ، فَقَالَ : إِنِّي أَعْلَمُ أَنَّكَ حَجَرٌ لَا تَضُرُّ وَلَا تَنْفَعُ ، وَلَوْلَا أَنِّي رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْبَلُكَ مَا قَبَّلْتُكَ .

*Обис ибн Рабийъа ривоят қиладилар:* «Умар разияллоҳу анҳу Қора Тошга келиб ўтирдилар-да, «Мен сенинг тош эрканлигини ва зараринг ҳам, фойданг ҳам йўқ эрканлигини билурмен. Агар Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам сени ўпаётганларини кўрмаганимда, мен сени ўпмас эрдим»,— дедилар».

### 51-боб. Каъбанинг ёпилмоғи ҳақида; Каъбанинг қайси томонига қараб намоз ўқимоқни хоҳласа, ўқийвергайдир

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Усома ибн Зайд, Билол ва Усмон ибн Талҳа Каъбага кириб, эшигини ёпиб қўйдилар. Улар эшикни очишганда мен биринчи бўлиб ичкарига кирдим. Шунда, Билолни учратиб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъба ичида намоз ўқидиларми?» — деб сўрадим. Билол: «Ҳа, икки яманий ўстун оралиғида»,— деб жавоб бердилар».

### 52-боб. Каъбада намоз ўқимоқ тўғрисида

*Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу, агар Каъбага кирсалар, эшикни орқаларида қолдириб, тўғриларига қараб юрар эрдилар-да, ўзлари бирлан рўпараларидаги девор оралиғида уч тирсак масофа қолдириб, сўнг намоз ўқир эрдилар. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шу ерда намоз ўқиганлар» деб Билол кўрсатган жойни танлар эрдилар. Лекин, Каъбанинг қайси томонига қараб намоз ўқиса ҳам, ҳеч кимга гуноҳ бўлмагайдир».

### 53-боб. Каъбага мутлақо кирмаган одам ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу кўп ҳаж қилар эрдилар, лекин Каъбага кирмас эрдилар.

752 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أُوفَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : اعْتَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَطَافَ بِالْبَيْتِ ، وَصَلَّى خَلْفَ الْمَقَامِ رَكْعَتَيْنِ ، وَمَعَهُ مَنْ يَسْتُرُهُ مِنَ النَّاسِ ، فَقَالَ لَهُ رَجُلٌ : أَدْخَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْكَعْبَةَ ؟ قَالَ : لَا .

*Абдуллоҳ ибн Абу Авфо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам умра қилиб, Каъбани тавоф айладилар. Сўнг, Мақоми Иброҳим ортига ўтиб, икки ракъат намоз ўқидилар. Шунда, ҳамроҳлари ул кишини одамлар назаридан тўсиб туришган эрди. Иттифоқо, бир киши менга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбага кирдиларми?»—деб айтди. Мен: «Йўқ»,— дедим».

### 54-боб. Каъбанинг бир чеккасига бориб, такбир айтган одам хусусида

753 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمَّا قَدِمَ ، أَبِي أَنْ يَدْخُلَ الْبَيْتَ وَفِيهِ الْإِلَهَةُ ، فَأَمَرَ بِهَا فَأُخْرِجَتْ ، فَأَخْرَجُوا صُورَةَ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ فِي أَيْدِيهِمَا الْأَرْزَاقَ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( قَاتَلَهُمُ اللَّهُ ، أَمَا وَاللَّهِ قَدْ عَلِمُوا أَنَّهَا لَمْ يَسْتَقْسِمَا بِهَا قَطُّ ) . فَدَخَلَ الْبَيْتَ فَكَبَّرَ فِي نَوَاحِيهِ وَلَمْ يَصَلِّ فِيهِ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келганларида, Каъбанинг ичида бутлар бўлгани учун, у ерга кириб намоз ўқигилари келмади. Шунда, Каъбадан бутларни олиб чиқиб ташламоқни

амр қилиб эрдилар, уларни олиб чиқиб ташлашди. Кейин, Иброҳим ва Исмоилнинг қўлларида азлом ушлаган ҳолда тасвирланган суратларини ҳам олиб чиқиб ташлашди».

### 55-боб. Лўкиллаб югуриш удуми қачон бошланган?

754 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَصْحَابُهُ ، فَقَالَ الْمُشْرِكُونَ : إِنَّهُ يَقْدُمُ عَلَيْكُمْ وَقَدْ وَهَنْتَهُمْ حُمَى يَثْرِبَ ، فَأَمَرَهُمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَرْمُلُوا الْأَشْوَاطَ الثَّلَاثَةَ ، وَأَنْ يَمْشُوا مَا بَيْنَ الرُّكْنَيْنِ ، وَلَمْ يَمْنَعَهُ أَنْ يَأْمُرَهُمْ أَنْ يَرْمُلُوا الْأَشْوَاطَ كُلَّهَا إِلَّا الْإِبْقَاءَ عَلَيْهِمْ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва ул.кишининг саҳобалари Маккага келганларида, мушриклар саҳобаларга қараб: «Сизларни ул (Расулulloҳ) бошлаб келган, аслида сизларни Ясриб (Мадина) мудофааси заифлаштириб қўйгандир»,— дейишди. Шунда, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз саҳобаларига лўкиллаб югуриб Каъбани уч марта айланиб чиқмоқни, кейин икки устун оралиғида юрмоқни буюрдилар. Жаноб Расулulloҳ Каъба теграсида кўпроқ лўкиллаб югурмоқни буюрсалар бўлар эрди-ю, лекин саҳобаларга раҳмлари келди».

### 56-боб. Маккага келганда тавоф қилмоқни Қора Тошни ўпишдан бошламоқ ва уч марта лўкиллаб югурмоқ тўғрисида

744 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ يَقْدُمُ مَكَّةَ ، إِذَا اسْتَلَمَ الرُّكْنَ الْأَسْوَدَ ، أَوَّلَ مَا يَطُوفُ : يُحِبُّ ثَلَاثَةَ أَطْوَافٍ مِنَ السَّبْعِ .

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келиб, энг аввало Қора Тошни ўпар эрдилар, сўнг етти марта ўрнига уч марта Каъбани лўкиллаб югуриб айланиб чиқар эрдилар».

### 57-боб. Ҳаж ва умрада лўкиллаб югурмоқ ҳақида

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж ва умрада уч марта лўкиллаб югуриб, тўрт марта юрдилар».

756 . عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ : فَمَا لَنَا وَالرَّمْلَ ، إِنَّمَا كُنَّا رَاءَيْنَا بِهِ الْمُشْرِكِينَ ، وَقَدْ أَهْلَكُهُمُ اللَّهُ ، ثُمَّ قَالَ : شَيْءٌ صَنَعَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَا نُحِبُّ أَنْ نَتْرُكَهُ .

*Абу Аслам ривоят қилади:* «Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу Қора Тошга хитоб қилиб: «Аммо, худо ҳаққи, мен сенинг фойданг ҳам, зараринг ҳам йўқ бир тош эрканлигини билурмен. Агар, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сени ўпиб, тавоф қилганларини кўрмаганимда, мен ҳам сени ўпиб тавоф қилмас эрдим»,— дедилар. Кейин, Қора Тошни ўпиб тавоф қилдилар-да, «Лўкиллаб югурмоқ бизга не бўлибдир! Дарҳақиқат, (бир пайтлар) лўкиллаб югурмоқ бирлан биз мушрикларга ўзимизнинг бақувват эканлигимизни кўрсатиб қўйган эрдик, кейин уларни Оллоҳ таоло ҳалок қилди, энди лўкиллаб югурмоққа ҳожат бўлмаса-да, биз Жаноб Расулulloҳдан қолган одатни тарк этмоқни истамасмиз»,— дедилар».

757 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : مَا تَرَكْتُ اسْتِلَامَ هَذَيْنِ الرُّكْنَيْنِ فِي شِدَّةٍ وَلَا رَخَاءٍ ، مُنْذُ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتَلِمُهُمَا .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу икки устунни ўпиб тавоф қилганларини кўрганимдан буён мен ҳам уларни ўпиб тавоф

қилмоқни қўймасмен»,— дедилар. Убайдуллоҳ Нофиъга: «Ибн Умар икки рукн орасида юриб тавоф қилурми эрди?» — дедилар. Нофиъ: «Уларни ўпиб тавоф қилмоқ мақсадидагина юрар эрдилар»,— дедилар.

### 58-60б. Устунни ҳасса бирлан силаб тавоф қилмоқ ҳақида

758 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : طَافَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ عَلَى بَعِيرٍ ، يَسْتَلِمُ الرُّكْنَ بِمِخْنٍ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжат ул-Видоъда туя минган ҳолда устунни ҳассалари бирлан силаб тавоф қилдилар»,— дейдилар.

### 59-60б. Яманий икки устундан бошқасини ўпиб тавоф қилмаган одам хусусида

*Абушшаъсо ривоят қиладилар:* «Каъбадаги ҳар бир нарсага тақво кўзи бирлан қараган киши ким эрди? Муовия у ердаги ҳамма устунларни ўпиб тавоф қилар эрдилар. Ибн Аббос разияллоҳу анҳу Муовияга: «Анави икки устун ўпиб тавоф қилинмағайдир»,— деганларида, Муовия: «Байтуллоҳда тавоф қилинмайдирган нарсанинг ўзи йўқдир!» — дедилар. Ибн Зубайр разияллоҳу анҳу ҳам у ердаги устунларнинг барчасини ўпиб тавоф қилар эрдилар».

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Байтуллоҳдаги икки яманий устундан бошқасини ўпиб тавоф қилганларини кўрмагандирман»,— дейдилар.

### 60-60б. Қора Тошни ўпиб тавоф қилмоқ ҳақида

*Зайднинг отаси Аслам:* «Мен Умар разияллоҳу анҳунинг Қора Тошни ўпа туриб: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сени ўпаётганларини кўрмаганимда, мен ҳам сени ўпмас эрдим» — деганларини эшитганман»,— дейдилар.

759 . عَنْ الزُّبَيْرِ بْنِ عَرَبِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : سَأَلَ رَجُلٌ ابْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ اسْتِلامِ الْحَجَرِ ، فَقَالَ : رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتَلِمُهُ وَيَقْبَلُهُ ، فَقَالَ الرَّجُلُ : أَرَأَيْتَ إِنْ زُحِمْتُ ؟ أَرَأَيْتَ إِنْ غَلِبْتُ ؟ قَالَ : اجْعَلْ أَرَأَيْتَ بِالْيَمَنِ ، رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتَلِمُهُ وَيَقْبَلُهُ .

*Зубайр ибн Арабий ривоят қиладилар:* «Бир киши Ибн Умар разияллоҳу анҳудан Қора Тошни ўпиб тавоф қилмоқ ҳақида сўради. Ибн Умар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уни ўпиб тавоф қилаётганларини кўрганман»,— дедилар. Шунда ул: «Агар (бу тўғрида сен бирлан) баҳслашиб енгсам, не дерсан?»— деди. Ибн Умар: «Не дерсанингни ўшал Яманингга бориб айтғайсен! Мен (ҳақиқатан ҳам) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Қора Тошни қучоқлаб, ўпаётганларини кўрганман»,— дедилар».

### 61 -60б. Устун олдида келганда унга ишора қилиб қўймоқ

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам туя миниб Байтуллоҳни тавоф қилар эрдилар ва ҳар гал устун олдида келганларида унга ишора қилиб қўяр эрдилар».

### 62-60б. Устун олдида туриб такбир айтмоқ ҳақида

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяда Байтуллоҳни тавоф қилдилар. Шунда ҳар гал устун олдида келганларида қўлларидаги нарса бирлан унга ишора қилиб қўйиб, сўнг такбир айтдилар».

### 63-боб. Маккага келганида, уймга қайтишдан аввал, Байтуллоҳни тавоф қилиб, икки ракъат намоз ўқиб, сўнг Сафога чиқиб борган киши хусусида

760 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ أَوَّلَ شَيْءٍ بَدَأَ بِهِ حِينَ قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ تَوَضَّأَ ، ثُمَّ طَافَ ، ثُمَّ لَمْ تَكُنْ عُمْرَةً . ثُمَّ حَجَّ أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا مِثْلَهُ .

*Урва ибн Зубайр ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келганларида, Энг аввало таҳорат олиб, тавоф айладилар, кейин умра қилмай, ҳаж қилдилар. Сўнг, Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳу ҳам шундай ҳаж қилдилар. Кейинчалик, мен отам Зубайр разияллоҳу анҳу бирлан ҳаж қилганимда, ул киши ҳам дастлаб тавоф айлаб, сўнг ҳаж қилдилар. Кейин, муҳожир ва ансорларнинг ҳам шундай қилганларини кўрдим. Менинг онам холам Оиша, Зубайр ва фалончипистончилар бирлан умрага таҳлил айтиб, устунни силаб тавоф қилишгач, эҳромларини ечишганини менга айтдилар».

761 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا طَافَ ، فِي الْحَجِّ أَوْ الْعُمْرَةِ ، أَوَّلَ مَا يَقْدُمُ سَعَى ثَلَاثَةَ أَطْوَافٍ ، وَمَشَى أَرْبَعَةً ثُمَّ سَجَدَ سَجْدَتَيْنِ ، ثُمَّ يَطُوفُ بَيْنَ الصَّفَا وَالْمَرْوَةِ .

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж ёким умрага эҳром боғласалар, энг аввало уч марта саъй қилиб ва тўрт марта юриб тавоф айлар эрдилар, сўнг икки ракъат намоз ўқигач, Сафо ва Марва оралиғини зиёрат қилар эрдилар».

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Байтуллоҳга келсалар, энг аввало уч марта саъй қилиб ва тўрт марта юриб тавоф айлар эрдилар. Сафо ва Марва оралиғини тавоф айлаганларида селхона бўйлаб саъй қилар эрдилар».

### 64-боб. Аёлларнинг эркаклар бирлан бирга тавоф қилиши ҳақида

*Ибн Журайж ривоят қиладилар:* «Макка валиаҳди Ибн Ҳишом аёлларнинг эркаклар бирлан бирга тавоф айламоғини манъ қилганида, «Қандай қилиб манъ қилгайсен? Ахир, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари ҳам эркаклар бирлан бирга тавоф қилганлар-ку!» — деб айтгандим»,— дедилар Ато разияллоҳу анҳу. Мен у кишидан: «Чиммат киймоқ фарз қилинишидан олдинми, Кейинми?»—деб сўрадим. Ато разияллоҳу анҳу: «Ўлай агар, ёлғон сўзласам, бу воқеа чиммат киймоқ фарз қилинганидан кейин бўлган эрди»,— дедилар. Шунда мен: «Қандай қилиб аёллар эркакларга аралашиб, тавоф айламоғи мумкин?»— деб сўрадим. Ато разияллоҳу анҳу: «Аёллар эркакларга аралашмас эрди. Масалан, Оиша онамиз эркаклардан нарида, бир чеккада туриб тавоф қилаётганларида, бир аёл келиб, «Эй мўъминлар онаси, юрингиз (Қора Тошни) ўпиб, тавоф айлағаймиз!» — деганида, Оиша онамиз: «Йўқ, ўзинг бораверғил!»—деб кўнмаган эрдилар. Лекин, аёллар кечалари ёпинғич ёпиниб, тавоф қилгани чиқишарди. Аммо, эркаклар Каъбага кириб кетишганда, улар қайтиб чиққунларича пойлаб туришарди. Эркаклар чиққач, киришарди. Мен ва Убайд ибн Умайр, Оиша онамиа Сабийр деган тоғ дарасида тоатибодат бирла машғул бўлиб турганларида, ҳузурларига бордик. Шунда мен: «Оиша онамиз қандай чодирдалар?»— деб шеригимдан сўрадим. «Туркий чодирдалар»,— деб айтди. Оивда онамиз бирлан бизнинг ўртамизда ўша чодирдан бўлак тўсиқ йўқ эрди. Мен Оиша онамизнинг қизил кўйлак кийиб олганларини кўрдим».

*Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Мен Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бетоблигимдан нолидим. Ул киши: «Уловда одамларга эргашиб тавоф айлағил!» —

дедилар. Мен тавоф этдим, Жаноб Расулulloҳ эрса, Каъба ёнида намоз ўқиб, «Ва-т-Тур» деган сурани тиловат қилдилар».

### 65-боб. Тавоф вақтида гапирмоқ мумкинми?

762 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ وَهُوَ يَطُوفُ بِالْكَعْبَةِ بِإِنْسَانٍ رَبَطَ يَدَهُ إِلَى إِنْسَانٍ ، بِسَيْرٍ أَوْ بِخَيْطٍ أَوْ بِشَيْءٍ غَيْرِ ذَلِكَ ، فَقَطَعَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَدِهِ ، ثُمَّ قَالَ : ( قُدُّهُ بِيَدِهِ ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбани тавоф айлаётиб, қўлини тасма бирлан бошқа бир одамнинг қўлига боғлаб олиб, етаклаб кетаётган кишининг ёнидан ўтиб қолдилар. Шунда, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам тасмани кесиб юбордилар-да, унга: «Қўлидан етаклағил!»—дедилар».

### 66-боб. Тавоф қилаётиб, тасма ёки бошқа макруҳ нарсани кўрса, кесиб ташлайдир

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбани тасма (ёким шунга ўхшаш нарса) тақиб тавоф қилаётган кишини кўриб, (тасмасини) кесиб ташладилар.

### 67-боб. Яланғоч одам Каъбани тавоф қилмайдир ва мушрик ҳаж қилмайдир

763 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ أَبَا بَكْرٍ الصِّدِّيقَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، بَعَثَهُ فِي الْحَجَّةِ الَّتِي أَمَرَهُ عَلَيْهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلَ حَجَّةِ الْوُدَاعِ يَوْمَ النَّحْرِ ، فِي رَهْطٍ يُوَدُّنَ فِي النَّاسِ : أَنْ لَا يَحُجُّ بَعْدَ الْعَامِ مُشْرِكٌ ، وَلَا يَطُوفُ بِالْبَيْتِ عُرْيَانٌ .

*Ҳумайд ибн Абдурраҳмон ривоят қиладилар:* «Абу Бакр Сиддик разияллоҳу анҳу Наҳр куни (қурбойлик қиладирган куни) Ҳажжат ул-Видоъдан олдин Абу Ҳурайрани бир гуруҳ одамлар бирлан бирга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бажармоқни буюрган ҳажга юбориб, «Билиб қўйингиз, бу йилдан кейин мушриклар ҳаж қилмағайдир ва яланғочлар Каъбани тавоф айламағайдир!» деб жар солмоқни буюрдилар».

### 68-боб. Тавофи бузилса...

Ато разияллоҳу анҳу: «Агар бирор киши тавоф айлаётганда намоз бошланиб қолса ёким одамлар оқими тавоф қилаётган ўрнидан нарига суриб кетса, тавофини келган жойидан давом эттирғайдир»,— дейдилар. Шу каби ҳадисларни Ибн Умар ва Абдурраҳмон ибн Абу Бакр разияллоҳу анҳумолар ҳам ривоят қилишган.

### 69-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам еттинчи тавофда икки ракъат намоз ўқидилар

Нофиъ: «Ибн Умар разияллоҳу анҳу ҳар еттинчи тавофда икки ракъат намоз ўқир эрдилар»,— дедилар. «Тавофнинг икки ракъат намози ўрнига фарз намози ўқиса, кифоядир»,— дедилар Ато. Шунда Зухрий: «Суннатга риоя қилмоқ афзалроқ, чунки Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам етти марта тавоф этсалар, икки ракъат намоз ўқимай қўймас эрдилар»,— дедилар.

*Амр ривоят қиладилар:* «Биз Ибн Умар разияллоҳу анҳудан: «Умрада, Сафо ва Марва орасини тавоф этмасдан олдин, киши (ўзининг) аёлига қўшила олғайдирми?»—деб сўрадик. Ул киши бундай дедилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келиб, Каъбани етти мартаба тавоф айладилар, сўнг Мақоми Иброҳим ортига ўтиб, икки ракъат намоз ўқидилар. Кейин, Сафо ва Марва

орасини тавоф қилдилар-да, «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламда сизлар учун яхши ибратлар мавжуддир!» деган оятни ўқидилар». Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан сўраган эрдим, «Сафо ва Марва орасини тавоф қилиб бўлмагунча, киши аёлига ёқинлашмағайдир»,— дедилар».

**70-боб. Каъбани тавоф этиб, Арафотга чиқиб келгандан кейин, қайта Каъбага яқин бормаган ва уни тавоф қилмаган киши хусусида**

764 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَكَّةَ ، فَطَافَ وَسَعَى بَيْنَ الصَّفَا وَالْمَرْوَةِ ، وَلَمْ يَقْرَبِ الْكَعْبَةَ بَعْدَ طَوَافِهِ بِهَا حَتَّى رَجَعَ مِنْ عَرَفَةَ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар:* «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Маккага келиб, Каъбани тавоф айладилар, сўнг Сафо ва Марва орасида саъй қилдилар. Кейин, Арафотга чиқиб келдилар-да, Каъбани бир марта тавоф этганларича, қайтиб тавоф қилмадилар».

**71-боб. Тавофнинг икки ракъат намозини масжид ташқарисида ўқиган киши; Умар разияллоҳу анҳу Масжид ул-Ҳаром ташқарисида намоз ўқидилар**

*Умму Салама разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга тобим йўқлигидан нолидим»,— дейдилар (Бу ҳадис тақрибан ривоят қилинадир, шу сабабли тўлиқ келтирилмаган).

*Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Маккада эканликларида, Каъбани тавоф этмоққа чиқмоқчи бўлиб турганларида, ҳануз Каъбани тавоф айламаган Умму Салама ҳам бирга чиқмоқчи бўлди. Шунда, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бомдодни ўқиган бўлсанг, туянгга миниб, одамлар намоз ўқиб турган пайтда Каъбани тавоф айлаб олғил!» — дедилар. Умму Салама шундай қилди».

**72-боб. Иброҳим Мақоми ортида икки ракъат намоз ўқиган киши**

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Маккага келдилар-да, Каъбани етти мартаба тавоф қилиб, Иброҳим Мақоми орқасида икки ракъат намоз ўқидилар, сўнг Сафога чиқдилар. Оллоҳ таоло: «Расулulloҳда сизлар учун яхши ибратлар мавжуддир»,— деган».

**73-боб. Бомдод ва асрдан кейин тавоф қилмоқ**

Ибн Умар разияллоҳу анҳу тавофнинг икки ракъат намозини Қуёш чиққунгача ўқирдилар. Умар разияллоҳу анҳу бомдоддан сўнг Каъбани тавоф қилдилар, кейин туяларига миниб, Зу Туванга бордилар-да, икки ракъат тавоф намози ўқидилар.

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилидилар:* «Бомдод намозидан сўнг, одамлар Каъбани тавоф қилишди, кейин ваъз тинглашди. Ваъздан сўнг эрса, Қуёш чиққанлигига қарамай, намоз ўқишди. Улар намоз ўқимоқ макруҳ қилинган вақт бўлишига қарамай намоз ўқидилар».

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Мен Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг Қуёш чиқиш ва ботиш вақтларида намоз ўқимоқни манъ қилганларини эшитганман»,— дейдилар.

*Абдулазиз ибн Руфайъ:* «Мен Абдуллоҳ ибн Зубайр разияллоҳу анҳунинг бомдоддан кейин Каъбани тавоф қилиб, икки ракъат тавоф намози ўқиганларини кўрдим»,— дейдилар.

*Оиша онамиз:* «Мен Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг асрдан кейин икки ракъат намоз ўқиганини кўрдим. Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳам Каъбага кирсалар,

албатта икки ракъат тавоф намози ўқир эрдилар»,— дейдилар.

#### 74-боб. Касал одам улов миниб тавоф қиладир

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам туя миниб Каъбани тавоф айладилар, устун олдига келганларида эрса, асолари бирлан унга ишорат қилиб, такбир айтдилар»,— дейдилар.

*Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қиладирлар:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бетоблиғимдан нолидим. Шунда, ул киши менга: «Одамларга эргашиб Каъбани тавоф айлағил!»—дедилар. Мен айтганларидек тавоф қилдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрса, Каъба ёнида намоз ўқиб, «Ва-т-Тури ва китаб-им-мастур» сурасини зам қилар эрдилар».

#### 75-боб. Сиқоят ул-ҳожжи — ҳожиларни сув бирлан таъминламоқ ҳақида

765 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: اسْتَأْذَنَ الْعَبَّاسُ بْنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنْ يَبِيَّتَ بِمَكَّةَ، لِيَأْتِيَ مِنِّي مِنْ أَجْلِ سِقَايَتِهِ، فَأُذِنَ لَهُ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Аббос ибн Абдулмуталлиб разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан Мино кунлари Маккада тўхтаб, сиқоят қилиб олмоққа рухсат сўраб эрди, рухсат бердилар».

766 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا :

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَاءَ إِلَى السَّقَايَةِ فَاسْتَسْقَى فَقَالَ الْعَبَّاسُ: يَا فَضْلُ أَذْهَبُ إِلَى أُمَّكَ فَأْتِ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِشَرَابٍ مِنْ عِنْدِهَا، فَقَالَ: (اسْقِنِي)، قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّهُمْ يَجْعَلُونَ أَيْدِيَهُمْ فِيهِ، قَالَ: (اسْقِنِي)، فَشَرِبَ مِنْهُ، ثُمَّ أَتَى زَمْزَمَ وَهُمْ يَسْقُونَ وَيَعْمَلُونَ فِيهَا فَقَالَ: (اعْمَلُوا فَإِنَّكُمْ عَلَى عَمَلٍ صَالِحٍ)، ثُمَّ قَالَ: (لَوْلَا أَنْ تُغْلَبُوا لَنَزَلْتُ حَتَّى أَضَعَ الْحَبْلَ عَلَى هَذِهِ)، يَعْنِي عَاتِقَهُ وَأَشَارَ إِلَى عَاتِقِهِ .

*Икрима разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сиқоят (ҳожилар сув оладирган) жойига келиб, сув сўрадилар. Шунда, Аббос ўғлига: «Эй Фазл, онангинг олдига борғил-да, ундаги мавжуд сувдан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга элтиб берғил!» — деди. Фазл онасидан сув олиб, Жаноб Расулulloҳга олиб борганда, ул киши: «Ичириб қўйғил!» — дедилар. Фазл: «Ё Расулulloҳ, бу сувга қўл тиқилган»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ичирғил дерман!» — дедилар. Фазл сув ичириб қўйгач, Замзам қудуғи олдига боришди. У ердаги кишилар қудуқдан сув тортиб олиб, ташналарга ичиришаётган эрди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Ишлайверингиз, сизлар хайрли иш қилмакдасизлар»,— дедилар. Кейин, яна: «Агар қаршилиқ қилмасангизлар, туядан тушиб, арқонни елкамга қўйиб, мен ҳам сув тортишар эрдим»,— дедилар».

#### 76-боб. Замзам ҳақида қандай ривоятларни келтиришди?

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу Абу Зарр разияллоҳу анҳудан ўзлари эшитган қуйидаги ҳадисни ривоят қиладирлар:* «Мен Маккадалиғимда,— дедилар Жаноб Расулulloҳ,— уйимнинг томи очилиб, Жаброил алайҳиссалом тушдилар. Кейин, кўкрагимни ёриб, замзам суви бирлан ювдилар-да, тилла лаган тўла ҳикмат ва иймон келтириб, ичига солдилар. Сўнг, кўкрагимни ёпиб, аслига келтирдилар, кейин қўлимдан ушлаб, осмоннинг энг пастки қаватига олиб чиқдилар. Шунда, Жаброил алайҳиссалом осмоннинг энг пастки қавати посбонига: «(Эшикни) очғил!» — дедилар. Посбон: «Бул кимдир?»—деди. Ҳазрат Жаброил: «Бул менман, Жаброилман»,— дедилар».

767 . عَنْ عَاصِمٍ ، عَنْ الشَّعْبِيِّ : أَنَّ ابْنَ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا حَدَّثَهُ قَالَ : سَقَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ زَمْزَمَ فَشَرِبَ وَهُوَ قَائِمٌ .  
 قَالَ عَاصِمٌ : فَحَلَفَ عِكْرِمَةُ : مَا كَانَ يَوْمَئِذٍ عَلَى بَعِيرٍ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга тик турганларида замзам ичирдим»,— дейдилар. Осим разияллоҳу анҳу эрса: «Ибн Аббоснинг озод қилинган қули (мавлó) Икриманинг онт ичиб айтишига қараганда, ўшал куни Жаноб Расулulloҳ фақат туя миниб юрганлар»,— дейдилар.

### **77-боб. Қорин — бир йўла ҳаж ва умра қиладирган шахс нечук тавоф қиладир?**

*Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладирлар:* «Ҳажжат ул-Видоъ куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга чиқиб, умрага эҳром боғладик. Кейин, Жаноб Расулulloҳ: «Кимнинг жонлиги бўлса, бир йўла ҳаж ҳам умрага ният айлаб, эҳром боғласин, ҳар иккала удумнк адо этмагунча эҳромини ечмасин!»— дедилар. Мен ҳайз кўрган ҳолимда Маккага келган эрдим. Ҳаж (катта ҳаж) қилиб бўлганимизда, Жаноб Расулulloҳ мени (укам) Абдурраҳмон бирлан бирга Танъимга юбордилар, мен умра қилиб қайтдим. Шунда, Жаноб Расулulloҳ менга: «Бу (ҳайз бўлиб қолиб, қилолмаган) умранг ўрнига ўтгайдир»,— дедилар. Умрага эҳром боғлаганлар (Каъбани) тавоф этишгач, эҳромларини ечишди. Аммо, бир йўла ҳаж ҳам умрага талбия айтганлар Каъбани бир марта тавоф қилишди».

*Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Ибн Умар ҳузурларига ўғиллари Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ туясини ҳовлида қолдириб, кириб келди-да: «Мен бу йил одамлар орасида уруш бўлмаслигига ишонмасман, Каъбани тавоф қилгани чиқсангиз, йўлингизни (кофирлар) тўсмоғи мумкин. Бу йил ҳаж қилмай турсангиз бўларми эрди?» — деди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Каъбани тавоф қилгани чиққанларида Қурайш кофирлари йўлларини тўсиб, ул киши бирлан Каъба оралиғида туриб олган эрди, агар менга ҳам шундоқ қилишса. унда Жаноб Расулulloҳда сизлар учун яхши ибратлар мавжуддир, дейишадир-ку, ахир!»— дедилар Ибн Умар. Кейин яна: «Сизларни гувоҳ қилиб айтурменким, умра устига албатта ҳаж ҳам қилғайман!»—деб қўшиб қўйдилар, сўнг, Каъбага бориб, иккала ҳаж учун бир марта тавоф қилдилар».

### **78-боб. Таҳорат олиб тавоф қилмоқ ҳақида**

*Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Навфал Қурайший Урва ибн Зубайрга (таҳорат олиб тавоф қилмоқ ҳақида) савол бердилар. Шунда, Урва бундай деб жавоб қилдилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам,— деб эдилар Оиша онамиз,— Маккага ҳаж қилгани келганларида, дастлаб таҳорат олдилар, сўнг Каъбани тавоф айладилар, лекин умра қилмадилар». Абу Бакр разияллоҳу анҳу ҳам ҳаж қилганларида аввал таҳорат олиб сўнг Каъбани тавоф этганлар, умра қилмаганлар. Умар разияллоҳу анҳу ҳам шундай қилганлар. Кейинчалик, Усмон разияллоҳу анҳу ҳаж қилдилар. Ул кишининг ҳам дастлаб таҳорат олиб, сўнг Каъбани тавоф айлаганларини, аммо умра қилмаганларини кўрдим. Кейин, Муовия бирлан Абдуллоҳ ибн Умар ҳам шундай қилишди. Мен отам Зубайр ибн Аввом бирлан ҳаж қилганимда, ул киши ҳам дастлаб таҳорат олиб, сўнг Каъбани тавоф этдилар, умра қилмадилар. Муҳожир ва ансорларнинг ҳам шундай қилишганини кўрдим. Энг охири бўлиб, Ибн Умарнинг шундай қилганининг шоҳиди бўлдим. У ҳам анъанага кўра, умра қилмади. Мана, Ибн Умар уларнинг олдида кетаётир, ҳеч ким ундан бир нарсани сўрамакка



ботинмайдир, ўткинчилар ҳам фақат Каъбани тавоф айламак ниятидагина қадам ташлашаётир... Мана, тавоф ҳам қилиб бўлишди, лекин улар ҳануз эҳромдадирлар. Мен онам бирлан холамнинг ҳам Каъбани тавоф айлаб бўлмагунларича, бошқа бирор нарса қилишмаганининг ҳамда эҳромларини ечишмаганининг шоҳиди бўлгандирман».

Урва разияллоҳу анҳу: «Менга онам айтдиларки, ул киши бирлан холам, Зубайр ва фалончи-пистончилар умрага талбия айтишиб, Қора Тошни силаб тавоф қилишгач, эҳромларини ечишибдир»,— дейдилар.

### 79-боб. Сафо ва Марвада саъй қилмрқнинг вожиблиги ва унинг Оллоҳ таоло удумларидан бирига айланганлиги ҳақида

768 . عَنْ عُرْوَةَ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : سَأَلْتُ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ، فَقُلْتُ لَهَا : أَرَأَيْتَ قَوْلَ اللَّهِ تَعَالَى : ﴿ إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ اعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطُوفَ بِهِمَا ﴾ . فَوَاللَّهِ مَا عَلَيَّ أَحَدٌ جُنَاحٌ أَنْ لَا يَطُوفَ بِالصَّفَا وَالْمَرْوَةَ . قَالَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : بِنَسِّ مَا قُلْتَ يَا ابْنَ أُخْتِي ، إِنَّ هَذِهِ لَوَ كَانَتْ كَمَا أَوْلَتْهَا عَلَيْهِ كَانَتْ : لَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ لَا يَطُوفَ بِهِمَا ، وَلَكِنَّهَا أُنزِلَتْ فِي الْأَنْصَارِ ، كَانُوا قَبْلَ أَنْ يُسَلِّمُوا يَهْلُونَ لِمَنَاءِ الطَّاعِيَةِ الَّتِي كَانُوا يَعْبُدُونَهَا عِنْدَ الْمُشَلَّلِ ، فَكَانَ مِنْ أَهْلِ يَتَحَرَّجُ أَنْ يَطُوفَ بِالصَّفَا وَالْمَرْوَةَ ، فَلَمَّا أَسَلِمُوا سَأَلُوا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ ذَلِكَ قَالُوا : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنَّا كُنَّا نَتَحَرَّجُ أَنْ نَطُوفَ بَيْنَ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى : ﴿ إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ ﴾ . الْآيَةَ .

قَالَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: وَقَدْ سَنَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الطَّوْفَ بَيْنَهُمَا ، فَلَيْسَ لِأَحَدٍ أَنْ يَتْرُكَ الطَّوْفَ بَيْنَهُمَا .

Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Оиша онамизга: Оллоҳ таолонинг «Сафо ва Марвада саъй қилмоқ Оллоҳ таоло удумларидан биридир, ким Каъбани тавоф айласа ёким умра қилса, уларнинг иккаласини (Сафо ва Марвани) тавоф этмоғи гуноҳ бўлмағайдир» деган қавли ҳақида не дерсиз? Худо ҳаққи, Сафо ва Марвани тавоф айламаса, ҳеч ким гуноҳкор бўлмас эркан!» — дедим. Эй жияним,— дедилар Оиша онамиз,— нечук беъмани сўз айтдинг! Агар бу оятнинг тафсири сен айтганингча бўладирган бўлса, унда Сафо ва Марвани тавоф айламаса, гуноҳкор бўлмас эркан-да?! Аммо, бу оят ансорлар ҳақида нозил бўлган бўлиб, улар мусулмон бўлмоқларидан аввал Мушаллал деган жойдаги ўзлари ибодат қиладирган бутга — мустабид Манотга таҳлил айтишар эрди. Шу боисдан ҳам Сафо ва Марвани тавоф айламакка ҳайиқишар эрди. Улар мусулмон бўлганларидан сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулulloҳ, биз Сафо ва Марвани тавоф қилмоққа ҳайиқар эрдик, шукрим, Оллоҳ таоло «Сафо ва Марвани тавоф айламак Оллоҳ удумларидандир!» деган ояти кариймасини нозил қилди»,— дейишди. Шундан сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Сафо ва Марвани тавоф этмакни суннат қилдилар, буни қилмасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир!»

«Мен ушбу ҳадисни Абу Бакр ибн Абдурраҳмонга айтганимда,— дейдилар Зухрий разияллоҳу анҳу,— у бундай деди: «Оиша зикр қилган бут — Манотга таҳлил айтмайдирган барча одамлар Сафо ва Марвани тавоф қилишарди. Оллоҳ таоло Қуръонда Сафо ва Марвани тавоф айламакни зикр қилмай, Каъбани тавоф этмакни зикр қилганида, одамлар: «Ё Расулulloҳ, биз Сафо ва Марвани тавоф қилар эрдик, Оллоҳ таоло Каъбани тавоф айламак ҳақида оят нозил қилди, Сафони зикр қилмади, агар биз Сафо ва Марвани тавоф қилсак, гуноҳкор бўлғаймизми?» — дейишди. Шунда, Оллоҳ таоло «Сафо ва Марвани тавоф айламак Оллоҳ

удумларидандир!» деган ояти кариймасини нозил қилди». «Бу оят,— деб давом этдилар Абу Бакр,— икки тоифа одамлар хусусидадир, бири — жоҳилия даврида Сафо ва Марвани тавоф этмакка ҳайиққан кишилар, иккинчиси — илгари Сафо ва Марвани тавоф айлаб юриб, кейин, ислом даврига келганда, Оллоҳ таоло Каъбани тавоф этмакни зикр қилиб, Сафони эслатмаганлигидан уларни тавоф айламакка ҳайиқиб қолган кишилар ҳақида нозил бўлган. Шундан сўнг Оллоҳ таоло Сафо ва Марвани ҳам тавоф айламак лозимлигини эслатиб, оят нозил қилган, деб эшитгайман».

### 80-боб. Сафо ва Марвада саъй қилмоққа доир хабарлар

Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Баний Аббод ҳовлисида Баний Абу Ҳусайн кўчасигача бўлган масофада саъй қилинғайдир»,— дейдилар.

769 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا طَافَ الطَّوَافَ الْأَوَّلَ حَبًّا ثَلَاثًا وَمَشَى أَرْبَعًا، وَكَانَ يَسْعَى بَطْنِ الْمَسِيلِ إِذَا طَافَ بَيْنَ الصَّفَا وَالْمَرْوَةِ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Каъбанинг дастлабки тавофини адо этсалар, уч марта йўртиб чопардилар ва тўрт марта оддий юриш қилар эрдилар. Сафо ва Марвани тавоф айласалар, улар оралиғида жойлашган селхона бўйлаб саъй қилар эрдилар»,— дейдилар. Убайдуллоҳ ибн Умар: «Абдуллоҳ ибн Умар яманий устун олдига келганда одатдагидек юрармидилар, деб Нофиъдан сўрадим»,— дейдилар. Шунда Нофиъ: «Йўқ, яманий устун олдида одамлар кўпайиб кетгандагина шундай қилардилар, чунки ул киши устунни ўпиб тавоф қилмай қўймас эрдилар»,— деб жавоб қилган экан.

*Амр ибн Динор:* «Биз Ибн Умар разияллоҳу анҳудан умрада Каъбани тавоф айлаб, Сафо ва Марва орасини тавоф қилмаган киши аёлига яқинлашадирми, деб сўрадик»,— дейдилар. Шунда, Ибн Умар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Маккага келиб, Каъбани етти марта тавоф айладилар, Мақоми Иброҳим орқасида икки ракъат намоз ўқидилар, сўнг Сафо ва Марва орасида етти марта саъй қилдилар-да, «Расулulloҳда сизлар учун яхши намуналар бордир!»— деб айтдилар»,— деб жавоб қилибдир.

*Амр ибн Динор:* «Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан шу ҳақда сўраганимизда, у киши «Сафо ва Марвада саъй қилмагунча, аёлига мутлақо яқинлашмаслиги керак» деб айтдилар»,— дейдилар.

*Амр ибн Динор:* «Мен Ибн Умар разияллоҳу анҳунинг «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Маккага келиб, Каъбани тавоф айладилар, сўнг икки ракъат намоз ўқидилар, кейин Сафо ва Марвада саъй қилдилар-да, «Расулulloҳда сизлар учун яхши ибратлар бордир» деган оятни ўқидилар» — деганини эшитдим»,— дейдилар.

Осим разияллоҳу анҳу: «Сафо ва Марва орасида саъй қилмоқни ёқтирмасми эрдингиз, деб Анас ибн Моликдан сўрадим»,— дейдилар. Анас: «Ҳа, чунки у жоҳилия даври удумларидан эрди, ҳатто Оллоҳ таоло «Сафо ва Марва Оллоҳ таолонинг удумларидан биридир, ким Каъбага ҳаж қилғайдир ёким умра қилғайдир, Сафо ва Марвани тавоф айламоғидан гуноҳкор бўлмағайдир» деган оятни нозил қилган»,— деб жавоб берибдилар.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Каъбани тавоф айлаб, Сафо ва Марва орасида мушрикларга ўз куч-қувватларини кўрсатиб қўймоқ учун саъй қилдилар»,— дейдилар. Шунга ўхшаш ҳадисни Ҳумайд ҳам айтиб берган.

## 81-боб. Ҳайз кўрган аёл барча ҳаж удумларини адо қиладир, фақат тавоф этмайдир; Сафо ва Марва орасида таҳоратсиз саъй қилса...

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Мен ҳайз кўрган ҳолимча Маккага келиб, на Каъбани тавоф айлай олдим ва на Сафо ва Марвада саъй қилдим. Мен буни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб, шикоят этдим. Ул киши: «Тоза бўлгунингча Каъбани тавоф айламағил, ҳожилар не қилсалар, сен ҳам шуни қилғил!» — дедилар».

770 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : أَهْلَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هُوَ وَأَصْحَابُهُ بِالْحَجِّ ، وَلَيْسَ مَعَ أَحَدٍ مِنْهُمْ هَدْيٌ غَيْرَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَطَلْحَةَ وَقَدِمَ عَلَيَّ مِنَ الْيَمَنِ وَمَعَهُ هَدْيٌ ، فَقَالَ : أَهَلَّتْ بِمَا أَهَلَّ بِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَأَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَصْحَابَهُ أَنْ يَجْعَلُوهَا عُمْرَةً ، وَيَطُوفُوا ، ثُمَّ يَقْصِرُوا وَيَحْلُوا إِلَّا مَنْ كَانَ مَعَهُ الْهَدْيُ ، فَقَالُوا : نَنْطَلِقُ إِلَى مَنْى وَذَكَرُ أَحَدُنَا يَقْطُرُ ! فَبَلَغَ ذَلِكَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لَوْ اسْتَقْبَلْتُ مِنْ أَمْرِى مَا اسْتَدْبَرْتُ مَا أَهْدَيْتُ ، وَلَوْلَا أَنْ مَعِيَ الْهَدْيُ لَأَحَلَلْتُ ) .

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари ҳажга эҳром боғладилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Талҳадан бошқанинг қурбонликка аталган жонлиғи йўқ эрди. Шу пайт, Али Ямандан жонлиқ етаклаб келиб қолди-да: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам нимага эҳром боғласалар, мен ҳам ўшанга эҳром боғлағайдирман»,— деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга катта ҳаж ўрнига умра қилмоқни, сочларини калта қилмоқни ҳамда жонлиқ етаклаб келганлардан ташқари ҳаммага эҳромини ечмоқни амр қилдилар. Шунда саҳобалар: «Минога борғаймизми? Баъзи биримизнинг закаримиздан маний томиб турибдир-ку?!»— дейишди. Бу гап Жаноб Расулуллоҳнинг қулоқларига етгач: «Мен кейинга сурган ишимни олдин қилмоқчи бўлганимда, жонлиқ олиб келмаган бўлар эрдим, жонлиғим бўлмаганда эрди, мен ҳам эҳромимни ечган бўлар эрдим»,— дедилар. Оиша онамиз ҳайз кўрган бўлсалар ҳам, барча ҳаж удумларини адо этдилар, лекин фақат Каъбани тавоф айламадилар, уни покланганларидан кейин тавоф қилдилар. Оишаонамиз: «ЁРасулуллоҳ, сизлар ҳаж бирлан умра қилдингизлар, мен эрсам, ҳаж қилганимча қолдим»,— деганларида, Жаноб Расулуллоҳ: «Уканг Абдурраҳмон бирлан Танъимга бориб, умра қилиб келғил!»—дедилар. Шунда, Оиша онамиз ҳаждан кейин умра қилиб қайтдилар».

*Ҳафса айтадилар:* «Биз жорияларимизни уйдан ташқарига чиқармас эрдик. Бир куни бир аёл Баний Халаф қасрига келиб тушди. У сингисининг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бирининг хотини эканлигини, унинг эри Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўн икки марта ғазот қилганлигини, шу ғазотларда сингиси ҳам эри бирлан бирга иштирок этиб, ярадорларни даволаганини айтди. «Сингим,— деди бояги аёл,— Жаноб Расулуллоҳдан: «Агар бирортамизнинг ёпинғичимиз бўлмаса-ю, ҳайит намозига чиқолмай қолсак, гуноҳ бўлмағайдирми?»—деб сўраганида, ул киши: «Дугонасининг ёпинғичларидан бирини олиб турсин, хайрли ишдан қолмасин, мўъминлар бирлан бирга чиқиб, дуо айтсин!» — дебдилар, Бояги хотин (Умму Атиййа) келганида: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам фалон нарсалар тўғрисида не деганлар, эшитганмисиз, деб сўрашди аёллар, Шунда у: «Ҳа, отам ҳаққи-ҳурмати (у, Жаноб Расулуллоҳнинг номларини тилга олганда, кўпинча «отам ҳаққи ҳурмати» деб қўярди), эшитганман. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эндигина бўйига етган қизларга ҳам намозга чиқмоқни буюрар эдилар»,— деди. «Ҳайз кўрган хотинларга ҳамми?»—деб сўрадим. Шунда у: «Ҳа, ҳайз кўрган хотин Арафотга

чиқмағайдирми? Ёки фалон, ё пистон қилмағайдирми?»—дея ҳаж удумларини санай кетди».

### **82-боб. Маккаликларнинг Батҳо ва бошқа жойда туриб, ҳожиларнинг эса, Минога чиққанида эҳром боғламоғи ҳақида**

Ато разияллоҳу анҳудан Маккага яқин жойларда яшайдирган кишиларнинг ҳажга талбия айтмоқлари тўғрисида сўрашди. Ул киши: «Ибн Умар разияллоҳу анҳу Тарвия куни туя устида туриб намоз ўқигач, талбия айтар эрдилар»,— дедилар.

*Абдумалик разияллоҳу анҳу Атодан, ул киши эрса, Жобир разияллоҳу анҳудан эшитган қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Маккага келиб, Тарвия кунигача эҳромларимизни ечиб қўйдик ва Маккага орқамизни қилиб, ҳажга талбия айтдик. Абу Зубайр: «Жобир менга, Батҳода туриб эҳром боғладик, деганди»,— дейдилар. Убайд ибн Журайж Ибн Умар разияллоҳу анҳуга: «Мен сизнинг, Маккада эканлигингизда, одамлар янги ой чиққанини кўриб, эҳром боғласалар ҳам, Тарвия кунигача эҳром боғламаганингизни кўрдим»,— дедилар».

### **83-боб. Тарвия куни пешинни қаерда ўқийдир?**

771 . عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ رُفَيْعٍ قَالَ : سَأَلْتُ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قُلْتُ : أَخْبِرْنِي بِشَيْءٍ عَقَلْتَهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَيَّنَ صَلَّى الظُّهْرَ وَالْعَصْرَ يَوْمَ التَّرْوِيَةِ ؟ قَالَ : بِمِنَى ، قُلْتُ : فَأَيَّنَ صَلَّى الْعَصْرَ يَوْمَ النَّفْرِ ؟ قَالَ : بِالْأَبْطَحِ . ثُمَّ قَالَ : أَفْعَلْ كَمَا يَفْعَلُ أَمْرَاؤُكَ .

*Абдулазиз ибн Руфайъ ривоят қиладилар:* «Мен Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўзингиз ўрганган бир нарса ҳақида мени хабардор қилсангиз! Тарвия куни ул киши пешин ва асрни қаерда ўқидилар?»—деб сўрадим. Анас: «Минода»,— дедилар. Мен: «Нафр куни (ҳожилар Минодан қайтадирган кун) асрни қаерда ўқидилар?» — дедим. Анас: «Абтаҳда»,— дедилар-да, «Амиду умароларинг сингари қилаверғил!» — деб қўшиб қўйдилар».

*Абдулазиз ривоят қиладилар:* «Тарвия куни Минога чиқиб, эшак миниб кетаётган Анас разияллоҳу анҳуни учратдим. «Бугун Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешинни қаерда ўқидилар?» — деб у кишидан сўрадим. Анас: «Умароларинг қаерда ўқиса, сен ҳам ўша ерда ўқийверғил!» — дедилар».

### **84-боб. Минода намоз ўқимоқ ҳақида**

*Убайдуллоҳ оталари Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳудан қуйидаги ҳадисни эшитган эрканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Минода икки ракъат намоз ўқидилар, Абу Бакр, Умар ва Усмон ўз халифалигининг дастлабки йилларида икки ракъат ўқиб, кейинчалик тўрт ракъат ўқишган».

*Ҳориса ибн Ваҳб ал-Хузозий разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Минода биз бирлан икки ракъат намоз ўқидилар, Абу Бакр, Умар ва Усмон ҳам ўз халифалигининг дастлабки йилларида қаср ўқиб, кейинчалик тўла ўқийдирган бўлишган»,— дейдилар.

*Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга икки ракъат (фарзни қаср қилиб) намоз ўқиганман, кейин Абу Бакр разияллоҳу анҳу бирлан ҳам, Умар разияллоҳу анҳу бирлан ҳам икки ракъат намоз ўқидим. Кейинчалик эрса, сизларнинг йўлларингиз бўлиниб кетди (яъни, бировлар тўрт, бошқалар икки ракъат ўқийдирган бўлди). Қани энди, тўрт ракъат ўрнига ўша мақбул икки ракъат намоз ўқилса!» — дедилар.

**85-боб. Арафа куни тутиладирган рўза ҳақида**

772 . عَنْ أُمِّ الْفَضْلِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَتْ : شَكَ النَّاسُ يَوْمَ عَرَفَةَ فِي صَوْمِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَبَعَثْتُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِشَرَابٍ فَشَرِبَهُ .

*Солим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Арафа куни одамлар Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рўза тутганликларидан шубҳаланишди. Шунда, мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга мева шарбати юборган эрдим, ичдилар».

**86-боб. Минодан Арафотга такбир ва талбия айтиб бориш ҳақида**

*Абдуллоҳ ибн Юсуф ривоят қиладилар:* «Муҳаммад ибн Абу Бакр ас-Сақофий ва Анас ибн Молик разияллоҳу анҳумо иккалалари Минодан Арафотга кетишаётган эрди. Шунда, Муҳаммад ибн Абу Бакр: «Ўша куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Минодан Арафотга кетаётганингизда не қилдингизлар?» — деб Анасдан сўради. Анас: «Баъзи биримиз таҳлил, баъзи биримиз талбия айтиб бордик, Жаноб Расулulloҳ ҳеч қайсимизга бир нима демадилар»,— деди».

**87-боб. Арафа куни кечки пайт кўчага чиқиш ҳақида**

773 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ : جَاءَ يَوْمَ عَرَفَةَ حِينَ زَالَتِ الشَّمْسُ ، فَصَاحَ عِنْدَ سُرَادِقِ الْحَجَّاجِ ، فَخَرَجَ وَعَلَيْهِ مَلْحَفَةٌ مَعْصُفْرَةٌ ، فَقَالَ : مَا لَكَ يَا أَبَا عَبْدِ الرَّحْمَنِ ؟ فَقَالَ : الرَّوَّاحُ إِنْ كُنْتَ تُرِيدُ السُّنَّةَ ، قَالَ : هَذِهِ السَّاعَةُ ؟ قَالَ : نَعَمْ ، قَالَ : فَأَنْظِرْنِي حَتَّى أَفِيضَ عَلَى رَأْسِي ثُمَّ أَخْرُجْ ، فَنَزَلَ حَتَّى خَرَجَ الْحَجَّاجُ فَسَارَ بَيْنِي وَبَيْنَ أَبِي ، فَقُلْتُ : إِنْ كُنْتَ تُرِيدُ السُّنَّةَ فَاقْصُرِ الْخُطْبَةَ وَعَجِّلِ الْوُقُوفَ ، فَجَعَلَ يَنْظُرُ إِلَى عَبْدِ اللَّهِ فَلَمَّا رَأَى ذَلِكَ عَبْدُ اللَّهِ قَالَ : صَدَقَ ، وَكَانَ عَبْدُ الْمَلِكِ قَدْ كَتَبَ إِلَى الْحَجَّاجِ أَنْ لَا يُخَالَفَ ابْنَ عُمَرَ فِي الْحَجِّ .

*Солим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абдулмалик ибн Марвон ҳаж амалларида Ибн Умарга қаршилиқ қилмасликни буюриб, Ҳажжожга мактуб ёзди. Ибн Умар разияллоҳу анҳу (мен у киши бирлан бирга эрдим) арафа куни, Қуёш ботган пайтда, Ҳажжожнинг чодирини олдига келиб, қичқирдилар. Ҳажжож сариқ кўйлагини кийиб чиқиб: «Эй Абдуррахмоннинг отаси, сизга не бўлди?» — деди. Ибн Умар: «Агар суннатни адо этгинг келса, тез қимирлағил, бир ерга бормоқ керак»,— дедилар. «Ҳозирми?» — деди Ҳажжож. «Ҳа»,— дедилар Ибн Умар. «Андак сабрдилиб турингиз, бошимдан сув қуйиб олай»,— деди Ҳажжож. Ибн Умар туядан тушиб, Ҳажжож чиққунча пойлаб турдилар. Ҳажжож чиққач, Ибн Умар мен бирлан отам иккаламизнинг ўртамизда кетдилар. Мен Ҳажжожга: «Агар суннатни бузмай десанг, хутбани қисқароқ айтиб, вуқуфни тезлаштирғил!» — деб эдим, у Абдуллоҳга аланглаб қарай бошлади. Буни сезган Абдуллоҳ: «У тўғри айтаётир»,— дедк»

**88-боб. Арафотда туя миниб туриш ҳақида**

*Абдуллоҳ ибн Аббоснинг мавлоси (озод қилинган қули) ривоят қиладилар:* Уммулфазл бинти Ҳарас олдида турган одамлар Жаноб Расулulloҳнинг арафа куни рўза тутганликларига шубҳа билдиришди, улардан айримлари: «Рўза тутганлар»,— дейиша, айримлари: «Рўза тутмаганлар»,— дейишди. Уммулфазл, Жаноб Расулulloҳ Арафотда туя миниб турганларида бир коса сут юборди, ул киши ичдилар».

**89-боб. Арафада икки намозни битта қилиб ўқимоқ**

Ибн Умар разияллоҳу анҳу жамоат бирлан намоз ўқиёлмай қолсалар, икки намозни бир қилиб ўқирдилар.

*Ибн Шиҳоб Зухрий ривоят қиладилар:* «Ҳажжож ибн Юсуф бирлан Абдуллоҳ ибн Зубайр разияллоҳу анҳумо Маккага жанг қилмоқ учун келишган йили Абдуллоҳ

разияллоҳу анҳу Солим разияллоҳу анҳудан: «Арафа куни шул жойда не қилардингиз?»—деб сўрабди. Солим: «Агар суннатга риоя этмакни истасанг, арафа куни намозни кечиктирғил!»?— деб жавоб қилибдирлар. Абдуллоҳ ибн Умар: «Улар суннатга кўра, пешин ва асрни бир қилиб ўқишган, деб тўғри айтаётир»,— дебдирлар. Мен Солимга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилганмилар?»—дедим. Солим: «Саҳобалар Жаноб Расулulloҳнинг суннатларига амал қилаётирлар-ку, ахир!» — дедилар».

### 90-боб. Арафада хутбани қисқароқ айтиш ҳақида

*Солим разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Абдулмалик ибн Марвон ҳаж амалларида Абдуллоҳ ибн Умарга эргашмакни буюриб, Ҳажжожга мактуб ёздилар. Ибн Умар разияллоҳу анҳу (мен ул киши бирлан бирга эрдим) арафа куни, Қуёш ботган пайтда, Ҳажжожнинг чодирини олдига келиб: «Ул қай ердадир?»—деб қичқирдилар. Ҳажжож олдиларига чиқди. Ибн Умар: «Бир ерга бормоғимиз керак»,— дедилар. Ҳажжож: «Ҳозирми?» — деди. Ибн Умар: «Ҳа»,—дедилар. Ҳажжож: «Андак сабр қилиб .турингиз, устимдан сув қуйиб чиқайин»,— деди. Ибн Умар туядан тушиб, Ҳажжож чиққунча пойлаб турдилар. Ҳажжож чиққач, Ибн Умар мен бирлан отам иккаламизнинг ўртамизда кетдилар. Мен Ҳажжожга: «Агар бугун суннатга амал этайин десанг, хутбани қисқартириб, вуқуфни тезлатғил!» — дедим."Ибн Умар: «У тўғри айтаётир»,— дедилар».

### 91-боб. Арафотда турмоқ ҳақида

774 . عَنْ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَضَلَلْتُ بَعِيرًا لِي فَذَهَبْتُ أَطْلُبُهُ يَوْمَ عَرَفَةَ ، فَرَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَقْفًا بِعَرَفَةَ ، فَقُلْتُ : هَذَا وَاللَّهِ مِنَ الْحُمْسِ فَمَا شَأْنُهُ هَاهُنَا .

*Жубайр ибн Мутъим ривоят қиладирлар:* «Бир туямни йўқотиб қўйган эрдим, арафа куни уни излагани чиқдим. Шунда, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Арафотда турганларини куриб қолдим. Узимга-ўзим: «Худо ҳаққи, бу киши ҳумс (тақводор) одам бўлмасалар, шу пайтда у ерда не қилар эрдилар?!» —деб қўйдим (Жоҳилия даврида динни қаттиқ ушлаган Қурайш қабиласига мансуб кишиларни «ҳумслар» деб аташган)».

Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар: «Жоҳилия даврида Қурайш қабиласига мансуб муттақий кишилар (ҳумслар) ва уларнинг болаларидан бошқа одамларнинг барчаси яланғоч тавоф қилишар эрди. Ҳумсларнинг эркаклари эркакларга, аёллари аёлларга, улар яланғоч тавоф айламасин, деб кийим инъом этишар эрди. Улар Оллоҳ таолодан савоб умидида шундай қилишар эрди. Ҳумс кийим бермаган киши Каъбани яланғоч тавоф этар эрди. Кўплаб одамлар Арафот томондан, ҳумслар эрса, Жамъ (Муздалифа) томондан Каъбага тавоф қилгани келишар эрди».

Ҳишом разияллоҳу анҳу: «Оллоҳ таолонинг мана бу «Сўнг, одамлар (Каъбага) қай томондан гавжум бўлиб келсалар, сизлар ҳам ўшал томондан гавжум бўлиб келингизлар!» деган ояти кариймаси ҳумслар хусусида нозил бўлган экан, отам менга шундай деганлар, отамга эрса, Оиша онамиз айтган эканлар»,— дейдилар. «Илгари одамлар Каъбага Жамъ томондан гавжум бўлиб келишар эрди, энди бўлса, улар Арафотга қайтарилди»,— дейдилар Урва разияллоҳу анҳу.

### 92-боб. Арафотдан қайтишдаги юриш ҳақида

775 . عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ سُئِلَ : كَيْفَ كَانَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسِرُ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ حِينَ دَفَعَ؟ قَالَ : كَانَ يَسِيرُ الْعَتَقَ ، فَإِذَا وَجَدَ فَجَوْهَةً نَصَّ .

*Ҳишом ибн Урва разияллоҳу анҳуга оталари бундай деб ривоят қилган эрканлар:* «Мен Усома ҳузурида ўтирган эрдим, ундан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафотдан қайтишда Ҳажжат ул-Видоъда нечук юрар эрдилар?» — деб сўрашди. Усома: «Секин ҳам эрмас, тез ҳам эрмас, ўртача юрар эрдилар, агар одамлар сийрақроқ жойга чиқиб қолсалар, тезлашар эрдилар»,— деди».

### **93-боб. Арафот бирлан Жамъ (Муздалифа) оралиғида тўхтаб ўтиш ҳақида**

*Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафотдан тушиб келишда дарага бурилиб кирдилар-да, қазои ҳожат қилдилар, сўнг таҳорат олдилар. Шунда мен: «Ё Расулulloҳ, намоз ўқийдирсизми?» — деб эдим, ул киши: «Намозга ҳали эрта»,— деб жавоб қилдилар».

*Нофиъ ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу шом бирлан хуфтон намозларини Жамъга (Муздалифага) борганларида қўшиб ўқирдилар, бироқ ул киши ҳам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сингари йўлда дарага бурилиб кириб, қазои ҳожат қилар эрдилар, сўнг таҳорат олардилар, лекин Жамъга боргунга қадар намоз ўқимас эрдилар».

*Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Мен Арафотда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туяларига мингашиб олдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муздалифадан берида жойлашган чап томондаги дарага етиб келганларида, туяларини чўктириб, таҳорат ушатиб келдилар, мен қўлларига сув қуйиб турдим, ул киши енгилгина таҳорат олдилар. Мен: «Ё Расулulloҳ, намоз ўқийдирсизми?»— дедим. Ул киши: «Намозга ҳали вақт бор»,— дедилар. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяга миниб, Муздалифага келдилар-да, намоз ўқидилар. Эртасига эрталаб Фазл Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туяларига мингашиб кетди».

*Курайб ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Жамрага боргунча йўл-йўлакай талбия айтиб кетдилар»,— деб айтибдир Фазл, кейин буни менга Абдуллоҳ ибн Аббос айтдилар».

### **94-боб. Тавофи ифоза пайтида Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларга осойишталикни сақламоқни амр қилганлари ва буни уларга қамчин бирлан ишора қилганлари ҳақида**

776 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ دَفَعَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ عَرَفَةَ ، فَسَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَرَأَاهُ زَجْرًا شَدِيدًا ، وَضَرْبًا وَصَوْتًا لِلإِبِلِ ، فَأَشَارَ بِسَوْطِهِ إِلَيْهِمْ وَقَالَ : ( أَيُّهَا النَّاسُ ، عَلَيْكُمْ بِالسَّكِينَةِ فَإِنَّ الْبِرَّ لَيْسَ بِالإِيضَاعِ ) .

*Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар:* «Ибн Аббос разияллоҳу анҳу Арафа куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Маккага қайтиб келаётганда, Жаноб Расулulloҳ орқаларидан келаётган қаттиқ бақир-чақир ва туяга урилгандаги қамчи товушларини эшитиб, уларга қамчилари бирлан ишора қилдилар-да, «Эй одамлар, тинчлик сақлангиз, шошқалоқлик бирлан хайриятга эришиб бўлмағайдир»,— деб айтдилар».

### **95-боб. Муздалифада икки намозни бир қилиб ўқимоқ ҳақида**

*Курайб Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳудан бундай деб эшитган эканлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафотдан қайтдилар. Шунда, йўл-йўлакай дарада тушиб, таҳорат ушатдилар. Сўнг, енгил-елпи таҳорат олдилар. Мен: «Намоз вақти бўлдими?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Намозга ҳали эрта»,— дедилар. Муздалифага келгач, яхшилаб таҳорат олдилар, кейин намоз бошланди,

шом ўқидилар. Сўнг, ҳар ким ўз туясини белгиланган жойга олиб бориб чўктирди. Кейин, намоз бошланди, хуфтон ўқидилар, лекин иккала намоз орасида нафл ўқимадилар».

### **96-боб. Икки намозни қўшиб ўқиб, орасида нафл ўқимаган киши хусусида**

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Жамъда (Муздалифада) шом бирлан хуфтонни, ҳар бирига алоҳида иқомат (такбир) айтиб, қўшиб ўқидилар, лекин уларнинг орасида ҳам, улардан кейин ҳам нафл ўқимадилар».

*Абу Айюб Ансорий:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муздалифада, Ҳажжат ўл-Видоъ пайтида, шом бирлан хуфтонни қўшиб ўқидилар»,— дейдилар.

### **97-боб. Ҳар бир намозга алоҳида азон ва иқомат (такбир) айтмоқ тўғрисида**

*Абдурраҳмон ибн Язид ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ҳаж қилдилар. Муздалифага хуфтонга азон айтиладирган ёки шунга яқин пайтда етиб келдик. Бир кишига буюриб эрдилар, азон ва такбир айтди, кейин шом ўқидилар, кейин икки ракъат намоз ўқидилар, сўнг кечки овқатни олиб келмакни буюрдилар. Тановул қилиб бўлиб, бир кишига яна буюрдилар шекилли, азон ва такбир айтди (Амр разияллоҳу анҳу: «Юқоридаги гапларга Зухайрдан бошқа ҳеч ким шубҳа билдирмади»,— дейдилар). Кейин, икки ракъат хуфтон ўқидилар. Тонг отгач, «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам худди шу кунни, шу пайтда ва мана шу жойда шу намоздан бошқа намоз ўқимас эрдилар, кечикиб ўқилган икки намоздан бири — одамлар Муздалифага келгандан кейин ўқилган шом намозидир, иккинчиси — тонг ёришиб кетгандан кейин ўқилган бомдод намозидир, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай қилганларини кўрганман»,— дедилар».

### **98-боб. Оиласидаги заиф одамларни, «Дуолар ўқиб туришсин», деб тунда Муздалифага юборган ва уларни ой ботгандан кейин қайтариб олиб келган киши хусусида**

*Солим ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу оилаларидаги заиф одамларни тунда Муздалифага юборар эрдилар, улар ўша ердаги Ал-Машъар ул-Ҳаром олдида туриб, қўлларидан келганча Оллоҳ таолони зикр қилишарди ва имом вуқуф қилиб қайтмасидан олдин қайтишарди. Улардан айримлари Минога бомдод ўқишга боришарди ва баъзилари шундан кейин Жамрага бориб, тош отишарди. Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга шундай қилмоққа рухсат бердилар»,— дейдилар».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени Жамъдан кечаси жўнатдилар»,— дейдилар.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Мен, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда ўз оилаларидаги заиф одамларга қўшиб Муздалифага жўнатган кишилардан биридирман»,— дейдилар.

777 . عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهَا نَزَلَتْ لَيْلَةَ جَمْعٍ عِنْدَ الْمُرْدَلَفَةِ ، فَقَامَتْ تُصَلِّي فَصَلَّتْ سَاعَةً ، ثُمَّ قَالَتْ : يَا بُنَيَّ هَلْ غَابَ الْقَمَرُ ؟ قُلْتُ : لَا ، فَصَلَّتْ سَاعَةً ثُمَّ قَالَتْ : هَلْ غَابَ الْقَمَرُ ؟ قُلْتُ : نَعَمْ ، قَالَتْ : فَارْتَحِلُوا ، فَارْتَحَلْنَا وَمَضَيْنَا حَتَّى رَمَتِ الْجَمْرَةَ ، ثُمَّ رَجَعَتْ فَصَلَّتْ الصُّبْحَ فِي مَنْزِلِهَا ، قَالَ : فَقُلْتُ لَهَا : يَا هَتَّاهُ مَا أَرَانَا إِلَّا غَلَسْنَا ، قَالَتْ : يَا بُنَيَّ إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَذِنَ لِلطُّعْنِ .

*Асмонинг мавлоси Абдуллоҳ ривоят қиладилар:* «Жамъ кечаси Асмо



Муздалифага келиб, намоз ўқимоққа тутиндилар. Бир соатча намоз ўқиб, сўнг: «Эй ўғлим, ой ботдими?» — деб сўрадилар. Мен: «Йўқ»,— дедим. Тагин бир соатча намоз ўқиб: «Ой ботдими?» — деб сўрадилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Ул киши: «Қўзғолингиз!»— дедилар. Биз йиғиштириниб, йўлга тушдик. Тош отиб, уйларига қайтиб келгач, бомдод ўқидилар. Шунда мен: «Намозни қоронғироқ вақтда (эртароқ) ўқиб қўйдик, шекилли?» — дедим. Ул киши: «Эй ўғлим, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тахти равонли аёлларга бомдодни эртароқ ўқимоққа рухсат берганлар»,— дедилар».

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Жамъ кечаси Савда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан олдинроқ кетмакка рухсат сўради, чунки у жуда секин юрарди. Шунда, Жаноб Расулulloҳ унга рухсат бердилар»,— дейдилар.

778 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : نَزَلْنَا الْمَزْدَلَةَ ، فَاسْتَأْذَنْتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَوْدَةَ أَنْ تَدْفَعَ قَبْلَ حَطْمَةِ النَّاسِ ، وَكَانَتْ امْرَأَةً بَطِينَةً فَأَذِنَ لَهَا ، فَدَفَعَتْ قَبْلَ حَطْمَةِ النَّاسِ وَأَقَمْنَا حَتَّى أَصْبَحْنَا نَحْنُ ، ثُمَّ دَفَعْنَا بِدَفْعِهِ ، فَلَأَنَّ أَكُونَ اسْتَأْذَنْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَمَا اسْتَأْذَنْتِ سَوْدَةُ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ مَفْرُوحٍ بِهِ .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Биз Муздалифага келдик. Савда қадами вазмин бўлганлигидан тиқилинча қолиб кетмаслиги учун Минога олдинроқ кетмоққа Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан рухсат сўради. Жаноб Расулulloҳ унга рухсат бериб эрдилар, у эртароқ йўлга чиқди. Биз тонг ёришгунча ўрнимизда қолдик. Кейин, Жаноб Расулulloҳ қўзғолишлари бирлан биз ҳам қўзғолдик. Мен ҳам Савда каби Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эртароқ кетмакка рухсат сўрасам бўлар эрди, лекин ул киши бирлан бирга бўлмоқдан саодатлироқ нарса йўқдир!»

### 99-боб. Жамъда бомдод ўқиган шахс хусусида

*Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки намоздан бошқа намозни белгиланган вақтидан ташқари вақтда ўқиганларини кўрмадим. Ул киши шом бирлан хуфтонни қўшиб, бомдодни эрса, ўз вақтидан эртароқ ўқидилар».

779 . عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَزِيدَ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ :

خَرَجْنَا مَعَ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ إِلَى مَكَّةَ ، ثُمَّ قَدَمْنَا جَمْعًا ، فَصَلَّى الصَّلَاتَيْنِ ، كُلَّ صَلَاةٍ وَحَدَّهَا بِأَذَانٍ وَإِقَامَةٍ وَالْعِشَاءُ بَيْنَهُمَا ، ثُمَّ صَلَّى الْفَجْرَ حِينَ طَلَعَ الْفَجْرُ قَائِلٌ يَقُولُ : طَلَعَ الْفَجْرُ ، وَقَائِلٌ يَقُولُ : لَمْ يَطْلُعِ الْفَجْرُ ، ثُمَّ قَالَ : إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِنَّ هَاتَيْنِ الصَّلَاتَيْنِ حُوتَلَا عَنْ وَقْتِهِمَا ، فِي هَذَا الْمَكَانِ الْمَغْرِبِ وَالْعِشَاءَ ، فَلَا يَفْتَدِمُ النَّاسُ جَمْعًا حَتَّى يُعْتَمُوا ، وَصَلَاةَ الْفَجْرِ هَذِهِ السَّاعَةَ ) . ثُمَّ وَقَفَ حَتَّى أَسْفَرَ ، ثُمَّ قَالَ : لَوْ أَنَّ أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ أَفَاضَ الْآنَ أَصَابَ السُّنَّةَ ، فَمَا أَدْرِي أَقَوْلُهُ : كَانَ أَسْرَعَ أَمْ دَفَعُ عُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ؟ فَلَمْ يَزَلْ يَلْبِي حَتَّى رَمَى حِمْرَةَ الْعَقَبَةِ يَوْمَ النَّحْرِ .

*Абдуллаҳ ибн Язид ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бирлан Маккага бордик, сўнг Жамъга келдик. Ул киши бу ерда икки марта намоз ўқидилар, ҳар бир намозга алоҳида азон ва такбир айтдилар. Иккала намоз орасида хуфтон ҳам ўқидилар. Кейин, тонг отар-отмас, яъни баъзилар: «Ҳали тонг отгани йўқ»,— деса, бошқалар: «Тонг отди»,— дейдирган пайтда бомдод ўқидилар-да, «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз мана шу ерда шу икки намознинг — шом ва хуфтоннинг вақтини ўзгартириб ўқидик, бундан буён одамлар ҳам Жамъга биз келган вақтда келиб, бомдодни биз ўқиган вақтда ўқимоқлари лозимдир» — деб айтганлар»,— дедилар. Кейин, Абдуллоҳ тонг шафағи таралгунча пойлаб турдилар-

да, «Агар ҳозир Амир ул-мўъминин тавофи ифоза қилганда эрди, сунн.атни адо этган бўларди»,— дедилар. Ул киши шу сўзни айтиб улгурдиларми, йўқми, билмасман, Ҳазрат Усмон одамларга йўлга чиқмоқни буюрдилар. Сўнг, Наҳр куни Жамрат ул-Ақабага бориб, тош отгунларига қадар талбия айтиб кетдилар».

### 100-боб. Жамъдан қачон қайтиладир?

780 . عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ صَلَّى بِجَمْعِ الصُّبْحِ ، ثُمَّ وَقَفَ فَقَالَ : إِنَّ الْمُشْرِكِينَ كَانُوا لَا يُفِيضُونَ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ وَيَقُولُونَ : أَشْرَقَ نَبِيرٌ ، وَإِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَالَفَهُمْ ، ثُمَّ أَفَاضَ قَبْلَ أَنْ تَطْلُعَ الشَّمْسُ .

*Амр ибн Маймун ривоят қиладилар:* «Мен Умар разияллоҳу анҳунинг Жамъда бомдод намозини ўқиганларини кўрдим. Намоз ўқиб бўлгач: «Мушриклар Қуёш чиқмагунча тавофи ифоза қилмас эрдилар, улар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Қуёш Сабийрдан (Маккадаги тоғдан) ошгач, тавофи ифоза айламоғимизга қаршилиқ қилдилар, сўнг биз Қуёш чиқмасдан тавофи ифоза этдик» — дейишар эрди», — де д и л а р».

### 101-боб. Қурбонлик куни эрталаб, тош отадирган пайтда, талбия ва такбир айтмоқ ҳамда (туяга) мингашиб юрмоқ ҳақида

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фазлни туяларига мингаштириб олиб, тош отадирган пайтгача талбия айтдилар, буни менга Фазлнинг ўзи айтганди»,— дейдилар.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳу Арафотдан Муздалифагача Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туяларига мингашиб борди, Муздалифадан Миногача эрса, Фазл мингашиб келди. Уларнинг икковлари ҳам: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ақабада тош отгунларига қадар узлуксиз талбия айтдилар»,— дейишадир».

### 102-боб.

Оллоҳ таоло бундай дейдир: «Кимки (бир йилнинг ўзида) умра ва ҳаж қилиб, савоб топмоқчи бўлғайдир-у, жонлиғини (хасталиқ ёким бошқа боисга кўра) қурбонлиқ айламакка муяссар бўлолмай қолғайдир, (бошқа бирор киши орқали бериб юборсин) ва кимки (қурбонлик учун жонлиқ) тополмағайдир, уч кун ҳаж вақтида ва етти кун (ўйига) қайтганда рўза тутсин, ҳаммаси бўлиб тўлиқ ўн кун (тутсин)! Булар, аҳли Маккаи Мукаррамада бўлмаганлар учундир!»

*Абу Жамра ривоят қиладилар:* «Мен Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан мутъага ижозат сўраганимда, менга мутъа қилмакка рухсат бердилар. Кейин, қурбонлик тўғрисида сўраганимда, ул киши: «Мутъа қиладирган одам бир туя ёким бир сигир ёким бир қўй қурбонлик қилмоғи лозимдир, ёинки биров бирлан шерикчиликка қурбонлик айламоғи керак»,— дедилар. Одамлар бундай мутъа қилмоқни макруҳ, деб ҳисоблашар эрди. Кейин, тушимда биров нидо қилиб: «Ҳажинг хайрли ва мутъанг мақбул бўлғай!»—деди. Буни Ибн Аббос разияллоҳу анҳуга гапириб берганимда, ул киши: «Оллоҳу акбар! Бу — Абулқосим (Расулulloҳ) саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари»,— дедилар.

Шуъба: «Умранг мақбул ва ҳажинг хайрли бўлғай!» дейилган бўлса керак»,— дейдилар.

### 103-боб. Туя миниш ҳақида

Оллоҳ таоло: «Қурбонлик туяларини Биз сизлар учун Оллоҳнинг нишонларидан қилдик (яъни, туяларни қурбонлик қилмоқ ҳам Оллоҳ удумларидандир), уларнинг ўзларида ва уларни одоб бирлан қурбонлик айламоқликда сизлар учун кўп фойдалар

бордир. Уларни турғизиб, Оллоҳ номини зикр қилиб, забҳ айлангиз, уларни ёнбошларига йиқилганларидан кейин истеъмол қйлингиз ва қаноатли муҳтожларга ҳамда муҳтож тиламчиларга едирингиз! Ҳайвонларни, шукр қилурсизлар деб, сизларга мусаххар айладик, уларнинг на гўштлари ва на қонлари Оллоҳ ризолиғига кифоя этмағайдир, балким сизларнинг дилингиздаги хавфу тақво кифоя қилғайдир. Оллоҳ, сизларга ҳидоят қилгани учун (унга) такбир айтғайсизлар деб, уларни сизларга мана шундоқ мусаххар айладик, хайрли иш қилғувчиларга буни башорат қилингиз!» — дейдир.

781 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى رَجُلًا يَسُوقُ بَدَنَةً فَقَالَ : ( ارْكَبْهَا ) ، فَقَالَ : إِنَّهَا بَدَنَةٌ ، فَقَالَ : ( ارْكَبْهَا ) ، قَالَ : ( ارْكَبْهَا وَيْلَكَ ) . فِي الثَّلَاثَةِ أَوْ فِي الثَّانِيَةِ .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туя ҳайдаб бораётган кишини кўриб: «Уни миниб олғил!»—дедилар. У киши: «Бу қурбонлик-ку?!» — деди. Жаноб Расулulloҳ яна: «Миниб олғил!»—дедилар. Бояги киши тағин: «Бу қурбонлик-ку?!» — деди. Жаноб Расулulloҳ учинчи ёки иккинчи марта: «Шўринг қурсин, миниб олғил!»—дедилар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам туя ҳайдаб бораётган бир кишини кўриб: «Уни миниб олғил!» — дедилар. У киши: «Бу қурбонлик-ку?!» — деди. Жаноб Расулulloҳ, яна: «Миниб олғил!»—дедилар. У тағин: «Бу қурбонлик-ку?!» — деди. Жаноб Расулulloҳ учинчи марта: «Миниб олғил!» — дедилар».

#### 104-БОБ, Ўзи бирлан қурбонлик етаклаб олган киши хусусида

782 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : تَمَتَّعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجِّ ، وَأَهْدَى ، فَسَاقَ مَعَهُ الْهَدْيَ مِنْ ذِي الْحُلَيْفَةِ ، وَبَدَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَهَّلَ بِالْعُمْرَةِ ، ثُمَّ أَهَلَ بِالْحَجِّ ، فَتَمَتَّعَ النَّاسُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجِّ ، فَكَانَ مِنَ النَّاسِ مَنْ أَهْدَى فَسَاقَ الْهَدْيَ ، وَمِنْهُمْ مَنْ لَمْ يُهْدَ ، فَلَمَّا قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَكَّةَ قَالَ لِلنَّاسِ : ( مَنْ كَانَ مِنْكُمْ أَهْدَى ، فَإِنَّهُ لَا يَحِلُّ لَشَيْءٍ حَرَّمَ مِنْهُ ، حَتَّى يَقْضِيَ حَجَّهُ ، وَمَنْ لَمْ يَكُنْ مِنْكُمْ أَهْدَى ، فَلْيَطْفُ بِالْبَيْتِ وَالْبَصْفَا وَالْمَرْوَةِ ، وَلْيَقْصِرْ وَلْيَحْلِلْ ، ثُمَّ يَهْلِ بِالْحَجِّ ، فَمَنْ لَمْ يَجِدْ هَدْيًا فَلْيَصُمْ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ فِي الْحَجِّ وَسَبْعَةَ إِذَا رَجَعَ إِلَى أَهْلِهِ ) .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжат ул-Видоъда (катта) ҳаждан олдин умра қилиб олдилар, Ул киши Зулҳулайфадан ўзлари бирлан қурбонлик ҳайдаб келиб, аввал умрага сўнг ҳажга эҳром боғладилар, одамлар ҳам Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам сингари ҳаждан олдин умрага эҳром боғлашди. Шунда, баъзилар ўзлари бирлан жонлиқ етаклаб олишган ва айримлар жонлиқсиз келишган эрди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келганларида, одамларга: «Кимки орангизда қурбонлик олиб келган эрса, ҳажни адо этмагунча манъ этилган ишларни қилмоққа рухсат йўқ, кимки жонлиқ олиб келмаган эрса, Каъбани тавоф айлаб, Сафо ва Марва орасида саъй қилсин, сўнг сочини олдириб, эҳромдан чиқсин, шундан кейингина ҳажга эҳром боғласин! Умуман жонлиқ тополмаганлар эрса, ҳаж кунлари уч кун, уйига қайтгач, етти кун рўза тутсин!» — дедилар.

Жаноб Расулulloҳ Маккага келганларида Каъбани тавоф қилмакни энг аввало рукний ўпиб истилом қилмакдан бошладилар, сўнг уч марта шитоб айлаб ва тўрт марта оддий юриш қилиб тавоф этдилар, кейин Мақоми Иброҳим олдида икки ракъат

тавоф намози ўқиб, салом бериб турдилар-да, Сафога келдилар, Сафо ва Марвани етти мартаба айландилар. Жаноб Расулulloҳ ҳажни адо этгунларига қадар манъ этилган ишларни қилмадилар. Наҳр куни жонлиқларини забҳ қилиб, ифоза этдилар ва Каъбани тавоф айладилар. Шундан кейингина ҳажда қилиб бўлмайдирган ишларни қилмоқ имконига эга бўлдилар. Расулulloҳ юқорида нимаики қилган бўлсалар, бошқалар ҳам шундай қилди».

### 105-боб. Йўлда жонлиқ сотиб олган киши ҳақида

*Нофиъ ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу оталарига: «Бу йил ҳаж қилмай турингиз, чунки мен одамлар ўртасида уруш бўлмаслигига амин эмасман, (кофирлар) сизни Каъбага қўймасликлари мумкин»,— деди. Оталари: «Шундай қилинса, унда мен Жаноб Расулulloҳ сингари иш тутгайдирман. Оллоҳ таоло: «Расулulloҳда сизлар учун яхши ибратлар мавжуддир»,— дейди. Мен сизларни гувоҳ қилиб, ўзимга умрани вожиб этдим, деб эълон қилгаймен»,— дедилар. Шундан кейин, ул киши умрага эҳром боғладилар. Кейин, Байдоъга келиб, бир йўла ҳам ҳаж, ҳам умрага таҳлил айтдилар-да: «Ҳаж ҳам, умра ҳам бир хил савобга моликдир»,— дедилар, Кейин, Қудайддан жонлиқ олиб, Маккага келдилар, сўнг ҳаж ва умра учун Каъбани бир мартаба тавоф қилдилар, ҳаж ва умрани тўла-тўқис адо этмагунларича эҳромларини ечмадилар».

### 106-боб. Зулҳулайфада туясининг бўйнига кавш осиб, қурбонлик эканлигини белгилаб қўйган киши хусусида

*Нофиъ ривоят қиладилар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу Мадинадан жонлиқ туя ҳайдаб келсалар, Зулҳулайфада уни қиблага қаратиб чўктириб, белги сифатида (бўйнига) кавш осиб қўярдилар, кейин ўркачига пичоқ санчиб, атрофига қон бирлан чизиқ чизар эрдилар».

783 . عَنْ الْمَسُورِ بْنِ مَخْرَمَةَ وَمَرْوَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَا : خَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْمَدِينَةِ زَمَنَ الْحُدَيْيَةِ فِي بَضْعِ عَشْرَةِ مِائَةٍ مِنْ أَصْحَابِهِ ، حَتَّى إِذَا كَانُوا بِبَيْدِ الْحَلِيفَةِ ، قَلَدَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْهَدْيَ وَأَشْعَرَهُ ، وَأَحْرَمَ بِالْعُمْرَةِ .

*Мисвар ибн Махрама ва Марвон ривоят қилишадир:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча юз саҳобалари бирлан йўлга чиқдилар. Зулҳулайфага етганларида туялари бўйнига кавшларини осиб, ҳам ўркачини қонатиб, қурбонлик эканлигини белгилаб қўйдилар, сўнг умрага эҳром боғладилар».

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туялари бўйнига белги боғламоқ учун ўз қўлим бирлан ип йигириб бердим. Жаноб Расулulloҳ у бирлан белги боғладилар, кейин ўркачини қонатиб, чизиқлар чизиб қўйдилар-да, (ҳажга) жўнатдилар. Шунда, ул киши ҳажда қилинмайдирган ишлардан маҳрум бўлмадилар».

### 107-боб. Туя ва сигир бўйнига белги боғлайдирган ип йигирмоқ ҳақида

*Ҳафса разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Ё Расулulloҳ, одамлар эҳромларини ечишди, нега сиз ечмадингиз?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Чунки мен сочимни тўзғимайдирган қилиб (ёпиштириб) олдим, жонлиғимга белги осдим, шу сабабдан ҳаждан қутулмагунимча эҳромимни еча олмасман»,— дедилар».

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинадан жонлиқ ҳайдаб келсалар, бўйнига белги осадирган ипини йигириб берардим. Кейин, ул киши эҳром кийган киши қилмайдирган ишларни ҳам қилаверар эрдилар».

### 108-БОБ. Туя бўйнига белги осмоқ ҳақида

*Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам жонлиқ бўйнига белги осиб ва баданини қонатиб, қурбонлик эканини белгилаб қўйдилар-да, умрага эҳром боғладилар».

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жонлиқлари бўйнига белги осмоқ учун ип йигириб бердим. Кейин, ул киши жонлиқлари бўйнига белги осиб (ёким мен ўзим осиб қўйдим шекилли) ва баданини қонатиб, қурбонлик эканини белгилаб қўйдилар. Сўнг, ўзлари Мадинада қолиб, уни бир киши орқали Маккага жўнатдилар. Шунда, ул киши ҳажда манъ қилинадирган ишлардан маҳрум бўлмадилар».

### 109-БОБ, Жонлиғи бўйнига белгини ўз қўли бирлан осиб қўйган киши хусусида

784 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّهُ بَلَغَهَا أَنَّ ابْنَ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : مَنْ أَهْدَى هَدْيًا حَرَمَ عَلَيْهِ مَا يَحْرُمُ عَلَى الْحَاجِّ ، حَتَّى يُنْحَرَ هَدْيُهُ . فَقَالَتْ عَائِشَةُ : لَيْسَ كَمَا قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ ، أَنَا فَتَلْتُ فَلَا تَدَّ هَدْيِي رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَدِي ، ثُمَّ قَلَدَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَدِي ، ثُمَّ بَعَثَ بِهَا مَعَ أَبِي ، فَلَمْ يَحْرُمْ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْءًا أَحَلَّهُ لَهُ حَتَّى نُحَرَ الْهَدْيِ .

*Амра бинти Абдурраҳмон ривоят қиладирлар:* «Зиёд ибн Абу Суфён Оиша разияллоҳу анҳога: «Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу, ҳажга жонлиқ жўнатган киши эҳром боғлаган киши каби жонлиғи забҳ қилингунига қадар макруҳ ишлардан ўзини тийиб турмоғи лозимдир, дейдир»,— деб мактуб йўллади. Оиша разияллоҳу анҳо: «Ибн Аббос айтганича эрмас, мен Жаноб Расулulloҳнинг жонлиқлари бўйнига белги осадирган ипни ўз қўлим бирлан йигириб берардим, ул киши ўз қўллари бирлан уни боғлардилар, сўнг уни отам (Абу Бакр) орқали ҳажга бериб юборардилар, Шунда, Жаноб Расулulloҳ жонлиқлари забҳ қилингунига қадар Оллоҳ таоло ҳалол қилган бирор нарсадан маҳрум бўлганлари йўқ»,— деб жавоб йўлладилар».

### 110-БОБ. Қўйнинг бўйнига белги осмоқ ҳақида

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонлик учун ҳажга бир марта қўй юбордилар»,— дейдилар.

وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا فِي رِوَايَةٍ قَالَتْ : أَهْدَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّةً غَنَمًا . وَفِي رِوَايَةٍ عَنْهَا قَالَتْ : كُنْتُ أَقْبِلُ الْقَلَائِدَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقْلُدُ الْغَنَمَ وَيُقِيمُ فِي أَهْلِهِ حَلَالًا .

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга белги осадирган ип йигириб берардим, ул киши қўйни бўйнига белги осиб, Маккага юборар эрдилар, ўзлари эрса, эҳром боғламай уйда қолар эрдилар»,— дейдилар.

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга белги осадиган ип йигириб берардим, у бирлан қўйнинг бўйнига белги осиб, Маккага юборардилар, ўзлари эрса, эҳром боғламай (уйда) қолар эрдилар»,— дейдилар.

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жонлиқлари бўйнига белги осадиган ип йигириб берардим»,— дейдилар. Яъни, эҳром боғламақдан аввал жонлиқ бўйнига осадиган ипни назарда тутаётирлар.

### 111-БОБ. Белги осадирган иплар жундан йигириладир

وَفِي رِوَايَةٍ عَنْهَا قَالَتْ: فَتَلْتُ قَلَائِدَهَا مِنْ عَهْنٍ كَانَ عِنْدِي .

Умм ул-мўъминин (Оиша онамиз): «Жонлиқ бўйнига белги осадирган ипларни

уйимиздаги жунлардан йигирар эрдим»,— дейдилар.

### 112-боб. Жонлиқ бўйнига кавш осмоқ ҳақида

*Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набийуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонликка аталган туяни ҳайдаб бораётган бир кишини кўриб: «Уни миниб олғил!»— дедилар. У киши: «Бу қурбонлик-ку!» — деди. «Уни миниб олғил!»—дедилар такроран. Кейин, бояги кишининг Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан туяга мингашиб кетаётганини, туя бўйнида эрса, кавш осилиб турганини кўрдим»..

Бу ҳадисга Муҳаммад ибн Башшор ҳам мутобаъат қилганлар.

### 113-боб. Туя тўқими ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу туя тўқимига тегмай, ўрқачинигина кесар эрдилар. Агар туяни сўядирган бўлсалар, тўқимини, қон тегиб ифлосланиб қолишидан чўчиб, ечиб олар эрдилар, кейин уни садақа қилар эрдилар.

785 . عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَمَرَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ أَتَصَدَّقَ بِجَلَالِ الْبَدَنِ الَّتِي نُحِرَتْ وَبِجُلُودِهَا .

*Али разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга сўйган туямнинг тўқими ва терисини садақа қилмоқни буюрдилар»,— дейдилар.

### 114-боб. Йўлда жонлиқ сотиб олиб, унинг бўйнига белги осган кинш ҳақида

*Нофиъ ривоят қиладилар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу Зубайр разияллоҳу анҳу халифалиги даврида, Ҳарурия ҳажи йили ҳаж қилмоқчи бўлдилар. Шунда ул кишига: «Одамлар ўзаро урушмоқдалар, улар сизнинг ҳаж қилмоғингизга моненьлик этишмаса, деб қўрқғаймиз»,— дейишди. Ибн Умар «Расулulloҳда сизлар учун яхши ибратлар мавжуддир»,— деган оятни ўқиб, «Агар шундай қилсалар, Жаноб Расулulloҳ каби иш тутғайдирмен, сизларнинг ҳузурингизда ўзимга умрани вожиб қилдим, деб эълон этғайдирмен»,— дедилар. Шундан сўнг, ул киши умрага эҳром боғладилар. Кейин, Байдоъга келиб, бир йўла ҳам ҳаж, ҳам умрага талбия айтдиларда, «Ҳаж ҳам, умра ҳам бир хил савобга моликдир. мен ҳаж ва умрани бирга қўшиб адо этғаймен, деб сизларни гувоҳ қилурмен»,— дедилар. Сўнг, жонлиқ сотиб олиб, бўйнига белги осдиларда, Маккага жўнатдилар. Ўзлари (ҳам) Маккага келгач, Каъбани тавоф айлаб, Сафода саъй қилдилар, бундан ортиқ ҳеч нарса қилмадилар. Наҳр кунигача эҳром боғлаганларга манъ этилган ишларни қидмадилар. Сўнг, сочларини олдириб, жонлиқларини забҳ қилдиларда, Каъбани бир марта тавоф қилганларича ҳаж ва умрани адо этдим, деб ҳисобладилар. Кейин: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам шундай қилган эрдилар»,—деб қўйдилар».

### 115-боб. Эркак кишининг ўз хотинлари номидан, улар айтмаган бўлса ҳам, сигир забҳ қилмоғи тўғрисида

786 عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : خَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِخَمْسِ بَقِيْنَ مِنْ ذِي الْقَعْدَةِ ، لَا تُرَى إِلَّا الْحَجَّ ، فَلَمَّا دَنَوْنَا مِنْ مَكَّةَ أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ لَمْ يَكُنْ مَعَهُ هَدْيٌ ، إِذَا طَافَ وَسَعَى بَيْنَ الصَّفَا وَالْمَرْوَةِ أَنْ يَحِلَّ ، قَالَتْ فَدَخِلَ عَلَيْنَا يَوْمَ النَّحْرِ بِلَحْمٍ بَقَرٍ . فَقُلْتُ مَا هَذَا قَالَ نَحَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ أَزْوَاجِهِ .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга фақат ҳаж қилмоқ ниятида Зулқаъда ойининг охириги беш

кунлигида йўлга чиқдик. Маккага яқинлашганимизда Жаноб Расулulloҳ: «Кимнинг жонлиғи бўлмаса, Каъбани тавоф айлаб, Сафо ва Марвада саъй қилгандан кейин, эҳромини ечсин!» — деб фармон бердилар. Наҳр куни келгач, бизга сигир гўшти олиб келишди. Шунда мен: «Бу нечук гўштдир?»— деганимда, «Расулulloҳ заифалари номидан сигир забҳ қилдилар»,— деб айтишди».

### **116-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Минодаги забҳгоҳларида жонлиқ сўйиш ҳақида**

787 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ كَانَ يَنْحَرُ فِي الْمَنْحَرِ ، يَعْنِي مَنْحَرَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Нофиъ:* «Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу муайян бир забҳгоҳда жонлиқ сўярдилар»,— дейдилар. Убайдуллоҳ ибн Умар: «Бу — Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг забҳгоҳлари эрди»,— дейдилар.

*Нофиъ ривоят қиладилар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу, тун охирлаб қолганда Жамъдан, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг забҳгоҳларига олиб бориб сўйсинлар деб, озод кишилар ва мамлуклардан иборат ҳожилар орқали жонлиқ бериб юборар эрдилар».

### **117-боб. Жонлиғини ўз қўли бирлан забҳ қилган киши хусусида**

*Анас разияллоҳу анҳу:* . «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз қўллари бирлан етти туяни тик турғазиб забҳ қилдилар ва Мадинада икки ола, шохдор кўчқорни сўйдилар»,— деб ҳадисни қисқартириб ривоят қилиб бердилар.

### **118-боб. Туяни боғлаб сўймоқ ҳақида**

788 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ أَتَى عَلَى رَجُلٍ قَدْ أَنَاخَ بَدَنَتَهُ يَنْحَرُهَا فَقَالَ : ابْعَثْهَا قِيَامًا مُقَيَّدَةً سِنَّةَ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Зиё ибн Жубайр:* «Мен, Ибн Умар разияллоҳу анҳунинг, бир киши ўз туясини чўктириб бўғизлаётганида келиб қолиб, унга: «Турғазиб, оёгини боғлаб, забҳ қилғил, бу — Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидир!»— деганларининг шоҳидиман»,— дейдилар.

### **119-боб. Туяни тик турғазиб сўймоқ ҳақида**

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари (бўйича забҳ қилмоқ лозимдир)»,— дедилар. Ибн Аббос разияллоҳу анҳу эрса: «Уларни турғазиб, саф қилиб (забҳ қилмоқ лозимдир)»,— дедилар.

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинада тўрт ракъат пешин ва Зулҳулайфада икки ракъат аср ўқидилар. Ўша куни Зулҳулайфада қолиб, тонг ёришгач, туяларига миниб таҳлил ва тасбиҳ айтганларича йўлга тушдилар. Байдоъга келгач, бирваракайига ҳаж ва умрага талбия айтдилар. Маккага кирганларида одамларга эҳромларини ечмоқни буюрдилар. Кейин, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам еттита туяни турғазиб кўйиб, ўз қўллари бирлан забҳ қилдилар, Мадинада эрса, иккита ола, шохдор кўчқорни сўйдилар».

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинада тўрт ракъат пешин ва Зулҳулайфада икки ракъат аср ўқидилар. Сўнг, тонг отгунча шу ерда қолиб, бомдод ўқидилар, кейин туяларига миниб йўлга чиқдилар. Байдоъга келгач, бир йўла умра ва ҳажга эҳром боғладилар».

### **120-боб. Қурбонлик қилган кишига қурбонлигидан улуш берилмайдир**

*Али разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени туя сўймоққа

юбордилар, мен сўйдим. Кейин, менга буюрдилар, гўшларини (одамларга) тақсимладим, кейин яна амр бердилар, тўқими ва терисини ҳам тақсимладим»,— дейдилар.

*Али разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга туяларни сўймоқни амр қилдилар, мен сўйдим. лекин менга гўшtidан улуш беришмади»,— дейдилар.

### 121-боб. Жонлиқнинг териси садақа қилинадир

789 . عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَمَرَنِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ أَقُومَ عَلَى الْبُذْنِ ، وَلَا أُعْطِيَ عَلَيْهَا شَيْئًا فِي جَزَائِرِهَا .

*Абдурраҳмон ибн Абу Лайло ривоят қиладилар:* «Али разияллоҳу анҳуга Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларни сўймоқни буюрибдилар, кейин уларни шундайлигича, гўшти, териси ва тўқими бирлан садақа қилиб юбормоқни амр этибдилар. Шунда, унга ҳеч нарса беришмаган эркан».

### 122-боб. Туянинг тўқими садақа қилинадир

*Али разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам юзта туя қурбонлик қилдилар. Шунда, менга топширдилар, унинг гўшларини (одамларга) тақсимладим, яна амр қилдилар, тўқимларини ҳам тақсимладим, тагин буюрдилар, териларини ҳам тақсимладим»,— дейдилар.

### 123-боб.

Оллоҳ таоло бундай дейди: «Иброҳимга Хонаи Каъба ерини тайин қилиб берганимизда «Менга ҳеч нарсани ширк келтирмағил ва менинг уйимни тавоф қилғувчилар, унда турғувчилар, рукуъ ва сажда айлағувчилар учун покиза тутғил, одамларни ҳажга даъват этғил! Улар ҳар тарафдан, узоқ-узоқ йўллардан пиёда ва ориқ туяларни миниб, ўзларига тегадирган манфаатларнинг гувоҳи бўлмоқ учун ю ҳайвонларни ризқу насиба қилиб бергани шукронасига Оллоҳнинг исмини муайян кунларда зикр қилмоқ учун олдинга келишғайдир. Улардан ўзларингиз ҳам тановул қилингиз, ночор фақирларга ҳам едирингиз, кейин баданларининг кирини кеткизсинлар, назрларига вафо қилсинлар ва қадимий Каъбани тавоф айласинлар!» деб эрдик. Булдир ҳукм: Кимки Оллоҳ муҳаррам қилган нарсаларни ҳурмат қилғайдир, Оллоҳ даргоҳида хайриятга эришғусидир!»

### 124-боб. Жонлиқнинг қаери ейладир, қаери садақа қилинадир?

*Умар разияллоҳу анҳу:* «Ов қилинган ёким сўйилган ҳайвоннинг садақа этилган гўшtidан эгаси емағайдир, ундан бошқа гўшларини еса бўлур»,— дейдилар. Ато: «Мутъа гўшtidан унинг эгаси ҳам, бошқалар ҳам ейдир»,— дейдилар.

790 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : كُنَّا لَا نَأْكُلُ مِنْ لُحُومِ بُدْنِنَا فَوْقَ ثَلَاثِ مَنِي فَرَحَّصَ لَنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( كُلُوا وَتَزَوَّدُوا ) فَأَكَلْنَا وَتَزَوَّدْنَا .

*Ибн Журайж ривоят қиладилар:* «Ато разияллоҳу анҳу: «Мен, Жобир ибн Абдуллоҳнинг «Минода ўзимиз сўйган жонлиқлар гўшtidан уч кундан ортиқ» емас эрдик. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга: «Тановул ҳам қилингиз, сақлаб ҳам қўйингиз!» — дедилар. Биз айтганларидек, ҳам еб, ҳам сақлаб қўядирган бўлдик» деганини эшитдим»,— дедилар. Мен: «Жобир, Мадинага келгунимизга қадар, деб айтдимиз?» — дедим. Ато: «Йўқ»,— дедилар».

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Зулқаъда ойининг беш куни қолганда йўлга чиқдик, ҳаж



қилмоқдан бошқа ниятимиз йўқ эрди. Маккага яқинлашганимизда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким қурбонликка жонлиқ етаклаб келган эрса, Каъбани тавоф айлагандан сўнг эҳромини ечсин!» — деб фармон бердилар. Иттифоқо, Наҳр куни бизга гўшт келтиришди. «Бу недир?»—деб сўраганимда, «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинлари номидан қурбонликка мол сўйдилар»,— дейишди».

### **125-боб. Соч олдирмасдан илгари жонлиқ сўйиш ҳақида**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Жонлиғини сўймоқдан олдин сочини олдириб қўйса, не бўлғайдир?» — деб сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳечқиси йўқ, зарари йўқ»,— деб жавоб қилдилар».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир киши Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Тош отмасдан бурун тавоф қилиб қўйибдирмен, энди не бўлғайдир?»—деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳечқисй йўқ, ҳечқиси йўқ»,— дедилар. «Жонлиғимни сўймасдан олдин соч олдириб қўйибдирмен»,— деган эрди, «Зарари йўқ»,— деб жавоб қилдилар. «Тош отмасдан бурун жонлиғимни сўйиб қўйибдирмен»,— деганида ҳам «Ҳечқиси йўқ»,— дедилар».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир киши: «Кеч кирганда тош отибдирмен?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Зарари йўқ»,— дедилар. «Қурбонлик қилмасдан бурун соч олдириб қўйибдирмен»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳечқиси йўқ»,— дедилар».

*Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Мен, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Батҳодаликларида, ҳузурларига бордим. «Ҳаж қилдингми?»— дедилар. «Ҳа»,— дедим. «Нимага эҳром боғладинг?» — дедилар. «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам нимага эҳром боғлаган бўлсалар, ўшанга»,— дедим. «Яхши қилибдирсен, бориб Каъбани тавоф этғил, сўнг Сафо ва Марвада саъй айлағил!»— дедилар. Кейин, Баний Қайс қабиласига мансуб бир аёлнинг олдига бордим, у сочимни тозалади, сўнг ҳажга эҳром боғладим. Кейин мен Ҳазрат Умар халифа бўлгунларига қадар, «Сизлар ҳам шундай қилингизлар!» деб бошқаларга фатво бериб юрдим. Ҳазрат Умар халифа бўлганларида буни айтган эрдим, ул киши: «Агар Қуръонни олиб ўқисак, бошлаган ишимизни ниҳоясига етказмоқ, Жаноб Расулуллоҳнинг суннатларига риоя этмрқ буюрилганлиғини англағайдирмиз, чунким Расулуллоҳ қурбонликка аталган жонлиқларини забҳ қилмагунларича эҳромларини ечмаганлар»,— деб айтдилар».

### **126-боб. Эҳромини ечишдан олдин сочини тўзғимайдирган қилиб ёпиштириб олиб, кейин уни калта қилиб олдирган киши хусусида**

*Ҳафса разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Оиша разияллоҳу анҳо: «Ё Расулуллоҳ, одамлар умрани тугатишиб, эҳромларини ечишди-ю, нега сиз хануз эҳромингизни ечмаётирсиз?» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Мен сочимни тўзғимайдирган қилиб ёпиштириб олгандирман, энди қурбонликка аталган жонлиғимни забҳ қилмагунимча эҳромимни еча олмасман»,— дедилар».

### **127-боб. Эҳромни ечишдан олдин соч олдирмоқ ҳақида**

791 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : حَلَقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجَّتِهِ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар сафар ҳаждан кейин сочларини олдира эрдилар»,— дейдилар.

792 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( اللَّهُمَّ ارْحَمِ الْمُحَلِّقِينَ ) . قَالُوا : وَالْمُقَصِّرِينَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ؟ قَالَ : ( اللَّهُمَّ ارْحَمِ الْمُحَلِّقِينَ ) . قَالُوا : وَالْمُقَصِّرِينَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ؟ قَالَ : وَالْمُقَصِّرِينَ ) .

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё Оллоҳ, сочини олдирганларга раҳмат айлағил!» — дедилар. Шунда: «Ё Расулulloҳ, сочини қисқартирганларга ҳам, деб айтингиз!» — дейишди саҳобалар. Жаноб Расулulloҳ яна: «Ё Оллоҳ, сочини олдирганларга раҳмат айлағил!» — дедилар. «Ё Расулulloҳ, сочини қисқартирганларга ҳам, деб айтингиз!»—дейишди ёлбориб саҳобалар. Ниҳоят, Жаноб Расулulloҳ: «Қисқартирганларга ҳам»,— дедилар».

*Нофиъ ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ сочини олдиругувчиларга раҳмат қилсин!» — деб бир неча бор айтдилар. Шунда, саҳобалар тўрт марта ёлбориб илтимос қилганларидан сўнггина: «Сочини қисқартиргувчиларга ҳам раҳмат қилсин!»—деб қўйдилар».

793 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِلْمُحَلِّقِينَ ) . قَالُوا : وَالْمُقَصِّرِينَ ؟ قَالَ : ( اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِلْمُحَلِّقِينَ ) . قَالُوا : وَالْمُقَصِّرِينَ ؟ قَالُوا : قَالَهَا ثَلَاثًا ، قَالَ : ( وَالْمُقَصِّرِينَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё партардигор-о, сочини олдиругувчиларга раҳм (раҳмат) айлағил!» — дедилар. Саҳобалар: «Сочини қисқартиргувчиларга ҳам»,— деб ёлборишди. Жаноб Расулulloҳ яна: «Ё парвардигор-о, сочини олдиругувчиларга раҳм айлағил!» — дедилар. Саҳобалар тағин: «Сочини қисқартиргувчиларга ҳам»,—деб ёлборишди. Жаноб Расулulloҳ яна: «Ё парвардигор-о, сочини олдиругувчиларга раҳм айлағил!» — дедилар. Саҳобалар тағин: «Сочини қисқартиргувчиларга ҳам»,— деб ёлборишди. Ниҳоят, Жаноб Расулulloҳ: «Сочини қисқартиргувчиларга ҳам»,— деб айтдилар».

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва бир гуруҳ саҳобалар соч олдиридлар қолганлар эрса, сочларини қисқартиришди»,— дейдилар.

794 . عَنْ مُعَاوِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَصَّرْتُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَشَقَصٍ .

*Муовия разияллоҳу анҳу:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сочларини камон ўқининг тиғи бирлан қисқартирдим»,— дейдилар.

### 128-боб. Умра қилгандан кейин сочни қисқартирмоқ ҳақида

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келганларида саҳобаларга Каъба ҳамда Сафо ва Марвани тавоф айламакни, сўнг эҳромларини ечиб, сочларини олдирмакни ёким қисқартирмакни амр қилдилар»,— дейдилар.

### 129-боб. Наҳр куни тавоф қилмоқ ҳақида

*Абу Зубайр:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Наҳр куни) тавоф айламакни кечқурунга қолдирдилар»,— дейдилар.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Минодан олдин Каъбани тавоф қилар эрдилар»,— дейдилар.

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «(Наҳр куни) Жаноб Расулulloҳ (Каъбани) бир марта тавоф айладилар, энди, қайлула қилиб олгач, Минога боргайдилар»,— дедилар.

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва

саллам бирлан бирга ҳажга чиқиб, Наҳр куни тавофи ифоза қилдик. Ўша куни Сафиййа ҳайз кўриб қолди. Мен буни Жаноб Расулulloҳга айтган эрдим, ул киши: «Бизни йўлдан қолдирадирган бўлибдир-да»,— дедилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулulloҳ, у (Сафиййа) Наҳр куни тавофи ифоза қилиб олган эрди»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ундоқ бўлса, йўлга чиқингиз!»— дедилар-да, Сафиййага видолашув тавофини қилмасликка ижозат бердилар».

Оиша разияллоҳу анҳо: «Наҳр куни Сафиййа тавофи ифоза қилди»,— дейдилар.

### **130-боб. Кечқурун тош отиб қўйса ёки забҳ қилмоқдан олдин сочини билмасдан (ёки унутиб) олдириб қўйса...**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан забҳ қилмоқ, соч олдириш ёки тош отмоқни бирининг ўрнига иккинчисини алмаштириб бажариш тўғрисида сўрашганида, ул киши: «Буларнинг ўрнини алмаштирса, зарари йўқдир»,— дедилар».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Наҳр куни Минода Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга саволлар беришар эрди, ул киши барчасига ҳам: «Бўлаверғайдир»,— деб жавоб берардилар. Бир киши: «Забҳдан олдин соч олдириб қўйдим, энди не бўлғайдир?»—деб сўраб қолди. Жаноб Расулulloҳ: «Забҳ қилаверғил, гуноҳи йўқдир»,— дедилар. Бояги киши яна: «Кечқурун тош отиб қўйибдирман»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Бўлаверғайдир»,— дедилар».

### **131-боб. Тош отмасдан олдин туя миниб туриб фатво бермоқ ҳақида**

*Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжат ул-Видоъда туя миниб турган эрдилар, одамлар савол бера бошлашди. Бир киши: «Билмай, забҳдан олдин сочимни олдириб қўйибдирман»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сўяверғил, ҳеч нарса қилмағайдир»,— дедилар. Яна бошқа биров: «Тош отишдан олдин, билмай забҳ қилиб қўйибдирман»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Энди тош отаверғил, ҳечқиси йўқ»,— дедилар. Ўша куни ким не ҳақида сўрамасин, «Бўлаверғайдир, гуноҳи йўқдир»,— деб жавоб бердилар».

*Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Наҳр куни айтган хутбаларида ҳозир эрдим. Бир киши туриб: «Мен фалон нарса фалон нарсдан олдин бажарилғайдир, деб ўйлардим»,— деди. Яна бошқаси туриб: «Мен ҳам фалон нарса фалон нарсдан олдин адо этилса керак, деб юрар эрдим, Наҳр кунидан олдин соч олдириб қўйибдирман»,—деди. Хуллас, ҳар ким истаган саволини берди. Жаноб Расулulloҳ: «Бир амални иккинчисидан олдин бажармоқнинг гуноҳи йўқдир»,— дедилар. Ўша куни ким не ҳақида сўраса: «Бўлаверғайдир, ҳечқиси йўқдир»,—деб жаюб қилдилар».

### **132-боб. Мино кунлари хутба айтмоқ ҳақида**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Наҳр куни хутбада: «Эй одамлар, бугун қайси кундир?»—дедилар. «Муқаддас (табаррук) кундир»,— дейишди. «Бу нечук жойдир?» — дедилар. «Муқаддас (табаррук) жойдир»,— дейишди. «Бу ой қандай ойдир?» — дедилар. «Муқаддас (табаррук) ойдир»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Қонингиз, молу ҳолингиз ва ору номусингиз бир-бирингиз учун шу кун, шу жой ва шу ойнинг муқаддаслиги каби муқаддасдир!» — дедилар. Буни бир неча бор такрорладилар. Кейин, бошларини кўтариб: «Ё парвардигор-о, мен етказа олдимми, етказа олмадимми?» — деб қўшиб қўйдилар. Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, ул кишининг

бул сўзлари ўз умматларига қолдирган васиятлари бўлиб, «Мендан кейин ўзаро қон тўкиб, кофир бўлиб кетмангизлар!» деганларидир».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Арафотда хутба ўқиётганларини эшитдим»,— дедилар.

*Муҳаммад ибн Сириин ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Наҳр куни бизга хутба ўқидилар, сўнг: «Билурмисиз, бугун қайси кундир?» — дедилар. Шунда биз: «Оллоҳ ва унинг Расули билғайдир»,— дедик. Ул киши жим қолдилар, ҳатто биз бул кунни бошқа бирор ном бирлан атасалар керак, деб ўйладик. Кейин, бошларини кўтариб: «Наҳр куни эрмасми?» — дедилар, биз: «Ҳа»,— дедик. «Бул қайси ойдир?»,— дедилар, биз: «Оллоҳ ва унинг Расули билғайдир»,— дедик. Ул киши яна жим қолдилар, ҳатто биз уни бошқа бирор ном бирлан атасалар керак, деб хаёл қилдик. Кейин: «Зулҳижжа эрмасми?» — дедилар, биз: «Ҳа»,— дедик. «Бул қандай шаҳардир?»— дедилар, биз: «Оллоҳ ва унинг Расули билғайдир»,— дедик. Ул киши яна сукут сақладилар, ҳатто биз уни бошқа бирор ном бирлан атасалар керак, деб ўйладик. Кейин: «Муқаддас (шаҳар) эрмасми?»— дедилар, биз: «Ҳа»,— дедик. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таоло сизларнинг қонларингиз ва молларингизни бир-бирингиз учун мана шул муқаддас жойингиз, ойингиз ва кунингиз янглиғ то парвардигорингизга рўпара бўладирган кунингизга қадар муқаддас айлади. Аё, (сизларга) етказа олдимми?» — дедилар. Саҳобалар: «Ҳа»,— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ё парвардигор-о, ўз вазифамни адо этганимга гуюҳ бўлғил, шул ерда турганлар бошқаларга (сўзларимни) етказсинлар, чунким тингловчиларга нисбатан риоят қилғувчилар ёдларида кўпроқ сақлаб қолғайдилар. Мендан кейин бир-бирининг бўғзига тиғ урадирган кофир бўлиб кетмангиз!» — дедилар».

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Минода турганларида: «Билурмисиз, бугун қайси кундир?» — дедилар. «Оллоҳ ва унинг Расули билғайдир»,— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бу кун муқаддас кундир»,— дедилар., Кейин: «Билурмисиз, бу қандай шаҳардир?»—деб сўрадилар. «Оллоҳ ва унинг Расули билғайдир»,— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бу муқаддас шаҳардир»,— дедилар. Кейин: «Билурмисиз, бу қайси ойдир?» — дедилар. «Оллоҳ ва унинг Расули билғайдир»,— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бу муқаддас ойдир»,— дедилар. Сўнг, яна бундоқ дедилар: «Оллоҳ таоло қонингиз, молингиз ва ору номусингизни бир-бирингиз учун ана шул муқаддас шаҳрингиз, табаррук ойингиз ва улўғ айёмингиз янглиғ муқаддас айлади».

*Ҳишом ибн ал-Роз ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Наҳр куни Ҳажжат ул-Видоъда тошлоқ ерда туриб, «Бу кун ҳажжи акбар — улўғ ҳаж кунидир! Ё парвардигор-о, ўз вазифамни адо этганимга гуюҳ бўлғил!» — деб одамлар бирлан видолашган эрдилар. Ўшандан бери одамлар шул кунни Ҳажжат ул-Видоъ — Видолашув ҳажи деб аташадиган бўлди».

### **133-боб. Сиқоя ёки бошқа узрли ишлар билан машғул кишилар Мино кечаларида Маккада қўниб қоладирми?**

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Аббос разияллоҳу анҳу Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сиқоя (ҳожиларга сув ичирмоқ) учун Мино кечаларида Маккада қўниб қолмоққа рухсат сўрадилар, ул киши ижозат бердилар».

### **134-боб. Тош отмоқ ҳақида**

*Жобир:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Наҳр куни чошгоҳда ва Қуёш ботгандан кейин тош отдилар»,— дейдилар.

795 . عَنْ وَبَرَةَ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : سَأَلْتُ ابْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا مَتَى أَرْمِي الْجِمَارَ ؟ قَالَ : إِذَا رَمَى إِمَامُكَ فَارِمَهُ ، فَأَعَادَ عَلَيْهِ الْمَسْأَلَةَ ، قَالَ : كُنَّا نَتَحَيَّنُ فَإِذَا زَالَتِ الشَّمْسُ رَمِينَا .

*Вабара ривоят қиладирлар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳудан: «Қачон тош отайин?» —деб сўрадим. «Ҳаж амири тош отганда, сен ҳам отавергил!» — дедилар. Мен саволимни яна такрорладим. Ул киши: «Биз кеч кирмоғини кутиб турар эрдик, Қуёш ботгач, тош отар эрдик»,— дедилар».

### 135-боб. Водийда туриб, тош отмоқ қақида

796 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ رَمَى مِنْ بَطْنِ الْوَادِي ، فَقِيلَ لَهُ إِنَّ نَاسًا يَرْمُونَهَا مِنْ فَوْقِهَا ، فَقَالَ : وَالَّذِي لَا إِلَهَ غَيْرُهُ هَذَا مَقَامُ الَّذِي أُنزِلَتْ عَلَيْهِ سُورَةُ الْبَقَرَةِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Абдуррахмон ибн Язид ривоят қиладирлар:* «Абдуллоҳ ибн Масъуд водийда туриб, тош отдилар. Мен у кишига: «Эй Абу Абдуррахмон (лақаблари), одамлар тошни водий ўртасида туриб эрмас, юқорига чиқиб отишғайдир-ку?!»— дедим. У киши: «Яккаю-ягона Оллоҳ номига қасам ичиб айтурменким, бу ер Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга «Бақара» сураси нозил бўлган жойдир!» — дедилар».

### 136-боб. Еттита тош отмоқ ҳақида

وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ انْتَهَى إِلَى الْجَمْرَةِ الْكُبْرَى ، فَجَعَلَ الْبَيْتَ عَنْ يَسَارِهِ وَمِنِّي عَنْ يَمِينِهِ وَرَمَى بِسَبْعٍ وَقَالَ: هَكَذَا رَمَى الَّذِي أُنزِلَتْ عَلَيْهِ سُورَةُ الْبَقَرَةِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Мен Жамраи Куброда бўлганимда Каъбани чап томонимда, Минони эрса, ўнг томонимда қолдириб, еттита тош отдим, «Бақара» сураси нозил қилинган зот — саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам шу тариқа тош отганлар».

### 137-боб. Каъбани чап томонида қолдириб, Ақаба жамрасини отиш тўғрисида

*Абдуррахмон ибн Язид ривоят қиладирлар:* «Мен Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бирлан биргаликда ҳаж қилганимда, у кишининг Жамраи Куброни еттита тош отмоқ бирла адо этганларининг гувоҳи бўлдим. Ўшанда у киши Каъбани чап томонда ва Минони ўнг томонда қолдириб, тош отган эрдилар. Ана шул жойда Жаноб Расулulloҳга «Бақара» сураси нозил бўлган эрди».

### 138-боб. Ҳар тош отганда такбир айтмоқ ҳақида

*Аъмаш ривоят қиладирлар:* «Мен Ҳажжожнинг минбарда туриб ваъз айтганини эшитдим, ўшанда «Бақара», «Оли Имрон» ва «Нисо» суралари ҳақида зикр қилганди. Бу ҳақда Иброҳим разияллоҳу анҳуга айтгандим, ул киши менга бундай дедилар: «Абдуррахмон ибн Язид ўзининг Масъуд разияллоҳу анҳу бирлан бирга Жамрат ул-Ақабада бўлганини менга айтган эрди. Ўшанда Ибн Масъуд водийнинг ўртасидаги дарахт ёнига бориб, еттита тош отибдилар, ҳар тош отганларида такбир айтибдилар, кейин: «Якка-ю ягона Оллоҳга қасам ичурменким, «Бақара» сураси нозил бўлганда Жаноб Расулulloҳ худди мана шу ерда турган эрдилар»,— дебдилар».

### 139-боб. Жамрат ул-Ақабани адо этиб бўлгач, тўхтаб турмаслик ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу Жамрат ул-Ақабани адо этиб бўлгач, тўхтаб турмаслик кераклигини Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан билиб олган эканлар.

### 140-боб. Икки жамрада тош отгач, текисликка тушиб, қиблага юзланмоқ ҳақида

797 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ كَانَ يَرْمِي الْجَمْرَةَ الدُّنْيَا بِسَبْعِ حَصِيَّاتٍ ، يُكَبِّرُ عَلَىٰ إِثْرِ كُلِّ حَصَاةٍ ، ثُمَّ يَتَقَدَّمُ حَتَّىٰ يُسَهِّلَ فَيَقُومُ مُسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةِ ، فَيَقُومُ طَوِيلًا وَيَدْعُو وَيَرْفَعُ يَدَيْهِ ، ثُمَّ يَرْمِي الْوَسْطَىٰ ، ثُمَّ يَأْخُذُ ذَاتَ الشِّمَالِ فَيَسْهَلُ ، وَيَقُومُ مُسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةِ فَيَقُومُ طَوِيلًا ، ثُمَّ يَدْعُو وَيَرْفَعُ يَدَيْهِ ، وَيَقُومُ طَوِيلًا ثُمَّ يَرْمِي جَمْرَةَ ذَاتِ الْعَقَبَةِ مِنْ بَطْنِ الْوَادِي ، وَلَا يَقِفُ عِنْدَهَا ، ثُمَّ يَنْصَرِفُ وَيَقُولُ : هَكَذَا رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْعَلُهُ .

Ибн Умар разияллоҳу анҳу Жамрат уд-Дунйода кетма-кет еттита тош отар эрдилар-да, текисликка тушиб, қиблага юзланган ҳолда, узоқ дуо ўқир эрдилар. Сўнг, Жамрат ул-Вустога бориб тош отардилар, кейин текисликка тушиб, яна қиблага юзланган ҳолда узоқ дуо ўқирдилар. Шундан сўнг, водийнинг ўртасига келиб, Жамрат ул-Ақабада тош отардилар-да, тўхтамай орқага қайтардилар, кейин: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай қилганларини кўрганман»,— дер эрдилар.

### 141-боб. Икки жамра олдида туриб дуо ўқимоқ ҳақида

*Зухрий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мино масжиди ёнида еттита тош отар эрдилар, ҳар тош отганларида такбир айтар эрдилар. Сўнг, олдинга юриб (пастликка тушар эрдилар), қўлларини кўтариб узоқ дуо ўқир эрдилар. Шундан сўнг, иккинчи Жамрага (Жамрат ул-Вустога) бориб, етти марта тош отар эрдилар, ҳар тош отганларида такбир айтар эрдилар. Кейин, водийга тушиб, қиблага юзланган ҳолда қўлларини кўтариб, узоқ дуо ўқир эрдилар. Сўнгра, Жамрат ул-Ақабага бориб, еттита тош отар эрдилар, ҳар тош отганда такбир айтар эрдилар-да, тўхтамай орқага қайтар эрдилар». Солим ибн Абдуллоҳ ҳам шунга ўхшаш ҳадисни оталаридан эшитган эканлар. Ул киши Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шул тариқа тош отганларини ўз кўзлари билан кўрган эканлар. Ибн Умар ҳам шундоқ қилар эканлар.

### 142-боб. Жамраларда тош отиб бўлгач, хушбўй нарсалардан фойдаланмоқ ва тавофи ифозадан кейин соч олдирмоқ ҳақида

*Ўз замонасининг нуфузли кишиларидан бўлган Абдурраҳмон ибн Қосимнинг оталари:* «Оиша онамизнинг «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга, эҳром боғлашларидан олдин ҳам, эҳромларини ечганларидан кейин ҳам, мана шу қўлларим билан хушбўй нарсалар суртиб кўяр эрдим, деб айтганларини эшитганман»,— дейдилар.

### 143-боб. Тавофи видоъ (видолашув тавофи) ҳақида

798 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : أَمَرَ النَّاسُ أَنْ يَكُونَ آخِرَ عَهْدِهِمْ بِالْبَيْتِ إِلَّا أَنَّهُ خُفِّفَ عَنِ الْحَائِضِ .

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Одамларга энг охири Каъбани тавоф айламоқ амр этилди. Лекин, ҳайз кўрган аёллар бундан истисно қилинди»,— дедилар.

799 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى الظُّهْرَ وَالْعَصْرَ وَالْمَغْرِبَ وَالْعِشَاءَ ثُمَّ رَفَدَ رَفْدَةً بِالْمُحَصَّبِ ، ثُمَّ رَكِبَ إِلَى الْبَيْتِ فَطَافَ بِهِ .

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Минода тош отиб қайтганларидан сўнг, пешин, аср, шом ва хуфтон ўқидилар, кейин Мухассабада ухладилар, сўнгра туяга миниб Каъбани тавоф қилдилар»,— дейдилар.

### 144-боб. Аёл Тавофи ифоза қилгандан кейин ҳайз қўриб қолса...

*Оиша разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг заифалари Сафиййа ҳайз кўриб қолди, буни Жаноб Расулуллоҳга маълум қилган эрдим, ул киши: «Бизни йўлдан қолдирғайдирми, дерман»,— дедилар. Шунда одамлар: «Сафиййа Тавофи ифоза қилиб улгурган эрди»,— дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ундоқ бўлса, ҳечқиси йўқдир»,— дедилар».

*Икристина ривоят қилади:* «Мадина аҳли (Маккада) Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан: «Агар аёл Тавофи ифоза қилиб бўлгандан кейин ҳайз кўриб қолса, не бўлғайдир?» — деб сўрашди. Ибн Аббос: «У ҳолда аёл Тавофи видоъ (видолашув тавофи) қилмасдан қайтиб кетаверғайдир»,— дедилар. Мадина аҳли: «Биз Зайд ибн Собитнинг сўзига ишонғаймиз, сизнинг сўзингизга ишонмасмиз»,— дейишди. Шунда Ибн Аббос: «Ундоқ бўлса, Мадинага бориб сўрангиз»,— дедилар. Мадиналиклар (Маккадан) Мадинага қараб йўл олишди, Мадинага келишгач, мазкур масала хусусида сўрашган эрди, Умму Сулайм Сафиййа воқеасини ҳикоя қилиб бердилар».

800 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : رُحِّصَ لِلْحَائِضِ أَنْ تَنْفِرَ إِذَا أَفَاضَتْ .

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Тавофи ифоза қилган аёлга, агар у ҳайз кўриб қолса, Тавофи видоъ қилмасдан қайтиб кетмакка ижозат берилди»,— дейдилар.

قَالَ : وَسَمِعْتُ ابْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا يَقُولُ : إِنَّهَا لَا تَنْفِرُ ، ثُمَّ سَمِعْتُهُ يَقُولُ بَعْدُ : إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَحِّصَ لَهُنَّ .

*Товус разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Мен Ибн Умарнинг «Ҳайз кўрган аёл Тавофи видоъ қилмасдан кетмағайдир» — деганларини эшитгандим, кейинчалик ўша кишининг ўзларининг «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайз кўрган аёлни Тавофи видоъ қилмакдан озод қилганлар» — деб юрганларини кўрдим».

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилади:* «Ҳаж қилмоқ ниятида Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга йўлга чиқдик. Жаноб Расулуллоҳ Маккага келгач, Каъбани тавоф айлаб, Сафо ва Марвада саъй қилдилар, лекин эҳромларини ечмадилар, чунки ўзлари бирлан қурбонликка атаб жонлиқ етаклаб келган эрдилар. Ўша куни Расулуллоҳнинг аҳли аёллари ҳамда саҳобалари ҳам тавоф ва саъй қилдилар. Улардан қурбонликка атаб жонлиқ олиб келмаганлари эҳромларини ечишди. Мен эрсам, ҳайз кўриб қолдим. Ҳаж удумларини адо қилганимиздан сўнг Ҳасба (Минодаги бир кеча тунаб қолинадирган тошлоқ жой) кечаси: «Ё Расулуллоҳ, барча саҳобаларингиз ҳаж ва умра қилиб қайтишмоқда; ёлғиз мен (умра қилолмай) қолдим»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Маккага келганимизда тавоф қилмаган эрдингми?»—деб сўрадилар. Мен: «Йўқ»,— дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ундоқ бўлса, уканг бирлан Танъимга бориб, умра қилиб қайтғил, биз сен бирлан фалон жойда учрашғайдирмиз»,— дедилар. Мен укам Абдуррахмон билан Танъимга бориб, умрага эҳром боғладим. Биз йўлга чиқадирган кеча Сафиййа ҳайз кўриб қолди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен бизни йўлдан қолдирадирган бўлдинг, Наҳр куни тавоф қилмаганми эрдинг?» — дедилар. Сафиййа: «Ҳа, тавоф қилган эрдим»,— деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ундоқ бўлса, юраверғил, ҳечқиси йўқдир»,— дедилар».

### 145-БОБ. НАФР КУНИ АБТОҲДА АСР ЎҚИМОҚ ҲАҚИДА

*Абдулазиз ибн Руфайъ ривоят қилади:* «Анас ибн Моликдан: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам хусусларидаги хотираларингиздан сўзлаб берингиз!» — деб илтимос қилдим. «Тарвия куни пешинни қай ерда ўқидилар?» — деб сўрадим. Анас: «Минода»,— дедилар. «Ундоқ бўлса, Нафр куни асрни қаерда ўқидилар?» — дедим. «Абтоҳда»,— дедилар. Сўнг: «Ҳаж амирлари не қилсалар, сен ҳам шундоқ қилаверғил!»—деб қўшиб қўйдилар».

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам*

ҳақларида гапираётиб: «Ул киши пешин, аср, шом ва хуфтон ўқидилар, кейин Муҳассабада ухладилар, сўнгра туриб туяга миндилар-да, Каъбани тавоф қилдилар»,— дедилар.

### 146-боб. Муҳассаб ҳақида

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўниб ўтадирган манзил дам олмоққа жуда қулай эрди (яъни, Батҳодаги жойни назарда тутаетирлар)».

801 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : لَيْسَ التَّحْصِيبُ بِشَيْءٍ ، إِنَّمَا هُوَ مَنْزِلٌ نَزَلَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дам олмоқ ниятидагина Муҳассабага қўйиб ўтар эрдилар»,— дейдилар.

### 147-боб. Маккага киришдан аввал Зу Туванда ва Маккадан қайтишда Хулайфадаги Батҳода қўниб ўтмоқ ҳақида

*Нофиъ ривоят қиладилар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу Маккага келсалар, Ақаба йўлидаги Зу Туванда қўниб ўтардилар, сўнг икки тепалик оралиғидан ўтиб, Маккага кирардилар. Маккага ҳаж ёки умра қилгани келсалар, туяларини (фақат) Масжид ул-Ҳаром эшиги олдида чўктирар эрдилар-да, ичкарига кириб, қора рукн олдида бориб, тавоф айламакни ўшандан бошлар эрдилар. Кейин, етти марта: уч марта тез, тўрт марта оддий юриш қилиб тавоф айлар эрдилар. Сўнгра, орқага қайтиб, икки рақъат тавоф намози ўқиб, дастлабки келган жойларига қайтмақдан олдин Сафо ва Марва орасини тавоф қилар эрдилар. Ҳаж ёки умра қилиб қайтишларида Зулхулайфадаги Батҳо текислигида, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларини чўктириб дам олиб ўтадиган ерда ул киши ҳам туяларини чўктирар эрдилар».

*Холид ибн Ҳарас ривоят қиладилар:* «Убайдуллоҳдан Муҳассаб ҳақида сўрашди, шунда у киши: «Расулulloҳ, Умар ва Ибн Умар ўша ерда (Муҳассабада) дам олиб ўтишган деб, Нофиъдан эшитганман»,— дедилар».

*Холид ибн Ҳарас:* «Нофиъ менга: «Ибн Умар ўша ерда, яъни Муҳассабада пешин ва аср (менимча, шомни ҳам, деганди шекилли) ўқир эрди»,— деганди. Мен Ибн Умарнинг ўша ерда хуфтонни ўқиб, кейин бир оз мизғиб олганига шубҳа қилмасман, чунки Жаноб Расулulloҳ ҳам ўша ерда шундай қилар эрдилар»,— дейдилар.

### 148-боб. Маккадан қайтишда Зу Туванга тушиб ўтган киши ҳақида

802 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ كَانَ إِذَا أَقْبَلَ بَاتٍ بِذِي طُوًى حَتَّى إِذَا أَصْبَحَ دَخَلَ ، وَإِذَا نَفَرَ مَرَّ بِذِي طُوًى ، وَبَاتَ بِهَا حَتَّى يُصْبِحَ ، وَكَانَ يَذْكُرُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَفْعَلُ ذَلِكَ .

*Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ибн Умар разияллоҳу анҳу Маккага келаётганларида Зу Туванда қўниб, тонг отгач, шаҳарга кирар эрдилар, бу ҳақда у кишидан сўрашганда «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам шундоқ қилар эрдилар»,— деб жавоб берганлар».

### 149-боб. Ҳаж мавсумида жоҳилия бозорларида савдо-сотик қилмоқ ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Зулмажоз ва Укоз жоҳилия давридаги одамлар савдо-сотик қиладирган жой эрди. Ислом даври келгач, мусулмонлар Оллоҳ таолонинг «Оллоҳдан фазлу карам тиламоқ сизлар учун гуноҳ эрмас» деган ояти каримаси нозил бўлгунга қадар, у ерларда савдо-сотик қилмоқни истамадилар».



### 150-боб. Тун охирлаб қолганда Муҳассабадан йўлга чиқиш ҳақида

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Муҳассабадан йўлга чиқадирган кеча Сафиййа ҳайз кўриб қолди. Шунда у: «Мен сизларни йўлдан қолдирадирганга ўхшайман»,— деди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен бизларни йўлдан қолдирадирган бўлдинг, Наҳр куни тавоф қилмаганми эрдинг?» — дедилар. Сафиййа: «Ҳа, тавоф қилган эрдим»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ундоқ бўлса, юраверғил!»— дедилар».

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан биргалиқда ҳажга чиқдик. Маккага келганимизда бизга эҳромларимизни ечмакни буюрдилар. Йўлга чиқадиган кеча Сафиййа ҳайз кўриб қолиб: «Сизларнинг оёғингизга тушов бўлмасам эрди!» — деди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оёғимизга тушов бўлдинг, Наҳр куни тавофи ифоза қилганми эрдинг?»— дедилар. Сафиййа: «Ҳа»,— деди. «Унда, юраверғил!» — дедилар Жаноб Расулulloҳ. «Ё Расулulloҳ,— дедим мен,— Маккага келганимизда умра қилмаган эрдим». «Ундоқ бўлса, Танъимга бориб, умра қилғил!» — дедилар Жаноб Расулulloҳ. Мен укам бирлан бирга умра қилгани кетдим. Умра қилиб келаётганимизда Жаноб Расулulloҳ бирлан йўлда учрашиб қолдик, ул киши: «Сизлар бирлан фалон жойда учрашгайдирмиз»,— дедилар».

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

### УМРА ҲАҚИДАГИ БОБЛАР

#### 1-боб. Умранинг вожиблиги ва фазилати

Ибн Умар: «Ҳар бир мусулмонга ҳаж ва умра вожибдир!— дейдилар. Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Оллоҳнинг Китобида «Умра ҳажнинг эгизагидир, Оллоҳ йулида умра ва ҳаж қилингиз!» дейилган»,— дейдилар (яъни, Оллоҳ таоло ҳаж ва умрани бўлмайд, биргалиқда адо этмакка амр берган.

803 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُمَا ، وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умра — икки умра оралиғида қилинган гуноҳларга каффоратдир ва пок ниятда қилинган ҳаж ажри — фақат жаннатдир!»—деб айтганлар».

#### 2-боб. Ҳаждан олдин умра қилган киши хусусида

804 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهُ سُئِلَ عَنِ الْعُمْرَةِ قَبْلَ الْحَجِّ ؟ فَقَالَ : لَا بَأْسَ ، وَقَالَ : اعْتَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلَ أَنْ يَحُجَّ .

*Ибн Журайж ривоят қиладилар:* «Икрима ибн Холид Ибн Умар разияллоҳу анҳудан ҳаждан олдин умра қилмоқ тўғрисида сўрадилар. У киши: «Бўлавергайдир, чунки Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаждан олдин умра қилганлар»,— дедилар».

#### 3-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам неча марта умра қилганлар?

805 . عَنْ مُجَاهِدٍ رَحِمَهُ اللَّهُ تَعَالَى قَالَ : دَخَلْتُ أَنَا وَعُرْوَةُ بْنُ الزُّبَيْرِ الْمَسْجِدَ ، فَإِذَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا جَالِسٌ إِلَى حُجْرَةِ عَائِشَةَ ، وَإِذَا نَاسٌ يُصَلُّونَ فِي الْمَسْجِدِ صَلَاةَ الضُّحَى ، قَالَ فَسَأَلْنَا عَنْ صَلَاتِهِمْ ، فَقَالَ بَدْعَةٌ . ثُمَّ قَالَ لَهُ : كَمْ اعْتَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ قَالَ : أَرْبَعٌ إِحْدَاهُنَّ فِي رَحَبٍ . فَكَّرْنَا أَنْ نَرُدَّ عَلَيْهِ .

*Мужоҳид ривоят қиладилар:* «Мен ва Урва ибн Зубайр Мадинадаги Масжид ун-Набийга кирдик, қарасак, Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу Оиша онамизнинг ҳужралари ёнида ўтирган эканлар. Одамлар эрса, масжидда чошгоҳ намозини ўқишмоқда эрди. Урва Абдуллоҳдан ушбу намоз ҳақида сўраганда, ул киши: «Бидъат!» — дедилар. Кейин, Урва: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам неча марта умра қилдилар?» — деб сўради. Ул киши: «Тўрт марта, бири Ражаб ойида», — дедилар. Кейин, биз ул кишидан бошқа бирор нарса ҳақида сўрамоққа журъат этмадик».

قَالَ : وَسَمِعْنَا اسْتِنَانَ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ فِي الْحَجْرَةِ ، فَقَالَ عُرْوَةُ يَا أُمَّهُ ، يَا أُمَّ الْمُؤْمِنِينَ : أَلَا تَسْمَعِينَ مَا يَقُولُ أَبُو عَبْدِ الرَّحْمَنِ ، قَالَتْ : مَا يَقُولُ ؟ قَالَ : يَقُولُ إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اعْتَمَرَ أَرْبَعَ عُمَرَاتٍ إِحْدَاهُنَّ فِي رَجَبٍ . قَالَتْ يَرْحَمُ اللَّهُ أَبَا عَبْدِ الرَّحْمَنِ ، مَا اعْتَمَرَ عُمْرَةً إِلَّا وَهُوَ شَاهِدُهُ ، وَمَا اعْتَمَرَ فِي رَجَبٍ قَطُّ .

*Мужоҳид ривоят қиладилар:* «Урва, Оиша онамиз ҳужраларида тишларини мисвоклаб турганларида: «Эй онамиз, Абу Абдурраҳмоннинг нелар деганин эшитдингизми?» — деди. Оиша онамиз: «Не дебдир?» — дедилар. Урва: «Абу Абдурраҳмон Жаноб Расулуллоҳнинг тўрт марта умра қилганларини, бири Ражаб ойида эканлигини айтди», — деди. Оиша онамиз: «Абу Абдурраҳмонга Оллоҳ раҳм айласин! Ул, Жаноб Расулуллоҳнинг умра қилганларини ҳақиқатан ҳам кўрган, лекин Жаноб Расулуллоҳ Ражаб ойида умра қилмаганлар», — деб айтдилар».

*Урва ибн Зубайр:* «Оиша разияллоҳу анҳодан сўрасам, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ражаб ойида умра қилмаганлар» — деб айтдилар», — дейдилар.

806. عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سُئِلَ :

كَمْ اعْتَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ قَالَ : أَرْبَعًا : عُمْرَةَ الْحُدَيْبِيَّةِ فِي ذِي الْقَعْدَةِ حَيْثُ صَدَّهُ الْمُشْرِكُونَ ، وَعُمْرَةَ مِنَ الْعَامِ الْمُقْبِلِ فِي ذِي الْقَعْدَةِ حَيْثُ صَالَحَهُمْ ، وَعُمْرَةَ الْجِعْرَانَةَ إِذْ قَسَمَ غَنِيمَةَ - أُرَاهُ - حُنَيْنٍ ، قُلْتُ : كَمْ حَجَّ ؟ قَالَ : وَاحِدَةً . وَفِي رِوَايَةٍ أَنَّهُ قَالَ : اعْتَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَيْثُ رَدُّوهُ ، وَمِنَ الْقَابِلِ عُمْرَةَ الْحُدَيْبِيَّةِ ، وَعُمْرَةَ فِي ذِي الْقَعْدَةِ ، وَعُمْرَةَ مَعَ حَجَّتِهِ .

*Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Мен Анас ибн Моликдан: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам неча марта умра қилганлар?» — деб сўрадим. Ул киши: «Биринчи умралари Ҳудайбия умраси бўлиб, мушриклар қаршилик кўрсатганлиги оқибатида чала қолган (қазо бўлган), келаси йили ўшал қазр бўлган умрани ҳам адо этмак мақсадида бир йўла икки маротаба умра қилганлар, кейингилари — Зулқаъда ойида қилган умралари (Жиърона умраси) ва ҳаж бирлан қўшиб қилган умраларидир», — дедилар».

*Ҳумом ривоят қиладилар:* «Анас разияллоҳу анҳу: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зулқаъда ойида ҳажга қўшиб қилган умраларидан ташқари тўрт маротаба умра қилганлар, биринчиси — Ҳудайбиядаги умралари, иккинчиси келаси йилги умралари, учинчиси Ҳунайн ўлжаларини бўлиб берганларидаги умралари ва тўртинчиси — ҳажга қўшиб қилган умраларидир», — деб айтдилар».

*Абу Исҳоқ ривоят қиладилар:* «Масруқ, Ато ва Мужоҳиддан сўрасам, «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зулқаъда ойида ҳаж этмасдан бурун умра қилдилар», — деб айтишди.

807. عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : اعْتَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي ذِي الْقَعْدَةِ قَبْلَ أَنْ يَحُجَّ مَرَّتَيْنِ .

Барро ибн Озиб разияллоҳу анҳунинг «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

Зулқаъда ойида ҳаж этмасдан бурун икки маротаба умра қилдилар» деганини ҳам эшитганман».

#### **4-боб. Рамазон ойида қилинадирган умранинг фазилати тўғрисида**

*Ато разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ибн Аббос разияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ансория аёлга (Ибн Аббос унинг исмини айтган эрди, лекин мен ёдимдан чиқарибман): «Биз бирлан бирга ҳаж қилмоғинга не моненьлик айлади?» — деб айтдилар, деганини эшитдим. Шунда аёл: «Бизнинг соғин туямиз бор эрди, уни эрим бирлан ўғлим ва ўғай ўғлим миниб кетдилар, бизга эрса, сутини ичиб турмоғимиз учун бошқа бир соғин туяни қолдириб кетишди»,— дебди. Жаноб Расулуллоҳ: «Рамазон ойида умра қилғил, чунким Рамазон ойидаги умра ҳаж айлаган бирлан баробар савобга эгадир!» — дебдилар».

#### **5-боб. Ҳасба кечаси ва бошқа вақтларда қилинадирган умралар ҳақида**

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Зулҳижжа ойи арафасида йўлга чиқдик. Ул киши бизга: «Ҳаж қилмоқчи бўлганлар ҳам, умра қилмоқчи бўлганлар ҳам эҳром боғласинлар, агар мен жонлиқ келтирмаганимда эрди, умрага эҳром боғлаган бўлар эрдим»,— дедилар. Шундан сўнг, баъзиларимиз ҳажга, баъзиларимиз умрага эҳром боғладик, мен умрага эҳром боғлаганлар орасида эрдим. Шунда мен ҳайз кўриб қолдим. Бул ҳақда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга маълум қилдим. Жаноб Расулуллоҳ: «Умрани қўя турғил, сочингни ёзиб, ғусл айлаб олғил-да, ҳажга талбия айтғил!» — дедилар. Кейин, Ҳасба кечаси мени укам Абдурраҳмон бирлан бирга Танъимга юбордилар, мен қазо бўлган умрани адо этиб, қайтдим».

#### **6-боб. Танъим умраси ҳақида**

808 . عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَهُ أَنْ يُرْدِفَ عَائِشَةَ وَيُعْمِرَهَا مِنَ التَّنْعِيمِ .

*Абдурраҳмон ибн Абу Бакр разияллоҳу анҳу хабар беришларича,* Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишига Оишани туяга миндириб, Танъим умрасига олиб бормоқни амр қилганлар. Суфён ибн Уяйна бу ҳадисни Амрдан бир маротабагина эшитганларини айтдилар.

*Ато ривоят қиладилар:* «Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу айтадилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари бирлан ҳажга ният айлаб, эҳром кийдилар. Ўшанда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Талҳадан бўлак ҳеч кимда жонлиқ йўқ эрди. Али разияллоҳу анҳу эрса, Ямандан жонлиқ олиб келган эрдилар. Ул киши: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам нимага ният айлаб, эҳром боғлаган бўлсалар, мен ҳам ўшанга эҳром боғладим»,— дедилар. Кейин, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам жонлиғи йўқ асҳобларига умрага ният айлаб, Каъбани тавоф этмакни, сўнг сочларини қисқартириб, эҳромдан чиқмоқни амр қилдилар.

Иттифоқо, Оиша ҳайз кўриб қолиб, Каъбани тавоф қилмақдан бўлак барча ҳаж удумларини адо этдилар. Ул киши покланганларидан кейингина Каъбани тавоф айлаб: «Ё Расулуллоҳ, сизлар ҳаж ва умра қилиб қайтмақдасизлар, мен эрсам, ҳаж қилганимча қолдим»,— дедилар. Шунда Жаноб Расулуллоҳ Абдурраҳмон ибн Абу Бакрга Оиша бирлан бирга Танъимга бормакни буюрдилар. Оиша онамиз Зулҳижжа ойида ҳаждан кейин умра қилдилар».

#### **7-боб. Ҳаждан кейин жонлиқсиз умра қилмоқ ҳақида**

810 . عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : خَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُوَافِينَ لِهَلَالِ ذِي الْحِجَّةِ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ أَحَبَّ أَنْ يُهَلَّ بِعُمْرَةٍ فَلْيُهَلِّ ، وَمَنْ أَحَبَّ أَنْ يُهَلَّ بِحِجَّةٍ فَلْيُهَلِّ ، وَلَوْ لَا أَنِّي أَهْدَيْتُ لَأَهْلَيْتُ بِعُمْرَةٍ ) . فَمِنْهُمْ مَنْ أَهَلَّ بِعُمْرَةٍ ، وَمِنْهُمْ مَنْ أَهَلَّ بِحِجَّةٍ ، وَكُنْتُ مِمَّنْ أَهَلَّ بِعُمْرَةٍ ، فَحَضُّتُ قَبْلَ أَنْ أَدْخُلَ مَكَّةَ ، فَأَذَرْتُ كَنِيَّ يَوْمَ عَرَفَةَ ، وَأَنَا حَائِضٌ ، فَشَكَوْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ ( دَعِيَ عُمْرَتِكَ ، وَانْتَضَى رَأْسَكَ وَامْتَشِطِي ، وَأَهْلِي بِالْحَجِّ ) . فَفَعَلْتُ ، فَلَمَّا كَانَتْ لَيْلَةَ الْحَصْبَةِ أُرْسِلَ مَعِيَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ إِلَى التَّنْعِيمِ ، فَأَرَدَفَهَا ، فَأَهْلَيْتُ بِعُمْرَةٍ مَكَانَ عُمْرَتِهَا ، فَقَضَى اللَّهُ حَجَّهَا وَعُمْرَتِهَا ، وَلَمْ يَكُنْ فِي شَيْءٍ مِنْ ذَلِكَ هَدْيًا ، وَلَا صَدَقَةً ، وَلَا صَوْمًا .

*Оиша разияллоху анҳо ривоят қиладилар:* «Биз Зулҳижжа ойи арафасида Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бирлан бирга ҳажга чиқдик. Жаноб Расулulloҳ: «Умра қилмакни истаганлар ҳам, ҳаж қилмакни истаганлар ҳам, эҳром боғласинлар. Мен жонлиқ келтирмаганимда албатта умрага эҳром боғлар эрдим»,— дедилар. Шунда саҳобаларнинг бир қисми умрага, қолганлари ҳажга эҳром боғладилар. Мен эрсам, умрага эҳром боғлаган эрдим. Маккага келганимизда ҳайз кўриб қолдим, арафа куни эрди. Мен Жаноб Расулulloҳга бу ҳақда маълум қилдим. Ул киши: «Умрани кўя турғил, сочингни ёзиб, ғул қилиб олғил-да, ҳажга эҳром боғлағил!» — дедилар. Мен айтганларини қилдим. Ҳасба кечаси мени укам Абдурраҳмон бирлан бирга Танъимга юбордилар. Укам мени туяга мингаштириб, Танъимга олиб боргач, қазо бўлган умра ўрнига қайтадан умра қилмак учун эҳром боғладим. Оллоҳ таоло ҳаж ва умра қилмакни менга насиб этди. Бунда қўшимча жонлиқ ҳам, садақа ҳам ва рўза тутмак ҳам талаб қилинмағайдир».

### 8-боб. Умранинг савоби (ажри) чекилган машаққатга яраша бўлғайдир

وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ يَصْدُرُ النَّاسُ بِنُسُكَيْنِ وَأَصْدُرُ بِنُسُكٍ فَقِيلَ لَهَا ( اِنْتَظِرِي ، فَإِذَا طَهَّرْتَ فَاخْرُجِي إِلَى التَّنْعِيمِ ، فَأَهْلِي ثُمَّ أَتَيْنَا بِمَكَانٍ كَذَا ، وَلَكِنَّهَا عَلَى قَدَرٍ نَفَقَتِكَ ، أَوْ نَصَبِكَ ) .

*Қосим ибн Муҳаммад ривоят қиладилар:* «Оиша разияллоху анҳо: «Ё Расулulloҳ, одамлар бир йўла ҳаж ва умра қилдилар, мен эрсам, ҳаж қилганимча қолдим»,— дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Поклангунингча сабр айлағил, кейин Танъимга бориб, эҳром боғлағил, биз сени фалон ерда кутиб турғайдирмиз, бироқ қилган умрангнинг савоби чеккан машаққатингга яраша бўлғайдир»,— дедилар».

### 9-боб. Умра тавофини адо этган киши Тавофи видоъ қилмаса ҳам бўладирми?

*Оиша разияллоху анҳо ривоят қиладилар:* «Ҳаж ойларидан бирида ҳажга таҳлил айтиб йўлга тушдик, иттифоқо ҳаж манъ қилиниб, Сариф деган ерда кўндик. Жаноб Расулulloҳ Саҳобаларга: «Кимки жонлиқ олиб келмаган эрса, ҳаж ўрнига умра қилсин, жонлиқ олиб келганлар эрса, бундоқ қилмасинлар!» — дедилар. Набий саллаллоху алайҳи ва саллам ва бир қанча бадавлат саҳобалар жонлиқ келтиришган бўлиб, улар умра қилмадилар. Мен йиғлаб ўтирган эрдим. Ҳузуримга Жаноб Расулulloҳ кириб: «Нега йиғлаётирсен?» — деб сўрадилар. «Мен саҳобаларингизга айтган сўзларингизни эшитдим, демак, мен умра қилолмас эрканман-да?!» — дедим. Ул киши: «Нега бундоқ дерсан?»—деб сўрадилар. Мен: «Бенамоз бўлиб қолдим»,— дедим. Ул киши: «Ҳечқиси йўқдир, сен ҳам Одам Ато қизларидандирсан, уларнинг пешоналарига неки ёзилган эрса, сенинг манглайингга ҳам шул ёзилгандир, ҳажни давом эттиравеғил, шояд, Оллоҳ таоло сенга умра қилмакни насиб этса!» — дедилар. Мен ҳажни давом эттиравеғим. Минодан чиқиб, Муҳассабага келиб тушдик. Шунда, Жаноб Расулulloҳ укам Абдурраҳмонни чақириб: «Опанг бирлан Танъимга

борғил, умрага эҳром боғлаб, тавоф айлаб келсин, мен сизларни шул ерда кутиб турғайдирман»,— дедилар. Биз кечаси умра қилиб келганимиздан кейин, «Умра қилиб келдингизларми?»—дедилар. Мен: «Ҳа»,—дедим. Шундан сўнг, саҳобаларга йўлга чиқмакни буюрдилар. Одамлар қўзғолишди, бомдоддан илгари Каъбани тавоф айлаганлар ҳам йўлга тушдилар. Жаноб Расулulloҳ Мадинага қараб йўл олдилар».

### **10-боб. Умрада нима қилинса, ҳажда ҳам шу қилинадир**

*Ато разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Жиъронада эрканликларидан жубба кийган, ўзига хушбўй нарса сепиб олган бир одам келиб: «Умрани қай тариқа адо айламакни амр этғайдирсиз?» — деб сўради. Шул пайт, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий келиб қолиб, кийимлари бирлан бошларини буркаб олдилар. Мен пайғамбаримизнинг ваҳий келган ҳолатларини кўргим келди. Умар мендаги бу истакни сезиб: «Бу ёққа келғил, мен пайғамбаримизнинг ваҳий келган ҳолатларини кўрмошнгга ёрдам берғайман»,— дедилар-да, пайғамбаримиз ёпиниб олган кийимларининг бир тарафини кўтардилар. Қарасам, ул киши бўталоқдек пишиллаб нафас олаётган эрканлар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига келиб: «Умра хусусинда сўраган одам қани?» — деб сўрадилар ва унга: «Устингдаги жуббани ечғил-да, яхшилаб ювиниб, ҳажда неки қилсанг, умрада ҳам шуни қилғил!»—дедилар».

*Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Болалик чоғимда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг заифалари — Оиша онамизга: «Оллоҳ таолонинг «Сафо ва Марва(ни тавоф айламак) Оллоҳнинг удумларидандир, кимки Каъбани тавоф айлаб, ҳаж қилғайдир, ёким умра қилғайдир-у, кейин Сафо ва Марвани тавофи саъй этғайдир, гуноҳ бўлмағайдир» деган ояти каримаси хусусида не дерсиз? Назаримда, Сафо ва Марвани тавоф айламаган киши гуноҳкор бўлмаса керак?»—дедим. Оиша онамиз бундай дедилар: «Мутлақо ундоқ эрмас, агар сен айтганингча бўлганда, Сафо ва Марвани тавоф айламаса, ҳеч ким гуноҳкор бўлмас эрди. Бироқ, бул оят Манот деган бутга сиғинган ансорлар ҳақида нозил бўлгандир. Ансорлар Сафо ва Марва оралиғида тавоф қилмакка ботинишмас эрди (гуноҳ бўладир, деб ўйлашар эрди). Улар Ислом даври келиб, мусулмон бўлганларидан кейин, Жаноб Расулulloҳдан шул хусусда сўрадилар. Шунда Оллоҳ таоло ул кишига: «Сафо ва Марва(ни тавоф айламак) Оллоҳ удумларидандир, кимки Каъбани тавоф айлаб ҳаж қилғайдир ёким умра қилғайдир-у, кейин Сафо ва Марвани тавофи саъй қилғайдир, гуноҳ бўлмағайдир» деган ояти каримасини нозил қилди».

Ҳишом ибн Урва: «Оиша онамиз: «Марва ва Сафони тавоф айламаган одамнинг ҳаж ва умрасини Оллоҳ қабул қилмағайдир» деб айтганлар»,— дейдилар.

### **11-боб. Умра қилган одам қачон эҳромини ечадир?**

*Ато разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига ҳаж ўрнига умра қилмакни ҳамда Каъба тавофидан сўнг, сочларини қисқартириб, эҳромларини ечмакни буюрдилар».

*Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам умра қилдилар, биз ҳам бирга умра қилдик. Жаноб Расулulloҳ Маккага кириб тавоф айлаганларида, биз ҳам ул киши бирлан бирга тавоф айладик. Кейин, Сафо ва Марвага келдилар, биз ҳам ул киши бирлан бирга келдик. Биз ул кишини Макка аҳлидан бирортаси отиб қўймасин деб, пана қилиб юрдик».

*Исҳоқ ибн Иброҳим ривоят қиладирлар:* «Менинг бир ошнам Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан: «Жаноб Расулulloҳ Каъбага кирдиларми?» — деб сўрабдир. Шунда ул: «Йўқ»,— деб жавоб берибдир. Ўша ошнам Абдуллоҳ ибн Абу Авфога: «Набий

саллаллоҳу алайҳи ва саллам заифалари Хадича хусусинда не деганлар, сўзлаб беринг!» — дебдир. Абдуллоҳ ибн Абу Авфо: «Жаноб Расулulloҳ, Хадичага унинг учун жаннатда шакарқамишдан қурйилган уй атаб қўйилганини ва унда ғаму ташвиш ҳамда машаққат йўқлиғини айтиб, хурсанд қилингизлар, деганлар»,— дебдир».

*Амр ибн Динор ривоят қиладирлар:* «Биз Ибн Умар разияллоҳу анҳудан: «Кимки, умра жараёнида Сафо ва Марвани тавоф айламай, фақат Каъбани тавоф этмак билангина чекланса, аёлига яқинлик қила олғайдирми?»— деб сўрадик. Ул киши: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келиб, Каъбани етти марта тавоф айладилар, сўнг Мақоми Иброҳим орқасида икки рақъат тавоф намози ўқиб, Сафо ва Марва орасида етти марта саъй қилдилар»,— дедилар-да, «Расулulloҳда сизлар учун яхши ибратлар мавжуддир» деган оятни ўқидилар».

*Амр ибн Динор ривоят қиладирлар:* «Биз Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан сўраган эрдик, ул киши: «Сафо ва Марвани тавоф айламагунча аёлларингизга яқинлашмангиз!»—деб айтдилар».

*Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Батҳода эрканликларидида ҳузурларига бордим, ул киши туяларини чўктириб қўйган эрканлар. Мени кўриб: «Ҳаж қилиб келдингми?» — дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. «Нимага (ҳажгами? умрагами?) таҳлил айтдинг?» — дедилар. «Жаноб нимага таҳлил айтган бўлсалар, мен ҳам ўшанга таҳлил айтдим»,— дедим. Ул киши: «Яхши қилибдирсен, Каъба ҳамда Сафо ва Марвани тавоф айлағил-да, эҳромингни ечғил!» — дедилар. Айтганларини қилдим. Кейин, Қайс қабиласига мансуб бир аёлнинг олдида бордим, ул сочимни калта қилиб қўйди, сўнг эҳромимни ечдим. Кейин, Ҳазрат Умар халифа бўлганларига қадар шул ҳақда фатво бериб юрдим. Ҳазрат Умар халифа бўлганларидан сўнг, шул хусусда айтган эрдим, ул киши: «Агар Қуръонни олиб ўқисак, бошлаган ишимизни ниҳоясига етказмоқ, Жаноб Расулulloҳнинг суннатларига риоя қилмоқ буюрилганлигини англағайдирмиз, чунким Расулulloҳ қурбонликка аталган жонлиқларини забҳ қилмагунларича эҳромларини ечмаганлар»,— деб айтдилар».

811. عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّهَا كَانَتْ كُلَّمَا مَرَّتْ بِالْحَجُّونِ تَقُولُ : صَلَّى اللَّهُ عَلَى مُحَمَّدٍ ، لَقَدْ نَزَلْنَا مَعَهُ هَاهُنَا ، وَنَحْنُ يَوْمَئِذٍ حِفَافٌ ، قَلِيلٌ ظَهْرُنَا ، قَلِيلَةٌ أَرْوَادُنَا ، فَاعْتَمَرْتُ أَنَا وَأُخْتِي عَائِشَةُ وَالزُّبَيْرُ وَفُلَانٌ وَفُلَانٌ ، فَلَمَّا مَسَحْنَا الْبَيْتَ أَحَلَّلْنَا ، ثُمَّ أَهَلَّلْنَا مِنَ الْعَشِيِّ بِالْحَجِّ .

*Абуласвад ривоят қиладирлар:* «Асмо бинти Абу Бакрнинг мавлоси Абдуллоҳ, Асмонинг ҳар сафар Ҳажундан ўтаётиб, «Оллоҳ Муҳаммадни раҳмат қилсин, биз ул киши бирлан мана шул ерга тушганмиз, ўшанда юкимиз енгил, туяларимиз ва озуқамиз оз эрди. Мен, синглим Оиша, Зубайр ва фалончи-пистончилар умра қилган эрдик. Каъбани ўпиб, силаб тавоф айлаганимиздан сўнг, ҳажга эҳром боғлаган эрдик» деганларини эшитган эркан».

## 12-БОБ. Ҳаж, умра ёки ғазотдан қайтганда нима дейилдир?

812. عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : كَانَ إِذَا قَفَلَ مِنْ غَزْوٍ أَوْ حَجٍّ أَوْ عُمْرَةٍ يَكْبِرُ عَلَى كُلِّ شَرْفٍ مِنَ الْأَرْضِ ثَلَاثَ تَكْبِيرَاتٍ ، ثُمَّ يَقُولُ : ( لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ، أَيُّونَ تَأْتِبُونَ عَابِدُونَ سَاجِدُونَ لِرَبِّنَا حَامِدُونَ ، صَدَقَ اللَّهُ وَعْدَهُ ، وَتَصَرَّ عَبْدُهُ ، وَهَزَمَ الْأَحْزَابَ وَحْدَهُ ) .

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, ғазот ёким ҳаж ёҳуд умрадан қайтаётганларидида ҳар

бир тепаликда тўхтаб, уч маротабадан такбир айтар эрдилар, сўнг: «Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, ул якка-ю ягонадир, унинг шериги йўқдир, жамики нарсалар унинг мулкидир, унга ҳамду санолар бўлсин! Ул ҳамма нарсага қодирдир! Биз (куфрдан) қайтаётормиз, тавба қилаётормиз, раббимизга ибодат ва саждалар айлаётормиз, ҳамду санолар айтаётормиз. Оллоҳ ваъдасига содиқдир, ул бандаларининг қўлини баланд қилиб, жамики душманларини якка ўзи тор-мор айлади»,—дер эрдилар».

### 13-боб. Келаётган ҳожиларни кутиб олмоқ

813 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : لَمَّا قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَكَّةَ ، اسْتَقْبَلَهُ أُغَيْلِمَةُ بِنْتُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ ، فَحَمَلَتْ وَاحِدًا بَيْنَ يَدَيْهِ وَآخَرَ خَلْفَهُ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келганларида Баний Абдулмуталлибга мансуб болалар қаршиларига югуриб чиқишди. Расулulloҳ болалардан бирини олдиларига, иккинчисини орқаларига мингаштириб олдилар».

### 14-боб. Ҳаждан эрта тонгда қайтмоқ ҳақида

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага сафар қилсалар, йўлда «Шажара» масжидида намоз ўқиб ўтар эрдилар. Маккадан қайтишда эрса, Зулҳулайфа водийсида намоз ўқиб, тонг ёришгунча ўшал ерда қолур эрдилар».

### 15-боб. Ҳаждан шомда қайтмоқ ҳақида

814 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَطْرُقُ أَهْلَهُ ، كَانَ لَا يَدْخُلُ إِلَّا غُدُوَةً أَوْ عَشِيَّةً .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларига бевақт эшик тақиллатиб келмас эрдилар. Борди-ю, ҳаждан кеч қайтсалар, хуфтондан олдин ёким тонг чоғи уйларига кирар эрдилар».

### 16-боб. Мадинага кеч қайтса, эшик тақиллатиб уйдагиларни безовта қилмаслик ҳақида

815 . عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَطْرُقَ أَهْلَهُ لَيْلًا .

*Жобир разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаждан кечаси қайтсалар, эшик тақиллатиб, аҳли аёлларини безовта қилмас эрдилар»,— дейдилар.

### 17-боб. Мадинага яқин қолганда туясини тезлаштирган киши хусусида

816 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَدِمَ مِنْ سَفَرٍ ، فَأَبْصَرَ دَرَجَاتِ الْمَدِينَةِ أَوْضَعَ نَاقَتَهُ ، وَإِنْ كَانَتْ دَابَّةً حَرَكَهَا ، وَزَادَ فِي رِوَايَةٍ : مِنْ حُبِّهَا .

*Анас разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафардан қайтаётганларида узоқдан Мадина дарахтлари кўриниши биланоқ туяларини тезлаштирар эрдилар»,— дейдилар. Абу Абдуллоҳ Анас разияллоҳу анҳу ривоятига қўшимча қилиб: . «Ул киши бирлан бирга, Мадинани яхши кўрган кишилар ҳам уловларини тезлаштиришар эрди»,—дейдилар.

*Анас разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинанинг деворлари кўриниши биланоқ туяларини тезлаштирар эрдилар»,— деб ҳам айтганлар.

### **18-боб. Оллоҳ таолонинг «Уйларга эшик орқали кирингиз!» деган каломи шарифи ҳақида**

Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бу оят бизнинг ҳақимизда нозил бўлган эрди. Чунки бир пайтлар ансорлар ҳаждан қайтишда уйларига эшик қолиб, томдан ошиб тушишар эрди. Бир куни ансорлардан бири уйига эшик орқали кирди, бу бирлан қолганлар устидан ўзича кулган бўлди. Шунда Оллоҳ таолонинг «Савоб, уйларга томдан ошиб тушишда эрмас, балки Оллоҳдан тақво қилишдадир, уйларга эшикдан кирингиз!» — деган ояти кариймаси нозил бўлди».

### **19-боб. Сафар азобнинг бир парчасидир! (сафар азоби — гўр азоби)**

817 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( السَّفَرُ قِطْعَةٌ مِنَ الْعَذَابِ ، يَمْنَعُ أَحَدَكُمْ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ وَنَوْمَهُ ، فَإِذَا قَضَى نَهْمَتَهُ فَلْيَعَجِّلْ إِلَى أَهْلِهِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сафар азобнинг бир парчасидир (сафар азоби — гўр азоби), бирингиз таомсиз, бирингиз сувсиз ва яна бирингиз уйқусиз қолғайдирсиз. Сафарингизни (ҳожатингизни) тугатибоқ бола-чақангиз олдиға шошилингиз!» — деб айтганлар»,— дейдилар.

### **20-боб. Мусофир сафарда қийналиб қолса, уйига қайтадир**

*Зайднинг оталари Аслам ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Умар бирлан бирга Маккага кетаётган эрдим. Абдуллоҳга Сафийя бинти Абу Убайданинг қаттиқ бетоб бўлиб қолганлиғини хабар қилишди. Шунда, ул киши уловларини тезлаштирдилар, Қуёш шафағи ғойиб бўлгач, бир жойда тушиб, шом бирлан хуфтонни қўшиб ўқидилар. Сўнг: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлда қийналиб қолганларида шомни кечиктириб, хуфтОнга қўшиб ўқиганларини кўрганман»,— дедилар».

## **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ МУҲСАР (ҚАМАЛДА ҚОЛГАН КИШИ) ВА ОВДАН ТЕГАДИРГАН УЛУШ ҲАҚИДА ҲАМДА ОЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ «АГАР ҚАМАЛДА ҚОЛСАНГИЗ, ҚУРБОНЛИК ҚИЛМОҒИНГИЗГА НЕЧУК ЖОНЛИҚ НАСИБ БЎЛСА, ЎШАНИ ЗАБҲ ЗТМАГУНИНГИЗЧА СОЧИНГИЗНИ ОЛДИРМАНГИЗ!» ДЕГАН КАЛОМИ ШАРИФИ ХУСУСИДА**

### **21-боб. Умра қилғувчи қамалда қолса...**

*Нофиъ ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу фитна содир бўлган йили (яъни, Ҳажжож Маккани қамал қилган йили) умра қилмоқ ниятида Маккага келдилар-да, «Агар Каъбага мени қўймасалар, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан илгари қандоқ қилган эрсак, шундоқ қилғайдирман»,— дедилар. Кейин, умрага талбия айтдилар, чунки Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Ҳудайбия йили умрага талбия айтгандилар».

*Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ва Солим ибн Абдуллоҳ иккаларари, Ибн Зубайр тасарруфидаги ерларга (Ҳажжож) қўшини келиб тушган кеча, Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳуга: «Бу йил сиз ҳаж қилмасангиз, ҳеч нарса қилмағайдир, (душманлар) сизни Каъбага қўйишмағайдир, деган хавфдамиз»,— деб айтишди. Шунда ул киши: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ҳажга чиққанганимизда ҳам Қурайш кофирлари бизни Каъбага қўйишмаган эрди, ўшанда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам жонлиқларини сўйиб,



кейин сочларини олдирган эрдилар. Сизларнинг гувоҳлигингизда умра қилмоққа аҳд этдим, худо хоҳласа, йўлга чиққайдирман. Борди-ю, йўлимни тўсишмаса, Каъбани тавоф айлағаймен, башарти тўсишса, унда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга илгари нима қилган бўлсак, шуни қилғайдирмен»,— дедилар. Кейин, Зулҳулайфадан бошлаб талбия айтганча бир оз юрдилар-да, «Иккаласининг (ҳаж ва умранинг) амаллари бир хилдир, мен сизларнинг гувоҳлигингизда бир йўла ҳаж бирлан умра қилмоққа аҳд этдим»,— деб айтдилар. Сўнг, ул киши ҳаж бирлан умрани адо этиб, жонлиқларини сўймагунларича эҳромларини ечмадилар. Ул киши доим: «Мақкага кирилган куни Каъбани бир маротаба тавоф айламай, эҳром ечилмағайдир»,— дер эрдилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳунинг ўғилларидан бири (Абдуллоҳ, Убайдуллоҳ ёки Солим) Нофиъга: «Фитна вақтида ҳажга бормай, Мадинада туриб турсангиз, яхши эрди»,— деб айтган эканлар.

818 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَدْ أَحْصَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَحَلَقَ رَأْسَهُ وَجَامَعَ نِسَاءَهُ وَتَحَرَ هَدْيَهُ ، حَتَّى اعْتَمَرَ عَامًا قَابِلًا .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «(Душманлар) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж айламоқларига тўсқинлик қилдилар. Шунда, Жаноб Расулulloҳ сочларини олдириб, аёлларига яқинлик қилдилар, қурбонлик қилдилар. Умрани эрса, келаси йили адо этдилар»,— дедилар.

## 22-боб. Ҳаж вақтида бўладирган тўсқинликлар ҳақида

819 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ كَانَ يَقُولُ : أَلَيْسَ حَسْبُكُمْ سُنَّةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ إِنْ حُبِسَ أَحَدُكُمْ عَنِ الْحَجِّ طَافَ بِالْبَيْتِ وَبِالصَّفَا وَالْمَرْوَةِ ثُمَّ حَلَّ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ ، حَتَّى يُحِجَّ عَامًا قَابِلًا ، فَيَهْدِي أَوْ يَصُومُ إِنْ لَمْ يَجِدْ هَدْيًا .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Мободо, бирортангиз ҳаж вақтида (душман) тўсқинлигига дуч келсангиз, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари сизларга кифоя қилмағайдирми (яъни, Жаноб Расулulloҳ шундоқ тўсқинликка дуч келганларида қилган амалларини адо этсангиз, кифоя қилмағайдирми)? Жаноб Расулulloҳ ҳажда тўсқинликка дуч келганларида Каъба ҳамда Сафо ва Марвани тавоф айлаб, эҳромларини ечганлар-да, шу бирлан ҳажни тугатганлар. Кейин, келаси йили ҳаж қилиб, жонлиқ сўйганлар. Жонлиқ топмасалар, ўрнига рўза тутганлар»,— дедилар.

## 23-боб. Тўсқинликка учраганда соч олдиришдан бурун қурбонлик қилмоқ ҳақида

820 . عَنْ الْمِسْوَرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، تَحَرَ قَبْلَ أَنْ يُحَلِقَ ، وَأَمَرَ أَصْحَابَهُ بِذَلِكَ .

*Мисвар разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам соч олдиришдан бурун жонлиқ сўйдилар ва саҳобаларга ҳам шундай қилмоқни буюрдилар»,— дейдилар.

*Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ва Солим оталари Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳуга: «Бу йил ҳажга бормасангиз, яхши бўлар эрди, душманлар тўсқинлик қилмаса, деб қўрқаймиз»,— дейишганда, ул киши: «Биз Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга умра қилмоқ ниятида чиққанимизда ҳам Қурайш кофирлари Каъба йўлини тўсиб, бизни ўтказишмаган эрди. Шунда, Жаноб Расулulloҳ туяларини сўйиб, сўнг сочларини олдириш эрдилар»,— деб айтдилар».

## 24-боб. Ҳажда тўсқинликка учраган кишига қайта (ўша йили) ҳаж қилмоқ лозим эрмас

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Ҳажини дунёвий лаззат бирлан бузган одамгина қайта ҳаж қилмоғи лозимдир, аммо бирор узрли сабаб бирлан ҳаж чала қолган бўлса, қайта ҳаж қилмағайдир. Агар ҳажда тўсқинликка дуч келган кишининг жонлиғи бўлса-ю, уни бирор киши орқали қурбонлик қилинадирган жойга бериб юбормоқ имкони бўлмаса, ўзи забҳ қилғайдир. Борди-ю бериб юбормоқ имкони бўлса, жонлиқ ўша ерга олиб бориб сўйилмагунча, эҳромини ечмай турғайдир».

*Имом Молик ва бошқалар бундай дейишадир:* «Ҳажда тўсқинликка учраган киши қаерда турган бўлса, ўша ерда жонлиғини сўйиб, сочини олдираверғайдир, бунинг учун қайта ҳаж қилиб ўтирмағайдир, чунким Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва ул кишининг саҳобалари Ҳудайбияда тўсқинликка дуч келишганда, ўша турган ерларида жонлиқларини сўйиб, сочларини олдираверганлар. Улар Каъбани тавоф айламай, жонлиқлари қурбонлик қилинадирган жойга олиб борилмай туриб, барча ҳаж таъқиқларидан халос бўлишди. Ушанда, Жаноб Расулulloҳнинг саҳобалардан бирортасига (ҳам) қайта ҳаж қилмоқни буюрганликлари тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Ҳудайбия ҳарамдан (муқаддас жойдан) ташқаридадир».

*Нофий разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу (Ҳажжож) фитна қилган йили Маккага умра айламоққа келганларида, «Башарти, душманлар йўлимни тўсиб, Каъбага ўтказишмаса, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга илгари нима қилган бўлсак, шуни қилғайдирман»,— дедилар-да, умрага талбия айтдилар. Чунким Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбия йили умрага талбия айтган эрдилар. Ибн Умар бир оз мулоҳаза қилиб туриб: «Ҳаж ва умранинг удумлари бир хил бўлгач»,— дедилар-да, ҳамсуҳбатларига қараб, «Мен сизларнинг гувоҳлигинида бир йўла ҳаж ва умра қилмоққа аҳд этдим»,— деб қўшиб қўйдилар. Кейин, ул киши Каъбани бир марта тавоф айлаб, «Шу кифоя қилғайдир»,— деб жонлиқларини забҳ этдилар».

## 25-боб. Оллоҳ таолонинг «Қайси бирингизким бетоб бўлғайдирсиз ёким бошингизда иллатингиз (бит) бўлғайдир, товон учун рўза тутғайдирсиз ёким садақа қилғайдирсиз ёхуд жонлиқ қурбонлик этғайдирсиз, буларнинг қайси оирини қилмоқ сизнинг ихтиёрингиздадир, бироқ рўза тутсангиз, уч кун тутғайдирсиз» деган каломи шарифи хусусида

*Каъб ибн Ужра разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (менга): «Ҳашоратлар (бит) сени безовта қилса керак»,— дедилар. «Ҳа, ё Расулulloҳ»,— дедим. Ул киши: «Сочингни олдириб, уч кун рўза тутғил ёким олти мискинни тўйдирғил ёким бир қўйни қурбон қилғил!»— дедилар».

## 26-боб. Оллоҳ таолонинг «... ёким садақа...» деган сўзи олти мискинни тўйдирмоқни англатадир

821 . عَنْ كَعْبِ بْنِ عَجْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : وَقَفَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْحُدَيْبِيَّةِ ، وَرَأْسِي يَتَهَافَتُ قَمَلًا ، فَقَالَ : ( يُوذِيكَ هَوَامُكَ ) . قُلْتُ : نَعَمْ ، قَالَ : ( فَاحْلِقْ رَأْسَكَ ، أَوْ قَالَ احْلِقْ ) . قَالَ فِي نَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ : ﴿ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ بِهِ أَذًى مِنْ رَأْسِهِ ﴾ إِلَى آخِرِهَا . فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ( صُمْ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ ، أَوْ تَصَدَّقْ بِفَرَقٍ بَيْنَ سِنْتَةٍ ، أَوْ انْسُكْ بِمَا تَيْسَّرَ ) .

وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي رِوَايَةٍ قَالَ : نَزَلَتْ فِيَّ خَاصَّةً وَهِيَ لَكُمْ عَامَّةٌ .

*Каъб ибн Ужра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбияда эканлиғимизда тепамда турган эрдилар, бошимни битлаб кетганлиғини кўриб: «Сени битлар безовта қилаётирми?» — дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим. Ул киши: «Сочингни олдирғил!» — дедилар. Шу пайт, Оллоҳ таолонинг «Қайси бирингизким бетоб бўлғайдирсиз ёким бошингизда иллатингиз (бит) бўлғайдир..» деган ояти мени деб нозил бўлди. Шунда, Жаноб Расулulloҳ менга: «Уч кун рўза тутғил, ёким олти мискинга бир фарқ (16 ратл) таом берғил, ёҳуд қурбингга қараб жонлиқ қурбонлиқ қилғил!» — дедилар».

### **27-боб. Фидя (жарима) учун ярим соъ таом садақа қилмоқ ҳақида**

*Абдуллоҳ ибн Маъқил ривоят қиладилар:* «Каъб ибн Ужра разияллоҳу анҳунинг ёнида ўтирган эрдим, ундан фидя тўғрисида сўрадим, ул киши: «Мазкур оят менинг ҳақимда нозил бўлган эрса ҳам, сизларнинг барчангизга тааллуқлидир. Ушанда мени Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бир юмуш бирлан юборишган эрди, бошимдан битлар юзимга тўкилиб турар эрди. Шунда Жаноб Расулulloҳ менга: «Сени бунчалик битлаб кетгансан, деб ўйламаган эрдим, жуда қийналиб қолибсан-ку! Битта қўй топа олғаймисен?»—дедилар. Мен: «Йўқ»,— дедим. «Унда уч кун рўза тутғил ёким олти мискинни тўйдирғил, ҳар бир мискинга ярим соъдан таом берғил!» — дедилар (1 соъ — 4 мудд, 1 мудд—1,33 ратл)».

### **28-боб. Фидя учун бир қўй қурбонлиқ қилинадир**

*Абдурраҳмон ибн Абу Лайло ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъб ибн Ужранинг бошидан юзига бит ўрмалаб турганини кўриб: «Сени бит безовта қилаётирми?»—дедилар. Каъб: «Ҳа»,— деди. Жаноб Расулulloҳ унга сочини олдирмоқни буюрдилар. Шунда улар Ҳудайбияда туришган бўлиб, эҳромларини шу ерда ечиш-ечмасликлари аниқ эмас эрди, чунки улар Маккага кирмоқ ниятида эрдилар. Шу пайт, Оллоҳ таоло фидя ҳақидаги ояти каримасини нозил қилди. Мазкур оятга биноан, Жаноб Расулulloҳ олти мискинни бир фарқ таом бирлан тўйдирмоқни ёким бир қўй қурбон қилмоқни ёҳуд уч кун рўза тутмоқни буюрдилар».

### **29-боб. Оллоҳ таолонинг «... шалоқ сўз... (айтилмағайдир)» деган каломи шарифи хусусида**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Каъбага ҳаж қилган киши шалоқ сўз айтмай, бузуқлик қилмай, онасидан туғилгандек пок бўлиб қайтсин!» — дедилар».

### **30-боб. Оллоҳ таолонинг «Ҳажда бузуқлик ҳам, жанжал ҳам бўлмасин!» деган каломи шарифи хусусида**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Байтуллоҳга ҳаж қилган киши шальқ сўзламай, бузуқлик қилмай, онаси туққан кундагидек пок бўлиб қайтсин!» — дедилар».

## **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

### **1-боб. Ҳаж вақтидаги ов ва шу кабилар жариймаси ҳақида**

Оллоҳ таоло бу хусусда бундай дейдир: «Эҳромдалиғ кезингизда ҳайвонларни ов қилиб, ўлдирмангиз, қайси бирингизким қасддан ўлдирғайдирсиз, ўлдирилган ҳайюнга яраша жарийма тўлағайдирсиз. Бунда, ораларингиздан икки адолатлиғ киши тайин этилиб, улар сизга Каъбага муносиб қурбонлиқ айламоғингизни ёким олтига

мискинга каффорат учун таом бермоғингизни ёхуд қилган ёмонлиғингизнинг жазосини тортмоғингиз учун рўза тутмоғингизни ҳукм қилғайдир. Оллоҳ ўтган гуноҳларни кечирғайдир, аммо кимки қайта гуноҳ қилғайдир, Оллоҳ ундан ўч олғайдир, Оллоҳ ўч олмоққа қодирдир! Ул сизларга ва мусофирларга денгиз ҳайвонларини ов қилмоққа ва уларнинг гўшларини истеъмол айламоққа рухсат этди. Аммо, ул сизларга эҳромдалиғ кезингизда қуруқликдаги ҳайвонларни ов қилмоқни манъ айлағандир. Бир куни ўзларингиз даргоҳида тўпланадирган Оллоҳдан қўрқингиз!

Ибн Аббос ва Анас разияллоҳу анҳумо: «Эҳромдаги одам ов ҳайвонларидан ташқари бўлган туя, қўй, мол, от ва товуқ каби жонлиқларни сўйса, гуноҳи йўқдир»,— дейишадир.

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатода ривоят қиладилар:* «Отам (Абу Қатода) Ҳудайбия йили йўлга тушдилар. Шериклари эҳром боғлашди-ю, ул киши эҳром боғламадилар. Иттифоқо, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга душман босиб келаётганини хабар қилишди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўзғолдилар. «Мен бир неча ўртоқларим бирлан турган эрдим, улар ўзаро кула бошлашди,— дейдилар отам,— қарасам, бир қулон турибдир, дарҳол унга найза санчдим, Кўтаришиб юборингиз, олиб кетайлик! десам, улар бош тортишди. Кейин, биз қолиб, унинг гўштидан едик. Бошқа шерикларимиз кетиб бўлишган эрди, биз улардан ажралиб қолмоқдан қўрқдик. Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга етиб олмоқ учун отимни бир чопдириб, бир йўрғалатиб кетдим. Кечаси мен Баний Рифор қабиласига мансуб бир кишини учратиб қолиб, унга: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламни қаерда қолдириб келмақдасен?» — дедим. Ул киши: «Таъҳинда қолдирдим»,— деди. Мен ул айтган ерга етиб бориб, «Ё Расулulloҳ, аҳли аёлингиз сизга салом айтиб юбордилар, улар сиздан ажралиб қолмоқдан қўрқмақдалар, уларни кутиб турингиз, етиб олишсин!» — дедим. Кейин яна: «Ё Расулulloҳ, бир қулонни отиб олдим, мен унинг гўштидан олиб олганман»,— деб айтдим. Жаноб Расулulloҳ қавмларига, улар эҳромда бўлишларига қарамай, «Олингиз, енгизлар!» — дедилар».

## 2-боб. Эҳром кийганлар ов ҳайвонини кўриб, кулиб қўйишсаю, эҳром киймаган одам буни билиб қолса...

822 . عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ:

أَنْطَلَقْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ الْحُدَيْبِيَّةِ ، فَأَحْرَمَ كَأَصْحَابِهِ وَلَمْ أُحْرَمَ ، فَأَنْبَتْنَا بَعْدُ بِعَيْقَةَ ، فَتَوَجَّهْنَا نَحْوَهُمْ ، فَبَصُرَ أَصْحَابِي بِحِمَارٍ وَحَشٍ ، فَجَعَلَ بَعْضُهُمْ يَضْحَكُ إِلَى بَعْضٍ ، فَتَنَظَّرْتُ فَرَأَيْتُهُ ، فَحَمَلْتُ عَلَيْهِ الْفَرَسَ فَطَعَنْتُهُ فَأَنْبَتُهُ ، فَاسْتَعْتَبْتُهُمْ فَأَبَوْا أَنْ يَعِينُونِي ، فَأَكَلْنَا مِنْهُ ، ثُمَّ لَحِقْتُ بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَخَشِينَا أَنْ نُقْتَطَعَ ، أَرْفَعُ فَرَسِي شَأْوًا وَأَسِيرُ عَلَيْهِ شَأْوًا ، فَلَقَيْتُ رَجُلًا مِنْ بَنِي غِفَارٍ فِي جَوْفِ اللَّيْلِ ، فَقُلْتُ لَهُ : أَيْنَ تَرَكْتَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ؟ فَقَالَ : تَرَكْتُهُ بَنَعْنَهَ ، وَهُوَ قَائِلُ السُّقْيَا ، فَلَحِقْتُ بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى أَتَيْتُهُ فَقُلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنَّ أَصْحَابَكَ أَرْسَلُوا يَقْرَأُونَ عَلَيْكَ السَّلَامَ وَرَحْمَةَ اللَّهِ وَبَرَكَاتِهِ . وَإِنَّهُمْ قَدْ خَشَوْا أَنْ يَقْتَطِعَهُمُ الْعَدُوُّ دُونَكَ ، فَأَنْظِرْهُمْ ، فَفَعَلْتُ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنَّا أَصَبْنَا حِمَارًا وَحَشٍ ، وَإِنَّ عِنْدَنَا مِنْهُ فَاضِلَةٌ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَصْحَابِهِ : ( كُلُوا ) . وَهُمْ مُحْرَمُونَ .

*Абдуллоҳ ибн Абу Қатодага оталари Абу Қатода қуйидаги ҳадисни ривоят қилган эрканлар:* «Ҳудайбия йили Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга йўлга чиқдик. Ул кишининг саҳобалари эҳром боғлашди, мен боғламадим. Ғийқа деган ерда душман тўпланаётганини хабар қилишди. Биз ўшал томонга жўнадик.

Йўлда шерикларим бир қулонни кўриб қолишиб, бир-бирларига қараб кула бошладилар. Мен отимни чопдириб бориб, унга найза санчдим. Кейин, шерикларимдан кўтаришиб кетмоққа ёрдам сўраган эрдим, кўнишмади. Шул боисдан ўшал ерда қолиб, унинг гўштидан едик. Биз Жаноб Расулulloҳдан ажралиб қолмоқдан кўрқдик. Мен отимни гоҳ чопдириб, гоҳ йўрғалатиб кетдим. Тунда Баний Ғифор қабиласига мансуб бир кишини учратиб қолиб, унга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни қай ерда қолдирдинг?» — дедим. Ул: «Таъҳинда», — деб айтди. Кейин, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга етиб олиб: «Ё Расулulloҳ, саҳобаларингиз сизга салом йўллаб, Оллоҳнинг раҳматини тилаб қолдилар, улар душман йўлларини тўсиб, сиздан ажралиб қолмоқдан хавфдалар, етиб олишгунча кутуб турингиз!» — дедим. Кейин яна: «Ё Расулulloҳ, биз қулон овлаган эрдик, гўштидан олиб келганмиз», — деб айтдим. Жаноб Расулуялоҳ саҳобаларга, улар эҳромда бўлишларига қарамай, «Олингиз, енгизлар!» — дедилар».

### 3-боб. Эҳромдаги киши эҳромсиз кишига овни ўлдирмоқда ёрдам бермайдир

*Абу Муҳаммад разияллоҳу анҳу Абу Қатоданинг:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Мадинадан уч қўним наридаги Қоҳа деган ерда бўлдик» — деганини зшитгандим», — дейдилар.

وَعَنْهُ فِي رِوَايَةٍ قَالَ : كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْقَاحَةِ ، مِنَ الْمَدِينَةِ عَلَى ثَلَاثٍ ، وَمِنَّا الْمُحْرِمُ ، وَمِنَّا غَيْرُ الْمُحْرِمِ ، ... الْحَدِيثَ .

وَعَنْهُ فِي رِوَايَةٍ قَالَ : فَلَمَّا أَتَوْا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( أَمِنَكُمْ أَحَدٌ أَمْرَهُ أَنْ يَحْمِلَ عَلَيْهَا أَوْ أَشَارَ إِلَيْهَا ) . قَالُوا : لَا ، قَالَ : ( فَكُلُّوا مَا بَقِيَ مِنْ لَحْمِهَا ) .

*Абу Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Қоҳада бўлдик, орамизда эҳром боғлаганлар ҳам, боғламаганлар ҳам бор эрди. Иттифоқо, шерикларимнинг ниманидир кузатишаётганини пайқаб қолдим, қарасам, бир қулон турибдир. Шул пайт, қамчиним тушиб кетган эрди, улар: «Биз эҳромдадирмиз, сенга ёрдамимиз тегмағайдир», — дейишди. Мен от устида туриб бир амаллаб қамчинимни олдим-да, тепалик орқасига ўтиб, қулонни ўлдирдим. Кейин, уни шерикларим олдига судраб олиб келдим. Шунда, улардан баъзилар: «Енгизлар!» — дейишса, баъзилари: «Емангизлар!» — дейишди. Бунни эшитгач, мен Жаноб Расулulloҳнинг олдиларига бориб: «Не қилайлик?» — дедим. Ул киши: «Еяверингизлар, ҳалолдир (рухсатдир)!» — дедилар».

### 4-боб. Эҳромдаги киши ўзи кўриб қолган ов ҳайвонини эҳромсиз кишига «овлағил!» деб кўрсатмайдир

*Усмон (Ибн Мавҳиб) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳажга ният айлаб, йўлга чиқдилар, саҳобалар ҳам бирга чиқишди. Жаноб Расулulloҳ улардан бир гуруҳини (Абу Қатода ҳам шулар бирлан бирга эрди) тўхтатиб, «Сизлар то учрашмагунимизча денгиз соҳили бўйлаб кетаверингиз!» — дедилар. Улар денгиз ёқалаб юриб кетишди. Йўл-йўлакай Абу Қатодадан ташқари ҳаммалари эҳром боғлаб олишди. Иттифоқо, қулонларни кўриб қолдилар. Абу Қатода дарҳол улардан бирига найза уриб, ўлдирди-да, олиб келди. Ҳаммалари уловдан тушиб, гўштидан (пишириб) ейишди. Кейин: «Эҳромда бўла туриб, ов гўштидан еб қўйибмиз-да?!» — дедилар. Сўнг, қолган гўштни олиб, йўлга

тушдилар. Етиб боришгач, Жаноб Расулulloҳга: «Ё Расулulloҳ, биз йўл-йўлакай эҳром боғлаб олган эрдик, Абу Қатода эрса, боғламаган эрди. Тасодифан қулонлар галасини кўриб қолдик. Абу Қатода улардан бирини овлади, ҳаммамиз уловдан тушиб, гўштидан (пишириб) едик. Кейин: «Эҳромда бўла туриб, ов гўштидан еб қўйибмиз-а?!» — дедик-да, қолган гўштни олиб, олдингизга келавердик»,— дейишди. Шунда, Жаноб Расулulloҳ: «Ўшанда бирортангиз Абу Қатодага овни (қулонларни) кўрсатиб қўймадингизми, ишқилиб?» — дедилар. Улар: «Йўқ»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ундоқ бўлса, қолганини ҳам еб қўйингизлар!» — дедилар».

### 5-боб. Эҳромдаги кишига тирик қулон ҳадя қилинса, олмайдир

823 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، عَنِ الصَّعْبِ بْنِ حَتَّامَةَ اللَّيْثِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، أَنَّهُ أَهْدَى لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِمَارًا وَحَشِييَا ، وَهُوَ بِالْأَنْبَاءِ أَوْ بِوَدَّانَ ، فَرَدَّهُ عَلَيْهِ فَلَمَّا رَأَى مَا فِي وَجْهِهِ ، قَالَ : ( إِنَّا لَمْ نَرُدَّهُ عَلَيْكَ إِلَّا أَنَا حُرْمٌ ) .

*Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Саъб ибн Жассома ал-Лайсий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга Абвоъ (ёки Буддон) деган ерда бир тирик қулон ҳадя қилган эрди, олмадилар. Кейин, унинг хафа бўлганини кўриб: «Биз эҳромда бўлганимиз учунгина ҳадянгни рад этдик»,— дедилар.

### 6-боб. Эҳромдаги одам қандай жонлиқларни ўлдирши мумкин?

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эҳром боғлаган киши беш хил жонлиқни ўлдирса, гуноҳ бўлмағайдир»,— деб айтганлар»,— дейдилар.

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Менга Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларидан бири: «Эҳром боғлаган киши ўлдирмоғи мумкин»,— деб айтгандар»,— дейдилар.

*Ҳафса разияллоҳу анҳо ривоят қиладиларким,* Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Эҳром боғлаган киши) беш тоифа жонлиқни — қарға, калхат, сичқон, чаён ва қопағон итни ўлдирса, гуноҳ бўлмағайдир»,— деб айтган эрканлар.

824 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( خَمْسٌ مِنَ الدَّوَابِّ كُلُّهُنَّ فَاسِقٌ يَقْتُلَنَّ فِي الْحَرَمِ : الْغُرَابُ ، وَالْحِدَاةُ ، وَالْعَقْرَبُ ، وَالْفَأْرَةُ وَالْكَلْبُ الْعَقُورُ ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо айтадиларким,* Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Беш тур ҳайвон — қарға, калхат, чаён, сичқон ва тишланғич ит зараркунанда бўлиб, уларни эҳром боғлаган киши ўлдирса, гуноҳкор бўлмағайдир»,— деган эрканлар.

825 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

بَيْنَمَا نَحْنُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي غَارِ بَمْنَى إِذْ نَزَلَ عَلَيْهِ : ﴿ وَالْمُرْسَلَاتُ ﴾ وَإِنَّهُ لَيَتْلُوهَا ، وَإِنِّي لَأَتَلَقَّهَا مِنْ فِيهِ ، وَإِنَّ فَاهُ لَرَطْبٌ بِهَا ، إِذْ وَبَّتْ عَلَيْنَا حَيَّةٌ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( اقْتُلُوهَا ) . فَأَبْتَدَرْتَاهَا فَذَهَبَتْ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( وَوَيْتٌ شَرُّكُمْ كَمَا وَوَيْتُمْ شَرَّهَا ) .

*Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бундай деб нақл қиладилар:* «Биз Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Минодаги ғорда турганимизда ул кишига «Ва-л-Мурсалот» сураси нозил бўлиб, уни тиловат қилмоққа киришдилар, мен эрсам, ул зотнинг муборак оғизларидан мазкур сура сўзлари чиқиши биланоқ, дарҳол ёд ола бошладим. Иттифоқо, бир илон бизга ташланди, Жаноб Расулulloҳ: «Уни ўлдирингизлар!» — дедилар. Ҳаммамиз илонга ташланган бўлсақда, у қочмоққа

улгурди. Шунда ул киши: «Сизлар илоннинг ёмонлиғидан қутулиб қолганингиздек, ул ҳам сизнинг ёмонлиғингиздан қутулиб қолди»,— дедилар».

826 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ عَنْهَا ، زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِلْوَزْعِ : ( فَوَيْسِقٌ ) . وَلَمْ أَسْمَعْهُ أَمْرًا بِقَتْلِهِ .

*Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари Оиша онамиз ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ калтакесакни кўрсатиб, бу жирканч махлуқ, дедилар, лекин уни ўлдирмакни буюрганларини эшитмаганман». «Бундан, калтакесакни ўлдирмоқ мумкин эрмас, деган хулоса келиб чиқмайдир, чунким улар (саҳобалар) илонни ўлдирмакни гуноҳ, деб ҳисоблашмади-ку!» — дейдилар Абу Абдуллоҳ.

### 7-боб. Макканинг (Ҳарамнинг) дарахтлари буталмайдир

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳарамнинг ҳатто тикани ҳам юлинмағайдир, деб айтганлар»,— дейдилар.

*Саъид ибн Абу Саъид ал-Мақйурий ривоят қиладилар:* «Абу Шурайҳ ал-Адавий Маккага қўшин юбораётган Амр ибн Саъидга: «Эй Амр, менга ижозат берсангиз, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Макка фатҳ қилинган куннинг эртасига айтган сўзларини сизга айтиб берардим, сўзлаётганларини ўз кўзим бирлан кўрганман, гапларини қулоқларим бирлан эшитиб, қалбимга жо қилгандирман»,— деди-да, Жаноб Расулulloҳнинг гапларини Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтиб, қуйидагича нақл қилди: «Маккани Оллоҳ таоло муқаддас қилди, одамлар эрмас, шундоқ бўлгач, Оллоҳга иймон келтириб, охират кунига ишонган киши бул шаҳарда қон тўкмаслиги ва бирорта ўсимликни юлмаслиги лозимдир. Агар бирор киши: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари Маккада жанг қилганлар-ку?!» — деса, «Жаноб Расулulloҳга Оллоҳ таоло ижозат берган, сизларга рухсат берган эрмас»,— деб айтингиз. Оллоҳ таоло менга кундузи фақат бир соатгина жанг қилмоққа рухсат берди. Макканинг кечаги муқаддаслиги бугун яна ўз ўрнига келди. Бул ерда ҳозир бўлганлар келмаганларга сўзларимни етказсинлар!»

«Ўшанда Амр сизга не деган эрди?» — деб сўрашибди Абу Шурайҳдан. «Мен бул ҳақда секдан кўра яхшироқ билғайман, Макка (Ҳарам) осий бандага ҳам, (ноҳақ) қон тўкиб ёким (ноҳақ) вайрон қилиб, қочиб келганга ҳам паноҳ бўла олмағайдир»,— деб айтган эрди»,— дебдилар Абу Шурайҳ.

### 8-боб. Макканинг (ҳарамнинг) ёввойи ҳайвонларини ҳуркитиб бўлмаслиги ҳақида

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Маккани муқаддас қилди. Мендан олдингиларга ҳам, мендан кейингиларга ҳам бу ерда уруш қилмоқ манъ этилгандир, менга кундузи бир соатгина уруш қилмоққа рухсат берилди. Бу ернинг ўсимликлари юлинмағайдир, дарахтлари кесилмағайдир, ҳайвоноти безовта қилинмағайдир. Бировлар йўқотган нарсалар, фақат эгасига маълум қилмоқ мақсадидагина олинмоғи мумкиндир»,— дедилар. Шунда мен: «Ё Расулulloҳ, изхирнигина юлмоққа ижозат этсангиз. Чунки ундан касб-ҳунар аҳли фойдаланғайдир, аҳоли эрса, қабрга ишлатғайдир»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Майли, изхирни юла қолингизлар!» — деб айтдилар».

### 9-боб. Маккада уруш қилмоқ манъ қилинғайдир

*Абу Шурайҳ разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Маккада қон тўкмоқ мумкин эрмас, деб айтганлар»,— дейдилар.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу нақл қиладилар:* «Макка фатҳ қилинган куни Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Энди ҳеч ҳижрат қилинмағайдир, аммо жиҳод айлаб, мақсадга эришмоқ керакдир. Агар жиҳодга даъват этилғайдирсиз, дарҳол борингиз! Бул шаҳарни Оллоҳ таоло еру-кўкни яратган вақтдан то қиёматгача муқаддас қилгандир. Мендан олдингиларга ҳам, мендан кейингиларга ҳам бул ерда уруш қилмоқ манъ этилгандир. Менга фақат кундузи бир соатгина жанг қилмоққа ижозат берилди. Оллоҳ таолонинг таъқиқига биноан, бул ерда жанг қилмоқ қиёматга қадар манъ қилингандир. Бул ернинг ўт-ўланлари ҳам юлинмасин, ҳайвоноти ҳуркитилмасин, бировлар йўқотган нарсалар эгасига маълум қилмоқдан бўлак мақсадда олинмасин!» — деб айтдилар. Шунда мен: «Ё Расулulloҳ, изхирдан касб-хунар аҳли ҳамда аҳоли фойдаланғайдир»,— деган эрдим, ул киши: «Изхирдан бошқасини юлмангизлар!» — дедилар».

### 10-боб. Эҳромдаги кишининг қон олдирмоғи ҳақида

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳром боғлаган ҳолларида қон олдирдилар»,— дейдилар.

827 . عَنْ ابْنِ بَحِينَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : احْتَجَمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ مُحْرِمٌ ، بِلَحْيِ حَمَلٍ فِي وَسَطِ رَأْسِهِ .

*Ибн Бухайна разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Лаҳйу Жамал деган ерда эҳром кийган ҳолларида бошларининг ўртасидан қон олдирдилар»,— дейдилар. .

### 11-боб. Эҳром боғлаган кишининг уйланмоғи ҳақида

828 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَزَوَّجَ مَيْمُونَةَ وَهُوَ مُحْرِمٌ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳромда бўла туриб, Маймунага уйландилар»,— дейдилар.

### 12-боб. Эҳром боғлаган эркак ва аёлга қандай хушбўй нарсаларни ишлатмоқ манъ қилинадир?

Оиша разияллоҳу анҳо: «Варс (хушбўй модда) ёки заъфарон теккан кийимни эҳром боғлаган аёл киймағайдир»,— деб айтганлар.

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир киши: «Ё Расулulloҳ, эҳромдалиф кезимизда бизга қандай кийим киймоқни буюрасиз?»—деб сўради. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кўйлак ва иштон, салла ва бурнус киймангиз, кимнинг ҳажга муносиб оёқ кийими бўлмаса, маҳсисининг қўнжини тўпикдан пастроқ қилиб кесиб ташласин, заъфарон ва варс теккан кийимни ҳам киймангиз. Эҳром боғлаган аёл юзини бутунлай беркитиб олмасин ҳамда қўлларига қўлқоп киймасин!» — дедилар».

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир эҳром боғлаган киши туядан йиқилиб, бўйни синиб, ўлди. Жаноб Расулulloҳ уни олиб келмоқни буюрдилар-да: «Ювиб, кафанлангизлар, бироқ бошини ўраб қўймангизлар, хушбўй нарсалар ҳам сепмангизлар, чунким у талбия айтиб тирилғайдир»,— дедилар».

### 13-боб. Эҳромдаги одамнинг гусл қилмоғи ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Эҳром боғлаган одам ҳаммомга тушмоғи мумкин»,— дейдилар. Ибн Умар ва Оиша онамиз эҳром боғлаган одамнинг ҳаммомда ишқалаб ювинмоғи зарарсиздир, деб ҳисоблашган.

829 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ حُنَيْنٍ : أَنَّ عَبْدِ اللَّهِ بْنَ عَبَّاسٍ وَالْمِسْوَرَ بْنَ مَخْرَمَةَ اخْتَلَفَا بِالْأَبْوَاءِ ، فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبَّاسٍ : يَغْسِلُ الْمُحْرِمُ رَأْسَهُ . وَقَالَ الْمِسْوَرُ : لَا يَغْسِلُ الْمُحْرِمُ رَأْسَهُ . فَأَرْسَلَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبَّاسٍ إِلَى أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ ،



فَوَحَدْتُهُ يَغْتَسِلُ بَيْنَ الْقَرْيَتَيْنِ ، وَهُوَ يُسْتَرُّ بِثَوْبٍ ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ فَقَالَ : مَنْ هَذَا ؟ فَقُلْتُ : أَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ حُنَيْنٍ ، أُرْسَلَنِي إِلَيْكَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْعَبَّاسِ ، أَسْأَلُكَ كَيْفَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَغْسِلُ رَأْسَهُ ، وَهُوَ مُحْرَمٌ ، فَوَضَعَ أَبُو أَيُّوبَ يَدَهُ عَلَى الثَّوْبِ ، فَطَاطَأَهُ حَتَّى بَدَأَ لِي رَأْسُهُ ثُمَّ قَالَ لِإِنْسَانٍ يَصُبُّ عَلَيْهِ اصْبِيبْ . فَصَبَّ عَلَى رَأْسِهِ ، ثُمَّ حَرَكَ رَأْسَهُ بِيَدَيْهِ فَأَقْبَلَ بِهِمَا وَأَدْبَرَ وَقَالَ هَكَذَا رَأَيْتُهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْعَلُ .

*Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Ҳунайн разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Абдуллоҳ ибн Аббос ва Мисвар ибн Махрама Абвоъ деган ерда ўзаро тортишиб қолдилар. Абдуллоҳ ибн Аббос: «Эҳром боғлаган одам бошини ювмоғи мумкин»,— десалар, Мисвар: «Эҳром боғлаган одам бошини ювмағайдир»,— деб айтдилар. Шунда, Абдуллоҳ ибн Аббос мени Абу Айюб ал-Ансорийнинг олдиларига юбордилар. Мен Абу Айюб разияллоҳу анҳунинг қудуқ ёнида ўзларини кийим бирлан пана қилган ҳолда чўмилаётганларини кўрдим. Яқин бориб, салом бердим, Ул киши: «Бул кимдир?» — дедилар. «Бу мен, Абдуллоҳ ибн Ҳунайнман. Мени Абдуллоҳ ибн Аббос: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам эҳромдалиғ кезларида бошларини қандай ювар эрканлар, билиб келғил!» — деб сизнинг олдингизга юбордилар»,— дедим. Абу Айюб пана қилиб қўйилган кийимни қўллари бирлан бир оз пасайтирдилар, шунда менга бошлари кўринди. Кейин, олдиларидаги сув қўйиб бериб турган кишига: «Сув қўйғил!»— дедилар, у бошларидан сув қўйди. Сўнг, икки қўллари бирлан пешоналаридан энсаларига ва энсаларидан пешоналарига масҳ тортдилар-да, «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг шундай қилганларини кўрдим»,— дедилар».

#### **14-боб, Эҳром боғлаган киши маҳсидан бошқа оёқ кийими топмаса...**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг Арафотда хутба айтаётиб, «Ким оёқ кийим топмаса, маҳси кийсин ва ким изор топмаса, иштон кийсин! Бу эҳром боғлаганларга тааллуқлидир» — деб айтганларини эшитдим»,— дейдилар.

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан: «Эҳром боғлаган киши қандай кийимлар кийғайдир?»—деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Кўйлак, салла, иштон, бурнус ҳамда заъфарон ва варс теккан кийимларни киймағайдир. Агар оёқ кийим топмаса, маҳсининг қўнжини тўпиқдан пастроқ қилиб кесиб ташлаб кийғайдир»,— дедилар».

#### **15-боб. Изор топмаса, иштон кийсин!**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Арафотда ҳаммага машҳур бўлган нутқларини сўзлаётиб, «Ким изор топмаса, иштон кийсин ва ким оёқ кийим топмаса, маҳси кийсин!» — деб айтдилар», — дейдилар.

#### **16-боб. Эҳром боғлаган кишининг қурол тақиши ҳақида**

Ибн Аббоснинг озод қилинган қўллари Икрима: «Эҳром боғлаган киши душмандан хавф тортса, фидья (жарима) тўлаб, қурол тақаверғайдир», — дейдилар. Лекин, бу хусусда Икрима айтган ривоятдан бошқаси йўқ.

*Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Зулқаъда ойида умрага эҳром боғладилар. Лекин, Макка аҳли ул кишини (қурол бирлан Маккага қўймади. Шунда, Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан Макка аҳли ўртасида «Қиличи қинига солинган мусулмонларгина Маккага киритилғайдир» деган шартнома тузилди».

#### **17-боб. Маккага эҳромсиз кирмоқ ҳақида**

Ибн Умар разияллоҳу анҳу Маккага эҳромсиз кирганлар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж ва умрага нияг қилган кишиларгагина эҳром боғламоқни буюрдилар, лекин ўтин териб келиб сотгувчилар ёким бошқа йўллар бирлан тирикчилик қилгувчиларга буни эслатмадилар.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зулхулайфани Мадина аҳлига, Қарнни Нажд аҳлига ва Яламламни Яман аҳлига мийқот (талбия айтиш жойи) қилиб белгилаб бердилар. Юқоридаги мийқотлар уларга ҳам, бошқа жойлардан ҳаж ва умрага келгувчиларга ҳам тайин қилинди. Маккага яқин ерларда яшовчилар, ўша ўзлари яшайдирган жойда, Макка аҳли эрса, Маккада талбия айтадирган бўлди».

830 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ عَامَ الْفَتْحِ وَعَلَى رَأْسِهِ الْمَغْفِرُ ، فَلَمَّا نَزَعَهُ جَاءَ رَجُلٌ فَقَالَ : إِنَّ ابْنَ حَظَلٍ مُتَعَلِّقٌ بِأَسْتَارِ الْكَعْبَةِ . فَقَالَ : ( اقْتُلُوهُ ) .

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам фатҳ йили бошларига дубулға кийган ҳолларида Маккага кирдилар. Бошларидан дубулғани ечганларида, бир киши келиб: «Ибн Хатил Каъба жилдига осилиб, тортаётир»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ўлдилингиз!» — дедилар».

### 18-боб. Кўйлаги устидан билмай эҳром боғласа...

Ато разияллоҳу анҳу: «Агар билмай хушбўй нарсалардан фойдаланиб кўйса ёки кўйлаги устидан эҳром боғласа ёинки эҳроми устидан кўйлак кийса. каффорат лозим эрмас»,— дейдилар.

### 19-боб. Арафотда ўлган киши ҳақида

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг чала қолган ҳаж амалларини ниҳоясига етказмоқни (бировга) буюрмадилар.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир киши бирлан бирга Арафотда турган эрдилар. Шунда ул туясидан йиқилиб, бўйни синди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уни сув ва сидр бирлан ювиб, икки қават қилиб кафанлангиз, бошини беркитмангиз, хушбўй нарса суртмангиз, чунким Оллоҳ таоло уни қиёматда талбия айтаётган ҳолда тирилтирғайдир»,— дедилар».

### 20-боб. Эҳромдаги марҳумга нисбатан адо этилмоғи лозим бўлган суннатлар ҳақида

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир киши Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга турган эрди, туясидан йиқилиб бўйни синди. Кейин, эҳром боғлаган ҳолда ўлиб қолди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уни сув ва сидр бирлан ювиб, ўзининг кийимига икки қават қилиб кафанлангиз, баданига хушбўй нарсалар суртмангиз, бошини ҳам ёпмангиз, чунким ул қиёматда талбия айтиб тирилғайдир»,— дедилар».

### 21-боб. Майит номидан ҳаж ва назр қилмоқ ҳақида; эркак аёл номидан ҳаж қилаверадир

831 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا :

أَنَّ امْرَأَةً مِنْ جُهَيْنَةَ جَاءَتْ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ : إِنَّ أُمَّي نَذَرَتْ أَنْ تَحُجَّ فَلَمْ تَحُجَّ حَتَّى مَاتَتْ ، أَفَأَحُجُّ عَنْهَا ؟ قَالَ : ( نَعَمْ حُجِّي عَنْهَا ، أَرَأَيْتِ لَوْ كَانَ عَلَى أُمِّكَ دَيْنٌ أَكُنْتَ قَاضِيَتَهُ ؟ ، أَقْضُوا اللَّهَ ، فَاللَّهُ أَحَقُّ بِالْوَفَاءِ ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Жуҳайна қабиласидан бир аёл

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Менинг онам ҳаж қилғайман, деб ният этган эрдилар, лекин ҳаж қила олмай вафот қилдилар. Мен онамнинг номларидан ҳаж қилсам бўлурми?»—деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа бўлғайдир, (чунким) онамнинг қарзи бўлса, тўлайсан-ку! (яъни, ҳаж ҳам кишининг бўйнидаги қарздир)»,— дедилар-да, бизга қараб: «Сизлар ҳам Оллоҳга қарзларингизни берингиз! Оллоҳ аҳдномага вафо қилмоққа лойиқ зоти олийдир!» — деб қўшиб қўйдилар».

## **22-боб. Туя устида маҳкам ўтира олмайдирган одам номидан ҳаж қилмоқ ҳақида**

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Хасъам қабиласидан бир аёл Ҳажжат ул-Видоъда Жаноб Расулulloҳнинг олдларига келиб: «Ё Расулulloҳ, Оллоҳ таоло бандаларига ҳажни фарз қилиб, оят нозил айлаган вақт отамнинг туя устида маҳкам ўтира олмайдирган (касаллиги учун) пайтларига тўғри келиб қолди, мен ул кишининг номларидан ҳаж қилсам, бўлурми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, бўлғайдир»,— деб жавоб бердилар».

## **23-боб. Аёлнинг эри номидан ҳаж қилмоғи ҳақида**

*Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Фазл Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида туяга мингашиб олганди. Шу пайт, Хасъам қабиласидан бир аёл келиб, Фазлга, Фазл эрса, унга қарай бошлади. Шунда, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фазлнинг бошини бошқа томонга қаратиб қўйдилар. Аёл: «Оллоҳнинг фарзи менинг отамни қариган пайтида топди, ул киши туя устида маҳкам ўтира олмайдирлар, мен ул кишининг номларидан ҳаж қилсам, бўлурми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, бўлғайдир»,— дедилар. Бу воқеа Ҳажжат ул-Видоъда бўлган эрди».

## **24-боб. Ёшларнинг ҳаж қилмоғи ҳақида**

*Убайдуллоҳ ибн Язид:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени жўнатдилар (ёки мени бошқалардан олдин сафар юклари бирлан Жамъдан жўнатдилар)»,— дейдилар.

*Абдуллоҳ Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Балоғат ёшига яқинлашиб қолган пайтим эрди. Бир куни эшак миниб Минога келсам, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётган эрканлар. Шунда мен намозхонларнинг олдинги сафларини оралаб ўтдим-да, эшакдан тушиб, уни ўтлагани қўйиб юбордим. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларидаги сафга келиб турдим».

832 . عَنْ السَّائِبِ بْنِ يَزِيدَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : حُجَّ بِي مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا ابْنُ سَبْعِ سِنِينَ .

*Соиб ибн Язид:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан ҳаж қилдим, шунда етти ёшда эрдим»,— дейдилар.

*Умар ибн Абдулазиз Соиб ибн Язидга:* «Мен ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам йўл анжомларини олиб, биргаликда ҳаж қилдик»,— деб кўп марта айтган эрканлар.

## **25-боб. Аёлларнинг ҳаж қилмоғи ҳақида**

*Иброҳим ибн Абдурраҳмон ибн Авфнинг боболари ривоят қиладилар:* «Халифа Умар разияллоҳу анҳу сўнгги бор ҳаж қилган йиллари Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларига ҳаж қилмоққа рухсат бердилар (бу пайтда Жаноб Расулulloҳ марҳум эрдилар). Шунда, Усмон ибн Аффон ва Абдурраҳмон ибн Авфни уларга

хамроҳ қилиб юбордилар».

*Оиша онамиз Оиша бинти Талхага қуйидаги ҳадисни айтиб берган зрканлар:* «Бир куни мен: «Ё Расулulloҳ, биз (аёллар) сиз (эркаклар) бирлан бирга чиқиб, бир ғазот қилмайликми?»—дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Аммо, энг яхши жиҳод эзгу ниятда қилинган ҳаждир!» — деб жавоб бердилар. Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан шу сўзни эшитганимдан буён ҳажни сира канда қилмасман».

*Ибн Аббоснинг мавлоси Абу Маъбуд ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёл ёнида маҳрами бўлмаса, сафарга чиқмасин ва ёнида маҳрами бўлмаган аёл олдига номаҳрам кирмасин!»—дедилар. Шунда бир киши: «Ё Расулulloҳ, мен фалон қўшин бирлан бирга ғазотга кетмоқчиман, аёлим ҳажга боргиси келса, не қилгайдир?»— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Аёлинг бирлан ҳаж қилғил!»— дедилар».

833 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : لَمَّا رَجَعَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ حَجَّتِهِ ، قَالَ لَأُمِّ سِنَانَ الْأَنْصَارِيَّةِ : ( مَا مَنَعَكَ مِنَ الْحَجِّ ) . قَالَتْ : أَبُو فَلَانٍ تَعْنِي زَوْجَهَا ، كَانَ لَهُ نَاضِحَانِ ، حَجَّ عَلَيَّ أَحَدَهُمَا ، وَالْآخَرَ يَسْفِي أَرْضًا لَنَا ، قَالَ : ( فَإِنَّ عُمْرَةَ فِي رَمَضَانَ تَقْضِي حَجَّةً مَعِي ) .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаждан қайтиб келдилар-да, Умму Синонга: «Ҳаж қилмоғингга не монельлик қилур?» — дедилар. Умму Синон: «Фалончининг отаси (яъни, «эрим» демоқчи) икки туядан бирини ҳажга миниб кетди, иккинчиси эрса, еримизни суғораётир»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Рамазон ойида умра қилмоқ менинг ёнимда ҳаж қилмоқ бирлан баробардир»,— дедилар».

834 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، وَقَدْ غَزَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَتْنِي عَشْرَةَ غَزْوَةً ، قَالَ : أَرُبْعٌ سَمِعْتُهُنَّ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، أَوْ قَالَ يُحَدِّثُهُنَّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَعْجَبَنِي وَأَتَقَنَّنِي : ( أَنْ لَا تُسَافِرَ امْرَأَةٌ مَسِيرَةَ يَوْمَيْنِ لَيْسَ مَعَهَا زَوْجُهَا أَوْ مَحْرَمٌ ، وَلَا صَوْمَ يَوْمَيْنِ : الْفِطْرِ وَالْأَضْحَى ، وَلَا صَلَاةَ بَعْدَ صَلَاتَيْنِ : بَعْدَ الْعَصْرِ حَتَّى تَغْرُبَ الشَّمْسُ ، وَبَعْدَ الصُّبْحِ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ ، وَلَا تُشَدُّ الرَّحَالُ إِلَّا إِلَى ثَلَاثَةِ مَسَاجِدَ : مَسْجِدِ الْحَرَامِ ، وَمَسْجِدِي ، وَمَسْجِدِ الْأَقْصَى ) .

*Зиёднинг мавлоси Қазъа ривоят қиладилар:* «Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳунинг Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўн икки ғазотда қатнашганларини ўзларидан эшитдим. Абу Саъид: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан тўрт ҳикмат эшитгандирман, улардан бири — ёнида эри ёки маҳрами бўлмаган аёл икки кунлик йўлга (яъни, бир кунлик йўлдан ортиқ йўлга) чиқмагайдир, иккинчиси — икки кун: Рамазон ва Қурбон ҳайитларида рўза тутилмагайдир, учинчиси—икки намоздан сўнг, яъни асрдан кейин, Қуёш ботгунча ва бомдоддан кейин, Қуёш чиққунча намоз ўқилмагайдир, тўртинчиси :— учта масжидгагина, Масжид ул-Ҳаром, менинг масжидим (Масжид ун-Набий) ва Масжид ул-Ақсога туя етаклаб келинмагайдир ».

## 26-БОБ. КАЪБАГА ПИЁДА БОРИШНИ АҲД ҚИЛГАН КИШИ ҲАҚИДА

835 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : رَأَى شَيْخًا يُهَادِي بَيْنَ ابْنَيْهِ ، قَالَ : ( مَا بَالُ هَذَا ) . قَالُوا : نَذَرْنَا أَنْ يَمْشِيَ ، قَالَ : ( إِنَّ اللَّهَ عَنْ تَعْدِيْبِ هَذَا نَفْسَهُ لَعْنِي ) . وَأَمْرُهُ أَنْ يَرْكَبَ .

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ўғли қўлтиқлаб кетаётган бир чолни кўриб: «Бу кишига не бўлган?» — дедилар. Ўғиллари: «Мақкага пиёда боришни аҳд қилганлар»,— деб

айтишди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло бу кишининг азоб чекишидан манфаатдор эрмас, уловга миниб борсин!» — дедилар».

836 . عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : نَذَرْتُ أُحْتِي أَنْ تَمْشِيَ إِلَى بَيْتِ اللَّهِ ، وَأَمَرْتَنِي أَنْ أُسْتَفْتِيَ لَهَا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَاسْتَفْتَيْتُهُ فَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَتَمْشِي وَلَتَرْكَبَ ) .

*Уқба ибн Омир Жуҳоний разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Синглим Байтуллоҳга (Каъбага) яёв боришга аҳд қилиб, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу ҳақда фатво сўраб бермоғимни илтимос қилди. Мен Жаноб Расулulloҳдан фатво сўраган эрдим. «Яёв ҳам юрсин, улов ҳам минсин!»—дедилар».

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ МАДИНА ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА КИТОБ

### 1-БОБ. Мадинанинг муҳаррам (муқаддас) эканлиги ҳақида

837 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الْمَدِينَةُ حَرَمٌ مِنْ كَذَا إِلَى كَذَا ، لَا يَقْطَعُ شَجَرُهَا ، وَلَا يُحْدِثُ فِيهَا حَدَثٌ ، مَنْ أَحْدَثَ فِيهَا حَدَثًا فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ) .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мадина шаҳри фалон жойдан фалон ергача муҳаррам қилингандир, унинг дарахтлари кесилмағайдир ва унда Қуръонга хилоф ишлар қилинмағайдир. Кимки қуюшқондан чиқса, унга Оллоҳ, фаришталар ва одамларнинг лаънати бўлсин!» — дедилар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келиб, масжид қурмоқни амр қилдилар. Кейин ул киши: «Эй Баний Нажжор, менга баҳолаб берингиз (яъни, бўлажак масжид ўрни икки етим боланики эрди, уни сотиб олмоқчилар)»,— дедилар. Улар (ўша икки етим бола ва уларнинг яқин қариндошлари): «Биз пул сўрамасмиз, Оллоҳ йўлига хайр қилғаймиз»,— дейишди. Лекин, Жаноб Расулulloҳ уларни барибир рози қилдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳнинг фармонларига биноан масжид ўрнидаги мушриклар қабри бошқа жойга кўчирилди, харобалар текисланди, қибла томондаги хурмолар кесилди».

838 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( حُرْمٌ مَا بَيْنَ لَابَتِي الْمَدِينَةِ عَلَى لِسَانِي ) . قَالَ : وَأَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَنِي حَارِثَةَ فَقَالَ : ( أُرَاكُمْ يَا بَنِي حَارِثَةَ قَدْ خَرَجْتُمْ مِنَ الْحَرَمِ ) . ثُمَّ التَفَتَ فَقَالَ : ( بَلْ أَنْتُمْ فِيهِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мадинанинг икки тошлоқ жойи оралиғидаги ерни (уни «ҳарра», деб аташғайдир) ўз тилим бирлан муҳаррам, деб эълон қилғайман!» — дедилар. Кейин, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Баний Ҳадиса маҳалласига бориб: «Эй Баний Ҳадиса, сизлар (Мадинанинг) муҳаррам эканлигини унутиб, қуюшқондан чиққан кўринурсизлар»,—дедилар, кейин чор атрофга қараб: «Балки ундоқ эмасдир»,— деб кўйдилар (ўшанда Амир Ҳамза шаҳид бўлган жойда турган эрдилар)».

839 . عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : مَا عِنْدَنَا شَيْءٌ إِلَّا كِتَابُ اللَّهِ تَعَالَى ، وَهَذِهِ الصَّحِيفَةُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( الْمَدِينَةُ حَرَمٌ ، مَا بَيْنَ عَائِرِ إِلَيَّ كَذَا ، مَنْ أَحْدَثَ فِيهَا حَدَثًا ، أَوْ آوَى مُحَدَّثًا ، فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ، لَا يَقْبَلُ مِنْهُ صَرْفٌ وَلَا عَدْلٌ . وَقَالَ : ذِمَّةُ الْمُسْلِمِينَ وَاحِدَةٌ ، فَمَنْ أَخْفَرَ مُسْلِمًا فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ، لَا يَقْبَلُ مِنْهُ صَرْفٌ وَلَا عَدْلٌ ، وَمَنْ تَوَلَّى قَوْمًا بَعِيرٍ إِذْ نِ مَوَالِيهِ ، فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ، لَا يَقْبَلُ مِنْهُ ) .

صَرَفٌ وَلَا عَدْلٌ .

*Иброҳим ибн Язид Таймий ривоят қиладилар:* «Али разияллоҳу анҳу: «Бизда Оллоҳнинг Китоби ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қолган мана бу саҳифадан бўлак ўзимизга хос ҳеч нарса йўқдир»,— деб Жаноб Расулulloҳнинг ўша саҳифада битилган васиятларини қуйида баён қилдилар: «Мадинанинг Оир тоғидан фалон жойигача бўлган ерлар муҳаррамдир, кимки ўшал муҳаррам қилинган ерда исломга хилоф ишларни қилса ёким бирор бидъатчининг ёнини олиб, жой бериб ҳурматласа, унга Оллоҳ, малоикалар ва барча одамларнинг лаънати бўлсин! Унинг тавбаси ҳам, фидяси (гуноҳни ювмоқ учун бериладирган тўлови) ҳам қабул қилинмағайдир». Ҳазрат Али кейин бундай дедилар: «Мўсулмонларнинг ягона зиммаси (муслмонлар ғайридинларни ўз ҳимоясига олиб тузган шартномаси) бор, кимки бу аҳдномани бузса, унга Оллоҳ, малоикалар ва одамларнинг лаънати бўлсин! Унинг тавбаси ҳам, фидяси ҳам қабул бўлмағайдир, кимки (ўртада иттифоқ тузилмаган) бир қавмни хожаларидан ижозатсиз ўзига яқин тутса, унга ҳам Оллоҳ, малоика ва одамларнинг лаънати бўлсин! Унинг тавбаси ва фидяси қабул қилинмағайдир».

## 2-боб. Мадина фазилатлари ҳақида; одамларнинг дилидаги қабоҳатни маҳв қилмоқ Мадина фазилатларидандир

840 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أُمِرْتُ بِقِرْيَةٍ تَأْكُلُ الْقُرَى ، يَقُولُونَ يَثْرِبَ ، وَهِيَ الْمَدِينَةُ ، تَنْفِي النَّاسَ كَمَا يَنْفِي الْكَبِيرُ خَبَثَ الْحَدِيدِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Менга бир қишлоққа (ҳижрат қилмоқ) амр қилинди, ул қишлоқ бошқа қишлоқлардан устундир. Баъзилар (яъни, мунофиқлар) уни Ясриб дейишғайдир, ваҳоланки, ул Мадина бўлиб, одамларнинг кирини (гуноҳини) темир юзидаги куюкни дам (босқон) қандай кеткизса, шундай кеткизғайдир»,— дедилар.

## 3-боб. Мадина — Тобади

841 . عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَقْبَلْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ تَبُوكَ حَتَّى أَشْرَفْنَا عَلَى الْمَدِينَةِ فَقَالَ : ( هَذِهِ طَابَةٌ ) .

*Абу Ҳумайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Табук ғазавотидан қайтдик. Мадинага яқинлашганимизда Жаноб Расулulloҳ: «Бу Тобади»,— дедилар.

## 4-боб. Мадинанинг икки тошлоқ ери

*Саъид ибн Мусаййаб ривоят қиладилар:* «Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Агар Мадинада ўтлаб юрган кийикни кўрсам, ҳуркитмай ўтиб кетар эрдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мадинанинг икки тошлоқ ери ўртасидаги жойлар муҳаррамдир»,— дер эдилар»,— деб айтдилар.

## 5-боб. Мадинани яхши кўрмаганлар ҳақида

842 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( يَتْرُكُونَ الْمَدِينَةَ عَلَى خَيْرِ مَا كَانَتْ ، لَا يَعْشَاهَا إِلَّا الْعَوَافِ - يَرِيدُ عَوَافِي السَّبَاعِ وَالطَّيْرِ - وَآخِرُ مَنْ يَجْشُرُ رَاعِيَانِ مَنْ مُزَيْنَةَ ، يَرِيدَانِ الْمَدِينَةَ ، يَنْعَقَانِ بَعْنَمَهُمَا فَيَجِدَانِهَا وَحُشْنَا ، حَتَّى إِذَا بَلَغَا ثَنِيَةَ الْوَدَاعِ خَرَّ عَلَى وَجْهِهِمَا ) .

*Саъид ибн Мусаййаб қуйидаги ҳадисни Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан*

*эшитган эрканлар:* «Мадина сизлардан кейин янада сўлим бўлғайдир,— дедилар Жаноб Расулulloҳ,— унда ёввойи ҳайвонларгина яшашғайдир. Энг охири Музайна қабиласига мансуб икки чўпон тирик қолғайдир. Улар Мадина томон қўй ҳайдаб келишганда ул ерда ваҳший ҳайвонлар тўлиб ётганини кўришғайдир. Санийят ул-Видоъга етганларида улар ҳам йиқилғайдирлар (яъни, ўлғайдирлар)».

843 . عَنْ سُفْيَانَ بْنِ أَبِي زُهَيْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( تَفْتَحُ الْبَيْتُ ، فَيَأْتِي قَوْمٌ يُسُونُ ، فَيَتَحَمَّلُونَ بِأَهْلِيهِمْ وَمَنْ أَطَاعَهُمْ ، وَالْمَدِينَةُ خَيْرٌ لَهُمْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ . وَتُفْتَحُ الشَّامُ فَيَأْتِي قَوْمٌ يُسُونُ ، فَيَتَحَمَّلُونَ بِأَهْلِيهِمْ وَمَنْ أَطَاعَهُمْ ، وَالْمَدِينَةُ خَيْرٌ لَهُمْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ ، وَتُفْتَحُ الْعِرَاقُ فَيَأْتِي قَوْمٌ يُسُونُ ، فَيَتَحَمَّلُونَ بِأَهْلِيهِمْ وَمَنْ أَطَاعَهُمْ وَالْمَدِينَةُ خَيْرٌ لَهُمْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ ) .

*Абдуллоҳ ибн Зубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Яман фатҳ қилинғайдир,— дедилар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам,— қавмлар шоша-пиша мол-ҳолларини ҳайдаб, бола-чақалари-ю хизматкорларини эргаштириб (Яманга) келишғайдир, ваҳоланки Мадина ўзлари учун афзалроқ эрканин билмаслар, кейин Шом фатҳ қилинғайдир, қавмлар Мадинани ташлаб, шоша-пиша мол-ҳолларини ҳайдаб, бола-чақалари-ю хизматкорларини эргаштириб бул ерга ҳам келғайдилар, ваҳоланки Мадина ўзлари учун афзалроқ эрканин билмаслар, сўнг Ироқ ҳам фатҳ бўлғайдир, унга ҳам қавмлар бола-чақалари-ю хизматкорларини эргаштириб келишғайдир, ваҳоланки Мадинанинг ўзлари учун афзалроқ эрканин англашмағайдир».

#### 6-боб. Иймон Мадинада тўпланадир

844 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِنَّ الْإِيمَانَ لَيَأْرُزُ إِلَى الْمَدِينَةِ ، كَمَا تَأْرُزُ الْحَيَّةُ إِلَى جُحْرِهَا ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Илон ўз инидида кулча бўлиб яшириниб олгани сингари иймон ҳам бора-бора Мадинада тўпланғайдир»,— дедилар».

#### 7-боб. Мадина аҳлига ёмонлик истаганларнинг гуноҳи

845 . عَنْ سَعْدِ بْنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( لَا يَكِيدُ أَهْلَ الْمَدِينَةِ أَحَدٌ إِلَّا انْمَاعَ ، كَمَا يَنْمَاعُ الْمِلْحُ فِي الْمَاءِ ) .

*Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Мадина аҳлига ёмонлик истаган одам, туз сувда эриганидек эриб кетғайдир»,— деганларини эшитганман»,— дейдилар.

#### 8-боб. Мадинанинг қўрғонлари ҳақида

846 . عَنْ أُسَامَةَ بْنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَشْرَفَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى أُطَمٍ مِنْ أَطَامِ الْمَدِينَةِ ، فَقَالَ : ( هَلْ تَرَوْنَ مَا أَرَى ، إِنِّي لَأَرَى مَوَاقِعَ الْفِتَنِ خِلَالَ بُيُوتِكُمْ كَمَوَاقِعِ الْقَطْرِ ) .

*Усома разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина қўрғонларидан бирига чиқиб, баланддан пастга қарадилар-да: «Билурмисиз, неларни кўрмакдамен? Мен хонадонларингиз ўртасида бўлажак фитналарни шаффоф сув томчиси остидаги нарсани кўргандек аниқ кўриб турибдирмен»,— дедилар.

#### 9-боб. Мадинага Дажжол кирмайдир

847 . عَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لَا يَدْخُلُ الْمَدِينَةَ رُغْبُ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ ، لَهَا يَوْمَئِذٍ سَبْعَةُ أَبْوَابٍ عَلَى كُلِّ بَابٍ مَلَكَانِ ) .

*Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дажжол Мадинага хавф соллмағайдир, ўшал куни Мадинанинг етти қопқасидан ҳар бирини иккитадан фаришта қўриқлаб турғайдир»,— дедилар».

848 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( عَلَى أَنْقَابِ الْمَدِينَةِ مَلَائِكَةٌ ، لَا يَدْخُلُهَا الطَّاعُونَ وَلَا الدَّجَالُ ) .

*Нуъайм ибн Абдуллоҳ Мужмир Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан эшитиб ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мадинага кираверишда фаришталар мавжуд бўлиб, унга вабо ҳам, Дажжол ҳам бошини суқолмағайдир»,— дедилар».

849 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لَيْسَ مِنْ بَلَدٍ إِلَّا سَيْطُونُهُ الدَّجَالُ ، إِلَّا مَكَّةَ وَالْمَدِينَةَ ، لَيْسَ لَهُ مِنْ نِقَابِهَا نَقْبٌ إِلَّا عَلَيْهِ الْمَلَائِكَةُ صَافِينَ يَخْرُسُونَهَا ، ثُمَّ تَرْجِفُ الْمَدِينَةَ بِأَهْلِهَا ثَلَاثَ رَجَفَاتٍ ، فَيَخْرُجُ إِلَيْهِ كُلُّ كَافِرٍ وَمُنَافِقٍ ) .

*Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Абу Талҳа разияллоҳу анҳу Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан эшитиб ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мадинадан бўлак Дажжол босиб олмаган бирорта ҳам шаҳар қолмағайдир, Мадинага олиб борадирган барча йўлларни фаришталар саф-саф бўлиб ҳимоя қилиб турғайдилар. Кейин, Мадина уч маротаба силкинғайдир, Оллоҳ унинг аҳолиси орасидаги барча кофир ва мунофиқларни итқитиб ташлағайдир»,— дедилар».

850 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : حَدَّثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدِيثًا طَوِيلًا عَنِ الدَّجَالِ ، فَكَانَ فِيمَا حَدَّثَنَا بِهِ أَنْ قَالَ : ( يَأْتِي الدَّجَالُ ، وَهُوَ مُحَرَّمٌ عَلَيْهِ أَنْ يَدْخُلَ نِقَابَ الْمَدِينَةِ ، فَيَنْزِلُ بَعْضُ السِّبَاخِ الَّتِي بِالْمَدِينَةِ ، فَيَخْرُجُ إِلَيْهِ يَوْمَئِذٍ رَجُلٌ هُوَ خَيْرُ النَّاسِ ، أَوْ مِنْ خَيْرِ النَّاسِ فَيَقُولُ : أَشْهَدُ أَنَّكَ الدَّجَالُ الَّذِي حَدَّثَنَا عَنْكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدِيثَهُ . فَيَقُولُ الدَّجَالُ : أَرَأَيْتَ إِنْ قَتَلْتُ هَذَا ثُمَّ أَحْيَيْتُهُ ، هَلْ تَشْكُونَ فِي الْأَمْرِ ؟ فَيَقُولُونَ : لَا ، فَيَقْتُلُهُ ، ثُمَّ يَحْيِيهِ فَيَقُولُ حِينَ يَحْيِيهِ : وَاللَّهِ مَا كُنْتُ قَطُّ أَشَدَّ مِنِّي بِصِيرَةَ الْيَوْمِ ، فَيَقُولُ الدَّجَالُ : أَقْتُلُهُ ، فَلَا أَسْلُطُ عَلَيْهِ ) .

*Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга Дажжол хусусида анча гапларни айтиб бердилар. Хусусан, бундай дедилар: «Дажжол Мадинага киролмағайдир, чунким ул Мадинага олиб борадирган йўлларга қадам қўймоқ имконидан маҳрум бўлиб, шаҳар ташқарисидаги тузлоқ ерга келиб тушғайдир. Ўшал куни шаҳарнинг энг фозил кишиси Дажжолга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳадисларида айтган ўшал Дажжол эрканлиғингни кўриб турибдирман»,— дейдир. Дажжол: «Айтғил-чи, агар мана бул кишини ўлдириб, кейин қайта тирилтирсам, менинг ишим ҳақ эрканлиғига шубҳа қилмасмисизлар?»— дейдир. Одамлар: «Йўқ»,— дейишғайдир. Дажжол ўзи кўрсатган кишини ўлдириб, кейин қайта тирилтирғайдир, Шунда қайта тирилган одам: «Худо ҳаққи, мен сенинг тўғрингдаги сўзларга энди ишондим»,— дер. Дажжол бояги (фозил) кишини ҳам ўлдирмоқчи бўлур, аммо ҳарчанд уринмасин, барибир ўлдира олмағайдир».

### 10-боб. Мадина гуноҳдан фориғ қиладир

851 . عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : جَاءَ أَعْرَابِي إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَبَايَعَهُ عَلَى الْإِسْلَامِ ، فَجَاءَ مِنَ الْعَدِ



مَحْمُومًا ، فَقَالَ: أَقْلِنِي ، فَأَبَى ، ثَلَاثَ مَرَّارٍ ، فَقَالَ :  
( الْمَدِينَةُ كَالْكَبِيرِ تَنْفِي خَبَثَهَا ، وَيَنْصَعُ طَيْبَهَا ) .

*Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Бир бадавий Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, исломга байъат қилди. Эртасига ул безгак тутиб келди-да: «Байъатимдан қайтмоғимга ижозат берингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ қатъий бош тортиб: «Мадина, темирчининг босқони (дами) темир юзидаги куюкни кетказгандек, гуноҳларни кетказғайдир»,— дедилар».

*Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд ғазотига чиққанларида баъзи саҳобалар орқага қайтиб кетишди. Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга қолган саҳобаларнинг баъзилари уларни «ўлдирғаймиз»,— дейишса, баъзилари «ўлдирмасмиз»,— дейишди. Шунда, «Мунофиқлар хусусида нега икки тараф бўлиб олдингизлар?!» деган оят нозил бўлди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга қараб: «Бу (Мадина) темирчининг босқони (дами) темир куюкни кетказгани янглиғ одамлар қабоҳатини кетказғайдир»,— дедилар».

852 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( اللَّهُمَّ اجْعَلْ بِالْمَدِينَةِ ضِعْفِي مَا جَعَلْتَ بِمَكَّةَ مِنَ الْبِرَّةِ ) .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё парвардигор-о, Мадинага Маккага берган баркотингдан икки баробар кўп баракот берғайсен!» — дедилар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафардан қайтаётиб, узоқдан Мадина деворларини кўришлари биланоқ, туяларини тезлаштирар эрдилар, Мадинани шу қадар яхши кўрар эрдилар».

### 11-БОБ. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинанинг ҳувиллаб қолмоғини ёқтирмаганлар

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Баний Салама қабиласи Масжид ун-Набийга яқинроқ ерга кўчиб келмоқчи бўлди. Шунда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Баний Салама, охиратдан умид қилмасмисизлар?!»—деб эрдилар, улар жойларида қолишди...

### 12-БОБ.

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг ҳужрам бирлан минбарим оралиғида жаннат боғларидан бири жойлашғайдир, минбарим эрса, Ҳавзи Кавсар устида бўлғусидир»,— дедилар».

853 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : لَمَّا قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ وَعِكَ أَبُو بَكْرٍ وَبِلَالٌ ، فَكَانَ أَبُو بَكْرٍ إِذَا أَخَذَتْهُ الْحُمَى يَقُولُ :

كُلُّ امْرِيٍّ مُصَبَّحٌ فِي أَهْلِهِ وَالْمَوْتُ أَدْنَى مِنْ شِرَاكِ نَعْلِهِ وَكَانَ بِلَالٌ إِذَا أَقْلَعَ عَنْهُ الْحُمَى يَرْفَعُ عَقِيرَتَهُ يَقُولُ :  
أَلَا لَيْتَ شَعْرِي هَلْ أَبَيْتَنَ لَيْلَةَ بُوَادٍ وَحَوْلِي إِذْخِرُّ وَحَلِيلٌ وَهَلْ أَرَدَنْ يَوْمًا مِيَاهَ مَحَنَّةٍ وَهَلْ يَيْدُونُ لِي شَامَةً وَطَفِيلٌ  
وقال : اللَّهُمَّ اَلْعَنُ شَيْبَةَ بَنِ رَبِيعَةَ ، وَعُتْبَةَ بَنِ رَبِيعَةَ ، وَأُمِيَةَ بَنِ خَلْفٍ ، كَمَا أَخْرَجُونَا مِنْ أَرْضِنَا إِلَى أَرْضِ الْوَبَاءِ ، ثُمَّ قَالَ  
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( اللَّهُمَّ حَبِّبْ إِلَيْنَا الْمَدِينَةَ كَحَبْنَا مَكَّةَ أَوْ أَشَدَّ ، اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِي صَاعِنَا وَفِي مُدَّنَا  
وَصَحْحَحْهَا لَنَا ، وَانْقُلْ حُمَاهَا إِلَى الْجُحْفَةِ ) . قَالَتْ : وَقَدِمْنَا الْمَدِينَةَ وَهِيَ أَوْبًا أَرْضِ اللَّهِ ، قَالَتْ : فَكَانَ بَطْحَانُ يَجْرِي نَجْلًا ،  
تُعْنِي مَاءً آجِنًا .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида Абу Бакр бирлан Билол иситмалаб қолишди. Абу Бакр иситма зўриққанда:

«Уйимда бўлсайдим жон чиқар маҳал,  
 Пойабзал ипидан яқиндир ажал»,—  
 дер эрдилар. Билол эрса, иситма бир оз пасайганда, йиғлаб:  
 «Тақдирим не эрур, билмасман, э воҳ,  
 Бошимга ажалдин келурму сипоҳ?  
 Бир кеча бўлса ҳам, она водийим,  
 Қўйнида ётсайдим, меҳрибон Оллоҳ!  
 Қониб ичсам эрдим, шаффоф сувларин,  
 Қанийди, ташласам, унга бир нигоҳ!»—

дер эрдилар. Билол яна бундай дер эрдилар: «Ё парвардигор-о, вабо бизни юртимиздан қувгандек, Шайба ибн Робиъа, Утба ибн Робиъа ва Умайя ибн Халафни лаънатлаб, қувгин!» Жаноб Расулulloҳ Оллоҳга илтижо қилиб бундай . дер эрдилар: «Ё Оллоҳ, бизга Мадинани Макка сингари ёким ундан ҳам ортиқроқ маҳбуб этғил! Ё Оллоҳ, унинг тошу-тарозусига барака бер, аҳлини саломат қил, мана буларнинг безгагини эрса, Жухфага кўчирғил! (Жухфа Мисрда бўлиб, унинг аҳолиси мушрик эрди).

Оиша онамиз бундай дейдилар: «Биз Мадинага келдик. Бу ерда тез-тез вабо чиқиб турар эрди. Мадина водийлари бўйлаб эрса, оқин сувлар оқиб турар эрди».

*Зайд ибн Аслам оталари Асламдан эшитиб ривоят қиладилар:* «Умар разияллоҳу анҳу: «Эй Оллоҳ, ўз йўлингда шаҳид бўлмоқни ва Рафлуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шаҳарларида (Мадинада) жон таслим этмоқни менга насиб айлағил!»— дер эрдилар».

## **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ РЎЗА КИТОБИ**

### **1-БОБ. Рамазонда рўза тутмоқнинг фарз эканлиги ҳақида**

Бу хусусда Оллоҳ таоло бундай дейдир: «Эй мўъминлар! Сизлардан аввал ўтган бандаларга фарз қилингани янглиғ, сизларга ҳам рўза тутмоқ фарз қилинғайдир. Шоядки, сизлар тақво қилсангизлар!»

*Талха ибн Убайдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Бир бадавий сочлари тўзиган ҳолда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб деди: «Ё Расулulloҳ! Менга хабар берингиз, Оллоҳ менга қайси намозларни фарз қилган?» Жаноб Расулulloҳ: «Бир кеча-кундузда беш вақт намозни фарз қилган, бироқ бунга қўшимча тарзда хоҳлаганингча нафл (ихтйёрий намоз) ўқимоғинг мумкин».— деб жавоб бердилар. Бадавий: «Хабар берингиз, Оллоҳ менга қайси рўзани фарз қилган?»— деб сўради. «Рамазон ойининг рўзасини тутмоқни, бироқ бунга қўшимча тарзда бир оз нафл рўза тутмоғинг мумкин»,— дедилар Жаноб Расулulloҳ. У яна сўради: «Хабар берингиз, Оллоҳ менга нималар учун закот бермоқни фарз қилган?» Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга исломда закот бириладирган моллар қайсилар ва улар қайси миқдорга етганда қанчадан ва кимларга берилиши ҳақида хабар бердилар. Бадавий: «Сизни мукаррам қилган худо ҳаққи-ҳурмати, қасам ичиб айтурменким, Оллоҳ менга фарз қилган амали солиҳларни кўпайтирмасман ҳам, камайтирмасман ҳам»,— деди. «Агар бул киши қавлида мустаҳкам бўлса, нажот топғусидир (ёким «жаннатга киргайдир»,— дедилар шекилли)»,— дедилар Жаноб Расулulloҳ».

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу айтадилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муҳаррам ойининг ўнинчи куни рўза тутар эрдилар ва бошқаларни ҳам шул куни рўза тутмоққа буюрар эрдилар. Рамазон ойининг рўзаси фарз қилингандан сўнг, Муҳаррам ойида тутадирган рўзани тарк этдилар».

Абдуллоҳ ибн Умарнинг ўзлари ҳам Рамазонда рўза тутмоқ фарз қилингандан кейин Муҳаррам ойида рўза тутмоқни тарк этдилар. Аммо, нафл рўза Муҳаррамнинг ўшгачи кунига тўғри келса, тутар эрдилар.

*Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар:* «Жоҳилия даврида (яъни, исломдан аввал) Қурайш қавми Муҳаррамнинг ўнинчи куни рўза тутар эрди. Сўнг (яъни, ислом дини барпо бўлгандан сўнг), Жаноб Расулуллоҳ Рамазонда рўза тутмоқни буюриб: «Хоҳлаган киши Муҳаррам ойининг ўнинчи куни рўза тутсин, хоҳламаган киши тутмасин»,— дедилар».

## 2-боб. Рамазон ойи рўзасининг фазилати ҳақида

854 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ :

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الصَّيَّامُ حُنَّةٌ ، فَلَا يَرُفْتُ وَلَا يَجْهَلُ ، وَإِنْ أَمْرٌ قَاتَلَهُ أَوْ شَاتَمَهُ فَلْيَقُلْ : إِنِّي صَائِمٌ — مَرَّتَيْنِ - وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَخُلُوفٌ فَمِ الصَّائِمِ أَطْيَبُ عِنْدَ اللَّهِ تَعَالَى مِنْ رِيحِ الْمِسْكِ ، يَتْرُكُ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ وَشَهْوَتَهُ مِنْ أَجْلِي ، الصَّيَّامُ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ ، وَالْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганлар: «Рўза (тутмоқлик) дўзах ўтидан асровчи воситадир! Бинобарин, рўза тутган киши ҳақорат сўзларини тилга олмасин, сўзлашганда бақирмасин, бировни масхара қилмасин! Агар бирор киши рўзадор бирлан уришса ёким уни ҳақорат қилса, рўзадор икки бор: «Мен рўзамен», десин! Оллоҳга қасамд қилиб айтурменким, рўзадорнинг оғзидан келган бўй, Оллоҳ наздида мушк-анбар бўйидан ҳам хушбўйроқдир, чунким Оллоҳ таоло: «Рўзадор мени деб еб-ичмас ва мени деб рўза тутар, бинобарин унинг мукофотини ўзим бергайдирмен ва ҳар бир яхшилиғи эвазига мандан ўн баробар мукофот олғусидир»,— дейдилар».

## 3-боб. Рўза тутмоқлик гуноҳлар учун каффорат (гуноҳларни ювгучи восита) бўлиши ҳақида

*Абу Воил разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Умар разияллоҳу анҳу: «Ким Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фитна тўғрисида айтган ҳадисларидан бирортасини эслай олур?»—деб сўрадилар. «Мен шундай ҳадисни эшитганман, — дедилар Ҳузайфа, — Жаноб Расулуллоҳ: «Кешининг оиласига, молу дунёсига берилиб ҳамда қўшнисига тенглашгайман деб, бандачилик қилиб, йўл қўйган хатоларини унинг ўқиган намози, тутган рўзаси ва қилган садақаси ювгайдир, яъни каффорат бўлгайдир»,— деганлар». Ҳазрат Умар: «Мен бундай фитна тўғрисида сўраётганим йўқ, мен денгиз тўлқинларидек мавжланиб келадирган энг катта фитналар тўғрисида сўрамакдамен»,— дедилар. «Ундай фитна сизнинг даврингизда чиқмагайдир, чунким унинг эшиги, яъни, чиқадирган жойи қулфлангандир»,— дедилар Ҳузайфа (Ул киши «эшик» деганда Ҳазрат Умарнинг ўзларини назарда тутдилар, чунким Ҳазрат Умар давлатда фитнага йўл қўймовчи шахс — халифа эрдилар). «Мазкур эшик фитнага очиб берилгайдирми ёки синдирилгайдирми?»—деб сўрадилар Ҳазрат Умар. Ҳузайфа: «Синдирилгайдир»,— дедилар. Ҳазрат Умар: «Фитнани тўсиб қололмаган эшик синдирмоққа лойиқдир, чунким очилса, уни қиёматгача беркитиб бўлмас»,— дедилар. Биз Масруққа: «Ҳузайфадан сўрағил-чи,

Ҳазрат Умар ўша фитна эшигини билғайдирларми?»—деб айтдик. «Билғайдирлар! Тундан кейин тонг келмоғини аниқ билганларидёк, буни ҳам аниқ билғайдирлар»,—деб жавоб бердилар Ҳузайфа».

#### **4-боб. Рўза тутувчиларнинг жаннатга Раййон номли махсус эшик орқали киришлари хусусида**

855 . عَنْ سَهْلِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِنَّ فِي الْجَنَّةِ بَابًا يُقَالُ لَهُ الرَّيَّانُ ، يَدْخُلُ مِنْهُ الصَّائِمُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ، لَا يَدْخُلُ مِنْهُ أَحَدٌ غَيْرُهُمْ ، يُقَالُ : أَيْنَ الصَّائِمُونَ ، فَيَقُومُونَ لَا يَدْخُلُ مِنْهُ أَحَدٌ غَيْرُهُمْ ، فَإِذَا دَخَلُوا أُغْلِقَ فَلَمْ يَدْخُلْ مِنْهُ أَحَدٌ ) .

*Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Жаннатда Раййон номли бир эшик бордир,— дейдилар Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам,— бул эшикдан рўзани канда қилмай тутганларгина кирғайдирлар, холос. Қиёмат куни «Рўздорлар қани!» деб нидо қилинғайдир. Шунда, улар ўринларидан туриб мазкур эшикдан киришғайдир. Сўнг, эшик ёпилғайдир. Улардан бошқа бирорта одам бу эшикдан кира олмас».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Оллоҳ йўлида нимаики бўлса ҳам, бир жуфтдан (икки динор, икки дирҳам, икки кўйлак, икки дўппи) эҳсон қилса, жаннат эшикларидан «Эй Оллоҳнинг бандаси, бу қилган ишинг хайрлик ишдир!» деб ичкарига даъват қилинғайдир. Кимки намозхонлардан бўлса, намозхонлар кирадирган эшикдан, кимки жиҳод қилганлардан бўлса, жиҳод қилганлар кирадирган эшикдан, кимки рўза тутган бўлса, Раййон номли эшикдан, кимки эҳсон қилганлардан бўлса, эҳсон қилганлар кирадирган эшикдан чақирилғайдир»,— дедилар. Абу Бакр разияллоҳу анҳу сўрадилар: «Отам-онам фидойингиз бўлсин, ё Расулulloҳ! Бир эшикдан кирадирган бўлганимдан кейин, ҳамма эшикдан чақирилмоғимнинг не ҳожати бордир? Ҳамма эшиклардан чақирилғайми?». Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа»,— деб жавоб бердилар, сўнг: «Мен сизни ҳамма эшикдан чақириладиган бандалардан бўлмоғингизни истағайдирмен!» — дедилар».

#### **5-боб. Рамазонми ё Рамазон оймаи? «Ундай деса ҳам бўладир, бундай деса ҳам бўладир»,— деган киши ҳақида**

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рамазон рўзасини Рамазон оймаи келмасдан бурун тутмангиз!» — деб айтганлар.

856 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا جَاءَ رَمَضَانُ فَتَحَتْ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар Рамазон оймаи кирса, жаннатнинг эшиклари очилғайдир»,— деб айтганлар»,— дейдилар.

وَعَنْهُ - فِي رِوَايَةٍ - قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِذَا دَخَلَ شَهْرُ رَمَضَانَ ، فَتَحَتْ أَبْوَابُ السَّمَاءِ ، وَغُلِقَتْ أَبْوَابُ جَهَنَّمَ ، وَسُلِسَتْ الشَّيَاطِينُ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар Рамазон кирса, осмон эшиклари очилиб, дўзах эшиклари беркитилғайдир ҳамда шайтонлар кишанланғайдир»,— деганлар».

857 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( إِذَا رَأَيْتُمُوهُ فَصُومُوا ، وَإِذَا رَأَيْتُمُوهُ فَأَفْطِرُوا ، فَإِنْ غَمَّ عَلَيْكُمْ فَأَقْدُرُوا لَهُ ) . يَعْنِي هِلَالَ رَمَضَانَ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу:* «Мен Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг «Рамазонда осмонда ойни кўрганингиздан кейингина рўза тутмоқни бошлангиз, Шаввол ойи киргач, рўза тутмоқни бас қилингиз. Агар ойни булут тўсиб қўйган бўлса-ю, сиз уни кўра олмасангиз, унда Шаъбон ойининг ўттиз кунини тўла ўтказиб, сўнг рўза тутингизлар!» — деганларини эшитганман», — дейдилар.

### **6-боб. Кимки Рамазон рўзасини иймон-эътиқод билан, қаноат ва ишонч билан, яхши ният қилиб тутса...**

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам яхшилик қилишда ҳаммадан ҳам сахийроқ эрдилар. Хусусан, Рамазон ойида, Жаброил алайҳиссалом бирлан учрашганларида, яна ҳам саховатлари ошиб кетгай эрди, чунки Жаноб Расулulloҳ то Рамазон тугагунча, кечалари Жаброил алайҳиссалом бирлан учрашиб, Қуръонни ўқиб берар ва ўзларини имтиҳон қилдираар эрдилар. Ҳамиша ул Жаноб, Жаброил алайҳиссалом ила учрашсалар, яхшилик қилишга бўлган саховатлари кучли шамолдан ҳам тезлашиб кетар эрди».

### **7-боб. Кимки рўзада ёлғончилигини қўймаса ва Оллоҳ қайтарган нарсалардан қайтмаса...**

858 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( مَنْ لَمْ يَدَعْ قَوْلَ الزُّورِ وَالْعَمَلَ بِهِ ، فَلَيْسَ لِلَّهِ حَاجَةٌ فِي أَنْ يَدَعَ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ ) .

Кимки ёлғон сўзламоқни тарк этмаса ва Оллоҳ қайтарган нарсалардан қайтмаса, рўза тутиб, емай-ичмай қўйгани бирлан рўзаси қабул бўлмағайдир. Оллоҳ унга раҳмат назарини ташламағайдир.

### **8-боб. Рўза тутган кишини ҳақорат қилишса «Мен рўзадорман», деб айтадирми?**

859 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( قَالَ اللَّهُ تَعَالَى : كُلُّ عَمَلٍ ابْنِ آدَمَ لَهُ إِلَّا الصِّيَامَ ، فَإِنَّهُ لِي ، وَأَنَا أَجْزِي بِهِ . وَالصِّيَامُ جُنَّةٌ ، وَإِذَا كَانَ يَوْمٌ صَوْمِ أَحَدِكُمْ ، فَلَا يَرُفُثُ وَلَا يَصْحَبُ ، فَإِنْ سَابَهُ أَحَدٌ ، أَوْ قَاتَلَهُ فَلْيَقُلْ إِنِّي امْرُؤٌ صَائِمٌ . وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَخُلُوفٌ فَمِ الصَّائِمِ أَطْيَبُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ رِيحِ الْمِسْكِ ، لِلصَّائِمِ فَرْحَتَانِ يَفْرَحُهُمَا إِذَا أَفْطَرَ فَرِحَ ، وَإِذَا لَقِيَ رَبَّهُ فَرِحَ بِصَوْمِهِ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Оллоҳ таоло: «Бандаларимнинг одамлар кўзи тушгулик барча қиладирган ишлари (намоз ўқимоқлари, хайр-эҳсон қилмоқлари, закот бермоқлари) ўзлари учундир, тутадирган рўзалари эрса, мен учундир (Худо учун бўлмаганда эрди, яширинча еб-ичиб олмоқ мумкин эрди, чунким уни ҳеч ким кўрмағайдир), бинобарин, унинг мукофотини ўзим бергайдирмен», — дейдир. Рўза дўзах ўтидан сақловчи воситадир, агар сизлардан бирортангиз рўзадор бўлсангиз, гуноҳ бўладирган сўзларни сўзламангиз, биров бирлан жанжаллашмангиз, агар биров ҳақорат қилса ёким уришса, мен рўзадормен, деб айтингиз. Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, рўзадорнинг оғзидан келадирган бўй Оллоҳнинг наздида мушқдан ҳам хушбўйроқдир! Рўзадор икки бор хурсанд бўлур, бири — оғиз очганда (яъни, ифтор қилганда), иккинчиси — рўза тутиб, ёруғ юз бирлан Оллоҳга йўлиқганда!»

### **9-боб. Зино қилмоқдан қўрққан кишининг рўза тутмоқлиги ҳақида**

860 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : ( مَنْ اسْتَطَاعَ الْبَاءَةَ فَلْيَتَزَوَّجْ ، فَإِنَّهُ أَعْضٌ لِلْبَصْرِ ، وَأَحْصَنُ لِلْفَرْجِ ، وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَعَلَيْهِ بِالصَّوْمِ ، فَإِنَّهُ لَهُ وَجَاءٌ ) .

*Алқамаривоят қиладилар:* «Мен Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бирлан бирга кетаётган эрдим. Шунда Абдуллоҳ: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бўлганимизда, ул Жаноб: «Кимки уйланмоққа қодир бўлса, уйлансин, чунким уйланмоқ киши кўзини номаҳрам аёлларга қарамоқдан, уни ношаръий жинсий алоқа қилмоқдан сақлағайдир. Агарда кимки уйланмоққа қодир бўлмаса, рўза тутсин, чунким рўза рўзадорнинг шаҳватини (аёлга бўлган рағбатини) кесгувчидир!» — дедилар».

### **10-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Рамазон ойида янги ой чиққач (кўрингач), рўза тутингиз, Шаввол ойида янги ой чиққач, рўза тутишни бас қилингиз!» деганлари ҳақида**

Сила разияллоҳу анҳу: «Кимки шак кун рўза тутса, Абу-л-Қосим (Жаноб Расулulloҳни шундай деб ҳам аташар эрди) саллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларида осий бўлибдир!» — деганлар.

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ҳақида бундай деганлар: «Рамазон ойида янги ой чиққанини кўрмагунингизча, рўза тутмангиз, Шаввол ойида ҳам янги ой чиққанини кўрмагунингизча, рўза тутмоқни тўхтатмангиз. Агар булут ойни тўсиб турган бўлса, Шаъбон ва Рамазон ойлари тўлиқ ўттиз кун, деб ҳисоблангиз».

861 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( الشَّهْرُ تِسْعٌ وَعِشْرُونَ لَيْلَةً ، فَلَا تَصُومُوا حَتَّى تَرَوْهُ ، فَإِنْ غَمَّ عَلَيْكُمْ فَأَكْمِلُوا الْعِدَّةَ ثَلَاثِينَ ) .

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дейдилар: «Шаъбон ойи йигирма тўққиз кун, лекин Рамазонда янги ой чиқмагунча рўза тутмангиз, агар булут ойни тўсган бўлса, Шаъбон ойини ўттиз кун қилиб тўлдириб, кейин рўза тутишни бошлангиз».

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Тепамизда турган ой», деб кўрсатдилар-да, мана бундай, мана бундай қилиб, икки муборак қўлларининг бармоқларини ёзиб, икки бор ишора қилдилар, бу эрса йигирма сонини билдирғайдир. Кейин, бошмолдоқларини тик қилиб, иккинчи қўлларининг кафти бирлан уни олиб ташлагандек ҳаракат қилдилар, бу эрса, тўққизни билдирғайдир, жами йигирма тўққиз бўлур».

862 . عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ آلَى مِنْ نِسَائِهِ شَهْرًا ، فَلَمَّا مَضَى تِسْعَةٌ وَعِشْرُونَ يَوْمًا غَدَاً أَوْ رَاحَ ، فَقِيلَ لَهُ : إِنَّكَ حَلَفْتَ أَنْ لَا تَدْخُلَ شَهْرًا ؟ فَقَالَ : ( إِنْ الشَّهْرُ يَكُونُ تِسْعَةً وَعِشْرِينَ يَوْمًا ) .

*Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ой ўз аёлларига яқинлик қилмағайман, деб қасам ичдилар (Шариатда бундай қасам бор, унинг номи «ийло» дейилур). Йигирма тўққиз кун ўтгандан сўнг, аёллари олдига кирдилар. Шунда, ул кишидан: «Сиз бир ой кирмағайман, деб қасам ичган эрдингиз-ку!» — деб сўраганимда, «Тепамиздаги ой йигирма тўққиз кундир»,— дедилар».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ой ўз аёлларига яқинлик қилмағайман, деб қасам ичдилар, ўша пайтда муборак оёқлари чиққан эрди. Бир хонада йигирма тўққиз кун турдилар, сўнг хонадан чиқиб, аёллари олдиларига кирганларида, «Ё Расулulloҳ, бир ой яқинлик қилмағайман, деб қасам ичган эрдингиз-ку!» — деб айтишди. Шунда, Расулulloҳ: «Бу ой йигирма тўққиз кундир»,— дедилар».

### 11-БОБ. Иккала ҳайит оиларининг кунлари тенг бўладир

Имом Бухорий: «Башарти иккала ҳайит оиларининг кунлари (ўттиз кундан) кам бўлганда ҳам, савоби тўлиқдир, иккала ой ҳам бараварига кам келмоғи мумкин эрмас!» — дейдилар.

863 . عَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( شَهْرَانِ لَا يَنْقُصَانِ ، شَهْرًا عِيدٍ ، رَمَضَانَ وَذُو الْحِجَّةِ ) .

*Абдурраҳмон ибн Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки ой бир хил, улар ўттиз кундан кам бўлмағайдир, бири — Рамазон ойи, иккинчиси — Зулҳижжа ойидир»,— дейдилар».

### 12-БОБ. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Биз ёзмағаймиз ҳам, ҳисобламағаймиз ҳам», деганлари ҳақида

864 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ : ( إِنَّا أُمَّةٌ أُمِّيَّةٌ ، لَا نَكْتُبُ وَلَا نَحْسُبُ ، الشَّهْرُ هَكَذَا وَهَكَذَا ) . يَعْنِي مَرَّةً تِسْعَةً وَعِشْرِينَ ، وَمَرَّةً ثَلَاثِينَ .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кўпчилигимиз уммий (ўқимоқ ва ёзмоқни билмайдирган) жамоадирмиз. Шул сабабдан, биз араб жамоаси ёзмоқни ҳам, юлдузларга қараб ҳисобламоқни ҳам ва уларнинг қай тартибда ҳаракат қилмоғини ҳам билмасмиз, бунинг ўрнига қиладирган ибодатларимизнинг вақтларини шундоқ аниқ ва кўзга кўринадирган қилиб белгиладиким, бу белгиларни билишда ва ҳисоб-китоб қилишда уммийлар ҳам, бошқалар ҳам бирдир»,— деб, икки муборак кўлларининг бармоқлари ила мана бундай ва мана бундай қилиб, бир гал йигирма тўққиз ва бир гал ўттиз рақамини кўрсатдилар».

### 13-БОБ. Рўзани, ҳар эҳтимолга қарши, бир-икки кун илгари тутмаслик ҳақида

865 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لَا يَتَفَدَّ مَنْ أَحَدُكُمْ رَمَضَانَ بِصَوْمِ يَوْمٍ أَوْ يَوْمَيْنِ ، إِلَّا أَنْ يَكُونَ رَجُلٌ كَانَ يَصُومُ صَوْمَهُ فَلْيَصُمْ ذَلِكَ الصَّوْمَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч ким эҳтиёт юзасидан Рамазондан бир ёким икки кун илгари рўза тутмасин, рўзани Рамазонда янги ой чиққанини кўриб, сўнг тутсин, аммо ҳафтанинг маълум кунлари доимо нафл рўза тутиб юрган одам рўзаси Рамазоннинг дастлабки кунларига тўғри келиб қолса, тута берсин»,— деб айтганлар».

### 14-БОБ. Оллоҳ таолонинг «Сизларга Рамазон кечасида хотинлар ила жинсий алоқа этмоқлик ҳалол қилинди» деган ояти кариймаси хусусида

866 . عَنْ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

كَانَ أَصْحَابُ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَانَ الرَّجُلُ صَائِمًا ، فَحَضَرَ الْإِفْطَارُ ، فَتَمَّ قَبْلَ أَنْ يَفْطَرَ ، لَمْ يَأْكُلْ لَيْلَتَهُ وَلَا يَوْمَهُ حَتَّى يَمْسِيَ ، وَإِنَّ قَيْسَ بْنِ صِرْمَةَ الْأَنْصَارِيَّ كَانَ صَائِمًا ، فَلَمَّا حَضَرَ الْإِفْطَارُ أَتَى امْرَأَتَهُ فَقَالَ لَهَا : أَعِنْدِكَ طَعَامٌ ؟ قَالَتْ : لَا ، وَلَكِنْ أَنْطَلِقُ فَأَطْلُبُ لَكَ ، وَكَانَ يَوْمَهُ يَعْمَلُ ، فَعَلَبْتُهُ عَيْنَاهُ ، فَجَاءَتْهُ امْرَأَتُهُ ، فَلَمَّا رَأَتْهُ قَالَتْ : حَيَّةٌ لَكَ ، فَلَمَّا اتَّصَفَ النَّهَارُ غَشِيَ عَلَيْهِ ، فَذَكَرَ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَنَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ : ﴿ أَحَلِّ لَكُمْ لَيْلَةَ الصِّيَامِ الرَّفَثُ إِلَى نِسَائِكُمْ ﴾ . فَفَرِحُوا بِهَا فَرَحًا شَدِيدًا ، وَنَزَلَتْ : ﴿ وَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى يَتَبَيَّنَ لَكُمْ الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ ﴾ .

*Барро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг саҳобаларидан бирортаси рўздор ҳолда ифторга келса-ю, лекин ифтор қилмай, ухлаб қолса, то эртаси куни кун ботгунча унга емоқ ҳам, ичмоқ ҳам, жинсий алоқа ҳам мумкин эрмас эрди (Рамазон рўзасини тутмоқ фарз бўлган дастлабки даврларда шундоқ эрди). Қайс ибн Сармат ал-Ансорий деган саҳоба рўза эрдилар. Ифтор вақти бўлганда хотинларининг олдига келиб, «Егани бирор нарсанг борми?» — деб сўрадилар. Хотинлари: «Йўқ, лекин сиз учун бирон егулик топиб келгайман»,— деди. Лекин, куни билан ишлаганликлари сабабли, чарчаб, кўзлари уйқуга кетди. Хотинлари келиб қарасалар, ифтор қилмай ухлаб қолибдирлар. Шунда хотинлари: «Ифтордан маҳрум бўлибсиз-ку!» — дедилар. Қайс ибн Сармат эртасига ҳам рўзани давом эттирдилар. Кун ярим бўлган пайтда очликдан ҳушдан кетиб қолдилар. Кейин, бу воқеани Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб беришди. Шунда, «Сизларга Рамазон кечасида хотинлар ила жинсий алоқа этмоқлик ҳалол қилинди» деган оят нозил бўлди. Бундан саҳобалар жуда хурсанд бўлдилар. Сўнг, «Оқ ипни қора ипдан ажратадирган бўлгунча (яъни, тонг ёришай дегунча) еб-ичингизлар!» деган оят ҳам нозил бўлди».

**15-боб. Оллоҳ таолонинг «Оқ ипни қора ипдан ажратадирган бўлгунча еб-ичингизлар, сўнг рўзани тонгдан бошлаб, то кун ботгунга қадар давом эттирингизлар!», деган ояти кариймаси ҳақида**

867 . عَنْ عَدِيِّ بْنِ حَاتِمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : لَمَّا نَزَلَتْ : ﴿ حَتَّى يَتَبَيَّنَ لَكُمُ الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ ﴾ عَمَدَتْ إِلَى عَقَالِ أَسْوَدَ وَإِلَى عَقَالِ أَبِيضَ ، فَجَعَلَتْهُمَا تَحْتَ وَسَادَتِي ، فَجَعَلْتُ أَنْظُرُ فِي اللَّيْلِ فَلَا يَسْتَبِينُ لِي ، فَعَدَوْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرْتُ لَهُ ذَلِكَ ، فَقَالَ : ( إِنَّمَا ذَلِكَ سَوَادُ اللَّيْلِ وَبَيَاضُ النَّهَارِ ) .

*Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Оқ ипни қора ипдан ажратадирган бўлгунча еб-ичингизлар!» деган ояти карийма нозил бўлганда, бир қатим оқ ва бир қатим қора ипни олиб, ёстиғим остига қўйиб, (ёстиғимни қия қилиб кўтариб) қарай бошладим, қанча тикилиб қарамай, барибир қайсиниси оқ ва қайсиниси қора эканлигини сира ажрата олмадим. Сўнг, кундузи Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бориб, бўлган воқеани айтиб бердим. Жаноб Расулulloҳ: «Бундан мақсад, тун қоронғуси-ю, кун ёруғидир»,— дедилар».

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Оқ ипни қора ипдан ажратадирган бўлгунча еб-ичингизлар!» деган оят нозил бўлди. Лекин, «Тонгдан бошлаб...» деган оят ҳануз нозил бўлмаган эрди. Шунда, одамлар рўза тутган пайтларида, оёқларига оқ ва қора ип боғлаб олиб, то бир-биридан ажратадирган бўлгунча еб-ичабердилар. Пировардида, Оллоҳ таоло «Тонгдан бошлаб...» деган ояти кариймасини нозил қилди. Бундан одамлар билдиларки, оқ ип ва қора ипдан мақсад, кеча ва кундуз эркан».

**16-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Биллол айтган азон сизларни саҳарлик қилмоқдан тўхтатмасин!» деган сўзлари ҳақида**

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Биллол кечаси азон айтар эрдилар»,— дейдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга: «Ибн Умму Мактум азон айтмагунча еб-ичаверингизлар, чунки ул тонг отиши арафасида азон айтгайдир»,— деганлар. Қосим ибн Муҳаммад бундай дейди: «Биллол бирлан Ибн Умму Мактумнинг азонлари ўртасида ҳеч қанча вақт йўқ эрди, чунки Биллол мезанадан тушиши бирлан ўрнига Ибн Умму Мактум чиқар эрди».

**17-боб. Саҳарликка ажратилган вақтдан тўла-тўқис фойдаланмоқ ҳақида**

*Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Мен ўз оилам бирлан



сахарлик қилиб бўлганимдан кейин, тез юриб бориб, бомдоднинг биринчи ракъатидаги саждани Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга қилмоққа улгурар эрдим».

### 18-боб. Сахарлик билан бомдод ўртасидаги муддат

868 . عَنْ زَيْدِ بْنِ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : تَسَحَّرْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، ثُمَّ قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ ، قُلْتُ : كَمْ كَانَ بَيْنَ الْأَذَانِ وَالسَّحُورِ ؟ قَالَ : قَدْرُ خَمْسِينَ آيَةً .

*Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу:* «Биз Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сахарлик қилдик. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга (бомдодга) турдилар»,— дедилар. Анас разияллоҳу анҳу Зайддан: «Бомдодга айтилган азон бирлан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккалангиз қилган сахарлик ўртасида қанча муддат бор эрди?»—деб сўрадилар. Зайд: «Қуръондан эллик оят ўқимоққа кетадирган вақтча бор эрди»,— дедилар.

### 19-боб. Сахарликка турмай, рўзани иккинчи кунга улаб юбориш мажбурий эрмас

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобалар (баъзан) сахарлик қилмай, рўзани иккинчи кунга улаб юборар эрдилар, сахарлик қилмоқ эсларига келмас эрди.

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (баъзан) сахарлик қилмай, рўзани иккинчи кунга улаб тутаверар эрдилар. Бошқалар ҳам шундоқ қилғаймиз, деб анча қийналиб қолишгач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга бу тариқа рўза тутмоқни манъ қилдилар. Одамлар: «Ўзингиз шундай рўза тутмоқдасиз-ку?!»— дейишганда, Жаноб Расулulloҳ: «Менинг аҳволим сизларнинг аҳволингиздан яхшидир, чунки менга еган ва ичганинг қуввати бериб турилгайдир»,— дедилар».

869 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( تَسَحَّرُوا فَإِنَّ فِي السَّحُورِ بَرَكَةً ) .

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сахарлик қилингиз, чунки сахарлик қилишда баракот бордир!» — деганлар»,— деб ривоят қиладилар.

### 20-боб. Кундузи «рўзаман», деб ният қилса...

*Умму Дардоъ ривоят қиладилар:* «Абу Дардоъ: «Ейишга овқатларинг борми?»—деб сўрадилар, шунда биз: «Йўқ»,— десак, «Бўлмаса, мен бугун рўзаман»,—деб ният қилингиз»,— дердилар. Абу Талҳа, Абу Ҳурайра, Ибн Аббос ва Ҳузайфа разияллоҳу, анҳулар ҳам шундай қилишар эрди (яъни, егулик ҳеч нарса бўлмаса, кундузи ният қилиб, рўза тутишаверарди)».

870 . عَنْ سَلْمَةَ بِنِ الْأَكْوَعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ رَجُلًا يَنَادِي فِي النَّاسِ يَوْمَ عَاشُورَاءَ : ( إِنَّ مَنْ أَكَلَ فَلَيْتَمَّ أَوْ فَلَیْصُم ، وَمَنْ لَمْ يَأْكُلْ فَلَا يَأْكُل ) .

*Салама ибн Акваъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муҳаррам ойининг ўнинчи куни: «Кимки бугун бирор, нарса еган бўлса, бошқа ҳеч нарса емасин, аммо бирор нарса емаган бўлса, куннинг қолган қисмида ҳам емай, рўза тутсин!» —деб одамларга хабар қилмоқни топширар эрдилар».

### 21-боб. Рўза тутган одам жимоъдан сўнг ғул қилиб рўзасини давом эттирса...

871 . عَنْ عَائِشَةَ وَأُمِّ سَلْمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَدْرِكُهُ الْفَجْرُ وَهُوَ جُنْبٌ مِنْ أَهْلِهِ

، ثُمَّ يَغْتَسِلُ وَيَصُومُ .

*Оиша ва Умму Салама разияллоҳу анҳумо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинлари бирлан яқинлик қилганларида тонг отиб қоларди. Шунда, Жаноб Расулulloҳ ғул қилиб, рўза тутишни давом эттираверардилар»,— деб айтишди. Абдурраҳмон ибн Ҳарас ушбу ҳадисни Мадина ҳокими Марвонга айтиб берганида, «Буни Абу Ҳурайрага айтиб, уни бир мулзам қилмайдирсанми?» — деди (чунки, Абу Ҳурайра: «(Кечаси) жимоъ қилган киши рўзасини давом эттирмоғи дуруст эрмас»,— деб юрар эрдилар). Марзоннинг: «Абу Ҳурайрани бир мулзам қилмайдирсанми?» — деган гапи Абдурраҳмонга ёқинқирамади. Абдурраҳмон бундай дейдилар: «Мен Зулҳулайфа деган жойда Абу Ҳурайра бирлан учрашиб қолдим. Шунда, мазкур ҳадисни ул кишига айтиб бердим-да, «Менга Марвон буюрмаганда, айтмас эрдим»,— дедим. Абу Ҳурайра менга жавобан: «Наҳс одамнинг рўза тутишни давом эттирмоғи дуруст эрмас», деган ҳадисни менга Ибн Аббос айтиб берган эрди, ул киши эрса, ҳаммамиздан кўра билимдонроқдирлар»,— дедилар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Ҳумом ва Ибн Абдуллоҳ ибн Умарга:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Кечаси) наҳс бўлиб қолган одам (ўша кун) рўза тутмаслиги лозим»,— деб буюрар эрдилар»,— деган эканлар.

## 22-боб. Рўздор кишининг бадани хотинининг баданига тегиши мумкин

Оиша онамиз: «Рўздор киши хотинининг авратигагина яқинлашмаслиги лозим»,— дейдилар.

872 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْبَلُ وَيَبَاشِرُ وَهُوَ صَائِمٌ ، وَكَانَ أُمَّلِكُكُمْ لِأَرِيهِ .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам рўза бўла туриб, аёлларини ўпар эрдилар, муборак баданлари уларнинг баданларига тегар эрди, лекин ул Жаноб ўз нафсларини сизлардан кўра, кўпроқ тия билган одам эрдилар (аммо, ўз нафсига кучи етмайдиганларнинг рўза тутган ҳолда хотинига бундай муомалада бўлмоғи хатарлидир)».

## 23-боб. Рўздор кишининг ўз аёлини ўпмоғи ҳақида

Жобир ибн Зайд: «Агар рўздор киши ўз хотинига муҳаббат ила қараса-ю, таҳорати синса, рўзасини давом эттиравергайдир»,— дейдилар.

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рўза тутган ҳолларида баъзан хотинларини ўпар эрдилар»,— дедилар-да, кулиб қўйдилар.

*Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бир тўшакда ётган эрдим, тўсатдан ҳайз кўриб қолдим. Шунда, Жаноб Расулulloҳнинг бағрларидан секингина чиқиб кетдим. Жаноб Расулulloҳ: «Нима, ҳайз бўлиб қолдингми?»—дедилар. Мен: «Ҳа»,— дедим-да, кийимларимни алмаштириб, яна тўшакка кирдим».

Умму Салама ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккалалари ҳам наҳс бўлиб қолганларида бир идишдан ғул қилар эрдилар. Жаноб Расулulloҳ рўза бўлсалар ҳам Умму Саламани ўпар эрдилар.

## 24-боб. Рўза тутган одамнинг ғул қилмоғи ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу рўза тутган бўлсалар ҳам, бир кўйлакни хўллаб, ўз устларига ташлаб қўймоқни буюрдилар. Имом Шаъбий рўза тутган бўлсалар ҳам ҳаммомга кирдилар. Ибн Аббос: «Киши рўза бўла туриб қозондаги таомнинг тузини тили бирлан татиб кўриб, ичига ютмасдан туфлаб ташласа, зарари йўқдир»,— дейдилар. Ҳасан Басрий: «Рўздор киши оғзига сув олиб, чайқаб

ташласа, сув бирлан баданига ором берса бўлур»,— дейдилар. Ибн Масъуд: «Қайси бирингиз рўза тутсангиз, баданингизга хушбўй нарсалардан суртиб, ўзингизга оро берингиз!»— деб тавсия қиладилар. Анас разияллоҳу анҳу: «Менда бир катта идиш бор, унга сув тўлдириб, рўза бўлишимга қарамай, ичига тушиб олғайман»,— дейдилар. Жаноб Расулulloҳ рўза тутган пайтларида ҳам мисвок бирлан тишларини тозалар эрдилар, дейишади. Ибн Умар: «Рўздор одам эрталаб ва кечга яқин мисвок бирлан тишини тозаламоғи мумкин»,— дейдилар. Ато разияллоҳу анҳу: «Рўздор одам тупугини ютса, рўзаси очилғайдир. демасман»,— дейдилар. Ибн Сирин: «Рўздор одам мисвок ишлатса, зарари йўқдир»,— деб айтдилар. Шунда ул кишига: «Мисвок нам бўлгач, оғизга унинг мазаси чиқадир-ку!» — дейишди. Ибн Сирин: «Рўздор бўла туриб сув бирлан оғиз чайқаладир-ку, унда ҳам маза бор-ку!»—деб жавоб қилдилар. Анас ва Ҳасан Басрий: «Рўздор одам сурма ишлатса, зарари йўқдир»,— дейишади.

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазонда субҳ вақтида булғаниб қолар эрдилар. Сўнг, ғул қилиб, рўза тутишни давом эттиравердилар».

*Абу Бакр ибн Абдуллаҳмон ривоят қиладилар:* «Отам бирлан бирга Оиша разияллоҳу анҳонинг уйларида кирдик. Шунда Оиша онамиз: «Қасам ичиб айтурменким, Жаноб Расулulloҳ жинсий яқинлик қилмай туриб, наҳс бўлиб қолганларида (булғаниб қолганларида) ғул қилардилар-да, рўза тутишда давом этаверардилар»,— деб айтдилар. Сўнг, биз Умму Салама олдиларига кирдик, улар ҳам Оиша онамиз айтган гапларни айтдилар».

### **25-боб. Рўздор киши эсидан чиқиб бирор нарса еб-ичиб қўйса...**

Ато разияллоҳу анҳу: «Агар бир киши бурнига сув олиб (тахорат чоғида), ҳаммасини чиқариб юборолмай, озроғи димоғи орқали томоғига ўтиб кетса, унинг зарари йўқдир»,— дейдилар.

Ҳасан Басрий: «Рўздорнинг томоғига пашша кириб кетса, зарари йўқдир»,— дейдилар.

Ҳасан ва Мужоҳид: «Агар рўза тутган киши рўзалиги эсида бўлмай, ўз хотини бирлан жинсий алоқа қилиб қўйса, ҳеч зарари йўқдир»,— дейдилар.

**873.** عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( إِذَا نَسِيَ فَكَّالَ وَشَرِبَ فَلَيْتَمَّ صَوْمَهُ ، فَإِنَّمَا أَطَعَهُ اللَّهُ وَسَقَاهُ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар рўздор одам эсидан чиқиб ебичиб қўйса, рўзасини давом эттирсин, чунким уни Оллоҳ еб-ичирибдир», деганлар»,— дейдилар.

### **26-боб. Рўздор одам хўл ва қуруқ мисвокни ишлатса...**

*Омир ибн Рабийъа:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рўздор бўла туриб, мисвок ишлатганларини жуда кўп кўрганман»,— дейдилар. Абу Ҳурайра: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар умматимга оғир бўлмоғини ўйламаганимда, ҳар таҳорат қилганда мисвок ишлатмакни буюрган бўлар эрдим»,— деб айтганлар»,— дейдилар. Абу Ҳурайра Жаноб Расулulloҳ ҳақларида ривоят қилган ҳадисларига ўхшаш бошқа бир ҳадисни Жобир ва Зайд ибн Холид ҳам айтиб беришган. Имом Бухорий: «Мазкур ҳадис рўздор одамгагина тааллуққидир»,— дейдилар.

*Оиша онамиз:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мисвок бирлан оғиз тозаламак Оллоҳ таоло ризолиги учун қилинадирган амалдир!» — деганлар»,—

дейдилар. Ато ва, Қатода: «Рўза тутган киши тупугини ютса, зарари йўқдир»,—деб айтишади.

*Хумрон ривоят қиладилар:* «Мен Усмон разияллоҳу анҳунинг таҳорат қилганларини кўрдим. Ул киши аввал уч бор икки қўлларига сув қуйдилар, сўнг, оғиз ва бурун чайқадилар, кейин уч бор юзларини ювдилар, кейин уч бор ўнг ва чап қўлларини тирсак бирлан қўшиб ювдилар, сўнг ўнг ҳамда чап оёқларини уч бор ювдилар. Кейин, менга қараб: «Расулуллоҳ, худди ҳозир мен қилган таҳоратдек, таҳорат қилиб, «Кимки ҳозирги менинг таҳоратимдек таҳорат қилса, кейин икки ракъат намоз ўкиб, намоз вақтида намозга алоқадор бўлмаган сўзларни сўзламаса, шул вақтгача қилган майда гуноҳларининг ҳаммаси кечирилғайдир»,— деб айтганлар»,— дедилар».

### **27-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Бирортангиз таҳорат қилсангиз, албатта димоғингизга сув олиб чайқангиз!» деганлари ҳамда бунда рўзадор бкрлан рўза тутмаганларни ажратмаганлари ҳақида**

*Ҳасан Басрий:* «Рўзадор димоғига дори қуйса-ю, томоғига кетиб қолмаса, зарари йўқдир ҳамда рўзадор сурма қўйса ҳам бўлур», — дейдилар. Ато разияллоҳу анҳу: «Рўзадор оғзига сув олиб, чайқаб ташласа-ю, тупуги ва оғзида қолган сувни ютиб юбормаса, зарари йўқдир. Рўзадор сақич чайнамаслиги керак, мободро сақич чайнаса-ю, сўлагини ютса, рўзаси очилғайдир, демасман»,— дейдилар. Лекин, кўпчилик уламолар сақич чайнаганда чиқадирган сўлакни ютмаслик кераклигини айтиб, «Рўзадор димоғини чайқаганда томоғига сув кетса, зарари йўқдир, чунким ул томоғига кетаётган сувни қайтаришга қодир эрмас»,— дейишади.

### **28-боб. Рамазонда хотини билан яқинлик қилса...**

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Кимки Рамазонда касал бўлмайд туриб, узрсиз бир кун рўза тутмаса, ўша узрсиз рўза тутмаган бир кун эвазига умр бўйи рўза тутса ҳам, Рамазондаги бир кунлик рўзанинг савобига эриша олмайди»,— дейдилар. Ибн Масъуд ҳам худди шундай деган эканлар. Саъид ибн Мусаййаб, Шаъбий, Ибн Жубайр, Иброҳим Қатода ва, Ҳаммодлар: «Узрсиз тутилмаган бир кунлик рўза эвазига яна бир кун қўшимча рўза тутғайдир»,— дейдилар.

*Абдуллоҳ ибн Зубайр қуйидаги ҳадисни Оиша разияллоҳу анҳодан эшитган эканлар:* «Бир киши Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, «Мен ўзимни ўзим қуйдирдим!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Не қилдинг?» — дедилар. Бояги киши: «Мен Рамазонда кундузи хотинимга яқинлик қилиб қўйдим», — деди. Шу пайт, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир катта замбилда хурмо келтириб қолишди. Шунда, Жаноб Расулуллоҳ: «Бояги ўзини ўзи қуйдирган киши қани?» — деб сўрадилар. «Мен шу ердаман»,— деди у. Жаноб Расулуллоҳ: «Қилган гуноҳингни ювмок; учун (каффорат учун) мана шул хурмони одамларга эҳсон қилғил!» — дедилар».

### **29-боб. Рамазон куклари кундузи хотинга яқинлик қилиб қўйса-ю, бунинг каффорати учун берадирган ҳеч нарса бўлмаса....**

874 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

يَبْنَ مَا نَحْنُ جُلُوسٌ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذْ جَاءَهُ رَجُلٌ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، هَلَكْتُ . قَالَ : ( مَا لَكَ ) . قَالَ : وَقَعْتُ عَلَى امْرَأَتِي وَأَنَا صَائِمٌ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( هَلْ تَجِدُ رَقَبَةً تُعْتِقُهَا ) . قَالَ : لَا ، قَالَ : ( فَهَلْ تَسْتَطِيعُ أَنْ تَصُومَ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعِينَ ) . قَالَ : لَا ، قَالَ : ( فَهَلْ تَجِدُ إِطْعَامَ سِتِّينَ مَسْكِينًا ) . قَالَ : لَا ، قَالَ : فَمَكَثَ عِنْدَ

النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَبَيْنَا نَحْنُ عَلَى ذَلِكَ أُتِيَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِعَرَقٍ فِيهِ تَمْرٌ ، وَالْعَرَقُ: الْمَكْتَلُ ، قَالَ : أَيْنَ السَّائِلُ ؟ قَالَ : أَنَا ، قَالَ : ( خُذْ هَذَا فَتَصَدَّقْ بِهِ ) . فَقَالَ لَهُ الرَّجُلُ : أَعَلَى أَفْقَرٍ مِنِّي يَا رَسُولَ اللَّهِ ؟ فَوَاللَّهِ مَا بَيْنَ لَابَتَيْهَا ، يَرِيدُ الْحَرَّتَيْنِ ، أَهْلُ بَيْتٍ أَفْقَرُ مِنْ أَهْلِ بَيْتِي ، فَضَحِكَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى بَدَتْ أَنْيَابُهُ ، ثُمَّ قَالَ : ( أَطْعَمَهُ أَهْلَكَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Биз Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўтирган эрдик. Шу пайт, бир киши келиб: «Ё Расулulloҳ, мен ҳалок бўлдим!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сенга не бўлди?» — дедилар. Бояги киши: «Рўза ҳолимда кундуз кунни ўз хотинимга яқинлик қилиб қўйдим»,— деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир қул озод қилмоққа қурбинг етгайдирми?» — деб сўрадилар. У: «Йўқ, қурбим етмагайдир»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Икки ой кетма-кет рўза тута олурмисен?»—дедилар. У: «Йўқ»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Бўлмаса, олтмиш кишига таом бера олурмисен?»—дедилар. У: «Йўқ»,— деди-да, жим қолди. Шу аснода Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир катта саватда тўла хурмо келтириб қолишди. Шунда, Жаноб Расулulloҳ: «Бояги одам қани?» — деб сўрадилар. У: «Шу ердаман»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Мана бу хурмони олиб, камбағалларга эҳсон қилғил»,— дедилар. У: «Ё Расулulloҳ, Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, Мадинада менинг хонадонимдан камбағалроқ хонадон йўқ»,— деди. Жаноб Расулulloҳ табассум қилдилар, ҳатто муборақ оғизларидаги тишлари ҳам кўриниб кетди: «Ундоқ бўлса, хурмони олиб бориб, оиланга едирғил»,— дедилар».

### **30-боб. Рамазон кунни хотинига яқинлик қилиб қўйган киши, оиласи муҳтож бўлса, берадиган каффоратини оиласига едирадими?**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бир киши келиб, Рамазонда ўз аҳлияси бирлан жинсий алоқа қилиб қўйганини айтди. Жаноб Расулulloҳ: «Қилган гуноҳинг эвазига қул озод қилмоққа қодирмисен?»—деб сўрадилар. У киши: «Йўқ»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Икки ой кетма-кет рўза тутмоққа қодирмисен?» — деб сўрадилар. У яна: «Йўқ»,— деб жавоб берди. Жаноб сўрадилар: «Олтмиш кишига таом бермоққа қодирмисен?» У киши: «Йўқ»,— деди. Шу пайт, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир сават хурмо ҳадя қилинди. Жаноб: «Бу хурмони ўз номингдан муҳтожларга едирғил!» — дедилар. У киши: «Ё Расулulloҳ, Мадина шаҳрида менинг оиламдан ҳам муҳтожроқ оила борми?» — деди. «Ундоқ бўлса, буни ўз оиланга едирғил!» — дедилар Расулulloҳ».

### **31-боб. Рўзадорнинг қон олдириши ва қайт қилиши ҳақида**

Абу Ҳурайра: «Агар рўзадор қайт қилса, рўзаси очилмайдир, чунки бу ҳолда овқат рўзадорнинг ошқозонидан чиқадир, унга кирмайдир»,— дейдилар. Абу Ҳурайранинг бошқа бир ривоятларида «Рўзадор қайт қилса, рўзаси очиладир», деб айтилган, лекин аввалгиси тўғри. Ибн Аббос ва Икрима: «Рўза қоринга кирган нарсдан очиладир, чиққан нарсдан эрмас»,— дейдилар. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу рўза бўла туриб, кундузи қон олдирад эрдилар, сўнг кечаси олдирадиган бўлдилар. Абу Мусо ҳам кечаси қон олдираддилар. Саъд, Зайд ибн Арқом ва Умму Саламалар рўза бўла туриб, кундузи қон олдиришгани ҳақида ривоят қилинган. Букайр Умму Алқам: «Оиша разияллоҳу анҳо ҳузурларида рўза ҳолимизда қон олдирад эрдик, лекин ул киши бизни бундан қайтармас эрдилар»,— дейдилар. Ҳасан Басрий ва бошқалар: «Киши рўза ҳолда қон олдиурса, қон олганнинг ҳам,

олдирганнинг ҳам рўзаси очилғайдир», — деб ривоят қилишади.

875 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَحْتَجَمَ وَهُوَ مُحْرِمٌ ، وَأَحْتَجَمَ وَهُوَ صَائِمٌ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳромда бўлган чоғларида ва рўза тутган пайтларида қон олдирганлар»,— деб ривоят қиладилар.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам рўза ҳолларида қон олдирад эрдилар»,— дейдилар.

Собитулбуноний Анас разияллоҳу анҳудан: «Рўзадорнинг қон олдиришини ёқтирмас эрдингизларми?» — деб сўрадилар. У киши: «Ҳа, қон олдиргандан сўнг, мадори қуриб қолишини ёқтирмас эрдик»,— деб айтдилар.

### 32-боб. Сафарда рўза тутмоқ ва тутмаслик ҳақида

876 . عَنْ ابْنِ أَبِي أَوْفَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ :

كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ فَقَالَ لِرَجُلٍ : ( انزِلْ فَاجِدْ لِي ) . قَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ الشَّمْسُ ؟ قَالَ : ( انزِلْ فَاجِدْ لِي ) . قَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ الشَّمْسُ ؟ قَالَ : ( انزِلْ فَاجِدْ لِي ) . فَانزَلَ فَجَدَّحَ لَهُ فَشَرِبَ ، ثُمَّ رَمَى بِيَدِهِ هَا هُنَا ، ثُمَّ قَالَ : ( إِذَا رَأَيْتُمُ اللَّيْلَ أَقْبَلَ مِنْ هَا هُنَا فَقَدْ أَفْطَرَ الصَّائِمُ ) .

*Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда эрдик. Жаноб Расулulloҳ бир кишига: «Ифтор қилмоғим учун уловдан тушиб, сутни сувга (ёким талқонни сувга) аралаштириб берғил!»—деб буюрдилар, Ул киши: «Қуёшнинг нурлари ҳали сўнгани йўқ-ку?!»—деди. Жаноб Расулulloҳ иккинчи марта буюрдилар. Бояги киши яна: «Қуёшнинг нурлари ҳали сўнгани йўқ-ку?!» — деди. Жаноб Расулulloҳ учинчи марта буюрганларидан кейин, у уловдан тушиб, сутни сувга аралаштириб берди. Жаноб Расулulloҳ ўшандан ичиб, оғиз очдилар. Сўнг, муборак қўллари бирлан кун ботар томонга ишора қилиб, «Агар қоронғулик машриқ томондан туша бошласа, рўзадор оғиз очғайдир»,— дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо: «Ҳамза ибн Амруласлабий: «Ё Расулulloҳ, мен ҳар доим, ҳар куни рўза тутғайман»,— деб айтди»,— дейдилар.

877 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ عَنْهَا ، زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّ حَمْرَةَ بِنَ عَمْرٍو الْأَسْلَمِيَّ قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَأَصُومُ فِي السَّفَرِ ؟ وَكَانَ كَثِيرَ الصِّيَامِ ، فَقَالَ : ( إِنْ شِئْتَ فَصُمْ ، وَإِنْ شِئْتَ فَأَفْطِرْ ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Ҳамза ибн Амруласлабий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан «Сафарда бўлганимда ҳам рўза тутаверайинми?» —деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Хоҳласанг тутғил, хоҳламасанг, тутмағил!» — дедилар».

### 33-боб. Агар киши Рамазонда бир неча кун рўза тутиб, сўнг сафарга чиқса...

878 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ إِلَى مَكَّةَ فِي رَمَضَانَ فَصَامَ ، حَتَّى بَلَغَ الْكَدِيدَ أَفْطَرَ فَأَفْطَرَ النَّاسُ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазонда Маккага сафар қилдилар. Шунда, Кадид деган жойга келгунча рўза тутдилар, ундан сўнг рўза тутмадилар. Бунни кўрган одамлар ҳам рўза тутмай қўйишди».

### 34-боб.

879 . عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ :

خَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي بَعْضِ أَسْفَارِهِ ، فِي يَوْمٍ حَارٍّ ، حَتَّى يَضَعُ الرَّجُلُ يَدَهُ عَلَى رَأْسِهِ مِنْ شِدَّةِ الْحَرِّ ، وَمَا فِيْنَا صَائِمٌ إِلَّا مَا كَانَ مِنَ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَابْنِ رَوَاحَةَ .

*Абуддардоъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Одамлар қўлларини бошларига соябон қиладирган даражада ҳаво исиб кетадиган пайтларда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарга чиқар эрдик. Бундай сафарларда Жаноб Расулulloҳ ва Ибн Рувоҳадан бошқа ҳеч ким рўза тутмас эрди».

### 35-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Жазирама иссиқда сафарга чиққан одамнинг рўза тутмоғи яхши эрмас» деганлари ҳақида

880 . عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللهِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ : كَانَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ ، فَرَأَى زِحَامًا وَرَجُلًا قَدْ ظَلَلَ عَلَيْهِ ، فَقَالَ : ( مَا هَذَا ) . فَقَالُوا : صَائِمٌ ، فَقَالَ : ( لَيْسَ مِنَ الْبِرِّ الصَّوْمُ فِي السَّفَرِ ) .

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафар чоғида бир тўда кишиларнинг кимнидир қуёшдан пана қилмоққа уринишаётганини кўриб: «Не қилмоқдасизлар?» — дедилар. Шунда, улар бояги кишининг рўзадор эканлигини айтишди. Жаноб Расулulloҳ: «Сафарда рўза тутмоқ яхши эрмас», — дедилар».

### 36-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари бир-бирларига рўза хусусида таъна қилишмас эрди

881 . عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ : كُنَّا نُسَافِرُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمْ يَعِْبِ الصَّائِمُ عَلَى الْمُفْطِرِ ، وَلَا الْمُفْطِرُ عَلَى الصَّائِمِ .

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда эрдик. Айримларимиз рўза тутган ва айримларимиз рўза тутмаган эрдик. Шунда, рўза тутмаган кишига «Нега тутмағайсан?», деб ёки тутган кишига «Нега сафарда рўза тутғайсан?», деб таъна қилмас эрдик».

### 37-боб. Сафарда рўза тутган кишининг «Одамлар мендан ибрат олсин», деб ошкора оғиз очганлиги ҳақида

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ойида Маккага қараб сафарга чиқдилар. Асфон деган ерга етгунча неча кун кетган бўлса, шунча кун рўза тутдилар. Ўша ерга етгандан сўнг, Жаноб Расулulloҳ сув келтирмакни буюрдилар. Сув келтиришгач, одамлар кўрсин, деб атайлаб баланд кўтариб ичдилар. Кейин, Маккага етгунча рўза тутмадилар. Бу воқеа Рамазонда бўлганди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда кўпинча рўза тутардилар ва баъзан тутмай ҳам юрардилар. Шунинг учун бу галги сафаримизда хоҳлаган рўза тутди, хоҳламаган тутмади».

### 38-боб.

*Ибн Умар ва Салама ибн ал-Акваъ:* «Оллоҳ таолонинг «Рўза тутмоққа қурби етадирган кишилар рўза тутмасалар, бир кунлик рўза эвазига бир мискин тўядирган таом берсинлар!» деган оятини унинг кейинги — «Кимки Рамазон ойи келгач, рўза тутмоққа қодир бўлса, рўза тутсин...», деган ояти бекор қилган», — дейишади. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари — Абу Лайло бундай дейдилар: «Рамазон ойида рўза тутмоқ ҳақидаги оят нозил бўлганда биз рўза

тутмоққа жуда қийналдиқ, шунда рўза тутмоққа қодир бўлмаганларга бир кунлик рўза ўрнига бир мискин тўядирган миқдорда фидя (тўлов) бермакка рухсат этилди. Кейинчалик эрса, «Рўза тутганингиз таом берганингиздан афзалроқдир!» деган оят нозил бўлиб, аввалги оятни бекор қилди ва бизга рўза тутмоқ буюрилди».

Нофиъ ривоят қилади: «Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Рўза тутмаганлар ҳар кунги рўзаси учун бир мискин тўядирган таом берсин!» деган оятни ўқиб, «Бу оят бекор қилинган»,— дедилар».

### 39-БОБ.

Ибн Аббос: «Агар киши бир неча кун рўза тутмаган бўлса, Рамазон ойидан сўнг тутса ҳам бўлур, узлуксиз бўлмоғи шарт эрмас. Чунки Оллоҳ таоло: «Тута олмаган рўзаларингизни бошқа кунларда тутиб берғайдирсизлар, деган»,— дейдилар. Саъид ибн Мусаййаб: «Рўзанинг қазоси Зулҳижжа ойининг ўнинчи кунигача тутилгани яхшироқ, чунки келгуси Рамазон ойигача тутилмай қолиб кетса, яхши эрмас»,— дейдилар. Иброҳим: «Киши Рамазон ойида бепарво бўлиб, рўза тутмаса, кейинги Рамазон ойи келганда ҳар иккаласини бир қилиб тутиши керак бўлади, қазо бўлган рўза учун фидя бермоқ яхши эрмас»,— дейдилар. Абу Ҳурайра ва Ибн Аббос: «Рамазон ойи келганда кимки рўза тутолмай қолса, қазо бўлган рўзаси эвазига бир мискин (камбағал, бечора) тўйгудек таом бермоғи керак»,— деганлар. Имом Бухорий эрса: «Оллоҳ таоло қазо қилинган рўзалар ўрнига таом бермоқни эрмас; балким рўза тутиб бермоқни амр қилган»,— дейдилар.

*Абу Салама ривоят қилади:* «Оиша разияллоҳу анҳо: «Рамазонда тута олмаган рўзаларининг қазосини то Шаъбон ойи келмагунча тута олмас эрдим»,— дедилар. Чунким, Жаноб Расулulloҳ ҳам Шаъбон ойида рўза тутар эрканлар. Яҳё: «Ул кишининг Шаъбон ойигача рўза тута олмасликларига сабаб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан машғул эрканликларидадир»,— дейдилар».

### 40-БОБ. Ҳайз кўрган аёлнинг рўза ва намозни тарк қилмоғи ҳақида

*Абуззаноद ривоят қилади:* «Пайғамбарнинг суннатлари ва шаръий ишлари кўпинча киши фикрига хилоф бўлур, бинобарин мусулмон киши бирор шариат ҳукмини ўз фикрига, ақлига хилоф, деб билса, албатта шариат кўрсатган йўлга эргашмоғи шартдир. Шундай ишлардан биттаси ҳайз кўрган аёлнинг рўза қазосини тутиб, намоз қазосини ўқимаслигидир».

*Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қилади:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳайз кўрган хотинларнинг намоз ўқимаслиги ва рўза тутмаслиги улар эътиқодидаги нуқс эрмасму?» — деганлар (яъни, аёллар Оллоҳ таолога ибодат қилмоқ хусусида эркакларга нисбатан айрим нуқсонларга эгадир)».

### 41-БОБ. Вафот қилган киши зиммасида қолган рўзанинг ҳукми

Ҳасан Басрий: «Вафот қилган киши зиммасида ўттиз кун рўза қолган бўлса, ўттиз киши бир кундан тутиб берса бўлғайдир»,— деганлар.

882 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( مَنْ مَاتَ وَعَلَيْهِ صِيَامٌ صَامَ عَنْهُ وَلِيَهُ ) .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилади:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки вафот қилса, унинг зиммасида қолган рўзаларини (яъни, тута олмаган рўзаларини) вафот қилган кишининг яқинлари тутиб берғайдирлар»,— деганлар».

883 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ أُمَّيْ مَاتَتْ وَعَلَيْهَا صَوْمٌ شَهْرٍ ، أَفَأَقْضِيهِ عَنْهَا ؟ قَالَ : ( نَعَمْ ، فَذَيْنِ اللَّهُ أَحَقُّ أَنْ يُقْضَى ) .



*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Бир киши Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, онам, зиммаларида бир ойлик рўза бўлган ҳолларида вафот қилдилар, ўша зиммаларидаги рўзани мен адо қилсам бўлурми?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа,— бўлғайдир. Чунки Оллоҳнинг қарзини адо этмоқ бошқа қарзларни адо қилмоқдан ҳам зарурроқдир!» — дедилар».

#### **42-боб. Рўздор қайси вақтда оғаз очса, яхши бўладир? Абу Саъид қуёш гардйши кўринмай қолгайда оғиз очар эрдилар**

*Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар қоронғулик машриқдан кела бошласа, ёруғлик эрса мағрибдан кета бошласа ва қуёш ботса, рўздор оғиз очғайдир»,— дедилар».

884 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي أَوْفَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : سَرَرْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ صَائِمٌ ، فَلَمَّا غَرَبَتِ الشَّمْسُ قَالَ : ( انزِلْ ، فَاجِدْ لَنَا ) . قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، لَوْ أَمْسَيْتَ . قَالَ : ( انزِلْ ، فَاجِدْ لَنَا ) . قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنَّ عَلَيْكَ نَهَارًا . قَالَ : ( انزِلْ ، فَاجِدْ لَنَا ) . فَتَنَزَلَ ، فَجَدَحَ ، ثُمَّ قَالَ : ( إِذَا رَأَيْتُمُ اللَّيْلَ أَقْبَلَ مِنْ هَاهُنَا ، فَقَدْ أَفْطَرَ الصَّائِمُ ) . وَأَشَارَ بِإِصْبَعِهِ قِبَلَ الْمَشْرِقِ .

*Ибн Абу Авфо ривоят қиладирлар:* «Биз Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга сафарда эрдик, ул киши рўза эрдилар. Кун ботгандан сўнг, бир кишига оғиз очмоқ учун сут бирлан сувни аралаштирмоқни буюрдилар. У киши эрса: Оғиз очмоққа ҳали эртароқ зрмасмикин?» — деди, Жаноб Расулulloҳ буйруқларини уч бор такрорлаганларидан сўнг, у киши ичимлик суви тайёрлади. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам сув ичиб: «Агар қоронғулик машриқдан келаётган бўлса, рўздорнинг рўзаси очилган бўлур»,— дедилар».

#### **43-боб. Рўздорнинг ўзида мавжуд бўлган сув ёки бошқа нарсалар билан оғиз очиши мумкинлиги ҳақида**

*Ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга юрган эрдик. Ул киши рўза эрдилар. Кун бртгандан сўнг, «Эй Билол, уловдан тушиб, бизга оғиз очмоқ учун сут бирлан сувни аралаштириб берғил!»— дедилар. Билол: «Ё Расулulloҳ, оғиз очмоқни бир оз кечиктирсангиз бўларми эрди?»—дедилар. Жаноб Расулulloҳ яна: «Сув тайёрлағил!» — дедилар. У киши яна: «Ҳали ёруғ-ку!»— дедилар. Жаноб Расулulloҳ яна: «Сув тайёрлағил!» — дедилар. Шундан сўнг, Билол сув тайёрлаб бердилар. Шунда, Жаноб Расулulloҳ: «Агар қоронғулик мана бу томондан (қўллари бирлан машриқ томонга ишора қилдилар) келса, рўздор оғиз очғайдир»,— дедилар».

#### **44-боб, Кун ботиши биланоқ ифтор қилмоқ ҳақида**

885 . عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : ( لَا يَزَالُ النَّاسُ بِخَيْرٍ مَا عَجَلُوا الْفِطْرَ ) . (

*Саҳл ибн Саъд ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рўздорлар қуёш ботиши бирлан бир пайтда оғиз очсалар, доимо яхшилик кўрғайдирлар»,— деганлар».

*Ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда эрдик, Жаноб Расулulloҳ кечгача рўза тутдилар. Сўнг, бир кишига: «Оғиз очмоққа нарса (сув) тайёрлағил!» — дедилар. У киши: «Яна

бир оз кеч киришини кутсак яхши бўлармиди?»—деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Агар туннинг машриқ томондан келаётганини кўрсанг, бўлди, рўзадор бўлсанг, оғиз очаверғил!»—дедилар.

#### 45-боб. Агар Рамазонда оғиз очилгандан сўнг қуёш кўриниб қолса...

886 . عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَتْ : أَفْطَرْنَا عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ غَيْمٍ ، ثُمَّ طَلَعَتِ الشَّمْسُ .

*Асмо бинти Абу Бакр:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида ҳаво булут куни оғиз очдик, бироқ оғиз очилгандан сўнг Қуёш чиқиб қолди»,— дедилар. Мазкур ҳадис ровийларидан бири — Ҳишомдан: «Ўша кунги рўзанинг қазосини тутмоқни буюрдиларми?» — деб сўрашганда, ул киши: «Рўзанинг қазосини албатта тутмоқ лозим»,— деб жавоб қилдилар. Маъмар эрса: «Ҳишом ўшанда рўза қазосини тутишганми, йўқми, билмадим, деб айтган эрди»,— дейдилар.

#### 46-боб. Ёш болаларнинг рўза тутмоғи ҳақида

Умар разияллоҳу анҳу Рамазонда май ичган Нашвон деган кишига: «Ёш болаларимиз рўза тутсалар-у, сен май ичиб юрсанг?! Бу қилмишинг учун дўзах азобига гирифтор бўлғил!» — деб саксон дарра урдилар.

887 . عَنْ الرُّبَيْعِ بِنْتِ مُعَوِّذٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : أُرْسِلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غَدَاةَ عَاشُورَاءَ إِلَى قُرَى الْأَنْصَارِ : ( مَنْ أَصْبَحَ مُفْطِرًا فَلَيْتَمَّ بَقِيَةَ يَوْمِهِ ، وَمَنْ أَصْبَحَ صَائِمًا فَلْيَصُمْ ) . قَالَتْ : فَكُنَّا نَصُومُهُ بَعْدَ وَنُصَوْمُ صَبِيَانَا ، وَنَجْعَلُ لَهُمُ اللَّعْبَةَ مِنَ الْعِهْنِ ، فَإِذَا بَكَى أَحَدُهُمْ عَلَى الطَّعَامِ أَعْطَيْنَاهُ ذَلِكَ حَتَّى يَكُونَ عِنْدَ الْإِفْطَارِ .

*Рабиъ бинти Муавваз ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муҳаррам ойининг ўнинчи куни эрталаб Мадина теграсидаги қишлоқларга «Кимки рўза тутмаган бўлса, то кун ботгунча ҳеч нарса емасин, кимки рўза тутган бўлса, рўзасини давом эттирсин!», деб хабар юбордилар. Ўша куни ўзимиз ҳам, ёш болаларимиз ҳам рўза тутган эрдик. Болаларимиз қоринлари очиб, йиғласалар, уларни ифторгача овунтириш учун бўялган жундан ўйинчоқлар ясаб берган эрдик».

#### 47-боб. «Икки ва ундан ортиқ кун ифтор қилмай, узлуксиз рўза тутмоқ ҳамда кечаси рўза тутмоқ дуруст эрмас»,— деган кишилар ҳақида

Оллоҳ таоло: «Рўзани кун ботгунча давом эттирингиз!» — деган. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам кишиларга раҳм-шафқат қилиб, уларнинг саломатликларини ўйлаб, узлуксиз рўза тутмоқдан қайтарганлар ва «Динда буюрилмаган нарсаларни қиламан, деб ўзини қийнамаклик дуруст эрмас»,— деганлар.

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Узлуксиз рўза тутмангиз!» — деганларида, «Ўзингиз шундай рўза тутғайдирсиз-ку?!» — дейишди. Жаноб : «Мен сизларга ўхшаган эрмасмен, узлуксиз рўза тутганимда, Оллоҳ томонидан кечалари еб-ичирилғаймен»,— дедилар».

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам узлуксиз рўза тутмоқдан қайтарганларида, одамлар: «Ўзингиз тутғайдирсиз-ку?!»—дейишди. Шунда, Жаноб Расулуллоҳ: «Мени Оллоҳ кечалари едирғайдир ва ичирғайдир»,— дедилар».

888 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ : أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ( لَا تُوَأْصِلُوا ، فَأَيُّكُمْ إِذَا أَرَادَ أَنْ يُوَأْصَلَ فَلْيُوَأْصِلْ حَتَّى السَّحْرِ ) .

*Абу Саъид ривоят қиладилар:* «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

одамларни узлуксиз рўза тутмоқдан қайтариб: «Агар хоҳласангиз, то саҳаргача тутингиз!» — деганларида, одамлар: «Ё Расулulloҳ, ўзингиз тутғайдирсиз-ку?!» — дейишди. Жаноб: «Мен сизларга ўхшаган эрмасмен, чунки кечаси Оллоҳ томонидан таомлантирғувчи келиб, менга таом берғайдир ва суғорғувчи келиб, сув берғайдир»,— дедилар».

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Жаноб Расулulloҳ одамларга раҳм-шафқат қилиб, узлуксиз рўза тутмоқдан қайтарганларида, улар: «Узингиз тутғайдирсиз-ку?!» — дейишди. Ул киши: «Мен сизларга ўхшаган эрмасмен, мени раббим едириб-ичириб турғайдир»,— дедилар».

#### **48-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаддан зиёд узлуксиз рўза тутганларни койиганлари ҳақида**

889 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْوِصَالِ فِي الصَّوْمِ ، فَقَالَ لَهُ رَجُلٌ مِنَ الْمُسْلِمِينَ : إِنَّكَ تَوَاصِلُ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، قَالَ : ( وَأَيْكُمْ مِثْلِي ، إِنِّي أَبِيْتُ يَطْعَمُنِي رَبِّي وَيَسْقِينِ ) . فَلَمَّا أَبَوْا أَنْ يَنْتَهُوا عَنِ الْوِصَالِ ، وَاصَلَ بِهِمْ يَوْمًا ثُمَّ رَأَوْا الْهَلَالَ ، فَقَالَ : ( لَوْ تَأَخَّرَ لَزِدْتُمْ ) . كَالْتَّنْكِيلِ لَهُمْ حِينَ أَبَوْا أَنْ يَنْتَهُوا . وَفِي رِوَايَةٍ عَنْهُ قَالَ : ( إِنِّي أَبِيْتُ يَطْعَمُنِي رَبِّي وَيَسْقِينِ ، فَكَلَّفُوا مِنَ الْعَمَلِ مَا تُطِيقُونَ ) .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларни рўзани узлуксиз тутмоқдан қайтардилар. Шунда, мусулмонлардан бири: «Ё Расулulloҳ, ўзингиз узлуксиз рўза тутғайдирсиз-ку?!»— деди. Жаноб: «Қайси бирингиз мендек бўла олурсиз? Мени кечаси раббим едириб-ичирғайдир»,— дедилар. Одамлар узлуксиз рўза тутмасликка кўнишмагандан сўнг (саҳобалар Расулulloҳ қилган ишни қийналсалар ҳам қилиб, савоб топмоқ мақсадида кўнишмаган эрди), Жаноб Расулulloҳ улар бирлан бирга кетма-кет оғиз очмай, икки кун рўза тутдилар. Учинчи куни янги ой чиқиб қолди, шунда Жаноб Расулulloҳ: «Агар янги ой кўринмаганда узлуксиз рўза тутаверар эрдим»,— дедиларда, саҳобаларни узлуксиз рўза тутганлари учун бир оз койигандек бўлдилар».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки марта кетма-кет оғиз очмай, рўза тутмоқдан эҳтиёт бўлингиз!» — дедилар, шунда улар: «Узингиз тутғайдирсиз-ку?!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Мени Оллоҳ кечаси едириб-ичирғайдир. Сизлар қурбингиз етадирган ишни қилмоғингиз лозимдир»,— дедилар».

#### **49-боб. Фақат саҳаргача узлуксиз рўза тутмоқ ҳақида**

*Абу Саъид Худрий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Узлуксиз рўза тутмангиз, агар қай бирингиз узлуксиз рўза тутмоқни ихтиёр этсангиз, фақат саҳаргача давом эттирингиз»,— дедилар. Одамлар: «Ё Расулulloҳ, ўзингиз тутғайдирсизку?!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Мен сизларга ўхшаган эрмасмен, менга кечаси таомлантирғувчи келиб, таом берғайдир, сув берғувчи келиб, сув ичирғайдир»,— дедилар».

#### **50-боб. Бир одам нафл рўза тутган бошқа бир одамга «оғиз очасан!», деб туриб олса-ю, лекин унинг оғиз очганлиги учун ўзи бир кун рўза тутиб бериши зарур эканлигини билмаса, аммо, рўза тутган кишига оғиз очишдан кўра, рўза туган афзалроқ бўлса...**

890 . عَنْ أَبِي حُجَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَخَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ سَلْمَانَ وَأَبِي الدَّرْدَاءِ ، فَزَارَ سَلْمَانُ أَبَا الدَّرْدَاءِ ، فَرَأَى أُمَّ الدَّرْدَاءِ مُتَبَدِّلَةً ، فَقَالَ لَهَا : مَا

شَأْنُكَ؟ قَالَتْ: أَخُوكَ أَبُو الدَّرْدَاءِ لَيْسَ لَهُ حَاجَةٌ فِي الدُّنْيَا ، فَجَاءَ أَبُو الدَّرْدَاءِ فَصَنَعَ لَهُ طَعَامًا ، فَقَالَ : كُلْ ، قَالَ : فَإِنِّي صَائِمٌ ، قَالَ : مَا أَنَا بِأَكْلٍ حَتَّى تَأْكُلَ ، قَالَ : فَأَكَلْ ، فَلَمَّا كَانَ اللَّيْلُ ذَهَبَ أَبُو الدَّرْدَاءِ يَقُومُ ، قَالَ : نَمْ ، فَنَامَ ، ثُمَّ ذَهَبَ يَقُومُ ، فَقَالَ : نَمْ ، فَلَمَّا كَانَ مِنْ آخِرِ اللَّيْلِ قَالَ سَلْمَانُ : قُمْ الْآنَ ، فَصَلِّ يَا ، فَقَالَ لَهُ سَلْمَانُ : إِنَّ لِرَبِّكَ عَلَيْكَ حَقًّا ، وَلِنَفْسِكَ عَلَيْكَ حَقًّا ، وَلِأَهْلِكَ عَلَيْكَ حَقًّا ، فَأَعْطَى كُلَّ ذِي حَقٍّ حَقَّهُ ، فَأَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَ ذَلِكَ لَهُ ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( صَدَقَ سَلْمَانُ ) .

*Абу Жухайфа ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Салмон билан Абуддардоъни ўзаро ака-ука тутинтириб қўйдилар. Шундан сўнг, Салмон Абуддардоъни кўргани уйларига борсалар, Абуддардоънинг хотинлари Уммуддардоъ эски кийим кийиб олган эрканлар. Салмон: «Сизга не бўлди, бунчалик хароб кийим кийиб олибдирсиз?»—деб сўрадилар. Уммуддардоъ: «Биродарингиз Абуддардоънинг дунёни сув босса, тўпиқларига чиқмағайдир»,— дедилар. Салмон гап нимада эканлигини фаҳмлаб, Абуддардоъ келганларида у кишига овқат тутиб эдилар: «Мен рўзаман, емасмен»,— дедилар. Салмон: «Агар сиз бу таомдан емасангиз, мен ҳам емасмен»,— дедилар, Абуддардоъ ночор едилар. Кечаси Абуддардоъ уйқудан уйғониб, ибодат қилмоқчи бўлиб эрдилар, Салмон: «Ётингиз!»— дедилар, у киши ётдилар, бир оздан кейин яна турмоқчи бўлиб эдилар, яна: «Ётингиз!»—дедилар, у киши яна ётдилар. Тонг отай деб қолганда, Салмон: «Мана энди турингиз!» — дедилар-да, ўзлари ҳам туриб, биргалашиб намоз ўқидилар. Сўнг, Салмон Абуддардоъга: «Сизда раббингизнинг ҳам, ўзингизнинг ҳам, оилангизнинг ҳам ҳаққи бордир, сизнинг уларнинг бирортасининг ҳам ҳаққига хиёнат қилмоқча ҳаддингиз йўқдир!» — дедилар. Кейин, Абуддардоъ бу воқеани Жаноб Расулulloҳга айтиб берганларида, ул киши: «Салмон тўғри айтибдир»,— дедилар».

### 51-606. Шаъбон ойида рўза тутмоқ ҳақида

891 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصُومُ حَتَّى تَقُولَ لَا يَفْطُرُ ، وَيَفْطُرُ حَتَّى تَقُولَ لَا يَصُومُ ، فَمَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اسْتَكْمَلَ صِيَامَ شَهْرٍ إِلَّا رَمَضَانَ ، وَمَا رَأَيْتُهُ أَكْثَرَ صِيَامًا مِنْهُ فِي شَعْبَانَ .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рўзани шунчалик маромига етказиб тутар эрдиларки, биз ҳатто ул киши ҳар доим рўза бўлсалар керак, дердик. Рўза тутмаган пайтларида эрса, энди сира ҳам рўза тутмасалар керак, деб ўйлардик. Жаноб Расулulloҳнинг Рамазон ойидан бошқа ойларда тўлиқ рўза тутганларини кўрмадим. Шаъбон ойидан бошқа ойларда ҳам тўлиқ рўза тутганларини кўрмаганман».

892 . وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : لَمْ يَكُنِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصُومُ شَهْرًا أَكْثَرَ مِنْ شَعْبَانَ ، فَإِنَّهُ كَانَ يَصُومُ شَعْبَانَ كُلَّهُ ، وَكَانَ يَقُولُ : ( خُذُوا مِنَ الْعَمَلِ مَا تُطِيقُونَ ، فَإِنَّ اللَّهَ لَا يَمَلُّ حَتَّى تَمَلُّوا ) . وَأَحَبُّ الصَّلَاةِ إِلَيَّ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا دَوِمَ عَلَيْهِ وَإِنْ قَلْتُ ، وَكَانَ إِذَا صَلَّى صَلَاةً دَاوِمًا عَلَيْهِ .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Шаъбон ойидан бошқа ойларда кўп рўза тутмас эрдилар, чунки Шаъбон ойида тўлиқ рўза тутар эрдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Қурбингиз етадирган ишни қилингиз, сизларга малол келмаса, Оллоҳга ҳам малол келмағайдир»,— дер эрдилар. Расулulloҳ қисқа бўлса ҳам, канда қилмай намоз ўқимоқни яхши кўрар эрдилар. Агар нафл намоз ўқимакни одат қилган бўлсалар, уни ҳам канда қилмай ўқир эрдилар».

## 52-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рўза тутмоқлари ва рўза тутмай юришлари ҳақида

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ойидан бошқа ойларнинг ҳаммасида ҳам рўза тутавермаганлар. Жаноб рўза тутсалар, «Оллоҳга қасамлар бўлсинким, бул кишининг оғизлари очиқ кун бўлмағайдир!» — дейишарди. Оғизлари очиқ бўлган вақтларда эрса, «Оллоҳга қасамлар бўлсинким, бул киши рўза тутмағайдилар!» — дейишарди».

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи ойларда ҳеч ҳам рўза тутмас эрдилар, ҳатто биз: «Бу зот ҳеч ҳам нафл рўза тутмасалар керак?» — деб ўйлардик. Баъзи ойларда шунчалик кўп рўза тутар эрдиларки, биз: «Бу зот доимо рўза бўлсалар керак?»—деб ўйлардик. Баъзан биз, кечаси Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқимасалар керак, деб ўйлаб ўйларига борсак, ул киши намоз ўқиётган бўлар эрдилар. Баъзан эрса, ул киши кечаси бирлан ухламай намоз ўқиб чиқсалар керак, деб ўйлаб борсак, ухлаётган бўлар эрдилар».

893 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، وَقَدْ سُئِلَ عَنْ صِيَامِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : مَا كُنْتُ أَحِبُّ أَنْ أَرَاهُ مِنَ الشَّهْرِ صَائِمًا إِلَّا رَأَيْتُهُ ، وَلَا مُفْطِرًا إِلَّا رَأَيْتُهُ ، وَلَا مِنَ اللَّيْلِ قَائِمًا إِلَّا رَأَيْتُهُ ، وَلَا نَائِمًا إِلَّا رَأَيْتُهُ ، وَلَا مَسَسْتُ حَزْرَةَ وَلَا حَرِيرَةَ أَلَيْنَ مِنْ كَفِّ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، وَلَا شَمِمْتُ مِسْكَةً وَلَا عَبِيرَةَ أَطِيبَ رَائِحَةٍ مِنْ رَائِحَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

*Анас разияллоҳу анҳудан Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қандай рўза тутишлари тўғрисида сўрашди.* Ул киши: «Баъзи ойларда Жанобни рўза ҳолда кўрмоқни истасам, албатта рўза ҳолида кўрар эрдим. Агар оғизлари очиқ ҳолда кўрмоқни истасам, оғизлари очиқ ҳолда кўрар эрдим. Кечалари намоз ўқиётганларини кўрмоқни истаганимда эрса, намоз ўқиётган ҳолда кўрар эрдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак кафтларидек юмшоқ ва иссиқ кафтни ушламаганман. Расулulloҳнинг бўйларидан хушбўйроқ мушкни ҳам, анбарни ҳам ҳидламаганман!» — деб жавоб бердилар.

## 53-боб. Рўзадорда меҳмоннинг ҳам ҳаққи бор

وعنه رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي رِوَايَةِ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( فَصُمْ صَوْمَ دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ كَانَ يَصُومُ يَوْمًا وَيُفْطِرُ يَوْمًا ، وَلَا يَفِرُّ إِذَا لَاقَى ) . قَالَ : مَنْ لِي بِهِدِّ يَا نَبِيَّ اللَّهِ ؟ قَالَ وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( لَا صَامَ مَنْ صَامَ الْأَبَدَ ) . مَرَّتَيْنِ .

*Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг олдимга келдилар-да, «Сенда, сени зиёрат қилгани келганларнинг (меҳмонларнинг) ҳам, хотинингнинг ҳам ҳаққи бор»,— дедилар. Ул кишидан мен: «Довуд пайғамбар нечук рўза тутганлар?»—деб сўрадим, чунки Жаноб Расулulloҳ: «Сен Довуд алайҳиссаломнинг рўзаларидан ошириб юбормағил!»—деган эрдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ярим умрларига баробар рўза тутганлар»,— деб жавоб қилдилар».

## 54-боб. Рўзадорда ўз танасининг ҳам ҳаққи бор

894 . عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( يَا عَبْدَ اللَّهِ ، أَلَمْ أُحْبِرْ أَنَّكَ تَصُومُ النَّهَارَ وَتَقُومُ اللَّيْلَ ) . فَقُلْتُ بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ . قَالَ : ( فَلَا تَفْعَلْ ، صُمْ وَأَفْطِرْ ، وَقُمْ وَتَمْ ، فَإِنَّ

لِحَسَدِكَ عَلَيَّ حَقًّا ، وَإِنَّ لِعَيْنِكَ عَلَيَّ حَقًّا ، وَإِنَّ لِرُؤُوكَ عَلَيَّ حَقًّا ، وَإِنَّ بِحَسَبِكَ أَنْ تَصُومَ كُلَّ شَهْرٍ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ ، فَإِنَّ لَكَ بِكُلِّ حَسَنَةٍ عَشْرَ أَمْثَالِهَا ، فَإِنَّ ذَلِكَ صِيَامُ الدَّهْرِ كُلِّهِ . فَشَدَّدْتُ ، فَشَدَّدَ عَلَيَّ ، قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، إِنِّي أَجِدُ قُوَّةً . قَالَ : ( فَصُمْ صِيَامَ نَبِيِّ اللَّهِ دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ - وَلَا تَزِدْ عَلَيْهِ ) . قُلْتُ وَمَا كَانَ صِيَامَ نَبِيِّ اللَّهِ دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ قَالَ : ( نِصْفَ الدَّهْرِ ) . فَكَانَ عَبْدُ اللَّهِ يَقُولُ بَعْدَ مَا كَبِرَ يَا لَيْتَنِي قَبِلْتُ رُحْمَةَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

*Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Эй Абдуллоҳ, сенга ҳар куни рўза тутиб, ҳар кеча ухламай, ибодат қилмоқ хусусинда айтайинми?»— дедилар, мен: «Айтингиз, ё Расулulloҳ!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ундоқ қилмағил, рўза ҳам тутғил, оғиз ҳам очғил, кечаси ибодат ҳам айлағил, уйқуга ҳам ётғил! Чунким сенда ўз танангнинг ҳам ҳаққи бор, кўзингнинг ҳам ҳаққи бор, аёлингнинг ҳам ҳаққи бордир, меҳмонингнинг ҳам ҳаққи бордир. Сенга ҳар ойда уч кун рўза тутмоғинг кифоя қилғайдир, чунким ҳар бир қилган яхшилиғинг учун ўн баробар савоб теккайдир, бу эрса сенга умр бўйи рўза тутганлик савобини берғайдир»,— дедилар. Шунда мен: «Ё Расулulloҳ, бундан ҳам кўпроқ рўза тутмакка қувватим етғайдир, деб ўйлармен»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Довуд пайғамбарнинг рўзаларидек рўза тутғил-у, аммо андин ошириб юбормағил!» — дедилар. Мен: «Довуд пайғамбар нечук рўза тутганлар?» — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Ярим умрлари рўза тутмоқ бирла ўтган»,— дедилар».

Абдуллоҳ кексайиб рўза тутмоққа қийналиб қолганларида, афсусланиб: «Кошки эрди, ўшанда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўғитларини қабул қилган бўлсам эрди!»—дер эканлар.

### 55-боб. Умр бўйи рўза тутмоқ хусусида

*Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ номи бирла қасам ичурменким, бутун ҳаётим бўйи кундузи рўза тутиб, кечаси ибодат қила олғайдирмен!»,— дедилар. Шунда мен Жаноб Расулulloҳга: «Отам-онам фидойингиз бўлсин, хўп яхши айтдингиз-да!» — дедим. Жаноб: «Сен бундоқ қилмоққа қодир эрмассен, шунинг учун рўза ҳам тутғил, оғиз ҳам очғил, кечаси туриб, ибодат ҳам айлағил, ухлағил ҳам! Ҳар ойда уч кун рўза тутсанг бўлғайдир, чунким ҳар бир қилган яхшилиғингга ўн баробар савоб теккайдир, бу эрса, умр бўйи сенга рўза тутганлик савобини берғайдир»,— дедилар. Мен: «Бундан ҳам кўпроқ рўза тутмакка қодирмен»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бир кун рўза тутиб, икки кун . тутмағил!»— дедилар. Мен: «Бундан кўпроғига ҳам қурбим етғайдир»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бир кун рўза тутиб, бир кун тутмағил, Довуд пайғамбар шундоқ рўза тутганлар, рўза тутсанг, шундоқ рўза тутғил!»—дедилар. Мен: «Ё Расулulloҳ, бундан ҳам яхшироқ рўза тутма олғаймен»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бундан яхшиси йўқдир»,— дедилар».

*Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Менинг узлуксиз рўза тутмоғимдан, туни бирла ибодат қилмоғимдан Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар топибдилар. Ўшанда, Жаноб менинг олдимга бир кишини юбордиларми ёким ул кишига ўзим учрадимми, ёдимда йўқ. Шунда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Айтишларича, сен муттасил рўза тутар эмишсен, тун бўйи ухламай, ибодат қилар эмишсен. Рўза тутғил, бироқ вақтида овқатланғил, кечаси ибодат айлағил, аммо вақтида ухлағил, чунким, сенда ўзингнинг ҳам, аҳлу аёлингнинг ҳам, кўзингнинг ҳам ҳаққи бордир (кўзингни деганларида, «уни уйқусиз қолдирмоққа

ҳаққинг йўқдир»,— демоқчилар)»,— дедилар. Мен: «Менинг бундан ҳам кўпроқ ибодат қилмакка қувватим етгайдир»,— дедим. «Ундоқ бўлса, сен Довуд алайҳиссаломнинг тутган рўзаларини тутгил!» — дедилар. Мен: «Ул нечук рўзадир?» — деб сўрадим. «Довуд пайғамбар, бир кун рўза тутиб, бир кун тутмас эрдилар, жангларда душман бирлан юзма-юз келсалар ҳам, қочмас эрдилар (яъни, «Рўза ул кишини заифлаштирмас эрди»,— демоқчилар)»,— деб жавоб бердилар. Мен: «Ё Расулulloҳ, менинг душмандан қочмаслиғимга ким кафил бўла олур?»— дедим».

*Ато разияллоҳу анҳу:* «Мен Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муттасил рўза тутмоқ тўғрисида не деганларини билмадим. Бироқ, шуни эсларменким, узлуксиз рўза тутган кишига рўзанинг ҳеч қандай савоби бўлмагайдир, деб икки марта такрорлагандирлар»,— дейдилар.

### **56-боб. Бир кун рўза тутиб, бир кун тутмаслик ҳақида**

*Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ҳар ойда уч кун рўза тутғил, дедилар. Мен бундан ҳам кўпроқ тутмоққа қурбим етмоғини айтдим. Шунда, Жаноб Расулulloҳ бир кун рўза тутиб, бир кун тутмаслигим ҳамда бир ойда бир марта Қуръонни хатм қилмоғим мумкинлигини айтдилар. Мен: «Бундан ҳам кўп хатм қилмоққа қодирмен»,— дедим. Ниҳоят, Жаноб Расулulloҳ уч кунда бир марта хатм қилмоғимни буюрдилар».

### **57-боб. Довуд алайҳиссалом қандай рўза тутганлар?**

*Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос разияллоҳу анҳу:* «Менга Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен узлуксиз рўза тутиб, кечанинг ҳаммасида ибодат қилар эмишсен»,— дедилар. Мен: «Ҳа, шундоқ»,— дедим. Ул киши: «Агар шундоқ қилаверсанг, кўзингнинг «кўриш қобилияти заифлашгайдир ва бутун аъзоларинг толиқгайдир. Умр бўйи тутган рўзанг савобсиз қолиб, зое кетгайдир. Ҳар ойда уч кун рўза тутган кишига эрса, умр бўйи рўза тутганнинг савоби берилгайдир»,— дедилар. Мен: «Ё Расулulloҳ, бундан ҳам кўпроқ тутмоққа кучим етгайдир»,— дедим. Шунда ул зот: «Бўлмаса, Довуд алайҳиссалом тутган рўзани тутғил, ул киши бир кун рўза тутиб, бир кун тутмас эрдилар. Душман бирла рўбарў келганларида ҳам қочмас эрдилар (яъни, бундоқ рўза инсон аъзосини заифлаштирамагайдир)»,— дедилар.

*Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам узлуксиз рўза тутмоғимдан хабар топиб, олдимга кирдилар. Мен Жанобга ўтирмаклари учун теридан қилинган, ичига хурмо барги тўлдирилган тўшак солдим, ул киши унга ўтирмай ерга ўтирдилар, тўшак эрса, иккимизнинг ўртамизда қолди. Сўнг, Жаноб: «Сенга ҳар ойда уч кун рўза тутмак кифоя қилмагайдирми?»— деб сўрадилар. Мен: «Ё Расулulloҳ, бу оздир»,— дедим. «Бўлмаса, беш кун»,— дедилар. Мен: «Бу оздир»,— дедим. «Ул киши: «Етти кун»,— дедилар. Мен: «Бу ҳам оздир»,— дедим. Жаноб: «Тўққиз кун»,— дедилар. «Бу ҳам оз»,— дедим. Ул киши: «Ўн бир кун»,— дедилар. Мен бунга ҳам оз, дедим. Шунда ул киши: «Довуд алайҳиссаломнинг рўзаларидан афзал рўза йўқдир, ул ярим умрга тенгдир, бир кун рўза тутғил, бир кун оғзинг очиқ бўлсин»,— дедилар».

### **58-боб. Ой тўлган кунлари — ўн учинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи кунларда рўза тутмоқ ҳақида**

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Менга дўстим саллаллоҳу алайҳи ва саллам уч нарсани — ҳар ойда уч кун рўза тутмоқни, эрталабки намознинг икки ракъат суннатини ҳар куни ўқимоқни ва витр намозини ётиш олдидан ўқимоқни васият қилдилар»,— дейдилар.

**59-боб. Нафл рўза тутган кишининг ҳеч қаерда оғиз очмаслиги қақида**

895 . عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

دَخَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيَّ أُمُّ سُلَيْمٍ ، فَأَتَتْهُ بَتْمَرٌ وَسَمْنٌ ، قَالَ : ( أَعِيدُوا سَمْنَكُمْ فِي سِقَائِهِ ، وَتَمْرَكُمْ فِي وَعَائِهِ ، فَإِنِّي صَائِمٌ ) . ثُمَّ قَامَ إِلَى نَاحِيَةِ مِنَ الْبَيْتِ فَصَلَّى غَيْرَ الْمَكْتُوبَةِ ، فَدَعَا لَأُمِّ سُلَيْمٍ وَأَهْلِ بَيْتِهَا ، فَقَالَتْ أُمُّ سُلَيْمٍ : يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ لِي خُوَيْصَةً ، قَالَ : ( مَا هِيَ ) . قَالَتْ : خَادِمُكَ أَنَسٌ ، فَمَا تَرَكَ خَيْرَ آخِرَةٍ ، وَلَا دُنْيَا إِلَّا دَعَا لِي بِهِ : ( اللَّهُمَّ ارْزُقْهُ مَالًا وَوَلَدًا ، وَبَارِكْ لَهُ ) . فَإِنِّي لَمِنَ أَكْثَرِ الْأَنْصَارِ مَالًا . وَحَدَّثَنِي ابْنَتِي أُمَيْنَةُ : أَنَّهُ دُفِنَ لِصُلَيْبِي مَقْدَمَ حَجَّاجِ الْبَصْرَةِ بَضْعٌ وَعِشْرُونَ وَمِائَةً .

*Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Сулаймнинг (Анаснинг оналарининг) уйларига кирдилар. Умму Сулайм Жаноб Расулulloҳнинг олдиларига хурмо бирлан ёғ қўйдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ёғларингизни идишига қайтариб қуйиб қўйингиз, хурмоларингизни ҳам олиб қўйингиз, чунки мен рўзадирман»,— дедилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ уйнинг бир чеккасига бордилар-да, нафл ўқиб, Умму Сулайм ва ул кишининг аҳли байтлари ҳаққига дуо қилдилар. Шунда, Умму Сулайм: «Менинг бир махсус илтимосим бор»,— дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ул не эркан?» — деб сўрадилар. Умму Сулайм: «Илтимосим, сизнинг хизматкорингиз Анас хусусинда»,— дедилар. Жаноб Расулulloҳ дунёда ва охиратда неки яхшилиғ бўлса, ҳаммасини айтиб, мени (яъни, Анасни) дуо қилдилар. Шунинг учун ҳам мен ансорлар ичида энг бадавлат кишидирмен!»

**60-боб. Ҳар ойнинг охирида рўза тутмоқ ҳақида**

896 . عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ سَأَلَ رَجُلًا وَعِمْرَانَ يَسْمَعُ فَقَالَ : ( يَا أَبَا فَلَانٍ ، أَمَا صُمْتَ سَرَرَ هَذَا الشَّهْرِ ) . قَالَ الرَّجُلُ : لَا يَا رَسُولَ اللَّهِ ، قَالَ : ( فَإِذَا أَفْطَرْتَ فَصُمْ يَوْمَيْنِ ) . وَعَنْهُ فِي رِوَايَةٍ قَالَ : ( مِنْ سَرَرَ شَعْبَانَ ) .

*Имрон ибн Ҳусайн разияллоҳу анҳу ривот қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мендан (ёким бошқа бир кишидан сўрганлар-у, Имрон эшитганлар): «Эй фалончи, ушбу ойнинг охирида рўза тутмадингми?» — деб сўрадилар. (Мазкур ҳадиснинг ровийларидан Абуннуъмон: «Жаноб Расулulloҳ «Ушбу ойнинг» деганларида, Рамазонни назарда тутганлар, деб ўйлайман»,— дейдилар). Мен: «Йўқ, тутмадим, ё Расулulloҳ!»—дедим.. Жаноб Расулulloҳ: «Рамазон тугагач, ҳайитдан икки кун ўтказиб, рўза тутиб қўйғил!»— дедилар».

Имом Бухорий: «Имрон айтган бошқа бир ривоятда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Шаъбон ойининг охиридан икки кун ўтказиб» — деганлар»,— дейдилар.

**61-боб. Жумъа куни рўза тутмаслик ҳақида**

897 . عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قِيلَ لَهُ : أَنْتَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ صَوْمِ يَوْمِ الْجُمُعَةِ ؟ قَالَ : نَعَمْ

*Муҳаммад ибн Аббод ривоят қиладилар:* «Мен Жобир разияллоҳу анҳудан Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жумъа куни (нафл) рўза тутмоқдан қайтарганлари тўғрисида сўрадим. Жобир: «Ҳа, қайтарганлар»,— дедилар».

Мазкур ҳадис ривийларидан бири Абу Осим: «Жаноб Расулulloҳ, жумъа кунигина (нафл) рўза тутмак одат бўлиб қолиб, бошқа кунлари рўза тутмай қўйишмасин, деганлар»,— дейдилар.

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу:* «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг, ҳеч қайси бирингиз жумъа куни (нафл) рўза тутмангиз, агар тутадирган бўлсангиз,



жумъадан олдинги бир кунни ёким жумъадан кейинги бир кунни қўшиб тутингиз, деганларини эшитганман»,— дейдилар.

898 . عَنْ جُوَيْرِيَةَ بِنْتِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ عَلَيْهَا يَوْمَ الْجُمُعَةِ ، وَهِيَ صَائِمَةٌ ، فَقَالَ : ( أَصُمْتِ أَمْسِ ) . قَالَتْ : لَا ، قَالَ : ( أَتُرِيدِينَ أَنْ تَصُومِي غَدًا ) . قَالَتْ : لَا ، قَالَ : ( فَأُفْطِرِي ) .

*Абу Айюб ривоят қиладилар:* «Жумъа куни Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Жувайра бинти Ҳарс разияллоҳу анҳонинг уйларига кирибдилар. Ул киши рўза эрканлар. Жаноб Расулulloҳ: «Кеча ҳам рўзамидинг?» — деб сўрабдилар. Жувайра: «Йўқ»,— дебдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ: «Эртага ҳам рўза тутгаймисен?» — деб сўрабдилар. Ул киши: «Йўқ» — дебдилар. Шунда, Жаноб Расулulloҳ: «Ундоқ бўлса, рўзангни очгил!» — дебдилар. Жувайра оғиз очибдилар».

### 62-боб. Киши ўзи учун рўза тутадирган кунларини белгилаб олса, бўладирми?

899 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا سُئِلَتْ : هَلْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْتَصُّ مِنَ الْأَيَّامِ شَيْئًا ؟ قَالَتْ : لَا كَانَ عَمَلُهُ دِيمَةً ، وَأَيْكُمْ يَطِيقُ مَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَطِيقُ .

*Алқама ривоят қиладилар:* «Оиша разияллоҳу анҳодан: «Жаноб Расулulloҳ ўзлари учун рўза тутадирган кунларни белгилаб олганми эрдилар?» — деб сўрадим. Ул киши: «Жаноб Расулulloҳ доимо рўза тутар эрдилар, сизларнинг қайси бирингиз ул киши қилган ибодатга чидай олурсиз?!» — дедилар».

### 63-боб. Арафа куни рўза тутмоқ ҳақида

*Уммулфазл ривоят қиладилар:* «Арафа куни менинг ҳузуримда ўтирган одамлар Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рўза ёким рўза эрмасликлари тўғрисида тортишиб қолишди. Айримлар: «Жаноб рўзалар»,— деса, баъзилар: «Рўза эрмаслар»,— деди. Шунда мен Жанобга бир идишда сут юбордим. Жаноб туя миниб Арафотда турган эрдилар, сутни ичдилар».

*Маймуна разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Одамлар Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг арафа куни рўза тутганлари тўғрисида шубҳа қилиб қолишди. Шунда мен Жанобга сут юбордим. Жаноб Арафотда турган эрдилар, одамлар кўз олдида сутни ичдилар».

### 65-боб. Қурбон ҳайити куни рўза тутмаслик ҳақида

Ато разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Икки рўза ва икки савдо-сотиқ, яъни Рамазон ва Қурбон ҳайитлари куни рўза тутмақ, молни кўрмасдан ёким кўрсатмасдан бор барака қилмақ ҳамда сотилган нарсани қайтиб олмақ ёким қайтариб олмақ манъ қилингандир»,— дейдилар».

*Зиёд ибн Жубайр ривоят қиладилар:* «Бир киши Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳунинг ҳузурига келиб: «Бир одам ҳар доим маълум бир кунда рўза тутмоққа аҳд қилган эркан, ўшал кун — душанба куни бўлиб, ҳайит кунига тўғри келиб қолибдир, энди ул не қилгайдир?» — деб сўради. «Оллоҳ: «Аҳд қилсангизлар, унга вафо қилингиз!» — дейди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрса, ҳайит куни рўза тутмақни манъ қилганлар»,— дебдилар (уламолар: «Ҳайит кунига тўғри келган рўзани қазо қилиб, бошқа куни тутса, оятга ҳам, ҳадисга ҳам амал қилган бўлур»,— дейишадир)».

*Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўн иккита ғазавотда иштирок этган Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан

мени ғоят таажжубга солган қуйидаги тўрт ҳикматни. эшитдим»,— дейдилар: 1)ёнида маҳрами бўлмаган аёл икки кунлик йўлга ёлғиз ўзи чиқмасин! 2)икки кун — Рамазон ва Қурбон ҳайитлари куни рўза тутилмасин! 3)Бомдоддан сўнг, то кун чиққунча ва асрдан сўнг, то кун ботгунча намоз ўқилмасин! 4)Учта масжид — Масжид ул-Ҳаром, Масжид ул-Ақсо ва менинг масжидларимдан (яъни, Масжид ун-Набийдан) ўзга масжидларга тавоф қилмак ниятида сафар қилинмасин!

### 66-боб. Ташриқ кунлари рўза тутмоқ ҳақида

900 . عَنْ عَائِشَةَ وَابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَا : لَمْ يُرَخَّصْ فِي أَيَّامِ التَّشْرِيقِ أَنْ يَصْمَنَ إِلَّا لِمَنْ لَمْ يَجِدِ الْهَدْيَ .

Ҳишом разияллоҳу анҳу: «Оиша разияллоҳу анҳо ҳам, оталари (Абу Бакр) ҳам Ташриқ кунлари рўза тутмак қурбонликка жонлиқ сўймакка қурби етмаганларгагина рухсат этилди»,— дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Бир йўла ҳаж ва умра қилмакни ният айлаб, эҳром боғлаганлар, арафа кунигача умра қилган бўлсалар-у, лекин қурбонликка жонлиқ сўймакка қурбилари етмаган бўлса, ҳамда рўзани ҳайит кунигача тутишмаган бўлса, Ташриқ кунлари рўза тутмаклари керак бўлғайдир»,— дейдилар.

### 67-боб. Ашуро куни рўза тутмоқ қақида

*Солим разияллоҳу анҳунинг оталари:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам, кимки Ашуро куни рўза тутмакни истаса, тутсин! деб айтганлар»,— дейдилар.

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Рамазон ойининг рўзаси фарз қилингунга қадар, Ашуро куни рўза тутмакни буюрган эрдилар. Рамазонда рўза тутмак фарз бўлганидан кейин эрса, Ашуро куни истаганлар рўза тутди, истамаганлар тутмади».

901 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ يَوْمَ عَاشُورَاءَ تَصُومُهُ قَرِيشٌ فِي الْجَاهِلِيَّةِ ، وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصُومُهُ ، فَلَمَّا قَدِمَ الْمَدِينَةَ صَامَهُ وَأَمَرَ بِصِيَامِهِ ، فَلَمَّا فُرِضَ رَمَضَانَ تَرَكَ يَوْمَ عَاشُورَاءَ ، فَمَنْ شَاءَ صَامَهُ ، وَمَنْ شَاءَ تَرَكَهُ .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Исломдан авюл, жоҳилия даврида қурайш аҳли Ашуро куни рўза тутар эрди. Жаноб Расулulloҳ Мадинага келганларидан кейин ҳам Ашуро куни рўза тутдилар, бошқаларни ҳам тутмакка буюрдилар. Рамазон ойида рўза тутмак фарз қилиниб, Жаноб Расулulloҳ Ашуро куни рўза тутмакни тарк этганларидан кейин, Ашуро куни рўза тутмак ихтиёрий бўлиб қолди».

*Ҳумайд ибн Абдурраҳмон ривоят қиладилар:* «Муовия ибн Абу Суфён ҳаж қилган йиллари Ашуро куни минбарга чиқиб: «Эй Мадина аҳли, уламоларингиз эшитиб қўйсинлар! Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ашуро куни рўза тутмак фарз қилинмаган эрса ҳам, мен рўзадирман, аммо сизларга бу ихтиёрийдир», деб айтганларини эшитганман»,— дедилар».

902 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ : قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ ، فَرَأَى الْيَهُودَ تَصُومُ يَوْمَ عَاشُورَاءَ ، فَقَالَ : ( مَا هَذَا ) . قَالُوا : يَوْمٌ صَالِحٌ ، هَذَا يَوْمٌ نَجَّى اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ مِنْ عَدُوِّهِمْ ، فَصَامَهُ مُوسَى ، قَالَ : ( فَأَنَا أَحَقُّ بِمُوسَى مِنْكُمْ ) . فَصَامَهُ وَأَمَرَ بِصِيَامِهِ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида, қарасалар, яҳудийлар Ашуро куни рўза тутишар эрканлар. Шунда, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу нечук рўзадир?» — деб сўрадилар. Яҳудийлар: «Бу яхши кундир, шу куни Мусо, Оллоҳ

таоло Баний Исроилни душманларидан халос қилгани учун рўза тутганлар»,— дейишди. Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз Мусога сизлардан кўра ҳақлироқдирмиз»,— деб шу куни ўзлари ҳам рўза тутдилар, бошқаларга ҳам рўза тутмакни амр қилдилар».

*Абу Мусо разияллоҳу анҳу:* «Яҳудийлар Ашуро кунини байрам, деб ҳисоблашар эрди. Набий саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлар ҳам шул куни рўза .тутингиз!» — деб айтдилар»,— дейдилар.

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Мен Набий саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг Ашуро кунини бошқа кунлардан ортиқ билиб ва Рамазон ойини бошқа ойлardan ортиқ билиб, рўза тутмакка қасд қилганларини кўрмаганман»,— дейдилар.

*Салама ибн Акваъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллалллоҳу алайҳи ва саллам Аслам қабиласидан бир кишига: «Кимки бугун овқат еган бўлса, куннинг қолган қисмида рўза тутсин, кимки овқат емаган бўлса, саҳаргача овқат емасин, чунки бул кун Ашуро кунидир!»—деб эълон қилмакни буюрдилар».

## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ ТАРОВИҲ КИТОБИ

### 1-боб. Рамазон кечалари туриб таровиҳ ўқимоқнинг фазилати ҳақида

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Рамазон кечасининг фазилатига ишониб ва савобидан умид қилиб (таровиҳ ўқимоққа) турган кишининг илгари қилган барча гуноҳлари мағфират қилинғайдир»,— деганлар».

*Ибн Шиҳоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам вафот қилгунларича ҳам, Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида ҳам, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу халифалик қилган дастлабки йилларда ҳам кечаси туриб таровиҳ ўқимоқ тартиби ўзгармади. «Мен, — дейдилар Абдурраҳмон ибн Абдулқориъ,— Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу бирлан бирга кечаси масжидга чиққан эрдим, ҳар ер-ҳар ерда одамлар тўп-тўп бўлишиб, ўз ҳолларича намоз ўқишар эрди. Ҳазрат Умар: «Буларнинг барчасини йиғиб, бир қорини бошлиқ қилиб қўйсам, яхши бўлур эрди»,— дедилар. Сўнг, уларга Убай ибн Каъбни бошлиқ қилиб қўйдилар. Эртасига кечаси ул киши бирлан яна масжидга чиқдим, одамлар қорига иқтидо қилиб намоз ўқишаётган эркан. Ҳазрат Умар (буни кўриб): «Қандоқ яхши бидъат (яъни, Жаноб Расулulloҳдан кейин жорий қилинган бир яхши тартиб маъносида), туннинг биринчи қисмида намоз ўқиб, сўнг ухлаб қолганларидан кўра, тун охирида туриб, намоз ўқиётганлар афзалроқдир!» — дедилар».

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон кечаси ўз масжидларига чиқиб, намоз ўқидилар»,— дейдилар.

903 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ لَيْلَةً مِنْ جُوفِ اللَّيْلِ ، فَصَلَّى فِي الْمَسْجِدِ وَصَلَّى رِجَالٌ بِصَلَاتِهِ ، فَأَصْبَحَ النَّاسُ فَتَحَدَّثُوا ، فَاجْتَمَعَ أَكْثَرُ مِنْهُمْ ، فَصَلُّوا مَعَهُ ، فَأَصْبَحَ النَّاسُ فَتَحَدَّثُوا ، فَكَثُرَ أَهْلُ الْمَسْجِدِ مِنَ اللَّيْلِ الثَّلَاثَةِ ، فَخَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَلَّى ، فَصَلُّوا بِصَلَاتِهِ ، فَلَمَّا كَانَتِ اللَّيْلَةُ الرَّابِعَةَ عَجَزَ الْمَسْجِدُ عَنْ أَهْلِهِ ، حَتَّى خَرَجَ لِصَلَاةِ الصُّبْحِ ، فَلَمَّا قَضَى الْفَجْرَ أَقْبَلَ عَلَى النَّاسِ ، فَتَشَهَّدَ ثُمَّ قَالَ : ( أَمَا بَعْدُ ، فَإِنَّهُ لَمْ يَخْفَ عَلَيَّ مَكَائِكُمْ ، وَلَكِنِّي خَشِيتُ أَنْ تُفْتَرَضَ عَلَيْكُمْ فَتَعْجِزُوا عَنْهَا ) . فَتَوَفَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالْأَمْرُ عَلَى ذَلِكَ .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон кечаларидан бирида масжидга чиқиб намоз ўқидилар. Жаноб Расулulloҳга иқтидо қилиб, одамлар ҳам намоз ўқишди. Бу дарҳол одамлар орасида овоза бўлди. Эртасига масжидга анчагина одам тўпланиб, намоз ўқишди. Учинчи кеча яна ҳам кўпроқ одам йиғилиб, Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга намоз ўқишди. Тўртинчи кеча масжидга одам сиғмай кетди. Жаноб Расулulloҳ бу гал кечаси чиқмадилар, фақат бомдод намозига чиқдилар, Бомдоддан сўнг, хутба ташаҳҳудини ўқиб бўлгач, одамларга қараб: «Мени сизларнинг кўпайиб кетганлигингиз чўчитгани йўқ, балким бул сизларга фарз бўлиб қолиб, бажара олмай қолғаймисизлар, деб қўрққайдирмен»,— дедилар. Расулulloҳ вафот қилгунларича қайта бундоқ намоз ўқилмади».

*Абу Салийма ибн Абдурраҳмон Оиша разияллоҳу анҳодан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон кечалари нечук намоз ўқир эдилар? » — деб сўрадилар. Оиша онамиз бундай дедилар: «Жаноб Расулulloҳ Рамазонда ҳам, бошқа вақтда ҳам намозни ўн бир рақъатдан оширмас эрдилар, аввал тўрт рақъат ўқир эрдилар, унинг кўркамлигию узунлигини сўрамай қўя қолингиз, сўнг яна тўрт рақъат ўқир эрдилар, унинг ҳам кўркамлигию узунлигини сўрамай қўя қолингиз, сўнг тагин уч рақъат ўқир эрдилар. (Кейин ўринларига ётардилар). Шунда мен: «Ё Расулulloҳ, витр ўқимасдан ухлайдирсизми?» — дер эрдим. Ул киши: «Эй Оиша, иккала кўзим ухлағайдир-у, қалбим ухламас»,— деб жавоб қилар йрдилар».

## **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

### **2-боб. Лайлат ул-Қадрнинг фазилати қақида**

Оллоҳ таоло бундай дейдир: «Биз ушбу Қуръонни Қадр Кечаси нозил қилдик. Лайлат ул-Қадр деганда, нени тушунғайсен ва Лайлат ул-Қадр ўзи недир? Лайлат ул-Қадр минг ойдан ҳам яхшироқдир. Ўшал кеча парвардигорлари ҳукми ила фаришталар ва Жаброил тушғайдирлар, ул кеча тонг отгунча омонлиқ кечаси бўлғайдир».

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Рамазоннинг фарз эканлиғига ишониб, унга ихлос қилиб ва унинг савобидан умид айлаб, рўза тутғайдир, илгариги қилган гуноҳларининг барчаси кечирилғайдир, ва шунингдек, кимки Қадр Кечасини, унинг улуғлиғига инониб, унга ихлос қилиб ва ундан савоб умид айлаб, бедор ўтказғайдир ҳам, илгари қилган гуноҳларининг барчаси кечирилғайдир»,— деганлар».

### **3-боб. Лайлат ул-Қадрни Рамазоннинг охирги ўн кунлигининг еттисида кутингиз!**

904 . عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ رَجُلًا مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أُرُوا لَيْلَةَ الْقَدْرِ فِي الْمَنَامِ فِي السَّبْعِ الْأَوَاخِرِ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَرَى رُؤْيَاكُمْ قَدْ تَوَاطَأَتْ فِي السَّبْعِ الْأَوَاخِرِ ، فَمَنْ كَانَ مُتَحَرِّبَهَا فَلْيَتَحَرَّهَا فِي السَّبْعِ الْأَوَاخِرِ )

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир қанча саҳобалари Лайлат ул-Қадрнинг Рамазоннинг охирги ўн кунлигининг еттисида бўлмоғини тушларида кўришган эркан. Шунда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларнинг тушларингиз Лайлат ул-Қадр Рамазоннинг охирги ўн кунлигининг еттисинда эрканлиғига мувофиқ келғайдир, деб ўйлармен. Кимки Лайлат ул-Қадрни кутмоқчи эрса, Рамазоннинг охирги ўн

кунлигининг еттисинда кутсин!» — дедилар».

905 . عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ :

اعْتَكَفْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعَشْرَ الْأَوْسَطَ مِنْ رَمَضَانَ ، فَخَرَجَ صَبِيحَةَ عِشْرِينَ فَخَطَبَنَا وَقَالَ : ( إِنِّي أُرَيْتُ لَيْلَةَ الْقَدْرِ ، ثُمَّ أَنْسَيْتُهَا ، أَوْ نَسَيْتُهَا ، فَالْتَمِسُوهَا فِي الْعَشْرِ الْأَوَّخِرِ فِي الْوَيْثِرِ ، وَإِنِّي رَأَيْتُ أَنِّي أَسْجُدُ فِي مَاءٍ وَطِينٍ ، فَمَنْ كَانَ اعْتَكَفَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلْيَرْجِعْ ) . فَرَجَعْنَا وَمَا نَرَى فِي السَّمَاءِ قَرَعَةً ، فَجَاءَتْ سَحَابَةٌ فَمَطَرَتْ حَتَّى سَالَ سَقْفُ الْمَسْجِدِ ، وَكَانَ مِنْ جَرِيدِ النَّخْلِ ، وَأُقِيمَتِ الصَّلَاةُ ، فَرَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْجُدُ فِي الْمَاءِ وَالطِّينِ ، حَتَّى رَأَيْتُ أَثَرَ الطِّينِ فِي جَبْهَتِهِ .

*Абу Саъид ривоят қиладирлар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Рамазоннинг иккинчи ўн кунлигида эътикофга ўтирдик. Жаноб Расулulloҳ Рамазоннинг йигирманчи куни эрталаб чиқиб, бизга ваъз қилдилар, сўнт: «Тушимда менга Лайлат ул-Қадр аниқ кўрсатилди, аммо унинг қайси кун бўлмоғи ёдимдан чиқиб қолди. Уни Рамазоннинг охириги ўн кунлигининг тоқ кунларида кутингиз! Мен тушимда лой жойда сажда қилаётган эрмишман, энди кимки пайгамбар бирлан эътикофга ўтирган эрса, уйига қайтсин!» — дедилар. Биз уйимизга йўл олдик. Осмонда ҳеч қандай булут йўқ эрди. Иттифоқо, бир булут пайдо бўлиб, шундоқ ёмғир ёғдиким, ҳатто масжиднинг томи оқиб тушди, чунки масжиднинг томига хурмо шохлари ёпилган эрди. Сўнг, бомдодга такбир айтилди. Шунда, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг лой жойда сажда қилаётганларини, ҳатто пешоналарига лой текканини кўрдим».

#### **4-боб. Лайлат ул-Қадрни Рамазоннинг охириги ўн кунлигининг тоқ кунларида кутмоқ лозим**

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Лайлат ул-Қадрни Рамазоннинг охириги ўн кунлигининг тоқ кунлари кутингиз, деб айтибдирлар»,— дейдилар.

*Абу Саъид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ойининг иккинчи ўн кунлигида эътикофга ўтириб, йигирманчи кечани ўтказгач, эътикофни тугатар эрдилар. Кейин, йигирма биринчи кечани ўтказиб, яна эътикофга ўтирар эрдилар, бошқалар ҳам қайтиб бирга эътикоф қилишар эрди. Жаноб Расулulloҳ Рамазон ойида одатдагидек эътикофга ўтирдилар. Йигирманчи кечани ўтказгач, ташқарига чиқдилар-да, одамларга таъз айтдилар, сўнг уларга бир қанча юмушларни буюриб: «Бу ўн кунликда эътикоф қилдим, аммо менга охириги ўн кунликда ҳам эътикоф қилмоқ лозимлиги аён бўлди, кимки Рамазоннинг иккинчи ўн кунлигида эътикоф қилган эрса, эътикофни давом эттирсин! Тушимда менга Лайлат ул-Қадр (кечаси) бўладирган кун аниқ тайинланди, бироқ ул ёдимдан чиқиб қолди. Энди, уни Рамазоннинг охириги ўн кунлигининг тоқ кунларида кутингиз! Мен тушимда лой ерга сажда қилаётган эрканман»,— дедилар. Шул кеча ёмғир ёғди, масжид томидан Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқийдирган ерларига чакка ўтиб, лой бўлиб кетди. Кейин, Рамазоннинг йигирма биринчи кечаси Жаноб Расулulloҳнинг бомдод ўқиб қайтаётганларида муборак юзларига лой текканини кўрдим».

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қадр Кечасини кутингиз!» деб айтдилар»,— дейдилар.

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг охириги ўн кунлигида эътикофга ўтирардилар ва «Лайлат ул-Қадрни Рамазоннинг

охирги ўн кунлигида кутингиз!» — дер эрдилар», — дейдилар.

906 . عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : التَّمَسُّوْهَا فِي الْعَشْرِ الْوَاخِرِ مِنْ رَمَضَانَ ، لَيْلَةَ الْقَدْرِ ، فِي تَاسِعَةِ تَبَقَى ، فِي سَابِعَةِ تَبَقَى ، فِي خَامِسَةِ تَبَقَى .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Лайлат ул-Қадрни Рамазоннинг охирги ўн кунлигида, рўзанинг тўққиз куни қолганда ёким етти куни қолганда ёҳуд беш куни қолганда кутингиз!» — дер эрдилар», — дейдилар.

907 . وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي رِوَايَةٍ ، قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( هِيَ فِي الْعَشْرِ هِيَ فِي تِسْعِ مَضِينَ ، أَوْ فِي سَبْعِ يَمِينٍ ) . يَعْنِي لَيْلَةَ الْقَدْرِ .

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Лайлат ул-Қадр охирги ўн кунлигида — йигирма тўққизда, йигирма еттида бўлғайдир», — дедилар», — дейдилар. Ибн Аббос разияллоҳу анҳу «Лайлат ул-Қадрни тўртинчи кеча кутингиз!» деган ҳадисни ҳам айтганлар.

### **5-боб. Лайлат ул-Қадр тайин қилинган куннинг, кишилар жанжаллашиб қолганлиги сабабли, ёддан кўтарилганлиги ҳақида**

*Убода ибн ас-Сомий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Лайлат ул-Қадр қайси куни бўлмоғини хабар қилмоқ учун чиқдилар. Йўлда икки мусулмоннинг жанжаллашаётганини кўриб, ўшал кун ёдларидан чиқиб қолди. Жаноб Расулulloҳ саҳобаларга: «Мен сизларга Лайлат ул-Қадр бўладирган кунни хабар қилмоқчи бўлиб чиққан эрдим, бироқ йўлда фалончи бирлан пистончининг жанжаллашаётганини кўриб, ёдимдан кўтарилиб кетди, Қадр Кечасини Рамазоннинг йигирма тўққиз ёким йигирма етти ёки йигирма бешинчи кунларида кутингиз!» — дедилар».

### **6-боб. Рамазоннинг охирги ўн кунлигида ибодат қилмоққа қаттиқ киришмоқ лозимлиги ҳақида**

908 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ الْعَشْرُ ، شَدَّ مِئْزَرَهُ ، وَأَخْيَا لَيْلَهُ ، وَأَبْقَطَ أَهْلَهُ .

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг охирги ўн кунлиги келса, аҳллари ила алоқа қилмоқдан узоқлашар эрдилар, кечалари ухламас эрдилар ва уйдагиларни ҳам ибодат қилмоққа уйғотар эрдилар», — дейдилар.

## **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ**

### **7-боб. Эътикоф ҳақидаги боблар**

Рамазоннинг охирги ўн кунлигида эътикоф қилинадир. Ҳамма масжидларда ҳам эътикоф қилмоқ мумкин. Оллоҳ таолонинг қўйидаги каломи бунга далил: «Масжидларда эътикофда ўтирган кунларингизда аёлларга яқинлик қилмангиз! Бу Оллоҳ белгилаган чегаралардир. Бинобарин, аларга яқинлик қилмангиз! Шул тариқа Оллоҳ таоло ўз ҳукмларини бандаларига тушунтирғайдир, шояд улар Оллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтсалар!»

*Абдуллоҳ ибн Умар:* «Расулulloҳ Рамазоннинг охирги ўн кунлигида эътикофга ўтирар эрдилар», — дейдилар.

909 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ، زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَعْتَكِفُ الْعَشْرَ

الأَوَّاحِرَ مِنْ رَمَضَانَ حَتَّى تَوَفَّاهُ اللَّهُ ، ثُمَّ اعْتَكَفَ أَرْوَاحَهُ مِنْ بَعْدِهِ .

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам то Оллоҳ таоло омонатини олгунча Рамазоннинг охирги ўн кунлигида эътикофга ўтирмакни канда қилмадилар. Жанобдан сўнг, ул кишининг аёллари ҳам шундоқ эътикоф қилишадиган бўлди»,— дейдилар.

*Абу Саъид Ҳудрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қайси бир йили Рамазоннинг иккинчи ўн кунлигида эътикофга ўтирдилар. Йигирманчи куни эрталаб эътикофни тугатиб, ташқарига чиқдилар-да, бундай дедилар: «Кимки мен бирлан бирга эътикоф қилган бўлса, охирги ўн кунликда ҳам эътикофни давом эттирсин! Шул кеча менга Лайлат ул-Қадр ўтадиган кун тайин қилинган эди, аммо ёдимдан кўтарилибдир. Тушимда лой ерда сажда қилаётган эрмишман, Лайлат ул-Қадрни охирги ўн кунликнинг тоқ кунларида кутингиз!» Шу кечаси ёмғир ёғди. Масжид томи хурмо шохлари бирлан ёпилган эрди, ёмғир ўтиб кетди. Расулulloҳнинг пешоналарига лой текканини йигирма биринчи куни эрталаб ўз кўзим бирлан кўрдим».

### **8-боб. Ҳайз кўрган хотин эътикофда ўтирмак эрининг сочини тараши мумкин**

910 . وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : وَإِنْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِيَدْخُلَ عَلَيَّ رَأْسَهُ ، وَهُوَ فِي الْمَسْجِدِ فَأَرْجُلُهُ ، وَكَانَ لَا يَدْخُلُ الْبَيْتَ إِلَّا لِحَاجَةٍ إِذَا كَانَ مُعْتَكِفًا .

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда эътикофда ўтирган кунлари муборак бошларини дарчадан чиқарар эрдилар, мен Ҳайз кўрган бўлсам ҳам, сочларини тараб кўярдим»,— дейдилар.

### **9-боб. Эътикофда ўтирган киши уйга жуда зарур бўлганда кирадир**

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжиддан чиқмай бошларини дарчадан чиқарар эрдилар, мен сочларини тараб кўярдим. Эътикофда бўлсалар, уйга ҳеч кирмас эрдилар, фақат зарур бўлсагина кирар эрдилар»,— дейдилар.

### **10-боб. Эътикофда ўтирган кишининг ювинмоғи ҳақида**

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳайз кўрган бўлсам ҳам мени қучоқлар эрдилар. Эътикофда ўтирган кунлари бошларини дарчадан чиқарар эрдилар, мен Ҳайз кўрган бўлсам ҳам ювиб кўярдим»,— дейдилар.

### **11-боб. Кечаси эътикофда ўтирмак ҳақида**

911 . عَنْ ابْنِ عَمْرِو بْنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا : أَنَّ عُمَرَ سَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : كُنْتُ نَذَرْتُ فِي الْجَاهِلِيَّةِ أَنْ اعْتَكِفَ لَيْلَةً فِي الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ ؟ قَالَ : ( فَأَوْفِ بِنَذْرِكَ ) .

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* «Ҳазрат Умар Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Мен жоҳилия даврида бир кеча Масжид ул-Ҳаромда эътикоф қилурмен, деб ният айлаган эрдим»,— дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ниятингга вафо қилғил!»—дедилар».

### **12-боб. Аёлларнинг эътикофда ўтирмак ҳақида**

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг охирги ўн кунлигида эътикофда ўтирар эрдилар. Жаноб Расулulloҳ менинг учун масжид саҳнида чодир тутиб берган эрдилар, бомдоддан сўнг олдимга кирардилар. Жаноб Расулulloҳнинг бошқа заифалари — Ҳафса мендан

ўзига чодир тутиб олмоққа рухсат сўраб эрди, рухсат бердим, чодир тутиб олди. Буни кўрган Зайнаб бинти Жаҳш (Расулulloҳнинг хотинларидан бири) ҳам ўзига чодир қуриб олди. Эртасига эрталаб Жаноб Расулulloҳ чодирларни кўриб: «Бу несидир?»— дедилар. «Хотинларингизнинг чодирини»,— дейишди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улар яхши иш қилишибдир, деб ўйлайсизларми?»— дедилар. Шундан сўнг, Жаноб Расулulloҳ ўша ойдаги эътикофни тарк этдилар. Бунинг эвазига Шаввол ойида ўн кун эътикоф қилдилар».

### 13-боб. Масжидга чодир тикмоқ ҳақида

912 . عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا : أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرَادَ أَنْ يَعْتَكِفَ ، فَلَمَّا انْصَرَفَ إِلَى الْمَكَانِ الَّذِي أَرَادَ أَنْ يَعْتَكِفَ ، إِذَا أُخْبِيَةٌ : حِبَاءُ عَائِشَةَ ، وَحِبَاءُ حَفْصَةَ ، وَحِبَاءُ زَيْنَبَ ، فَقَالَ : ( أَلَيْسَ تَقُولُونَ بِهِنَّ ) . ثُمَّ انْصَرَفَ فَلَمْ يَعْتَكِفْ حَتَّى اعْتَكَفَ عَشْرًا مِنْ شَوَّالٍ .

*Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:* Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам эътикоф қилмоқ ниятида масжидга чиқиб эрдилар, мен, Ҳафса ва Зайнабнинг чодирларимизни кўриб қолдилар. Шунда: «Булар яхши иш қилишибдир, деб ўйлайсизларми?»— дедилар-да, эътикофга ўтирмай, чиқиб кетдилар. Кейин, Шаввол ойида ўн кун эътикоф қилдилар».

### 14-боб. Эътикофда ўтирган киши бирор ҳожат бирлан масжид эшиги олдигача борадирми?

913 . عَنْ صَفِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ، زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَنَّهَا جَاءَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَزُورُهُ فِي اعْتِكَافِهِ فِي الْمَسْجِدِ ، فِي الْعَشْرِ الْآخِرِ مِنْ رَمَضَانَ ، فَتَحَدَّثَتْ عِنْدَهُ سَاعَةً ، ثُمَّ قَامَتْ تَنْقَلِبُ ، فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَهَا يَقْدُمُهَا ، حَتَّى إِذَا بَلَغَتْ بَابَ الْمَسْجِدِ عِنْدَ بَابِ أُمِّ سَلَمَةَ ، مَرَّ رَجُلَانِ مِنَ الْأَنْصَارِ فَسَلَّمَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقَالَ لَهُمَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( عَلَى رِسْلِكُمَا ، إِنَّمَا هِيَ صَفِيَّةُ بِنْتُ حُيَيٍّ ) . فَقَالَا : سُبْحَانَ اللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ ، وَكَبَّرَ عَلَيْهِمَا ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( إِنَّ الشَّيْطَانَ يَبْلُغُ مِنَ الْإِنْسَانِ مَبْلَغَ الدَّمِ ، وَإِنِّي خَشِيتُ أَنْ يَقْدِفَ فِي قُلُوبِكُمَا شَيْئًا ) .

*Сафиййа разияллоҳу анҳо:* «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Рамазоннинг охириги ўн кунлигида масжидда эътикофда ўтирганларида кўргани бордим»,— дейдилар. Кейин, Сафиййа Жаноб Расулulloҳ ҳузурларида бир оз суҳбатлашиб ўтирганларидан сўнг қайтиш учун ўринларидан турибдилар, Жаноб Расулulloҳ ҳам ул киши бирлан бирга туриб, масжиднинг эшиги олдигача бирга борибдилар. Шунда, ансорлардан икки киши ўтиб кетаётиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга салом беришибди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Шошмангиз, бул Сафиййа бинти Ҳувай (яъни, «Кўнглингизга бир нарса келмасин, бу — менинг хотиним» демоқчилар)»,— дебдилар. Бояги икки кишига бу гап оғир ботиб: «Субҳоналлоҳ»,— дейишибди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шайтон инсоннинг қон томирларида юриб, васваса қилғайдир, шул боисдан сизларни ҳам шайтон васваса қилиб, хаёлингизга бўлмағур фикрни келтирмадимикан, деб хавотир олдим»,— дебдилар.

### 15-боб. Эътикофда ўтирмоқ ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йигирма кун бўлди, деганда эътикофни тугатиб, ташқарига чиқишлари ҳақида

*Абу Салома ибн Абдурраҳмон Абу Саъид Худрийдан:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Лайлат ул-Қадр тўғрисида гапирганларини эшитганмисиз?»—



деб сўрадилар. Ул киши: «Ҳа»,— дедилар-да, қуйидагиларни ривоят қилиб бердилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Рамазоннинг иккинчи ўн кунлигидэ эътикофга ўтирдик, йигирма кун бўлди, деганда эрталаб эътикофни тугатиб чиқдик. Шунда, Жаноб Расулulloҳ бизга ваъз айтдилар-да: «Лайлат ул-Қадр куни менга тайин қилиниб эрди, аммо ул ёдимдан кўтарилиб қолди. Уни Рамазон ойининг охириги ўн кунлигида, тоқ кунларда кутингиз. Тушимда мен лой ерда сажда қилаётган эрмишман. Кимки мен бирлан бирга эътикоф қилган бўлса, масжидга қайтсин!»— дедилар. Одамлар масжидга қайтиб киришди. Шу пайтда осмонда бир парча ҳам булут йўқ эрди, бирдан қаердандир булут пайдо бўлиб, ёмғир ёғди. Сўнг, бомдодга такбир айтилди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам лой ерда сажда қилдилар, ҳаттоки мен Жаноб Расулulloҳнинг муборак пешоналари ва бурунларига лой текканини кўрдим».

### **16-боб. Мустаҳозанинг (ичидан муттасил қон кетадирган аёлнинг) эътикоф килмоғи ҳақида**

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга хотинларидан бири мустаҳоза ҳолида эътикофга ўтирди. Унинг ичидан қизил ва сариқ суюқлик келиб турарди, биз остига тоғора қўйиб қўйгандик»,— дейдилар.

### **17-боб. Аёлнинг эътикофда ўтирган эрини кўргани бормоғи ҳақида**

*Али ибн Ҳусайн ривоят қиладилар:* «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам масжидда (эътикофда) эрдилар. Ул кишини кўргани келган) аёллари уйларига қайтмоқчи бўлиб, ўрнидан кўзгалди. Шунда, Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Сафиййага: «Шошмағил, кузатиб қўйғаймен!» — дедилар. Сафиййанинг уйи Усоманинг ҳовлисида эрди. Жаноб Расулulloҳ Сафиййа бирлан бирга чиқдилар. Иттифоқо, икки ансорий йўлиқиб, Жаноб Расулulloҳга бир нигоҳ ташлашди-да, йўлда давом этишди. Жаноб Расулulloҳ уларни чақириб: «Бу — Сафиййа бинти Ҳуяй (яъни, «Бу — менинг хотиним» демоқчилар)»,— дедилар. Улар таажжубланиб: «Субҳоналлоҳ, ё Расулulloҳ!»— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Шайтон инсоннинг қон томирларида юрғайдир, шул боисдан шайтон васваса қилиб, ёмон хаёлга бормангиз, деб хавотир олдим»,— дедилар».

### **18-боб. Эътикофда ўтирган киши шубҳани ўзидан соқит қиладирми?**

*Али ибн Ҳусайн ривоят қиладилар:* «Сафиййа разияллоҳу анҳо Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам эътикофда ўтирганларида ҳузурларига келдилар, сўнг қайтишларида Жаноб Расулulloҳ ҳам биргалашиб йўлга тушдилар. Йўлда ансорлардан бири уларни кўрди. Жаноб Расулulloҳ ансорни чақириб: «Бу — Сафиййа (яъни, менинг хотиним), тагин хаёлингга ҳар хил фикр келиб юрмасин, чунким шайтон одам боласининг қон томирларида юрғайдир»,— дедилар».

Зухрий Суфъндан: «Сафиййа кечаси келганмиди?»—деб сўраганларйда, ул киши: «Ҳа, кечаси»,— деб жавоб берган эрканлар.

### **19-боб. Эрталаб эътикофни тугатиб чиқса...**

*Абу Саъид Худрий ривоят қиладилар:* «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Рамазоннинг иккинчи ўн кунлигида эътикофга ўтирдик. Йигирманчи куни эрталаб нарсаларимизни кўтариб, Расулulloҳнинг ҳузурларига келдик. Шунда, Жаноб Расулulloҳ: «Кимки мен бирлан бирга эътикоф қилган бўлса, яна жойига қайтсин (эътикофни давом эттирсин), чунким шул кеча менга Лайлат ул-Қадр ўтадирган кун аён қилинди. Тушимда мен лой ерда сажда қилаётган эрмишман»,— дедилар. Жаноб Расулulloҳ жойларига қайтдилар ҳамки, ёмғир ёға

бошлади, Оллоҳга қасам ичиб айтурменким, ўшал кун кечгача ёмғир ёғиб, шохшабба ташланган масжид тоmidан чакка ўтиб кетди. Кейин, мен Жаноб Расулulloҳ (сажда қилаётганларида) бурунларига лой текканини кўрдим».

### 20-боб. Шаввол ойида эътикофга ўтирмақ ҳақида

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар Рамазонда эътикофга ўтирар эрдилар. Бомдод вақти бўлгач, туриб намоз ўқирдиларда, яна қайтиб эътикофга ўтирардилар»,— дейдилар. Оиша онамиз Жаноб Расулulloҳдан эътикофга ўтирмаққа рухсат сўраганларида, унга ижозат бердилар. Шунда, Оиша разияллоҳу анҳо ўзларига чодир қуриб олдилар. Буни эшитиб, Ҳафса ҳам ўзларига чодир қуриб олдилар. Кейин, Зайнаб ҳам эшитиб, чодир қуриб олдилар.. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдоддан сўйг келиб, тўртта чодир турганини кўриб, . «Бу несидир?»—дедилар. Жаноб Расулulloҳга чодирлар аёллариники эканлигини айтишди. Жаноб Расулulloҳ: «Не сабабдан бундоқ қилишди, яхши ниятдами? Олиб ташлангиз, мен иккинчи кўрмайин!»—деганларидан сўнг, чодирларни олиб ташлашди. Шундан кейин, Жаноб Расулulloҳ Рамазон ойидаги эътикофларини тўхтатиб, Шаввол ойининг охиригача ўн кунлигида уни давом эттирдилар».

### 21-боб. Эътикофда ўтирган киши рўза тутмаса ҳам бўладир

*Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳо:* «Ё Расулulloҳ, мен жоҳилия даврида, Масжид ул-Ҳаромда бир кеча эътикоф қилғаймен, деб аҳд этган эрдим»,— дедилар. Шунда, Жаноб Расулulloҳ: «Аҳдингга вафо қилғил!»—дедилар (бирок рўза тутмак, ҳақида индамадилар). Кейин, Ҳазрат Умар бир кеча эътикофга ўтирдилар».

### 22-боб. Жоҳилия даврида эътикоф қилишга аҳд қилиб, сўнг мусулмон бўлса...

*Ибн Умар ривоят қиладилар:* «Жоҳилия даврида Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳо Масжид ул-Ҳаромда (назаримда, бир кеча) эътикофга ўтирмаққа аҳд қилган эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишига: «Аҳдингга вафо қилғил!»—деб айтдилар».

### 23-боб. Рамазоннинг иккинчи ўн кунлигида эътикофга ўтирмақ ҳақида

914 . عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعْتَكِفُ فِي كُلِّ رَمَضَانَ عَشْرَةَ أَيَّامٍ ، فَلَمَّا كَانَ الْعَامَ الَّذِي قُبِضَ فِيهِ اعْتَكَفَ عَشْرِينَ يَوْمًا .

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳо:* «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар Рамазонда ўн кун эътикофга ўтирар эрдилар. Вафот қиладирган йиллари эрса, йигирма кун эътикоф қилдилар»,— дейдилар.

### 24-боб. Эътикофга ўтирган киши эътикофни тўхтатмақчи бўлса...

*Оиша разияллоҳу анҳо:* «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг охиригача ўн кунлигида эътикофга ўтирмайман, деб одамларга айтдилар»,— дейдилар.

Ўшанда Оиша ҳам эътикофга ўтирмакка Жанобдан рухсат сўрадилар, ул киши ижозат бердилар. Ҳафса Оишага: ' «Менга ҳам рухсат сўраб берингиз»,— дедилар. Оиша ул кишига рухсат сўраб бердилар. Буни кўрган Зайнаб ҳам ўзларига масжиддан эътикоф учун жой тайёрладилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиганларидан сўнг, эътикофда ўтирадирган жойларига қайтганларида, ул ердаги эътикофга тайёрлаб қўйилган жойларни кўриб: «Бу несидир?»—дедилар. «Оиша, Ҳафса ва Зайнабнинг жойлари»,— деб айтишди. Жаноб Расулulloҳ: «Яхши иш

қилишмабдир, мен эътикофимни тўхтатгаймен»,— деб рўзаларини буздилар. Кейин, Шаввол ойида ўн кун эътикоф қилдилар».

**25-боб. Эътикофдаги киши ювдирмоқ учун бошини дарчадан чиқарадир**

*Оиша разияллоҳу анҳо:* Жаноб Расулуллоҳнинг муборак бошларини, эътикофда бўлганларида ҳайз кўрганлигимга қарамай, ювиб-тараб қўярдим»,— дейдилар. Жаноб Расулуллоҳ масжидда туриб, дарчадан бошларини чиқарар эрдилар. Оиша онамиз ҳужраларида туриб, муборак бошларини ювиб-тараб қўярдилар.